84(7АҚШ)
М60

Маргарет Митчелл

I ШАМОЛЛАРДА ҚОЛГАН ҲИСЛАРИМ

84 (7АҚШ)
М 60

Маргарет Митчелл

ШАМОЛЛАРДА ҚОЛГАН ҲИСЛАРИМ

Биринчи китоб

Роман

4

Nizomiy nomli
T D P U
kutubxonasi

У-8900/3

«PRAVO-PRESS» нашриёти
ТОШКЕНТ–2020

УЎК 821.111(73)-31
КБК 84(7АҚШ)
М 60

Рус тилидан
Роҳила Ахтамова
таржимаси

Митчелл, Маргарет.
Шамолларда қолган ҳисларим [Матн]: роман / М.Митчелл. – Тошкент: Pravo-press, 2020. – 844 б.

Дунёга машҳур “Шамолларда қолган ҳисларим” бадиий фильми ўзбек телетомошабинлари юрагидан чуқур жой олган. Бундан бир неча йил олдин таржимон Роҳила Ахтамова томонидан ушбу романнинг мантикий давоми бўлган “Скарлетт” ўзбек китобхонларига тақдим этилган эди. Мана, ўқувчилар талабига кўра “Шамолларда қолган ҳисларим” романи ҳам илк бор ўзбек тилида чоп этилмоқди. У нафақат дурдона фильм, балки дурдона асар сифатида ҳам меҳрингизни қозонишига, китоб жавонингиз ва юрагингиз тўридан жой олишига ишонамиз, азиз китобхон!

УЎК 821.111(73)-31
КБК 84(7АҚШ)

ISBN 978-9943-6336-4-3 © «Pravo-press» нашриёти, 2020

Маргарет Митчелл – дурдона асар яратган аёл

“Шамолларда қолган ҳисларим” романи асосида яратилган бадиий фильм – жаҳон санъати дурдонаси – ҳозиргача энг кассабоп кинокартиналардан бири саналади. Даромад келтириши бўйича ундан фақат “Титаник” фильмигина ўза олган. Аммо фильмнинг 1939 йили экранларга чиққани ва ҳалигача муваффақият қозониб келаётгани ҳисобга олинса, шубҳасиз, “Шамолларда қолган ҳисларим” – “афсонавий фильм” деб аталишга лойиқдир.

1993 йили “Шамолларда қолган ҳисларим” китобининг мантиқий давоми бўлган “Скарлетт” романи асосида мини-сериал суратга олинди ва у ҳам “Шамолларда қолган ҳисларим” фильми каби телеэкранлар қаршисига миллионлаб томошабинларни жамлади.

Бироқ агар америкалик адиба Маргарет Митчелл томонидан “Шамолларда қолган ҳисларим” романи яратилмаганида, бутун бир даврни кўрсатиб берадиган кинодурдона ҳам бўлмаслигини унутмаслик керак. Бу китоб америка, нафақат америка, балки жаҳон адабиёти тарихидаги энг машҳур асарлардан бири саналади. Жаҳон адабиётидаги ўрни ва аҳамияти жиҳатидан “Шамолларда қолган ҳисларим” романи Л.Н.Толстойнинг “Уруш ва тинчлик” романига тенглаштирилади. Бу асар АҚШда жуда кўп маротаба нашр қилинган (фақат дастлабки уч йил ичида қирқ саккиз марта). Россияда китоб илк бор 80-йилларнинг охирларида

чоп этилди, қайта нашрлари эса ҳозирги кунгача давом этяпти. Агар Маргаретт Митчелл ҳаёт бўлганида бу асарига китобхонларнинг муҳаббати саксон йилдан ортиқ вақт мобайнида сўнмай келаётганидан ҳайратланган бўларди.

...Аммо Маргарет Митчеллнинг тақдири ўзгача кечди. Битта, аммо ҳақиқий бестселлер даражасига кўтарилган китобнинг муаллифи сифатида тарихда қолган бу аёл атиги 48 йил умр кўрди.

Маргарет Митчелл 1900 йилнинг ноябрь ойида, романда тасвирланган кўплаб воқеалар содир бўлган Атланта шаҳрида дунёга келди. Бу шаҳарни "Америка Жанубининг юраги" деб аташади. Маргаретнинг отаси Юджин – адвокат, ойиси Мейбл – Атлантанинг илк лидиларидан бири, турли хайрия жамиятларининг аъзоси, аёлларнинг эркаклар билан тенг ҳуқуқли бўлиши учун курашган хотин-қизлар ҳаракати – феминизмнинг илк тарафдорларидан эди. Маргарет (оилада уни Пегги деб чақиришарди) ойисидан ғайрат-шижоат ва сариқ сочларни мерос қилиб олганди. Эҳтимол, сариқ сочли қизлар – ўт-оловли хилқат, дейишлари бежиз эмасдир. Маргарет уч ёшлигидаёқ акасининг ўз мустангида сайр қилиб юрганини томоша қилишни яхши кўрарди. Бир куни акасини айвонда кузатиб ўтирган Пегги жуда совқотиб қолади ва уйга югуриб кириб, олов ёниб турган иситгичнинг панжараси устига чиқиб олади... Қизчанинг этаклари куя бошлайди. Баданининг бир неча жойи куйгани боис Пегги ўғил болаларга ўхшаб шим кийишига тўғри келади. Жароҳатлари битганидан сўнг ҳам у, имкон туғилди дегунча, шим кийиб олар – ўзини эркин ҳис қилиш унга ёқиб қолган, шимда югуриб юриш, от миниш, девор ошиш, дарахтларга чирмашиб чиқиш қулай эди-да. Кўйлакда бундай машғулотларни бажариш қийин, албатта.

Аввалига Маргаретт мактабда ўқишни истамади, чунки математика билан шуғулланиш унга мутлақо

ёқмади. Фақат ойиси Мейблнинг: "Олган билиминг ва ўз қўлларинг билан бажарган ишингдан, ўрганган ҳунарингдан бўлак ҳеч нарса келажакда сен учун бирор аҳамиятга эга бўлмайди", дея жиддий уқдиришларигина Маргаретни ўқишни давом эттиришга ундайди. Мейбл Митчелл аёл киши учун маълумотли бўлиш қанчалик муҳимлигини яхши тушунар (ўзи Канададаги энг кучли коллежлардан бирини тамомлаган эди) ва қизини бунга ишонтира олганди. Тўғри, Пегги бу ерда ҳам ўз феъл-атворини намоён этди: ойиси ўқишга мажбурлаган Диккенс, Шекспир, Ницше асарлари ўрнига ишқ-муҳаббат ҳақидаги савияси паст романлар ва аёллар журналларини ўқишни афзал биларди. Шунга қарамай Маргаретт тўққиз ёшидан ёза бошлади...

Маргарет ўн етти ёшга тўлганида кундалигига: агар ўғил бола бўлиб туғилганимда, албатта ҳарбий билим юртига ўқишга кирган бўлардим, деб ёзган эди. Аммо у пайтлар қизларни армияга олишмасди. Шунинг учун Маргарет касб сифатида журналистикани танлади. XX аср бошларида журналистика ҳам эркаклар касби ҳисобланарди. Лекин Маргаретт бу борада ҳам ўз феълини намоён қилди ва бир неча йил "Атлант Жорнэл" газетасида репортёр ва мухбир бўлиб ишлади. Бу нарса "Шамолларда қолган ҳисларим" романи ёзилгунига қадар Маргарет Митчелл оддий уй бекаси бўлган, деган фикрни рад этади.

Маргарет Митчелл дастлаб "ёқимтой бетартиб йигит" лақаби билан ном чиқарган Бэррен Апшоуга турмушга чиқади. Бу никоҳ бор-йўғи ўн ой давом этаади. Бэррен ичкиликбозликка, жанжал-тўполонга, сўкинишга мойил бўлиб, Маргаретни тез-тез дўппослаб турарди. Бир куни ўз жуфти ҳалолини оқсоч қиз билан кўриб қолган Маргарет ўйлаб ҳам ўтирмай ажралиш учун судга ариза беради ва 1924 йили қизлик фамилиясини қайтариб олади.

Маргаретт журналистлик фаолиятини давом эттирди ва ҳатто "Атланта Жорнэл" газетасининг "Олтин қалам" совринини олишга муваффақ бўлади.

Иккинчи марта Маргарет кўп йиллардан бери уни ёқтириб юрган Жон Маршга турмушга чиқади. Маргарет учун Жон ўзининг Вашингтондаги маоши юқори ишини ташлаб Атлантага кўчиб келади. 1925 йили улар турмуш қуришади. Бадиий ижод билан шуғулланиш учун Маргарет газетадан кетади.

"Шамолларда қолган ҳисларим" романининг яратилишига оддий бир воқеа сабаб бўлган. Ўсмирлик пайти отда сайр қилиб юрган Маргарет отни тўсиқ устидан сакраб ўтишга мажбурлаган ва отнинг устидан қулаб тушган. Оқибатда тўпиғи лат еб, махсус пойафзал кийиб юришга мажбур бўлган. Йиллар ўтиб бу жароҳат оғир асоратга олиб келади: Маргаретда артроз хасталиги аниқланади. У бир йилча юролмай қолади. Мажбуран уйда ўтириб қолгани боис зерикканидан қўлига илинган китобни ўқиб чиқарди. Айнан ўша паллада унинг миясига: ишқ-муҳаббат ва тарихий мавзуларда китоб ёзган уларни ўқигандан кўра мароқлироқ, деган фикр келади. Болалигида Маргарет бувисидан Американинг жанубий ва шимолий штатлари ўртасида бўлиб ўтган фуқаролар уруши, янки аскарлари ва жангчи-конфедератлар ҳақида жуда кўп ҳикоялар эшитганди... Ойиси унга уруш домига тортган хонадонлардаги вайроналар изини – қоп-қора мўрилар ва куйиб кулга айланган харобаларни кўрсатганди. Маргаретнинг ҳар икки томондан боболари бу урушнинг фахрийлари эдилар. Бу ҳикоялар ўз-ўзидан бўлажак роман учун хомашё вазифасини ўтайди. Қисса марказида эса, албатта, қаҳрамон қиз бўлиши лозим эди...

"XX аср америка адабиётида Скарлетт О'Харадан кўра жонлироқ характер йўқ, – дейилади асар ҳақидаги мақолалардан бирида. – Китоб муқоваси чегарасидан ҳатлаб ўтган, китобхонларни ўз тақдири учун изтироб

чекишга мажбур этиб, мамлакат бўйлаб юриш бошлаган бошқа бундай қаҳрамонни топиш амримаҳол." Скарлетт образи чиндан-да миллионлаб китобхон аёллар кўнглига яқин бўлиб қолди. Қайсар ва тантиқ, бироқ кучли ва шиддаткор, ҳар қандай вазиятдан чиқиш йўлини топишга ҳозир ва қодир, на севги-муҳаббат бобидаги омадсизликлар, на ота-онасининг ўлими, на уруш даҳшатлари иродасини буколмаган, томирида ирланд қони оқаётган (илдизи ирландларга бориб тақаладиган) зангор кўзли гўзал... Тарихий воқеалар фонида Скарлетт билан унга яқин эркаклар ўртасида юз берган мураккаб муносабатлар ҳеч кимни бефарқ қолдирмади. "У ўзи севган икки эркакнинг ҳеч бирини тушуна олмади, оқибатда ҳар иккаласидан ҳам айрилди" – романни ёза бошлаганида Маргаретт Митчелл ёзган сўнгги бобнинг етакчи ибораси ана шундай эди.

Маргарет Митчелл асарни 1926–1933 йиллар мобайнида ёзди. У босмадан чиққан саҳифаларни яшириб қўяр, ҳатто эрига ҳам кўрсатмасди. Бу иш унинг ўзига худди у "бемаъни ҳаваскорлик" билан шуғулланаётгандек бўлиб туюлар, кайфиятининг ёмонлиги қўлёзмага ҳам ўз таъсирини ўтказарди: Маргаретт романни сўнгги бобдан, ечимдан, фожиали хотимадан – Скарлетт ва Ретт Батлер муносабатларининг бузилишидан бошлагани ҳам бежиз эмас. Дарвоқе, кейинчалик Маргарет ноширларнинг роман хотимасини ўзгартириш ҳақидаги илтимосларини қатъиян рад этди – ахир, унинг ғоясига кўра асардаги жамики воқеа-ҳодисалар ана шу видолашув саҳнаси асосига қурилган эди.

Дунёдаги аёлларнинг бари доимо такрорлайдиган: "Мен бу ҳақда ҳозир ўйламайман... бу ҳақда эртага ўйлаб кўраман!" ибораси ҳам романнинг айнан шу жойида келган.

1933 йили Маргаретт Митчелл романни ёзиб тугаллайди... ва уни турли қоғозлар ва журналлар орасига бекитиб қўяди. Фақат икки йилдан сўнг, янги адабий

талантларни излаб мамлакат бўйлаб саёҳатга чиққан американинг йирик "Макмиллан" ноширлик уйи ходими Гарольд Лэтэм Атлантага келганида, дугонаси Маргаретни қўлёзмаларни унга тақдим этишга кўндирди. Ҳатто шундан кейин ҳам Маргарет қўлёзмаларни қайтариб олишга уринади, назарида, агар роман босилиб чиқса, у бутун мамлакатга шарманда бўладигандек туюларди. Гарольд Лэтэм эса бошқача фикрда эди ва у адашмаганди...

"Шамолларда қолган ҳисларим" 1936 йилнинг 30 июнида дунё юзини кўрди. "Бу китоб бошқа ҳар қандай мумтоз асардан яхшироқ ёзилган, деб қўрқаман", деган эди роман ҳақида машҳур фантаст Герберт Уэллс. Роман ҳайратланарли даражада муваффақият қозонади. Маргарет Митчелл ўзининг машҳур шахсга айланиб кетишини ҳатто хаёлига ҳам келтирмаганди. Унга китобхонлардан минглаб мактублар келар, ундан дастхат олиш учун навбатда турган одамлар қатори бир мавзедан наригача чўзилиб кетарди.

Скарлетт Вивьен Ли талқинида

Китобхонлар унинг Скарлеттини қандай қабул қилишганини кўриб, Маргарет ҳангу манг бўлиб қолди. Репортёрларнинг: мабодо бош қаҳрамонингизни ўзингиздан кўчирмаганмисиз, деган саволига Маргарет: "Скарлетт – фоҳиша, мен эса – йўқ", дея кескин жавоб қайтарар ва шундай изоҳ берарди: –Мен у ҳақда яхши гап кам айтиладиган, у қадар чиройли бўлмаган аёлни тасвирлашга ҳаракат қилдим... мисс О'Харанинг қандайдир миллий қаҳрамонга ўхшаш бир тимсолга айлангани бемаънилик ва кулгили, деб ҳисоблайман. Агар миллат ўзини бу тарзда тутадиган аёлни олқишлашга ва уни яхши кўриб қолишга мойил бўлса – бу миллатнинг маънавий ва ақлий камолотига жуда ёмон таъсир кўрсатади, деб ўйлайман!"

Шунга қарамай, роман кун сайин машҳур бўлиб борарди. Америкада чиқадиган барча газеталар – ҳеч бир истисносиз – китобни улкан адабий воқеа, деб таърифларди."Гениал ёзувчи", "ўз даврининг истеъдодли муаллифи", "буюк қобилият эгаси" – булар Маргарет Митчеллни матбуот тақдирлаган таърифларнинг ҳаммаси эмас. Чоп этилганидан кейин бир йил ўтиб "Шамолларда қолган ҳисларим" романи миллий бестселлерга айланди, яна бир йилдан сўнг Маргарет Митчелл энг нуфузли Пулитцер мукофотига сазовор бўлди.

Роман ақл бовар қилмайдиган даражада кўп нусхаларда чоп этилганига, даромад эса сезиларли даражада ортиб бораётганига қарамай Маргарет Митчелл камтарин инсонлигича қолди, у арзон кийимлар кияр, дабдабали автомобиллар ва ҳовли-жойлар сотиб олмасди. Даволанишга кўп пул сарфланарди; Маргаретнинг эри Жон Марш астма ва ошқозон ярасидан азоб чекарди; Маргаретнинг ўзи ҳам оёғи ва умуртқа поғонаси синиб, кўп азобларни бошидан кечирган эди.

Романининг бу қадар тез кўп нусхада сотилиши Маргарет Митчеллга унчалик ёқмади. У ўзи ҳақида фильм олишларини рад этди, романдаги образлардан реклама мақсадида фойдаланишларига розилик бермас, романдан мюзикл яратишларига йўл қўймасди. Аммо романни экранлаштиришга қаршилик қилмади.

Яратилажак фильм режиссёри Дэвид Сэлзник актёрларни танлаш ва сценарий ёзишга ёрдам бериши учун Маргаретни Голливудга чақирди. Бироқ Маргарет картина устида ҳамкорликда ишлашдан қатъиян бош тортди. Бу билан у Сэлзникни тамоман ҳайрон қолдирди. Бўлмаса-чи, бу оламда Голливуд берадиган шон-шуҳратни рад этадиган одам ҳам борлигини тасаввурга сиғдириш мумкинми, ахир?

Фильм сценарийсига романда тасвирланган воқеаларнинг барча тафсилотлари киритилмаганига қарамай картина томошабинлар томонидан қизғин кутиб

олинди. Бунда актёрларнинг муваффақиятли танлангани ҳам қўл келди. Ретт Батлерни "тақдирига шу роль битилган" ягона эркак Кларк Гейбл ўйнади. Скарлетт О'Хара роли эса Маргарет Митчелл тасвирлаган қаҳрамонга ҳайратомуз даражада мос тушган ёш инглиз актрисаси Вивьен Лига насиб этди: "Скарлеттнинг ёноқлари кенг, ияги хушбичим юзи беихтиёр эътиборни ўзига тортарди. Айниқса, қоп-қора киприклар билан ўралган бир оз қийиқ, зангори тиниқ кўзлари...".

Маргарет Митчелл ҳатто Лос-Анжелесда бўлиб ўтган фильм премьерасини ҳам бориб кўрмади. У Голливуднинг машҳур кишилари шарафига Атланта шаҳрида бўлиб ўтадиган фильм премьерасидан бир кун олдин шаҳар ҳокимияти томонидан уюштирилган хайрия кечасида ҳам кўринмади. 1939 йилнинг 14 декабрь куни бутун Жоржия Атлантада "Шамолларда қолган ҳисларим" фильмини суратга олиш гуруҳи, Кларк Гейбл ва Вивьен Лини кутиб олаётганга ўхшарди. Фақат 15 декабрь куни, премьера олдидан, залда Маргарет Митчелл пайдо бўлди. Бироқ, афсуски, бел оғриғи Маргаретга панд берди, у табрик сўзини айтиш учун минбарга чиқолмади. Гарчи нималар бўлаётганини яхши тушунса ҳам, кинотеатрларда томошабинлар фильмнинг, айниқса, "кучли саҳналарини" қандай олқишлашаётганини ўз кўзи билан кўриб турса ҳам, у фильмнинг бундай муваффақият қозонганига анчайин босиқлик билан қарарди.

Роман ва унинг экранлаштирилиши катта муваффақият қозонганига қарамай, роман муаллифи Маргарет Митчелл эмас, китобни унинг эри, акаси ва нашриётнинг бадиий муҳаррирлари ёзган, деган гумондорлар ҳам топилди. Маргарет Митчелл ўн йилдан ортиқ вақт давомида бундай миш-мишларни рад этиб, ноҳақ айбловларни бартараф қилиб келди. Бу айбловлар уни қаттиқ ранжитар, чунки Маргарет болалигидан ҳамма нарсадан кўра кўпроқ уни кўчирмачиликда

айблашларидан қўрқарди. Тўққиз ёшдалигида отаси унга: "Ёдингда тут, Пегги, плагиатлик – ўғриликнинг худди ўзидир!" деганди. Шу сабабдан Маргарет ўз васиятномасида вафотидан сўнг "Шамолларда қолган ҳисларим"ни бошқа ҳеч ким эмас, фақат ўзигина ёзганини исботловчи материалларни сақлаб қўйишларини тайинлаганди.

Аммо бу васиятномани ёзаётганида яқинлари Маргареттнинг илтимосини у ўйлаганидан анча олдин амалга оширишларига тўғри келиши ёзувчининг хаёлига ҳам келмаган бўлса керак... 1949 йил 11 август куни Маргарет Митчелл эри билан кинотеатрга йўл олади. Эр-хотиннинг ҳафтада бир-икки марта кинога тушиш одати бор эди. Ўша куни кечқурун Маргарет ва Жон машинани тўхташ жойида қолдириб, роман босилиб чиққанидан сўнг Атлантада энг машҳур кўчага айланган Шафтолизор кўчасидаги кинотеатрга қараб юрдилар. Йўлакка бор-йўғи бир неча қадам қолганида бехос муюлишдан жуда катта тезликда такси учиб чиқади. Айтишларича, ҳайдовчи маст бўлган ва машинани ҳеч қандай қоидага риоя қилмаган ҳолда бошқарган. Жон чап беришга улгуради, Маргарет эса улгурмайди... Жуда оғир жароҳат олган Маргаретни касалхонага олиб боришади, у беш кундан сўнг – 1949 йилнинг 16 августида оламдан ўтади.

Маргарет Митчеллни Оукленд қабристонига, ота-онаси ва акасининг қабрлари ёнига дафн этишди. Эри Жон Марш рафиқасининг ўлимидан сўнг уч йил яшади ва 1952 йили юрак хуружидан вафот этди. Бироқ Жон рафиқасининг васиятини амалга оширишга улгурди ва унинг архивидаги васиятномада ёзилганидан бошқа ҳамма нарсани йўқ қилди. Жон Марш хотинининг ёнига дафн этилди.

Фожеали ва ногаҳоний ўлим Маргарет Митчеллга янги асарлар яратишга йўл бермади. Шу боис Маргарет Митчелл жаҳон адабиёти тарихида ва инсонлар

хотирасида “Шамолларда қолган ҳисларим” романининг муаллифи сифатида мангуга қолди. Ҳеч шубҳа йўққи, бу асарни ҳали кўплаб авлодлар қўлларидан қўймай ўқийдилар, роман асосида келажакда қайта-қайта фильмлар суратга олинаверади. Маргарет Митчеллнинг ўзи роман ҳақида: “...бу аслида мутлақо оддий одамлар ҳақидаги оддийгина қисса. Унда нозик услуб ҳам, фалсафа ҳам йўқ, тасвир ҳам жуда кам, чуқур мушоҳадалар ҳам, яширин маънолар ҳам, ҳеч қандай рамз ҳам, шов-шувга сабаб бўладиган ҳеч қандай воқеа ҳам йўқ – қисқаси, бошқа романларни бестселлерга айлантирган бирор нарса йўқ”, деб ёзганди. Лекин биз биламизки, ҳеч нарса ҳеч қачон инсон қалбига ҳар биримизга жуда ўхшайдиган оддий одамлар ҳақидаги бу қиссадек яқин бўлмаган. Эҳтимол, шунинг учун ҳам “Шамолларда қолган ҳисларим” китоби ва фильми ҳар доим долзарб бўлиб қолаверади. Ҳатто кўп йиллардан сўнг ҳам улар жаҳон адабиёти ва кинематографиясининг дурдонаси, деб аталиши шубҳасиз.

Наталья Буртовая

БИРИНЧИ ҚИСМ

I боб

Скарлетт О'Хара соҳибжамол эмасди, борди-ю эркаклар, эгизак Тарлтонлар сингари, унинг жодулари асирига айланган бўлсалар, бу ҳақда ўйлаб ўтиришлари даргумон эди. Унинг чеҳрасида онаси – асли француз маҳаллий аслзода хонимнинг нафис юз бичими ҳамда отаси – шижоатли, серғайрат ирландияликнинг соғлом қиёфаси ғаройиб тарзда уйғунлашиб кетганди. Скарлеттнинг кенг ёноқли, хушбичим иякли чеҳраси кўрган кўзни қувнатарди. Айниқса, кўзлари – тим қора киприклар ўрамидаги бир оз қийиқ, оч яшил, тиниқ кўзлари жозибали эди. Магнолия гулбаргидек оппоқ манглайида – оҳ, америка Жануби аёллари шляпачалар, тўр пардачалар ортида Жоржиянинг оташ қуёши тиғидан асраб-авайлайдиган, ғурурланадиган бу шаффоф тери! – мисоли қалдирғоч қанотидек беқусур қайрилма қошлари ёноқлари устида гўё чарх уриб учаётгандай.

Айни дамда у Тарада – отасининг кенг-мўл мулкига кираверишдаги айвоннинг устунлари ортида, салқин кўланкада ака-ука Стюарт ва Брент Тарлтонлар даврасида ўтирар, бу беихтиёр ўзига тортувчи мафтункор манзара касб этганди. 1861 йил боши, апрель ойининг очиқ куни шомга оғиб борарди. Скарлеттнинг эгнидаги ўн икки ярд[1] гулдор яшил муслиндан тикилган яп-янги кўйлаги кринолин чамбараклари

[1] Ярд – ярд (Англияда 91,44 сантиметрга тенг узунлик ўлчови).

узра ҳаволаниб, яқиндагина отаси Атлантадан олиб келган пошнасиз яшил сахтиён туфличаларга қуйиб қўйгандек мос тушганди. Кўйлагининг белдан юқори қисми, ҳеч шубҳасиз, бу музофотда – штатнинг уч графлигида ҳам учрамайдиган нозик, хипча белига ва ёши ўн олтида эса-да, бўртиб, кўзга кўриниб қолган сийнасига чиппа ёпишиб турарди. Аммо текис ёйилиб тушган этаклари, қаттиқ тугилиб тўрга ўралган оддий соч турмаги ва одоб билан тиззалари устига қовуштирилган оппоқ қўлчалар алдаёлмасдилар: яшил кўзлари бесаранжом чақнаб (оҳ, бу кўзларда яширинган қайсарликни, оташ-оловни айтмайсизми!), аслзодаларга хос сиполик билан талашар ва бу хилқатнинг асл табиатини ошкор этардилар. Ундаги сиполик ойисининг мулойим оҳангдаги панд-насиҳатларию Моможоннинг қаҳрли танбеҳлари ҳосиласи эди. Кўзларни эса унга табиат инъом этганди.

Скарлеттнинг икки ёнида оромкурсиларда бепарво ястаниб, қўнжи тиззадан келадиган этиклардаги узун, чапдаст чавандозларникидай мушакдор оёқларини чалиштириб ўтирган эгизаклар кулишар, гап сотишар, қуёш нурлари баланд, нақшинкор дераза ойналаридан ўтиб юзларига урилар, кўзларини қамаштирарди. Бўйчан, қорувли, хипчабел, юзлари офтобда қорайган, сариқ сочли, ўн тўққиз ёшли, бир хил кўк куртка ва тўқ яшил чолвордаги эгизакларни, гўё икки томчи сувдек, бир-биридан ажратиб бўлмасди.

Гуллаётган бодрезакнинг қордай оппоқ шох-бутоқларидаги яшил барра япроқларида ботаётган қуёш нурлари жилваланарди. Эгизакларнинг отлари, эгаларининг қуюқ малла сочлари каби олтин тусли тўриқ тулпорлар, хиёбонга кириладиган жойда қозиқларга боғланган, жониворларнинг оёқлари остида эса Стюарт ва Брентга доимо сафарларда

ҳамроҳлик қиладиган тажанг тозилар галаси вангиллашарди. Бир оз нарида зодагонларга хос виқор билан тумшуғини оёқлари устига қўйиб каттакон холдор олачипор ит йигитларнинг уйга, кечки овқатга қайтишини сабр билан кутиб ясланиб ётарди.

Эгизаклар, отлар ва тозилар шунчаки ажралмас дўстлар эмас – уларни бундан-да мустаҳкамроқ ришталар боғлаб турарди. Улар навқирон, соғлом, чапдаст ва хушқомат, бир-бирларига бағоят муносиб – бариси хушчақчақ ва беташвиш, боз устига, йигитларнинг отлари-да қизиққон – қизиққонлиги билан хавфли ҳам, – аммо айни пайтда, ўзларини бошқара биладиганлар қўлида ювош ва итоаткор эди.

Айвонда ўтирганларнинг уччаласи ҳам катта ер эгалари сингари дориломон ҳаёт кечириш учун туғилган ва йўргакдалигидан хизматкорлар қуршовида паҳ-паҳланиб, фаровонликда тарбияланган бўлсалар-да, юзларида на қатъиятсизлик, на тантиқлик асари сезиларди. Бу йигитчаларнинг юриш-туришидан миясини зерикарли китобий ҳикматлар билан зўриқтирмаган, умрини беғубор осмон остида ўтказишга одатланган қишлоқ одамларининг ғайрати ва қатъияти кўриниб турарди. Шимолий Жоржиядаги Клейтон графлиги ҳали янги, у ердаги турмуш, Чарльстон, Саванна ва Огаста аҳолиси назарида, ҳали ўзининг айрим тўпори одатларини йўқотиб улгурмаганди. Жанубнинг нисбатан кексароқ ва сипороқ одамлари энди кўчиб келганларга паст назар билан қарар, аммо бу ерда, Жоржия шимолида, мумтоз таълим-тарбиянинг нозик жиҳатлари соҳасидаги майда нуқсонларни, қачонки бу маҳорат билан бажарилган иш қадр-қимматга эга бўлса, ҳеч ким айбга йўймасди. Миришкорлик билан пахта етиштириш, эгарда мустаҳкам ўрнашиб ўтириш, мўлжални бехато уриш, рақс оқшомларида чув тушиб қолмаслик, соҳирлик

билан хонимлар кўнглини овлай билиш ва сархуш ҳолатда ҳам жентльменлигича қолиш юксак қадрланарди.

Бу фазилатлар эгизакларга юқори даражада хос бўлиб, айни пайтда улар ўзларининг китобий билимларни ўзлаштиришдаги фавқулодда иқтидорсизлиги билан отнинг қашқасидай маълуму машҳур эди. Графликдаги бошқа хонадонларга нисбатан энг кўп пул, энг кўп от, энг кўп қул уларнинг ота-онасига тегишли эди, аммо грамматикага келганда эгизаклар камбағал қўшнилари – Жанубда "йўқсил" деб аталадиган оқ танлиларнинг аксариятидан нўноқроқ эдилар.

Айни шу сабабдан ҳам Стюарт ва Брент апрелнинг тушдан кейинги соатларини Тара айвонида бекорчилик билан ўтказишарди. Яқиндагина уларни охирги икки йилда уларга эшикни кўрсатиб қўйган тўртинчи университет – Жоржия университетидан ҳайдашган, акалари Том ва Бойд эса укаларини сиғдирмаган ўқув даргоҳида қолишни истамай, улар билан бирга уйга қайтишган эди. Стюарт ва Брент ўзларининг охирги марта университетдан ҳайдалишганини ғаройиб ҳазилдек қабул қилишди, Фейетвиллдаги ёш қизлар пансионида ўрта таълимни якунлаганидан сўнг бир йил давомида ўз ихтиёри билан қўлига китоб олмаган Скарлетт ҳам буни хийла ғаройиб воқеа деб топди.

– Мен биламан, ҳайдалганларинг сизларга на иссиғу, на совуқ, Том учун ҳам, – деди у. – Хўш, Бойдчи, у нима дейди? У олий маълумотли бўлишни жон-дилдан истаётганга ўхшайди, сизлар эса уни Виргиния, Алабама ва Жанубий Каролина университетларидан, мана энди, Жоржия университетидан ҳам маҳрум қилдиларинг. Бу кетишда у ҳеч қачон ҳеч қаерни битиролмайди.

– Қўявер, у Фейетвиллдаги судья Пармали идорасида ҳуқуқни пухта ўрганиши мумкин, – бепарво жавоб қилди Брент. – Қолаверса, бизнинг ҳайдалганимиз, аслида, ҳеч нарсани ўзгартирмайди. Семестр охиригача барибир уйга қайтишимизга тўғри келарди.

– Нега?

– Ахир уруш-ку, тентаквой! Бугун-эрта уруш бошланиши керак, бошқалар жанг қилаётган пайтда биз китоб варақлаб ўтирмаймиз-ку, тўғрими?

– Ҳеч қанақа уруш бўлмаслигини иккалангиз ҳам жуда яхши биласиз, – аччиқланиб қўл силтади Скарлетт. – Бу гаплар қуруқ сафсата. Эшли Уилкс билан отаси ўтган ҳафтадагина отамга бизнинг Вашингтондаги вакилларимиз жаноб Линкольн билан Конфедерация хусусида ҳалиги... ҳар икки томон учун мақбул битимга келишади, деб айтишди. Сирасини айтганда, янкилар биздан ўлгудай қўрқади, урушишга журъат қилолмайди.

– Нега энди уруш бўлмас экан! – дея жаҳл билан бақиришди эгизаклар гўё қабиҳ ёлғонни фош этишгандек.

– Қўйсангчи, азизам, уруш бўлиши муқаррар, – деди Стюарт. – Тўғри, янкилар биздан қўрқади, бироқ ўтган куни генерал Борегард уларни Самтер фортидан суриб чиқарганидан сўнг, жанг қилишдан ўзга чоралари қолмаяпти, бўлмаса уларни қўрқоқ деб бутун оламга овоза қилишади. Хўш, Конфедерацияга келсак...

Бироқ Скарлетт афти буришиб, бетоқатлик билан унинг гапини бўлди:

– Агар орангиздан кимдир яна бир марта "уруш" сўзини тилга олса, тамом, мен юзига эшикни тарақлатиб ёпиб, уйга кириб кетаман. Бу сўзни эшитсам, юрагим сиқилади... Яна устига устак – "Иттифоқдан ажралиб чиқиш" эмиш. Отам эртадан кечга-

Nizomiy nomli
T D P U
kutubxonasi

У-8900/3

ча урушдан гапиргани-гапирган, олдига ким келса: "Самтер форти, Штатларнинг ҳақ-ҳуқуқлари, Эйби Линкольн!" дея айюҳаннос солади, зерикканимдан дод деворгим келади! Йигитлар ҳам шу гапни чайнагани-чайнаган, тағин ўзларининг қимматбаҳо эскадронларинам эсдан чиқаришмайди. Шу йил кўкламда уюштирилган кечаларнинг ҳаммаси дилгирлик билан ўтди, чунки йигитлар бошқа нарсалар ҳақида гапиришни унутиб қўйишди. Жоржия штати Рождество айёми бошлангунга қадар ажралиб чиқишни истаб қолмаганидан жуда хурсандман, бўлмаса бутун рождество баллари расво бўларди. Агар яна бир марта "уруш" сўзини эшитсам, уйга кириб кетаман.

У гапининг устидан чиқишига шубҳа қилмаса ҳам бўлади. Чунки Скарлетт ўзи етакчи бўлмаган суҳбатларга тоқат қилолмасди. Аммо айёр қиз таҳдидини табассум билан намоён қилди – бундан кулгичлари ўйнаб кетишини у биларди – ва, гўё капалак қанотчаларини қоқаётгандек, узун қуюқ киприкларини пирпиратди. Йигитлар маҳлиё бўлиб қолишди – унга худди шу нарса керак эди-да, – ва шошиб узр сўрашди. Ҳарбий ишларга қизиқмаслиги уларнинг назарида Скарлеттнинг обрўсига заррачаям путур етказмасди. Очиғини айтганда, ҳатто бунинг акси эди. Уруш – аёлларнингмас, эркакларнинг иши. Шу боис улар Скарлеттнинг феъл-атворидаги бу хусусиятда ҳам аёлларгагина хос назокат белгисини кўришарди.

Суҳбатдошларини жонга теккан уруш мавзусидан чалғитгач, Скарлетт зўр иштиёқ билан уларнинг шахсий ишларини суриштира бошлади:

– Университетдан яна ҳайдалганингизни билганидан сўнг ойингиз нима деди?

Уч ой илгари Виргиния университетидан қувилиб уйга қайтганларида, ойилари қандай кутиб олганини эслаб йигитлар хижолат тортишди.

– Биласанми, – деди Стюарт, – ҳозирча бир нарса дейишга унинг вақти бўлмади. Ойим уйқудан турмасидан Том билан уйдан чиқиб кетгандик. Том Фонтейнларникида ўтириб қолди, биз эса бу ёққа от сурдик.

– Кеча кечқурун-чи, уйга келганларингдан сўнг, у ҳеч нима демадими?

– Кеча кечқурун омадимиз чопди. Биз етиб келишимиздан олдинроқ ўтган куни ойим Кентуккидаги ярмаркадан сотиб олган айғирни эндигина олиб келишган, ҳовлида ҳамма нарса остин-устун бўлиб кетган экан. Оҳ, Скарлетт, бу жуда ғаройиб от, отангга айт, келиб уни бир кўрсин! Жонивор йўлдаёқ отбоқарни бир ёқли қилишига сал қолибди, Жонсборо станциясида поездни кутиб туришганда ойимнинг икки хизматкорини ўласи қилиб тепкилабди. Биз кириб келган пайтда айғир отхона бўлмасини яксон қилган, ойимнинг севимли оти Земляничкани ўлдираёзган экан, ойим отхонада қўлида қанд тўла халтача билан айғирни тинчлантиришга уринар ва, айтиш жоизки, унинг бу ҳаракати бесамар эмасди. Қоратанли хизматкорлар қўрққанидан тўсинларга осилиб олиб ойимга бақрайиб қараб туришарди, ойим эса айғирга одамга гапиргандек сўз қотар, от унинг қўлидаги қанддан ерди. Ҳеч ким отларга ойимдек муомала қилолмайди-да. Шу пайт у бизни кўриб қолиб: "Ё меҳрибон эгам, яна қаёқдан пайдо бўлдиларинг? Булар бола эмас, бало!", деди. Айғир эса пишқириб тепина бошлади, ойим бақириб берди: "Йўқолинглар бу ердан, кўрмаяпсанларми, у асабийлашяпти, менинг жоним! Сизлар билан эрталаб гаплашаман!". Хуллас, биз ухлагани ётдик ва эрта тонгда туриб жуфтакни ростладик. Бойд эса уни силаб-сийпаб кўндириш учун уйда қолди.

– Нима дейсизлар, у Бойдни дўппослармикин? – Графлик аҳли қатори Скарлетт ҳам "жиккак" Тарл-

тон хоним сўлоқмондай ўғилларига зуғум ўтказишини ва, пайти келса, қамчи тортиб юборишини ақлига сиғдиролмасди.

Беатриса Тарлтон ишбилармон аёл эди, елкасида нафақат катта пахта плантацияларидаги ишлар, юзлаб қора танли қул ва саккиз нафар фарзанднинг ташвиши бор, устига-устак штатдаги энг йирик от заводини ҳам бошқарарди. Унинг феъли тез эди, шу сабабдан тўрт нафар ўғлининг ҳуда-беҳуда қилиқларидан ловуллаб кетар, унинг мулкида отлар ва қоратанлилар учун тан жазоси қатъий ман қилинган бўлса-да, болаларни вақт-вақти билан жазолаб туриш фойдадан холи бўлмайди, деб ҳисобларди.

– Йўқ, у Бойдни саваламайди. Бойд энг каттамиз-ку, бунинг устига бўйи ўсмай қолган, ойим уни жонини ачитиб урмайди, – деди Стюарт ўзининг олти футу икки дюймли (188 см.) бўйи билан ичидан ғурурланиб. – Шунинг учун ҳам уни ойим билан гаплашиб олсин, деб уйда қолдирдик. Э, жин урсин, ойим пўстагимизни қоқишни энди бас қилса ҳам бўларди. Ўн тўққизга кирдик, Том йигирма бирда, ойим бўлса бизга ҳалиям олти яшар боладай муомала қилади.

– Ойингиз эртага Уилксларнинг боғидаги барбекюга янги сотиб олган отида борадими?

– Ҳа, миниб борарди, лекин отам бу от жуда асов, хатарли, деди. Қолаверса, қизлар ҳам бунга йўл қўйишмайди. Ойимиз меҳмонга бир марта бўлса ҳам хонимлардек экипажда борсин, дейишди улар.

– Ишқилиб эртага ёмғир ёғмасин-да, – деди Скарлетт. – Бир ҳафтадан бери ёмғир ёғмаган кун йўқ. Ҳамма нарсани уйга ташиб кириб, тўрт девор ичида ўтадиган зиёфатга ўхшаш барбекюдан баттари бўлмайди.

– Сиқилма, эртага ҳаво очиқ, худди июнь ойидагидай иссиқ бўлади, – деди Стюарт. – Қара шафаққа,

қанақа – мен бундай қип-қизил қуёшни ҳеч қачон кўрмаганман. Об-ҳавони ботаётган қуёшга қараб билса бўлади.

Улар Жералд О'Харанинг куни кеча ҳайдалган бепоён пахта далалари этагидаги уфқда ёлқинланаётган шафаққа қарашди. Чўғдек қип-қизил офтоб Флинт дарёси қирғоғидаги баланд қирлар ортига ботиб борар, апрелнинг кундузги тафти даладан эсаётган ҳузурбахш салқин шабадага ўрин бўшатарди...

Бу йил баҳор эрта келди – бот-бот илиқ ёмғир ёғар, бодрезак ва шафтоли дарахтларининг новдалари оқ ва пушти рангларга бурканар, дарё ёқасидаги сув босган қорамтир ўтлоқларни, узоқдаги қирларнинг ёнбағирларини оқиш юлдузча гуллари билан кўмарди. Шудгор ишлари охирлаб қолган, тўқ қизил шом ёғдуси Жоржиянинг эндигина ҳайдалган қизил тупроғини алвон рангга беларди. Қуриётган шудгор ўркачларида олча рангида, қуюқ сояда нафармонга мойил тўқ қизил ва қўнғир тусда товланаётган нам тупроқ янги қадалган чигитларни ўз бағрида эркалаб ётарди. Шудгорланган ерлар орасида оқланган ғиштин уй безовта денгиз ўртасидаги оролчага ўхшар, ўроқдай эгилган қизил тўлқинлар қирғоққа келиб урилаётгандай эди гўё. Бу ерда Марказий Жоржия ясси текисликларининг сариқ тупроқли кенг экин майдонлари ёхуд қоратупроқли серсув соҳилбўйи ерларидаги каби кўзни қувнатадиган тарам-тарам қатор жўякларни кўриш маҳол эди. Шимолий Жоржиянинг тоғ ёнбағирларидаги ерлар оғир тупроқ қатлами дарё тубига оғмаслиги учун сон-саноқсиз ҳалқалар ҳосил қилган илонизи шаклида ҳайдаларди. Бу чиндан бокира замин эди – ёмғирдан сўнг алвон рангга, қуруқчиликда оч қизил тусга кирар – пахта етиштиришда дунёдаги энг қулай тупроқ эди. Бу диёр кўзни қувнатадиган оппоқ кошоналар, ястаниб ётган сўлим далалар,

сарғиш лойқа суви сокин оқадиган дарёлар ўлкаси эди. Айни пайтда бу диёр табиати кескин фарқланадиган – қуёши чароғон, соялари қуюқ ўлка эди. Ҳатто жазирама чошгоҳ палласида ҳам қоронғу ва салқин – қуюқ ва сирли, хиёл ваҳимали, қарағайларнинг учларидаги оғир-вазмин азалий шитир-шитир саслар хўрсиниққа ўхшар ёхуд: "Эҳтиёт бўл! Эҳтиёт бўл! Бир пайтлар чакалакзор эдинг, эй дала. Биз сени тағин забт этишимиз мумкин!", дегандек таҳдидли оҳангларга бой, қўл тегмаган ўрмон билан қуршалган, шудгорга тайёрлаб қўйилган ва қуёшда қизиб ётган адоқсиз пахта далалари мудраб ётарди.

Айвонда ўтирганларнинг қулоғига туёқлар дупури, улов абзалларининг жаранг-журунги, кулги товуши ва бир-бирига гап қотаётган қора танлиларнинг дағал овозлари чалинди – ишчилар ва хачирлар даладан қайтишаётган эди. Шу пайт ичкаридан Скарлеттнинг ойиси Эллин О'Харанинг ортидан калитлар солинган саватчани кўтариб юрадиган қора танли қизчани чақирган мулойим овози эшитилди.

– Ҳа, мэм, – жавоб қилди болаларга хос ингичка овоз ва орқа эшикдан ҳар кун шомда даладаги ишлар тугагач, Эллин хизматчиларга егулик тарқатадиган дудхона томон йўналган қадам товушлари эшитилди. Кейин эса коса-товоқлар ва кумуш идишларнинг жаранги қулоққа чалинди: ҳам қарол, ҳам бош хизматкор вазифасини бажарувчи Порк кечки овқат учун дастурхон тузай бошлади.

Бу товушлар эгизакларга уйга қайтадиган вақт етганини эслатди. Аммо оналари билан бўладиган учрашув уларни қўрқувга солар, Скарлеттнинг кечки овқатга таклиф қилишидан умидвор бўлиб, кетишга шошилишмасди.

– Менга қара, Скарлетт, эртага бўладиган кеча ҳақида нима дейсан? – деди Брент. – Биз ҳам сен билан рақс тушишни хоҳлаймиз – барбекю, бал ҳақи-

да эшитмаган бўлсак, бу бизнинг айбимиз эмас-ку, ахир. Умид қиламанки, сен ҳалитдан рақсларнинг ҳаммасини тақсимлаб қўймагансан, тўғрими?

– Албатта, ҳаммасини! Уйга қайтишларингни қаёқдан билай? Мен сизларга рақсларни сақлаб ўтиролмайман-ку, нима, кейин девор суяб қолайми?

– Сен-а? – эгизаклар хохолаб кулиб юборишди.

– Эшитиб қўй, жажжи қиз, менга биринчи вальсни, Стюга эса охиргисини беришинг керак, кечки овқатда биз билан бирга ўтирасан. Биз ўтган балдагидек зинапоя супачасига ўтирамиз ва Жинсини чақирамиз, у бизга фол очсин.

– Унинг фол очиши менга ёқмайди. Эшитдинглар-ку, у менинг кўз-қошлари, сочию мўйлаби қоп-қора кишига турмушга чиқишимни башорат қилганди, мен эса бунақаларни ёқтирмайман.

– Сен малла сочлиларни ёқтирасан, тўғрими, жажжи қиз? – илжайди Брент. – Демак, рақсларга биз билан тушишга, кечки овқатда биз билан бирга бўлишга сўз бер.

– Агар сўз берсанг, сенга бир сирни очамиз, – деди Стюарт.

– Ҳали шунақами? – хитоб қилди Скарлетт шу лаҳзадаёқ ёш боладек сирни билиш иштиёқида ёниб.

– Сен кеча Атлантада эшитган гапимизни айтяпсанми, Стю? Бироқ эслагин – оғиз очмасликка сўз берганмиз-а.

– Майли-да. Хуллас, мисс Питти бизга баъзи бир гапларни айтди.

– Мисс – ким?

– Сен уни биласан, Эшли Уилкснинг атланталик холаваччаси, мисс Питтипэт Гамильтон, Чарлз ва Мелани Гамильтонларнинг аммаси.

– Билганда қандоқ, айтишим мумкинки, умрим бино бўлиб бундай бефаҳм кампирга дуч келмаганман.

– Хуллас, кеча Атлантада поезд келишини кутиб тургандик, у вокзал ёнидан ўтиб кетаётиб, биз билан сўрашиш учун тўхтади ва эртага Уилксларникида бўладиган балда унаштирув маълум қилинишини айтди.

– Э, бу мен учун янгилик эмас, – ҳафсаласи пир бўлди Скарлеттнинг. – Унинг жияни, анави лақма Чарлз Гамильтон Ойимқиз Уилкс билан унаштирилади. Менингча, бунга Чарли унчалик ошиқмаётган бўлса-да, уларнинг турмуш қуришлари аллақачон ҳаммага маълум.

– Сен уни аҳмоқ деб ўйлайсанми? – сўради Брент. – Бироқ сен Рождество айёми кунларида атрофингда унинг гирдикапалак бўлишига қўйиб бердинг.

– Бундай қилишига қандай йўл қўймаслигим мумкин? Бунинг иложи йўқ-ку. – Скарлетт бепарво елка қисди. – Менимча, у барибир ўта мижғов одам.

– Аммо эртага мутлақо унинг эмас, Эшлининг мисс Мелани, Чарлзнинг опаси билан унаштирилиши маълум қилинади! – хитоб қилди Стюарт.

Скарлеттнинг юзи ўзгармади, фақат лабларидан бир оз қон қочди. Ногаҳон бошига ташвиш тушган одам қандай воқеа содир бўлганини англашга улгурмаганида шундай ҳолат содир бўлади. У тили айланмай Стюартга қараб қолган, чеҳраси шу қадар сокин эдики, Стюарт, табиатан у қадар зийрак эмасми, бу хабар Скарлеттни лол қолдирди ва қизиқтириб қўйди, бу унинг юзидан кўриниб турибди, деган хулосага келди.

– Мисс Питти бизга, мисс Меланининг соғлиги яхши эмас, шу боис унаштиришни келгуси йил маълум қилмоқчи эдик, бироқ ҳозир ҳамма нуқул уруш ҳақида гапираётир, шунинг учун икки тараф тўйни тезлатишга қарор қилдик, деб айтди. Унаштириш эртага кечки овқат пайтида овоза қилинади. Кўряпсан, Скарлетт, биз сенга сирни очдик, энди сен

кечки овқат пайтида биз билан бирга бўлишга ваъда беришинг керак.

– Ҳа албатта, сиз билан бирга бўламан, – беихтиёр ваъда берди Скарлетт.

– Вальсларнинг ҳаммасини бизга бағишлашга ҳам сўз берасанми?

– Сўз бераман.

– Эҳ, ажойибсан-да. Болаларнинг ғазаби қайнаб кетишини тасаввур қиляпман.

– Ғазаби қайнаса қайнайверсин, – деди Брент. – Икковимиз уларни осонгина тинчитамиз. Менга қара, Скарлетт, эрталаб барбекюда ҳам биз билан бирга ўтиргин, майлими.

– Нима дединг?

Стюарт илтимосини такрорлади.

– Майли, – деди Скарлетт.

Эгизаклар ғолибона, аммо ҳайрат билан кўз уриштириб олишди. Бу қиз бошқа йигитлардан кўра бизларни афзалроқ кўради, деб ўйлашса-да, унинг рағбатига бу қадар осон эришиш улар учун янгилик эди. Одатда Скарлетт доим уларни ялиниб-ёлворишга мажбур қилар, на "ҳа", на "йўқ" демай лақиллатар, борди-ю аразлай бошлашса, уларни майна қилар, жаҳллари чиққудек бўлса, совуқ ва илтифотсиз қиёфага кирарди. Ҳозир эса у, очиғи, эртанги кунни улар билан ўтказишга – барбекюда ёнма-ён ўтиришга, вальсларни уларга бағишлашга (улар вальс бошқа рақсларни даврадан сиқиб чиқаришининг иложини топишади) ва кечки таом пайтида бирга бўлишга сўз берди. Бунинг учун ҳатто университетдан учиб кетсанг ҳам арзийди!

Кутилмаган ғалабадан қанот чиқарган эгизаклар хайрлашишга шошилмас ва эртанги барбекю, бал, Мелани Гамильтон ва Эшли Уилкс ҳақида бир-бирига гап бермай валдирашар, ҳазиллашишар, хохолашиб кечки овқат вақти яқинлашганига ошкора шама

қилишарди. Скарлеттнинг нега сукут сақлаб ўтирганини улар фаҳмлашмас, у эса шу вақт мобайнида бир оғиз ҳам гапирмаганди. Ниҳоят улар нимадир содир бўлганини ҳис этишди. Нурафшон оқшом гўё хира тортгандай бўлди – фақат эгизаклар нимадир рўй берганининг сабабини айтиб беришолмасди. Бирор марта ўринсиз жавоб қилмаган эса-да, Скарлетт уларни буткул эшитмаётганга ўхшарди. Қандайдир англаб бўлмас ҳодиса рўй бераётганини ҳис қилиб ҳафсаласи пир бўлган йигитлар суҳбатни яна бир оз давом эттиришга уринишди, сўнг соатларига қараб, истамайгина ўринларидан туришди.

Қуёш аллақачон янги ҳайдалган дала адоғида қиялаб турар, дарё ортида эса баланд ўрмон ўркачсимон қора девор каби тиккайган. Бўғотлардан учиб чиққан қалдирғочлар ҳовли устидан камондан отилган ўқдек учиб ўтди, товуқ, ўрдак ва куркалар, бири виқор билан, бошқалари лапанглаганча тизилиб даладан қайта бошлади.

Стюарт баланд овозда чақирди:

– Жимс!

Шу заҳоти эгизакларга қарийб тенгқур узун бўйли негр ҳаллослаганча уй муюлишидан югуриб чиқиб, отлар боғлаб қўйилган тарафга чопди. Жимс уларнинг шахсий хизматкори эди, итлар билан бирга у ҳам уларга ҳамроҳлик қиларди. У болаликдан эгизаклар билан бирга ўйнаб юрар, уларнинг ажралмас ўртоғи эди, эгизаклар ўн ёшга тўлганларида Жимсни туғилган кунга совға сифатида олишганди. Този итлар Жимсни кўриб, жойларидан туришди ва устларидаги қизғиш чангни силкиниб қоқиб, тек туриб эгаларини кутишди. Йигитлар эртага Уилксларникига эртароқ келиб, уни кутишга сўз беришди ва Скарлетт билан хайрлашишди. Сўнг пиллапоядан югуриб тушиб, сакраб эгарларга минишди, Жимс ҳамроҳлигида нимадир дея қичқирганча хайр-хўшлашиб,

шляпаларини силкита-силкита кедрлар хиёбони бўйлаб отларини чоптириб кетишди.

Уйни тўсиб турган хиёбон муюлишида, дарахтлар соясида Брент отининг жиловини тортди. Ортда келаётган Стюарт ҳам тўхтади. Негр бола нарироқда тўхтади. Жилови бўшашганини сезган отлар баҳорги барра майсаларни юлқий бошладилар, сабр-тоқатли тозилар эса қизғиш майин тупроққа чўкиб, шом қоронғусида гир айланиб учаётган қалдирғочларга суқланиб қараб туришарди. Брентнинг кенг ёноқли очиқ чеҳрасида таажжуб ва ранжиш аломати зоҳир эди.

– Менга қара, – деди у. – У бизни кечки овқатга таклиф қилиши мумкинмиди, нима дейсан?

– Мен ҳам, очиғи, шуни кутгандим, аммо таклиф бўлмади, – жавоб қилди Стюарт. – Хўш, сен нима дейсан?

– Нимадир дейишга ҳам ҳайронман. Ғалати. Кўпдан бери кўришганимиз йўқ-ку, ахир, келдигу унинг ёнига югурдик. Бирор нарса дейишга ҳам ҳали улгурмадик.

– Менга у бизни кўрганда қаттиқ қувонгандай туюлди.

– Ҳа, менга ҳам шундай туюлди.

– Кейин эса жим бўлиб қолди, худди туйқусдан боши оғриб қолгандай.

– Тўғри, мен ҳам пайқадим, бироқ аҳамият бермовдим.

– Унга нима бўлдийкин, нима деб ўйлайсан?

– Тушунмадим. Ё ранжийдиган бирор гап айтдикмикан?

Бир сония иккиси ҳам ўйга толди.

– Бундай бўлганини ҳечам эслаёлмаяпман. Ахир, Скарлеттнинг жаҳли чиқса, дарров юзидан билинади-ку. У бошқа қизларга ўхшамайди – ичидаги дарҳол сиртига чиқади.

– Ҳа, унинг айнан шу хислати менга ёқади. Ачиқланганида муздай қотмайди ва устингдан мағзава тўкиб ташламайди, бор гапни очиқчасига тўкиб солади. Афтидан, биз бирор ножўя гапни гапирганга ёки нотўғри ҳаракат қилганга ўхшаймиз – бўлмаса у нега бирдан жим бўлиб қолди ва кайфияти бузилди. Онт ичишим мумкин, у бизни кўрганида қувониб кетганди, кечки овқатга таклиф қилмоқчийди.

– Балки бизни яна университетдан ҳайдашганига шундай бўлгандир?

– Э, йўғ-е, ҳечам-да. Анойи бўлма. Буни айтганимизда, у худди шайтон қитиқлагандай хохолаб кулди-ку. У китобий ҳикматларни биздан ортиқ эъзозламайди, ахир.

Брент, эгарда ўтирганча ўгирилиб, қора танли малайини чақирди.

– Жимс!

– Ҳа, сэр!

– Мисс Скарлетт билан суҳбатимизни эшитдингми?

– Йў-у, сэр, мистер Брэнт! Гапингизни қаранг-а! Оқ танли хўжайинларнинг гапини тинглашга йўл бўлсин!

– Йўқ дейсан-а, жин ургур! Сиз қоравойларнинг қулоғингиз ҳамиша динг. Айвон атрофида ўралашиб юрганингни, девор ёнидаги жасмин ортига беркинаётганингни кўрдим-ку! Қани, эсла-чи, биз мисс Скарлеттнинг жаҳлини чиқарадиган ёки хафа қиладиган бирор гап айтдикми?

Ақлини ишлатишга бундай даъватдан сўнг Жимс риёкорликни бас қилиб, қора қошларини чимирди ва диққатини жамлади.

– Йў-ў, буни сезганим йўқ, афтидан жаҳл қилаётганга ўхшамасди. Аксинча, жуда хурсанд эди, сизларсиз жуда зерикканга ўхшарди, сиз мистер Эшли ва мисс Мелли Гамильтон ҳақида – уларнинг оила

қуришларини айтмасингиздан олдин беозор қушчадай чуғурлаётганди, кейин туйқусдан, қирғийни кўргандек, жунжикиб қолди.

Эгизаклар кўз уриштиришди ва бош силкишди, бироқ ҳамон юзларида таажжуб ифодаси акс этарди.

– Жимс ҳақ, – деди Стюарт. – Лекин гап нимадалигини тушунолмаяпман. Жин урсин, ахир Скарлетт ҳеч қачон Эшлига қизиқмаган – Эшли унга шунчаки дўст, холос. У Эшлига умуман кўнгил қўймаган. Ҳар ҳолда, бизга ўзини яқин олганчалик эмас.

Брент бош ирғаб тасдиқлади.

– Балки унаштирув ҳақида Эшли унга ҳеч нарса демаганига хафа бўлгандир – нима бўлгандаям улар болаликдан ўртоқ бўлишган, ахир! Қизлар бундай янгиликни биринчи бўлиб билишни исташади – билмадим нега, бироқ бу улар учун жуда муҳим.

– Эҳтимол шундайдир. Лекин фақат... айтмаган бўлса, айтмабди-да, нима қилибди шунга? Ахир бу ҳаммадан сир сақланган-ку, чунки сюрприз қилмоқчи бўлишган. Охир-оқибат киши ўзининг фотиҳа тўйини сир сақлаши мумкин эмасми? Агар мисс Меллининг аммаси айтиб қўймаганида, биз ҳам билмасдик. Боз устига Эшли эртами-кечми мисс Меллига уйланишини Скарлетт билмаслиги мумкин эмас. Биз ҳам буни аллақачон билганмиз-ку. Холаваччаларга уйланиш Гамильтонлар ва Уилкслар учун анъана бўлиб қолган. Эшли қачондир мисс Меллига уйланиши, Ойимқиз Уилкс эса унинг акаси Чарлзга турмушга чиқиши ҳаммага маълум эди.

– Бўпти, бу ҳақда ортиқ бош қотиришни истамайман. Фақат унинг бизни кечки овқатга таклиф қилмагани афсусланарли. Очиғини айтсам, уйга оёғим тортмаяпти, университетдан қувилганимиз учун ойимнинг оҳ-воҳларини эшитишга сираям тоқатим йўқ. Ахир, у энди бунга кўникса бўларди.

Бу кун уларнинг ҳаётида эсда қоладиган кун бўлди. Кейинчалик, бу кунни бир неча бор хотирлаб, эгизаклар нега шу пайтгача Скарлетт О'Харанинг сеҳру жодуларига эътибор беришмаганидан ҳайрон қолишарди. Бунинг жавобини улар барибир топишолмади, бунинг сири эса шунда эдики, ўша куни Скарлетт уларнинг эътиборини қозонишга қарор қилганди. Кимнингдир унинг ўзига эмас, бошқа бир қизга ошиқ бўлиб қолгани Скарлеттнинг дилини оғритар, Стюартни Индия ёнида кўриш бу жажжи йиртқич учун оғир азоб эди. Биргина Стюартнинг бошини айлантириш билан қаноатланмаган Скарлетт бир йўла Брентни ҳам мафтун этишга аҳд қилди ва буни шу қадар маҳорат билан уддаладики, оқибатда уларнинг иккаласини ҳам эсанкиратиб қўйди.

Энди уларнинг иккаласи ҳам унга ошиқу беқарор, Брент бекорчиликдан илакишиб юрган отрадалик Летти Манро ва Индия Уилкс унинг соясида қолиб кетганди. Мабодо Скарлетт улардан бирини афзал кўрса, ўртада қуруқ қолганнинг аҳволи не кечади – эгизаклар бу ҳақда ўйлаб ўтиришмади. Вақт-соати етса нима қилиш кераклигини ўшанда ҳал қилишади. Ҳозирча иккови ҳам қалбларини тўлқинлантирган соҳир туйғудан беҳад хурсанд, чунки ака-укаларнинг муносабатларида рашкка ўрин йўқ эди. Бундай ҳолат қўни-қўшниларнинг қизиқувчанлигини фавқулодда ошириб юборди ва айни пайтда Скарлеттни хушламайдиган оналарининг эса жаҳлини қўзғади.

– Бордию, бу фирибгар қизча бирортангизни сеҳрлаб олишга жазм қилса борми, иккалангизнинг ҳам ҳолингиз вой бўларди, – деди уларнинг ойижониси. – Балки у, биттасидан иккитаси яхшироқ, деган қароргa келар, унда сиз Ютага, мормонлар ёнига кўчиб кетишларингга тўғри келади... ҳали қабул қилишса, қабул қилишлари эса даргумон... Бир

кун келиб тўйгунча ичиб, бу зангори кўзли риёкор ойимтиллани деб бир-бирингизни отиб ташламасангиз, деб қўрқаман. Қолаверса, бу балки яхшиликкадир...

Ўша кундан буён – митингдан кейин – Индия даврасида Стюартнинг юраги ғаш бўла бошлади. Индия на бир оғиз сўз, на кўз қараши ёки бир шама билан Стюартнинг ўзига муносабати ўзгарганини билдирмади. Бу борада Индия жуда яхши тарбияланган эди. Бироқ Стюарт айбдорлик ҳиссидан қутулолмас, шу боис ўзини ноқулай сезарди. У Индиянинг бошини айлантирганини, Индия ҳалиям уни севишини тушуниб турар, ўзи эса – ич-ичидан у буни тан олмай иложи йўқ эди – унга нисбатан жентльменга номуносиб иш тутаётганди. У аввалгидек қизга тан берар, боадаблиги, олижаноблиги, орифалиги ва бошқа бебаҳо фазилатлари учун уни беҳад ҳурмат қиларди. Бироқ, жин урсин, ўт-олов, ўзгарувчан, мафтункор ва тантиқ Скарлетт билан қиёслаганда у ўта нурсиз, жуда зерикарли эди. Индия билан ҳамиша очиқ-ойдин муомала қилса бўлар, Скарлеттдан эса ҳар нарсани кутиш мумкин эди. У ўз инжиқлиги билан эзиб юборар, бироқ унинг жозибаси ҳам шунда эди.

– Юр, Кейд Калвертникига борамиз ва кечки овқатни ўша ерда қиламиз. Скарлетт Кетлин Чарльстондан уйга қайтди, деди. Самтер форти учун бўлган жанг ҳақида баъзи бир тафсилотларни у билар..

– Кетлин-а? Гаров ўйнайман, у ҳатто фортнинг бандаргоҳга кираверишда жойлашганини ҳам билмайди, турган гапки, биз сиқиб чиқармагунимизча у ер янкилар билан тўлиб-тошганидан ҳам бехабар. Унинг хаёли нуқул баллар ва жазманлар билан банд, у, менимча, шулардан намуналар йиғаётган бўлса ажабмас.

– Хўш, нима бўпти? Унинг гурунгини тинглаш барибир мароқли. Ҳар қалай, ойим ухлагунича ўша ерда бўлиб турамиз.

– Яхши, жин урсин! Кэтлинга қаршилигим йўқ, у чиндан-да ғаройиб, Кэро Ротта ва бошқа чарльстонликлар ҳақидаги ҳикояларини эшитиш ҳамиша мароқли. Лекин, ўлай агар, унинг ўгай онаси – ўша янки хоним билан бир дастурхонда ўтиролсам.

– Э, нега сен ҳадеб ундан ёзғираверасан, Стюарт? Ахир, унинг қалби эзгу ҳисларга тўла-ку.

– Мен ундан ёзғираётганим йўқ – унга ачинаман, менда ачиниш ҳиссини туғдирадиган одамларни эса жиним суймайди. У ҳаммаси яхши бўлиши, ҳамма ўзини уйидагидай ҳис қилиши учун шу қадар куйиб-пишадики, натижада албатта бир номаъқул гапни алжиб қўяди. У менинг асабимга тегади! Бунинг устига у биз жанубликларни ёввойи, деб ҳисоблайди. Кўрмаяпсанми, у жанубликлардан қўрқади. Ҳар гал бизни кўрганида ранги бўздек оқариб кетади. Худо ҳаққи, у қўрқоқ товуққа ўхшайди, стулда тўғри таёқдек тик қотиб ўтиради, қўрқувдан чақчайган, ялтираб турган кўзларини пирпиратади, кимдир қимирлагудек бўлса, қанотларини қоқиб қағ-қағлаб юборадигандай туюлади.

– Бунинг ажабланарли жойи йўқ. Сен Кейдни оёғидан отгандинг-ку, ахир.

– Мен маст эдим, бўлмаса отмасдим, – эътироз билдирди Стюарт. – Кейд ҳам менга тишини қайраб юргани йўқ. Кетлин ҳам, Рейфорд ҳам, мистер Калверт ҳам. Фақат ёлғиз шу шимоллик ўгай хотин аюҳаннос солади, гўё мен жоҳилману, маданиятсиз ва ёввойи жанубликлар орасида тарбияли кишиларнинг яшаши хатардан холи эмасмиш.

– Начора, у ҳам ўзича ҳақ. Ахир, у – янки, ўзини тутишни қаердан билсин. Барибир сен Кейдга ўқ уздинг-да, ахир, Кейд унинг ўгай ўғли бўлса.

– Оббо, мени таҳқирлашга шуям сабаб бўлдию? Тони Фонтейн оёғингдан отганида ойим жанжал кўтарганмиди? Сен унинг ўгай эмас, ҳарқалай туққан

ўғлисан-ку. Аммо у ярани боғлаб қўйиши учун доктор Фонтейнга одам юборди, холос, ва бир оғиз, Тони мўлжални нечук бунчалик хато олдийкин-а, деб сўради. Шубҳасиз, Тони маст бўлган, деди у. Эслайсанми, ўшанда Тонининг ғазаби қайнаб-тошганини?

Ўша воқеани эслаб, уларнинг кулгидан ичаклари узилаёзди.

– Ҳа, ойимиз ғаройиб-да ўзи, – меҳри товланиб деди Брент. – Ҳар қандай ҳолатда ҳам унга ишонса бўлади – у қандай лозим бўлса, ўшандай йўл тутади, дўст-ёрларинг олдида хижолатга қўймайди.

– Аммо бугун кечқурун уйга борсак, отам билан сингилларнинг кўзи олдида бизни шармандаю шармисор қилса керак, – маъюс оҳангда сўз қотди Стюарт. – Биласанми, Брент, афтидан, Европага саёҳатимиз чиппакка чиқди-ёв. Эсингдами, ойим айтган гап: университетдан яна қувишадиган бўлса, катта саёҳат сизларга туянинг думи ерга текканда насиб қилади, деганди.

– Майли, нима бўлса бўлар, тўғрими? Бизга Европада пиширириб қўйибдими? Хўш, айт-чи, ўша хорижликлар бизга нималари билан мақтаниши мумкин, у ёқда бизнинг Жоржияда топилмайдиган нима бор ўзи? Гаров ўйнайман, уларнинг қизлари бизнинг қизлардан чиройли эмас, отлари ҳам бизнинг отлардан чопқирроқ эмас. Онт ичиб айтаманки, уларнинг вискиси отамнинг маккажўхоридан тайёрлайдиган вискисига етолмайди.

– Эшли Уилкс у ернинг табиати зўр, мусиқаси эса оҳанраболи, дейди. Эшлига Европа жуда ёқади! У доим Европа ҳақида гапиради.

– Уилксларнинг қандай одамлар эканини биласан-ку. Улар мусиқага, китобга, чиройли манзараларга ўч. Уларнинг бобоси виргиниялик бўлган – ҳаммаси шу туфайли, дейди ойим. Уларнинг ҳаммаси у ёқда шу нарсаларга қизиқади, дейди у.

Бу кун уларнинг ҳаётида эсда қоладиган кун бўлди. Кейинчалик, бу кунни бир неча бор хотирлаб, эгизаклар нега шу пайтгача Скарлетт О'Харанинг сеҳру жодуларига эътибор беришмаганидан ҳайрон қолишарди. Бунинг жавобини улар барибир топишолмади, бунинг сири эса шунда эдики, ўша куни Скарлетт уларнинг эътиборини қозонишга қарор қилганди. Кимнингдир унинг ўзига эмас, бошқа бир қизга ошиқ бўлиб қолгани Скарлеттнинг дилини оғритар, Стюартни Индия ёнида кўриш бу жажжи йиртқич учун оғир азоб эди. Биргина Стюартнинг бошини айлантириш билан қаноатланмаган Скарлетт бир йўла Брентни ҳам мафтун этишга аҳд қилди ва буни шу қадар маҳорат билан уддаладики, оқибатда уларнинг иккаласини ҳам эсанкиратиб қўйди.

Энди уларнинг иккаласи ҳам унга ошиқу беқарор, Брент бекорчиликдан илакишиб юрган отрадалик Летти Манро ва Индия Уилкс унинг соясида қолиб кетганди. Мабодо Скарлетт улардан бирини афзал кўрса, ўртада қуруқ қолганнинг аҳволи не кечади – эгизаклар бу ҳақда ўйлаб ўтиришмади. Вақт-соати етса нима қилиш кераклигини ўшанда ҳал қилишади. Ҳозирча иккови ҳам қалбларини тўлқинлантирган соҳир туйғудан беҳад хурсанд, чунки ака-укаларнинг муносабатларида рашкка ўрин йўқ эди. Бундай ҳолат қўни-қўшниларнинг қизиқувчанлигини фавқулодда ошириб юборди ва айни пайтда Скарлеттни хушламайдиган оналарининг эса жаҳлини қўзғади.

– Бордию, бу фирибгар қизча бирортангизни сеҳрлаб олишга жазм қилса борми, иккалангизнинг ҳам ҳолингиз вой бўларди, – деди уларнинг ойижониси. – Балки у, биттасидан иккитаси яхшироқ, деган қарорга келар, унда сиз Ютага, мормонлар ёнига кўчиб кетишларингга тўғри келади... ҳали қабул қилишса, қабул қилишлари эса даргумон... Бир

кун келиб тўйгунча ичиб, бу зангори кўзли риёкор ойимтиллани деб бир-бирингизни отиб ташламасангиз, деб қўрқаман. Қолаверса, бу балки яхшиликкадир...

Ўша кундан буён – митингдан кейин – Индия даврасида Стюартнинг юраги ғаш бўла бошлади. Индия на бир оғиз сўз, на кўз қараши ёки бир шама билан Стюартнинг ўзига муносабати ўзгарганини билдирмади. Бу борада Индия жуда яхши тарбияланган эди. Бироқ Стюарт айбдорлик ҳиссидан қутулолмас, шу боис ўзини ноқулай сезарди. У Индиянинг бошини айлантирганини, Индия ҳалиям уни севишини тушуниб турар, ўзи эса – ич-ичидан у буни тан олмай иложи йўқ эди – унга нисбатан жентльменга номуносиб иш тутаётганди. У аввалгидек қизга тан берар, боадаблиги, олижаноблиги, орифалиги ва бошқа бебаҳо фазилатлари учун уни беҳад ҳурмат қиларди. Бироқ, жин урсин, ўт-олов, ўзгарувчан, мафтункор ва тантиқ Скарлетт билан қиёслаганда у ўта нурсиз, жуда зерикарли эди. Индия билан ҳамиша очиқ-ойдин муомала қилса бўлар, Скарлеттдан эса ҳар нарсани кутиш мумкин эди. У ўз инжиқлиги билан эзиб юборар, бироқ унинг жозибаси ҳам шунда эди.

– Юр, Кейд Калвертникига борамиз ва кечки овқатни ўша ерда қиламиз. Скарлетт Кетлин Чарльстондан уйга қайтди, деди. Самтер форти учун бўлган жанг ҳақида баъзи бир тафсилотларни у билар..

– Кетлин-а? Гаров ўйнайман, у ҳатто фортнинг бандаргоҳга кираверишда жойлашганини ҳам билмайди, турган гапки, биз сиқиб чиқармагунимизча у ер янкилар билан тўлиб-тошганидан ҳам бехабар. Унинг хаёли нуқул баллар ва жазманлар билан банд, у, менимча, шулардан намуналар йиғаётган бўлса ажабмас.

– Хўш, нима бўпти? Унинг гурунгини тинглаш барибир мароқли. Ҳар қалай, ойим ухлагунича ўша ерда бўлиб турамиз.

– Бўпти, уларнинг топгани ўзларига буюрсин. Менга эса чопқир от, бир қадаҳ ўткир вино, кўнглимдагидай тарбияли қиз ва кўнгилхуши учун беадаброқ жонон бўлса бас, Европангиз ўзингизга сийлов, унга кўзим учиб тургани йўқ... Бу саёҳатга бизни юборишадими, йўқми – менга барибир! Тасаввур қилинг, ҳозир биз Европада юрибмиз, кутилмаганда "пақ" этиб уруш бошланиб кетса! Орқага қайтишимиз осон бўлмайди. Европага боргандан кўра, урушга кетганим афзал.

– Ҳа, мен ҳам, ҳар дақиқада... Қулоқ сол, Брент, кечки овқатга қаерга боришимиз мумкин – мен биламан: ботқоқликдан ўтиб тўғри Эйбл Уиндерникига сурамиз ва унга тўртталамиз ҳам уйдалигимизни, исталган пайтда қўлга қурол олишга тайёрлигимизни айтамиз.

– Тўғри! – қизғин қувватлади уни Брент. – Балки у ерда биз Эскадрон ҳақидаги сўнгги янгиликларни, мундирнинг ранги хусусида қандай қарорга келишганини билиб олармиз.

– Улар йўқ жойдан бизни зуавлардай кийинтириб қўйишса-я? Унда уларнинг қўшинларига ёзилсам мени худо урсин! Кенг қизил иштонда мен ўзимни худди қиз боладек ҳис қиламан, ахир! Худо ҳақи, бу аёлларнинг фланель панталонининг ўзгинаси.

– Айтгандай, сизлар мистер Уиндерникига бормоқчи эдингиз-ку? – гапга қўшилди Жимс. – Бўпти, боракалинглар, фақат мазали таом тортишади, деб умид қилманглар. Уларнинг ошпази вафот этган, янгисини ҳали сотиб олишгани йўқ. Ҳозирча плантациядан келган бир негр аёл қиляпти пишир-куйдирни, у ерлик негрлар менга бу ёруғ оламда бундай бемаза овқатни кўрмадик, дейишди.

– Оббо! Нега улар бошқа ошпаз сотиб олишмайди?

– Э, қашшоқ оқ танли жулдурвоқилар қул сотиб олишга пулни қаёқдан топсин? Уларнинг азалдан тўрттадан ортиқ қули бўлмаган.

Жимснинг овозида ошкора нафрат бор эди. Ахир, унинг хўжайинлари Тарлтонлар юзлаб негрнинг соҳиби эдилар ва бу уни руҳлантирарди; йирик плантацияларнинг кўп сонли негрлари каби у ҳам бор-йўғи бир-иккита қулга эга майда фермерларни писанд қилмасди.

– Бу гапинг учун ҳозироқ терингни шилиб оламан! – бақирди ғазаби тошган Стюарт. – Эйбл Уиндерни "қашшоқ, оқ танли жулдурвоқи" дейишга қандай ҳаддинг сиғди! Тўғри, у камбағал, лекин жулдурвоқи эмас, мен ҳеч кимнинг – на оқтанли, на қоратанлининг у ҳақда аҳмоқона гап айтишига йўл қўймайман. У – графликдаги энг яхши инсон, йўқса уни лейтенантликка кўтаришмасди.

– Худди шундай, менам ана шунга ҳайронман-да, – хотиржам жавоб қайтарди Жимс. – Менга қолса, улар зобитларни, дуч келган жулдурвоқини эмас, бадавлатроқ кишилардан танлаб олишлари маъқул эди.

– У жулдурвоқи эмас. Сен уни, мисол учун, Слэттери каби жулдурвоқиларга тенглаштирма. Тўғри, Эйбл бой эмас. У йирик ер эгаси ҳам эмас, оддий кичик фермер, модомики йигитлар уни лейтенантликка муносиб топишибдими, демак, буни муҳокама қилиш сенинг ишинг эмас, қоравой. Эскадрондагилар нима қилишаётганини ўзлари билишади.

Кавалерия Эскадрони уч ой олдин, Жоржия Штатлар Иттифоқидан ажралиб чиққан куни ташкил этилган ва дарҳол кўнгиллилар чақируви бошланганди. Ҳали янги ҳарбий қисм ҳеч қанақа ном олмаган, лекин бу таклифлар йўқлигидан эмасди, ҳар ким ўзича ном танлаган ва ҳеч ким ўзи топган номдан воз кечишни истамасди. Ҳарбий либоснинг

ранги ва бичими масаласида ҳам баҳс-мунозаралар авж олиб кетди. “Клейтон йўлбарслари”, “Оловкорлар”, “Шимолий Жоржия суворийлари”, “Зуавлар”, “Ҳудудий милтиқлар” (бунда суворийларни минбаъд милтиқлар билан эмас, тўппонча, қилич ва ов пичоғи билан қуроллантириш кўзда тутилган эди), “Клейтон чопарлари” (ҳам отда, ҳам пиёда ҳаракат қила оладиган отлиқ аскарлар), “Қонли чақмоқлар”, “Яшиндек тезкор ва бешафқатлар” – бу номларнинг ҳар бирини ёқлайдиганлар бор эди. Масала ҳозирча ечимини топмагани боис янги ҳарбий қисмни ҳамма оддий Эскадрон деб атай бошлади ва кейинчалик аллақандай дабдабали ном берилган бўлса-да, бу атама тўла сақланиб қолди.

Зобитлар кўнгиллилар томонидан сайланар, чунки бутун графликда Мексика ва Семинол компанияси фахрийларидан бўлак ҳеч ким ҳарбий тажрибага эга эмас эди. Башарти фахрийлар шахсан обрў-эътибор қозонмаган бўлса, уларнинг буйруғига ҳеч ким итоат этишни истамасди. Тўрт нафар ёш Тарлтонлар ва уч навқирон Фонтейнлар ҳаммага маъқул эди, бироқ минг таассуфки, уларга овоз беришни исташмади, чунки Тарлтонлар ичкиликка ружу қўйишган ва маст бўлиб жанжал кўтарар, Фонтейнлар эса ўлгудай жиззакилиги билан отнинг қашқасидай маълум ва ашаддий каллакесарлар, деб ном чиқаришганди. Эшли Уилксга капитан унвонини беришди, чунки у графликдаги энг моҳир чавандоз эди, унинг совуққон ва вазминлиги эса Эскадрон сафларида бир оз тартибни таъминлаши мумкин эди. Рейфорд Калверт катта лейтенантликка тайинланди, чунки уни ҳамма яхши кўрарди, кекса трапперниng ўғли, кичик ферма эгаси Эйбл Уиндер лейтенант унвонини олди.

Эйбл норғул эди, Эскадронда энг ёши улуғи, кўнгилчан, у қадар ўқимишли бўлмаса-да, фаросатли,

хонимларнинг кўнглини топишда журъатли ва хушмуомала эди. Шунчаки олифтагарчилик кайфияти Эскадронга бегона эди. Ахир, унинг таркибида ота ва болалари ўзларининг чоғроқ фермерлик ерларига ишлов бериб бойлик орттирган кишилар талайгина эди-да. Эйбл эса Эскадрондаги энг моҳир, мўлжални бехато урадиган тенги йўқ мерган эди – етмиш беш ярдлик масофадан туриб олмахонни кўзидан отар, боз устига кўчманчиларга хос ҳаётни яхши биларди: зукко изтопар эди, сел ёғиб турганда ҳам гулхан ёқа олар, булоқни осонгина топарди. Эскадрон уни хизматига яраша тақдирлади, у ҳаммага ёқиб қолди ва уни зобитликка кўтаришди. Ўзига кўрсатилган иззат-ҳурматни у муносиб тарзда – ортиқча ҳаволанмай, оддий ҳолдек – қабул қилди. Бироқ ер эгаларининг аёллари ва қуллари, эрлари ва хўжайинларидан фарқли ўлароқ, Эйбл Уиндернинг қуйи табақадан чиққанини унутолмасди.

Дастлаб Эскадронга фақат йирик ер эгаларининг ўғилларини қабул қилишди. Бу жентельменлар бўлинмаси бўлиб, унга ҳар ким ўз оти, шахсий қуроли, ҳарбий кийим-кечагию зарур анжомлари ҳамда хизматкор қули билан қўшиларди. Бироқ ёш Клейтон графлигида бадавлат ер эгалари у қадар кўп эмас, шу боис мукаммал ҳарбий қисм тузиш учун майда фермерлар, трапперлар, мўйнали ҳайвон ва ёввойи ўрдак овчиларининг ўғиллари, камдан-кам ҳолларда эса шахсий фазилатлари билан ўз табақасидан ажралиб турадиган оқ танли камбағаллар орасидан ҳам кўнгиллилар қабул қилишга зарурат туғиларди.

Бу ёшлар, бордию уруш бошлангудай бўлса, ўзларининг бадавлат ватандошлари каби, янкиларга қарши жон олиб, жон бериб жанг қилиш истагида ёнардилар – бироқ шу ерда пул харажатлари билан боғлиқ нозик масала юзага келди. Майда фермерларнинг камдан-камида от бўларди. Улар ерга хачир

солиб ишлов берар, бу жониворлар ҳам кўп эмас, нари борса икки-уч жуфт бўларди. Эскадронда хачирларга зарурат туғилгудай бўлса, шубҳасиз, бундай бўлиши асло мумкин эмас, улар ўз хачирларини ҳарбий эҳтиёжлар учун бера олмасдилар. Оқ танли камбағаллар эса, атиги битта хачири бўлса бас, ўзларини роҳат-фароғатнинг чўққисига чиққандек ҳис қилардилар. Овчи ва трапперларда эса, турган гапки, на от бор эди, на хачир. Улар бир парча ердан олинган даромад ёхуд овлаб келинган ўрдак ҳисобига ёки бўлмаса шунчаки товар алмаштириш ҳисобига кун кечиришарди. Бир йилда бир марта уларнинг қўлига беш долларли қоғоз пул тушса, бу фавқулодда ҳодиса ҳисобланар, улар на от, на мундирни орзу қилишарди. Бироқ йирик заминдорлар ўз бойликлари важидан нечоғлик масрур бўлсалар, улар ҳам ўз камбағалликларида шу қадар мағрур эдиларки, бадавлат қўшниларидан хайрия ёки садақага ўхшаган бирор нарсани ҳеч қачон олмасдилар. Шу боис бировнинг нафсониятига тегмай Эскадрон ташкил этиш учун Скарлеттнинг отаси, Жон Уилкс, Бак Манро, Жим Тарлтон, Хью Калверт ва бошқалар, асосан, графликдаги барча йирик ер эгалари, фақат Энгус Макинтошдан ташқари, Эскадронни керакли анжом-аслаҳа, кийим-бош ва отлар билан таъминлаш учун маблағ ажратишди. Пировард натижада ҳар бир ер эгаси ўз ўғиллари ва бир неча бегона йигитни кийим-бош, қурол-яроғ билан таъминлаш учун пул ажратишга рози бўлдилар, аммо бу шундай уюштирилган эдики, кам таъминланган Эскадрон аъзолари ғурурини асло ерга урмай ҳарбий кийим-кечак ва от-улов олишлари мумкин эди.

Ҳафтада икки марта Эскадрон сафда юриш машғулотларини ўтказиш ва яратгандан эртароқ уруш бошланишини сўраб дуо қилиш учун Жонсборода йиғиларди. Отлар етишмаётгани сезилиб турар, би-

роқ эгарга ўтириб олганлар эса суд биноси ортидаги далада чанг-тўзон кўтариб, хириллаб қолгунча томоқ йиртиб, меҳмонхона ёки идора хоналари деворларидан олинган, Мустақиллик учун Уруш давридаги қиличларни ўйнатиб – тасаввурларида қандай бўлса, шундай – суворийларга хос ҳарбий машқлар билан шуғулланарди. Оти йўқлар эса Буллард дўкони олдидаги зинапояда от ўйнатиб юрган қуролдошларини кузатиб, тамаки чайнашар ва узунқулоқ гаплардан гурунглашиб ўтиришарди. Ора-сира отиш мусобақаси бўлиб турар, йигитларни отишга ўргатишнинг зарурати йўқ эди. Аксарият жанубликлар бешикдаёқ ўқотар қуролни кўриб кўзи пишган, ҳар куни турли ёввойи қушларни овлаб моҳир мерган бўлиб етишганди.

Эскадрон ҳар сафар йиғин ҳақида эълон берганида заминдорларнинг уйлари ва трапперларнинг кулбаларидан турли-туман ўқотар қуроллар келиб тушарди. Бу кўчманчилар ҳали илк бор Аллеганадан ошиб ўтган йиллари олмахон овлаш учун ишлатилган узун қўндоқли милтиқлар; Жоржия ерлари ўзлаштирилган замонда кўплаб ҳиндуларнинг жонига зомин бўлган, оғзидан ўқланадиган эски пилта милтиқлар; 1812 йили семинолларнинг ҳинду қабиласи билан тўқнашганда ҳамда Мексика урушида қўл келган кавалерия тўппончалари; нақшинкор кумуш қадалган дуэль тўппончалари; қисқа қувурли йирик калибрли тўппончалар; қўшотар ов милтиқлари ҳамда мустаҳкам ёғочдан ясалган, қўндоғи сайқалланган янги чиройли инглиз милтиқлари эди.

Машғулотлар доим Жоржия салунларида ниҳоясига етар ва кеч кириши билан олишув шу қадар авж олардики, зобитлар ўз ҳамюртларини бир-бирларига шикаст етказмасликка – буни янкиларга қўйиб беришга – кўндиролмай овора бўларди. Шундай тўқнашувларнинг бирида Стюарт Тарлтон Кэйд

Калвертни, Тони Фонтейн эса Брэнтни мўлжалга ола билди. Эскадрон ташкил этилаётган кунларда Виргиния университетидан эндигина қувилган эгизаклар уйга қайтишди ва кўтаринки руҳда унинг сафига ёлланишди. Бироқ икки ой аввал, юқорида эслатилган отишмадан сўнг, ойилари полвонларини яна университетга – бу даъфа Жоржияга – у ердан бир қадам ҳам жилмасликни тайинлаб, жўнатиб юборди. Минг афсуски, улар университетда бўлиб, ўқув машғулотларининг қувончу ҳаяжонларини ўтказиб юбордилар, энди эса университет берадиган билимларни ҳеч иккиланмай от чоптириш, ўқ отиш ва ошна-оғайнилар даврасида бақириб-чақиришдек ишқибозликка қурбон қилиш мумкин, деган фикрга келдилар.

– Бўпти, кетдик Эйблникига, – бир қарорга келди Брент. – Биз у ёққа мистер О'Хара мулкидаги дарёни кечиб ўтишимиз мумкин, кейин Фонтейнларга қарашли яйловлар орқали манзилга тезда етиб оламиз.

– Фақат бизни опоссум ва ловия қовурдоғидан бўлак яна нима биландир сийлашади, деб хомтама бўлманглар, – тўнғиллади Жимс.

– Сенга эса, умуман, ҳеч нарса тегмайди, – кулди Стюарт. – Чунки ҳозироқ ойимнинг олдига жўнайсан ва унга бизни кечки овқатга кутиб ўтирмаслигини айтасан.

– Э, йўқ, бормайман! – қўрққанидан бақириб юборди Жимс. – Бормайман, вассалом! Бекам сиз қолиб менинг теримни шилиб олиши зарур кебтими! У дангалига сизни яна ўқишдан ҳайдашганини мен нега пайқамай қолганимни сўрайди. Кейин эса уйдан қочиб кетганингизу таъзирингизни беролмай қолгани учун ҳам мени айбдор қилади. Худди ўрдак чувалчангнинг тит-питини чиқаргандай, пўстагимни қоқа бошлайди, ҳаммасига ёлғиз ўзим жавоб бери-

шимга тўғри келади. Э, йўқ, агар жаноб Уиндерникига бирга олиб кетмасанглар ўрмонга қочиб кетаман ва туни билан ўша ёқда беркиниб ўтираман, майли мени патруль олиб кетсин – бу жаҳли чиқиб турганда бекамнинг қўлига тушгандан кўра тузукроқ.

Эгизаклар аччиқланган ва каловланган кўйи қатъиятга тўла қоратанли йигитчага қараб қолишди.

– Бу телбанинг дастидан чинданам патрулга йўлиқиш ҳеч гапмас, унда ойим яна бир ҳафта тинчимайди. Худо ҳаққи, бу қоравойларнинг турган-битгани бош оғриқ. Баъзан менга аболиционистлар у қадар ёмон нарса ўйлаб топишмагандек туюлади.

– Шундай экан, Жимсни биз учун жазо олишга мажбурлаш инсофдан бўлмайди. Уни бирга олиб кетишимизга тўғри келади. Аммо қулоқ сол, ярамас қоравой, агар у ердаги негрлар олдида бурнингни кўтариб, улар бор-йўғи қуён ва опоссум гўштига қаноат қилиб турганида, бизникида жўжа қовуришларию сон гўштини тоблаб пиширишларини айтиб мақтансанг борми, мен... мен устингдан ойимга арз қиламан. Қолаверса, сени ўзимиз билан урушга олиб кетмаймиз.

– Бурнимни кўтарсам? Шу қашшоқ негрлар олдида бурнимни кўтараманми? Йўқ, сэр, мени бундай тарбиялашмаган. Мисс Беатриса мени яхши одатларга ўргатган, билсангиз, ўзимни тутишни биламан.

– Э, бу ишни ойим унчалик қойиллатгани йўқ – биз билан ҳам, сен билан ҳам, – деди Стюарт. – Бўпти, кетдик.

У ўзининг улкан тўриқ отини қамчилади, кейин бир ниқтаб шох-шаббали тўсиқдан осонгина сакраб ўтди-да, тулпорни Жералд О'Харанинг ҳайдалган даласи бўйлаб чоптириб кетди. Тўриқнинг ортидан Брэнт от қўйди, йигитлар билан изма-из эгар қошига энгашганча отнинг ёлига ёпишиб Жимс ҳам тў-

сиқдан ошиб ўтди. Жимснинг тўсиқлардан сакраб ўтишга заррачаям тоқати йўқ эди, бироқ ўз хўжайинларидан орқада қолмаслик учун бундан-да баландроқ тўсиқларни енгиб ўтишга тўғри келарди.

Қош қорайганда улар қизил тупроқли шудгор бўйлаб от қўйдилар ва Брент акасига:

– Менга қара, Стю, ахир, нима бўлгандаям, Скарлетт бизни кечки овқатга таклиф қилиши лозим эмасмиди? – деб қичқирганида улар тепадан тушиб, аллақачон дарё бўйига яқинлашиб қолишганди.

– Мен ҳам нуқул шу ҳақда ўйлаяпман, – қичқирди унга жавобан Стюарт. – Хўш, сенингча, бунинг сабаби нимада...

II боб

Эгизаклар отларини елдириб кетгач, туёқ товушлари тинди, айвонда шамдай қотиб турган Скарлетт ўгирилиб, худди телбагезакдай боя ўзи ўтирган оромкурси томон юрди. У ўз ҳиссиётларини билдирмасликка шу қадар уринардики, асаби таранглашганидан юзи ғалати тарзда қотиб қолган, лабларида эса зўраки табассум титрарди. У аламдан эзилаётган юрагига кўкрак қафаси тор келаётганини ҳис қиларкан, бир оёғини йиғиб креслога оғир чўкди. Юрагининг тез ва қисқа-қисқа ураётгани, кафтлари уюшиб қолганини алам билан ҳис қилар, даҳшатли ва ўнгланмас бахтсизлик туйғуси вужудини чулғаб олган эди. Чеҳрасида оғриқ ва саросималик акс этар, бу саросима истагани доим муҳайё бўлишига ўрганиб қолган, айни дамда эса илк бор ҳаётнинг тор ва қоронғу кўчасига кириб қолган гўдакнинг довдирашига ўхшарди.

Эшли уйланяпти, Мелани Гамильтонга!

Йўқ, бу ёлғон! Эгизаклар ниманидир чалкаштиришди. Ёки, ҳар доимгидек, уни майна қилишяпти.

Эшли Меланини севиши мумкин эмас. Бу кўримсиз сичқончани ким ҳам севарди! Скарлетт ғайриихтиёрий нафрат билан, ўзининг устунлигини англаган кўйи Меланининг боланикидек нозик жуссаси, юракча шаклини эслатувчи жиддий, содда-баёв, ҳатто хунук деса бўладиган юзчасини эслади. Боз устига Эшли у билан неча ойдан бери кўришмаган. Ўтган йили Ўн икки Эманда уюштирилган рақс оқшомидан кейин Эшли Атлантага икки марта борди, холос. Йўқ, Эшли Меланини севмайди, чунки... – бу борада у хато қилиши мумкин эмас – чунки Эшли унга, Скарлеттга ошиқ бўлиб қолган. Эшли уни севади – у буни жуда яхши билади!

Скарлетт даҳлиз поли Моможоннинг оғир қадамларидан зириллаганини эшитди ва шошиб оёғини тушириб, имкон қадар юзига хотиржам тус беришга уринди. Моможоннинг бирор кор-ҳол рўй берган, деган хаёлга боришига асло йўл қўймаслик керак. Моможон О'Хараларнинг ҳаммасини ичак-чавоғию ўй-хаёллари ва ҳис-туйғулари билан, шубҳасиз, ўзининг шахсий мулки ҳисоблар ва уларнинг мендан яширадиган сири бўлиши мумкин эмас, деб ўйларди. Шу боисдан бирор-бир сир борлигига заррача ишора бўлса, бас, тозидай толмас ва бешафқат Моможон изига тушиши тайин эди. Скарлетт тажрибасидан биларди: мабодо Моможоннинг қизиқувчанлиги дарҳол қондирилмаса, у шу заҳоти бекасининг ёнига югурар, у ҳолда истайсанми-йўқми ҳаммасини тан олишга ёки озми-кўпми ҳақиқатга яқинроқ бир нимани ўйлаб топишга тўғри келарди.

Моможон даҳлиздан секин чиқиб келди. Қучоққа сиғмас, филникидек митти кўзлари ақлли боқувчи, териси чинакам африкаликка хос – силлиқ қора танли кекса аёл бутун қалби ва вужуди билан О'Харалар хонадонига содиқ, уй бекасининг суянган тоғи эди. У хизматкорларни зир титратар ва кўпинча уч

бекачанинг кўз ёш тўкишига сабабчи бўларди. Ҳа, Моможоннинг танаси қора, бироқ у одоб-ахлоқи, ўз қадрини билиши жиҳатидан оқ танли жаноблардан қолишмасди. У Эллин О'Харанинг онаси – латофатли, вазмин, калондимоғ, ўз болалари қатори хизматкорларнинг болаларини ҳам жиндай бўлса-да одоб қоидаларини бузгани учун шафқатсиз жазолайдиган француз аёл Соланж Робийярнинг ётоғида ўсиб, тарбия топган эди. Эллинга энага этиб тайинланган Моможон у турмушга чиққанида Саваннадан Жоржияга келди. Кимни яхши кўрсам, ўшани ақл-фаросатга ўргатаман дер, бу – Моможон учун қонун эди. У Скарлеттни яхши кўргани ва у билан беҳад фахрлангани учун қизалоқнинг эс-ҳушини жойига келтириб қўйишдан сира чарчамасди.

– Жентмунлар қани – кетиб қолишдими, дейман? Нега уларни кечки овқатга таклиф қилмадингиз, мисс Скарлетт? Мен аллақачон Поркка столга қўшимча идишлар келтириб қўйишни буюргандим. Яхши одатларингиз қаерда қолди, мисс?

– Уф-ф, нуқул уруш ҳақида эшитиш шундай жонимга тегдики, энди овқат маҳалиям бу азобга чидашга тоқатим етмасди. Ажабмас, отам ҳам уларга қўшилиб Линкольннинг авра-астарини ағдарса.

– Сиз ўзингизни плантациядаги ҳар қандай негр аёлдан ҳам ёмон тутяпсиз, мисс, тағин ойингиз иккимиз чеккан заҳматлардан кейин-а! Бунинг устига елвизакда рўмолсиз ўтирибсиз! Сизга қанча уқтирганман – гапимни ёдда тутинг, агар кечқурун елкангизни очиб ўтирсангиз, шамоллаб қоласиз, деб. Уйга киринг, мисс Скарлетт!

Скарлетт елкасида шолрўмол йўқлигидан Моможоннинг ташвишга тушиб, ўзининг кайфияти бузуқлигини сезмаганидан хурсанд бўлиб, ясама бепарволик билан тескари ўгирилди.

– Киргим келмаяпти. Шу ерда ўтириб, қуёш ботишини томоша қиламан. Уфқ шундай чиройлики. Ил-

тимос, Моможон, рўмолимни олиб келиб бер, мен шу ерда отамни кутиб ўтираман.

– Э, афтидан, аллақачон шамоллаганга ўхшайсиз – овозингиз бўғиқ, – баттар хавотирланди Моможон.

– Ҳечам ундаймас, – аччиқланди Скарлетт. – Рўмолни олиб кел.

Моможон оқсай-оқсай холлга қайтиб кирди, Скарлетт унинг иккинчи қаватдаги хизматчи оқсочлардан бирини йўғон овозда чақирганини эшитди.

– Ҳой, Роза! Менга мисс Скарлеттнинг шол рўмолини ташлаб юбор-чи! – Кейин янада гулдираган хитоб эшитилди. – Эҳ, мияси йўқ қиз! Қани энди бу қиздан бирор наф чиқса! Юқорига эмаклаб чиқаман, шекилли.

Скарлетт зиналарнинг ғижирлаганини эшитиб, секин ўрнидан қўзғалди. Ҳозир Моможон қайтиб келади ва уни яна меҳмондўстлик қоидаларини бузганликда айблаб сўроқ қилади, Скарлетт эса юраги хун бўлиб турган чоғда бу бемаъни гапларга тоқат қилолмаслигини сезиб турарди. Кўкрагида турган оғриқ бир оз босилгунча қаерга бекинишни ўйлаб тараддудланиб турганида, бехосдан хаёлига бир фикр келди ва дарҳол кўнглида умид учқуни милтиллади. Отаси тушдан кейин хизматкори Поркнинг хотини Дилсини сотиб олиш мақсадида Ўн икки Эманга кетган эди. Дилси Ўн икки Эманда доялик қилар, хизматкорларга раҳбар ҳам эди. Порк эса бир плантацияда бирга яшайлик деб, кечаю кундуз Дилсини сотиб олишини сўрайвериб хўжайинни безор қилди. Бугун унинг ялиниб-ёлворишларидан юраги безиллаган Жералд Дилси учун бадал таклиф қилиш ниятида Ўн икки Эманга йўл олди.

"Албатта-да, – ўйларди Скарлетт, – агар бу шум хабар рост бўлса, отам буни билиши тайин. Унга айтмасликлари аниқ, аммо агар Уилксларникида бирор кутилмаган воқеа рўй бераётган, ҳамма ҳаяжонда

бўлса, отамнинг ўзи буни фаҳмлайди. Мен у билан фақат кечки овқат пайтигача юзма-юз учрашишим керак, шунда бор гапни билиб оламан – балки бу ярамас эгизаклар мени яна майна қилишаётгандир."

Жералд ҳадемай уйга қайтиши керак эди. Демак, отасини гувоҳларсиз кўриш учун уни йўлдан уйга буриладиган хиёбон муюлишида тўхтатиш зарур. Скарлетт айвон зинасидан секин тушаётиб, тепадаги деразадан Моможон мени кузатмаётганмикан, дея елкаси оша аланглади. Шамолда ҳилпираётган пардалар ортида қордай оппоқ тумоқдаги қоп-қора чеҳра ва таънали кўзларни кўрмади ва шаҳд билан гулдор яшил кўйлагининг этагини йиғди ва боғичлари бир-бирига чоғиштириб боғланган пошнасиз туфлича кийган кичкина оёқчалар кириш хиёбонига олиб борувчи сўқмоқдан тез-тез югуриб кетдилар.

Шохлари чирмашиб кетган қора қалпоқли кедрлар шағал тўкилган хиёбонни аллақандай ғира-шира туннелга айлантириб қўйганди. Ғадир-будир шохлар панасида кўздан яширинган Скарлетт қадамини секинлатди. Корсети тортиб боғлангани туфайли у зўрға нафас олар, югуролмас, лекин барибир тез юриб борарди. Кўп ўтмай хиёбон адоғига етиб, йўлга чиқиб олди, бироқ муюлишдаги баланд дарахтлар қўрғонча биносини кўздан пана қилмагунича олдинга қараб юраверди. Қизариб кетган, ҳансираган Скарлетт қулаб тушган дарахт устига ўтириб, отасини кута бошлади. Отаси кеч қолаётганди, аммо у бундан хурсанд эди. Тинчланишга, нафас ростлаб, шубҳа туғдирмай, хотиржам қиёфада отасини кутиб олишга вақт бор. Яна бир дақиқа ўтиб, қулоғига тақаларнинг тақиллаган товуши чалинади ва у, ҳар сафаргидек, отасининг шиддат билан тик қияликдан тепага от қўйиб чиқиб келаётганини кўради. Бироқ дақиқалар ўтиб борар, Жералд эса кўринмасди. Скарлетт тепаликдан пастга қараб отасини кутиб ўтираркан, юраги тағин зирқирай бошлади.

“Йўқ, бу ёлғон! – ишонтирмоқчи бўларди у ўзини. – Лекин отам нега келмаяпти?”

У ёнбағир бўйлаб юқорига ўрмалаган, ёмғирдан сўнг тўқ қизил тусга кирган йўлга термулар ва хаёлан уни танбал Флинт дарёси ёқасидаги сув босган ўтлоқ ва ундан нари, тепалик бўйлаб Ўн икки Эман – Эшлининг қўрғонигача кезиб чиқарди. Энди унинг назарида бу йўл фақат бир манзилга тортилган – у Эшлиникига, тепалик бошига тож бўлиб тушган, устунлари оппоқ, юнон қасридек шинам уйга олиб борарди.

“Эҳ, Эшли, Эшли!” – сассиз хитоб қилди у, юраги эса янада тез ура бошлади.

Эгизаклар шум хабарни еткизган сониядан бери уни бетиним азоблаётган, сўнгги икки йил мобайнида юрагини ўртаб келаётган, унга таниш ўтли ҳаяжон оғушида бахтсизликдан белги берган совуқ ва хавотирли туйғу туйқусдан онги қаърига беркинди.

Ўзи билан бирга ўсиб-улғайган Эшли ҳеч қачон эътиборини тортмагани ҳозир Скарлеттга ғалати туюларди. У гоҳ пайдо бўлар, гоҳ ғойиб бўлар, лекин ҳеч қачон қизнинг хаёлини банд этмаганди. Уни севиб қолган ўша унутилмас кунга қадар – икки йил аввал, Европа бўйлаб уч йиллик саёҳатидан уйга қайтгач, Эшли уларникига ташриф буюрган кунгача шундай бўлган эди. Ўша куни бирдан севиб қолди, вассалом!

Скарлетт эшик айвонидаги зинапояда турар, Эшли – нафис силлиқ мовутдан тикилган кулранг костюмда, кўйлагининг оқлигини бўрттириб кўрсатиб турган энли қора галстукда – кутилмаганда ҳовлига кириладиган хиёбонда от устида пайдо бўлди. Ҳаммаси ёдида, икир-чикиригача: этикларининг ялтирашию галстугига қадалган тўғноғичдаги медуза боши нақшланган чиғаноқ, уни кўрибоқ бошидан кенг айвонли шляпасини чаққон ечгани. Эшли шо-

шиб жиловни негр болага ирғитди ва унга тикилиб туриб қолди; қуёш нурлари оқ-сариқ сочларида ўйнар, гўё бошига кумуш қалпоқ кийганга ўхшар, ҳаёлчан кўк кўзлари унга қараб куларди. "О, сиз катта қиз бўлиб қолибсиз, Скарлетт!" – деди у. Ва зинадан енгил югуриб чиқиб, унинг қўлини ўпди. Оҳ, бу овоз! Бу оҳиста, дилкаш мусиқадек оҳангдор овоздан юраги тез уриб кетганини у ҳеч қачон унутмайди. Юраги шундай гупиллардики, буни у биринчи марта эшитаётгандек эди.

Айни шу лаҳзада унинг қалбида ишқ аланга олди. Скарлетт Эшли ўзиники бўлишини истаб қолди, ўйлаб ҳам кўрмай ташналигида сувга, сайр учун отга, ором олиш учун юмшоқ тўшакка эҳтиёж туйгандагидай табиий, шунчаки истаб қолди.

Икки йил Эшли бал ва теннис мусобақаларида, балиқ ови, сайр-саёҳатлару базмларда унга ҳамроҳ бўлди, эгизак Тарлтонлар ёки Кейд Калверт сингари тез-тез бўлмаса-да, у билан бутун графлик бўйлаб айланди, ака-ука Фонтейнлар каби хиралик қилмади, бироқ Эшли Уилкс бирор ҳафта Тарага келмай қолгани йўқ. Тўғри, Эшли унинг муҳаббатини қозонишга ҳечам интилмаган, тиниқ кўк кўзларида ҳеч қачон Скарлетт бошқа йигитларнинг ўзига қадалган нигоҳларида кўп кўрган олов ёнмаган. Лекин барибир... барибир... Эшли ўзини севишини қиз биларди. Бунда хато қилиши мумкин эмас. Буни унга кўнгли савқитабиий тарзда – ақл-идрокдан зийракроқ, ҳаётий тажрибадан донороқ сезгилари айтиб турарди. У тез-тез зимдан унинг ўзига қадалган нигоҳини пайқар, бу нигоҳда Эшлига хос бегоналик, бефарқлик эмас, қандайдир қониқмаслик, англаб бўлмас қайғу, Скарлетт учун жумбоққа айланган ғам кўринарди. Эшлининг ўзини севишини Скарлетт биларди. Унда нега сукут сақлади? Буни қиз тушунмасди. Қолаверса, йигитнинг кўп жиҳатларини Скарлетт тушунмасди.

Эшли доим унга беназир илтифот кўрсатар, бироқ бу муомалада аллақандай сиполик, ётсираш бор эди. Унинг ўй-хаёллари тагига ҳеч ким етолмайдигандек туюлар, Скарлеттга эса йўл бўлсин. Унинг оғир карвонлиги ҳамманинг жаҳлини қўзғар, ахир, бу ердагилар хаёлига келган гапни дарҳол тўкиб солишга одатланган эди-да. Маҳаллий ёшларнинг анъанавий сайру томошаларида Эшли ҳеч нарсада ҳеч кимдан қолишмасди: овда ҳам, балда ҳам, қарта столида ҳам, сиёсий мавзудаги баҳс-мунозарада ҳам эпчил, зукко эди. Айни пайтда, шубҳасиз, графликнинг биринчи рақамли чавандози ҳисобланарди. Аммо бир хусусияти Эшлини тенгқурларидан ажратиб турарди: бундай машғулотлар Эшли ҳаётининг мазмун-моҳиятини белгиламасди. Китобга, мусиқага, шеър ёзишга қизиқишлари билан у тамоман ёлғиз эди.

Э худо, шу қадар нозикдид, аммо совуқ илтифотли, ўзининг Европа мамлакатлари, китоблар, мусиқа, поэзия ва бошқалар ҳақидаги зерикарли гурунглари билан жонга тегиб кетадиган бу кўркам, оқ-сариқ сочли йигитча Скарлеттни қандай қилиб ўзига маҳлиё қилдийкин-а! Ҳар куни Эшли билан шом қоронғусида узоқ ўтирган Скарлетт алламаҳалгача мижжа қоқмас, эртанги оқшомда у албатта қўлимни сўрайди, деган ўйдан таскин топарди. Бироқ кунлар ўтиб борар, оқшомлар келар-кетар, лекин ҳеч нарса ўзгармас, ҳаммаси бир зайлда давом этарди. Унинг ичидаги оташ эса тобора кучлироқ аланга оларди.

У Эшлини севар, унга талпинар, бироқ йигит унинг учун жумбоқ эди. Ҳаёт Скарлеттга бепоён далалар узра эсаётган шамол каби, қир-адирларда ёйилиб, бир ўзанда лойқаланиб оқаётган дарё сингари ўзгармас ва жўн туюларди. Барча мураккабликлар унга бегона ва тушунарсиз, сўнгги нафасигача шундай қолиши пешонасига битилгандек. Ҳозир эса тақдир уни илк бор ўзидан-да мураккаб феъл-атворли инсонга рўбарў қилиб турибди.

Зеро Эшли хаёлпарастлар қавмидан эди – бўш вақтларини амалий ишга эмас, ўй-хаёлларга бағишлаган, ҳаёт ташвишларидан узоқ, ширин хаёллардан сармаст одамлар тоифасидан эди. У, назарида, Жоржиядан кўра гўзалроқ ички дунёси билан қаноатланиб яшар, ноилож қолган чоғларидагина борлиқ ҳаётга қайтарди, холос. Одамларга нисбатан кўнглида на илиқлик, на бирор гидир туярди. Ҳаётни кузатаркан, кўнгли чўкмас ва рағбати ошмасди. Мавжуд дунёдаги тартиб-қоидани қабул қилар ва ундаги ўз ўрнига муқаррар тақдир тақазоси, деб қарар ва, елкасини қисиб, ўзга, ғаройиб оламга – китоблар ва мусиқа дунёсига қайтарди.

Скарлетт кўнгли туманли бу одам ўзини қандай сеҳрлаб қўйганига тушунолмасди. Уни ўраб турган сиру синоатнинг нурли гардиши, калити йўқ қулфлоғлиқ эшик сингари, унинг қизиқувчанлигини кучайтирарди. Эшлининг сирлилиги Скарлеттни баттар қайсарлик билан унга талпинишга мажбурлар, йигитнинг ўзгача сиполик билан қилган илтифотлари эса уни ўзига бутунлай қаратиб олиш йўлидаги қатъиятини мустаҳкамларди, холос. Скарлетт ёш, тантиқ эди, ҳали мағлубият аламини тотмаган, эртами-кеч Эшли қўлини сўрашига асло шубҳа қилмасди. Бироқ, мана, томдан тараша тушгандай, бу даҳшатли хабар: Эшли Меланининг қўлини сўрабди! Йўқ-йўқ, бундай бўлиши мумкин эмас!

Қанақасига! Ахир, ўтган ҳафта қош қорайган пайт отда сайр қилиб қайтишаётганида у тўсатдан: "Мен сизга бир муҳим гапни айтишим керак, аммо нимадан бошлашни билолмаяпман", деганди-ку.

Унинг юраги ширин туйғудан орзиқиб кетди ва у орзу қилган дақиқа ниҳоят етиб келганини тушунди, уялинқираб ерга қаради, лекин шунда Эшли қўшимча қилди: "Йўқ, яхшиси, ҳозир эмас. Биз уйга етиб қолдик, гаплашиб олишга вақтимиз етмайди.

Эҳ, нега бу қадар қўрқоқман-а, Скарлетт!". Шундай дея у отини ниқтаб, қизнинг ортидан тепаликка, қўрғон тарафга чоптириб кетди.

Скарлетт қулаган дарахт устида ўтириб, вужудини шодликка тўлдирган ўша сўзларни эслади ва бирдан бу сўзлар унинг хаёлида бутунлай ўзгача, қўрқинчли маъно касб этди. Балки Эшли бошқа қизга унаштирилганини айтмоқчи бўлгандир?

Э, худойим! Кошки отаси қайта қолса! У хавотирли бу ҳолатга ортиқ дош беролмайди. Скарлетт сабрсизлик билан йўлга термилди, бироқ ҳеч кимнинг қораси кўринмасди.

Қуёш аллақачон ботган, осмон теграсидаги қизил шафақ хира тортиб, сарғиш-пушти рангга кирганди; боши устидаги ложувард осмон секин-аста нафис зангори тус олар, табиатнинг оқшомги сирли сокинлиги Скарлеттни сассиз ҳар тарафдан ўрай бошлаганди. Хаёлий шарпа борлиқни оғушига олган эди. Шудгорланган ернинг қизғиш қатламлари ва йўлнинг қизил тасмаси ўзининг мудҳиш-қонли тусини йўқотиб, оддий қорамтир тупроққа айланди. Йўлнинг нариги бетидаги ўтлоқда отлар, сигирлар ҳамда хачирлар отхонаю оғилга ҳайдашларини ва кечки емишга етиб боришни кутишарди. Уларни дарё ёқалаб ўсган чангалзорларнинг қоронғулиги чўчитар, ёнларида одам борлигидан қувонгандек Скарлетт томонга қулоқларини диккайтириб туришарди.

Дарё бўйидаги кундузи ям-яшил товланадиган баланд қарағайлар хира тортган осмон гумбази остида қоп-қора кўринар, бу маҳобатли, азим дарахтлар имиллаб оқаётган бўз сувга борар йўлни тўсиб, саф тортган. Нариги қирғоқдаги тепаликда жойлашган Уилкслар қўрғонининг оппоқ мўрилари эманларнинг қуюқ қорамтир барглари орасидан элас-элас кўринар, фақат ҳар жой-ҳар жойда милтираб

турган, кечки овқат маҳали ёқилган чироқлар ётар пайти яқинлашаётганига ишора қиларди.

Янги ҳайдалган ернинг ва кўкка бўй чўзаётган ёш новдаларнинг ҳидига тўйинган намхуш, илиқ, муаттар баҳор ҳавоси Скарлеттни чулғай бошлади.

Баҳор, қуёшнинг ботиши, нозик яшил ниҳоллар Скарлетт қалбида ҳеч қачон ҳайрат туйғусини уйғотмаган. Бу гўзаллик сув ва ҳаво сингари унинг учун оддий ҳол, ҳаётининг бир парчаси эди. Унинг идроки фақат бор, кўзга яққол кўринадиган нарсалар – зотдор отлар, аёлларнинг чеҳралари, башанг либосларга мойил эди... Шундай эса-да, Таранинг кўпчиб ётган ҳосилдор ерларига чўккан шом ёғдусининг тантанавор сукунатидан унинг ғулғулага тушган кўнгли осойиш топди. У бу заминни севарди – чироқ ёруғида онасининг ибодатга эгилган чеҳрасини севгандек, ғайришуурий тарзда, жон-дилдан севарди.

Кимсасиз илонизи йўлда эса ҳамон Жералднинг қораси кўринмасди. Бу ерда кутиб ўтираверса, Моможон уни албатта излаб топиб, уйга қувади. Зулматга ботган йўлга тикиларкан, у бирдан яйлов томондаги тепалик этагидан туёқ товушлари келаётганини эшитди ва сигирлар, отларнинг қўрқиб қочаётган қорасини кўрди. Жералд О'Хара далани кесиб, жони борича от қўйиб уйга қайтаётганди.

Узоқдан бўйи-бастига мос келмайдиган отни минган болага ўхшаган Жералд О'Хара ўзининг бўлиқ, оёқлари узун гунтерасида тепага кўтарилди. Отини елдириб келаётган Жералднинг оқарган сочлари шамолда ёйилиб тўзғийди, у отига қамчи босиб, қичқириб қистайди.

Бир лаҳза ичини кемираётган ташвишни унутган Скарлетт ғурур ва меҳр билан отасига завқланиб қараб турди, чунки нима бўлганда ҳам Жералд О'Хара моҳир чавандоз эди.

“Ичиб олса тамом, шу заҳоти тўсиқлардан учиб ўтади, – ўйлади Скарлетт. – Ахир, ўтган йили худди шу жойда эгардан қулаб, оёғини синдирган эди. Бу унга бинойидай сабоқ бўлганди, чамаси. Устига устак ойимга онт ичиб бундай қилиқларини йиғиштиришга сўз ҳам берганди.“

Скарлетт отасининг олдида заррачаям қўрқувни ҳис қилмасди. Отаси унга ҳатто сингилларидан ҳам яқинроқ тенгқурдай эди – ахир, Жералд хотинининг кўзидан узоқда, далада худди ёш боладай бемалол от чоптиришни яхши кўрар, Скарлетт эса – у ҳам тўсиқлардан ошиб ўтишга ўта ишқибоз – Моможонга қарши отасига содиқ иттифоқчи эди. Унинг отда сакраб ўтишини кўрмоқчи бўлиб Скарлетт қулаган дарахт устидан турди.

Бақувват айғир тўсиққа яқинлашди ва ўзини ростлаб, ҳавода қамчи ўйнатаётган оқсоч чавандознинг шодон қийқириқлари остида асло қийналмай тўсиқдан сакраб ўтди. Жералд дарахтлар соясида турган қизини пайқамай отининг ёлини силаб эркалади ва жиловни тортиб йўлга бурди.

– Бу атроф-жавонибдаги, эҳтимолки, бутун штатдаги ҳар қандай отдан юз карра афзалсан, – деди у ғурур билан айғирига. Унинг гапидан Америкада кечган ўттиз тўққиз йиллик ҳаёти давомида қутулолмаган ирланд лаҳжаси аниқ сезилди. Кейин у соч-ларини нари-бери текислади ва камаридан чиқиб кетган ғижим кўйлаги ҳамда бир тарафга оғиб қолган галстугини тўғрилай бошлади.

Ўзига бундай оро беришлардан қўшниларникидаги меҳмондорчиликдан сўнг отда сипо бўлиб уйга қайтаётган жентльменга хос қиёфада хотинига кўриниш истаги борлигини Скарлетт англаб турарди. Шу дамда у бундай вазият бу жойда турганидан асл мақсади нималигини сездирмаслик учун қулайлигини ва гап бошлашга баҳона бўлишини фаҳмлади.

У шарақлаб кулиб юборди. Жералд, Скарлетт кутганидай, бу тасодифдан чўчиб тушди, сўнг уни кўриб, айғирнинг жиловини тортди; кўриниши хижолатли, шу билан бирга чеҳрасида норозилик ифодаси бор эди. У отдан оғриниб тушди – лат еган тиззаси ҳалиям билдириб турарди – ва отини етаклаб, қизи томон юрди.

– Хўш-хўш, хоним, – дея у Скарлеттнинг юзини чимчилади, – демак, сиз менинг ортимдан тушган жосус экансиз-да, худди ўтган ҳафта синглингиз Сьюлин каби югуриб бориб ойингизга шикоят қилмоқчимисиз?

Унинг овозида бир оз ғазаб, айни пайтда ёлвориш оҳанги сезилди. Скарлетт эса унинг жиғига тегиш учун тилини масхараомуз тақиллатди ва галстугини тўғриламоқчи бўлиб қўлини чўзди. Унинг димоғига вискининг ўткир ҳамда янги чиққан ялпизнинг кучсизроқ ёқимли ҳиди урилди. Тағин тамаки, тери ва от ҳиди ҳам анқиб турарди. Болалигиданоқ ўзи ёқтирган ҳид унинг тасаввурида отасининг ҳиди эди, аммо бошқа эркакларга ҳам хос хусусиятдек ғайришуурий тарзда унга ёқарди.

– Йўқ, отажон, мен Сьюлинга ўхшаб чақимчи эмасман, – дея ишонтирди у отасини ва орқага бир қадам чекиниб, ҳаммаси жойида эканига ишонч ҳосил қилиш учун унга синчковлик билан қаради.

Жералд узун бўйли эмас – бўйи беш футдан сал баландроқ – лекин гавдаси қорувли, бўйни жуда йўғон эдики, ўтирганда норғул, паҳлавон одамдек таассурот қолдирарди. Бу азамат гавда иккита калта, аммо жуда бақувват, доим энг яхши кўндан тикилган этикда, жанжалкаш боладек мудом икки тарафга керилган оёқларда турарди. Одатда паст бўйли эркаклар чирана бошласа ва ўзларини гавдали қилиб кўрсатмоқчи бўлса, бир оз кулгили кўринади, аммо урушқоқ хўроз, гарчи жуссаси кичик бўлса-да,

товуқлар орасида ҳаммавақт обрў-эътиборга лойиқ кўрилганидек, Жералд О'Хара ҳам шундай эътиборга сазовор эди. Жералд О'Хара ҳақида калака қилса бўладиган даражада пакана, дейиш ўта довюрак кишининг ҳам хаёлига келмасди.

У аллақачон олтмишни қоралаган, ғайир, жингалак сочлари оқариб, кумуш тусга кирган, бироқ бу ҳаётсевар инсоннинг шўхчан юзига ҳали ажин тушмаган, кичкина мовий кўзлари чақнаб турар, нигоҳлари ёш йигитларникидек беташвиш ва қатъиятли эди, чунки Жералд О'Хара покер ўйинида қўшимча қарта олиш ёки ҳийла-найранг қўллашнинг тўғри ё ножоизлиги муҳокамаси доирасидан ташқаридаги мавҳум масалалар билан бошини оғритиб ўтирмасди. Ирландларга хос – кенг ёноқли, қизил юзли, катта оғизли, бурни пучуқ, жангари – қиёфани у қачонлардир тарк этган, узоқда қолиб кетган ватанидан ҳам излаб топиш амри маҳол эди.

Аммо кўринишидан қизиққон бу ташқи қиёфа замирида жуда меҳрли қалб бор эди. Қилмишига яраша жазоланаётган қулнинг дод-войлари, бола йиғиси ёки мушук боласининг аянчли миёвлашига тоқат қилолмасди. Лекин ўзининг бу заиф хислатини биров билиб қолишидан жуда чўчир, ҳатто танишганидан сўнг беш дақиқа ўтар-ўтмас, раҳмдиллиги ҳаммага аён бўлиши эса унинг хаёлига ҳам келмасди: бундай кашфиёт Жералднинг нафсониятига оғир ботарди. Чунки у, момоқалдироқдек гумбурлаган овозимни эшитгач, ҳамма қўрқувдан дағ-дағ титраб, оёғини қўлга олганча хоҳиш-иродамни адо этишга отилади, деб ўйларди-да. У фақат битта овозга – хотинининг пастгина овозига – мулкидаги ҳамма сўзсиз бўйсунади, деган фикрдан йироқ эди. Бу нарса тоабад унинг учун сир бўлиб қолиши лозим эди, зеро, Эллиндан тортиб энг овсар негр боласигача нозик фитнанинг иштирокчилари эди: хўжайин бу ерда ўзининг сўзи қонун, деб ҳисоблаши лозим.

Скарлеттни эса, турган гапки, отасининг қаҳр-ғазабли гулдирак овози қўрқитолмасди. У Жералднинг тўнғич фарзанди эди, уч ўғли сулола қабристонида ётган ва энди меросхўр орттириш имконсизлиги равшан бўлган бир пайтда у Скарлетт билан эркак эркак билан гаплашгандек гаплашадиган одат пайдо қилди. Бу эса Скарлеттнинг ҳавойи табиатига хуш келди ва у отаси билан суҳбатлашишни ёқтириб қолди. Скарлеттнинг феъл-атвори отасиникига сингиллари – хаёлпараст ва нозикниҳол Керрин, чўқинтирилгандаги исми Керолайн-Айрин ҳамда ўзининг аслзодаларга хос хулқ-атвори билан бениҳоя фахрланадиган назокатли Сьюлин, чўқинтирилгандаги исми Сьюлин-Элинорларга қараганда кўпроқ ўхшарди.

Қолаверса, Жералд билан Скарлетт бир-бирининг айбини яширишга уринишлари билан ҳам ўхшаш эди. Мабодо Скарлетт дарвозагача тўрт қадам юришга эриниб тўсиқдан ошиб ўтса ёки ўзи ёқтирган йигитча билан алламаҳалгача айвонда гап сотиб ўтириб қолса – уни бундай жиноят жойида қўлга туширган Жералд қаттиқ сўроққа тутар, лекин ҳеч қачон на Эллинга, на Моможонга бу ҳақда оғиз очмасди. Скарлетт ҳам отасининг хотинига берган ваъдаларига қарамай, отда тўсиқдан сакраб ўтганини кўрса ёки қўшни аёллардан унинг қиморда ютқизганини эшитиб қолса, сохта соддадиллик билан унинг сирларини фош этувчи Сьюлиндан фарқли ўлароқ, дастурхон атрофида отасининг бу гуноҳларини эслатишдан ўзини тиярди. Жералд ҳам, Скарлетт ҳам бундай майда гаплар Эллинни беҳуда ташвишга солади, шу боис дунёдаги ҳеч қандай куч унинг нозик туйғуларини яралашга уларни мажбур қилолмайди, деб бир-бирларига сўз бергандилар.

Отасининг қоронғуда ғира-шира кўринаётган юзига тикиларкан, унинг ёнида эканидан Скарлетт беихтиёр ўзини дадил ҳис қилди. Унинг бир қадар

дағал соддалиги, вужудидан балқиб турган ҳаётий куч Скарлеттда ўзининг жонли аксини топарди. Табиатан ўз-ўзини тафтиш қилишга ноқобил Скарлетт ўн олти йил мобайнида уни ўз андозаларига солишга уринган Эллин ва Моможоннинг барча саъй-ҳаракатларига қарамай, айнан отасига хос хислатлар ўзида ҳам борлиги ҳақида ўзига ўзи ҳисоб бериб ўтирмасди.

– Мана энди кўринишингиз жойида, – деди у, – агар тилингизни тийсангиз, яна ҳунар кўрсатганингиздан ҳеч ким шубҳаланмайди. Ўтган йили шу тўсиқдан ошиб ўтаман, деб оёғингизни синдирганингиздан сўнг, менинг назаримда...

– Жин урсин, энди менга қаердан ошиб ўтишга ижозат берилгани ҳақида қизимдан кўрсатма олишим қолувди, – шовқин солди Жералд тағин унинг юзидан чимчиб. – Менинг бўйним, ўйлайманки, бу менинг бўйним, фақат меники. Сиз-чи, хоним, сиз бу ерда нима қиляпсиз, яна бунақа кўринишда, шолрўмолсиз?

Ноқулай суҳбатдан қочиш учун отаси ўзи ёқтирган усулни ишга солаётганини тушунган Скарлетт уни қўлтиғидан олиб деди:

– Мен сизни кутаётувдим. Узоқ қолиб кетасиз, деб ўйламовдим-да. Дилсини сотиб олдингизми-йўқми, шуни билмоқчийдим.

– Сотиб олдим, сотиб олдим. Дилси учун ҳамёним кўтарганидан-да кўпроқ тўладим. Ўзини ҳам, қизи Приссини ҳам сотиб олдим. Жон Уилкс уларни менга совға қилгиси келди, аммо Жералд О'Хара савдо битими тузаётганида ўзи ҳақида ҳеч қачон дўстликдан ўз манфаати учун фойдаланади, дейишларига асло йўл қўймайди. Жон Уилксни Дилси ва қизи учун уч минг доллар олишга мажбур қилдим.

– Вой худойим-ей, уч минг-а, дада! Приссини қўшиб сотиб олиш умуман шарт эмасди.

– Ўҳу, ҳали шунақами? Демак, шу аҳволга келибманки, қилган ишларим устидан қизим ҳукм чиқарадиган бўлибди-да! – тутақиб кетди Жералд. – Присси – ажойиб қиз, шу боисдан...

– Мен уни яхши биламан. Шум, бефаросат қиз, – отасининг ғазабидан заррача чўчимаган Скарлетт қизишмай ўз сўзида турди. – Сиз уни фақат Дилси илтимос қилгани учун сотиб олгансиз.

Яна бир хайрли амали учун юзи шувут бўлган Жералд ҳар галгидек хижолат тортди ва шаҳдидан тушиб жим бўлди, Скарлетт эса унинг беғараз ёлғонидан ошкора кулди.

– Хўш, нима бўпти? Агар Дилси мудом қизини ўйлаб қайғураверадиган бўлса, уни сотиб олгандан нима фойда? Бўпти, энди ўз негрларимнинг бирортасигаям бошқа ҳудуддан уйланишига рухсат бермайман. Жуда қимматга тушаркан. Бироқ кечки овқат вақти бўлди, кетдик, қизалоқ.

Қоронғулик қуюқлашар, уфқнинг сўнгги яшилтоб шуълалари ҳам осмон этагида сўниб битган, баҳор ифорларига тўйинган илиқ ҳавода аллақачон кечки салқин сезила бошлаганди. Аммо Скарлетт хаёлидаги фикрни отасига сездирмай қай йўсинда гапни Эшлига буришни билолмай чайналарди. Бу осон эмас, негаки Скарлеттни ақлан жуда зийрак, деб бўлмасди, Жералд унинг кўнглидагини осонгина фаҳмлаб олганидек, Скарлетт ҳам отасининг ҳийла-найрангларини енгил пайқар ва бунинг учун алоҳида илтифот кўрсатиб ўтирмасди.

– Ўн икки Эмандагиларнинг аҳволи қалай?

– Ҳамишагидек. Кейд Калверт кеп қолди, Дилсига боғлиқ ишни битиргач, айвонда ўтириб пунш ичдик. Кейд яқиндагина Атлантадан қайтибди, у ерда одамлар уруш ҳақидаги гап-сўзлардан ташвишга тушаётганмиш, гап фақат шу ҳақда...

Скарлетт уф тортди. Мабодо Жералд уруш ва Жоржиянинг Штатлар Иттифоқидан чиқиши ҳақида

гап бошласа борми, нақ бир соатга чўзилади. Скарлетт унинг гапини бўлиб, суҳбат ўзанини буриб юборди:

– Эртанги барбекю ҳақида гап бўлмадими?

– Гапиришди, эслаяпман. Мисс...Тўхта, ҳаҳ, оти нима эди-я, ахир, сен биласан-ку, ёқимтой қизалоқ, Эшлининг тоғаваччаси, ўтган йили бизникига келган қиз... эсладим – мисс Мелани Гамильтон! У акаси Чарлз билан ҳозиргина Атлантадан келди ва...

– Э, шунақа денг! Аллақачон етиб келдими?

– Ҳа, ҳа, етиб келди. Жуда ёқимли хилқат, ўзини шундай иболи тутадики, бу қиз болага ярашади, қани кетдик, яна нега туриб қолдинг, ойижонинг бизни излаб қолади.

Скарлеттнинг юраги "шув" этиб кетди. У ҳалиям Мелани Гамильтоннинг она шаҳри Атлантани тарк этишига баъзи бир шарт-шароитлар халақит беришидан ғайришуурий тарзда умидвор бўларди, аммо отасининг бу қиздаги ўзига мутлақо бегона хислатларни ошириб мақташи уни тап тортмай сўрашга мажбур қилди:

– Эшли ҳам ўша ердамиди?

– Эшли ҳам бор эди. – Жералд қизининг қўлини қўйиб юборди ва ўгирилиб, унга синчковлик билан назар ташлади. – Шуни билиш учун бу ерга келиб ўтирибсанми? Унда гапни айлантириб нима қиласан?

Скарлетт ўзини йўқотиб қўйди ва алам билан юзи қизариб кетаётганини ҳис қилди.

– Хўш, нега жим бўлиб қолдинг?

Унинг тили айланмас, ичида эса отасининг елкаларидан чангаллаб силтаёлмаслиги, уни жим бўлишга мажбурлай олмаслигидан надомат чекарди.

– У ўша ерда эди ва сингилларидек у ҳам сени ширинсуханлик билан сўради, ва ҳаммалари эртанги барбекюга Скарлетт албатта келади, деб умид

билдиришди. Мен ҳам, – қувлик билан қўшиб қўйди у, – сенинг боришингга ҳеч нарса монелик қилмайди, деб уларга сўз бердим. Хўш, энди гапир, Эшли билан ораларингда нима гап бор?

– Ҳеч қандай, – деди Скарлетт ва унинг енгидан тортди. – Кетдик уйга, дада.

– Хўш. Энди сен уйга шошиляпсан, – сўз қотди у. – Мен эса нима гаплигини тушунтириб бермагунингча шу ердан жилмайман. Сўнгги пайтларда сенда қандайдир кўнгилсиз ўзгариш юз бераётганга ўхшайди. Нима, у сенга хушомад қилдими? Балки қўлингни сўрагандир.

– Йўқ! – кескин рад этди Скарлетт.

– Сўрамайдиям, – деди Жералд.

Скарлеттнинг жаҳли чиқди, бироқ Жералд ҳукмфармолик билан уни гапиришга қўймади.

– Жим бўлинг, мисс! Бугун Жон Уилкс менга махфий тарзда Эшлининг мисс Меланига уйланаётганини айтди. Эртагаёқ уларнинг унаштирилиши эълон қилинади.

Отасининг енгидан маҳкам тутган Скарлеттнинг қўли бемажол осилиб қолди. Демак, бу ҳақиқат экан-да. Аламнинг йиртқич ҳайвонникидек ўткир тирноқлари унинг юрагига санчилди. Кўзи отасининг кўзи билан тўқнашди ва унинг нигоҳида ҳам ачиниш, ҳам ранжиш аломатларини илғади: бу муаммонинг отасига мутлақо дахли йўқ ва отаси унга қандай ёндашишни билмасди. Жералд қизини яхши кўрар, айни дамда Скарлетт ўзининг болаларча ғам-ташвишларини бартараф этишга мажбурлаётганидан ўзини ноқулай сезарди. Бундай вазиятларда нима қилиш кераклигини у – Эллин билади. Скарлетт онасига мурожаат қилиши лозим.

– Нега сен ўзингни кулгига қўйяпсан – ўзингниям, бизниям шарманда қиляпсан? – у ҳаяжонланганидан ҳар доимгидек овозини кўтариб гапира бош-

лади. – Сени назарига илмаган йигитнинг бўйнига осилмоқчимисан? Графликдаги ҳар қандай кўзга кўринган йигит сенга уйланишга жон деб рози бўлади-ку.

Ғазаб ва ҳақоратланган нафсоният бир лаҳзага аламни босди.

– Мен унинг бўйнига осилганим йўқ, шунчаки бу янгилик мени ҳайрон қолдирди.

– Сен алдаяпсан-ку ахир! – деди Жералд ва қизининг ғамдан адо бўлган юзига назар соларкан, меҳри жўшиб, ачиниб кетганидан энтикиб давом этди: – Мени кечир, қизалоғим. Ахир, сен ҳали боласан, ошиқларинг эса минг битта.

– Ойим сизга эрга текканида ўн бешда эди. Мен эса аллақачон ўн олти ёшга кирдим, – минғирлади Скарлетт.

– Ойинг бошқа гап, – деди Жералд. – У ҳеч қачон сендек енгилтак бўлмаган. Қани, қани, бошингни кўтар, қизим! Келгуси ҳафта сен билан холанг Евлалияни кўргани Чарльстонга борамиз. Сен уларнинг Самтер форти ҳақидаги ҳикояларини эшитасан ва шу заҳоти Эшлини унутасан.

"У мени бола деб ҳисоблайди, – ўйлади Скарлетт. Қайғу-алам ва отасидан ранжигани боис унинг тили айланмай қолганди. – У менга янги шақилдоқ олиб беради ва мен пешонам ғурра бўлганини унутаман."

– Менга ўқрайиб қараганинг бефойда, – деди Жералд. – Агар ақллироқ бўлганингда эди, аллақачон Брент ёки Стюарт Тарлтонга турмушга чиққан бўлардинг. Бу ҳақда ўйлаб кўр, қизим. Эгизакларнинг бирортасига тег, биз Жим Тарлтон билан ерларимизни қўшамиз, сенга ўртадан, плантациялар чегарасидаги қарағайзор ёнидан уй қурамиз ва...

– Мен билан ёш бола билан гаплашгандай гаплашишни бас қилсангиз-чи, ахир! – чидаёлмади Скарлетт. – Мен Чарльстонга боришни истамайман. Мен-

га сизнинг уйингиз ҳам керакмас. Эгизакларнинг бирортасига тегмоқчиям эмасман! Менга ҳеч ким керакмас... – У тилини тишлади, лекин афсуски, кеч эди.

Жералднинг овози энди фавқулодда хотиржам эшитилди, сўзлар ҳам оғзидан сокин чиқар, гўё уларни заҳирадан битта-битта, чертиб-чертиб олаётгандек эди.

– Демак, сенга Эшлидан бошқа ҳеч ким керакмас, аммо сен унга етишолмайсан. Агар ҳатто унинг сенга уйлангиси келган тақдирда ҳам, Жон Уилкс энг яқин дўстим бўлишига қарамай, мен истаб-истамай розилик берган бўлардим. – Сўзлари Скарлеттни лол қолдирганини кўриб, Жералд қўшиб қўйди: – Мен қизимнинг бахтли бўлишини истайман, сен эса у билан ҳеч қачон бахтли бўлолмайсан.

– Йўқ-йўқ, албатта бахтли бўлардим! Жудаям!

– Йўқ, қизим, ҳеч қачон. Бахтли никоҳ учун эр-хотиннинг тупроғи бир ердан олинган бўлиши лозим.

Сал бўлмаса Скарлеттнинг тилидан: "Аммо ойим билан сизнинг тупроғингиз бир ердан бўлмаса ҳам, бахтлисизлар-ку", – деган ножоиз гап чиқиб кетаёзди, бироқ бетгачопарлиги учун тарсаки ейишини англаб, вақтида тилини тийди.

– Уилкслар мутлақо бошқача тоифадаги кишилар, улар бизга ўхшамайди, – оҳиста давом этди Жералд ҳар бир сўзни чертиб-чертиб. – Улар бу яқин атрофдагиларнинг бирортасига ўхшамайди, мен уларга ўхшаганларни ҳеч қаерда учратмаганман. Улар – ғалати одамлар, яхшиямки улар ўз тоғаваччаю холаваччаларига уйланишади ва бу билан ўзларининг ғалатилигини ўзларида сақлаб қолишади.

– Ҳечам-да, ота, Эшли ҳечам ундай...

– Тилингни тий, мушукча. Бу йигитча ҳақида бир оғиз ҳам ёмон гап айтишни истамайман, у менга маъқул. Мен "ғалати" деганимда "ақли ноқис"ни

кўзда тутаётганим йўқ. Тўғри, у пойга деса бор-будини совуриб юборадиган Калвертлар ёхуд ҳар бир авлодида бир-иккита пиёниста чиқадиган Тарлтонлар, ёинки бари худобезори жанжалкаш, ҳар қандай арзимас нарса учун одамни отишга тайёр Фонтейнлар сингари қаҳрамонлик кўрсатмаган. Лекин буларнинг бари оддий, ҳаммага тушунарли ишлар. Модомики парвардигор Жералд О'Харани бундай қилғиликлардан асраган экан, демак, унинг омади чопибди! Қолаверса, мен Эшли сени дўппослаган ёки сенга хиёнат қилган бўларди, деб ўйламайман. Ҳар қалай, бунга чидаса бўлар, эҳтимол, шунда сен балки уни тушунган бўлармидинг. Лекин у ўзига хос ғалати одам, тушуниб бўлмайди. Уни яхши кўраман, аммо, ўлай агар, гапирган гапининг маънисига борсам. Хўш, қизим, қўлингни кўксингга қўйиб айт-чи, унинг китоблар, мусиқа, шеърият, суратлар ва бошқа бемаъни нарсалар ҳақидаги сафсаталаридан сен бирор нарса тушунасанми?

– Эҳ, отажон, – тоқати тоқ бўлиб қичқирди Скарлетт, – унинг хотини бўлганимда у менга бутунлай бошқача муомала қилган бўларди.

– Қара-я, ҳали сен шундай деб ўйлайсанми? – заҳарханда қилди Жералд унга синовчан назар ташлаб. – Сен эркакларни яхши билмайсан, Эшлини-ку гапирмасаям бўлади. Бу дунёда бироргаям хотин эрини ўзгартира олмаган ва сен буни қулоғингга қуйиб ол. Уилксларнинг бироргасини ўзгартирмоқчимисан, йўқ, бунда сенга ҳатто қодир худоям ёрдам беролмайди, қизим. Уларнинг авлод-аждоди шунақа, азал-азалдан шундай улар. Шубҳасиз, шундайлигича қолишади. Сенга айтсам, бу уларнинг қонида бор. Нима, кўрмаяпсанми, опера тинглаш ёки мой бўёқда ишланган суратларни кўриш учун ҳали Нью-Йоркка, ҳали Бостонга югуриб кетишади, янкиларга тўп-тўп французча, немисча китоблар буюришганини айт-

майсанми! Кейин эса кечаю кундуз ўша китобларни ўқиб ўтиришади ё бўлмаса ҳақиқий эркаклардек овга бориш ёки бир партия покер ўйнаш ўрнига, худо билади, нималар ҳақида бош қотиришади.

– Бутун графликда ҳеч ким Эшличалик эгарда яхши ўтиролмайди! – дея суюклисининг довюраклигига шубҳа билан қарашаётганидан қаттиқ ранжиган Скарлетт ўзини йўқотгудай хитоб қилди. – Отасини айтмаса, бошқа ҳеч ким. Ўтган ҳафтанинг ўзида Жонсборода покер ўйнаб сизни икки юз долларга туширган Эшли эмасмиди?

– Сен қаёқдан биласан икки юз доллар эканини – нима, Калвертларнинг яна тили чиқиб қолдими? – жаҳл билан тўнғиллади Жералд. – От минишдаям, қарта ўйинидаям Эшли ҳеч кимга ён бермайди – наҳотки мен шуни билмасам, қизим? Ҳатто мастлигидаям у тенгсиз – Тарлтонларнинг ҳар қандайини ағанатади. Бунинг бари тўғри, лекин булар мутлақо унинг кўнглидаги нарсалар эмас. Мана шунинг учун ҳам уни "ғалати одам" дейман-да.

Скарлетт сукут сақларди. Юраги баттар сиқила бошлади. У отасига эътироз билдиролмас, унинг ҳақ эканини тушунарди. Бу чапанича эрмакларда Эшли устаси фаранг бўлса-да, Эшлини бу кўнгилочар ўйинлар ҳечам қизиқтирмасди. У шунчаки бошқалар жон-дилини берган нарсаларга одоб юзасидан ўзини қизиқаётгандек қилиб кўрсатарди. Қизининг жим қолгани сабабини тўғри топган Жералд унинг елкасига қоқиб қўйди ва ғолибона деди:

– Кўрдингми, Скарлетт. Менинг ҳақлигимни ўзинг ҳам тушуниб турибсан. Хўш, сенга Эшлига ўхшаган эрнинг нима кераги бор? Бу Уилксларнинг мияси жойида эмас. – Бир оз жим тургач, Жералд мулойимлик билан қўшиб қўйди. – Тарлтонларни шунчаки айтдим-қўйдим, ёқмаса – керакмас, улар ажойиб йигитлар, аммо сенга Кейд Калверт кўпроқ

ёқадиган бўлса, унда, менинг назаримда, у ҳам яхши йигит. Калвертлар – яхши одамлар, гарчи қария янки хотинга уйланган бўлса-да. Қачон ажалим етса... Қулоқ сол, болагинам! Тарани сен билан Кейдга мерос қилиб қолдираман...

– Мени зарга ўраб ташласангиз ҳам Кейдга тегмайман! – ғазаб билан қичқирди Скарлетт. – Уни менга мажбурлаб тиқиштиришни бас қилинг, эшитяпсизми? Менга сизнинг Тарангиз ҳам, бемаъни ер-мулкингиз ҳам керакмас. Нимага керак буларнинг бари, агар...

Скарлетт: "Агар ўзим хоҳлаган кишига етишолмасам", дегиси келди. Бироқ ўзининг олийҳиммат-лик билан қилган туҳфаси – агар Эллинни назарда тутмаганда – ўзи учун дунёда энг қимматли бўлган Тараси бу қадар беписандлик билан рад этилганидан дили оғриган Жералд қизининг гапини кесди:

– Бу гапни сиздан эшитяпманми, Скарлетт О'Хара! Демак, сизнингча, Тара арзимаган бир парча ер экан-да, а?

Скарлетт қайсарлик билан бошини сермади. У ўзини шу қадар бахтсиз ҳис этардики, бу гапдан отаси ғазаб отига минадими-йўқми, энди унга барибир эди.

– Ер – дунёдаги ўз қимматини йўқотмайдиган ягона мулк, – хитоб қилди Жералд ғазабдан кўкариб ва осмонни гувоҳликка чорлаётгандай калта қўлларини боши узра кўтарди, – чунки ер абадиятга дахлдор бойлик, сен буни қулоғингга қуйиб олсанг ёмон бўлмасди. Ер бирдан-бир улуғ неъмат, уни деб меҳнат қилса, курашса... ва ҳаттоки жонини фидо қилса арзийди!

– Эҳ, ота, – нафрати қўзиб сўз қотди Скарлетт, – сиз ғирт ирландияликка ўхшаб фикр юритяпсиз!

– Мен қачондир ирланд эканимдан уялганмидим? Аксинча, бундан фахрланаман. Сиз ҳам ярим

ирландсиз, буни унутманг, хоним! Томирида бир томчи бўлсаям ирланд қони оққан киши учун унинг ери – унинг туққан онасидир. Ҳозир эса сен учун уялиб кетяпман. Мен сенга ҳадя тариқасида ерларнинг энг ажойибини, Эски Қитъадаги Мит графлигини айтмаганда, албатта, энг гўзалини таклиф қилдим, сен-чи? Назар-писанд қилмай бурнингни жийирдинг!

Жералднинг адолатли, ғазабли нутқи тобора кучайиб борарди, бироқ Скарлеттнинг маъюс чеҳрасидаги бир аломат гапининг оҳангини ўзгартиришга уни мажбур қилди.

– Ҳа, сен ҳали ёшсан. Ҳали юрагингда она-ерга муҳаббат уйғонади. Бошқача бўлиши мумкин эмас, ахир, сен ҳам ирландсан-ку. Сен ҳали боласан, кейин ўзинг тушуниб оласан... Ҳозирча Кейд ёки эгизаклардан бири ёки Эван Манронинг ўғилларидан бири ҳақида ўйлаб кўр, ўшанда қандай дабдабали тўй қилиб беришимни кўрасан!

– Ҳаҳ, отам-ей!

Аммо бу суҳбат Жералдни ҳаддан ташқари эзиб юборди, унинг сабри тугади – бу ташвишлар ёлғиз унинг бўйнига тушганини кўринг! Графликдаги энг яхши йигитларни куёвликка танлаганини ва бунинг устига Тарани қўшиб беришини айтиб турсаям Скарлеттнинг ғамгин чеҳраси ёришмаётгани унга алам қиларди. Жералд бундай туҳфалари учун ўпичлар ва қарсаклар билан қутланишга ўрганиб қолганди.

– Димоқ-фироқни бас қилинг энди, мисс. Кимни куёвликка танлайсан – бунинг аҳамияти йўқ, агар у жентльмен, жанублик ва ҳурмат-иззатга лойиқ бўлса бас! Аёл кишида севги турмуш қургандан кейин уйғонади.

– Эҳ, отажон, қарашларингиз намунча эскича бўлмаса!

– Тўғрисиям шу-да ўзи! Янгича тутуриқсиз ишқ-муҳаббат, хизматкорлар ва янкиларга хос тур-

муш қуришлар бизга керакми? Ота-оналар қизларига ўзлари куёв танлашса, бу энг яхши никоҳ ҳисобланади. Сенга ўхшаган эси паст қиз ким яхшию, ким ёмон – фарқлай олармиди? Ҳеч бўлмаса Уилксларга бир қара. Улардаги бу куч-қудрат, бу қадр-қиммат, яна барча авлод-аждодларигача, қаердан пайдо бўлган? Сабаби шуки, улар қариндошлари ўртасида никоҳ тузадилар, аммавачча, холаваччаларига уйланадилар – бу уларда одатга айланган!

– Вой худойим-ей! – қичқирди Скарлетт. Отасининг гаплари бўлажак никоҳнинг муқаррарлигини эслатиб, ярасини янгилади. Жералд қизининг эгилган бошига қараб иложсизликдан депсинди.

– Ҳой, менга қара, йиғлаяпсанми? – сўради у Скарлеттнинг иягидан ушлаб бошини кўтариб қўйишга уринаркан, ўзи ҳам юраги ачишганидан йиғлагудай бўлиб.

– Йўқ! – бақириб берди қиз отасидан илкис четланиб.

– Сен ёлғон гапиряпсан, шунинг учун ҳам сен билан фахрланаман. Сенда ғурур борлигидан хурсандман, мушукчам. Эртагаям барбекюда ўзингни мағрур тутишинг лозим. Кулгига қолиб, сенга дўстликдан бошқа ҳеч нарсани ваъда қилмаган йигитнинг ортидан югуриб юрганинг ҳақида миш-миш тарқалиб кетишини истамайман.

"Ҳечам ундаймас, – надомат чекиб ўйлади Скарлетт. – Мен унинг учун шунчаки дўст эмасман, биламан-ку, ахир. Буни ҳис қилиб турибман. Менда яна озгина вақт бўлсайди, уни тилга киришга мажбур қилардим... Бунинг ҳаммаси Уилксларнинг холаваччаларга уйланиши одат тусига кирганидан-ку, ахир!"

Жералд унинг қўлини олиб, тирсаги остига ўтказди.

– Энди эса кечки овқатга борамиз, бу суҳбат ўртамизда қолади. Мен онангнинг кўнглини бузишни

истамайман ва сенга ҳам шуни маслаҳат бераман. Қани, қизалоғим, бурнингни қоқиб ол-чи.

Скарлетт ғижимланган дастрўмолига бурнини қоқди ва улар қўлтиқлашиб қоронғу хиёбон бўйлаб юриб кетишди, от эса уларнинг ортидан секин эргашди. Уйга етган чоғда Скарлетт тағин нимадир демоқчи бўлди, бироқ шу пайт зинапояда онасининг қорасини кўриб қолди. Эллиннинг бошида шляпа, елкасида шолрўмол, юзига эса ҳарир тўр парда туширилган, унинг ортида қўлида бинт ва дори-дармонлар солинган қора чарм сумка кўтарган, қовоғи қора булутдек уюлган Моможон турарди. Мабодо плантацияда кимдир касал бўлиб қолса, Эллин шу сумкани олиб, беморга ёрдам бергани жўнарди. Жаҳли чиққанида Моможоннинг дўрдайган пастки лаби баттар чўччаяр, Скарлетт эса бир қарашдаёқ Моможоннинг нимадандир норозилигини, тутақаётганини сезарди.

– Мистер О'Хара! – уларнинг келаётганини пайқаган Эллин эрини чақирди. Скарлеттнинг онаси Жералд билан ўн етти йил бирга яшаб, олти фарзандни дунёга келтирган бўлса-да, эр-хотин ўртасидаги муносабатларда маълум бир масофа сақланиши зарур, деб ҳисоблайдиган авлодга мансуб эди. – Мистер О'Хара, Слэттериларнинг бошига мусибат тушибди, чақалоқ жон бераётганмиш, уни чўқинтириш керак. Биз Моможон билан бориб, қандай ёрдам кераклигини билмоқчимиз.

Унинг овозида Жералднинг розилигини сўраётгандек, илтимос оҳанги сезилса-да, бу шунчаки расмиятчилик эди, холос, аммо Жералд бундан талтайиб кетди.

– Борган сари оғирлашса оғирлашадики енгил бўлмайди! – тез қони қайнаб кетди Жералднинг. – Наҳотки бу оқ танли ярамаслар бизни бемалол тамадди қилгани қўйишмаса! Мен сизга Атлантада

уруш тўғрисида нималар дейишаётганини айтишга ошиқяпман! Илож қанча, бораверинг, миссис О'Хара, бўлмаса тонг отгунча мижжа қоқмай, бошига кулфат тушган бандaнинг ёнида бўлолмадим, деб қийналасиз.

– Э, боши ёстиққа тегар-тегмас учиб туриб, югуриб кетади. Ҳали аллақандай негрни, ҳали оқ танли ночор камбағални даволаши керак, гўё улар ўз ғамини ўзлари еёлмайдигандек, – зинадан тушаётиб тўнғиллади Моможон ва ёнбошдаги хиёбонда турган извош томон юрди.

– Дастурхон устида менинг ўрнимни билдирма, хўпми, азизам, – деди Эллин ва қўлқоп кийган қўли билан Скарлеттнинг ёноғини меҳри товланиб силаб қўйди.

Бу силашнинг сўнмас сеҳри, лимонли тизимгул атрининг нозик ифори ва шоҳи кўйлакнинг майин шитирлаши, кўз ёшлари томоғини бўғаётганига қарамай, ҳар сафаргидек Скарлеттнинг қалбини титратиб юборди. Эллин қаршисида Скарлетт энтикиб кетарди – хаёлида ойиси ғаройиб сеҳр-жоду таъсирида у билан бир хонадонда яшаб келар, Эллин Скарлетт учун чуқур эҳтиром ҳиссини уйғотадиган ва ғаму ташвишли дамларда тасалли берадиган фавқулодда бир хилқат, ажойиб мўъжиза эди. Жералд хотинини извошга ўтқизди ва аравакашга отларни елдирмай, эҳтиёт бўлиб ҳайдашни буюрди. Жералднинг отларига йигирма йилдан буён қарайдиган Тоби жаҳл билан лабини бурди – хўжайин унинг ишларига бурнини тиқмасаям бўларди. Хожаларининг муомаласидан африкаликка хос ошкора норозилик манзарасини ўз қиёфаси билан тўлдирган Моможон виқор билан аравакаш ёнига ўтирди.

"Агар биз бу бахтиқаро Слэттериларга камроқ қайишганимизда эди, – қовоғини солиб хаёлидан ўтказди Жералд, – улар жон деб пастликдаги ўзларига

тегишли бир неча акр серботқоқ ерни менга сотган ва графликни ўзларидан халос этган бўлишарди." Аммо шу пайт, одатдагидек, унинг миясига ажойиб бир ҳазил гап келиб қолди ва кайфи чоғ бўлиб, деди:

– Қани, қизим, Поркка Дилсини сотиб олмасликка қарор қилганимни, бунинг ўрнига унинг ўзини Жон Уилксга сотганимни айтамиз.

Жералд отнинг жиловини шу атрофда ўралашиб юрган негр болага тутқазиб, айвонга кўтарилди. Скарлеттнинг ғам-қайғусини аллақачон унутган Жералднинг фикру хаёли бир ўй билан банд эди: қандай қилса қора танли хизматкорни боплаб калака қилади? Оёқларида ёқимсиз оғирлик туйган Скарлетт секин отасига эргашди. Унинг Эшли билан никоҳи отасининг Эллин Робийяр, никоҳдан сўнг Эллин О'Хара, билан қурган оиласидан кўра ғалатироқ бўлмайди-ку, ахир. Мана, у неча марталаб таажжуб билан ўзидан: қандай қилиб бир оз бемулоҳаза, бир оз қўполроқ отаси шундай аёлга – унинг ойисига уйланиб олишни уддалаган экан, деб сўрар, зеро, насл-насаб, тарбия ва фикрлаш тарзига кўра мутлақо бир-бирига мос келмайдиган икки кишининг бирга яшашини тасаввурга сиғдиришнинг ҳеч иложи йўқ эди.

III боб

Эллин О'Хара ўттиз икки ёшга тўлган, олти боланинг онаси эди, гўдакларининг учтасини ерга берган ва ўша пайтлардаги таомилга кўра ўрта ёшли аёл ҳисобланарди. Унинг бўйи қизиққон, пакана эридан бир бошга узун, аммо эътиборни тортувчи беозор латофати, оҳиста, нафис ҳаракатлари боис бўйининг узунлиги кўзга яққол ташланмасди. Қора шоҳи кўйлагининг тик ёқачаси силлиқ, нозик, бир оз қорамтир бўйнини сиқиб турарди. Қаттиқ қисиб

турмакланган, тўр тортилган қалин қора сочлари оғирлик қилаётгандек бошини хиёл орқага ташлаб юрарди. Бу қора сочларни ҳам, қийиқ қора кўзларни ҳам, кўкимтир-қора киприкларни ҳам у ота-онаси, 1791 йили Гаитига инқилобдан қочиб келган француз аёли – ойисидан, чўзиқ тўғри бурун, текис ияк ва билинар-билинмас кенг ёноқни эса Наполеон армияси зобити – отасидан олганди. Эҳтимол, ҳаётнинг ўзи Эллинни кибру ҳавосиз виқорли қадду қомат, назокат ва латофат ҳамда заррача шодлик учқуни кўринмайдиган маъюс нигоҳ билан тақдирлаган бўлса ажабмас.

Агар кўзларида шуъла, табассумида илиқлик, яқинлари ва хизматкорлари қулоғида наво янглиғ садо берувчи ширали овозида таъсирчанлик хиёл кўпроқ бўлганида Эллин О'Харанинг гўзаллигини таърифлашга сўз топилмасди. Унинг ёқимли овозида Жоржиянинг соҳилбўйи аҳолисига хос унлиларни чўзиб айтиш ва енгил французча талаффуз сезиларди. Хизматкорларга иш тайинлайдими ёки тўполончи болаларга танбеҳ берадими – Эллин ҳеч қачон овозини кўтармас, аммо Тарада истиқомат қиладиганларнинг ҳаммаси эрининг момоқалдироқдек гулдираши, чақиндек чақнашини эътиборсиз қолдирсалар-да, унга сўзсиз ва дарҳол бўйсунардилар.

Скарлетт эсини танибдики, ойиси доимо бир зайлда – қишлоқ ҳаётининг одатдаги беадоқ ташвишлари ичида серғайрат ва оғир-босиқ, ёзғирадими ёки тақдирлайдими, овози бирдек майин ва паст, қомати тик ва кайфияти тетик эди; у уч гўдаги – ўғилчаларидан айрилганидан кейин ҳам аслича қолди. Скарлетт ойисининг оромкурси суянчиғига ўзини ташлаб ўтирганини ҳеч қачон кўрмаган. Дастурхон атрофидами ёки хўжалик ҳисоб-китоблари устида ёхуд бемор ёнида ўтирмаган бўлса, унинг қўллари албатта бичиш-тикиш, тўқиш билан

доим банд бўларди. Баъзан (меҳмонлар борлигида) бу нарса бежирим кашта, баъзан эса Жералднинг кўйлаги ёки ямаш лозим бўлган болалар кўйлакчаси бўлиши мумкин. Жуда бўлмаганда у хизматкорлар учун кийим-кечак тикарди. Кўйлагини шитирлатиб уйнинг саранжом-саришталигини назорат қиладими, ошхона ёки дала ишлари билан банд негрлар учун кийим-бош тикиладиган устахонага кириб-чиқадими, бармоғида доим тилла ангишвона ялтираб турар, изидан тикув ашёлари солинган, пушти ёғочдан ясалган сандиқчани кўтариб юриш ва тайёр кўйлакнинг кўкланган ипларини ситиб ташлаш буюрилган негр қизча эргашиб юрарди.

Скарлетт ҳеч қачон ойисининг эсанкираб қолганини ёки куннинг қайси пайти бўлмасин, унинг пардоз-андозида, уст-бошида камчилик кўрмаган. Башарти Эллин О'Хара балга, ё меҳмонга ёки суд мажлисида иштирок этиш учун Жонсборога бормоқчи бўлса, ясан-тусанига, одатда, икки соатдан ортиқ вақт кетар, икки оқсоч қиз ҳамда Моможоннинг хизмати лозим бўларди. Модомики тезроқ қимирлаш зарурати туғилгудек бўлса, унинг бир зумда тайёр туриши ҳаммани ҳайратга соларди.

Скарлетт болалигидан ойисининг хонаси рўпарасидаги ётоғида саҳардан яланг оёқларнинг пол устидан тез-тез, енгил юриб кетаётганини, беканинг эшиги ташвишли тақиллаганини, тўлғоқ бошлангани ёки бирор кишининг касал бўлиб қолгани ёки девори оқланган кулбаларнинг бирида рўй берган ўлим ҳақида хабар бераётган қўрқувли бўғиқ овозни эшитишга ўрганиб қолганди. Неча маротаба Скарлетт эшиги тирқишидан мўралаб, сочлари чиройли турмакланган, кўйлагининг тугмаларини битта қолдирмай ўтказиб олган ойиси бир қўлида дори-дармонлар солинган сумка, бир қўлида баланд кўтарилган шам билан отасининг бир маромдаги

хурраги эшитилаётган қоронғу ётоқ бўсағасида пайдо бўлганини кўрарди.

Ойисининг меҳрли, бироқ қатъиятли шивирлаган овозини эшитганида эса унинг бола қалби хотиржам тортарди.

– Секин, бундай қаттиқ гапирманг, мистер О'Харани уйғотиб юборасиз. Ҳеч ким ўлмайди, бу хавфли касаллик эмас.

Тунда ойиси у ёққа кетдими, демак, ҳеч қандай қўрқинчли воқеа содир бўлмайди, яна тўшакка кириб маза қилиб ухласа бўлади.

Эрталаб, кекса доктор Фонтейндан ҳам, ёш докторлардан ҳам ёрдам кутиб ўтирмай, тунни кўзи ёриган аёл ёки ўлим тўшагида ётган бемор ёнида ўтказган Эллин О'Хара, одатдагидек, нонушта қилиш учун ошхонага тушарди. Гарчи кўзлари киртайиб қолган бўлса-да, овози ҳар доимгидек тетик чиқар ва бошидан кечирган ташвишдан белги берадиган бирор аломат сезилмасди. Эллиннинг аёлларга хос виқорли латофати замирида метин бардош ва мустаҳкам ирода бор эдики, бу хислати бутун хонадон аҳлини, нафақат хизматкорлару қизларни, балки ажалга рўпара келганидаям буни тан олмайдиган Жералднинг ўзини ҳам ҳурмат ва эҳтиром ҳиссига қоришган қўрқув ичида ушлаб турарди.

Баъзи пайтлар, уйқуга ётишдан олдин, Скарлетт ойисининг иягигача бўйини чўзмоқчи бўлиб оёқлари учида кўтариларкан, Эллиннинг ҳимоясиздай туюлган нафис оғзига, нозик устки лабига боқиб, беихтиёр ўзига-ўзи савол берарди: наҳотки шу дудоқ ҳам қачондир беғам, беташвиш жилмайган, тун сукунатида сирларини ишониб дугонасининг қулоғига шивирлаган бўлса? Буни тасаввур қилиш амримаҳол эди. Скарлетт учун Эллин доим қандай бўлса, ҳозир ҳам шундай – ҳамманинг кучли ва доно суянчиғи, оламдаги ҳар қандай муаммога ечим топа оладиган ягона инсон эди.

Лекин, шубҳасиз, бу борада Скарлетт тўла-тўкис ҳақ эмасди. Саванналик Эллин Робийяр Атлантика соҳилидаги бу гўзал шаҳарчада яшайдиган ўн беш ёшли қизалоқлар сингари жилмайиш ва бесабаб қотиб-қотиб кулишнинг уддасидан чиқарди, кечалари сирларини, фақат битта сиридан ташқари, барча қизлар каби дугоналарига ишониб айтарди. Токи Эллиндан йигирма саккиз ёш катта бўлган Жералд О'Хара деган эркак унинг ҳаётига кириб келган кунгача шундай эди. Бу ўзгариш эса Эллиннинг ахлоқи бузуқ, қора кўзлари беибо боқувчи, қилиқлари ёқимсиз амакиваччаси Филипп Робийяр шаҳарни бир умрга тарк этган ва Эллиннинг қалбидаги ёшлик сурурини ўзи билан олиб кетган, қийшиқоёқ пакана ирландияликка бу ғоят латофатли аёлнинг фақат суратинигина ташлаб кетган йили рўй берди.

Аммо Эллинга уйланиб, бахтдан сармаст бўлган Жералдга шуям етарли эди. Гарчи Эллин юрагининг бир парчаси унинг учун тош қотган бўлса-да, у бундан ҳеч қачон азият чекмасди. Жералднинг ақли бир нарсага етарди: модомики у – камбағал, насл-насабининг тайини йўқ бир ирландиялик бутун соҳил бўйидаги энг бадавлат ва аслзода оиланинг қизига уйланибдими, демак, бунинг ўзи мўъжизага тенг. Ахир, у ҳеч киммас, қуйи табақадан чиққан бир одам эди-да.

Жералд О'Хара йигирма бир ёшга тўлар палладa Ирландиядан Америкага кўчиб келганди. Унгачаям, ундан кейин ҳам бошқа соддадил ирландлар тақдирида рўй бергани каби, Жералд ҳам тўсатдан, ўйлаб-нетиб ўтирмай ватанидан жўнаб кетганди. У ҳеч вақосиз, чўнтагида йўл ҳақидан қолган икки шиллинг ва бўйнида йирик миқдордаги, унинг назарида, ўзи содир этган қонунбузарликдан-да каттароқ миқдордаги қарз билан жўнаб кетганди. Ҳали жаҳаннамга жўнатилмаган бирорта оранжист Бри-

тания ҳукуматининг, ҳаттоки иблиснинг назарида ҳам юз фунт-стерлинг турмасди. Модомики ҳукумат аллақачон ўз мулкини тарк этган аллақандай инглиз заминдорининг ер билан боғлиқ ишлари бўйича агенти ўлимини кўнглига қаттиқ олган экан, демак, бу вазият Жералд О'Харанинг қочиши, иложи борича тезроқ жуфтакни ростлаши лозимлигини англатарди. Тўғри, у агентни "ҳаромзода оранжист" деб ҳақоратлаган, бироқ бу ҳали, Жералднинг фикрича, ўша одамга "Бойн сувлари"ни масхаралаб ҳуштак қилиб чалиш ҳуқуқи берилганини англатмайди.

Бойн дарёсидаги жанг юз йил бурун рўй берган, бироқ барча О'Харалар ва уларнинг қўшниларининг ҳар бири учун бу воқеа унутилмаган, худди куни кеча уларнинг орзу-умидлари, ер ва бойликлари билан бирга ўзининг ирландиялик содиқ тарафдорларини Вилли Оранский ва унинг тўқ сариқ нишонли ҳаддидан ошган ёлланма аскарлари ҳукмига ташлаб, жанг майдонидан қочиб қолган қўрқоқ Стюарт отининг туёқларидан кўтарилган чанг-тўзонларда тўзиб кетгандай эди.

Ана шу ва бошқа кўплаб сабаблар боис, қолаверса, улар жиддий оқибатларни келтириб чиқаришига қарамай, Жералднинг оиласи бу низонинг оқибати фожеали якун топиши жиддий эътиборга лойиқ ҳодиса, деб қарамади. Кўп йиллар ҳукуматга қарши яширин ҳаракатларда гумон қилинган О'Харалар оиласи инглиз констеблларининг қора рўйхатидан жой олганди. Жералд эса тун пардаси кўтарилмаёқ ватанини тарк этган О'Хараларнинг биринчиси эмасди. У акалари Жеймс ҳамда Эндрюни, баъзан оқшом маҳали кутилмаганда сирли топшириқлар билан пайдо бўладиган, гоҳида оналарини қаттиқ хавотирга қўйиб, ҳафталаб қорасини кўрсатмайдиган, кўп йиллар муқаддам О'Харалар молхонасининг тагидан кичик ўқотар қуроллар омбори топилгани-

дан сўнг Америкага қочиб кетган камгап йигитларни элас-элас эсларди. Энди иккаласи ҳам Саваннада савдоси юришиб кетган дўкондор эди ("Бунинг қанақа шаҳарлиги ёлғиз худога аён", дея хўрсинарди оналари катта ўғилларини эслаб) ва ёш Жералдни улар ёнига жўнатиб юборишди.

Ойиси унинг юзидан тез-тез ўпиб, католиклар дуосини қулоғига астойдил шивирлаб айтди, отаси шундай йўл-йўриқ берди: "Қандай оиладан эканингни ёдингдан чиқарма ва ҳеч кимга сенинг олдингда кеккайишига йўл қўйма". Шундан сўнг Жералд ота уйини тарк этди. Хайрлашув чоғида баланд бўйли беш ака-ука уни тасалли берадиган, қувватлайдиган кайфиятда кузатишди, зеро, уларнинг назарида Жералд ҳали бола, боз устига, бу новча азаматлар авлоди орасида бўйи ўсмай қолгани ҳам у эди.

Отаси ва беш акаси қорувли, бўйлари олти футдан зиёд эди, пакана Жералд эса йигирма бир ёшида Яратган эгам ўзининг беназир заковати ила унга бор-йўғи беш футу тўрт ярим дюйм бўйни раво кўрганини биларди. Аммо Жералд тақдирдан нолишни ўзига эп кўрмас – унинг феъл-атвори шунақа эди – бўйининг пастлиги бирор жойда панд беради, деб ўйламасди. Аксинча, гавдасининг шундайлиги унинг ҳозирги ҳолатини белгилар, чунки у ҳаёт бўсағасига илк қадам қўйганидаёқ бир ҳақиқатни англаб етган: гавдали одамлар орасида омон қолмоқ учун кичкина одам бақувват бўлмоғи керак. Бу масалада Жералдни рад этиб бўлмасди.

Унинг бўйчан акалари камгап, бадқовоқ йигитлар эди. Шонли аждодларининг буюклиги йўқолиб бораётгани уларнинг қалбини алам ва адоват оловида куйдирар ва заҳарханда кулгига айланарди. Жералд ҳам улардек барваста бўлганида эди, махфий исёнчиларга қўшилиб, барча О'Харалар сингари хатарли йўлдан кетган бўларди. Бироқ Жералд

жиззаки, меҳрибон ойижони айтганидай, "жанжалкаш ва бақироқ" эди, сал нарсага муштини ишга солар, бебош феъл-атвори дарҳол одамларнинг кўзига ташланарди. Ўзининг кучли, қорувли акалари ёнида у ўзини паррандахонанинг йирик зотли паррандалари орасидаги кичкина, лекин жасур ва урушқоқ хўроздек тутар, акалари эса уни яхши кўришар ва ғазабланганидан завқланиб, очиққўнгиллик билан тегажоғлик қилишар, гоҳида эса ўзидан кетиб қолмаслиги, ўрнини билиб қўйиши учун дўппослаб туришарди.

Гарчи Жераллнинг Америкага келган пайтидаги билим заҳираси хийла ночор бўлса-да, ўзи бу ҳақда ўйлаб ўтирмасди ҳам. Мабодо бирор киши буни унга уқдирган тақдирдаям, у аҳамият бериб ўтирмасди. Онаси ўқиш ва ёзишни ўргатган ва ёзуви чиройли бўлишига эришганди. Арифметикани ўрганиши осон бўлди. Шу билан унинг илм эгаллаши поёнига етди. Лотин тилини католиклар ибодати пайтида руҳоний ортидан эринмай қанча такрорлаши лозим бўлса, ўшанча билар, тарихдан ўзлаштирган билими эса Ирландиянинг азалий ҳуқуқлари топталгани ҳақидаги турли-туман маълумотлар билан чегараланганди. Шоирлардан фақат Мурни билар, мусиқа соҳасида эса қадимги ирланд қўшиқларини ёмон билмаслиги билан мақтаниши мумкин эди. Билимли кишиларни чин дилдан ҳурмат қилар, бироқ ўзининг билими ноқислигидан заррача куйинмасди. Энг жоҳил, энг нодон ирландиялик ҳам бадавлат одамга айланиши мумкин бўлган бу янги мамлакатда унга билим нимагаям керак? Боз устига эркак кишидан фақат куч-қувват, сабр-бардош ва меҳнатга иштиёқ талаб этиладиган мамлакатда.

Уни Саваннадаги дўконларига ишга жойлаштирган Жеймс ва Эндрю ҳам укасининг билимсизлигига кўп қайғуришмади. Унинг ҳуснихати, ҳисоб-китобга

дан сўнг Америкага қочиб кетган камгап йигитларни элас-элас эсларди. Энди иккаласи ҳам Саваннада савдоси юришиб кетган дўкондор эди ("Бунинг қанақа шаҳарлиги ёлғиз худога аён", дея хўрсинарди оналари катта ўғилларини эслаб) ва ёш Жералдни улар ёнига жўнатиб юборишди.

Ойиси унинг юзидан тез-тез ўпиб, католиклар дуосини қулоғига астойдил шивирлаб айтди, отаси шундай йўл-йўриқ берди: "Қандай оиладан эканингни ёдингдан чиқарма ва ҳеч кимга сенинг олдингда кеккайишига йўл қўйма". Шундан сўнг Жералд ота уйини тарк этди. Хайрлашув чоғида баланд бўйли беш ака-ука уни тасалли берадиган, қувватлайдиган кайфиятда кузатишди, зеро, уларнинг назарида Жералд ҳали бола, боз устига, бу новча азаматлар авлоди орасида бўйи ўсмай қолгани ҳам у эди.

Отаси ва беш акаси қорувли, бўйлари олти футдан зиёд эди, пакана Жералд эса йигирма бир ёшида Яратган эгам ўзининг беназир заковати ила унга бор-йўғи беш футу тўрт ярим дюйм бўйни раво кўрганини биларди. Аммо Жералд тақдирдан нолишни ўзига эп кўрмас – унинг феъл-атвори шунақа эди – бўйининг пастлиги бирор жойда панд беради, деб ўйламасди. Аксинча, гавдасининг шундайлиги унинг ҳозирги ҳолатини белгилар, чунки у ҳаёт бўсағасига илк қадам қўйганидаёқ бир ҳақиқатни англаб етган: гавдали одамлар орасида омон қолмоқ учун кичкина одам бақувват бўлмоғи керак. Бу масалада Жералдни рад этиб бўлмасди.

Унинг бўйчан акалари камгап, бадқовоқ йигитлар эди. Шонли аждодларининг буюклиги йўқолиб бораётгани уларнинг қалбини алам ва адоват оловида куйдирар ва заҳарханда кулгига айланарди. Жералд ҳам улардек барваста бўлганида эди, махфий исёнчиларга қўшилиб, барча О'Харалар сингари хатарли йўлдан кетган бўларди. Бироқ Жералд

жиззаки, меҳрибон ойижони айтганидай, “жанжалкаш ва бақироқ” эди, сал нарсага муштини ишга солар, бебош феъл-атвори дарҳол одамларнинг кўзига ташланарди. Ўзининг кучли, қорувли акалари ёнида у ўзини паррандахонанинг йирик зотли паррандалари орасидаги кичкина, лекин жасур ва урушқоқ хўроздек тутар, акалари эса уни яхши кўришар ва ғазабланганидан завқланиб, очиққўнгиллик билан тегажоғлик қилишар, гоҳида эса ўзидан кетиб қолмаслиги, ўрнини билиб қўйиши учун дўппослаб туришарди.

Гарчи Жеральднинг Америкага келган пайтидаги билим заҳираси хийла ночор бўлса-да, ўзи бу ҳақда ўйлаб ўтирмасди ҳам. Мабодо бирор киши буни унга уқдирган тақдирдаям, у аҳамият бериб ўтирмасди. Онаси ўқиш ва ёзишни ўргатган ва ёзуви чиройли бўлишига эришганди. Арифметикани ўрганиши осон бўлди. Шу билан унинг илм эгаллаши поёнига етди. Лотин тилини католиклар ибодати пайтида руҳоний ортидан эринмай қанча такрорлаши лозим бўлса, ўшанча билар, тарихдан ўзлаштирган билими эса Ирландиянинг азалий ҳуқуқлари топталгани ҳақидаги турли-туман маълумотлар билан чегараланганди. Шоирлардан фақат Мурни билар, мусиқа соҳасида эса қадимги ирланд қўшиқларини ёмон билмаслиги билан мақтаниши мумкин эди. Билимли кишиларни чин дилдан ҳурмат қилар, бироқ ўзининг билими ноқислигидан заррача куйинмасди. Энг жоҳил, энг нодон ирландиялик ҳам бадавлат одамга айланиши мумкин бўлган бу янги мамлакатда унга билим нимагаям керак? Боз устига эркак кишидан фақат куч-қувват, сабр-бардош ва меҳнатга иштиёқ талаб этиладиган мамлакатда.

Уни Саваннадаги дўконларига ишга жойлаштирган Жеймс ва Эндрю ҳам укасининг билимсизлигига кўп қайғуришмади. Унинг ҳуснихати, ҳисоб-китобга

пухталиги ва савдода ишбилармонлиги акаларида ҳурмат уйғотар, бироқ адабиёт ёки мусиқа соҳасида билимдонлиги билан мақтангиси келиб қолганида уни калака қилишлари тайин эди. Ўша йилларда Америка ирландларни очиқ чеҳра билан қабул қиларди. Аввал бошда ўзгаларнинг молини фургонларда Саваннадан Жоржия ичкарисига ташиб юрган Жеймс ва Эндрю, ишлари юришиб кетгач, хусусий савдо дўкони очишди, уларга эргашиб Жералднинг ҳам иши юришиб кетди.

Американинг Жануби унга ёқиб қолди ва аста-секин ўзининг назарида у жанубликка айлана борди. Айрим жиҳатларда Жануб ва жанубликлар унинг учун жумбоқлигича қолди, лекин ўзининг барқарорлиги ва феълининг кенглиги боис уларни ўзи қандай тушунган бўлса, шундайлигича қабул қилди, қарашлари ва урф-одатларини: пойгалар, карта ўйини, дуэль қоидалари, сиёсатдонлик ва янкиларга нафратни ҳам маъқул кўрди. Жанубнинг ҳақ-ҳуқуқлари, қуллик масаласи ҳамда Қирол Пахта ҳокимлиги, "оқ танли жулдурвоқилар" – одамлар орасида ўз ўрнини тополмаган оқ танли камбағалларга нафрат, аёлларга нисбатан рицарларга хос муносабат ҳам шулар сирасидан. У ҳатто тамаки чайнашни ҳам ўрганди. Маст бўлмай кўп виски ичишни ўрганишига ҳожат йўқ эди – бу қобилият табиатнинг унга инъоми эди.

Шунга қарамай, барибир Жералд Жералдлигича қолди. Унинг турмуш тарзи ва қарашлари ўзгарди, аммо у, гарчи бу қўлидан келса-да, хулқ-атворини ўзгартиришга уринмади. У чирмовуқ билан қопланган қароргоҳларидан Саваннага келиб, кўчаларда зотдор отларини гижинглатиб, ортидан қоратанли хизматкорлар ўтирган араваларни эргаштирган ва башангликда ўзларидан қолишмайдиган хонимларнинг извошларини кузатиб борадиган бадавлат

пахта ва шоли плантациялари эгаларининг назокатли башанглигига муносиб баҳо берарди. Аммо ўзи ҳечам башанг бўлолмасди. Чўзиқ ва суст лаҳжа қулоғига хуш ёқар, ўзининг тили эса бундай талаффузга мослашмаган, шу боис унинг гаплари аввалгидек ўткир ва дағал эшитиларди. Унга жанублик бойларнинг катта битимлар тузаётганда ёки қулини, ер-мулкини, бор бойлигини қиморга тикиб ютқазгач, бир сония бўлсин кайфиятини бузмай негр болага чойчақа итқитгандек осонгина ва бепарволик билан тўлаётган чоғдаги беписанд назокати ёқарди. Аммо ҳаётда муҳтожлик нималигини кўрган Жералд эса пулнинг шунчаки соврилишига хотиржам қараб туролмасди. Бу ажойиб халқ – Жанубнинг соҳилбўйи ерлари эгалари – овозлари майин, эҳтиросли, ақл бовар қилмас даражада тантиқ ва ғаройиб кишилар Жералдга ёқарди. Бироқ ичи заҳарли буғлардан холи туманли ботқоқликлар узра эсадиган совуқ ва намчил шамоллар мамлакатидан келиб қолган ёш ирланд йигити ўзининг ниҳоятда соғлом ҳаётий қуввати билан ажралиб турардики, бу нарса тропик қуёш ҳамда безгак тарқатувчи ботқоқликлар ўлкасининг аслзода хонадонларида улғайган калондимоғ зурриётларнинг етти ухлаб тушига ҳам кирмасди.

У улардан ўзи учун фойдали деб билган нарсаларни ўрганиб олар, қолганини ташлаб юборарди. У покер ўйини пайтидаги ҳамда ширакайф ҳолатдаги тиниқ мия яхши фойда беришини кашф қилди ва покер жанубликларнинг энг фойдали кашфиётларидан бири, деган хулосага келди.

Ўзининг қарта ўйинларидаги бу туғма топқирлиги ва тилларанг ичимликни осонгина симириш қобилияти туфайли Жералд иккита жуда қимматли ютуқни – ер майдони ва қора танли хизматкорни қўлга киритди. Унинг учинчи қимматбаҳо ютуғи – бу

унинг хотини эди, аммо бунинг учун у фақат Яратган Эгамнинг ақл бовар қилмас марҳаматидан миннатдор бўлмоғи жоиз.

Териси ҳаддан ташқари қора, ниҳоятда интизомли, ўз қадрини яхши биладиган, тикувчилик санъати ва орасталикнинг икир-чикирларини пухта ўзлаштирган Порк исмли хизматкорни Жералд Сент-Сейман оролидан келган, киприк қоқмай ёлғон-яшиқ тўқишда Жералддан қолишмайдиган, бироқ Орлеан ромини ичишда чидамсизлигини кўрсатиб қўйган катта ер эгаси билан тонг отгунча покер ўйнаб ютиб олган эди. Поркнинг аввалги хўжайини уни қайта сотиб олмоқчи бўлиб икки баробар қиммат нарх таклиф қилган эса-да, Жералд узил-кесил рад этди. Чунки умрида биринчи марта қулга, боз устига, жин урсин, "бутун соҳилбўйидаги энг яхши хизматкор"га эга бўлиш унинг ҳам заминдор, ҳам қулдор бўлишдек орзуси ушалишида муҳим қадам эди! У аллақачон Жеймс ва Эндрю каби бир умр савдо билан машғул бўлиб, кечалари шам ёруғида рақамларни қўшиб-айириб ҳисоб-китобни чиқариб юрмайман, деган қарорга келганди. Бу ерда "олибсотарлар" деб ном олган кишиларга босилган тамға акаларидан кўра унга қаттиқ таъсир қиларди. Жералд катта ер эгаси бўлишни хоҳларди. Бир пайтлар экин майдонлари ва ов қуролларига эга бўлган ирланд ижарачилари оиласидан чиққан Жералд ўзининг шахсий ям-яшил экинзорларини кўриб-кузатиб ҳузур қилишни чин дилдан истарди. У ўз уйи, ўз ери, ўзининг отларию қуллари бўлишини орзу қиларди. Ватанида заминдорларни кўз остига оладиган икки асосий хатар – ҳосилдан тушадиган даромадни бус-бутунича олиб қўядиган солиқ ва қутулиш амримаҳол бўлган мусодара хавфидан холи бу янги мамлакатда у ўз орзусига етишни мақсад қилганди. Бироқ йиллар ўтиб у хоҳиш-истаклар ўз йўли-

га, бироқ уларни амалга ошириш – бутунлай бошқа масала эканини тушуниб етди. Маҳаллий заминдор зодагонлар мисоли бир қалъа эдики, бу қалъага кира олишга унинг ҳеч қандай умиди йўқ эди.

Худди шу пайтда Тақдир қўли ва қиморбоз қўли унга кейинчалик у Тара деб номлаган бир парча ерни туҳфа этди ва шу йўл билан уни соҳилбўйидан Шимолий Жоржия ичкарисига кўчиб ўтишга ундади.

Бир куни илиқ баҳор оқшомида Саванна салунларининг бирида унинг қулоғига нотаниш одамнинг сўзлари чалинди ва вужуди қулоққа айланди. Нотаниш одам асли саванналик бўлиб, штатнинг ичкарисида ўн икки йил яшаб, эндигина она шаҳрига қайтиб келган экан. У Жералд Америкага келишидан бир йил илгари ҳинду қабилаларидан аллақачон тозаланган бепоён Марказий Жоржия ҳудудини ер участкаларига бўлиб чиқиш мақсадида штат томонидан уюштирилган ер лотереяси иштирокчиси эди. Бу одам у ёққа бориб плантацияга асос солган, лекин ўзига қурган уйи ёниб кетган, "қарғиш теккан" бу жойдан унинг ихлоси қайтган, шу боис уни жон деб бошидан соқит қилмоқчи эди.

Ҳеч қачон ўзининг ер-мулкига эга бўлиш орзусидан қайтмаган Жералд нотаниш кишига ўзини таништирди ва унинг ҳар икки Каролинага (Шимолий ва Жанубий) ҳамда Виржиниядан Жоржия шимолига кўчманчилар ёпирилиб келаётгани ҳақидаги ҳикоясини жон қулоғи билан эшита бошлади. Жералд соҳилбўйида маҳаллий халқнинг штатнинг бошқа ҳудудларига худди ҳар бир дарахти ортида ҳинду беркиниб ўтирган ўтиб бўлмас қалин ўрмонга қарагандай ўзига хос қарашларини ўзлаштириб олишга етадиган даражада узоқ вақт яшаб қўйди. Тўғри, у акаларининг ишлари билан Саванна дарёси бўйлаб юзлаб миля юқорига борди, Огастада ва ғарбда жойлашган эски шаҳарларда бўлди. Штатнинг бу қисми-

да ҳам соҳилдаги каби аҳоли зичлигини биларди, лекин нотаниш кишининг ҳикоясига қараганда, унинг ер-мулки Саваннадан икки юз эллик милядан кўпроқ шимоли-ғарбда, Чаттакучи дарёсидан жануброқда жойлашган. Жералд бу дарёнинг шимолидаги ерларда ҳали ҳиндуларнинг чероки қабиласи яшайди, деб ўйлар, шу боис, нотаниш киши бу янги ерларда гуллаб-яшнаётган шаҳар ва қишлоқлар пайдо бўлганини айтиб берганида ва Жералднинг ҳиндулар уларни хавотирга солмайдими, деган саволидан кулганида у жуда ҳайрон қолди.

Бир соатдан кейин суҳбат совий бошлади, шунда Жералд нотаниш кишига оч-мовий кўзларини соддадилларча тикиб, маккорона ниятини ичига тугиб, бир партия покер ўйнашни таклиф қилди. Тунги соатлар ўтиб борар, қадаҳлар тез-тез тўлдирилар, бўшатилар, бошқа ўйинчилар секин-аста ўйиндан чиқарди, ёлғиз Жералдгина нотаниш киши билан суришишдан тўхтамасди. Нотаниш киши ўзининг соққаларини столга уйди ва устини плантацияга тегишли васиқа битилган варақ билан ёпди. Жералд ҳам соққаларини суриб, устига ҳамёнини ташлади. Ҳамёндаги пуллар О'Харалар фирмасининг мулки экани Жералднинг виждонини қийнамади, у эрталабки ибодат олдидан гуноҳи учун тавба ҳам қилмоқчи эмасди. Нима истаётганини Жералд билар, бундай ҳолларда у доим таваккал қиларди. Боз устига толеига ишонар, шу сабабдан шериги ганакни яна оширганида нима деб жавоб бериши устида бош ҳам қотириб ўтирмади.

– Хазинани қўлга киритдингиз, деб ишонтиролмайман, энди бошқа солиқ тўламаслигимни ўйлаганимда елкамдан тоғ ағдарилгандай бўлди, – деди тузлар қаторининг эгаси ва перо билан сиёҳ келтиришларини сўраб қичқирди. – Уй бир йил олдин ёниб кул бўлган, далаларни бута, қарағай ниҳоллари

босиб кетган, аммо, нима бўлгандаям, энди буларнинг бари сизники.

– Модомики ирланд самогонини она сутига қўшиб эммаган экансан, ҳеч қачон қартани виски билан аралаштирма, – дея насиҳат қилди Жералд ўша тонгда уйқуга ётишга ёрдам бераётган хизматкори Поркка.

Ўзининг янги хўжайинига қойил қолган ва ирландча талаффузни ўзлаштира бошлаган хизматкор лозим кўрилганидек, маҳаллий лаҳжани Мит графлиги лаҳжаси билан қориштириб шундай жавоб қайтардики, бундан улардан ташқари ҳар қандай одам ҳайратга тушган бўларди.

Ёввойи ток новдалари чирмашиб кетган эман ва қора қарағайларнинг баланд қорамтир деворлари орасидан йўл солган, сокин лойқаланиб оқаётган Флинт дарёси Жералднинг яқиндагина қўлга киритган ер-мулкини икки тарафидан ўраб қучоғига олганди. Бир пайтлар уй жойлашган пастқам тепаликдан тўқ яшил жонли деворга қараб тураркан, Жералд ўз мулки атрофига бу деворни гўё ўзи барпо қилгандек, мулкдорликнинг ёқимли туйғусини ҳис қиларди. У ёниб кетган уйнинг қорайган тош пойдевори устида туриб қишлоқ йўлигача чўзилиб кетган хиёбонга назар ташлади ва бениҳоя қувонганидан худога шукрона келтириш ўрнига беихтиёр сўкиниб юборди. Бу икки қатор муҳташам дарахтлар уники эди, мана бу белга урадиган ёввойи ўт-ўлан қоплаган қаровсиз ўтлоқ ҳам, мана бу йирик-йирик гуллари оппоқ юлдузлардек сочилиб ётган ёшгина магнолия ниҳоллари ҳам уники. Чангалзорга айланган ва қизил тупроқ остидан ниш уриб чиқаётган барра қарағайчалар билан қопланган бу тепаликнинг тўрт тарафида ястаниб ётган қаровсиз далалар ҳам унга, ичиб маст бўлмайдиган ҳақиқий ирландга, бор-будини қўрқмай қиморга тика оладиган Жералд О'Харага тегишли эди.

Жералд кўзларини юмиб, ҳали уйғонмаган бу далаларнинг сукунатига қулоқ тутди: у ўз ватанига эга бўлганини биларди. Худди шу ерда, ҳозир у турган жойда, уйининг ғиштин деворлари қад кўтаради, ҳув-в у томонда, йўлнинг нарёғидан тўсиқ тикланиб, ортида семиз чорва моллари ва наслдор отлар боқилади, дарё ёқасидаги ўтлоққа қиялаб тушган қизил тупроқли далада эса қуёш нурида оппоқ момиқ пахталар оққуш патлари янглиғ товланади – неча-неча акр пахта далалари! О'Харалар сулоласининг шонли юлдузи яна порлайди.

Бўлар-бўлмасга гумонсирайдиган акаларидан қарз кўтариб, уларнинг корхонасидаги ўзининг озроқ улушини олиб ва ерини гаровга қўйиб мўмай пул топган Жералд далада ишлатиш учун бир неча қул сотиб олиш имконига эга бўлди ва Тарага келиб, иш бошқарувчининг тўрт хонали уйчасида, келгусида тепаликдаги оқ деворли янги уйга кўчишини ўйлаб ширин хаёллар оғушида бўйдоқларча ёлғиз яшай бошлади.

У ерга ишлов берди, пахта экди ва қул сотиб олиш учун Жеймс ва Эндрюдан қарз кўтарди. Ака-ука О'Харалар қариндошининг манфаатини ҳимоя қила олар, туғишганлик туйғусидан кўра кўпроқ бешафқат зарурият ва иложсизлик туғилганда – омад кулганда ҳам, муҳтожликда ҳам улар бир-бирларига қаттиқ суянар, зеро, оғир йиллардан талафотсиз ўтиб олиш учун оила бир ёқадан бош чиқариб, тақдир синовига басма-бас туриш лозимлигини тушунишарди. Улар Жералдга қарзга пул беришди, бир неча йилда у бу пулларни ортиғи билан қайтарди. Унинг ер майдони кенгайиб борарди: Жералд қўшни ерларни акрма-акр сотиб оларди, ниҳоят шундай кун келдики, тепалик устидаги оқ уй орзудан ҳаётий воқеликка айланди.

Уйни қуллар қуришди: хийла бесўнақай, пастқам бинонинг деразалари қуйига, дарё бўйига туташган

яйлов тарафга қараган эди, бироқ Жералд, уй янги бўлса-да, ундан қадим замоннинг асл нафаси уфуриб туради, деб ҳисоблар ва уни кўриб завқланишдан чарчамасди. Бир пайтлар ўрмон оралаб юрган ҳиндуларни кўрган кекса эманлар қуюқ яшил шохлари чодирини том узра ёйиб, уйни ҳар тарафдан қуршаб турарди. Ёввойи ўт-ўландан тозаланган ўтлоқда беда барқ уриб ўсар, Жералд беда парваришини қаттиқ назоратга олганди. Тарада ҳаммаси – кираверишдаги кедр хиёбонидан тортиб қулларга ажратилган оқ кулбаларгача салобатли, мустаҳкам ва абадийдек кўринарди. Ҳар гал Жералд отда уйга қайтаётганида йўл қайрилган жойдаги дарахтларнинг ям-яшил бутоқлари орасидан уйнинг томи кўз олдида намоён бўлар ва шунда бу манзарани илк маротаба кўриб тургандек юраги ифтихор туйғусига тўлиб-тошарди.

Булар айнан унинг – шу қайсар, жанжалкаш пакана Жералднинг қўллари билан барпо қилинган!

Барча қўшнилар билан Жералд ўртасида тез орада жуда яхши дўстона муносабатлар ўрнатилди. Фақатгина ерлари унинг плантациясига чап томондан туташган Макинтошлар ҳамда арзимаган уч акр ери ўнг томондан туташган, нарёғида эса Жон Уилкснинг мулки жойлашган дарё адоғи бўйлаб чўзилган Слэттерилар бундан мустасно эди.

Макинтошлар насл-насабига кўра ярим шотланд, ярим ирланд дурагайлар бўлиб, боз устига оранжист ҳам эдиларки, бу ҳолат – ҳатто католик черкови уларни азизу авлиёлар қаторига қўшган тақдирда ҳам – Жералднинг назарида уларга жиноят тамғаси – биродаркуш Қобил тамғасини босганди. Тўғри, улар Жоржияга етмиш йил илгари келиб жойлашган, унгача аждодлари Каролинада яшаган, шунга қарамай, Америка тупроғига биринчи бўлиб қадам қўйган уруғ оқсоқоли Ольстердан кўчиб келган, Жералд учун шунинг ўзи кифоя эди.

Бу бадқовоқ, одамовилар оиласи бошқаларга қўшилмасди: улар фақат каролиналик қариндошлари билангина оила қуришар, Жералд эса графликдаги Макинтошлар кўнглига ёқмаган ягона одам эмасди, ваҳоланки, бу ерга кўчиб келган аҳоли киришимли, очиққўнгил эл бўлиб, бундай фазилатлардан мосуво кимсаларга нисбатан сабр-бардошли эмасди. Макинтошларнинг аболиционистик майллари ҳақидаги миш-мишлар уларга ҳеч қанақа обрў келтирмади. Тўғри, қария Энгус умри давомида бирортаям қулни озод қилмади ва негрларининг бир нечтасини Луизиана шакарқамиш плантацияларига кетаётган қулфурушларга сотиб, одоб-ахлоқ қоидаларининг кўз кўриб, қулоқ эшитмаган даражада бузилишига йўл қўйди, бироқ барибир "миш-миш"лар тўхтамасди.

– У аболиционист, бу аниқ, – деди Жералд Жон Уилксга, – лекин оранжистда эътиқодидан кўра шотландга хос хасислик доимо устунлик қилади.

Слэттериларнинг аҳволи бир оз бошқача эди. Қашшоқликлари боис улар бадқовоқ ва ҳур фикрли Макинтошлар эришган зиғирдеккина ғайриихтиёрий ҳурматга сазовор бўлишни ҳам умид қилолмасди. Жералд О'Хара ва Жон Уилкс неча марта сотишни таклиф қилганларига қарамай, ўзининг бир неча акр ерига ёпишиб олган шўрлик қария Слэттери умр бўйи нолиб юрувчи омадсиз киши эди. Унинг хотини, сўлғин, палапартиш ва хастаҳол рангпар аёл, бир этак бадқовоқ, қуёндек қўрқоқ болачаларни дунёга келтирган ва уларнинг сонини кўпайтиришда давом этарди. Том Слэттерининг қули йўқ эди, шу боис икки катта ўғли билан пахта пайкалида терга ботиб ишлар, хотини эса кичкина болалари билан полизга ўхшаган жойда ғимирлаб юрарди. Негадир экқан пахтаси тузук-қуруқ ҳосил бермас, миссис Слэттерининг серпуштлигидан полиздан олинган сабзавотлар ҳамманинг қорнини тўйдиришга етмасди.

Далага экиш учун пахта уруғи ёки қора қозонни қайнатишга бир бўлак чўчқа гўшти сўраб, қўшнилар эшигига зир қатнайдиган Том Слэттерининг қиёфаси отнинг қашқасидай маълум эди. Қўшниларнинг мулойим такаллуфлари ортида яширинган ирганишни туйган Слэттери қўшниларини бемажол қалбининг туб-тубидан ёмон кўрарди; аммо унинг қалбида ашаддий нафратни айнан сурбет қоравойлар – бойваччаларнинг малайлари уйғотарди. Бой ер эгаларининг қоратанли хизматкорлари "оқ танли камбағаллар"га тепадан қарар, бу эса Слэттерининг нафсониятига тегар, бу қулларнинг бир бурда нонга муҳтожлик сезмаслиги унинг ҳасадини қўзғарди. Усти бут, қорни тўқ ва ҳатто қариган чоғида ёки тўшак тортиб ётиб қолганида ҳам қаровсиз қолмайдиган бу қоравойлар билан ёнма-ён кун кечираётган чолга ўз ҳаёти баттар аянчли туюларди. Уни ҳеч ким назар-писанд қилмаётган бир пайтда хизматкорлар кўпинча ўз соҳибларининг мавқе-мартабасини ва ўзлари обрўли хонадонга тегишли эканини айтиб мақтанардилар. Том Слэттери фермасини ҳар қандай плантаторга асл баҳосидан уч карра қимматига сотиши мумкин эди. Ким сотиб олса ҳам пулимга куймадим, деган бўларди, чунки Том одамларнинг кўзига тушган хасдек эди, бироқ у жойидан қўзғалишни лозим топмас, бир тойгина пахтадан келадиган бир йиллик даромад ёки қўшнилардан ул-бул тилаб олиш билан қаноатланарди.

Графликдаги барча плантаторлар билан Жералд дўстона муносабатда эди. Катта оқ от минган пакана одам хиёбонда пайдо бўлди дегунча, ҳамманинг – Уилкслар, Калвертлар, Тарлтонлар ва Фонтейнларнинг чеҳралари табассумдан ёришиб кетарди. Шу заҳотиёқ дастурхонларга туйилган ялпиз ва бир чой қошиқ шакар солинган виски қўйиларди. Жералд

ҳаммага ёқар, ўзига меҳр уйғотарди ва аста-секин қўни-қўшниларга болалар, негрлар ва итлар бир қарашдаёқ англайдиган хусусият – гумбурлаган овоз ва дағал туюлган феъл-атвор ортида меҳрибон қалб ва кенг феъл яширингани аён бўлди; дўсту биродарлар учун Жералднинг қалби қандай очиқ бўлса, қўли ҳам шундай очиқ эди.

Жералднинг кўриниш бериши итларнинг қаттиқ ҳуришию, бир-бирларини туртиб, афтларини қувлик билан буриштирганча унинг мулойим койишларига жавобан оғизлари қулоғига етгунча илжайиб, унга пешвоз чиққан негр болаларининг шодон қийқириқларига сабаб бўлар, ҳар қайси бола у ташлаган жиловни биринчи бўлиб илиб олишга ошиқарди. Йирик ер эгаларининг болалари унинг тиззасига чиқиб ўтириб олишар ва у оғзига келган сўз билан беор сиёсатдон – янкиларнинг авра-астарини ағдараётган бир пайтда ундан "от бўлиб" устига миндиришини талаб қилишарди. Ошналарининг қизлари унга сирларини очишар, қиморда ютқазганини ота-онасига айтишга қўрққан ўғиллар эса оғир дамларда унинг дўстона кўмагига кўз тутса бўлишини билишарди.

– Қандай қилиб сен, такасалтанг, бир ойдан бери оринг келмай қарзингни тўламай юрибсан! – гулдирарди у. – Оббо сен-ей, нега мендан аввалроқ пул сўрамадинг?

Унинг гапириш тарзига аллақачон кўникиб қолгани боис ҳеч ким ундан хафа бўлмас, йигитча эса хижолатомуз илжайиб, унга жавобан минғирлаб қўярди:

– Биласизми, сэр, мен илтимос қилиб тағин сизни уринтириб қўймай девдим, отам эса...

– Сенинг отанг зўр одам, гап бўлиши мумкин эмас, бироқ жудаям қаттиққўл. Шундай экан, ма, олақол, энди бу масалага бошқа қайтмайлик.

Энг охирида ер эгаларининг хотинлари таслим бўлишарди. Аммо миссис Уилкс, Жералднинг таъ-

рифича, “баъзан ҳатто бир оғиз ҳам гапирмайдиган ҳақиқий леди“, бир куни шом чоғи хиёбондан келаётган от туёғи товушини таниб, эрига: “Унинг тили бемаза, шунга қарамай у жентльмен”, деган гапидан ҳам Жераллднинг мулкдорлар жамиятида муносиб ўрни бор, дейиш мумкин эди.

Унинг ўзи эса бунинг учун қарийб ўн йил кетганини ҳатто хаёлига ҳам келтирмас, чунки қўшниларнинг ёмон кўз билан қарашини ҳатто пайқамасдиям. Тара тупроғига оёқ қўйганидан буён у ўзининг маҳаллий жамоанинг юқори табақасига мансублигига заррачаям шубҳа қилмасди.

Қирқ уч ёшга кирганда юзи қизариб, янада тундлашиб, елкалари шу қадар кенгайдики, худди рангли журнал муқовасидаги ашаддий овчи-сквайерга ўхшади-қолди. Ва у: бебаҳо ер-мулким борлиги ва маҳаллий ер эгаларининг қалбию эшигининг мен учун доимо очиқлиги – бу ҳали ўзим истаган нарсаларнинг ҳаммаси эмас, деган қарорга келди. Унга энди хотин керак эди.

Ер-мулкка бека зарур эди. Зарурат юзасидан ҳовлидан ошхонага ўтказилган семиз ошпаз-негр хотин вақтида тушлик тайёрлашни эплаёлмас, дала ишларидан бўшатилган оқсоч-негр чойшаб, кўрпа-ёстиқ жилдларини керакли пайтда алмаштиришга улгурмас, оқибатда уйга меҳмон келиб қолса ҳамма зир югуриб қоларди. Тарадаги тарбия кўрган ягона хизматкор Поркка бошқа хизматкорларни назорат қилиш юклатилган, бироқ у ҳам батартиб яшашга одатланмаган Жераллднинг бепарволиги оқибатида вақт ўтиши билан пала-партиш ва танбал бўлиб қолди. Тўғри, у ўз қароллик мажбуриятига эътиборсиз қарамас, Жераллднинг хонасини саранжом-саришта тутар, дастурхон атрофида асл эшик оғаси каби уқув билан хизмат қилар, бироқ бошқа ишларни ўз ҳолига ташлаб қўйганди.

Ўзларининг табиий майлларига ишонган хизматкор-негрлар хўжайиннинг феъл-атворини жуда эрта тушуниб олишган ва қаттиқ акиллаган ит қопмаслигини билиб, бундан тортинмай фойдаланишарди. Қулларни қул бозорида сотиб юбориш ёки терисини шилиб олиш ҳақидаги дўқ-пўписалар тез-тез жаранглаб турса-да, ҳали Тара плантацияларидан бирорта қул сотилмаган, фақат биттаси саваланган – у ҳам кун бўйи давом этган овдан кейин Жералднинг оти қаровсиз қолгани туфайли содир бўлганди.

Қўшниларининг хўжалиги қанчалик яхши йўлга қўйилганию сочлари чиройли турмакланган, шоҳи кўйлакларининг этагини шитирлатиб юрадиган уй бекалари хизматкорларни қай тарзда моҳирлик билан бошқараётгани Жералднинг кўк кўзларидан четда қолмасди. Бироқ уларнинг тонг отгандан кун ботгунга қадар ҳали болалар хонаси, ҳали кирхона, ҳали ошхона, ҳали кийим-кечак сақланадиган хонада ивирсиб юришгани эса унинг хаёлига келмасди. У югур-югурларнинг фақат натижасини кўрар ва бу унда жуда кучли таассурот қолдирарди.

Уйланиш кечиктириб бўлмайдиган иш эканини у эрталаб отда суд мажлисига бориш учун кийинаётганида Порк унга ўзи ёқтирган, оқсоч қизнинг эпсизлиги туфайли яроқсиз ҳолга келиб қолган кўйлагини тутқизган, кўйлакни энди қаролга беришдан ўзга чораси қолмаган куни тўла англаб етди.

– Мистер Жералд, – деди Порк кўйлакни миннатдор бўлиб тахларкан дили хуфтон бўлган хўжайинига, – сизга рафиқа керак. Боз устига қўлида кўп хизматкори бор рафиқа.

Жералд Поркни сурбетлиги учун жеркиб берди, аммо ич-ичидан унинг ҳақлигини тан олди. Жералд хотини, болалари бўлишини истар ва бу ишни энди ортга суришнинг иложи йўқлигини, акс ҳолда кеч бўлишини тушунарди. Бироқ у етим қолган бола-

ларини боқиб вояга етказаётган мураббия-янкига уйланган мистер Калверт каби дуч келган хотинга уйланмоқчи эмасди. Унинг хотини леди, миссис Уилкс каби гўзал хулқли аслзода леди бўлиши ва катта хўжаликни у каби маҳорат билан бошқариши лозим.

Аммо унинг уйланишига икки нарса тўсқинлик қиларди. Биринчиси, графликдаги бўй етган қизлар саноқли эди. Иккинчиси, хийла жиддийроғи – Жералд муҳожир эди. Бу ерга ўн йил олдин келиб жойлашган бўлса-да, маълум маънода "келгинди" саналарди. Унинг оиласи ҳақида ҳеч кимга ҳеч нарса маълум эмасди. Тўғри, Марказий Жоржия ер эгалари соҳилда яшайдиган зодагонлар каби ўзларини у қадар одамови ва маҳдуд тутмасдилар, аммо бирор оила зоти-зурёдини ҳеч ким билмайдиган эркакка қиз беришни хоҳламасди.

Ўзи билан бирга ов қилган, қадаҳ уриштирган ва сиёсат ҳақида гурунглашиб ўтирадиган кишилар чин дилдан ёқтиришларига қарамай, ҳеч қайсиси унга қизини бермаслигини Жералд биларди. Фалончи ёхуд писмадончи плантатор, таассуфки, қизининг қўлини сўраган Жералд О'Харани рад этишга мажбур бўлганмиш, деган "миш-миш"лар тарқалиши унга сираям ёқмасди. Аммо буни тушунса-да, ўзини мутлақо хўрланган ҳис қилмасди. Жералд О'Хара кимнингдир ўзидан юқорилигини тан олиши – бунақаси ҳали кузатилмаган, ҳар қандай вазиятда ҳам бундай кор-ҳолга ўрин йўқ эди.

Бу графликнинг шунчаки ўзига хос ғаройиб урф-одатлари бор эди: қизларни Жанубда атиги йигирма икки йил эмас, ундан кўпроқ яшаган, ер ва қуллари бор, ўтган йиллар мобайнида фақат шу жойдагина урф бўлган ақидаларга содиқ оилаларнинг фарзандларига беришарди.

– Лаш-лушларни йиғиштир, Саваннага кетамиз, – деди Жералд Поркка. – Агар у ерда оғзингдан "Уни

бир бопла!" ёки "Тўйгунча ичир!" деган гап чиқса, шу заҳоти сени қул бозорига олиб чиқиб сотиб юбораман. Кўриб турибсан, ҳозир ўзим ҳам бундай гаплардан тийиляпман.

Ахир, Жеймс билан Эндрю уйланиш ҳақида бирор маслаҳат беришар, деб ўйларди Жералд. Эҳтимол, ошналарининг бирортасида унинг талабларига жавоб берадиган бўй етган қиз бордир. Жералд унга муносиб жуфт бўларди. Жеймс ва Эндрю унинг гапларини сабр-тоқат билан эшитишди, бироқ таскин берадиган бирор гап айтишолмади. Саваннада уларнинг совчиликка борадиган қариндошлари

йўқ эди, чунки акалари уйланишганидан сўнг бу ерга келишган, дўст-биродарларининг қизлари эса аллақачон турмуш қуриб, бола-чақали бўлиб кетишганди.

– Сен бой ҳам, аслзода ҳам эмассан, – деди Жеймс.

– Бир оз бойлик орттирганман, катта оилани боқа оламан. Ўзим ҳам дуч келган қизга уйланмоқчи эмасман.

– Осмондаги ойни кўзлаяпсанми? – деди хушламай Эндрю.

Бироқ барибир улар Жералдга қўлларидан келганини аямадилар. Жеймс ва Эндрю улғайиб қолишган, Саваннада бинойидай обрў-эътиборга эга эдилар. Дўстлари ҳам кўп эди ва бир ой мобайнида улар Жералдни хонадонларга кечки овқатга, рақс ва зиёфатларга олиб бориб юришди.

– Бу ерда бир қиз бор, – ниҳоят тан олди Жералд. – У менга жуда ёқиб қолди. Очиғи, мен бу ерга келиб тушганимда, у ҳали дунёга келмаганди.

– Ким экан у ойимқиз?

– Мисс Эллин Робийяр, – сохта илтифотсизлик билан жавоб берди Жералд, чунки бу бодомқовоқ қизнинг қора кўзлари унинг юрагидан урганди. Унинг ўн беш ёшли қизлар сингари шўх-шаддод

эмаслиги, камгаплиги ғалати туюлса-да, Жералдни бир қарашда ўзига мафтун қилганди. Қизнинг юзида йигитнинг юрагини титратиб юборган пинҳона дард зоҳир эдики, Жералд ҳали дунёдаги бирор тирик жонга бу қадар ҳамдардлик билан қарамаганди.

– Ахир, сен унинг отаси тенгисан-ку.

– Нима бўпти, бир эркак бўлса менчалик бўлар! – бу гапдан қаттиқ ранжиб хитоб қилди Жералд.

Жеймс унга босиқлик билан тушунтирди:

– Қулоқ сол, Жерри. Бутун Саваннада сенга бундан-да номуносиб қаллиқ топилмайди. Ахир, анави Робийяр, унинг отаси – француз, французлар эса иблисдек такаббур, ойиси, жойи жаннатда бўлсин, бағоят обрўли хоним эди.

– Менга бунинг аҳамияти йўқ, – деди Жералд. – Унинг ойиси, дарвоқе, аллақачон қабрда ётибди, қария Робийярга эса ёқиб қолганман.

– Эркак эркакка шунчаки ёққандек унга ёқиб қолган бўлишинг мумкин, аммо зинҳор куёв ўрнида эмас.

– У қиз сенга ҳеч қачон тегмайди, – гапга аралашди Эндрю. – Мана, бир йилдирки, оиласидагилар кечаю кундуз тасалли берса ҳам, ўша қиз анави ҳавойи амакиваччаси Филипп Робийярни ўйлаб, унинг ишқида куйиб адо бўляпти.

– Унинг Луизианага кетганига бир ой бўлди, – деди Жералд.

– Сен буни қаердан билдинг?

– Билдим-да, – қисқа қилди Жералд, бу қимматли маълумотни Поркдан олганини айтишни истамай, боз устига Филипп ота-онасининг қистови билангина жўнаб кетганини ҳам яширди. – У Филиппни қаттиқ севиб қолган, деб ўйламайман, бу ҳолат ўткинчи. Ўн беш ёшда қанақа севги бўлиши мумкин.

– Барибир улар қизини сенга эмас, ўша каллакесар амакиваччасига беришга рози бўлишади.

Хуллас, Пьер Робийярнинг қизи шимолий жоржиялик пакана ирландга эрга тегаётгани ҳаммага аён бўлганида, Жеймс билан Эндрю бошқалардан кам лол бўлиб қолишмади. Саванналиклар ғарбга жўнаб кетган Филипп Робийярни ғийбат қилишар, аммо фисқу фасод ўз йўлига, ҳеч ким ҳеч нарсани аниқ билмас ва Робийярнинг қизлари орасида энг гўзали нега айнан бўйи ўзининг елкасига зўрға етадиган қизилюзли бақироқ ирландга тегишга қарор қилгани жумбоқ бўлиб қолаверди.

Ҳатто Жералднинг ўзи ҳам бу ҳодиса қандай юз берганини англолмай қолди. У бир нарсани – нима бўлгандаям мўъжиза содир бўлганини билди. Ва Эллин, ранги оқариб кетган, бироқ ўта хотиржам Эллин қўлини унинг қўлига енгилгина теккизиб:

– Сизнинг хотинингиз бўлишга розиман, мистер О'Хара, – деганида у умрида биринчи марта ўзига мутлақо бегона бўлган итоаткорлик ва журъатсизликни ҳис қилди.

Бу хабардан яшин ургандек карахт бўлиб қолган оила аъзолари воқеанинг туб моҳиятини бир оз фаҳмлагандай бўлишди, ёлғиз Моможонгина Эллиннинг тун бўйи гўдакдай ҳўнграб йиғлаб чиққани, эрталаб эса бирдан улғайиб қолган аёлга хос қатъият билан ўз қарорини маълум қилганини биларди.

Ўша куни кечқурун бир нохушликни кўнгли сезган Моможон Эллинга манзили нотаниш кишининг қўли билан ёзилган, Янги Орлеандан жўнатилган кичкина тугунчани узатди. Эллин тугунчани очиб, қичқириб юборди ва қўлидан эмалига ўзининг сурати ишланган медальонни тушириб юборди. Тугунчада Эллиннинг амакиваччасига ёзган тўртта хати ҳамда Нью-Орлеан руҳонийсининг қаҳвахоналардан бирида Филипп Робийярнинг муштлашиш оқибатида ўлим топгани ҳақидаги бир энлик хабари ҳам бор эди.

– Улар Филиппни бу ердан кетишга мажбур қилишди – отам, Полина ва Евлалия. Уларни кўргани кўзим йўқ. Ҳаммасидан нафратланаман. Уларни кўришни истамайман. Бу ердан кетаман. Уларни бошқа ҳеч қачон кўрмаслик учун кетаман! Бир умр ҳамма нарса у... уни эслатиб турадиган бу шаҳардан кетаман!

Эллинга қўшилиб аччиқ-аччиқ кўз ёши тўккан Моможон бекасининг қора сочли бошчасини силаб, тортинибгина тасалли берганида, тун оғиб тонг отай деб қолганди.

– Худо сақласин, азизам! Бу яхши эмас!

– Мен аллақачон бир қарорга келдим! У яхши, оққўнгил одам! Мен унга турмушга чиқаман ёки Чарльстон монастрида роҳиба бўламан.

Худди шу таҳдид алал-оқибат гангиб қолган, ғамдан адо бўлган Пьер Робийярни бу никоҳга розилик беришга мажбур қилди. Эътиқодли пресвитерианга, гарчи ўзи католиклар оиласига мансуб бўлса-да, қизининг роҳибаликни қабул қилганидан кўра Жералд О'Харага турмушга чиқиши у қадар қўрқинчли туюлмасди. Куёв, насли-насаби бетайин эканини айтмаганда, бошқа жиҳатлардан унчалик ёмон одам эмасди.

Шундай қилиб Эллин – энди Эллин О'Хара – бу ерларга ҳеч қачон қайтиб келмасликни кўнглига тугиб, Саваннани тарк этди ва ўзининг ўртаяшар эри, Моможон ва йигирма нафар негр хизматкори ҳамроҳлигида Тарага келди.

Бир йилдан сўнг биринчи фарзандлари туғилди. Қизчага Жералднинг онаси шарафига Кэти-Скарлетт деб исм қўйишди. Жералднинг бир оз ҳафсаласи пир бўлди, лекин шунга қарамай, сочлари қоп-қора чақалоқнинг дунёга келиши унга шундай қувонч бахш этдики, у Тарадаги қулларни бир бочка ром билан сийлади, ўзи ҳам ғирт маст бўлиб, бақир-чақир қилиб ҳовлини бошига кўтарди.

Мабодо Эллин қийналган дамларида ўйламай-нетмай турмушга чиққанидан афсус чеккудек бўлса, буни ҳеч ким, айниқса, Жералд, ҳеч қачон билмасди. Хотинига назар ташлаганида Жералднинг қалби ғурурга тўлиб-тошиб кетарди.

Эллин эса денгиз бўйидаги шаҳарчани ва у билан боғлиқ ҳамма нарсани хотирасидан ўчириб ташлади ва Шимолий Жоржия тупроғига қадам қўйгач, бу ерда ўзининг янги ватанини топди.

Елканларини кўтариб сузаётган кемадек муҳташам ва виқорли ота уйи – француз колониал услубида қурилган бежирим уй хотирасида қолди: майин, нафис юмалоқ шакллар, сувоқ тортилган оч-пушти рангли деворлар, пештоқи баланд кириш айвонидан оҳиста пастлаб борувчи кенг зиналар, нақшинкор чўян панжаралар... Ҳашаматли, гўзал ва мағрур қад ростлаган бино.

Бу ерда, Шимолий Жоржияда, уни шароити ғоят оғир ўлка ва йўқчиликда чиниққан одамлар кутиб олди. Мовий тоғ тизмалари этакларида ястаниб ётган қирларда туриб қаёққа кўз ташламасин, узоқ-узоқларда оғир қоятошлар туртиб чиқиб турган қизғиш тепаликларни ҳамда осмонга бўй чўзган қорамтир қарағайларни кўрарди. Кўз ўрганиб қолган кулранг йўсин ҳамда тўқ яшил буталар билан қопланган соҳилбўйи оролларининг маъсум гўзаллигидан, субтропик қуёш нурида қизиб, оқ тасмадек чўзилиб ётган қирғоқлардан, ям-яшил пальмалар ва ёш ўрмонлар гуркираган кенг ясси қумлоқ текисликлардан кейин бу табиат унга ёввойи ва бўйсунмас бўлиб туюларди.

Бу ерда жазирама ёз ортидан қаҳратон қиш кириб келар, одамлар вужудида мислсиз ғайрат-шижоат ва қуч-қувват жўш урарди. Улар енгил ва қувноқ феъл-атвори билан ажралиб туришар, оққўнгил, бағрикенг, хушмуомала, айни пайтда ўлгудай

қайсар, қизиққон ва зўр ҳаётий кучга эга эдилар. Соҳилбўйидаги эркаклар ҳар қандай вазиятда – якка-якка олишувми ёки қонли қасос бўладими – ўзларини тута билиши ва гўзал хулқ-атворлари билан фахрланар, бу ерда эса ҳамма ўзининг тийиқсизлигини ва қалтис хатти-ҳаракатларга мойиллигини намоён қиларди. Соҳилбўйида ҳаёт осуда, бир маромда кечар, бу ерда эса навқирон, саркаш, олатасир ҳаёт қайнаб-тошарди.

Саваннада Эллин танийдиган одамларнинг, гўё бир қолипдан чиққандек, ўй-фикрлари ҳам, қилиқлари ҳам кам фарқ қиларди. Бу ерда эса у бир-бирига ўхшамайдиган ҳар турли одамларга дуч келганди. Шимолий Жоржияда ўрнашиб қолганлар бу жойга Ер куррасининг турли бурчакларидан – Каролина ва Виргиниядан, Европа ва Узоқ Шимолдан, Жоржиянинг бошқа ҳудудларидан кўчиб келишганди. Баъзилари Жералд сингари яқин орада бахтини излаб келганлардан эди. Бошқалари эса Эллин каби қадим аждодлари ўз юртидаги ҳаётидан қониқмай бегона жойлардан жаннат қидирган кўҳна авлодларга мансуб эди. Бу ўлкаларга шамол учиргандай тасодифан ёки қонида жўш урган бобомерос бесаранжомлик туфайли келиб қолганлар ҳам оз эмасди.

Ўтмиши мутлақо бир-бириникига ўхшамайдиган бу одамлар ўзларига ноқулай тартиб-қоидаларга бўйсунмай тараллабедод ҳаёт кечиришарди, бироқ Эллин бу шароитга ҳечам тўла-тўкис кўниколмади. У соҳилбўйидаги одамлар бирор-бир ҳолатда ўзларини қандай тутишларини савқитабиий билиб оларди. Шимолий Жоржия аҳли қай ҳолатда қандай йўл тутади – буни олдиндан билишнинг имкони йўқ эди.

Ўша пайтларда Жануб гуллаб-яшнар, бу эса ҳаёт маромини тезлаштирарди. Бутун жаҳон пахтага талабгор, графликнинг ҳосилдор бўз ерлари эса мўлкўл пахта берарди. Пахта бу заминнинг тириклик

нафаси, юрак уриши, уни экиш ва йиғиб-териб олиш эса унинг томирларидаги қоннинг оқиб туришига монанд эди. Ҳайдалган ердаги эгатларда бойлик етилар, у билан бирга калондимоғлик ва такаббурлик ҳам илдиз отар – далалардаги ям-яшил ғўзалар ва оппоқ момиқ чаноқлар қатори ўсиб борарди. Модомики, пахта бугунги авлодга бойлик келтираётган экан, келажак авлодлар ҳам бу бойликни албатта кўпайтириши тайин!

Эртанги кунга ишонч ҳаётга ташналикни, унинг барча неъматларига очкўзларча иштиёқни пайдо қилардики, бу Эллинни ҳайратга солар, зеро, одамлар жон-жаҳдлари билан ҳаёт қувончларидан баҳра олишга берилган эдилар. Уларнинг пуллари ҳам, қуллари ҳам мўл, шу боис ўйин-кулгию сайр-томошаларга ҳам вақтлари етарли, хурсандчиликни жон-дилдан яхши кўришарди. Афтидан, овга чиқиш, балиқ тутиш ёки пойгани деб ишни ташлаб қўйишса бўладиганга ўхшарди, бирор ҳафта хурсандчиликсиз ўтмас, кимдир очиқ ҳавода зиёфат берар ёки рақс уюштирарди.

Эллин барибир янги ҳаётга мослашиб кетолмади, аниқроғи, бунинг уддасидан чиқолмади – юрагининг катта бир бўлаги Саваннада қолганди, лекин у бу одамларга муносиб баҳо берар, вақт ўтиши билан уларнинг очиқ ва тўғрисўзлиги, кўпгина расм-русумлардан озодлиги ва инсонни меҳнатига яраша қадрлай билиши унинг кўнглида ҳурмат уйғота бошлади.

Унинг ўзи эса қўли очиқ, аммо тежамкор бека, меҳрибон она, садоқатли хотин сифатида графликдаги барча узоқ-яқин қўни-қўшниларнинг ҳурмат-эътиборини қозонди. Пораланган юраги ва ўз бахтидан воз кечгани уни монастирга элтмади, аксинча, унга ўзини болаларига, уйи ва уни Саваннадан олиб кетиб, аччиқ хотиралардан халос этган ва

бирор мартаям ўтган кунлари ҳақида савол бермаган инсонга бағишлаш имконини берди.

Соғлом ва, Моможоннинг фикрича, ҳаддан ташқари шўх-шаддод қизалоқ Скарлетт бир ёшга тўлганида Эллин яна қиз кўрди – қисқа қилиб Сьюлин дея аташадиган Сьюзен Элинор туғилди, кейин эса оила шажарасида Кэролайн-Айрин деб қайд қилинган Кэррин туғилди. Уларнинг ортидан бирин-кетин уч ўғил дунёга келди, бироқ уччаласи ҳам нобуд бўлди ва улар уйдан юз ярд нарига, ғадир-будур кедр дарахтлари соясидаги оила қабристонига, ҳаммасига бир хилда: "Жералд О'Хара, кичкина" деб ёзилган учта тоштахта остига қўйилди.

Эллин бу ерга келганидан буён Тарада кўп нарса ўзгарди. Ўн беш ёшли қизалоқ, катта ҳовли-жойнинг бекаси, деган унвон ўзига юклаган мажбуриятдан чўчимади. Ўша пайтдаги тушунчаларга кўра, никоҳгача қиз боладан аввало чиройли, ширинсухан, баодоб ва меҳмоннавоз бўлмоғи талаб этиларди. Оила қургач эса у хўжаликни юритиши ва юзлаб, баъзан бундан-да кўпроқ, оқ ва қора танли қулларни бошқара олиши лозим бўларди.

Эллинга ҳам, обрўли оиладан чиққан қизлар каби, ана шу тушунчалар сингдирилган, бундан ташқари, унинг ёнида энг уқувсиз хизматкорни ҳам ғайрат билан ишлашга руҳлантира оладиган Моможон бор эди. Шу боис Эллин Жералднинг хўжалигини тезда тартибга келтирди ва ҳовли-жой ораста, салобатли кўриниш касб этди.

Хўжайиннинг уйи бирор-бир меъёрий ечимсиз ҳолда қурилган эди, кейинчалик зарурат туғилгач, у ер-бу ердан янги қурилишлар қилинди. Шунга қарамай, Эллиннинг саъй-ҳаракатлари туфайли уй шинам кўринишга эга бўлди. Ҳатто йўлдан уйга олиб борадиган серсоя, тўқ яшил кедрлар хиёбони Жоржиядаги ҳар қандай йирик ер эгасининг хонадони-

га хос бўлиб, уй теварагидаги бошқа дарахтларнинг очиқ яшил туси билан кўзни қувонтирадиган зиддият ҳосил қиларди. Айвонларни қуршаган печак-гуллар оппоқ оқланган деворлар саҳнида чиройли кўринар, кириш жойида ўсаётган доим яшил миртанинг жингала-пушти новдалари ва магнолияларнинг қордек оппоқ гуллари эса уйнинг бесўнақай шакл-шамойилини кўздан пана қиларди.

Баҳор ва ёз ойларида бедапоя ва майсазорларнинг зумрад яшиллиги ҳовлининг уй орқасидаги қисмида сақланадиган курка ва оқ ғозларни ўзига чорлаб турарди. Паррандалар галасининг йўлбошчилари дам-бадам уй олдидаги ман қилинган ҳудудга сездирмай бостириб киришар, уларни нафақат яшил майсалар, балки ясминнинг серсув ғунчалари ва гулзордаги манзарали ўсимлик – цинниялар ҳам ўзига жалб қиларди. Уларнинг пусиб киришига йўл қўймаслик учун кириш эшиги олдида доим кичкина қора танли қоровул қўлида йиртиқ сочиқ билан турарди. Зинада ўтирган боёқиш қорамағиз болакайнинг аянчли жуссаси ҳовлидаги умумий манзаранинг ажралмас бир бўлаги эди – қоравойнинг бахтсизлиги шунда эдики, унга фақат сочиқ силкитиб паррандаларни чўчитиш буюрилган, зинҳор уларни саваламаслиги лозим эди.

Эллиннинг қўлидан ўнлаб қора танли ўғил болалар ўтган, уларни Эллин содда ҳикматга – Тарадаги қора танли ўғил болаларга юкланадиган бирламчи муҳим вазифани бажаришга ўргатарди. Кейинроқ, ўн ёшга тўлгач, иш ўрганиши учун уларни этикдўз отахонга ёки дурадгор ҳамда ғилдираксоз уста Эмосга ёки молбоқар Филиппга, ё бўлмаса хачирларни далада ўтлатиб юрадиган Каффининг қўлига топширишарди. Мабодо болада бу ҳунарларга уқув бўлмаса, уни ишлаш учун далага жўнатишар, у хизматкор негрлар кўз ўнгида ҳар қандай имтиёзли шароитда

яшаш ҳуқуқини йўқотар ва оддий қарол даражасига тушиб қоларди.

Эллиннинг ҳаётини ҳеч ким осон ва бахтли, деб айтмаган бўларди, лекин у енгил ҳаётни кутмаган ҳам, модомики қисматига бахт битилмаган экан, демак, аёлларнинг ёзиғи шу, деб ўйларди. Дунё эркакларга тегишли эди ва Эллин буни шундайлигича қабул қиларди. Мол-мулк ҳам эркакларники эди, аёлга эса хўжаликни бошқариш мажбурияти юкланганди, холос. Жонкуяр ва тежамкор хўжайин, деб ном чиқариш шарафи эркак кишига дохил, аёл эса унинг ақл-заковати олдида бош эгиши лозим эди. Тирноғи остига тикан кирса, эркак буқадек бўкириши мумкин, бироқ аёл туғаётганида ҳам эрининг тинчини бузмаслик учун дардини ичига ютиши керак эди. Эркаклар тилларини тийишмас ва маст-аласт юриш улар учун оддий ҳол эди. Аёллар қўпол сўзларни эшитса ҳам эшитмаганга олар ва эрларини тўшакка ётқизаётиб, уларга таъна қилишни хаёлларига ҳам келтирмасдилар. Эркаклар фикрини айтишдан тортинмас, хотинларига норозиликларини тўкиб-сочишар, аёлларга эса сабр-бардошли, кўнгилчан ва илтифотли бўлмоқлик фарз эди.

Эллин олган аристократларга хос тарбия ҳар қандай қийинчиликлар ва ташвишларга қарамай аёл ўзининг назокати ва латофатини йўқотмаслигини тақозо этар, Эллин эса уччала қизини ҳам чинакам леди қилиб тарбиялашни истарди. Ўртанча қизи Сьюлинни тарбиялаш осонроқ, чунки у ҳаммага ёқишни жуда-жуда истар, онасининг панд-насиҳатларини жон қулоғи билан тингларди, кенжа қизи Кэррин эса табиатан ювош ва итоаткор эди. Аммо Скарлетт жон-тани билан отасига тортган, киборларга хос хулқ-атвор ва одоб-ахлоқ қоидаларини қийинчилик билан ўзлаштирарди.

Скарлетт Моможоннинг баттар аччиғини чиқариб, мўмин-қобил сингиллари ёки хушхулқ Уилкс

хонимлар билан эмас, даладан келган қоравойлар ва қўшни болалар билан ўйнашни ёқтирар, дарахтларга чирмашиб чиқиш, тош отишда улардан қолишмасди.

Эллиннинг қизи ёқимсиз қилиқлар чиқараётганини кўриб қаттиқ ташвишга тушган Моможон Скарлеттнинг қулоғига ўзини "кичкина леди каби" тутиши лозимлигини мудом қуйиб туришга уринарди. Бироқ Эллин бу муаммони бартараф этишда ўзини сабрлироқ ва мулоҳазалироқ тутди. У ҳамма нарсанинг ўз вақти бор, деб ҳисоблар, пайти келиб болаликда бирга ўйнаб-ўсган тенгқурлари йигит бўладилар ва ошиқларга айланадилар, ўшанда Скарлетт ҳар бир қизнинг ҳаётдаги асосий вазифаси турмушга чиқиш эканини тушуниб етади. Скарлетт жуда шўх, дерди ўзига-ўзи Эллин, у ҳали йигитларни ўзига ром қилиш илмини ўрганишга улгуради.

Эллин ва Моможоннинг биргаликдаги саъй-ҳаракатлари қай мақсадга йўналтирилган бўлса, бунда Скарлетт кутилганидан ҳам ортиқ натижаларга эришди. Бўй етган сари у бошқа соҳаларда жиддий ютуққа эришмаган бўлса-да, ушбу илм сирларини тўла-тўкис англаб, пухта ўзлаштира борди. Мураббийлар бот-бот алмашгани боис Скарлетт Фейетвиллдаги ёш қизлар учун очилган хусусий пансионга икки йилга топширилди, у олган билимлар палапартиш бўлса-да, Скарлетт, шубҳасиз, графликдаги қизларнинг ҳаммасидан яхшироқ рақс тушарди. Айни пайтда у жозибали табассуми ва ёноғида ўйнаб турадиган кулгичлари қимматини яхши билар, оёқлари учида чунонам хиром этардики, кўйлагининг этаги жозибали ҳилпираб кетарди; яна у эркак кишининг юзига қараб туриб, гўё вужудини қамраган ҳаяжонини бехос билдириб қўйгандек, киприкларини пирпиратиб, зумда нигоҳини ерга қадашни уддаларди. Энг муҳими, у ўткир ва тийрак ақлини болаларча

беғубор ва содда юз ифодаси билан ниқоблаб, уни эркаклардан сир тутиш маҳоратини эгаллади. Ҳар қалай Эллиннинг мулойим ўгитлари ва Моможоннинг тинимсиз ёзғиришлари бўлажак рафиқа учун сўзсиз қимматли бўлган айрим фазилатларни унинг онгига сингдирган эди.

– Сен мулойимроқ, сипороқ бўлгин, азизам, – дерди Эллин қизига. – Жентльменлар ноҳақ бўлса ҳам, сен улардан кўпроқ нарсани билсанг ҳам, уларнинг суҳбатига аралашма. Жентльменлар ҳаддан ташқари очиқ-сочиқ фикрлайдиган аёлларни ёқтиришмайди.

– Менинг гапларимни ёдда тутинг: доим димоғ-фироқ билан "Йўқ, истамайман", "Ҳоҳишим йўқ" дейдиган ойимқизлар қариқиз бўлиб ўтириб қолишади, – дея қовоқларини уйиб ўзича башорат қиларди Моможон. – Ёш ледилар ерга қараб: "Албатта, сэр, ҳа, сэр, нима десангиз шу, сэр!", дейишлари лозим.

Улар Скарлеттни чинакам аслзода хонимга айлантиришга уринишар, бироқ у сабоқларнинг фақат сиртини ўзлаштирарди. Ташқи одоб-ахлоқнинг замини бўлган ички олижаноблик ва покдомонлик унинг учун эришиб бўлмас хусусиятга айланди ва бундай хусусиятни эгаллашга унинг ўзи ҳам эҳтиёж сезмади. Керакли таассурот уйғотишни ўрганиб олишнинг ўзи етарли эди – ахир, зарофат ва латофат тимсоли бўлиш билан машҳурликка эришилади-ку, Скарлетт эса шундан бошқасига интилмасди ҳам. Жералд О'Хара қизи Скарлетт бешта графликда биринчи соҳибжамол эканини мақтанчоқлик билан таъкидлар ва, айтиш жоизки, бундай дейишга унинг асоси бор эди. Чунки қўшни қўрғонлардаги йигитларнинг ҳаммаси аллақачон унинг қўлини сўрашган, ҳатто Атланта ва Саванна каби узоқ шаҳарлардан ҳам айримлар унга севги изҳор қилишганди.

Эллин ва Моможоннинг ўгитларига амал қилган Скарлетт ўн олти ёшида, аслида ўта қайсар, ўзи-

га бино қўйган ва тутган жойидан кесадиганлар хилидан бўлса-да, мафтункор, беозор, беташвиш хилқат сифатида довруқ қозонди. У ирланд отасидан қизиққон ва жиззаки феъл-атворни мерос қилиб олди, бағрикенг, фидойи ойисидан эса атиги ташқи орасталикдан бошқа ҳеч нарсани эгаллагани йўқ. Қизининг ювошлиги юзаки эканлиги Эллиннинг хаёлига ҳам келмас, зеро ойиси билан муносабатда Скарлетт доим ўзини яхши томондан кўрсатарди: баъзи ножўя қилиқларини усталик билан яширар, феъл-атворини жиловлаш ҳамда ювош бўлиб кўринишнинг уддасидан чиқар, чунки уни йиғлатгудек уялтириш учун ойисининг биргина таънали нигоҳи етарли эди.

Табиат сохтакорликдан устун келиши мумкинлигини яхши билган Моможонгина ўзи тарбиясига олган қиз ҳақида ҳавойи хаёлларга берилмас ва доим ҳушёр турарди. Моможоннинг нигоҳи Эллинникидан ўткирроқ эди, Скарлетт ҳам бирор марта уни ростакамига лақиллатганини эслай олмайди.

Табиийки, ҳар икки талабчан мураббий ҳам Скарлеттнинг мафтункорлиги ва вужудида ҳаёт шавқи қайнаб-тошаётганини ўйлаб ташвиш тортишмасди. Жанублик аёллар бундай хусусиятлари билан ҳатто фахрланишга одатланганди. Скарлеттдаги Жералддан ўтган ҳаракатчанлик, ўжарлик ва ўзбошимчалик Эллин ва Моможонни хижолатга қўярди: бу бўлмағур нуқсонларни бегона кўзлардан яширишнинг ҳеч иложи йўқ, айни шу нуқсонлар унга яхши куёв топишга халал берарди. Скарлетт Эшлига ва фақат Эшлига тегишга қатъий қарор қилган, модомики бу хусусиятлар эркакларга шу қадар жозибали кўринар экан, у доимо камтар, кўнгилчан ва беғам бўлиб кўринишга тайёр эди. Нима сабабдан эркаклар бу фазилатларни қадрлашини у тушунмасди. У фақат бир нарсани биларди: бу услуб текширилган,

синовдан ўтган, демак, ўзини оқлайди. Бунинг сабаби устида бош қотириб ўтиришни у истамас, чунки ҳеч қачон унда бировнинг ички кечинмалари ёки ҳеч бўлмаса, ўзининг қалбида содир бўлаётган ўзгаришларни тушуниб етишга эҳтиёж туғилмаганди. Билгани шу эдики, агар нимадир қилса ёки бир нима деса, йигитлар бирор-бир тарзда унга ниҳоятда хуш ёқадиган гапларни албатта гапирган бўлардилар. Бу оддий арифметик масалани ечгандек бир гап, арифметика эса мактабдалигидаёқ Скарлетт ҳеч қандай қийинчиликсиз ўзлаштирган ягона фан эди.

Модомики у эркаклар кўнглини у қадар тушунмас экан, аёллар қалбини ундан-да кам тушунар, чунки аёллар уни кам қизиқтирарди. Унинг ҳеч қачон қадрдон дугонаси бўлмаган, аммо бу ҳолат уни ҳечам ўйлантирмасди. Барча аёллар, жумладан, сингиллари ҳам унинг учун хуфия душман, негаки ҳаммалари ёлғиз бир ўлжа кетидан югуришар – эркак кишини ўз тўрларига илинтириш пайида бўлардилар.

Аёлларнинг ҳаммаси шунақа. Ёлғиз ойисигина бундан мустасно эди.

Эллин О'Хара бошқаларга ўхшамасди. У Скарлеттга бани аёл зотидан алоҳида фарқланиб турувчи илоҳадек туюларди. Бола пайтларидаёқ ойиси унга Биби Марям тимсоли бўлиб кўринар, бироқ улғайганда ҳам бу тасаввуридан воз кечишни истамасди. Фақат Эллин ва Парвардигори Оламгина унга ўз дунёсининг дахлсизлигига ишонч туйғусини бағишлай оларди. Скарлетт учун ойиси ҳақиқат, адолат, назокат, муҳаббат ва теран донишмандлик тимсоли, том маънодаги леди эди.

Скарлетт ойисига ўхшашни жуда истарди. Ҳамма бало шунда эдики, доим тўғрисўз, ҳалол, виждонли, адолатли, севгувчи ва жонфидо инсон бўлсанг ҳаётнинг барча қувончларидан баҳра олишнинг иложи йўқ, боз устига кўп нарсани, айниқса, ошиқларингни

бой беришинг муқаррар. Ҳаёт эса жуда қисқа. Кейинчалик, Эшлига турмушга чиққанидан сўнг, кексайган чоғида Эллиндай бўлишга вақти етарли бўлади. Ҳозир эса...

IV боб

Бу оқшом Скарлетт беихтиёр стол атрофида онасининг ўрнига бекалик вазифасини бажарар, бироқ унинг фикру хаёлини Эшли ва Меланининг никоҳи ҳақидаги даҳшатли хабар чулғаб олганди. Умиди пучга чиққан Скарлетт Эллиннинг Слэттериларникидан эртароқ қайтишини сўраб худога ёлворарди: ойиси бўлмаса у ўзини буткул ёлғиз ва бахтсиз ҳис қиларди. Ойиси унинг ўзига ҳам жуда керак бўлиб турган бир маҳалда бу Слэттерилар ўзларининг беадоқ касалликлари билан Эллинга ёпишиб олишгани қандай бедодлик!

Эзгин кайфиятда ўтаётган кечки тамадди давомида жағи тинмаган Жералднинг шанғиллаган овози унинг қулоғини тешиб юборгудек бўлар, гоҳида унга энди ортиқ бу шовқинга чидолмайдигандай туюларди. Яқиндагина қизи билан қилган суҳбат аллақачон Жералднинг хаёлидан кўтарилиб кетган, ҳозир эса гапларини қўл силташ ва столга муштлаш билан мустаҳкамлаб, Самтер фортидан келган сўнгги хабарлар тўғрисида узундан-узун ваъз ўқирди. Стол атрофидаги ялпи жимлик чоғида сафсата сотиш Жералд учун одатга айланган, одатда ўз хаёллари билан банд Скарлетт бетакаллуфлик қилар – унинг гапларига қулоқ солмасди. Аммо бугун Эллин ўтирган извошнинг дарвозага келиб тўхташини бетоқат кутаётган Скарлетт юқори пардага кўтарилган бу овоздан ўзини иҳота қилолмаётганди.

Тўғри, у юрагини эзаётган оғир юкни онасига айтиб енгил тортмоқчи эмасди. Бошқа қизга унаш-

тирилаётган йигит дардида Скарлеттнинг куйиб-ёнаётганини билиб қолса борми, Эллин даҳшатга тушар, қалби қаттиқ озор чекарди. Лекин Скарлетт ўзининг биринчи марта шундай оғир ғамга ботган лаҳзаларида ойиси ёнида бўлишини истарди. Унинг ёнида ўзини ишончлироқ ва бехавотирроқ сезарди; Эллин ёнида бўлса, ҳар қандай кулфат ҳам қўрқинчли туюлмасди.

У хиёбондан келаётган туёқ товушини эшитиб сакраб ўрнидан турди, лекин яна жойига ўтирди, извош орқа эшик томонга бурилди. Демак, бу Эллин эмас – у дарвозадан кириб келган бўларди. Зулмат қоплаган ҳовлидан негрларнинг серташвиш ғала-ғовури ва қаттиқ кулгиси эшитилди. Деразага кўз ташлаган Скарлетт ҳозиргина ошхонадан чиққан Поркни кўрди: у қўлида мумли машъала кўтариб турар, аравадан эса қоронғуда аниқ кўринмаётган кишилар тушарди. Бўғиздан чиқаётган майин ва жарангдор ёқимли овозлар қўшилиб, қувноқ ва беташвиш чуғур-чуғурга айланарди. Кейин орқа эшик ва холлга олиб борувчи даҳлиздан қадам товушлари эшитилди. Қадамлар ошхона эшиги ортида тўхтаб қолди. Бир дақиқагача у ёқдан пичир-пичирлар эшитилиб турди, шундан сўнг остонада Порк пайдо бўлди: ҳаяжонли кўзлари қувончдан каттариб кетган, тишлари ялтирар, ҳатто ўзини вазмин тутишни ҳам унутганди.

– Мистер Жералд, – ҳаяжондан нафаси тиқилиб хабар қилди у. – Янги хизматкорингиз етиб келди.

– Янги хизматкор! Мен ҳеч қанақа оқсоч сотиб олганим йўқ! – жавоб берди Жералд хизматкорига ясама ғазаб билан тикилиб.

– Ҳа, ҳа, сэр, мистер Жералд, сотиб олгансиз! Ҳа, сэр! У эшик орқасида кутиб турибди, сиз билан гаплашишни истайди! – Порк ҳиринглаб кулди ва ҳаяжондан бармоқларини қисирлатди.

– Бўпти, хотинингни бу ёққа олиб кел, – деди Жералд. Порк эса ўгирилиб Таранинг мулкига айланиш учун ҳозиргина Ўн икки Эмандан етиб келган хотинига имлади. Аёл ошхонага кирди ва изидан онасининг пинжига тиқилиб олган, унинг чит кўйлаги этаги орасидан ярми чиқиб турган ўн икки ёшли қизалоқ кўринди.

Дилси қомати расо аёл эди. Ёши ўттиздами ёки олтмишда, аниқлаш қийин. Тўқ сариқ тусли хотиржам юзида ажин йўқ эди. Ҳинду қони негрникидан устун келгани яққол кўриниб турарди. Терисининг қизғишлиги, чаккалари бўртиб чиққани, дўнг пешонаси, кенг ёноқлари ва учи ясси, ўртаси дўнг бурни, негрларникидек дўрдоқ лаблари икки ирқ қоришмасини намоён этарди. Дилси ўз қадрини яхши билар ва ўзини шундай мағрур тутардики, ҳатто Моможон ҳам бу хислатни кейинчалик орттирган, Дилсининг эса қонида бор эди.

У кўпчилик негрлардек сўзларни бузиб гапирмас, нутқи равон эди.

– Оқшомингиз хайрли бўлсин, мисс, сизга ҳам мисс. Сизга ҳам, мистер Жералд. Безовта қилганимиз учун узр сўрайман. Мен билан қизимни сотиб олганингиз учун жудаям миннатдорчилик билдиргим келди-да. Мени-ку ким бўлсаям сотиб олади, Приссини эса, уни соғиниб юрмаслигим учун, сотиб оладиган киши йўқ, сиздан жуда миннатдорман. Жон-дилим билан хизматингизни қиламан ва яхшилигингизни ҳеч қачон унутмайман.

– Ҳм-ҳм... – қилган яхшилигини фош қилиб қўйишганидан хижолат чеккан Жералд йўталиб қўйди ва нимадир деб пўнғиллади.

Дилси Скарлетт томонга ўгирилди ва пинҳона табассумдан кўзларининг бир четига майда ажинлар йиғилди.

– Мисс Скарлетт, Порк мистер Жералддан мени сотиб олишни илтимос қилганингизни айтди. Мен

қизим Приссини сизга оқсочликка беришни истайман.

У ортида турган, оёқлари товуқникидек ингичка, сочларига саноқсиз жамалак таққан қизчани олдинга сурди. Қизалоқнинг синчков, атрофдаги нарсаларни ҳушёрлик билан тез илғаб олувчи нигоҳлари тийрак, юзида эса пухта ўзлаштирилган содда ифода зоҳир эди.

– Раҳмат, Дилси, – деди Скарлетт, – лекин Моможон қаршилик қилади, деб қўрқаман. Ахир, у туғилганимдан бери хизматимни қилади-да.

– Моможон қартайиб қолган-ку, – Дилси қатъият билан хотиржам оҳангда эътироз билдирди, бу эса Моможонни ғазаб отига миндириши тайин эди. – У яхши энага, аммо энди сиз ледисиз, сизга моҳир оқсоч керак, қизим Присси бир йилдан буён мисс Индиянинг хизматини қиляпти. У тикишни ҳам билади, сочингизни ҳам катта қизлардан ёмон турмакламайди.

Дилси қизини туртди. Присси чўнқайиб ўтирди ва Скарлеттга қараб ёйилиб жилмайди, бунга жавобан у ҳам беихтиёр жилмайди.

"Тийрак қизча экан", хаёлидан ўтказди Скарлетт ва деди:

– Бўпти, Дилси, раҳмат, ойим келса гаплашиб кўраман.

– Сизга ҳам раҳмат, ойимқиз. Тунингиз хайрли ўтсин, – деди Дилси ва қизчаси билан ошхонани тарк этди. Порк уларнинг ортидан шошиб чиқди. Столни йиғиштиришди, тингловчилари олдида ҳеч қандай муваффақият қозонолмаган ва ва шу боис зиғирдай ҳузурни ҳис этмаган Жералд яна ваъзхонлик қила бошлади. Унинг уруш бошланиши муқаррарлиги ҳақидаги ваҳимали башоратлари ва "Токайгача Жануб янкиларнинг суллоҳликларига чидайди!" сингари риторик хитоблари зерикиб ўтирган тингловчиларининг "ҳа, ота" ва "йўқ, ота" каби атиги бир бўғинли

жавобларига сабаб бўлди. Керрин катта лампа остида полга ташланган ёстиқда ўтириб, маҳбубининг ўлимидан сўнг роҳибаликни қабул қилган қизнинг романтик қиссасини ўқишга берилиб кетган, қойил қолганидан вужудини ёқимли ҳислар чулғаб олган, кўзларини ҳайрат ёшлари майин қитиқлар ва у ўзини роҳибаларнинг оппоқ қалпоқчасида тасаввур қилиб, ҳузурланарди. Сьюлин – ўзи гўё уялгандек ҳиринглаб айтишича "ўзининг сепига", – кашта тикиш билан машғул, хаёлида эса эртанги барбекюда ўзининг Скарлеттга бегона майинлиги ва ювошлиги билан Стюарт Тарлтонни мафтун қилиб, уни Скарлеттдан оғдириб, ўзига қаратиб олиш ҳақида ўйларди. Скарлетт эса Эшли туфайли қаттиқ изтироб чекарди. Наҳотки қизининг юраги тилка-пора бўлганини била туриб, отаси Самтер форти ва анави янкилар ҳақида қандай қилиб тинмай жавраши мумкин? Ҳали хийла ёш экани боис одамлар унинг дарду аламларига худбинларча лоқайд муносабатда бўлиши, юраги қон бўлиб турган бир пайтда дунёда ҳамма нарса ўз мезонида давом этаётгани унга ақл бовар қилмас ҳодисадек туюларди.

Унинг вужудида бўрон қўзғолган эди, аммо атроф шу қадар осойишта, шу қадар осуда эдики, бу унга ғалати кўринарди. Бодрезак ёғочидан ишланган оғир буфет ва стол, оғир кумуш идишлар, ялтиратиб артилган полга тўшалган рангбаранг қуроқ гиламлар – ҳаммаси, гўё ҳеч нарса бўлмагандек, жой-жойида турарди. Бу дўстона суҳбатлар учун мўлжалланган шинамгина хона эди, одатда Скарлетт кечки овқатдан кейин оила аъзолари билан жам бўлиб бу ерда ўтказиладиган оқшомги осуда дамларни ёқтирар, аммо бугун бу хона унга жирканч кўринарди, агар отасининг кескин дўқ-пўписаларидан қўрқмаганида эшикдан билдирмай чиқиб кетган ва қоронғу холлдан учиб ўтиб, Эллиннинг кичкина хонасидаги кенг

ва юмшоқ эски диван устида тўйиб-тўйиб йиғлаб олган бўларди.

Бу Скарлеттнинг энг севимли хонаси эди. Ҳар куни эрталаб Эллин бу хонада баланд ёзув столи ёнида ўтириб ҳисоб-китобларни текширар ва уй бошқарувчиси Жонас Уилкерсоннинг ҳисоботини эшитарди. Оила аъзолари бу ерда тез-тез йиғилиб туришарди. Темир дафтарга Эллин нималарнидир ёзар, Жералд эски тебранма стулда мизғиб ўтирар, қизлар безатилган хоналарни ясатишга яроқсиз эски диваннинг чўкиб кетган ёстиқларига аранг жойлашиб олишарди. Ҳозир эса Скарлетт фақат бир нарсани – у ерда Эллин билан ёлғиз қолишни, унинг тиззалари орасига бошини яшириб, тўйиб йиғлашни истарди. Ойиси қачон қайтади, ахир!

Ва ниҳоят хиёбонга тўшалган шағалнинг ғилдираклар остида ғичирлай бошлагани ва извошчининг жавобини берган Эллиннинг паст овози эшитилди. Ҳамманинг нигоҳи эшикка қадалди. У кринолин этагини шитирлатиб хонага тез кириб келди. Юзи ҳорғин ва қайғули эди. Тизимгулнинг муаттар бўйи таралди, ифор гўё унинг кўйлаги қатларига мангуга ўтириб қолгандек, Скарлетт ойисининг сиймосини бу ифорсиз тасаввур қилолмасди. Қовоғи солиқ, пастки лаби норозилигидан чўччайган, қўлида чарм сумка кўтарган Моможон бекаси ортидан кириб, сал нарида тўхтади. У димоғидан англаб бўлмайдиган алфозда секин, ўзининг маъқулламаётгани эътиборсиз қолмайдиган даражада эшиттириб нимадир деб минғирлади.

– Ушланиб қолганим учун узр, – деди Эллин ва ҳорғин елкасидаги шотландча шолрўмолни Скарлеттнинг қўлига ташлаб, йўл-йўлакай қизининг юзини силади.

Хотини кириб келиши биланоқ Жералднинг юзи ёришиб кетди.

– Хўш, чақалоқни чўқинтирдингларми? – сўради у.

– Ҳа, боёқишни чўқинтирдик ҳам, аза очиб, йиғладик ҳам, – деди Эллин. – Эмми ҳам бандаликни бажо келтирадими, деб қўрққандим, лекин, менимча, у соғайиб кетади.

Қизлар зўр қизиқиш билан жавоб кутиб, унга термилдилар, Жералд эса донишмандона бош чайқади.

– Хўш, унинг ўлиб қолгани балки яхшиликкадир, бахтиқаро дурагай... .

– Вой, кеч бўп кетибди! Ибодат вақти бўлди, – гўё бехосдан гапириб юборгандек унинг сўзини бўлди Эллин. Агар Скарлетт ойисини яхши билмаганида Эллин Жералднинг гапини атай бўлганини хаёлига ҳам келтирмасди.

Лекин Эмми Слэттерининг боласининг отаси кимлигини билиб олиш барибир қизиқ эди, аммо Скарлетт ойисидан буни аниқлаш мушкуллигини тушунарди. Скарлеттнинг ўзи эса Жонас Уилкерсондан гумон қиларди – унинг оқшомлари Эмми билан сайр қилиб юрганини кўп кўрганди. Жонас янкилардан, бўйдоқ эди, у эгаллаб турган бошқарувчилик лавозими эса бадавлат ер эгаларининг хонадонларига олиб борадиган йўлларни унинг учун кесиб қўйганди. Жонас уларнинг қизларидан бирига уйланолмас, Слэттери каби камбағал ва улардек жамиятдан ажралиб қолган кишилардан бўлак бирор кимса билан борди-келди қилиш имкониятидан маҳрум эди. Шу билан бирга у маълумотига кўра Слэттерилардан бир поғона устун эди, шу боис Скарлеттнинг назарида у Эмми билан оқшомлари тез-тез сайр қилиб турса-да, унга уйланишни хаёлига ҳам келтирмаслиги табиийдек туюларди.

Скарлетт хўрсинди – унинг қизиқувчанлиги ортди. Ойисининг кўз олдида кўп воқеалар содир бўлар,

лекин у буларни гўё пайқамасди. Эллин ўзининг одоб-ахлоқ ҳақидаги тушунчаларига зид нарсалардан четлаб ўтишнинг уддасидан чиқар ва Скарлеттни ҳам шунга ўргатишга, гарчи ҳеч қандай натижага эришмаган эса-да, ҳаракат қиларди.

Эллин токчасида тасбеҳ сақланадиган кичкина нақшинкор қутича турган камин томон юрди, бироқ Моможоннинг қатъий овози уни тўхташга мажбур қилди:

– Мисс Эллин, ибодат қилишдан олдин озгина тамадди қилиб олсангиз бўларди.

– Раҳмат, Моможон, оч эмасман.

– Ҳозир овқат олиб келаман, сиз овқатланишингиз керак, – ўжарлик билан ўшшайиб гапирди Моможон ва жаҳл билан ошхонага йўл олди.

– Порк! – қичқирди у, – ошпазга айт, ўт ёқсин, мисс Эллин қайтиб келди.

Гавдасининг оғирлигидан холлнинг поли қисирлаб кетди ва Моможон узоқлашгани сари емакхонада ўтирганларга унинг жавраётгани аниқроқ эшитилди.

– Қайта-қайта уқдирасан – бари бекор... Улар шунча жон куйдирганингга арзимайди. Бир пулга қиммат ношукур бандалар, графликда бу оқ танли жулдурвоқилардан баттари йўқ. Мисс Эллин ўзини қийнамаслиги керак. Агар ақллироқ бўлишганида улар ҳам бошқалардек ўз қулларига эга бўлардилар. Эҳ, мисс Эллинга буни тушунтириб бўлармиди...

Моможон холлни емакхона билан туташтирган ёпиқ айвонда кўринмай қолгач, овози тинди. Бирор масалада хўжайинларга фикрини билдириб қўйишда Моможоннинг ўз услуби бор эди. Қора танли хизматкорларнинг жаврашига заррача эътибор беришга оқ танли боёнларнинг нафсонияти йўл қўймаслигини, қадр-қимматларини йўқотмаслик учун, у остонадан ҳатлаб ўтгач қанча жаврамасин улар ўзларини эшитмаганга солишларини биларди. Бу ҳол

уни танбеҳ эшитишдан қутқарар ва айни пайтда ўз фикрини очиқ-ойдин айтиш имконини берарди.

Ликопчалар, сочиқ ва санчқи-қошиқларни кўтариб Порк кириб келди. Ортидан йўл-йўлакай оқ камзулининг тугмаларини солиб, ўн яшар негр бола Жек шошиб кирди. У қўлида бўйидан икки баробар узун ингичка таёққа ўхшаш қўлбола пашша қўригични ушлаб турар, унга ингичка узун газета парчалари боғланганди. Эллиннинг товус патидан ясалган чиройли катта елпиғичи бор эди, лекин ундан тантаналарда, хонадонда бўлиб турадиган майда-чуйда низолар пайтидагина фойдаланишар, чунки Порк, ошпаз хотин ва Моможон товус патлари бахтсизлик келтиради, деб ҳисоблашарди.

Эллин Жералд шошганча қўйиб берган стулга ўтирди ва тўрт хил овоз бараварига унга ҳужум бошлади:

– Ойи, балга киядиган кўйлагимнинг тўрлари ситилибди. Уни эртага Ўн икки Эманга борганимизда киймоқчийдим. Балки тикиб берарсиз?

– Ойи, Скарлеттнинг янги кўйлаги меникидан чиройли, пуштиранг кўйлак менга умуман ярашмайди. У менинг кўйлагимни кийса бўлмайдими, мен унинг яшил гулли кўйлагини киярдим. Унга пуштиранг жуда ярашади.

– Ойи, майлими, эртага мен ҳам рақсда қолсам. Ўн учга кирдим, ахир...

– Хўш, мен сизга айтсам, миссис О'Хара... Қани жим бўлинг, қақажонлар, қулоғингизни узиб олмасимдан!.. Кейд Калверт бугун эрталаб Атлантага бориб келди... Гапиргани қўясизларми, йўқми?... Унинг айтишича, у ерда одамлар қаттиқ ҳаяжонда эмиш, ҳамма нуқул уруш, ҳарбий машғулотлар ва ҳарбий қисмларни шакллантириш тўғрисида гапираётганмиш. "Миш-миш"лар рост бўлса, энди Чарльстонда янкиларга ихтиёр бермасликка қарор қилинганга ўхшайди.

Эллин бу овозларга қулоқ тутаркан, ҳорғин жилмайди ва одобли рафиқага муносиб тарзда биринчи бўлиб Жералдга жавоб қилди:

– Модомики Чарльстоннинг нуфузли инсонлари шундай фикрга келишган экан, менимча, биз ҳам ўзимизни кутдириб қўймаймиз, уларга қўшиламиз, – деди у. Зеро у Саваннани истисно қилганда минтақа аҳолисининг энг сара, энг аслзода қисми ана шу порт-шаҳарчада тўпланган, деган рухда тарбияланганди ва сирасини айтганда, чарльстонликларнинг ўзлари ҳам бу ишончни қўллаб-қувватлашарди.

– Йўқ, Кэррин, ҳозирча мумкинмас, азизам. Келаси йил сен ҳам узун кўйлаклар кийиб, балларда рақс тушасан, бу гулгун ёноқлар завқ-шавқдан янада яшнаб кетади. Қани, лаб-лунжингни осилтирма, болажоним! Ахир, сен барбекюга боришинг, ҳатто кечки овқатга қолишинг мумкин-ку, тушуняпсанми? Аммо ёшинг ўн тўртга етмагунча, ҳеч қанақа балга қололмайсан.

– Менга кўйлагингни келтир-чи, Скарлетт, столдан турсак, тўрларини тикиб қўяман.

– Менга гапингнинг оҳанги ёқмаяпти, Сьюлин. Пуштиранг кўйлагинг жуда чиройли. Скарлеттга яшил ранг қандай ярашса, сенга ҳам пушти ранг шундай ярашади. Майли, эртага сенга маржонимни тақишга рухсат бераман.

Сьюлин ойисининг орқасида туриб Скарлеттга бопладимми, дегандек бурнини жийирди, чунки маржонни Скарлетт сўраб олмоқчи эди. Унга жавобан Скарлетт тилини чиқарди. Сьюлин нуқул нолиб, худбинлик қилиб Скарлеттнинг жаҳлини чиқарар, агар Эллин орага тушиб яраштириб қўймаса, у Скарлеттдан роса шапалоқ еган бўларди.

– Энди эса, мистер О'Хара, мен мистер Калвертнинг нима деганини, Чарльстонда қандай воқеа юз бераётганини батафсилроқ билмоқчи эдим.

Ойиси на уруш билан, на сиёсат билан қизиқмаслигини, бу ишлар фақат эркакларга хос, бирор-бир ақлли аёл бу нарсаларга бурнини тиқмаслиги лозим, деб ҳисоблашини Скарлетт жуда яхши биларди. Аммо Жералд бу мавзуларда гурунглашишни яхши кўрар, Эллин эса эрига доимо эътиборли ва унга ёқадиган иш қилишга тайёр эди.

Жералд ўзи билган янгиликларни тўкиб-солгунича Моможон бекаси олдига товоқ-қошиқ қўйди, қизартириб қовурилган тилларанг нон бўлаклари, қовурилган жўжа тўши ва сариқ ямс (ширин картошка) тортди, ямсдан буғ кўтарилар, кесимларидан ёғ томчиларди. Моможон Жекни чимчиди ва у дарҳол ишга киришди – қоғоз тасмалар Эллиннинг орқасидан гоҳ юқорига, гоҳ пастга оҳиста суза бошлади. Моможон бекасининг ёнида турар, санчқига олиб, оғзига солаётган ҳар бир бўлакни синчковлик билан кузатиб, мабодо Эллин бош тортгудай бўлса, таомни кўзининг сеҳри билан халқумга ўтказиб юбормоққа чоғланиб турганга ўхшарди. Эллин луқмани ҳафсала билан ютар, бироқ Скарлетт қаттиқ чарчаган ойиси нима еяётганини ҳам сезмаётганини кўриб турарди. Фақат Моможоннинг юзидаги қатъий ифода уни санчқини ташлаб юборишдан тутиб турарди.

Ниҳоят кечки овқат тугади, гарчи Жералд негрларга озодлик беришни талаб қилаётган, бироқ бунинг учун бир пенни ҳам тўлашни хоҳламаётган муттаҳам янкиларнинг авра-астарини ағдаришдан тўхтамаган бўлса-да, Эллин ўрнидан турди.

– Дуо ўқиймизми? – истамайроқ сўради Жералд.

– Ҳа, вақт алламаҳал бўлиб қолди. Соат ўнга занг чаляпти. – Соат бир оз "хир-хир"лагач, ўнга занг урди. – Кэррин, аллақачон тўшакка кирадиган вақт бўлди. Порк, илтимос, чироқнинг пилигини озгина пасайтиринг. Моможон, дуолар китобимни беринг.

Жек Моможоннинг жаҳл билан шивирлаб айтган гапига бўйсуниб, ўзининг узун елпиғичини бурчак-

ка қўйиб, идиш-товоқларни йиғиштиришга тушди. Моможон эса буфет тортмасидан Эллиннинг эскигина дуолар китобини олди. Порк оёқ учида шифтдан ёруғ стол устига тушиши учун чироқ осилган занжирни тўғрилади. Эллин этагини йиғиштириб тиз чўкди ва дуолар китобини очиб стол четига, дуога очилган қўлларини эса китоб устига қўйди. Жералд унинг ёнига тиз чўкди. Скарлетт билан Сьюлин қаттиқ полда оғримасин деб кенг этакларини тиззалари тагига тиқиб, столнинг нарёғидан жой олишди. Кэрриннинг бўйи паст, столга етмасди, шу боис у қўлларини стулнинг ўриндиғига қўйиб, чўккалади. Бу ҳолати унга жуда маъқул эди, ибодат пайти ойисининг кўзидан панада мудраб олса бўларди.

Холлдан келаётган шитир-шитир товушлар хизматкорларнинг емакхонанинг очиқ эшиклари ортида чўккалаганларидан дарак берарди. Тиззасини букаётган Моможоннинг қаттиқ ихрагани эшитилди. Порк, тиз чўкиб сажда қилаётган бўлса-да, ўзини таёқ ютгандек тик тутарди, оқсоч қизлар Роза ва Тина эса гулдор чит кўйлаклари этагини кенг ёйиб ўта назокат билан тиз чўккандилар. Қордек оппоқ дуррачада ошпаз аёлнинг юзи янада қорароқ, озғинроқ кўринарди. Жэкнинг кўзлари юмилиб бораётган бўлса-да, Моможоннинг чимчилашларидан қочиб узоқроққа ўтиришга ақли етганди. Хизматкорларнинг қора кўзлари интизорлик билан ялтирар, негаки ҳар оқшом оқ танли хўжайинлар билан бирга қилинадиган ибодат улар учун куннинг энг муҳим воқеаси эди. Ибодатнинг қадимий тимсоллари ўз шарқона гўзаллиги ва ҳикматлари билан уларга унчалик тушунарли эмас, бироқ бу тимсоллар улар қалбидаги нозик бир пардаларни чертиб юборар ва Эллиннинг орқасидан: "Ўзинг бизни мағфират айлагин, худойим!", "Тангрим, биз осий бандаларингдан марҳаматингни аямагин!" дея такрорлаб, бир маромда тебранишга мажбур қиларди.

Эллин кўзларини юмиб, дуо ўқирди. Овози аллалаб, таскин-тасалли бериб гоҳ кучаяр, гоҳ пасаярди. У уйи, оиласи, хизматкорларининг фаровон ҳаёти учун шукрона келтираётганида бошқалар чироқнинг сарғиш ёруғида бошларини эгиб туришарди.

Жамики тараликлар, отаси, онаси, опалари, бевақт вафот этган уч гўдаги ҳамда "бу бевафо дунёнинг аламдийдалари" ҳақига ибодат қилиб бўлгач, Эллин узун бармоқлари билан оқ тасбеҳни ўгириб, Биби Марям ҳақига дуо ўқий бошлади – оқ ва қора танли кишиларнинг лаблари шивирлаб, унинг ортидан истиғфор айтаётганларида гўё хонада шамол эсаётгандай бўлди:

– Ё Муқаддас Биби Марям, биз осий бандаларнинг гуноҳини худодан илтижо қилиб сўра, ҳозир, ҳамиша, абадул абад!

Гарчи аламли кўз ёшлари ҳалиям қароқларини куйдираётган бўлса-да, Скарлетт қалби осойиш топаётганини ҳис қилди. Умидлари пучга чиққанининг алами ва эртанги кундан умидсизлик ҳисси чекиниб, ўрнини ишонч, қатъият эгаллади. Бироқ лаблари беихтиёр оятларни такрорлар, руҳи худога эътиқоддан эмас, ойисининг улуғворлик акс этган осуда юзи ва ўзи учун ғоят қадрли бўлган одамлар учун мағфират тилаб арши аълога термилган нигоҳидан енгил тортарди. Агар Эллин илтижо қилиб ёрдам сўраса, унинг илтижоларини парвардигори олам албатта эшитишига Скарлеттнинг ишончи комил эди.

Эллиннинг овози тинди, тиловат навбати Жералдга етди, у ўз тасбеҳини ҳеч қачон керак пайтда тополмагани боис дуо ўқиётганида бармоқларини яшириб букишига тўғри келарди. Ҳозир, Эллин ўргатганидек, чуқур хаёлга ботиб, ўз виждонини тафтиш қилмоғи, кун бўйи йўл қўйган хатоларини эслаб, тавба қилмоғи ва Тангри таолога истиғфор

келтирмоғи, бу гуноҳларни бошқа ҳеч қачон такрорламаслиги учун парвардигордан куч-қувват ато этишини тилаб ёлвормоғи лозимлигини билса-да, отасининг бир маромдаги тиловати оқибатида у беихтиёр чалғиди. Скарлеттнинг юраги виждонидан устун келди.

Ойим юзимни кўрмасин, дея бошини стол устига қовуштирган қўлларига қўйиб, Эшли ҳақида ғамгин хаёлларга берилди. Қандай қилиб у аслида уни – Скарлеттни сева туриб, Меланига уйланишни ақлига сиғдириши мумкин? Скарлетт ҳам ўзини севишини билса ҳам-а? Эшли ўз ихтиёри билан уни қандай бахтсиз қила олади?

Шу лаҳза бехосдан унинг миясида ялт этиб бутқул кутилмаган, ажойиб бир фикр келиб қолди:

"Ахир, Эшли мен уни севиб қолганимни хаёлига ҳам келтирмайди-ку!"

Бу фикр уни шу қадар ҳайрон қолдирдики, бехосдан қичқириб юбораёзди. Бир лаҳза мияси тўнглаб қолгандай бўлди, кейин эса шиддат билан ишлай бошлади.

"У қаердан ҳам билсин? Мен доим ўзимни унинг ёнида сиркаси сув кўтармайдиган нозикойимдай кўрсатардим-ку... Шубҳасиз, у менда ўзига нисбатан дўстона туйғудан бошқа ҳеч нарса йўқ, деб ўйлайди. Ҳа, тушунарли! Шу боис ҳам у ҳозиргача менга дилидагини изҳор қилмаган! У ўз муҳаббатини жавобсиз, деб ўйлайди. Мана, нега у баъзан менга алланечук ғалати қарайди..."

У ўзига тикилган ўша нигоҳни бир неча марта илғаганини, Эшлининг одатда асло тушуниб бўлмайдиган кўк кўзлари унга ниманидир ошкор этганини ва у бу кўзларда умидсизлик, дард бордек туюлганини эслади.

"У менинг ишқимда ёняпти, мени Брент ёки Стюартни, ёки Кейдни ёқтиради, деб ўйлайди. Шунинг

учун у, модомики, менга етишолмас экан, нега энди оиламнинг хоҳишига биноан Меланига уйланмаслигим керак, деган қарорга келгани аниқ. Агар у менинг севишимни билганида..."

Ҳалигина умидсизлик чоҳига қулаган руҳи қайта тирилиб, бахтиёрлик осмонида парвоз қиларди. Бу жумбоқнинг ечими айнан шу – мана нега Эшли ўзини бундай ғалати тутади, мана, нима учун у жим! У ҳеч нарсани фаҳмламаяпти! Такаббурлик ўзи қаттиқ ишонгиси келган нарсага ишониш истагини ҳаракатга келтирди, ишониш истаги эса қатъиятга айланди. Агар Эшли Скарлетт уни севишини билганида эди, нақд оёқлари остига йиқилган бўларди. Скарлеттга фақат...

"Эҳ! – ўйлади у, ўт бўлиб ёнаётган манглайини чангаллаб. – Бунчалик телба бўлмасам, нега бу ҳақда ўйлаб кўрмаган эканман? Унинг кўзини очишнинг бирор-бир йўлини топишим зарур. Агар севишимни билса, у Меланига уйланмайди! Ҳеч қачон уйланмайди!"

Жералд дуо ўқишни тугатганини ва ойиси ўзига қараётганини сезиб, Скарлетт ҳушёр тортди. Тасбеҳ ўгириб одатдаги сўзларни ўқий бошлади, аммо овозида кучли ҳаяжон бор эди, Моможон ажабланиб кўзларини очди ва унга тикилиб қаради. Ундан кейин Сьюлин дуо ўқиди, сўнг эса Кэррин, аммо Скарлетт ўз кашфиётидан энтикиб, қанот боғлаб ҳануз осмону фалакда парвоз қиларди.

Албатта-да, ҳалиям кеч эмас. Куёв бўлмиш (бошқа сафар келин) шундоқ никоҳ гулчамбари тагидан бошқа биров билан қочиб кетгани ҳақидаги хабар бутун графликни титратган пайтлар ҳам бўлган-ку.

Эшлининг унаштирилгани ҳали эълон қилинганича йўқ! О, йўқ, ҳали кеч эмас!

Модомики Эшли Мелани билан севги ришталари орқали эмас, шунчаки гап-сўз билан, худо билади

қачон, боғланган экан, гапидан қайтиб, унга – Скарлеттга уйланишига нима халал бера олади. Агар Эшли Скарлеттнинг севишини билса, шубҳасиз, шундай қилган бўларди. Демак, у бу ҳақда билиши шарт. Скарлетт унинг кўзини очиш йўлини топиши лозим. Ана ўшанда...

Онасининг таънали нигоҳи тангрига муножот қилишдан тўхтаган, парқу булутлар устида учиб юрган Скарлеттни ерга тушириб қўйди. У бехос хатога йўл қўйганини пайқади ва секин хонага кўз югуртириб, дуо оятларини ўқий бошлади. Чироқнинг майин нурлари оғушида тиз чўккан жуссалар, ичкарида, негрлар ўтирган жойда тебранаётган соялар, бир соат илгари дилида қаҳр қўзғаган кўзга таниш буюмлар энди янгидан қанот боғлаган орзу-умидлари таъсирида камалак рангларида товланар, хона эса кўзига яна иссиқ ва шинам кўрина бошлаганди. Бу лаҳзалар, бутун бу манзара унинг хотирасида мангу қолади!

– Ё Биби Марям, – Эллин қироат билан дуо ўқир, унинг мулойим ва сокин овозига Скарлетт итоаткорона жўр бўларди.

Гўдаклик чоғлариданоқ бундай лаҳзалар Скарлетт учун наинки Биби Марямга, кўпроқ ўзи тасаввурида илоҳийлаштирган Эллинга топиниш дақиқалари эди. Муқаддас китобнинг азалий каломларини такрорларкан, Скарлетт куфроналик билан юмуқ киприклари орасидан Биби Марям сиймосини эмас, парвардигори оламга муножот қилаётган Эллинни кўрарди ва бу каломлар – "Хаста кўнгилларнинг шифо топиши", "Гуноҳкор бандаларнинг пушти-паноҳи", "Мангу боқий ҳаловат дарвозаси", "Донишмандлик арши" – уни сеҳрлар, негаки улар онасининг сиймоси билан уйғунлашиб кетарди. Аммо бу оқшом респонсорий – муножотнинг шивирлаб айтилган сўзларида, паст, бўғиқ овозларда унинг нотинч қал-

бига ҳаловат бағишловчи қандайдир янги, ўзгача бир гўзаллик намоён бўлди. Ва у умидсизлик қаъридан... тўғри Эшлининг қучоғига йўл кўрсатгани учун Яратганга чин юракдан шукроналар келтирди.

Сўнгги "омин" каломи айтилди ва ҳамма, айримлар қийналиб, Моможон эса Тина ва Роза ёрдамида – ўринларидан туришди. Порк камин токчасидан эшилган узун қоғозни олиб чироққа тутиб ёқди ва холлга чиқди. У ерда, айланма зина рўпарасида емакхонага сиғмай қолган, ёнғоқ ёғочидан ясалган катта буфет, унинг тахтаси устида бир неча чироқ ҳамда шамдонларда ўнтача шам қаторлашиб турарди. Порк чироқ билан учта шамни ёқди ва хонадоннинг қирол ҳамда қироличани кузатиб бораётган мағрур бош камергери қиёфасида чироқни баланд кўтариб, зинадан юқорига чиқа бошлади. Унинг ортидан Жералднинг тирсагидан тутиб Эллин борарди, қизлар эса – биттадан шам тутиб – тантанавор юришни давом эттирдилар.

Скарлетт ётоғига кириб, шамни баланд кийим-кечак жавони устига қўйди ва тўри тикиладиган бал кўйлагини излаб шкафни титкилай бошлади. Кўйлакни қўлига олиб, холлни ўраб турган айвон орқали ота-онасининг ётоғига қараб йўл олди. Ётоқ эшиги қия очиқ эди, Скарлетт тақиллатишга улгурмасидан Эллиннинг паст, аммо қатъий овози эшитилди:

– Мистер О'Хара, сиз Жонас Уилкерсонни ишдан бўшатишингиз керак.

Жералд қайнаб кетди:

– Бор-йўғимни шилиб олмайдиган ундай бошқарувчини яна қаердан топаман?

– У дарҳол бўшатилиши керак, эртагаёқ. Катта Сэм яхши назоратчи, янги бошқарувчи топгунингизча Жонаснинг ўрнини билдирмай туради.

– Э, ҳали шундайми? Тушунарли. Ҳурматли Жонас ҳомиладор қилиб...

– Уни ишдан бўшатиш керак.

"Ҳа, демак, бу ўша – Эмми Слэттерининг боласининг отаси, – ўйлади Скарлетт. – Жуда соз. Янкилардан, шунақа оқ танли қашшоқлар оиласидан чиққан қиздан яна ниманиям кутиш мумкин".

Жералднинг тинчланишини кутиб, жимгина турган Скарлетт эшикни тақиллатиб ичкари кирди ва кўйлакни ойисига узатди.

Скарлетт ечиниб, шамни ўчириб тўшакка киргунича миясида эртага амалга оширмоқчи бўлган режаси пишиб етилди. Режа жуда оддий эди, чунки Жералддан мерос собитқадамлик билан Скарлетт кўзлаган мақсадини аниқ кўриб турар ва шу мақсад сари энг қисқа йўлдан бораётганди.

Аввалambор, Жералд насиҳат қилганидек, мағрур бўлиши лозим. Ўн икки Эманда ҳар қачонгидан ҳам қувноқ ва кўтаринки кайфиятда кўриниши керак. Унинг Эшли ва Меланининг никоҳи ҳақидаги хабардан адойи тамом бўлганини бирор жон билмасин. У оқибатини ўйлаб ўтирмай ҳамма йигитларга ноз-карашма қилади. Бу, албатта, Эшлига нисбатан шафқатсизлик, аммо шундай қилинса у Скарлеттга янада кўпроқ талпинади. У Сьюлиннинг ёши қайтган сариқ мўйлов хуштори Фрэнк Кеннедидан тортиб Меланининг ювош, сипо, қиз боладек уятчан акаси Чарлз Гамильтонгача – қўлини сўраши мумкин бўлган бирортаям талабгорни эътиборсиз қолдирмайди. Ҳаммаси гулга парвона асаларилар сингари унинг атрофида гирдикапалак бўлишади ва, ҳеч шубҳасиз, Эшли Меланини тарк этади ва Скарлеттнинг шайдолари қаторига қўшилади. Шунда у бир илож қилиб Эшли билан ёлғиз қолиш учун қулай фурсат топади. Скарлетт ҳаммаси айнан шундай бўлишидан умид қиларди, акс ҳолда режани амалга ошириш мушкул, ахир. Хўп, агар Эшли биринчи қадамни қўймаса, унда бу иш унинг ўзига қолади.

Ниҳоят иккаласи қолганида эса Эшли хаёлан Скарлеттни унга ёқишга интилаётган ошиқлари қуршовида кўради ва кўзларида яна Скарлеттга таниш адолик ва дард ифодаси пайдо бўлади. Ана шунда Скарлетт Эшлини бахтиёр қилади. Ҳаммага бирдек севимли Скарлеттга бу оламда барчадан у – Эшли севимлироқ эканини ошкор қилади. Унга севгисини изҳор этганида Эшли унинг нақадар одобли ва латофатли, бебаҳо фазилатлар соҳибаси эканини кўради. Албатта, буни у ҳақиқий ледига хос – ўз қадр-қимматини сақлаган ҳолда амалга оширади. У: "Мен сизни севаман", – дея қичқириб, унинг бўйнига осилмоқчи эмас. Бундай қилиш ярамайди. Қолаверса, ўз туйғуларига қай йўсинда иқрор бўлиши уни ташвишга солмасди. Бундай вазиятга Скарлетт кўп тушган, бу гал ҳам уддалайди.

Ой нурига кўмилган тўшакда ётган кўйи у хаёлан бу манзаранинг тасвирини чизарди. Қаршисида унинг дил изҳорини тинглаётган Эшлининг ҳайратдан донг қотган бахтиёр чеҳраси намоён бўлар ва унинг: "Менга турмушга чиқишингизни сўрайман", деган ардоқли сўзларини эшитарди.

Албатта, шунда Скарлетт бошқа аёлга унаштирилган йигитнинг таклифини қабул қилолмаслигини айтади, лекин Эшли қаттиқ туриб олади ва охири Скарлетт рози бўлади. Шунда улар ўша оқшомнинг ўзидаёқ уйдан қочиб, Жонсборога етиб олишга ва... қарор қилишади.

Ҳа, эртага айни шу соатда у балки миссис Уилксга айланар!

Скарлетт тиззаларини қучиб, тўшакка ўтириб олди ва ҳаётидаги саноқли бахтиёр дақиқаларда ўзини Эшлининг хотини, миссис Уилкс деб ҳис қилди!

Сўнг унинг юрагида алланечук совуқ бир шубҳа уйғонди. Агар ҳаммаси ўзи ўйлагандек бўлиб чиқ-

маса нима бўлади? Агар Эшли ундан бирга қолишни сўрамаса-чи? Шу заҳотиёқ у хаёлидан бу гумонларни қувиб юборди.

"Ҳозир бу ҳақда ўйламайман, – қатъий қарорга келди у. – Агар ўйлай бошласам, кўнглим баттар ғаш тортади. Ҳаммаси ўзим истаганимдек бўлиши керак... агар у мени севса! У эса мени севади, мен буни биламан!"

У бошини орқага ташлади, қуюқ қора киприклар қуршовидаги тиниқ кўзларида ой шуъласи жилваланди. Эллин унга оддий бир ҳақиқатни очмаган эди: истамоқ – бу ҳали эришмоқ дегани эмас, ҳаётда эса ғалаба доим олди-ортига қарамай тик борувчиларгагина насиб қилмаслигини ҳали ўргатмаган эди. У ғира-шира ой ёғдуси оғушида ётар, қалбида ҳаммаси яхши бўлади, деган ишонч кучайиб борар, ҳаёт гўзал, мағлубият эҳтимоли имкондан холи, чиройли кўйлак гўзал чеҳра билан уйғунлашиб, тақдир устидан зафар қозониш гарови бўлиб туюладиган ўн олти ёшда қандай дадил режалар тузсалар, у ҳам шундай режалар тузарди.

V боб

Эрталабки соат ўн. Фавқулодда иссиқ келган апрель қуёшининг заррин нурлари мовийранг пардалардан ўтиб Скарлеттнинг ётоғига оқиб кирарди. Олачалпоқ шуълалар сарғимтир деворларда ўйнар, шаробдек тўқ қирмизи кўҳна мебель юзасида жилва қилар, полнинг ола-қуроқ гиламлардан холи қисмини ойнадек ялтиратарди.

Ҳавода аллақачон ёз нафаси кезар, секин-аста ўз мавқеидан воз кеча бошлаган баҳор ўрнини эгаллашга жазм этган жазирама иссиқнинг илк эпкини уфуриб турарди. Боғдан хонага сизиб кираётган илиқ нурларда куртаклар, гуллар ва янги ҳайдалган

нам ернинг майин ифори сезиларди. Дераза ортидаги шағал тўшалган кириш хиёбонининг икки томонида чаппар уриб гуллаган қордек оппоқ наргис гуллари кўзларни қамаштирар, улар орқасида эса кринолинли этак сингари кўпчиб турган бўлиқ ясмин буталарининг новдалари олтин тусли гуллари залворидан эгилиб турарди. Дераза тагида ўсаётган магнолияни эгаллаш учун азалий кураш билан машғул тақлидчи ўрмон қушчалари ва сойкалар – хўжасавдогарлар навбатдаги ўзаро даҳанаки жангга киришдилар: сойкалар қичқириғи ўткир ва аччиқ, тақлидчи қушларники эса мунгли ва оҳангдор эди.

Ана шундай нурафшон тонгда Скарлетт, одатда, дераза тагига югуриб борар, тирсакларини дераза токчасига қўйиб, Таранинг хуш бўйлари ва сасларини симирарди. Аммо бугун чароғон офтоб ва ложувард осмон унда фақат бир фикр уйғотди: "Худога шукур, ёмғир ёғмайди!" Тўшак устида қуш этаги сарғиш тўрдан тикилган оч-яшил шоҳи кўйлаги авайлаб тахлаб солиниб, Ўн икки Эманга жўнатиш учун тайёрлаб қўйилган қоғоз қутида, чунки бу бал олдидан Скарлетт у ёқда кийиниб, пардоз-андоз қилиб олиши керак, лекин Скарлетт кўйлакка кўз ташлаб елкасини қисиб қўйди, холос. Ҳамма иш ўзи ўйлаганидек кетса, бу кўйлак оқшомда унга керак бўлмайди. Бал бошланишидан олдинроқ у Эшли билан Жонсборога, никоҳ гулчамбари тақишга кетаётган бўлади. Ҳозир уни бутунлай бошқа нарса ташвишга соларди: барбекюга қайси кўйлагини кийгани маъқул?

Қайси кўйлаги уни Эшлига мафтункор қилиб кўрсатади?

Эрталабки соат саккиздан бошлаб ҳали у, ҳали бу кўйлагини кийиб кўрди. Ҳозир эса тўр панталон, корсет ва учта тўр безакли этаги қаппайиб турган полотно кўйлакда кайфияти тушиб, ҳафсаласи пир бўлиб турарди. Кўнглига ёқмаган бурмачали, тасма-

лар билан безалган ранг-баранг шоҳи кўйлаклар уюми унинг атрофини ўраб, ерда, тўшакда, курсиларда қалашиб ётарди.

Органди матосидан тикилган узун қизил тасмали пушти кўйлак, шубҳасиз, унга ярашади, аммо у бу кўйлакни ўтган ёзда, Мелани Ўн икки Эманга келганида кийганди; Мелани, шубҳасиз, уни эслаб қолган бўлиши керак. Демак, бу жиҳатдан уни чақиб олиш учун Меланига ҳеч нарса халақит бермайди. Енгил бурмали, тик турувчи катта тўр ёқали қора бомбазин кўйлаги оппоқ юзини янада латиф, янада гўзал кўрсатиши мумкин, аммо тўғриси, бу кўйлак уни бир оз улғайтириб қўяди. Скарлетт хавотирланиб ойна томон юрди ва худди ажин ёки буришган иякни кўришдан қўрққандек, ўзининг ўн олти ёшли юзчасига синчиклаб қаради. Лекин Мелани шу қадар ёш ва ранги тоза эдики, унинг ёнида зинҳор ёшига нисбатан катта кўринмаслиги керак. Йўл-йўл бинафшаранг, катта-катта медальонлари тўрдан тўқилган, қуш этаги ҳам тўрдан тикилган муслин кўйлаги чиройли, лекин дидига мос эмас. Кэррин ўзининг нозик қомати ва рангпар юзи билан бу кўйлакда ёмон кўринмайди, у эса мактаб ўқувчисига ўхшаб қолади, оғир-вазмин, ўз қадрини билувчи Мелани ёнида ўқувчи қизга ўхшаб қолиши мутлақо ярамайди. Четлари яшил духоба жияк билан ҳошияланган сербурма катак гулли яшил тафта кўйлаги ўзига беҳад ярашар, умуман, бу унинг энг яхши кўрган кўйлаги эди, уни кийганида кўзлари зумрад тусга кирар, аммо, афсуски, олд томонида тўкилган ёғ изи билиниб турарди. Албатта, доғни тўғноғич билан бекитса бўлади-ю, лекин ким билади дейсиз, Меланининг кўзлари жуда ўткир бўлса-чи? Демак, фақат ёки вазиятдан келиб чиқиб у қадар башанг бўлмаган гулдор чит кўйлаклари ёки бўлмаса кеча кийган гулдор яшил муслин кўйлагини танлаши керак, холос. Лекин

кейингиси кўпроқ тунги зиёфатларда кийиладиган, барбекюга унча мос келмайдиган, бал кўйлаги сингари ёқаси чуқур ўйилган бурмача енгли кўйлак эди. Начора, унинг шу кўйлакни танлашдан бошқа имкони қолмади. Гарчи эрталабданоқ очиқ-сочиқ юриш ножўя бўлса-да, у бўйни, елкаси ва қўлларидан хижолат тортмайди-ку, ахир.

Ойна қаршисида ўзини ён томондан кўриш учун у белини букиб қаради ва қоматида ҳеч қандай нуқсон топмади. Унчалик узун бўлмаган бўйни қўлларидек силлиқ ва жозибадор, корсети ёқасидан билиниб турган сийналари эса жуда кўҳлик эди. Аксар ўн олти ёшли қизлар каби у қомати тўлароқ кўриниши учун лифи астарига майда-чуйда шоҳи бурмачалар тикиб қўймаганди. Бармоқлари ҳам Эллинникидай узун-узун, нафис ва оппоқ, оёқлари ҳам уникидек кичкиналиги уни қувонтирар, бўйи ҳам Эллинникидай баланд бўлганида қанийди, бироқ Скарлетт бўйи-бастидан мамнун эди. Аттанг, кўйлагим оёқларимни ёпиб тургани яхшимас, дея ўйлади у, пастки этагини сал кўтариб, панталони остидан кўриниб турган хушбичим ва дўмбоқ оёқларига разм соларкан. Ҳа, унинг оёқлари ҳақиқатан жуда чиройли эди. Ҳатто Фейетвилл пансионининг қизлари ҳам Скарлеттнинг оёқларига доим тан беришарди. Башарти гап шу ҳақда бораётган экан, ҳеч шубҳасиз, уникидай нозик бел нафақат Фейетвилл ва Жонсборода, эҳтимол, учта графликда ҳам топилмаса керак.

Бел ҳақида ўйлагани уни амалий ишга қайтишга ундади. Моможон унинг бомбазин кўйлаги белини ўн саккиз дюймгача тортиб боғлаган, яшил муслин кўйлакни эса ўн етти дюймдан оширмаслик лозим. Моможонга қаттиқроқ тортиб боғлашни буюриш керак. Скарлетт эшикни қия очиб қулоқ солди: холлдан Моможоннинг оғир қадам товушлари эшитилди. Айни шу пайтда хизматкорларга истаганча

бақириши мумкинлигини билган Скарлетт бетоқатлик билан Моможонни чақирди, чунки Эллин ҳозир ошхонада ошпаз аёлга озиқ-овқат маҳсулотлари бераётганди.

– Кимдир мени орқасида қаноти бор, деб ўйлайди, шекилли, – жавради Моможон зинадан кўтарилаётиб. У оғир нафас олар, чеҳрасидан жангга тайёрлиги сезилиб турарди. Катта-катта қора қўлларда патнис, унинг устида эса устига мой қуйилган иккита каттакон ямс, қиёмли маржумак нон ва қайлада бўктирилган бир бўлак дудланган чўчқа гўштидан буғ кўтариларди. Бу даҳмазани кўрган Скарлеттнинг юзидаги енгил ижирғаниш жангари қайсарлик ифодаси билан алмашди. Кўйлак танлаш билан боғлиқ ҳаяжон Моможон ўрнатган, қизлар меҳмонга боришларидан олдин уларни овқатга шундай тўйдириш керакки, у ёқда бир тишлам нарсаниям ютолмасин, деган темир қоидани унутишга мажбур қилганди.

– Бекорга кўтариб келибсан. Емайман. Ошхонага олиб бор.

Моможон патнисни столга қўйди, қаддини ростлади ва қўлларини белига тиради.

– Йўқ, мисс, сиз буни ейсиз! Ўтган галгидек энагаси қорнини тўйдирмабди, деган гапни эшитиш менга зарил кептими? Охирги бўлагигача еб тугатасиз.

– Йўқ, емайман. Бу ёққа кел, корсетимни сиқиброқ боғла, шусиз ҳам кеч қоляпман. Экипаж тайёр – келиб тўхтаганини эшитдим.

Энди Моможон мулойим гапира бошлади:

– Мисс Скарлетт, ақлли бўлинг, озгина тановул қилсангиз-чи, Кэррин ва мисс Сьюлин охиригача еб қўйишди.

– Қани емай кўришсин-чи, нима бўларкан, улар қуёндек қўрқоқ-ку, – деди ижирғаниб Скарлетт. – Мен эса емайман. Патнисни олиб кет! Сенинг келтирганларингни еб қўйиб, сўнг Калвертларникида

музи нақ Саваннадан олиб келинган музқаймоқдан бир қошиқчаям ея олмаганим шундоқ эсимда. Бугун эса хоҳлаган нарсамни мазза қилиб ейман.

Бундай ошкора исён Моможонни жаҳл билан қош чимиришга мажбурлади. Унинг назарида тарбия кўрган ойимқиз билан унга нима мумкину нима мумкин эмаслиги ҳақида тортишиш фойдасиз ва бири иккинчисидан оқ ва қора сингари фарқ қилиши рад этиб бўлмас ҳодиса. Сьюлин ва Кэррин Моможоннинг кучли қўлларида мумдай юмшаб, панд-насиҳатларини жон қулоғи билан тинглашарди. Деярли барча туғма хислатлари одоб-ахлоқ талабларига зид бўлган Скарлеттга гап уқтириш осон эмасди. Скарлетт устидан қозонилган ҳар бир ғалабага Моможон катта қийинчиликлар ҳамда оқ танли донишмандларнинг ақли етмайдиган турли ҳийлаю найранглар орқали эришарди.

– Хўп, балки сиз оилангиз ҳақидаги гап-сўзларга тупурарсиз, аммо мен бунақа гап-сўзларни кўтармайман, – тўнғиллади у. – Сиз ҳақингизда, мисс Скарлетт, қизалоқнинг тарбияси оқсаяпти дейишса, ҳечам ёқмайди-да. Ахир, мен чинакам ледини овқат ейишига қараб билса бўлади, деб тушунтирмаганмидим сизга – у худди қушчадек чўқилайди, холос. Тўғрисини айтсам, бу менга маъқул эмас. Жаноб Уилксларникида егуликларга қирғийдек ташланишингизга, ликопчалардаги ҳар нарсага чанг солишингизга йўл қўймайман.

– Ахир, ойим ҳам леди, лекин у меҳмонга борса еяверади-ку, – эътироз билдирди Скарлетт.

– Қачон оилали хонимга айлансангиз, ўшанда истаганча еяверасиз, – қатъий оҳангда деди Моможон. – Мисс Эллин сиздек ойимқиз пайтида меҳмондорчиликда ҳеч нарса емаган. Полина холангиз ҳам, Евлалия холангиз ҳам. Мана, ҳаммалари турмушга чиқишди. Меҳмондорчиликда кўп нарса еган қиз куёвни туянинг думи ерга текканда кўради.

– Нотўғри. Касаллигинг туфайли олдиндан мени зўрлаб едиролмай қолганинг эсингдами? Ўша зиёфатда Эшли Уилкс қизларнинг иштаҳаси яхшилиги менга ёқади, деганди.

Моможон ваҳимага тушиб бош чайқади.

– Жентльменлар нима дегани бир гап, хаёлларида нима борлиги – бошқа гап. Мистер Эшли сизга уйланмоқчи бўлганини эшитмаган эканман.

Скарлетт қовоғини уйди, оғзидан аччиқ гап чиқиб кетай деди, аммо тилини тишлади. Моможоннинг сўзлари нишонга теккан, рад этишнинг иложи йўқ эди. Моможон унинг юзидаги саросимани кўриб маккорлик билан услубни ўзгартирди: патнисни кўтариб эшик томон йўналди ва чуқур уф тортди.

– Нима ҳам дердим, сиз айтгандек бўла қолсин. Мен эса яна ошпаз аёл патнисни тайёрлаётганида: "Меҳмонга борган қизнинг ҳеч нарса емаслиги, унинг ҳақиқий леди эканини кўрсатиб туради. Мисол учун, мистер Эшлини... балки – мисс Индияниди, кўргани меҳмонга келган Мелли Гамильтонни олсак. Ҳатто энг аслзода оқ танли ледилар орасида ҳам ундан кам овқат ейдиган хоним топилмайди", дегандим.

Скарлетт унга гумонсираб қаради, бироқ Моможоннинг баркашдай юзидан Скарлеттнинг мисс Мелани Гамильтондек асл леди бўлишигача ҳали гап кўплиги учун чин дилдан афсус чекаётгани кўриниб турарди.

– Патнисни қўй-да, корсетимни қаттиқроқ тортиб боғла, – деди алам билан Скарлетт. – Балки кейинроқ озгина тамадди қилиб оларман. Агар ҳозир еб олсам, корсет тортилмай қолади.

Моможон ғалаба ўз томонида эканини сездирмай, патнисни жойига қўйди.

– Менинг қўзичоғим қайси кўйлагини киймоқчи?

– Мана буни-да, – деди Скарлетт кўпириб-тошиб турган яшил гулли кўйлагини кўрсатиб. Кўз очиб юмгунча Моможон янги жангга шайланди.

– Э, йўқ! Эрталабдан бунақа ясаниб бориш ярамайди. Ким тушликкача кўкрагини кўз-кўз қилади. Бу кўйлакнинг на ёқаси бор, на енги! Эҳ-ҳе, яна сепкил босиб кетади-ку. Нима, ёзда Саваннада, соҳилбўйида ўтириб нимага ўхшаб қолганингизни унутдингизми? Қиши билан сизни деб куйиб-пишганимни биласизми? Мисс Эллиндан бориб сўрай-чи, у сизга қайси кўйлакни кийишни буюраркан?

– Мени кийинтирмасингдан олдин ойимга айтсанг, бир қошиқ ҳам овқат емайман, – деди Скарлетт совуққина. – Кейин у мени қайта кийинишга жўнатолмайди, вақт етмайди.

Моможон бу гал мағлуб бўлганини тан олиб, яна уф тортди ва икки мушкулотдан енгилроғини танлади – стол атрофида икки лунжини тўлдириб овқатни пок-покиза туширганидан кўра, эрталабданоқ оқшом кўйлагини кийиб олгани дуруст.

– Бирор жойдан маҳкам ушлаб туринг, қорнингизни ичингизга тортинг, – буюрди у. Скарлетт икки қўли билан каравот поясига ёпишиб, итоаткорлик билан буйруқни бажарди. Моможон боғични зўр бериб тортди, кит мугизи пластинкалари орасига қисилган хипча бел янада ингичка тортганидан унинг нигоҳларида завқ ва ғурур жилваланди.

– Ҳа, мана энди менинг қўзичоғимникидай сарвқоматни излаб топиб бўпсан, – мақтади у. – Мисс Сьюлинни шунақа тортиб боғла-чи, шу тобдаёқ ҳушидан кетади.

– Уҳ, – тин олди Скарлетт. – Мен ҳали умримда бир мартаям ҳушдан кетмаганман, – деди у зўрға.

– Кейинги сафар йиқилсангиз ҳам зиён қилмайди. Ҳаддан ташқари жасур қизсиз, мисс Скарлетт. Кўпдан бери сизга айтмоқчи бўлиб юрувдим: сизга

ўхшаб ҳеч нарсадан: на илондан, на сичқондан ва ё бошқа бирор нарсадан ҳайиқмаслик, боз устига ҳушдан кетиб йиқилмасликнинг яхши томони кам. Уйда бўлса – тушунарли, бунинг кераги йўқ, аммо одамлар орасида... Сизга неча маротаба тушунтирганман, ахир....

– Тез бўл. Бунча кўп вайсадинг. Ҳали кўрасан, чинқирмасам ҳам, ҳушдан кетиб йиқилмасам ҳам, албатта, турмушга чиқаман. Вой худойим, мунча қаттиқ боғламасанг. Кўйлакни бу ёққа бер.

Моможон ўн икки ярд муслиндан тикилган гулдор яшил кўйлак этакларини оҳорли юбкалар устидан текислаб ёзиб қўйди ва орқадан чуқур ўйилган кўйлак лифининг тугмаларини сола бошлади.

– Қуёш қиздира бошласа, шарф ёки шляпани ечиб ташлашни хаёлингизга ҳам келтирманг, – тайинлади у. – Йўқса Слэттери кампирдай қорайиб қайтасиз. Энди эса, азизам, тамадди қилиб олинг, фақат шошилмасдан. Агар ҳаммаси қайтиб чиқадиган бўлса, уринганим беҳуда.

Скарлетт, мабодо бир тишлам бирор нарса есам, нафас ололаманми-йўқми, деган хавотирда итоаткорона стол ёнига ўтирди. Моможон илгичдан катта сочиқни олиб Скарлеттнинг бўйнига боғлади ва тиззалари устидаги оқ бурмаларни текислаб қўйди. Скарлетт ўзи яхши кўрган гўшт бўлагини ейишга киришди ва, қийналиб бўлса-да, илк луқмани ютди.

– Ё меҳрибон эгам, қанийди эртароқ эрга тега қолсам! – ижирғаниб санчқини ямсга санчаркан жаҳл билан деди у. – Бир умр ўзингни овсардай кўрсатиш ва ҳеч қачон истаган ишингни қилолмаслик азоб-да. Ўзимни қушдай чимхўр қилиб кўрсатиш жонимга тегди, югуриб кетгим келганида виқор билан қадам ташлаш, икки кечаю кундуз тинмай рақс туша олганим ҳолда бир давра вальсдан сўнг ўзимни боши айланаётгандай қилиб кўрсатиш жонимга

тегиб кетди. Мияси меникидан икки баробар кам аҳмоқнинг бемаъни гапларини эшитиб "Бу қандай ажойиб!" деб хитоб қилиш, эркакларга мени баъзи маълумотлардан хабардор қилгани ёққанлигию, ўзини, худо билсин ким деб ўйлаши учун ҳам ўзимни ғирт нодон кўрсатиш жонимга тегди. Ортиқ ҳеч нарса еёлмайман.

– Совумасидан биттагина қуймоқ енг, – қатъий таъкидлади Моможон.

– Нега энди қиз бола куёв топиш учун ўзини овсарликка солиши керак?

– Менинг фикримча, жентмунлар ўзларига нима кераклигини ўзлари ҳам билмаганлари учун шундай бўлса керак. Улар фақат биламиз, деб ўйлашади. Шунинг учун бир умр қариқиз бўлиб куйиб яшагунча, улар хоҳлаганидай иш тутиш зарур. Жентмунларга эса иштаҳаси ҳам, ақли ҳам қушларникидай эси паст хонимчалар керак, назаримда. Чамамда бирортаям жентмун, агар қиз бола бирор жиҳатда ўзидан ақллироқ эканини сезиб қолса, ҳеч қачон унинг қўлини сўрамайди.

– Демак, улар тўйдан кейин ўз рафиқалари у қадар телба эмаслигини билиб қолишса, бу улар учун мутлақо кутилмаган ҳодиса бўларкан-да.

– У ҳолда барибир кеч бўлади. Ахир, энди уйланиб бўлишган-да. Аммо, чамамда, жентмунлар рафиқаларининг бошида нималардир борлигини озгина бўлса-да фаҳмлашади.

– Бир кун келиб мен нимани истасам ўшани гапираман ва хоҳлаган ишни қиламан, агар бу кимгадир ёқмаса, менга барибир.

– Бундай бўлмайди, – деди Моможон хўмрайиб. – Токи тирик эканман, бундай бўлмайди. Қани қуймоқни енг. Қайлага ботириб енг-да, ахир, жоним қоқиндиқ.

– Янки-қизлар ўзларини бундай овсар қилиб кўрсатишади, деб ўйламайман. Ўтган йили Саратогада

бўлганимизда кўп қизларнинг ақли расо эканлигини, боз устига, буни ҳатто эркаклар ҳузурида ҳам намоён этишганини кўрдим.

Моможон кулди.

– Янки? Ҳа энди, бу янкилар мияларига нима келса, шуни гапираверишади, лекин мен янки қизларга уйланишаётганини кўпам сезганим йўқ.

– Аммо эртами-кечми барибир турмушга чиқишади-ку, – эътироз билдирди Скарлетт. – Янкилар ҳам шунчаки ердан чиққан қўзиқоринмас-ку. Демак, улар ҳам эрга тегишади, бола туғишади, боз устига, улар жудаям кўп.

– Эркаклар уларга пул учун уйланадилар, – ишонч билан эътироф этди Моможон.

Скарлетт бир бўлак қуймоқни қайлага ботириб оғзига солди. Балки Моможон нима ҳақда гапираётганини ўзи билар. Эҳтимол гапида жон бордир, ахир. Эллин ҳам шундай гапларни гапиради-ку, фақат у ўз фикрини мулойим ифодалайди. Аслида барча дугоналарининг ойилари ҳам қизларига ўзларини самовий хилқатдек ожиз, ҳимоясиз, кабутардек беозор тутиш лозимлигини уқдиради. Бу риёкорлик бекорга илдиз отмаган, ҳаётга шу қадар чуқур сингиб кетмагандир, ахир. Балки у ўзини чинданам ҳаддан ташқари дадил тутаётгандир? Гоҳида у Эшли билан баҳслашар, фикрини аниқ баён қиларди. Эҳтимол ана шу қилиғи ва унинг отда ёки пиёда узоқ сайр қилишга ишқибозлиги Эшлининг ундан узоқлашиб, бор диққат-эътиборини нозикниҳол Меланига қаратишига туртки бергандир? Ўзини бошқачароқ тутганида балки... Бироқ у мабодо Эшли аёлларнинг маккорона тузоғига илинганини билиб қолса, тамом, уни ҳурмат қилмай қўйишини ич-ичидан ҳис этарди. Бундай ноз-истиғнолар, сохта ҳушдан кетишлару мунофиқларча: "О, нақадар ажойибсиз!" каби хитоблардан завқланадиган даражада лақма бўлган

ҳар қандай эркак у учун курашишга нолойиқдир. Шундай бўлса-да, бу ҳамма эркакларга ёқадиганга ўхшайди.

Модомики шу пайтгача Эшли билан муомалада ўзини ножўя тутган экан... Нима ҳам қиларди, бўлар иш бўпти, энди ҳеч иложи йўқ. Бугундан эътиборан у бошқача йўл тутиб кўради, мақбулроқ усул қўллайди. Аммо уни қўлга киритиш учун ихтиёрида атиги бир неча соат вақт бор, мабодо бунинг учун ҳушдан кетиб йиқилиш ёки йиқилаётгандек кўрсатиш лозим бўлса, у буни уддалайди. Бордию, нозу карашма ва содда-гўл таманно билан унинг эътиборини тортиш мумкин бўлса, нима ҳам қиларди, марҳамат, у қовоқбош таннозга айланади ва бу товуқмия Кэтлин Калвертдан ҳам олдин унга юз очко бериши аниқ. Бордию, дадилроқ ҳаракатга зарурат туғилса, у бунга ҳам тайёр. Ҳаммаси – бугун ёки ҳеч қачон! Аммо таассуфлар бўлсинки, Скарлеттга феълидаги ҳамма нарса, ҳатто муросасиз ҳаётий қувват ҳам у кийиб оладиган ҳар қандай ниқоб, ҳар қандай сохта қиёфадан кўра жозибалироқ эканини тушунтирадиган одам топилмади. Қолаверса, бу гапни эшитиш унинг учун ёқимли бўлса-да, ўзи ҳам бунга барибир ишонмаган бўларди. Ҳаттоки ўзи бутун жон-тани билан мансуб бўлган ўша жамият ҳам бундай дунёқарашни қабул қилмас, бинобарин аёлдаги оддийлик ва соддадиллик одамлар назарида ҳеч қачон қадр топмаган.

Тўрт ғилдиракли извош қизғиш чанг-тўзон кўтариб Ўн икки Эман тарафга кетиб бораркан, Скарлетт, виждони бир қадар қийналса-да, барбекюда на Эллин, на Моможон иштирок этмаслигидан хурсанд эди. Ўз режасини амалга ошириши учун билинар-билинмас чимирилган қошлари ёки беихтиёр дўрдайган лаблари унга халақит бериши мумкин бўлган бирор кимса бўлмайди. Сьюлин эртага чақимчилик

қилиши тайин, бироқ ҳаммаси ўзи ўйлагандай амалга ошса, унинг Эшли билан унаштирилгани ва бирга қочиб кетганидан уйидагилар қаттиқ изтиробга тушади, барбекюда ўзини номуносиб тутганига норозилик билдириш эсларигаям келмайди. Эллиннинг уйда қолишга мажбур бўлгани Скарлеттни хурсанд қилди.

Эрталабдан брендига тўйиб олган Жералд Жонас Уилкерсоннинг жавобини берди, шу сабабли Эллин ундан ишларни қабул қилиб олиш ва ҳисоб-китобнинг тўғрилигини текшириш учун уйда қолди. Скарлетт хайрлашаётиб, кичкина хонада ҳар хил қоғозларга тўла баланд иш столи олдида ўтирган Эллинни ўпиб қўйди. Жонас Уилкерсон қўлида шляпа, озғин қорача юзидаги ғазабни зўрға босиб унинг олдида турарди: ҳазилмас-да – бутун графликдан излаб топилмайдиган бундай ёғли лавозимдан уни ҳе йўқ, бе йўқ маҳрум қилишса-я! Тағин ҳаммаси хилватдаги арзимас шўхликни деб-а. Унинг Эмми Слэттери туққан боланинг отаси ҳар қандай эркак бўлиши эҳтимолдан холи эмаслиги ҳақидаги фикрига қўшилган Жералд у билан ҳатто тортишмаган бўлса-да, тушунтиришга қанчалик уринмасин, Эллиннинг фикри ўзгармади. Жонас жами жанубликларга қарши нафрат ўтида қоврилди. У кибру ҳавоси баланд жанубликларнинг совуқ мулозаматидан, бу мулозамат ортидан яққол кўриниб турган, ўзи мансуб бўлган табақадаги кишиларни такаббурлик билан писанд қилмаслигидан нафратланарди. У, айниқса, Эллин О'Харани кўришга кўзи йўқ эди, негаки Эллинда унинг назарида жирканч туюлган жанубликларга хос барча хислатлар мужассам эди.

Ҳовлидаги хизматкорлар устидан бошлиқ сифатида Эллинга ёрдам бериш учун Моможон ҳам уйда қолди. Шу боис извошчи ўриндиғида Тоби билан ёнма-ён балда кийиладиган кўйлаклар солинган узун

картон қутини тиззасига қўйиб Дилси керилиб ўтирарди. Бренди ичиб бадани қизган, ўзидан ниҳоятда мамнун Жералд бақувват гунтерасида извош билан ёнма-ён борарди: ишдан бўшатиш билан боғлиқ ташвиш ортда қолган ва бу юмушни у фавқулодда тез уддалаган эди. Барбекюга боролмаслиги, у ерда ўртоқлари билан учрашолмаслиги Эллинни қаттиқ ранжитиши мумкинлигини ақалли бир лаҳза ўйлаб ҳам ўтирмай, ҳамма ишни охирига етказишни унинг ихтиёрида қолдирди. Баҳорнинг ажойиб куни эди, қушлар чуғурлашар, атрофда кўзни қувнатиб Тара ерлари ястаниб ётар, Жералднинг кайфи жуда чоғ, у ўзини қирчиллама йигитдек ҳис қилар, миясига бирор-бир жиддийроқ фикр ҳам келмаётганди. Аҳён-аҳёнда у бирдан жўшиб кетар ва "Усти очиқ фойтун аравада" каби ирландча шўх қўшиқ, ё бўлмаса Роберт Эммет[2] шарафига айтилган "Бегона тарафда ҳалок бўлди ботир қаҳрамон" сингари маҳзун элегия юраги тубидан тилига кўчарди.

У дўстлари даврасида ўтадиган фараҳбахш кунни, янкилар бошига лаънат ёғдириб, уларга қарши урушга ундаб, истаганча томоқ йиртиш имкони борлигини кўз олдига келтириб ҳузур қилар, этаклари кенг гулдор кўйлак кийиб, қўлларига аҳмоқона шамсиячалар кўтариб олган уч нафар малоҳатли қизига разм соларкан, юраги фахр туйғуларига тўлиб-тошарди.

Скарлетт билан кечаги суҳбати уни заррачаям ташвишга солгани йўқ, зеро, бу суҳбат хотирасидан аллақачон учиб кетганди. У шунчаки Скарлеттнинг нақадар дилбар қиз эканлигини, ҳамма Жералдга беҳад ҳавас билан қарашини, кўзлари эса бугун худ-

[2] Роберт Эммет(1778–1803) – ирланд буржуа инқилобчиси, Ирландия Республикаси мустақиллиги учун курашган ва қатл этилган.

ди Ирландия қир-адирлари каби ёркин яшиллик касб этиб порлаётганини ўйлаб ширин хаёл сурарди. Қалбида шундай шоирона сезимларни туйган Жералд тамом ғурурланиб кетганидан, хиёл бузиб бўлса-да "Беда гулларидан гулчамбар тақиб"ни бор овозда айтиб қизларини хушнуд қилди.

Она ўзининг мақтанчоқ ўғилчасига қандай қараса, Скарлетт ҳам унга худди шундай – кўнгли ийиб кулимсираб қараб қўярди. Кечга бориб отаси ўлгудек маст бўлиб қолишини у олдиндан биларди. Зимзиё тунда уйга қайтаётиб отаси одатдагидай яна Ўн икки Эмандан Тарагача бўлган йўлдаги девор-тўсиқлардан ошиб ўтишга интилади. Скарлеттнинг эса Тангрининг шафқатига, отнинг ақл-фаросатига ишониш ҳамда Жералд бўйнини қайириб олмаслигига умид қилишдан ўзга иложи йўқ, албатта. У, шубҳасиз, дунёдаги барча кўприкларни писанд қилмай оти билан дарёдан кечиб ўтади ва уйга қайтгач, Поркка хонаси ёки диванга ётқизишини буюриб, овози борича бақиради, Порк эса қўлида чироқ билан уни аллақачон холлда кутиб турган бўлади.

У, шубҳасиз, янги кулранг поплин костюмини ишдан чиқаради ва эрта билан Эллинга отнинг қоронғида кўприкдан дарёга қандай қулаганини икир-чикиригача баён қилиб, ножоиз сўзлар билан қаттиқ сўкинади, унинг ғирт ёлғон сўзларига ҳеч ким ишонмаса ҳам, ҳамма буни ростдай қабул қилади ва у ўзини буюк ҳийлагардек ҳис этади.

"У қандай ажойиб, маъсулиятсиз ва худбин гўдак" – бехос кўнгли ийиб кетганидан энтикиб ўйлади Скарлетт. У бугун чунонам бахтиёр, вужудини ёқимли ҳаяжон чулғаб олган эдики, Жералдни ҳам, ҳатто бутун оламни ҳам қучоқлаб олгиси келарди. У гўзал эди ва буни ўзи ҳам англарди. Қуёшнинг тафти ёқимли, баҳор бутун тароватини атрофга ёйган, Скарлетт эса қуёш ботгунга қадар Эшли унинг

оёқлари остига йиқилишини биларди. Куманика бутасининг нозик яшил новдалари орасидан қиш ёмғирлари ювган чуқур ариқчаларда тўқ қизил тупроқ кўриниб турарди. Қизил тупроққа сочилган рангли харсангтошларнинг тақир бўлакларига аллақачон ёввойи атиргул новдалари чирмашиб кетган, тўрт томондан нафис нафармон бинафшалар лашкари бостириб келарди. Қирлардаги оппоқ гулларга бурканган бодрезакзор дарё ортидаги қорли тоғ чўққиларини эслатиб, қуёш нурида ялтирарди. Баравж баҳор ўзининг оқ-пушти гулларидан олма дарахти новдаларига гулчамбар таққан, дарахтлар тагидаги қуёш нури сизиб кирган ерларда эса учқат гиламлари қирмизи, қизғиш сариқ ва ол рангларда товланарди. Енгил шабада бир ёқлардан гуллаётган буталарнинг нозик бўйини олиб келар, ҳаво муаттар ҳидлар билан шу қадар тўйинганки, унинг ўткир ва хуш таъмини ҳатто тил билан ҳам сезса бўларди.

"Умримнинг охиригача бу кун нақадар ажойиб кун бўлганини эслаб юраман! – хаёлидан ўтказди Скарлетт. – Балки бу менинг Эшли билан никоҳдан ўтган куним бўлар".

Бугун қуёш ботаётган чоғда у Эшли билан ёнма-ён шу ранг-баранг зангори гўзалликни оралаб никоҳ гулчамбари тақиш учун Жонсборога от чоптириб кетишини ўйлаганида, юраги ширин туйғудан тўхтаб қолай, деди. Ёки кечаси, ойнинг майин нурлари остида. Кейинроқ улар, албатта, зўр тўй қилишади, лекин бу ҳақда энди Эллин ва Жералд қайғуради. Кўз олдида Эллиннинг қизи бировнинг қаллиғини никоҳ гулчамбари остидан олиб кетибди, деган хабарни эшитиб номус ва даҳшатдан отасининг ранги ўчиб кетган юзи намоён бўлганида, у бир зум ўзини йўқотиб қўяёзди. Шунда ҳам Скарлетт ўзининг қанчалар бахтиёрлигини кўриб Эллин уни кечиришига шубҳа қилмасди. Жералд ҳам, албатта, оғзига келга-

нини қайтармай сўкиниши, ҳақорат қилиши турган гап. Бироқ кеча унинг Эшлига турмушга чиқишига қарши қандай далиллар келтирган бўлмасин, кўнглида Уилкслар билан қариндошлик риштасини боғлашдан беҳад хурсанд бўларди.

"Умуман буларнинг ҳаммаси ҳақида унга хотин бўлганимдан сўнг ҳам ўйлашга улгураман!", деди ичида Скарлетт ташвишли ўй-хаёлларни бир четга суриб.

Қуёшнинг бу илиқ тафти остида, бундай нурафшон баҳорий кунда узоқда, дарё ортидаги қир бошида Ўн икки Эманнинг мўрилари кўрина бошлаган бир пайтда унинг юраги эришажак бахтдан шу қадар тез урардики, унда бошқа туйғуларга жой қолмаганди.

"Умримнинг қолган кунларининг ҳаммасини шу ерда ўтказаман, эллик, балки ундан ҳам кўпроқ баҳорлар бир-бирини қувиб ўтади, мен эса болаларим ва невараларимга айнан шу баҳор жуда ажойиб ва гўзал, ер юзида ўтган ва энди келадиган баҳорларнинг ҳаммасидан фусункор бўлганини сўзлаб бераман". Бу фикр унинг қалбини шу қадар қувончга тўлдирдики, беихтиёр "Яшил бедазор"нинг нақоратига жўр бўлди ва бу иши билан Жералднинг сершовқин мақтовига сазовор бўлди.

– Намунча эрталабдан бери хурсандсан? – деди минғирлаб Скарлеттнинг яшил шоҳи бал кўйлаги эгасидан кўра унга кўпроқ ярашишини ўйлаб ҳалиям аччиқланаётган Сьюлин. Скарлетт бунча қизғанчиқ бўлмаса – кўйлагиними, шляпасиними бир марта кийишга сўрасанг, ўйлаб ўтирмай рад этади. Нега энди ойим доим Скарлеттнинг ёнини олади, Сьюлинга яшил ранг ярашмайди, деб уқтираверади? – Бугун Эшлининг унаштирилиши маълум қилиниши мендан кўра сенга кўпроқ аён. Отам менга эрталаб айтди. Неча ойдан буён унинг дардида куйиб юрганингни биламан-ку.

– Бошқа ҳеч нарсани билмайсанми? – унинг гапини қайтариб ташлади Скарлетт ва унга тилини кўрсатди. У шундай кунда кайфиятини бузишларига йўл қўймайди. Қизиқ, эртага шу пайт мисс Сьюлин нима деркан?

– Бу нотўғри-ку, Сьюзи? – унинг гапларидан ҳайрон қолган Кэррин эътироз билдирди. – Скарлеттга Эшли эмас, Брент ёқади.

Скарлеттнинг кулиб турган зангори кўзлари кенжа синглисининг юзини силаб ўтди: бу фариштамисол оққўнгиллик унинг учун ақл бовар қилмас фазилат эди. Ўн уч ёшли Кэррин Брент Тарлтонга кўнгил қўйгани, Брент учун эса у бор-йўғи Скарлеттнинг синглиси экани хонадоннинг ҳар бир аъзосига маълум эди. Оила аъзолари Эллинга билдирмай доим шу гапни айтиб, унга тегажоғлик қилишар, уни йиғлатишарди.

– Жонгинам, Брент ҳақида ўйлашниям унутганман, – деди Скарлетт бахтиёр экани боис тантилиги тутиб. – У эса мени ўйлашни унутган. Брент сенинг бўй етишингни кутяпти.

Кэрриннинг кулча юзлари қизариб кетди: унинг юрагида шодлик ишончсизлик билан курашарди.

– Нима деяпсан, Скарлетт! Наҳотки бу рост бўлса?

– Ойим нима деганини биласан-ку, Скарлетт! Ошиқлар ҳақида ўйлашга Кэррин ҳали жуда ёшлик қилади. Нега унинг бошини қотиряпсан?

– Бўпти, бор, чақиб бер, менга барибир. Сен Керриннинг ёш бола бўлиб қолаверишини истайсан. Чунки бир-икки йилдан кейин у вояга етиб, сендан чиройлироқ бўлишини биласан!

– Ҳеч қурса бугун тилингни тий, бўлмаса мендан таёқ ейсан, – Скарлеттни огоҳлантирди отаси.

– Қани, жим! Эшитяпсизларми – ғилдираклар гулдираяптими? Ҳа, тўғри, бу Тарлтонлар ёки Фонтейнлар.

Улар Мимоза ва Гўзал Қирлардан сердарахт қиялик бўйлаб тушиб келган йўл билан кесишган жойга яқинлашганларида баланд, қалин ўсган дарахтлар девори ортидан туёқларнинг, ғилдиракларнинг ғичирлаши, хонимларнинг қувноқ гангур-гунгири тиниқроқ эшитила бошлади. Хиёл олдинда бораётган Жералд жиловни тортиб, Тобига чорраҳада извошни тўхтат, деб ишора қилди.

– Бу Тарлтонларнинг хонимлари, – хабар берди у қизига ва қипқизил юзи табассумдан ёришиб кетди, чунки округдаги барча аёллар орасида малласоч миссис Тарлтон, Эллинни инобатга олмаганда, албатта, унга кўпроқ ёқарди. – Аравани беканинг ўзи бошқараётган бўлса керак. Бу аёл отларни бошқаришни билади! Пардек енгил, хом теридан ишланган қамчидек пишиқ, боз устига, жуда келишган. Таассуфки, бу нозик қўлчаларингиз билан унга етишингиз амримаҳол, – қўшиб қўйди у қизларига хушламайроқ қараб. – Кэррин-чи? У боёқиш отлардан худди ёввойи ҳайвондан қўрққандек қўрқади. Сьюлиннинг қўллари эса жиловни тутар-тутмас чангакка айланади, сен ҳам, мушукчам...

– Аммо мени ҳали лоақал бирорта от устидан итқитиб юбормаган, – жаҳл билан хитоб қилди Скарлетт. – Мисс Тарлтон эса ҳар гал овда эгардан учиб кетади.

– Ўмров суягини синдирган бўлса-да, эгарда ҳақиқий чавандоздек ўтиради. Ҳушиниям йўқотмайди, оҳ-воҳ ҳам қилмайди. Бўлди, бас, ана у келяпти.

У эгардан сал кўтарилиб, Тарлтонлар ўтирган извош – гулдор кўйлак кийган қизлар шляпалари тўрини ҳилпиратиб, қўлларида шамсия тутган ҳолда, миссис Тарлтон эса, Жералд башорат қилганидек, извошчи ўриндиғида – муюлишдан кўринганида, шляпасини қўлига олди ва уни боши узра силкитиб, улар билан саломлашди. Извошчига жой етмасдиям:

тўрт қиз, ойилари, энага ва бир талай бал кўйлаклари солинган узун картон қутилар извошни тўлдирган эди. Бунинг устига Беатриса Тарлтон бегона қўлларга – улар хоҳ оқ, хоҳ қора бўлсин – жиловни истамайгина тутқазарди.

Озғингина, хипча бел, териси бениҳоя оппоқ, олов тусли қизғиш-сариқ сочлари табиат яратган барча рангларни ўзига сингдириб олгандек, Беатриса хоним гулдай очилиб турар, соғлом ва серғайрат эди. Ўзига ўхшаган қизғиш-сариқ сочли, соғлом ва куч-қувватга эга саккиз фарзандни дунёга келтирган миссис Тарлтон уларни, графликнинг фикрича, севимли қулунларини қўлга қандай ўргатган бўлса, худди шундай қаттиққўллик билан, меҳр бериб, эркини чекламай, тарбиялай олди. "Итоатда тут, аммо лапашангга айлантирма" – бу унинг шиори эди.

Отлар унинг жону дили ва бу жониворлар ҳақида у узундан-узоқ гапириши мумкин эди. Отларни яхши билар ва улар билан муносабатда графликдаги ҳар қандай эркакдан қолишмасди. Тойчоқлар ҳам яйловда, уй олдидаги кўкаламзорда ўйноқлаб юришар, саккиз нафар фарзанди эса бақир-чақир қилиб қир тепасидаги уйни бошларига кўтариб югуриб юришар, уларнинг тўполонидан уй ларзага келарди. Миссис Тарлтон плантациянинг қайси бурчагига бормасин, ортидан албатта ўғиллари, қизлари, тойчоқ ва този итлари шотирдай эргашиб юрарди. Унинг айтишича, отлар, айниқса, Нелли лақабли тўриқ байтал, фавқулодда ақли билан ажралиб тураркан. Мабодо бека уй ишлари билан ушланиб қолиб, отда сайр қилиш вақтидан кечикса, у негр болаларнинг бирига қанд солинган идишни тутқазиб шундай дерди:

– Буни Неллига олиб бор, ишларим тугаганидан кейин боришимни унга айт.

Деярли ҳар доим, камдан-кам ҳолларни истисно қилганда, у амазонка (отда юришга қулай узун аёл-

лар кўйлаги) кийиб юрар, гарчи эгарда бўлмаса-да, исталган дақиқада сакраб отга минишга тайёр эди, шу боис ҳам уйқудан уйғонган заҳоти ўзини жанговар ҳолатга келтирарди. Ҳар куни эрталаб, ҳаво очиқми-йўқми, Неллини эгарлаб қўйишар ва миссис Тарлтон отда сайр қилишга бир соатгина вақт ажратишини кутиб, уй олдида кутиб туришарди. Аммо Гўзал Қирлар плантациясини бошқариш осон иш эмасди, бир дақиқа бўш вақт топиш ҳам қийин, шундай бўлгач, Беатриса Тарлтон амазонкасининг этагини наридан-бери қўли устига ташлаб, тоза этикларини ялтиратиб, ҳовлининг ҳали у, ҳали бу ерида кўриниб қоларди.

Бугун эса урфдан қолган кичикроқ кринолинли қорамтир шоҳи кўйлакда эди, бироқ кўринишидан бу гал ҳам амазонка кийганга ўхшар, бинобарин, кўйлакнинг бичими худди амазонкадек ўта сипо эди, кулиб турган жигарранг кўзлари устидан ёнбошга хиёл оғиб турган, одатда миссис Тарлтон овга чиққанда киядиган узун қора пар қадалган, увадаси чиққан қора шляпача эса нақ эски декчанинг ўзи эди.

Жеральдни кўриб, у қўлидаги қамчини силкитди ва бир жуфт ўйноқи тўриқ отларининг жиловини тортди, тўрт қиз эса извошнинг ён тарафларидан эгилиб, чунонам қийқириб саломлашишдики, қўрқиб кетган отлар турган жойларида депсина бошлади. Бу сиртдан кузатган кишига гўё Тарлтонлар О'Харалар билан икки кунлик эмас, кўп йиллик айриликдан сўнг учрашиб қолгандек туюлиши мумкин эди. Очиққўнгил, дилкаш бу оиланинг ўз қўшниларига, айниқса, О'Хараларнинг қизларига ихлоси баланд эди. Аниқроғи, Сьюлин ва Кэррингa. Атрофдаги бирорта қиз – лақма Кэтлинни инобатга олмаганда – Скарлетт О'Харани ёқтирмасди.

Ёз кунлари округда очиқ ҳавода деярли ҳар ҳафта зиёфат уюштирилар, бироқ малласоч Тарлтонлар

ўзларининг астойдил хурсандчилик қила олишдек тенгсиз қобилиятлари билан ҳар қандай бал, ҳар қандай зиёфатдан, гўё бу ҳаётларида биринчи марта бўлаётгандек, завқ олишарди. Кринолинли ва қўш этакли башанг кўйлакларда гул-гул очилган бу тўртала барно қиз извошга тиқилишиб жойлашган, ҳурпайган этаклари ғилдираклар устида осилиб турар, атиргуллар билан безатилган катта похол шляпалари қора духоба тасма билан ияклари остидан танғиб боғланган, қўлларидаги шамсиялари жой торлигидан дам-бадам урилиб кетарди. Шляпалар остидан сариқ сочларнинг туслари турлича экани кўриниб турарди: Хеттиники – оч сариқ, Камилланики – оч сариқ-тилларанг, Рэндиники – бронза тусли қўнғирранг, кичкинтой Бетсиники – тўқ зарғалдоқранг.

– Қандай чиройли капалаклар жамоаси, мэм. Аммо ойиларига тенглашишга ҳали анча бор, – одоб билан сўз қотди Жералд извошга етиб олгач.

Миссис Тарлтоннинг тиниқ жигарранг кўзлари истеҳзоли чақнади ва у мағрурланган кўйи пастки лабини шундай тишладики, буни рағбат ўрнида қабул қилса бўларди, қизлари ҳам бир-бирининг гапини бўлиб, қичқира бошладилар:

– Ойи, мистер О'Харага кўз сузишни бас қил, бўлмаса ҳаммасини отамизга айтиб берамиз.

– Тўғриси-да, мистер О'Хара, сиздай келишган эркак кўрингани ҳамон ойим уни биздан ўзига оғдириб олишга ҳаракат қилади.

Скарлетт бошқалар қатори уларнинг ҳазилларига кулар, бироқ ойимқиз Тарлтонларнинг ойиларига қилган бетакаллуф муомаласи уни ажаблантирарди. Улар ойиларига тенгқурларидек муомала қилишарди, гўё у ҳам эндигина ўн олти ёшга киргандек. Эллин билан шундай оҳангда гаплашса бўлади, деган фикрнинг ўзиёқ унга ойисини таҳқирлашдек туюларди. Лекин барибир.... барибир миссис Тарлтон

билан қизлари ўртасидаги муносабатларда кўнгилга яқин фавқулодда бир нима бор эди: зеро, улар ойиларини, гарчи унга тегажоғлик қилиб жиғига тегишса ҳам, уни калака қилиб ғашига тегишса ҳам, беҳад яхши кўришарди. Албатта, бу – айнан миссис Тарлтонга ўхшаган она унга Эллиндан яхшироқ туюлади, дегани эмас. Шунчаки, ойиси билан бир оз ҳазиллашиш ва яйраб ўйнаб-кулиш мароқли бўларди-да. Бироқ бу фикрида ҳам Эллинга нисбатан қандайдир ҳурматсизликни ҳис этиб, Скарлетт уялиб кетди. Извош устида тебранаётган похол шляпалар остидаги бошчаларнинг бирортасига бундай фикр ҳеч қачон келмаслигини у биларди, шу боис ҳар гал ўзининг бошқаларга ўхшамаслигини сезган дамлардагидек, уни ўкинч, ноаён безовталик чулғаб олди.

Табиатан тийрак ва серҳаракат, аммо мушоҳада юритишга ноқобил Скарлетт барибир ғайришуурий тарзда ёввойи мушуклардек тажовузкор, кўнглига келганини қилаверадиган, минилмаган байталдек чарс Тарлтон қизларининг фавқулодда феъл-атворлари билан ажралиб туришларини сезиб турарди. Уларнинг отаси ҳам, онаси ҳам жоржиялик, Шимолий Жоржияда туғилишган, бу ўлкага биринчилар қатори келиб ўрнашганларнинг авлодлари эди. Бу эса уларда ўзларига ишонч ҳиссини туғдирар ва турмуш тарзининг барқарорлигини таъминларди. Улар савқитабиий тарзда, бироқ худди Уилкслар каби нимага интилаётганини аниқ билишар, фақат интилишлари бутунлай бошқа нарсага қаратилганди. Томирида Атлантиканинг шарқий соҳилида улғайган босиқ ва аслзода хонимнинг ва ҳаётга ташна, ақлли ирланд заминдорининг қонлари қўшилиб оқаётган Скарлеттни бот-бот қийноққа соладиган зиддиятлар уларни ҳеч қачон қийнамасди. Ойисига илоҳга сиғингандай сиғинувчи Скарлетт баъзида унинг соч турмагини бузиб ташлагиси ва аллақандай терслик

қилиб жаҳлини чиқаргиси келарди. Шу билан бирга у бири иккинчисига зид эканини англарди. Унинг феълидаги икки хиллик яна шу нарсада намоён бўлардики, у ошиқларига яхши тарбия кўрган, назокатли ёш ледидек кўринишни истар, айни пайтда, уларнинг бир-икки ўпич олишларига монелик қилмайдиган шаддод қиз эди.

– Эллин қаерда? – сўради миссис Тарлтон.

– Бошқарувчимизни ишдан бўшатмоқчи эди, шу сабабли ундан ҳисоб-китобни қабул қилиб олиш учун уйда қолди. Жаноб Тарлтон билан йигитчалар қаердалар?

– Кўриб турибсиз, пунш ўткирми, ўткирмасми, шуни синаб кўриш учун аллақачон Ўн икки Эманга от чоптириб кетишган. Гўё эртага эрталабгача бу нарсага вақт топилмайдигандай. Жон Уилксдан тунашлари учун уларни бирор ерга, отхона бўлсаям майли, жойлаштиришни илтимос қилишга тўғри келади. Биласизми, уйда бешта маст-аласт эркак менга бир оз оғирлик қилади. Учтасини эплай оламан, аммо лекин...

Жералд суҳбат мавзусини ўзгартиришга шошилди. У ўтган кузда Уилксларникидаги охирги зиёфатдан қай аҳволда қайтганини эслаб, қизларининг орқасидан кулишаётганини ҳис қилди.

– Нега бугун отда эмассиз, миссис Тарлтон? Мен негадир сизни Неллисиз кўришга кўникмаган эканман. Ахир, сиз ҳақиқий Бавкириясиз-ку.

– Валькирия демоқчисиз, шекилли, эҳ, менинг ўқимаган дўстим! – хитоб қилди миссис Тарлтон унинг ирландча лаҳжасига усталик билан тақлид қилиб. – Бавкидга сираям ўхшамаслигим аниқ, чунки у аёл эмас, гул эди.

– Ҳа хўп, Валькирия бўлса Валькирияда, нима фарқи бор, – хатосидан зиғирчаям уялмай жавоб берди Жералд. – Айтмоқчиманки, овда итларни ол-

кишлаётганингизда от устида чавандоздек ўтиришингизга, ҳайқирган овозингизга ҳар қандай эркак ҳавас қилади.

– Хўш, ойи, қалай, ҳақингизни олдингизми? – деди Хетти. – Сизга қанча айтганман, тулкини кўриб қолсангиз, бас, томоғингиз йиртилгудай бўлиб бақирганингиз бақирган.

– Ўзинг-чи, энаганг қулоғингни юваётганида ундан-да баттар чинқирасан-ку, – жавобини берди миссис Тарлтон. – Ўн олтига кирдинг-ку, ахир! Эгарда эмаслигимнинг боиси, бугун эрталаб Нелли қулунлади.

– Э, ҳали шундайми? – хитоб қилди ирландларга хос астойдил қизиқиш билан ашаддий от ишқибози Жералд. Унинг кўзлари чақнаб кетди, Скарлетт эса миссис Тарлтонни беихтиёр ойисига қиёслаганидан яна хижолат чекди. Ахир, аслида Эллин учун биялар ҳеч қачон қулунламас, сигирлар бузоқламас, товуқларнинг тухум туғиши ҳам эҳтимолдан узоқ эди. Эллин бу ҳаётий ҳақиқатларни буткул рад этарди. Миссис Тарлтонга эса бундай уятчанлик тамоман бегона эди.

– Хўш, нима туғди – биями?

– Йўқ, ажойиб айғирча, оёқларининг узунлиги икки ярд келади. Мистер О'Хара, уни кўргани албатта келинг. Бу Тарлтонларга мансуб чинакам зотдор айғир Хэттининг қўнғироқ сочлари каби сап-сариқ.

– Э, у чинданам қуйиб қўйгандай Хэттининг ўзгинаси, – деди Камилла ва шу ондаёқ чинқирганча юбкалар, панталонлар ҳамда четга улоқтирилган шляпалар орасида ғойиб бўлди, чунки узунчоқ юзи чинданам байтални эслатувчи Хэтти чимчиламоқчи бўлиб унга ташланганди.

– Эрталабданоқ қизларимнинг шу қадар шўхлиги тутиб кетдики, уларни тинчлантиришнинг ўзи бўлмайди, – деди миссис Тарлтон. – Эшлининг атланта-

лик холаваччасига унаштирилиши ҳақидаги хабар негадир уларни беҳуда хурсанд қилиб юборди. Айтгандай, унинг исми нимайди, Меланими? Ёқимтой қизалоқ, аммо ҳарчанд уринмай на юзини, на исмини эслай оламан. Бизнинг ошпазимиз уларнинг эшик оғасига турмушга чиққан, у кеча хотинига бугун кечқурун унаштирув бўлишини айтибди. Ошпаз аёл бу гапни бизга бугун айтди. Сабаби мутлақо тушунарсиз-у, бироқ негадир бу хабар қизларни қаттиқ ташвишга солиб қўйди. Эшлининг унга уйланиши ҳаммага аллақачон аён эди, мабодо у хотинликка ўз қариндошларининг қизидан бошқани, масалан, мейконлик Беррнинг қизларидан бирини танламаса, албатта, шундай бўларди. Ойимқиз Уилкс эса Меланининг акаси Чарлзга турмушга чиқади. Менга айтинг-чи, мистер О'Хара, ўз қариндошларидан бошқага уйланишларига уларга нима халал беради. Балки...

Скарлетт кулимсираб айтилган жумлани охиригача эшитмади. Гўё қуёш бир сония булутлар ортига беркиниб, атрофни зулмат қоплагандай, дунё эса ранг-баранглигини йўқотгандай бўлди. Энди ёйилган барглар алланечук хунук тусга кирди, бодрезаклар сўлиб қолди, нафис пушти рангда қийғос гуллаб ётган ёввойи олма дарахти бир дақиқада мотамсаро қиёфа касб этди. Скарлетт тирноқларини ўриндиқ қопламасига ботирди, боши узра тутиб турган шамсияси титраб кетди. Эшлининг унаштирилганини билиш – бир гап, кимдир ўта совуққонлик билан гап орасида буни эслатса – бутунлай бошқа гап. Аммо у иродасини ишга солиб, руҳи тушиб кетишига йўл қўймади ва атрофини ўраб турган табиатга ҳаёт бағишлаётган фараҳбахш қуёш яна нур соча бошлади. Эшли ўзини яхши кўришини у билади-ку, ахир. Бунга шубҳа йўқ. У унаштириш маросими бўлмаслигини эшитганида миссис Тарлтон қанчалик

ажабланишини, Эшли иккаласи яширинча қочиб кетганини эшитганда эса баттар ҳайрон қолишини ва ҳаммага унинг нечоғлик айёр қиз эканини айтиб юришини ўйлаб жилмайиб қўйди. Улар Эшли билан аллақачон... бир пайтда... Скарлетт гўё ҳеч нарса бўлмагандай Меланининг унаштирилиши ҳақидаги гап-сўзларни эшитиб ўтирарди. Шуларни ўйларкан, унинг ёноқларидаги кулгичлари ўйнаб кетди. Ойисининг гаплари Скарлеттга қандай таъсир қилишини диққат билан кузатаётган Хэттининг пешонаси тиришди, у ўриндиқ суянчиғига ўзини ташлади.

– Йўқ, нима десангиз денг-у, мистер О'Хара, – қатъий оҳангда давом этди миссис Тарлтон, – барибир бу амакиваччалару тоғаваччалар ўртасидаги никоҳлар – ғирт бемаънилик. Эшлининг ўша миттигина Гамильтонга уйланиши етмагандай, устига-устак Ойимқиз ҳам анави қилтириқ Чарлз Гамильтонга тегса-я.

– Агар у Чарлзга тегмаса, қолиб кетади қариқиз бўлиб, – деди ачитиб ўзига бундай қисмат ҳечам хавф солмаслигидан кўнгли хотиржам Рэнда. – Ахир, Чарлздан бошқа ҳеч ким унинг кўнглини олишга уринмаган. Унаштирилганига қарамай, у ҳам Ойимқизни севадиганга ўхшамайди. Ўтган рождество байрамида у сенинг кўнглингни овлашга қандай уринганини эслайсанми, Скарлетт?

– Бўлмағур гап, тилингизни тийинг, мисс, – унинг танобини тортиб қўйди ойиси. – Барибир бир ота нари, ҳатто икки ота нари сингилларга ҳам уйланиш ножоиз. Бу насл бузилишига олиб келади. Одамлар от эмас. Мабодо яхши насл қолдирмайдиган бўлса байтални акаси ёки отаси билан боғлаб, насл етиштириш мумкин, аммо бу одам зотига тўғри келмайди. Акс ҳолда ташқи қиёфаси ёмон бўлмаслиги мумкин, бироқ бундайларнинг куч-қувватидан, чидамлилигидан умид қилмаслик керак. Сиз...

– Бу масалада сиз билан тортишадиганга ўхшаймиз, мэм. Сиз менга Уилкслардан яхшироқ одамларни кўп деб айта оласизми? Улар эса Брайан Бору гўдак бўлган пайтларданоқ бир оила ичида никоҳ тузадилар.

– Мана энди буни тўхтатиш фурсати етди: натижалари сезила бошлаяпти-ку. Эшлида бунинг таъсири ҳали у қадар билинмайди, у, шубҳасиз, бағоят истарали йигит, гарчи, қолаверса, у ҳам... Аммо сиз Уилксларнинг боёқиш икки қизига эътибор беринг – бунчалар рангпар, бунчалар камқон бўлишмаса! Ҳеч шубҳа йўққи, улар ажойиб қизлар, аммо қилтириқ, нимжон. Анави, миттигина Меланини айтмайсизми? Хасдек нозик, шамолга учиб кетгудай. Унда ҳеч қандай жўшқинлик, куч-ғайрат йўқ. Қиттай бўлса-да шахс сифатида шаклланмаган. Борми-йўқ! "Ҳа, мэм!", "Йўқ, мэм!" Бундан бошқа сўзни унинг ичидан суғуриб ололмайсан. Нима демоқчилигимни тушунаяпсизми? Бу оилага янги қон керак – наслни давом эттириш учун тоза, кучли қон. Менинг малласоч шумтакаларимники ёки сизнинг Скарлеттникидек қон. Фақат мени нотўғри тушунманг. Уилкслар ўзларича бинойи одамлар, уларни яхши кўраман, бироқ очиғини айтиш керак-да. Улар ҳаддан ташқари нозиклашиб кетган, насллари бузилаётир. Тўғрими? Ҳаво очиқ бўлса, зўр отчопарда улар эгарда ёмон ўтирмайди, аммо йўл оғир бўлса, Уилксларга пул тикмайман. Наслининг бузилгани уларни заифлаштириб юборган, иродасидан, матонатидан мосуво қилган, мабодо бирор фалокат юз бериб қолса, улар тенгсиз курашга дош беролмайдилар. Бу – ўта тантиқ, нозикмижоз, инжиқ, ипакойимлар насли. Менга шундай от берингки, ҳар қандай об-ҳавода ҳам доғда қолдирмасин! Кўряпсизми, улар бу ернинг халқига асло ўхшамайди, бу қариндошлар ўртасидаги никоҳнинг оқибати. Бир умр китобга шўнғиб,

ё бўлмаса рояль динғиллатиб ўтиришади, аминманки, Эшли доим китобни овдан устун қўяди. Азбаройи худо! Истасангиз, гаровлашамиз, мистер О'Хара! Бунчаям тоси тор, елкаси қисқа бўлишмаса улар. Уларга зоти тоза асл эркаклар, қони қайноқ аёллар керак.

– Ҳм, ҳа, ҳа, – ниҳоятда қизиқарли ва, унинг назарида, бошдан охир одоб доирасидаги гаплар хотинига мутлақо ноўрин туюлиши мумкинлиги бехос хаёлидан кечган Жералд хижолат чекиб пўнғиллади. Агар қизлари ҳузурида шу қадар рўйирост гаплар айтилганини Эллин билиб қолса борми, у бундай руҳий ларзадан умрининг охиригача ўзига келолмасди. Аммо, ҳар доимгидек, миссис Тарлтоннинг ўзгалар фикри билан иши йўқ, айниқса, у аллақачон ўзи севган мавзуда – тоза насл яратиш ҳақида – гап очган. Одамларга тааллуқлими, отларгами – унга фарқи йўқ.

– Ишонинг, мен нима деяётганимни биламан. Менинг ҳам ўз холаваччасига уйланган бир қариндошим бор, уларнинг болаларини бир кўрсангиз эди! Ҳаммасининг кўзи қурбақаникидай чақчайган, оҳ, шўрлик гўдаккиналар! Ота-онам мени бир қариндошимизга узатмоқчи бўлишганида, худди асов биядек депсиниб, типирчилаганман. "Йўқ, ойи, менга тўғри келмайди. Болаларим бебурд, мияси пуч, қорни қапайган ёки суяги мўрт бўлишини истамайман", дедим. Бебурдлик ҳақида гапирганимда ойимнинг эси оғиб қолди, аммо мен қаттиқ туриб олдим, бувим ҳам мени қўллаб-қувватлади. У ҳам, биласизми, отларни ва янги зот яратишни яхши биларди, шу сабабдан менинг ҳақлигимни айтди ва мистер Тарлтон билан қочишимга ёрдам берди. Мана энди менинг болаларимга бир қаранг! Ҳаммаси соғлом, бақувват, ориқ ёки пакана эмас, гарчи Бойднинг бўйи, тўғрисини айтганда, беш фут, ўн дюйм бўлса-да. Лекин Уилкслар...

– Э, уларни гапирмай қўя қолинг, мэм! – Кэрриннинг нигоҳида бесаранжомликни пайқаган ва Сьюлиннинг берилиб тинглаётганини кўрган Жералд шошиб унинг гапини бўлди. Аҳмоқона саволлари билан Эллиннинг бошини қотиришса борми, унинг бир пулга қиммат экани дарров ошкор бўлади- қўяди. "Фақат Скарлеттгина, – кўнглида мамнун бўлиб қайд қилди у, – одобли ледига муносиб тарзда хаёлан узоқ-узоқларда юрганга ўхшайди".

Хэтти Тарлтон кутилмаганда уни қўллаб-қувватлади:

– Қани, кетдик, ойижон! Қачонгача бу ерда турамиз! – сабрсизлик билан хитоб қилди у. – Мен офтобда куйиб кетдим, бўйнимга сепкил тошаяпти, сезиб турибман, ахир.

– Кетиш олдидан бир дақиқага мумкинми, мэм, – деди Жералд. – Эскадронимиз учун от сотиш ҳақида қандай қарорга келдингиз? Эрта-индин уруш бошланиб қолиши мумкин, йигитлар бу масаланинг ҳал қилинишини исташаётир. Бу Клейтон графлиги Эскадрони, демак, отлар ҳам Клейтон графлигидан олиниши керак. Лекин сиз жуда ўжарсиз, сизни ҳеч кўндиролмаяпмиз: бизга чиройли отларингизни сотсангиз-чи, ахир.

– Э, ҳеч қанақа уруш бўлмаслиги ҳам мумкин-ку, – вақтдан ютишга уриниб деди миссис Тарлтон шу заҳоти Уилкслар оиласидаги уйланиш билан боғлиқ ғалати одатларни унутиб.

– Йўқ, мэм, сиз ундай....

– Ойижон! – яна гапга аралашди Хэтти, – мистер О'Хара билан отлар ҳақида бу ерда, йўлда эмас, Ўн икки Эманда гаплашса бўлмайдими?

– Гап шунда-да, мисс Хэтти, бўлмайди, – деди Жералд. – Аммо сизларни бир дақиқага ушлаб тураман. Ҳозир биз Ўн икки Эманга етиб борамиз, эркакларнинг ҳаммаси, каттаю кичиги ўша ерда, биринчи гал-

да отлар ҳақида сўрашади. Менинг эса гўзал ва саховатпеша хоним, сизнинг ойижонингиз, йўқ жойдан отларига шу қадар ёпишиб олганидан юрагим эзилиб кетяпти! Қани сиздаги ватанпарварлик, миссис Тарлтон? Ё Конфедерация сиз учун бекорчи гапми?

– Ойижон! – қичқириб юборди кенжа қиз Бетси, – Рэнда кўйлагим устига ўтириб олди, энди у ғижимланиб қолади!

– Кўйлагингни Рэнданинг тагидан тортиб олгин-да, дамингни чиқарма. Сиз эса, мистер О'Хара, гапимни эшитинг! – Миссис Тарлтоннинг кўзлари чақнаб кетди. – Балки сиз менинг Конфедерация олдидаги бурчимни таъкидламасангиз бўлармиди? Менинг тўрт ўғлим қўлларига қурол олди, сизникидан эса биттасиям олгани йўқ, демак, ўйлашимча Конфедерация мен учун сиздан кўра кам аҳамиятга эга эмас. Ўғилларим ўзларини ўзлари ҳимоя қила оладилар, отлар эса ҳимоясиз. Агар улар устида ким ўтиришини билсам, агар улар зотдор арғумоқларнинг маънисига борадиган жентльменлар эканлигини билсам, мен сизга отларимни очиқ юз билан ҳатто текинга берган бўлардим. Ўшанда бир дақиқаям иккиланиб ўтирмасдим! Аммо менинг кўркам отларим хачирларгагина муомала қилишни эплоладиган аллақандай ёввойиларнинг, аллақандай жулдурвоқиларнинг қўлига тушса-я! Йўқ, сэр, асло бундай бўлмайди! Ахир, тун бўйи отларга ёмон қарашяпти, зўриққанига қарамай эгарлашяпти, деган ўйда алоқ-чалоқ тушлар кўриб, қийналиб чиқаман. Тағин мени аллақандай жоҳил эркаклар тулпорларимни миниб чоптиришлари, қамчилашлари, уларнинг мағрур руҳини синдирмагунча сувлиқ тортиб, оғзини йиртишларига йўл қўйиб беради, деб ўйладингизми? Ё, Худо, шуларни ўйласам, этим жимирлаб кетади, ахир! Йўқ, мистер О'Хара. Отларим сизга ёққанидан хурсандман, албатта, лекин сиз ўзин-

гизнинг қишлоқи қўшчиларингиз учун Атлантадан бир илож қилиб қирчанғи отлар сотиб олишингизга тўғри келади. Улар барибир отнинг фарқига боришмайди.

– Ойижон, балки йўлга тушармиз-а? – Бу гал сабрсизлар қаторига Камилла ҳам қўшилди. – Бу нима билан тугашини яхши биласиз-ку. Эртами-кечми, барибир ўша суюкли отларингизни берасиз. Отам билан йигитлар Конфедерацияда отлар етишмаётганини айтиб, миянгизни қоқиб қўлингизга беришса, йиғлаб-йиғлаб бериб юборасиз.

Миссис Тарлтон кулимсираб, жиловни силтади:

– Ҳеч қачон бундай бўлмайди, – деди у ва отига авайлаб қамчи босди. Извош жадал юриб кетди.

– Бу аёл чиндан мўъжиза! – деди Жералд ва шляпасини кийиб, извоши ёнига қайтди. – Бўпти, кетдик, Тоби! Мен ҳали уни ҳол-жонига қўймайман ва, албатта, отларини қўлга киритаман. Тўғри, у ҳақ. Ҳақ. Модомики одам жентльмен эмас экан, эгарга ўтиришининг ҳожати йўқ. Унинг жойи қўшда. Бизнинг графликда фақат ер эгаларининг ўғилларидангина Эскадрон тузишнинг ҳеч иложи йўқлиги жуда ачинарли. Нима дединг, мушукчам?

– Отажон, марҳамат қилиб ё биздан орқада, ё олдинда юринг. Шундай чангитяпсизки, бўғилиб кетяпмиз! – деди суҳбатни давом этдиришга ҳоли қолмаганини ҳис қилган Скарлетт. Бу гаплар уни чалғитар, у эса фикрларини жамлаши, извош Ўн икки Эманга етганида юзига лозим бўлган ифода бериши керак эди. Жералд итоаткорлик билан отини ниқтади, отлар ҳақидаги суҳбатни давом эттириш учун шитоб билан Тарлтонлар экипажи изидан олға интилди ва қизғиш тусли чанг-тўзон ичида кўринмай кетди.

VI боб

Улар кўприк орқали нариги қирғоққа ўтиб, қирга кўтарила бошлашди. Уй ҳали кўринмас, аммо Скарлетт баланд дарахтлар шохлари узра эриниб ёйилаётган кўкимтир тутунни илғади ва сихда тоблаб пиширилаётган қўй ҳамда чўчқа гўштининг иштаҳани қитиқлайдиган нордон таъмини туйиб, ёнаётган пекан тарашаларининг ҳидини симирди.

Барбекю учун ўралар кеча кечқурун қазиб қўйилган, улар ичида тарашалар арғувон рангда тутаб ёнар, устида эса узун сихларда нимталанган гўштлар осиғлиқ, чўғ устига жизиллаб мой томарди. Скарлетт енгил шабада олиб келаётган бу ҳидлар уй орқасидаги эманзордан таралаётганини биларди. Жон Уилкс, одатда, ўз барбекюларини ўша ёқда, атиргуллар экилган гулзорга қиялаб тушган паст тепалик устида ўтказарди. Бу Калвертлар зиёфатлар учун хуш кўриб танлаган жойдан кўра анча хушманзара, шинам ва серсоя эди. Миссис Калверт сихда пишган гўштни ёқтирмас, унинг ҳиди бир неча кунгача хоналардан кетмайди, деб таъкидлар ва меҳмонлари, одатда, уйдан чорак мил наридаги очиқ майсазорда қуёшда тобланиб ўтиришарди. Аммо ўзининг меҳмондўстлиги билан бутун штатга танилган Жон Уилкс бу нарсаларни яхши тушунарди.

Уилкслар омборхонасининг мулки – нафис полотно дастурхонлар тўшалган узун столлар доим қуюқ соя остига ўрнатиларди. Столлар ёнига суянчиқсиз оддий ўриндиқлар қўйилар, уларда ўтиришни ёқтирмайдиганлар учун уйдан стуллар олиб чиқилар, яланглик бўйлаб пастак юмшоқ курсилар, ёстиқлар ташлаб қўйиларди. Нимталанган гўштлар узоқроқда сихда пиширилар – тутун меҳмонларни қийнамаслиги керак – ўша жойда гўшт устига қуйиладиган зиравор ва брауншвейгча қайланинг

хушбўй ҳиди таралиб турадиган чўян дошқозонлар осиларди. Ўн икки чоқли негр қўлларида патнис билан меҳмонларга хизмат қилиб, у ёқдан бу ёққа югуриб юришарди. Омборлар ортида эса бошқа бир барбекю учун яна битта чуқур қазилар – у ерда, одатда, уй хизматкорлари, аравакашлар, меҳмонларнинг оқсочлари бўкиб қолгунча сабзавот йиғиштириш мавсумида ҳар бир негр учун қадрли бўлган зоғора нон, ямс ва чўчқа қоринидан тайёрланган овқат ва турвуз еб, базм қилишарди.

Янги чўчқа гўшти жизларининг ҳиди димоғига урилган Скарлетт бурнини сал жийирди ва гўшт тайёр бўлгунича иштаҳаси очилиб кетишига умид боғлаб ўзига таскин берди. Ҳозирча эса овқатдан тўйиб егани, боз устига, корсети сиқиб боғлангани учун кекириб юборишдан чўчиб турарди. Бу ҳолда ҳаммасини барбод қилиши ҳеч гапмас, ахир, фақат ёши улуғ эркак ва аёлларгина бунга йўл қўйиши, бунинг учун жамоатчилик назаридан тушиб қолмасликлари мумкин эди.

Ниҳоят тепага кўтарилишди ва уларнинг кўз ўнгида баланд устунлари, кенг айвонлари ҳамда ясси томи бир-бирига мутаносиб қад ростлаган – ўз сеҳру жозибасини била туриб барчага бирдай саховатли ва очиқ чеҳра аёлдек виқорли ва илтифотли оппоқ бино ўзининг бор уйғунлиги билан намоён бўлди. Скарлетт Ўн икки Эманни улуғвор сокин гўзаллиги боис яхши кўрар, унга ҳатто бу жой ота уйидан ҳам севимлидай туюларди.

Кириш хиёбонининг ярим доира шаклидаги майдончаси извошлар ва отлар билан лиқ тўла эди. Извош ва отлардан тушаётиб, меҳмонлар баланд овозда саломлашарди. Меҳмонлар ташрифи сабаб, одатдагидек, оёққа турган қора танли хизматкорлар отларни извошлардан чиқариб, эгарларни ечиб олиш учун отхонага етаклаб кетишарди. Оқ ва қора танли

болалар гуруҳи ям-яшил майсазорда югуриб юришар, кимдир гехарда, кимдир бекинмачоқ ўйнар ва ким нимани қанча ея олишини кўз-кўз қилиб мақтанишарди. Уйнинг энича кенгликдаги холл аллақачон меҳмонлар билан тўлган. О'Харалар извоши катта эшик олдида тўхтаганида Скарлеттнинг кўзлари жимирлаб кетди: қизлар кринолинли очиқ рангли кўйлакларда ранг-баранг капалаклар сингари ғуж бўлиб, иккинчи қаватга чиқиладиган зинани тўлдиришган – баъзилари юқорига чиқар, баъзилари эса бир-бирининг белидан қучиб пастга тушар ёки бўлмаса нақшинкор панжарадан эгилиб, холлда турган йигитчаларга бир нималар деб кулишарди.

Ланг очиқ баланд ойнаванд эшиклардан тўқ рангли кўйлакларда елпиғичларини елпиб меҳмонхонада сипо ўтирган ёши улуғ аёллар кўринар, улар болалар, касалликлар ҳақида, ким, қачон, кимга ва нима сабабдан турмушга чиққани ҳақида хотиржам гурунглашарди. Холлда Уилксларнинг эшик оғаси Том қўлида катта узун қадаҳлар терилган кумуш патнис билан жилмайганча таъзим бажо келтириб, оч кулранг ва оч жигарранг тор шим ва кўкрак олди гофриланган юпқа кўйлак кийган ёш йигитларни ичимлик билан сийларди. Уй олдидаги чароғон айвон меҳмонлар билан тўла. Бутун округдан меҳмон келганга ўхшайди, деб ўйлади Скарлетт. Ака-ука Тарлтонлар оталари билан баланд устунларга суяниб туришарди: эгизаклар Стюарт ва Брент нарироқда ҳар доимгидай бир-биридан айрилмаган ҳолда; Бойд ва Том эса, оталарининг ёнида. Мистер Калверт хотини – янки аёл ёнида; бу аёл ўн беш йилдан бери Жоржияда яшаётган бўлса-да, ҳанузгача жамиятда ўз ўрнини тополмай овораи-сарсон. Мистер Калверт хотинидан хижолат чекар, шу боис ҳамма унинг аёли билан имкон қадар хушмуомала ва илтифотли бўлишга уринар, лекин барибир ҳеч ким унинг дунёга

келибоқ хатога йўл қўйганидан ташқари, устига-устак яна мистер Калвертнинг болаларига мураббия ҳам бўлганини унутолмасди. Калвертнинг ўғиллари Рейфорд ва Кэйд ҳам аллақачон қорача юзли Жо Фонтейн ва унга хотинликка мўлжалланган мафтункор Салли Манронинг жиғига тегишни бошлаб юборган оқ-сариқ сочли довдир сингилчалари Кэтлин билан шу ерда эдилар. Алекс ва Тони Фонтейнлар Димити Манронинг қулоғига нимадир деб шипшидилар, у эса кулгидан ўзини тиёлмай қолди. Бу ерга узоқдан – ўн миля наридаги Лавжойдан ҳам, Фейетвилл ва Мейкондан ҳам бир неча оила келган эди. Уй тўла меҳмон, уй ичида гоҳ пасайиб, гоҳ кучайиб турган бетиним ғала-ғовур, аёлларнинг қулоқни батанг қилувчи қийқириқли хитоби ва кулгиси янгарди.

Айвон зинасида Жоржиянинг ёзги қуёши янглиғ ўзгармас илиқлик таратиб, очиқ чеҳра ва бағрикенглик билан қадди-қомати келишган, сочлари оппоқ Жон Уилкс турарди. Унинг ёнида Ойимқиз Уилкс турар, отасидан тортиб то сўнгги негр боласигача бу сўзни қўлламай муомала қила олмайдиган тузалмас одатига кўра у шу лақабга сазовор бўлганди. Ҳозир эса бу ёқимли сўзга илова тариқасида меҳмонларни кутиб оларкан, ҳаяжондан тўрт томонга аланглаб безовталанар, тўлғанар, жилмаяр ва асабий қиқирлаб куларди. Унинг кўзи тушган ҳар бир эркакка ёқиш учун югуриб-елиб, очиқчасига талпинаётгани, отасининг ўз шаънига муносиб равишда ўзини тутиши билан солиштирганда, айниқса, яққол кўзга ташланарди. Скарлеттнинг хаёлидан “ялт” этиб миссис Тарлтоннинг гапларида оз бўлса-да, ҳақиқат борга ўхшайди, деган фикр ўтди. Бу оилада гўзаллик фақат эркакларнинг чекига тушганди. Жон Уилкс ва Эшлининг тиниқ кўк кўзларини чиройли ҳошиялаб турган тўқ тилларанг қуюқ киприклари Ойимқиз ва опаси Индиянинг қовоқларини зийнатлаб, сийрак

ва туссиз мўйларга айланганди. Киприкларнинг деярли йўқлиги боис Ойимқизнинг кўзлари қуённинг кўзларига ўхшаб кетарди. Индия ҳақида гапирмаса ҳам бўлади, у чинданам хунук, тамом-вассалом.

Индия ҳеч қаерда кўринмасди, бироқ Скарлетт унинг ошхонадалигини – уй юмушлари бўйича сўнгги йўл-йўриқларни бераётганини биларди. "Шўрлик Индия, – хаёлидан ўтказди Скарлетт, – ойисининг ўлимидан сўнг унинг елкасига рўзғорнинг оғир юки ортилди, энди қандай қилиб у ўзига куёв топсин, ахир; яхшиямки Стюарт Тарлтон учраб қолди, лекин у мени Индиядан чиройлироқ, деб топса менда нима айб?"

Жон Уилкс Скарлетт билан сўрашмоқчи бўлиб айвондан пастга тушди. Извошдан тушаётиб Скарлетт Сьюлиннинг табассумдан чеҳраси ёришиб кетганини кўрди. "Меҳмонлар орасида Фрэнк Кеннедини кўриб қолгани аниқ", ўйлади Скарлетт.

"Э, йўқ, менинг қайлиғим бу шим кийган қариқиздан бинойироқ бўлади!", калондимоғлик билан ҳукм чиқарди у ва айни пайтда Жон Уилксни табассум билан сийлашни унутмади.

Фрэнк Кеннеди эса Сьюлинга ёрдам бермоқчи бўлиб извош томон шошилди. Скарлетт синглисини тепиб юборгиси келди, чунки Сьюлин унинг йўлини тўсиб турарди. Тўғри, Фрэнк Кеннединг ери шунчалик каттаки, графликдаги бошқа бирор кишида бунча ер йўқ, эҳтимол, қалби ҳам пок бўлса ажабмас, аммо унинг ёши аллақачон қирқдан ошган, сарғиш соқоли сийрак, кўриниши сўлғин, ўзини тутиши, қилиқлари қари қизларники сингари ғалатироқ, бесаранжом бўлса, бунинг нима аҳамияти бор.

Шундай эса-да, тузиб қўйган режасини эсларкан, Скарлетт ўзидаги нафратга қоришган жирканиш ҳиссини босиб, Фрэнкка шундай бир ажойиб табассум ҳадя этдики, у бир зум қўлини Сьюлинга узатган

кўйи саросималаниб, Скарлеттга қараганча жойида қотиб қолди.

Скарлетт Жон Уилкс билан ёқимли суҳбатни давом эттираркан, меҳмонлар орасида Эшлини кўриш умидида меҳмонларга кўз югуртирди, бироқ у айвонда кўринмасди. Ҳар томондан саломлар эшитилди. Стюарт ва Брент эса дарҳол у турган томонга юришди.

Манронинг хонимчалари унинг кўйлагини ушлаб, ёйиб кўриб ҳавас билан "оҳ-воҳ" қилар, одамлар бир-биридан ўтказиб бақиришга уринар, хитоб қилар, шовқин тобора кучаярди. Лекин Эшли қаерда? Мелани-чи? Чарлз-чи? У атрофга ўғринча кўз югуртирди ва сездирмай гулдурос кулги таралаётган холлга қараб олишга уринди.

Кулиб, гапириб ва ора-сира бир боғга, бир холл ичига кўз ташларкан, Скарлетт меҳмонлардан нарироқда турган бир эркак унга совуққонлик билан беҳаёларча тикилиб қараётганини пайқаб қолди ва беихтиёр ҳушёр тортди. Кўнглида ғалати бир қоришиқ туйғуни ҳис қилди: унинг аёллик ғурури ҳузур топди – ахир, у нотаниш киши эътиборини рўй-рост ўзига тортганди – аммо бу туйғуга уят ҳисси қоришиб кетди, чунки у туйқусдан кўйлагининг ёқа қисми хийла чуқур ўйилганини англаб етди. Нотаниш киши ёш эмас – баланд бўйли, кўринишидан ёши ўттиз бешларда, ундан кам эмас, қомати атлетларга хос эркак эди. Скарлетт бундай кенг елкаларни, бундай мушаклари бақувват – эҳтимол, юқори табақадан чиққан киши учун ҳатто ортиқ даражада қорувли – қоматни ҳали кўрмаганини ўйлади. Кўзлари тўқнашганида нотаниш киши жилмайди, оппоқ тишларини кўрсатиб жилмайганида, ингичка қора мўйлови остидан Скарлеттга қандайдир шафқатсизлик ифодаси намоён бўлгандек туюлди. Юзи қароқчиларникидек буғдойранг, унинг қора кўзлари-

да Скарлетт рўпарасида шиддатли ҳужумга маҳкум кемани ёхуд қўлга киритиши шарт бўлган аёлни кўриб турган қароқчининг ошкора даъватини ўқиди. Унинг кўз қараши хотиржам ва тажовузкор эди, унга беҳаёлик билан мазахлаётгандек илжайганида, Скарлеттнинг нафаси ичига тушиб кетди. Бундай қараш аёлни таҳқирлаш билан баробарлигини у тушунар, аммо ўзини таҳқирлангандек сезмагани учун қаттиқ жаҳли чиқаётганди. Унинг кимлигини билмас, лекин бир нарса аниқ: бу кенг пешона, катта оғиз устидаги чиройли қирғий бурун, катта очилган кўзлар... Ҳа, шубҳасиз, унинг буғдойранг юз тузилишидан зодагонлиги сезилиб турарди.

Унинг табассумини жавобсиз қолдирган Скарлетт кўзини олиб қочди, айни шу лаҳзада кимдир чақираётганини эшитиб, эркак ортига ўгирилди.

– Ретт! Ретт Батлер! Бу ёққа келинг! Мен сизни Жоржиядаги энг бағритош қиз билан таништириб қўяман.

Ретт Батлер! Бу исм танишга ўхшади, ёқимли қизиқиш уйғотувчи ва қандайдир жанжалли воқеа билан боғлиқ ниманидир эслатди, лекин унинг фикру хаёли Эшлида эди ва у шу заҳоти бу ўй-хаёлларни миясидан қувди.

– Мен юқорига чиқиб соч турмагимни тузатиб олишим керак, – деди у ўзини меҳмонлар орасидан четга олиб чиқишга уринаётган Стюарт ва Брентга. – Сизлар эса, йигитлар, мени шу ерда кутинг, бошқа қизлар билан хилватга беркиниб олишни хаёлингизга ҳам келтирманг, хафа бўламан-а.

Скарлетт кўрдики, агар бегонага карашма қиладиган бўлса, бугун Стюартдан балога қолиши аниқ. Аллақачон унинг кайфи ошиб қолган, юзида Скарлетт бир неча бор кўрган, яхшиликдан дарак бермайдиган сурбетлик ифодаси зоҳир эди: у жанжал кўтариши тайин.

Скарлетт холлда бир муддат танишлари билан у ёқ-бу ёқдан гаплашиб турди, манглайи терга ботиб, сочлари тўзғиб ичкари хонадан ниҳоят чиқиб келган Индия билан саломлашди. Бечора! Бу қандай кўргилик – соч ва киприклари туссиз, ияги олдинга чиққан, боз устига йигирмани қоралаб қўйган ва олдинда қариқиз бўлиб қолиб кетиш қисмати! Қизиқ, Скарлеттнинг ундан Стюартни тортиб олгани Индияга қаттиқ ботганмикан? Одамларнинг гапига қараганда у Стюартни ҳалиям севармиш, аммо Уилксларнинг хаёлида нима борлигини билиб бўлармиди? Ҳар ҳолда Индия бирор-бир ҳаракати билан ўзига қанчалик қийинлигини Скарлеттга билдирмади ва ҳар доимгидай илтифотли ва бир қадар бегонадек тутди.

Индия билан илиққина саломлашгач, Скарлетт энли зиналардан юриб юқорига чиқа бошлади ва кимдир ҳадиксираб ўзини чақираётганини эшитди. Орқага ўгирилиб Чарлз Гамильтонни кўрди. Бу йигитча истарали эди, қизғиш-қўнғир жингала сочлари оппоқ кенг манглайига тўзғиб тушиб турар, тўқ жигарранг кўзлари шотланд овчаркасиникидек мулойим ва тиниқ эди. У башанг кийинган – хантал рангли шимда, кўкрак қисми тўқима оппоқ кўйлаги устидан янги модадаги энли қора галстук боғланган эди. Скарлетт у томонга ўгирилганида йигитчанинг ёноқлари хиёл қизарди – Чарлз Гамильтон қизлар билан гаплашишга доим тортинарди. Барча тортинчоқ эркаклар каби уни ҳам шўх-шаддод, ўт-олов, ҳар доим ва ҳамма ерда ўзини бемалол ҳис этадиган Скарлеттга ўхшаган қизлар кўпроқ ўзига тортарди. Одатда Скарлетт унга эътибор қилмас, шунчаки мулойимлик билан гап ташлаб қўярди, холос, ҳозир эса жозибали табассум билан унга иккала қўлиниям узатганида Чарлз ҳайратдан қотиб қолди.

– О, Чарлз Гамильтон, бугун жуда кўркамсиз, азизим. Аминманки, сиз Атлантадан менинг шўрлик юраккинамни пора-пора қилиш учун келгансиз!

Унинг иссиқ қўлчаларини сиқиб, бесаранжом зангори кўзларига боқаркан, Чарлз ҳаяжонланиб, алланима деб ғўлдиради. Ҳали ҳеч ким унга бундай деб мурожаат қилмаганди. Тўғри, қизлар бошқа йигитларга шундай гапларни айтишганини эшитган, аммо шахсан ўзига – ҳеч қачон. Негадир қизлар унга укаларига қарагандек қарашарди – унга доим яхши муомала қилишар, аммо ҳеч қуриса жиғига тегишниям ўзларига эп кўришмасди. Қизлар кўпинча ундан кўра хунукроқ, фазилати камроқ йигитлар билан қандай ҳазиллашишса, уларга қандай ноз-истиғно қилишса, унга ҳам шундай муомала қилишларини Чарлз жуда-жуда истарди. Тез-тез бўлмаса-да, аҳён-аҳёнда унга ҳам илтифот кўрсатишар, аммо бундай пайтларда унинг тили калимага келмай қийналар, хижолат тортар ва беҳад изтироб чекарди. Сўнг эса кечаси билан ухламай, миясида турли-туман назокатли ҳазил-мутойиба ва ўша воқеага мос тушадиган хушомад оҳангидаги сўзларни хаёлидан ўтказарди. Лекин бу сўзларни камдан-кам ҳолларда оғзига олар, зеро, қизлар икки-уч омадсиз уринишдан сўнг уни ўз ҳолига қўйишарди.

Ҳатто келгуси кузда ер-мулкнинг ўзига тегишли қисмига эгалик қила бошлагач, бирга турмуш қуришларини биладиган Ойимқизнинг олдида ҳам Чарлз тортинчоқ ва камгап эди. Баъзан Ойимқизнинг ошкора ишвалари ва унга ўзининг мулкидай муносабатда бўлиши минбаъд обрў келтирмаслигини ҳис қилиши унда тушкун кайфиятни пайдо қиларди. У йигитларга шу қадар шайдо бўлиб қолганки, деб ўйларди у, имкон яратиб берадиган ҳар қандай киши билан ўзини худди шундай тутиши мумкин. Ойимқиз хотиним бўлади, деган фикр уни мутлақо қувонтирмас, бу қиз унда, агар ўзининг

севимли саргузаштларига ишонадиган бўлса, ошиқ йигит бошидан кечириши лозим бўлган эҳтиросли, сурурли энтикишларни уйғотолмасди. Чарлзнинг орзу-хаёлларида мудом уни ҳаётга ташна, ўт-олов, мағрур ва шўх гўзал бир қиз севиб қоладигандай туюларди.

Мана, энди рўпарасида Скарлетт О'Хара, Чарлзга юрагини пора-пора қилганини айтиб даъво қилаётир!

У бирор жўяли гап топишга зўр бериб уринарди-ю, лекин тополмасди ва Скарлетт уни суҳбатни қиздириш заруриятидан халос қилиб, гап беришда давом этаётгани учун сукут ичида ундан миннатдор бўлди. Бу туш ёки эртакка ўхшарди.

– Энди мени шу ерда кутинг, чунки барбекюда менинг ёнимда бўлишингизни истайман. – Шу ерда у тимқора киприкларини қоқиб, зангори кўзларини ерга қадади, ёноқларида кулгичлари ўйнай бошлади, лаъли лабларидан эса ақл бовар қилмас сўзлар потраб чиқди: – Яна бошқа қизлар ортидан илакишиб юрманг, мен сизни қаттиқ рашк қиламан-а.

– Илакишмайман, – Чарлз шундай деб пўнғиллашга ўзида зўрға куч топди, айни дамда у унинг кўзига қурбонликка олиб кетилаётган бузоқдек кўринаётганига асло шубҳа қилмасди.

Букланган елпиғич билан унинг елкасига енгилгина уриб Скарлетт орқасига ўгирилди ва унинг нигоҳи яна четроқда Чарлзнинг ортида турган Ретт Батлер исмли эркакда тўхтаб қолди. Афтидан, у уларнинг суҳбатини оқизмай-томизмай эшитганга ўхшар, чунки эркак яна бир марта унга бошдан оёқ кўз югуртириб, масхараомуз илжайди, боз устига, шу қадар сурбетлик билан тикилдики, ҳали ҳеч ким Скарлеттга бундай нигоҳини қадаб қарашга ботинолмаганди.

"Ер ютсин сени! – ғазаби тошиб қарғанди Скарлетт ичида Жераллнинг яхши кўрган иборасини

қўллаб. – Шундай қараяптики, гўё... гўё мен унинг кўзи ўнгида яланғоч тургандай". Сўнг гажакларини силкитганча зинадан кўтарила бошлади.

Ҳамма ўз ёпинчиқ ва рўмолини қолдириб кетган ётоқда у ойна олдида ясан-тусан қилаётган ва қизартирмоқчи бўлиб лабларини тишлаётган Кэтлинни кўрди. Унинг гулгун ёноқларига ярашиқли қилиб белбоғига атиргуллар қадалган, тўқ зангори кўзлари ҳаяжондан безовта чақнаб турарди.

– Кэтлин, ким у Ретт Батлер деган ярамас кимса? – сўради Скарлетт ёқасининг четини юқорироқ кўтаришга беҳуда уриниб.

– Нима, ҳали сен билмайсанми? – Уилксларнинг энагаси билан Дилси гап сотиб ўтирган қўшни хона эшигига кўз қирини ташлаб ҳаяжон билан пичирлади у. – Мистер Уилкс уни уйида қабул қилганидан ўзини жуда ноқулай ҳис этаётгани аниқ, лекин воқеа бундай бўлган экан: у Жонсборода мистер Кеннединикида пахта савдоси билан боғлиқ қандайдир иш бўйича меҳмон бўлиб турган экан, мистер Кеннединг уни бу ерга бирга олиб келишдан бошқа чораси қолмабди. Ахир, у меҳмонни ташлаб кетолмайди-ку.

– Лекин унинг нимаси ёқмабди?

– Азизам, ахир, уни қабул қилишмайди!

– Э, ҳали шунақами?

– Албатта.

Ҳали жамият қабул қилмайдиган одам билан ҳеч қачон бир уйда ўтириб кўрмаган Скарлетт ўзининг унга муносабатини аниқлаш учун бирпас жим турди. Ҳиссиётлари кўтаринки эди:

– У нима иш қилиб қўйибди ўзи?

– Эҳ, унинг обрўсига ёмон доғ тушган. Исми-шарифи Ретт Батлер, Чарльстондан, шаҳарнинг энг нуфузли хонадонларидан бирига мансуб, яқин кишиларидан ҳеч ким у билан гаплашмайди. Ўтган ёзда Кэро Ретт у ҳақда гапириб берувди. Улар қариндош

эмас, лекин бошқалар каби у ҳам Батлер ҳақидаги ҳамма гапдан хабардор. Уни Вест-Пойнтдан қувиб юборишган, тасаввур қиляпсанми? У шунақа ишлар қилганки, кўз кўриб, қулоқ эшитмаган. Кейин эса ўзи уйланишдан бош тортган қиз билан ҳалиги воқеа содир бўлган.

– Қандай воқеа, айтиб бер?

– Азизам, наҳотки ҳеч нарсадан хабаринг йўқ? Ахир, Кэро менга ўтган ёзда гапириб берувди-ку. Агар бу ғийбатлардан воқифлигини билиб қолса, нақд ойисининг миясига қон қуйиларди. Англаяпсанми, бу мистер Батлер бир куни кечга яқин бир чарльстонлик қизни кабриолетда сайрга олиб кетган. Қизнинг кимлигини айтишмайди – мен баъзи нарсаларни ўзимча фаҳмлайман. Ўша қиз, шубҳасиз, юқори табақадан эмас, бўлмаса кузатувчисиз бундай бемаҳалда у билан сайрга чиқмаган бўларди. Тасаввур қил, азизам, улар тун бўйи, тонг отгунча, қаёққадир даф бўлишган, кейин уйга пиёда қайтишган ва буни от олиб қочганию аравани синдиргани, улар эса ўрмонда адашиб қолгани билан изоҳлашган. Сен нима деб ўйлайсан, хўш?

– Ҳеч нарсани ўйлаётганим йўқ, давом эт! – Сабрсизлик билан талаб қилди Скарлетт энг даҳшатли воқеани эшитишга интиқ бўлиб.

– Эртаси куни у ўша қизга уйланишни рад этган!

– Ҳа-а-а, – ҳафсаласи пир бўлди Скарлеттнинг.

– Ҳм... у қизга қўлини ҳам теккизмаганини, нега унга уйланиши кераклигини тушунмаётганини айтган. Қизнинг акаси эса, шубҳасиз, уни дуэлга чақирган, у эса, бу аҳмоқ қизга уйлангунча, пешонамдан отилганим афзал, деб жавоб қайтарган. Хуллас, мистер Батлер қизнинг акасини яралаган, у ўлган, мистер Батлер эса Чарльстонни тарк этишга мажбур бўлган, энди уни ҳеч ким уйига киритмайди, – дея гапини тантанавор оҳангда ва айни вақтида тугатди

Кэтлин, чунки хонимнинг пардоз-андози қандайлигини билиш учун эшикдан Дилси кириб келганди.

– Ўша қизнинг боласи бормиди? – Кэтлиннинг қулоғига шивирлади Скарлетт.

Кетлин бошини кескин чайқаб бу фикрни қатъиян рад этди.

– Шунга қарамай, унинг обрўси чилпарчин бўлди, – шивирлаб жавоб қайтарди Кетлин ҳам.

"Эшли ҳам менинг обрўйимни тўкса, яхши бўларди! – туйқусдан Скарлеттнинг миясига шу фикр келди. – У ашаддий жентльмен, уйланмай иложи йўқ". Лекин қалбида беихтиёр аҳмоқ қизга уйланишни рад этгани учун мистер Батлерга нисбатан ҳурматга ўхшаш бир туйғуни ҳис қилди.

Скарлетт қизил ёғочдан ясалган баланд юмшоқ курсида уй орқасидаги кекса эман дарахти соясида ўтирарди; яшил сафьян туфличаларининг учи одобахлоқ қоидалари талабига мос тарзда кўпчиб турган қўш этаклари остидан икки дюймча чиқиб турарди. Қўлида таом солинган ва ҳали қўл урилмаган ликоп: атрофини етти нафар жазмани ўраб олганди. Меҳмонларни кутиш авж паллага кирган, баҳор ҳавоси шўх-шодон овозлар, кулгилар, кумуш ва чинни идишларнинг жаранги, қовурилган гўшт ва хушбўй қайлаларнинг ўткир ҳидига тўйинган эди. Аҳён-аҳёнда йўналишини ўзгартирган енгил шабада узун, чўғ тўла чуқур ўралардан билинар-билинмас тутунни ҳайдаб келар ва ҳар гал пальма елпиғичлари шиддат билан ишга тушиб, хонимларнинг шўхчан қий-чувига сабаб бўларди.

Бир гала қизлар йигитлари билан столлар ёнига қўйилган узун ўриндиқларда ўтиришар, аммо Скарлетт ҳар бир қизнинг фақат икки қўли борлиги ва икки тарафига атиги икки нафар жазманини ўтқизиши мумкинлигини ўйлаб, четроққа ўтиришга ва атрофига имкон қадар кўпроқ йигитларни тортишга қарор қилди.

Ям-яшил чирмовуқ билан ўралган шийпонча тўқ рангли кўйлаклари атрофдаги ранг-баранглик ва хурсандчиликни бўрттириб кўрсатаётган эрли аёлларга мўлжалланган эди. Улар ёшидан қатъий назар Жанубдаги одатга кўра тийрак қизлар, уларнинг хушторлари ва тўхтовсиз кулгиларидан четроқда ўтиришарди. Ҳамма – кекиришга мубтало бўлган, қартайгани боис буни яшириб ўтирмайдиган Фонтейн бувидан тортиб, биринчи боласига ҳомиладорлигидан қийналаётган ўн етти ёшли Элис Манрогача – бошларини бир-бириникига яқинлаштириб кимнингдир авлод-аждодини қизғин муҳокама қилар ва ҳомиладорликка боғлиқ маслаҳатларини ўртоқлашар, бу эса шу тахлит мажлисларнинг мароқлилигини оширар ва бундай билимларга бўлган эҳтиёжни қондирарди.

Улар томонга кўз қирини ташлаган Скарлетт ижирғаниб, булар семиз қарғаларга ўхшайди, деб ўйлади. Эрли аёлнинг ҳаёти ўйин-кулгилардан маҳрум. Эшлига турмушга чиқса, ўз-ўзидан хира шоҳи кўйлак кийган оғир-босиқ матроналар тўдасига ўтиб қолиши ва ўзи ҳам хира шоҳи кўйлакда худди шу алфозда шийпончалар ва меҳмонхоналарда ўйин-кулгиларга қўшилолмай вазмин савлат тўкиб ўтириши лозим бўлиши Скарлеттнинг хаёлига ҳам келмасди. Унинг ҳам ўй-хаёллари меҳробдан нарига ўтмасди. Боз устига айни дақиқада у ўзини шу қадар бахтсиз ҳис қилардики, мавҳум ўй-фикрларга берилишни истамасди.

У бошини қуйи солиб, қошиқча билан ликопчадаги ҳаводек енгил пиширикни инжилибгина чўқиларди. Буни у шундай назокат ва иштаҳасизлик билан қилардики, бу ҳаракати Моможоннинг мақтовига лойиқ бўлиши шубҳасиз эди. Ҳа, жазманларининг беҳад кўплигига қарамай, у ўзини жудаям бахтсиз ҳис қиларди. Номаълум сабабга кўра кеча оқшом ўзи тузган режа буткул барбод бўлди. У атрофига бир

гала ошиқни тўплашга эришди, бироқ улар орасида Эшли йўқ эди, куни кеча уни қийнаган ваҳимали ўйлар яна хаёлини банд этиб юрагини гоҳ ҳаприқиб уришга, гоҳ азобланиб тўхтаб қолишга, гоҳ юзидан қони қочиб, гоҳ лаҳча чўғдек қизариб кетишга мажбур қиларди.

Эшли унинг ҳамроҳлари қаторига қўшилишга мутлақо уринмади; Скарлетт у билан бир сонияга бўлса-да ёлғиз қолишга имкон тополмади, саломаликдан сўнг улар бир оғиз ҳам гаплаша олмадилар. У уй орқасидаги боғга чиққанида Эшли саломлашиш учун ёнига келди, аммо боши унинг елкасига зўрға етадиган Мелани билан келди.

Бу қиз маскарад учун ойисининг катта кринолинли кўйлагини кийиб ясаниб олган ёш боладек таассурот қолдирадиган ўта нозик ва митти хилқат эди: қўнғир кўзларида акс этган тортинчоқлик ва ҳадик ифодаси бу тасаввурни янада кучайтирарди. Жингалак қора сочлари орқасига турмакланиб, тўр парда ичига беаёв беркитилган, олд томонидан эса шундай тўғри фарқ очилгандики, пешонасини ўраб турган икки тутам сочи ўткир бурчак ҳосил қилган бўлиб, жиндак кенг ёноқли ва иягигача анчайин ингичкалашиб борган юзининг оваллигини бўрттириб кўрсатар ва юзига юракча шаклини берарди. Бу уятчан қиёфа ўз-ўзича ёқимтой эди, бунинг устига уни истарали кўрсатиш учун бирортаям аёл макри ишга солинмаганди. Мелани заминдек оддий, нондек азиз, булоқ сувидек мусаффо туюлар – ва у айнан шундай эди. Аммо бу жажжи, кўзга ташланавермайдиган ўн етти ёшли қизалоқ қадрини билиб ўзини шу қадар вазмин тутардики, натижада ёшига нисбатан катта кўринар ва бунда кўнгилни эритадиган ғалати бир нарса бор эди.

Органди матосидан тикилган, қирмизи атлас белбоғли оч кулранг кўйлакнинг қабариқ бурмалари ҳали тўлишмаган, ўсмирникидай қоматни яшириб

турар, узун қирмизи тасмали сариқ шляпадан эса офтобда бир оз қорайган нозик чеҳра узра заррин шуъла тушиб турарди. Икки ёноғида, кўзларининг шундоқ ёнида сочига тортилган тўр катаклари орасидан оғир зар попукли шокилалар ўтказилган ва заррин шуълалар сув тубига чўккан кузги япроқларнинг сариқлиги аниқ билиниб турган ўрмон кўли юзаси янглиғ тиниқ қўнғир кўзлар қорачиғида ўйнарди.

Мелани ибо билан Скарлеттга майингина жилмайди ва унинг зангори кўйлагини мақтаб қўйди. Скарлетт эса Эшли билан ёлғиз қолишни жуда истарди, шу боис Меланига одоб юзасидан бир нима дейиш учун ўзида зўрға куч топди. Шу дақиқадан бошлаб Эшли бошқалардан четда, Меланининг оёқлари ёнидаги курсичада Скарлетт жуда яхши кўрадиган мулойим орзуманд табассуми билан Меланига қараб ўтирди. Пировард натижада бу табассум Мелани кўзларида учқун пайдо қилар, шу боис қизалоқнинг чиройи очилиб кетар, буни ҳатто Скарлетт ҳам тан олмай иложи йўқ эди. Эшлига қараганида Меланининг содда юзчаси ичидаги оташдан шундай нурланиб кетардики, бу оташ фақат кучли муҳаббатдан пайдо бўлар, модомики кўзлар – кўнгил ойинаси экан, Мелани Гамильтон бунинг ёрқин намунаси эди.

Скарлетт бу жуфтликка қарамасликка уринар, лекин барибир ўзини тийиб туролмас ва ҳар гал улар томонга қараганида қувноқ кўринишга икки карра кўпроқ уринар, ё қотиб-қотиб кулар, ёки ошиқларининг жиғига тегиб қаттиқ-қаттиқ ҳазиллар қилар, ёхуд уларнинг хушомадларига жавобан шундай қизишиб бош чайқардики, қулоғидаги сирғалари гўё жазавага тушиб рақс тушаётганга ўхшарди.

– Ҳаммаси бемаъни гап! – таъкидларди у ва йигитларнинг ҳеч бири бирор оғиз ҳақ сўзни гапирмаётганини айтиб, ҳеч қачон эркак кишининг сўзига

ишонмайман, деб онт ичарди. Аммо Эшли унинг шу ердалигига эътибор ҳам қилмаётгандек туюларди. У ёлғиз Меланини кўрар, ёлғиз у билан гаплашар, пастдан юқорига бошини кўтариб Меланига қарар, Мелани эса пастга, Эшлига қараб, Эшли танлаган ягона қиз ўзи эканидан масрур, ошкора очилиб-сочилиб ўтирарди.

Скарлетт эса бахтсиз эди.

Четдан қараганда эса бу ёруғ оламда ундан бахтлироқ қиз йўқ эди. У, шак- шубҳасиз, бу издиҳомнинг маликаси, умум эътиборининг маркази эди. Эркаклар эътирофини қозонгани, қизларнинг ичини кемираётган ҳасад бошқа пайтда унга бир олам қувонч бахш этган бўларди.

Унинг эътиборидан руҳланган Чарлз Гамильтон ўнг қўл томонидан мустаҳкам жой эгаллади, уни бу ердан сиқиб чиқариш учун эгизакларнинг биргаликдаги уринишлари зое кетди. У бир қўли билан Скарлеттнинг елпиғичини, иккинчиси билан ҳали қўл урилмаган қовурдоқли товоқчани ушлаб турар, кўзини аламдан йиғлаб юборишга тайёр Ойимқизнинг кўзидан олиб қочарди. Скарлеттнинг чап тарафида эса Кэйд ўтлоқда бепарво ястаниб ётар ва унинг эътиборини ўзига қаратиш учун ора-сира этагидан тортиб, Стюартга куйдиргувчи нигоҳ ташлаб қўярди. У эгизаклар билан хийла қўпол ибораларда гап ташлашиб улгурган, вазият тобора кескинлашиб борарди. Фрэнк Кеннеди ёлғиз жўжаси атрофида парвона она товуқдек Скарлеттнинг теварагида гирдикапалак – ҳали столдан эман остига, ҳали эман остидан столга қараб югурар, гўё тўрт тарафга зир қатнаб юрган бир тўда хизматкорлар камдек, турли тансиқ таомлар келтирарди; алалоқибат бардош ва яхши тарбия таъсири Сьюлинни тарк этди ва у ғазабини яширолмай Скарлеттга қаҳрланиб қаради. Жажжи Кэрриннинг кўзлари жиққа ёш эди, чунки

Скарлеттнинг эрталабки ишонтиришларига қарамай Брент: "Хэлло, қизалоқ!" дея хитоб қилиш ва сочидаги лентасини тортиб қўйиш билан кифояланди ва бор эътиборини Скарлеттга қаратди. Одатда у Кэрринга жуда эътиборли эди ва унга шундай ҳазиломуз эҳтиром кўрсатардики, Кэррин ўзига сочини байрамона турмаклаб, узун юбка кийишга ва Брентни ўз жазманлари қаторига қўшишга рухсат бериладиган кун ҳақида ўйлаб яширин орзуларга бериларди. Ҳозир Брентнинг қалбини Скарлетт бутунлай эгаллаганга ўхшарди. Ойимқиз Манролар ўзларига хиёнат қилган буғдойранг ака-ука Фонтейнлардан хафа эканликларини усталик билан яширишса ҳам, барибир Тони ва Алекснинг эман тагида ўралашиб, йигитларнинг бирортаси Скарлеттни тарк этса, шу заҳоти унга яқинлашишга тайёр эканидан аччиқланишгани тайин эди.

Скарлеттнинг ўзини тутишидан норози бўлган опа-сингил Манролар нафратини қошларини хиёл, аммо маъноли чимириш орқали Хэтти Тарлтонга билдирдилар: "Беҳаё!" – якдиллик билан сўзсиз чиқарилган ҳукм шундай эди. Уч нафар ёш леди буйруққа итоат этгандек, тўқима соябонларини очиб, тўйиб кетишганини айтиб, меҳмондорчилик учун ташаккур билдирдилар ва шу яқин орадаги йигитларнинг қўлтиғидан олганча овозларини баралла қўйиб, дарё бўйида сайр этиш, атиргулларни томоша қилгани гулхонага бориш истагини билдирдилар. Ҳарбий санъатнинг жамики қоидаларига амал қилинган бу намойишкорона жидду жаҳд шу ерда ҳозир бўлган бирор-бир хонимнинг назаридан четда қолмади, бироқ битта ҳам эркакнинг эътиборини тортмади.

Болаликдан барчага таниш нарсаларни томоша қилиш баҳонасида уч нафар йигит куч билан унинг сеҳру жодуси таъсиридан олиб чиқиб кетилганини

кўриб, Скарлетт кулимсиради ва Эшли томонга тез кўз қирини ташлади – хўш, у нима рўй берганини пайқадимикан? Аммо Эшли бошини орқага ташлаб, қирмизи белбоғнинг учларини ўйнаб, Меланига жилмайиб қарарди. Скарлеттнинг юраги аламдан сиқилди: бу рангпар бетчага тирноқларини ботириб, қонига белаб юмдалагиси келаётганини ҳис қилди.

Меланидан кўзини олгач, Ретт Батлерни кўрди. У бир чеккада Жон Уилкс билан гаплашиб турарди. Ретт уни кузатаётганди чоғи, чунки кўзлари тўқнашганда унинг юзига қараб ошкора кулди. Скарлеттда ғалати бир нохуш сезги уйғонди ва ўзи учун мутлақо жумбоқ бўлган бу одам – бу ерда ҳозир бўлганлар орасида ёлғиз шу одам унинг зўрма-зўраки ва сохта хурсандчилиги замирида нима яширинганини билиб тургандек ва бундан қандайдир заҳаролуд ҳузур олаётгандек туюлди. Скарлетт унинг ҳам башарасини юмдалашга тайёр эди.

"Бунинг бари тезроқ тугай қолсайди, – ўйлади Скарлетт. – Қизлар юқорига чиқиб балдан олдин бир оз мизғиб олишга ётганида мен пастда Эшлини пойлайман. Албатта-да, мен бугун қандай эътиборга сазовор бўлганимни Эшли сезмаслиги мумкин эмас". У яна ўзини овута, ўзида умид туғдира бошлади. Эшли Меланига эътибор қаратмаса бўлмасди-да, ахир, қариндоши-ку: ҳамонки Меланига бирор кимса меҳр кўрсатишни истамаган экан, Эшли уни бундай ноқулай вазиятдан қутқармаса, кун бўйи ўзи ёлғиз қолишига тўғри келарди.

Бу фикрдан Скарлеттнинг руҳи бир оз кўтарилди, шу боис ўтли нигоҳини ўзидан узмаётган Чарлзни икки ҳисса кўпроқ куч сарфлаб аврай бошлади. Бу кун Чарлз ҳаётида эртаклардагидай ғаройиб кун эди ва у, нима бўлаётганини ўзи ҳам англамай, бир лаҳзадаёқ Скарлеттни бор вужуди билан севиб қолди. Бу навқирон туйғу уни шу қадар чулғаб олган эди-

ки, Ойимқизнинг қиёфаси узоқдаги туманлар ортида ғойиб бўлди. Ойимқиз туссиз чумчуқча, Скарлетт эса рангдор товус эди. У Чарлзга тегажоғлик қилар, уни рағбатлантирар, саволлар берар ва бу саволларга ўзи шундай жавоб қайтарардики, Чарлз деярли оғиз очмаса ҳам, ўзига ўзи ақлли ва зукко бўлиб кўринарди. Скарлеттнинг Чарлзга ошкора эҳтиром кўрсатаётганини кўрган бошқа йигитларнинг дили оғриган, улар ҳайрону лол эдилар, чунки улар Чарлзнинг тортинчоқлигидан ҳатто икки сўзни бир-бирига қовуштиролмаслигини билишар, шу боис вужудларида жўш урган ғазаб улардаги хушмуомалалик ва назокатни жиддий синовга дучор қиларди. Йигитлар ўзларини буткул йўқотиб қўйишган, агар Эшлини ўйламаганида Скарлетт ғалаба нашидасини бемалол сурган бўларди.

Мана, ниҳоят ликопчалардаги чўчқа, қўй ва жўжа гўштининг охирги бўлаклари ҳам ғойиб бўлди ва Скарлетт энди Индия ўрнидан туриб хонимларга уйга кириб, дам олишни таклиф қилса ҳам бўлади, деган хулосага келди. Кун пешиндан оққан, соат икки, меҳмон кутиш учун уч кун тайёргарлик кўриб қийналиб кетган Индия шийпончада яна озроқ ўтирганидан хурсанд, фейетвиллик қулоғи оғир кекса жентльменнинг қулоғига нимадир деб қичқирарди.

Ҳаммани ланжлик ва мудроқ боса бошлади. Негрлар шошмасдан дастурхонларни йиғиштирарди. Кайфиятлар сусайган, кулгилар босилган, ҳали у, ҳали бу даврада давом этаётган суҳбатларнинг чўғи аста-секин сўниб борарди. Меҳмонлар зиёфатнинг эрталабки қисми тугагани ҳақида ишора беришларини кутарди. Пальма елпиғичлар ҳавода секинроқ тебранар, айрим жентльменлар иссиқдан ва меъёрдан ортиқ ейилган овқатни ҳазм қилолмай лоҳас бўлиб пинакка кетишганди. Барбекю охирлаб қолган, ҳали қуёш юқори нуқтада турар, ҳамманинг ором олгиси келарди.

Барбекю билан бал оралиғида одатда одамлар ғам-ташвишлардан холи осойишталикни истаб қолади. Фақат йигитларнигина ҳар доимгидек ғайрат ва шижоат тарк этмайди. Бир-бирларига гап отиб, у ёқдан бу ёққа ўтиб турган ёшлар чиройли зотдор айғирларни эслатар ва гоҳида улардан кам хавф туғдиришмасди. Чошгоҳ пайтидаги хушҳол чарчоқлик барчани элитган, лекин ботинда аланга олаётган оташ исталган дақиқада портлаши мумкин эди, шундай пайтларда эҳтиросларбир лаҳзада жунбушга келар ва кимдир ҳаётдан кўз юмиши эҳтимолдан холи эмасди. Бу одамлар – эркакми, аёлми, барибир – чиройли, хушфеъл ва назокатли бўлишига қарамай, феъл-атворлари анчайин телбанамо ва асов эди.

Қуёш қиздиргандан қиздирарди, Скарлетт – фақат угина эмас – яна Индияга қаради. Суҳбатлар тугаб битди, сукунат ичра ҳамма Жераллнинг жаҳлдор овозини эшитди – у байрам дастурхонининг тўрида ўтириб, Жон Уилкс билан гап талашарди.

– Э, йўқ бўлиб кетганим яхши! Янкилар ишини муроса йўли билан ҳал қилишга уринайликми? Бу ярамасларни Самтер фортидан қувиб чиқарганимиздан кейин-а? Тинч йўл билан? Йўқ, Жануб қўлида қурол билан ўз устидан кулишларига йўл қўймаслигини ва биз Иттифоқ таркибидан унинг лутфу карами билан эмас, ўз ихтиёримиз билан чиққанимизни ва куч-қудрат биз томонда эканлигини кўрсатиб қўйишимиз лозим!

“Вой, худойим-ей! – хаёлидан ўтди Скарлеттнинг. – Ана энди унинг жағи очилди, тамом, энди бу ерда ярим тунгача ивирсиб юрамиз”. Айни шу лаҳза танбал ва лоқайд одамлар қаторини оралаб гўё учқун учиб ўтгандай ва уларнинг мудроқлигини гўё шамол учириб кетгандай бўлди. Эркаклар стул, ўриндиқлардан туриб кетдилар ва қўлларини силкитиб бир-бирларидан ошириб бақиришга урина бошла-

дилар. Хонимларни зериктириб қўйиш ножоиз деб ҳисоблайдиган мистер Уилкснинг илтимосини бажо келтирган эркаклар бутун эрта давомида уруш ёки сиёсат ҳақида лом-мим демадилар. Аммо Жералднинг оғзидан "Самтер форти" ибораси чиқиб кетгач, эркаклар бари бирдек мезбоннинг огоҳлантирганини унутдилар.

– Ўз-ўзидан маълумки, биз, албатта, уришамиз.

– Янкилар – муттаҳамлар...

– Биз уларни бир ойга қолмай янчиб ташлаймиз.

–Битта жанублик йигирмата янкига бас келади.

– Биз уларнинг шундай адабини бериб қўяйликки, бир умр эсларидан чиқмасин...

– Муроса йўли биланми? Нима, улар тинч йўл билан ҳал қилишдими?

– Эсингиздами, мистер Линкольн бизнинг вакилларимизни қандай ҳақорат қилганди?

– Ҳа-да, неча ҳафталаб уларни овора қилган, Самтерни кўчирамиз, деб ишонтирган...

– Улар урушни хоҳлайдими?

– Бўпти, биз уларни уруш билан бўғзиларигача тўйдирганимиз бўлсин.

Бу шовқин-суронни Жералднинг гулдираган овози босиб кетди.

– Жанубнинг ҳақ-ҳуқуқлари, жин урсин! – Скарлеттнинг қулоғига қайта-қайта урилди. Қизидан фарқли ўлароқ Жералд ҳузур қилар – унинг жунуни қўзиган эди.

Иттифоқдан чиқиш, уруш – бу сўзлар аллақачон Скарлеттнинг жонига теккан, лекин ҳозир уларга нисбатан ҳатто кескин нафрат ҳиссини туя бошлаганди, чунки унга бу сўзлар фақат бир нарсани англатарди – энди эркаклар у ерда соатлаб қаққайиб туришади ва бир-бирларига қараб жанговар нутқлар ирод этишади, у эса Эшлини қўлга киритолмайди. Боз устига ҳеч қандай уруш бўлмайди, буни улар ҳам

жуда яхши билишади. Уларга шунчаки ваъзхонлик қилиш ва ўзларини ўзлари эшитиш ёқади. Ҳамма ўрнидан турганида Чарлз Гамильтон турмади: янги туйғулар унга жасурлик бағишлаган, маълум даражада Скарлетт билан ёлғиз қолган Чарлз унга яқинроқ сурилди ва шивирлади:

– Мисс О'Хара, мен ... мен аллақачон бир қарорга келдим, агар чинданам уруш бошланса, мен Жанубий Каролинага бориб, уларнинг қўшини сафига қўшиламан. Айтишларича, мистер Уэйд Хемптон отлиқ аскарлар отрядини тузаётган эмиш, мен унинг қўл остида хизмат қилмоқчиман. У ажойиб инсон, у отамнинг қадрдон дўсти эди.

"Хўш, энди, унинг фикрича, мен нима қилишим керак – уч бора "ура" деб қичқиришим керакми?" – ўйлади Скарлетт, чунки Чарлз бу гапларни унга фитначилардек, гўё юрак тубида ётган сирини ошкор қилаётгандек пичирлаб айтди. Скарлетт нима деб жавоб қилишни билмай, унга шунчаки қараб турар ва бундай нарсалар аёлларни қизиқтиради, деб ўйлайдиган эркакларнинг аҳмоқлигидан ҳайрон бўларди. Чарлз эса Скарлетт ҳайратга тушди, лекин мени индамай маъқуллаяпти, деган хулосага келди ва янада дадиллашиб, тез-тез давом этди:

– Агар мен шундай қилсам, сиз... сиз мендан ранжийсизми, мисс О'Хара?

– Унда мен ҳар кеча ёстиғимни кўз ёшларим билан ювиб чиқаман, – деди Скарлетт ҳазиллашгиси келиб, аммо Чарлз унинг сўзларини жиддий қабул қилди ва хурсанд бўлиб кетганидан юзига қон югурди. Ўзининг журъати ва Скарлеттнинг кутилмаган хайрихоҳлигидан лол қолган Чарлз унинг кўйлаги қатлари орасидаги қўлини пайпаслаб топиб сиқди:

– Мени дуо қиласизми?

"Худойим, мунча аҳмоқ бўлмаса!" – ғазаб билан ўйлади Скарлетт ва кимдир уни бу суҳбатдан қутқа-

зармикан, деган умидда сездирмай атрофга кўз қирини ташлади.

– Дуо қиласизми?

– Бўлмаса-чи, албатта, мистер Гамильтон! Уйқуга кетиш олдидан уч марта тасбеҳ ўгираман!

Чарлз атрофга тез қараб олди, мушаклари таранглашаётганини ҳис қилди ва нафаси тиқилди. Улар, айни дамда, ёлғиз эдилар ва бундай имконият қайта туғилмаслиги мумкин эди. Борди-ю тақдир унга шундай имкониятни тағин раво кўрса ҳам бошқа пайт гапиришга унинг юраги дов бермаслиги мумкин...

– Мисс О'Хара... Мен сизга бир нарсани айтишим лозим... Мен.... сизни севаман.

– Нима? – беихтиёр қайта сўради Скарлетт овозини кўтариб гапираётган бир тўда эркаклар ортида ҳалиям Меланининг оёқларига бош эгиб ўтирган Эшлини яхшироқ кўришга интилиб.

– Ҳа, севаман! – Скарлеттнинг хохолаб кулмагани, чинқириб юбормагани ва ҳушдан кетиб қолмаганидан – Чарлзнинг фикрича, бундай ҳолларда бошқа қизлар билан, албатта, шундай воқеалар юз беради – руҳланган Чарлз эҳтирос билан пичирлади. – Мен сизни севаман! Сиз энг... энг.. – Шу пайт бирдан ҳаётида биринчи марта у тилга кирди: – Сиз дунёдаги энг гўзал, энг меҳрибон, энг мафтункор қизсиз! Сиз жуда дилбарсиз, мен сизни бутун қалбим билан севаман. Сиз мендек бир бенаво йигитни севиб қоласиз, деб ўйлашга ҳам ботинолмайман, аммо лекин сиз, азизам мисс О'Хара, заррача бўлсада, умид берсангиз, муҳаббатингизни қозониш учун қўлимдан келган ҳамма нарсани қиламан.

Туйғулари нақадар теранлигини исботлайдиган бирор мушкул қаҳрамонликни ўйлаб топишга қодир бўлмаган Чарлз жим қолди ва шунчаки деди:

– Менинг рафиқам бўлишингизни илтимос қиламан!

“Рафиқам” сўзини эшитганида Скарлеттга гўё уни осмону фалакдан ерга улоқтиришгандай бўлди. Айни шу дамларда у хаёлан ўзини Эшлининг хотини деб тасаввур қилар ва шу боис Чарлзга ошкора ижирғаниб қарарди. Ол-а, хавотирдан эси оғай деб турган бир пайтда бу телба бузоқ ўз ҳис-ҳаяжонлари билан унга дардисар бўлиб ўтирса-я! У илтижоли қўнғир кўзларга нигоҳ ташлади ва уларда на бу кўзларга дилбарлик бахш этиб турган журъатсиз илк муҳаббат ёлқинини, на ўзининг жонли тимсолини топган олий орзуси қаршисида топинишни, на латифликни, на оловдек ёнаётган завқ-шавққа тўла бахтли бўлиш умидини кўролди. Скарлетт учун севги изҳорини эшитиш, боз устига, мана бу Чарлз Гамильтондан кўра анча ёқимлироқ эркакларнинг таклифларини эшитиш янгилик эмасди ва боши муҳим муаммолар билан қотган бир пайтда уларнинг барбекюда бундай ишга уриниши одобдан эмаслигига ҳар биринг ақли етган бўларди. У қаршисида шунчаки уятдан қизариб кетган йигирма ёшли овсар бир йигитчани кўриб турарди. Скарлетт унга кўриниши нақадар бемаъни эканлигини жудаям айтгиси келди. Бироқ Эллиннинг ўгитлари беихтиёр ўз ишини қилди ва у ўз одатига кўра, уялинқираб ерга қаради ва беихтиёр бундай ҳолларда айтилиши лозим бўлган сўзларни гапира бошлади:

– Мистер Гамильтон, мен, шубҳасиз, сизга хотин бўлишимни сўраб кўрсатган эҳтиромингизни қаттиқ қадрлайман, лекин бу мен учун шундай кутилмаган ҳодисаки, тўғриси, сизга нима деб жавоб беришни ҳам билмайман.

Бу ошиқ йигитнинг нафсониятига тегмаган ҳолда, унинг занжирдан бўшаб кетишига йўл қўймасликнинг чиройли усули эди, Чарлз эса мутаассибларча тиришқоқлик билан қиз ташлаган қармоқдаги хўракни ютди:

– Абадий кутишга тайёрман! Майли, бу сизда ҳеч қандай шубҳа-гумонларга ўрин қолмаган пайтдагина содир бўлсин. О, мисс О'Хара, илтимос, айтинг, умид қилсам бўладими?

– Ҳм, – деди ўткир кўзлари эркакларнинг уруш ҳақидаги суҳбатига қўшилмай, ҳануз пастдан Меланига жилмайиб қараётган Эшлини кўриб турган Скарлетт. Мабодо унинг розилигини олишга қўярда-қўймай тиришаётган бу овсар бир дақиқа жим турганида, уларнинг нима ҳақда суҳбатлашаётганларини эшитган бўлармиди. Бу унга жуда зарур эди. Нима учун ҳозир Эшли Меланига бу қадар термулаётир, Мелани унга қандай муҳим хабарни айтиши мумкин?

Чарлзнинг ҳаяжон билан ғўлдираши уларнинг овозини босиб кетаётганди.

– Аҳ, жим бўлинг! – бехосдан унинг қўлини қисиб ва ҳатто унга қарамай вишиллади Скарлетт.

Дили оғриган, тонг қотган Чарлзнинг юзи баттар қизарди, лекин шу он у Скарлеттнинг нигоҳи ўзининг синглисига қадалганини кўриб, енгил нафас олди. Тўғри-да, Скарлетт шунчаки унинг гаплари кимнингдир қулоғига етиб боришидан қўрқади. У, табиийки, хижолат чекяпти, туғма уятчанлигига озор етди, уларнинг суҳбатини эшитиб қолишларидан чўчийди. Чарлзнинг эркаклик ғурури мисли кўрилмаган шиддат билан жўш уриб кетди – ахир, у умрида биринчи марта қиз боланинг кўнглига ғулғула солиб қўйди-да. Унинг қалбини оромбахш туйғулар чулғаб олди. У чеҳрасига бепарво тус беришга уринди ва ўзининг аслзодалигини, ҳаммасини тушунишини, ундан ранжимаганини кўрсатиш учун, ўз навбатида, Скарлеттнинг қўлини аста сиқиб қўйди.

Скарлетт эса Чарлз ўзининг қўлини сиққанини ҳатто сезмади ҳам, чунки айни дақиқада унинг қу-

лоғига Меланининг қўнғироқдек нафис овози – шубҳасиз, бу унинг сеҳру жодусининг асосий қуроли – аниқ-равшан эшитилди:

– Сизнинг гапингизга қўшилолмайман, деб қўрқаман. Мистер Теккерей – сурбет. Менимча, унинг ҳали мистер Диккенсга етишига кўп гап бор. Диккенс – ҳақиқий жентльмен.

"Вой худойим, у эркак киши билан қандай бемаъни нарса ҳақида гаплашяпти! – ўйлади сал бўлмаса жаҳли чиқаёзган Скарлетт дарҳол енгил тортиб. – Ахир, у шунчаки кўк пайпоқ – китобга берилган назокатсиз аёл, бундай қизларга эркакларнинг муносабатлари ҳаммага маълум-ку... Эркак кишини ўзига жалб қилиш ва уни қўлдан чиқармаслик учун, аввало, унинг ўзи ҳақида суҳбатлашиш, кейин аста-секин, билдирмай суҳбатни ўз томонига буриш лозим, шундан сўнггина бу мавзуга ўтиш мумкин". Агар Мелани, масалан, мана бундай гапларни гапирганида Скарлетт албатта хавотирга тушарди: "Сизнинг айтганларингиз жуда зўр гаплар!" ёки: "Миянгизда нечоғлик кутилмаган фикрлар туғилади! Агар мен бундай жиддий нарсалар ҳақида ўйлай бошласам, шўрлик бошим зўриқиб тарс ёрилиб кетарди!". Мелани эса бунинг ўрнига пойида ўтирган эркакка қараб, гўё черковда ўтиргандек, ўта жиддий гапларни гаплашиб ўтирибди. Келажак Скарлетт кўз ўнгида қайтадан гулгун қиёфада намоён бўлди ва унинг руҳи яна шу қадар кўтарилдики, ниҳоят у бурилиб Чарлзга қараганида, кўзлари порлар, лабларида эса шодон табассум ўйнарди. Ўзига бўлган мойилликнинг бу аксидан руҳланган Чарлз унинг елпиғичини қўлига олиб, шу қадар зўр бериб елпий бошладики, Скарлеттнинг соч турмаги тўзғиб кетди.

– Сиз ҳали ўз фикрингизни билдиришни лозим кўрмадингиз, – деди Жим Тарлтон Эшлига мурожаат қилиб.

У нарироқда, бир нима тўғрисида қаттиқ баҳслашаётган эркаклар орасида эди, Эшли ҳам Меланидан узр сўраб, ўрнидан турди. "У бу ердаги йигитларнинг энг чиройлиси", ўйлади Скарлетт Эшлининг назокатли ҳаракатларидан ва сарғиш сочларида жилваланаётган қуёш нурларидан завқланиб. Ҳатто ёши улуғ эркаклар ҳам унинг сўзларига қулоқ тутиб жим қолишди:

– Нима ҳам дердим, жаноблар, модомики Жоржия курашадиган бўлса, мен унинг байроғи остида жанг қиламан. Бўлмаса, эскадрон сафига кирармидим? – Унинг катта очилган кўк кўзларидаги орзумандлик ифодасидан асар ҳам қолмади, унинг ўрнини шундай қатъият эгалладики, Скарлетт ҳайратдан лол қолди. – Аммо мен отам каби янкилар бизнинг ҳаётимизга тумшуғини суқмайди ва биз урушмаймиз, деган умиддаман. – Ака-ука Тарлтонлар ва Фонтейнлар нимадир деб, бири олиб, бири қўйиб шовқин солишганида у жилмайиб қўлини кўтарди. – Ҳа, ҳа, биламан, бизни ҳақорат қилишди, алдашди... аммо янкилар ўрнида биз бўлганимизда ва улар Иттифоқдан айрилиб чиқишни истаб қолишганида, хўш, нима қилардик? Тахминан худди шундай. Бизга бу ёқмаган бўларди.

"Ҳа, албатта, ҳар доимгидек, – ўйлади Скарлетт. – Бир умр у ўзини бошқаларнинг ўрнига қўйиб кўришга ҳаракат қилади". Скарлетт бу баҳсда ҳар икки томон ўз-ўзича ҳақ, деб ҳисобламасди. Баъзида у Эшлини тушунмасди.

– Ҳаддан зиёд қизишиб кетмайлик ва орқа-олдимизга қарамай жанжал чиқармайлик. Дунёнинг кўп кулфатлари урушлар туфайли содир бўлган. Уруш тугагандан кейин ҳеч ким нима учун бундай бўлганини дурустроқ тушунтириб беролмаган.

Скарлеттнинг жаҳли чиқиб кетди. Эшлининг бахти – бенуқсон обрў-эътиборга эга эканлигида,

унинг жасурлигига шубҳа билан қараш ҳеч кимнинг хаёлига ҳам келмайди, акс ҳолда у ҳақоратга учраган бўларди. Скарлетт бу ҳақда ўйлаб улгурмасидан Эшлини ўраб турган ёшлар орасида шовқин кучайиб, дарғазаб хитоблар янгради.

Шийпончада ўтирган фейетвиллик қулоғи оғир кекса жентльмен Индиянинг енгидан тортди.

– Улар нима ҳақда тортишяпти? Қандай кор-ҳол юз берди?

– Уруш! – қўлини унинг қулоғига қўйиб қичқирди Индия. – Улар янкилар билан урушмоқчи.

– Уруш? Мана, гап нимада! – хитоб қилди чол, ҳассасини қидириб топиб ўрнидан ирғиб туриб кетди, уни кўпдан бери билганлар ҳайрон бўлиб қолишди. – Мен уларга шу ҳақда баъзи нарсаларни айтиб беришим мумкин. Мен урушда бўлганман. – Мистер Макрага уруш ҳақида гапиришга ҳар доим ҳам имкон берилмасди – кўпинча оиласидаги аёллар унинг оғзини ёпишга улгурарди.

Мистер Макра ҳассасини силтаб, нималардир деб ҳайқириб шоша-пиша нарироқда турган эркаклар тўдаси томон юрди, унинг тошгаранглиги ва рақибларини эшитишдан мосуволигини билган эркаклар дарҳол таслим бўла қолдилар.

– Эй сиз, довюрак ва жасур ёшлар, мендек бир мўйсафиднинг гапига қулоқ тутинг. Сизга бу уруш керакмас. Мен, ахир, жанг қилганман, биламан. Семинол кампаниясида қатнашганман, аҳмоқлигимдан Мексика урушида ҳам иштирок этганман. Уруш нималигини ҳеч биринг билмайсиз, Сиз буни – чиройли отни чоптириб юриш, сизга гул отадиган қизларга кулиб қараш ҳамда уйга қаҳрамон бўлиб қайтиш, деб ўйлайсиз. Ахир, бу бутунлай бошқа нарса. Ҳа, сэр! Бу – оч-наҳор юриш, зах ерда ухлаш, безгак ва ўпка касаллигига мубтало бўлиш. Безгакдан қочсанг, ичбуруғга дучор бўласан. Ҳа, сэр,

уруш ичакларга раҳм қилиб ўтирмайди – бу ёқда дизентерия, ва ...

Уятдан хонимларнинг юзи қизариб кетди. Мистер Макра, ғоят қаттиқ кекириб юборадиган Фонтейн буви каби, ўтмишда қолган ва ҳамма унутишга интиладиган ёмон замондан жонли хотира эди.

– Бор, бобонгни у ердан олиб кет, – дея шипшиди қариянинг қизларидан бири ёнида турган қизининг қулоғига. – Тўғриси-да, кундан-кунга у баттар эзма бўлиб боряпти, – дея тан олди у атрофида шовқин солаётган эътиборли хонимлар олдида пичирлаб. – Тасаввур қилинг, бошқасини қўя турайлик, бугун эрталаб у Мэрига нима деганини биласизми – қизалоқнинг ёши бор-йўғи ўн олтида..

Шундан сўнг шивир-шивир зўрға эшитила бошлади, невара қиз мистер Макрани яна сояга, ўз жойига олиб бориб қўйиш учун шийпончадан чиқди.

Дарахтлар тагида вақтичоғлик қилаётган оломон – қизғин суҳбатлашиб ўтирган эркаклару ҳаяжонланиб жилмаяётган қизлар – орасида фақат бир киши мутлақо хотиржам кўринарди. Скарлетт яна Ретт Батлерга қаради: у дарахтга суянганча қўлларини шимининг чўнтагига тиқиб, мистер Уилкс ёнидан кетганидан буён ёлғиз ўзи турарди, эркаклар ўртасидаги баҳс қизигандан қизиб борар, аммо у чурқ этмасди. Ингичка қора мўйлови остидаги лабларида билинар-билинмас табассум ўйнар, қора кўзларида эса, гўё қизиққон болакайларнинг мақтанчоқлигини эшитиб кулгиси қистаётгандек, такаббурона истеҳзо йилтирарди. "Табассуми бунча ёқимсиз бўлмаса", ўйлади Скарлетт. Сап-сариқ сочлари ҳурпайган Стюарт Тарлтон кўзлари ёниб бир неча марта қичқирмагунича у баҳсни жимгина эшитиб турди:

– Биз уларни бир ой ичида тор-мор қиламиз! Бу қаланғи-қасанғилар асл жентльменларга қарши

нима ҳам қила оларди? Бир ой қаёқда – битта жангдаёқ уларни янчиб ташлаймиз.

– Жентльменлар, ижозат берсангиз, бир оғиз гапирсам, – деди Ретт Батлер ҳолатини ўзгартирмай, қўлини чўнтагидан чиқармай ва чарльстонликларга хос эринчоқлик билан сўзларни чўзиб.

Унинг овози ҳамда нигоҳида назокатли лутф билан ниқобланган нафрат сезилар ва бу, ўз навбатида, мазахга ўхшаб кетарди.

Эркаклар у томонга ўгирилиб қарашди ва унинг ўз қавмларига мансуб эмаслигини таъкидлагандек ортиқча такаллуф билан жим бўлиб қолишди.

– Бирортангиз, жентльменлар, Мейкон-Диксон темир йўл тармоғидан жанубга томон бирортаям қурол-яроғ заводи йўқлигини ҳеч ўйлаб кўрганмисиз? Ёки умуман Жанубда металл қуйиш заводлари камчиллиги ҳақида-чи? Қолаверса, тўқимачилик фабрикалари, жун йигириш ёки кўнчилик корхоналари ҳам камлигини-чи? Бизда бирортаям ҳарбий кема йўқлиги, янкилар флоти бандаргоҳларимизни бир ҳафтада қамал қилиши, биз эса океан ортига атиги бир той ҳам пахта сота олмаслигимиз устида бош қотириб кўрганмисиз? Аммо, ўз-ўзидан равшанки, сиз бу ҳақда ўйлаб кўргансиз, жентльменлар.

"Э, у бизнинг йигитларни телбалар тўдаси, деб ҳисоблайди, шекилли!" – жаҳл билан ўйлади Скарлетт ва ёноқларига қон югурди.

Афтидан, бундай фикр ёлғиз унинг хаёлига келмаганга ўхшайди, чунки баъзи бир йигитлар гапираётган эркакка чермайиб қаради. Аммо Жон Уилкс шу ондаёқ ҳаммага бу одам ўзининг меҳмони эканлигини, боз устига издиҳомда аёллар ҳам борлигини эслатиб қўйгиси келиб, тасодифан пайдо бўлгандек, Ретт Батлер ёнида кўриниш берди.

– Ҳамма бало шундаки, биз жанубликлар дунё бўйлаб саёҳатга кам чиқамиз, ё бўлмаса, саёҳатла-

римиздан тегишлича хулоса чиқармаймиз. Ҳа, шубҳасиз, жентльменлар, ҳаммангиз ҳам кўп саёҳат қилгансиз. Лекин нимани кўргансиз? Европани, Нью-Йорк ва Филадельфияни, хонимлар ҳам, – у шийпончага қараб енгил таъзим қилди, – ҳеч шубҳасиз, Саратогада бўлишган. Сиз меҳмонхонаю музейларни кўргансиз, бал ва қиморхоналарда бўлгансиз, уйингизга, Ер юзида бизнинг Жанубдан яхшироқ ер йўқ, деган қатъий ишонч билан қайтгансиз. Менга келсак, мен Чарльстонда туғилганман, лекин сўнгги бир неча йилни Шимолда ўтказдим. – Нима сабабдан у Чарльстонда энди яшамаётгани бу ерда ҳозир бўлганлар учун, албатта, сир эмаслиги шубҳасиз, аммо унга бунинг бир пуллик аҳамияти йўқлигини гўё билдириб қўймоқчидек, оппоқ тишларини кўрсатиб илжайди. – Ва мен сизнинг бирортангиз ҳам кўрмаган кўп нарсаларни кўрдим. Мен бир бурда нону бир неча доллар учун янкилар томонида туриб жанг қилишга тайёр минглаб муҳожирларни кўрдим, заводлар, фабрикалар, верфлар – кемасозлик корхоналари, қазилма бойликлар ва кўмир конларини – бизда йўқ нарсаларни кўрдим. Бизда фақат пахта, қуллар ва кибр-ҳаво бор. Биз уларни эмас, улар бизни бир ойда янчиб ташлайди.

Бир сония атроф сув қуйгандек жимжит бўлиб қолди. Ретт Батлер чўнтагидан нафис ипгазлама дастрўмолчасини чиқарди ва бепарволик билан енгидаги чангни қоқди. Меҳмонлар орасида ёқимсиз шивир-шивир тарқалди, шийпонча эса тинчи бузилган асалари уясидек ғувиллай бошлади. Скарлеттнинг юзи ҳали ғазабдан ёнаётган бўлсада, унинг тийрак ақлидан: бу одам ҳақ – унинг сўзлари соғлом мантиқдан холи эмас, деган фикр ўтди. Дарҳақиқат, у умрида бирорта завод ёки уни ўз кўзлари билан кўрган одамни учратмаганди.

Аммо, барибир, бу Батлер жентльмен эмас, бундай даъволарни айтиш билан, боз устига, яна одамлар ўйин-кулги қилиш учун йиғилган тадбирда, у ўзининг ёмон тарбия кўрганини ошкор қилди.

Стюарт Тарлтон қошларини чимириб олдинга қадам ташлади, Брент эса унинг ортидан эргашди. Шубҳасиз, эгизаклар бинойидай тарбия кўришган – қўллари қанча қичимасин, улар барбекюнинг ўзида муштлашишмайди. Шундай бўлса-да, хонимларни ёқимли ҳаяжон босди – ахир, улар камдан-кам ҳолларда ошкора жанжални кўриш бахтига муяссар бўлишган-да; одатда, улар ҳаммасини учинчи шахслардан билиб олишларига тўғри келарди.

– Сэр, – таҳдидли оҳангда гап бошлади Стюарт, – бу билан нима демоқчисиз?

Ретт одоб билан жавоб берди, бироқ кўзларида истеҳзо акс этди:

– Мен айтмоқчийдимки, Наполеон – сиз у ҳақда эшитган бўлсангиз керак – бир гал: "Парвардигор доим кучлироқ армия томонидадир!" деган экан. – Кейин у Жон Уилксга мурожаат қилиб, ҳар қандай сохталикдан холи тарзда, самимий эҳтиром билан деди: – Сиз менга кутубхонангизни кўрсатишга ваъда бергандингиз, сэр. Мабодо буни ҳозир бажаришингизни илтимос қилсам, илтифотингизни ортиқча суиистеъмол қилмайманми? Тез орада Жонсборога қайтиб кетишимга тўғри келади, деб қўрқаман – у ерда кичик, бироқ жуда зарур ишим бор эди.

Қолган меҳмонлар томон ўгирилиб, у пошналарини тақиллатди ва шундай атлетик гавда тузилишига эга бўлган киши учун фавқулодда енгиллик ва назокат билан ва айни пайтда тарсакидек ғашга тегар даражада – худди рақсдагидек – эгилиб таъзим бажо келтирди ва Жон Уилкс ортидан қора сочли бошини баланд кўтариб уй томон йўл олди.

Майсазорда қолганларнинг қулоғига унинг асабга тегадиган истеҳзоли кулгиси чалинди.

Бир лаҳзалик саросимали жимликдан сўнг яна овозлар гувиллай бошлади. Шийпонча олдида ўтирган Индия ўрнидан ҳорғин туриб, ғазаби қайнаган Стюарт Тарлтон томон юрди. Скарлетт Индиянинг сўзларини эшитмади, лекин унинг Стюартга қараган нигоҳидан ўқиган маъно уни виждон азобидек бир дардни ҳис қилишга мажбур этди. Меланининг Эшлига қарагандаги нигоҳи қандай бўлса, Индияники ҳам худди ўшандай – ўзини унутган, ўз туйғулари гирдобига ғарқ бўлган нигоҳ эди, фақат Стюарт буни кўрмасди. Ҳа, демак, Индия уни севади! Беихтиёр Скарлеттнинг хаёлига, агар у ўшанда, анави сиёсий йиғинда жон-жаҳди билан Стюартга ноз-карашма қилмаганида, балки у аллақачон Индияга уйланган бўлармиди, деган фикр келди. Лекин, модомики баъзи қизлар йигитларни ўз ёнларида тутиб туришолмас экан, бу унинг айби эмас, дея ўзини ўзи тинчлантирди.

Лекин, мана, Стюарт Индияга ўзини ошкора мажбурлаб илжайди ва бош ирғади. Индия ундан мистер Батлерни тинч қўйишни, жанжал чиқармасликни илтимос қилган бўлса керак. Дарахтлар тагида ҳамма нарса ҳаракатга келди, меҳмонлар кўйлакларидаги ушоқларни қоқиб, ўринларидан тура бошлашди, оилали аёллар болалари ва энагаларни чақириб, уйга жўнаш учун жўжаларини қанотлари остига йиғарди, қизлар эса тинмай бидирлаб, кула-кула юқоридаги хоналарда истаганча ғийбат қилиш ва мизғиб олиш учун уй томон йўл олдилар.

Хонимлар эманлар сояси ва шийпончани тарк этиб, бу жойларни эркаклар ихтиёрига қолдирдилар, ёлғиз миссис Тарлтонгина ушланиб қолди – Жералд, мистер Калверт ва яна кимдир ундан у Эскадрон учун отларини берадими, йўқми, деган саволга

жавоб олишни истардилар. Эшли ўйчан ва бир оз истеҳзоли жилмайиб, Скарлетт ва Чарлз ўтирган жойга қараб юрди.

– Жасур одам-а, сиз нима дейсиз? – деди у кетиб бораётган Ретт Батлернинг ортидан қараб. – Герцог Боржианинг ўзгинаси.

Скарлетт графликдаги, ҳатто Атланта ва Саваннадаги барча нуфузли хонадонларни хаёлидан ўтказиб, зўр бериб эслашга уринди, бироқ бундай исм-шарифни эслай олмади.

– Ким улар? Бу кишиларни билмас эканман. У уларнинг қариндошими?

Чарлз унга ғалати қараш қилди – таажжуб ва хижолат билан, бироқ севгиси шу заҳотиёқ ҳаммасидан устун келди. Муҳаббати унга қиз бола учун гўзал, оқ кўнгил, меҳрибон ва жозибадор бўлиш кифоя эканини, билимдонлик эса жозибасига фақат путур етказиши мумкинлигини ёдига солди ва шошиб деди:

– Боржиалар итальян эдилар.

– Ҳа, чет элликларми, – деди чўзиб Скарлетт ва шу заҳоти уларга бўлган қизиқиши сўнди.

У Эшлига ўзининг мафтункор табассумини ҳадя қилди, лекин негадир Эшли кўзини унинг нигоҳидан олиб қочарди. Чарлзга эса ғалати ҳамдардлик ва ачиниш ҳисси билан қararди.

Скарлетт зина майдончасида турар ва сездирмай пастга қararди. Холл бўм-бўш эди. Юқоридаги ётоқлардан гоҳ пасайиб, гоҳ кучайган ғала-ғувурлар, қаҳ-қаҳалар, узуқ-юлуқ: "Наҳотки! Бўлмаган гап!", "Хўш, у кейин нима дебди?" каби хитоблар эшитиларди.

Олтита кенг ётоқда қизлар кўйлакларини улоқтириб, корсет боғичларини ечиб ташлаб, сочларини елкаларига ёйиб – баъзи бировлари каравотда, баъзилари ўриндиқда – дам олишарди.

Бу ўлкаларда тушдан кейин ухлаш одатига қатъий риоя қилинарди, байрам эрталабдан бошланиб, бал билан якунланадиган бундай кунларда эса ҳордиқ чиқариш шарт ва зарур эди. Қизлар ярим соатча гаплашиб, кулишиб оладилар. Кейин эса хизматкорлар келиб эшикларни ёпади ва ғираширада баланд овоздаги гурунглар шивир-шивирга айланади, кейин эса бутунлай тинади ва сукунатни фақат осойишта, бир маромдаги нафас олишлар бузиб туради, холос.

Мелани аллақачон Ойимқиз ва Хэтти Тарлтон билан бирга тўшакда ётганига ишонч ҳосил қилган Скарлетт ётоқдан сездирмай чиқди ва холлга туша бошлади. Зина майдончасидаги деразадан шийпонча ва у ерда ўтирган эркакларнинг қораси кўриниб турарди. Улар катта қадаҳларда вино ичишар ва Скарлетт бу машғулот кечгача давом этишини биларди. У диққат билан қаради, аммо улар орасида Эшлини кўрмади. Шунда туйқусдан унинг овозини эшитди. Скарлеттнинг умидлари амалга оша бошлади: Эшли уйнинг олд тарафидаги ҳовлида болали аёлларни кузатиб қўяётганди.

Юраги дукурлаб уриб кетганини сезган Скарлетт шошиб пастга туша бошлади. Мабодо мистер Уилксга дуч келиб қолса нима бўлади? Қандайдир баҳона ўйлаб топиб, бошқа қизлар қатори мизғиб олиш ўрнига нега уй ичида сандирақлаб юрганини тушунтириши лозим. Илож қанча, таваккал қилишга тўғри келади.

У зинадан тушаётиб, хизматкорларнинг бош хизматкор бошчилигида рақсга жой бўшатиш учун ошхонадан стол-стулларни олиб чиқишаётганини кўрди. Холл ичкарисидаги кутубхонага ўтиладиган эшик қия очиқ эди, у секин ўша хонага кириб олди. Эшли меҳмонларни кузатиб бўлгунича шу ерда кутиб туради ва даҳлиздан ўтаётганида чақириб олади.

Кутубхона нимқоронғу, деразалардаги чийпардалар туширилган. Бу баланд деворлар қуршовида, унга ҳар ёқдан қараб турган китобларнинг қорамтир муқовалари орасида Скарлетт ўзини ноқулай сезди. Агар унинг ихтиёрида бўлганида мўлжали бўйича бу ердаги учрашув учун бутунлай бошқа жойни танларди. Сон-саноқсиз китоблар уни, китоб ўқишга муккасидан кетган одамлар қандай зериктирса, худди шундай зериктирарди. Албатта, Эшли бундан мустасно. Скарлетт қадимги мебелларнинг ноаниқ шаклини фарқлай бошлади; баланд суянчиқли, кенг болишли юмшоқ ўриндиқлар – Уилкслар авлодининг баланд бўйли эркаклари учун, ва пастаккина, юмшоқ духоба қопланган ва олдига ёстиқчалар ташлаб қўйилган юмшоқ ўриндиқлар – хонимлар учун. Хона тўрида камин ёнида турган баланд суянчиқли диван – Эшлининг ҳордиқ чиқарадиган севимли жойи – ухлаётган улкан жониворга ўхшарди.

Скарлетт эшикни қия очиқ қолдирди ва юрагининг безовта уришини босиш учун тўхтаб турди. У кечаси Эшлига айтиш учун ўйлаб қўйган сўзларининг бирортасини ҳам эслай олмаётганини пайқаб қолди. Ҳаммаси миясидан чиқиб кетганмикан ёки бўлмаса ўша пайт кўпроқ Эшли нима деб жавоб бериши ҳақида ўйлаганмикан? Ҳозир эса ҳеч нарсани эслаёлмади ва қўрқувдан қотиб қолди. Агар юраги телбаларча уришдан тўхтаганида, балки у бирор нарса ўйлаб топган бўларди. Аммо Эшли хайрлашаётиб яна бир марта нимадир деб қичқириб, холлга кирганида Скарлеттнинг юрак уриши фақат тезлашди, холос.

Унинг фикру хаёллари тўзғиб кетиб, фақат бир нарса қолди: у Эшлини севади. Эшлининг сариқ сочли бошини виқор билан тутиб туришини севади, ундаги ҳамма, ҳамма нарсани севади, ҳатто қора этикларининг ярқираб туришини ва уни мушкул аҳволга солиб қўювчи кулгисини ҳам, саросимага

солувчи камгаплигини ҳам севади. Эҳ, қанийди у тўғри шу ерга кирса-ю, уни бағрига босиб, нимадир дейиш азобидан халос этса. Ахир, Эшли уни севади-ку... "Агар худога илтижо қилса-чи?" У кўзларини қаттиқ юмиб, тез-тез пичирлай бошлади:

– Ё Муқаддас авлиё она, ё Биби Марям...

– Қанақасига? Бу сизмисиз, Скарлетт? – у қулоғига урилаётган юрагининг телбавор дупур-дупури орасидан Эшлининг овозини эшитди ва кўзларини очиб, саросимага тушиб қотиб қолди. Эшли қия очиқ эшик ортида унга қараб турар, лабларида ҳазиломуз савол маъносидаги табассум ўйнарди.

– Сиз бу ерда кимдан беркиниб ўтирибсиз – Чарлзданми ёки Тарлтонлардан?

Қувончдан Скарлеттнинг нафаси тиқилиб қолди. Демак, Эшли йигитларнинг унинг атрофида қандай гирдикапалак бўлишганини кўрибди. Скарлетт Эшлининг кулиб турган кўзларига қаради ва яна бир карра ўзининг нақадар қадрли эканини ҳис қилди. Скарлетт бир оғиз сўз айтолмади ва жимгина уни енгидан тутиб, кутубхонага етаклади. Ҳайрон бўлиб, қизиқиб қолган Эшли унинг таранг тортилган тор ҳолига тушганини кўрди, ғира-шира қоронғуликда Скарлеттнинг кўзлари аллақандай ғалати изтироб билан чақнар, юзлари қизариб кетганди. Қарийб ғайришуурий тарзда Эшли ортидаги эшикни ёпди ва унинг қўлидан тутди.

– Нима бўлди? – овозини беихтиёр пастлатиб шивирлаб сўради у.

Унинг қўли тегиши билан Скарлетт титраб кетди. Ана! Бу ҳозир рўй беради – ҳаммаси у орзу қилганидай бўлади! Унинг миясида бетартиб фикрлар ғужғон ўйнар, лекин бирортаси сўзда ўз ифодасини топмасди. Скарлетт аъзойи бадани титраб Эшлининг кўзига қаради. Нега у индамаяпти?

– Хўш, нима бўлди? – такрорлади у. – Сиз менга қандайдир бир сирни айтмоқчимисиз?

Туйқусдан унинг тили калимага келди ва шу ондаёқ Эллиннинг ўгитлари унинг шуурини тарк этди ва томирларида Жералднинг ирланд қони эҳтирос билан тилга кирди.

– Ҳа, хоҳлайман... Мен сизни севаман.

Бир лаҳза ҳукм сурган жимликда ҳатто Скарлеттнинг нафас олаётгани ҳам сезилмасди. Уни чулғаб олган титроқ шу заҳоти босилди-қолди, бахт ва ғурурдан сармаст Скарлетт хаёлидан: нима учун буни унга илгарироқ айтмадим, деган фикр ўтди. Унга ўргатишган турли аёллар макридан кўра бу нақадар оддий! Сўнг Скарлетт унинг кўзларига қаради.

У бу кўзларда қўрқув, ишончсизлик ва яна қандайдир маъноларни ўқиди... Оёғи синган севимли отини отишга мажбур бўлиб, унга қараб турганида Жералднинг нигоҳи шунақа эди. Нега айнан шу дамда бу унинг эсига тушди? Қандай аҳмоқона фикр бу? Нима сабабдан Эшли унга бундай ғалати қараяпти ва сукут сақлаяпти. Лекин шу он йигитнинг чеҳраси одатдаги тусга кирди – у гўё доимий ниқобини юзига тортиб олди-да, жилмайди.

– Бугун ҳамманинг юрагини ром қилиб олганингиз сизга камлик қиляптими? – сўради у аввалгидек майин истеҳзоли оҳангда. – Сизга яна битта катта ғалаба керакми? Аммо менинг қалбим доим сизга тегишли бўлган, ахир, сиз буни биласиз-ку. Сиз унга азоб беришингиз, уни парчалаб ташлашингиз мумкин.

Нимадир бошқача эди. Ҳаммаси бутунлай, бутунлай бошқача бўлиб чиқди. Ўзи тасаввур қилганидан ўзгача. Бошидан қуюндек ўтаётган фикрлар тўзони орасида биттаси рад этиб бўлмас даражада аниқлик касб этди: негадир қандайдир тушунарсиз сабабга кўра Эшли ўзини шундай тутардики, гўё Скарлетт унга ҳам шунчаки бир оз ноз-карашма

қилишга аҳд қилган, деб ўйлаётганга ўхшарди. Аммо қалбининг туб-тубида бундай эмаслигини у билади. Унинг буни билишини Скарлетт сезиб турарди.

– Эшли, Эшли... менга айтинг... сиз айтишингиз керак... Аҳ, мени мазах қилишни бас қилинг! Ахир, қалбингиз менга тегишли-ку? О, азизим, мен сизни сев...

Эшли қўли билан унинг оғзини беозоргина ёпди ва юзидаги ниқоб ғойиб бўлди.

– Сиз бундай демаслигингиз керак, Скарлетт! Демаслигингиз керак! Сиз бундай ўйламайсиз. Бу сўзларни айтганингиз учун ўзингизни ёмон кўриб қоласиз, уларни эшитганим учун мени ҳам!

Скарлетт бошини силкитди. Бошидан товонигача вужудини қайноқ ғалаён қамраб олганини ҳис қилди.

– Ҳеч қачон, ҳеч қачон! Сизни севаман, яхши биламанки, сиз ҳам... Чунки... – Эшлининг юзида акс этган беадад дарддан ҳайратга тушган Скарлетт бирдан жимиб қолди. – Эшли, аммо сиз мени севасиз-ку, севасиз-ку, тўғрими?

– Ҳа, – деди Эшли бўғиқ овозда. – Ҳа, севаман.

Агар Эшли шу дамда Скарлеттга жирканчлисан, деб айтганида ҳам, ҳатто ана шундай сўзлар ҳам, тўғриси, уни бу қадар қўрқитмаган бўларди. Скарлетт гапиролмай қолди ва унинг енгига ёпишди.

– Скарлетт, – деди Эшли, – хайрлашамиз ва ҳозир бир-биримизга айтган гапларимизни бутунлай унутамиз.

– Йўқ, – пичирлади у, – мен бундай қилолмайман. Нима учун бундай қиляпсиз? Наҳотки сиз... наҳотки сиз менга уйланишни истамасангиз?

– Мен Меланига уйланаман, – жавоб берди Эшли.

Кейинчалик у духоба қопланган пастгина юмшоқ ўриндиқда, Эшли эса – унинг оёқлари олдидаги ёстиқчада ўтирганини ғира-шира эслади. Эшли

унинг қўлларини қўллари билан маҳкам сиқиб, нималарнидир гапирар, аммо бу сўзлар унинг учун мутлақо маънисиз эди. У бошида ғалати бўшлиқни ҳис қилар, бир дақиқа олдин хаёлини банд этган фикрлар қаёққадир ғойиб бўлган, Эшлининг гаплари эса ҳеч қандай из қолдирмай дераза ойнасидан сирғалиб тушаётган ёмғир томчилари сингари унинг онгига етиб бормас, Эшли у билан ота аразлаган боласи билан гаплашгандай гаплашар, аммо бу равон, мулойим, ачиниш ҳисси билан йўғрилган, шивирлаб айтилаётган сўзлар бўшлиққа сингиб кетарди.

Меланининг исми айтилганда у аслига қайтди ва Эшлининг тиниқ кўк кўзларига назар солди. Уларда яна ўша – уни доим ташвишга солувчи бегонасираш ва ўз-ўзидан жирканишга ўхшаш бир маъни бордек туюлди.

– Бугун отам бизнинг унаштирилганимизни эълон қилиши керак. Биз тез орада турмуш қурамиз. Буни сизга айтишим лозим эди, аммо сиз аллақачон эшитгансиз, деб ўйлабман. Бу гап ҳаммага маълум... анчадан бери маълум, деб хаёл қилибман. Мен ҳеч қачон ўйламаган эканман, сизнинг... ошиқларингиз шу қадар кўпки. Фаҳмлашимча, Стюарт...

Скарлетт секин-аста ҳаётга қайта бошлади, сезимлари жонланди ва Эшлининг гапларини англай бошлади.

– Лекин ҳозиргина сиз, бир дақиқа илгари, мени севишингизни айтгандингиз?

Эшли унинг қўлларини иссиқ кафтлари орасига олиб қаттиқ сиқди.

– Азизам, ўзингизга азоб бериши мумкин бўлган сўзларни айтишга мени мажбур қилманг.

Лекин Скарлетт сукут сақлар, у эса давом этди:

– Ахир, қандай қилиб сизни ҳаётга менинг кўзим билан қарашга мажбур қилоламан, азизам! Сиз шу

қадар ёшсизки, шу қадар беғам-беташвишсизки, оила, никоҳ нималигини билмайсиз.

– Мен сизни севишимни биламан.

– Биз мутлақо бошқа-бошқа одамлармиз, Скарлетт, оилавий бахт учун севгининг ўзигина камлик қилади. Ахир, сиз эркак киши бошдан-оёқ – қалби ва тани билан, бутун ўй-хаёллари билан ўзингизга тегишли бўлишини истайсиз – акс ҳолда сиз бахтсиз бўласиз. Мен эса сизга бундай бахтсизликни раво кўрмайман. Ҳеч кимга бутун жисму жонимни бахш эта олмайман. Сиздан ҳам шу нарсаларни талаб қила олмайман. Бу эса сизни ранжитади ва, алалоқибат, сиз мени ёмон кўриб қоласиз... О, мени нақадар қаттиқ ёмон кўриб қоласиз! Сиз мен ўқиётган китобларни, мен севган мусиқани ёмон кўриб қоласиз, – ахир, улар мени сиздан тортиб олади. Ва мен... балки... мен...

– Сиз уни севасизми?

– Биз у билан бир жону бир танмиз, биз бир-биримизни бир оғиз сўздан тушунамиз. Эҳ, Скарлетт, Скарлетт. Сизни қандай ишонтирай, агар эр ва хотин ҳар хил одамлар бўлса, бундай никоҳ бахт келтиролмайди, ахир.

Кимдир аллақачон бу гапни айтган эди: "Оила бахтли бўлмоғи учун, эр ва хотиннинг зуваласи бир жойдан олинган бўлиши лозим". Бу кимнинг сўзлари эди? Бу сўзларни эшитганидан буён неча юз йиллар ўтиб кетгандек, улар жуда узоқ-узоқлардан садо берарди. Бироқ у, барибир, бу гапларнинг маъносини чақа олмади.

– Аммо сиз мени севишингизни айтдингиз.

– Мен бундай демаслигим керак эди.

Скарлетт қалбининг туб-тубида секин-аста олов ёна бошлади ва, мана энди ақли хиралашиб, ғазаби аланга олди.

– Аммо, модомики, сиз бу гапни айтиш билан пасткашликка борган экансиз...

Эшлининг юзи оқариб кетди.

– Ҳа, бу пасткашлик бўлди, чунки мен Меланига уйланяпман. Мен сизга ножўя муносабатда бўлдим, Меланига эса бундан ҳам баттарроқ. Сиз мени тушунмаслигингизни билатуриб бу гапни айтмаслигим керак эди. Қандай қилиб ҳаётга бўлган чексиз иштиёқингиз билан мен сизни севмаслигим мумкин? Ўзим эса бундай иштиёқдан бенасибман. Сизни, мен учун имконсиз бўлган эҳтирос билан сева оладиган ва нафратлана оладиган сиздай қизни! Сиз худди оловга, худди шамолга, худди қандайдир ёввойи бир хилқатга ўхшайсиз, ва мен...

Скарлетт бирдан Меланини эслади – унинг мулойим жигарранг кўзлари ва орзуманд нигоҳини, қора тўр қўлқоп ичидаги кичкина нозик қўлларини, унинг назокат билан индамай ўтиришини... Унинг қонида ғазаб жўш урди – Жералдни қотилликка ундаган, ота-боболарини ҳам дор тагига етаклаган жиноятларни содир этишга ундаган ўша ғазабнок жазава. Унда боадаб ва вазмин, тақдирнинг ҳар қандай зарбаларини совуққон хотиржамлик билан қарши оладиган Робийярлардан урвоқ ҳам қолмади.

– Қўйсангиз-чи, гапни айлантиришни бас қилинг, сиз ғирт қўрқоқсиз! Сиз менга уйланишдан қўрқасиз! Қўрққанингиздан "ҳа" ёки "йўқ" дейишдан бошқа сўзни билмайдиган ва сизга худди ўзи каби қўрқоқ ва безабон мушукваччаларни туғиб берадиган ўша ушоқдеккина овсар қизга уйланяпсиз! Яна...

– Мелани тўғрисида бундай демаслигингиз керак.

– Э, боринг-е, Меланингиз билан қуриб кетмайсизми! Кимсиз ўзи – менга нима дейиш, нима демасликни ўргатадиган! Сиз қўрқоқ, пасткаш одамсиз, сиз... Сиз мени уйланишингизга ишонишга мажбур қилдингиз...

– Одил бўлсангиз-чи, ахир! – ёлворди Эшли. – Ахир, мен қачон бўлмасин...

Аммо Эшли ҳақ эканлигини тушунса ҳам Скарлетт адолатли бўлишни истамасди. Унинг муносабати ҳар доим соф дўстона муносабат бўлган, холос, у бу ҳақда ўйлаганида аёллик ғурури ва иззат-нафси таҳқирланганидан тоқати тоқ бўлди ва ғазаби икки ҳисса аланга олди. Энди унинг бўйнига осилса-ю, Эшли тан олишни ҳам истамаса! У ўша кўримсиз аҳмоқ қизни ундан афзал кўрди! Эҳ, нега у Эллин билан Моможоннинг ўгитларига қулоқ солмади! Эшли унинг ҳис-туйғулари ҳақида мутлақо билмаслиги керак эди. Қанийди у бу ҳақда ҳеч қачон, ҳеч қачон билмаганида – бу номусдан куйиб кул бўлганидан кўра яхшироқ эди!

– Сизни кўришга кўзим йўқ, ўлгунимча сиздан нафратланаман! Сиз тубан, диёнатсиз... – У ҳар қанча уринмасин, энг аччиқ, энг ҳақоратли сўзларни ўйлаб тополмади.

– Скарлетт... тушунинг...

Эшли унга қўлини узатди, Скарлетт эса бор кучи билан қулочкашлаб унинг юзига шапалоқ тортди. Хонадаги сукунатни бузган тарсаки товуши қамчи зарбига ўхшарди ва тўсатдан унинг қаҳру ғазаби қаёққадир йўқолди ва юрагини ваҳима босди.

Эшлининг оқариб кетган ҳорғин юзида тарсакининг қизил изи аниқ кўриниб турарди. Эшли индамай унинг жонсиз шалвираб турган қўлини лабларига босиб ўпди ва Скарлетт бир сўз айтишга улгурмасидан хонадан чиқиб, эшикни аста ёпди.

Скарлеттнинг оёқлари чалишиб кетди ва у креслога қулади. Эшли кетди, бироқ унинг тарсакидан қизарган рангпар юзи энди уни қабргача таъқиб этади.

Унинг қулоғига даҳлиздан Эшлининг узоқлашиб бораётган қадам товушлари чалинар ва ўзи қилиб қўйган ишнинг даҳшати шуурига тобора чуқурроқ сингиб борарди. Энди Эшли уни ёмон кўриб қолади

ва ҳар гал кўрганида, ҳеч қандай имкон бермаган бўлса-да, Скарлетт унга ёпишиб олганини эслаб юради.

"Мен Ойимқиздан беҳроқ эмасман", – беихтиёр ўйлади у, ҳамма, айниқса, ўзи бошқалардан ҳам баттарроқ – Ойимқизнинг одобсиз хулқ-атворини мазах қилиб кулишганини эслаб. Кўз олдида Ойимқизнинг яна бир янги жазманининг қўлига осилиб аҳмоқона ҳиринглаши яққол намоён бўлди, беўхшов ноз-истиғнолари ёдига келди ва яна ғазаби тошиб келаётганини – ўзига, Эшлига қарши, бутун борлиққа қарши ғазаби қайнаётганини ҳис қилди. У ўзидан ҳам, ҳаммадан ҳам рад этилган илк бокира муҳаббати ва хўрлангани учун нафратланарди. Унинг Эшлига бўлган туйғуларида озгина самимий муҳаббат ўзига бино қўйиш ва ўз сеҳру жозибасига беҳад такаббурона ишонч ҳисси билан қоришиб кетганди. У мағлуб бўлди, аммо бу мағлубият аламидан кўра кўнглида кечган қўрқув кучлироқ эди: энди ҳаммага масхара бўладими? Балки у ҳам Ойимқиз сингари ўз хулқ-атвори билан одамларнинг кўзига тушаётган бўлса-чи? Балки ҳамма унинг устидан кулаётгандир? Шуни ўйлаганида Скарлеттнинг эти жимирлаб кетди.

Қўли шалвираб кресло олдидаги столчага тушди, бармоқлари беихтиёр сиртига парвоз қилаётган икки ишқ-муҳаббат тангрисининг тасвири туширилган чинни гулдонни сиқиб ушлади. Хона шу қадар жимжит эдики, бу сукунатни бузиш учун унинг қичқиргиси, нимадир қилгиси келар, хаёлида – яна бир сония кифоя – у ақлдан озадигандек туюларди. У гулдонни чангаллади ва қулочкашлаб камин томон улоқтирди. Гулдон диван устидан учиб ўтиб каминнинг мармар токчасига урилди ва чил-чил синди.

– Э, бу энди ҳаддан ташқари, – деган овоз эшитилди диван суянчиғи ортидан.

Кутилмаган тасодиф ва қўрқувдан Скарлетт бир лаҳза тилдан қолди ва оёқлари чалишиб кетаётганини сезиб, креслони ушлаб олди, дивандан эса Ретт Батлер туриб келди ва унга эъзозу эҳтиром ила таъзим бажо келтирди.

– Тушликдан кейинги уйқунгни ноилож эшитишга мажбур бўлган ёқимли сўзлар билан бузишганининг ўзи кўнгилсиз воқеа, аммо нега энди ҳаётимни ҳам хавф остига қўйишлари керак?

Бу арвоҳ эмасди. Бу ростдан ҳам у эди. Ё меҳрибон эгам, ахир, у ҳамма гапни эшитган. Скарлетт бор кучини ишга солиб, иззат-нафси оғриган кишидек жавоб беришга уринди:

– Сэр, шу ерда эканингизни билдириб қўйишингиз лозим эди.

– Шундайми? – Оппоқ тишлар ялтираб кетди, қоп-қора кўзлар уни ошкора масхараларди. – Лекин менинг қароргоҳимга бостириб кирган сиз-ку. Мистер Кеннедини кутиб туришга мажбур бўлганим ва мен, афтидан, бу ерда йиғилганлар орасида чақирилмаган меҳмон эканлигимни сезганим боис, мулоҳаза қилиб, уларни ўзимнинг номатлуб қиёфамдан озод этдим ва мени безовта қилишмас, деган ўйда шу ерга кирдим. Аммо, ҳайҳот! – У елкаларини қисди ва секин кулди.

Бу сурбет одам ҳаммасини – ҳозир жонидан кечиб бўлса-да, қайтариб олишни истаётган гапларини эшитган бўлиши мумкинлигини ўйлаб, Скарлеттнинг юрагида яна ғазаб ўти аланга ола бошлади.

– Ўғринча гап тинглаш ... – жаҳл билан гапира бошлади у.

– Сездирмай гап тинглаганда баъзан бир талай қизиқарли ва ибратли нарсаларни билиб олиш мумкин, – унинг сўзини бўлди Ретт Батлер мийиғида кулиб, – ўғринча гап тинглаш бўйича бой тажрибага эга бўлиб, мен...

– Сэр, сиз жентльмен эмассиз, – шарт кесди у.

– Бағоят нозик зийраклик, – қувноқ оҳангда гап қистирди у. – Худди сиз леди бўлмаганингиз каби, мисс. – Афтидан, эркак уни жуда ғалати қиз, деган хулосага келганди чоғи, яна товушини пасайтириб кулиб қўйди. – Наҳотки, леди шундай йўл тутиши ва мен бу ерда эшитишга муяссар бўлган гапларни айтиши жоиз бўлса? Қолаверса, ҳақиқий ледилар, менинг назаримда, камдан-кам ҳолларда чиройли бўлишади. Уларнинг ўй-фикрларини осонгина ўқийман, бироқ уларда ўзлари ўйлаган нарсани айтиш учун журъат ва тарбиясида қусур етишмайди. Бу эса баъзан зерикарли туюлади. Аммо сиз, қимматли мисс О'Хара, кам учрайдиган ҳайратомуз феъл-атворга эгасиз, бу таҳсинга лойиқ, мен эса қаршингизда бош эгаман. Бу олифта мистер Уилкс нимаси билан сиздек оташқалб қизни ром этганини тушунишни истамайман. У фикрини қандай ифодалаганди – "ҳаётга беҳад ташна" қиз ўзига талпингани учун тиз чўкиб худога шукрона келтириши лозим эди, бу бўш-баёв нотавон эса...

– Сиз унинг этикларидаги чангни қоқишга ҳам нолойиқсиз! – ғазаб билан қичқирди Скарлетт.

– Сиз ундан ўлгунингизча нафратланасиз! – Ретт Батлер яна диванга ўтирди, Скарлеттга унинг кулгиси эшитилди.

Агар қўлидан келса, Скарлетт уни ўлдириб қўя қоларди. Аммо ҳозир кетишдан ўзга чораси қолмади ва шундай қилди ҳам – иродасини ишга солиб из-затини сақлашга уринди ва оғир эшикни қаттиқ ёпди.

Скарлетт зинапоядан юқорига шунчалик тез учиб чиқдики, майдончада ҳушдан кетишига бир баҳя қолди. Юраги кўкрак қафасини ёриб чиққудай бўлиб, панжарага ёпишиб қолди: дард, алам, ғазаб унинг вужудини тимдаларди. У чуқурроқ нафас олишга

уринар, лекин корсетини Моможон ҳафсала билан тортиб боғлаганди. Агар у ҳушдан айрилса-ю, уни бу ердан, зинапоядан топишса нима бўлади? Одамлар нима деб ўйлайди? О, истаган хаёлга боришлари мумкин: Эшли ҳам, ўша аблаҳ Батлер ҳам, ўша ярамас ҳасадгўй қизлар ҳам! Умрида биринчи марта у бошқа хонимлар каби ҳидлайдиган туз олиб юрмаганига пушаймон еди, лекин унда ҳатто бундай идишча ҳам йўқ эди. У ҳеч қачон ҳушини йўқотиб йиқилмаслиги билан фахрланарди. Йўқ, у ўзининг бундай ҳолга тушишига ҳозир ҳам йўл қўймайди!

Аста-секин беҳузурлик ҳолати чекина бошлади. Бир оз ўтиб у яна ўзига келади ва билдирмай Индиянинг ётоғи ёнидаги кичкина кийимхонага кириб, корсетининг боғичларини ечади, кейин эса секингина бирорта қизнинг ёнига чўзилади. У юрагининг тез уришини секинлаштиришга ва афт-ангорига хотиржам тус беришга уринарди. Агар қизларнинг бирортаси ухламаган бўлса, бирор ишкал рўй берганини дарров пайқайди. Бунга эса йўл қўйиб бўлмайди, бирор кимса шубҳага бормаслиги керак.

Зинапоя майдончасидаги катта деразадан орқа ҳовли ва дарахтлар соясида, шийпончада дам олаётган эркаклар кўринарди. Уларга жуда ҳаваси келди! Эркак бўлмоқ ва айни дамда ўзининг бошига тушган кўргуликларни писанд қилмай яшамоқ қандай бахт!

Ёшлари кўзларини куйдираётгани ва кўнгли хиёл беҳузур бўлаётганини ҳис қилиб турганида бирдан шағал тўкилган кириш хиёбони бўйлаб келаётган от туёқларининг дупури ва баланд овозда хизматкорларга ниманингдир хабарини еткизаётган кишининг ташвишли овозини эшитди. Яна туёқлардан сачраётган шағал-тошчаларнинг шиқирлаган товуши эшитилди ва Скарлетт дарахтлар остидаги оромкурсиларда ястаниб ҳордиқ чиқараётган эркак-

лар томон ўтлоқдан от чоптириб бораётган отлиқни кўрди.

Бирор-бир кечиккан меҳмон бўлса керак. Бироқ нега унинг оти Индия шу қадар фахрланадиган майсазорни топтаяпти? Бу одам унга нотаниш эди, лекин у шошиб келиб Жон Уилкснинг елкасидан тутганида Скарлетт унинг қаттиқ ҳаяжондалиги ва асабийлашаётганини кўрди. Ҳамма унинг атрофига йиғилди, вино қуйилган катта қадаҳлар ва пальма елпиғичлар столлар, ўтлар устида қолиб кетди. Эркакларнинг бетоқат, ҳовлиққан, илтижоли овозлари ҳатто шу ергача етиб келарди. Кейин эса бу бетартиб ғала-ғовур устидан Стюарт Тарлтоннинг гўё овда ўлжа ортидан қуваётгандагидек шодон хитоби янгради:

– Эҳе-ҳе-ҳей!

Шундай қилиб Скарлетт ўзи билмаган ҳолда илк бор ғалаёнчиларнинг жанговар чақириғини эшитди.

У тўрт ака-ука Тарлтонлар, улардан кейин Фонтейнлар ҳам меҳмонлар орасидан сирғалиб чиқиб, йўл-йўлакай ҳайқириб, отхонага югуриб кетишганини кўрди:

– Жимс! Эй, Жимс! Эгарла тезроқ.

"Қаердадир ёнғин чиқди,шекилли", ўйлади Скарлетт. Лекин ёнғин ўз йўлига, у эса ҳали йўқлигини пайқаб қолишмасидан тўшакка кириши лозим.

Энди унинг юраги секинроқ урарди, шу боис Скарлетт яна зинадан оёқ учида кўтарила бошлади. Уйнинг ичи иссиқдан дим бўлиб кетган, гўё уй ҳам оқшом тушганда мусиқа садолари остида, шамлар ёғдусига кўмилиб, ўзининг бор шукуҳи билан уйқудан уйғониш олдидан ором олаётганга ўхшарди. Скарлетт кийимхона эшигини секин очиб, остонадан ҳатлади ва эшик дастасини ушлаган кўйи тек туриб қолди; қаршидаги зич ёпилмаган ётоқ эшиги

тирқишида Ойимқиз Уилкснинг пичирлаган бўғиқ овози қулоғига чалинди:

– Скарлетт бугун ҳаддидан ошди!

Скарлетт юраги яна қаттиқ уриб кетганини сезди ва тинчлантирмоқчи бўлгандек беихтиёр қўлини кўкрагига босди. "Яширинча гап эшитганда баъзан бир талай ибратли фикрларни билиб олиш мумкин", – масхараомуз овоз ёдига тушди унинг. Кетсамикан? Ё бўлмаса бирдан улар олдида пайдо бўлиб, Ойимқизни гапирган гапига яраша қизаришга мажбур қилса-чи? Аммо бошқа бир товуш эшитилганда у тўхтаб қолди. Айни дамда бир неча хачир биргалашиб тортганда ҳам ҳозир уни жойидан силжитолмасди – у Меланининг овозини эшитганди:

– Аҳ, Ойимқиз, нега бундай дейсан! Намунча тилинг бунчалик заҳар бўлмаса? Скарлетт шунчаки жуда шўх, хушчақчақ қиз. Менимча, у жуда жозибали.

"Фақат шу етмай турувди! – ўйлади Скарлетт беихтиёр тирноқларини белбоғига ботириб. – Энди шу чучмал иккиюзламачи менинг ёнимни олиб ўтирса-я!"

Ойимқизнинг ошкора ғаразли гапидан кўра Меланининг гапи унга оғирроқ ботди. Скарлетт дунёдаги бирорта аёлга ишонмас ва ойисидан бошқа ҳамма ҳаддан зиёд худбинликни ўзларига дастуриламал қилиб олган, деб ҳисобларди. Эшлини тўлатўкис қўлга киритганини Мелани билади, шу боис бир қадар насронийча мурувват кўрсатишни ўзига эп кўриши мумкин. Скарлеттнинг фикрича, бу – ғалабани тантана қилиш ва айни пайтда феъл-атворнинг мулойимлигини кўрсатишнинг бир усули эди, холос. Скарлеттнинг ўзи ҳам жазманлари билан дугоналарини муҳокама қилганида неча марта ана шу ҳийлани ишлатган ва ҳар гал бу бефаҳмларни ўзининг беозор ва кўнгилчанлигига ишонишга мажбур қилиб, лақиллата олган.

– Қўйсанг-чи, азизам, – Ойимқизнинг заҳарли овози энди қаттиқроқ эшитилди, – сен сўқирсан, шекилли!

– Секинроқ, Ойимқиз, – ғингшиди Салли Манро. – Овозинг бутун уйга эшитиляпти!

Ойимқиз овозини пастлатди, аммо бўш келмади.

– Ахир, кўрдингиз-ку, эндигина қармоғига илинтирган йигитларга қандай нозу истиғно қилганини, ҳатто ўз туғишган синглисининг хуштори мистер Кеннедига ҳам. Бу кўз кўриб қулоқ эшитмаган гап! У ҳатто Чарлз билан ҳам очиқдан-очиқ ўйнашяпти. Ахир, биласиз-ку, биз Чарлз билан... – деди Ойимқиз ийманибгина қиқирлаб.

– Ҳали шунақами, ростданми? – ҳаяжонли хитоблар эшитилди.

– Фақат ҳеч кимга айтманглар, қизлар... ҳозирча керакмас!

Каравотнинг симлари ғичирлаб кетди – кимдир Ойимқизни бағрига босмоқчи бўлиб ўзини каравотга отди, кимдир хурсандлигидан шарақлаб кулди... Мелани Ойимқизни синглим деб атаса нечоғлик бахтиёр бўлиши ҳақида нималарнидир айтиб, аста чуғурларди.

– Э, мабодо Скарлетт менга сингил бўлиб қолса, бундан ҳечам қувонмаган бўлардим. У дунёдаги энг беор қиз. – Хэтти Тарлтоннинг овози ташвишли эди. – Лекин у Стюарт билан деярли унаштирилган. Тўғри, Брент Скарлеттга Стюарт бултурги қордай керак, деб ишонтиради, лекин Брентнинг ўзи ҳам унга ошиқу беқарор-да.

– Агар билмоқчи бўлсангиз, Скарлеттга фақат битта одам керак, – сирли сиполик билан маънодор қилиб деди Ойимқиз. – Бу одам – Эшли!

Эшик ортидаги пичир-пичирлар, хитоблар, саволлар қоришиб англаб бўлмас ғала-ғовурга айланди, Скарлетт эса қўрқув ҳамда хўрликдан қотиб қол-

ди. Ойимқиз – енгилтак, аҳмоқ, эркаклар масаласида ўта бефаҳм, кўриниб турибдики, гап ўз жинсидагиларга дахлдор бўлса, фавқулодда сезгир экан, Скарлетт эса бунга етарлича аҳамият бермабди. У ёқда, кутубхонада, Эшли ва Ретт Батлер унинг ғурурини поймол қилиб қалбини жароҳатлашди, аммо булар бари ҳозир у ҳис қилаётган кечинмалар билан қиёслаганда нина санчганчалик гап. Эркакларга, ҳатто анави Батлерга ўхшаганларга ҳам ишонса бўлади – эркаклар сир сақлашни билади, аммо Ойимқизнинг тили, ҳеч шубҳасиз, энди тези итдек ипини узади; ҳали соат олтига бонг урмасидан унинг сирини фош қилиб, жалойирга жар солади. Кеча Жералд бутун округда қизи устидан мазах қилиб кулишларини истамаслигини билгандек айтган экан. Улар қандай хурсанд бўлишларини тасаввур қилса бўлади. Скарлеттнинг аъзои баданидан совуқ тер чиқиб кетди.

Меланининг хотиржам, бир маромдаги, бир оз таънали овози бир лаҳзага ғала-ғовурни четлаб ўтди:

– Ойимқиз, бунинг ёлғон эканини ўзинг ҳам биласан-ку. Нега энди бу қадар заҳар бўлиш керак?

– Жудаям рост гап-да, Мелли, агар сен бор вужудинг билан одамларнинг – ҳатто яхшилиги бир пулга қиммат кимсаларнинг ҳам – фақат яхши томонларини кўришга интилмаганингда, ўзинг ҳам буни сезган бўлардинг. Мен эса Скарлетт уни қаттиқ севиб қолганидан хурсандман. Унинг жазоси шу. Бир умр Скарлетт О'Хара навбатма-навбат қизларнинг йигитларини ўзига оғдириш билан банд бўлди ва ҳамма ёққа адоват уруғини сочди... Биласиз-ку, у Стюартни Индиядан тортиб олди, гарчи ўзига керак бўлмаса ҳам. Бугун эса у мистер Кеннедини ҳам, Эшлини ҳам, Чарлзни ҳам ўзига қаратишга уринди...

"Мен уйга кетаман! – ўйлади Скарлетт. – Уйга кетаман".

Қанийди ҳозир мўъжиза рўй берса-ю, бир зумда Тарага етиб олса, у ерда беркиниб, ҳаммадан қутулса. Қанийди Эллиннинг қошида пайдо бўлса-ю, этагига ёпишиб, тиззаларига бошини қўйиб тўйиб йиғласа ва унга бор дардини тўкиб солса. Яна бир оз эшитиб турса у ўзини бошқаролмай қолади, – ичкарига отилиб киради-ю, Ойимқизнинг ёйилган нурсиз сочларидан бир тутамини юлиб олади ва Меланининг юзига тупуради – унинг "мурувватн" ҳақида Скарлетт қандай фикрдалигини билиб қўйсин. Йўқ, шусиз ҳам бугун ўзини ҳаддан зиёд беодоб тутди, худди оми одамдек, худди анави оқ танли жулдурвоқилардек – мана фалокатнинг сабаби нимада.

У шитирлаб кетмаслиги учун этакларини йиғиб қўллари билан босди ва мушукдек сассиз ортига қайтди. "Уйга! – ўйлади у зинадан тушиб даҳлиздан ёпиқ эшиклар ва сукунат оғушидаги хоналар ёнидан тез юриб ўтаркан. – Ҳозироқ уйга!"

Бу фикр тўхташга мажбур қилганида у айвонга чиқиб улгурганди, ҳозир уйга қайта олмайди! Дабдурустдан, ҳе йўқ, бе йўқ қочиб кетолмайди!

Скарлетт бу синовдан ўтиши, бу ғийбатчи қизларнинг хусуматли қилиқларига чидаши, хўрлангани ва бошига тушган умидсизликнинг аччиқ аламини ичига ютиши зарур. Қочиш – уларнинг қўлига ўзига қарши янги қурол тутқазиш билан баробардир.

Скарлетт баланд оппоқ устунни муштлади ва ўзининг Самсон қудратидан бенасиблигидан ва бу уйни тагида бирор тирик жон қолмайдиган даражада пойдеворигача бузиб ташлаёлмаслигидан ўкинди. Лекин ҳали уларга кўрсатиб қўяди! Қилмишларига пушаймон едиради. Буни қандай амалга оширишни ҳали у билмайди, аммо, албатта, уддалайди. Улар ҳали ундан кўрадиганини кўришади.

Бир нафасга Эшли – унинг ширин хаёллари соҳиби Эшли – унутилди. Айни дамда у Скарлетт севган баланд бўйли орзуманд йигитча эмас, шунчаки, Уилкслар оиласининг, Ўн икки Эманнинг, Клейтон графлигининг – ким уни масхара қилган ва у кимдан нафратланаётган бўлса, ўшаларнинг ажралмас бўлаги эди.

Ўн олти ёшда кибру ҳаво севги-муҳаббатдан устун келди ва унинг юрагидан нафратдан бўлак ҳамма нарсани сиқиб чиқарди.

"Мен уйга кетмайман, – ўйлади у. – Мен шу ерда қоламан ва бу ердаги маломатлари учун уларни надомат чекишга мажбур қиламан. Ойимга ҳам ҳеч нарса демайман. Ҳеч кимга айтмайман, ҳеч қачон". У ўзини қўлга олиб уйга қайтиб кирди ва зинадан кўтарилиб бошқа бир ётоққа кириш учун ортга бурилди.

Шу пайт қарши томондан уйга кираётган Чарлзни кўриб қолди. Скарлеттни кўриб, Чарлз тез юриб кела бошлади. Унинг сочлари тўзғиган, юзи эса ҳаяжондан қизариб кетган эди.

– Нима воқеа юз берганини эшитдингизми? – яқинлашмай туриб қичқирди у. – Пол Уилсон бизга қандай янгилик олиб келганидан хабарингиз борми? У ҳозиргина Жонсбородан от чоптириб келди.

Чарлз зўрға нафас олиб, у томон юрди. Скарлетт индамас ва кўзларини катта-катта очиб унга қарарди.

– Мистер Линкольн аскарларни қуроллантирибди – мен кўнгиллиларни кўзда тутяпман. Етмиш беш мингта.

Яна ўша мистер Линкольн! Наҳотки эркаклар чиндан долзарб нарсалар ҳақида ўйлашга қодир бўлмасалар? Бу телба эса, афтидан, унинг юраги пора-пора бўлиб, шаъни қил устида турган бир пайтда Скарлетт ҳам мистер Линкольннинг лўттибозлик-

ларидан қаттиқ ҳаяжонга тушишини кутаётганга ўхшайди.

Чарлз унга ҳайрон бўлиб қаради. Ранги бўздек оқариб кетганини, бир оз қийиқ кўзларида олов ёнаётганини сезди. Бу қадар оташ нигоҳларни, бу қадар ички оловдан алангаланаётган чеҳрани у ҳеч қачон кўрмаган эди.

– Бефаҳмлигимни маъзур тутинг, – деди у. – Аввал сизни тайёрлашим лозим эди. Аёлларнинг ўта таъсирчанлиги хаёлимга келмабди. Дилингизни сиёҳ қилганим учун узр сўрайман. Аҳволингиз ёмонми? Сув келтирайми?

– Керакмас, – деди Скарлетт ва чеҳрасида табассумга ўхшаш бир нарса зоҳир бўлди.

– Юринг, бир пас ўриндиқда ўтирамиз, – таклиф қилди Чарлз ва уни тирсагидан олди.

Скарлетт бош силкиди ва Чарлз эҳтиёткорлик билан унга айвон зиналаридан тушишга ёрдамлашди ва майсазор устидан юриб кириш эшиги рўпарасидаги улкан эман дарахти остидаги чўян ўриндиқ томон олиб кетди. "Нақадар нозик ва заиф хилқат бўлмаса бу аёллар! – хаёлидан ўтказди Чарлз. – Уруш ҳақида, шафқатсизлик ҳақида бир оғиз эслатдингми-йўқми, дарҳол ҳушларидан айрилишлари мумкин." Бу фикр унда мардлик ҳиссини кучайтирди ва у икки ҳисса кўпроқ ғамхўрлик билан Скарлеттни ўриндиққа ўтқизди. Скарлеттнинг ғалати кўриниши Чарлзни лол қолдирди, айни дамда унинг оқарган ва қандайдир асабий чеҳраси шу қадар чиройли эдики, Чарлзнинг юраги шиддат билан уриб кетди.

Наҳотки унинг урушга кетиши ҳақидаги фикр Скарлеттни шу қадар ҳаяжонга солган бўлса? Йўқ, у ўзига ҳаддан зиёд бино қўйаяпти. Лекин нега унга бундай ғалати қараяпти? Нега бармоқлари тўр рўмолчани титраб-қақшаб тортқилаяпти? Қуюқ қора киприклари эса – худди унинг севимли романларида

ёзилгани каби – гўё пинҳона муҳаббатидан хижолат чеккандек титраётир?

У уч марта томоқ қириб қўйди, гапирмоқчи бўлди-ю аммо гапиролмади. Кўзларини ерга тикди – Скарлеттнинг ўткир нигоҳи уни зангори оловдек куйдираётганга ўхшар, шу билан бирга Чарлзга гўё уни кўрмаётгандек қарарди.

"У жуда бой, Атлантада яшайди, ота-онаси ўлиб кетган, менинг жонимга тегадиган одам йўқ, – хаёлидан ўтди унинг ва шу заҳоти миясида янги режа етила бошлади. – Ҳозир мен унга турмушга чиқишга розилик берсам, бу билан Эшлига у менга асло керакмаслигини, мен шунчаки ақлсизлик қилиб унинг бошини айлантирмоқчи бўлганимни тез исботлайман. Бу эса Ойимқизни адо қилади, албатта. Бундан кейин у ҳеч қачон ўзига жазман орттиролмайди ва унга қараб ҳамманинг кулгидан ичаги узилади. Мелани ҳам у қадар қувонмайди, ахир у акасини жуда яхши кўради. Мен бу ишим билан Стю ва Брентни ҳам боплаб тузлайман..." Нима учун тузлагиси келганини Скарлеттнинг ўзи ҳам унча тушунмасди – балки уларнинг опа-сингиллари шу қадар бадбин бўлишгани учундир. "Башанг ландода – тўрт кишилик буклама соябонли аравада – бир уюм янги кийим-кечаклар билан бу ерга меҳмонга келсам, яна шахсий уйим бўлса, ҳаммасини доғда қолдиришим тайин. Улар минбаъд менинг устимдан кулишга журъат қилишолмайди."

– Тўғри, олдимизда жанглар турибди, – деди ниҳоят Чарлз икки-уч марта гапиришга муваффақиятсиз уринганидан сўнг, – лекин сиз хавотир олманг, мисс Скарлетт, уруш бир ойда тугайди, улар қандай дод солишганини эшитиб қоласиз! Ҳа, ҳа, улар дод соладилар! Мен ҳам бошимдан тилла ёғдирсалар-да бу курашдан четда қолишни истамасдим. Фақат бугунги бал қолдириладими деб қўрқаман, чунки

Жонсборода Эскадрон йиғилиши тайинланган, Тарлтонлар одамларга хабар бериш учун кетишди. Энди хонимларнинг дили сиёҳ бўлади.

– О! – дея олди холос маънилироқ сўз тополмаганидан Скарлетт, лекин суҳбатдоши шунга ҳам қониқди.

У аста-секин ўзига кела бошлади, фикрлари тиниқлашди. Ғалати бир совуқлик юрагини исканжага олган ва унга шу лаҳзадан бошлаб ҳеч нарса юрагини қайта илита олмайдигандай туюларди. Нега энди у мана шу чиройли йигитчага турмушга чиқмаслиги керак? Унинг бошқалардан ёмон жойи йўқ, Скарлеттга эса энди барибир. Энди ҳеч қачон ҳеч нарса, ҳатто у тўқсон йил умр кўрса ҳам, унинг учун севимли бўлмайди.

– Фақат мен мистер Уэйд Хемптоннинг Жанубий Каролина легионига кирсамми ёки Атланта мудофааси соқчилик хизматигами – бир қарорга келолганим йўқ.

– О! – ғўлдиради Скарлетт, кўзлар тўқнашди, киприклар ер чизди, бу ҳолат Чарлзнинг тақдирини ҳал қилди.

– Сиз мени кутишга розимисиз, Скарлетт? Уйга ғалаба билан қайтишимни кутаётганингизни билиш мен учун самовий бир бахт, буни сўз билан ифодалаб бўлмайди.

У нафасини ичига ютиб жавоб кутди, Скарлеттнинг лаблари четларида табассум жилва қилганини кўрди, биринчи марта бу табассумда қандайдир алам шарпасини сезди ва лабларини унинг лабларига босгиси келиб тамшанди. Скарлеттнинг тер босган қўли унинг кафтига кирди.

– Кутишни истамайман, – деди Скарлетт ва нигоҳи маъюс тортди.

Чарлз тонг қолиб оғзи очилган кўйи унинг қўлини маҳкам сиқиб ўтирарди. Кўз остидан ўғринча

кузатаётган Скарлетт, совуққонлик билан, у лолу ҳайрон қолган бақага ўхшайди, деб ўйлади. Чарлз тутила-тутила нимадир деб ғўлдиради, кейин оғзини юмди, тағин очди ва лоладек қизариб кетди.

– Бунга ишонсам бўладими – сиз мени севасизми?

Скарлетт ҳеч нарса демай, кўзларини ерга қадади, Чарлзни яна ҳаяжон қамраб олди ва бу ҳаяжон шу ондаёқ хижолат билан алмашинди. Эҳтимол эркак кишининг қиз болага бундай саволлар бериши ножоиздир. Қиз боланинг ҳам, балки, уларга жавоб бериши маъқул эмасдир. Феълидаги тортинчоқлик туфайли у ҳали бирор марта ҳам бундай кўнгил изҳорига журъат этмаган ва нима қиларини билмай, ўзини йўқотиб қўйганди. Унинг куйлагиси, қичқиргиси, кўкаламзорда ирғишлагиси, Скарлеттни бағрига босгиси, ҳаммага Скарлетт уни севишини тезроқ айтиб жар солгиси келарди. Аммо у фақат қизнинг қўлларини қаттиқроқ қиса олди ва оқибатда Скарлеттнинг узуклари бармоқларига қаттиқ ботди.

– Биз ҳозир турмуш қурамизми, мисс Скарлетт?

– Ҳа, – ғўлдиради у кўйлаги қатларини текислаб.

– Биз тўйни Мелли билан бир кунда қил....

– Йўқ, – тез жавоб қайтарди Скарлетт жаҳлдан кўзлари чақнаб.

Чарлз яна ўнғайсиз аҳволга тушиб қолганини тушунди. Албатта-да, ахир, тўй ҳар бир қиз ҳаётида катта воқеа ва бу тантанани у бошқа биров билан бўлишгиси келмайди. Скарлетт қандай яхши, унинг хатоларини кечиряпти! Эҳ, қани энди қоронғи тезроқ тушса-ю, оромбахш шом пардаси остида унинг қўлларини ўпиб, тилини куйдираётган сўзларини айтишга журъат этса.

– Отангиз билан гаплашиб олишимга қачон ижозат берасиз?

– Қанча тез бўлса, шунча яхши, – жавоб берди у ўзи сўрашга мажбур бўлгунча Чарлз қўлини қўйиб юбориши ҳақидагина ўйлаб.

У ўрнидан сакраб турди ва Скарлеттга бир лаҳза гўё у ўтлоқ устида кучукча каби ирғишлайдигандек туюлди, бироқ Чарлзда ўз қадрини сақлаш туйғуси барибир устун келди. У Скарлеттнинг юзига қаради, унинг тиниқ, содда кўзлари порларди. Ҳали ҳеч ким унга бундай қарамаган ва бегона йигитнинг нигоҳи ўзига шундай қадалганини яна бир бор кўриш унинг пешонасига ёзилмаганди, аммо ички бегонасираш туйғуси боис нуқул: унинг кўзлари бузоқчаникига ўхшайди, деб ўйларди.

– Ҳозироқ бориб, отангизни излаб топаман, – деди у юзлари табассумдан нурланиб. – Мен буни бир дақиқа ҳам ортга суролмайман. Агар сизни ёлғиз қолдирсам жаҳлингиз чиқмайдими... азизам! – Бу меҳрга тўла сўзни у қийналиб айтди, бироқ бир марта шундай жасорат кўрсатгач, у шу заҳотиёқ бу сўзни ҳузурланиб такрорлади.

– Йўқ, – деди у. – Мен сизни шу ерда кутаман. Бу дарахт тагида ўтириш жуда ёқимли, салқин.

У майсазорни кесиб ўтиб, уйга кириб кетди, Скарлетт эса шохлари шитирлаб турган эман остида ёлғиз қолди. Отхоналардан бирин-кетин отлиқлар чиқиб кела бошлашди, отлиқ хизматкор негрлар ҳам ўз хўжайинлари ортидан шошарди. Ака-ука Манролар хайр-маъзур маъносида шляпаларини силкитиб, унинг олдидан от чоптириб ўтишди, ундан кейин хиёбон бўйлаб қийқириб Фонтейнлар ва Калвертлар елдек учиб ўтди. Тўртовлон Тарлтонлар ўтлоқдан тўғри у томонга от қўйдилар, Брент эса қичқирди:

– Онажонимиз бизга отларини беряпти! Эҳе-ҳе-ей!

Туёқлар остидан чим кўчди, йигитлар от чоптириб узоқлашиб кетдилар, у яна ёлғиз ўзи қолди.

Оқ уй ҳам ўзининг муҳташам устунлари билан гўё ундан узоқлашаётганга, кибр ва салобат билан уни нари итараётганга ўхшарди. Бу уй энди ҳеч қа-

чон уники бўлмайди. Эшли ҳеч қачон уни, навниҳол келинчакни, қўлида кўтариб бу уй бўсағасидан ошиб ўтмайди. О, Эшли, Эшли! Нима иш қилиб қўйдим! Юрагининг туб-тубидан нимадир таҳқирланган нафсоният ва совуққон мақсад орасидан ўзига йўл очиб чиқа бошлади. Скарлетт улғая бошлаган, юрагида янги, манманлик ва ўзбошимча кибру ҳаводан-да кучлироқ бир туйғу уйғонаётганди. У Эшлини севар, уни севишини англаб турар ва ҳеч қачон унинг учун Чарлз шағал ётқизилган хиёбон муюлишида ғойиб бўлган айни дамдагидек қадрли бўлмаганди.

II боб

Орадан икки ҳафта ўтди, Скарлетт Чарлз билан оила қурди, яна икки ойдан сўнг эса бева бўлиб қолди. Қисмат уни шошма-шошарлик ва мулоҳазасизлик билан ўзини ўзи боғлаган ришталардан тезда халос этди, бироқ қизлик даврининг илгариги беғам-беташвиш кунлари умрбод ортда қолган эди. Никоҳ билан изма-из бевалик келди, унинг ортидан эса – қалбига ғулғула ва даҳшат солиб – оналик ҳам ўзининг яқинлашаётганидан дарак берди.

Кейинчалик 1861 йилнинг ўша апрель кунларини эслаганида, Скарлетт ҳеч қандай тафсилотларни хотирлай олмаслигини пайқади. Воқеалар хотирида оғир туш каби чалкашиб кетар, бир-бирига зид келар, вақти ўзгарарди; улар рўёдек маънисиз туюларди. Хотирасида орзу-ниятларининг барбод бўлгани муҳрланиб қолган ва айнан ана шу нарса тоабад ёдида қолишини у биларди. Айниқса, Чарли билан гаплашиб олган кун ва тўй орасида ўтган кунларни ғира-шира эсларди. Атиги икки ҳафта! Тинчлик пайтлари унаштириш маросимидан сўнг никоҳ тўйи бу қадар тез ўтказилмасди. Одоб-ахлоқ қоидала-

рига биноан узоғи билан бир йил ёки камида олти ой вақт талаб қилинарди. Аммо Жануб аллақачон уруш алангаси ичида қолган, айрим воқеа-ҳодисалар бошқалари билан шу қадар тез алмашинардики, гўё бўрон қутуриб ҳаммасини супуриб-совуриб кетаётганга ўхшар, секин, бир маромдаги вақт оқими фақат ўтган кунлар хотираларидагина сақланиб қолганди. Эллин қаттиқ куйиниб Скарлеттдан тўйга шошилмаслик, ўйлаб кўриш учун ўзига вақт беришини ёлвориб сўрарди. Аммо қайсар ва чўрткесар Скарлетт унинг илтижоларини эшитмас – кўзи кўр, қулоғи кар эди. У турмушга чиқишни истайди. Иложи борича тезроқ. Икки ҳафтадан кейин.

Жанговар ҳаракатлар бошланиши биланоқ Эшлининг Эскадронга қўшила олиши учун унинг тўйи куздан биринчи майга кўчирилганини эшитган Скарлетт ўзининг тўйи ундан бир кун олдин бўлишини маълум қилди, Эллин қарши чиқди, лекин Жанубий Каролинага жўнаб, у ерда Уэйд Хемптон легионига қўшилиш истагида ёнаётган Чарлз феълига хос бўлмаган сўзамоллик билан ундан тўйни орқага сурмасликни илтижо қилиб сўради, Жералд ҳам куёв-келиннинг ёнини олди. Аллақачон уруш талвасаси безовта қилаётган, боз устига, Скарлетт ўзига шундай яхши куёв танлаганидан хурсанд Жералд ёшларга тўғаноқ бўлишга сабаб тополмаётганди. Дили хуфтон, боши қотган Эллин жанублик кўнгли бўш оналар каби ниҳоят ён берди. Уларнинг олдинги осуда, беташвиш дунёлари остин-устун бўлиб кетди, панд-насиҳатлар, ёлворишлар, ибодатлару илтижолар – йўлда учраган неки бор – барчаси аёвсиз кучлар олдида ҳеч эди.

Бутун Жануб ҳаяжонда, урушдан сархуш эди. Ҳамма илк тўқнашувдаёқ урушга нуқта қўйилади деб ҳисоблар, ёш йигитлар эса ҳали уруш тугамасидан кўнгилли бўлиб ёзилишга ва ўз маҳбубаларига

уйланишга шошилар, чунки шундан кейин янкиларнинг додини бериш учун Виргинияга от қўйса бўларди. Графликда ўнлаб тўй ўтказилар, энди ҳеч кимда айрилиқ олдидан ғам чекишга вақт йўқ – ҳамма бесаранжом ва югур-югурнинг кўплигидан бош қашишга қўл тегмас, кўз ёши тўкиш ёки оғир хаёлларга берилишнинг иложи йўқ эди.

Хонимлар мундир тикишар, пайпоқ тўқишар, бинт ўрашар, эркаклар эса сафда юриш ва ўқ отиш машқларини ўташарди. Поездлар аскарларни олиб ҳар куни Жонсборо орқали шимолга, Атланта ва Виргиния тарафга қатнарди. Милициянинг сараланган қўшинларига тегишли баъзи бир бўлинмалар мовий, тўқ қизил, яшил кийимларда камалакдек товланиб, қувноқ кўринарди, бўлинмаларнинг бошқа, кичикроқ қисми аскарлари хонаки кийим ҳамда енот мўйнасидан тикилган қулоқчин кийганди; учинчилари мутлақо формасиз – мовут сюртуг ва юпқа полотно кўйлакда эди. Ҳали ҳамма тўлиқ тайёргарлик кўрмаган, етарли қуролланмаган эди, бироқ кўтаринки кайфиятда, гўё зиёфатга кетаётгандек хурсанд қийқиришар ва шовқин солишарди. Бу тажрибали жангчиларнинг кўриниши графликнинг ёш йигитларини ташвишга соларди: улар Виргинияга етиб боришгунича уруш тугаб қолади, деб қаттиқ қўрқишар, шу сабабдан Эскадронни жўнатишга тайёргарлик ишлари қизиб кетганди.

Ана шу алғов-далғовлар жараёнида навбати билан Скарлеттнинг тўйига тайёргарлик кўриларди, ҳали ақлини йиғиб олмасидан уни Эллиннинг никоҳ кўйлаги ва фатаси билан ясантирдилар, отаси эса қизини қўлидан тутиб кенг зинапоядан пастга, Таранинг меҳмонлар билан тўла безатилган хоналарига олиб тушди. Кейинчалик – яримунут туш каби мавҳум тарзда – шамдонлар ва деворда осиғлиқ браларда нур сочиб турган сон-саноқсиз шамлар, Эл-

линнинг бир оз ташвишли қиёфаси, ўзига бахт тилаб сассиз дуо ўқиётган лаблари, қизи яхши оиладан чиққан, боз устига тагли-тугли насабга мансуб пулдор куёв топганидан мағрур Жералднинг брендидан қизариб кетган юзи... ҳамда Меланини қўлтиқлаб зинапоя ёнида турган Эшлининг чеҳраси элас-элас ёдига тушиб турарди.

Скарлетт унинг юз ифодасини кўриб, ўйлади: "Бунинг ҳаммаси туш экани аниқ. Бундай бўлиши мумкин эмас. Бу қўрқинчли туш. Ҳозир уйғонаман, туш ҳам тугайди. Йўқ, бу ҳақда ўйлаш жоиз эмас. Акс ҳолда одам тўла уйни бошимга кўтариб қичқириб юбораман. Ҳозир бу ҳақда ўйламаслигим керак. Бу ҳақда кейин, бардош беришга ўзимда куч топганимда ўйлаб кўраман... Унинг кўзларига кўзим тушмаган пайтда".

У худди туш кўраётгандек, хайрихоҳ табассум билан икки томонга сурилиб йўл бераётган меҳмонлар орасидан ўтди, худди туш кўраётгандек Чарлзнинг лоладек қизарган юзига назар солди, унинг тутилинқираган овозини ва ўзининг аниқ-равшан, совуққон ва хотиржам овозини эшитди. Кейин эса табриклар бошланди, ўпичлар ҳам, қадаҳлар ҳам, рақслар ҳам – барчаси худди тушдагидек содир бўлди. Ҳатто Эшлининг лаблари ёноғига тегиб ўтиши, ҳатто Меланининг: "Энди биз ҳақиқий қариндош, опа-сингил бўлдик", дея мулойим шивирлагани – барча-барчаси рўёдек туюларди. Ҳатто Чарлзнинг аммаси мисс Питтипет Гамильтон – бақалоқ, мутаассир кекса хонимнинг ҳушдан кетиши оқибатида кўтарилган қий-чув – ҳаммаси қўрқинчли тушга ўхшарди.

Аммо табрик сўзлари тугаб, бал мусиқалари тинган, тонг ёриша бошлаган ва атланталик меҳмонлардан кимлардир уйда – каравотлар, ўриндиқлар, ерга солинган тўшакларда, кимлардир бошқарувчининг

уйида ухлагани ётишган, қўни-қўшнилар эса Ўн икки Эманда бўладиган тўй олдидан дам олгани уйларига кетишган пайтда туш тўсатдан узилиб қолди ва тунги кўйлакда чиқиб келган, иягигача тортилган чойшаб устидан Скарлеттнинг ўзига тикилган қўрқув тўла нигоҳидан кўзини олиб қочишга уринаётган, хижолатдан қип-қизариб кетган Чарлз қиёфасидаги воқеликнинг босқинига дош беролмай, мисоли нозик шиша каби чил-чил бўлиниб, тирқираб кетди.

Албатта, у куёв-келинлар бир ёстиққа бош қўйишини билар, аммо никоҳнинг бу томони ҳечам хаёлига келмаганди. Мабодо гап унинг ота-онаси ҳақида бўлса – бу ўз-ўзидан маълум, аммо бу унинг ўзига ҳеч қандай дахли йўқдек туюларди. Фақат энди, ўша маъшум барбекюдан кейин биринчи марта у ўзини неларга маҳкум этганини англаб етди. Аслида ўзи турмушга чиқишни мутлақо истамаган ҳолда бу бегона йигитга тегиш ҳақида ўта шошилинч қарор қабул қилгани ва бир умрга йўқотгани – Эшлига нисбатан ғайритабиий соғинч ҳисси боис афсус-надоматлар юрагини ўртаётган пайтда ўзи билан бир тўшакда ётишига изн бериш – йўқ, бу энди унинг иродасидан ташқаридаги ҳодиса эди. Чарлз тўшакка журъатсизгина яқинлашганида у бўғиқ овозда шошилиб пичирлади:

– Яна бир қадам боссангиз қичқириб юбораман. Қичқираман! Бутун уйни бошимга кўтариб бақираман! Йўқолинг бу ердан, менга қўлингизни ҳам текқиза кўрманг!

Чарлз Гамильтон ўзининг биринчи никоҳ оқшомини ётоқхона бурчагидаги катта оромкурсида ўтказди, у ўзини ўта бахтсиз ҳис қилмас, чунки қайлиғини камтар ва маъсума деб билар ёки унга шундай туюларди. Скарлеттни қўрқув тарк этмагунча у кута олади, агар... агар... Оромкурсида қулайроқ жойлашиб ўтиришга уриниб у чуқур хўрсинди – ахир, эрта-индин урушга кетиши керак.

Агар ўзининг тўйи қўрқинчли тушдай даҳшатли бўлса, Эшлининг тўйи Скарлетт учун бундан-да оғир мусибат эди. У Ўн икки Эман меҳмонхонасида тўйнинг иккинчи куни учун махсус тикилган олма рангли яшил кўйлагида юзлаб шамларнинг тафтли ёғдусига кўмилиб, худди кечагидек меҳмонлар орасида турар ва Мелани Гамильтоннинг, энди эса Мелани Уилкснинг бахтдан гул-гул яшнаётган соддагина бетчасини, ўзгариб, гўзаллашиб бораётганини кўриб турарди. Энди у Эшлидан буткул айрилгани ҳақида ўйларди. Унинг Эшлиси. Йўқ, энди Эшли уники эмас. Аммо қачондир уники бўлганми ўзи? Миясида ўй-хаёллари чалкашиб кетди – у шу қадар чарчаган, жигар-бағри хун бўлиб кетган эдики. Ахир, унга севишини айтди-ку, лекин нимадир уларни ажратиб турарди. Бу нима? Қани эслай олса... У Чарлзга турмушга чиқди ва барча ғийбатчиларни тилини тишлашга мажбур қилди, бироқ энди бунинг нима аҳамияти бор? Қачондир бу унга ўта муҳимдек туюларди, ҳозир эса назарида тамоман қимматини йўқотганди. Аҳамиятга молик ягона нарса – бу Эшли. Энди уни йўқотди ва шундай одамга турмушга чиқдики, уни нафақат яхши кўрмайди, энг ёмони – ундан нафратланади.

Эҳ, унинг афсус-надоматлардан қаттиқ азоб чекаётгани ёлғиз худога аён! У неча маротаба бу мақолни эшитган: "Бошқаларнинг таъбини хира қилиш учун бақа ютишга ҳам тайёрман" – унинг ақли бу сўзларнинг маъносига эндигина тўла-тўкис етди. Чунки яна Чарлздан қутулиш, никоҳ ришталаридан озод бўлиш, бокира қиз бўлиб қолиш, мустаҳкам ва ишончли ота уйига қайтиб бориш истаги ўзидан бошқа ҳеч кимни айблай олмаслигини англаш азоби билан қоришиб кетганди. Эллин уни бу қароридан қайтаришга ҳаракат қилганди, аммо унга қулоқ солмади.

Худди туман ичида қолгандай мубҳам бир ҳолатда Эшлининг тўйи куни кечаси билан тонг отгунча рақс тушди. У кулар, жилмаяр, беихтиёр нималарнидир гапирар ва, ҳеч қандай асоссиз, унинг қиёфасида фақат бахтиёр келинчакни кўраётган, юраги яраланганини пайқамаётган кишиларнинг аҳмоқлигидан ҳайрон бўларди. Ҳа, худога шукур, улар ҳеч нарсани сезишмади.

Шу кечаси, Моможон ечинишига ёрдамлашиб чиқиб кетганидан сўнг, иккинчи никоҳ оқшомини ҳам от ёли билан тўлдирилган қаттиқ оромкурсида ўтказишдан беҳад хавотирланган Чарлз уялинқираб кийимхонадан чиқиб келганида у бехосдан йиғлаб юборди. У йиғлар, Чарлз эса, ниҳоят, унинг ёнида ётиб, овутишга уринарди, у эса кўз ёшлари тўкилиб адо бўлмагунча жимгина йиғлайверди, йиғлайверди, сўнгра секин-секин ҳиқиллаганча унинг елкасига бош қўйиб ухлаб қолди.

Уруш бошланмаганида ёш келин-куёвлар кейинги бир ҳафта давомида графлик бўйлаб чорловларга бориб юрган, бутун ҳафта давомида янги келин-куёвлар шарафига баллар, зиёфатлар берилган, шундан сўнг улар Саратога ёки Уайт Салфорга тўй саёҳатига жўнаб кетган бўлардилар. Уруш бўлмаганида учинчи, тўртинчи, бешинчи кун Фонтейнлар, Калвертлар, Тарлтонларникида Скарлеттнинг шарафига бериладиган зиёфатлар учун унга атаб янги кўйлаклар тикишган бўларди. Бироқ уруш бошланди, шу боис на қабул маросимлари, на тўй саёҳатлари амалга ошди. Тўйдан бир ҳафта ўтиб Чарлз полковник Уэйд Хемптонга қўшилиш учун жўнаб кетди, икки ҳафтадан сўнг эса барча қариндош ва дўст-биродарларини айрилиқ азобига ташлаб Эшли ҳам Эскадрон билан жўнаб кетди.

Ўтган шу икки ҳафта давомида Скарлетт Эшли билан бирор марта кўришмади, юзма-юз туриб

гаплашмади. Ҳатто Эшли станцияга кетаётиб, йўлйўлакай Тарага кириб ўтган пайтидаги оғир хайрлашув онларида ҳам, бир лаҳза бўлса-да, иккови ёлғиз қолмади. Эрли хотин сифатида янада босиқ, янада вазмин тортган Мелани шляпа ва шолрўмолда Эшлининг қўлидан тутиб турар, Тара аҳли – оқ танлилар ҳам, қора танлилар ҳам – мистер Эшлини урушга кузатиш учун ҳовлига югуриб чиқишганди.

Мелани деди:

– Сен Скарлеттни ўпиб қўйишинг лозим, Эшли. У энди менинг опам. – Эшли эгилиб совуқ лабларини унинг юзига текизди. Унинг чеҳрасидаги ифода ҳеч нарсани англатмас, маҳдуд ва зўрма-зўраки эди. Бу ўпич Скарлеттга қувонч бағишлагани йўқ – ахир, Эшли уни Меланининг гапи билан ўпди-да, ана шу важдан унинг қалби ҳасрат ва хусуматга тўла эди. Мелани эса хайрлашаётиб, сал бўлмаса уни қучоғида бўғиб ўлдирай деди.

– Мен билан Питтипет аммамни кўргани албатта Атлантага келинг! О, азизам, сизнинг ташрифингизни жуда-жуда истаймиз! Биз Чарлининг хотинини яхшироқ билишни истаймиз!

Беш ҳафта ўтди. Жанубий Каролинадан Чарлзнинг ишқ-муҳаббатга тўла, уруш тугаши билан амалга оширмоқчи бўлган режалари, Скарлетт учун жанг майдонида қаҳрамонлик кўрсатишга интилаётгани, полк командири Уэйд Хемтон қаршисида бош эгиши ҳақидаги мактублари кетма-кет келиб турарди. Еттинчи ҳафтада эса полковник Хемптоннинг ўзидан телеграмма, телеграммадан кейин эса ҳурмат ва эҳтиром билан ҳамдардлик ҳамда яхши тилаклар билдирилган хат келди. Чарлз вафот этибди. Полковник унинг касали ҳақида илгарироқ хабар бермоқчи экан, аммо Чарлз хасталигини арзимас ҳисоблаб, яқинларини бекорга ташвишга қўйишни истамабди. Тақдир бу омадсиз йигитчани алдаган –

унга на ўзи етишдим, деб ўйлаган муҳаббатни, на жанг майдонларида ҳарбий жасорат кўрсатишни раво кўрганди. У зотилжамга айланиб кетган қизамиқдан Жанубий Каролина лагеридан чиқишга улгурмай, жангда бирорта янки билан тўқнаш келишга улгурмай, тез ва бешону шараф қазо қилди. Маълум муддат ўтгач, Чарлзнинг ўғли дунёга келди ва ўша пайтдаги урфга биноан унга марҳум отасининг командири номи билан Уэйд Хемптон Гамильтон деб исм қўйдилар. Ҳомиладорлигини билиб қолгач, Скарлетт дод солиб йиғлади, ўзига ўлим тилади. Лекин у ҳомиладорликда ҳеч қандай ноқулайликни ҳис қилмади, туғруқ ҳам жуда осон кечди, туғруқдан сўнг Скарлетт шу қадар қисқа фурсатда ўзига келдики, бундан Моможоннинг кўнглида гумон туғилди: унинг фикрича олийжаноб хонимлар кўпроқ азоб чекканлари маъқул эди. Скарлетт, сиртдан билдирмаса ҳам, чақалоққа нисбатан ўзида оналик меҳрини ҳис қилмасди. У бола кўришни истамас, жон-жаҳди билан унинг дунёга келишига қарши исён кўтарар, у барибир туғилгач эса гўдак ўзининг бир парчаси эканлигига ишонгиси келмасди. Туғруқдан сўнг жисмонан қисқа муддатда ўзига келган эса-да, дили шикаста, руҳи синиқ эди, хонадон соҳиблари қанча уринишмасин, уни ҳаётга қайтариш осон эмасди. Эллиннинг қовоғи очилмас, чеҳрасига ғам-қайғу доим соя солиб турар, Жералд эса аввалгидан ҳам баттар сўкинар, оғзидан боди кириб, шоди чиқар, Жонсбородан Скарлеттга кераксиз совға-саломлар олиб келарди. Ҳатто кекса доктор Фонтейн ҳам хавотирда эди: унинг олтингугурт, гиёҳлар ва қора қиёмдан тайёрлаган дамламаси ҳам Скарлеттнинг кайфиятини кўтаришга ёрдам бермади. У Эллинга ўз тахминини айтди: Скарлеттнинг қалби чилпарчин бўлган, шу боис арзимаган нарсага жаҳли чиқади, тушкунликка тушади. Лекин Скарлетт тан олишни истаса,

унинг руҳий ҳолати бутунлай бошқа ва анчайин мураккаб сабабларга боғлиқлигини – ўлгудай зериккани ҳамда оналик юки билан, энг асосийси, ҳаётидан Эшлининг йўқолгани билан – боғлиқлигини уларга айтган бўларди. Мана, нималар уни эзаётганди.

Аччиқ ва мудҳиш дилгирлик уни тарк этмасди. Эскадрон жўнаб кетганидан сўнг бутун графликда ўйин-кулги ва тантаналар тўхтатилди. Дуркун йигитларнинг бари урушга кетди: тўрт ака-ука Тарлтонлар, ака-ука Калвертлар, Фонтейнлар, Манролар – Жонсборода ҳам, Фейетвиллда ҳам, Лавжойда ҳам ёш, кўркам йигит қолмади. Ёши улуғ эркаклар, майиб-мажруҳлар ва тўқиш, тикиш билан вақт ўтказаётган ёки армияга кўпроқ пахта, маккажўхори, қўй, чўчқа, сигир гўшти етиштиришга уринаётган аёллардан бўлак ҳеч ким қолмади. Скарлетт кўриши мумкин бўлган ягона эркак бу – у қадар ёш бўлмаган, кўпдан бери Сьюлинга ошиқи шайдо, моддий таъминот бўлими командири, ойда бир марта маҳсулот йиғишга келиб-кетадиган Фрэнк Кеннеди эди. Унинг таъминотчилари орасида кўзга илинадигани йўқ эди. Фрэнкнинг Сьюлинга ҳадиксираб қилган хушомадлари Скарлеттнинг ғашига шу қадар тегардики, унга илтифот билан муомала қилиш унинг учун ўта азоб эди. Қани энди Сьюлин иккаласи бу ишни тезроқ якунига етказишса.

Қолаверса, таъминотчилар орасида келишган йигитлар топилган тақдирда ҳам унинг учун ҳеч нарса ўзгармасди. У бева эди, юраги эса сўнган ва гўрга кўмилганди. Сирасини айтганда, ҳамма шундай деб ўйлар ва ундан ўзини шунга мувофиқ тутишини кутишарди. Бу Скарлеттнинг ғазабини қўзғар, чунки у қанча куч сарфламасин, хотирасида Чарлзнинг чеҳрасини тиклаёлмас – фақат Скарлетт унга турмушга чиқишга рози бўлганини англаган пайтда чиройли кўзларининг сузилиб боқишигина ёдида

қолган. Ҳатто бу хотира ҳам кун сайин хира тортиб борарди. Шунга қарамай, бевалиги унга эҳтиёткор ҳаракат қилиш мажбуриятини юкларди. Қизларга хос ўйин-кулгилар энди унга ёт. У ўзини вазмин, виқорли тутиши лозим. Эллин бир куни уни Фрэнк Кеннеди бўлимида хизмат қилаётган лейтенант билан кўриб қолганидан буён унга буни қаттиқ туриб уқтириб борарди. Лейтенант уни арғимчоқда учирар, у эса қотиб-қотиб куларди. Таъби хира бўлган Эллин ёш қолган бева аёл фисқу-фасоднинг осон тарқалишига сабабчи бўлиши мукинлигини унинг миясига қуйишга уринарди. Бева аёл эрли хонимдан кўра жиддийроқ, тақводорроқ бўлиши лозим.

"Вой худойим, эрли аёллар шусиз ҳам ҳар қандай ўйин-кулгидан маҳрум-ку! – хаёлидан ўтказди Скарлетт ойисининг мулойим оҳангдаги таъналарини тоқат билан тинглаб. – Демак, бева аёл ўзини тириклай гўрга тиқиши керак экан-да".

Бева на бир тасмаси, на бир боғичи, на бир тўри бор хунук қора кўйлак кийиши, унга ҳатто на бир гул, на бир безак билан – йўл-йўл ақиқ кўзли мотам тўғноғичи ёки майитнинг сочидан тўқилган маржонни айтмаса – зеб бериши мумкин эмасди. Қора ипак рўмол албатта тумоқдан тиззагача тушиб туриши лозим, фақат уч йилдан, бевалик давридан сўнггина уни елкагача қисқартириш мумкин. Бева аёл очилиб-сочилиб гаплашиб ўтириши ёки овоз чиқариб кулиши мумкин эмас. У жилмайиши, аммо фақат мотамсаро табассум қилиши мумкин, холос. Ҳаммадан даҳшатлиси, бева аёл эркаклар жамоасига зиғирча қизиқиш билдирмаслиги керак. Модомики, жентльменлардан бирортаси унга эътибор кўрсатиш билан ўзининг беҳад тарбиясизлигини намоён этса, марҳум эрининг номини вақтида ва ҳурматини жойига қўйиб эслатиш орқали суллоҳнинг таъзирини бериб қўйиши лозим. "Албатта, – қовоғи уюлиб

ўйлади Скарлетт, – бева аёллар иккинчи марта турмушга чиққан пайтлар ҳам бўлган-ку, бироқ кўпинча афт-ангори тиришиб-буришиб қолгандан сўнг, лекин яқин қўшниларнинг сергак назорати остида бу ишни қандай қиладилар, ёлғиз худога аён. Боз устига уларга, одатда, катта ер майдонига эга ҳамда болаларининг кўплигидан жони халқумига келган бева эркаклар уйланишади".

Никоҳнинг ўзи оғир мусибатга айланган эди, энди эса бевалик ҳаётнинг тугаб битганини англатиб турибди! Чарлз оламдан ўтгач, кичкинтой Уэйд Хэмптон унинг учун таскин-тасалли бўлади, дейдиганлар бунчалар бефаҳм бўлишмаса! Унинг яшашдан мақсади пайдо бўлди, деб даъво қилишлари нақадар бемаънилик! Ҳамма бир овоздан жўр бўлиб, Чарлз унга ўз муҳаббатининг гаровини қолдириб кетгани қандай ажойиб, деб қичқиради. Скарлетт уларнинг ёлғон тасаввурларига путур етказмоқчимас, албатта. Аммо улар ҳақиқатдан нақадар йироқ. Уэйд унинг фикру хаёлини ҳамма нарсадан камроқ банд қилади, гоҳида у ўғли борлигини ҳам унутиб қўяёзади.

Ҳар куни уйқудан уйғонар чоғида – мудроқ ҳолатида у яна аввалги Скарлетт О'Харага айланиб қолар, яна офтоб дераза тагидаги магнолия япроқларида ўйнар, яна мазахчи қушчалар олдингидек чирқиллашар, қовурилган тўшнинг иштаҳаочар ҳиди тағин димоғини қитиқларди. У эса тағин ёш ва беғам қизалоққа айланиб қоларди. Сўнгра очиққан митти гўдакнинг кишининг раҳмини келтирадиган йиғиси эшитилар ва ҳар гал илк сонияда фақат ҳайратланар ва хаёлидан: "Бу нима – уйимизда чақалоқ борми? – деган фикр "ялт" этиб ўтар ва у шу заҳотиёқ хатосини пайқаб қоларди: "Ахир, бу менинг ўғлим-ку!". Тўсатдан воқеликка қайтиш эса азобли эди.

Кейин эса – Эшли! О, ҳар лаҳзада яна Эшли, Эшли! Ҳаётида биринчи марта у Тарани ёмон кўриб қолди,

тепадан дарёга тушиб келган узун қизғиш йўлни ёмон кўриб қолди, қизил тупроқли оч яшил пахта далаларини ёмон кўриб қолди. Ҳар бир қарич ер, ҳар битта дарахт ва ҳар битта ирмоқ, ҳар бир сўқмоқ ва дарё юқорисидаги ҳар бир йўл унга Эшлини эслатарди. Эшли бошқа бир аёлнинг хасми эди ва у урушга кетди, аммо унинг шарпаси ҳалиям қоронғу кўчаларда пинҳона кезиб юрар, хаёлчан кўк кўзлари эса айвоннинг қоронғу бурчагидан унга қараб жилмайиб турарди. Мабодо Ўн икки Эмандан дарё бўйига тушган йўлда от туёқларининг дупури қулоғига чалиниб қолса, юраги бир лаҳза ширин орзиқиб кетарди – Эшли!

У энди бир пайтлар ўзи суйган Ўн икки Эманни ҳам ёмон кўриб қолганди. Бу қўрғонни айни вақтда ҳам жуда ёмон кўрар, ҳам ўзи истамаган ҳолда Жон Уилкс ва қизларининг Эшли ҳақидаги гапларини, унинг Виргиниядан жўнатган хатларини овоз чиқариб ўқишларини эшитиш учун ўша ёққа интиларди. Унинг дили оғрир, аммо эшитмаса бўлмасди. Индиянинг ўта расмиятпарастлиги ҳамда Ойимқизнинг бемаъни сафсаталари жонига теккан ва улар ҳам уни кўрарга кўзи йўқлигини билар, бироқ уларникига бормасликка тоқати етмасди. Ва ҳар гал Ўн икки Эмандан қайтиб келгач, ғамга ботиб ўзини тўшакка отар ва кечки овқатга тушишни рад этарди.

Унинг айнан кечки таомдан юз ўгириши Эллин ва Момомжонни ташвишга соларди. Моможон кишининг иштаҳасини очадиган ноз-неъматлар солинган патнисни кўтариб кириб, секингина энди, бева бўлиб қолганида, кўнгли нимани тусаса ўшани ейиши мумкинлигига ишора қилди. Бироқ Скарлеттнинг иштаҳаси йўқ эди.

Бир куни доктор Фонтейн қовоғини солиб Эллинга дард-алам чекавериб соғлигидан айрилган, оқибатда жонидан ажраб гўрга кирган аёллар бор-

лигини айтди. Эллиннинг юзи оқариб кетди: айнан шу фикр унинг ҳам ич-этини кемираётганди.

– Нима қилсак бўлади, доктор?

– Вазиятни ўзгартириш унинг учун энг яхши дори вазифасини ўтайди, – деди доктор аҳволи оғир беморини қўлдан чиқаришдан баттар ташвиш тортиб.

Шундай қилиб, Скарлетт истамаса-да, чақалоғи билан Саваннадаги қариндошлари О'Харалар ва Робийярларни, кейин эса Чарльстондаги Эллиннинг опалари – Полин ва Евлалияни кўргани жўнаб кетди. Эллин уни бир ойдан кейин келади, деб ўйлаганди, аммо мутлақо кутмаганида, ҳеч қандай баҳонаи сабабсиз Скарлетт уйга қайтди. Саваннада Скарлеттни очиқ чеҳра билан кутиб олишди, аммо қария Жейм ва Эндрю ҳамда уларнинг хотинлари билан қилт этмай ўтириш, уларнинг Скарлеттни зиғирчаям қизиқтирмайдиган ўтмишлари ҳақидаги ҳикояларини жимгина эшитиш ўта зерикарли эди. Робийярларникида ҳам худди шу ҳол такрорланди. Чарльстон эса, Скарлеттнинг фикрича, беҳад ёқимсиз шаҳар эди.

Полин хола ва унинг эри – жиккак, нимжон, расмият юзасидан лутф кўрсатадиган, хаёлан ўтган асрларда тентираб юрадиган лоқайд қария – дарё бўйида, Тарадан ҳам хилватроқ бир гўшада яшардилар. Энг яқин ер-мулккача бўлган масофа йигирма милядан ортиқроқ эди, у жойга туман қоплаган йўллар, овлоқ эманзорлар, сарв буталари ва ботқоқликлар орқали ўтиларди. Кулранг йўсин попуклари чирмашиб кетган Виргиния эманларига кўзи тушганда Скарлеттни титроқ босди: бу манзара унда болалигида Жералд айтиб берган – жимирлаб турган туман орасида изғиб юрувчи ирланд руҳлари ҳақидаги хотираларни уйғотарди. Бу ерда бирор иш билан шуғулланишнинг ҳеч иложи йўқ, у узуккун тўқиш билан машғул бўлар, оқшомлари эса Кэри

амаки Булвер-Литтоннинг насиҳатомуз асарларини овоз чиқариб ўқир, у эса қулоқ тутарди.

Чарльстонда, Евлалия холанинг баланд девор ва боғ ортидаги кўздан пана каттакон уйида яшаш ҳам жуда зерикарли эди. Бепоён далалар ва яланг сайхонликларга ҳамда қизғиш қия қирларга кўзи ўрганиб қолган Скарлетт ўзини гўё қамоқда ётгандай ҳис қиларди. Бу ердагилар Полин холанинг уйидагилар каби одамови эмас, бироқ Скарлеттга бу уйга ташриф буюрган кишилар – уларнинг ўта расмиятчилиги, анъаналарга тобелиги, табақалашувга алоҳида эътибор беришлари ёқмасди. Уларнинг назарида Скарлетт мезальянс – ўзаро тенг бўлмаган никоҳнинг меваси эди. Улар қандай қилиб Робийярларнинг бир қизи келгинди ирландга турмушга чиққанига ҳайрон бўлишар, Скарлетт ҳам уларнинг фикрини уқиб оларди. У Евлалия холанинг доим орқаваротдан бошқалардан унга илтифот кўрсатишларини сўраётганини сезарди. Бу эса унинг ғазабини қўзғар, чунки у насл-насаби тозалигини отасидан ортиқ қадрламасди. У ҳеч кимнинг ёрдамисиз чинакам ирландга хос фавқулодда ишбилармонлиги, топқирлиги туфайли одамлар орасида ўз ўрнини топа олган отаси Жералд билан фахрланарди.

Бунинг устига чарльстонликлар Самтер фортини эгаллашда ўзларининг хизматлари жуда катта, деб ўйлашарди. Ё меҳрибон тангри, наҳотки бу эси пастлар тушунишмаган бўлса: агар уларнинг ўқ узмасликка ақллари етган тақдирда ҳам, эртами-кеч ўзга бир телба ўқ узган, барибир уруш бошланиб кетган бўларди. Ҳатто уларнинг сўзларни чўзиб гапиришлари ҳам унга, Шимолий Жоржиянинг тез ва жонли лаҳжасига ўрганиб қолган Скарлеттга, ортиқча қилиқ кўрсатаётгандек туюларди. Баъзида у, мабодо яна бир марта "пальма" ўрнига "паалма" ёхуд "ма" ва "па" ўрнига "маа" ва "паа" деб эшитса, қулоқла-

рини беркитиб чинқириб юборишдан чўчирди. Булар унинг шу қадар асабига тегардики, бир расмий ташриф чоғида у Евлалия холасининг дилини сиёҳ қилиб, Жераллнинг талаффузига усталик билан тақлид қилганча, қишлоқча ирланд лаҳжасида гапира бошлади. Хуллас, у уйга қайтди. Қулоқларини чарльстонча нутқ билан қийнагандан кўра Эшли ҳақидаги ўй-хаёллардан изтироб чеккани тузукроқ.

Конфедерация манфаати учун ер-мулкдан келадиган даромадни кўпайтириш ниятида кечаю кундуз тер тўккан Эллин озиб-тўзиб кетган, рангпар, тили заҳар катта қизи уйга қайтганида қўрқувга тушди. Кечалари беғам-беташвиш хуррак отаётган Жераллнинг ёнида ётиб, қачонлардир ўзи ҳам қайтариб бўлмас айрилиқни бошидан кечирганини эсларкан, Эллин қандай қилиб қизимнинг изтиробларини енгиллатсам экан, деб бош қотирарди. Чарлзнинг аммаси мисс Питтипэт Гамильтон Скарлеттни уларникига меҳмонга Атлантага юборишни қаттиқ илтимос қилиб неча марта хат ёзганди, мана энди Эллин биринчи марта бу таклиф устида жиддий ўйлаб қолди.

Аммаси ва Мелани катта уйда бир ўзлари "энди, азиз нуридийдамиз Чарлз оламдан ўтганидан сўнг, эркак кишининг ҳимоясисиз" яшашаётгани ҳақида ёзарди мисс Питтипэт. "Тўғри, акам Генри ҳам бор, лекин у биз билан бир уйда яшамайди. Скарлетт Сизга Генри ҳақида гапириб берган бўлса керак. Одобахлоқ қоидалари бу ҳақда хатда муфассал ёзмасликни тақозо этади. Мабодо Скарлетт бизникига меҳмон бўлиб келса, Мелани иккимиз анча енгил ошган ва хотиржам тортган бўлардик. Ёлғиз аёлларга икки кишидан кўра уч киши бўлиб яшаган афзал. Балки қадрдонимиз Скарлетт Мелани сингари госпиталда ётган жасур йигитларимизга ғамхўрлик кўрсатиб ўз ғам-андуҳларига тасалли топар, ва албатта, мен ҳам,

Мелани ҳам унинг бебаҳо кичкинтойини кўришга интизормиз...“

Бир сўз билан айтганда, Скарлеттнинг бевалик кийим-кечаклари яна сафар учун йиғилди ва у Уэйд Хемптон, энагаси Присси, Жералд берган юз конфедерат доллари ва Моможон ҳамда Эллиннинг у ўзини қандай тутиши лозимлиги ҳақидаги панд-насиҳатларини олиб Атлантага жўнаб кетди. Скарлетт Атлантага боришни унчалик хоҳламасди. Унинг тасаввурида Питти амма кам учрайдиган ғирт бефаҳм кампир эди, қолаверса, Скарлеттни Эшлининг хотини билан бир уйда яшаш фикри қийнарди. Хотиралар юки босган уйда туриш унинг учун чидаб бўлмас даражада оғир ва у боши оққан томонга қочиб кетишга тайёр эди.

VIII боб

1862 йилнинг май тонгида поезд Скарлеттни шимолга олиб кетарди. Мелани ва мисс Питтипетни жини суймаса-да, Скарлетт уруш бошланмасидан олдинги қишда охирги марта у ерда бўлганидан буён Атлантада юз берган ўзгаришларга қизиқар ва нима бўлгандаям бу шаҳар Чарльстон ёки Саваннадек ўта зерикарли бўлмаса керак, деб ўйларди.

Жералднинг гапига қараганда, Скарлетт Атланта билан тенгқур, шунинг учун ҳам бу шаҳар уни болалигидан қизиқтирарди. Жералд, одатдагидек, қочирим қилмоқчи бўлиб бир оз ҳақиқатга хилоф иш тутди ва Скарлетт йиллар ўтиб буни тушунди, лекин қандай бўлмасин, Атланта ундан бор-йўғи тўққиз ёш катта, демак, бошқа шаҳарлардан хийла ёш эди. Саванна ва Чарльстон эски, улкан шаҳарлар эди – бирининг ёши икки асрга яқинлашиб қолган, иккинчиси эса учинчи асрга қадам қўйганди, Скарлеттнинг назарида елпиғичлари билан елпиниб ўтирган бу момо-шаҳарлар ўзларининг кекса устихонларини қуёшда оҳиста тоблар, Атланта эса у билан бир авлодга мансуб – ўзи каби ёш, ўзбошимча, тийиқсиз шаҳар эди.

Жералд бу шаҳарни Скарлеттнинг тенгдоши деб атаганининг боиси шунда эдики, Атлантага бу ном Скарлетт туғилган йили берилганди. Тўққиз йил олдин шаҳар аввал Терминус, кейин эса Мартасвилл деб аталган, Скарлетт туғилган йили эса Атланта деб ўзгартирилганди.

Жералд Шимолий Жоржияга келган пайтда Атлантадан ном-нишон ҳам йўқ эди, ҳатто ўрнида кафтдек қишлоқча ҳам йўқ – одам оёғи етмаган хилват жой эди. Лекин кейинги 1836 йили штат чероки ҳиндуларидан тортиб олинган ҳудуд орқали шимоли-ғарбга томон темир йўл ётқизиш лойиҳасини тасдиқлади. Бу йўлнинг охирги нуқтаси – ғарбдаги Теннесси штати – аллақачон аниқ белгиланган, аммо Жоржиянинг қаеридан бошланиши кераклигини қандайдир номаълум қурувчи қизил тупроққа таёқ суқиб, йўлнинг бошланғич жанубий нуқтасини, яъни охирги станция деб аталган бўлажак Атланта шаҳрининг ўрнини белгиламагунича ҳеч ким аниқ билмасди.

Ўша йиллар Шимолий Жоржияда ҳали темир йўл ётқизилмаган, ва умуман, темир йўл дегани камёб ҳодиса эди. Жералд Эллин билан турмуш қуришидан сал олдинроқ Тарадан шимолда, йигирма беш миля узоқликда жойлашган майда фактория қишлоқчага айланди ва темир йўл шу ердан секин шимол томон ўрлай бошлади. Кейин эса ёппасига темирйўл қуриш замони бошланди. Эски Огаста шаҳридан штат орқали ўтган иккинчи йўлни Теннессидаги янги йўл билан боғлаш учун Ғарб томонга чўзишди. Бошқа бир эски шаҳар – Саваннадан Марказий Жоржиядаги Мейкон шаҳригача, кейин эса шимолга қараб Жералд қўним топган графлик орқали Атлантагача юқорида эслатилган йўллар билан боғланиш учун учинчи темир йўл тармоғи қурилиши бошланди. Бу эса Саванна бандаргоҳининг ғарбий ҳудудлар билан алоқасини таъминларди. Сўнгра бу темир йўл тармоғидан ёш Атланта шаҳридан жануби-ғарбга қараб, то Монтгомери ва Мобайлгача тўртинчи темир йўл тармоғи қурилди.

Темир излар билан бирга туғилган шаҳар бу йўллар билан бирга ўсиб, ривожланди. Ҳар тўрттала те-

мир йўл йўналишлари қуриб битказилгач, Атланта ғарб, жануб ҳамда соҳилбўйи билан, Огаста орқали эса – шимол ва шарқ билан тўғридан-тўғри боғланди. Барча йўллар кесишган жойда пайдо бўлган кичкина қишлоқ гуллаб-яшнади.

Қисқа вақтда – ўшанда Скарлетт ўн етти ёшга тўлган эди – қизил тупроққа таёқ қадалган жойда ўн минг аҳоли яшайдиган ва бутун штатнинг эътиборига тушиб, гуркираган Атланта шаҳарчаси қад ростлади. Қайнаб жўш ураётган ёш шаҳарга назар соларкан, нисбатан қадим ва улуғ шаҳарлар ўзларини кутилмаганда ғоз боласини очирган товуқдек сезарди. Нима сабабдан Атланта Жоржиянинг бошқа шаҳарларига қараганда бу қадар айрича қиёфа касб этди? Шу қадар тез қад ростлаганининг сири нимада? Темир йўллар ҳамда бир гуруҳ уста тадбиркор кишиларни ҳисобга олмаганда, у алоҳида бир хусусияти билан ажралиб турмасди-ку, ахир.

Нима ҳам дердик, аввал Мартасвилл, кейинроқ эса Атланта номини олган Терминусга биринчи бўлиб кўчиб келиб ўрнашган аҳоли, шубҳасиз, тадбиркор кишилар эди. Ишчан, серғайрат, серҳаракат бу одамлар Жоржиянинг илгари ўзлаштирилган вилоятларидан ва бошқа узоқ штатлардан бу темир йўл тармоғи теварагида кенгайиб бораётган шаҳарчага оқиб келарди. Улар бу ерга келажакка катта ишонч ва умид билан келиб, вокзал ортидаги бешта кесишган балчиқ йўлнинг чеккасига омбор ва дўконларини қуришарди. Улар Уайтхолл, Вашингтон кўчалари ва баланд қир этагидаги ҳиндулар авлодларининг кўплаб мокасиналари топтаган ва Шафтолизор сўқмоғи деб аталган йўл бўйлаб янги муҳташам уйлар барпо этишди. Улар ўз шаҳри, унинг тез суръатларда ўсиб бораётгани ва ўз ишлари билан фахрланишар, чунки шаҳар уларнинг тиришқоқлиги туфайли юксалиб борарди. Эски шаҳарлар Атлантага ҳар қандай

ном тақаши мумкин эди, бироқ Атланта бунга эътибор қаратмасди.

Айнан Саванна, Огаста ва Мейконни бу шаҳарга нафратланиб қарашга мажбур қилган жиҳати билан Атланта Скарлеттнинг эътиборини ўзига тортарди. Атлантада, унинг феъл-атворида бўлгани каби, эски анъаналар янгиси билан ғаройиб тарзда чатишиб кетган ва бу яккама-якка жангда кўпинча эскилик янгиликнинг ўзбошимчалиги ва қудратига ён берарди. Қолаверса, туб шахсий омиллар ҳам бу борада бир қадар аҳамият касб этарди – бу шаҳар ҳар қалай у билан бир вақтда туғилган ёки ўз номини олган.

Йўлда ўтган оқшом совуқ ва ёмғирли бўлди, бироқ поезд Атлантага етиб келганида, иссиқ қуёш ўз ишига дадил киришган ва лойқа сувлар гирдобида қолган кўчаларни қуритишга уриниб, жон-жаҳди билан меҳнат қиларди. Вокзал олдидаги ғилдираклар ва туёқлар остида ўйдим-чуқур бўлиб кетган лойли майдон чўчқалар ағанаб ётишни хуш кўрадиган балчиққа ўхшар ва бир нечта араванинг ғилдираги гупчагигача балчиққа ботиб кетганди. Ур-йиқитлар ва лой оралаб армияга тегишли фургонлар ва санитар аравалар майдон орқали вагонлардан туширилган ўқ-дорилар ва ярадорларни ортиб турнақатор бўлиб тинимсиз ўтиб борар, хачирлар балчиққа ботар, аравакашлар сўкинишар, ғилдираклар остидан лой сачрарди.

Мотам тасмаси қарийб товонигача тушиб турган қора кўйлагида чеҳраси оппоқ, малоҳатли Скарлетт вагоннинг пастки зинасида турарди. У туфлиси ва кўйлагининг этаги булғанишидан қўрқиб, ерга оёқ босишга журъат қилолмай, тақир-туқур аравалар, извошлар ва кареталар орасидан мисс Питтипетнинг дўмбоқ қизил юзини қидириб, атрофга олазарак қараркан, сочлари оппоқ, озғин, кекса негр кўл-

макларни шалоплатиб, қўлида шляпаси, сиполик ва виқор билан ўзи томон келаётганини кўрди.

– Бу хоним, менимча, мисс Скарлетт бўлса керак? Мен эса Питер – мисс Питтипэтнинг извошчисиман. Тўхтанг, балчиққа тушманг! – этакларини йиғиштириб зинадан сакрашга тайёр Скарлеттни жаҳл билан тўхтатди у. – Қараб турсам, сиз ҳам мисс Питтидан беҳроқ эмас экансиз, у худди ёш болага ўхшайди – доим оёқлари ивиб юради. Келинг, сизни кўтариб олиб бораман.

У Скарлеттни кўтариб олди – кексалиги ва қиёфасидан касалманддай кўринганига қарамай осонгина кўтарди – ва вагон остонасида қўлида бола билан турган Приссини кўриб, сўради:

– Манави қизча энагангизми, дейман? Мистер Чарлзнинг ёлғизгина ўғлига энагалик қилишга у ҳали ёшлик қилади – сизга шуни айтиб қўйишим керак, мисс Скарлетт. Майли, бу ҳақда кейин. Орқамдан юр ва эҳтиёт бўл, болани тушириб юборма!

Скарлетт энага танлашда хато қилгани ҳақидаги ўта қатъий оҳангда айтилган зардали гапларни мулойимлик билан эшитди ва ҳабаш чолга худди шундай мулойимлик билан ўзини кўтариб олишига изн берди. Чол уни майдон орқали извошга элтгунича у Чарлзнинг "Питер амаки" ҳақидаги гапларини эслади.

"Мексика компаниясининг бошидан охиригача у отамнинг ёнида турган, яралор бўлганида унга қараган, қисқаси, унинг ҳаётини сақлаб қолган. Аслида у Мелани иккимизни ҳам ўстириб вояга етказган, ахир, ота-онамиз вафот этганида биз жуда ёш эдик. Ўша пайтларда Питти аммам акаси Генри амаким билан уришиб қолиб, бизникига кўчиб ўтди ва бизга ғамхўрлик қилишни бўйнига олди. Фақат у мутлақо ожиз хилқат, беҳад яхши, меҳрибон, кап-катта болаки, Питер амаки унга ҳам худди ёш болага қараган-

дай қарайди. Ҳатто ўз ҳаётини асраш учун энг жўн муаммоларни ҳал қилишда ҳам мустақил қарор қабул қила олмайди, шу туфайли Питер амаки унинг ўрнига ҳамма нарсани ўзи ҳал қилиши керак. Ўн беш ёшга тўлганимда майда харажатларимга кетадиган пулни кўпайтириш зарур, деган қарорга келган киши айнан Питер амаки эди, Генри амаким шу ердаги университетда ўқишимни истаётган бир пайтда Чарлз билим олишни Гарвард университетида давом эттиради, деб туриб олган ҳам у эди. Мелани улғайганида энди унга сочини турмаклашга ва киборлар даврасига қўшилишига ижозат бериш-бермаслик масаласини ҳам айнан Питер амакининг ўзи ҳал қилган. Агар у ташқари қаттиқ совуқ ёки намгарчилик кучли деса, Питти амма унинг гапи билан уйда қолиши, ҳеч қаёққа меҳмонга бормаслиги керак эди, ҳатто унга қайси рўмолни ўраши кераклигини ҳам у айтиб турарди... Мен кўрган-билган қулларнинг орасида Питер амаки энг ақллиси, топқири ва энг садоқатлиси. Ҳамма фалокат шундаки, биз уччаламиз ҳам унинг мулкига айланиб қолганмиз, у эса буни жуда яхши билади".

Питер амаки извош ўриндиғига ўтириб, қўлига қамчи олган заҳоти Чарлзнинг гаплари ўз тасдиғини топди.

– Мисс Питти сизни кутиб олишга чиқолмаганидан қаттиқ хафа, сиз тушунасизми, йўқми, билмадим, аммо унга бормайсиз, деб мен айтдим: мисс Мелли иккови ҳам лойга ботиб, янги кўйлакларини расво қилгани қолади. Хўш, ҳаммасини сизга ўзим тушунтириб бераман, мисс Скарлетт, болани қўлингизга олсангиз яхши бўлармиди. Яна бу ношуд қизча гўдакни йиқитиб қўймасин.

Скарлетт Приссига ўгринча қараб, хўрсинди. Тўғри, Присси яхши энага эмас. Яқиндагина калта юбка кийиб юрган, тортиб ўрилган сочлари ҳар та-

рафга қараб диккайган қоқсуяк қизчанинг узун чит кўйлак ва оппоқ, оҳорланган рўмоли туфайли жиддий қиёфага кириб қолгани Приссининг кайфиятини кўтариб юборганди. Агар урушнинг кечиктириб бўлмас қатъий талаблари бўлмаганида эди, у ҳеч қачон бу қадар ёш пайтидаёқ ҳозиргидек юқори даражага эришмаган бўларди. Интендантлик хизматининг Тарадан маҳсулот етказиб беришга доир ўз талаблари бор, шу туфайли Эллин Моможон ёки Дилсисиз, ҳатто Роза ё Тинасиз барча ишнинг уддасидан чиқолмасди. Присси ҳали бир мартаям Тара ва Ўн икки Эмандан бир чақиримдан ортиқ узоқлашмаган, поездда саёҳат, яна энагадек ҳали кўникмаган юқори унвони унинг мўъжазгина ночор ақли учун оғир синов эди. Жонсбородан Атлантагача йигирма миллик йўлни босиб ўтгани уни шу қадар ҳаяжонга солган эдики, Скарлеттнинг чақалоқни қўлидан қўймай олиб ўтиришига тўғри келди. Энди эса уйлар ва одамларнинг мисли кўрилмаган даражада кўплиги Приссини бутунлай қуюшқондан чиқарганди. У ўриндиқда ирғишлар, ўзини ҳар томонга ташлар ва орада гўдакни секин қўйиб қўярди, чақалоқ эса зорланиб йиғлай бошларди.

Скарлетт Моможоннинг гўдакка салгина тегса тинчлантирадиган кекса дўмбоқ қўлларини қўмсаб эслади. Бироқ Момомжон Тарада қолган, бирор чора кўришнинг ҳеч иложи йўқ эди. Кичкинтой Уэйдни қўлига олганидан наф йўқ. Унинг қўлида ҳам чақалоқ Приссининг қўлидалигидан кам чинқирмас, боз устига боғичларига ёпишиб, бошидаги тумоқни тортиб олар, ва албатта, кўйлагини ғижимларди. Скарлетт Питер амакининг гапини эшитмаганга олди.

"Балки вақти келиб болага қарашни ўрганарман, – ўкинч билан ўйлади Скарлетт лойдан зўрға чиқаётган извошда силкиниб, – лекин ҳеч қачон уни паҳпаҳлаб эркалатиш менга завқ бағишламайди".

Боланинг юзи йиғидан қизариб-бўзариб кетганини кўриб, жаҳл билан деди:

– Унга шакарли сўрғични бер, Присси, у сенинг чўнтагингда. Бир илож қилиб овут. Кўриниб турибди, у оч қолган, лекин ҳозир мен ҳеч нарса қилолмайман.

Присси эрталаб Моможон докага ўраб берган шакарли сўрғични боланинг оғзига солди ва у жим бўлди, Скарлетт эса атрофга аланглай бошлади, унинг кайфияти бир оз кўтарилди. Питер амаки ниҳоят ўйдим-чуқур лой йўлдан извошни Шафтолизор кўчасига олиб чиққанида, у неча ойлардан бери биринчи марта кўнглида яна қизиқувчанлик уйғонаётганини ҳис қилди. Шаҳар нақадар ўсибди! У охирги марта атиги бир йилдан зиёдроқ вақт олдин бу ерда бўлган, чоғроққина Атлантанинг қисқа фурсатда шунчалик ўзгариб кетганига ақли бовар қилмасди.

Бутун ўтган йил мобайнида Скарлетт ўзининг ғам-ғуссаларига шу қадар кўмилиб қолган, уруш ҳақидаги узлуксиз гаплар шу қадар жонига теккандики, илк отишмалар бошланган кундан бери Атлантада рўй берган туб ўзгаришлардан бехабар эди. Тинчлик пайти Атлантани савдо йўллари кесишган марказга айлантирган темир йўллар уруш чоғида муҳим стратегик аҳамият касб этди. Жанговар ҳаракатлар олиб борилаётган ҳудудлардан узоқда жойлашган, темир йўллар туташган бу шаҳар Конфедерациянинг икки армиясини – Виргиния ва Теннесси армияларини ҳамда Ғарбни боғлаб турган бўғинга айланди. Яна бу икки армияга зарур ашёлар етказиб бераётган Жануб ичкариси билан боғловчи йўллар ҳам Атланта орқали ўтарди. Энди уруш эҳтиёжларини қондираётган Атланта ҳам саноат маркази, ҳам ҳарбий шифохона маркази, ҳам бош қурол-яроғ ва Жанубнинг урушаётган армияларига етказиб берилаётган озиқ-овқат омборига айланиб бораётганди.

Скарлетт ўзига яхши таниш шаҳарчанинг белгиларини излаб атрофга беҳуда аланглади. У билган шаҳарча ғойиб бўлганди. Кўз ўнгида намоён бўлган шаҳар эса бир кечада гўдакдан улкан, сершовқин, беўхшов давангир йигитга айланганга ўхшарди.

Конфедерация учун қимматли аҳамиятга эга эканлигидан мағрур Атланта тўзғиган, безовта асалари уясига ўхшарди. Кечаю кундуз бу ерда иш қайнар – қишлоқ хўжалиги ўлкаси саноат ўлкасига айланарди. Урушгача Мериленддан жануброқда на пахта ёки жун йигириш фабрикалари, на аслаҳахона, на завод бор эди. Бу билан жанубликлар доим фахрланардилар. Жануб давлат арбоблари ва аскарлар, заминдорлар ва шифокорлар, адвокат ва шоирларни етказиб берар, аммо у ердан инженер ва механиклар етишиб чиқмасди. Бу паст мутахассисликлар янкиларнинг чекига тушганди. Аммо ҳозир шимолликларнинг ҳарбий кемалари конфедератларга тегишли бандаргоҳларни қамал қилиб турган ва арзимаган миқдордаги юклар Европадан бу ерга қийинчилик билан ўтаётган бир пайтда, Жануб жон-жаҳди билан мустақил равишда жанговар техника ишлаб чиқаришга уринарди. Шимол ўқ-дори ва ёрдамчи кучларни Ер юзининг исталган нуқтасидан олиши мумкин эди – катта ваъдалар бериб Шимол ўз томонига оғдириб олган минг-минглаб ирланд ва немислар шимолликлар армияси сафларини тўлдирарди.

Атлантада металлга ишлов берадиган устахоналарда тиришқоқлик ва қунт билан станокларни жанговар техника ишлаб чиқаришга мослаштиришарди, чунки Жанубда бундай жиҳозлар деярли йўқ ва шу боис ҳар бир винтча, ҳар бир тишли ғилдиракчани қамални четлаб ўтиб Англиядан олиб келинган чизмалар асосида ясашга тўғри келарди. Атланта кўчаларида кўплаб хорижликларни учратиш мумкин эди, бир йил аввал ғарбликларнинг ҳатто енгил

лаҳжаси ҳам эътиборини тез тортган аҳоли энди станоклар ясаш ва конфедератлар армияси учун қурол-яроғ ишлаб чиқариш учун қамалдаги бандаргоҳлар орқали шаҳарга кириб келган европаликларнинг қулоқ ўрганмаган нутқларига ҳам эътибор бермай қўйдилар. Улар чиндан уста одамлар эди, улар бўлмаса Конфедерация ўзининг тўппонча, милтиқ, тўп ва ўқ-дориларига эга бўлолмасди.

Шаҳарнинг юраги қандай ураётганини, қандай қилиб у жанг қилаётган икки армияга ҳормай-толмай, кечаю кундуз темир йўл томирларидан ҳарбий аслаҳаларни етказиб бераётганини эшитса бўладигандай туюларди. Куннинг исталган вақтида паровоз гудок чалиб бўкирар: поездларнинг бири келиб, бири кетарди. Шаҳар узра бўй чўзган фабрика мўриларидан чиққан қурумлар оппоқ уйларнинг деворларига ўтириб қоларди. Одамлар тўшакка кириб ором олаётган бир пайтда темирчилик ўтхоналарида тун бўйи олов ловуллар, болға зарблари узоқ тарақлаб турарди. Бир йил илгариги яланглик ларда энди эгар-жабдуқ ва тақалар ясайдиган устахоналар ишларди; қурол-яроғ заводлари милтиқ ва тўплар ишлаб чиқарарди; чиғирлаш ва қуюв цехлари шимолликлар томонидан йўқ қилинганларининг ўрнига рельслар ва юк вагонлари ишлаб чиқарарди. Кўплаб турли-туман корхоналарда тугма, узанги, бўйинтуруқ, чодир, юган, тўппонча ва қиличлар ишлаб чиқариларди. Қуюв цехларида металл танқислиги сезила бошлаган, боиси кончилар жанг қилиш учун фронтга кетган, Алабама конлари деярли ишламас, қамалдаги бандаргоҳлардан металл олиб киришнинг иложи йўқ эди. Атлантадаги чўян панжаралар, чўян дарвозалар, чўян тўсиқлар ва ҳатто кўкаламзорлардаги чўян ҳайкаллар ҳам йиғиб олиниб металл эритиш цехларига жўнатилганди.

Шафтолизор кўчаси ва унга туташ тор кўчалар бўйлаб турли ҳарбий бошқармалар: интендантлик

хизмати, алоқа, почта, темир йўл, ҳарбий полиция бош бошқармаси... қаёққа қарама, ҳамма ёқда ҳарбий мундирлар кўзга ташланарди. Шаҳар ташқарисида от ва хачирларга мўлжалланган қўтонлари билан таъмирлаш хизмати устахоналари, четдаги кўчаларда эса госпиталлар жойлашганди. Питер амакини тинглай туриб, Скарлетт Атлантанинг ярадорлар шаҳрига айланганини тушуна бошлади: бу ерда умумий госпиталлар, юқумли касалликлар госпитали, соғлиги тикланаётган беморлар госпитали бор – санаб саноғига етолмайсан. Ҳар куни поездлар ярадор ва касалларнинг янги гуруҳларини олиб келишда давом этарди.

Бурунги осуда шаҳарчадан асар ҳам қолмаган, янги, жадал ўсиб бораётган шаҳар мисли кўрилмаган шиддат билан гувиллар ва қайнаб тошарди. Қишлоқ ҳаётининг сокин, хотиржам оқими ва сукунатига ўрганган Скарлетт югур-югурлардан нафаси тиқилиб кетди, аммо бу югур-югурлар унинг кўнглига мос келди.

Атлантадаги қайноқ муҳит уни ёқимли ҳаяжонга солди, тетиклаштирди, гўё шаҳарнинг талвасали юрак уриши ўзига кўчиб ўтгандай, Скарлеттнинг юраги тез-тез уриб кетди.

Извош бош кўчанинг лойли ўйдим-чуқурларидан секин юриб бораркан, Скарлетт янги бинолар ва нотаниш чеҳраларни қизиқсиниб кузатарди. Йўлкаларда кетаётган оломон орасида погонига қайси ҳарбий қўшин турига мансублиги ва унвонини билдирадиган белгилар тикилган мундирлар кўзга чалинарди. Тор кўча бошидан охиригача аравалар, извошлар, кабриолетлар билан, санитария ҳамда армия фургонлари билан лиқ тўла эди; уларни хачирлар дабдаласи чиққан, шалтоқ йўлдан зўрға судраб боришар, аравакашлар ғазаб билан сўкинарди. Кулранг форма кийган хабарчилар у ҳарбий қисм

билан бу ҳарбий қисм ўртасида лой сачратганча зир югуриб ҳарбий буйруқ ва хабарларни етказишар, ярадорлар қўлтиқтаёқларда, кўпинча меҳрибон ва ғамхўр икки хоним ҳамроҳлигида судралиб боришарди; янги чақирилганларни шошилинч тартибда сафда юриш машқига ўргатиладиган ўқув майдонидан барабан зарблари, сурнай товуши, буйруқ берувчи қичқириқлар эшитилиб турарди ва умрида биринчи марта шимолликларнинг мундирини ўз кўзи билан кўрган Скарлеттнинг нафаси бўғзига тиқилди. Питер амаки қамчиси билан милтиқларини қия ушлаган конфедератлар бўлинмаси кузатувида вокзал тарафга олиб кетилаётган қовоқлари осилган кўк мундирли одамлар тўдасини кўрсатиб, уларни вагонларга ўтқизиб ҳарбий асирлар лагерига жўнатишади, деди.

"О! – хаёлан хитоб қилди Скарлетт, у ўша унутилмас барбекюдан кейин биринчи марта чинакам қувончни ҳис қилди. – Бу ер менга ёқадиганга ўхшайди. Бу ерда ҳаёт булоқдек қайнайди, ҳаммаси шундай ажойибки!".

Шаҳарда ҳаёт чинданам булоқдек қайнар ва Скарлеттнинг нигоҳлари бу жараённинг ҳамма томонини илғаёлмасди: бирин-кетин ўнлаб янги салунлар очиларди; жангчилар орқасидан шаҳарга фоҳишалар ёпирилиб кела бошлади ва тақводор шаҳарликларни ваҳимага солиб, фоҳишабозлик кучайди. Меҳмонхоналар, пансионлар, хусусий уйлар келгиндилар билан лиқ тўла эди: Атлантанинг тўлиб-тошиб ётган госпиталларида даволанаётган ярадорлар ҳузурига ҳар тарафдан қариндош-уруғлари оқиб келарди. Ҳар ҳафта баллар, қабуллар, хайрия бозорлари ва наридан-бери, ҳарбийчасига тўйлар ўтказиларди; бир неча кунга келган куёв йигитлар зар уқали оч кулранг мундирларда, келинлар эса – келин-куёвлар шарафига кўтарилган

қадаҳларда кўпираётган шампан виносию қамални ёриб кирган серҳашам тўй либосларида никоҳдан ўтарди; черковларда, ўриндиқлар орасидаги ўтиш йўлларида қиличлар ётар, никоҳ ортидан эса видолашув ва кўз ёшлари эргашарди. Икки четига дарахт экилган қоп-қоронғу кўчалар тун бўйи рақс тушаётган оёқлар дупуридан гувиллар, деразалардан эса фортепьяно оҳанглари янграр, таътилга чиққан ҳарбийларнинг мардона овози майин сопранога қўшилиб ҳазин оҳангда: "Чолғучилар сурнай чалишар" ёки "Сенинг хатинг келди, афсус, жуда кеч" тароналарини куйлар ва ҳақиқий кулфатнинг туб моҳиятини ҳали англаб улгурмаган ёш қароқларни ҳаяжон ёшлари билан намларди.

Извош шилтаси чиққан лой кўчадан юриб борар, Скарлетт тўхтовсиз савол берар, билағонлигидан мағрур Питер амаки эса қамчисини ҳали у ёққа, ҳали бу ёққа сермаб, уларга жавоб қайтарарди.

– Ҳув ана у ёқда – ўқ-дори омбори. Ҳа, мэм, у ерда милтиқлар ва шунга ўхшаш нарсалар бор. Йўқ, мэм, булар дўкон эмас, бу қамални ёриб ўтаётганлар идораси. Қанақасига, мэм, наҳотки бу ҳақда ҳеч нарса билмасангиз? Булар хорижликлар идораси – улар биздан пахта сотиб олиб, Чарльстон ва Уилмингтондан денгиз орқали олиб кетишади, бизга порох олиб келишади. Йўқ, мэм, мен уларнинг кимлигини билмайман. Мисс Питтининг айтишича, улар инглизлар бўлса керак, бироқ уларнинг сўзини ҳеч ким тушунмайди. Ҳа, мэм, жуда катта тутун, бу қурумнинг дастидан мисс Питтининг шоҳи дарпардалари расво бўлди. Булар бари чиғирлаш ва қуйиш цехларидан чиқади. Шовқинни айтмайсизми – чидаб бўлмайди! Ҳеч кимга уйқу беришмайди! Йўқ, мэм – қарасангиз қарайверинг, аммо мен тўхтай олмайман. Мисс Питтига сизни тўғри уйга олиб боришга ваъда берганман... Мисс Скарлетт, қани таъзим қилинг. Мисс Мер-

риуэзер ва мисс Элсинг сиз билан саломлашишяпти.

Юқорида номлари тилга олинган хонимларни Скарлетт зўрға эслади: улар Атлантадан унинг тўйига келишганди. Мисс Питтипэтнинг қадрдон дугоналари бўлса керак. У шошиб Питер амаки қамчи билан ишора қилган томонга қаради ва бош эгиб салом берди. Хонимлар мануфактура дўкони олдида извошда ўтиришарди. Хўжайин ва икки сотувчи йўлкада улар рўпарасида туришар, қўлларида икки тўп пахта газлама бор эди. Миссис Мерриуэзер баланд бўйли, семиз аёл бўлиб, корсети қаттиқ сиқиб боғланганидан, кўйлак тагида дўппайиб турган кўкраги кеманинг тумшуғидай олдинга интилаётганга ўхшарди. Унинг оқ оралаган қора сочларини табиий ранги билан уйғунлашмаган қўнғир тусли соч попуги ўраб турар, қизил кулча юзи истарали кўринса-да, қатъиятли эди. Озғин, заиф, ёшликдаги гўзалликнинг излари билиниб турган ва ҳамроҳидан бир қадар ёш миссис Элсинг ўзини тарк этаётган ёшлик аломатлари ҳамда юракларни забт этган мафтункор аёлнинг виқорли қоматини сақлаб қолганди.

Бу икки хоним учинчи хоним – миссис Уайтинг билан биргаликда Атланта киборлар жамиятининг устунлари эдилар. Улар учта черковни – руҳонийси, хонишчилари, ибодатга қатновчи диндорлари билан – идора қилардилар. Тағин хайрия бозорлари ташкил этишар, тикув тўгаракларига раҳбарлик қилишар, бал ва зиёфатлар уюштиришни бошқаришарди. Кимларнинг оиласи бахтли-ю, кимники бахтсиз, ким ичкиликка ружу қўйган-у, ким қачон туғади – улар ҳаммасини аниқ билишарди. Жоржияда, Жанубий Каролинада ва Виргинияда муайян бир нуфузга эга бўлган шахслар ҳақида гап очилса, улар барча шажараларнинг шак-шубҳасиз билимдони эканини намоён этишар, бошқа штатдагиларни эса назарга илишмасди. Чунки уларнинг қатъий эътиқо-

дига кўра кимдир бирор мартабага эришган бўлса, албатта юқорида тилга олинган учта штатнинг биридан чиққан бўларди. Улар нима одоб доирасида-ю, нима одобдан ташқарилигини аниқ билишар ва бу ҳақда ҳаммага билдириб қўйиш имкониятини ҳеч қачон қўлдан чиқаришмасди – миссис Мерриуэзер овозини кўтариб дона-дона қилиб, миссис Элсинг латиф ва титроқ товуши билан, миссис Уайтинг эса бу ҳақда гапириш оғир эканини билдириб пичирлаб гапирарди. Бу хонимлар бир-бирини ёмон кўришар ва бир-бирига биринчи Рим триумвиратидан қолишмайдиган самимият ва ўта совуққонлик билан ишонишмас, афтидан, бу улар иттифоқининг мустаҳкам пойдевори эди.

– Мен мисс Питтига сиз албатта менинг госпиталимда бўлишингиз кераклигини айтдим, – қичқирди миссис Мерриуэзер табассумдан юзлари яшнаб. – Миссис Мид ёки миссис Уайтингга ваъда беришни хаёлингизга ҳам келтирманг!

– Мутлақо, – жавоб берди Скарлетт миссис Мерриуэзер нимани назарда тутаётгани ҳақида заррача тасаввурга эга бўлмаса-да, бироқ ўзини қучоқ очиб кутиб олишаётгани ва кимгадир кераклигидан юраги илиб. – Умид қиламанки, тез орада кўришамиз.

Извош судралишда давом этди, аммо шу ондаёқ қўлларида бинт тўла корзинка, тошдан тошга сакраб кўчани кесиб ўтаётган икки хонимга йўл бериш учун тўхтаб қолди. Айни лаҳзада Скарлеттнинг эътиборини кимнингдир ёрқин, кўчада кийилмайдиган, кўзга ярқ этиб ташланадиган кийими тортди: йўлкада попуклари товонига тушиб турган гулдор кашмири шолрўмолга ўраниб олган баланд бўйли, кўринишдан сурбетроқ ва ҳурпайган сочлари сап-сариқ чиройли аёл турарди. Скарлетт ҳали ҳеч қачон сочларини алламбало қилган аёлни кўрмагани боис сеҳрлангандек унга тикилиб қолганди.

– Питер амаки, ким бу? – пичирлаб сўради у.

– Билмадим.

– Биласан, биласан. Билишингни кўриб турибман-ку. Ким у?

– Унинг исми Соҳибжамол Уотлинг, – деди Питер амаки пастки лабини нафратомуз чўччайтириб.

Скарлетт Питер амакининг бу аёл исми ёнига на "мисс", на "миссис" сўзини қўшмаганини дарҳол илғади.

– У ким ўзи?

– Мисс Скарлетт, – қовоғини солиб гап бошлади Питер амаки ва кутилмаганда байталга қамчи тортиб юборди, – сўрашингиз мутлақо ножоиз нарсалар ҳақида сўраётганингиз мисс Питтининг феъл-атворига сираям тўғри келмайди. Ҳозир бу шаҳарда беадаб кишилар шу қадар кўпайиб кетдики, бу ҳақда гапиришнинг ўзи ҳам ножоиз.

"Ё меҳрибон эгам! – ўйлади Скарлетт шу заҳоти тилини тишлаб. – Бу аёл фоҳиша бўлса керак!"

У ҳали ҳаётда бирор марта бу тоифага мансуб аёлларни учратмаган ва аёл оломон ичида кўздан йўқолмагунича уни кузатаркан, сал бўлмаса бўйни узилай деди.

Дўконлар ва уруш даврида пайдо бўлган бинолар энди сийраклашиб борар, улар оралиғида эса ялангликлар ястаниб ётарди. Ниҳоят шаҳарнинг ишчан қисми ортда қолди ва узоқдан аҳоли яшайдиган мавзелар кўрина бошлади. Скарлетт уларни худди эски дўстларидек дарров таниди: мана Лейденларнинг муҳташам уйи, мана Боннелларнинг оқ устунлари ва яшил чий дарпардалари; мана георгиан услубидаги тахта девор ортидан тесрайиб турган қизғиш ғиштли иморат – бу Маклюрлар хонадонига тегишли қулай ва шинам уй. Энди извош тобора секинроқ юрар, чунки одамлар пиллапоялардан, эшиклар олдидан, боғча ва йўлкалардан туриб Скарлеттни олқишла-

шарди. Бу уйлар бекаларидан айримларини у бир қадар билар, айримларини элас-элас эслар, аксарияти эса унга нотаниш эди. Питтипет амма унинг келаётганини ҳаммага хабар қилгани аниқ. Ҳаммаёқ лой бўлишига қарамай извошга яқинлашишга журъат этган хонимлар кичкинтой Уэйдни эркалашлари учун ора-сирада уни бир оз баландроқ кўтаришига тўғри келарди. Ҳаммалари Скарлетт айнан уларнинг тўқув ва тикув тўгараклари ҳамда госпиталлар қўмиталарига қўшилиши лозимлигини уқтиришар, у эса ўйлаб ҳам ўтирмай, ўнгу сўлга қараб ваъдалар берарди.

Извош яшилга бўялган қийшиқ ёғоч уй олдидан ўтиб бораётганида эшик олдида турган кичкина негр қизча қичқирди:

– Ҳей, у етиб келди! – Доктор Мид рафиқаси ва ўн уч ёшли ўғли Фил билан Скарлетт билан саломлашиш учун уйдан чиқишди. Улар ҳам ўзининг тўйида қатнашганини Скарлетт эслади. Миссис Мид тушиш осон бўлсин деб меҳмонлар отларини тўхтатадиган тош устига чиқиб олди ва бўйнини чўзиб чақалоқни кўздан кечирди, доктор Мид эса лойни шалоплатиб извош томон юрди. У баланд бўйли, ориқ, чўққи соқоли оққувадан келган киши эди. Кийимлари озғин гавдасида гўё ҳозиргина шамол учириб елкасига илиб қўйгандек осилиб турарди. Атланталиклар назарида у донишмандлик тимсоли ва Атлантанинг мустаҳкам таянчи эди, шу боисдан ўзи ҳам ўзи ҳақида бир қадар баланд фикрда бўлса, бунинг ҳайрон қоладиган жойи йўқ. Аммо ўзига бино қўйиши ва фикр-мулоҳазаларини соҳибкаромат коҳин сингари тантанали оҳангда баён қилишига қарамай, доктор шаҳардаги энг қалби пок инсон эди.

У Скарлетт билан саломлашди, Уэйдни қорнига бармоғи билан туртиб эркалади ва шу ондаёқ Питтипет амма онт ичиб ваъда берганини айтди: Скар-

летт госпиталда миссис Миднинг ва фақат миссис Миднинг қўмитасида ишлайди ва бинт ўрайди.

– Вой худойим, нима қилсам экан! Мен аллақачон ўнлаб хонимларга ваъда бериб қўйдим! – хитоб қилди Скарлетт.

– Шу жумладан, албатта миссис Мерриуэзерга ҳам! – ғазаб билан қичқирди миссис Мид. – Қуриб кетсин! Кечаю кундуз умри вокзалда ўтаётган бўлса керак!

– У нимани гапираётгани ҳақида тасаввурга эга бўлмаганим туфайли ваъда бергандим, – тан олди Скарлетт. – Ҳа, айтганча, булар қандай қўмиталар ўзи?

Скарлеттнинг нодонлигидан доктор ва рафиқаси бир оз ажабланишди.

– Ҳа, тушунарли, ахир сиз ер-мулкингизда ўралашиб ётган бўлсангиз, қаердан ҳам билардингиз, – унинг учун узр айтишга шошилди миссис Мид. – Бизда турли госпиталларда турли кунларда хизмат кўрсатиш учун шафқат ҳамширалари қўмиталари тузилган. Биз ярадорларга қараймиз, докторларга ёрдам берамиз, яраларни боғлайдиган материаллар, кийим-кечаклар тайёрлаймиз, ярадорлар госпитални тарк этар даражада соғайишса, буткул тузалгунларича уларни уйимизга олиб кетамиз, шундан сўнг улар армияга қайтадилар. Биз яна ярадорларнинг оилаларига ҳам ғамхўрлик кўрсатамиз, чунки айримлари оғир муҳтожликни бошдан кечиряптилар. Бизнинг қўмита доктор Мид ишлаётган госпиталда ташкил этилган, ҳамма бир овоздан доктор чиндан ҳам мўъжизалар яратаётганини таъкидламоқда...

– Бўлди, бўлди, миссис Мид, – мулойимлик билан унинг сўзини бўлди эри. – Ҳамманинг олдида мени мақташ шарт эмас. Мана, сиз мени фронтга юбормадингиз, менинг бу ерда қилаётган ишларим арзимаган гап.

– Юбормадим? – жаҳл билан қичқирди рафиқаси. – Мен юбормадимми? Шаҳар аҳли-ку сизни қўйиб юбормаган, ўзингиз буни яхши биласиз. Тушуняпсизми, Скарлетт, унинг ҳарбий врач сифатида Виргинияга жўнаб кетмоқчи бўлганидан хабар топгач, шаҳарлик аёллар ундан шу ерда қолишни сўраб илтимоснома билан мурожаат қилишди. Ўз-ўзидан тушунарлики, шаҳар усиз бирор ишнинг уддасидан чиқолмайди.

– Хўп, бўлди, бўлди, миссис Мид, – такрорлади доктор, унинг мақтовларидан хурсандлигини яширмай.

– Келгуси йили урушга мен бораман! – хитоб қилди Фил қувонганидан турган жойида сакраб. – Ноғорачи бўлиб! Мен қачондан бери ноғора чалишни ўрганяпман, эшитишни истайсизми? Ҳозир чопиб бориб ноғорамни олиб келаман!

– Йўқ, ҳозирмас, – деди миссис Мид ва ўғлини бағрига тортди. Юзида чуқур ҳаяжон акс этди. – Келгуси йил эмас, жоним. Яна бир йилдан сўнг боришинг мумкин.

– Унда уруш тугайди-ку! – хафа бўлиб бақирди Фил онасининг қучоғидан сирғалиб чиқиб. – Ваъда бергандинг!

Ота-оналарнинг кўзлари тўқнашди ва Скарлетт уларнинг нигоҳидан ҳаммасини англади. Дарси Мид Виргинияда жанг қиларди, ота-онанинг хавотирли меҳр-муҳаббати ўзлари билан уйда қолган кенжа ўғилга қаратилган эди.

Питер амаки йўталиб қўйди.

– Мен кетаётганимда миссис Питти қаттиқ ҳаяжонда эди. Уйга жўнаш лозим, у шусиз ҳам беҳуш ётган бўлса керак.

– Кўришгунча. Сизникига тушдан кейин кириб ўтаман! – қичқирди миссис Мид. – Питтига айтиб қўйинг: агар у сизни менинг қўмитамга бермаса, ҳали кўп марта ҳушдан кетиб йиқилиши тайин.

Извош тойғинчоқ балчиқли арава изларидан у ёқ-бу ёққа тебраниб имиллаб борарди, Скарлетт жилмайиб ўзини суянчиққа ташлади. Бир неча ойдан бери биринчи марта унинг кўнгли бир оз ёришди. Атланта ўзининг сершовқин оломони билан, шиддатли туғёнларию шошқалоқлиги билан, ҳали ишга солинмаган ғайрат-шижоати билан унинг қалбида ёқимли ғулғула уйғотарди. Атланта унинг учун тунги сукунатни фақат тимсоҳларнинг қичқириғигина бузадиган Чарльстон атрофидаги кимсасиз плантациялардан кўра ёқимлироқ, баланд деворлар ортидаги боғлари соясида пинакка кетган Чарльстондан ҳам ёқимлироқ, кенг кўчалари четига пальмалар ўтқазилган ва дарёси лойқаланиб оқувчи Саваннадан ҳам жозибалироқ эди. Ҳозирча, балки ҳатто Тарадан ҳам, унинг учун беҳад қимматли Тарадан ҳам ёқимлироқ эди.

Қизғиш қия тепаликлар ўртасида ястаниб ётган, кўчалари тор бу шаҳар нимаси биландир сирли тарзда уни ўзига жалб этарди; бу шаҳарда унинг қалбига ҳамоҳанг қандайдир теран ибтидоий бир куч яширин эди. Моможон ва Эллиннинг саъй-ҳаракатлари билан сингдирилган тушунчаларнинг нозик пардаси остида эса бу кучга эмикдош бир нарса юраги тубида сақланиб қолганди. Сариқ сувли дарёлар қирғоғидан бошланган паст текисликларда жойлашган кўҳна шаҳарларнинг сокин улуғворлиги орасида эмас, балки айнан шу ерда у ўзини фавқулоддда ўз кўнглига яқин муҳитга кириб қолгандай ҳис қилди.

Энди уйлар бир-биридан тобора узоқлашиб борар, Скарлетт эса извошдан бошини чиқариб мисс Питтипэт уйининг қизил ғиштин деворларини, шифер қоқилган томини кўрди. Уй шаҳарнинг шимолида, чеккада, бошқа уйлардан хийла нарида эди. Уйнинг ортидаги Шафтолизор кўчаси торайиб, улкан

дарахтлар орасидан ўрлаб бораётган сўқмоққа айланар ва жимжит ўрмон ичида кўздан ғойиб бўларди. Батартиб қоқилган ёғоч девор яқин орада оппоқ бўёқ билан бўялган, кираверишдаги гулзорда эса бу мавсумдаги сўнгги жонкилларнинг сариқ юлдузчалари олтиндек товланарди. Эшик олдида қора кўйлак кийган икки аёл туришар, улар ортида барваста мулат аёл қўлларини олд этаги остига қовуштириб, оппоқ тишларини кўрсатиб жилмаярди. Бақ-бақалоқ мисс Питтипэт ҳаяжонланганидан оғирлигини кичкина оёқларининг гоҳ униси, гоҳ бунисига ташлаб, безовта ураётган юрагини тинчлантирмоқчидек қўлларини бўлиқ кўкрагига босиб турарди. Скарлетт унинг ёнида турган Меланига қаради ва шу ондаёқ юрагида алангаланган ёқтирмаслик туйғуси билан англади: мана у – Атлантанинг бир бочка асали ичидаги бир қошиқ қатрон – қорамтир қўнғироқ сочлари сиполик билан қаттиқ тортиб танғиб қўйилган, нозик ингичка иякли, кенг ёноқли очиқ чеҳрасига қувноқ табассум ёйилган мотам либосидаги нозик жусса.

Мабодо бирор жанублик лаш-лушини йиғиштириб қариндошлари ёхуд дўстларини кўриш учун йигирма миляли йўлга отланса, бу ташриф камида тўрт-беш ҳафта давом этар, гоҳида ундан-да кўпга чўзиларди. Жанубликлар иштиёқ билан меҳмонга боришар ва ўзлари ҳам меҳмон кутишарди, Рождествога келган қариндошлар июлгача қолиб кетишса, бунинг ҳеч қандай ажабланарли жойи йўқ эди. Кўпинча ёш келин-куёвлар ҳам одатдагидай ташриф буюриб, бағрикенг мезбонларникида иккинчи фарзандлари дунёга келгунча яшаб қолардилар. Шундай воқеалар ҳам тез-тез учраб турардики, якшанба куни тушлик қилгани келган бирор кекса амакижон ёки холажон йиллар ўтиб, келган хонадонидан уйига қайтиб кетишга фурсат тополмай, тўғри қабрис-

тонга равона бўларди. Меҳмонлар ҳеч кимни қийнамас, чунки уйлар кенг, хизматкор-қароллар хизматида камчилик сезилмас, бир неча ортиқча қоринни боқиш бу фаровон ўлка одамларига оғирлик қилмасди. Ҳамма хонадон турли ёш ва турли жинсдаги меҳмонлар билан доим тўла эди: ёш келин-куёвлар қариндошларини йўқлаб келишар, ёш оналар янги туғилган фарзандини кўрсатиш, касалдан турганлар соғлигини тиклаш учун келар, номақбул никоҳдан асраш ниятида ота-оналари жўнатиб юборган, ғам-аламга ботган ҳамда балоғат ёшидан ўтган, ҳали турмуш қурмаган ва қариндошлар ёрдами билан янги жойда муносиб куёв топилар, деган умидда юборилган бўй қизлар келишарди. Меҳмонлар Жанубнинг осуда кечаётган ҳаёт оқимига жозиба ва жон бағишларди. Шу боисдан уларни доимо очиқ чеҳра билан самимий кутиб олишарди.

Худди шундай, Скарлетт ҳам бу ерда қанча яшашидан мутлақо бехабар ҳолда Атлантага келди. Мабодо бу жой ҳам Саванна ва Чарльстондаги каби зерикарли бўлса, у ҳолда уйга бир ойдан сўнг қайтади. Агар ёқиб қолса, бу ерда истаганча яшаб қолади.

Бироқ у ҳали етиб келиб улгурмасидан Питти амма ва Мелани уни бу ерда умрбод яшаб қолишга кўндиришга бел боғлашди. Бир дунё турли-туман далилу исботларни рўкач қилишди. Улар Скарлеттнинг ўзлари билан бирга яшашини хоҳлашади, чунки уни яхши кўришади. Улар жуда ёлғиз, бундай маҳобатли уйда яшаш кечалари жуда қўрқинчли, Скарлетт эса жасур, у бирга бўлса ҳеч нарсадан қўрқмасаям бўлади. У шу қадар дилкаш, уларнинг қайғу-ҳасратларини аритади. Ҳозир, Чарлзнинг вафотидан кейин, унинг ва ўғлининг ўрни шу ерда, марҳумнинг қариндошлари орасида. Қолаверса, Чарлз васият қилганидек, уйнинг ярми унга теғишли. Ва ниҳоят: Конфедерацияга тикиш, тўқиш, бинт ўраш ва ярадорларни

парвариш қилиш учун яна бир жуфт қўл ниҳоятда қадрли.

Чарлзнинг амакиси, вокзал ёнидаги "Атланта" меҳмонхонасида яшаётган кекса, сўққабош Генри Гамильтон ҳам у билан бу ҳақда жиддий гаплашиб кўрди. Генри амаки – қорни думалоқ, қизил юзли ва узун оқ сочли, жуссаси кичкина, жаҳлдор жентльмен – ўзи аёлларга хос чучмаллик ва қийшанглаш, деб ҳисоблайдиган масалага ўта муросасизлиги билан ажралиб турарди. Шу важдан у синглиси мисс Питтипэт билан деярли гаплашмасди. Улар феъл-атворига кўра бир-биридан жиддий фарқ қилар, Питти амманинг жияни Чарлзни болаликдан қандай тарбиялаётгани Генри амакига маъқул келмагани боис уларнинг муносабатига путур етганди. "Солдатнинг ўғлини қандайдир мишиқи қизга айлантиряпти!" – жаҳли чиқарди Генри амакининг. Бир неча йил бурун у Питти аммага қарши ўта таҳқиромуз гап айтишни ўзига эп кўрди, оқибатда ҳозир у Генри амаки тўғрисида фақат эшитилар-эшитилмас пичирлаб, сирли имо-ишора билан гапирадики, билмаган одам гап ҳалол, виждонли кекса юрист ҳақида эмас, балки йўқ деганда ашаддий қотил ҳақида кетяпти, деб ўйлаши мумкин. Бу хўрлаш Питти амма Генри амаки васийлигидаги ўзига тегишли кўчмас мулкдан келадиган даромаддан беш юз доллар олмоқчи бўлган куни юз берди. У бу пулларни мавжуд бўлмаган олтин конларига тикмоқчи эди. Генри амаки бу суммани унга беришдан кескин бош тортди ва жаҳл устида Питти амманинг ақли бурганикидан зиёд эмаслиги ва у билан беш дақиқали мулоқотдан сўнг асаблари зирқирай бошлашини айтди. Ўша кундан буён Питти амма Генри амаки билан бир ойда бир марта иш юзасидангина учрашарди: Питер амаки уни Генри амакидан хўжаликни юритиш учун пул оладиган идорага олиб борар ва ҳар гал бу қисқа ташрифдан

сўнг Питти амма кўзлари жиққа ёш, қўлида ҳидлайдиган туз солинган шишача билан куннинг қолган қисмини тўшакда ўтказарди. Амакилари билан муносабати жуда яхши бўлган Мелани ва Чарлз аммаларига уни бу оғир мусибатдан қутқаришни таклиф қилишди, аммо у уймоқдай оғизчасини қайсарлик билан қисиб, қатъий бош чайқади ва таклифни бутунлай рад этди. У Генри амаки тимсолида ўзига юборилган тақдир ёзуғини охиригача кўриши, бардош бериши керак. Чарлз ва Мелани унинг осуда ва батартиб ҳаётида ўқтин-ўқтин юз берадиган бу руҳий изтироб унга зўр қониқиш бахш этади, деган хулосага келишди.

Скарлетт бир қарашдаёқ Генри амакининг кўнглидан жой олди, чунки аҳмоқона ноз-фироқларига қарамай, бошида зиғирча бўлса-да соғлом ақл борлиги кўриниб турибди, деган фикрда эди у. Амаки ишончли вакил сифатида нафақат Питти амма ва Меланининг ишларини юритар, балки мол-мулкнинг Чарлздан Скарлеттга теккан қисмини ҳам бошқарарди. Скарлетт учун бу кутилмаган ва ёқимли туҳфа эди: маълум бўлишича, у бадавлат ёш бева аёл экан – ахир, Чарлз унга уйнинг ярми билан бирга яна ер ва шаҳардаги баъзи бир мулкни васият қилиб қолдирибди. Вокзал ортида темир йўл бўйлаб жойлашган ва унга мерос бўлиб қолган омборхоналарнинг нархи уруш пайтида уч ҳиссага ортиб кетди. Скарлеттга тегишли кўчмас мулкнинг аҳволи ҳақида батафсил маълумот бераркан, Генри амаки унга Атлантани муқим яшайдиган маскан сифатида танлашни таклиф қилди.

– Балоғатга етгач, Уэйд Хемптон бадавлат одамга айланади, – деди Генри амаки. – Атланта кенгайиб боряпти, йигирма йилдан сўнг боланинг кўчмас мулки ҳозиргидан ўн баробар қиммат бўлади. Агар у мулки жойлашган ерда яшаса, бу оқилона иш бўлар-

ди, шунда у ўз мулки ҳамда Питти ва Меланининг мулкини ҳам бошқариш имкониятига эга бўларди. Тез орада у Гамильтонлар авлодининг ягона эркак вакили бўлиб қолади, чунки мен абадий яшамайман, ахир.

Питер амаки бошданоқ Скарлетт Атлантада доимий яшаб қолиш учун келгани ўз-ўзидан маълум, деб ҳисоблади. Чарлзнинг ягона ўғли қаердадир узоқда тарбияланиши, унинг тарбиясига ўзи кўзқулоқ бўлолмаслигини у ҳечам ақлига сиғдиролмасди. Скарлетт бу баҳонаю сабабларни жилмайиб эшитди, лекин бир нима деб жавоб қайтармади. Атлантада яшаш ва янги қариндошлари билан доимий муомала-муносабатлар ўзига маъқул бўлишига ишонч ҳосил қилмай туриб, турли ваъдалар билан ўзини боғлаб беришни истамади. Боз устига у Жералд ва Эллин бунга қарши чиқишлари муқаррарлигини тушунарди. Бундан ташқари – ҳозир, Тарадан узоқда уни азобли соғинч ҳисси қийнай бошлаган, уйни – қизил тупроқли шудгорланган далаларни, энди ниш урган ям-яшил ғўзаларни, қош қорайган палладаги маъсум осудаликни соғинаётганди. Биринчи бор у қонидаги бу ерга бўлган муҳаббат ҳақида гапирганида Жералд нимани назарда тутганини сал-пал фаҳмлай бошлади.

Шу туфайли Скарлетт қанча вақт меҳмон бўлиб туриш ниятида эканини ошкор қилмай, Шафтолизор кўчасининг тинч бир чеккасида жойлашган қизғиш ғиштин уйдаги ҳаётга секин-аста кўникиб бораркан, аниқ жавобдан устомонлик билан қочарди.

Чарлзнинг қариндошлари билан яқиндан танишиб, у ўсиб-улғайган уйни кўриб-кузатаркан Скарлетт оз-оздан тез ва қисқа муддатда унга уйланишга, уни ўғлининг онасига айлантиришга ва бева қолдиришга улгурган бу йигитчани яхшироқ тушуна бошлади. Ундаги тортинчоқлик, соддадиллик ва хаёл-

парастлик қаердан пайдо бўлгани ойдинлаша борди. Мабодо Чарлз отасидан, қаттиққўл, жаҳли тез, қўрқмас жангчидан бирор-бир хусусиятни мерос қилиб олганида ҳам, у ўсган хонадондаги ипакойим қилиб тарбияловчи аёлларга хос муҳит гўдак чоғидаёқ феъл-атворидаги ирсий хусусиятларни бўғиб қўйганди. У кексайганида ҳам болалигича қолган аммасига қаттиқ боғланиб қолган, Меланини эса чин юракдан яхши кўрарди, иккови ҳам фавқулодда меҳрибон, фариштадай беғубор эди.

Аммажон туғилганида – бу олтмиш йил илгари содир бўлганди – унга Сара Жейн Гамильтон деб ном беришганди, лекин аллақачонлардан бери уни жонидан ортиқ кўрадиган отаси жажжи оёқчаларнинг енгил дупурини эшитиб, туйқусдан унга лақаб топган кундан бошлаб ҳеч ким уни Питтипэтдан бўлак ном билан атамади. Шу иккинчи ном қўйилгандан сўнг кўп йиллар ўтди, аммажоннинг ташқи кўриниши муқаррар ўзгарди, лақаби эса бир қадар ўринсиздек туюла бошлади. Питтипэт амманинг кичкина оёқлари энди ниҳоятда оғир гавдани кўтариб юрар, фақат бемулоҳаза ва андак болаларча бижир-бижирга мойиллиги баъзан хотирада серҳаракат ва тинибтинчимас қизчанинг унутилган қиёфасини тикларди. Ҳозир Питтипэт амма дўмбоққина, юзлари қизил, сочлари оппоқ, корсети қаттиқ қисиб боғлангани боис енгил нафас қисилишидан азоб чекаётган хонимга айланганди, унинг ҳаддан ташқари тор туфличалар ичидаги оёқчалари бир мавзедан ортиқроқ масофани катта қийинчилик билан босиб ўтарди. Салгина ҳаяжонга тушса ҳам Питти амманинг юраги тез-тез ура бошлар ва у ҳар қандай мақбул, номақбул вазиятларда ҳушдан кетишни ўзига эп кўриб, юрагига ҳаёсизларча эрк бериб қўярди. Ҳаммага ва ҳар кимга аммажоннинг ҳушини йўқотиши – бу аёлларнинг майда-чуйда ҳийла-найрангидан ўзга нарса

эмаслиги маълум эди, аммо уни яхши кўришгани боис бу ҳақда оғиз очмасликни афзал кўришарди. Ҳа, ҳамма аммажонни яхши кўрар ва ёш боладек аяр, лекин Генри амакидан бошқа ҳеч ким уни жиддий қабул қилмасди.

Аммажоннинг энг севимли машғулоти гап сотиш эди; у буни ҳатто мазали таомни истеъмол қилишдан ҳам кўпроқ яхши кўрар ва соатлаб бегона кишиларнинг ишларини хушфеъллик ва беозорлик билан муҳокама қилиши мумкин эди. Бирор исм, бирор сана, бирор жой номини эслаб қололмайдиган Питтипэт амма Атлантада жуда берилиб ижро этилган драма иштирокчиларини бошқа бири билан доим адаштирар, қолаверса, бу ҳеч кимни чалғитолмас, зеро, ҳеч ким унинг сўзларига ишонадиган даражада аҳмоқ эмасди. Бунинг устига ҳеч қачон унга чинакамига уятли ёки беадаб воқеаларни айтишмас, негаки у олтмишга кирганига қарамай, ҳамма бу қари қизнинг маъсумалигини асрашни ўз бурчи деб ҳисоблар ва меҳрибон дўстларининг сўзсиз келишуви туфайли у бир умрга бегуноҳ, кексайганидаям тантиқ болалигича қолганди.

Мелани кўпроқ аммасига ўхшарди. Унингдай камтар-камсуқум, тортинчоқ, унга ўхшаб дарров қизариб кетар, бироқ шунга қарамай оқила эди.

"Ҳа, албатта, ўзининг яшаш тарзига мос" – беихтиёр кўнглида иқрор бўлди Скарлетт. Меланининг юзи худди Питти амманинг юзидек, гўё ҳаётда нуқул яхшилик ва ростгўйлик, самимийлик ва меҳр-муҳаббатга рўбарў келган гўдак чеҳраси каби маъсум ва беғубор эди. Ҳали бирор марта на ёвузлик, на шафқатсизликка дуч келмаган ва дуч келганида ҳам уларни англай олмайдиган гўдак сингари Мелани бахтиёр эди ва атрофдагиларнинг ҳам бахтиёр бўлишини, ҳеч бўлмаганда ўз тақдиридан рози бўлишини истарди. Шу боис у инсоннинг фақат яхши томон-

ларини кўришга уринар ва одамлар тўғрисида доим яхши фикр айтарди. Ҳар қандай ўта бефаҳм хизматкорда ҳам, унинг назарида, кўзларидаги овсарлик аломатларини ювиб юборадиган садоқат ва меҳрибонликни кўрарди; таниш қизларнинг энг хунук ва кўримсизида ҳам олижаноблик ёки ёқимли такаллуфни кашф этар ва ҳар қандай эркакда, у нечоғлик кўримсиз ва зерикарли бўлмасин, кўзга ташланиб турган камчиликларига қараб эмас, яширин фазилатларини илғаб баҳо беришга ҳаракат қиларди.

Олийҳиммат қалбининг самимий ва соддадиллиги учун ҳам Меланини ҳамма яхши кўрар ва беихтиёр унга талпинарди, зеро, бошқа одамлардаги ҳатто уларнинг ўзлари ҳам билмайдиган фазилатларни кашф этадиган бундай хилқатнинг жозибасига ким ҳам бефарқ бўлади дейсиз? Шу боис шаҳардаги ҳар қандай аёлдан Меланининг дугоналари кўпроқ эди, гарчи бошқа қизларда бўлгани каби хушторлари камроқ эса-да, эркаклардан дўстлари ҳам бисёр – негаки йигитларнинг қалбини забт этишда муҳим омил ҳисобланадиган ўзига ишонч ва худбинлик унга бегона эди.

Одобли муомала мезонлари барча жанублик қизлардан атрофдагилар улар суҳбатида ўзларини енгил, эркин ва хушвақт ҳис қилишларини тақозо этар, Мелани эса бор-йўғи умумий мезонларга риоя қиларди, холос. Аёллар ўрнатган ёзилмаган бу ахлоқ-одоб қоидалари мажмуи жанубликлар жамиятига жозиба бахш этарди. Жануб аёллари эркаклар ўз ҳаётидан мамнун, эътирозларга дуч келмай яшашга ўрганган ва бемалол ўзларининг ғурурини қаноатлантириши мумкин бўлган бу ўлка аёллар учун жуда ёқимли истиқомат манзили бўлиб қолишига барча асослар борлигини тушунардилар. Шу боис эркаклар ўзларидан мамнун бўлишлари учун аёллар умр бўйи бор куч-қувватларини сафарбар

этар, ўз турмушидан рози эркаклар эса бунинг учун аёлларни эҳтиром ва сиполик билан ҳотамтойларча тақдирлардилар. Моҳиятан, улар аёлларга дунёнинг барча бойликларини чин кўнгилдан инъом этишга тайёр, фақат ўзлари ҳечам уларда кўришни истамаган ақл-заковат бундан мустасно эди.

Скарлетт худди Мелани сингари хушмуомала бўла олар, бироқ буни ғайришуурий тарзда эмас, маҳорат билан, ишнинг кўзини билиб қиларди. Улар орасидаги фарқ шунда эдики, Мелани шунчаки одамларга сал бўлса-да қувонч улашиш истагида уларга хуш ёқадиган гапларни гапирар, Скарлетт эса бундай ҳолларда доим қандайдир бир мақсадни кўзларди.

Ўзига энг яқин бўлган икки аёлдан Чарлз ҳаёт сабоқларини барча номақбул томонлари билан бирга ололмас – ўз иродасини мустаҳкамлашга ёрдам бериши мумкин бўлган бирор нарсани ўрганолмасди, у ўсиб-улғайган хонадон иссиқ ва юмшоқ қуш уясига ўхшарди. Бу хонадондаги осойишта, батартиб муҳит бирор-бир жиҳати билан Тарани эслатмасди. Бу ерда Скарлеттга кўп нарса етишмасди: эр кишиларга хос ҳид – бренди, тамаки, соч мойи; ўткир овозлар ва бехос оғиздан чиқиб кетадиган сўкинишлар; милтиқлар, бакенбардлар, эгарлар, юганлар, оёқ остида ўралашиб юрувчи този итлар. Хизматкорларнинг Эллинга билдирмай сўкишишларини эшитмаслик ноодатий ҳол эди; Моможон ва Поркнинг азалдан давом этиб келаётган жанжаллари; Розанинг Тина билан айтишишлари; Жераллнинг дағдағали бақир-чақирлари; Сьюлин иккисининг бир-бирларини аччиқ кесатиқлар билан узиб олишлари етишмасди. У бу уйда ўсган Чарлзнинг пансион ўқувчиси каби журъатсиз ва уятчан бўлганига ҳайрон бўлмай қўйди. Бу ерда ҳеч ким овозини кўтармас, безовта бўлмасди; ҳамма бошқанинг фикрига одоб билан қулоқ тутар-

ди, пировардида қора танли, оқ сочли ҳукмфармо ҳокими мутлақ ўз ошхонасидан туриб ҳаммани ва ҳамма нарсани бошқарарди. Моможоннинг раҳнамолигидан қутулиб чиққач, ўзига хон, ўзига бек бўлишни мўлжаллаган Скарлетт, бахтга қарши, Питер амаки бу ёш хоним, боз устига мистер Чарлзнинг беваси, ўзини қандай тутиши жоизлигига оид тартиб-қоидаларга Моможондан-да қаттиқроқ риоя қилишини англади.

Шунга қарамай, бу хонадондаги муҳит таъсирида Скарлетт секин-аста ҳаётга қайта бошлади ва ўзи ҳам сезмаган ҳолда аввалгидек хушчақчақ бўлиб қолди. У эндигина ўн еттига тўлган, соғлом ва битмас-туганмас куч-қувватга эга эди, Чарлзнинг туғишганлари эса қандай бўлмасин унинг турмушини ёқимли қилишга интилишарди, модомики, ҳар доим ҳам бунинг уддасидан чиқишолмаса, бунда уларни айблаб бўлмасди. Ҳозир ҳам Эшлининг номи тилга олинса, Скарлеттнинг юраги сиқилар, аммо бу ерда бирор нарсани ўзгартириш ҳеч кимнинг қўлидан келмасди. Меланининг лаблари бу исмни тез-тез такрорлаб турарди! Айни пайтда Мелани ва Питти амма унинг қайғусини аритишнинг турли йўлларини ўйлаб топишар, ва табиийки, улар бу қайғунинг сабаби мутлақо бошқа нарса, деб ўйлашарди. Улар турли йўллар билан Скарлеттнинг кўнглини очишга ҳаракат қилишар ва ўз ғамларига эрк беришмасди. Унинг еб-ичиши борасида беҳад ғамхўрлик қилишар, ҳар гал тушликдан сўнг бир оз мизғиб олишга, кейин эса извошда сайр қилишга ундашарди. Улар Скарлетт билан, унинг тийрак феъл-атвори билан, келишган қадди-қомати билан, терисининг оқлиги-ю кичкина қўл ва оёқчалари билан фахрланишдан тўхтамас, унга буни уқдиришдан нафақат чарчамас, балки ўз сўзларининг тасдиғи учун уни қучоқлаб олар, ўпар ва бағрига қаттиқ босардилар.

Скарлетт уларнинг эркалашларини ҳаяжонланмай қабул қилар, аммо бу ададсиз мақтовлар қалбига илиқлик улашарди. Уйда у ҳеч қачон ўзига нисбатан бундай кўп ёқимли гаплар эшитмаганди. Моможон эса, очиғи, ундаги манманликка барҳам бериш билан овора бўларди. Кичкинтой Уэйд энди уни безорижон қилмас, зеро, хонадондагилар – оқ танлилар ҳам, қора танлилар ҳам (ва ҳатто қўшнилар ҳам) – болани жуда яхши кўришар ва уни кўтариб юриш ҳуқуқи нуқул жангу жадаллар билан қўлга киритиларди. Уни ҳаммадан ҳам Мелани жон-дили билан яхши кўрарди. У ҳатто қаттиқ қичқириб йиғлаётганида ҳам:

– Гавҳарим менинг! Оҳ, қанийди, сен менинг ўғлим бўлсайдинг! – дея хитоб қилиб уни кўкка кўтарарди.

Баъзан Скарлеттга ўз ҳиссиётларини яшириш қийин бўларди, чунки у Питти аммани ҳали ҳам ўта бефаҳм кампир деб ҳисоблар, бу хонимнинг пойинтар-сойинтар гаплари ва сафсатабозлиги асабига қаттиқ тегарди. Мелани эса унда рашк, ёқтирмаслик ҳиссини уйғотар ва бу кундан-кунга кучайиб бораётганди. Гоҳида Мелани муҳаббат ва ғурурдан яшнаб, Эшли ҳақида гапира бошласа ёки унинг хатларини овоз чиқариб ўқиса, Скарлетт сакраб ўрнидан туриб хонани тарк этишга мажбур бўларди. Аммо шунда ҳам у бу ердаги ҳаётни маъқул деб топарди. Атланта унга Чарльстон, Саванна ёки Тарага қараганда кўпроқ хилма-хилликни тақдим этарди, уруш юклаган янги, ноодатий мажбуриятлар ўйлаш ва зерикиш учун вақт қолдирмасди. Лекин, барибир, гоҳи-гоҳида у шамни ўчириб ва бошини ёстиққа босиб оғир "уф" тортар ва хаёл сурарди:

"Оҳ, қани энди Эшли уйланмаган бўлса! Нега энди мен бу жин ургур госпиталда ярадорлар билан ўралашиб юришим керак! Эҳ, қанийди менга бир ошиқ топилса!".

Ярадорларга қарашга унинг тоқати йўқ, бу ёқимсиз иш эди, бироқ истаса-истамаса бу ишни қилишига тўғри келар, ҳамонки икки хоним – миссис Мид ҳам, миссис Мерриуэзер ҳам уни ўз қўмиталари учун зўрға қўлга киритишган экан, у ҳафтада тўрт марта олдига кўйлагини бўйнидан товонигача ёпиб турадиган қўпол этак боғлаб, бошига дуррачани танғиб, эрта тонгдан дим ва бадбўй госпиталга йўл оларди. Атлантанинг ёш-қари аёллари госпиталларда шу қадар қуюнчаклик билан берилиб ишлашардики, Скарлеттга улар шунчаки ашаддий ишқибоздек кўринарди. Улар, табиийки, унда ҳам ана шундай оташин ватанпарварлик туйғуси бор деб ўйлашар ва уруш билан унчалик иши йўқлигини сезиб қолишса борми, шубҳасиз, қаттиқ изтиробга тушардилар. Агар уни бир дақиқа ҳам тарк этмайдиган: Эшли ҳалок бўлиши мумкин, деган азобли фикр қийнамаганида эди, уруш унинг учун ҳеч қандай аҳамият касб этмас ва у бундан қандай бўйин товлашни билмагани учун ҳам госпиталда ишлашда давом этарди. Шубҳасиз, Скарлетт ўзининг қилаётган ишидан ҳеч қандай завқ-шавқ туймасди. Госпиталда кўрганлари инграшлар, оҳ-воҳлар, босинқираш, нафасни бўғувчи ҳид ва ўлимдан иборат эди. Кир-чир, соч-соқоли ўсган, бит босган, қўланса ҳид чиқараётган, таналаридаги ёқимсиз жароҳатларга кўзи тушган ҳар қандай одамнинг кўнгли айниб кетадиган эркакларни кўрди. Госпиталлар қорасон бўлган аъзоларнинг исидан сасиб кетганди – бу бадбўй ҳид остона ҳатлаб кирмасиданоқ Скарлеттнинг димоғига уриларди. Ачқимтил, кўнгилни беҳузур қилувчи ҳид қўл терисига, сочларига сингиб кетар ва ҳатто тушида ҳам унга азоб берарди. Пашшалар, маскитлар, чивинлар ғувиллаб, чийиллаб, ғўнғиллаб ярадорларни ора-сира сўкинишга, ноиложликдан хўрсиниб йиғлашга мажбур қилиб, каравотлар устида булутдай буралиб

учарди. Скарлетт эса чақиб ташланган қўлларини қашлаб ва елкаси қақшаб оғригунча пальма баргини шу қадар зарда билан силкитиб, хаёлан барча ярадорларни жаҳаннамга жўнатарди.

Камтарларнинг камтари, тортинчоқ Мелани эса на қўланса ҳиддан, на жароҳатлардан, на яланғоч таналардан азоб чекмас, бу эса Скарлеттни тамом ҳайратга соларди. Гоҳо доктор Мид қорасонга айланган қўл-оёқларни кесиб ташлаётганида, асбоблар солинган тоғорани тутиб турган Меланининг юзи бўрдай оқариб кетарди. Бир куни Скарлетт ана шундай операциядан кейин Мелани секин ярани боғлаш хонасига кириб кетгани ва сочиққа қайт қилганини кўрди. Аммо ярадорлар ҳузурида у доим ўзини қувноқ, хотиржам ва ҳамдард кўрсатар, госпиталда уни "меҳрибонлик фариштаси" деб аташарди. Скарлетт ҳам шундай номга сазовор бўлишга қарши эмас, бироқ бунинг учун у ярадорларнинг ҳашаротларга тўла чойшабларига қўл уриши, тамаки бўлаги тиқилиб қолган-қолмаганини текшириб кўриш учун ҳушини йўқотганларнинг томоғига қўлини тиқиб кўриши – бундан бемор бўғилиб ўлиши мумкин – тўмтоқ қўл-оёқларни бинтлаб, йирингланган яраларни пашша тухумидан тозалашига тўғри келарди. Йўқ, ярадорларга қараш – бу унинг иши эмас!

Агар тузалаётган жангчиларга қараётиб, ўзининг сеҳру жодуларини ишга солганида эди, айрим нарсаларга кўникса бўларди, чунки уларнинг кўпчилиги олижаноб оилалардан чиққан, ҳали ўз кўркамлигини йўқотмаганди, бироқ унинг бевалик ҳолати бунга монелик қиларди. Соғая бошлаган ярадорларга қараш бокира нигоҳлари бехосдан қандайдир ножоиз нарсага тушмасин учун оғир ярадорлар палатасига қўйилмайдиган ёш қизларга юклатилганди. Шундай қилиб, никоҳ ришталари ёки бевалик тўсиғидан холи қизлар соғаяётган жангчилар устига бемалол

бостириб киришар ва ҳатто чиройи билан кўзга унча ташланмайдиган қизлар ҳам – хаёлидан ўтказди Скарлетт қовоғини солиб – ҳеч қийинчиликсиз ўзларига қаллиқ топишарди.

Яродорлар ва оғир касалларни инобатга олмаганда Скарлетт фақат аёллар орасида яшар, бу эса уни қаттиқ ғазаблантирарди, зотан, у ўзи билан бир жинсдаги одамларга нисбатан зерикишдан бошқа ҳеч нарсани – на меҳр, на ишонч ҳиссини туймасди. Шунга қарамай, ҳафтада уч марта тушдан кейинги соатларда у бичиш-тикиш тўгарагига қатнаши ва Меланининг дугоналари бошқараётган қўмиталарда бинт ўраши зарур эди. Бу ерда у учрашадиган қизлар, айниқса, тул қолган ҳомий-хонимларнинг қизлари Фэнни Элсинг ва Мейбелл Мерриуэзер Чарлзни яхши билишар ва Скарлеттга жуда меҳрибон, эътиборли эдилар. Бироқ шу билан бирга уларнинг муносабатларида гўё у аллақачон баҳори ўтган ёши улуғ аёлдек, ҳаддан ташқари эҳтиром сезилиб турарди, уларнинг чиройли либослар ва йигитлар ҳақида тинмай валдирашлари Скарлетт қалбида ҳасад ва уни ҳузур-ҳаловатдан маҳрум этган бевалигидан афсус-надомат уйғотарди. Худойим-ей! Ахир, у Фэнни ёки Мейбеллдан кўра минг карра жозибалироқ-ку! Ҳаёт бунчалар адолатсиз бўлмаса! Нечоғлик бемаъни бўлмасин, лекин негадир ҳамма, гарчи ўзи буни мутлақо истамаса ҳам, Скарлетт ўзини Чарлз билан бирга тириклай гўрга кўмиши керак, деб ҳисоблайди. Боз устига, бутун ўй-хаёллари Виргинияда, Эшлида бўлган бир пайтда!

Лекин барибир, шунча ранжу аламларга қарамай, Атланта унга ёқарди. Ҳафталар кетидан ҳафталар қувиб ўтар, у эса ортга қайтиб кетишни хаёлига ҳам келтирмасди.

IX боб

Ёз кунларининг бирида эрталаб Скарлетт ётоғи деразаси ёнида ўтириб ёш, қувноқ қизлар, хонимлар ва ҳарбий кийимдаги эркаклар билан лиқ тўла аравалар қаторини, уларга эргашиб бораётган извошларни маъюс кузатарди. Улар шу оқшом госпиталлар учун хайрия бозори ўтказиш мақсадида Шафтолизор кўчаси бўйлаб манзарали кўкаламзор ортидаги далалар ва ўрмон томонга йўл олганди. Қуёш нурлари сизиб ўтаётган қуюқ шох-шаббалар айвони остидаги қизғиш йўл жимирлаётган шуъла ва соялардан олачипор бўлиб кўринар, жониворларнинг туёқлари остидан эса ҳавога ҳовуч-ҳовуч қизғиш чанг булутчалари кўтариларди. Биринчи аравада болта кўтарган тўрт нафар қорувли негр ўтирар – уларга доим яшил дарахтларнинг шохларини кўпроқ кесиб, чирмовуқдан тозалаш вазифаси юклатилган эди, аравананинг ичида эса егуликлар солинган, устига сочиқчалар ёпилган катта-катта саватлар, идиш-товоқ жойланган эман новдаларидан тўқилган саватлар ҳамда бир уюм қовун кўриниб турарди. Бири банджо, иккинчиси оғизда чалинадиган гармошка билан қуролланган икки негр машҳур қўшиқни ўзларининг шахсий усулига солиб жўшқинлик билан чала кетдилар: "Бекорга яшамай десанг, отлиқлар сафига қўшил". Улар ортидан экипажлар тантанавор юриш бошладилар: ранг-баранг ёзги кўйлаклар, шляпалар ва нозик тўр қўлқоплар кийган қизлар қуёшдан сақланиш учун қўлларига кичик шамсиялар кўтариб олишганди; ёши улуғ хонимлар ўзларидан мамнун, беғам-беташвиш жилмайганча сипо ўтиришарди; госпиталдан чиққан, соғая бошлаган жангчилар извошларда чиройли қизлар ҳамда уларга жон куйдириб ғамхўрлик қилаётган барваста хонимлар орасига тиқилишиб ўтириб олганди; кулги, ҳазил-ҳу-

зуллар, бир экипаждан иккинчи экипажга учирма қилинаётган чақириқлар; хонимларни кузатиб бораётган отлиқ зобитлар эса отларини извошлар билан баравар юришга мажбурларди. Ғилдираклар ғичирлар, наҳаллар жаранглар, зар уқалар қуёшда ялтирар, елпиғичлар тебранар, шамсиялар чайқалар, негрлар куйлашарди... Ҳаммалари гиёҳ йиғиб-териш учун Шафтолизор кўчаси орқали шаҳар ташқарисига, қовун сайлига отланишганди. "Ҳамма, – маъюс хаёлидан ўтказди Скарлетт, – мендан бошқа".

Тўхтамай ўтиб кетаётиб, улар Скарлеттга нимадир деб қичқиришар, қўл силкишар, у эса имкон қадар уларнинг саломларига илтифот билан жавоб қайтаришга уринар, лекин бу осон эмасди. Кўксининг қаеридадир мисоли баттол ҳайвончадек оғриқ турди, кейин томоғига бир нарса тиқилди, сал бўлмаса, у кўз ёшларида эриб кетгудай эди. Ҳамма сайилга кетяпти – ундан бошқа ҳамма. Ундан бошқа, Мелани ҳамда Питти аммадан бошқа ва яна икки-уч худди улардай омади чопмаган азадорлардан бўлак ҳамма. Аммо Мелани ва Питти учун гўё бунинг аҳамияти йўқдай эди. Гўё уларда бир сонияга бўлса-да у ёққа бориш истаги туғилмаганди. Скарлеттда эса пайдо бўлди. У хайрия бозорида қатнашишни хоҳлар, жудаям хоҳларди.

Ахир, бу бориб турган ноҳақлик-ку! У енг шимариб меҳнат қилди, бу бозорга тайёргарлик кўриш учун шаҳардаги ҳар қандай аёлдан икки баробар кўп иш бажарди. Пайпоқ, болалар учун қалпоқлар, рўмол ва бўйинбоғлар, неча метрлаб тўр тўқиди, чинни, пардоз-андоз буюмлари ва шишачаларга нақшлар чизди. Дивану ёстиқчаларга Конфедерация байроғининг расмини солиб анча-мунча кашта тикди. Тўғрисини айтганда, юлдузлар бир оз қийшиқроқ, баъзилари олти ва ҳатто етти қиррали, бошқалари қуймоқдек думалоқ чиқди-ю, аммо умумий таассу-

рот жуда зўр эди. Кеча у чанг босган эски казармада ҳолдан тойгунча ишлади, девор бўйлаб тизилган киоскаларни пушти, сариқ, яшил рангли дока пардалар билан безади. Бу чинданам оғир юмуш эди, – боз устига қўмитадан келган аёллар назорати остида-я, – қисқаси, қувонадиган жойи йўқ. Умуман олганда, у миссис Мерриуэзер, миссис Элсинг, миссис Уайтинг билан гурунглашишдан ҳеч қандай ҳузур ололмас, чунки улар қандайдир негр қизга иш буюргандай унга ҳам хўжайинлик қилишга интилишарди. Устига-устак улар жағи тинмай ўз қизларининг ютуқлари билан мақтанишарди. Бу кулфатлар етмагандек, у Питти амма ва ошпаз хотинга лотерея ўйини учун қатлама сомса пиширишга ёрдамлашаётиб, бармоқларини пуфакчалар тошиб чиқар даражада куйдириб қўйди.

Энди эса, қарабсизки, далада ишлайдиган негрдай индамай четга чиқиши керак, тағин ҳамма учун хурсандчилик бошланаётган бир пайтда! Тақдир унга бунчалик ғайирлик қилмаса, қўшни хонадан йиғиси эшитилаётган, уни ҳар қандай ҳузур-ҳаловат ва ўйин-кулгидан маҳрум қилган гўдак билан тул қолдириб! Бор-йўғи бир йил илгари у балларда рақс тушар, мана бу мотам либосларини эмас, гулдор кўйлаклар кияр ва ҳеч қачон хушторларининг сони учтадан кам бўлмасди. Ахир, у бор-йўғи ўн етти ёшда ва ҳали ўзи истаганча рақсга тушиб улгургани йўқ. Йўқ, бу адолатдан эмас. Узун серсоя йўл бўйлаб кулранг мундирлар ҳамда гулдор кўйлакларда кўз олдидан лип-лип этиб, чолғулар жаранги остида ҳаёт унинг ёнидан оқиб ўтарди. У ўзини қўлга олишга, очилиб-сочилмай жилмайишга ва госпиталда ўзи парваришлаган таниш йигитларга қўл силкишга уринар, аммо юзидаги кулгичлари унинг иродасига бўйсунмай ўйноқлар, ахир, барча саъй-ҳаракатлари шунчаки сохталикдан иборат бўлса, ахир, у қандай

қилиб ғамдан адо бўлган бева қиёфасига кириши мумкин.

Табассум ва таъзим-тавозеларга бирдан чек қўйилди – зинадан кўтарилган ва одатдагидек бир оз энтикиб қолган Питти амма хонага кирди ва бир оғиз ёмон сўз айтмай, уни деразадан нарироққа олиб ўтди.

– Жоним! Ақлдан озганмисиз! Ётоғингиз деразасидан эркакларга қўл силкиганингиз нимаси? Тўғриси, Скарлетт, сиз мени ҳайрон қолдиряпсиз! Ойингиз кўрса нима деган бўларди!

– Бу менинг ётоғим эканини улар билишмайди-ку, ахир.

– Лекин улар пайқашлари мумкин, бу ҳечам яхшимас. Сиз бунақа ишларни қилмаслигингиз керак, жонгинам. Сизни гап-сўз қилишади, ўзини ўта беадаб тутяпти, дейишади... Боз устига, бу сизнинг ётоғингиз деразаси экани миссис Мерриуэзерга маълум.

– Ҳа, албатта, мияси айниган кампир дарҳол бу ҳақда барчага шипшийди.

– Жонгинам, уят эмасми! Долли Мерриуэзер – менинг энг яхши дугонам-ку!

– Барибир у мияси айниган кампир... Эҳ, Питти амма, кечиринг мени, бўпти, керакмас, йиғламанг! Мен бу ётоғимнинг деразаси эканини унутибман, бошқа бундай қилмайман! Мен, мен шунчаки уларнинг қандай кетиб бораётганини кўргим келди. Мен ҳам улар билан боришни жуда хоҳладим.

– Жонгинам!

– Ҳа, ҳа, хоҳладим. Бу ерда қамалиб ўтириш жонимга тегди.

– Скарлетт, бундай гапларни бошқа такрорламасликка ваъда беринг, ҳамма бечора марҳум Чарлининг хотирасига нисбатан зиғирчаям ҳурмати йўқ экан, деб ўйлайди...

– Оҳ, Питти амма, бўпти, илтимос, йиғламанг!

– Вой худойим, энди мен сизни йиғлашга мажбур қилдим, – пиқиллади Питти амма ва енгил тортиб, рўмолчасини олиш учун юбкасининг чўнтагига қўлини чўзди.

Скарлеттнинг ўпкаси тўлиб турганди, ниҳоят у кўз ёшларига эрк берди. Қаттиқ ҳўнграб, Питтипет амма ўйлаганидек бечора Чарлини деб эмас, узоқдаги кулги ва ғилдиракларнинг ғичир-ғичири тиниб қолгани учун йиғлаб юборди. Ташвишланган Мелани тароқ кўтариб, этакларини шитирлатганча хонага югуриб кирди. Одатда йиғиштириб тўрга жойлаб қўйиладиган қора сочларининг бебош толимлари паға-паға булутлардек елкалари узра ёйилган эди.

– Азизларим! Нима бўлди?

– Чарли! – меҳри ийиб ҳиқиллади Питти амма ўз қайғусига баттар чўмиб ва Меланининг елкасига бошини қўйиб.

– О, – хитоб қилди Мелани марҳум акасининг номи тилга олинганида лаблари титраб. – Бардам бўлинг, азизларим! О, Скарлетт, йиғлама!

Скарлетт эса каравотга мук тушиб, беҳуда ўтиб бораётган, бу ёшида ўзига аталган ўйин-кулгилардан мосуво ёшлигига аза тутиб зор-зор йиғларди. У истаган нарсасига йиғлаб-сиқтаб эришишга одатланган, аммо шу билан бирга бу гал кўз ёшлари фойда бермаслигини тушунгани боис алам ва умидсизликдан бўзлаётган гўдакдек ўпкаси тўлиб йиғларди. У бошини ёстиққа буркаганча, қавилган кўрпани қаҳр билан тепкиларди.

– Ўлиб кетганим яхши эди! – ўзини унутиб ҳиқилларди у.

Бундай оғир қайғу олдида Питтипэтнинг кўз ёшлари қуриб қолди, Мелани эса янгасини овутишга тушди.

– Азизам, йиғлама! Чарлз сени қандай севганини эсла! Илоҳо, бу нарса сен учун тасалли бўлсин! Жигарбандинг, азиз фарзандингни ўйла.

Бошқаларга насиб этган хурсандчиликлардан бебаҳралигидан ночорлик ҳисси, ҳеч ким уни тушунмаётганидан ғижинаётгани яхшиямки Скарлеттнинг тилини боғлаб қўйган, бўлмаса Жералддан юққан – ўз фикрини тортинмай баён қилиш одатига кўра у юрагида йиғилиб қолган дард-аламларини ошкора тўкиб-солган бўларди. Мелани унинг елкасини силади, Питтипэт амма эса пардани тўғрилаб қўйиш учун дераза томон йўрғалади.

– Керакмас! – ғазаб билан қичқирди бирдан Скарлетт йиғидан қизарган, шишган юзини ёстиқдан кўтариб. – Туширманг! Мен ҳали ўлганим йўқ, аммо бу кунимдан ўлганим яхши эди. Оҳ, илтимос, кетинг, мени ёлғиз қолдиринг!

У яна юзларини ёстиққа босди, пичирлашиб маслаҳатлашган хонимлар оёқ учида чиқиб кетишди. Зинадан тушаётганларида Мелани овозини пасайтириб, Питтипэт аммага айтаётган гапини Скарлетт эшитди:

– Питти амма, илтимос қиламан, унинг олдида Чарлзни эсламаслик керак. Биласиз-ку, ахир, бу унга жуда ёмон таъсир қилади. Шўрликнинг юзида шундай ғалати ифода пайдо бўладики – ҳар гал у кўз ёшларини зўрға тийиб тургандай туюлади. Биз унинг қайғусини кучайтирмаслигимиз лозим.

Ўзини бўғаётган ғазабни айтиб-солишга етарлича кескин сўзларни излаб тополмаган Скарлетт иложсизликдан кўрпани яна тепкилай бошлади.

– Ер ютсин барини! – охири қичқирди у ва қандайдир енгил тортди. Ахир, Мелани қандай қилиб уйда бемалол ўтириши, акаси учун кийган мотам либосини ечмаслиги ва ҳар қандай ўйин-кулгиларни рад этиши мумкин – ахир, у бор-йўғи ўн саккиз ёшда-ку? Ҳаёт унинг ёнидан чолғулар жаранги остида тўхтамай оқиб ўтаётганини Мелани наҳотки сезмаётган бўлса? Ёки бу унга таъсир қилмайдими?

“Ҳа, у шунчаки ҳиссиз оғоч, – хулоса қилди Скарлетт ёстиқни муштлаб. – Унинг ҳеч қачон меникидек хуштори кўп бўлмаган, шу боис йўқотадиган нарсаси йўқ. Бунинг устига унинг Эшлиси бор, менинг эса... менинг ҳеч кимим!” Шундай ўйлар билан у аламларини баттар янгилаб, тағин кўз ёшларига ғарқ бўлди.

Ғуссага ботган Скарлетт тушгача ётоқда қовоғи осилиб ўтирди, сайилдан қайтаётган, қарағай шохлари, чирмовуқлар ва қирққулоқлар ортилган аравалар қатори унинг ҳасратларини аритмади, ҳамма ҳорғин, аммо бахтиёр, одамлар унга яна жилмайиб қўл силкитар, олқишлар, у эса бу олқишларга маъюс жавоб қайтарарди. Ҳаёт эртанги кун учун ҳеч нарсани ваъда қилмас, яшашдан эса маъни йўқ эди.

Нажот эса бутунлай кутилмаган томондан келди: тушдан кейин ҳамма мизғиб олгани ётганида, уй олдига миссис Мерриуэзер ва миссис Элсинг ўтирган извош келиб тўхтади. Бу бемаҳал ташрифдан ажабланган Мелани, Скарлетт ва Питтипэт амма ўринларидан сакраб турдилар, корсажлари боғичларини боғладилар, сочларини текислаб, пастга тушдилар.

– Миссис Боннеллнинг болалари қизамиқ билан оғриб қолишибди, – деди миссис Мерриуэзер ва афту авзойи билан бунга фақат миссис Боннелл айбдор, деб ҳисоблашини билдирди.

– Ойимқиз Маклюрларни эса Виргинияга чақиришибди, – хабар қилди миссис Элсинг синиқ овозда ҳорғин елпиниб ва, ўз навбатида, умуман бошқа нарсалар қатори бу ҳол уни унчалик қизиқтирмаслигига шаъма қилиб. – Даллас Маклюр яраланибди.

– Қандай бахтсизлик! – Бир овозда хитоб қилишди уй бекалари. – Шўрлик Даллас!..

– Ҳа, йўғ-а, енгил, елкасидан, – қуруққина қилиб аниқлик киритди миссис Мерриуэзер. – Аммо бу айнан ҳозир рўй берганини айтмайсизми! Қизлар уни

тимос, Питти, баҳона топишга уринманг. Ундан кўра, яхшиси, госпиталь янги каравотларга, дори учун пулга қанчалик муҳтожлигини ўйланг. Биламан, ўз ҳаётини қурбон қилган Ишга ёрдам бераётганингиз Чарлзга ёққан бўларди.

– Бўпти, яхши, – иложсиз пўнғиллади Питтипэт амма, ҳар доимгидек ўзиникидан анча кучли феълатвор олдида ожиз қолиб. – Модомики сиз одамлар айбламайди, деб ҳисобласангиз...

"Қандай бахт, ишонгинг келмайди! Чиндан ҳам ишонолмайман!" – Маклюр хонимларга аталган, пушти ва сариқ докадан парда тутилган дўкончага секин сирғалиб кираркан, Скарлеттнинг қалби куйларди. Мана, барибир у шу ерда! Бутун бир йил давом этган азадан, ёлғизликдан, бўғиқ овозлардан, ақлдан оздирувчи дилгирликдан сўнг у ниҳоят тадбирда, Атлантада қачондан бери энди ташкил этилган энг катта тадбирда ўтирибди! У яна кўпдан-кўп одамларни, чироқларни кўради, мусиқа эшитади, чиройли либослар, тўрлар, тасмаларни – ўша шубҳали шуҳрат қозонган капитан Батлер ўзининг сўнгги кема сафаридан қамални ёриб ўтиб олиб келган барча нарсаларни завқ билан томоша қилади.

У пештахта ортидаги кичкина курсилардан бирига ўтирди ва шу кечагача бор-йўғи кўримсиз ва яланғоч ўқув казармаси бўлган узун залга кўз югуртирди. Уни бундай кўркам залга айлантириш учун хонимлар бугун қанчалар тер тўккан! Энди унинг кўриниши беҳад гўзал эди. Унинг фикрича, бу ерга бутун Атлантадан шамдон ва канделябрлар – бир дюжина нафис қайрилма таглиги билан кумуш қандиллар, асосни безаб турган мафтункор ҳайкалчалари билан чинни шамдонлар, мум ҳидини таратаётган турли ранг ва ўлчамдаги беҳисоб шамлари билан муҳташам ва улуғвор қадимий бронза шамдонлар йиғиб келинган бўлса ажабмас. Шамлар гуллар би-

лан безатилган узун столлар, милтиқлар қўйиладиган, деворлар бўйлаб чўзилган шкафлар, дўкончалар пештахталари ва ҳатто илиқ ёз шабадаси улар алангасини ўчирмай елпиётган ланг очиқ деразаларнинг токчалари устида турарди.

Зал ўртасига занг босган занжир билан шифтга илинган улкан, беўхшов чироқ печакгул ва иссиқдан аллақачон қайиша бошлаган ёввойи ток новдаларидан бутунлай ўзгача кўриниш касб этганди. Деворларга илинган қарағай шохлари ёқимли бўй таратарди. Залнинг бурчакларида эса бундай шохлардан муҳтарама аёллар ва дуэнялар ором олиши учун шинамгина шийпончага ўхшаш бир нималар ясалганди. Деворлар, деразалар ранг-баранг докалар, ёввойи ток новдалари билан безатилган, узун эгилувчан новдалар шаршара янглиғ тўкилиб турарди. Ва ҳамма ёқда бу яшиллик ичра қизил-кўк байроқлар ва байроқчалардаги Конфедерация юлдузлари ярқираб турарди.

Мусиқачилар саҳнаси алоҳида дид билан ясатилганди. Серюлдуз байроқчалар, сопол ва ёғоч тувакларидаги ўсимликлар уни кўздан деярли пана қилар ва Скарлетт ёронгуллар, колеуслар, самбитгуллар ва бегонияларнинг бу ерга шаҳарнинг тўрт томонидан, турли хонадонлардан олиб келинганини дарров фаҳмлаганди.

Залнинг қарама-қарши томонини безашга хонимлар шунчалик ҳаракат қилишгандики, бу ўзлари кутганидан ҳам аъло даражада амалга ошди. Бу ернинг деворига Конфедерация президенти Девис ҳамда Кичкина Алекс номини олган жоржиялик вице-президент Стефенснинг улкан портретлари илиб қўйилганди. Портретларнинг тепасига улкан байроқ ўрнатилган, олд томондаги узун столлар устида эса шаҳардаги боғлардан териб келинган оқ, сариқ ва қизил атиргуллар дасталари,

манзарали қирққулоқлар, виқорли, қиличсимон сариқ гладиолуслар, ранго-ранг настурция бойламлари, сариқ ва лоларанг бошчаларини адл кўтарган бахмалгулларнинг таранг новдалари ўз гўзалликларини кўз-кўз қиларди. Бу гуркираган гул-чечаклар ўртасида, худди меҳробдагидек, шамлар ёниб турарди. Юқоридан залга қараб турган икки қиёфа шу қадар ҳайратомуз тарзда ноўхшаш эдики, бу икки киши бир пайтнинг ўзида бу қадар тантанали йиғиннинг тепасида туришгани ғалати туюларди. Дэвиснинг ингичка такаббур лаблари қатъият билан қисилган, ичига чўкиб кетган юзлари ва кўзлари эса зоҳидларникидек совуқ, Стефенснинг қора, чуқур жойлашган кўзлари ўтли ёниб турар, бу – дард ва йўқотишлар нималигини англаб етган ва руҳиятининг бақувватлиги, табиий ҳазил-мутойиба туйғуси туфайлигина улар устидан ғолиб келган инсон қиёфаси эди. Барчага бирдай севимли икки чеҳра.

Муҳтарама хонимлар, зиммасига бозорни ташкил этиш жавобгарлиги юклатилган қўмита вакиллари, худди флагман кемалари сингари зал бўйлаб салобат билан вазмин юриб ўтдилар ва кечикиб келган ёш хонимлар ҳамда шўх-шодон кулаётган қизларни ўз дўкончаларига йўллаб, салқин ичимликлар ва газаклар тайёрланадиган орқа хоналарга кириб кетдилар. Питти амма улар ортидан шошилди.

Мусиқачилар саҳнага чиқиб, тантанавор кўринишда зўр диққат-эътибор билан скрипкаларининг қулоғини бураб, динғиллатиб созлай бошлашди. Улар жилмайганда оппоқ тишлари ялтирар, қопқора юзлари эса аллақачон терга ботганди. Атланта ҳали Мартасвилл деб аталган замонлардан бери барча хайрия бозорлари, бал ва тўйларда оркестрни бошқариб келаётган миссис Мерриуэзернинг отбоқари қария Леви эътиборни тортиш учун камончани

тақиллатди. Ҳозирча меҳмонлар камчил – асосан бошқарувчи хонимлар – лекин барчанинг нигоҳи унга қадалди. Ва шу пайт скрипкалар, контрабаслар, аккордеонлар, банджо ва шақилдоқлар аста-аста, чўзиб "Лорена" куйини чала бошлади – чунки рақсларга ҳали вақт бор эди: дўкончалардаги маҳсулотлар сотилиб кетгандан кейингина рақслар бошланади. Скарлетт вальснинг нафис ҳазин садоси таъсирида юраги дукирлаб уриб кетганини ҳис қилди.

Йиллар ўтиб борар йиллар ортидан, Лорена!
Ўт-ўланлар хазон бўлган, қор ёғаётир,
Офтоб само гумбазини тарк этаётир, Лорена...

Бир-икки-уч, бир-икки-уч, ўнгга эгиламиз, чапга эгиламиз, бир-икки-уч, бир-икки-уч, буриламиз, буриламиз... Қандай ажойиб вальс! У қўлларини хиёл ёйиб, кўзларини ярим юмиб, нозли ва сеҳрли куй оҳангига бир маромда тебранарди. Лорена севгисининг фожеали ғамгин қиссаси унинг дардли вужудида ўз инъикосини топди ва томоғига нимадир тиқилди.

Бирдан, гўё вальс садолари таъсирида ҳаётга қайтгандек, дераза ортидаги ой нуридан нурафшон, илиқ, хуш ифорлар билан тўйинган кўча туёқларнинг дупури, ғилдиракларнинг ғижир-ғижири, кулгилар, овозлар, аравакаш-негрларнинг извош учун жой талашиб, ўзаро пачакилашган товушлари билан тўлди. Шодон, беташвиш овозлар зинапояга кўчди, қизларнинг жарангдор овозлари ҳамроҳларининг дўриллаган овозлари билан қоришиб кетди: пешиндан кейин ажралишганига қарамай, қизлар завқ-шавққа тўла хитоблар билан дугоналарини олқишлашарди.

Зал ҳам жонланди. Остидан тўр панталонлар кўриниб турган катта кринолинли, очиқ рангли

ярқираган кўйлаклардаги қизлар ранг-баранг капалаклар каби залнинг ҳамма ёғига сочилиб кетдилар. Оппоқ нозик яланғоч елкачалар, тўр бурмачалар билан шунчаки бекитилган латиф сийналар; ярим букилган қўллар устига бепарво ташлаб қўйилган тўр мантильялар, гулдор ёки ранг-баранг шиша мунчоқлар қадалган елпиғичлар, оққуш ёки товус патидан ясалиб, ингичка духоба тасмачалар билан билакка илиб олинган елпиғичлар; қулоқ устидан юқорига силлиқ таралган, бошни мағрур ишва билан орқага тортиб турувчи оғир, тўр билан қаттиқ тугиб боғланган қора сочлар; сочларга мос тебранаётган зар шокилалар билан зийнатланиб бўйингача тушиб турган, пешонада ўйнаётган майин тилларанг сочлар; яширин йўллар билан олиб келинган ва шу сабабли қадри янада ошган шоҳи, тўр, ипак тасмалар; барча либослар, жамики зебу зийнатлар – қароқчилар ва қизлар янкиларни доғда қолдиришганини яққол кўрсатиб турган алоҳида ифтихор буюмлари эди.

Ўз-ўзидан маълумки, шаҳардаги барча гуллар ҳам ҳурмат ва садоқат белгиси сифатида Конфедерация доҳийлари портретлари пойига қўйилмаган эди. Энг нафис ва энг муаттар гул ва чечаклар қизларга зеб берганди: оқ атиргуллар ва жасмин новдалари дастаси тўкилиб турган кокилларни яшириб турарди: шоҳи белбоғлар тагидан майда гулдасталар ийманибгина қарарди. Бу гулларнинг тақдирига кеча охирида қимматбаҳо туҳфа сифатида кулранг мундирларнинг кўкрак чўнтагидан жой олиш белгилаб қўйилганди.

Эҳ, оломон орасида қанча мундирлар кўзга ташланар ва қанча таниш эркаклар бу мундирларни кийиб ясаниб олишганди – уларни Скарлетт госпиталь каравотларида ёки ҳарбий майдонда кўрган, кўчаларда учратганди. Тугмалари ярқиратиб

тозаланган, ёқалари ва енг манжетларига кўзни қамаштирувчи зарҳал уқалар қадалган бу мундирлар нақадар дабдабали эди. Уларнинг қайси қўшин турига мансублигидан далолат берувчи қизил, сариқ, кўк ён ҳошиялари мундир мовутига алоҳида тус бериб туриши беҳад чиройли эди. Қизил ва олтинранг белбоғларнинг учлари ҳилпирар, қиличларнинг қинлари ярақлар ва ялтираб турган ботфортларнинг қўнжига урилиб жаранглар, уларнинг жаранги шпораларнинг жарангига қўшилиб кетарди.

"Қандай кўркам йигитлар!" – ўйлади Скарлетт, эркакларнинг узоқдан бир-бирлари билан ҳол сўраётганига ёки бирор обрўли хонимнинг қўлини ўпмоқ учун эгилаётганига қараб тураркан, юраги ифтихор туйғуларига тўлиб-тошарди. Улар сариқ шоп мўйловлари ёки тўқ қўнғир ва қора соқолларига қарамай шу қадар ёш ва, айни пайтда, офтоб ва шамолдан қорайган юзларини кескин фарқлаб турган оппоқ дока билан боғланган бошларию тахтакачланган қўлларига қарамай, шу қадар чиройли ва шўх кўринарди. Ҳатто айримлари қўлтиқтаёқда эди, уларга ҳамроҳ бўлган ва хушторларининг сакраб тушаётган ҳаракатларига мослашишга уринаётган қизларнинг чеҳраси ғурурдан яшнаб кетганди. Луизианалик зуав ёрқин, ранг-баранг кийимда хонимларнинг либосларига соя ташлаб, оломон ичида отнинг қашқасидек ажралиб турарди. Кичкина, қорачадан келган, кулиб турадиган, қўлига қора шоҳи билан тахтакач боғланган, кенг, кўк йўлли шалвор кийган, оқ-сариқ гетр ва гавдага ёпишиб турадиган калта қизил мундирда у на денгиз ортидан келтирилган тропик қушга, на маймунга ўхшарди. Унинг исми Рене Пикар бўлиб, Мейбелл Мерриуэзерга асосий даъвогар эди. Ҳа, бугун бу ерга госпиталлардаги барча ярадорлар, ҳар ҳолда юра оладиганлар ҳамда фронтдан бир неча кунга уйига келганлар ёки касаллиги боис жўнатиб

юборилганлар, темир йўл ва почта хизматчилари, госпиталларнинг барча ходимлари ва Атлантадан то Мейконгача интендантлик хизматида ишлаганлар келганга ўхшайди. Ҳомий-хонимлар нақадар хурсанд бўлишади энди! Бугун госпиталлар бир дунё пул йиғиб олади.

Кўчадан ноғораларнинг бака-банги, оёқларнинг дупури, аравакашларнинг бақир-чақирлари эшитилиб турарди. Сурнай чалинди ва кимдир ширали овозда буйруқ берди: "Эркин!". Мана энди ички қўриқлаш ва милиция зобитлари байрамона мундирларда тор зинадан кўтарилдилар ва таъзим қилиб, салом бериб, қўлларни сиқиб залга кириб келдилар. Ички қўриқлаш қўшинлари йигитларига уруш кўнгилхуши ўйиндек туюлар, шу сабабдан роса бир йилдан кейин, агар шунгача уруш давом этса, улар ҳам Виргинияга жўнаб кетишга умид боғлашар, айни дақиқада ёшлигини қўмсаётган мўйсафидлар эса фронтда жанг қилаётган ўғлонларининг шуҳратидан юзлари яшнаб, ички қўриқлаш мундирида йигитлардек қадам ташларди. Милиция формасини эса, асосан, ўрта ёшли ва ундан каттароқ эркаклар кийишган, аммо ёш жиҳатдан фронтга жўнатишга яроқлилар ҳам бор эдики, улар ўзларини ёшлар ва қариялар каби у қадар эркин ҳис қилишолмасди, зеро, одамлар аллақачон улар тўғрисида пичирлашишни бошлаб юборишган, не сабабдан улар генерал Ли байроғи остига ўтмаётганидан ҳайрон эдилар.

Аммо зал шунча оломонни сиғдира олармикан? Бир дақиқа олдин жуда катта ва кенг кўринаётганди, ҳозир эса лиқ тўла, илиқ ёз ҳавоси одеколон, қуруқ атирлар, лаббўёқлар, гуллар ифори, хушбўй шамлар алангаси ҳамда казарманинг эски тахта полини тепкилаётган сон-саноқсиз оёқлар остидан чиқаётган чангдан димиқиб кетган эди. Сўзлар шовқин ва гу-

виллаган овозлар қаърига сингиб кетар, қария Леви эса гўё умумий хурсандчилик ва кўтаринкилик таъсирига тушиб қолгандек, бирдан "Лорена"ни авжига чиқмай тўхтатиб, шиддат билан торлар узра камон тортди, оркестр ҳам зўр иштиёқ билан "Муқаддас мовий байроқ"ни бошлаб юборди.

Юзлаб овозлар таронага жўр бўлди ва завқ-шавққа тўла шўх-шодон гимнга уйғунлашиб кетди. Ички қўриқлаш бўлими сурнайчиси саҳнага сакраб чиқиб, оркестрга мос оҳангда сурнай чала бошлади, сурнайнинг кумушдек жаранги куйлаётган кишиларнинг боши узра даъваткорона парвоз этаркан, шодликдан одамларнинг вужудида титроқ турди, ҳаяжондан аёлларнинг бадани жимирлаб кетди.

Ура! Ура! Ура!
Яшасин Жануб ва унинг Ҳуқуқлари!
Баландроқ ҳилпира, эй мовий байроқ,
Ягона юлдузинг бизга табаррук.

Иккинчи бандни куйлай бошлашди ва ҳамма билан бирга баланд овозда куйлаётган Скарлетт ортида Меланининг сурнай садоси янглиғ ўткир ва тоза сопраносини эшитди. Ўгирилиб қараб у Меланининг кўзларини юмиб, қўлларини кўксига қўйиб турганини, кўзларида эса ёш ялтираётганини кўрди. Мусиқа тингач, у Скарлеттга сири фош бўлгандай жилмайди ва хижолат чекиб кўзларига рўмолчасини босди.

– Шу қадар бахтлиманки, – пичирлади у, – аскарларимиз билан шу қадар фахрланаманки, беихтиёр кўзларимга ёш қуйилиб келаверади.

Унинг кўзлари оташин фидойиликдан ёниб турар, кўзларида порлаётган нурдан ёришиб кетган кўримсизгина чеҳраси бир сонияга гўзал бўлиб кетганди.

Барча аёлларнинг чеҳрасида ҳам шундай ҳаяжон, ёноқларида – ёш ва гулгун чеҳраларда ҳам, сўлғин ва

серажин юзларда ҳам – ифтихор кўз ёшлари ялтирар, мусиқа тинганида лабларга табассум ёйилган, кучли ҳаяжондан кўзлар ёниб турар, ва улар юракларига яқин инсонларга – эрлари, севгилилари, ўғилларига қараб юзлангандилар. Барча аёллар, ҳатто энг хунуклари ҳам айни дақиқада гўзал ва ёқимли эди, ўзлари севган ва уларни ҳам севгувчи, севгисига юз карра ортиқ муҳаббат билан жавоб қайтаргувчи суюкли кишиларига ишонч туйғусидан гул-гул очилиб турарди.

Ҳа, улар ўзларининг эрларини севишар, уларга ишонишар ва сўнгги нафасларигача уларга ишонишга тайёр эдилар. Модомики, улар билан янкилар ўртасида бу кулранг мундирлар мустаҳкам девор бўлиб турар экан, кулфат эшик қоқиб кела олармиди? Ахир, олам яралганидан буён бирор мамлакат ҳеч қачон бу қадар жасур, бу қадар эътиқодига садоқатли, бу қадар назокатли ва келишган ўғлонларни вояга етказмаган-да! Наҳотки улар адолатли ва ҳаққоний иш учун курашда сўзсиз ғалабага эриша олмайдилар. Бу аёллар учун эрлари, оталари ва ўғиллари қанчалик қадрли бўлса, Ҳаққоний Иш ҳам шунчалик қадрли эди, улар бу Ишга ўз меҳнатлари билан ҳисса қўшадилар, бу ишга қалби, ўй-хаёллари, орзу-умидларини бахшида қиладилар, агар зарур бўлса, эрларини ҳам, ўғилларини ҳам, оталарини ҳам топширадилар ва эркаклар жанговар байроқни қандай шараф ва ғурур билан кўтариб юрсалар, улар ҳам бу жудоликка ўшандай ғурур билан бардош берадилар.

Шу кунларда уларнинг қалби садоқат ва ифтихор билан тўлиб-тошганди: Конфедерация – ўзининг шон-шуҳрати чўққисига чиққан, ғалаба эса яқин эди! Енгилмас Жексон Миссисипи водийси бўйлаб музаффар юришини давом эттирар, янкилар эса Ричмонд остоналаридаги етти кунлик жангда шармандаларча мағлуб бўлганди! Армия бошида Ли ҳамда Жек-

сон сингари кишилар турган бўлса, бошқача бўлиши мумкинми? Яна бир ғалабадан сўнг янкилар сулҳ ҳақида тиз чўкиб дод соладилар, жанублик жангчилар эса уйга қайтадилар, шодликнинг ҳам, ўпичларнинг ҳам чек-чегараси бўлмайди. Яна бир ғалабадан сўнг урушга нуқта қўйилади!

Тўғри, кимларнингдир оила дастурхони атрофидаги ўрни бир умрга эгасиз қолади, кимларнингдир фарзандлари ўз оталарини энди кўрмайди, Виргиния дарёларининг кимсасиз қирғоқларида ва Теннессининг жимжит тоғ дараларида номсиз қабрлар қолади, холос, аммо Ҳаққоний Иш бу инсонлар учун жуда қимматга тушди, деб ким айта олади? Агар хонимлар кўркам либосларсиз ҳам яшаётган бўлса, агар чой ва қанд камёб матоҳга айланган бўлса, бу фақат ҳазил-ҳузул учун бир мавзуга айланиши мумкин, холос, ундан ортиқ эмас. Боз устига, қўрқмас қароқчилар ҳар доим бу нарсаларни қутурган янкиларнинг тумшуғи тагидан олиб ўтишнинг уддасидан чиқишар, ўта зарур неъматларга эга бўлиш эса алоҳида ҳузур бағишларди. Аммо тез орада Рафаэль Семмс ҳамда Конфедерациянинг ҳарбий-денгиз флоти шимолликлар канонеркаларининг – бир неча ўрта калибрли тўп билан қуролланган кичик ҳарбий кемаларининг таъзирини бериб қўяди ва бандаргоҳларга кириш йўлини очади. Англия ҳам Конфедерацияга ҳарбий ёрдам кўрсатади, ахир, Жануб пахтаси етиб бормаётганидан инглиз фабрикаларида иш тўхтаб қолган-да. Ва, албатта, ҳар қандай зодагон ўз қавмига мансуб кишиларни ёқтиргани каби инглиз зодагонлари ҳам жанубликларни ёқтирмай қолмайди, долларга сажда қилувчи янкиларга нисбатан эса нафрат ҳиссини туймаслиги мумкин эмас.

Аёллар шоҳи кўйлаклари этагини шитирлатиб қотиб-қотиб кулишар, суюкли ёрлари, оталари, ўғилларига назар солишаркан, наинки хавф-хатар,

ҳатто, эҳтимол, ажал қаршисида ҳам икки карра ҳузурбахш ва оташин муҳаббатни, ифтихор туйғусини бошдан кечиришарди.

Шу қадар кўп одам йиғилган балда иштирок этаётгани боис Скарлеттнинг юраги ҳам илк дақиқалардаёқ хурсандликдан тез-тез ура бошлади, лекин оломонга назар ташлар экан, атрофдагиларнинг чеҳрасидаги кўтаринки руҳни кўриб тез орада қувончи сўнди, ҳамманинг чеҳраси табассумдан порлар, ҳамманинг қалби ватанпарварлик завқ-шавқи билан лиммо-лим, ёлғиз угина бу ҳиссиётлардан мосуво эди. Унинг кўтаринки кайфиятини тушкунлик ва аллақандай ноаниқ хавотир эгаллади. Энди зал унинг назарида тантанаворлигини, аёлларнинг либослари эса жозибасини йўқотди, уларнинг Конфедерацияга бениҳоя садоқатлари, юзларини нурлантириб турган тийиқсиз ҳис-ҳаяжонлари эса унга шунчаки... шунчаки кулгили туюларди.

Ўз қалбига қулоқ солиб Скарлетт бу аёлларнинг юрагини жунбушга келтирган ифтихор туйғусини ҳам, уларнинг Ҳаққоний Иш йўлида жонидан ҳам воз кечишга тайёр эканини ҳис этмаётганини ҳам бехос англаб қолганида эса беихтиёр ҳайратдан оғзи очилди: "Йўқ, йўқ, бундай ўйлаш мумкин эмас! Бу оғир гуноҳ", деган ўй қўрқув чулғаган хаёлидан ўтишга улгурмасидан, уларнинг кўкларга кўтариб мақташга арзимайдиган бу Ҳаққоний Иши – унинг учун бекорчи сафсата эканлигини билар ва одамларнинг мутаассибларча кўзлари чақнаб фақат бир нарса ҳақида жазавага тушиб тинимсиз гапиришларини эшитиш ўлгудай жонига текканди. Унга Ҳаққоний Иш муқаддас, уруш эса аллақандай буюк юмуш бўлиб туюлмасди.

Унинг учун бу ўзгалар ҳаётига тумшуғини тиқиб ранжу алам етказувчи, жуда қимматга тушувчи, бемаъниларча ўлим уруғини сочувчи, ҳаётга ҳу-

зур-ҳаловат бағишлайдиган нарсаларга эришишни қийинлаштирувчи бир кўргулик эди. У тиним билмай тўқишдан, бинт ўрашдан, бармоқларини дағаллаштириб юборган латталарни титиб ип олишдан чарчаганини тушунди. Ё, худойим, госпиталнинг беҳад жонига тегиб кетгани-чи! У қайғу-ғамлардан, йирингли яраларнинг кўнгилни айнитувчи қўланса ҳидидан, ярадорларнинг тинимсиз инграшларию ўзи билан ўзи овора бўлиб жон таслим қилаётган одамларнинг умидсизликдан сўниб бораётган юзини кўришдан чарчаб кетганди.

Гўё кимдир юзининг ифодасидан бу куфрона ўй-хаёлларини уқиб олиши мумкинлигидан қўрқаётгандек, у атрофга сездирмай назар ташлади. Ахир, нега, нима учун у бошқа аёллар кечираётган туйғуларни ҳис қилишга қодир эмас! Бу аёллар ўз эътиқодларига шу қадар самимият ва жонфидолик билан содиққи, қилаётган ишлари ва айтаётган гапларига чин дилдан ишонишади. Мабодо биров ундан шубҳа қилса... Йўқ, ҳеч ким, ҳеч қачон бу ҳақда билмаслиги керак! Майли, уларни чулғаган на кўтаринки руҳ, на ғурур ва ифтихорни у ҳис қилмасин, бироқ ўзини ҳам худди шундай туйғулар қамраб олгандек кўрсатишига тўғри келади. У ўзининг бир умрга ҳаётнинг барча лаззатларидан воз кечган, аммо ўз қисматига мардонавор бардош бераётган, зеро, эрининг ўлими – Ҳаққоний Иш учун курашда бор-йўғи арзимасгина бир қурбонлик, деб билган конфедерация зобитининг беваси ролини ўйнайди.

Аммо нега у ҳаммага, мана бу севувчи ва севгисига содиқ аёлларга ўхшамайди? Нима сабабдан у ҳеч кимни ва ҳеч нарсани шу қадар беғараз ва фидокорлик билан севишга қодир эмас? Бу фикрлар унда шу пайтгача кечирмаган ёлғизлик ҳиссини туғдирди. Олдинига у бу ўйлардан қочмоқчи, уларни қалби тубига яширмоқчи бўлди, аммо ўзини алдаш –

бу заиф ва нотавон кимсаларнинг қисмати, унинг табиатига хос нарса эмасди. Атрофда бозор авжига чиққан ва Мелани иккиси харидор кутиб туришган бир пайтда у асабийлаша бошлаганди: у ҳис-туйғуларини оқлайдиган баҳоналар изларди – бу муаммони ҳал қилиш эса ҳеч қачон унинг учун бундай қийин кечмаганди. Бу аёлларнинг бари ўзларининг ватанпарварлик ҳақидаги сафсаталари ва Ҳаққоний Ишга садоқатлари билан – шунчаки васвасага мубтало бўлган овсарлар. Эркаклар ҳам улардан беҳроқ эмас – улар ҳам фақат Жанубнинг ҳақ-ҳуқуқларию асосий вазифалар ҳақида айюҳаннос солишни билишади, холос. Ва фақат унинг – Скарлетт О'Хара Гамильтоннинггина ирландларнинг ўткир ақли ва соғлом фикридан маҳрум бўлмаган ақли жойида. У ўзини мақтовга нолойиқ Иш учун ҳамма нарсадан воз кечишга тайёр телбага айлантиришларига йўл қўймайди, аммо у ўзининг асл туйғуларини ошкор қиладиган даражада лақма эмас, шарт-шароитларга мос иш кўришга ақли етади ва ҳеч ким, ҳеч қачон унинг кўнглида нима борлигини билолмайди. Ҳозир у нимани ўйлаётганини пайқаб қолишса борми, бу ерда тўпланиб турганларнинг ҳайратдан оғизлари очилиб қоларди! Ҳа, мабодо у ҳозир тўсатдан саҳнага чиқиб, овози борича ҳаммага эшиттириб, фронтда жанг қилаётганлар уйга қайтишлари ва ўз пахта пайкалларида меҳнат билан машғул бўлишлари, тағин баллар уюштиришлари ва хонимларга чиройли оч яшил кўйлаклар сотиб олиб беришлари учун бу урушга чек қўйиш фурсати етганини эълон қилса борми, улар эс-ҳушидан айрилиши аниқ.

Шу тариқа, у кўнглида ўзини ўзи оқлаб олгач, руҳи бир оз кўтарилди, лекин залнинг кўриниши аввалгидек ёқимсиз эди. Ойимқиз Маклюрларнинг дўкончаси, миссис Мерриуэзер айтганидек, кўринарли жойда эмас, харидорлар бу ерга кам келар,

Скарлеттнинг эса шод-хуррам оломонни ҳасад билан кузатишдан бошқа иложи йўқ эди. Унинг хафалиги Меланининг назаридан четда қолмади, аммо буни марҳум эрига қайғураётганга йўйиб, Скарлеттни суҳбатга тортишга уринмади. Скарлетт зални маъюс кузатиб ўтирар, Мелани эса нима қиларини билмай пештахта устидаги буюмларга жозибали кўриниш беришга ҳаракат қилиб уларни қайта тахлай бошлади. Энди бу ердаги ҳамма нарса, ҳатто мистер Стефенс ва мистер Девиснинг портретлари ҳам Скарлеттга беўхшов туюларди.

"Аллақандай меҳроб ясашибди, – ичида тўнғиллади у. – Фақат ота-ўғил худоларга сиғингандай сиғинишмайди, холос!". Шу заҳотиёқ у ўзининг куфрона хаёлларидан қўрқиб кетди, шошиб гуноҳларидан ўтишни сўраб яширинча чўқина бошлаганди, бирдан қўли кўтарилган жойида қотиб қолди.

"Лекин бу аслида шундай-ку, – дея у ўз виждони билан баҳсга киришди. – Ҳамма худди авлиёларга сиғингандек сиғинади, улар эса оддий одамлар, боз устига, жудаям хунук.

Тўғри, мистер Стефенс хунуклиги учун айбдор эмас – ахир, у туғма хаста, лекин мистер Девис....!" У тошга ўйилгандек силлиқ, кибрли қиёфага синчковлик билан тикилиб қаради. Ҳаммасидан ҳам унинг эчки соқоли Скарлеттнинг ғашига тегарди. Эркаклар ё соқоли топ-тоза олинган ва мўйловдор, ёки серсоқол бўлмоғи лозим.

"Кўриниб турибдики, у шу бир тутам мўйдан бўлак ҳеч нарсани ўстиролмайди", ўйлади у ёш миллат тақдири ҳақида ғамхўрлик қилишдек оғир юкдан қийналган бу совуқ чеҳрада на теран ақл-заковатни ва на ўта зийракликни кўра олмай.

Дастлаб бу олақуроқ оломон орасида пайдо бўлганида хурсандликдан унинг юзлари яшнаб турарди, ҳозир эса руҳи тушиб кетганди. Шунчаки бу ерда

туришнинг ўзи – ҳали етарли эмаслиги аён бўлди. У фақат хайрия бозорида қатнашяпти, холос, аммо бу издиҳомнинг бир бўлагига айлангани йўқ. Ҳеч ким унга эътибор бермас, у эса ёнида йигити йўқ, ягона эрсиз ёш жувон эди. Аслида у бир умр одамларнинг диққат марказида туришга одатланган. Бу ноҳақлик! Унинг ёши бор-йўғи ўн еттида эди, оёқлари ора-сира беихтиёр полни тақиллатиб қўяр, югуриб рақс тушишга иштиёқманд эди. Унинг ёши бор-йўғи ўн еттида, эри Окленд қабристонида ётибди, боласи эса Питтипэт амманинг хизматкорлари қарови остида бешикда ухлаётир ва, одамларнинг фикрига кўра, у ўз тақдиридан рози бўлмоғи жоиз эди. Бу ердаги аёлларнинг ёки қизларнинг ҳеч бирида уникидай нозик бел, оппоқ бўйин, нафис оёқчалар йўқ, аммо буларнинг бари, гўё у аллақачон Чарлзнинг ёнида, "Чин юракдан севилган рафиқа..." деб ёзилган қабртош тагида ётгандек, зое кетмоқда.

У на ноз-карашма билан рақс тушаётган ёшгина қизлар билан, на четда ўтириб ғамза билан рақс тушаётганларни ғийбат қилаётган эрли аёллар билан қовуша оларди. Бироқ у бева бўлиб қолишга жуда ёшлик қиларди. Ахир, бева аёллар шу қадар қартайганки, энди уларда на рақс тушиш, на ноз-истиғно қилиш, на йигитлар эҳтиромига сазовор бўлиш истаги туғилмайди. Йўқ, бу ноҳақлик, ўн етти ёшида ўта жиддийлик билан лабларини қисиб – беваларга хос одоб-ахлоқли ва ўз қадрини биладиган ибратли хоним каби кўзларини ерга тикиб ўтириши ва дўкончага эркаклар, бунинг устига хийла ёқимли эркаклар яқинлашганда овозини пастлатиши – ноҳақлик.

Атлантанинг барча қизлари йигитларнинг зич давраси билан қуршаб олинган эди. Ҳатто энг кўримсиз қизлар ҳам ўзларини соҳибжамолдек тутарди. Ҳаммадан ҳам алам қиладигани – қизларнинг бариси жуда чиройли, башанг ва байрамона либосда эди!

У эса худди олақарғадек, юракни сиқадиган, қоп-қора, ёқаси ёпиқ, енги узун, тугмалари солинган, бир парча тўр ёки тасмасиз, Эллин совға қилган ониксдан ясалган мотам тўғноғичидан ташқари бирор-бир безаксиз кўйлакда, олдидан ўтиб бораётган келишган эркакларни, эркаланиб йигитлари пинжига кириб олган қизларни кузатиб ўтирарди. Унинг барча бахтсизликлари Чарлз Гамильтоннинг қизамиққа чалингани оқибати эди! У ҳатто жанг майдонида ҳалок бўлиб шон-шарафга бурканиб, Скарлеттга у билан фахрланиш имконини ҳам қолдирмади.

Хаёли шу тахлит исёнкор ўйларга тўла Скарлетт Моможоннинг тирсакларга суяниб ўтирмаслик кераклигини – бу ҳолатда улар дағаллашиб, ажин босиб қолади – мудом уқдириб келган ўгитларига эътибор қилмай, пештахтага тирсаклари билан суяниб олдинга эгилди ва зални кузата бошлади. Хўш, нима бўпти? Майлига, хунуклашса хунуклашаверсин! Энди уларни кўз-кўз қилишга имкони бўладими-йўқми, худо билади. У ёнгинасидан оҳиста ўтаётган кўркам либосларга суқ ва ҳасад билан боқарди: атиргул ғунчалари шодаси билан безатилган сарғиш қаймоқранг муардан тикилган кўйлак; олранг атласдан тикилган кўйлак – четлари ингичка қора духоба тасмалар билан ҳошияланган бу кўйлакда у ўн саккизта бурмача санади... устида тўрлар тўлқини тошиб турган мана бу этакка кетган оч ҳаворанг тафта эса ўн ярддан кам эмас... мана бу ярми очиқ кўкракка ҳавас уйғотадиган гуллар тақилган... яшил олма рангидаги тарлатан кўйлакда, кринолини шу қадар улканки, бели ақл бовар қилмас даражада нозик кўринган Мейбелл Мерриуэзер зуав билан қўлтиқлашиб қўшни дўконча томон йўл олди. Кўйлак ўғринча олиб келинган сўнгги моллар билан Чарльстонга келтирилган оқ-сариқ тўрлардан сон-саноқсиз бурмачалар ва қўшэтаклар билан ҳашамланган

ва Мейбелл бу кўйлакда шундай виқор билан юрардики, гўё капитан Батлер эмас, унинг ўзи шу нафис тўр билан қамални ёриб ўтгандек эди.

"Албатта, бу кўйлакда мен жуда зўр кўринган бўлардим, – тизгинсиз ҳасад билан ўйлади Скарлетт. – Сигирнинг бели қандай бўлса, уники ҳам шундай-ку, ахир! Анави яшил ранг кўзларимнинг рангига жуда мос тушади. Нега энди оқ-сариқдан келган қизлар шу рангдаги кўйлакни кийишга журъат қилишаркан-а? Уларнинг териси худди моғор босган пишлоқдек яшил кўринади. Ақлга сиғмайди, мен энди бу рангдаги либосларни ҳеч қачон киймасам керак. Ҳатто мотам либосини ечганимдан кейин ҳам. Йўқ, ҳатто қайта турмушга чиққанимдан кейин ҳам. Унда менинг кўйлакларим тўқ кулранг, жигарранг ва нафармон рангда бўлади".

У бир дақиқа алам билан тақдирнинг нотантилиги ҳақида ўйлади. Ўйин-кулгилар, рақслар ва гўзал либослар, таманнолар, ноз-истиғнолар даври бу қадар қисқа! Бу йиллар жуда тез ўтиб кетди! Сўнг эса турмуш қурасан, бола туғасан, хипча белдан эса ном-нишон қолмайди, рақс пайтида ранги ўчган қора кўйлакда кайвони аёллар қаторида ўтирасан, мабодо рақс тушсанг ҳам фақат эринг ёки дам-бадам оёғингни босиб оладиган бирор қари чол билан рақсга тушасан. Қани ўзингни бошқача тутиб кўрчи, сен ҳақингда ғийбат ва гап-сўзлар бошланади, обрў-эътибордан айриласан, оиланг иснодга қолади. Аммо ўзингнинг қисқагина қизлик даврингни жозибадор бўлиш ва йигитларни мафтун қилиш санъатини эгаллашга сарфлаш, сўнгра, атиги бир-икки йилдан кейин сенинг санъатинг бефойда эканини кўриш – бу қандай бедодлик, қандай телбалик, ахир! Эллин ва Моможон ўргатган нарсаларни эслаб ўтирган Скарлетт уларнинг ўгитлари ҳар доим ўз мевасини берганини англаб етди. Белгиланган барқарор

ўйин қоидалари бор, агар уларга оғишмай амал қилсанг, муваффақият қозонишинг аниқ.

Ёши улуғ хонимлар билан муомалада мулойим, маъсума ва, шубҳасиз, соддадилроқ бўлиш талаб этилади, зеро, ёши улуғ хонимлар ўта зийрак, худди мушук сичқонни пойлаётгандек, ҳар битта ёш қизни ҳар қандай эҳтиётсизлик ва андишасизлик билан айтилган сўз ёхуд ташланган нигоҳ учун тимдалашга тайёр қизғанчиқлик билан кузатадилар. Кекса жентльменлар билан муомалада жўшқин, шўх ва ҳатто танноз – меъёрида, албатта, – бўлган маъқул, бундай муносабат бу жиннивойларнинг такаббур феъл-атворларига хуш ёқади. Шунда улар яшаради, ўзларини ашаддий ишратпарастдек ҳис қилади, юзингдан чимчиламоқчи бўлади ва сени шўх қиз, деб атайди. Шундай дамда, шубҳасиз, қизариб кетишинг лозим, бўлмаса улар сени қизиққонлик билан яна чимчилайди, кейин эса ўғилларига етарли даражада мос – иффатли эмаслигингни айтади.

Қизлар ва ёш жувонлар билан ҳар гал учрашганда, агар бу ҳол бир кунда ўн марта содир бўлсаям, бўсалар, ёқимли гаплар билан кўнгил олишинг лозим. Уларнинг белидан қучишинг, нечоғлик безор бўлма, уларга ҳам худди шундай қилишга йўл қўйиб беришинг лозим. Ўйлаб ўтирмай уларнинг либослари ёки болаларини истаганча мақташинг, муваффақиятлари ҳақида мулойим ҳазил қилишинг ёки бўлмаса уларнинг умр йўлдошлари шаънига мақтов гаплар айтишинг ва уятчанлик билан ҳиринглаб, ўзингда бу ледиларга хос жозибанинг ўндан бири ҳам йўқлигига ишонтиришинг даркор. Энг муҳими – гап нима ҳақда бормасин – улар ҳам ҳеч қачон бундай қилмасликларини ёддан чиқармай, аслида нимани ўйлаётганингни ҳеч қачон оғзингдан чиқармаслигинг жоиздир.

Бошқа аёлларнинг эрлари билан, гарчи улар илгари жазманинг бўлиб, ҳозирда ҳаётингдан ўчиб

кетган бўлса ва ҳар қанча ёқимли кўринса-да, иложи борича совуқ ва жиддий муносабатда бўлишга тўғри келади. Оилали ёш эркакларга заррача майл билдирсанг борми, уларнинг рафиқалари шу заҳотиёқ сени сурбет танноз, деб эълон қилишади, обрў-эътиборингга дарз кетади, ҳеч қачон қаллиқ тополмайсан.

Бўз йигитлар билан эса – о, бу борада энди иш мутлақо бошқача кечади! Бу ерда улардан бирига узоқдан назар ташлаб астагина кулишинг мумкин, нима сабабдан кулаётганингни билиш учун оёғини қўлига олиб сен томон югурганида эса муғомбирлик билан ўзингни олиб қочишинг ва бундай қувноқликнинг тагига етиш учун қаттиқ интилишга мажбур қилиб, янада жўшиб кулишинг мумкин. Бу орада кўзларинг унга шу қадар ҳаяжонли лаҳзаларни ваъда қиладики, у шу ондаёқ бирор-бир хилватда сен билан ёлғиз қолишга ҳаракат қилади. Бунинг уддасидан чиққанида эса у бўса олишга уринади, шунда ўзингни қаттиқ ҳақоратланган ёки ғазаблангандек тутишинг даркор. Уни қўполлиги учун узр сўраб ёлворишга мажбур этиш, кейин эса афв этганинг баҳонасида яна шундай мафтункор табассум ҳадя қилишинг керакки, у ўзининг саъй-ҳаракатини албатта яна бир бор такрорлайди. Вақт-вақти билан, бироқ шошма-шошарлик билан эмас, бу ўпичга изн бериш мумкин. (Эллин ва Моможон охиргисини унга ўргатишмаган, аммо у тажрибада бу усул зўр самара беришига ишонч ҳосил қилганди.) Шундан сўнг ҳўнграб йиғлашинг ва кўз ёши аралаш нима бўлаётганини тушунолмаётганинг ва, шубҳасиз, у энди сени ортиқ ҳурмат қилмаслигини қайта-қайта такрорлашинг зарур. Шунда у кўз ёшларингни арта бошлайди ва ишонч билан айтиш мумкинки, шу заҳотиёқ сенга чуқур эҳтиромининг исботи сифатида дарҳол қўлингни сўрайди. Хўш, бундан ташқари, яна кўплаб

ҳийла-найранглар борки... У жуда яхши ўзлаштириб олган, кўз остидаги йигитлар билан муомалада қўллайдиган барча ўйин қоидаларининг саноғига етиб бўладими: кўз қири билан маъноли нигоҳ ташлаш; елпиғич остидан мийиғида табассум қилиш; тўлқинлантирувчи қадам ташлаш, шундайки, белдан пастда кринолин селкиллаб турсин; кулги, кўз ёшлари, мақтовлар, меҳр-мурувват, ҳамдардлик, ё худойим, бундай найранглар шу қадар кўпки, улар уни ҳеч қачон биров билан муомалада уялтириб қўймаган. Эшлини инобатга олмаганда.

Аммо бу санъатни шу қадар қисқа муддат учун ўзлаштирмоқ, кейин эса уни бир умрга ташлаб қўймоқ – ғирт тентаклик-ку, ахир! Ҳеч қачон турмушга чиқмай оч-яшил кўйлак кийиб юриш, келишган йигитларни ўзингга ром этиб, доим улар қуршовида бўлиш ёқимлироқ, албатта. Бироқ бу ўйинни ҳаддан ташқари чўзадиган бўлсанг, Индия Уилкс каби қариқиз бўлиб қолишинг ҳеч гапмас, у ҳолда ҳамма сен ҳақингда бадкирдорлик билан илжайиб "бечорагина" дейди. Йўқ, турмушга чиққан ва барча ўйин-кулгилардан воз кечиб бўлса ҳам ўзингга ҳурматингни сақлаб қолган яхшироқ.

Худойим, ҳаёт бунча мураккаб бўлмаса! Қандай қилиб у бундай ақлсизликка йўл қўйди, шу Чарлзга турмушга чиқиши ва ўн олти ёшида ўзини тириклай ерга кўмиши зарурмиди!

Залдаги ҳаракат уни бесамар ўй-хаёллардан ва ўзини-ўзи маломат қилишдан чалғитди: оломон орқага тисарилиб йўлни бўшатди; қандайдир қўпол турткидан кринолинларини кескин силкитиб юборган хонимлар, панталонларининг юқориси очилиб кетмаслиги учун уларни эҳтиёткорлик билан ушлаб туришарди. Оёқ учида кўтарилган Скарлетт милиция капитанининг оркестр жойлашган саҳнага сакраб чиққанини кўрди. У баланд овозда буйруқ

берди, унинг бўлинмаси йўлакда саф тортди ва бир неча жанговар машқлар бажарилди, жангчиларнинг юзига майда тер қалқиб чиқди, халойиқ эса бу саҳнани қарсаклар билан олқишлаб турди. Скарлетт шоша-пиша бошқалар қатори қарсак чала бошлади, аскарлар "эркин бўлинг!" буйруғига биноан пунш ва лимонад дўкончалари томон юрган пайтда, у ҳозир Ҳаққоний Ишга садоқатини намойиш этишнинг айни пайти, деган қарорга келиб, Меланига юзланди.

– Уларнинг кўриниши жуда ажойиб, тўғрими? – деди у.

Мелани пештахта устидаги қандайдир тўқима буюмларни тахлаётганди.

– Уларнинг кўпчилиги кулранг мундир кийиб Виргиния тупроғида жанг қилишганида, бундан-да кўркамроқ кўринган бўлишарди, – деди у овозини пастлатишга уринмай.

Ўғиллари милицияда хизмат қилаётган бир неча ёши улуғ аёллар жуда яқин туришганди, унинг сўзларини эшитишди. Миссис Гинен аввал қизариб, кейин бўзарди: унинг йигирма беш ёшли ўғли Уилли шу бўлинмадаги аскарларнинг бири эди.

Скарлетт гарангсиб Меланига қаради. Мана, у кимдан бундай гапни ҳечам кутмаганди.

– Нима деяпсан, Мелли?

– Ҳақлигимни биласан, Скарлетт. Ахир, мен ўспирин ва қарияларни кўзда тутаётганим йўқ-ку. Аммо милициядаги кўп аскарлар милтиқдан бемалол ўқ ота оладилар ва улар бир дақиқаям вақтни ўтказмай шу иш билан шуғулланишлари зарур.

– Аммо... қулоқ сол, – ҳеч қачон бу муаммо устида бош қотирмаган Скарлетт гап бошлади, – кимдир уйда қолиши керак-ку... – У Уилли Гиненнинг нима сабабдан ўзининг Атлантада бўлиши зарурлигини тушунтираётиб айтган гапларини эслашга уринди. –

Штатимизни душман ҳужумидан, босқинчиликдан қўриқлаш учун.

– Ҳеч ким бизникига бостириб кирмайди, бостириб кирмоқчи ҳам эмас, – совуққина эътироз билдирди Мелани аскарлар томонга кўз ташлаб. – Бизни ҳужумдан ҳимоя қилишнинг энг яхши йўли – бу Виргинияга жўнаб кетиш ва у ерда янкиларнинг таъзирини бериш. Бу ерда негрлар қўзғолон кўтариши мумкин, шунда милиция бизни қўриқлаши зарур дейишаётган бўлса, унда бундан ортиқ бемаъниликни тасаввур қилиш қийин. Нима учун бизнинг негрларимиз қўзғолон кўтариши керак? Бу қўрқоқларнинг шунчаки разилона манфур уйдирмаси, холос. Ишончим комилки, агар барча штатларнинг милиция қўшинлари Виргинияга жўнаганида, биз бир ой ичида янкиларнинг таъзирини берган бўлардик. Ана шунақа!

– Қизиқсан-а! Мелани! – дея олди, холос, Скарлетт унга ажабланиб қараб.

Меллининг мулойим кўзлари ғазабдан чақнаб кетди.

– Менинг эрим, худди сеники каби, у ёққа боришдан қўрққани йўқ. Менга уларнинг бу ерда, ўз уйида беркиниб ўтирганини кўргандан кўра, ҳар иккисининг жонсиз жасадини кўрганим осонроқ бўларди... О, азизам, нималар деяпман, кечир мени! Бунчалик бешафқат, бунчалик тошбағир бўлмасам!

У илтижо билан Скарлеттнинг қўлини силади, Скарлетт эса кўзларини катта очиб унга қараб турарди. Лекин у айни дақиқада марҳум Чарлз ҳақида ўйламаётганди. У Эшлини ўйлаётганди. Агар у ҳам ўлса, кейин нима бўлади? У шарт ўгирилди ва дўконча ёнига келган доктор Мидга қараб жилмайди.

– Хўш, менинг азизларим, – саломлашди доктор улар билан, – икковингизнинг келганингиз қандай яхши. Бу ерга келиб сиз улкан фидокорлик кўрсат-

дингиз. Бироқ бунинг ҳаммаси бизнинг Ишимиз учун-ку, ахир. Мен эса сизга бир сирни очмоқчиман. Мен бугун госпиталлар учун кўпроқ пул топишнинг ажойиб усулини ўйлаб топдим, фақат аёлларимиз бир оз хижолат бўлишади, деб қўрқаман.

У оппоқ соқолини сийпалаб жим қолди ва бир оз шубҳа билан "ҳм-м" деб қўйди.

– Бу қандай усул, айтинг-чи бизга!

– Йўқ, балки ўзингиз бу ҳақда ақлни ишлатишингизни таклиф қилганим тузукроқдир. Мабодо тақводор аёлларимиз мени шаҳардан қувишга қарор қилишса, сизнинг ҳимоянгизга умид қиламан. Қисқаси, кўрасизлар. Бизда бунақаси ҳали бўлмаган.

У жиддий қиёфада бозор ташкилотчилари гуруҳи томон юрди. Мелани ва Скарлетт эса сирли совғани муҳокама қилиш истагида ёниб, бир-бирларига қараб ўгирилишди, бироқ шу пайт икки ҳурматли жаноб баланд овозда ўн миляча тўқилган тўр ўлчаб беришларини сўраб, дўконча ёнига келишди."Бўпти, ҳеч қурса шу чоллар бўлса ҳам майли. Ҳеч ким бўлмагандан кўра яхшироқ", хаёлидан ўтказди Скарлетт тўр ўлчаб бераркан, ва уялинқираб иягидан силаб қўйишларига изн берди. Кекса ишратпарастлар тўрни олиб, лимонадли дўконча томонга кетишди, уларнинг ўрнини бошқа харидорлар эгаллашди. Мелани ва Скарлеттнинг дўкони Мелли Мерриуэзернинг қаҳ-қаҳаси, Фенни Элсингнинг ҳиринглаши, харидорларнинг ҳазилларига дадил жавоб қайтарган ойимқиз Уайтингларнинг жўшқин овозлари келаётган бошқа дўкончалар сингари савдоси баравж эмасди. Мелани жиддий туриб, пинагини ҳам бузмай мижозларга уларга мутлақо кераксиз молларни сотар, Скарлетт эса унга тақлид қилишга уринарди.

Бошқа дўкончалар олдида одамлар уймалашарди, қизлар шўхчан чуғурлашар, эркаклар харид қилишарди. Мелани ва Скарлеттнинг дўкончасига

ора-сира келган харидорлар эса кўпроқ уларнинг қайси бири университетда Эшли билан ўқиганини эслашар ёки ҳозир унинг қандай қилиб жасур жангчига айлангани ҳақида гапиришар ва ё эҳтиром билан шаҳар Чарлз сиймосида оғир жудоликка учраганини таъкидлашарди.

Кейин эса бирдан саҳнада болаларнинг қувноқ "Қани, эй Жонни Букер" қўшиғининг ёвқур садолари янгради ва Скарлетт ғазабдан чинқириб юборай, деди. У жуда-жуда рақс тушишни истарди! Айнан рақс тушишни! У оҳангга мослаб оёғи билан полни тақиллатиб залга қарар, яшил кўзлари эса чақнаб турарди. Кимдир биров залга кириб, эшик олдида тўхтаб қолди, нигоҳи Скарлеттнинг нигоҳи билан тўқнашди, унинг тунд, жаҳлдор юзидаги хиёл қийиқ беқарор кўзларига тикилиброқ қаради – қизиқиб қолгани аниқ – ва Скарлетт нигоҳидаги ҳар қандай эркакка тушунарли даъватни илғаб, ўзича кулиб қўйди.

У бўйчан, ёнида турган зобитлардан бир бош баланд, кенг елкали, қадди-қомати келишган, тоси тор, хипчабел ва ҳафсала билан тозаланган пойафзалдаги оёқлари кулгили даражада кичкина эди. Сипо қора костюм, сербурма нафис кўйлак ва тагида оёғининг баланд дўнгсаси кўзга ташланиб турган башанг початасмали шим билан бақувват жусса ва олифтанамо юз ўртасида ғалати зиддият бор эди. Атлетларга хос жуссада дендилар костюми, вужудида мудраб ётган хатарни яширган фавқулодда куч-қувват ва ҳаракатларида илтифотсиз назокат мужассам. Сочлари тим қора. Ингичка қора мўйловини ёнида турган отлиқ қўшин зобитларининг ияккача осилиб тушган шоп мўйловлари билан қиёслаганда у европаликка ўхшаб кетарди. Аъло даражадаги саломатлик инъом этилган ҳамда барча ҳаётий ҳузур-ҳаловатларга муккасидан кетган кишининг қиёфаси. Ўзига беҳад

ишонган ва ўзгаларни андишасизларча менсимайдиган кишининг қиёфаси. У Скарлеттга кўзларида мазах аралаш беҳаёлик билан разм соларди, унинг нигоҳини ҳис қилган Скарлетт у томон ўгирилди. Миясида қандайдир ноаниқ хотира ғимирласа-да, бу жанобни дарҳол таниёлмади. Аммо бу бир неча ой мобайнида унга эътибор қаратган ягона эркак эди ва Скарлетт унга қараб жилмайди. Эркак таъзим бажо келтирди, Скарлетт ҳам тиз букиб жавоб қайтарди, аммо у мулойим, мушук юриш қилиб ўзи томонга кела бошлаганида Скарлетт уни таниб қолди ва саросимада қўлини лабларига босди.

Скарлетт қотиб қолган ва унинг одамлар орасини ёриб ўтиб ўзи томон келаётганига қараб турарди. Кейин беихтиёр дам олиш хоналаридан бирига бекиниб олмоқчи бўлиб кескин ўгирилди, бироқ этаги михга илиниб қолди. У жаҳл билан этагини тортганди, юбкаси йиртилиб кетди ва айни шу лаҳзада жаноб унинг ёнида пайдо бўлди.

– Рухсат этинг, – деди у ва эгилиб, йиртилган бурмани чиқариб олди. – Мени танишингизга ҳатто умид ҳам қилмагандим, мисс О'Хара.

Унинг овози шу қадар ёқимли, чарльстонлик зодагонларга хос сайқалланган, оҳангдор талаффуздалиги Скарлеттга ғалати туюлди.

Уятдан қизариб кетган Скарлетт унга ёлвориб қаради, зеро, уларнинг охирги учрашуви унинг хотирасида энди бор бўйича тикланди ва кўмирдай қоп-қора бўлиб кўринган кўзларнинг рўйрост қувноқ ва бешафқат назарига дуч келди. Баъзан алоғ-чалоғ тушларига кириб турадиган Эшли иккисининг дил изҳорига шоҳид бўлган бу қўрқинчли одамни қайси шамол учириб келдийкин? Нега энди ор-номусли, обрўли хонадонлар қабул қилмайдиган, аёлларни йўлдан урадиган бу ярамас кимса бу ерда пайдо бўлиши керак? Уни леди эмассиз, дейишга – ва, тааc-

суфлар бўлсинки, асоссиз эмас – журъат этган ана шу разил кимса-я!

Унинг овозини эшитган Мелани ўгирилди ва ҳаётида биринчи марта Скарлетт қайнсинглиси борлиги учун Парвардигорга шукрона келтирди.

– Сиз мистер Ретт Батлер бўлсангиз керак, шундай эмасми? – деди Мелани жилмайиб ва унга қўл узатди. – Биз сиз билан учрашганмиз....

– Сизнинг унаштирувингиз бўлиб ўтган энг хайрли вазиятларда, – таъкидлади у Меланининг қўлига эгилиб. – Сиз жуда эътиборлисиз, мени эслашингизни кутмагандим.

– Сизни бу ерга, бундай узоқ жойга нима бошлаб келди, мистер Батлер? Ахир, сиз Чарльстонда эдингиз-ку?

– Иш билан боғлиқ зерикарли мажбуриятлар, мисс Уилкс. Энди мен сизнинг шаҳрингизда тез-тез пайдо бўлишимга тўғри келади. Мол олиб кириш билан бир қаторда уларни сотиш билан ҳам шуғулланишим лозим, деб ўйладим.

– Мол олиб кириш билан бир қаторда? – манглайи тиришиб такрорлади Мелли ва шу заҳотиёқ чеҳрасига табассум ёйилди. – Демак, сиз... Албатта, қамални кўп маротаба ёриб ўтган машҳур капитан Батлерсиз! Биз сиз ҳақингизда кўп эшитганмиз. Ахир, шаҳримиздаги ҳар бир қиз сизнинг шарофатингиз билан бу ерга олиб келинган кўйлакларни кийиб юрибди. Скарлетт, ўзинг ўйлаб кўр, қандай учрашув!.. Нима бўлди сенга, азизам? Мазанг қочяптими? Ўтир, ўтирақол!

Скарлетт оғир нафас олиб стулга ўтирди; унга корсетининг боғичлари ҳозир узилиб кетадигандай туюларди. Ё Худо, нақадар даҳшат! У бу одам билан яна учрашаман, деб ҳеч қачон ўйламаганди. Батлер пештахтадан унинг қора елпиғичини олиб, меҳрибонлик билан – о, беҳад ғамхўрлик билан – уни ел-

пий бошлади. Унинг юзи жиддий, аммо кўзларида ҳали ҳам истеҳзо учқунлари ўйнарди.

– Менингча, бу ер жуда дим, – деди у. – Мисс О'Харанинг кўнгли беҳузур бўлгани бежиз эмас. Рухсат этинг, сизни дераза ёнига олиб борай.

– Керакмас! – Скарлеттнинг жавоби шу қадар кескин янградики, Мелани унга ҳайрон бўлиб қаради.

– Бу хоним энди мисс О'Хара эмас, миссис Гамильтон. У менга сингил бўлди, – деди Мелани Скарлеттга меҳрли нигоҳ ташлаб.

Бу босқинчи капитан Батлернинг қорачадан келган, қароқчиларга хос юз ифодаси унинг шу қадар ғазабини қўзғатган эдики, Скарлеттга гўё ҳозироқ жон таслим қиладигандек туюлди.

– Ишончим комилки, ҳар иккала гўзал хонимнинг бахтига, – деди капитан Батлер енгил таъзим билан. Бу вазиятга кўра ташланган одатдаги луқма эди, бироқ Скарлеттга бу луқмага Батлер бутунлай зид маънони жойлагандай туюлди.–Хўжайинларингиз бу байрам тантанасида иштирок этаётган бўлса керак, деб умид қиламан. Қайта танишсак, бахтиёр бўлардим.

– Менинг эрим ҳозир Виргинияда, – деди Мелани ғурур билан бошини кўтариб. – Чарлз эса... – Унинг овози титради ва у гапини тугатолмади.

– У лагерда ўлди, – кескин оҳангда деди Скарлетт, гўё гап тамом дегандай шартта кесиб. Қачон бу нусха уларни тинч қўяди? Мелани яна ҳайрон бўлиб унга қаради, капитан Батлер ўйламай савол берганидан афсусдалигини имо-ишора билан ифодалади.

– Қимматли хонимлар... мен нечоғлик нўноқман-а! Одобсизлигимни маъзур тутишингизни сўрайман. Мен четдан келган мусофирман, аммо ватан учун қурбон бўлганлар мангу яшайди, бу эса қалбингизга таскин беради, деб ишонч билдиришга ижозат беринг.

Мелани кўзларига ёш қалқиб унга жилмайди, Скарлетт эса кўксини ғазаб ва чорасиз қаҳр йиртқич ҳайвондек тирнаётганини ҳис қилди. У яна жентльменга хос мулойимлик билан ҳамдардлик билдирди, аммо ўзи бу сўзларга заррачаям ишонмасди. Бу одам уни масхара қиляпти. У Скарлетт Чарлзни севмаганини билади. Мелани эса, шубҳасиз, шу қадар лақмаки, унинг аслида нимани ўйлаётганини билмайди.

"О, худойим, ишқилиб яна кимдир унинг фикрларини билиб қолмасин-да!" – бирдан даҳшат ичида ўйлади у. Мабодо у ўзи шоҳиди бўлган воқеани айтиб берса борми? Агар одам жентльмен бўлмаса унинг нималарга қодирлигини қандай билиш мумкин? Уни қандай мезон билан ўлчаш мумкин? Скарлетт бошини кўтариб унга қаради. Батлер уни елпишда давом этарди, бироқ Скарлетт унинг лаблари четидаги масхараомуз ачинишни пайқади. Унинг нигоҳидаги яна нимадир Скарлеттга дадиллик бағишлади ва уни ёқтирмаслик ҳиссини кучайтирди. Скарлетт унинг қўлидан елпиғични тортиб олди.

– Ўзимни жуда яхши ҳис қиляпман, – деди у кескин, – соч турмагимни бузишингиз шарт эмас.

– Скарлетт, азизам! Капитан Батлер, сиз ундан хафа бўлмаслигингиз керак. У... у доим шунақа – унинг олдида бечора Чарлзнинг номини тилга олишса, ўзини йўқотиб қўяди... Афтидан, биз бугун бу ерга келмаслигимиз керак эди. Кўриб турибсиз, ҳалиям азадормиз, бу шод-хуррамликлар, бу мусиқалар боёқиш синглимга беҳад азоб беради.

– О, буни тушунаман, – деди у алоҳида жиддийлик билан Меланига ўгирилиб ва унинг ташвишли чеҳрасига диққат билан қаради, кўзлари унинг мусаффо нигоҳи билан учрашди, қорачадан келган юзларида билинар-билинмас ўзгариш содир бўлди: чеҳраси майин тортди, нигоҳида ихтиёрсиз эҳтиром йилт этиб ўтди.

– Менимча, сиз, миссис Уилкс, жуда иродали аёлсиз.

"Мен ҳақимда бир оғиз сўз айтмади!" – ижирғаниб хаёлидан ўтказди Скарлетт. Мелани хижолат чекиб жилмайди:

– Қўйсангиз-чи, капитан Батлер! Шунчаки қўмитадагилар иккимиздан дўкончада ўтириб туришимизни илтимос қилди, чунки сўнгги дақиқада... Сизга диван ёстиғи учун жилд керакми? Мана, жуда чиройли, байроқнинг сурати солинган.

Мелани дўкон ёнига келган уч нафар отлиқ қўшин аскари томонга ўгирилди. Бир сония унинг хаёлидан бу капитан Батлер бинойидай ёқимли одам, деган фикр ўтди. Кейин ўзининг юбкаси ва дўкон ёнида турган туфдон орасида дока пардадан бўлак бундайроқ бир тўсиқ йўқлигидан афсусланди, чунки аскарларнинг думалоқ қаҳрабодек сап-сариқ тамаки сақичлари уларнинг тўппончалари каби нишонга аниқ тегмаётганди. Бироқ у дўкон олдида уймалашиб қолган харидорларни кўриб, шу заҳотиёқ капитан Батлерни унутди.

Скарлетт капитан Батлер қаерда бўлиши лозим бўлса, ўша ерга – ўз кемасига – қайтиб кетишини астойдил тилаб, елпиғич билан елпиниб ўтирарди.

– Турмуш ўртоғингизнинг ўлганига анча бўлдими?

– Ҳа. Бир йилча аввал.

– Ўйлашимча, Летага – Унут дарёсига ғарқ бўлиб кетган.

"Лета" нима эканини аниқ билмаган, аммо унинг сўзларида мазах яширинганини бехато англаган Скарлетт жим қолди.

– Узоқ вақт бирга яшадингизми? Саволим учун мени кечиринг, лекин бу ерларга кўпдан бери келганим йўқ.

–Икки ой, – истар-истамас жавоб берди Скарлетт.

– Чиндан ҳам ўта фожеали. – У бу сўзларни хийла бепарво оҳангда гапирди. "Оҳ, қани энди даф бўлсанг!" – ғазаб билан ўйлади Скарлетт. Агар бошқа бировлар бўлганида совуқ назар ташлаб, бу ердан нари кетишини сўраган бўларди. Аммо бу одам Эшли ҳақда, у ҳақда ҳам билар, унинг Чарлзни севмаслигини ҳам тушунарди. Скарлеттнинг қўл-оёғи боғлиқ эди. У нигоҳини елпиғичга қадаб, жим ўтирарди.

– Бугун одамлар орасига биринчи бор чиқишингизми?

– Бунинг ғалати туюлишини биламан, – тушунтиришга шошилди Скарлетт. – Лекин бу дўкончада ўтириши лозим бўлган ойимқиз Маклюрларнинг кутилмаганда жўнаб кетишига тўғри келди, уларни алмаштиришга Мелани иккимиздан бўлак ҳеч ким йўқ эди, шу боис ...

– Ҳаққоний Иш учун ҳар қандай нарсани қурбон қилса арзийди.

Худди шу сўзларни миссис Элсинг ҳам айтган, аммо унинг сўзлари қандайдир ўзгача оҳангда айтилганди. Скарлеттнинг ғазабли жавоби тайёр эди, аммо у вақтида тилини тишлади. Ахир, у "Ҳаққоний Иш" учун эмас, балки уйда ўтириш ўлгудек жонига тегиб кетгани учун бу ерда ўтирибди.

– Бу урф-одат – мотам либоси киймоқлик ва аёлларни умрбод тўрт девор орасига қамаб, уларни табиий ҳаёт қувончларидан маҳрум этмоқлик худди ҳиндларнинг ўз-ўзини ёқиб юбориш удуми сингари доим менга шафқатсизлик бўлиб кўринган, – ўйчан сўз қотди капитан Батлер.

– Ҳиндларга хос – нима?

Капитан Батлер кулиб юборди ва Скарлетт нодонлигини билдириб қўйганини тушуниб, қизариб кетди. Тушунарсиз нарсалар ҳақида гапирувчилар бунча ёқимсиз бўлмаса!

– Ҳиндистонда бирор киши ўлса, уни ерга топшириш ўрнига ёқиб юборишади, хотини ҳам ўзини

дафн гулхани устига ташлаб, эри билан бирга куйиб кетади.

– Қандай даҳшат! Нима учун улар бундай қилишади? Наҳотки бу ҳодисага полиция аралашмаса?

– Аралашмайди, албатта. Ўзини эри билан бирга ёқиб юборишни истамаган хотин жамиятдан четлатилади. Ҳурмат-эъзозга лойиқ ҳинд аёллари, у ўзини ҳақиқий хонимлардек тута олмайди, деб гап қила бошлайди – худди шундай, мабодо миянгизда бугун бу ерда қизил кўйлакда пайдо бўлиш ва кадрилга рақс тушиш фикри туғилиб қолса, анави бурчакда ўтирган ҳурматли хонимлар сизни гап-сўз қилиши тайин. Шахсан менга ўзини ўтга ташлаш удуми бизнинг гўзал Жанубимиздаги бева аёлнинг мотам либоси кийиб, ўзини бир умр тириклай кўмишини талаб қилувчи урф-одатлардан кўра шафқатлироқ кўринади.

– Қандай ҳаддингиз сиғди? Мен ўзимни мутлақо тириклай кўмилган, деб ҳисобламайман.

– Аёллар қўл-оёқларини боғлаб ётган занжирларга бу қадар жазава билан ёпишиб олишларига беҳад ҳайрон қоламан. Сиз ҳиндларнинг удумини ваҳшийлик деб ҳисобламайсизми? Агар бу Конфедерация эҳтиёжлари учун зарур бўлмаса, бугун бу ерда пайдо бўлишга журъатингиз етармиди?

Скарлетт бундай баҳс-мунозарага у қадар уста эмасди, бу гал эса бутунлай ўзини йўқотиб қўйди, зеро, кўнглида суҳбатдошининг ҳақлигини тан олмай иложи йўқ эди. Аммо барибир унга жавоб қайтариб зарба бериш фурсати келди.

– Шу нарса аниқки, мен ҳеч қачон бундай қилмаган бўлардим. Бу... хотираси...хотирасига ҳурматсизлик бўларди. Унда мен... мен... севмайдигандай туюлишим...

Капитан Батлернинг шўх, очиқдан-очиқ мазахомуз нигоҳини ҳис қилган Скарлетт жим бўлди. У Чарлзни севмаганини капитан Батлер билади-ку,

ахир, шу боис ҳам бу жаноб унинг вазиятга кўра сохта қайғуга ботиб кўнгил ёришини андиша ва лутф билан эшитиб ўтирмайди. Бунга чидаб бўлмайди, жентльменликни уддалай билмайдиган эркак билан муомала қилиш ниҳоятда қийин! Хоним ёлғон гапираётганини сезиб турса ҳам, жентльмен доим ўзини хонимнинг гапларига ишонаётгандек қилиб кўрсатади. Бундай рицарлик жанубликларнинг қонида бор. Жентльмен доим ўзини тарбия кўрган кишидек тутади, одоб-ахлоқ қоидалари талабидан келиб чиқиб гапиради ва хонимнинг аҳволини енгиллатишга ҳаракат қилади. Бу нусха учун эса, кўриниб турибдики, ҳеч бир қонун йўқ, тил теккизиш мумкин бўлмаган нарсалар ҳақида гапириш унга ҳузур бағишлайди.

– Нафасимни ичимга ютиб сизни эшитаман.

– Сиз ўта ярамас одамсиз, – деди у ноилож ва ерга қаради.

Капитан Батлер пештахта устига эгилди ва "Атениум-Холл" саҳнасида кўриниб турадиган аллақандай бадкирдорнинг сохтакорлик билан шивирлашига тақлид қилиб, унинг қулоғига заҳарханда оҳангда вишиллади:

– Ҳеч нарсадан қўрқманг, латофатли хоним. Сизнинг қўрқинчли сиримгизни ўзим билан гўрга олиб кетаман!

– Худойим! – қўрқувга тушиб пичирлади унга жавобан Скарлетт. – Бу гапларни гапиришга қандай ҳаддингиз сиғди?

– Мен шунчаки юрагингизни эзиб ётган юкни олиб ташлашни истадим, холос. Ёки сиз: "Меники бўл, соҳибжамол, йўқса бор сиримгни очиб ташлайман", дейишимни кутганмидингиз?

Скарлетт беихтиёр унга қаради ва унинг жиғига тегиб очиқчасига болаларча ҳузур қилаётганини кўриб, ўзи кутмаган ҳолда кулиб юборди. Ростданам

охир-оқибат бунинг бари бориб турган бемаънилик, ахир. Батлер ҳам кулиб юборди, шу қадар қаттиқ кулдики, бурчак тарафда ўтирган кайвони аёлларнинг айримлари улар томонга қарашди. Чарлз Гамильтоннинг беваси, афтидан, қандайдир нотаниш эркак билан гурунглашиб асло зерикмаётганини пайқаган аёллар ёқтирмай кўз уриштиришди ва бир-бирларига янада яқинроқ энгашишди.

Зал бўйлаб ноғора садолари янгради, саҳнада доктор пайдо бўлди ва жимликни сақлашни сўраб қўлини кўтарди. Уни кўриб ҳамма бир-бирини жим қила бошлади.

– Биз чин дилдан жонкуярлиги, ватанпарварлиги ва тинимсиз меҳнати билан бу хайрия бозори бизга нафақат зарур моддий маблағ тўплашга ёрдам бергани учун, балки ташландиқ аскарлар ётоғини ҳозир рўпарамда кўриб турганим беҳад гўзал хонимларни ўз бағрига олишга муносиб мафтункор гўшага айлантира олгани учун ҳам ажойиб хонимларимизга миннатдорлик билдиришимиз керак.

Барча маъқуллаб қарсак чалди.

– Аёлларимиз бизга нафақат вақтини, ҳатто ўз меҳнати маҳсулини, сиз дўкончалардан топадиган чиройли буюмларини ҳам улашдилар, бу буюмлар нақадар жозибадор, чунки улар бизнинг Жануб аёлларининг сеҳрли қўллари билан яратилган.

Яна қарсаклар ҳамда маъқуллаган қичқириқлар янгради. Пештахтага тирсаклари билан бепарво суяниб турган Ретт Батлер паст овозда Скарлеттга мурожаат қилди:

– Нақадар баландпарвоз така, тўғрими?

Скарлетт даҳшатга тушди: Атлантанинг энг муҳтарам фуқаросига нисбатан бу қадар шаккоклик! У Батлерга ёзғириб қаради. Аммо доктор селкиллаб турган узун оппоқ чакка соқоллари билан чинданам такага ўхшарди, Скарлетт кулгисини аранг босди.

– Бироқ бу ҳали ҳаммаси эмас. Қанчадан-қанча азоб чекаётган яродорларнинг ўт бўлиб ёнаётган манглайига совуққина қўлларини босиб, дардларини енгиллатган ва Жанубнинг ҳақ-ҳуқуқлари учун олиб борилаётган жангларда яраланган жангчиларни ўлим чангалидан суғуриб олган меҳрибон васий-хонимларимиз бизнинг эҳтиёжларимизни биладилар. Мен уларни санаб ўтирмайман. Англиядан дори-дармон сотиб олишимиз учун бизга пул керак ва бу ерда орамизда довюрак флот бошқарувчиси турибди, бир йил мобайнида бир неча бор бандаргоҳларимиз қамалини ёриб ўтган ва бизга зарур маҳсулотларни етказиб келиш учун яна ёриб ўтишга тайёр – капитан Ретт Батлер.

Ғафлатда қолган бўлса-да, машҳур қароқчи назокат билан таъзим бажо келтирди – у таъзим бажо этиб назокатни атай ошириб юбормадимикин, деган ўй ўтди Скарлеттнинг хаёлидан. Капитан ўта сертакаллуф кўринар, чунки у бу ерга йиғилганлардан қаттиқ нафратланарди. Гулдурос қарсаклар янгради, бурчакда ўтирган хонимлар эса бўйинларини чўзиб капитанга қарашди. Мана, Чарлз Гамильтоннинг беваси кимга сузилиб ҳиринглаётган экан! Бечорани кўмишганига ҳали бир йил ҳам ўтгани йўғ-а!

– Бизга олтин керак, шунинг учун мен хайр-эҳсон қилишни сўраб, сизга мурожаат қиламан, – давом этди доктор. – Ҳа, мен бирор нарсангиздан воз кечишингизни, аммо бизнинг кулранг мундирли ботирларимиз бераётган қурбонликлар олдида арзимас даражада, айтишим мумкинки, ҳатто кулгили даражада кичкина бўлса-да эҳсон қилишингизни сўрайман. Хонимлар, мен қимматбаҳо зебу зийнатларингизни эҳсон қилишингизни сўрайман. Буни мен сўраяпманми? Йўқ, буни Конфедерация сўраяпти, сизнинг қимматбаҳо буюмларингиз Конфедерацияга керак ва ишонаманки, ҳеч биринғиз рад этмай-

сиз. Сизнинг чиройли билакларингизда қимматбаҳо тошлар нечоғлик чиройли ярқирайди! Ватанпарвар аёлларимиз кўксидаги олтин тўғноғичлар ақлни лол этгудек чиройли! Аммо Ҳиндистоннинг жами дуру жавоҳирлари сизнинг беқиёс эҳсонингиз олдида хира тортади. Тилла буюм-лар қуйиш цехларига, қимматбаҳо тошлар эса сотувга чиқарилади, улардан тушган пулларга дори-дармон ва зарур даволаш ашёлари сотиб олинади. Шундай қилиб, муҳтарама хонимлар, ҳозир жароҳатларига шифо топган икки жасур жангчимиз сават кўтариб олдингиздан айланиб ўтади ва... – Гулдурос қарсаклар ва ҳаяжонли хитоблар унинг овозини босиб кетди.

Скарлетт, аввало, бевалик либоси унга, ўзингга беадад шукур, худойим, на севимли тилла сирғаларини, на Робийяр бувисидан совға – оғир тилла занжирини, на қора эмаль билан сирланган тилла билакузугини, на ёқут кўзли тўғноғичини тақишга изн бермаганини ўйлаб жуда енгил тортганини ҳис қилди. У кичкина зуав соғ қўлида эман чивиғидан тўқилган саватчани кўтариб, залнинг уларнинг дўкончаси турган қисмидан айланиб чиқаётганига ва барча ёшу қари аёллар хурсандчилик билан шоша-пиша билакузукларини, ёлғондакам оғриқдан чийиллашиб қулоқларидаги сирғаларини ечишаётганига, қимматбаҳо кольеларнинг қаттиқ қисилган қулфчаларини ёки корсажларидаги тўғноғичларни ечиб олишда бир-бирига ёрдам бераётганига қараб турарди. Металлар жаранглар, "Тўхтанг, тўхтанг! Мана! Мен ечиб олдим!" деган хитоблар янграрди. Мейбелл Мерриуэзер билаклари ва тирсагидан юқорига тақилган бир жуфт билакузугини ечди. Фенни Элсинг: "Ойижон, ижозат беринг!" дея хитоб қилиб, майда марваридлар билан безатилган олтин тожни – авлоддан-авлодга мерос бўлиб ўтаётган қимматбаҳо буюмни бошидан ечди. Ҳар гал саватчага

эҳсон тушганида шодон қийқириқлар ва қарсаклар янграрди.

Митти зуав жилмайганча уларнинг дўкончасига яқинлаша бошлади, тирсагига осилган саватча аллақачон қўлига оғирлик қилаётганди, у Ретт Батлернинг ёнидан ўтаётганида саватчага беписандлик билан оғир олтин сигарет қутиси ташланди. Зуав саватчани пештахта устига қўйди. Скарлетт эса қўлларини ёйиб ҳеч нарсаси йўқлигига ишора қилди. У хайр-эҳсон қилишга ҳеч нарсаси йўқ ягона аёл эканидан хижолатда эди. Лекин шу лаҳзада катта никоҳ узугининг ялтираши диққатини тортди.

Қандайдир бир лаҳза хотирасида Чарлзнинг чеҳраси намоён бўлди – бармоғига узук тақаётгандаги Чарлзнинг юзини у элас-элас эсларди. Аммо Чарлзни эслаганда доимо тошиб келадиган ғазаб туйғуси бирдан ўт олиб, бу хотира шу ондаёқ хира тортди. Ахир, унинг ҳаёти барбод бўлганига, уни жуда эрта кампирлар қаторига қўшиб қўйишганига у айбдор бўлмай, ким айбдор бўлсин.

У бармоғидаги узукни юлқиб тортди. Бироқ узук ечилмади. Зуав аллақачон Меланига бурилганди.

– Тўхтанг! – бақирди Скарлетт. – Менда сиз учун бир нарса бор. – Узук ниҳоят бармоқдан суғурилиб чиқди, уни узуклар, билакузуклар, соат, занжир ҳамда тўғноғичлар билан тўла саватчага ташлаш учун ўгирилган Скарлетт Ретт Батлернинг ўзига тикилган нигоҳини ҳис қилди. Унинг лабларида енгил мазах ифодаси зоҳир эди. Унинг нигоҳига иддаоли қараш билан жавоб берган Скарлетт узукни қиммат-баҳо тақинчоқлар уюми устига ташлади.

– Оҳ, менинг азизам! – унинг қўлини қисиб пичирлади Мелани. Унинг кўзлари ғурур ва меҳр-муҳаббат билан порларди. – Менинг миттигина, жасур қизалоғим! Илтимос, тўхтаб туринг, лейтенант Пикар! Менда ҳам сиз учун бирор нарса топилади!

У Эшли бармоғига тақиб қўйган дақиқадан бери бирор марта ҳам ажралмаган никоҳ узугини ечишга уринарди. Бу узук унга нечоғлик қадрли эканини Скарлетт бошқалардан кўра яхшироқ биларди. Узук қийинчилик билан ечилди ва Мелани узукни бир лаҳза кафтчасида қисимлаб турди. Кейин эса уни оҳиста саватчага қўйди. Зуав бурчакдаги хонимлар томон йўл олди. Скарлетт ва Мелани эса бир-бирларига суянганча: Скарлетт кибр билан бошини орқага ташлаб, Мелани эса кўз ёшидан ҳам аччиқроқ алам билан унинг орқасидан қараб қолдилар. Униси ҳам, буниси ҳам ёнларида турган киши нигоҳидан четда қолмади.

– Агар сен бу ишни қилишга жазм этмаганингда, мен ҳеч қачон бундай қилолмаган бўлардим, – дея Мелани Скарлеттни белидан қучди ва меҳр билан бағрига босди. Скарлетт уни итариб юборгиси, Жералдга ўхшаб жонига тегишганида қўполлик билан: "Менга ёпишавермай нари тур!", дея қичқиргиси келарди, аммо капиитан Батлер уларга қараб турарди, шу боис унга жавобан Скарлетт зардали жилмайди. Бунга чидаб бўлмасди – Мелли доим ҳамма нарсани енгил-елпи тушунади! Бироқ у Скарлеттнинг ҳақиқий ўй-фикрларини ўқий олса борми, жуда ёмон бўлиши аниқ.

– Қандай олижаноб иш, – секин гапирди капитан Батлер. – Бундай хайр-эҳсонлар кулранг мундирли қўрқмас жангчиларимиз юрагини мардлик ва ботирлик ҳисси билан тўлдиради.

Скарлеттнинг лабларидан кескин сўзлар отилиб чиқишга тайёр эди – уларни тўхтатиб қолиш учун у озмунча куч сарфламади. Капитан нима деб гапирмасин, барисида истеҳзоли оҳанг сезилиб турарди. У дўконча олдида пештахтага суяниб турган бу одамга юрагида кучли нафрат борлигини ҳис қиларди. Айни пайтда бу эркакдан қандайдир куч уфуриб турарди.

Унинг шу ердалиги Скарлеттга қандайдир жўшқин, қайноқ, тажовузкор нарсадек таъсир қиларди. Унинг нигоҳидаги беписандликни кўрганида Скарлеттнинг томирларидаги ирланд қони қайнай бошларди. Йўқ, қандай қилиб бўлса-да, унинг попугини пасайтириб қўйиши лозим. Ретт Батлер унинг олдида ўзининг устунлигидан фойдаланмоқда, чунки унинг сирини билади, бунга эса чидаш қийин. Демак, қандай қилиб бўлса-да унинг устидан ғалаба қозониш йўлини топиши керак. Скарлетт у ҳақда нимани ўйлаган бўлса, барини юзига тўкиб солиш истагини босди. Моможони айтганидек, пашшалар сиркага эмас, шакарга қўнади. У бу зарарли пашшани қўлга туширади, уни тўғноғичга қадаб қўяди. Ана шунда у Скарлеттнинг ҳукми остида бўлади.

– Мақтов учун миннатдорлик билдираман, – деди Скарлетт ва унинг сўзларидаги истеҳзони пайқамаганга олиб мафтункор жилмайди, – бундай мақтовни капитан Батлердек машҳур одамдан эшитиш икки карра ёқимлидир.

Капитан Батлер бошини орқага ташлаб, хохолаб кулиб юборди. Нақд қаҳ-қаҳ уриб кулди-я, алам билан ўйлади Скарлетт юзларига қизил югуриб.

– Нима учун сиз ўйлаган нарсангизни тўғридан-тўғри гапирмайсиз? – сўради у умумий шовқинсурон ва хурсандчилик орасида Скарлеттдан бўлак ҳеч кимга эшитилмайдиган паст овозда. – Нега энди кўзимга тик қараб менинг ярамаслигимни, ўзимни жентльмендек тутолмаслигимни ва бу ердан тезроқ даф бўлишимни, бўлмаса мана бу кўк мундирли йигитчаларнинг бирортасига мени дуэлга чақиришни буюришингизни айтолмайсиз?

Скарлетт унга заҳархандалик билан жавоб қайтаргиси келди, бироқ ўзини мардона енгиб, шундай деди:

– Нималар деяпсиз, капитан Батлер? Бу фикр миянгизга қаёқдан келди? Сиз мардлигингиз билан

қандай шуҳрат қозонганингиз ҳаммага маълум-ку, ўз... ўз...

– Ҳафсаламни пир қилдингиз, – деди капитан Батлер.

– Ҳафсалангизни пир қилдим?

– Албатта-да. Бизнинг илк маротаба ва шу қадар эсда қоларли учрашувимиздан сўнг мен сизни чиройдан ташқари жасорат ҳам инъом этилган ғаройиб қиз экан, деб ўйловдим. Кўриб турибманки, энди фақат чирой қолибди, холос.

– Мени қўрқоқ, демоқчимисиз? – У дарров ҳурпайди.

– Шубҳасиз, ўйлаб турган гапингизни айтишга сизда шижоат етишмайди. Сизни илк бор кўрганимда, ўзимга-ўзим: бундай қизлар миллиондан битта. У мана бу ойижонларининг ҳамма гапларига ишонадиган ва ўз хоҳиш-истаги, туйғуларини, баъзан эса қуруқ хушомадлар остида яраланган юракларини яширадиган аҳмоқ қизчаларга сираям ўхшамайди, дегандим. Мен, мисс О'Хара фавқулодда феъл-атворга эга, нимани истаётганини билади ва буни ошкора айтишдан ҳам, вазани... отиб юборишдан ҳам қўрқмайди, деб ўйловдим.

– Гап бундай, – деди Скарлетт ғазабига эрк бериб, – ҳозир мен чинданам нимани ўйлаётган бўлсам, ҳаммасини айтаман. Агар сиз озгина тарбия кўрган инсон бўлганингизда, бу ерга келмаган ва мен билан гап талашиб ўтирмаган бўлардингиз. Менда заррачаям сизни кўриш истаги йўқлигини тушунишингиз лозим эди! Аммо сиз жентльмен эмассиз! Сиз қўпол, жирканч ҳайвонсиз! Расвои раддибало кемачаларингиз бандаргоҳларда янкиларнинг кўзларини шамғалат қилганидан фойдаланиб, бу ерга келишга ва асл мард эркаклар ҳамда Ҳаққоний Иш учун ҳамма нарсага тайёр аёллар устидан мазах қилиб кулишга ҳаддингиз сиғяпти.

– Бир дақиқа, бир дақиқа, – юзларига табассум ёйилиб унинг гапларини бўлди Ретт Батлер, – сиз жуда яхши бошладингиз ва чинданам нимани ўйласангиз, ўшани гапиряпсиз, аммо ёлвораман, менга Ҳаққоний Иш ҳақида гапирманг. Буни эшитиш бадимга уриб кетди, онт ичиб айтаманки, сизнинг ҳам.

– Ахир, қандай қилиб сиз... – қизиша бошлади у, аммо капитан ўзига тузоқ қўяётганини сезиб, шу заҳоти ўзини қўлга олди.

– Мен эшик ёнида туриб сизни узоқ кузатдим, лекин сиз мени кўрмадингиз, – деди у. – Бошқа қизларни ҳам. Ҳаммаларининг юз ифодаси гўё бир қолипдан қуйилгандек. Сизда эса бошқача. Сизнинг юз ифодангиз очиқ китобга ўхшайди, бемалол ўқиш мумкин. Бугунги машғулот сизни мутлақо қизиқтиргани йўқ, онт ичаманки, сизнинг хаёлларингиз Ҳаққоний Ишдан ҳам, госпиталь эҳтиёжларидан ҳам узоқда эди. Юзингиздан ўйин-кулги қилгингиз, рақс тушгингиз келаётгани, аммо бу мумкин эмаслиги шундоқ кўриниб турганди. Қани тан олинг-чи, мен ҳақман-а?

– Бу суҳбатни давом эттиришни истамайман, капитан Батлер, – босиқлик билан қуруққина қилиб деди у ўз қадр-қимматини сақлаш туйғусини қайта тиклашга астойдил уриниб. – "Машҳур қароқчи"га айланганингиз учун ўзингизга қанчалик бино қўйманг, бу сизга хонимларни ҳақорат қилиш ҳуқуқини бермайди.

– "Машҳур қароқчи"га айланиб? Э, сиз ҳазиллашяпсизми? Илтимос, йўқликка юз тутишимдан олдин менга яна бир дақиқа бебаҳо эътиборингизни қаратсангиз. Бундай дилбар ёш ватанпарвар хоним менинг Конфедерация ишига қўшган ҳиссам ҳақида янглиш фикрда қолишини истамасдим.

– Сизнинг мақтанчоқ гапларингизнинг менга қизиғи йўқ.

– Контрабанда мен учун шунчаки бир ҳунар, касб-кор, мен шу йўл билан пул топаман. Бу машғулот даромад келтирмай қўйса, мен уни ташлайман. Хўш, энди нима дейсиз?

– Сиз паст ва таъмагир одамсиз, янкилардан афзал жойингиз йўқ.

– Мутлақо тўғри. – У илжайди. – Ҳа, айтганча, янкилар менинг пул қилишимга ёрдам беришади. Ўтган ойнинг ўзида мен кемамда тўғри Нью-Йорк бандаргоҳигача сузиб бордим ва у ердан юк олдим.

– Қандай қилиб? – хитоб қилди Скарлетт беихтиёр қизиқиб. – Улар кемангизни ўққа тутишмадими?

– О, нақадар олийжаноб соддадиллик! Албатта, ундай бўлмади. Шимолликлар орасида ҳам конфедератларга мол етказиб бериб пул ишлашдан қайтмайдиган матонатли ватанпарварлар кам эмас. Мен кемамни Нью-Йорк бандаргоҳига олиб кираман, шимол савдо фирмаларидан яширинча мол, шубҳасиз, менга зарур бўлган ҳамма нарсани сотиб оламан ва елканларни кўтараману ғойиб бўламан. Мабодо бу жуда хатарли бўлиб қолса, Нассауга кетаман, айнан ўша шимоллик ватанпарварлар у ерга менга снарядлар, порох ва кринолин олиб келишади. Бу Англияга сузиб боришдан кўра анча қулайроқ. Баъзан Чарльстон ёки Уилмингтон бандаргоҳига кириб олиш хийла қийин кечади, аммо агар мен сизга майда олтин ғилдиракчалар қайси тирқишларга кира олиши мумкинлигини айтсам, ҳайрон қоласиз.

– Албатта, мен билардим янкиларнинг ифлос махлуқлар эканини, лекин...

– Ўз Штатлари Иттифоқини сотиб, ҳалол йўл билан чўнтакларини қаппайтираётган янкиларни деб оташин сўзларни исроф қилиш зарурми? Бу абадул-абад ҳеч қандай аҳамият касб этмайди. Пировардида, ҳаммаси битта натижа билан тугайди. Конфедерацияни эртами-кечми ер юзидан супуриб

ташлашларини янкилар билишади, шундай экан, нега энди улар ўзларига нон топиш учун пул ишлаб қолмасликлари керак?

– Ер юзидан супуриб ташланади? Конфедерация-я?

– Ҳа, шубҳасиз.

– Марҳамат қилиб мени сиз билан мулоқотда бўлиш мажбуриятидан халос этинг ва сиздан қутулиш учун экипаж чақиришга мени мажбур қилманг!

– Нақадар қизиққон исёнкор қизалоқ! – деди у истеҳзо билан таъзим бажо келтириб ва Скарлеттни чорасиз ғазаб ва нафрат ичида қолдириб, аста нари кетди. Бунга яна унинг ўзига ҳам тушунарсиз умидсизлик туйғуси – орзулари кўкка совурилган аламзада боланинг умидсизлиги қўшилиб кетди. Қамални ёриб ўтишга ёрдам бераётган кишилар ҳақида бундай дейишга қандай тили борди! Конфедерацияни ер юзидан супуриб ташлайдилар, дейишга у қандай журъат этди? Уни хоин сифатида отиш керак, отиб ташлаш керак! У залга кўз югуртирди ва таниш чеҳраларни кўрди – жасур, очиқ, кўтаринки руҳ билан ғалабага ишонган чеҳраларни кўрди ва бирдан қалбида ғалати бир титроқ турди. Ер юзидан супуриб ташлайдилар? Бу одамлар шунга йўл қўядиларми? Э йўқ, албатта, йўл қўймайдилар. Шу фикрнинг ўзи ҳам хиёнаткорлик ва бемаънилик эди.

– Нима ҳақда пичирлашдинглар? – Скарлетт томонга ўгирилиб сўради Мелани харидорлар кетгач. – Миссис Мерриуэзер сендан кўз узмаганини сездим, азизам, биласан-ку, ахир, ғийбат унинг жону дили.

– Бу одамга мутлақо тоқат қилиб бўлмайди – тарбиясиз, тўпори, – деди Скарлетт. – Мерриуэзер кампир ғийбат қилса қилаверсин. Унга ёқиш учун ўзимни анойи қилиб кўрсатиш жонимга тегиб кетди.

– Нима бўлди сенга, Скарлетт! – хитоб қилди беҳад хижолат чеккан Мелани.

– Жим, – деди Скарлетт. – Доктор Мид яна бир нарсани тушунтирмоқчи.

Доктор гапира бошлаганида зал бир оз тинчиди. Дастлаб доктор қимматбаҳо зебу зийнатларини эҳсон қилган хонимларга сахийликлари учун миннатдорлик билдирди.

– Энди эса, хонимлар ва жаноблар, сизга кутилмаган сюрприз қилмоқчиман. Шундай бир янгиликни таклиф қилмоқчиманки, бу ҳатто кимнидир ҳангу манг қилиб қўйиши мумкин. Лекин назарингиздан қочирмасликни илтимос қиламан, бу ердаги ҳамма ишлар госпиталлар ва у ердаги йигитларимиз учун.

Ҳамма яқинроқ келишга, олдинроққа ўтиб олишга уринар, муҳтарам доктор қандай ҳайратланарли сюрприз тайёрлаганини топишга уринарди.

– Ҳозир рақс бошланади – ҳар галгидек кадриль билан бошланиб, вальс билан давом этади. Ундан кейинги барча рақслар – полька, шотланд рақси, мазурка – галма-галдан қисқа кадриллар билан алмашиниб туради. Кадрилни бошқариш ҳуқуқи учун рақобатдек назокатли одат менга яхши таниш, аммо бу сафар... – Доктор дастрўмоли билан пешонасидаги терни артди ва қувлик билан бошқа аёллар қаторида ўзининг хотини ҳам ўтирган бурчакка қаради – ... бу гал, жентльменлар, ким ўзи танлаган хоними билан кадрилни бошлаб беришни истаса бунинг учун ҳақ тўлайди. Аукционни ўзим бошқараман, тушган пуллар эса госпиталлар эҳтиёжини қоплашга кетади.

Елпиғичлар ҳавода муаллақ қотди, оломон орасида бесаранжом шивир-шивир бошланди. Бурчакдаги аёллар қаттиқ қий-чув кўтаришди. Ичида эрининг хатти-ҳаракатини сира маъқулламаса-да, миссис Мид қатъият билан унинг ёнини олди ва мушкул вазиятга тушиб қолди. Миссис Элсинг, миссис Мерриуэзер ва миссис Уайтинг ғазабдан қип-қизариб ўтиришарди. Аммо шу пайт ички муҳофаза бўлинмаси

аскарлари бирдан бор овозда қийқириб, бу таклифни маъқуллай бошлади, уларни ҳарбий кийимдаги бошқа меҳмонлар қувватлади, шундан сўнг ёшгина қизлар қувончини ичига сиғдиролмай жойларида сакраб, қарсак чала бошладилар.

– Сенга бу бир оз... бир оз тирик товар савдосига... ўхшаб туюлмаяптими? – шивирлади Мелани назарида доимо ғоятда бенуқсон жентльмендек туюладиган ва жангарилардай ғўддайган докторга шубҳа билан қараб.

Скарлетт индамади, бироқ кўзлари ялтирар, юраги эса қаттиқ сиқиларди. Эҳ, қанийди азадор бўлмаса! Эҳ, қанийди яшил духоба тасмаси корсажидан осилиб турадиган яшил кўйлак кийган, қора сочларига табаргул таққан аввалги Скарлетт О'Хара бўлиб қолса, ундан бошқа ким ҳам бу бални биринчи кадриль билан очарди? Ҳа, албатта, у очган бўларди! Унинг учун бир гала эркак савдолашар, улар докторга пул ташлай бошлаган бўлардилар. Бунинг ўрнига шу ерда ўтир, деворга суяниб, Фенни ёки Мейбелл Атлантанинг биринчи рақамли гўзалидек катта кадрилни бошлаб беришларини тамоша қил!

Кичкина зуавнинг креолларга хос ўткир лаҳжаси яққол билиниб турган овози бир сонияга шовқинни босди.

– Ижозат этсангиз, йигирма доллар тўлайман ва миссис Мейбелл Мерриуэзерни таклиф этаман.

Мейбелл хижолатдан ловуллаб ёнаётган бетчасини Феннининг елкаси ортига яширди, бошқа қизлар эса ҳиринглаб, бир-бирларини паналаб бекина бошладилар, айни пайтда йигитлар янги исмлар ва кўпроқ пул ташлашни айтиб қичқира бошлашди. Доктор Мид васий-хонимлар савлат тўкиб ўтирган бурчакдан келаётган дарғазаб овозларни мутлақо назар-писанд қилмай илжаярди.

Аввалига миссис Мерриуэзер баланд овозда қатъий қилиб унинг қизи Мейбелл бу ўйинда ишти-

рок этмаслигини айтди. Аммо Мейбеллнинг исми тез-тез тилга олиниб, унинг учун таклиф этилган пул миқдори етмиш беш долларга кўтарилганда муҳтарама хонимнинг қаршилиги сусая бошлади. Пештахтага тирсагини қўйиб ўтирган Скарлетт ҳаяжон ичида қўлларида даста-даста пул билан саҳнани ўраб олган оломонга еб қўйгудек тикиларди.

Мана ҳозир улар рақс туша бошлайди – у ва кайвони хонимлардан бўлак ҳамма. Ундан бўлак ҳамма хурсандчилик қилади. У пастда, докторнинг қаршисида турган Ретт Батлерни кўрди ва ўзини бўлаётган воқеаларга бефарқдек кўрсатишга уринди, бироқ энди кеч эди: Реттнинг лабининг бир чети мазахомуз пастга осилган, бир қоши эса юқорига маънодор кўтарилган эди. Скарлетт иягини сидирди ва тескари ўгирилаётиб тўсатдан чарльстонликларга хос талаффуз билан айтилган ўзининг исмини эшитди, унинг исми шу қадар қаттиқ айтилдики, бошқа чақирилган исмларни босиб кетди.

– Миссис Чарлз Гамильтон – бир юз эллик доллар олтин билан.

Унинг исми, кейин эса пул миқдори янграганида залга сукунат чўкди. Скарлетт яшин ургандек қотиб қолган, ҳайратдан кўзларини катта очиб залга қараб турарди. Ҳамманинг нигоҳи унга қадалганди. Скарлетт докторнинг саҳнадан пастга эгилиб, Ретт Батлернинг қулоғига ниманидир пичирлаётганини кўрди. Афтидан, унинг азадорлиги ва рақсда иштирок этолмаслигини тушунтираётган бўлса керак. Бироқ Ретт елкаларини қисиб қўйди, холос.

– Балки сиз гўзал хонимларимиздан бошқа бирини танларсиз? – сўради доктор.

– Йўқ, – аниқ-тиниқ қилиб деди Ретт иштирокчиларга менсимай назар ташлаб, – миссис Гамильтон.

– Айтяпман-ку бунинг иложи йўқ деб, – деди жаҳли чиқиб доктор. – Миссис Гамильтон рози бўлмайди...

Шу пайт Скарлетт кимнингдир овозини эшитди ва бу овоз ўзиники эканини дарров англамади:

– Йўқ, мен розиман!

У сакраб ўрнидан турди. Ўзининг яна диққат марказида эканидан, яна балнинг энг гўзал қироличаси деб эътироф этилганидан, энг муҳими – рақс завқини олдиндан туйганидан қаттиқ ҳаяжонланган, хурсанд бўлган Скарлеттнинг юраги гупиллаб урар ва ҳозироқ йиқилиб тушадигандай туюларди.

– Эҳ, нима дейишса деяверишсин, менга барибир, тупурдим, тупурдим ҳаммасига! – пўнғилларди у ўзини ширин ўйсизлик ҳукмига топшириб. У бошини силкитди ва пол узра пошначаларини кастаньеталар сингари тақиллатиб, йўл-йўлакай қора шоҳи елпиғичини кенг очиб, бир зумда дўкончадан чиқди. Бир сония унинг кўз ўнгидан Меланининг ажабланган чеҳраси, васий хонимларнинг ўсал башаралари, қизларнинг ранжиган афт-ангори, зобитларнинг завқ-шавққа тўла юзлари лип этиб ўтди.

Сўнг у зал ўртасида туриб қолди, Ретт Батлер эса лабларида ўша бемаъни истеҳзоли табассум билан одамларни оралаб, у томон юрди. Э, Скарлетт унга тупуради, ҳатто у президент Линкольн бўлиб қолса ҳам, тупуради! У рақсга тушади, тамом-вассалом! У кадрилдаги биринчи жуфтлик таркибида бўлади. У Реттга мафтункор жилмайди ва тиз букиб таъзим қилди, у ҳам қўлини кўксига қўйиб таъзим қилди. Ўзини йўқотиб қўйган Леви аҳволни юмшатишга уриниб, шошилиб қичқирди.

– Виргиния кадрили! Йигитлар хонимларни таклиф этадилар!

Оркестр энг яхши, энг севимли мусиқа – "Дикси"-ни[3] чала кетди.

---

[3] Жанубий штатларнинг расм бўлган номи "Диксиленд"-нинг қисқартириб айтилгани.

– Ҳамманинг диққат-эътиборини менга қаратишга қандай журъат этдингиз, капитан Батлер?

– Аммо, азизам миссис Гамильтон, сиз ўзингиз бунга бағоят ошкора тарзда интилаётгандингиз.

– Бутун залга эшиттириб исмимни айтиб чақиришга қандай ҳаддингиз сиғди?

– Аммо сиз рад этсангиз бўларди-ку.

– Менинг бунга ҳаққим йўқ эди... Ишимиз манфаатини ўйлаб... мен... мен... шунча катта пул таклиф қилганингиздан сўнг, яна олтин ҳисобида... мен ўзим ҳақимда ўйлаёлмасдим... Кулишни бас қилинг, ҳамма бизга қараяпти.

– Улар барибир бизга қарайди. Иш тўғрисидаги бу бўлмағур гапни бас қилинг, бунақаси кетмайди. Сизнинг рақс тушгингиз келганди, мен сизга ана шу имкониятни яратиб бердим. Бу югуриш кадрилнинг охирги фигураси, тўғрими?

– Ҳа, албатта. Рақс тугади, мен бир пас ўтирмоқчиман.

– Нега? Оёғингизни босиб олдимми?

– Йўқ... Лекин мени гап-сўз қилишади.

– Сизга – чин дилдан айтганда – барибир эмасми?

– Лекин, биласизми...

– Бу жиноят эмас-ку? Мен билан вальсга тушсангиз бўлмайдими?

–Лекин қачондир ойим билиб қолса...

– Ҳалиям ойингизнинг йўл-йўриғи билан юрасизми?

– Сизда барчага мақбул одоб-ахлоқ қоидалари устидан мазах қилишдек ғоят жирканч одат бор. Сиз уларни ғирт бемаъниликка йўясиз.

– Лекин бу чинданам бемаънилик-да. Сизни гап-сўз қилишса, сизга барибир эмасми?

– Ҳа, албатта... лекин... Бу ҳақда гапиришни истамайман. Худога шукур, вальсни чала бошлашди. Кадрилга рақс тушганда доим энтикиб қоламан.

– Жавобдан қочманг. Наҳотки аёлларнинг гап-сўзларига аҳамият берсангиз?

– Модомики мени деворга тақаб қўймоқчи экансиз – бўпти: ҳа, аҳамият бермайман! Аммо бунга бефарқ бўлмаслик керак, деб ҳисоблашади. Фақат бугун бу нарса билан муроса қилишни истамайман.

– Қойил! Сиз мустақил фикрлай бошлаганга ўхшайсиз – шу пайтгача сиз учун ўзгалар ўйлашини маъқул кўрардингиз. Сизда ҳаётий донолик уйғоняпти.

– Ҳа, лекин...

– Агар сиз ўзингиз ҳақингизда мен ҳақимдаги каби турли-туман гап-сўзлар тарқалишига сабаб бўлганингизда эди, бунинг нечоғлик аҳамиятсиз эканини тушунардингиз. Ҳеч бўлмаса ўйлаб кўринг: бутун Чарльстонда мени қабул қиладиган бирортаям хонадон йўқ. Ҳатто бизнинг Ҳаққоний ва Муқаддас Ишимизга ҳотамтойлик билан қўшган ҳиссам ҳам менга қўйилган бу тақиқни бекор қилолмайди.

–Қандай даҳшат!

– Ҳечам ундаймас. "Обрў" деб аталмиш нуфузингизни йўқотгач, бунинг қандай оғир юк эканини ва бунинг эвазига эришилган эркинлик нақадар ажойиблигини тушуна бошлайсиз.

– Сиз қўрқинчли нарсалар ҳақида гапиряпсиз!

– Қўрқинчли, чунки бу айни ҳақиқат. Яхши обрўга эга бўлмай туриб ҳам, агар пулингиз бўлса ва етарлича жасоратга эга бўлсангиз, бемалол яшаса бўлади.

– Пулга ҳамма нарсани сотиб олиб бўлмайди.

– Ким буни миянгизга қуйган? Ўзингиз бундай сийқаси чиққан гапни ўйлаб топмасдингиз. Хўш, нимани пулга сотиб олиб бўлмайди?

– Хўш, қандай... мен билмайман.... Ҳар ҳолда, бахт ва муҳаббатни.

– Аксар ҳолларда сотиб олса бўлади. Агар иложи топилмаса, унда ҳар доим уларни аъло даражадаги муқобили билан алмаштириш мумкин.

– Пулингиз шу қадар кўпми, капитан Батлер?

– Нақадар ножоиз савол! Мен ҳайрону лолман, миссис Гамильтон. Нима десам экан, ҳа, ҳали беғам-беташвиш бўз бола чоғлари бир чақасиз қолган ёш йигит сифатида мен ёмон яшамадим, бир мунча муваффақиятларга эришдим. Қамал ҳолатидан фойдаланиб, миллион доллар ишлаб топишим аниқ.

– Йўғ-е, бўлиши мумкин эмас!

– Ҳа, ҳа! Негадир кўпчилик тамаддуннинг ҳалокатидан ҳам у яратилаётган пайтдагидан кўра асло кам бўлмаган миқдорда пул ишлаб топиш мумкинлигини ҳеч англаб етмайди.

– Буни қандай тушуниш мумкин?

– Сизнинг оилангиз, менинг оилам ва бу ерда ҳозир бўлганлар ҳам чўлни гуллаган ўлкага айлантириб бойликка эришдилар. Империялар шундай бунёд этилади. Ана шу йўл билан мол-дунё орттирилади. Империялар қулаганда ҳам бойлик орттириш имконияти бундан кам бўлмайди.

– Қандай империя ҳақида гапиряпсиз?

– Биз сиз билан умргузаронлик қилаётган империя – Жануб ҳақида, Конфедерация ҳақида. Пахта қироллиги ҳақида. Бу империя кўз ўнгимизда чок-чокидан сўкилиб кетмоқда. Фақат ўта аҳмоқларгина буни кўрмасликлари ва муқаррар ҳалокатдан ўз манфаатлари йўлида фойдаланмасликлари мумкин. Мен ўз капиталимни империя ҳалокати ҳисобига орттираяпман.

– Демак, сиз ростданам янкилар бизни ер юзидан супуриб ташлайди, деб ҳисоблар экансиз-да?

– Албатта-да! Туяқушга ўхшаб бошимни қанотларим остига яширишдан нима наф?

– Вой худойим, бундай гаплар мени зериктиради! Наҳотки сиз ҳеч қачон бирор ёқимли нарсалар ҳақида гапиролмайсиз, капитан Батлер?

– Балки мен сизга: сизнинг кўзларингиз худди беҳад мусаффо зилол сув билан лиммо-лим, ичида жимитдек олтин балиқчалар сузиб юрган бир жуфт олтин жомга ўхшайди ва бу балиқчалар – худди ҳозиргидек – юзада сув сачратиб сузганларида сиз одамни йўлдан оздирар даражада дилбар бўлиб кетасиз, десам, ёқсам кераг-а?

– Э, қўйсангиз-чи, бу менга ёқмайди.... Қандай ажойиб куй, шундай эмасми? Менга бутун умр чархпалакдек вальс тушишим мумкиндек туюлади. Менга айнан шу етишмаётганини ҳатто ўзим ҳам англаб етмаётгандим!

– Сиз илоҳалардек рақс тушаяпсиз. Мен ҳали ҳеч қачон бундай ажойиб шерик билан рақс тушмагандим.

– Мени ўзингизга бу қадар қаттиқ тортманг, капитан Батлер. Ҳамма бизга қараяпти.

– Мабодо ҳеч ким қарамаса, унда қаршилик қилмасмидингиз?

– Ўзингиздан кетяпсиз, капитан Батлер.

– Асло ундай эмас. Сизни бағримга босиб турганимда, бунинг иложи борми? Бу қандай куй? Янги куйми?

– Ҳа. Ажойиб куй, тўғрими? Биз уни янкилардан олганмиз.

– Унинг номи нима?

– "Ғалаба яқин".

– Сўзлари қанақа экан? Куйлаб беринг-чи.

Азизим, ёдингдами, пойимга бош уриб,
Севгинг изҳор этган учрашувимиз...
Фахрланиб кулранг мундиринг билан.
Ёдингдами, то ўлгунча менга ва оталар ерига

Содиқ қолишинг айтиб,
Қасамёд қилганинг – ўша лаҳзалар.
Яна учрашишдан умидвор бўлиб,
Танҳо йиғлаяпман, ёшим шашқатор.
Ишонаман, ғалаба яқин,
Сен қайтарсан ғолиб, музаффар.

– Қўшиқда "кўк" деб айтилган, аммо биз "кулранг" сўзи билан алмаштирдик. Сиз жуда чиройли вальс тушаркансиз, капитан Батлер. Биласизми, узун бўйли одамлар камдан-кам ҳолларда бундай рақс тушади. Қаранг-а, менга яна рақс тушиш насиб этгунича қанча йиллар ўтади.

– Йиллар эмас, бор-йўғи бир неча дақиқа. Мен сизни навбатдаги кадрилга таклиф қилмоқчиман. Кейингисига ҳам ва яна.

– Э, йўқ! Бундай қилолмайман! Сиз мени таклиф қилмаслигингиз керак. Обрўйим тўкилади.

–Ундан бор-йўғи увадалар қолди, холос, шундай бўлгач, яна битта рақс ҳеч нарсани ўзгартирмайди. Беш-олти рақсдан сўнг бу шарафни бошқалар билан ҳам баҳам кўришим мумкин, албатта, аммо охирги рақс меники бўлиши керак.

– Хўп, яхши. Биламан, бу телбалик, лекин менга барибир. У ёқда нима деб гапиришса гапиришар, тупурдим. Уйда қамалиб ўтириш шундай жонимга тегиб кетдики. Мен энди рақсга тушганим-тушган...

– Азадорликдан ҳам кечасизми? Бу мотам либосини кўрсам менда титроқ уйғонади.

– Йўқ, мотам либосини еча олмайман. Капитан Батлер, мени бундай қаттиқ қисманг. Жаҳлим чиқади.

– Жаҳлингиз чиққанда жуда ажойиб кўринасиз. Мен сизни янада қаттиқроқ қучоқлайман – мана бундай, жўрттага, жаҳлингиз чиққанини кўриш учун. Ўшанда, Ўн икки Эманда, ғазабдан қутуриб вазалар-

ни отаётганингизда нечоғлик мафтункор бўлиб кетганингизни ҳатто хаёлингизга ҳам келтиролмайсиз.

– Э, бас қилсангиз-чи... Нима – сиз буни ҳеч унутолмайсизми?

– Асло. Бу менинг энг қимматли хотираларимдан бири: томирларида ирланд қони жўш уриб турган одобли Жануб гўзали. Сиз – бутун вужудингиз билан ирланд қизисиз. Бу сизга маълумми?

– Вой худойим-ей, мусиқа тугаяпти, орқа хонадан Питтипэт амма пайдо бўлди. Миссис Мерриуэзер аллақачон унинг қулоғига қуйгани тайин. Э, худо ҳақи, нариоқ бориб, дераза олдида тура турайлик. Унинг ҳозир менга илакишиб қолишини истамайман. Кўряпсизми, кўзлари даҳшатдан жинчироққа айланиб қолди.

X боб

Эртаси куни эрталаб нонушта пайти Питтипет амма рўмолчасини кўзларига босиб ўтирар, Мелани сукут сақлар, Скарлетт эса атай гердайиб ўтирарди.

– Гапиришса гапираверишсин – тупурдим. Ишончим комилки, ҳеч ким госпиталга менчалик кўп пул келтирмаган. Дўкончаларда сиз сотган бўлмағур нарсалардан ҳам кўп пул тушгани йўқ.

– Эҳ, жонгинам, гап пулдами? – қўлларини қисирлатиб йиғларди Питти амма. – Мен ҳатто кўзларимга ишонолмадим: шўрлик Чарлининг гўрда ётганига атиги бир йил бўлди, сиз эса... Сизни атай кўз-кўз қилган ўша қўрқинчли капитан Батлерчи. Оҳ, у қўрқинчли, жуда қўрқинчли одам, Скарлетт. Миссис Колменнинг эри –миссис Уайтингнинг холаваччаси – Чарльстонда туғилган, хуллас, у ана шу Батлер ҳақидаги ҳамма гапни айтиб берди. Капитан Батлер обрўли оиладан, аммо у пода орасидаги тирраки бузоқ... қандай қилиб Батлерлар шунақа ўғил-

ни дунёга келтиришганига ақлим етмайди! Чарльстонда унинг учун ҳамма эшиклар ёпиқ, жуда ёмон ном чиқарган, яна у ерда бир қиз билан аллақандай воқеа содир бўлган... Шу даражада бўлмағур воқеаки, миссис Колмен ҳатто аниғини билмайди ҳам...

– Мен эса унинг ёмон одам эканлигига негадир ишонолмаяпман, – мулойимлик билан деди Мелани. – Кўринишдан у жентльмен, боз устига жасур ва мард, қамални ёриб ўтиб, бизга қурол олиб келиб бериш...

– Бу унинг жасурлигидан эмас, – деди зид кайфиятда бўлган Скарлетт қайла идишидаги қиёмнинг ярмини вафли устига қуйиб. – У буни пул топиш учун қиляпти. Ўзи менга шундай деди. Конфедерация унинг учун бир пул ва, айтишича, янкилар бизни ер юзидан супуриб ташлармиш. Аммо у жуда чиройли рақс тушаркан.

Хонимлар даҳшатдан қотиб қолдилар.

– Бунинг бари жонимга тегиб кетди, энди уйга қамалиб ўтириш ниятим йўқ. Модомики, улар кеча мени роса ғийбат қилишган экан, демак, барибир номимга доғ тушибди, энди йўқотадиган нарсам қолмабди.

У ҳатто Ретт Батлернинг сўзларини такрорлаётганини сезмади ҳам – улар айни жойида айтилди ва унинг шахсий фикрларини аниқ ифодалади.

– Худойим, ойингиз билиб қолса, нима дейди? Мен ҳақимда нима деб ўйлайди.

Қачондир Эллин қизининг номақбул хатти-ҳаракатларини билиб қолса қандай даҳшатга тушишини ўйлаб, Скарлеттнинг вужуди музлаб кетди ва қалбида надомат туйғуси пайдо бўлди. Лекин Тарадан Атлантагача йигирма беш миля борлигини эслаб, унинг кўнгли кўтарилди. Питти амма Эллинга ҳеч нарсани айтмайди, албатта. Ахир, бу унинг ўзига ҳам соя солади-да. Модомики Питти амма айтмас экан, демак, ташвишланмаса ҳам бўлади.

– Менингча... – журъатсиз гапира бошлади Питти амма, – менингча, бу ҳақда Генрига ёзишим керак... ҳеч кўнглим чопмаяпти, лекин у оиламиздаги ягона эркак киши, шундай экан, ўша капитан Батлер билан гаплашиб, ўтказиб гаплашиб қўйсин... Ё парвардигор, қани энди Чарли тирик бўлса... Сиз ҳеч қачон, ҳеч қачон бу одам билан бошқа гаплашмаслигингиз керак, Скарлетт.

Мелани қўлларини тиззасига қўйиб жим ўтирарди. Унинг ликопчасидаги вафли қўл урилмай совиб қолганди. У ўрнидан турди, орқа томондан Скарлеттга яқин келди ва бўйнидан қучоқлади.

– Азизам, – деди у, – хафа бўлма. Мен ҳаммасини тушунаман, сен кеча мардларча иш тутдинг ва госпиталь учун жуда кўп иш қилдинг. Агар бирор кимса сен ҳақингда бир оғиз ёмон сўз айтса, сени ўзим ҳимоя қила оламан. Йиғламанг, Питти амма. Доим уйга қамалиб ўтириш Скарлеттга жуда қийин. У ҳали ёш бола-ку. – Меланининг бармоқлари Скарлеттнинг қоп-қора сочларини меҳр билан силарди. – Балки биз ҳам, ҳеч қуриса, ҳар замонда одамлар орасига чиқиб турсак, ҳаммамизга осонроқ бўлармиди. Балки тўрт девор ичига беркиниб, ўз ғамимизга кўмилиб ётганимиз бизнинг худбинлигимиздир. Уруш пайтида ҳаммаси бошқача – тинчлик пайтидагидай эмас. Уйидан узилиб қолган, бизнинг шаҳримизда ҳеч бир таниши йўқ, оқшомлари олдига борай деса ҳеч кими йўқ жангчилар, госпиталларда ётган жангчилар ҳақида ўйласам – ахир, уларнинг кўпчилиги юра бошлаган, лекин фронтга қайтай деса, ҳали тўла соғаймаган... Ҳа, биз ўзимизни худбинларча тутдик. Биз ҳозироқ уйимизга ҳамма шаҳарликлар каби госпиталдан уч нафар соғаяётган жангчини олиб келишимиз ва ҳар якшанба яна бир неча жангчини тушликка чақиришимиз керак. Сен ташвиш чекма, Скарлетт, одамлар биз ҳақимизда ёмон гап айтмайди, улар тушунади. Сен Чарлини севганингни биз биламиз.

Скарлетт ташвиш тортишни хаёлига ҳам келтиргани йўқ, унинг сочларини меҳр билан сийпалаётган Меланининг қўли эса шунчаки ғашига тегарди, холос. У бошини силтаб ташлагиси ва "Э, беъмани гап!" дея хитоб қилгиси келарди. Кечаги балда госпиталдан келган ярадорлар ҳам, ички қўриқлаш бўлинмаси қўшинларидан ва милиция ходимларидан бўлган бошқа ҳарбийлар ҳам у билан рақс тушиш учун ўзаро рақобатлашганини эслаганида ҳозир ҳам томирларида олов югурарди. Бу дунёда Меланидек ҳимоячиси бўлишини эса деярли истамасди. У сиздан жудаям миннатдор, аммо ўзини ўзи жуда яхши ҳимоя қила олади, агар қари илонлар вишиллай бошлашса, майли, истаганча вишиллайверишсин, уларга кўзи учиб тургани йўқ! Дунёда ёш, келишган ҳарбий йигитлар сероб, қари илонлар дастидан ташвиш тортишга ҳожат йўқ.

Питтипет амма Меланининг эркалаб айтган ўгитларини эшитиб рўмолча билан кўзларини артди, айни шу дамда қўлида каттагина конверт билан Присси пайдо бўлди.

– Бу сизга, мисс Мелли. Кичкина негр бола олиб келди.

– Менга! – ҳайрон бўлди Мелли конвертни очаётиб.

Скарлетт атрофда юз бераётган воқеаларга эътибор бермай, вафлини туширишда давом этарди, бирдан Меланининг қаттиқ йиғлаб юборганини эшитди ва бошини кўтариб, Питти амманинг титраганча қўлларини кўксига босганини кўрди.

– Эшли ҳалок бўлибди! – чинқирди у, қўллари жонсиз шалвираб қолди, боши орқага чайқалди.

– Ё, худо! – қичқирди Скарлетт юрагидан қон тошганини ҳис қилиб.

– Йўқ! Йўқ! – хитоб қилди Мелани. – Тезроқ! Скарлетт, унга ҳидлайдиган туз бер! Тинчланинг, тинчла-

нинг, азизам! Тузукмисиз? Чуқурроқ нафас олинг. Бу сираям Эшли эмас. Қўрқитиб юборганим учун кечиринг. Мен шунчаки қувонганимдан йиғлаб юбордим. – Шундай деб у лабларига қўлида қаттиқ қисилган нарсани тегизди. – Оҳ, шундай бахтлиманки! – У яна йиғлаб юборди.

Унинг бармоқларида нимадир ялтиради ва Скарлетт катта тилла узукни кўрди.

– Ўқи, – деди Мелли қўлидан тушиб кетган хатни кўрсатиб. – О, у нақадар яхши, нақадар меҳрибон.

Скарлетт, ташвишланиб, ердан бир варақ қоғозни олди ва қатъий ишонч билан ёзилган хатни ўқиди: "Конфедерацияга эркакларнинг қони керакдир, аммо ҳали унга аёллар қон ютиб ўзлари учун қадрли бўлган нарсаларни юракларидан суғуриб олишлари керакмас. Азизам миссис Уилкс, сиз бу нарсани мардлигингизга чуқур эҳтиром белгиси сифатида қабул қилинг ва ўз эҳсонингизни бесамар кетди, деб ўйламанг, зеро, узук эвазига унинг нархидан ўн баробар ортиқ ҳақ тўланди. Капитан Ретт Батлер".

Мелани яна бармоғига тақилган узукка меҳр билан қаради.

– Кўрдингизми, у жентльмен, дедим-ку сизга! – деди Мелани Питти аммага табассумдан яшнаб, юзларидан шашқатор ёш оқаётганига қарамай. – Фақат нозик тарбия кўрган ва жуда фаросатли кишигина менга бу узукдан айрилиш нақадар қийин бўлганини тушуниши мумкин эди. Лекин мен уларга бунинг ўрнига тилла занжиримни юбораман. Питти амма, сиз капитан Батлерга албатта хат ёзишингиз ва уни якшанба куни тушликка таклиф қилишингиз керак, чунки мен унга шахсан миннатдорлигимни билдиришим лозим.

Капитан Батлер Скарлеттга ҳам узугини қайтаришни лозим топмагани на аммажоннинг, на жиянининг – улар шу қадар ҳаяжонда эдиларки – хаёлига

келмади. Лекин Скарлетт бу ҳақда ўйлади ва қаттиқ ранжиди. Ахир, у капитан Батлерни бундай одоб билан муруввatли ишга қўл урганига ички назокати ундамаганини фаҳмларди-да. У Питтипэт амманинг уйига кириш ҳуқуқига эга бўлишни истаб, таклиф олишнинг бехато усулини топганди.

"Яқинда сен ўзингга эп кўрган нарса ҳақида эшитиб, жуда ўйланиб қолдим", деб ёзганди Эллин. Скарлетт стол ёнида ўтириб бу хатни ўқиркан, қовоғи уйилди. Ҳа, ёмон хабарлар ростданам тез тарқалади. Чарльстонда ҳам, Саваннада ҳам бир неча бор одамлар ҳеч қаерда атланталиклар каби ғийбатни яхши кўришмайди, деб эшитганди. Хайрия бозори душанба куни кечқурун бўлиб ўтган, бугун эса пайшанба. Бу қари жодугарларнинг қайси бири Эллинга хабар бериш машаққатини ўз зиммасига олди экан? Биринчи сонияда у Питтипет аммадан шубҳаланди, аммо шу заҳоти бу фикрни хаёлидан қувди. Скарлеттнинг ғашни қўзғатадиган хулқ-атвори учун жавоб беришга тўғри келишидан қўрқиб Питтипэт амма қалтираб турарди. Унинг ўз дуэньялик – пешволик вазифасини эплолмаганини Эллинга етказишдан ҳеч қандай наф йўқ. Бу миссис Мерриуэзернинг иши бўлса керак.

"Сенинг шу қадар одобни унутиб, тарбиясизлигингни намойиш этишингга ишониш қийин, бу госпиталга ёрдам беришга ўз ҳиссангни қўшишдек оташин истак туфайли содир бўлганини тушуниб, мотам муддати тугагунича жамиятда кўринишингга панжа орасидан қарашга тайёрман. Аммо рақсга тушишинг, яна капитан Ретт Батлердек одам билан-а! Мен аллақачон у ҳақда жуда кўп гап эшитганман (у ҳақда ким ҳам эшитмаган?), ўтган ҳафтадаёқ Полин менга бу жаноб жуда ёмон ном орттиргани ва Чарльстонда ундан ҳамма, ҳатто оиласи ҳам – ғамдан адо бўлган ойисидан бўлак ҳамма – юз ўгирганини ёзиб-

ди. Бу ўта ахлоқсиз одам, сени беобрў қилиш, жамият кўз ўнгида сени ва оилангни шарманда қилиш учун сенинг соддалигингдан, ёшлигингдан фойдаланиши мумкин. Қандай қилиб миссис Питтипэт сенга нисбатан ўз бурчига лоқайд қаради?"

Скарлетт қаршисида, стол ортида ўтирган Питти аммага қаради. Кекса хоним Эллиннинг ёзувини таниди ва дакки эшитишдан қўрқиб, хавфни кўз ёшлари билан бартараф қилишга шайланган ёш бола сингари дарров лўппи лабларини осилтирди.

"Одоб-ахлоқ қоидаларини шу қадар тез унутганингни ўйласам, умидсизликка тушаман. Мен сени дарҳол уйга чақириб олмоқчи эдим, лекин буни отангнинг ихтиёрига ҳавола қилдим. Жума куни у Атлантага капитан Батлер билан очиқ гаплашиб олиш ва сени уйга олиб келиш учун боради. Менинг ёлворишларимга қарамай, у сенга қаттиққўллик қилади, деб қўрқаман. Сенинг беадаблигинг сабабини ёшлигинг ва енгилтаклигингдан, деб ўйлайман. Бошқалар қатори мен ҳам Ҳаққоний Ишимизга астойдил хизмат қилишга тайёрман ва қизларим ҳам бу туйғуларимга шерик бўлишини истайман, аммо шарманда қилиш..."

Хатнинг давомида яна кўп нарсалар ҳақида ёзилган – ҳаммаси шу руҳда – лекин Скарлетт хатни охиригача ўқимади. Ҳаётида биринчи марта у қаттиқ қўрқди. Беғамлигию довюраклигини шамол учириб кетгандай бўлди. У ўзини гўё айб иш қилиб қўйган боладай – худди бир пайтлар, ўн ёшдалигида – стол атрофида ўтирганларида Сьюлинга печенье отган кунидагидай ҳис қилди. У доимо мулойим гапирадиган ойисидан биринчи марта бундай кескин танбеҳлар эшитаётганди. Бунинг устига отаси келиб капитан Батлердан тушунтириб беришни талаб қилармиш. Ишлар ҳазилакам чалкашиб кетмаганини

у англади. Кўриниб турибдики, Жералд ғазаб отига минган ва энди у отасининг тиззасига ўтириб олиб, эркалик ва дадиллик билан жазодан қутулиб қололмайди.

– Мен... мен умид қиламанки, бу ёмон хабар эмас? – овози титраб сўради Питтипэт амма.

– Яхшилаб таъзиримни бериш учун эртага отам келяпти, – қовоғини уйиб деди Скарлетт.

– Присси, менга ҳидлайдиган тузларни узатиб юбор, – ғўлдиради Питтипэт амма товоқчани нари суриб ва столдан четга сурилиб. – Мен... мен ўзимни ёмон ҳис қиляпман.

– Туз чўнтагингизда-ку, – деди Присси Скарлетт ўтирган стулнинг ортида турганча катта оилавий можаро бўлишини олдиндан сезаётганидан ҳузур қилиб. Мистер Жералд қутуриб кетса борми, ана томоша-ю, мана томоша, фақат ўзининг жингалак сочли боши унинг қичишиб турган қўлларига тушиб қолмаса бўлгани. Питти амма юбкаси қатларини ковлаштирди ва шишачани олиб бурнига тутди.

– Иккалангиз ҳам менинг ёнимни олишингиз ва бир сония бўлсин биз иккимизни ёлғиз қолдирмаслигингиз лозим! – қичқирарди Скарлетт. – У иккалангизни ҳам шу қадар яхши кўрадики, сизнинг ҳузурингизда менга дакки бериб ўтирмайди.

– Мен бундай қилолмайман, – зўрға эшитиладиган товушда минғиллади Питти амма ўрнидан тураётиб. – Мен... менинг... умуман мазам йўқ. Мен ётишим керак. Эртага мен тўшакдан турмайман. Сизлар мен учун ундан узр сўрашингиз лозим.

"Қўрқоқлик қиляпти!" – унга аччиқланиб қараркан хаёлидан ўтказди Скарлетт.

Дарғазаб мистер О'Хара билан учрашув ҳақида ўйлаб, қўрққанидан ранги оқариб кетган Мелани нима бўлса ҳам Скарлеттни ҳимоя қилишга сўз берди.

– Мен сенга ёрдам беришга ҳаракат қиламан... сен бу ишни госпиталь учун қилганингни унга тушунтиришга уриниб кўраман. Ишонаманки, у тушунади.

– У ҳеч нарсани тушунмайди, – деди Скарлетт. – Ё тангрим, ойим пўписа қилганидек, Тарага шармандаларча қайтиб борсам ўлиб қоламан.

– Оҳ, сиз уйга қайтиб кетолмайсиз! – хитоб қилди Питтипэт амма ва йиғлаб юборди. – Агар сиз кетсангиз мен Генридан бизникига кўчиб ўтишини илтимос қилишимга тўғри келади. Лекин, биласиз, мен у билан битта уйда яшолмайман. Бироқ уйда ёлғиз иккимиз қолсак, шаҳарда келгиндилар шу қадар кўпки, кечалари юрак ҳовучлаб чиқаман. Сиз эса, Скарлетт, шу қадар жасурсизки, сиз уйда бўлсангиз ҳеч нарсадан қўрқмайман.

– Йўқ, у сени Тарага олиб кетолмайди! – хитоб қилди Мелани. У ҳам ҳозир йиғлаб юборгудай аҳволда эди. – Ахир, бу энди сенинг ҳам уйинг. Биз сенсиз нима қиламиз!

"Агар мен сиз ҳақингизда нималарни ўйлашимни билганингизда борми, аниқки, менсиз ҳам иложини топган бўлардингиз, – маъюс хаёлидан ўтказди Скарлетт, отасининг қаҳр-ғазабидан уни бошқа биров, фақат Мелани эмас, ҳимоя қилишини бутун вужуди билан истаб. Ўзи учун ўта ёқимсиз одамдан ёрдам олиши керак, деган фикр унинг кўнглини айнитарди.

–Балки капитан Батлерга юборилган таклифномани бекор қилиш керакдир, –тутилинқираб гапирди Питтипэт амма.

– Бунинг иложи йўқ! Бу кўз кўриб, қулоқ эшитмаган қўполлик бўларди! – кайфияти буткул бузилиб қичқирди Мелани.

– Тўшакка ётишимга ёрдам бер. Мен тамом бетоб бўлиб қолдим, – инқиллаб деди Питти амма. – Оҳ, Скарлетт, қандай қилиб мени бунчалик ранжитдингиз!

Жералд етиб келган куни эса Питтипэт амма бетоб эди, тўшакдан турмади. Унинг ёпиқ эшиги ортидан Жералдга афсус-надоматли мурожаатлар айтилди, қаттиқ қўрқиб кетган икки ёш жувон эса кечки овқат устида тақдир ҳукмига топширилган эди. Жералд Скарлеттни ўпган, Меланини юзидан чимчиб, "холаваччам Мелли" деган эса-да, хатарли сукут сақларди. Агар у сўкинганида, уни бурдалаб ташлаганида, момоқалдироқдек гулдураб бутун уйни ағдар-тўнтар қилганида эди, Скарлеттга осонроқ бўларди. Берган сўзига содиқ Мелани Скарлеттнинг олдидан жилмади ва кўйлаги этакларини шитирлатиб, унга соядек эргашиб юрди, Жералд эса қайнэгачиси ҳузурида қизининг таъзирини бера олмайдиган даражада яхши тарбия кўрган эди. Мелани – Скарлетт буни тан олмай иложи йўқ – ўзини рисоладагидек тутар, хавф-хатардан огоҳлигини билдирмас, ва ниҳоят, кечки овқат устида у ҳатто Жералдни суҳбатга тортишга муваффақ бўлди.

– Сиздан янгиликлар эшитишни интиқлик билан кутяпман, – табассумдан юзлари порлаб мурожаат қилди у Жералдга. – Индия билан Ойимқиз бизга жуда кам хат ёзишади. Сиз ҳамма воқеа-ҳодисалардан, албатта, хабардорсиз. Бизга Фонтейнларнинг тўйи ҳақида гапириб беринг.

Унинг очиқчеҳралиги музни эритди ва Жералд тўйни камтарона ўтказишгани – "мутлақо сизнинг никоҳ тўйингизга ўхшамайди"– чунки Жо армиядан атиги бир неча кунга татилга келганини гапира бошлади. Қизалоқ Салли Манро жуда гўзал эди. Аммо у қандай кийим кийганини негадир эслай олмайди. Иккинчи куними? Эслашича, у либослари, пардоз-андозини ўзгартирмаган, дейишганди.

– Ўзгартирмаган? – чуқур ҳайратга тушган икки ёш хоним бараварига хитоб қилишди.

– Ҳа-да, чунки иккинчи куннинг ўзи бўлгани йўқ, ҳаммаси биринчи кун билан чегараланди, – кулиб

изоҳ берди Жералд, эҳтимол, бу икир-чикирларни хонимларга гапириб ўтириш шарт эмаслигини ўзи ҳам дарҳол англамай. Отаси кулганида Скарлетт-нинг кўнгли жойига тушди ва кўнглида Меллидан миннатдор бўлди.

– Кейинги кун Жо Виргинияга қайтиб кетди, – шошиб қўшимча қилди Жералд. – Шу боис ташриф ва рақсларсиз амал-тақал қилишга тўғри келди. Эгизак Тарлтонлар ҳозир уйда.

– Ҳа, эшитгандик. Соғайишяптими улар?

– Жароҳатлари оғир эмас. Стюарт тиззасидан яраланган, Брентнинг эса елкасини ўқ тешиб ўтган. Уларнинг жасоратини расмий хабарларда эслатиб ўтишди.

– Ҳали шунақами? Айтиб беринг!

– Ахир, иккиси ҳам қизиққон, ўйлаб ўтирмай ўзларини хавф-хатарга уришади. Уларнинг қонига ирланд қони кўшилмаганмикан, деб ўйлаб қоласан, – деди Жералд ғурур билан. – Мен негадир улар қандай жасорат кўрсатишганини эслай олмаяпман. Лекин Брент лейтенант унвонига сазовор бўлибди.

Уларнинг мардлиги ҳақида эшитиш Скралеттга ёқарди – бу унга хуш ёқар, кўнглини кўтарар, боз устига, қалбида эгалик ҳиссини уйғотарди. Мабодо йигит киши қачондир унга ошиқ бўлиб қолган бўлса, унинг тасаввурида, бу йигит маълум маънода менга тегишли, деган ишонч онгида муҳрланиб қолар ва унинг шарафли ишлари Скарлеттни ўз назарида юксакликка кўтарарди.

– Менда иккалангизни ҳам қизиқтирадиган яна битта янгилик бор, – деди Жералд. – Айтишларича, Стюарт ўз бахтини яна Ўн икки Эмандан излаётганмиш.

– Ким экан у: Ойимқизми ёки Индиями? – ҳаяжонланиб сўради Мелани, Скарлетт эса отасига аччиқланиб қаради.

– Мисс Индия-да, албатта. Ахир, Стюарт менинг ойимтиллам унинг бошини айлантирмасидан олдин Индиянинг изидан қолмасди-ку.

– О! – деб юборди Жералднинг соддадиллигидан бир қадар гангиган Мелани.

– Лекин бу ҳали ҳаммаси эмас. Брент энди Тарадаги баъзи бировга зўр бериб хушомад қиляпти.

Скарлетт ҳайрону лол қолиб ўтирарди. Ошиқларининг мунофиқлиги унинг учун бориб турган ҳақорат эди. Айниқса, у Чарлзга турмушга чиқаётганини айтганида, эгизакларнинг қандай қутуриб кетишганини эсласа борми. Ҳатто Стюарт Чарлзни ёки Скарлеттни, ё бўлмаса иккаласини ҳам отиб ташлайман, деб пўписа қилгани-чи. У жуда ғаройиб эди!

– Сьюлинми? – табассумдан яшнаб сўради Мелани. – Лекин, менингча, мистер Кеннеди...

– Ҳа, уми? – оғзидан чиқиб кетди Жералднинг. – Ҳа, мистер Кеннеди ўз соясидан қўрқиб, гапни айлантиргани айлантирган, ундан мақсади нима эканлигини сўрашимни кутяпти, шекилли. Йўқ, гап кенжатой қизим ҳақида боряпти.

– Кэррин ҳақидами?

– Лекин у ҳали ёш бола-ку! – кескин хитоб қилди Скарлетт, ниҳоят тилга кириб.

– Сиз эрга тегаётганингизда ундан бор-йўғи бир ёш катта эдингиз, – деди Жералд. – Балки собиқ харидорингиз синглингиз томонга ўтиб кетганидан хафа бўлаётгандирсиз?

Бундай рўй-рост гапириш одатига кўникмаган Мелани қизариб кетди ва Питерга ширин картошкали пирог келтиришни буюрди. У суҳбатдошларнинг ҳеч бирига тааллуқли бўлмаган ва мистер О'Харанинг хаёлини асл мақсадидан узоқлаштирадиган турли-туман мавзуларни хаёлидан ўтказарди. Бироқ аксига олиб, миясига ҳеч нарса келмади, Жералд эса гапга тушиб кетган, ҳозирча уни эшитадиганлар

бор экан, ортиқча рағбатга муҳтож эмасди. У моддий таъминот хизмати бошқармасидаги талон-тарожликлар ҳақида, ой сайин кўтарилиб бораётган талаб ва эҳтиёжлар, Жефферсон Дэвиснинг авомларга хос нодонлиги ҳақида ҳамда давлат берадиган маошга учиб шимолликлар армияси сафига кирган ирландлар ҳақида гапирарди.

Вино қўйилиб, хонимлар стол атрофидан туришганида, Жералд қошларини керди ва қизига қаҳрланиб қараб, гаплашиб олиш учун бир неча дақиқага яккама-якка қолишни буюрди. Скарлетт қаттиқ умидсизлик ва илтижо билан Меланига қаради. Иложсиз қолган Мелани рўмолчасини юлқилаб, итоаткорлик билан хонадан чиқди ва эшикни секингина ёпди.

– Хўш, мисс, – гулдиради Жералд ўзига вино қуяркан, – сизнинг хулқ-атворингизни қандай тушуниш мумкин? Бева бўлиб улгурмай ўзингизга янги эрни илинтиришга уриняпсизми?

– Бунақа бақирманг ота, хизматкорлар....

– Шубҳа йўққи, ҳамма қатори улар ҳам сизнинг иснодга қолганингизни аллақачон эшитишган. Онангиз эшитиб ётиб қолди, мен эса одамларнинг қўзига қарашга ботинолмайман. Қандай шармандалик! Йўқ, йўқ, мушукча, йиғласанг-йиғламасанг бу гал мени лақиллатолмайсан, – шоша-пиша ғўлдиради у Скарлеттнинг киприклари пирпираётганини ва лаблари аянчли титраётганини кўргач, овозида қўрқув оҳанги сезилиб. – Мен сени биламан. Эрингнинг қабри бошида туриб ҳам кўз сузишга қодирсан. Бўпти, йиғлама. Гаплашиб олдикми, етарли. Энди мен ҳозироқ қизимнинг пок номини ўйинчоқ қилишга журъат этган ўша капитан Батлер билан кўришмоқчиман. Эртага эса... Э, ҳўнграйверма, сенга айтяпман. Барибир фойдаси йўқ. Фойдаси йўқ, тушундингми? Бу ҳал бўлган, сен бу ерда ҳаммамизни бутунлай шар-

манда қилмасингдан бурун, эртага уйга қайтамиз. Қани йиғлама, мушукча, қара, мен сенга нима олиб келдим! Қандай, совғам яхшимикан? Қани, бир қара! Қани айт-чи, сен мени бунчалик ташвишга қўйишга қандай журъат этдинг – бусиз ҳам ишим бошимдан ошиб ётганини била туриб, шунча узоққа келишга мажбур қилдинг? Бўпти, йиғлама!

Мелани ва Питти амма аллақачон ухлаб қолишган, Скарлетт ғира-ширада уйғоқ ётарди, қалбини оғир ғам юки босган, қўрқувдан юраги сиқиларди. Ҳаёт тағин жозибали туюлаётган бир пайтда уни ўзига тортаётган Атлантани тарк этиш ва Эллин билан юзма-юз учрашиш! Ойисининг кўзига қарагунча ўлиб қўя қолади! Агар у ҳозир, айни шу дақиқада ўлиб қолса, шунда улар унга нисбатан шафқатсиз бўлганларидан афсус чекишади. У бир ёнбошидан иккинчи ёнбошига ағдарилар, боши иссиқ болишда бетоқат тўлғанарди, бирдан уйқуга чўмган кўчадаги жимликни бузган қандайдир шовқин унинг диққатини тортди. Бу ҳали ноаён, хийла узоқдан келаётган бўлса-да, қандайдир таниш шовқин эди. У тўшакдан сирғалиб тушиб, дераза ёнига келди. Серяпроқ дарахтлар чодири орасидан кўз ғира-шира илғайдиган кўча хира нур сочаётган юлдузли осмон гумбази остида жимгина қорайиб ётарди. Шовқин яқинлашарди – ғилдиракларнинг ғичирлаши, туёқларнинг дупурлаши, овозлар. Тўсатдан у ирландча талаффузда "Чайлали аравада кетаётиб"ни хиргойи қилаётган, виски ичиб бўғилиб қолган овозни таниб, жилмайди. Албатта, бу ер Жонсборо ёки суд сессиясининг очилган куни эмас, аммо шундай бўлса-да, Жералд бу аҳамиятли кунга муносиб аҳволда уйга қайтаётганди.

Скарлетт уй олдида тўхтаган извошнинг билинар-билинмас шарпасини кўрди. Ундан иккита одам тушди. Отаси билан яна кимдир келганди. Қорайиб

кўринаётган одамлар дарча олдида туришарди, кейин эшик лўкидони шиқирлади ва Скарлетт отасининг овозини аниқ эшитди:

– Ҳозир эса мен сенга "Роберт Эммет марсияси"ни айтиб бераман. Бу қўшиқни сен билишинг зарур, ошна. Мен сенга уни куйлашни ўргатаман.

– Жуда хурсанд бўламан, – енгил кулги билан жавоб берди ҳамроҳи. – Фақат ҳозир эмас, мистер О'Хара.

"Ё меҳрибон эгам, яна ўша бадфеъл одам, яна ўша Батлер!" – зардаси қайнаб ўйлади Скарлетт бўғиқроқ овоз ва сулукатли сусткаш нутқни таниб, лекин дарров қувониб кетди: ахир, ҳеч қуриса, улар бир-бирларини отишмабди-ку. Ҳатто, кўриниб турибдики, бу ерда биргаликда, яна шу алфозда, пайдо бўлишибдими, демак, чиқишиб кетишибди.

– Мен ҳозир қўшиқ айтаман, сен албатта эшитасан, ёки мен сени отиб ташлайман, чунки сен зарғалдоқчисан (фуражкасида зарғалдоқранг белгиси бор давлат кишиси – оранжист).

– Зарғалдоқчи эмас – чарльстонлик.

– Бунинг нимаси яхши? Ҳатто ундан-да ёмон. Чарльстонда менинг икки қайнэгачим бор, демак, мен биламан-да.

"У бундан ҳамма қўшнини хабардор қилмоқчими дейман?" – қўрқиб хаёлидан ўтказди Скарлетт ва тунги халатини олмоқчи бўлиб чўзилди. Лекин аслида у нимаям қила оларди? Отасини кўчадан олиб кириш учун шу маҳалда пастга чопиб тушолмайди-ку?

Жералд эса ортиқча гап-сўзсиз бошини орқага ташлаб дарчага суяниб, йўғон овозда "Марсия"ни куйлай бошлади. Скарлетт тирсакларини дераза токчасига қўйиб, беихтиёр жилмайиб тингларди. Қандай гўзал қўшиқ, у севган қўшиқлардан бири. Афсуски, отаси бир оз бузиб айтяпти. У секингина ғамгин қўшиққа жўр бўлди:

Ўзга юртда ҳалок бўлди жасур қаҳрамон,
Маҳбубаси теграсида ошиқлар ғужғон.

Қўшиқ қуюлиб келарди, шу чоқ Скарлетт Питти амма ва Меланининг хонасида қандайдир ҳаракат бўлганини сезди. Бу шўрликлар жуда хафа бўлишади, албатта. Ахир, улар бундай ҳаётсевар ирландлар даврасига ўрганмаган-да. Қўшиқ узилиб қолди ва икки қора шарпа бирлашиб, йўлка бўйлаб қадам ташлади ва кираверишдаги соябонли пиллапояга кўтарилди. Эшикнинг аста тақиллагани эшитилди.

"Пастга тушиш керакка ўхшайди", – ўйлади Скарлетт. – Ахир, у менинг отам-ку, Питти амма ўлсаям оқшом ташқарига чиқмайди". Боз устига, хизматкорлар унинг отасини бу аҳволда кўришини сираям истамасди. Мабодо Питер Жералдни тўшакка ётқизмоқчи бўлса, у сўкина бошлаши аниқ. Поркдан бўлак ҳеч ким уни эплаёлмайди.

У халатига маҳкамроқ ўраниб олди, каравот ёнидаги столча устида турган шамни ёқди ва қоронғу зинадан даҳлизга туша бошлади. Шамни ойна токчасига қўйиб, эшикни очди ва пирпираб турган ёруғликда Ретт Батлерни таниди. Уст-боши батартиб – кўйлагининг бирор-бир жойи ғижимланмаган – Ретт Батлер кичкина ва миқтидан келган Жералдни тутиб турарди. Кўриниб турибдики, "Марсия" Жералднинг хайрлашув қўшиғи бўлганга ўхшайди, чунки у энди ҳеч тортинмай ҳамроҳининг қўлига осилиб олганди. Узун дағал оппоқ сочлари тўзғиган, бўйинбоғи ёнбошга сурилиб қолган, кўйлагининг олдига вино тўкилганди.

– Билишимча, бу киши сизнинг отангиз, шундаймми? – Реттнинг кўзлари буғдойранг юзида қувлик билан ялтирар, нигоҳи эса Скарлеттнинг уй кийими ичига кириб кетаётгандай туюларди.

– Уни уйга кузатиб қўйинг, – қисқа қилди Скарлетт ўзининг ноқулай кўринишидан уялиб, қолавер-

са, бу одам олдида уни кулгили аҳволга солиб қўйгани учун Жералддан қаттиқ хафа бўлиб.

Ретт Батлер Жералдни олдинга итарди.

– Зинадан чиқишига унга ёрдам берсам бўладими? Ўзингиз эплаёлмайсиз. У хийла оғир.

Бундай сурбетларча таклифдан қўрқиб кетган Скарлетт бир сония унсиз қотди. Ўз ётоқларида беркиниб ётган Мелани ва Питти амма капитан Батлернинг кечаси юқориги хоналарга чиқаётганини эшитиб қолишса, нима деб ўйлашади?

– Ё Биби Марям, йўқ, албатта! Уни бу ёққа, меҳмонхонага, мана бу канапега олиб киринг.

– Мана бу?.. Нима дедингиз?

– Агар тилингизни тийсангиз, сиздан жуда миннатдор бўлардим. Мана бу ерга. Энди уни ётқизиб қўйинг.

– Этикларини ечиб қўйсам майлими?

– Керакмас. У кўпинча этикда ухлайди.

У тилини узиб олгиси келди – ўйламай гапириб юборганини қаранг! Жералднинг оёқларини кичиккина кушеткага тўғрилаб жойлаштираётган Ретт Батлер секингина кулди.

– Энди, марҳамат, кетинг.

У нимқоронғу холлга чиқди, кираётиб бўсаға ёнида қолдирган шляпасини кўтарди.

– Сиз билан якшанба куни тушликда учрашамиз, деб умид қиламан, – деди у ва эшикни аста ёпиб чиқиб кетди.

Скарлетт беш яримда уйғонди – хизматкорлар ҳали нонушта тайёрлашга келишмаган – ва секин пастки қаватдаги жимжит хоналарга тушди. Жералд уйғоқ эди. У диванда юмалоқ бошини қўллари билан қисган кўйи ўтирарди. Гўё бошини кафтлари орасига олиб ёнғоқдек чақиб ташламоқчига ўхшарди. Қизи хонага кирганида унга кўз остидан ўғринча қарарди. Аммо кўзларининг сал ҳаракати ҳам шу қадар қаттиқ оғриқ берардики, у инграб юборди.

– Эртанг хайрли бўлсин!

– Ўзингизни қандай тутяпсиз, ота, – зардали оҳангда шивирлади Скарлетт. – Уйга тун оққанда қайтдингиз, қўшниларни қўшиқ айтиб уйғотиб юбордингиз!

– Ростданам қўшиқ айтдимми?

– Айтдингиз! Бутун мавзени бошингизга кўтариб "Марсия"ни айтдингиз.

– Ҳеч нарсани эслаёлмайман.

– Бироқ қўшнилар ўлгунча эсларидан чиқаришмайди, худди Питти амма ва Мелани каби.

– Ё муқаддас Биби Марям! – инграб юборди Жералд қуриган тили билан қуришган лабларини ялаб. – Биз ўйнадик, тугатганимиздан кейин нима бўлганини ўлсам ҳам эслаёлмайман.

– Ўйнадингиз?

– Бу итвачча Батлер ўзини покер ўйинида дунёдаги энг зўр қиморбоз, деб мақтади...

– Қанча пулга ютқаздингиз?

– Бу гапни қаердан олдинг? Албатта, мен ютдим-да, бир-икки қадаҳ ичимлик ўйинда менга доим ёрдам беради.

– Ҳамёнингизни текшириб кўринг.

Жуда секин, гўё ҳар бир ҳаракати унга қаттиқ азоб бераётгандек, Жералд чўнтагидан ҳамёнини чиқариб очиб қаради. Ҳамён бўш эди, у довдираганча ҳамённи қўлида айлантирди.

– Беш юз доллар, – деди у. – Миссис О'Харага контрабандистлардан баъзи буюмларни сотиб олиш учун менда бор пул шу эди. Ҳатто қайтиб кетишимга чипта пулиям қолмабди.

Скарлетт жаҳли чиқиб бўм-бўш ҳамёнга қаради, айни шу лаҳзада унинг миясида қандайдир ғоя туғилди ва режа тез етила бошлади.

– Энди мен бу шаҳарда одамларнинг кўзига қараёлмайман, – гап бошлади у. – Сиз ҳаммамизни шарманда қилдингиз.

– Бир пас жим тур, мушукча. Кўряпсан-ку, бошим тарс ёрилай деяпти.

– Уйга маст бўлиб келдингиз, ўша капитан Батлер билан, овозингиз борича қўшиқ айтиб ҳаммани уйғотиб юбордингиз, устига-устак бор пулингизни қартада бой берибсиз.

– Бу одам покер ўйнашга жуда уста – шубҳасиз, у жентльмен эмас. У....

– Агар билса ойим нима дейди?

Жералд қўрқувга тушиб унга кўз ташлади.

– Ахир, сен ойингга ҳеч нарсани айтмайсан-а, уни хафа қилмайсан-а? Тўғрими?

Скарлетт лабини қисиб, жим турди.

– Бу гапдан у қандай хафа бўлишини бир ўйлаб кўр, унинг соғлиги яхши эмас!

– Бир эслаб кўринг-чи, ота: кеча кечқурун сиз гўё мен оиламизни шарманда қилганимни гапиргандингиз! Яна ҳаммаси госпиталга пул йиғиш мақсадида мен тушган қандайдир бир касофат рақс учун! Бу аҳволда қандай йиғламаслик мумкин.

– Фақат йиғлама! – ёлворди Жералд. – Шўрлик бошим бунга дош беролмайди, у шундай ҳам оғриқдан ёрилай деяпти.

– Яна сиз айтдингизки, мен...

– Бўпти, мушукчам, бўпти, бечора кекса отангдан хафа бўлма. Ахир, мен гапирган гапларим ҳақида ҳечам ўйлаганим йўқ. Боз устига буларнинг менга дахли йўқ. Биламан-ку, сен яхши қизсан ва фақат яхшилик қилишни истагансан. Бунга ишончим комил.

– Ахир, мени шармисор қилиб уйга олиб кетмоқчи эдингиз-а.

– Оҳ, қизгинам, сени ҳеч ёққа олиб кетмайман. Бу шунчаки жиғингга тегиш учун. Пул ҳақида ойингга айтмайсан-а, тўғрими? Унинг шундай ҳам сарф-харажатлар ортиб бораётганидан кўнгли ғаш.

– Йўқ, – деди тап тортмай Скарлетт. – Агар сиз менинг шу ерда қолишимга ижозат берсангиз, ойимга ҳеч нарса бўлмагани – бунинг бари қари ғийбатчилар тўқиб чиқарган гаплар эканини тушунтирсангиз, айтмайман.

Жералд қизига хафа бўлиб қаради.

– Ахир, бу бориб турган пўписа-ку.

– Бу оқшом чинакам тартиббузарлик бўлди.

– Хўп, яхши, буларни унутайлик, – тилёғламалик билан гап бошлади Жералд. – Нима деб ўйлайсан, мисс Питтипетдек шундай одобли кекса хонимнинг уйида бир қултум бренди топилармикин? Тил тортмай ўлай, шу қадар...

Скарлетт ортига ўгирилиб, секин холлни кесиб ўтди ва ҳар гал Питти амманинг юраги тўхтаб қолганида (ёки унга тўхтаб қолаётгандай туюлганида) ва у ҳушдан кетишга тайёр бўлганида ундан бир қултум ичиб тургани боис Мелли иккаласи "беҳушлик шишаси" деб атайдиган бренди шишасини олиб келиш учун емакхона тарафга юрди. Скарлеттнинг чеҳрасида ғолиблик ифодаси намоён эди – гарчи Жералдга мутлақо меҳрибон қиздек муомала қилмаган эса-да, у ҳеч қандай виждон азобини ҳис этмаётганди. Агар яна бирорта бекорчи ғийбатчи аёл Эллинга хат ёзиб юборишни истаб қолмаса, унинг хавотирларини ёлғон ёрдамида тарқатиб юборадилар. Энди у Атлантада қолади ва нимани истаса, шуни қилади, Питти аммани эса ноғорасига ўйнашга мажбур қилади. У озиқ-овқат қутисини очди ва кўксига шиша билан қадаҳни босиб, бир дақиқача туриб қолди.

Унинг кўз ўнгидан турли манзаралар ўта бошлади: кўпириб оқаётган Шафтолизор анҳорининг қирғоқларидаги ва Стоун-Мантин этакларидаги сайру саёҳатлар, баллар ва қабуллар; тушликдан кейинги кичик рақс соатлари; извошда сайрлар ва шанба кунлари бериладиган кечки "а-ля фуршет" таомлар.

Энди у буларнинг барига қатнашади; атрофида йигитлар, у барча ўйин-кулгиларнинг марказида бўлади. Госпиталда озгина ғамхўрлик кўрсатса бас, эркаклар жуда осон севиб қолади. Энди госпиталь унинг учун бурунгидай ёқимсиз жой бўлмайди. Соғаяётган эркаклар аёл кишининг эътиборини ғоят таъсирланиб қабул қилади. Башарти қиз етарли даражада уддабурон бўлса, дарахтни сал силкитсанг бўлди, худди Тарадаги пишган шафтолилар дув тўкилгани каби, улар ҳам унинг оёқлари остига йиқиладилар.

Скарлетт Жералд О'Харанинг чидамлилиги билан довруқ қозонган машҳур боши бу даъфа синовга дош беролмагани учун тақдирга шукрона келтириб, ҳаётга қайтарувчи ичимлик шишаси билан отаси ёнига қайтди ва даъфатан ўзига ўзи савол берди: бу ерда капитан Батлер бир қадар айбдор эмасмикин?

XI боб

Кейинги ҳафтада Скарлетт чошгоҳдан кейин госпиталдан уйга ёмон кайфиятда келди. У эрталабдан оёқда туриб чарчаган ва ярадорнинг қўлини боғлаётиб каравоти четига ўтиргани учун миссис Мериуэзердан қаттиқ танбеҳ эшитганига жаҳли чиқиб кетганди. Питти амма ва Мелани чиройли шляпачаларида, Присси эса Уэйдни кўтариб ҳафталик ташрифларга жўнашга тайёр ҳолда кириш эшиги олдидаги пиллапояда туришарди. Скарлетт уларга ҳамроҳ бўлолмаслигини айтиб, узр сўради ва хонасига чиқди.

Оиладагиларнинг бариси жўнаб кетгач ва ҳатто узоқда ғилдиракларнинг ғичир-ғичири ҳам тингач, у аста Меланининг хонасига кириб, ортидан эшикни ёпди. Тушдан кейинги қуёшнинг қиялаб тушган нурларига кўмилган қизлар хонасида осудалик ҳукмрон эди. Ялтиратиб артилган полда икки-уч гулдор қу-

роқ гиламчалардан бўлак ҳеч нарса йўқ, оқланган деворларда ҳам бирорта безак кўринмайди. Фақат бурчакда Мелани меҳробга ўхшаш бир нарса ясаб қўйганди. Конфедерациянинг чиройли қатланиб пастга эгилиб тушган катта байроғи остида Мексика урушида Меланининг отасига кўп хизмат қилган ва фронтга кетаётганида Чарлзга теккан олтин эфесли қилич осиғлиқ эди. Чарлзнинг камари ва тўппончали қини осилган камарбанди ҳам шу ерда илинган. Улар ўртасига Чарлзнинг кулранг мундирдаги нотабиий ва ўта мағрур қиёфадаги портрети илиб қўйилганди. Унинг катта қўнғир кўзлари порлар, лабларида уятчан табассум ўйнарди.

Портретга ҳатто назарини ҳам солмаган Скарлетт шаҳдам одимлаб, рўпарадаги торроқ каравотнинг бош тарафидаги устида пушти ёғоч қутича турган столча олдига келди. У қутича ичидан Эшлининг Меланига ёзган, ҳаворанг тасма билан боғланган бир даста хатини олди. Устида бугун эрталаб олиб келинган хат турарди, Скарлетт шу хатни конвертдан суғуриб олди.

У биринчи марта бу хатларни яширинча ўқий бошлаганида, виждон азоби қаттиқ қийнаган ва жиноят жойида қўлга тушишдан қўрқиш ҳисси шу қадар чулғаб олгандики, титраётган бармоқлари билан конвертни очишга зўрға журъати етганди. Аммо аста-секин бу иш давом этавергач, ундаги яхши ривожланмаган андиша туйғуси бутунлай ўтмаслашди, қўрқув ҳам ўз-ўзидан ғойиб бўлди. Баъзида хаёлидан: "Бу ҳақда ойим билиб қолса, нима деган бўларди?", деган фикр йилт этиб ўтарди. Шундай пайтларда, кўкраги остида ёқимсиз оғриқ турарди. Эллин қизининг бу қадар андишасизлик билан қилаётган ишини кўрганидан кўра унинг мурдасини кўргани енгилроқ эканини у тушунарди. Бошида бу Скарлеттни ташвишга солар, чунки у ҳалиям ҳамма

нарсада онасига ўхшагиси келарди. Лекин хатларни ўқиб кўриш васвасаси жуда кучли эди, шу боис у онаси ҳақидаги фикрни миясидан чиқариб ташлади ва ўзига-ўзи шундай дейишга одатланди: "Мен бу ҳақда (ёки у ҳақда) ҳозир ўйлаб ўтирмайман – бу жуда ёқимсиз. Мен бу ҳақда эртага ўйлаб кўраман". Эртаси куни эса кўпинча ёқимсиз ўй-хаёллар бошқа пайдо бўлмас ёки вақт ўтиши билан энди у қадар ёқимсиз туюлмасди. Қисқаси, Эшлининг хатларини яширинча ўқиш энди унинг виждонини қийнамасди.

Мелани Эшлидан хат олса, одатда, Питти амма ва Скарлетт билан жон деб бўлишар, уларга хатдан яхлит парчаларни овоз чиқариб ўқиб берарди. Аммо хатнинг айнан ўқилмай қолган қисми ноаёнлиги билан Скарлеттни қаттиқ қийнар ва бу уни хатни яширинча ўқишга ундарди. Қандай бўлмасин у, Эшли Мелани хотини бўлганидан сўнг уни севиб қолганми-йўқми, шуни билишни истарди. Ёки қачондир уни севаман деб муғомбирлик қилганмикан? Унга меҳр-муҳаббатга тўла оташин сўзлар айтганмикан? У ўз туйғуларини қандай изҳор қилган, хатга юрагидаги бор меҳр-муҳаббатини тўкиб солганмикан?

У эҳтиёткорлик билан варақларни очди.

Текис, майда ҳарфларда битилган сатрлар кўзга ташланди, "Менинг қимматли рафиқам", ўқиди у. Унинг кўнгли таскин топди. У Меланига – худди аввалги хатларидаги каби – "севгилим" ёхуд "менинг маҳбубам", деб ёзмаганди.

"Менинг қимматли рафиқам! Ўзингни шубҳа-гумонлар қийнаётганини ёзибсан – мен сендан асл туйғуларимни яширмаяпманми? Шу кунларда мен нима ҳақда ўйлаётганимни сўрабсан..."

"Ё Биби Марям! Бу нима дегани: "Ўзимнинг ҳақиқий туйғуларимни яширяпманми ёки йўқми?" – қўрқувга тушиб ўйлади Скарлетт, чунки унинг виждони пок эмасди. – Наҳотки Мелани унинг қалби-

да нима борлигини билса? Ёки менинг қалбимда? Наҳотки у биздан шубҳа қилса...”

Хатни яна ўқий бошлаганида қўллари титрарди, лекин ўқишда давом этгач, тинчлана бошлади.

“Азизам, модомики мен сендан бирор нарсани яширган эканман, бунинг сабаби битта: соғлиғим ҳақида қайғурганинг етмагандай энди руҳий ҳолатим ҳақида ҳам ўйлашингни истамадим. Лекин сен мени шу қадар яхши биласанки, сендан бирор нарсани яширишнинг иложи йўқ. Яраланганим йўқ. Соғ-саломатман, қорним тўқ ва ҳатто вақт-вақти билан тўшакда ётиб ухлаб олишга имконим бор. Аскар бундан ортиғини орзу ҳам қилолмайди. Аммо юрагимни тош босиб ётибди, Мелани, мен сенга кўнглимни очмоқчиман.

Мана шу ёз кечалари, бутун лагерь уйқудалигида мен узоқ вақтгача уйқусиз ётаман, юлдузларга қараб, ўзимга қайта-қайта савол бераман: “Нима учун сен бу ердасан, Эшли Уилкс? Нима мақсадда жангга отландинг?“

Обрў-иззат ва шуҳрат учун эмас, албатта. Уруш – бу разолат, мен эса разолатдан нафратланаман. Табиатан жангчи эмасман ва ўқ ёмғири остида қаҳрамонларча ўлишни истамайман. Бироқ шунга қарамай, худо пешонамга фақат кучим етганча фан ва қишлоқ хўжалиги билан шуғулланишни ёзиб қўйган бўлса ҳам, мен бу ерда, урушдаман. Кўряпсанми, Мелани, сурнай садоси менинг қонимни қиздирмайди, ноғора дупури оёқларимни ҳарбий юришларга чорламайди, зеро, мен жуда яхши кўриб турибман: бизга хиёнат қилишди. Бизга ўзимизнинг такаббурлигимиз, ҳар қайси жанублик ўн чоғли янкидан устунлигига, Қирол Пахтанинг дунёни бошқаришига ишончимиз хиёнат қилди. Бизни баландпарвоз сўзлар ва бидъатлар, нафратланишга даъватлар ва “Қирол Пахта, Қулдорлик, Жануб Ҳуқуқлари, янки-

ларга лаънатлар бўлсин" сингари қуруқ сафсаталар йўлдан оздирди – ахир, бу сафсаталарни биз ўзимиз ҳурмат ва эҳтиром кўрсатишга ўрганган, тепамизда турган кимсаларнинг оғзидан эшитганмиз.

Кўрпамга ўраниб ётиб юлдузларни кузатарканман, ўзимдан: "Нима учун жанг қиляпсан?" – деб сўраганимда мен Жануб Ҳуқуқлари ва пахта ҳақида, негрлар ҳақида, туғилганимиздан бери онгимизга уларга нисбатан нафрат туйғуси сингдирилган янкилар ҳақида ўйлай бошлайман ва нега мен қўлимга қурол олдим, деган саволга жавобни бу ердан изламаслик кераклигини тушуна бошлайман. Бироқ мен Ўн икки Эманни ҳам, оқ устунлар орасига қиялаб тушган ой нурларини ҳам, бу нурлар билан чулғанган магнолия гулларининг ғаройиб шарпасини ҳам, ҳатто жазирама чошгоҳдаям салқин, чирмашувчи атиргуллар билан ўралган айвонни ҳам эслайман. Мен ўзимнинг бола пайтимни ва қўлида тикиши билан ўтирган ойимни кўраман. Яна қош қорайганда даладан қайтаётган, чарчаган ва очиққан негрларнинг овозини эшитаман. Уларнинг хиргойисини, чуқур қудуқ чиғирининг ғичирлашини ва челак тушганида сувнинг шалоплашини эшитаман. Яна пахта далалари орқали дарё бўйига эниб тушган узун қияликни ва кечки ғира-ширада пастликда сузиб юрган туманни кўраман. Ва мен нима сабабдан шуҳрат кетидан қувмасам ҳам, ўлимимни изламасам ҳам, азоб-уқубатлардан қўрқсам ҳам ва ё ҳеч кимга нисбатан нафрат ҳиссини туймасам ҳам, барибир шу ерда эканимни тушуна бошлайман. Балки айнан шу нарсани ватанпарварлик, ота уйига, она-юртга муҳаббат деб аташса керак. Шундай бўлса ҳам, Мелани, мени бу ерга олиб келган нарсанинг моҳияти янада теранроқ. Ахир, мен айтган нарсалар бор-йўғи ҳаётимни қурбон қилишга тайёр бўлган нарсанинг, мен учун қадрли бўлган ҳаёт тарзининг тимсоллари,

холос. Зеро, мен ўтган кунлар учун, ўзим жуда севган ва бу ўйинда, қўрқаманки, бир умрга ютқазилган эски турмуш тарзи учун жанг қиляпман. Бу ўйинда қўлимизга қандай ошиқ тушганига қарамай – ғолиб бўламизми ёки мағлуб – ҳар икки ҳолатда ҳам биз ютқаздик.

Агар бу урушда биз ғалаба қозонсак ва ҳаётда орзуимизга – Пахта Қироллигига – эриша олсак ҳам, биз барибир ютқаздик, чунки биз энди бошқача одамларга айланамиз ва илгариги осуда турмуш тарзи қайтмайди. Бутун дунё пахта талаб қилиб эшигимизни қоқади, биз эса нарх-навони белгилаймиз. Ўшанда биз, қўрқаманки, манфаатпарастлиги, очкўзлиги, юлғичлиги устидан кулаётганимиз янкиларга ўхшаб қоламиз. Хўш, агар биз урушда ютқазсак-чи, Мелани, агар ютқазсак-чи!..

Мен на яradор бўлишдан, на асир тушишдан, ва на ҳатто ўлимдан, агар пешонада битилган бўлса, қўрқаман – мен фақат бир нарсадан қўрқаман: уруш қандай тугашидан қатъий назар, энди ўтмишга қайтишнинг иложи йўқ. Мен эса ўтган давр одамиман. Мен одамларни ўлдиришга иштиёқи зўр ҳозирги ҳаёт учун яралмаганман, ва қанча уринмайин, келгусида ҳам ҳаётдан ўз ўрнимни тополмайман, деб қўрқаман. Сен ҳам худди шундай, азизам, зеро, биз сен билан бир-биримизга руҳан қондош жонлармиз. Келажак бизга нимани ваъда қилади, билмайман, у ўтган давр сингари гўзал ва руҳан бизга яқин бўлмайди.

Мен билан ёнма-ён ётиб ухлаётган аскарларга қараб ўйлайман, эгизак Тарлтонлар ёки Алекс, ёки Кэйд менинг ўй-хаёлларимни бўлишармикан? Биринчи ўқлар гумбурлаган дақиқадаёқ ҳалокатга юз тутган Иш учун жанг қилишаётганини тушунишармикан улар, чунки бизнинг Иш – бу, моҳиятан, бизнинг яшаш тарзимиз, энди у абадул-абад ўтмиш

қаърида йўқ бўлиб кетади. Лекин ўйлашимча, уларни бундай фикрлар азобламайди, демак, омадлари бор экан.

Сендан рафиқам бўлишингни сўраганимда, миямда асло бундай ўй-хаёллар йўқ эди! Бизнинг Ўн икки Эмандаги ҳаётимиз менга осуда, енгил, ёқимли ва барқарор туюларди. Биз сен билан бир-биримизга руҳан яқинмиз, Мелани, бирдай осудаликни ва ҳаловатни яхши кўрамиз ва мен олдинда узоқ, воқеа-ҳодисаларга бой бўлмаган, мусиқага, китобларга, орзуларга берилган йилларни кўрардим. Аммо зинҳор юз берган бу воқеани эмас! Минбаъд буни эмас! Минбаъд эскича турмушни бузишни эмас, бу қонли хунрезлик ва нафратни эмас! Бу беҳад қиммат тўлов, Мелани. На Жануб Ҳуқуқлари, на пахта, на қуллар биз бошимиздан кечираётган ва яна кечиришимиз мумкин бўлган бундай оғир азобларга арзимайди. Мабодо янкилар ғалаба қозонишса, бизнинг тақдиримиз аянчли бўлади. Улар эса бизни енгиши мумкин, азизам.

Мен бу гапларни сенга ёзмаслигим керак эди. Мен бундай ўйламаслигим ҳам керак эди, лекин сен юрагимни қандай оғир тош эзиб ётганини сўрабсан ва мен сенга жавоб бераман: мағлубият қўрқуви. Эсингдами, унаштириш маросими кунидаги барбекюда Батлер деган киши, талаффузига қараганда чарльстонлик, жанубликларни нодонликда айблаб, улар ҳақида салбий фикр билдирган, шу боис дуэлга чақирилишига сал қолганди. Эсингдами, у бизда завод ва фабрикалар, прокатка станлари ва кемалар, аслаҳаҳоналар ва механика устахоналари камлигини айтганида эгизаклар уни отиб ташлашга тайёр эди. Унинг, шимолликларнинг флоти бандаргоҳларимизни шундай қамал қилиши мумкинки, биз пахта олиб чиқиш имкониятидан маҳрум бўлиб қоламиз, дегани эсингдами? У ҳақ бўлиб чиқди. Янкилар энг

янги милтиқлар билан қуролланишган, биз эса уларга қарши Мустақиллик учун бўлган уруш давридан қолган пилта милтиқлар билан чиқяпмиз, тез орада қамал бизни бўғиб қўяди – бизга ҳатто дори-дармонлар ҳам етиб келмайди. Биз Батлерга ўхшаш беадабларга, нима деяётганини яхши биладиган кишиларга қулоқ тутишимиз керак эди. Нуқул гап билиб, иш билмайдиган завқ-шавқи баланд сафсатабозларга эмас. Аслида у жанг қилиш учун Жанубнинг пахта ва кибру ҳаводан бўлак ҳеч вақоси йўқ, деганди. Пахтамиз бефойда маҳсулотга айланди ва бизда фақат бир нарса, у айтган димоғдорлик қолди, холос, мен эса буни мисли кўрилмаган жасорат, деб атаган бўлардим. Модомики...".

Шу ерга келганда Скарлетт хатни авайлаб тахлаб конвертга солиб қўйди. Давомини ўқишга кучи етмади – хат жуда зерикарли эди. Боз устига, мағлубият ҳақидаги чуқур ўйлар уни алланечук хавотирга солди. Умуман, у бу хатларни Эшлининг ғалати, унча қизиғи йўқ ўй-хаёллари билан миясини ачитиш учун ўғринча ўқигани йўқ. У бундай гапларни бир пайтлар у билан ўз ҳовлисида, айвон пиллапоясида ўтириб жуда кўп эшитган. У бир нарсани билишни истарди: Эшли Меланига ўтли хатлар ёзармикан? Ҳозирча у бунақа хат ёзгани йўқ. Қутичада сақланаётган хатларни бирма-бир ўқиб чиқди ва бирортасида меҳрибон аканинг синглисига ёза олмайдиган нарсага ақалли ишора ҳам тополмади. Булар назокатли, айримлари қизиқарли, айримлари пойма-пой ёзилган хатлар эди, аммо севги мактублари эмасди: Скарлеттнинг ўзи – бир неча марта – оташин севги мактубларини олган, ва у хатларда битилган сўз ва ибораларда чин муҳаббат борлигини чуқур ҳис этиш қобилияти орқали бехато фаҳмларди. Бу мактубларда эса бу нарса йўқ эди. Ва ҳар галгидай мактубларни яширинча ўқиганидан кейин кўнгли таскин топарди.

Мактублар Эшли ҳалиям уни севишига бўлган ишончини мустаҳкамларди. Эшли уни фақат дўст сифатида яхши кўришини Мелани нечук сезмаётганидан у ҳайрон бўлиб кулиб қўйди. Мелани эса Эшлининг мактубларида нимадир етишмаяпти, деб ўйламасди, шекилли. Қолаверса, нимагаям таққосласин – ахир, у ҳеч қачон ишқий номалар олмаган бўлса.

"Эшли унга мутлақо бемаъни хатлар ёзади, – ўйлади Скарлетт. – Мабодо қачондир менинг эрим менга шунақа тутуриқсиз гапларни ёзишни истаб қолса, мендан кўрадиганини кўради! Худойим-ей, ҳатто Чарлининг хатлари ҳам бундан яхшироқ эди."

У бармоқлари билан хатларнинг букланган бурчакларини текислади, ҳар бир хатнинг санасини бирма-бир кўздан кечириб, мазмунини эслаб қолишга уринди. Уларда Дарси Миднинг ота-онасига ёки бечора Даллас Маклюрнинг қариқиз-опаларига ёзган хатларидаги каби – жангу жадаллар ва лашкаргоҳларнинг бежалган тасвирлари йўқ эди. Мисс Фейс ва мисс Хоуп ҳам, Мидлар ва Маклюрлар ҳам бу хатларни қўни-қўшниларга фахрланиб ўқиб беришарди, Скарлетт эса Эшли Меланига тикиш-бичиш тўгарагида овоз чиқариб мароқ билан ўқийдиган хатлар ёзмаётганидан бир неча марта ичида изза бўлди.

Эшли хатларида уруш ҳақида сўз очмасликка, гўё бир сеҳрли чизиқ тортиб ўзини ва Меланини замонасидан ажратиб қўйишга, ҳамманинг оғзидан "Самтер форти" сўзлари тушмай қолган ўша унитилмас кундан бери содир бўлган воқеа-ҳодисалардан четланишга қаттиқ интилаётганга ўхшарди. Гўё у ўзини ҳеч қандай уруш бўлмаётганига ишонтирмоқчи бўларди. У Меланига биргаликда ўқиган китоблар, биргаликда куйлаган романслар, эски дўстлар ва Европага саёҳат ҳақида ёзарди. Унинг хатлари Ўн икки Эманни соғиниш ҳисси билан лиммо-лим, ва у

варақма-варақ овни ва юлдузли совуқ осмон остида жимжит ўрмон сўқмоғи бўйлаб отда узоқ сайр қилиб юрганларини, даладаги зиёфатларни ва балиқ овини, ойдин ва осуда кечалар ҳамда кўҳна уйнинг мафтункор, улуғвор сукунатини эсларди.

Ҳозиргина ўқиган хатда битилган сўзлар Скарлеттнинг ёдига тушди: "Содир бўлган воқеа асло биз кутган нарса эмас. Асло бу эмас". Бу сўзлардан у қийноқдаги жоннинг қабул қилишнинг ҳам, яширинишнинг ҳам имкони бўлмаган даҳшатли ҳодиса қаршисидаги фарёдини эшитди. Бу сўзлар уни қийин аҳволга солиб қўйди: модомики Эшлига на жароҳатлар, на ўлим писанд эмас экан, у нимадан бунча қўрқади, ахир? Скарлетт хатлардаги мураккаб фикр-ўйларни тушунишга уринарди.

"Уруш унинг тинчини бузди, у эса... у тинчлигига хавф соладиган нарсани яхши кўрмайди... Масалан, худди мен каби... У мени севади, лекин у менга уйланишга қўрқди, мен унинг турмуш тарзига, фикр юритиш тарзига путур етказишимдан қўрқди. Йўқ, қўрққанидан эмас, бу нотўғри. Эшли қўрқоқмас. Қанақасига у қўрқоқ бўлсин, агар унинг исми хабарларда тилга олинаётган, полковник Слоан эса Эшлининг мардларча жанг қилгани, аскарларини қандай ҳужумга бошлаб борганини тасвирлаб Меллига хат ёзиб юборган бўлса. Агар у нимагадир эришмоқчи бўлса, ундан довюрак, ундан дадилроқ одам топилмайди, аммо... У атрофини қуршаган оламда эмас, ўз ичидаги оламда яшайди ва атрофидаги оламга қўшилиб кетишни истамайди... Ва у... О, мен буни нима деб аташни билмайман! Агар ўшанда, бир йил аввал буни тушунганимда эди, биламан, у менга уйланарди."

Скарлетт мактубларни кўксига босиб, меҳр билан Эшли ҳақида ўйларди. Унинг Эшлига бўлган ҳис-туйғулари ўзгармаганди – ҳалиям ўшандай, илк

бора уни севишини англаган кундагидай. Худди ўн тўрт ёшида, Тарада, пиллапояда туриб Эшлининг жилмайиб отда уйларига яқинлашаётганини ва соч-лари эрталабки қуёш нурида олтиндек товланаётганини кўрган ўша лаҳзадагидай. Ўшанда уни кўриб қотиб қолганди. Ҳозир ҳам у худди ўша ўсмир-қизалоқ сингари уни мутлақо тушунмаган ва табиатидаги ўзи учун тамоман бегона хусусиятларидан ҳайратланганча бу йигит қаршисида бош эгарди. Унинг севгиси ҳалиям бўса ва уни севишини тан олишдан ўзга ҳеч нарсани талаб қилмайдиган Гўзал Шаҳзода ҳақидаги болаларча орзу эди, холос.

Эшлининг мактубларини ўқиркан, у Меланига уйланган бўлса ҳам, ўзини севишига Скарлетт энди шубҳа қилмасди ва унга ана шу ишончнинг ўзи етарли эди. У шу қадар ёш, қалби ҳам шу қадар покиза эди. Чарлз билан яқинлик, унинг қовушмаган, уятчанлик билан эркалашлари қалбида учқунланаётган яширин оловни уйғотолмаган ва Эшли ҳақидаги орзулари эса бўсадан нарига ўтмаган эди. Чарлз билан кечирган ўша қисқа ва ойдин кечаларда унинг туйғулари уйғонмади, у ҳали вояга етмаган, ишқ-муҳаббатга тайёр эмасди. Чарлзнинг қучоғида у на иштиёқни, на чин муҳаббатни, на руҳ ва тан қовушувидан ҳосил бўладиган эҳтиросли туйғулар оташини англаб етди.

Шаҳвоний севги унинг учун эркакларнинг аёл киши шерик бўлолмайдиган ғалати мубталолигига шунчаки ён бериш – муқаррар равишда янада азоблироқ бўлган туғруққа элтувчи шармандали ва азобли бир ҳодиса эди. Оилавий ҳаётнинг бу томони унинг учун фавқулодда ҳодиса эмасди. Тўй олдидан Эллин унга эр-хотинлик муносабатлари шундай бир нарсани ўз ичига оладики, аёл киши уни сабот ва матонат билан муносиб равишда ўтказиши лозим бўлади, дея шама қилганди. Кайвони аёлларнинг пи-

чир-пичирларидан эса бу сўзлар ўз тасдиғини топганини билиб олди. Никоҳ ҳам, эр-хотинлик муносабатлари ҳам энди унинг учун орқада қолганидан Скарлетт хурсанд эди.

Ҳа, булар ортда қолди – лекин муҳаббат эмас. Ахир, унинг Эшлига бўлган севгиси эр-хотинлик риштаси ва эҳтиросидан фарқ қиладиган бутунлай ўзгача, қандайдир беқиёс гўзал ва муқаддас туйғу, бу туйғу сукут ичра беркинишга маҳкум, чексиз хотиралар ва орзу-умидлардан куч олиб, кундан-кунга мустаҳкамланиб борарди.

У чуқур хўрсинди ва Эшлини бошқалардан ажратиб турадиган, аммо ўзининг ақлу фаросатидан ташқаридаги нарса ҳақида қайта-қайта хаёл сураркан, бир даста хатни тахлаб тасмача билан яхшилаб боғлаб қўйди. У бир хулосага келишга уриниб, бу нарса ҳақида ўйлашда давом этди, бироқ одатдагидек, бу масалага унинг ҳали етилмаган ақли ожизлик қилиши аён бўлди. У хатларни қутичага солиб, қопқоғини ёпиб қўйди. Тўсатдан ёдига ҳозиргина ўқиган хатдаги капитан Батлернинг номи тилга олинган сўнгги сатрлар келди ва қовоғи осилди. Қандай қилиб Эшли бу разил одамнинг бир йил олдин айтган гапларига аҳамият берди экан? Бу ғалати. Гарчи Батлерни муносиб баҳолаш лозим бўлса-да – у зўр рақс тушади – шак-шубҳа йўққи, у ярамас одам. Фақат ярамас одамгина Конфедерация ҳақида хайрия бозорида у эшитган сўзларни айтиши мумкин.

У тошойна олдига борди ва мамнун бўлиб ўзига қараб қўйди, турмагидан чиқиб қолган қора сочларини текислади. Оппоқ юзи ва бир оз қийиқ зангори кўзлари ҳар доимгидек кайфиятини кўтарди. У жилмайган эди, ёноқларида кулгичлари ўйнай бошлади. Табассуми Эшлини доим ҳайратга солганини эслаб, капитан Батлерни хаёлидан чиқариб ташлади ва ўзининг ойнадаги аксига завқ билан суқланиб

қаради. Бегона эркакни яхши кўриши ва ҳозиргина унинг хотинига ёзган хатларини яширинча ўқигани унинг виждонини безовта қилмади ва ўз ёшлигини, мафтункорлигини англаши, Эшлининг севгисига қаттиқ ишонч ҳиссидан туғилган қувончини сусайтирмади.

У эшикни очди ва айланма зинадан пастга тушаётиб "Ғалаба яқин" қўшиғини хиргойи қила бошлади. У ўзини қушдай енгил ҳис қиларди.

XII боб

Гарчи кўплаб ғалабалар қўлга киритилган бўлса-да, уруш ҳали давом этар ва одамлар энди: "Яна битта, охирги ғалаба ва урушга нуқта қўйилади" дейишдан ҳамда янкиларни қўрқоқ, деб аташдан тийилдилар. Энди ҳаммага бирдек аён эдики, янкилар асло қўрқоқ эмас, уларни енгиш учун эса ҳали кўплаб ғалабаларни қўлга киритиш лозим бўлади. Шунга қарамай, ғалабалар бор эди – генерал Морган ва генерал Форрестнинг Теннессидаги ғалабалари, олдинда эса Булл-Рэне яқинидаги иккинчи жангда албатта зафар қозонишларига ишора бор эди – у шу қадар шаксиз туюлардики, гўё янкиларнинг бош териси аллақачон шилиниб олинган эди. Аммо ҳозирча бу бош терилари жуда қимматга тушаётганди. Атлантадаги госпиталь ва хонадонлар аскарлар ҳамда ярадорлар билан тўлиб кетганди, азадор аёллар сони кун сайин кўпайиб борарди. Окленд қабристонидаги аскарлар қабрларининг ғамгин қаторлари тобора чўзилиб борарди.

Конфедерация томонидан чиқарилган қоғоз пуллар жуда тез қадрсизланар, озиқ-овқат ҳамда кийим-кечаклар нархи эса худди шу тарзда кўтариларди. Солиқларнинг оғир юки Атланта аҳолисининг овқатланиш рационига таъсир кўрсата бошлади.

Буғдой уни камёб маҳсулотга айланди ва шу қадар қимматлашиб кетдики, зоғора нон секин-аста бисквитларни, вафли ва ёғли ширин кулчаларни четга суриб қўйди. Гўшт дўконларидан мол гўшти деярли ғойиб бўлди, қўй гўшти ҳам камайди ва шу қадар қимматлашиб кетдики, уни фақат бойларнинг чўнтаги кўтарарди, холос. Шундай бўлса ҳам, чўчқа гўшти, овланган қуш гўшти ва сабзавотлар бўйича ҳозирча етишмовчилик сезилмаётганди.

Шимолликларнинг кемалари эса жанубий бандаргоҳларни қамал қилишни кескин кучайтирарди. Чой, қаҳва, шоҳи газламалар, кит мўйлови билан боғланадиган корсетлар, атирлар, мода журналлари ва китоблар, арзон ип-газлама матоларининг нархи ҳам шу қадар кўтарилиб кетдики, хонимлар хўрсиниб, ўтган йилги кийим-кечакларини янги мавсумга мослаб қайта тика бошладилар. Йиллар давомида чордоқларда чанг босиб ётган тўқув дастгоҳлари пастга олиб туширилди, энди ҳар бир меҳмонхонада қўлда тўқилган тўп-тўп матоларни кўриш мумкин эди. Ҳамма – аёллар, эркаклар (ҳарбий формадами ва ё фуқаролар кийимида), болалар, негрлар – мато тўқирди. Конфедератлар армияси мундирининг ранги – кулрангдан сариққа мойил ёнғоқранг хонаки кийим-кечакка айланиб, деярли ҳеч ерда кўринмай қолди.

Госпиталларда ҳам анчадан бери хинин, каломель, хлороформ, опиум ва йодга эҳтиёж сезила бошлаганди. Ишлатилган бинт ва докаларни ташлаб юбориш мумкин эмас, улар жуда қимматбаҳо буюмга айланиб қолган, госпиталда ишлаётган аёллар лиқ тўла саватлардаги қонга бўялган боғлаш материалларини ювиш, тозалаш, дазмоллаш ва яна қайта ишлатиш учун уйга олиб кетишарди.

Аммо эндигина бевалик занжиридан озод бўлган Скарлетт учун уруш бораётган бу кунлар қувноқ ва

жўшқин ўтаётганди. Озиқ-овқат ва кийим-кечакларга қўйилган айрим чеклашлар унинг кайфиятини бузолмас, эркинликка чиққанидан у беҳад бахтиёр эди.

Бири иккинчисидан фарқ қилмайдиган маҳзун кунлар қаторида ўтган йилни эслаганида унга ҳозирги вақт яшин тезлигида кечаётгандай туюларди. Ҳар бир кун бирор янги қизиқарли саргузашт, янги танишувларни ваъда қилар ва қандайдир йигитларнинг у билан учрашишга баҳона излашларини ва унинг беҳад чиройли эканини айтишларини, унинг учун курашиш ва ҳатто жон беришни шараф деб билишга ишонтиришларини биларди. Гарчи у Эшлини севса-да, охирги нафасигача севишига шубҳа қилмаса-да, бу унинг ўйлаб ўтирмай ноз-истиғно қилишига ҳамда уйланиш ҳақидаги таклифлар олишига халал бермасди.

Урушнинг Атлантагача етиб келган акс-садолари ҳурматли инсонларни хавотирга солган муносабатларга ёқимли бемалоллик олиб кирарди. Довдираб қолган оналар қизлари ҳузурига зоти-зурёди номаълум, ёнларида ҳеч қандай тавсияномаси йўқ нотаниш кишилар ташриф буюраётганини пайқаб қолишди ва қизлари бу одамларга яширинча қўлларини қисишга изн бераётганини сезиб, ваҳимага тушишди. Бўлажак турмуш ўртоғига тўйгача бир мартаям бўса олишга изн бермаган миссис Мерриуэзер қизи Мейбелл кичкина зуав Рене Пикар билан ўпишаётганини кўриб, кўзларига ишонмади. Мейбеллнинг зиғирчаям хижолат чекмаганидан шу қадар ваҳимага тушдики, буни тасвирлашга тил ожизлик қилади. Рене дарҳол Мейбеллнинг қўлини ва қалбини сўрагани ишнинг моҳиятини ўзгартиролмади. Миссис Мерриуэзер Жануб шиддат билан ахлоқий инқироз чоҳига қулаб бораётганини кўриб турар ва бу ҳақда тинимсиз ҳаммага эшиттириб гапирарди.

Бошқа оналар ҳам унинг нуқтаи назарини қизғин қўллаб-қувватлар ва ҳаммаси учун урушни айблашарди.

Аммо бир-икки ҳафта орасида жанг майдонида жонини қурбон қилишга тайёр эркаклар, одоб-ахлоқ қоидаларига бўйсуниб, бафуржа ва такаллуф билан кўнгил овлаб ва дадил туриб ўз маъшуқасининг исмини – ёнига "миссис" сўзини қўшиб, албатта – айтиб чақиришдан олдин бир йил кутмоқчи эмасдилар. Одатда, улар ҳозир уч-тўрт ойдан кейиноқ оила қуришни таклиф қилишарди. Қизлар эса ҳақиқий ледига хос тарзда таклифга уч марта рад жавобини бериши ва фақат тўртинчи таклифни қабул қилиши лозимлигини билишса ҳам, узоқ ўйлаб ўтирмай дарҳол "ҳа" деб жавоб беришга тайёр эдилар.

Уруш олиб кирган бу таомилларнинг оддийлиги ҳаётни Скарлетт учун фавқулодда жозибали қилиб қўйганди. Агар ҳамшира бажарадиган ишнинг кўпинча ифлослигини ва бинт ўрашдек юракни сиқувчи мажбуриятини айтмаса, уруш абадий давом этса ҳам, эҳтимол, бунга у ҳечам қарши бўлмасди. Аслида, у госпиталдаги ишни ҳам энди аччиқланмай бажарар, чунки бу ерда унга хушторларни овлаш учун кенг имкониятлар бор эди. Унинг сеҳру жодулари олдида ярадорлар ҳимоясиз эди ва тезда ғолибнинг марҳаматига ишониб таслим бўларди. Ярани қайта боғласа, манглайдаги терни артиб қўйса, ёстиқларни қаппайтириб, елпиғич билан елписа, бас – қарабсанки, севги изҳори ўзини куттирмайди. О, шу қадар ғамгин ўтган бир йилдан кейин бу чинакам жаннатий ҳаёт эди!

Скарлетт гўё Чарлзга турмушга чиқмаган даврига қайтгандек эди. Гўёки бу оилавий ҳаёт умуман бўлмаган, у эса эрининг ўлими ҳақида маъшум хабар олмаган ва Уэйдни дунёга келтирмагандек эди. Уруш, турмуш қуриш, бола туғиш унинг кўнглида

чуқур из қолдирмаган – у аввал қандай бўлса, ҳозир ҳам шундай эди. Скарлетт ўғил туққан, аммо бу бола Питтипет амманинг қизил пишиқ ғиштдан қурилган уйида шундай ғамхўрлик билан қуршалган эдики, Скарлетт унинг борлигини тамом унутарди. У бутун вужуди билан ўзини аввалги Скарлетт О'Харадек, графликнинг энг гўзал қизларидан биридек ҳис қиларди. Ўзининг орзу-ўйларида ҳам, бажараётган ишларида ҳам у аввалги Скарлетт эди, лекин фаолият доираси ақл бовар қилмас даражада кенгайди. Питти амма дўстларининг салбий муносабатига беписанд қараган Скарлетт никоҳга қадар қандай яшаган бўлса, ҳозир ҳам худди шундай яшарди, оқшомги ўтиришларга қатнашар, рақс тушар, ҳарбийлар билан отда сайр қилар, ноз-карашма қилар, бир сўз билан айтганда, вақтини қизлик пайтида қандай ўтказган бўлса, худди шундай ўтказар, бироқ ўзига фақат бир нарсани эп кўрмас – мотам либосини ечмасди. Бу нарса Питти амма ва Меланининг сабр косасини тўлдирадиган сўнгги томчи бўлишини у биларди. Аммо қизлик либосида қандай бўлса, мотам либосида ҳам ўшандай жозибали, ўзи хоҳлагандек яшашига халақит бермагунларича – илтифотли ва хушмуомала, бу ўзига ташвиш туғдирмагунича – ширинсухан ва ғамхўр, ташқи кўриниши ва жамиятдаги ютуқларида ҳам ўша пайтдагидай ўзига бино қўйган эди.

Яқиндагина у жуда бахтсиз эди, энди эса ўзини бахтиёр ҳис қиларди: унинг ошиқлари бор, улар беқиёс жозибаси ҳамда латофати ҳақида унга тинимсиз гапирардилар. Эшли Меланига уйланмаганида ва унга хавф таҳдид солмаганида, албатта бахти тўкис бўларди. Шундай бўлса-да, ҳозирча Эшли узоқда экан, у ўзига тегишли эмас, деган фикрга қандайдир осон кўникарди. Ҳозирча у узоқда, Атлантадан юзлаб миля масофа ажратиб турган Виргинияда

эканида, Мелани Эшлига қай даражада эга бўлса, у ҳам худди шу даражада унга эгадек туюларди.

Госпиталдаги юмушлар, бинт ўраш, рақслар, шаҳар ташқарисидаги сайрлар – ҳар-ҳар замонда уйга, Тарага қисқа муддатга борганларида узилиб қоладиган машғулотлар билан 1862 йилнинг кузи ҳам тез ўтиб кетди. Тарага борганларида ҳафсаласи пир бўлар, Атлантада орзиқиб кутгани – онаси Эллин билан узоқ ва осойишта суҳбат қуриш имконияти кам, тизимгулнинг ёқимли ифорини ҳидлаб, унинг шоҳи кўйлаги қандай шитирлашига қулоқ тутиб, майин кафти билан эркалаб, юзларини силаб бичиш-тикиш билан машғул онаси қошида ўтиришга бўш вақти жуда оз бўларди.

Эллин озиб кетган, доим нимадандир ташвишда, тонгдан қоронғу кечагача, ҳатто ҳамма уйқуга кетгандан сўнг ҳам – тик оёқда юрарди. Конфедерация интендантлик хизмати вакилларининг талаблари ой сайин кўпайиб борар, хўжалик бу талабларни бажариши шарт, бу масъулият эса Эллиннинг елкасида эди. Ҳатто Жералднинг ҳам кўп йиллар мобайнида илк маротаба хўжалик ишлари билан шуғулланишига тўғри келди, чунки Жонас Уилкерсоннинг ўрнига бошқарувчи топишнинг иложи бўлмади, шу боис Жералднинг ўзи мулкини отда айланиб чиқарди. Энди Эллиннинг вақти қизини шунчаки наридан-бери ўпиб, эркалаб, хайрли тун тилашга етарди, холос, Жералд бир неча кун далада қолиб кетар, Скарлетт эса ёлғиз ўзи уйда зерикиб ўтирарди. Ҳатто сингилларининг ҳам ўзларига яраша ташвишлари бор эди, Сьюлин ва Фрэнк Кеннеди ниҳоят "тил топишган" ва Сьюлин "Уруш ниҳоясига етган кун" қўшиғини нозланиб хиргойи қилар, бу Скарлеттнинг жаҳлини чиқарарди, Кэррин эса Брэнт Тарлтон ҳақидаги орзуларига ғарқ бўлган, у билан гаплашишнинг иложи йўқ эди.

Қисқаси, гарчи Скарлетт ҳар доим уйга бораётганидан хурсанд бўлса-да, почта Питти амма ва Меланининг ундан Атлантага албатта қайтишини ёлвориб сўраб ёзган хатларини етказганида хафа бўлмас, бундай пайтларда қизи ва яккаю ёлғиз набирасидан айрилаётганини ўйлаб қайғуга ботган Эллин эса хўрсинарди.

– Атлантадаги ярадорларга ёрдаминг зарур бўлиб турганида худбинларча сени бу ерда ушлаб ўтирмаслик кераклигини тушунаман, – дерди у. – Фақат... фақат, азизам, сен билан осойишта гаплашиб ўтиришга ҳам вақт топа олмаганимдан хафаман. Мен ҳатто, жажжигина қизалоғим, сенинг ҳалиям бурунгидай эканингни пайқашга ҳам улгурмабман, мана энди эса хайрлашишимиз керак.

– Мен ҳар вақт, ҳар доим, сизнинг жажжи қизалоғингиз бўлиб қоламан, – дерди Скарлетт ва туйқусдан уйғонган виждон азобини туйиб, юзини Эллиннинг кўксига яширарди. У ойисига ярадор конфедератларга ёрдам бериш эмас, рақслар ва жазманлар уни Атлантага чорлаётганини айтолмасди. Энди у Эллиндан кўп нарсани сир тутарди. Аммо Ретт Батлер Питтипет амма хонадонининг тез-тез ташриф буюрадиган меҳмони экани энг муҳим сир эди. Бу ҳол бир неча ойдан бери давом этарди. Ҳар гал шаҳарга келганида Ретт Батлер албатта уларникига ташриф буюрар, Скарлеттни извошда сайр қилишга олиб кетар, рақсларга, хайрия бозорларига бирга борар, уйига элтиб қўйиш учун госпиталь дарвозаси олдида кутиб турарди. Энди у Ретт Батлер сирини бировга айтиб қўйишидан қўрқмай қўйган, аммо барибир миясининг бир четида таҳликали фикр уя қурганди: ахир, у Скарлетт билан Эшлига доир бор ҳақиқатни билади-ку – у Реттнинг кўз ўнгида ёмон қиёфада намоён бўлганди-да. Ана шу фикр капитан Батлер жиғига тега бошлаганида уни тилини

тийишга мажбур қиларди. У эса тез-тез Скарлеттнинг ғашига тегиб турарди.

Ретт Батлернинг ёши аллақачон ўттиздан ошган, Скарлетт эса ўзини унинг ёнида ёш боладек ҳимоясиз сезарди: у, одатда, ўзи билан деярли тенгдош хушторларига ҳукм ўтказганидек унга ҳукмини ўтказа олмасди. Ретт эса доим ўзини шундай тутардики, гўё уни нозик нуқтада қўлга туширишнинг иложи йўқ, кўп нарсалар уни шунчаки хушвақт қиларди, холос, башарти у Скарлеттнинг қовоғи уюлиб, жим бўлиб қоладиган даражада жаҳлини чиқарса, бу унга фақат янада кўпроқ завқ бағишларди. Бундай моҳирона тегажоғликлар гоҳида Скарлеттни шу қадар ғазаблантирардики, у ҳатто ўзини ўзи бошқаролмай қоларди – ахир, унга Эллиндан мерос ташқи қиёфанинг алдамчи назокати билан бирга отасининг ирландларга хос ўтакетган жиззаки феъл-атвори ҳам юққан эди-да. Илгарилари ғазабини ҳечам жиловлаб ўтирмасди – Эллин бор пайтларни айтмаса – ҳозир эса Реттнинг масхараомуз илжайишидан қўрққанидан тилидан чиқиб кетишга тайёр аччиққина гапларни ичига ютиш учун ўта машаққат билан бор кучини ишга солишига тўғри келарди. Қани энди у ҳеч бўлмаса бир марта уни ҳам қуюшқондан чиқишга мажбур қилганида эди, балки шунда унинг ўзидан устунлигини бу қадар чуқур ҳис қилмаган бўларди.

Навбатдаги даҳанаки жангдан кейин – Скарлетт эса бундай жангларда деярли ҳеч қачон ғолиб бўлмаган – у Ретт Батлерга ўта бадфеъллиги, тарбияси ёмонлиги, жентльмен эмаслиги ва уни бошқа кўришни истамаслигини айтарди. Бироқ маълум вақт ўтгач, у Атлантага қайтиб келар, одатдагидек Питти амманикига ташриф буюрар, ва алоҳида такаллуф билан Скарлеттга Нассаудан олиб келган шоколад қутичасини тақдим этарди. Ёки ҳаммадан бурун унинг учун мусиқа кечасида юмшоқ ўриндиқни банд

қилишга, ё бўлмаса балда рақсга таклиф қилишга улгурар, оқибатда унинг беорлик билан қилган хушомадлари Скарлеттни шу қадар хурсанд қиларди-ки, у кулиб, Реттнинг гуноҳларини кечирарди.

Гарчи ўзини тутиши ҳаддан ташқари аччиғини чиқарса ҳам, Реттнинг ташрифини у борган сари кўпроқ бетоқатлик билан кутарди. Реттда уни бошқа эркаклардан фарқлантириб турадиган нимадир бор эди: Реттнинг ҳаракатларидаги кўз илғамас назокатда унинг ўзи учун ҳам тушунарсиз жозиба ва қалбини ғалати тўлқинлантирувчи нимадир яширин эди, бўйлари баланд, елкалари кенг жусса тўсатдан эшикда пайдо бўлиб қолганида Скарлетт, гўё нимадир куйдираётгандек, бутун танаси билан унинг келганини ҳис қилар, совуқ қора кўзларининг ошкора андишасизлик билан кулимсирашида Скарлеттни беихтиёр ўзига бўйсунишга мажбур этадиган нимадир бор эди.

"Дарҳақиқат, мен уни севиб қолганман, деб ўйлашим мумкин, – ваҳимага тушиб ўйлади Скарлетт. – Аммо мен уни умуман яхши кўрмайман-ку, тушунмаяпман, менга нима бўляпти ўзи?"

Бироқ бу хавотирли, ташвишли туйғу уни тарк этмасди, Ретт Батлер ўзи билан эркак кишининг ғашга тегадиган устунлигини билдирувчи туйғуни олиб келиб, Питтипет аммадан хабар олгани киргани-да, унинг аёлларга хос батартиб, меҳрли муҳит барқарор бўлган уйи тор, эски ва бир қадар путурдан кетгандек туюларди. Скарлетт эса бу уйдаги капитан Батлернинг ташрифлари фавқулоддда таъсир кўрсатган ягона одам эмас эди, зеро, ҳар гал у пайдо бўлганида Питтипет амма ҳам қаттиқ ҳаяжонга тушарди.

Аниқки, Питтипет амма капитан Батлернинг қизи билан танишганини Эллин маъқулламаслигини ва бу одамни Чарльстондаги бирор обрўли хонадон қа-

бул қилмаганидан кўз юмиш ўтакетган енгилтаклик бўлишини жуда яхши англар, бироқ шундай бўлса ҳам унинг хушомадларини эшитганида ёхуд ўпиб қўйиши учун қўлини узатаётганида бол ҳидини сезган чивинчалик ҳам дадиллик кўрсатолмасди. Боз устига у кўпинча – ўзининг айтишича, ҳаётини хавф остига қўйиб – унга Нассаудан турли-туман совғачалар, тўғноғич ва ниналар солинган қутичалар, тугмачалар, шойи ип ғалтакчалар ва соч тўғноғичлар олиб келарди. Бу майда-чуйдалар ҳозирги кунда қарийб қўл етмас зеб-зийнатга айланганди: хонимлар сочларини пичоқда тарашлаб ясалган қўлбола тахта тўғноғичлар билан турмаклар, дуб ёнғоғидан ясалиб мато қопланган тугма тақишарди. Питтипет аммада эса бундай ҳадяларни рад этишга руҳий барқарорлик етишмасди. Бирор совға солинган қутини кўришнинг ўзиёқ унга шундай болаларча завқ бағишлардики, бу қутини очмасликка у ўзида куч тополмасди. Очиб кўргач, уни қабул қилмасликнинг иложи йўқ эди. Қабул қилгач эса, энди совға берган кишига эркак кишининг васийлигидан маҳрум уч ёлғиз аёл ҳузурига келиб туриши ножоизлигини айтишга ўзида етарлича журъат тополмасди. Бу ҳам етмагандай, ҳар гал капитан Батлер келган пайтда Питтипет амма бундай васийликка эҳтиёж сеза бошларди.

– Ҳеч тушунолмаяпман, унинг нимаси бор экан, – ноиложликдан хўрсиниб дерди у. – Лекин негадир менга, мен... тўғриси, агар у аёлларни умуман ҳурмат қилмаслигини ич-ичимдан ҳис этмаганимда, уни жуда ёқимли ва жозибали одам, деб ҳисоблаган бўлардим.

Мелани ҳайрон эди: капитан Батлер унинг никоҳ узугини қайта сотиб олганидан сўнг уни ниҳоятда назокатли ва яхши тарбия кўрган жентльмен, деб ҳисобларди. Капитан Батлер унга нисбатан доим ўта

сермулозамат эди, Мелани эса у билан хиёл тортиниб муомала қилар – чунки у болаликдан эркаклар билан муомалада жуда тортинчоқ эди; боз устига у капитан Батлерга ич-ичидан ачинар, агар бу ҳақда у билса борми, анчагина хурсанд бўларди. Мелани: унинг ёшликдаги сурурли орзу-умидлари барбод бўлган ва бу омадсизлик уни бағритош қилиб қўйган, яхши аёлнинг муҳаббати эса уни қайта ҳаётга қайтариши мумкин, дея қатъий ишонарди. Ўзининг осуда, ташвишлардан холи ҳаётида Мелани қандайдир иллатларга дучор бўлмаган, бундай иллатлар борлигига ишониши қийин эди. Ретт Батлер ва аллақандай чарльстонлик қиз ҳақида етиб келган гап-сўзлар уни хижолатга солмаслиги мумкин эмасди, аммо у бу гап-сўзларга унчалик ишонмас ва уни бу одамдан совутиш ўрнига, аксинча, фақат шунга олиб келдики, Мелани уятчанлигини енгиб ва юқори табақанинг ўтакетган ноҳақлигидан ғазаби қайнаб, капитан Батлерга янада эътиборлироқ бўла бошлади.

Скарлетт эса ичида Питти амма билан бир фикрда эди. Аёл зоти капитан Батлернинг ҳурматига сазовор эмаслигига унинг ҳам ишончи комил эди – гарчи у, эҳтимол, Меланини истисно этган бўлса-да. У Скарлеттга бошидан оёғигача синовчан назар ташлаганида Скарлетт доим ўзини яланғочдек ҳис қиларди. Эҳ, мабодо шундай пайтларда у бир оғиз гапирса борми, Скарлетт унинг жойини солиб қўйган бўларди-я. Аммо Ретт шунчаки қараб турар ва унинг ошкора беҳаё нигоҳидан аёлларни қай даражада ўзининг мулки деб ҳисоблаши ва уларнинг вазифаси, агар у истаса, албатта, унга ҳузур бағишлашдан иборат, деб ўйлаши сезилиб турарди. Фақат Меланига қараганида унинг нигоҳида бутунлай бошқа маъно акс этарди. Бу энди совуқ-синчков нигоҳ эмас, бу нигоҳда мазах яширинмаган, ва унинг Меланига

айтган гаплари бошқача жаранглар – чуқур ҳурмат, ҳатто садоқат ва ёрдам беришга интилиш сезилиб турарди.

– Нега сиз мендан кўра унга илтифотлироқсиз, шуни ҳеч тушунолмайман, – деди жаҳли чиқиб Скарлетт бир куни, Мелани ва Питтипет амма тушликдан сўнг мизғигани кетишгач, у билан ёлғиз қолганида.

У бир соат давомида Ретт Батлернинг Меланига бир калава йигирилган ипни ўрашга ёрдамлашиб қўлида ушлаб турганини кузатди, Мелани фахр ва завқ билан Эшли ҳақида, унинг юқорироқ лавозимга кўтарилгани ҳақида батафсил сўзлаётганида Реттнинг индамай одоб билан уни эшитаётганини кўрди. Скарлетт Меланининг Эшли ҳақида қувониб айтган гапларига Ретт Батлернинг мутлақо қўшилмаслигини ва Эшлининг майор унвонига сазовор бўлгани ҳам унинг учун бир пуллигини биларди. Шунга қарамай, у мулойимлик билан ниманидир маъқуллар ва Эшлининг жасорати тўғрисида жўяли мулоҳазалар билдирарди.

"Мен Эшлининг номини тилга олишим билан, – жаҳл билан ўйлади Скарлетт, – шу заҳоти қошлари чимирилади, лабларида ўша тагдор ёқимсиз илжайиш пайдо бўлади!".

– Ахир, мен ундан чиройлироқман-ку, – деди Скарлетт. – Нега энди сиз мендан кўра унга илтифотлироқсиз?

– Сиз рашк қиляпсиз, деб ғурурлансам бўладими?

– О, илтимос, буни хаёлингизга ҳам келтирманг!

– Яна битта хомхаёл барҳам топди! Модомики мен мисс Уилксга "илтифотлироқ" эканман, демак, у шунга арзийди. Мен ҳаётимда бу қадар самимий, оқ кўнгил ва беғараз кишиларни кам учратганман. Аммо сиз уни қадр-қимматига яраша баҳолай олмайдиганга ўхшайсиз. Боз устига, у ёш бўлишига қарамай, том маънода ҳақиқий аслзода леди.

– Бу билан сен аслзода леди эмассан, демоқчимисиз?

– Агар хотирам панд бермаса, дастлаб танишган чоғимиздаёқ сизни "леди" эмас, деб топгандик.

– Сиз чинданам ўта қўпол, ёмон одамсиз – нима учун сиз ўтган гапларни кавлаштиряпсиз? Сиз мени ўша болаларча қилиғим учун айблаяпсизми? Бу қачон эди, ўшандан бери мен улғайдим, агар сиз доим шама қилавермаганингизда мен бу ҳақда ҳечам эсламаган бўлардим.

– Бу шунчаки болаларча ножўя қилиқ бўлганига, сизнинг эса ўшандан буён буткул ўзгарганингизга ишонмайман. Сиз ҳозир ҳам, агар бирор нарса кўнглингизга ёқмаса, худди ўшандагидай гулдонларни отиб юборишдан тоймайсиз. Қолаверса, ҳозир сиз деярли ҳар доим ва ҳар қандай масалада ўз билганингизча иш тута оласиз. Шундай экан, антиквар буюмларни отиб синдиришга ҳожат қолмайди.

– Сиз... Биласизми, сиз кимсиз?.. Ё Худо, нима учун мен эркак бўлиб туғилмаганман-а?! Мен сизни дуэлга чақирган бўлардим ва...

– Ва пешонангиздан ўқ еган бўлардингиз. Мен эллик қадамдан ўн центли тангани ура оламан. Яхшиси, сиз ўзингизнинг синовдан ўтган қуролингиздан – табассумлар, кўз сузишлар, гулдонлар ва ҳоказолардан – қолманг.

– Сиз ўтакетган ярамас одамсиз.

– Бўлиши мумкин, сўзларингиз мени қаттиқ ғазаблантиради, деб ўйлаяпсизми? Минг афсус, ҳафсалангизни пир қиламан. Ҳамонки сизнинг ҳақоратларингиз ҳақиқатдан йироқ эмас экан, мен жаҳл қилмайман. Шубҳасиз, мен аблаҳман. Нега бундай бўлмаслиги керак? Биз озод мамлакатда яшаймиз, модомики, бундай хулқ унга маъқул экан, ҳар ким ҳам аблаҳ бўлиш ҳуқуқига эга. Ахир, виждони у қадар тоза бўлмаган сиздек риёкорларгина, азизам,

мабодо, улар ҳақида бор нарса топиб айтилса, ғазабланиб кетади.

У жилмайганча сўзларни чўзиб, хотиржам гапирар, Скарлетт эса унинг қаршисида ўзини ночор сезарди. Бу Скарлетт гапини ўтказолмайдиган ягона одам эди. Скарлеттнинг одатда қўллайдиган қуроли – нафратомуз илтифотсизлик, аччиқ киноя, ҳақоратли сўзлар – унга таъсир қилмасди. Уни хижолатга солишнинг иложи йўқ эди. Скарлетт, ҳеч ким ёлғончи-каззоб сингари ўзининг ростгўйлигига, қўрқоқ сингари – ботирлигига, одобсиз сингари – боадаблигига, разил киши сингари – виждони поклигига қизишиб ишонтиришга уринмайди, деб ҳисоблашга ўрганиб қолганди. Аммо фақат Ретт Батлер эмас. У кулиб туриб ўзининг барча нуқсонларини тан олар, унга тегажоғлик қилар ва бу билан янада очиқроқ бўлишга ундарди.

Охирги ойларда у кутилмаганда пайдо бўлар ва худди шундай тўсатдан ғойиб бўларди, жўнаб кетаётгани ҳақида хабар бериб ўтирмасди. Қандай ишлар уни Атлантага етаклаб келганини Скарлетт ҳеч қачон билмасди – ахир, камдан-кам контрабандачилар соҳилдан бу қадар узоқлашишни зарур деб биларди-да. Улар юкларини савдогарлир ва чайқовчилар тўдалашиб кутиб турган Уилмингтонга ёхуд Чарльстонга туширишарди, савдогар ва чайқовчилар Жанубнинг барча ҳудудларидан бу ердаги ким ошди бозорларига оқиб келишарди. Тўғри, мабодо Скарлетт Ретт Батлернинг бу сафарларини ўзи учун қилинган сафар, деб фараз қила олганида эди, боши осмонга етган бўларди, аммо ҳатто унга ҳам, ўзининг кибру ҳавоси ва манманлиги билан, бундай фикр ҳақиқатдан йироқ туюлган бўларди. Қанийди ҳеч бўлмаса бир мартагина унинг кўнглини овлашга уринса, ҳеч бўлмаса унинг атрофида уймалашган хушторларидан рашк қилаётганини сездирса, секин

билдирмай қўлини сиқса, ундан сурати ёки рўмолчасини эсдаликка сўрасайди, шунда у тантана қилган, ниҳоят бу эркак ҳам тўримга илинди, деб ўйлаган бўларди. Аммо Ретт Батлер унинг жодуларига буткул лоқайд, айниқса, уни ўзига бўйсундириш мақсадида ишга солаётган макр-ҳийлаларини яққол кўриб тургандек туюларди.

Ҳар гал капитан Батлер Атлантада пайдо бўлганида шаҳар аёллари ҳаяжонга тушарди. Бунинг боиси унинг қамални тап тортмай ёриб ўтишлари билан номини шон-шарафга чулғаганидагина эмас – бу номга яна қандайдир аҳмоқона ва ман этилган бир иллатнинг ёқимсиз тамғаси ҳам босилган эди. Ахир бу одам ёмонотлиқ бўлиб танилганди. Шаҳарнинг хотин-халажлари уни ғийбат қила бошласа бас, обрў-эътибори кундан-кунга тўкилиб борар, ўзи эса ёш-яланг қизчаларга борган сари жозибалироқ кўринарди. Қизчаларнинг аксарияти ҳали бокиралиги боис уларга "бу одам аёллар билан муносабатда ўта нопок эканлиги" уқтириларди, бироқ у ўзининг "нопоклигини" аслида қандай намоён этиши улар учун сирлигича қоларди. Улар яна шивирлаб айтилган мана шундай гапларни ҳам эшитишарди: "Бирорта қиз унинг ёнида ўзини хавф-хатарсиз ҳис қила олмайди". Шу билан бирга ёмонотлиқ бу одам Атлантада кўрина бошлаганидан буён бироргаям эрсиз аёлнинг қўлини ўпишга уринмаган эди. Бу эса уни янада сирлироқ ва жозибалироқ қилиб кўрсатарди, холос.

У Атлантада энг машҳур шахсга – албатта, уруш қаҳрамонларини ҳисобга олмаганда – айланиб борарди. Ичкиликбозлиги ва "аёллар билан боғлиқ алламбалолар учун" Вест-Пойнтдан уни қандай ҳайдашгани энди ҳаммага бутун тафсилотлари билан маълум эди. Ретт обрўйини тўккан чарльстонлик қиз ва унинг дуэлда отиб ташланган акаси билан

боғлиқ шармандали воқеа аллақачон барчага бирдек аён нарсага айланганди. Чарльстонлик дўстлар ва танишлардан келган хатлардан янги далиллар тўпланди: маълум бўлишича, унинг отаси, ёқимтой кекса жентльмен – темирдек мустаҳкам ва букилмас иродали инсон – уни ёши йигирмага етиб-етмай чўнтагида бир мирисиз уйдан қувиб солган ва ҳатто исмини оиланинг дуолар китобидан ўчириб ташлаган экан. Шундан сўнг, 1849 йилги олтин васвасаси даврида оқпадар фарзанд Калифорнияга йўл олган, кейин Жанубий Америка ва Кубада бўлиб, гап-сўзларга қараганда, у ерда қандайдир ўта шубҳали ишлар билан шуғулланган эмиш. Унинг ҳисобига аёллар туфайли муштлашишлар, бир неча дуэллар, Марказий Америка исёнчилари билан алоқалар ёзилган эди; аммо энг қайғули шуҳратга у Атлантада эришди, бу ерда унинг ашаддий қиморбоз экани ҳақидаги овоза тарқалганди. Бутун Жоржияда ҳеч бўлмаганда битта эркак кишиси ёхуд қариндоши мол-мулки, уйи, ери, қулларини бой бериб, гардкам ўйнамаган бирорта оилани топиш амримаҳол эди. Лекин бу бутунлай бошқа нарса. Қимор ўйнаб қашшоқ ҳолга тушиш ва жентльменлигича қолиш мумкин, профессионал қиморбоз эса – ҳар доим, ҳар қандай ҳолатда – жамиятдан четлатилган қувғиндидир.

Агар уруш барча тушунчаларни оёғини осмондан қилиб юбормаганида ва Конфедерация ҳукумати капитан Батлер хизматларига муҳтож бўлмаганида эди, Атлантадаги бирор-бир киши уни уйининг бўсағасидан ҳатлаб ўтишига йўл қўймаган бўларди. Ҳозир эса ҳатто ўтакетган қоидапараст ва тақводор кишилар ҳам сезиб турарди: модомики ватанпарвар бўлишни исташар экан, ниҳоятда сабр-тоқат кўрсатишга тўғри келади. Таъсирчанроқ кишилар эса батлерлар подасидан ажралиб чиққан тирраки бузоқ ўзининг айш-ишратда ўтган ҳаётидан уялиб, тавба

қилган ва гуноҳларини ювишга уринмоқда, деб тахмин қилишарди. Айниқса, аёллар довюрак контрабандачи ҳақидаги бу нуқтаи назарни қўллаб-қувватлашни ўзларининг бурчи деб ҳисоблашарди. Энди ҳамма тушунарди: Конфедерация тақдирини нафақат аскарлар жасорати, ҳатто контрабандачи кемаларнинг янкилар флотига чап бера олиш қобилияти ҳам ҳал қилар экан.

Капитан Батлер бутун Жанубда энг зўр лоцман – тап тортмас, довюрак, асаблари темирдан, кемаларга йўл кўрсатувчи энг яхши мутахассис деган шуҳратга сазовор эди. Чарльстонлик бўлгани учун у Чарльстон бандаргоҳининг ҳар икки тарафи бўйлаб чўзилган Каролина штати соҳилларидаги ҳар бир қўлтиқ, ҳар бир саёзлик ва ҳар бир сув ости қоясини яхши билар ва Уилмингтон бандаргоҳи сувларида ҳам ўзини уйидагидай ҳис қиларди. У бирорта кемасидан ажралмаган ва бирор марта юкларини кема бортидан ташлаб юбормаганди. Уруш бошланган кунларда у чўнтагида кичикроқ тезюрар кема сотиб олишга етадиган пул билан пайдо бўлиб қолди, ҳозир эса, контрабанда товарлари ҳар бир юкдан икки минг фоиз даромад келтираётган бир пайтда, тўртта кема капитан Батлерга тегишли эди. Унинг лоцманлари жуда моҳир эди, уларга Балер сахийлик билан ҳақ тўлар, қоронғу кечаларда улар Чарльстон ва Уилмингтон бандаргоҳларидан сирғалиб чиқиб, Нассау, Англия, Канадага пахта олиб боришарди. Англиянинг тўқимачилик фабрикалари тўхтаб қолган, ишчилар очликдан ўлишар, шимолликлар флотини чув туширишни уддалаган ҳар қандай контрабандачи Ливерпуль бозорида товарига ўзининг нарх-навосини қўйиши мумкин эди. Капитан Батлер кемаларига эса доимо омад ёр бўларди – Конфедерациядан пахта олиб чиқаётганларида ҳам, Жануб ғоятда муҳтожлик сезаётган қурол-яроғларни олиб

кираётганларида ҳам. Ўз-ўзидан аёнки, Жануб аёллари бундай довюрак эркакнинг гуноҳларини унутишлари ва кечиришлари лозим эди. У билан учрашиб қолишганида одамлар ўгирилиб қарашарди – унинг кучли таассурот қолдирадиган ташқи қиёфаси беихтиёр эътиборни тортарди. У доим энг сўнгги урфда башанг кийинар, асов қора айғир миниб юрар, пулларини ҳуда-беҳудага совурарди. Бу пайтга келиб конфедератларнинг ҳарбий мундирлари титилиб кетган, ҳатто тантанали байрамлар учун эҳтиёт қилинадиган оддий кийим-кечакларда ҳам ямоқлар ва чандиқлар кўриниб турар, капитан Батлер эса бундай вазиятда яққол кўзга ташланмаслиги мумкин эмасди. Скарлеттнинг хаёлидан бир неча марта: ҳали ҳеч кимда капитан Батлерникидек хушбичим оқ ва қора катакли оч жигарранг шим кўрмаганман, деган фикр ўтди. Унинг нимчалари ҳам беҳад чиройли эди, айниқса – оқ муҳайярга майда-майда пушти ғунчалардан нақш солиб тикилгани. У башанг кийимларни, гўё уларнинг кўркамлигини ўзи сезмагандай, бепарво назокат билан кийиб юрарди. У ўзининг жозибасини ишга солгудай бўлса, камдан-кам хонимлар ўзларини тийиб тура олишарди; шундай ҳол юз бердики, ҳатто миссис Мерриуэзер ҳам таслим бўлди! У Ретт Батлерни якшанба кунги тушликка таклиф қилди.

Мейбелл Мерриуэзер ўзининг кичкинтой зуави билан, у навбатдаги таътилга келганида, никоҳдан ўтмоқчи эди ва ҳар гал шу ҳақда ўйлаганида унинг кўзига ёш қуйилиб келар, зеро, у оппоқ атлас кўйлакдан бошқа кийимда никоҳдан ўтишни истамас, оқ атласни эса Жануб штатларининг бирор жойидан топишнинг имкони йўқ, ҳатто бирорта дугонасидан ҳам Мейбелл уни вақтинча олиб туролмас, чунки барча тўй либослари аллақачон жанговар байроқлар учун ишлатилиб юборилган эди. Уйда тикилган ни-

коҳ кўйлаги – конфедерат қайлиғи учун энг муносиб либос, деган фикрда қатъий турган миссис Мерриуэзернинг ватанпарварлик руҳидаги таънаю дашномлари беҳуда эди. Мейбелл атлас кўйлак кийишни истарди. У Ҳаққоний Иш учун – ҳатто ғурур ва иштиёқ билан – соч тўғноғичларидан ҳам, тугмаларидан ҳам, чойдан ҳам, конфетлардан ҳам воз кечишга тайёр, аммо фақат атлас кўйлакда никоҳдан ўтишни истарди.

Буни Меланидан эшитган Ретт Батлер Англиядан жуда кўп ялтироқ оқ атлас, тўрдан тўқилган никоҳ рўмоли олиб келди ва буларнинг ҳаммасини Мейбеллга тўй совғаси сифатида тақдим этди. У бу ишни шундай амалга оширдики, ҳар қандай тўлов ҳақида ҳатто оғиз очишнинг иложи қолмади. Мейбеллнинг хурсандлиги оламга сиғмас, сал бўлмаса у капитан Батлернинг юзидан ўпиб олай деди. Миссис Мерриэузер бундай қимматбаҳо нарсани совға қилиш, яна кўйлаклик мато шаклида, ҳаддан ташқари беодоблик эканини тушунар, бироқ Ретт Батлер баландпарвоз гаплар билан қаҳрамон-жангчининг қайлиғи учун дунёдаги ҳеч бир либос муносиб эмаслигига ишонтира бошлаганида, у рад этишга сўз тополмади. Шундан сўнг унинг ён бериши совға баҳосини ортиғи билан қоплайди, деб ўйлаб, совға берувчини тушликка таклиф қилди.

Капитан Батлер эса Мейбеллга нафақат кўйлаклик атлас совға қилди, яна унга никоҳ ясан-тусанлари ҳақида хийла қимматли йўл-йўриқлар ҳам берди. Маълум бўлишича, бу йилги мавсумда Парижда серҳашам кринолинлар урф бўлган, юбкалари эса калтароқ эмиш. Энди уларни бурмачалар билан безашмас экан, уларни кунгурали қилиб йиғишар, этаги остидан эса уқа билан ҳошияланган ички юбкалар кўриниб тураркан. У яна кўчаларда мутлақо панталон кўрмаганини айтиб, энди уни “кийишмас”

экан, деган хулосага келди. Кейинчалик миссис Мериуэзер миссис Элсингга: агар бу мавзуни давом эттиришга рухсат берилса, капитан Батлер парижлик аёлларнинг ич кийимлари ҳақида ҳам муфассал ахборот берарди, деганди.

Агар капитан Батлер ҳақиқий мардона ташқи қиёфага эга бўлмаганида, унинг аёллар либослари, шляпалари ва турмакларининг майда-чуйда тафсилотларигача эътибор бериш ва эслаб қолиш қобилияти эркак кишига номуносиб қилиқ сифатида қораланган бўларди. Хонимлар уни айни пайтда нима урф бўлгани ҳақидаги саволларга кўмиб ташлашганида, албатта, улар ўзларини бир оз ноқулай ҳис қилишди, лекин барибир бундан ўзларини тия олишмади. Худди ҳалокатга учраган кема денгизчилари каби улар ўзларини дунёдан – ҳеч бўлмаганда модалар дунёсидан – узилиб қолгандек ҳис қилишар, қамал оқибатида уларнинг қўлига мода журналлари камдан-кам тушарди. Агар капитан Батлер парижлик ойимчалар ҳозир сочларини қирдиришаётгани ва мўйнали қалпоқ кийишаётганини айтганида улар бу гапга ҳам ишонишарди. Капитан Батлернинг аёллар либоси билан боғлиқ турли-туман усулларга оид ажойиб хотираси улар учун бемалол "Аёллар журнали"нинг ўринини босарди. У аёл кўнгли учун беҳад қадрли тафсилотларни кўра олар ва ёдида сақлар, ҳар гал сафардан қайтганида атрофини ўраб олган хонимларга бу йил аёллар кичкина, бошнинг учида турадиган шляпачалар кийиб юришгани ва уларни гуллар билан эмас, патлар билан безашаётгани, Франция қироличаси кечаларга шиньон киймай қўйгани – сочларини юқорига тараб, қулоқларини очиқ қолдираётгани ҳамда кечки либослар ёқаси янада кўзни ўйнатадиган даражада чуқурроқ ўйилаётганини тушунтираётганини эшитиш мумкин эди.

Ой кетидан ой ўтар, капитан Батлер эса илга-

ри ёмон ном чиқарганига, у нафақат контрабанда, озиқ-овқат маҳсулотлари чайқовчилиги билан ҳам шуғулланиши ҳақидаги миш-мишларга қарамай, аввалгидек, шаҳардаги энг машҳур романтик шахслигича қолганди. Айрим бадхоҳ кишилар у ҳар гал Атлантага қайтганида озиқ-овқат маҳсулотлари нархи беш долларга қимматлашиб кетаётганини таъкидлашарди. Аммо ҳар қандай мулоҳазаю фисқу фасодларга қарши ўлароқ, агар истаса, Ретт Батлер ўзининг машҳурлигини сақлаб қола оларди. Аммо капитан ўзини шундай тутардики, гўё шаҳардаги энг мўътабар ва қаттиққўл ватанпарварларнинг эътирофини қозониб, уларнинг ҳурмати ва бир қадар эҳтиёткорона хайрихоҳликларига эришгач, сабаби ноаён руҳий зиддият боис, энди барча усуллар билан уларни ўзига қарши қўйиш ва ўзининг аввалги хулқ-атвори шунчаки комедия эканини, бу ўйин энди жонига текканини қандай бўлмасин билдириб қўйишни мақсад қилганга ўхшарди.

Жануб ва унинг тимсоли бўлган нарсалар, айниқса, Конфедерациянинг ўзи, унда фақат совуқ нафрат уйғотаётгандек туюларди ва у буни яширишга уринмасди ҳам. Унинг Конфедерация шаънига айтган фикрларини бошида бир қадар саросимага тушиб, кейин совуққонлик билан, охир-оқибат ғазаблари қайнаб эшитишарди. 1862 йил охирлаб қолган, эркаклар эса капитан Батлер билан ошкора ётсираб саломлашар ёки хайрлашар, у бирор йиғилишда кўриниб қолса, аёллар қизларини ёнларидан узоқлаштирмасликка уринарди.

Унга, афтидан, Конфедерациянинг самимий ва оташин тарафдорларининг ватанпарварлик туйғуларига қаттиқ тегишгина эмас, ҳатто ўзини-да беҳад ёқимсиз қилиб кўрсатиш ҳам ҳузур бағишларди. Ўғринча мол олиб ўтишдек хатарли ишда кўрсатган жасурлиги учун соддадиллик билан айтилган

мақтовларни эшитиб, ўта назокат билан, бизнинг олдинги қаторлардаги мард жангчиларимиз қанчалик қўрқишса, у ҳам мол олиб ўтишда улардан кам қўрқмаслигини эътироф этарди. Бундай жавоб ҳаммани қаттиқ ғазаблантирар, зеро, конфедератлар армиясида қўрқоқлар йўқ, бўлмаган ҳам... Жангчи-конфедератлар ҳақида гапираркан, уларни "бизнинг ботирлар" ёки "бизнинг кулранг мундирли қаҳрамонлар"дан бошқа сўз билан атамас ва бу ибораларга таҳқиромуз киноялы маъно беришга уринарди. Айрим уддабурон хонимчалар ноз-истиғно билан: бизни деб сиз мардларча ўзингизни хатарга қўяётганингиз учун сиздан жуда миннатдормиз дейишса, у таъзим бажо этиб, улар адашишаётганини, агар даромад келтирса, шимоллик хонимлар учун ҳам у худди шу ишни қилиши мумкинлигини таъкидларди.

Скарлетт билан суҳбатлашганида ҳам у Атланта хайрия бозоридаги биринчи учрашувларидан буён худди шундай оҳангда гапирарди, аммо энди у ким билан гаплашмасин, сўзларидан мазах қилаётгани сезилиб турарди. Конфедерацияга кўрсатаётган хизматлари учун ёғилаётган мақтовларга Ретт Батлер ҳеч иккиланмай, қамални ёриб ўтиш – бу ўзим учун ҳақиқий тадбиркорлик фаолияти, деб жавоб берарди. Агар ҳукумат пудратларида ҳам шундай яхши пул топиш мумкин бўлса, дерди у шундай пудрат олаётган кишиларга маъноли қараб, албатта, ўзимнинг хатарли машғулотимни ташлаб, Конфедерацияга сифатсиз ҳарбий кийим-кечаклар, чириган терилар, қум аралаштирилган шакар ва зах босиб ҳидланиб қолган ун етказиб берган бўлардим.

Кўпинча унинг сўзларига эътироз билдириб бўлмас ва айнан шу нарса ҳамманинг ғазабини қўзғарди. Ҳарбий таъминотлар туфайли аллақачон кичик жанжаллар юз бераётганди. Жанг майдонидан келаётган хатларда доим бир ҳафта ўтмай ишдан чиқаёт-

ган пойафзал, айилини қаттиқроқ тортса, йиртилиб кетадиган от абзаллари, ўт олмайдиган порох, сасиган гўшт ва қурт тушган ундан шикоят қилишарди. Атланта аҳолиси бундай яроқсиз молларни Алабама ёки Виргиниядан ё Теннессидан етказиб беришади, аммо фақат Жоржиядан эмас, деб ўзларини ишонтиришга уринишарди. Ахир, давлат пудратини олган кишилар Жоржиянинг энг нуфузли хонадонларидан эди-да. Госпиталлар жамғармасига, урушда яқин кишиларидан айрилганларга аямай хайр-эҳсон қилаётган ва ёрдам бераётган улар эмасми? Шундай кўтаринки руҳ билан "Дикси"ни куйлаётган ва қаҳру ғазаб отига миниб – минбардан туриб бўлса-да – янкиларнинг қонини талаб қилаётган ҳам улар эмасми? Ҳукумат пудрати ҳисобига бойлик орттираётганларга қарши нафрат тўлқини ҳали кўтарилмаган, капитан Батлернинг сўзлари эса унинг тарбиясизлиги далили сифатида қабул қилинарди, холос.

У юқори лавозимларни эгаллаб турган кишиларнинг сотқинлигига шама қилиш ва жангчиларнинг бенуқсон жасорати устидан кулиш орқали нафақат шаҳарнинг обрўйини ерга урибгина қолмай, муҳтарам фуқароларни танг аҳволга солиб қўйишдан ҳузур қиларди. Пуфакка игна санчиб олишдан ўзини тиёлмаган шўх боладек у димоғдор мунофиқлар ҳамда бақироқ сохта ватанпарварларнинг попугини пасайтириб қўйиш истагидан ўзини тиёлмасди. Уларнинг жоҳиллиги, риёкорлиги ҳамда мутаассиблигини аёвсиз фош этар ва буни суҳбатдошига мулойимлик билан, одоб доирасида, гўё самимий эътибор кўрсатаётгандек, маҳорат билан амалга оширардики, суҳбатдоши ўзига ортиқча бино қўйган маҳмадонанинг кулгили аҳволига тушиб қолмагунича унинг нимага шама қилаётганини тушунмасди.

Аммо Скарлетт шаҳар Ретт Батлердан ҳали юз ўгирмаган кунларда ҳам энди у ҳақда хом хаёлларга

берилмай қўйганди. У унинг назокатли хушмуомалалиги, боадаблиги ва тамтароқли сўзлари остидаги яширин мазахни илғарди. Скарлетт унинг ниҳоятда довюрак ватанпарвар-контрабандачи ролини ўйнашдан завқ олишини фаҳмлаб турарди. Баъзан Ретт Батлер ҳатто унга болаликдаги дўстлари, қарта ўйинларининг ашаддий ишқибози, тиниб-тинчимас эгизак Тарлтонлар, ниҳоятда топқир, турли ҳийла-найрангларга уста Фонтейнлар, навбатдаги фирибгарлик устида тун бўйи бош қотириб чиқадиган Калвертларни эслатарди. Бироқ бундай ўхшашликни тўла-тўкис деб бўлмасди: Ретт Батлернинг совуққон бепарво ниқоби остида қандайдир машъум ва ғазабнок ғараз, кўз илғамас қасоскор шафқатсизлик беркиниб ётарди. Гарчи Скарлетт унинг риёкорлигини жуда яхши билиб турса-да, барибир унга Ретт Батлер ҳарбий романтик контрабандачи қиёфасида хуш ёқарди. Ахир, бу дастлабки кезларда унинг учун жуда нохуш кечган муносабатларни анча енгиллаштирарди-да. Шу боис у бирдан ниқобини ечиб ташлаб – афтидан, атай – ихлосманд шаҳарликларни ўзига қарши қўя бошлагани унинг зардасини қайнатарди. Ғазабини келтирган сабаб шунда эдики, бу унга ахмоқлик бўлиб туюлар, қолаверса, у дучор бўлган кескин айбловлар Скарлеттга ҳам соя ташларди.

Ниҳоят Ретт Батлер ортида қолган кўприкларни ёқиб юборадиган кун келди ва аста-секин қувғинлик узил-кесил унинг тақдирига айланиши муқаррар бўлиб қолди. Бу ҳол миссис Элсингнинг уйида уюштирилган, жангчилар фойдасига ўтказилган мусиқали хайрия кечасида содир бўлди. Уй таътилга келган ҳарбийлар, милиция ва ички қўриқлаш қўшинларида хизмат қилувчилар, госпиталлардан келган ярадорлар, ёшгина қизлар, бевалар ва обрўли хонимлар

билан лиқ тўла эди. Уйда бўш стул қолмаган ва ҳатто зина ва холлда ҳам меҳмонлар уймалашиб туришарди. Элсинглар ишбошиси кўтариб турган қиррали улкан биллур товоқни икки марта кумуш тангалардан бўшатиб келишди. Бу амалга оширилаётган ишнинг муваффақятини кўрсатар, зеро, шу кунларда кумуш доллар Конфедерация кредит қоғозларининг олтмиш долларига тенг бўлиб қолганди. Озми-кўпми, мусиқий иқтидори бор ҳар битта қиз фортепьяно чалар, қўшиқ айтар, жонли ижролар эса гулдурос қарсакларга сабаб бўларди. Скарлеттнинг кайфияти аъло эди, у Мелани билан бирга нафақат таъсирчан "Ўтлоққа шудринг тушганда" дуэтини ва – томошабинлар талаби билан – анчагина шўхроқ "Эҳ, худойим, худойим, хонимлар, бу Стефан эмасди" қўшиғини ижро этди, балки охирги жонли ижрода Конфедерация руҳини гавдалантириш тағин унинг чекига тушди. Оқ докадан тикилган, белига қизил-кўк камар боғланган юнонча сипо хитонда, бир қўлида серюлдуз йўл-йўл байроқ, алабамалик капитан Кэйри Эшберннинг тиз чўкиб сажда қилаётган ҳайкали томон чўзиб турган иккинчи қўлида эса бир пайтлар Чарлзга, олдинроқ эса унинг отасига тегишли бўлган олтин эфесли қилич билан ниҳоятда жозибали кўринишини у биларди.

Парда туширилгач, у ўзини тўхтатолмай аланглаб Ретт Батлерни қидирди – бундай мафтункор, жонли кўринишда у унда қандай таассурот қолдирганини билишни истарди. Ретт Батлер баҳсга қизғин берилиб кетган, афтидан, ҳатто спектаклни кўрмаганга ўхшарди. Скарлетт атрофидаги эркакларнинг юзларидан улар Ретт Батлернинг гапларидан дарғазабликларини тушунди ва ўша томонга йўл олди. Баъзан катта йиғинларда бўлгани каби бирдан чўккан жимликда милиция офицери Уилли Гиненнинг тўғридан-тўғри берган саволини эшитди:

– Қаҳрамон жангчиларимиз жонини фидо қилаётган Иш сиз учун муқаддас ҳисобланмайди, деб тушунсак бўладими, сэр?

–Мабодо сиз эртага поезд тагига тушиб қолсангиз, бу темирйўл компаниясини авлиёю анбиёлар сирасига киритиш лозим, деган маънони билдирадими? – жуда мулойимлик билан сўради ўз навбатида Ретт Батлер, гўё чинданам бу саволга жавоб олишни истаётгандек.

– Сэр... – деди Уилли ва гапи бўлиниб қолди, – агар биз бу уйда бўлмаганимизда эди, ўшанда...

– Оқибати нима бўлиши мумкинлигини ўйлаб, қалтираб кетяпман, – деди Ретт Батлер. – Ўйлашимча, ботирлигингиз билан донг қозонгансиз, ахир.

Уилли қип-қизариб кетди, гап узилиб қолди. Ҳамма хижолатда эди. Уилли бақувват, соғлом, чақирув ёшидаги йигитлигига қарамай, фронт ортида эди. Тўғри, у оилада ягона ўғил эди, қолаверса, кимдир милицияда хизмат қилиши, штатда тартиб-интизомни қўриқлаши лозим эди-да. Шундай бўлса-да, Ретт Батлер "ботирлик" сўзини талаффуз қилганида госпиталда ётиб чиққан зобитлар орасида кулги кўтарилди.

"Вой худойим-ей! У тилини тийиб туролмайдими, а? – жаҳл билан ўйлади Скарлетт. – Ҳамманинг кайфиятини бузадими?"

Доктор Мид қошларини таҳдидли чимирди.

– Сиз учун, йигитча, ҳеч қандай муқаддас нарсанинг ўзи йўқдир, эҳтимол, – деди у нутқ ирод этаётгандек гулдураган овоз билан. – Аммо Жанубнинг садоқатли ватанпарвар йигит-қизлари учун чинакам муқаддас нарсалар бор. Бу – ўлкамизни зўравонлардан ҳимоя қилиш, бу – Жанубий штатлар ҳуқуқлари ва бу....

Ретт Батлер кўринишдан зерикаётганга ўхшарди; у майингина қилиб, қарийб тилёғламалик билан докторнинг сўзини бўлди.

– Урушлар доим уларни олиб борувчилар учун муқаддас бўлган, – деди у. – Агар уруш оловини ёққанлар уни муқаддас деб эълон қилмаса, қайси аҳмоқ уруш қилишга борарди? Аммо воизлар аҳмоқларни қирғинбарот урушга ташлаб, ўзлари қандай шиорларни айтиб қичқиришмасин, уларнинг олдига қандай олижаноб мақсадларни қўйишмасин, урушлардан кўзланган мақсад битта. Пул. Барча урушлар, моҳиятан – пул учун муштлашишдир. Фақат кўпчилик буни тушунмайди. Ҳамма карнай-сурнайлар, ноғоралар, фронт ортида ўтирган оташин нотиқларнинг баландпарвоз гаплари таъсирида кар бўлиб қолган. Баъзи пайтларда уларнинг жанговар шиорлари бундай жаранглайди; "Бизнинг Исо Масиҳнинг тобутини мажусийлардан қутқарамиз!" ёки бундай: "Йўқолсин папачилар!". Бошқа пайтда яна бошқача: "Озодлик!" ёки "Пахта, Қулдорлик ва Жануб Ҳуқуқлари!".

"Бу ерда Рим папасининг нима дахли бор? – хаёлидан ўтказди Скарлетт. – Исо Масиҳнинг тобутичи?"

Скарлетт шошиб қизишиб кетган одамлар тўдасига яқинлашди, айни шу дақиқада Ретт Батлер барчага назокат билан таъзим бажо келтириб, эшик томон юрди. Скарлетт унга етиб олмоқчи бўлганди, миссис Элсинг этагидан тортиб қолди.

– Кетаверсин, – деди у баланд овозда, унинг овози залдаги ғайритабиий сукунатда аниқ жаранглади. – Кетаверсин. У хоин ва чайқовчи! Қўйнимиздаги илон!

Қўлида шляпаси билан холлда турган Ретт Батлер очиқдан-очиқ ўзига қарата айтилган бу гапларни эшитди. У ўгирилиб залга кўз югуртирди. Нигоҳи андишасизлик билан миссис Элсингнинг текис кўксига қадалди. Бехосдан илжайди ва таъзим бажо келтириб, эшик ортида кўздан йўқолди.

Миссис Мерриуэзер Питти амманинг извошида уйга қайтаётганди, ҳали тўрттала хоним ўз жойларини эгалламасидан унинг ғазаби ташқарига тошиб чиқди.

– Хўш, Питтипет Гамильтон, энди кўнглингиз жойига тушгандир, деб умид қиламан.

– Нимани назарда тутяпсиз? – безовталик билан сўради Питти амма.

– Анави ярамас Батлернинг хулқ-атворини айтяпман. Сиз ўз уйингизда ғамхўрлик кўрсатган, сизникига мазахўрак бўлиб қолган Ретт Батлерни.

Бу айблов шу ондаёқ Питти аммани ҳаяжонга солиб, дилини сиёҳ қилиб юборди ва негадир миссис Мерриуэзернинг ўзи ҳам бир неча бор капитан Батлерни уйида қабул қилгани миясидан чиқиб кетди. Аксинча, бу ҳол Мелани ва Скарлеттнинг хаёлидан дарров ўтди, бироқ катталарга эҳтиром кўрсатиш руҳида тарбияланганлари боис улар буни эслатишдан ўзларини тийдилар ва кўзларини тиззалари устидаги тўр қўлқопли қўлларига тикиб ўтирдилар.

– У Конфедерацияни, ҳаммамизни ҳақорат қилди, – эълон қилди миссис Мерриуэзер, унинг мунчоқлар билан безалган корсажи остидаги маҳобатли кўкраги қалқиб кетди. – Бизни, пул учун жанг қиляпти, дейишга ҳадди сиғди. Доҳийларимиз бизни алдаётган эмиш! Уни қамоққа тиқиш керак. Ҳа, қамоққа. Мен бу ҳақда доктор Мид билан гаплашаман. Агар мистер Мерриуэзер тирик бўлганда унинг жиловини тортиб қўйган бўларди. Менинг сизга айтадиган гапим шуки, Питти Гамильтон, сиз бу ярамасни ортиқ уйингизга киритмаслигингиз керак!

– Ё худойим! – ноилож пўнғиллади Питти амма бутун қиёфаси билан шу ерда ўлиб қўя қолгани яхшироқ эканини кўрсатиб. У Мелани билан Скарлеттга ёлвориб қаради, аммо улар кўзларини этакларига тикиб ўтиришарди. Шунда умид билан нигоҳини

Питер амакининг тахтадек текис елкасига қаратди. Питер амаки бирорта сўзни қолдирмай эшитганига шубҳа йўқ, шу боис Питти амма Питер амаки улар томонга ўгирилиб, ҳар доимгидек вазиятни ўз қўлига олишини ва: "Қани, қани, мисс Долли, сиз энди мисс Питтини тинч қўйинг", дейишини кутарди. Лекин Питер ҳатто қилт этмади. У капитан Батлерни жуда ёмон кўрар, шўрлик Питти амма эса буни биларди. У чуқур хўрсиниб, минғирлади:

– Нима ҳам дердим, модомики сиз шундай деб ўйласангиз, Долли...

– Ҳа, мен шундай деб ўйлайман, – қатъий хулосага келди миссис Мерриуэзер. – Ҳеч тушунолмайман, нима бўлди ўзи сизларга, қанақасига уни қабул қилдингиз? Бугунги тадбирдан кейин уни бирорта хонадон остонасидан ичкари киритмайди. Сиз ўзингизни қўлга олиб, унга эшикни кўрсатиб қўйишингизга тўғри келади.

У ўткир нигоҳи билан Мелани ва Скарлеттнинг юзларига қаради.

– Умид қиламанки, менинг сўзларим сизнинг ҳам қулоғингизга етиб борди, – давом этди у. – Ахир, бу қисман сизнинг ҳам айбингиз – сизлар унга бениҳоя хушмуомала эдингиз. Унга мулойимлик билан, лекин қатъий қилиб, бундай хиёнаткорона сўзлардан кейин унинг уйингизда бўлиши ҳеч кимга ёқмаслигини айтинг.

Скарлетт аллақачон бегона қўл жиловидан тортишга уринаётган асов от каби титрарди. Аммо миссис Мерриуэзер яна Эллинга ўзи ҳақида ёзиб юборишидан қўрқиб, гап қайтаришга ботинолмади. "Эҳ сен, қари қарға! – ўйлади у ичида қайнаб-тошаётган ғазабдан юзига қон югуриб. – Сен ҳақингда ва сенинг ҳаммани бошқариш усулинг ҳақида нима деб ўйлашимни билсанг эди!".

– Бизнинг қутлуғ Ишимиз ҳақида қачондир шунақа ҳақоратли сўзлар эшитаман, деб сира ўйламагандим, – дерди миссис Мерриуэзер ғазаби қайнаб. – Конфедерацияга ишонмаган, бизнинг Ишимиз муқаддас ва адолатли эканлигига ишонмаган ҳар қандай кимсани дорга тортиш керак! Ва мен ишонаманки, азизларим, энди бу одам билан бир оғиз ҳам гаплашмайсиз. Вой худойим, сизга нима бўлди Мелли?

Оқариб кетган юзида Меллининг кўзлари жуда катта кўринарди.

– Мен у билан гаплашавераман, – дея секин гапира бошлади у. – Мен уни хафа қилмайман. Мен уни уйимизга келишини ман этмайман.

Миссис Мерриуэзер ўпкасидан шундай товуш чиқардики, худди болалар пуфагига игна тиқилгандай бўлди. Питти хола тош қотди, лўппи оғзи очилиб қолди, Питер амаки извош ўриндиғидан бурилиб Меланига тикилиб қолди.

"Нега энди шундай дейишга менинг журъатим етмади? – ҳавас билан қойил қолиб ўйлади Скарлетт. – Бу сичқонча миссис Мерриуэзерга зарба беришга қандай журъат этди?"

Меланининг қўллари қалтирарди, шундай ҳолатда ҳам у гўё шижоатидан айрилиб қоладигандек шошиб гапини давом эттирди:

– Мен уни хафа қилолмайман, чунки... Албатта, у бу гапларни эшиттириб айтмаслиги керак эди, у одамларни ҳақорат қилди, ҳаддан ташқари эҳтиётсизлик қилди... Лекин... Эшли унинг фикрларига қўшилади. Мен эса эрим қандай ўйласа, шундай ўйлайдиган одамнинг уйимга келишига қарши бўлолмайман. Бу адолатдан бўлмайди.

Ниҳоят Мерриуэзернинг тили калимага келиб шартта деди:

– Мелли Гамильтон! Бундай шармандали бўҳтон-

ни туғилганимдан буён эшитмаганман. Уилкслар оиласида қўрқоқлар бўлмаган...

– Мен Эшлини қўрқоқ, деб айтдимми? – Меланининг кўзлари чақнаб кетди. Мен, у ҳам худди капитан Батлер каби ўйлайди, фақат ўз қарашларини ўзгача тарзда баён этади, дедим. Шубҳасиз, мусиқий кечаларда булар ҳақида ҳаммага ва ҳар кимсага айтиб юрмайди. Лекин у бу гапларни менга хатида ёзиб юборган.

Скарлетт виждони бир оз қийналганини ҳис қилиб, Эшлининг хатларида Меланини бундай дейишга мажбур қилган қандай гаплар борлигини эслашга уринди, аммо ўқиган заҳотиёқ хатларнинг мазмуни унинг миясидан чиқиб кетарди. У Мелани ақлдан озибди, деб ўйлашга тайёр эди.

– Эшли менга, биз шимолликлар билан бўлган урушга аралашмаслигимиз керак эди, деб ёзганди. Бизни бу урушга сиёсатчи-сафсатабозлар тортишганини – баландпарвоз гаплар билан алдаб, хурофий қарашларимизни авж олдиришганини ёзганди, – тез-тез гапирди Мелани. – Дунёда ҳеч нарса йўққи, ҳозир бу урушда биз чекаётган машаққатларга арзиса, бу урушда жасорат ва фидокорликни эмас, нуқул разолат ва азоб-уқубатни кўряпман, деб ёзади у.

"Оҳ! – ўйлади Скарлетт. – Бу гап ўша хатда бор эди! У шуни айтмоқчи эканми?".

– Мен сизга ишонмайман, – қатъий оҳангда деди миссис Мерриуэзер. – Унинг сўзларини сиз нотўғри талқин қиляпсиз.

– Мен Эшли тўғрисида гапирганда ҳеч қачон адашмайман, – лаблари титраб турса-да, хотиржам жавоб берди Мелани. – Мен уни доим бир оғиз сўзидан тушуниб оламан. У ҳам худди капитан Батлердай ўйлайди, фақат буни унга ўхшаб кескин тарзда ифодаламайди.

– Эшлидек олижаноб инсонни ўша палид капитан Батлер билан солиштиришга уялсангиз бўларди.

Сиз, биз курашаётган Иш бир чақага арзимайди, деб ҳисоблайсиз, шекилли!

– Мен... Мен ҳали ўзимнинг ҳис-туйғуларимни англаб етганим йўқ, – иккиланиб гапирди Мелани. У ҳовуридан тушган ва энди ўзининг тутаққанидан ўзи қўрқиб қолганди. – Мен ҳам Эшли сингари бизнинг Ҳаққоний Ишимиз учун жонимни беришга тайёрман. Аммо... мен... мен, биз эркакларга ўзларича ўйлашларига халал бермаслигимиз лозим, деб ўйлайман, чунки улар биздан кўра ақллироқ.

– Умримда бундай бемаъни гапни эшитмаганман! – тўнғиллади миссис Мерриуэзер. – Отни тўхтатсанг-чи, Питер амаки, уйимдан ўтиб кетдинг!

Ортида бўлаётган суҳбатнинг бироргаям сўзини ўтказиб юбормасликка уринган Питер амаки миссис Мерриуэзернинг уйи ёнидан ўтиб кетганди, энди эса отни тисара бошлади. Миссис Мерриуэзер извошдан тушди, иссиқ бош кийимининг тасмалари кучли шамол таъсиридаги елканлар каби ҳилпирай бошлади.

– Ҳали афсусланасиз! – деди у.

Питер амаки отни жилов билан урди.

– Наҳотки сиз, ёш хонимлар, мисс Питтини бундай аҳволга солиб қўйишдан уялмадингиз, – таъна қилди у хонимларга.

– Улар мени ҳеч нарсага гирифтор қилишгани йўқ, – ҳатто хиёл ҳаяжонли ҳолатларда ҳам албатта ҳушидан кетадиган Питти амма кутилмаганда ҳаммани ҳайрон қолдириб деди. – Мелли, жонгинам, биламан, сен менинг ёнимни олмоқчи бўлдинг ва мен ниҳоят кимдир Доллининг попугини пасайтириб қўйганидан жуда хурсандман. Ҳаммага буйруқ беришга жуда ўрганиб қолганди. Сен бунга қандай ботиндинг? Лекин барибир Эшли ҳақида бундай гапларни гапиришинг жоизмиди?

– Аммо бу ҳақиқат-ку, – деди Мелли ва сассиз йиғлай бошлади. – Мен унинг шундай деб ўйлагани-

дан асло уялмайман. У бизга урушнинг кераги йўқ, деб ҳисоблайди, лекин у жанг қилаётир, балки ҳалок бўлар, бунинг учун эса ўзинг ишонган иш учун жанг қилишдан кўра кўпроқ матонат керак.

– Етар, мисс Мелли, кўчанинг ўртасида йиғламанг, – вайсади Питер амаки отни қамчилаб. – Ким билади, одамлар сиз ҳақингизда нима деб ўйлайди. Ҳозир уйга етамиз, ўша ерда йиғлаб оласиз.

Скарлетт жим эди. У ҳатто Меланининг тасалли истаб унинг кафтига қўйган қўлини қисиб ҳам қўймади. Скарлетт Эшлининг хатларини у ҳалиям ўзини севишига ишонч ҳосил қилишдек ягона мақсад билан ўқирди. Ҳозир, Меланининг гапларидан кейин, ўзи эътибор бермай кўз югуртириб чиққан жумлалар унинг учун янгича маъно касб этди. Эшлидек ҳар томонлама беназир одамнинг дунёқараши нимаси биландир анави яккамохов Ретт Батлерникига мос келишини англагач, ҳайратга тушганди. Унинг хаёлидан: "Улар иккаласи ҳам бу урушнинг ҳақиқий қимматини яхши билишади, шундай бўлса ҳам Эшли жанг қилиш ва жон беришга тайёр, Ретт эса бундай қилмайди. Демак, Ретт ақллироқ экан", деган фикр ўтди. Бундай куфрона ўйдан кейин уни бир сония қўрқув босди. "Иккиси ҳам даҳшатли ҳақиқатни кўриб туришибди, лекин Ретт бу ҳақиқатга тик қарашни афзал билади ва буни одамларга айтиш ҳамда уларни ўзига қарши қўйиш унга ёқади, Эшлига эса бу ҳақиқат азоб беради".

Бу ўй-хаёллар уни бутунлай гангитиб қўйди.

XIII боб

Миссис Мерриуэзернинг гиж-гижлаши билан доктор Мид ишга киришди, бу иш газетага хат шаклида ўз ифодасини топди. Ретт Батлернинг исми тилга олинмаган бўлса-да, нишон кимга қаратил-

гани ҳақида шубҳага ўрин қолмади. Яқинлашиб келаётган фожеанинг ижтимоий аҳамиятини илғаган муҳаррир хатни газетанинг иккинчи саҳифасига жойлаштирди, бу анчайин дадил янгилик эди, чунки газетанинг биринчи ва иккинчи саҳифалари қуллар, хачирлар, кемачилар, тобутларнинг олди-соттиси, сотиладиган ёки ижарага қўйиладиган уйлар, ошкор этилмайдиган касалликларга қарши дорилар, аборт воситалари ва йўқотилган эрлик қувватини тиклovчи воситалар ҳақидаги эълонларга ажратиларди.

Докторнинг хати олибсотарлар, қаллоблар ва давлат пудрати эгаларини шармандаю шармисор қилувчи дарғазаб овозлар хорида бошловчи вазифасини бажарди ва бутун Жануб бўйлаб таралди. Чарльстон порти амалда шимолликларнинг кичик ҳарбий кемалари – канонеркалар билан тўлиқ қамал қилинганидан сўнг, Уилмингтон портидаги – энди жанубликларнинг асосий портидаги – ишлар чиндан расво бўлди. Уилмингтонни чўнтаклари пулга тўла олибсотарлар босиб кетганди: улар кемалардаги ҳамма юкни сотиб олишар ва нархларни ошириш учун уларни яшириб қўйишарди. Нархлар эса осмонга чиқиб кетарди. Ойдан ойга товарлар камайиб, талаб ва эҳтиёжлар ортиб борар, нархлар эса кўтариларди. Фуқаролар иккидан бирини танлашга – энг зарур нарса-ашёсиз ҳам амал-тақал қилиб яшашга ёки уларни чайқов баҳосида сотиб олишга мажбур эди. Барча камбағаллар, ҳатто ўртаҳол кишилар ҳам кун ўтган сайин кўпроқ муҳтожликка дучор бўлишарди. Нарх-навонинг ортиши билан Конфедерация пуллари қадрсизланиб борарди, пул қадрининг шитоб билан пасайиб кетиши турли зеб-зийнат буюмлари ортидан ақлсизларча қувишга сабаб бўлди. Контрабандачиларга ўта муҳим ашёларни олиб келиш тайинланар, зеб-зийнат буюмлари билан савдо қилишга истисно тариқасида рухсат бериларди,

аммо ҳозир барча контрабанда кемалари Конфедерация эҳтиёжлари учун зарур молларни сиқиб чиқарган қимматбаҳо товарлар билан лиқ тўла эди. Одамлар эса савдойилардек эртага нархлар бадтар кўтарилиб кетиши, пуллар бутунлай қадрсизланишидан қўрқиб қўлларидаги нақд пуллардан қутулишга шошар ва зеб-зийнат буюмларини талаб кетарди.

Бу ҳам етмагандек, Уилмингтонни Ричмонд билан фақат битта темирйўл тармоғи боғлаб тургани, ҳаракатдаги поездлар камлиги боис, минглаб ун солинган бочкалар ва дудланган тўш банкалари оралиқдаги станцияларда қолиб, яроқсиз ҳолга келарди. Олибсотарлар эса қандайдир мўъжиза ёрдамида икки кунда вино, қаҳва ва тафталарни Уилмингтондан Ричмондга етказиб келишарди.

Илгарилари орқаворотдан шивирлаб гапириладиган гаплар энди ошкора айтиларди: Ретт Батлер ўзининг тўртта кемасидан товарни кўз кўриб, қулоқ эшитмаган нархларда сотаётганига қарамай, бошқа контрабандачиларнинг молини ҳам сотиб олиб, нархларни янада ошириш учун ушлаб турганмиш. Айтишларича, у Уилмингтондаги миллион долларли капиталга ва контрабанда юкларини бандаргоҳнинг ўзида сотиб олиш учун барпо этилган қаргоҳга эга синдикат – йирик монополистик бирлашма бошида турармиш, бу синдикатнинг Уилмингтонда ҳам, Ричмондда ҳам ўнлаб юк омборлари бор эмиш; уларнинг ҳаммаси шифтигача озиқ-овқат маҳсулотлари ва кийим-кечаклар билан тўлдирилганмиш ва бу маҳсулотлар нарх-навони янада ошириш учун бозорга чиқарилмас эмиш. Энди нафақат оддий фуқаролар, ҳатто ҳарбийлар ҳам муҳтожликни сеза бошлашди. Шу сабабли Ретт Батлер ва бошқа олибсотарларга қарши қаҳр-ғазаб кучая борди.

“Конфедерация савдо флотида хизмат қилаётган шахслар орасида довюрак ватанпарварлар, – деб ёзарди доктор ўз хатида, – Конфедерация учун ҳаёти ва мол-давлатини гаровга қўядиган холис инсонлар кўп. Уларнинг номлари Жанубликлар Ишига содиқ кишиларнинг юрагида авайлаб-асралади, ҳаётлари эвазига уларга бериладиган озгина пул мукофотини ким ҳам улардан аяйди дейсиз? Булар беғараз жентльменлар ва биз уларни ҳурмат қиламиз. Мен улар ҳақида гапирмаяпман.

Бироқ бошқа кимсалар – қамалга қарши курашувчилар ниқоби остида бойлик орттиришга интилишларини яширадиган ярамаслар бор, мен эса Ҳаққоний Иш учун курашаётган, энг адолатли уруш олиб бораётган халқимизни ўзининг адолатли қаҳр-ғазаби ва интиқомини жангчиларимиз хинин йўқлигидан ҳалок бўлаётган бир пайтда бизга атлас ва тўр олиб келаётган, қаҳрамонларимиз морфий йўқлиги сабабли оғриқ азобидан типирчилаб ётганида ўз кемаларини вино ва чой билан тўлдираётган ана шу йиртқич қузғунларнинг бошларига ёғдиришга чақираман. Мен Роберт Ли байроқлари остида жанг қилаётган аскарларимизнинг қонини сўраётган золим қонхўрлар, уларнинг шарофати билан “контрабандачи” сўзининг ўзи чинакам ватанпарвар учун бадбўй ҳид таратаётган ана шу қувғиндилар бошига лаънатлар ёғдиришга чақираман. Бизнинг йигитларимиз ҳужумга оёқяланг бораётган бир пайтда ялтираган этикларда бемалол сайр қилиб юрган бу ёлдор бўрилар орамизда юрганига қандай чидаймиз? Бизнинг аскарларимиз лагерь гулхани атрофида совуқдан титраб, ҳидланган чўчқа гўштини чайнаётган бир пайтда улар бизнинг ҳисобимизга шампань виносига тўйиб, Страсбург пирогларини тановул қилишларига бундан кейин ҳам чидайверамизми? Мен

ҳар бир ватанпарвар конфедератни уларни орамиздан ҳайдаб солишга чақираман!"

Атланта аҳли хатни ўқиди, ўз пешвосининг даъватларига қулоқ тутди ва Конфедерацияга содиқлиги туфайли Ретт Батлерни ҳайдаб чиқаришга шошилди.

Ўтган йили унга эшикларини очган хонадонлар орасида ҳозир, 1863 йили ҳам уни қабул қилаётган ягона уй мисс Питтипетнинг хонадони бўлиб қолди. Агар Мелани бўлмаганида, эҳтимол, бу уйга кириш йўли ҳам унинг учун беркилган бўларди. Унинг шаҳарда пайдо бўлгани ҳақидаги хабарни эшитган Питти амма ҳар гал ҳушдан кетарди. Ретт Батлернинг унинг уйига ташрифлари хусусида дугоналари нима дейишаётгани Питти аммага яхши маълум эди, лекин аввалгидек уни уйга киритмай қўйишга журъати етмасди. Ретт Батлер Атлантага келса бўлди, Питти амма ўзининг лўппигина оғизчасини қаттиқ қисиб, эшик олдида туриб олар ва ҳаммага эшиттириб, унинг остона ҳатлаб киришига йўл қўймаслигини айтарди. Лекин Батлер қўлида кичкина пакетча билан унинг рўпарасида пайдо бўлар ва ҳар доимгидек унинг чиройи ва жозибасини кўкларга кўтариб мақтар, бечора Питти амма эса мумдай эриб кетарди.

– Шунчаки нима қилишни ҳам билмайман, – маъюс хўрсинарди у. – У менга қараганида, мабодо мен уни уйга киритмасам, нималар қилиши мумкинлигини ўйлаб, қўрқувдан ўлиб қолай, дейман. У ҳақда шундай ваҳимали гапларни гапиришадики! Нима деб ўйлайсиз – у мени уриб юбориши мумкинми? Ёки... ёки... о, қани энди Чарли ҳаёт бўлса, Скарлетт, сиз унга энди келманг, деб айтишингиз – жуда мулойимлик билан айтишингиз керак. Вой, худойим! Тўғриси, сиз уни ҳаддан ташқари рағбатлантиряпсиз, деб ўйлайман, бутун шаҳар шу ҳақда гапи-

ряпти, агар ойингиз билиб қолса, мен ҳақимда нима деб ўйлайди? Мелли, сен унга бу қадар илтифотли бўлмаслигинг лозим. Ўзингни совуқ ва бегонадек тут, шунда у тушунади. Эҳ, Мелли, нима дейсан, балки Генрига хат ёзиб, капитан Батлер билан гаплашиб қўйишини сўрарман?

– Йўқ, мен бундай деб ўйламайман, – деди Мелани. – Мен ҳам, албатта, унга қўпол муомалада бўлмайман. Ҳамма ўзини капитан Батлер билан қўрқиб кетган товуқлардай тутяпти, деб ҳисоблайман. У ҳақда миссис Мерриуэзер ва доктор Мид айтаётган бўҳтон гапларга ишонмайман. У очликдан ўлаётган кишилардан егуликларни яширмаган, етимлар учун юз долларни менга у бермай ким берди? Ишончим комилки, унинг садоқати ва ватанпарварлиги бизникидан кам эмас, ҳужумлардан ҳимояланишга эса шунчаки ғурури йўл қўймайди. Агар жаҳлини чиқарсангиз, биласиз-ку, эркаклар нақадар қайсар бўлиб кетади.

Аммо Питти амма буни билмас, ва умуман, эркакларни яхши тушунмасди, шу боис ҳайрон бўлиб кичкинагина дўмбоқ қўлчаларини ёзди. Скарлетт эса Меланининг доим одамларнинг фақат яхши томонларини кўра олишга мойиллигига аллақачон кўникиб кетганди. Албатта, Мелани лақма, лекин бу ерда бир нарса қилишнинг иложи йўқ.

Скарлетт Ретт Батлернинг ватанпарвар эмаслигини билар, гарчи у ҳатто ўлим таҳликаси остида ҳам ҳеч қачон буни тан олмаса-да, лекин бунинг унга зиғирча қизиғи йўқ эди. Унинг учун Батлер Нассаудан олиб келган арзимас совғалар – одоб-ахлоқ қоидаларини бузмаган ҳолда қабул қилиш мумкин бўлган турли майда совғачалар қадрлироқ эди. Ахир, нарх-наволар том баравар кўтарилган бир пайтда капитан Батлерга уйларига киришни тақиқласа, шпилькаларсиз, тўғноғичларсиз, конфетларсиз қан-

дай кун кўради? Йўқ, бор жавобгарликни Питти аммага юклаш осонроқ эмасми, ахир, у нима бўлгандаям уйнинг каттаси, тақво пешвоси ва уларнинг маънавий негизлари таянчи-да. Скарлетт Ретт Батлернинг ташрифлари ва ўзи ҳақида шаҳарда гап-сўзлар урчиётганини билар, аммо у яна Атланта аҳли назарида Мелани Уилкс бегуноҳлигини ва Мелани капитан Батлерни ўз ҳимоясига олар экан, унинг ташрифларига бармоқ орасидан қарашларини ҳам биларди.

Шундай бўлса-да, агар капитан Батлер ўзининг бидъатдан иборат бўлган, жамият ақидаларига хилоф фикр-мулоҳазаларидан воз кечса, ҳаёт хийла ёқимлироқ бўларди. Ҳар гал у билан Шафтолизор кўчасини сайр қилиб юрганида, одамлар уни очиқчасига назар-писанд қилмаётганидан хижолат чекмаган бўларди.

– Ҳатто чиндан шундай ўйлаган тақдирингиздаям, буни айтишнинг нима кераги бор? – ёзғирарди Скарлетт унга. – Нимани ўйласангиз ўйлайверишингиз мумкин, фақат тилингизни тийсангиз жуда яхши бўларди.

– Сизнинг услубингиз шунақами, менинг мовий кўзли риёкорим? Эҳ, Скарлетт, Скарлетт! Сиз ўзингизни жасоратлироқ тутасиз, деб ўйлагандим. Менга ирландлар нимани ўйласалар, шуни гапирадигандек ва ҳеч нарсага эътибор бермайдигандек туюлганди. Тўғрисини айтинг-чи, ўзингизга ҳам тилингизни тийиб туриш ҳамишаям осон бўлганми?

– Ҳа...тушунарли, осон эмас, – истамайгина иқрор бўлди Скарлетт. – Улар тонгдан тунгача бизнинг Ҳаққоний Ишимиз ҳақида жаврайверишса зерикканингдан ўлиб қолишинг ҳеч гапмас. Аммо, э худойим-ей, нима учун тушунмайсиз, Ретт Батлер, агар мен буни тан олсам, одамлар мен билан гаплашмай қўяди ва мен рақс оқшомларида ҳамроҳсиз қоламан-ку!

– Аҳ, албатта, албатта. Ахир, нима бўлсаям рақс тушиш зарур-да. Илож қанча, ўзингизни тутишингизга қойилман, лекин, афсус, менга бундай иқтидор ато этилмаган. Боз устига, қулайроқ яшаш учун романтик қаҳрамон ридосини кийиб, унинг қиёфасига киролмайман. Менсиз ҳам ватанпарварлик туйғуси таъсирида охирги чақасидан ҳам айрилишига тайёр ва урушдан қашшоқ бўлиб чиқадиган аҳмоқлар етиб-ортади. Улар менинг ўзлари қаторига қўшилишимга муҳтож эмас – ватанпарварликни кучайтириш учун ҳам, қашшоқлар рўйхатини тўлдириш учун ҳам. Майли, қаҳрамонларнинг нурли чамбарини ўзлари тақиб юраверишсин. Улар бунга муносиб – бу даъфа мен батамом жиддий гапиряпман, боз устига бу нурли чамбар – бир-икки йилдан сўнг уларда қоладиган ягона нарса...

– Бугун ё эрта Англия ва Франция биз томонда туриб жанг қилиши ҳаммага аён бўлиб турганида сизнинг ҳазил маъносида ҳам бундай гапларни гапиришингиз ғирт бемаънилик, ана ўшанда...

– Э худо, Скарлетт!.. Наҳотки, сиз газета ўқиётган бўлсангиз! Беҳад ҳайратдаман. Ҳеч қачон бундай қилманг. Бу аёл ақли учун ғоят зарарли машғулот. Ахборотингиз учун айтиб қўяй, бир ой илгари мен Англияда бўлгандим. Ишонч билан айта оламанки, Англия ҳеч қачон Конфедерацияга ёрдамга келмайди. Англия ҳеч қачон урушда мағлуб томонда туриб иштирок этмайди. Шунинг учун ҳам у Англия. Боз устига Англия тахтида савлат тўкиб ўтирган бақалоқ олмон аёли тақводор зот ва у қулликни маъқулламайди. Майли, пахта йўқлигидан инглиз тўқувчилари очдан ўлса ўлар, фақат қулликни ҳимоя қилишдан худонинг ўзи асрасин. Францияга келсак, Наполеоннинг ҳозирги кундаги туссиз нусхаси французларни Мексикага жойлаштириш билан жуда банд, унинг биздан бошқа ҳам ташвиши кўп – бизнинг

бу урушга аралашиб қолганимиз унинг учун ҳатто фойдалироқ: бу уруш бизга француз аскарларини Мексикадан қувиб юборишимизга халақит беради... Йўқ, Скарлетт, ташқи ёрдамга умид боғлаш – бу жанубликлар руҳини кўтариш учун атай ўйлаб топилган газетабоп уйдирмалар. Конфедерация ҳалокатга маҳкум. У ҳозир туя сингари ўркачи ҳисобига яшаяпти, аммо бу умрбод давом этиши мумкин эмас. Мен яна ярим йилча қамални ёриб ўтишга ҳаракат қиламан, кейин эса панага чекинаман. Узоқ вақт таваккал қилиб бўлмайди. Кемаларимни менинг ўрнимга ишни ўз бўйнига оладиган бирорта лақма-инглизга сотаман. Нима бўлгандаям, бу мени унчалик ташвишга солмайди. Инглиз банкларида менинг етарлича пулим ва олтиним бор. Яроқсиз қоғозларни ушлаб ўтирмайман.

Ҳар доимгидек, бу гап жуда ишончли янгради. Бошқалар унинг гапларини эшитса, бу хоинлик, дейишлари мумкин эди, бироқ Скарлетт улардаги ҳақиқат ва оқилликни фаҳмлади. Шу билан бирга, у Батлердан қаттиқ ранжимоғи ва норози бўлмоғи ножоиз эканини англади. Лекин у аслида бу нарсаларни ҳис этмас, бироқ ўзини салобатлироқ ва ҳақиқий ледидек тутиши учун муғомбирлик қилиши мумкин эди.

– Мен, капитан Батлер, доктор Мид сизга нисбатан ҳақ эди, деб ўйлашга мойилман. Ўзингизни оқлашнинг ягона йўли – бу кемаларингизни сотиб, дарҳол армияга ёлланишингиздир. Сиз Вест-Пойнтда бўлгансиз ва...

– Сиз янги аскарларни ёллаётган баптистлар тарғиботчисидек гапиряпсиз. Агар мен ўзимни оқлашга уринмаган бўлсам-чи? Мени қувғин қилган ижтимоий тузумни сақлаб қолиш учун жанг қилишимда қандай маъно бор? Унинг барбод бўлаётганини кўриш менга ҳузур бағишлайди.

– Бу қандай тузумлигини тушунмайман – нима ҳақда гапиряпсиз? – деди Скарлетт кескин.

– Ҳали шунақами? Худди мен бир замонлар бу тузумнинг бир бўлаги бўлганим каби – сиз ҳам унинг бир бўлагисиз-ку, ахир, гаров ўйнашим мумкин, у менга қанчалик ёқмаса, сизга ҳам шунчалик ёқмайди. Нима сабабдан мен ўз оиламда ярамас одамга чиқарилдим? Бирдан-бир сабаб туфайли: мен Чарльстон қоидаларига риоя қилишни истамадим ва бўйсуниб яшай олмадим. Чарльстон эса – Жанубнинг тимсоли, унинг қаймоғи. Сиз, ишончим комилки, бунинг нақадар оғир қайғу эканлигини ҳали англаб етмагансиз. Сиздан минглаб аллақандай кераксиз ишларни бажаришни талаб этишади, чунки доим шундай қилиб келинган. Айнан шу сабабга кўра минглаб безарар нарсаларни амалга оширишга мутлақо ижозат берилмайди. Шу туфайли қанча-қанча бемаъниликлар содир бўлмоқда! Эшитган бўлсангиз керак, аллақандай бир қизга уйланишдан бош тортганим уларнинг сабр косасини тўлдирган сўнгги томчи бўлди. Нега энди мен тақдир тақозоси билан у қизни кеч кирмасдан уйига олиб бориб қўёлмаганим учун ўша эси паст аҳмоққа уйланишим керак экан? Модомики унинг қутуриб кетган акасидан кўра бехато отар эканман, нега энди у мени отиб ташлашига йўл қўйиб беришим керак? Албатта, ҳақиқий жентльмен ўзини илма-тешик қилиб ташлашларига изн берган ва бу билан Батлерлар шажараси туғросидаги доғни ювган бўларди. Лекин мен... мен тирик қолишни афзал кўрдим. Шундай қилиб, мен тирикман ва бундан жуда мамнунман... Катта иззат-ҳурматга сазовор бўлган чарльстонлик бефаҳмлар орасида яшайдиган ва уларни ортиқ даражада эъзозлайдиган укам ҳақида ўйласам, унинг хомсемиз хотинини эсласам, унинг авлиё Цецилия кунида берадиган доимий балларини ва унинг бепоён шолизор далаларини эсла-

сам, ҳаммасидан бир умрга воз кечганимдан мамнун бўламан. Бизнинг Жанубнинг яшаш тарзи, Скарлетт, ўрта асрлар феодал тузуми давридаги каби анахронизм – эскилик сарқитларидан иборат. Бу тузум шу қадар узоқ яшаб қолганига ҳайрон қолса арзийди. У ҳалокатга маҳкум ва айни пайтда унинг умри тугаб боряпти. Мени биз адолатли ва муқаддас ишни ҳимоя қилаётганимизга ишонтираётган доктор Мидга ўхшаш қизилгапчиларга қулоқ тутишимни истайсизми! Сиз менинг дўмбира садолари остида қаттиқ жазавага тушиб, қўлимга пилта милтиқ олиб, жонимни фидо қилиш учун Виргинияга қараб югуриб кетишимни истайсизми? Мени шу қадар телба деб ҳисоблашингизга нима асос бўлади? Мен ўзимни қамчилаган қамчини ялайдиганлардан эмасман. Энди Жануб билан менинг орамиз очиқ. Қачонлардир Жануб менга очдан ўлиш имконини яратиб, ўз мулклари чегарасидан ҳайдаб чиқарди. Лекин мен ўлмадим ва Жанубнинг ўлимолди талвасаси ҳисобига шу қадар кўп пул орттирдимки, бу мен учун авлоддан-авлодга бериладиган ҳуқуқимни йўқотганим ўрнига етарлича мукофот бўлди.

– Сиз манфаатпараст ва қабиҳ одамсиз, – деди Скарлетт, бироқ у қадар қизишмади. Гап тўғридан-тўғри унинг шахсига тегишли бўлмагани боис Ретт Батлер айтган гапларнинг аксарияти ҳар доимгидек у қулоғидан кириб, бу қулоғидан чиқиб кетди, лекин шундай бўлса-да унинг гапларидаги баъзи нарсалар маънилидек туюлди. Чиндан ҳам, зодагонлар доирасида одамларга жуда кўп аҳмоқона талаблар қўйилади. Мана, масалан, у нимагадир ўз юрагини эри билан бирга қабрга кўмгандек – гарчи мутлақо бундай бўлмаса-да – кўрсатиши лозим. Хайрия балида унинг бирдан рақс тушгиси келганида ҳамма хижолатда қолганди! Мабодо у бошқалардан сал бошқачароқ гапирса ёки иш қилса, улар ёқтир-

май қошларини шундай ёқимсиз чимиришадики! Шунга қарамай, ғазабини қайнатган айнан ўша урф-одатларни Ретт мазах қила бошласа, бу унинг жаҳлини қўзғарди. Назокатли сохтакорликка ўргатилган кишилар орасида у жуда узоқ яшади, шу боис кимдир унинг фикрларини сўзда ифодаласа кўнгли ғаш бўларди.

– Манфаатпараст? Э, йўқ – шунчаки узоқни кўра билувчи... Қолаверса, эҳтимол, бу деярли бир нарсанинг ўзи. Нима бўлганда ҳам, мендек мулоҳаза юрита олмайдиган одамлар буни шундай аташса керак. Олтмиш биринчи йили минг доллар нақд пули бўлган ҳар қандай садоқатли конфедерат бемалол мен қилган ишни қилган бўларди, аммо берилган имкониятдан фойдаланиб қолиш учун ҳамма ҳам етарли даражада манфаатпараст эмас. Мана, масалан: Самтер форти қулаган заҳоти, ҳали қамал бошланмасидан, энг паст нархларда бир неча минг той пахта сотиб олиб, Англияга жўнатдим. Улар ҳалиям у ерда – Ливерпуль пакгаузларида турибди. Мен уларни сотганим йўқ. Уларни Англия фабрикаларига пахта зарур бўлганида мен қўйган нархда сотиб олмагунларича ушлаб тураман. Агар бир фунт пахта учун бир доллар ололсам, ҳечам ҳайрон бўлмасдим.

– Туянинг думи ерга текканда оласиз.

– Ишонаманки, албатта оламан. Бир фунт пахта аллақачон етмиш икки центдан кетяпти. Уруш тугаганидан сўнг мен бадавлат кишига айланаман. Чунки, Скарлетт, мен узоқни кўра оламан – узр, манфаатпарастман. Мен сизга икки вазиятда пул қилиш мумкинлигини айтгандай бўлувдим: янги давлат барпо этилаётганида ва у қулаётганида. Барпо этилаётганида секинроқ, қулаётганида тезроқ. Буни ёдда тутинг. Балки бир кун асқотиб қолар.

– Қимматли маслаҳатингиз учун сиздан жуда миннатдорман, – деди Скарлетт сўзларига иложи

борича аччиқ истеҳзо жойлаб. – Лекин маслаҳатингизга зор эмасман. Нима, менинг отам қашшоқми? Унинг пули менга керагидан анча ортиқ, бунинг устига Чарли менга мерос қолдирган.

– Француз аслзода аёллари ҳам, уларни ўсал қилишмагунича, худди сиз каби мулоҳаза юритишган, деб қўрқаман.

Бир эмас, бир неча марта Ретт Батлер Скарлеттга, модомики, у аслзодаларнинг ўйин-кулгиларида иштирок этаётган экан, мотам либоси кўзга жуда бемаъни кўринаётганини айтганди. Реттга ёрқин ранглар ёқар, унинг қора кўйлаклари ва бошидан товонигача тушиб турадиган қора крепи Реттнинг асабига тегар ва кулгиси қистарди. Лекин Скарлетт ўжарлик билан ўзининг тунд қора кўйлаклари ва юзидаги тўрпардасини ташламас, чунки мотам либосини белгиланган вақтидан олдин ечса, ўзини баттар гап-сўзга қолдиришини тушунарди. Онасига-чи, онасига у буни қандай тушунтиради?

Ретт Батлер қора тўр парда уни қорақарғага ўхшатиб қўйганини, қора кўйлаклари эса ўн йилга қари кўрсатишини очиқ айтди. Бу қадар қўпол даъво уни дарҳол ойнага қарашга мажбур қилди. У чиндан ҳам ўн саккиз ёшида йигирма саккиз ёшга киргандай кўринди.

– Иззат-нафсингиз шунчалик паст, миссис Мерриуэзерга ўхшашни хоҳлайсиз, деб ўйламовдим! – деди Батлер унинг жиғига тегишга уриниб. – Бу ёқимсиз тўрпарда билан ўзингиз мутлақо ҳис қилмайдиган қайғунгизни намойиш этиш учун дидингиз бунчалик паст бўлмаса. Гаров боғлашни таклиф этаман. Икки ойдан сўнг мен бошингиздан бу тумоғингизни ва мана бу крепни ечиб оламан ва унга Париж чеварларининг либосини кийдириб қўяман.

– Яна нима? Йўқ, йўқ, бу ҳақда гапиришни бас қилинг, – деди Скарлетт унинг Чарлз ҳақидаги киноя-

ларидан ранжиб. Уилмингтонга, у ёқдан – Европага отланаётган Ретт Батлер эса кулимсираб қўйдию кетди.

Ниҳоят бир неча ҳафтадан сўнг, ёзнинг очиқ кунларининг бирида, эрталаб у яна қўлида гулдор шляпа қутиси билан пайдо бўлди ва уйда Скарлеттдан бўлак ҳеч ким йўқлигига ишонч ҳосил қилгач, унинг олдида қутичани очди. У ерда папирус қоғозига ўралган шляпача бор эди, уни кўриб Скарлетт:

– Вой худойим, қандай чиройли! – дея қичқириб юборди ва уни чангаллаб қутидан олди.

У кўпдан бери янги кийим кўрмаган, айниқса, қўлига ушламаган, янги нарсаларни шу қадар соғиниб қолгандики, бу шляпача унга дунёдаги энг чиройлиси бўлиб кўринди. У тўқ яшил тафтадан, оч яшил муҳайяр сирилган ва кафт кенглигидаги худди шундай оч-яшил тасмалар билан ияк остидан боғлаб қўйиларди. Бу мода асарининг соябони теграсига жимжимадор қилиб яшил туяқуш патлари териб чиқилганди.

– Уни кийинг-чи! – деди кулиб Ретт Батлер. Скарлетт ойнага югурди, шляпачани кийди, сочларини сирғалари кўринадиган қилиб йиғди ва ияги тагидан тасмаларни боғлаб қўйди.

– Ярашдими? – хитоб қилди у ёқдан бу ёққа бурилиб, бошини шаҳд билан силкиганида шляпачанинг патлари ҳилпираб кетди. Қолаверса, Реттнинг кўзидаги таҳсин ифодасини ўқимасидан олдин у ўзининг жуда латофатли кўринаётганини билиб турарди. У чиндан ҳам гўзал эди, патлар ва ленталарнинг яшил тусли жилвалари таъсирида кўзлари бир жуфт зумраддек чарақларди.

– О, Ретт? Бу кимнинг шляпачаси? Мен уни сотиб оламан. Мен унинг учун ҳозир қўлимдаги бор пулимни бераман. Охирги тийинигача.

– Бу шляпача сизники, – деди Ретт. – Сиздан бошқа яна қайси аёл бу яшил рангларни ёқтириши мумкин. Кўзларингизнинг рангини жуда яхши эслаб қолгандай туюлмаяпманми?

– Наҳотки сиз мен учун бунга буюртма бердингиз?

– Ҳа, сиз қутича устидаги ёзувни ўқишингиз мумкин: "Рю де ла Пэ" – агар бу сиз учун бирор маънони англатса.

Бу Париждаги энг қимматбаҳо моллар сотиладиган дўконлар жойлашган кўчанинг номи эди. Бироқ бу атама унга ҳеч нарсани англатмас, у ойна олдида турар ва ўз аксига қараб жилмаярди. Бу лаҳзаларда у ўтган икки йил мобайнида кийишга мушарраф бўлган бу шляпачада ўзининг беқиёс гўзал эканини ҳис этишдан бўлак ҳеч нарса мавжуд эмасди. Оҳ, бу шляпачани кийиб у қандай мўъжизалар кўрсатиши мумкин! Бехосдан унинг юзидаги табассум сўнди.

– Ростданам сизга ёқмаяптими? О, шубҳасиз, бу шляпа эмас, афсона... Бироқ бу бебаҳо буюмни қора креп билан ўраш, патларини қора рангга бўяш – бу ҳақда ўйлашнинг ўзи даҳшат!

Ретт тез юриб унинг ёнига келди, чаққон бармоқлари дарҳол унинг ияклари остидаги бантни ечди; мана энди шляпача яна қоғоз қутидан жой олди.

– Нима қиляпсиз? У меники эканлигини айтгандингиз!

– Агар сиз уни бевалик қалпоғига айлантирмоқчи бўлсангиз, сизники бўлмайди. Мен унинг учун дидимни баҳолай оладиган бошқа бир зангори кўзли мафтункор ледини топишга уриниб кўраман.

– Сиз бундай қилмайсиз! Агар уни мендан олиб қўйсангиз, ўлиб қоламан! О, Ретт, илтимос, бу қадар разил бўлманг! Шляпачани менга беринг.

– Сиз уни худди бошқа бош кийимларингиздай хунук нарсага айлантириб қўйишингиз учунми? Йўқ.

Скарлетт қутичага ёпишди. Унга ўзини юз чандон ёшроқ ва жозибалироқ кўрсатган бу мўъжизани қандайдир ўзга бир аёлга бериб юборишларига йўл қўйиши мумкинми? Э, йўқ, ҳеч қачон. Бир лаҳза Питти амма ва Мелани уни кўриб қандай даҳшатга тушишларини хаёлидан ўтказди. Кейин эса Эллин ҳақида ўйлади ва танасида титроқ турди. Бироқ манманлик ғолиб келди.

– Уни ўзгартирмайман. Сўз бераман. Қани, беринг, ахир!

Реттнинг лабларида истеҳзоли табассум ўйнади. Ретт қутини унга узатди ва Скарлеттнинг шляпачани яна кийиб, ўзига оро бераётганини тамоша қилиб турди.

– У қанча туради? – тўсатдан сўради у юзи яна тундлашиб. – Ҳозир менда фақат эллик доллар бор, лекин келаси ойда...

– Конфедерация пулига ҳисоблаганда икки минг долларга яқин турса керак, – деди Ретт Батлер ва унинг таъби хира бўлганини кўриб ёйилиб илжайди.

– Шунчалик қимматми?.. Аммо ҳозир мен сизга эллик доллар берсам, кейин эса пул олганимда...

– Менга сизнинг пулларингиз керакмас, – деди у. – Бу совға.

Скарлетт саросимага тушди. Эркак кишидан совға олишга доир рухсат этилган ва рухсат этилмаган нарсаларни белгилайдиган чегара жуда пухта ва аниқ чизиб қўйилган эди.

– "Фақат конфетлар ва гуллар, азизам, – кўп уқтирарди Эллин. – Хўп, яна баъзан шеърий китоб ёки альбом, ё кичкина шишачада атир олиш мумкиндир. Ҳақиқий леди жентльмендан олиши мумкин бўлган нарсалар шулар. Ҳеч қандай қимматбаҳо совға олиш мумкин эмас, ҳатто қайлиғингдан ҳам. Зинҳор

зеб-зийнатлар ёки аёллар буюмларини – ҳатто қўлқоп ҳам, рўмол ҳам – олиш мумкин эмас. Атиги бир марта бундай совға олсанг ҳам, тамом, эркаклар сенинг леди эмаслигингни билиб қолишади ва сенга бетакаллуф муомала қилишни бошлашади".

"Вой худойим! – ўйлади Скарлетт ҳали ойнадаги ўз аксига, ҳали Ретт Батлернинг ҳеч нарсани англатмайдиган писмиқ чеҳрасига қараб. – Ундан совға ололмаслигимни айтсаммикан? Йўқ, бундай қилолмайман. Бу шляпача эмас, мўъжиза! Ундан кўра, яхшиси, майли, яхшиси, ўзига эркинликни эп кўра қолсин... Аллақандай майда-чуйдаларини, албатта." Ўз хаёлларидан даҳшатга тушган Скарлетт қип-қизариб кетди.

– Мен... мен сизга эллик доллар бераман...

– Беринг – мен уни ариққа ташлайман. Йўқ, яхшиси, сизнинг виждонингизни қутқариш учун дуо ўқишга буюртма бераман. Шубҳасиз, ўқитилган дуолар виждонингизга зиён етказмайди.

Скарлетт беихтиёр кулиб юборди. Шляпачанинг яшил соябони остидан кулиб турган чеҳранинг ойнадаги акси унинг учун ҳамма нарсани ҳал қилди.

– Сиз мендан нимага эришишмоқчи бўляпсиз?

– Сизнинг ҳаёт ҳақидаги болаларча тасаввурингиз миянгизни тарк этишини истайман, сиз менинг қўлимда мумга айланишингиз учун сизни совғалар билан йўлдан урмоқчиман, – деди у. – "Сиз жентльменлардан конфет ва гуллардан бошқа ҳеч нарса олмаслигингиз лозим, азизам", – масхараомуз тақлид қилди у тақво пешвоси – дуэньяни кўз олдига келтириб, Скарлетт эса беихтиёр кулиб юборди.

– Сиз айёр, доғули, пасткаш одамсиз, Ретт Батлер, Сиз бу шляпанинг ниҳоятда чиройлилигини, уни рад этишнинг иложи йўқлигини жуда яхши биласиз.

Ретт унга ошкора ҳавас билан қарар, аммо нигоҳида ҳар доимгидек истеҳзоли ифода бор эди.

– Агар сиз менга бир бўлак тафта, яшил шоҳи ҳамда шляпачанинг андазасини берганингиз, мен эса сиздан бунинг учун эллик доллар олганимни мисс Питтига айтсангиз нима қилади?

– Йўқ. Мен юз доллар дейман, бу хабар бутун шаҳарга тарқалади, ҳамма ҳасаддан кўкариб кетади ва мени исрофгарчиликда айблай бошлайди. Лекин, Ретт, сиз менга бундай қимматбаҳо ҳадялар олиб келмаслигингиз керак. Сиз жуда саховатлисиз, фақат мен, тўғриси, сиздан энди ҳеч нарса олмаслигим керак.

– Ростданми? Унда гап бундай: модомики, сизга янада кўпроқ мафтункорлик бахш этадиган бирор нарсага кўзим тушсаю, бу менга ҳузур бағишласа, демак, мен сизга совға-салом олиб келавераман. Сизга шу шляпачага мос тўқ яшил муҳайрдан кўйлаклик олиб келаман. Яна сизни огоҳлантириб қўяй – мен асло сиз ўйлаганчалик сахий эмасман. Мен сизни шляпачалар ва турли бўлмағур нарсалар билан йўлдан ураман ва жарга итараман. Унутмасликка ҳаракат қилинг: мен ҳеч қачон мақсадсиз иш қилмайман ва доим эвазига бирор нарса олишни кўзлайман. Ва доим истаганимни оламан.

Унинг қоп-қора кўзлари Скарлеттнинг юзига, лабларига қадалганди. Скарлетт ерга қаради, унинг иситмаси чиқиб кетди. Ҳозир у, Эллин огоҳлантирганидек, ўзига эрк бериб юборади. Ҳозир Ретт уни ўпади, яъни ўпишга уринади, у эса саросимага тушганидан нима қилиш кераклигини ҳали билмасди. Агар у Реттнинг бундай қилишига йўл қўймаса, бошидан шляпачани юлиб олиб, бошқа бир қизга совға қилиши мумкин! Мабодо у юзидан бир бора безарар бўса олишига изн берса, унда Ретт, эҳтимол, яна бўса олиш умидида унга қанақадир чиройли ҳадялар олиб келса керак. Таажжубки, эркаклар негадир бўсаларга жиддий аҳамият берадилар, севиб

қоладилар ва мабодо ақл билан иш тутиб, бошқа бирор нарса қилишга изн бермасангиз, шунақа ҳунарлар кўрсатишадики, уларга қараб мазза қиласиз. Ретт Батлерни ўз оёқлари остида кўриш, унинг дил изҳорларини эшитиш, бўса ҳадя қилишини, табассум ҳадя қилишини сўраб ёлворишларини эшитиш... Оҳ, ҳа, Скарлетт унга бўса ҳадя қилади.

Аммо Ретт ундан бўса олишга уринмади ҳам. Скарлетт унга кўз остидан секин қараб қўйди ва унинг кўнглини кўтариш ниятида гап қотди:

– Демак, сиз доим истаганингизни оларкансиз-да? Хўш, мендан нима олишни умид қиляпсиз?

– Кўрамиз.

– Лекин, мабодо сиз шляпачанинг қарзини узиш учун менга турмушга чиқади, деб ўйлаётган бўлсангиз, умид қилманг, – дадиллик билан деди у ва туякуш патларини силкитганча кибру ҳаво билан бошини кўтарди.

Ретт қорамтир мўйловлари остидаги оппоқ тишларини ялтиратиб ёйилиб жилмайди.

– Хоним, ўзингизга бино қўйяпсиз. Мен сизга уйланишни истамайман, бошқа бирортасига ҳам. Мен уйланадиганлар сирасидан эмасман.

– Эҳ, ҳали шунақами! – хитоб қилди Скарлетт, демак, энди Ретт, албатта, ўзига эрк бера бошлайди, деб ўйлаганидан тамоман ташвишга тушиб. – Аммо мени ўпишингизга ҳам йўл қўймайман.

– Унда нега лабингизни кулгили тарзда чўччайтиряпсиз?

– О, – хитоб қилди Скарлетт беихтиёр ойнага қараб ва лаблари чинданам худди ўпишишга чоғлангандай йиғилган ҳолатдалигини кўриб. – О! – такрорлади у ва ўзини йўқотиб оёқларини тапиллатди. – Сиз жуда бераҳм одамсиз. Сиз – разилсиз! Сиз дунёдаги энг ёқимсиз одамсиз, мен эса сизни бошқа кўришни ҳам истамайман!

– Агар бу ростданам шундай бўлса, сиз, аввало бу шляпачани тепкилаб ташлашингиз лозим бўлади. Ўҳ-ў, қандай ғазабланиб кетдингиз! Дарвоқе, бу сизга жуда ярашади, эҳтимол, бу ҳақда ўзингиз ҳам билсангиз керак. Қани, Скарлетт, шляпачани тепкиланг – мен ҳақимда ва совғаларим ҳақида нималарни ўйлаётганингизни кўрсатинг.

– Қани шляпачага қўл теккизиб кўринг-чи! – хитоб қилди Скарлетт. У иккала қўли билан бантга маҳкам ёпишди ва бир қадам ортга чекинди.

Ретт Батлер секингина кулиб унга яқинлашди ва икки қўлидан тутиб уларни қисди.

– Оҳ, Скарлетт, ҳалиям жуда-жуда ёш боласиз, бу менинг юрак-бағримни шу қадар эзадики, – деди у. – Модомики сиз, ҳойнаҳой, шуни кутаётган экансиз, мен сизни ўпаман. – У эгилди ва Скарлетт ёноғига унинг мўйловлари енгилгина тегиб кетганини ҳис қилди. – Одоб-ахлоқ қоидаларини бузмаслик учун юзимга тарсаки тортишингиз керакдай туюлмаяптими сизга?

Скарлеттнинг лабларидан ғазабнок сўзлар учиб чиқишга тайёр эди, бироқ Реттга нигоҳи тушгач унинг қора кўзлари тубида шу қадар қувноқ учқунларни кўрдики, беихтиёр хандон отиб кулиб юборди. Бу қандай бадфеъл одам ўзи – нима учун доим унинг жиғига тегади? Модомики унга уйланмоқчи эмас экан, ҳатто ўпгиси ҳам келмаётган экан, Скарлеттдан нима истайди? Агар уни севиб қолмаган бўлса, унда нима мақсадда тез-тез келиб туради ва унга совғалар олиб келади?

– Шуниси яхши, – деди у. – Мен сизга ёмон таъсир қиляпман, Скарлетт, агар сизда озгина эҳтиётсизлик, мулоҳазасизлик бўлганида эди, ҳозир мени эшикдан ташқарига қувиб солган бўлардингиз... Агар эпласангиз, албатта. Мендан қутулиш унчалик осон эмас. Мен сизга зиён келтираман.

– Зиён?

– Кўрмаяпсизми, ахир? Хайрия бозорида кўришганимиздан буён сиз ўзингизни жуда ёмон тутяпсиз ва бу, асосан, менинг айбим билан. Ким сизни авраб рақс тушишга ундади? Бизнинг шарафли муқаддас Ишимиз мутлақо шарафли ва муқаддас эмаслигини тан олишга ким сизни мажбур қилди? Баландпарвоз гаплар ортидан эргашиб, ўлимга тик бориш учун аҳмоқ бўлиш кераклигини тан олишингиз учун ким сизни тўрга илинтирди? Ким сизни вақтидан бир неча йил илгари мотам либосини ечиб ташлашга ундаяпти? Ва ниҳоят, ким сизни бирорта ҳам леди леди деб аталиш ҳуқуқидан маҳрум бўлмай туриб қабул қила олмайдиган совғани қабул қилишга мойил қилди?

– Хурсанд бўлманг, капитан Батлер. Мен ҳеч қанақа уят иш қилганим йўқ, агар қилган бўлсам ҳам сизнинг ёрдамингизсиз қилганман.

– Ишонмайман, – деди у ва юзи бирдан қатъий ва тунд тус олди. – Сиз шу кунгача ҳам Чарлз Гамильтоннинг ғамдан адо бўлган беваси бўлиб қолардингиз ва ҳамма сизнинг ярадорларга кўрсатган фидойиларча ғамхўрликларингизни кўкларга кўтариб мақтаган бўларди. Қолаверса, алалоқибат...

Лекин энди унинг гаплари Скарлеттнинг қулоғига кирмасди: у кўзгу олдида турар ва завқ билан ўзини томоша қиларкан, шляпачани бугуноқ тушдан сўнг госпиталга, соғаяётган зобитларга гул олиб бораётганида кийишга қарор қилди.

Реттнинг сўзларида яширинган ҳақиқат унинг онгига етиб бормади. Ретт Батлер уни бевалик кишанларидан суғуриб олгани, у туфайли Скарлетт ўзи учун бу овунчоқлар аллақачон ортда қолиши лозим бўлган бир пайтда яна турмуш қурмаган қизлар орасида ҳаммадан устун бўлиш имконини берган озодликка эришгани ҳақида ўйлаб ҳам ўтирмасди.

У яна Реттнинг таъсирида Эллин ўзига ўргатган нарсалардан тобора узоқлашиб бораётганини ҳам сезмасди. Ахир, ўзгаришлар секин-секин юз бераётган эди-да. Ҳали у, ҳали бу кичкина расм-русумларга аҳамият бермаган Скарлетт бу ишлари ўртасидаги боғлиқликни сезмас, устига-устак бу нарсалар нимаси биландир Ретт Батлерга алоқадорлиги хаёлига ҳам келмасди. У ҳатто Реттнинг даъватлари билан Эллин қўйган ўта қаттиқ тақиқларга қарши бораётгани, беодоблик қилаётгани, ҳақиқий ледига хос жиддий одоб-ахлоқ қоидаларини унутаётганини англаёлмасди.

У фақат дунёдаги ҳеч қайси шляпа бу шляпача сингари унга ярашмаслигини, бунинг учун бир цент ҳам сарфламаганини ва, эҳтимолки, Ретт Батлер буни тан олишни истамаса ҳам, барибир уни севиб қолган бўлиши мумкинлигини англарди, холос. Ва шу заҳоти уни иқрор қилдириш йўлини топишга қарор қилди.

Эртаси куни Скарлетт, қўлида тароқ, тишида тўғноғичлар билан кўзгу олдида туриб, сочини ҳозиргина Ринчмонддан, эрининг олдидан қайтиб келган Мейбелл айтганидай пойтахтдаги сўнгги антиқа модада турмаклашга уринарди. Турмак "Каламушлар, сичқонлар ва мушуклар" деб аталар ва уни ўзлаштириш жуда қийин эди. Сочлар тўғри фарқ билан ажратилар ва фарқнинг икки томонига ҳар хил катталикдаги соч толимлари уч қатордан ётқизиб турмакланарди. Энг йирик, фарққа яқин толимлар – "мушуклар" эди. "Мушуклар" ва "каламушларни" бириктириш қийин эмасди, лекин "сичқонлар" маҳкам туришни асло исташмас, тўғноғичлар жойида турмай Скарлеттнинг жаҳлини чиқарарди.

Шунга қарамай у ўз мақсадига эришишга аҳд қилган, чунки кечки овқатга Ретт Батлернинг келишини кутаётганди ва агар у ясан-тусани ёки турмагини

янгиласа, бу Реттнинг назаридан четда қолмаслигини биларди. Майин ва бўйсунмас зулфлари билан олишиб роса тер тўккан Скарлетт пастдаги холлда енгил ва тез кириб келаётган қадам товушларини эшитди ва Мелани госпиталдан қайтганини англади. Аммо Мелани зиналардан сакраб учиб келарди ва шу боис Скарлеттнинг соч тўғноғични қисиб турган қўли ҳавода тўхтаб қолди. Нимадир бўлган – Мелани доим эридан вақтинча жудо бўлган аёлларга хос босиқлик билан қадам ташларди. Скарлетт эшик томон шошилиб, уни очиб юборди ва қаттиқ қўрққан, юзлари алвондек қизариб хонага югуриб кирган Мелани бир ножўя иш қилган тиниб-тинчимас боланинг ёлворган кўзлари билан Скарлеттга қаради.

Унинг юзидан ёш оқиб тушар, орқасида иссиқ қулоқчини осилиб турар, кринолини ҳалиям ҳилпирарди. У қўлида ниманидир ғижимлаб турар, хонага эса арзон атирнинг нафасни қайтарувчи ўткир ҳиди ёйиларди.

– О, Скарлетт! – хитоб қилди Мелани эшикни ёпиб ва ўзини каравотга ташлади. – Питти амма уйдами? Йўқми? Оҳ, худога шукур, Скарлетт, мен шу қадар қўрқиб кетяпманки, бунга чидаёлмайман. Мен ҳозир ҳушдан кетиб йиқиламан, деб ўйладим, о, Скарлетт, Питер амаки ҳаммасини Питти аммага айтиб бераман, деб пўписа қиляпти.

– Нимани айтмоқчи?

– Менинг анави... мисс... миссис... – Мелани юзини рўмолчаси билан елпий бошлади. – Анави сариқ сочли аёл билан, Соҳибжамол Уотлинг билан гаплашганимни!

– Азбаройи худо, Мелли, – Скарлетт шу қадар лол қолгандики, ортиқ бир сўз айтолмади.

Соҳибжамол Уотлинг Скарлетт Атлантага келган куни кўчада унинг эътиборини тортган ўша сариқ сочли аёл эди, ҳозир эса у шаҳардаги энг таниқли

шахсга айланган. Аскарлар билан изма-из шаҳарга фоҳишалар оқиб кирди, лекин Соҳибжамол Уотлинг ўзининг ҳурпайган сариқ сочлари ҳамда кўзга ташланиб турувчи ўта замонавий либосию пардоз-андози билан уларни соясида қолдирди. Шафтолизор кўчасида ёки бошқа одоб-ахлоқ доирасидан чиқмаган мавзеларда уни камдан-кам кўриб қолиш мумкин эди, мабодо у ерларда кўриниб қолса одобли аёллар ундан тезроқ узоқлашиш учун тескари томонга ўтиб олишга шошилишарди. Мелани эса у билан гаплашибдими? Питер амакининг ларзага тушгани табиий ҳол.

– Агар Питти амма билиб қолса, ўламан! Сен билсан-ку, у бутун шаҳарга жар солади, унда мени тамом бўлди, деявер, – ҳўнграрди Мелани. – Мен эса айбдор эмасман! Мен... мен шунчаки ундан қочиб кетолмадим. Бу даҳшатли қўполлик бўларди. Менинг... менинг унга раҳмим келиб кетди, Скарлетт. Сен мени ўтакетган аҳмоқ, деб ҳисобламайсанми?

Аммо Скарлеттни масаланинг ахлоқий жиҳати камроқ ташвишга соларди. Кўпчилик маъсума, яхши тарбия кўрган жувонлар қатори у ҳам фоҳишалар ҳақида кўпроқ билишга иштиёқманд эди.

– У сендан нимани истаган экан? Фикрини қандай баён қиларкан?

– Вой, у жуда саводсизларча гапиради! Лекин у чиройли гапиришга шу қадар уриндики, бечора! Мен госпиталдан чиқиб қарасам, Питер амаки ҳам, извош ҳам йўқ, пиёда сайр қилмоқчи бўлдим. Эмерсонлар боғчасига етган ҳам эдимки, қарасам – у ўша ерда яшил девор ортидан мўралаб турибди. Қандай бахтки, Эмерсонлар шаҳарда эмас – улар Мейконда. У эса шундай деяпти: "Кечирасиз, миссис Уилкс, сиз билан бир оғиз гаплашсам майлими?" Тушунмадим, менинг исмимни қаердан билдийкин? Албатта, мен ундан оёғимни қўлимга олиб қочишим лозим эди,

лекин, тушунасанми, Скарлетт, унинг чеҳраси жуда ғамгин эди ва ... нима десам экан, худди ёлвораётганга ўхшарди. Эгнида қора кўйлак, бошида эса қора қулоқчин бор, мутлақо бўянмаган, агар сариқ сочларини айтмаса, унинг кўриниши бинойидек эди. Бир нарса деб жавоб беришга улгурмасимдан у шундай деди: "Биламан, сизни безовта қилмаслигим керак эди, аммо мен анави қари курка-товуқ миссис Элсинг билан гаплашиб кўришга уриндим, у эса мени госпиталдан қувиб чиқарди".

– У "курка-товуқ" деб айтдими? – мамнун бўлиб сўради Скарлетт ва қаҳ-қаҳ отиб кулиб юборди.

– Илтимос, кулма. Бу асло кулгили эмас, бу мисс... бу аёл госпиталь учун нимадир қилмоқчи экан – сен буни тасаввур қилоласанми? У ўз хизматини – эрталаблари келиб касалларга қарашни – таклиф қилибди, миссис Элсинг эса, шубҳасиз, ҳушдан кетай дебди ва унга тезроқ даф бўлишни буюрибди. Шунда у айтибди: "Мениям фойдам тегса дейман. Мен ҳам конфедератман, эҳтимол, сизлардан кўра тозароқдирман!" Тушуняпсанми, Скарлетт, у ўзининг ёрдам бериш истаги билан кўнглимни эритиб юборди. Модомики, у Ишимизга ёрдам беришни истаяптими, демак у қадар ахлоқсиз аёл эмас. Ёки сен мени ахлоқсиз деб ўйлайсанми?

– Ё худо, Мелани, ахир, бунинг нима аҳамияти бор – ахлоқсизмисан, йўқми? У яна нималар деди?

– У госпиталга келиб турадиган аёлларни кузатибди ва мени кўриб, юзидан меҳр ёғилиб турибди, деган фикрга келибди, шунинг учун мени тўхтатибди. Унинг ёнида қанчадир пули бор эди, бу пулларни госпиталь эҳтиёжлари учун олишимни ва бирор кимсага кимдан олганимни айтмаслигимни сўради. Агар миссис Элсинг бу қандай пул эканини билиб қолса, уларни ишлатишга асло йўл қўймайди, деб айтди. Бу қандай пул – тушунасанми? Ана шу пайт-

да эсим оғиб қолай деди! Ўзимни буткул йўқотиб қўйдим, тезроқ кетгим келиб: "Ҳа, ҳа, албатта, жуда яхши қилибсиз!", дедимми ёки яна шундай аҳмоқона нимадир деб юборибманми, у жилмайди ва: "Мана бу насронийларга хос", деди ва мана бу кир рўмолчани қўлимга тутқазди. Фу! Сезяпсанми, қандай ҳид анқияпти?

Шундай деб Мелани Скарлеттга бир неча танга пул тугилган – атир сепиб ташланган ва кир-чир эркаклар дастрўмолини узатди.

– Кейин менга нима учундир миннатдорлик билдира кетди ва ҳар ҳафта менга пул олиб келиб беришини айтди, айни шу пайт Питер амаки извошда келиб қолди ва мени кўрди! – Мелани ҳўнграб йиғлаб, бошини ёстиққа буркади. – Ким билан гаплашиб турганимни кўргач эса – ўзинг ўйлаб кўр, Скарлетт! – у менга бақира кетди. Ҳали умримда ҳеч ким менга бундай бақирмаганди. У: "Ҳозироқ извошга чиқинг!" деди. Ҳа, албатта, мен извошга ўтирдим ва у йўл бўйи мени оғзига келган сўз билан сийлади, ўзимни оқлаш учун бир оғиз сўз айтишга йўл қўймади ва ҳаммасини Питти аммага етказишини айтди. Скарлетт, илтимос қиламан, пастга туш, ундан Питти аммага ҳеч нарса айтманг, деб илтимос қил. Агар аммам бу аёл билан юзма-юз тўқнашиб қолганимни билиб қолса борми, бу уни адо қилади. Скарлетт, илтимос қиласанми?

– Яхши, сўрайман. Лекин аввал кўрайлик-чи, пул қанча экан. Тугунча оғир.

У рўмолчани ечди ва тўшакка бир ҳовуч тилла тангани тўкди.

– Скарлетт, бу ерда эллик доллар бор. Бари тилла! – хитоб қилди ҳангу манг бўлиб қолган Мелани ялтироқ сариқ тангаларни санаб. – Нима дейсан, мумкинмикан – бундай... яъни шунақа йўл билан... топилган пуллардан жангчиларимиз учун фойдала-

ниш? Менимча, унинг фақат яхшилик истаётгани тангрига аён, диёнатсизлик билан топилган пуллар учун биз гуноҳга ботмаймиз, а? Госпиталнинг қанчалик пулга муҳтожлигини эсласам...

Лекин Скарлетт уни эшитмади. У кир рўмолчага қараб турар, қалбида эса хўрланиш ҳисси ва ғазаб жўш урарди. Рўмолча бурчига "Р. К. Б." монограммаси тикилган эди. Унинг шкафчасининг юқори тортмасида ҳам айнан шундай монограммали рўмолча сақланарди. Куни кеча Ретт Батлер иккаласи бирга терган дала гулларини ўша рўмолчага тугиб қўйганди. У рўмолчани Реттга кечқурун кечки овқат пайтида қайтариб бермоқчи эди.

Демак, Ретт ўша тасқара Уотлингнинг ортидан судралиб юраркан, ундан пулини ҳам аямас экан-да? Мана, қайси чўнтакдан тушибди хайр-эҳсон госпиталга! Контрабанда ҳисобидан орттирилган олтинлар. Яна бу кимса ўша махлуқ билан бирга бўлганидан сўнг ҳам шарм-ҳаёли аёлларнинг кўзига қарашдан уялмайди-я! Сал бўлмаса Ретт ўзини севиб қолганига ишонай дебди! Энди бунинг турган-битгани ёлғон эканлиги кундай равшан.

Ахлоқсиз аёллар ва уларнинг теварагидаги ҳамма нарса Скарлеттга жирканчли ва айни пайтда сирли туюларди. У эркаклар бу аёллар ҳузурига бир мақсадда бориб туришларини, бу ҳақда бирорта тарбияли леди ҳатто шама қилишга ҳам ботинмаслигини, бордию шама қилсаям фақат шивирлаб, ғоят мавҳум иборалар билан гапириши мумкинлигини биларди. У доим бундай аёллар ҳузурига фақат қўпол, маданиятсиз эркакларгина боради, деб ҳисобларди. Шу дақиқагача ўзи обрўли хонадонларда учрашиб турадиган, бирга рақс тушадиган тарбияли эркаклар бундай иш қилишлари мумкинлиги унинг хаёлига ҳам келмаганди. Бу унинг ўйларини кутилмаган томонга буриб юборар ва тасаввурида қандайдир

қўрқинчли алланарса пайдо бўларди. Балки ҳамма эркак ҳам шундай қилар! Улар хотинларини ўзлари билан ношоён хатти-ҳаракатларга мажбур қилишларининг ўзи нақадар ёқимсиз, аммо жирканч аёлларнинг ҳузурига югуришлари ва бу тахлит хизматлари учун уларга ҳақ тўлашлари бориб турган қабоҳат! Йўқ, эркакларнинг бари разил, Ретт Батлер эса уларнинг энг баттари.

У рўмолчани унинг башарасига отади ва эшикни кўрсатиб қўяди, энди ҳеч қачон, ҳеч қачон у билан бир оғиз ҳам гаплашмайди. Аммо, йўқ, зинҳор бундай қилмаслик керак – Скарлетт бунақа аёллар борлиги, айниқса, Реттнинг улар ҳузурига бориб туриши ҳақида ақалли шубҳага бориши мумкинлигини у асло билмаслиги зарур. Бирор-бир леди бу нарсани тан олмаслиги керак.

"Оҳ! Леди бўлмаганимдайди, мен бу ярамас махлуққа шундай бир гапни айтардимки!", дарғазаб бўлиб ўйларди у.

Рўмолчани ғижимлаб, ошхонага, Питер амакининг ёнига тушди. Плита ёнидан ўтаётиб, рўмолчани оловга ташлади ва ноиложлигидан қаттиқ дарғазаб бўлиб, унинг қандай ёнаётганига қараб турди.

XIV боб

1863 йилнинг ёз ойлари бошида жанубликлар қалбида яна умид учқунлари аланга олди. Жамики қийинчиликлар, йўқотишлар, чайқовчилик ва бошқа кулфатларга, деярли ҳар бир хонадон бошидан кечирган касалликлар, азоб-уқубату ўлимларга қарамай, Жануб тағин, ҳатто ўтган ёздагидан ҳам кучлироқ ишонч билан хитоб қиларди: "Яна бир ғалаба ва урушга нуқта қўйилади!". Янкилар тошёнғоқ экан, аммо бу ёнғоқ қисирлай бошлади.

1862 йилнинг Рождествоси Атланта учун, бутун Жануб учун ҳам омадли келди. Конфедерация Фре-

дериксберг яқинида ҳайратомуз ғалабага эришди – минг-минглаб янкилар ҳалок бўлди, яраланди. Жанубда Рождество байрами кунлари умумхалқ шодиёналарига айланди: урушда туб бурилиш юз берди. Уруш кўрмаган ёш аскарлар энди чиниққан жангчиларга айландилар, генераллар ўз ғайрат-шижоатларини амалда кўрсатдилар, баҳорги юришлар бошланиши билан янкилар батамом янчиб ташланишига ҳеч кимда шубҳа қолмади.

Баҳор келиши билан жанглар қайта бошланди. Май ойида Конфедерация Чанселорсвилл яқинида яна бир йирик ғалабага эришди. Жануб хурсандчиликдан ҳайқирарди.

Шимолий отлиқ аскарларнинг Жоржияга ёриб кириши Конфедерациянинг улкан зафари билан якун топгани янада руҳлантирди. Шу воқеадан сўнг одамлар узоқ вақтгача кулиб, бир-бирларининг елкаларига қоқиб: "Ҳа, сэр, мабодо қария Натан Бедфорд Форрест уларнинг устига бостириб борса, яхшиси қочиб қолишгани маъқул!", дейишарди. Апрелнинг охирида полковник Стрейт ўзининг минг саккиз юз отлиқ аскари билан Атлантадан бор-йўғи олтмиш миля шимолда жойлашган Ром шаҳрини ишғол қилиш мақсадида тўсатдан Жоржияга ёриб кирди. У ажойиб режага: Атланта ва Теннесси оралиғидаги асосий темир йўлни кесиб қўйиш, кейин Жанубга бурилиб, Атлантага йўл олиш ва бу шаҳарда жамланган, айни пайтда Конфедерация тақдири билан боғлиқ бўлган ҳарбий заводлар, ўқ-дори ва қурол-аслаҳаларни йўқ қилиб ташлашга умид боғлаганди.

Бу ғоят дадил режа эди, омад кулиб боқса у Конфедерацияга қимматга тушарди, аммо яна Форрест қутқариб қолди. У сон жиҳатидан душман кучларининг учдан бирига тенг кавалерияси билан – аммо уларнинг чавандозлигини бир кўрсангиз эди! – душ-

ман ортидан қувди, душман Ромга етиб улгурмасидан уни жанг қилишга мажбур қилди ва ҳаммасини асир олмагунича на кундузи, на кечаси тинчлик бермади!

Бу хушхабар Атлантага Чанселорсвилл яқинидаги ғалаба ҳақидаги хабар билан бир вақтда етиб келди, шаҳар шодликдан тантана қилар, ўзини кулгидан тиёлмасди. Ҳеч шубҳа йўққи, Чанселорсвиллдаги ғалаба йирик ҳарбий ютуқ эди, бироқ Стрейтнинг асир олинган отлиқ аскарлари қўшини янкиларни шарманда қилди.

"Ҳа, сэр, яхшиси улар қария Форрест билан ҳазиллашмагани маъқул", эрмак қилишарди Атланта аҳли бу янгиликни қайта-қайта бир-бирига айтиб бериб.

Омад энди Конфедерацияга кулиб боққани аниқ эди, одамлар эса фалакнинг гардиши бу қадар ижобий томонга оғиб кетганидан хурсанд эди. Тўғри, янкилар генерал Грант қўмондонлигида май ойининг ўрталаридан буён Виксбергни қамал қилиб туришарди. Қолаверса, Чанселорсвилл ёнидаги жангда Енгилмас Жексон қаттиқ яраланиб, Жануб ўрнини тўлдириб бўлмайдиган талафотга учради. Жор-жия Фредериксберг остонасидаги жангда ҳалок бўлган генерал Т.-Р.-Р. Кобб сиймосида энг жасур ва энг талантли ўғлонларининг биридан жудо бўлди. Аммо Фредериксберг ва Чанселорсвилл остонасидаги мағлубиятлардан сўнг янкилар узоқ дош беролмайдилар. Улар қуролни ташлашга мажбур бўладилар ва бу шафқатсиз урушга нуқта қўйилади.

Июль ойининг илк кунларида тарқалган – генерал Ли қўшинлари Пенсильванияга кирди, деган овоза тез орада шошилинч дипломатик мактуб – депеша билан тасдиқланди. Генерал Ли душман ҳудудида! Ли ҳужумга ўтяпти! Бу олишув охиргиси бўлади!

Атланта тўлқинланар, тантана қилар, қасос олишни истарди. Энди янкилар жонажон ерида уруш олиб

бориш қандай бўлишини бутун вужудлари билан ҳис қиладилар. Энди улар ҳосилдор ерларнинг пайҳон қилиниши, уйларнинг ёқиб юборилиши, отлар ва қорамолларнинг ҳайдаб олиб кетилиши, қариялар ва ёшларнинг қамаб қўйилиши, аёллар ва болаларга очликдан ўлиш хавфи таҳдид солиши қанақа бўлишини кўрадилар!

Янкилар Миссурида, Кентуккида, Теннессида, Виргинияда нималар қилишгани ҳаммага маълум эди. Ҳатто майда болалар ҳам босиб олинган ерларда янкилар амалга оширган даҳшатли жиноятларни айтиб беришлари мумкин эди. Атланта аллақачон Теннессининг шарқий ҳудудларидан келган қочқинлар билан тўлган эди, шаҳар аҳли улар бошдан кечирган азоб-уқубатлар ҳақида ўзларидан эшитарди. У ёқда, Шимолий штатлар билан чегарадош вилоятларда бўлгани каби, Конфедерация тарафдорлари озчиликни ташкил қиларди, шу боис уруш уларга ўзининг энг даҳшатли кирдикорларини бор бўй-басти билан кўрсатди, зеро, қўшни қўшнини сотар, ака укани ўлдирарди. Қочоқлар бир овоздан Пенсильванияни гулханга айлантиришни талаб қилар, ҳатто беҳад назокатли кекса хонимлар ҳам бундай чоғда маъшум истакларини яшириб ўтирмасдилар.

Генерал Лининг пенсильванияликларнинг шахсий мулки дахлсиз экани, талончилик учун ўлим жазоси қўлланилиши, мажбуран давлат ихтиёрига ўтказилган мол-мулкларнинг ҳақини армия тўлаши ҳақида буйруқ чиқаргани тўғрисида хабарлар кела бошлагач, катта обрў-эътиборига қарамай, сал бўлмаса генералнинг нуфузига путур етай деди. Бу гуллаб-яшнаётган штатнинг омборларида беркитиб қўйилган бойликлардан фойдаланишни аскарларга ман этиш адолатданмиди? Ким ҳақда қайғуряпти ўзи генерал Ли? Бизнинг ўғлонларимиз оёқяланг, оч-яланғоч, от-уловсиз-ку!

Дарси Миднинг докторга йўллаган шошилинч мактуби июль ойининг бошларида Атлантага етиб келган илк қалдирғоч эди. У қўлдан-қўлга ўтар, норозилик кучайгандан кучаярди.

"Ота, мен учун бир жуфт этик тополмайсанми? Мана, икки ҳафтадирки, оёқ яланг юрибман, менга пойафзал беришларидан умидимни узганман. Агар оёғим бундай катта бўлмаганида, мен ҳам кўпчилик йигитларимиз қатори ҳалок бўлган бирор янкининг оёғидаги этикни ечиб олардим, бироқ этиги менга лойиқ келадиган янки йўлиқмади. Мабодо топа олсанг, почта орқали юборма. Барибир кимдир уни олиб қўяди. Бунинг учун мен ҳеч кимни айблай олмайман. Филни поездга ўтқазиб юбор, этикни ўзи олиб келсин. Мени қаердан топиш мумкинлигини тез орада ёзиб юбораман. Ҳозирча фақат шимолга қараб силжиётганимизни биламан, холос. Ҳозир биз Мериленддамиз, ҳамма бизни Пенсильванияга жўнатишаётганини айтяпти.

Ота, мен янкиларга қилмишларига яраша жавоб қайтарамиз, деб ўйловдим, аммо генерал: "Йўқ!" деди, шахсан мен бирор-бир янкининг уйига ўт қўйиб ҳузурланиш учун ўлимга ҳам тайёрман. Ота, бугун биз шундай бепоён маккажўхори пайкаллари устидан юриб ўтдикки, бунақасини туғилганимдан бери кўрмаганман. Бизда бунақа маккажўхори ўсмайди. Тан олмай иложим йўқ, биз у ерда бир оз яширинча фойдаланиб қолдик, ахир, ҳаддан ташқари очмиз-да, генералга бу ишимизнинг зарари тегмайди, чунки у ҳеч нарсани билолмайди. Аммо хом маккажўхори бизга унча наф бермади. Шусиз ҳам болалар қорин оғриғидан азоб чекишаётганди. Ҳужум пайтида оёқдан яраланиш ичбуруғдай оғир дард эмас. Ота, илтимос, менга этик топиб бериб юборишга ҳаракат қил. Энди мен капитанман, капитанда эса ҳеч бўлмаса этик бўлиши керак, ҳатто янги мундир ва эполет бўлмаса ҳам."

Бироқ, нима бўлгандаям, қўшинлар аллақачон Пенсильванияга киришган ва аслида шу воқеанинг ўзи муҳим аҳамиятга молик эди. Яна бир ғалабага эришилса бас, уруш тугайди. Дарси Миднинг кўнгли қанча этик тусаган бўлса, шунча этикка эга бўлади, ўғлонларимиз уйга қайтадилар ва барча учун бахтли кунлар бошланади. Энди ҳеч қачон кетмаслик учун ниҳоят жонажон уйига қайтган жангчи-ўғлини тасаввур қиларкан, миссис Миднинг кўкиш кўзларида ёш ҳалқаланди. Аммо учинчи июль куни шимолдан келаётган телеграф хабарлар тўсатдан тўхтаб қолди ва бу жимжитлик штабга узуқ-юлуқ, боши-кети йўқ маълумотлар кела бошлаган эртанги куннинг чошгоҳ пайтигача чўзилди. Пенсильванияда, Геттисберг номли шаҳарча яқинида жуда катта жанг бўлиб ўтди, унга генерал Ли бутун армиясини ташлади. Маълумотлар ноаниқ, жуда кеч етиб келар, чунки жанглар душман ҳудудида борар, хабарлар аввалига Мерилендга келар, у ердан Ричмондга, ундан кейингина Атлантага жўнатиларди.

Кескинлик кучайиб борар, шаҳар бўйлаб қўрқув шарпаси кеза бошлаган, мавҳумлик ҳаммасидан даҳшатлироқ эди. Ўғиллари қаерда жанг қилаётганидан бехабар оилалар уларнинг Пенсильванияда бўлмаслигини худодан илтижо қилиб сўрашар, яқинлари Дарси Мид билан бир полкда жанг қилаётган оилалар эса тишини тишига босиб, бу марду майдонларнинг манглайига янкиларга сўнгги ва узил-кесил зарба берадиган буюк жангда иштирок этиш шарафи битилганидан хурсандликларини эътироф этишарди.

Питтипет амма хонадонидаги уч аёл кўнгиллари тубига ин қурган қўрқувни яширолмай, бир-бирларидан кўзларини олиб қочишарди. Эшли Дарси билан бир полкда хизмат қиларди.

Бешинчи июлда нохуш хабарлар келди, лекин шимолиймас, ғарбий фронтдан. Узоқ давом этган шафқатсиз қамалдан сўнг Виксберг таслим бўлибди, Сент-Луисдан то Янги Орлеангача чўзилган бутун Миссисипи водийси энди амалда янкилар қўл остида эди. Конфедератлар армияси иккига парчаланиб кетганди. Бошқа пайт бундай оғир хабар Атлантани саросимага солган, аччиқ оҳ-фиғонларга сабаб бўларди. Аммо ҳозир Виксберг ҳеч кимнинг эсига келмасди. Ҳамманинг фикру хаёли Пенсильванияга ва у ерда жанг олиб бораётган генерал Лига қаратилганди. Мабодо Ли Шарқда ғалабага эришишга муваффақ бўлса, Виксбергни бой бериш – бу ҳали ҳалокат дегани эмас. Нарёқда – Филадельфия, Нью-Йорк, Вашингтон. Бу шаҳарларни бой бериш Шимолни фалажлайди ва Миссисипидаги мағлубият ўрнини ортиғи билан қоплайди.

Вақт оғир, имиллаб ўтар, шаҳар узра қашшоқликнинг қора булутлари осилиб турар, ҳатто қуёш шуъласини ҳам тўсиб қўйганди, одамлар гўё ёмғирли булутларни кутган жойда осмоннинг бепарво мовийлигидан ҳайратлангандек беихтиёр кўкка кўз ташлашарди. Ҳамма ерда – эшиклар олдида, йўлкаларда ва ҳатто кўча-кўйларда – аёллар тўда-тўда бўлиб йиғилишар, бир-бирини қўллаб-қувватлашга, кўнгилларини кўтаришга, хабар келмаётгани – бу яхшиликдан далолат эканига ишонтиришга ва руҳларини туширмасликка уринишарди. Бироқ генерал Лининг ўлдирилгани, жангда ютқазилгани ва ҳалок бўлганлар, ярадорлар беҳисоблиги ҳақидаги машъум овозалар қўрқувдан ақлдан озган кўршапалаклар сингари жим кутаётган шаҳар узра чарх урарди. Одамлар бу миш-мишларга ишонмасликка қанча уринишмасин, ваҳимага тушган халойиқ бутун округдан шаҳарга оқиб келар, газета таҳририятлари ва ҳарбий муассасаларни қуршаб, фронтдан

келаётган ҳар қандай хабарни, майли нохуш бўлсин, эшитишни истарди.

Оломон вокзални тўлдирган – поездда келганлардан бирор хабар эшитишни умид қиларди, одамлар телеграф агентлиги ёнида, штаб яқинида, газеталар таҳририятларининг ёпиқ эшиклари олдида тўпланарди. Улар сукут сақлашар, йиғилаётганлар сони кўпайгандан кўпайиб борар, аммо улардан садо чиқмасди. Аҳён-аҳёнда кимнингдир кексаларга хос титроқ овози эшитилар, ҳеч ким уни қувватламас, юз марталаб такрорланган: "Шимолдан ҳеч қандай телеграф хабарлари йўқ, жанг давом этаяпти", деган жавобни эшитгач, дарҳол ўчарди, йиғин теварагида извошларда ўтирган аёллар кўпайиб борар, баъзилари пиёда келар, оломон қуюқлашиб, сон-саноқсиз оёқлар остидан кўтарилган чанг-тўзон нафасни бўғарди. Аёллар жим туришар, аммо уларнинг оқариб кетган бетоқат юзлари юракни эзиб юборадиган ҳар қандай илтижодан кўра маънилироқ эди.

Шаҳарда фронтга отасини, ўғлини, ака-укасини, эрини ёки суюклисини бермаган деярли бирорта ҳам хонадон қолмаганди. Ўлим ҳақидаги хабар ҳар бир оилага келиши эҳтимолдан холи эмасди. Бундай хабарни ҳамма кутар, аммо ҳеч ким мағлубиятни кутмасди. Бундай фикрни ҳамма ўзидан нари қуварди. Балки айни дақиқаларда уларнинг эрлари ва ўғиллари Пенсильвания қирларининг қуёш тафтидан қовжираган тоғ ёнбағирларида жон бераётган бўлса ажабмас. Эҳтимол, жанублик аскарлар сафлари ўқ ёмғири остида худди ўроқда ўриб ташлангандек қулаётган бўлса ажабмас, аммо улар жонларини фидо қилаётган Иш зафар қозониши шарт. Эҳтимол, улар минг-минглаб ҳалок бўлар, аммо ердан кўкариб чиққандек, минг-минглаб жангчилар тилларида исёнкор даъват билан уларнинг ўрнини эгаллайдилар. Бу жангчилар қаердан пайдо бўляпти, ҳеч ким

билмасди. Аммо ҳамма билар – билганда ҳам худди арши аълода адолатли ва жазоловчи тангри борлигини билгандек яхши биларди: генерал Ли мўъжиза яратишга қодир, Виргиния қўшинлари эса енгилмасдир.

Скарлетт, Мелани ва миссис Питтипэт "Дейли экземинер" таҳририяти биноси олдида усти ёпиқ извошда шамсиялар билан қуёшдан ҳимояланиб ўтиришарди. Скарлеттнинг қўллари шундай титрардики, боши устидаги шамсия сакраб тушарди. Питти аммaнинг бурни ҳаяжонланганидан қуённинг бурнидек пирпирар, аммо Мелани мармар ҳайкал янглиғ қотиб ўтирар, фақат кўзлари дақиқа сайин қорайиб, катталашиб бораётгандек туюларди. У икки соат мобайнида, ҳидлайдиган туз шишачасини сумкачадан олиб, Питтипэт аммага узатаётиб бор-йўғи бир неча сўз айтди ва ҳаётида биринчи марта унинг овозида одатдагидек меҳрибонлик ва ҳамдардлик оҳанги сезилмади.

– Мазангиз қочаётган бўлса, ҳидланг. Шунга қарамай, аҳволингиз бадтар ёмонлашса – унда илож-имиз қанча, Питер амаки сизни уйга олиб бориб қўйишига тўғри келади, лекин огоҳлантириб қўяй: билиб олмагунимча... билиб олмагунимча бу ердан жилмайман. Скарлетт ҳам мен билан қолади, мен уни қўйиб юбормайман.

Скарлетт ҳам кетмоқчи эмас, уйда ўтирса Эшлининг тақдири ҳақида биринчи бўлиб хабар топиш имкони бўлмайди. Ҳатто Питти амма ҳаёт билан видолашган тақдирда ҳам Скарлетт жойидан қўзғалмайди. Қаердадир Эшли жанг қилаётир, балки ўлаётгандир, у фақат шу ерда, газета таҳририятидагина Эшли тўғрисидаги ҳақиқатни билиб олиши мумкин.

У таниш-билишлар ва қўшниларни қидириб ломонга кўз югуртирди: ана бош кийими қийшайиб қолган миссис Мид ўн беш ёшли Филнинг тирсагига

ёпишиб олган; миссис Элсинг ҳақиқий спарталик аёл каби қоматини тик тутиб ўтирибди, фақат шиньони остидан чиқиб қолган оқ толалар унинг пинҳона ҳаяжонини сездириб қўймоқда; унинг ёнида эса мурдадек оппоқ Фенни Элсинг. (Акаси Хью учун Фенни бу қадар куйиниши мумкин эмас! Наҳотки у ҳеч ким билмайдиган севгилисини урушга кузатган бўлса?) Ана миссис Мерриуэзер ўзларининг извошида тасалли бергандек Мейбеллнинг қўлига уриб-уриб қўйяпти. Унинг қорни аллақачон шу қадар билиниб қолганки, катта шол рўмолга нечоғлик ўранмасин, барибир бу аҳволда одамлар кўзига кўриниши одобдан эмас. У нега бу қадар хавотирга тушади? Ҳали бирор мартаям Луизиана қўшинларини Пенсильванияга ташлашгани ҳақида хабар берилмади. Унинг сочлари ҳурпайган кичкина зуави ҳозир бехавфу хатар Ричмондда тургани эҳтимолдан холи эмас.

Оломон қалқиди, одамлар чекиндилар, Ретт Батлер эса отда эҳтиёткорлик билан Питтипэт аммасининг извоши томон силжий бошлади. "Унинг довюраклигига тан бермай илож йўқ, – хаёлидан ўтди Скарлеттнинг. – Ахир, уни ҳарбий форма киймагани учун ҳар дақиқада тилка-пора қилиб ташлашлари мумкин." Ретт яқинлашар, Скарлетт эса биринчи бўлиб ўзи унинг юзини тирнаб ташлаши мумкинлиги ҳақида ўйларди. Эшли ва бошқа йигитларимиз яланг оёқ, оч-яланғоч, иссиқдан тинкаси қуриб, ичбуруғдан жони узилгудек бўлиб жанг қилаётган бир пайтда ўзига оро берган, парваришланган, қорни тўқ, усти бут, қойилмақом от устида, зўр оқ полотно костюмда, ялтираб турган этикда, лабида қимматбаҳо сигара билан бу ерда пайдо бўлишга унинг қандай ҳадди сиғди?!

Дарғазаб нигоҳлар унинг оҳиста ҳаракатланаётганини кузатарди. Чоллар соқоллари орасидан нимадир деб пўнғиллашарди, ҳеч қачон тортиниш

нималигини билмаган миссис Мерриуэзер эса ўриндиқдан бир оз кўтарилиб, ўта заҳарханда ва ҳақоратомуз оҳангда аниқ қилиб деди:

– Чайқовчи!

Ретт Батлер ҳеч кимга заррача эътибор қилмай, Питтипэт амма ва Меланига шляпасини кўтариб салом йўллади ва извошга яқинлашди, кейин Скарлетт томонга эгилиб, қулоғига шивирлади:

– Ҳозир доктор Миднинг байроқларимиз узра бургут мисоли қанотларини ёзиб парвоз қилаётган ғалабамиз ҳақида машҳур нутқларидан бирини ирод этишнинг айни фурсати эмасми, нима дейсиз?

Скарлеттнинг асаблари таранг эди. У ўриндиқда шарт бурилиб, гўё қутурган ёввойи мушукдек, тирноқларини ботириб вишиллашга тайёр эди, лекин Ретт бир ҳаракат билан уни тўхтатди.

– Хонимлар, мен сизларга, – деди у баланд овозда, – жанг майдонидан ҳалок бўлганлар ва ярадорлар рўйхати кела бошлагани ҳақида хабар етказиш учун келдим.

Халойиқ ҳаракатга келди; Реттнинг сўзларини эшитиш учун унга анча яқин турганлар орасида ғала-ғовур бошланди. Кимдир Уайтхолл-стритдаги штатга югурмоқчи бўлиб аллақачон бурила бошлаганди, аммо Ретт Батлер узангига оёқларини тираб, қоматини ростлади ва огоҳлантираётгандек қўлини юқори кўтарди.

– Тарқалманглар! – қичқирди у. – Рўйхатлар газеталарга юборилган, улар аллақачон босиляпти. Шу ерда туринг.

– Оҳ, капитан Батлер! – У томонга ўгирилиб қичқириб юборди Мелани. Унинг кўзлари ёшли эди. – Бизга хабар бергани келганингиз учун раҳмат сизга! Рўйхатлар қачон илинади?

– Бу ҳадемай рўй бериши мумкин, хоним. Хабарлар ярим соат олдин келиб тушганди. Рўйхатлар

босилиб чиқмагунича навбатчи майор бирор нарсани овоза қилишни истамади, – оломон таҳририятга бостириб киришидан қўрқди. Ҳа ана, қаранглар!

Таҳририят деразаларидан бири ланг очилди ва ичкаридан кимдир узун, ингичка, янги босмахона бўёғи чапланган, исм-фамилиялар тиғиз ёзилган қоғозлар боғламини узатди. Оломон дераза томон ёпирилди, одамлар бир-биридан қоғозларни юлқилаб олар, тутиб қолишнинг уддасидан чиққанлар ўқиб кўриш учун оломон орасидан ситилиб чиқишга уринар, орқадагилар эса "Мени ўтказиб юборинг!", дея қичқиришарди.

– Ушлаб тур! – дея Ретт Батлер эгардан сакраб тушди ва жиловни Питер амакига отди. У тап тортмай оломонни суриб, олдинга силжиди ва бир дақиқадан сўнг қўлида бир тахлам қоғоз билан извош ёнига қайтиб келди. Бир варақни Меланига узатди, қолганларини яқинроқдаги извошларда ўтирган хонимларга: миссис Мид, миссис Мерриуэзер, миссис Элсинг, опа-сингил Маклюрларга тарқата бошлади.

– Ўқисанг-чи, Мелли! – ўзини йўқотгудай қичқирди Скарлетт, ҳаяжондан энтикиб. Меланининг қўллари шу қадар титрардики, у кўз олдида сакраётган сатрларни бир-биридан ажрата олмасди.

– Ол, – эшитилар-эшитилмас пичирлади Мелли, Скарлетт қоғозни унинг қўлидан юлқиб олди, – "У" ҳарфи қаерда экан-а? Ҳа мана, энг пастида экан, шундай чапланиб кетганки, зўрға тушунасан.

– Уайт... – ўқиди Скарлетт, овози эса титраб кетди. – Уилкенс, Уинн, Фебулон... О, Мелли! Бу ерда у йўқ! Йўқ! О, Питти амма, тинчланинг, Мелли, ҳидлайдиган тузни топ! Унга ёрдам бер, Мелли!

Бахтиёрликдан кўзлари ёшга тўлган Мелли Питти амманинг орқага ташланган бошини ушлаб турар ва бурнига ҳидлайдиган тузли шишачани тутарди. Скарлетт кекса хонимни бошқа тарафидан ушлаб

турарди. Унинг қалби қувончдан куйларди. Эшли тирик! У ҳатто яраланмаган. Уни яратганнинг ўзи асрайди...

У секин инграган овозни эшитди ва ўгирилиб, Фенни Элсинг бошини онаси кўксига ташлаганини, қўлидан қоғоз тушиб кетганини кўрди. Миссис Элсинг қизини бағрига босди, унинг юпқа лаблари титрарди. У секин аравакашга: "Уйга! Тезроқ!", деб буюрди. Скарлетт рўйхатга қараб чиқди: у ерда Хью Элсингнинг исми қайд қилинмаганди. Демак, Феннининг севгилиси бўлган ва у ўлдирилган. Оломон миссис Элсинг ўтирган извошга эҳтиром билан йўл берди, ортидан кичкина тўқима арава қўзғалди – юзи тошдек қотган Фейс Маклюр отни бошқарар, унинг лаблари шу қадар қаттиқ қимтилган эдики, биринчи марта тишларини буткул ёпиб турарди. Юзидан қони қочган, таёқдек тўғри мисс Хоуп титраб-қақшаб синглисининг этагига ёпишганча у билан ёнма-ён ўтирарди. Иккиси ҳам хийла кекса аёлга ўхшарди. Уларнинг жондан азиз укалари Даллас турмушга чиқмаган опаларини бу ёруғ оламда ёлғиз қолдириб, ўзи нариги оламга равона бўлганди.

– Мелли! Мелли! – шодон қичқирарди Мейбелл. – Рене тирик! Эшли ҳам! Оҳ, қандай бахт! – Шолрўмоли елкасидан сирғалиб тушиб, унинг мешдай қорнини ҳаммага кўз-кўз қилиб қўйди, бироқ на у, на миссис Мерриуэзер энди бунга эътибор берарди. – О, миссис Мид! – Унинг овози узилиб қолди. – Мелли, қара-чи! О, миссис Мид, худо ҳаққи... Дарси!..

Миссис Мид бошини эгиб тиззаларига кўзини қадаб ўтирарди, уни чақиришганида қимирламади ҳам, аммо ёнида ўтирган ёш Филнинг юзларидан худди очиқ китобни ўқигандай ҳамма нарсани уқиш мумкин эди.

– Қани, ойижон, ойи! – чор-ночор такрорларди у. Миссис Мид бошини кўтарди ва кўзи Меланининг кўзига тушди.

– Энди унга этик керакмас, – деди у.

– Оҳ, менинг азизам! – хитоб қилди Мелани ва ҳўнграб юборди. Питти амманинг бошини Скарлеттнинг елкасига қўйиб, Мелани извошдан сакраб тушди ва миссис Мид томон югурди.

– Ойижон, мен борман-ку, – такрорларди қайта-қайта Фил, ойисини тинчлантириш учун беўхшов ҳаракат қилиб. – Агар сен мени қўйиб юборганингда мен янкиларни ўлдириб чиқардим...

Уни бир сонияга бўлсаям ҳеч қачон ўзидан узоқлаштирмаслигини кўрсатмоқчидай миссис Мид Филнинг елкасига ёпишиб олди ва бўғиқ овозда деди:

– Йўқ! – кўз ёшлари бўғзига тиқилди.

– Фил Мид, ҳозироқ жим бўлинг, – вишиллади Мелани извошга чиқиб миссис Мидни бағрига босаркан. – Агар ойингиз сизни ҳам дафн қилишига тўғри келса, бу билан унинг ҳаётини енгиллаштираман, деб ўйлайсизми? Умрим бино бўлиб тасалли беришнинг бундай аҳмоқона усулини эшитмагандим! Бизни эртароқ уйга олиб боринг!

Фил жиловни қўлига олди, Мелани эса Скарлеттга юзланди.

– Питти аммани уйга олиб бориб қўйгач, дарҳол миссис Мидникига бор. Капитан Батлер, докторга одам юборолмайсизми – у госпиталда.

Извош сийраклашиб қолган оломон орасидан юриб кетди. Баъзи аёллар хурсандликдан йиғлар, аммо кўпчилиги бошларига қандай кўргулик тушганини ҳали тўла англаёлмай, карахт бўлиб турарди. Скарлетт бўялиб кетган босма сатрларга тез кўз югуртириб, дўстларидан бирортасининг исми учраб қолмасмикан, деб ўқий бошлади. Мана энди, Эшли соғ-саломат эканлигини билгач, у бошқаларни ҳам ўйлаши мумкин эди. Эҳ-ҳе, исмларнинг узунданузун рўйхати! Атланта учун, бутун Жоржия учун нечоғлик оғир талофот!

Парвардигори олам! “Калверт, Рейфорд, лейтенант.“ Рейф! Бирдан хаёлида эски хотиралар жонланди: у ва Рейф келишиб олиб уйдан қочишган, бироқ қоронғу тушгач орқага қайтишга қарор қилишган, чунки оч қолишган ва қоронғуликдан қўрқишганди.

“Фонтейн, Жозеф К., оддий аскар,” Кичкина тажанг Жо! Саллининг эндигина кўзи ёриган эди!

“Манро, Лафайетт, капитан“. Лаф эса Кэтлин Калверт билан никоҳдан ўтганди. Бечора Кэтлин! Бирданига икки кишидан жудо бўлди – ҳам акасидан, ҳам севганидан! Саллига эса ундан-да оғирроқ – ҳам акаси, ҳам эридан айрилди.

Йўқ, бу беҳад даҳшатли! Скарлетт рўйхатга қарашга ботинолмай турди. Питти амма унинг елкасига бошини қўйганча хўрсиниб йиғларди, шунда Скарлетт ортиқча мулозаматларсиз уни извош бурчагига суриб қўйди ва яна ўқишда давом этди.

Худойим, йўқ, бўлиши мумкин эмас. Тарлтонларнинг исм-фамилияси қаторасига уч марта келибди... Ҳарф терувчи шошилинчда адаштириб юборгани аниқ... Йўқ. Уччаласиям-а. “Тарлтон Томас, оддий аскар”, “Тарлтон Брейтон, лейтенант”, “Тарлтон Стюарт, капрал”. Бойд эса урушнинг биринчи йилидаёқ ҳалок бўлган ва Виргиниянинг қаеридадир дафн этилганди. Тарлтонларнинг тўртталаси ҳам урушда ҳалок бўлишганди. Том ҳам, бемаъни “ўйинларга” ишқибоз, ўтакетган маҳмадона, узуноёқ эгизак-бекорчилар ҳам, профессионал раққосдек хушбичим, тили ўткир Бойд ҳам.

Скарлетт яна ўқишга тоқати қолмади. Бу рўйхатда у яна ўзи билан бирга ўсган, рақс тушган, ўйнашган, ўпишган йигитлардан бирининг исмини ўқишдан қўрқарди. Кўз ёшлари уни бўғар, аммо тўкилолмас, томоғини гўё темир халқа сиқаётгандек эди.

– Сизга ҳамдардман, Скарлетт, – деди Ретт Батлер. Скарлетт унга қаради. У ҳалиям шу ердалигини

Скарлетт унутганди. – У ерда кўп дўстларингизнинг номи ёзилганми?

Скарлетт гапиришга ўзида куч топа олмай, бош ирғади.

– Графликдаги деярли ҳар бир оилада. Ва барча... барча уч ака-ука Тарлтонлар.

Реттнинг юзи ташвишли, кайфияти бузуқ эди, кўзларида одатдаги истеҳзо кўринмасди.

– Бу ҳали ҳаммаси эмас, – деди у. – Бу илк маълумотлар, боз устига тўлиқ эмас. Эртага бундан-да узунроқ рўйхатлар келади. Ўтиб бораётган извошдагилар эшитиб қолмаслиги учун у овозини пасайтирди. – Афтидан, генерал Ли бу жангни бой берганга ўхшайди, Скарлетт, штабда у Мерилендга чекингани ҳақида гапиришди.

Скарлетт унга қўрқув ичида қаради. Аммо уни Лининг мағлубияти ваҳимага солмаган эди. Бундан-да узунроқ рўйхатлар – эртага? Рўйхатда Эшлининг исмини топмагани учун у шу қадар бахтиёр эдики, эртанги кун ҳақида негадир ҳечам ўйламабди. Эртага! Худойим, балки у аллақачон ўлгандир, бу ҳақда у фақат эртага, балки бир ҳафтадан сўнг билади!

– Оҳ, Ретт, кимгаям керак бу уруш! Ахир, янкилар биздан негрларни сотиб олишлари мумкин эди, улар учун бу осонроқ бўлармиди... Ва ниҳоят биз уларни текинга беришимиз мумкин эди, ишқилиб урушмасак бўлдийди.

– Гап негрларда эмас, Скарлетт. Негрлар шунчаки бир баҳона. Урушлар доим бўлиб туради, зеро, одамлар шундай яралган. Аёллар ундай эмас. Аммо эркакларга уруш керак – ҳа, уруш улар учун аёл муҳаббатидан кам эмас.

Таниш истеҳзодан унинг лаблари яна қийшайди, одатдагидек, юзидан ҳеч нарсани англаб бўлмасди. У бошидаги кенг барли шляпасини сал кўтарди.

– Хайр, яхши қолинг. Мен доктор Мидни излаб кетяпман. У ҳозир мени ўғлининг ўлими хабарчиси-

га айлантирган тақдир ҳазилига тўғри тушуна оладими-йўқми, номаълум. Аммо кейин, қўрқаманки, қаҳрамоннинг ўлими хабарини олибсотарнинг оғзидан эшитгани тўғрисидаги фикрга чидаши жуда қийин бўлади.

Скарлетт Питти аммани тўшакка ётқизди, бир стакан иссиқ ичимлик тайёрлади, уни Присси ва ошпаз аёлнинг ихтиёрига топшириб, ўзи доктор Миднинг уйига йўл олди. Миссис Мид ва Фил тепада ўз хоналарида докторнинг қайтишини кутишаётганди, Мелани эса меҳмонхонада ҳамдардлик билдиргани келган қўшнилар билан ўтирар, улар паст овозда гаплашишарди. Мелли қўлида қайчи ва игна билан берилиб миссис Мид учун миссис Элсингдан олиб турилган мотам кўйлагини қайта тикарди. Уйдан бўёқнинг ачқимтир ҳиди келар, ошхонада ошпаз аёл ҳиқиллаб хонаки қора бўёқ тўла катта қозонда миссис Миднинг кўйлагини қайнатарди.

– Унинг аҳволи қандай?

– Бир томчи ҳам ёш тўккани йўқ, – жавоб берди Мелани. – Аёл киши йиғлай олмаса, бу жуда ёмон. Тушунмайман, эркаклар кўзларидан ёш тўкмай қандай ҳамма нарсага бардош бера олишаркин. Бироқ, шубҳасиз, улар биздан кўра кучлироқ ва жасурроқ. Миссис Мид Пенсильванияга ёлғиз ўзим бориб, ўғлимнинг жасадини олиб келаман, деяпти. Доктор Мид госпитални ташлаб кетолмасмиш.

– Бир ўзи? Бу даҳшат-ку. Фил бирга борса бўлмайдими?

– У ёқда Филга кўз-қулоқ бўлиб туролмаслигидан, Фил фронтга қочиб кетишидан қўрқади. Ахир, унинг бўйи узун-да, ҳозир ўн олти ёшлиларни ҳам олишяпти.

Доктор уйга қайтгач, у билан дуч келиб қолишдан чўчиб, қўшнилар бирин-кетин тарқала бошлади. Скарлетт билан Мелани эса тикиш-бичишга кириш-

ди. Юзи ғамгин ва баъзан матога кўз ёшлари томчиласа ҳам Мелани ўзини хотиржам тутарди. Афтидан, у ҳали жанглар давом этаётгани ва, эҳтимол, Эшли аллақачон ҳаётдан кўз юмгани ҳақида ўйларди, юраги сиқилиб кетган Скарлетт эса иккиланарди – Меланига Ретт Батлернинг сўзларини айтиб, унинг дард-аламидан аччиқ тасалли топсинми ёки сукут сақласинми? Ахийри у гапирмасликка қарор қилди. Эшлининг тақдири ўзини ниҳоятда ташвишга солаётганини ўйлаш учун Меланига баҳона топиб бериш мутлақо ножоиз. Ҳамма ўз ташвиши билан шу қадар банд эдики, худога шукур, ҳеч ким – на Мелани, на Питти амма унинг хулқ-атворидаги ғалати ўзгаришни сезмади.

Скарлетт ва Мелани чурқ этмай тикиш тикарди. Бироқ, ана, дераза ортида шовқин кўтарилди, Скарлетт пардани кўтариб, доктор Мидни кўрди. У букчайиб бошини шу қадар хам қилиб юрардики, оппоқ соқоли кўксига елпиғичдек ёйилиб кетганди. У уйга секингина кириб, шляпасини ечди, сумкасини қўйди ва индамай иккала жувонни ўпди. Кейин зинапоядан вазмин кўтарила бошлади. Бир дақиқадан сўнг юқори хоналардан – узуноёқ, узунқўл, беўхшов – Фил югуриб чиқди. Мелани ва Скарлетт кўзлари билан унга биз билан бирга ўтир, дея ишора қилишди. Аммо у чопиб пиллапояга кўтарилиб, юқори зинага ўтирди ва бошини тиззалари орасига олиб, қўллари билан юзини яширди.

Мелли хўрсинди.

– Улар уни фронтга қўйиб юборишмаётгани учун жаҳли чиқяпти. Ўн беш ёшли йигитча! Эҳ, Скарлетт, унга ўхшаган ўғлим бўлишини шунчалик истайманки!

– Уни урушда ўлдиришлари учунми? – деди Скарлетт Дарси ҳақида ўйлаб.

– Бутунлай бефарзанд ўтгандан кўра, ўғиллик бўлиб, кейин ундан айрилган яхшироқ – деди Мелани

ва кўз ёшларини ютди. – Сен буни тушунолмайсан, Скарлетт, чунки сенда Уэйд бор, мен эса... Оҳ, Скарлетт, болам бўлишини шунчалик истайманки! Тўғри, сен бу ҳақда очиқ-ойдин гапириш ножоиз деб ҳисоблайсан, лекин нима қилай, бу ҳақиқат бўлса, ҳар бир аёл фақат шуни орзу қилади, сен ҳам буни биласан.

Скарлетт сал бўлмаса кулиб юборай деди, аммо вақтида ўзини тўхтатиб қолди.

– Мабодо Худога... мендан Эшлини олиш лозим бўлиб қолса, мен, эҳтимол, бунга бардош берарман, гарчи ўзимнинг ўлимим мен учун осонроқ бўлса-да. Бу жудоликка чидаш учун бардошни менга худонинг ўзи беради. Бироқ у ўлган бўлса-ю, менинг эса ундан ҳатто ғам-ғусса ютганимда кўнглимга тасалли берадиган фарзандим бўлмаса! Оҳ, Скарлетт, сен нақадар толеи баланд аёлсан. Тўғри, сен Чарлидан жудо бўлдинг, лекин ундан сенга ўғил қолди. Агар мен Эшлидан жудо бўлсам, ундан менга ҳеч нарса қолмайди. Мени кечир, Скарлетт, баъзан сенга жуда ҳавасим келади.

– Менга ҳавасинг келади? – хитоб қилди Скарлетт, виждони бир оз қийналаётганини ҳис қилиб.

– Чунки сенинг ўғлинг бор, менда эса йўқ. Баъзан мен ҳатто Уэйд – менинг ўғлим, деб тасаввур қила бошлайман. Фарзанд кўрмаслик жудаям ёмон.

– Шуям гап бўлди-ю! – енгил тортиб деди Скарлетт. У зимдан нимжонгина жуссага ва тикаётган кўйлаги устига энгашган, қизариб кетган чеҳрага боқди. Мелани фарзанд кўришни орзу қилиши мумкин, албатта, аммо у умуман бола туғиш учун яралмаган. Тоси тор, кўкраги текис, бўйи ҳам ўн икки ёшли қизчаникидек. Меланининг бўйида бўлиши мумкин, деган фикрнинг ўзи негадир Скарлеттда ҳазар ҳиссини қўзғарди. Бу тағин бошқа фикрларни, жуда кўп тоқат қилиб бўлмайдиган ўй-хаёлларни туғдирарди.

Мелани Эшлидан фарзанд кўриши мумкин, деб ўйлагани заҳоти Скарлетт кўнглида, гўё ўзини ўғри тунагандек, ёқимсиз туйғуни ҳис этарди.

– Уэйд ҳақида айтган гапларимдан жаҳлинг чиқмасин. Мен уни қандай яхши кўришимни биласан-ку. Хафа бўлмайсан-а?

– Аҳмоқ бўлма, – қуруққина сўз қотди Скарлетт. – Яхшиси эшикка чиқиб, Фил билан гаплашиб кўр. У йиғлаяпти.

XV боб

Геттисберг яқинидаги мағлубиятдан сўнг кескин сийраклашган, ҳолдан тойган, ортга, Виргинияга улоқтириб ташланган конфедератлар армияси қишлаш учун Рапидан дарёси соҳиллари бўйлаб қаровгоҳларга жойлаштирилганди. Шу сабабли Рождество байрами арафасида Эшли таътил олиб уйга келди. Икки йиллик айриликдан сўнг бу илк учрашув Скарлеттнинг қалбида уйғотган туйғулар туғёни унинг ўзини ҳам ларзага солди ва қўрқитиб юборди. Қачонлардир, Ўн икки Эманда, Эшли ва Меланининг тўйида – ўша лаҳзаларда у Эшлини севганидан кўра кучлироқ ва азоблироқ севиши мумкин эмасдек туюлганди унга. Ҳозир эса ўша олис оқшомдаги қайғуси худди севимли ўйинчоғи тортиб олинган эркатой боланинг аразига ўхшашини англади. Энди у юрагида Эшли ҳақдаги бир умрлик орзу ҳамда дудоқларида қолган бир умрлик таъм билан яшар ва Эшлига меҳри кучайган ва мустаҳкамланганди.

Ранги ўчган серямоқ мундир кийган, жазирама ёз қуёшида сочлари сарғайиб кетган аскар Эшли Уилкс уруш арафасида ўзи қаттиқ севиб қолган, илгариги беғам-беташвиш, нигоҳлари хаёлчан йигитчага асло ўхшамасди. Ўхшамас – шу боисдан ҳам янада кўпроқ ўзига тортарди. Илгари у хушқомат, юзлари оппоқ

эди, энди озғин ва қорайган, отлиқ аскарларга хос узун мўйловлари эса унга жангларда тобланган кўркам жангчига хос мардонавор қиёфа бағишлаганди. У – конфедератлар армияси майори, ихчам ва батартиб Эшли Уилкс – эгнида эскириб кетган мундир, ёнбошида ранги хира тортган қинда тўппонча осиғлиқ ҳолда тик турар, қиличининг тўзган ғилофининг учи ора-сира узун этигининг қўнжига тегиб, тиқирлар, тирналган тепкилари хира йилтирарди. Буйруқ бериш одати унга аллақачон ўз таъсирини ўтказган, ташқи кўринишида қатъият ва ҳукмфармолик, лаблари четида эса дағал ажинлар пайдо қилганди. Унинг қадди-қоматида, кенг елкаларининг адл туришида янги, ғайриодатий нимадир бор эди, кўзларида эса илгари унга бегона бўлган совуқлик пайдо бўлганди. Ҳаракатларининг мулойим, табиий назокати ўрнини ёввойи ҳайвоннинг ёинки тажанг одамнинг эҳтиёткорлиги ва тезкорлиги эгаллаганди. Шу билан бирга, унинг нигоҳида қандайдир ҳорғин лоқайдлик ва кўзга яққол ташланиб турадиган ёноқ суяклари ҳамда қорайиб ичига ботган чаккаларида ўта жиддийлик бор эди... Унинг Эшлиси аввалгидек чиройли эди, аммо фақат бутунлай бошқа одамга айланганди.

Скарлетт Рождество байрами кунлари уйига кетмоқчи эди, аммо Эшлидан телеграмма келгач дунёдаги бирор-бир куч, ҳатто Эллиннинг эътирозга ўрин қолдирмайдиган буйруғи ҳам уни Атлантани тарк этишга мажбур қилолмасди. Мабодо Эшли таътилни Ўн икки Эманда ўтказишга қарор қилса, Скарлетт унга яқинроқ бўлиш учун Тарага шошилган бўларди, лекин Эшли уйидагиларга у билан кўришиш учун Атлантага келишларини ёзиб юборганди, шу боис мистер Уилкс, Ойимқиз ва Индия аллақачон шаҳарда эди. Нега энди икки йиллик айриликдан сўнг Эшли билан кўришмай уйига жўнаб кетиши ке-

рак? Эшитганида юраги ширин орзиқиб кетадиган овозини тингламасинми? Нигоҳидан у Скарлеттни унутмаганини ўқимасинми? Йўқ, ҳеч қачон! Ҳеч қачон, ҳатто ойиси буюрса ҳам!

Эшли уйга арафадан тўрт кун олдин ўзи қатори таътилга чиққан бир неча ҳамюрти – Геттисберг жангидан саломат қолган кичкина гуруҳ билан келди. Улар орасида озиб-тўзиб кетган, тинимсиз йўталдан қийналаётган Кейд Калверт, уч йил мобайнида биринчи марта ниҳоят рухсатнома олганлари учун хурсандлиги ичига сиғмаётган ака-ука Манролар, кайфлари тароқ, сершовқин ва жангари Алекс ва Тони Фонтейнлар ҳам бор эди.

Ҳаммалари бир уловдан иккинчисига ўтиш учун икки соат кутишлари лозим эди, бу эса улфатлар орасидаги ҳушёрларнинг топқирлигини жиддий синовга дучор қилди – ака-укаларни бир-бирлари ва вокзалда дуч келган ҳар қандай кимса билан муштлашишдан тўхтатиб қолишнинг иложи топилармикан? Пировардида Эшли уларни ўзи билан Питтипэт амманикига олиб боришни маъқул топди.

– Афтидан, Виргинияда муштлашиш бўйича бизда камчилик бўлмагандай эди, – деди алам билан Кейд Калверт ҳаяжонланган ва хурсандликдан боши кўкка етган Питти амманинг қўлини ўпишга биринчи бўлиб яқинлашган, урушқоқ хўрозлардек ҳурпайиб турган ака-укаларга қараб. – Аммо шунга қарамай, Ричмондга етиб келмасимиздан улар аллақачон ғирт маст эди ва ҳар дақиқада муштлашишарди. Уларни шу заҳотиёқ соқчи олиб кетди, агар Эшли бошлиққа усталик билан муомала қилмаганида, улар бутун Рождество байрами кунларини панжара ортида ўтказишарди.

Лекин Скарлетт уни деярли эшитмасди – у Эшлининг яна шу ерда, ёнида эканидан ўзида йўқ хурсанд эди. Ахир, эркаклардан яна кимдир ўтган шу икки

йил мобайнида ҳеч бўлмаса бир мартагина қандай қилиб унга чиройли, суюмли, дилбар бўлиб кўриндийкин? Бу оламда Эшли бор экан, қандай қилиб Скарлетт уларнинг ўзига хушомад қилишларига йўл қўйиб бердийкин? Мана, у яна унинг ёнида, уларни фақат мана бу гилам ажратиб турибди ва у ҳар гал Эшли бир ёнида Мелани, иккинчи ёнида Индия ва ортидан унинг елкасига ёпишиб олган Ойимқиз билан ўтирган каравотга кўзи тушганида бахтиёрликдан йиғлаб юборишга тайёр эди. Эҳ, қанийди у ҳам худди шундай – у билан ёнма-ён, тирсаги остига қўлини тиқиб ўтиришга ҳақли бўлса! Қанийди у дақиқа сайин унинг чинданам шу ердалигига буткул ишонч ҳосил қилиш учун унинг енгига қўлини текизиб турса, қўлидан ушласа, унинг рўмолчаси билан кўз ёшларини артиб турса, қисқаси, Мелани қилаётган ҳамма ишни ҳамманинг кўзи олдида тортинмай ўзи қила олса. Қувонч Меланини оғир-босиқлиги ва тортинчоқлигини унуттирганди, у эрининг қўлини қўйиб юбормас ва очиқ-ойдин – нигоҳлари, табассуми, кўз ёшлари – бутун борлиғи билан унга бўлган муҳаббати оловида эриб кетганди. Скарлетт эса умрида биринчи марта рашк қилмаётганидан беҳад бахтиёр эди. Эшли уйга қайтганди.

Ора-сирада Скарлетт юзининг Эшли лабларини босган жойларига қўлини текизиб қўяр ва унга қараб жилмаярди. Тўғри, у биринчи бўлиб Скарлеттни ўпгани йўқ. Мелани нимадир деб пойма-пой ғудраниб, йиғлаб, уни маҳкам қучоқлаб бўйнига осилиб олган, чирмашган қўлларини ҳеч қачон бўшатмайдигандек туюларди. Унинг ортидан Ойимқиз ҳам, Индия ҳам, сал бўлмаса куч билан Эшлини рафиқаси қучоғидан тортиб олгудай, унга осилиб олишди. Сўнгра Эшли меҳр ва эҳтиром билан ўзи астойдил кўнгил қўйган отасини қучоқлаб ўпди, кейин эса ҳаяжондан ўзининг кичкина оёқчаларида сакраб тушаётган Пит-

ти аммани ўпди. Ниҳоят навбат ундан бўса олишга рухсат сўраётган зобитлар қуршовидаги Скарлеттга етди.

– О, Скарлетт! Сиз гўзалсиз, гўзалсиз! – деди Эшли ва уни ёноғидан ўпди.

Шу ондаёқ у билан учрашганда айтаман, деган барча гаплари Скарлеттнинг хаёлидан чиқиб кетди. Бир неча соатдан кейингина Эшли унинг лабидан ўпмагани ҳақидаги фикр хаёлига келди. Сўнг ҳаяжонланиб: агар ўзимиз танҳо учрашганимизда Эшли нима қилган бўларди, дея ўйлай бошлади. Скарлеттга эгилиб, уни қучоқлаб кўтарганча анча вақт бағрига босиб турган бўлармиди? Бу фикрдан унинг қалби ёришиб кетди, айнан шундай бўлишига ишонди. Бироқ олдинда ҳали бир ҳафта бор ва шундай ҳодиса юз бериши мумкин! У билан ёлғиз қолиш учун Скарлетт бир дақиқа қулай пайт топа олади. Ўшанда ундан сўрайди: "Ҳеч ким билмайдиган хилват сўқмоқларда отда сайр қилганларимиз ёдингиздами? Тара пиллапояларида ўтириб менга анави поэмани (ҳа, дарвоқе, у қандай аталарди ўзи?) ўқиган ўша оқшомда оймомонинг қандайлигини эслайсизми? Оёғим қайрилиб кетганини, сиз эса мени қўлда кўтариб, шом қоронғусида уйга олиб борганингизни эслай оласизми?".

"Эслайсизми?" – деган сўз билан бошлаши мумкин бўлган воқеалар кам бўлганмиди? Унинг қалбида болалардек беғам, беташвиш ўрмонлар ва далаларни кезиб юрган ажойиб кунлар ҳақида, ҳали йўлларида Мелани Гамильтон пайдо бўлмаган саодатли кунлар ҳақида жуда кўп хотираларни уйғотиш мумкин! Балки ўшанда Скарлетт унинг кўзларида Мелани қиёфасида ўрталарида турган тўсиққа қарамай Эшли аввалгидек уни севишини, севгисига иқрор бўлган ўша олис унаштирув кунидагидек оташин муҳаббат билан севишини намоён этадиган қайта

тирилаётган туйғулар шуъласи барқ урганини сезар. Кейин нима бўлади – агар Эшли унга ошкора севги изҳор қилса қандай йўл тутишлари керак? У бу ҳақда ўйлаб ҳам ўтирмади. Изҳори дилнинг ўзи унга кифоя эди. Ҳа, у кутишга тайёр. Майли ҳозир Мелани унинг қўлини сиқиб, бахтиёрлигидан йиғлайверсин. Унинг ҳам вақти келади. Ахир, Меланига ўхшаган аёл ишқ-муҳаббат бобида бирор нарсани тушунармиди?

– Азизим менинг, – деди Мелани илк ҳаяжонлари босилгач. – Сен жулдурвоқига ўхшаб қолибсан. Мундирингни ким ямаб берди, нега унга кўк рангли ямоқ солинган?

– Менга эса кўринишим жуда зўрдек туюлибди, – деди Эшли ўзини ойнада кўриб. – Сен мени мана бу дайдиларга қиёслаб кўр-чи, шу заҳоти олдингда обрўйим ошиб кетади. Мундиримни Моз ямади, менимча, урушгача қўлига игна ушламаганини инобатга олсак, у бу ишни жуда усталик билан бажарган. Кўк ямоқларга келсак, йиртиқ шим билан ва енгилган душман формасидан кесиб олинган мато бўлагидан бирини танлаш керак бўлганида, ўйлаб ўтиришга ҳожат қолмайди. Агар мен жулдурвоқига ўхшасам ҳам хурсанд бўл, бахтингга эринг ёнингга оёқяланг қайтмаганига шукур қилавер. Ўтган ҳафта этикларим бутунлай адо бўлди, агар биз, омадимиз кулиб, икки айғоқчини отиб ўлдирмаганимизда, мен уйга оёғимга қоплик мато ўраб қайтган бўлардим. Биттасининг этиги менга жуда лойиқ келди.

Шундай деб у эски этик кийган узун оёқларини узатиб, ҳаммага кўз-кўз қилди.

– Иккинчи айғоқчининг этиги менга зўрға сиғди, – деди Кейд. – У икки ўлчам кичик экан, бу этиклар дастидан ҳадемай бандаликни бажо келтиришимни сезиб турибман. Лекин уйга олифталардек қайтаман.

– Бу очкўз чўчқа этикни ҳеч қайсимизга беришни истамади, – деди Тони. – Биз Фонтейнларнинг аслзодаларга хос кичкина оёқларимизга бу этик лоп-лойиқ келарди. Ўлганим яхши, бу йиртиқ этикда онамнинг кўзига қандай кўринаман? Урушгача у ҳатто негрларимизнинг бирортасига бундай яғири чиққан оёқ кийимини кийишга рухсат бермасди.

– Хафа бўлма, – деди у Алекс Кейднинг этикларига кўз ташлаб. – Уйга кетаётганимизда поездда унинг этигини ечиб оламиз. Йиртиқ оёқ кийимида онамиз олдига бориш – бу ҳам майли-я, лекин иблис... узр хоним, Димити Манро қаршисида бошмоғимдан бош бармоғим чиқиб туриши менга ҳечам ёқмайди, демоқчийдим.

– Тўхта, ахир, бу этик меники-ку, уни биринчи бўлиб мен сўрадим, – деди Тони қовоқлари уюлиб ва акасига дағдаға қилиб. Шу ерда тортишув машҳур Фонтейнларча муштлашувга айланиб кетишидан қўрққан Мелани ўртага тушди ва жанжалга нуқта қўйилди.

– Менинг шундай зўр соқолим бор эдики, сизнинг олдингизда у билан мақтанмоқчийдим, хонимлар, – деди маъюслик билан Эшли устара тиғининг излари ҳалиям битмаган дағал тукли иягини сийпалаб. – Ҳа, ҳа, жуда зўр соқол, модомики буни мен айтаётган эканман, демак, менга ишонишингиз мумкин, на Жеф Стюартнинг соқоли, на Натан Бедфорд Форрестнинг соқоли меникига тенг келолмайди. Лекин биз Ричмондга етиб келганимизда, бу ярамаслар, – у Фонтейнларни кўрсатди, – модомики ўзлари соқолларини қирдиришибдими, демак, меники ҳам олиниши керак, деган қарорга келишибди. Улар мени ерга ағанатиб, куч билан соқолимни қириб ташлашди, ҳалиям қандайдир мўъжиза рўй бериб бошимни юлиб олишмади. Фақат Эван ва Кэд ўртага тушиб, мўйловим омон қолди.

– Ана бўлмаса! Миссис Уилкс, сиз мендан миннатдор бўлишингиз керак. Агар мен бўлмаганимда сиз эрингизни мутлақо танимаган ва ҳатто остона ҳатлаб уйга киришига ҳам йўл қўймаган бўлардингиз, – деди Алекс. – Ахир, у қоровуллар бошлиғи билан гаплашиб, бизни қамоқдан чиқариб олганига миннатдорлик юзасидан соқолини қиртишлаб қўйдик. Бир оғиз айтсангиз бас, мен ҳозироқ сизнинг ҳурматингиз учун унинг мўйловини ҳам қириб ташлайман.

– Йўқ, йўқ, раҳмат сизга, – деди шоша-пиша Мелани қўрққанидан Эшлига ёпишиб, чунки қуёшда қорайган бу икки йигитча ҳар балога қодирга ўхшарди. – Унинг мўйлови менга ёқади.

– Мана, севги нималарга қодир? – деб юборишди бир овоздан ака-ука Фонтейнлар ўзаро кўз уриштириб ва маънодор бош чайқашди.

Эшли Питтипэт амманинг извошини олиб, ўртоқларини кузатиш учун вокзалга кетганида, Мелани ҳаяжонланиб Скарлеттнинг қўлидан маҳкам тутди.

– Унинг формаси жуда аянчли аҳволда! Нима деб ўйлайсан, мен унга мундир тортиқ қилсам, ҳайрон қолармикан? Эссизгина, шимга мато етмай қолди-да.

Мундирни эслатиб Мелани Скарлеттнинг нозик жойига тегиб кетди. Ахир, Скарлеттнинг ўзиям Эшлига бундай Рождество туҳфасини тортиқ қилишни жуда хоҳларди-да. Зобитларга мос кулранг мовут ҳозир олтиндай қадрли эди, Эшли эса хонаки жун газламадан форма кийганди. Ҳатто дағал матолар ҳам камёб, кўпчилик аскарлар асир тушган янкилардан ечиб олинган ва ёнғоқ пўчоғидан тайёрланган бўёқ билан тўқ жигаррангга қайта бўялган формаларни киярди. Аммо Меланига омад кулиб боқди: тақдир унга мундирбоп кулранг мовут туҳфа қилди: тўғри, бир оз қисқа, лекин барибир мундир-да. Госпиталда ҳамширалик қилиб юрганида у бир чарльстонлик

йигитчага қараганди. У вафот этгач, бир тутам сочини кесиб олиб, шўрликнинг чўнтагидаги озгина нарсаси билан, умрининг сўнгги соатлари ҳақида бир неча сатр хат ёзиб, бироқ чеккан азоблари ҳақида лом-мим демай, онасига жўнатганди. Аёллар ўртасида ёзишма бошланган ва Меланининг эри фронтда эканлигини билгач, марҳум аскарнинг онаси ўғли учун атаб қўйган бир бўлак кулранг мовутни мис тугмалари билан бирга жўнатганди. Бу жуда ажойиб, қалин, ипакдек майин, контрабанда йўли билан олиб келингани ва жуда қимматбаҳо экани тайин мовут эди. Ҳозир бу мовут тикувчи қўлида бўлиб, у Меланининг қистови билан Рождественинг биринчи куни эрталабга мундирни тикиб битириши лозим эди. Скарлетт форма тўкис бўлиши учун бир кесим матога ҳар қанча пулни аямасди, лекин Атлантада бундай нарсани топиш амримаҳол эди.

Скарлетт ҳам Эшли учун Рождество совғаси тайёрлаб қўйган, аммо мундирнинг ҳашамати олдида бу совға шунчаки кўримсиз буюмга айланиб қолганди. Бу ҳарбий кийим-бошларни ямаб-ясқаш учун керакли буюмлар – икки ғалтакча ип, кичкина қайчи ва Нассаудан Ретт олиб келган бир қути қиммат-баҳо игна солинган жундан тўқилган юпқа фланель халтача эди; буларнинг ёнига у айнан ўша манбадан олинган, зиғир толасидан тўқилган уч дона қўлрўмолча ҳам қўшди. Аммо у Эшлига кўнгилга яқин бир нима, аёллар эрларига туҳфа қиладиган буюмлардан – кўйлакми, қўлқопми, шляпами – совға қилишни истарди. Қанийди шляпа бўлса. Унинг бошидаги кичкина ясси кепи шу қадар беўхшов кўринадики! Бу ҳарбий бош кийим Скарлеттга умуман ёқмасди. Тўғри, Букилмас Жексон ҳам кенг барли шляпа ўрнига кепи киярди, лекин бу билан кепи хушбичим бўлиб қолгани йўқ-да. Тўғри, Атлантада қўпол намат шляпалар сотиларди, лекин улар кепидан ҳам хунук-

роқ кўринарди. Шляпа ҳақидаги фикр Скарлеттга Ретт Батлерни эслатди. Мана, кимда шляпа кўп: кенг соябонли ёзги шляпа, тантаналарда кийиладиган баланд мовут шляпа, ихчам ов шапкачаси ҳамда кенг юмшоқ соябонли оч-жигарранг, қора, ҳаворанг юпқа наматдан тикилган фетр шляпалар. Унга бунча шляпанинг нима кераги бор? Унинг қадрли Эшлиси ўзининг мана бу кеписида ёмғир остида юради, сув томчилари эса ёқасидан ичига оқиб тушади.

"Мен Реттдан унинг янги қора фетр шляпасини сўраб оламан, – аҳд қилди у. – Унинг четларига кулранг лента тикиб чиқаман. Тепасига Эшлининг исм-фамилиясининг бош ҳарфларини тикаман, бу жуда чиройли чиқади".

У бир дақиқа ўйланиб қолди. Изоҳ бермай туриб Реттдан шляпа сўрашнинг ўзи бўлмайди. Эшлига керак, деб айтолмайди-ку. Скарлетт Эшлининг номини тилга олиши билан унинг юзида ўша ёқимсиз ифода пайдо бўлади, қошларини чимиради, ҳойнаҳой Скарлеттнинг илтимосини рад этса ажабмас. Ҳечқиси йўқ, у госпиталдаги шляпасиз қолган ярадор аскар ҳақида бирор аянчли воқеани ўйлаб топади. Ретт ҳақиқатни билиши шарт эмас.

Кун бўйи у бир дақиқа қулай пайтни топиб, Эшли билан ёлғиз қолиш учун турли ҳийла-найрангларни ишлатиб кўрди, бироқ Мелани уни бир лаҳзаям ёлғиз қолдирмади, Ойимқиз билан Индия ҳам ортидан соядай изма-из юришар, уларнинг туссиз кўзлари туссиз киприклари остида бахтдан порларди. Ҳатто ўғли билан ошкора фахрланадиган Жон Уилкснинг ўзи ҳам юзма-юз ўтириб, у ёқ-бу ёқдан хотиржам гаплашиш имкониятидан маҳрум эди.

Бу ҳол кечки овқат маҳали, Эшлини уруш ҳақидаги саволларга кўмиб ташлашганида ҳам давом этди. Уруш ҳақида! Бунинг кимга қизиғи бор! Скарлеттга Эшлининг ўзи бу мавзуда чуқурлашишни истама-

ётгандек туюларди. У кўп гапирар, жўшиб гапирар, тез-тез кулар ва ўтирганларнинг эътиборини бутунлай ўзига қаратарди; Скарлеттнинг эслашича, у аввалларн ҳеч қачон бундай қилмаганди, аммо айни пайтда уруш ҳақида кам ва қисқа гапирарди. Ўртоқлари билан боғлиқ қизиқарли воқеаларни эслаб ҳазиллашар, ниқобланишлар устидан кулар, бўш қорин билан ёмғир остида узоқ босиб ўтилган йўлларни ҳазил-мутойиба билан тасвирлаб берар ва қандай қилиб генерал Ли Геттисберг бўсағасидаги мағлубиятдан сўнг уларнинг қаршисида отда пайдо бўлиб: "Ҳаммангиз Жоржияданмисиз, жентльменлар, сизсиз, жоржияликлар, муваффақият қозонишимиз амримаҳол!" – деганини ғоят жонли тарзда ифодаларди.

Скарлеттнинг хаёлидан Эшлининг бу қадар сўзамоллиги, бу қадар шошиб гапираётганининг боиси ўзи жавоб беришни истамаётган саволларга ўрин қолдирмасликда, деган фикр ўтди. Отасининг синчков, ташвишли назари тушганида у кўзларини гоҳ ерга тикаётгани, гоҳ четга олиб қочаётганини сезганида Скарлеттнинг кўнглида ҳам мубҳам бир хавотир туғилди: нега Эшли бунақа, унинг юрагида нима бор? Аммо бу хавотир тезда тарқаб кетди, чунки унинг бутун вужуди қувонч ва Эшли билан ёлғиз қолишдек кучли истак билан лиммо-лим эди.

Аммо бу қувонч сўна бошлади ва камин атрофида йиғилганлар бирин-кетин эснай бошлади, мистер Уилкс қизлари билан меҳмонхонага кетгач, Эшли, Мелани, миссис Питти ва Скарлетт Питер амаки бошчилигида қўлларида шам билан зинадан юқорига кўтарилаётганларида Скарлетт қалбида титроқ турганини ҳис қилди. Шу дақиқагача, гарчи улар ёлғиз қолиб бир оғиз ҳам гаплашмаган бўлса-да, Эшли унга, фақат унга тегишлидек туюларди. Лекин улар холлдаги галерея олдида тўхтаб хайрлашаётганла-

рида Скарлетт Меланининг юзи бирдан қизариб, қўллари ҳаяжон ва қўрқувдан титраётганини, уялиб ерга қараганини, юзлари эса ёришиб кетганини пайқади. Эшли ётоқ эшигини очганидаям у бошини кўтармади – фақат ичкарига тез кириб кетди. Эшли шоша-пиша ҳаммага хайрли тун тилаб, Скарлеттга қарамай, Меланининг ортидан кирди.

Уларнинг ортидан эшик ёпилди, Скарлетт эса ҳалиям карахт бўлиб турарди, бирдан вужудини чорасизлик туйғуси эгаллади. Эшли энди унга тегишли эмасди. Энди у Меланиники эди. Мелани тирик экан, Эшли у билан ётоғига кириб кетаверади ва эшик уларни бутун дунёдан ажратиб ёпилаверади.

Мана, ниҳоят Эшлининг Виргинияга – ботқоқ йўллар орқали узоқ сафарларга, оч қорин билан йўлда тўхтаб, қор устида нафас ростлашларга, азоб-уқубатлар, муҳтожлик ва хавфу хатарларга – унинг келишган қадди-қомати, унинг мағрур сарғиш сочли боши йўқ қилиниши, кимнингдир аёвсиз товони остида эзғиланиши мумкин бўлган тарафга қайтадиган пайт етиб келди. Ҳар соати гўзал ва сермазмун ўтган сурурли ва саодатли ҳафта ортда қолди.

Бу вақт тез ўтиб кетди, қарағай новдалари ва Рождество арчасининг ифори билан тўйинган бу кунлар арчадаги шамларнинг титроқ нурлари, тангачалар ва зар толаларнинг жилвалари ичра ҳаётнинг ҳар бир дақиқаси бир юрак уришига тенг бўлган туш каби ўтди-кетди. Бошни сархуш қиладиган ушбу кунларда қувонч қайғу билан қоришиб кетди, Скарлетт ҳам жон-жаҳди билан, кейинчалик, энди Эшли унинг ёнида бўлмаган пайтларда, ойлар ўтган сари бу кунларни бирма-бир хаёлидан ўтказиш ва улардан тасалли топиш учун таассуротларини: қўшиқ айтиш, кулгилар, рақслар, ўзи Эшлига кўрсатган қандайдир арзимас хизматлар, Эшлининг ҳаммадан олдин у сезиб қоладиган истак-хоҳишлари, Эшлининг

табассумларига жавобан табассумлар, у гапирганида жим ўтиришлар – ҳамма-ҳаммасини майда-чуйдасигача қайта-қайта эслаш учун бир лаҳзаниям ўтказиб юбормасликка ҳаракат қиларди. Скарлетт унинг келишган қоматидаги ҳар бир нуқта, қошларининг ҳар бир ҳаракати, лаблари четидаги ҳар бир чизиқ хотирасидан ўчмаслиги учун уни синчковлик билан кузатарди: ахир, ҳафта жуда тез ўтиб кетади, уруш эса жуда узоқ давом этади-да.

Скарлетт қўлида хайрлашувга атаган совғасини ушлаб, Эшли Мелани билан видолашиб пастга бир ўзи тушишини ва ниҳоят фалак унга Эшли билан ёлғиз қолиши учун бир неча сония инъом этишини худодан илтижо қилиб, меҳмонхонадаги диванда ўтирарди. У тепадаги хоналардан зшитилаётган ҳар бир товушни илғаб олишга зўр бериб уринар, лекин уйда ғалати сукунат ҳукмрон, ва бу сукунатда у фақат ўзининг энтикиб-энтикиб нафас олаётганини эшитарди, холос. Питти амма ётоғида бошини ёстиққа буркаб йиғларди: ярим соат олдин Эшли у билан хайрлашгани кирганди. Меланининг ётоғи эшиги қаттиқ ёпилган, на йиғи, на паст овозлар эшитиларди. Скарлеттга бу эшик ортида Эшли узоқ қолиб кетгандай туюлар, унинг хотини билан узоқ хайрлашаётгани, лаҳзалар шиддат билан ўтаётгани, унинг жўнаб кетишигача жуда оз вақт қолганидан юраги алам ва ғуссага тўлиб борарди.

У ўтган бир ҳафта мобайнида Эшлига айтмоқчи бўлган гапларини эслашга уринди. Лекин барибир у билан ёлғиз гаплашиб олишга қулай фурсат тополмади ва у, афтидан, бундай имконият энди туғилмаслигини тушунарди.

Айтмоқчи бўлган кўп гаплар ўзининг қулоғида ҳам бемаъни жаранглади: "Ўзингизни эҳтиёт қиласиз-а, Эшли, ваъда берасизми?", "Оёғингиздан нам ўтмасин. Шамоллаб қолиш жуда осон", "Шамоллаб

қолмаслик учун кўйлак остидан газетага ўраниб олишни унутманг". Бироқ у Эшлига айтишни истаган ва ундан эшитишни истаган ёхуд, гарчи Эшли айтмаса ҳам, ҳеч бўлмаса, унинг нигоҳидан уқиб олмоқчи бўлган бундан-да муҳимроқ гаплар бор эди-ку, ахир.

Кўп нарсани айтиш керак, вақт эса тугаб боряпти! Агар Мелани уни эшиккача кузатиб борса, ҳатто қолган бир неча дақиқа ҳам ундан ўғирланган бўлади. Ахир, бутун бир ҳафта ўтиб кетган, имконият эса бой берилганди! Чунки Мелани Эшлининг ёнидан жилмас, муҳаббатга лиммо-лим нигоҳларини ундан узмас, уй қариндош-уруғлар, дўсту биродарлар, кўни-қўшниларга тўла, Эшлини эртадан кечга қадар бир дақиқаям ўз ихтиёрига қўйишмади. Кейин эса ётоқ эшиги ёпилди ва ичкарида Эшли билан Мелани иккаласи қолишди. Шу бир ҳафта мобайнида бирор марта Эшли на бир сўз билан, на кўз қараши билан ўзини фош қилмади, кўнглида Скарлеттга нисбатан акаларча меҳр ва кўп йиллик дўстлик туйғусидан бўлак қандайдир ҳиссиётлар борлигини сездирмади. Эшли кетади, балки бир умргадир; Скарлетт эса Эшли уни аввалгидек севадими-йўқми, буни билолмай қолишига мутлақо йўл қўёлмасди. Ахир, ҳатто Эшли ҳалок бўлган тақдирда ҳам унинг муҳаббати ҳақидаги хаёл Скарлеттга умрининг охиригача пинҳона юпанч ва тасалли бўлиб қолади-да.

Унга вақт чўзилиб кетгандай туюлди ва ниҳоят тепадаги хонада қадам товушларини, сўнг эшикнинг очилиб-ёпилган шовқинини эшитди. Эшли зинадан тушиб келарди. Бир ўзи. Ё Парвардигор, сендан миннатдорман! Мелани қаттиқ ғамга ботган бўлса керакки, пастга тушишга куч тополмабди. Ҳозир бир неча қимматли лаҳзаларда Эшли у билан ёлғиз қолади.

У зинадан пастга тушиб келар, этигининг тепкилари жиринглар, қиличи этигига тегиб бўғиқ тақил-

ларди. У меҳмонхонага кирганида нигоҳи ғамгин эди. Гарчи жилмайишга ҳаракат қилса-да, оқариб кетган, деярли қонсиз юзида кучли безовталик бор эди, гўё у кўринмас жароҳатдан азоб чекаётгандек эди. У кўриниши билан Скарлетт ўрнидан турди. Хаёлидан "ялт" этиб: у дунёдаги энг кўркам жангчи, деган ғурурли фикр ўтди. Тўппонча ғилофи, камари, тепкилари, қиличининг қини – Питер амаки астойдил тозалаб қўйган ҳамма нарсаси ялтирарди. Тўғри, янги мундир у қадар расо эмас, чунки тикувчи шошилиб тиккан, баъзи жойларидаги чоклари қийшиқ кўринарди. Янги ялтироқ кулранг мовутдан тикилган мундир серямоқ, дағал жун газлама чолвор ва эски этиклар билан мутлақо номутаносиб эди, аммо унинг яроғ-аслаҳалари кумушдан бўлган тақдирда ҳам, Эшли барибир унинг кўзига ҳозиргидан чиройлироқ кўринмаган бўларди.

– Эшли, – шоша-пиша гапира бошлади Скарлетт, – сизни вокзалгача кузатиб борсам майлими?

– Илтимос, керакмас. Мени сингилларим ва отам кузатиб қўйишади. Вокзалдаги совуқ тўс-тўполондан кўра бу ерда хайрлашганимизни эслаш мен учун ёқимлироқ бўлади. Хотиралар эса – қимматбаҳо.

Скарлетт дарҳол фикридан қайтди. Агар уни кўрарга кўзи йўқ Ойимқиз билан Индия Эшлини кузатадиган бўлса, улар, шубҳасиз, у билан гаплашиб олишига йўл қўйишмайди.

– Унда мен бормайман. – деди у. – Лекин менда сизга аталган яна битта совға бор, Эшли.

Унга совғани топшириш фурсати келганида, Скарлетт бир оз юраги дов бермай, қоғозни ёзиб, қалин хитой шоҳисидан тикилган ва икки четига оғир попук қадалган сариқ белбоғни олди. Бир неча ой муқаддам Ретт Батлер Гаванадан унга ранг-баранг кўк ва қизил гуллар, қушлар шакли тикилган сариқ шоҳи шол рўмол олиб келган, у эса ҳафта давомида

каштани қунт билан сўтиб, кейин рўмолни бичиб, ундан узун белбоғ тикканди!

– Скарлетт! Қандай чиройли белбоғ! Буни ўзингиз тикдингизми? Унда бу белбоғ мен учун икки карра қадрлироқ. Уни менга ўзингиз боғлаб қўйинг, азизам. Мени янги мундирда, боз устига бунақа белбоғ билан кўришса, ҳамма ҳасаддан кўкариб кетади.

Скарлетт ялтираб турган шоҳи тасмани чарм камар устидан унинг ингичка бели бўйлаб айлантирди ва "муҳаббат тугуни" шаклида боғлаб қўйди. Майли, янги мундирни унга Мелани тиккан бўлсин, бу белбоғ – унинг пинҳона туҳфаси, Скарлеттнинг туҳфаси.

Эшли уни жангга кираётганида боғлайди ва бу белбоғ доим унга Скарлеттни эслатиб туради. Бир қадам ортга чекиниб, у Эшлига ҳайратланиб қаради: фахр билан ҳатто Жеф Стюарт ҳам ўзининг пати ва учлари ҳилпираётган белбоғи билан унинг севимли Эшлисидек бу қадар салобатли кўринмаслигини ҳаёлидан ўтказди.

– Жуда чиройли, – такрорлади у бармоқлари билан попукларни тараб. – Лекин сиз мен учун рўмолингиз ёки шолрўмолингиздан кечганингизни фаҳмлаяпман. Бундай қилмаслигингиз керак эди, Скарлетт. Ҳозир чиройли нарсаларни топиш осонмас.

– О, Эшли, ахир, мен тайёрман...

У: "Агар зарур бўлса, сизга ҳадя қилиш учун кўксимдан юрагимни суғуриб берган бўлардим!" – дегиси келди, лекин фақат:

– Сиз учун ҳамма нарсага тайёрман? – деди.

– Шу ростми? – сўради Эшли ва юзи ёришиб кетди. – Ахир, сиз ростданам мен учун нимадир қилишингиз мумкин, Скарлетт, бу эса сизлардан узоқда юрганимда қалбимдаги оғир юкни бир қадар енгиллатади.

– Мен нима қилишим керак? – сўради у хурсанд бўлиб, ҳар қандай мўъжиза яратишга тайёр ҳолда.

– Скарлетт, мен йўғимда Меланини эҳтиёт қилинг.

Меланини эҳтиёт қилиш?

Юраги "шув" этиб кетди. Унинг умидлари пучга чиққанди. Мана, Эшлининг сўнгги илтимоси! У эса унга қандайдир фавқулодда ажойиб бир нарсани ваъда қилишга тайёр эди! Скарлеттнинг ғазаби қайнаб кетди. Айни лаҳзада Эшли уники, фақат уники бўлиши керак эди. Бу ерда Мелани йўқ, бироқ унинг туссиз сояси улар ўртасида турарди. Айни шу видолашув онларида у Меланининг исмини қандай тилга ололди? Бундай илтимос қилишга унинг қандай ҳадди сиғди?

Лекин Эшли унинг юзида акс этган умидсизликни сезмади. Бир пайтлардагидек, у Скарлеттга қараб турар, аммо гўё уни кўрмаётгандек эди – унинг нигоҳида яна ғалати лоқайдлик бор эди.

– Ҳа, уни ташлаб қўйманг, унга ғамхўрлик қилинг. У жуда нимжон, аммо ўзи буни ҳеч тушунмайди. У госпиталда ишлаб, тинмай бичиб-тикиб соғлигини йўқотади. Ахир, унинг соғлиги жуда заиф, боз устига ўзи ниҳоятда тортинчоқ. Питти амма, Генри амаки ва сиздан бўлак унинг яқин қариндошлари йўқ, агар Бэрларни айтмаса, лекин улар Мейконда туришади, бунинг устига учинчи авлод қариндошлар. Питти амма эса, биласиз-ку, ахир, Скарлетт – у гўдакка ўхшайди. Генри амаки ҳам қартайиб қолган. Мелани сизни жуда яхши кўради. Фақат Чарлининг хотини бўлганингиз учун эмас, яна шунинг учунки... шунинг учунки, сиз – бу сизсиз. У сизни синглисидай яхши кўради. Скарлетт, агар мени ўлдиришса ва уни қўллайдиган ҳеч ким қолмаса, Меланига нима бўлади деб ўйлаб, кечалари ухлаёлмайман! Сиз менга ваъда бероласизми?

Ўзига иккинчи бор айтилган ўтинч унинг ҳатто қулоғига ҳам кирмади – бу даҳшатли гаплар уни қаттиқ қўрқитиб юборганди: "Агар мени ўлдиришса...".

У кун сайин ўлганлар ва ярадорлар рўйхатини ўқиб борар, агар Эшлига бир нарса бўлса, ҳаёти барбод бўлишини ҳис қилиб, қўрқувдан бутун вужуди музлаб кетарди. Лекин конфедератлар армияси буткул тор-мор этилган тақдирда ҳам қисмат Эшлидан ўз марҳаматини аямайди, деган ички бир ишонч уни ҳеч қачон, ҳеч қачон тарк этмасди. Ҳозир эса Эшли томдан тараша тушгандай даҳшатли гапларни айтиб турибди! Унинг эти жимирлаб кетди ва ақлга бўйсунмайдиган қўрқув, хурофий қўрқув вужудини қамраб олди, унинг қалбида ирландиялик аждодларидан ўтган башорат қилишга, айниқса, ўлимини олдиндан сезишга ишонч туйғуси уйғонди, Эшлининг катта очилган кўк кўзларида у шундай чуқур бир дардни кўрдики – гўё унга Эшли ортидаги ўлим шарпасини сезгандай ва Бэншанинг – ирланд халқ ривоятларидаги хаёлий шарпа-гўянданинг юракни ўртаб юборадиган фиғонини эшитаётгандай туюлди.

– Сиз ўлим ҳақида гапирмаслигингиз керак. Ҳатто бундай деб ўйламаслигингиз керак! Бу хосиятсиз аломат! Яхшиси, тезроқ дуо ўқинг!

– Йўқ, сиз мен учун ибодат қилинг, шам ёқинг, – деди у Скарлеттнинг қўрққанидан худонинг зорини қилиб ёлворишига жавобан кулиб.

Лекин Скарлетт тасаввурида пайдо бўлган даҳшатли манзаралардан шу қадар ларзага тушгандики, бир оғиз сўз айтишга тили айланмай қолди. У қаердадир, узоқ-узоқларда, Виргиния далаларида, қор устида Эшлининг ўлиб ётганини кўрди. Эшли гапирарди, унинг овозида эса қайғу ва ўлим ҳақ эканига ишонч туйғуси бор эди; Скарлеттдаги қўрқув ҳисси ҳамма нарсани – ғазабни ҳам, умидсизликни ҳам четга суриб, янада кучайди.

– Ахир, шунинг учун ҳам сизга илтимос билан мурожаат қиляпман, Скарлетт. Менга нима бўлишини, ҳар биримизга нима бўлишини билмайман. Аммо ҳаммаси ниҳоясига етганида мен узоқда бўламан ва гарчи тирик қолсам ҳам, Мелани учун ҳеч нарса қилолмайман.

– Ҳаммаси ниҳоясига етганида?

– Ҳа, уруш ниҳоясига етганида... ва бизнинг дунёмиз ниҳоясига етганида.

– Лекин Эшли, сиз янкилар бизни енгишади, деб ўйламаяпсиз-ку, тўғрими? Бутун ҳафта давомида сиз бизга генерал Лининг енгилмаслигини уқтирдингиз...

– Бутун ҳафта давомида мен, таътилдаги барча зобитлар сингари, ёлғон гапирдим. Нима учун мен Мелани ёки Питти аммани вақтидан илгари ваҳимага солишим керак? Ҳа, Скарлетт, мен янкилар бизни бўғзимиздан олди, деб ҳисоблайман. Геттисберг интиҳонинг бошланиши эди. Фронт ортида бу ҳақда ҳали ҳеч ким ҳеч нарсани билмайди. Фронтда аҳвол қандайлигини бу ерда тушунишмайди, лекин кўп аскарларимиз аллақачон этиксиз юришибди. Скарлетт, қишда Виргинияда қор қалин ёғади. Мен пишиқ, чидамли этиклар кийиб юрганимда уларнинг қанорлик мато ёки латта-путта билан ўралган, совуқ урган оёқларини ва қордаги қон изларини кўрсам, уларнинг бирортасига этигимни бериб, ўзим ҳам оёқяланг юришим кераклигини ҳис қиламан.

– Оҳ, Эшли, бундай қилмайман деб ваъда беринг!

– Буларнинг ҳаммасини кўриб, кейин янкиларга қараганимда, ҳаммаси тамом бўлганини англайман. Янкилар, Скарлетт, Европадан минглаб аскарларни ёллашади. Кейинги кунларда биз асир олган аскарларнинг кўпчилиги бирорта инглизча сўзни билмайди. Булар немислар, поляклар ва гаэль тилида сўзлашувчи қизиққон ирландлар. Мабодо биз

аскарларимизни йўқотсак, унинг ўрнига ҳеч кимни қўёлмаймиз. Этигимиз тўзиса, янгисини ҳеч қаердан ололмаймиз. Бизни ҳолдан тойдиришди, Скарлетт. Биз бутун дунё билан жанг қилолмаймиз.

Скарлеттнинг хаёлидан дарғазаб фикрлар қуюндек шиддат билан ўтди: "Ер ютсин Конфедерацияни! Майли, бутун дунё ағдар-тўнтар бўлсин, сиз тирик қолсангиз бўлгани, Эшли! Агар сизни ўлдиришса, мен ҳам ўламан!".

– Умид қиламанки, сиз менинг гапларимни ҳеч кимга айтмайсиз. Одамларнинг кўнглига хавотир солишни истамайман. Мен ҳеч қачон сизни ҳам хавотирга қўймаган бўлардим, азизам, лекин нима учун сиздан Меланига ғамхўрлик қилишни сўраётганимни тушунтиришим зарур эди. У шу қадар нимжон, шу қадар нозик, сиз эса кучлисиз, Скарлетт. Агар менга бирор нарса бўлса, сиз уни ташлаб қўймаслигингизни билиш мен учун тоғдай таскин-тасалли бўларди. Менга ваъда берасизми?

– Ваъда бераман! – хитоб қилди у. Ўлим шарпаси шундоқ унинг ортида тургандек туюлган айни дамда у Эшли нимани сўраса ҳаммаси учун ваъда беришга тайёр эди. – Лекин Эшли, Эшли, мен сиз билан видолашолмайман! Мен довюрак бўлолмайман.

– Сиз довюрак бўлишингиз шарт, – деди Эшли ва унинг сўзларида қандайдир янги, илғаш қийин бўлган оҳанг сезилди. Овози бўғиқроқ чиқди ва вужудини эгаллаб олган ички безовталик илтижо бўлиб қуйилишга ошиқаётгандек, Эшли шошилиброқ гапирди. – Сиз довюрак бўлишингиз керак. Бўлмаса мен ҳаммасига бардош бериш учун кучни қаердан оламан?

Скарлетт Эшлини ҳам ўзидан айрилаётгани адо қилаётганининг, унинг ҳам юраги пора-пора бўлиб кетаётганининг тасдиғини излаб, юзига синчковлик ва қувонч билан қаради. Аммо унинг юзи Мелани би-

лан видолашиб зинапояда пайдо бўлган пайтдагидек одамови ва жиддий эди, шу боис Скарлетт унинг кўзларидан ҳеч нарсани билиб ололмади. Эшли эгилиб, унинг юзини кафтлари орасига олди ва пешонасидан енгилгина ўпиб қўйди.

– Скарлетт! Скарлетт! Сиз шундай гўзал ва дилбар, шундай меҳрибон ва шундай кучлисизки! Сизнинг нафақат латиф чеҳрангиз гўзал. Сиздаги ҳамма нарса мукаммал – ақл ҳам, вужуд ҳам, кўнгил ҳам.

– О, Эшли! – унинг қўли тегиб турганидан, сўзларидан хушбахт Скарлетт ҳаяжон билан ғўлдиради. – Сиз, бутун дунёда ёлғиз ўзингиз...

– Мен сизни бошқалардан кўра яхшироқ биламан, деб ўйлайман – ҳар ҳолда шундай деб ўйлаш менга ёқади – ва сиздаги пинҳона, аммо ўта юзаки ёки жуда шошиб баҳо беришга одатланган кишилар эътиборидан четда қоладиган қалб гўзаллигини кўриб тураман.

Эшли жим бўлди, қўллари пастга тушди, аммо нигоҳлари унинг юзига қадалган эди. Скарлетт нафасини ичига ютиб, ҳаяжондан оёқ учида сал кўтарилиб кутар, унинг учта сеҳрли сўзни айтишини кутарди. Лекин Эшли жим эди. Скарлетт изтироб билан унинг юзига тикилар, лаблари титрарди... Скарлетт энди у бошқа сўз айтмаслигини тушунди.

Иккинчи бор барча орзу-умидларининг барбод бўлишига у энди бардош беролмасди.

– Оҳ, мана қандай! – дея гўдакдек ғўлдиради у ва стулга йиқилди. Кўзларидан ёш тирқиради. Шу пайт у дераза ортида олдиндаги айрилиқнинг муқаррарлигини бешафқат тасдиқлайдиган маъшум шовқинни эшитди. Харон қайиғининг эшкаклари остидаги сувнинг шалоплашини эшитган бутпараст ўзининг буткул чорасизлиги ва муқаррар ҳалокатини худди шундай чуқур ҳис қилади. Адёлга ўраниб олган Питер амаки Эшлини вокзалга олиб бориб қўйиш учун извошни кириш эшиги олдига ҳайдаб келди.

– Алвидо! – деди аста Эшли, столдан Скарлетт росту ёлғонларни тўқиб Реттдан ундирган кенг соябонли юпқа мовут шляпани олди ва қоронғуликка чўмган даҳлиз томон юрди. Бўсағага етганда у орқасига ўгирилди ва Скарлеттга гўё унинг сиймосини энг майда қирраларигача хотирасига муҳрлаб ўзи билан олиб кетишга уринаётгандай узоқ, ўзини унутиб қараб турди. Скарлетт унинг чеҳрасини кўз ёшларининг туманли пардаси орқали кўриб турар, ўпкаси тўлиб кетганди. Скарлетт унинг кетаётганини, ўзини тарк этаётганини, ундан, унинг ғамхўрликларидан, бу уйнинг нажотбахш бандаргоҳидан, унинг ҳаётидан кетаётганини, шу қадар интизорлик билан кутган сўзларни унга айтмасдан, эҳтимол, бир умрга кетаётганини тушуниб турарди! Сувнинг муқаррар босими остидаги тегирмон чархпалагининг парраги мисол кунлар бир-бирини қувиб ўтиб кетган, энди эса кеч бўлган эди. У кўзи кўрдек қоқилиб-суриниб, меҳмонхона орқали холл тарафга отилди ва унинг белбоғи учига ёпишди.

– Мени ўпинг! – пичирлади у. – Видолашув олдидан мени ўпинг!

Эшлининг қўллари унинг елкасидан майин қучди, боши унинг юзи томон эгилди. Скарлетт унинг лаблари ўз лабларига теканини ҳис қилди ва унинг бўйнидан маҳкам қучди. Қандайдир лаҳза ичида Эшли куч билан уни бағрига босди. Скарлетт унинг танаси таранглашганини ҳис қилди. Кейин у қўлидаги шляпани ташлаб, бўйнига чирмашган қўлларни бўшатди.

– Йўқ, Скарлетт, керакмас, – деди у бўғиқ овозда ва унинг билакларини шундай қисдики, Скарлеттнинг қўллари зирқираб кетди.

– Мен сизни севаман, – нафаси тиқилиб ғўлдиради Скарлетт. – Мен доим сизни севганман. Бошқа ҳеч кимни ҳеч қачон севмаганман. Мен Чарлзга шунча-

ки... шунчаки сизга қасдма-қасд турмушга чиқдим. Оҳ, Эшли, мен сизни севаман! Мен Виргинияга пиёда боришга тайёрман, фақат ёнингизда бўлсам, бас! Сизга овқат пишираман, этикларингизни тозалайман, отингизга қарайман... Оҳ, Эшли, сизни севаман, деб айтинг! Ўлгунимча шу севги билан яшайман!

У эгилиб шляпани қўлига олди ва Скарлетт унинг юзини кўрди. Эшлининг юзидаги бегоналик, одамовилик ғойиб бўлганди. Бу дунёдаги энг бахтсиз чеҳра эди. Скарлетт Эшли уни севишини ва ўзининг муҳаббати унга қувонч бағишлашини ва уни чексиз изтироб ва уятга мубтало қилишини тушунди.

– Алвидо! – бўғиқ овозда деди у.

Эшик ғичирлаб очилди, дераза пардаларини ҳилпиратиб совуқ шамол бостириб кирди. Скарлеттнинг танасида титроқ турди. У Эшлининг ортидан термулиб қолди. Эшли извош томон юрди, унинг қиличи қиш офтобининг хира нурида туссиз йилтирар, белбоғи учлари шамолда ҳилпирарди.

XVI боб

Январь, февраль ойлари совуқ ёмғирлар, суякдан ўтиб кетадиган изғиринлар ва тобора чуқурлашиб бораётган умидсизлик ва ғам-қайғу билан ўтди. Геттисберг ва Виксберг яқинидаги мағлубиятдан сўнг жанубликлар армияси қоқ марказидан иккига ажралиб кетди. Шимолликларнинг қўшинлари шиддатли жанглар билан деярли бутун Теннесси штатини эгаллашди. Аммо бу мағлубият ҳам жанубликлар руҳини синдиролмади. Бепарво такаббурлик ўз ўрнини ғамгин қатъиятга бўшатиб берди, шу боис конфедератлар, одатдагидек, ойнинг ўн беши қоронғу бўлса, ўн беши ёруғ, дея таъкидлашда давом этарди. Шимолликлар сентябрда Теннессидаги ғалабаларини Жоржияга ёриб кириш билан мустаҳкамлашга

уринганларида, конфедератлар уларнинг боплаб таъзирини бериб қўйишганди-да, ахир.

Бу ерда штатнинг шимоли-ғарбий бурчагида, Чикомауга бўсағасида, бутун уруш мобайнида биринчи марта энг катта жанг Жоржия заминида бўлди. Янкилар Чаттанугуни босиб олди ва тоғ сўқмоқлари орқали Жоржияга бостириб кирди, бироқ улар орқага улоқтириб ташланди ва катта талафот кўрди.

Жанубликларнинг Чикомаугадаги бу машҳур ғалабасида Атланта темир йўллари муҳим аҳамият касб этди. Виргиниядан Атлантага, у ердан эса шимолга, Теннессига олиб борадиган темир йўллар орқали генерал Лонгстрит қўшинлари жанг майдонларига ташланганди. Юзлаб милларга чўзилган темир йўллар ҳар қандай ҳарбий бўлмаган юкларни ташишдан озод қилинган ва жануби-шарқий кўчма таркиб ялпи ҳарбий мақсадлар учун фойдаланиларди.

Атланта аҳли поездларнинг соат сайин, таркибма-таркиб йўловчи вагонлари, товар вагонлари ҳамда шовқин-сурон солиб қўшиқ айтиб кетаётган аскарларга тўла усти очиқ юк вагонлари билан шаҳар орқали ўтиб бораётганини кузатиб турарди. Улар егуликсиз, уйқусиз, шахсий от-уловсиз, озиқ-овқат ва санитария хизматларисиз бир зум тин олмай, тўғридан-тўғри вагонлардан тушибоқ жангга кирардилар. Шу тариқа янкилар Жоржиядан яна орқага, Теннессига улоқтириб ташланганди.

Бу улкан ғалаба эди. Атланта аҳолиси эса қониқиш ва ғурур билан уларнинг темир йўллари бу ғалабани рўёбга чиқарганини ҳис этарди.

Жануб сабрсизлик билан Чикамаугадан яхши хабарлар кутарди – бу хабарлар келаётган қишда кўтаринки руҳни йўқотмаслик учун жуда зарур эди. Энди ҳеч ким янкилар яхши жанг қила олиши ва, ҳар ҳолда, уларда ҳам яхши саркардалар борлигини инкор

этолмасди. Грант устаси фаранг қассоб эди, қанча аскар отиб ўлдирилиши унга аҳамиятсиз, ишқилиб ғалаба қозонса бўлди эди ва у ғалаба қозонарди. Шериданнинг номи жанубликлар юрагига ваҳима соларди. Ва ниҳоят, яна бир киши, номи тез-тез тилга олина бошлаган қандайдир Шерман бор эди. У ҳақда Теннессидаги ва Ғарбдаги жанглар пайтида гапира бошлашганди ва унинг шуҳрати қатъиятли, бешафқат жангчи сифатида ортиб борарди.

Уларнинг ҳеч бири, шубҳасиз, генерал Ли билан тенглашолмасди. Генерал ва унинг қўшинларига бўлган ишонч аввалгидек мустаҳкам, ҳал қилувчи ғалабага ишонч барқарор эди. Лекин уруш ҳаддан ташқари чўзилиб кетди. Жанг майдонида ҳалок бўлганларнинг саноғи йўқ, ярадорлар, майиб-мажруҳлар бисёр, бевалар, етим-есир қолганлар жуда кўп эди. Олдинда эса ҳали узоқ давом этадиган даҳшатли жанглар бор, демак, ҳали яна ўлдирилганлар, яна ярадорлар, яна бевалар ва етимлар албатта бўлади.

Барча кулфатларнинг пировардида фуқаролар ўртасида ҳокимият тепасида турганларга нисбатан ишончсизлик пайдо бўла бошлади. Айрим газеталар аллақачон президент Дэвис ва унинг уруш олиб бориш режасидан норозиликларини ошкора ёза бошлади. Конфедерация ҳукумати ичида ихтилофлар бор эди. Президент Девис билан генераллар ўртасида низолар келиб чиқаётганди. Инфляция шиддат билан ўсиб борарди. Армияга мундирлар, этиклар етишмас, дори-дармонлар ва ҳарбий анжомларни эса айтмаса ҳам бўларди. Темир йўлларда эски вагонларни, душман томонидан портлатилган темир изларни янгилари билан алмаштириш зарур эди. Генераллар жанг майдонидан янги мадад кучлари юборилишини талаб қилиб телеграммалар жўнатишар, қўшимча кучларнинг келиши эса тобора кама-

йиб борарди. Бу ҳам етмагандай, штатларнинг баъзи губернаторлари – шу жумладан, Жоржия губернатори Браун – штат ташқарисига милиция қўшинларини жўнатишни рад этди. Бу қўшинларда минглаб жанг қилишга қодир аскарлар бор эди, уларга армия жуда муҳтож эди, аммо ҳукумат уларни қўшиб олишга беҳуда уринарди.

Доллар қийматининг қайта тушиб кетиши нархларнинг тағин кўтарилиб кетишига олиб келди. Мол гўшти, чўчқа гўшти ва сариёғнинг бир фунти энди ўттиз беш доллар, уннинг бир халтаси бир минг тўрт юз доллар, соданинг бир фунти юз доллар, чойнинг бир фунти беш юз доллар турарди. Иссиқ кийим топишнинг иложи бўлиб қолса, шу қадар кармон кўтармайдиган баҳоларда сотилардики, Атланта аёллари шамолдан сақланиш учун ўзларининг эски кийимларини латта-путталар ва газеталар билан қўшиб тикиб иссиқ кийим қилиб олишарди. Ботинкаларнинг бир жуфти, ҳақиқий чармдан ёки картон дейиладиган сунъий чармдан тикилганига қараб, икки юз доллардан саккиз юз долларгача турарди. Хонимлар эски шолрўмол ёки гиламчалардан тикилган гетр – тўпиқдан болдиргача кийиладиган иссиқ оёқ кийимини киярди. Капакилар ёғочдан ясаларди. Аслида Шимол Жанубни, гарчи буни ҳали ҳамма ҳам тушуниб етмаган бўлса-да, қамал ҳолатида ушлаб турарди. Америка канонеркалари – бир неча тўп билан қуролланган кичик ҳарбий кемалари барча жанубий бандаргоҳларни бўйнидан сиртмоқ ўтказиб таранг тортиб турарди, жуда камдан-кам ҳолларда бирор-бир кема қамални ёриб чиқишни уддаларди.

Жанубий штатлар бир умр пахта сотиш ҳисобига кун кечирар ва ўзлари етиштирмаган ҳамма нарсани сотиб оларди. Энди эса улар на сотар ва на сотиб оларди. Жералд О'Харанинг мулки Тарада, пахта тозалаш фабрикаси ёнидаги шийпонда уч йиллик пах-

та ҳосили йиғилиб қолган, аммо бундан наф йўқ эди. У бу пахтани Ливерпулда бир юз эллик минг долларга сотган бўларди, лекин уни Ливерпулга олиб боришга ҳеч қандай умид йўқ эди. Ўзини бадавлат ҳисоблашга ўрганиб қолган Жералд энди қишнинг охиригача ўз оиласи ва қулларини қандай боқиш устида бош қотирарди.

Кўпчилик жанублик плантаторлар ҳам шундай оғир аҳволда эдилар. Жанубликлар оқ олтинларини инглиз бозорида сотиш ва тушган пулга зарур маҳсулотларни олиб келиш имкониятидан маҳрум қилинди. Қамал сиртмоғи борган сари қаттиқроқ қисарди. Деҳқончилик билан шуғулланадиган Жануб эса саноатлашган Шимол билан урушар экан, энди кўп нарсаларга муҳтожлик сезарди. Булар шундай нарсалар эдики, тинчлик даврида буларни сотиб олиш ҳақида Жануб ҳеч қачон ўйлаб кўрмаганди.

Буларнинг ҳаммаси жаллоблар ва чайқовчиларга жуда катта қулайлик яратиб берар, улар бундан фойдаланиб қолиш учун фурсатни қўлдан бой бермасдилар. Озиқ-овқат ва кийим-кечак топиш қийин, нарх-наво эса кўтарилиб боргани сари олиб-сотарлардан жамоатчиликнинг норозилиги кучайгандан-кучайиб, ғазабли тус ола бошлаганди. 1864 йилнинг дастлабки ойларида олиб-сотарларни – бу қузғунларни, бу қонхўрларни – масхараламаган, ҳукуматдан уларни қаттиққўллик билан жазолашни талаб қилмаган бирортаям газета қолмади. Ҳукумат иложи борича ҳаракат қилар, аммо барча уринишлари самарсиз кетар, зеро, шусиз ҳам ҳукуматнинг ташвиши бошидан ошиб ётганди.

Лекин улардан бирортаси Ретт Батлердек кескин маломатларга қолмаганди. Қамал билан курашиш ўта хатарли ишга айланганидан сўнг у ўз кемаларини сотиб юборди ва очиқ-ойдин озиқ-овқат олиб-сотиш билан шуғуллана бошлади. Унинг Ричмонд ва

Уилмингтондаги фаолияти ҳақидаги миш-мишлар Атлантагача етиб келар ва қачонлардир уни ўз хонадонларида қабул қилганларни уятдан қизаришга мажбур қиларди.

Шундай бўлса ҳам, мусибатлар ва ташвишларга қарамай, урушгача ўн минг нафарни ташкил этган Атланта аҳолиси шу йиллар мобайнида икки баробарга кўпайди. Ҳатто қамалнинг ўзи ҳам қай даражададир Атлантанинг нуфузи ошишига кўмак берди. Соҳилбўйи шаҳарлари қадим замонлардан буён Жанубда ҳукмрон мавқега – савдо соҳасида қандай бўлса, бошқа муносабатларда ҳам худди шундай мавқега эга эди. Аммо жанубий бандаргоҳлар қамал қилингач ва кўпгина порт-шаҳарлар душман томонидан босиб олингач ёки қуршовда қолгач, у энди ҳеч кимдан нажот кутмасди – фақат ўзига ишониши мумкин эди. Урушда ғалаба қозониш учун кўп нарса энди Жанубнинг ички ҳудудларидаги вазиятга боғлиқ эди, Атланта эса воқеалар марказида турарди. Атланта аҳолиси бошидан кечирган оғир муҳтожликлар Конфедерациянинг бошқа вилоятлари аҳолисиникидан кам эмасди, атланталиклар ҳам касалликлардан шафқатсиз азоб чекар ва қирилиб кетаётган эди, бироқ уруш оқибатида шаҳар мавқеи пасаймади, аксинча, кўтарилди. Конфедерация юраги – Атланта шаҳри – ишонч ва куч билан уриб турар, унинг темир йўллари – мамлакат қон томирлари – бўйлаб эса янги аскарлар, қурол-яроғлар, озиқ-овқатлар ортилган ҳарбий эшелонлар тўхтовсиз оқиб ўтарди.

Бошқа пайтларда Скарлетт кўйлаклари эскирса ва туфлиларига ямоқ тушса хафа бўлган бўларди, лекин ҳозир бу нарсалар уни ташвишга солмас, зеро, унга бефарқ бўлмаган ягона одам буни кўрмасди. Яқин ўтган икки ой ҳаётининг охирги йилларидаги энг омадли давр бўлди. Қўллари Эшлининг бўйнидан қучганида юрагининг ҳаяжондан дукиллаб

урганини эшитмаганмиди? Умидсизлик ва изтироб тўла нигоҳлари-чи – унинг тили айтолмаган туйғуларини ошкор қилди. Энди уни шубҳа-гумонлар ортиқ қийнамас ва бу ишонч унга шу қадар шодлик олиб келгандики, бундан Меланига нисбатан юрагида хайрихоҳлик пайдо бўлди. Ҳатто унга нисбатан ачиниш ҳисси – унинг бефаҳмлиги ва сўқирлигидан бир қадар нафратга қоришган ачиниш ҳисси пайдо бўлди.

"Қачон уруш тугаса... – дерди у ўзига ўзи. – Қачон уруш тугаса, ўшанда..."

Лекин аҳён-аҳёнда юрагига қўрқув совуқ ханжарини ботирар – хаёлида бошқа фикр пайдо бўларди: "Ўшанда... нима ўшанда?". Лекин у бу фикрни миясидан қуварди. Уруш орқада қолса, ҳамма нарса ўз ечимини топади! Модомики Эшли уни севар экан, демак, у Мелани билан асло яшай олмайди.

Аммо ажралишнинг имкони йўқ. Ва шубҳасиз, Эллин билан Жералд – ашаддий католиклар – ҳеч қачон унинг ажралган кишига турмушга чиқишига йўл қўймайди. Ахир, бу черковдан четлатилиш дегани-ку! Бу ҳақда ўйларкан, Скарлетт шундай қарорга келди: агар черковни ёки Эшлини танлашга тўғри келса, у Эшлини танлайди. Аммо қандай можаро бошланиши бир худога аён! Ажрашганлар нафақат муртад деб эълон қилинадилар – уларни жамият қабул қилмай қўяди. Улар қувғинга учрайдилар. Хўш, нима бўпти, Эшли учун у ҳамма нарсага рози. Эшли учун у ҳамма нарсадан воз кечишга тайёр.

Уруш тугаса, ҳаммаси жой-жойига тушиб кетади. Борди-ю Эшли уни севса, ростданам қаттиқ севса, бир иложини топади. Скарлетт уни иложини топишга мажбур қилади. Шу тариқа кундан-кунга Скарлеттнинг хаёлида Эшли ўзини севишига ва янкилар тор-мор этилгач, бир йўлини топишига ишонч мустаҳкамлана борди. Тўғри, Эшли янкиларнинг қўли

баланд келаётганини айтганди. Лекин Скарлетт буни бўлмағур гап, деб ҳисобларди. У билан гаплашаётганида Эшлининг руҳи тушкун, жони қийноқда эди. Қолаверса, янкилар ғалаба қозонадими-йўқми, деган фикр Скарлеттни ташвишга солмасди. Ишқилиб уруш эртароқ тугаса-ю, Эшли уйга қайтса бўлгани.

Ҳавонинг бузуқлиги, лойгарчилик одамларни уйда ўтиришга мажбур қилган март ойида тақдир Скарлеттга шафқатсиз зарба берди. Мелани уялинқираб бошини эгиб ва қувончдан порлаган кўзларини олиб қочиб, Скарлеттга фарзанд кутаётганини маълум қилди.

– Доктор Миднинг фикрича, бу августнинг охири ёки сентябрнинг бошида рўй беради, – деди у. – Ўзим ҳам пайқагандим, бироқ ишончим комил эмасди. Оҳ, Скарлетт... Уэйдинг борлиги учун сенга жуда ҳавас қилардим, мен ҳам фарзанд кўришни жуда-жуда истардим. Ҳеч қачон фарзандим бўлмайди, деб қаттиқ қўрқардим, мен болаларим жуда кўп бўлишини хоҳлайман!

Скарлетт ухлагани ётишдан олдин сочини тараётганди, Мелани бу сўзларни айтганида қўли ҳавода муаллақ қотди.

– Ё раҳмдил тангрим! – пўнғиллади у эшитганларининг маъносини англаб етмай. Кейин хотирасида Мелани ва Эшлининг ортидан ётоқ эшиги ёпилгани жонланди ва вужудида шундай кескин оғриқ турдики, худди юрагига пичоқ санчилгандай бўлди – гўё Эшли унинг эри-ю, Скарлетт унинг бевафолик қилганини билиб қолгандек. Бола. Эшлининг боласи. Ахир, қандай қилиб у Меланини эмас, уни, Скарлеттни сева туриб, бундай қилди!?

– Сенинг ҳайрон қолишингни билардим, – нафаси тиқилиб бижирларди Мелани. – Ахир, бу ҳайратланарли эмасми? О, Скарлетт, бу ҳақда Эшлига қандай

ёзишни ҳам билмайман! Қани энди унга айтиш мумкин бўлса ёки... ёки ҳеч нарса демаган маъқулмикан, ўзи секин-аста сезсин... фаҳмласин... ўзинг тушунасан-ку...

– Ё меҳрибон эгам! – такрорлади Скарлетт йиғлагудай бўлиб ва тароқни ташлаб юбориб, қулаб тушмаслик учун пардоз-андоз столининг мармар тахтачасидан ушлаб қолди.

– Азизам, сенга нима бўлди, бундай ҳаяжонланма! Биласан-ку, бола туғиш ҳечам қўрқинчли эмас. Ўзинг шундай дегандинг. Мендан хавотирланма. Сенинг ҳамдардлигингдан бошим кўкка етди. Тўғри. Доктор Мид, мен... менинг, – Мелани қизариб кетди, – тос суягим тор экан, лекин у ҳаммаси жойидалигига умид қиламан, деди. Яна... айт-чи, Скарлетт, Уэйд ҳақида билганингда Чарлига ўзинг ёзганмидинг ёки ойинг, ё мистер О'Хара ёзганмиди? О, азизам, қанийди ойим ҳаёт бўлса-ю, Эшлига ўзи ёзса! Мен асло тасаввур қилолмаяпман, қандай қилиб мен...

– Жим бўл! – ўзини йўқотиб қичқирди Скарлетт. – Жим бўл!

–О, Скарлетт! Худойим, қандай аҳмоқман-а! Мени кечир. Биласанми, агар инсон бахтли бўлса, у доим худбинга айланади. Мен Чарли ҳақида бутунлай унутибман....

– Жим бўл! – қайтарди Скарлетт ўзини қўлга олишга уриниб ва Меланидан юзини яширди. Ҳеч қачон, ҳеч қачон Мелани унинг ичини нималар кемираётганини пайқамаслиги, ё бўлмаса шубҳага бормаслиги керак. Барча дунёвий хилқатларнинг энг назокатлиси бўлган Мелани ўзининг бағритошлигидан уялиб кетди ва кўзларига ёш олди. Скарлеттнинг юрагида бечора Чарлз оламдан ўтгач, бир неча ойдан кейин кичкинтой Уэйд пайдо бўлгани ҳақидаги ёмон хотираларни уйғотишга у қандай

журъат этди? Қандай қилиб бундай тошбағирликка йўл қўйди?

– Кел, ечинишингга ёрдамлашай, азизам? – ито-аткорона деди Мелани. – Сочларингни ҳам тараб қўяман.

– Мени тинч қўй, – юзи тошдай қотиб деди Скарлетт. Мелани эса виждон азобидан қийналиб, кўзларида ёш билан чиқиб кетди. Тўшакка кираётган Скарлетт йиғламас, аммо унинг иззат-нафсига қаттиқ теккан, умидлари чил-парчин бўлган, бахтиёр жуфтларга ҳасад унинг ич-этини ерди.

У энди ўз қорнида Эшлининг зурёдини кўтариб юрган аёл билан бир уйда яшаёлмаслиги ва уйга, ота уйига қайтиши лозимлиги ҳақида ўйларди. Энди Меланининг кўзига қаролмайдигандай, сирини яширолмайдигандай туюларди. У эрталаб нонуштадан сўнг дарҳол йўлга чиқишга қатъий қарор қилиб, ўрнидан турди. Лекин улар – Скарлетт ғамгин сукут сақлаб, Питти амма бетийиқ ҳиссиётлар оғушида, Мелани эса ачинарли қиёфада дастурхон атрофида ўтиришганида, телеграмма келтиришди.

Эшлининг хизматкори Моз Меланига хабар қиларди:

"Мен уни тўрт тарафдан изладим, аммо тополмадим. Уйга қайтишимга рухсат берасизми?"

Бу телеграмма нимани англатишини ҳеч ким тушунмас, улар бир-бирига қўрқувдан катта очилган кўзлари билан қараб туришар ва жўнаб кетиш ҳақидаги фикр Скарлеттнинг миясидан чиқиб кетганди. Нонушта тугамасидан улар ғизиллаб шаҳарга жўнашди – Эшли хизмат қилаётган полк командирига телеграмма бериш учун – лекин телеграфда уларни полковникнинг ўзи юборган телеграмма кутарди:

"Таассуф билан маълум қиламан: уч кун олдин разведка операциясидан қайтиб келмаган майор Уилкс бедарак кетган, деб ҳисобланади. Сизни хабардор қилиб турамиз".

Улар ғамга ботиб уйга қайтишарди: Питти амма йиғлар ва рўмолчага бурнини қоқарди, Мелани ранги оқарган, тўғри, қилт этмай ўтирар, ларзага тушган, ҳаракатсиз Скарлетт извошнинг бир бурчагига тиқилиб олганди. Уйга киргач, Скарлетт чайқалиб зинадан ётоғига кўтарилди, тасбеҳни чангаллади ва тиз чўкиб, худога муножот қилмоқчи бўлди. Лекин дуо оятлари эсига келмади. Вужудини ваҳима эгаллаган – қўрқинчли фикр миясини ғорат қиларди: тангри гуноҳлари учун ундан юз ўгирди. У уйланган эркакни севиб қолиб, уни хотинидан айирмоқчи бўлди, шу сабабдан тангри уни жазолаш учун Эшлининг жонини олди. У ибодат қилишни истар, бироқ бошини кўтариб фалакка қарашга ботинолмасди. Йиғлагиси келар, бироқ кўзидан ёш чиқмасди. Ёшлари кўксини куйдирар, томоғини бўғар, бироқ кўзларида нам йўқ эди.

Эшик очилиб, Мелани кирди. Унинг қора сочлар ўраб олган рангпар юзи оқ қоғоздан қирқиб олинган юракчага ўхшар, катта-катта кўзларида қўрқув қотиб қолганди. У қоронғуликда адашиб қолган болага ўхшарди.

– Скарлетт, – деди у унга қўлини чўзиб. – Кечаги гапларим учун мени кечиришинг керак, ахир, энди бор-йўғим сенсан. Оҳ, Скарлетт, менинг бебаҳо инсоним энди йўқ.

Ким билсин, бу қандай юз берди, лекин Скарлетт аллақачон Меланини бағрига босиб турар, у эса дод солиб йиғлар, боланикидек кўкраги дир-дир титрарди! Кейин улар ғам-ҳасрат ичида бир-бирининг пинжига кириб бир ўринда ётишар, Скарлетт ҳам йиғлар – Меланининг елкасига бошини қўйиб йиғлар, уларнинг юзлари қоришиб кетган кўз ёшларидан ҳўл эди. Кўз ёшлари кўнгилни бўшатади, лекин улар тўкилмай қолганда янада оғир бўлади. Эшли ўлган, ўлган, дея ўйларди Скарлетт, уни мен ўлдирдим,

унинг ўлимига менинг муҳаббатим сабаб! Яна хуруж қилиб келган фарёд танини титратиб юборди, унинг кўз ёшларидан беихтиёр тасалли топган Мелани бўйнидан қаттиқ қучди.

– Ҳеч бўлмаса, – пичирлади у, – ҳеч бўлмаса ундан менинг болам бўлади.

"Менда эса, – ўйлади Скарлетт ғам-ғуссасининг оғирлиги боис рашк сингари майда ҳиссиётлардан покланиб, – менда ҳеч нарса қолмади. Хайрлашаётгандаги нигоҳи қолди, холос."

Биринчи хабарда шундай дейилганди: "Бедарак йўқолди, ўлдирилгани тахмин қилинади". Талафотлар рўйхатида шундай ёзилганди. Мелани полковник Слоанга кўп телеграмма жўнатди ва ниҳоят чуқур ҳамдардлик билдирилиб ёзилган хат келди. Хатда полковник Эшли отлиқ аскарлари билан разведкага кетгани ва қайтмагани хабар қилинганди. Чегара чизиғида душман билан кичик тўқнашувлар ҳақида маълумотлар келиб турарди, ғамдан адо бўлган Моз ҳаётини хавф остига қўйиб Эшлининг жасадини излаб топиш учун жўнади, бироқ топа олмади. Энди нотабиий тарзда хотиржам тортган Мелани унга телеграф орқали пул юборди ва уйга қайтишини буюрди.

Талафотларнинг кейинги рўйхатида: "бедарак йўқолди, асир тушганлиги тахмин қилинади" деган сўзлар пайдо бўлди, қайғуга ботган хонадонда умид учқунлари пайдо бўлиб, одамларга жон кирди. Меланини телеграф идорасидан олиб кетиш қийин эди, у хат олиш умидида поездларни кутиб олишга чиқарди. Ҳомиладорлик оғир кечар, соғлиги ёмонлашган, лекин у доктор Миднинг кўрсатмаларига бўйсунишни ва тўшакда ётишни истамасди, изтиробли безовталик ва асабийлик ич-этини кемирар, у бир дақиқа бўлсин ором нималигини билмасди. Тун ярмидан оққанидан сўнг ҳам Скарлетт ўринда ётганча, қўшни хонада унинг қадам товушларини эшитарди.

Бир куни қаттиқ қўрққан Питер амаки кечга томон чалаўлик Меланини шаҳардан уйга олиб келди, Мелани извошда ўтирар, уни Ретт Батлер суяб турарди. Телеграфда унинг аҳволи оғирлашиб қолибди, тасодифан у ерга келиб қолган Ретт одамларнинг саросимада туришганини ва Меланини кўриб, уни уйга олиб келибди. Ретт уни қўлида кўтариб ётоғига олиб кирди ва тўшакка ётқизди, ташвишга тушган уй эгалари эса кўрпа, иссиқ ғишт ва виски кўтариб атрофида парвона бўлишди.

– Миссис Уилкс, – тап тортмай сўради Ретт Батлер, – сиз фарзанд кутяпсизми?

Бундай саволни бошқа вазиятларда эшитганида Мелани яна ҳушидан кетган бўларди, ҳозир эса у ниҳоятда хаста, ниҳоятда заиф, ниҳоятда қайғуда эди. Ҳатто яқин дугоналари билан суҳбатларда ҳам у ҳомиладорлигини эслатишдан уялар, доктор Мид ҳузурида бўлиш эса унинг учун дўзах азоби билан баробар эди. Бу саволни эркак киши, яна кимсан, Ретт Батлернинг оғзидан эшитиш ақлга сиғмайдиган ҳолдек туюларди. Аммо тўшакда чўзилиб ётган дармонсиз ва афтодаҳол Мелани фақат бош ирғай олди, холос. Бош ирғагандан кейин эса нимагадир ҳеч нарса ваҳимали туюлмай қўйди, чунки мистер Батлер ҳаддан ташқари меҳрибон ва эътиборли эди.

– Ундай бўлса, сиз кўпроқ ўзингизни ўйлашингиз лозим. Сизнинг азоб чекишингиз, югур-югурларингиз ва оворагарчилигингизнинг ҳеч фойдаси йўқ, булар болага зиён етказиши мумкин. Рухсатингиз билан мистер Уилкснинг тақдири ҳақида билиш учун мен Вашингтондаги ошналаримни ишга соламан. Агар у асир тушган бўлса, исм-фамилияси федералистлар рўйхатида бўлиши керак, мабодо йўқ бўлса... Илож қанча, бедараклик ҳаммасидан ёмон. Лекин, миссис Уилкс, менга ўзимни эҳтиёт қиламан, деб сўз беринг, акс ҳолда, худо ҳаққи, ҳеч нарса қилмайман.

– Қандай меҳрибонсиз! – ғўлдиради Мелани. – Қандай қилиб одамлар сиз ҳақингизда шундай ёмон гап айтишлари мумкин? – Ва шу ондаёқ Мелани гапларининг ножўялигини фаҳмлаб, боз устига рўй бераётган воқеа-ҳодисаларнинг ўта беадаблигидан ғам чекиб сассиз йиғлаб юборди. Қўлида фланель латтага ўралган иссиқ ғишт билан зинадан учиб чиққан Скарлетт Ретт Батлер Меланининг қўлини аста силаётганини кўрди.

У сўзида турди. Бунинг учун қандай имкониятлардан фойдаланди, нималарни ишга солди – улар билмасди. Унинг янкилар билан жуда яқин алоқада эканлигини эшитишдан чўчиб, сўрашга ботинолмадилар. Ретт дастлаб уларни хурсандликдан осмонда учишга мажбур қилган, сўнг эса узоқ вақтгача қалбларини изтиробга солган хабарни олиб келди.

Эшли тирик! У яраланиб, асирга тушган ва маълумотларга кўра, Илминойс штатидаги Рок-Айлендда, ҳарбий асирлар лагерида эди. Эшли тирик! Бу қувончли лаҳзаларда улар бирор нарса ҳақида ўйлай олишмасди. Кейинроқ, қувончли ҳаяжон бир оз босилгач, улар бир-бирларига қараб пўнғиллашди: "Рок-Айленд!" Бу сўз уларнинг оғзидан худди "Жаҳаннамда!" деган оҳангда чиқди. Зеро, ўша пайтларда шимолликларга "Андерсонвилл" сўзидан, худди жаҳаннамдан чиқаётгандек, олтингугуртнинг бадбўй ҳиди анқиб турса, "Рок-Айленд" сўзи жанубликлар қалбига, мабодо, уларнинг яқинлари ўша қамоқхонада бўлса, ваҳшат соларди.

Линкольн ҳарбий асирларни алмаштиришга рози бўлмаган, Конфедерацияга янки ҳарбий асирларини таъминлаш ва қамоқда тутиб туришни юклаб уруш тугашини яқинлаштиришга умид боғлаган пайтда Жоржия штатида жойлашган Андерсонвиллда минглаб кўк мундирлилар бор эди. Конфедерация аскарлари чор-ночор боқилар, касаллар ва ярадорлар амалда умуман дори-дармон ва боғлаш

материалларидан маҳрум эди. Аслида конфедератларнинг асирлар билан бўлишадиган ҳеч нарсаси йўқ эди. Аскарларга ҳарбий ҳаракат пайтида нима тегса, асирларга шу нарса – ёғли чўчқа гўшти ва қуритилган ловия бериларди. Бундай аҳвол оқибатида янкилар пашшадай қирилар, баъзан бир кунда юзлаб одам ҳаётдан кўз юмарди. Бундай хабарлардан дарғазаб бўлган Шимол асир олинган конфедератларнинг таъминотини оғирлаштириш билан жавоб берди, айниқса, Рок- Айлендда ётган асирларнинг аҳволи ниҳоятда оғир эди. Етар-етмас озиқ-овқат, уч кишига битта кўрпа ва лагерда авж олган касалликлар – зотилжам, ичтерлама, чечак – бу қамоқхонанинг "ўлат лагери" номини олишига омил бўлди. Бу лагерга тушган ҳарбий аскарларнинг учдан икки қисмигагина ўлмай озодликка чиқиш насиб этганди.

Эшли шу ерда, мана шу даҳшатли лагерда эди! У тирик, лекин яраланган, асир тушган, уни Рок-Айлендга олиб кетишганда ҳали Иллинойсни қалин қор қоплаб ётган бўлса керак. Балки Ретт Батлер у ҳақда маълумот олганидан сўнг Эшли жароҳати оғирлигидан қазо қилгандир? Балки зотилжамга чалиниб, алаҳсираб ётгандир, ёпиниб ётишга ҳатто кўрпаси ҳам йўқдир.

– О, капитан Батлер, бирор нарса қилишнинг иложи йўқми? – ёлворди Мелани. – Таниш-билишларингизни ишга солиб, уни алмаштириб ололмайсизми?

– Миссис Биксбининг беш ўғлига кўз ёши тўкаётган одил ва шафқатли мистер Линкольн ўзининг Андерсонвиллда ўлиб кетаётган минглаб аскарлари учун бир томчиям кўз ёши тўкмайди, – зўрма-зўраки кулиб жавоб берди Ретт Батлер. – Асирлар ёппасига қирилиб кетса ҳам унга барибир. Буйруқ чиққан: асирлар алмаштирилмайди. Ҳеч кимга истисно йўқ. Мен... мен бу ҳақда сизга айтишни истамагандим, лекин мажбурман. Эрингизнинг лагердан озод бўлиш имконияти бўлган, лекин у рад этган.

– О, йўқ, бўлиши мумкин эмас! – хитоб қилди Мелани қулоқларига ишонмай.

– Ҳа, шундай. Янкилар чегарада хизмат қилиш ва уни ҳиндулардан қўриқлаш учун аскар йиғишган. Аскарларни асирдаги конфедератлар орасидан ёллашган. Ҳиндулар чегарасида икки йил хизмат қилишга ва қасамёд қилишга рози бўлган маҳбус лагердан озод қилинар ва Ғарбга жўнатиларди. Мистер Уилкс рад этибди.

– О, нега у бундай қилади? – хитоб қилди Скарлетт. – Қасамёд қилиб, лагердан озод бўлгач, уйга қочиб келиш шунчалар қийинмиди?

Бир лаҳзада ғазаб отига минган Мелани унга ташланди:

– Қандай қилиб сен бундай нарсани хаёлингга келтиришинг мумкин! Аввал бу шармандали қасамни қабул қилиб, Конфедерацияга, кейин эса янкиларга берган сўзига хиёнат қилсинми? Бундай қасам ичганини эшитгандан кўра унинг Рок-Айлендда вафот этганини билганим енгилроқ-ку! Агар у қамоқда оламдан ўтса мен у билан фахрланган, аммо бу ишни қиладиган бўлса, умрбод уни кўришни истамаган бўлардим. Ҳеч қачон! Ҳеч қачон! Албатта, у рад этган.

Ретт Батлерни эшиккача кузатаётиб, Скарлетт жиғибийрон бўлиб сўради:

– Сиз унинг ўрнида бўлганингизда бу лагерда ўлиб кетгандан кўра аскарликка ёлланиб, кейин қочишни афзал кўрмасмидингиз?

– Шубҳасиз, афзал кўрган бўлардим, – жавоб берди Ретт ва ингичка мўйловлари остидаги оппоқ тишларини ялтиратиб илжайди.

– Унда нега Эшли бундай қилмади?

– У жентльмен, – деди Ретт. Скарлетт эса шошиб қолди: қандай қилиб у бу қадар сурбетларча нописандлик ва нафратни битта қисқа, ҳамма юксак қадрлайдиган сўзга жойлай олди?

УЧИНЧИ ҚИСМ

XVII боб

1864 йилнинг майи иссиқ, қуруқ, гармселдан очилиб улгурмаган гулғунчаларни қовжиратиб кириб келди, энди янкилар генерал Шерман қўмондонлиги остида яна Жоржияда, Атлантадан шимоли-ғарб томон юз миля узоқликда жойлашган Далтон бўсағасида эди. У ёқда, Жоржия ва Теннесси чегарасида оғир жанглар кутилаётганди. Янкилар ўз кучларини Атлантани Теннесси ва Ғарб билан боғлаб турган Ғарбий Атланта темир йўлига зарба бериш учун бир ерга – кузда Чикамауга яқинида ғалаба қозонган жануб қўшинлари кўчириб олиб ўтилган ўша йўлга тўплаганди.

Аммо Далтон яқинида бўладиган жанг Атлантани айтарли ташвишга солмасди. Янкилар ўз қўшинларини тўплаган жой Чикамауга бўсағасидаги жанг майдонларидан атиги бир неча миля жануби-ғарбда жойлашганди. Бир марта янкилар у ердан тоғ сўқмоқлари орқали ёриб ўтишга уриниб кўришган ва улоқтириб ташланганди. Бу сафар ҳам уларни қувиб юборишади.

Атлантада – ҳатто бутун Жоржияда ҳам – Конфедерация учун ғоят муҳим бу штат стратегик аҳамиятга эгалиги боис генерал Жо Жонстон унинг ҳудудида янкиларнинг узоқ қолиб кетишига йўл қўя олмаслигини тушунишарди. Қария Жо ва унинг аскарлари бирорта янкининг Далтондан нарига, жанубга силжишига йўл қўймайди – ҳаддан ташқари кўп нар-

са Жоржияда ҳаёт тўхтамай давом этишига боғлиқ эди. Ҳали қашшоқликка юз тутмаган бу штат Конфедерация учун ҳам улкан ғалла кони, ҳам механика устахонаси, ҳам буюмлар омбори эди. У армия учун қурол-аслаҳанинг деярли ҳаммасини, порох ҳамда пахта ва жун маҳсулотларини тўлиғича етказиб берарди. Атланта ва Далтон ўртасида пўлат қуйиш ва бошқа саноат корхоналарига эга Ром шаҳри, Ричмонд жанубида эса энг улкан чўян қуйиш заводларига эга Итова ва Аллагуна шаҳарлари жойлашганди. Атлантанинг ўзида ҳам нафақат қурол-яроғ, снарядлар, эгарлар ва сафар чодирлари тайёрланар – бу ерда Жанубнинг энг йирик металл ёядиган чиғирлар – прокатка станлари, барча асосий темир йўл устахоналари ҳамда кўплаб госпиталлар жойлашган эди. Айнан Атлантада бош темир йўл марказлашган бўлиб, бу ерда бутун Конфедерация ҳаёт-мамоти билан боғлиқ тўрт темир йўл тармоғи кесишарди.

Сирасини айтганда, ҳеч ким ортиқча хавотирга тушмаётганди. Қолаверса, Далтон узоқда – қарийб Теннесси чегараси яқинида эди. Теннессида эса, мана, уч йилдирки уруш борар, одамлар анчадан бери бу штатни улардан Виргиния ёки Миссисипи дарёси ҳавзаси қанча узоқ бўлса, шунча узоқда жойлашган уруш ҳаракатлари театри сифатида тасаввур қилишга ўрганиб қолганди. Бунинг устига янкилар ва Атланта ўртасида ўз аскарлари билан қария Жо турар, ҳаммага ва ҳар бир кишига маълум эдики, ҳозир Енгилмас Жексон ўлимидан кейин Конфедерацияда Жонстондан бошқа, албатта, генерал Лини айтмаганда, яхшироқ ҳарбий қўмондон йўқ эди.

Майнинг илиқ оқшомида Питти амманинг айвонида ўтириб доктор Мид Атланта умуман ҳеч нарсадан хавотирланмаса ҳам бўлишини, чунки генерал Жонстон тоғларда ўз армияси билан мустаҳкам қўрғондек турганини айтиб, шаҳарликлар-

нинг нуқтаи назарини қисқача баён қилди. Тебранма курсиларда секин тебраниб ўтирган одамларнинг ҳар қайсиси кўкламги илк тиллақўнғизлар гўё сеҳр-жоду қилингандек қуюқлашиб бораётган шом қоронғусида пайдо бўлаётганини кузатаркан, доктор Миднинг сўзларини ўзича қабул қилар, зеро, ҳар бирининг қалбида дард бор эди. Филнинг елкасига қўлини қўйиб ўтирган миссис Мид, худо хоҳласа, доктор ҳақ бўлиб чиқишидан умид қиларди. У тушунарди: мабодо ҳарбий ҳаракатлар Атлантага яқинлашса, Фил фронтга кетиши керак бўлади. У аллақачон ўн олти ёшга тўлган ва ички ҳимоя қўшинларига қабул қилинганди. Рангпар, кўзлари ичига чўккан, Реттисберг фожеасидан сўнг ҳалиям ўзига келмаган Фенни Элсинг шу ойлар давомида хаёлидан кўтарилмаётган даҳшатли манзарани: лейтенант Даллас Маклюр Мерилендга кетма-кет чекинилган кунлари ёмғир ювиб кетган йўллардан ҳўкизлар судраб бораётган шалоқ аравада жон бераётганини миясидан қувишга уринарди.

Капитан Кэйри Эшбернга шол қўли азоб берар, бунинг устига Скарлеттга қилган хушомадлари зое кетганидан руҳи тушганди. Гарчи капитан Эшбернинг ўзи бу икки вазият ўртасида ҳеч қандай боғлиқликни сезмаган бўлса-да, Эшли Уилкс асирга тушиб қолгани маълум бўлган кундан буён бу хушомадлар заррачаям самара бермади. Скарлетт ва Мелани, ҳар доимгидек, Эшли ҳақида ўйларди, агар уларни кундалик ташвиш ёки суҳбатлашиб ўтиришлар чалғитмаса, Скарлеттнинг хаёллари алам ва қайғу билан тўлар эди. "У тирик эмаслиги аниқ, бўлмаса у ҳақда бирор гап эшитган бўлардик." Мелани эса қайта-қайта хаёлидан қўрқув васвасасини ҳайдар ва хаёлан таъкидларди: "У тирик. Мен буни биламан – агар у ўлган бўлса, мен буни ҳис қилган бўлардим!". Ретт Батлернинг қорача юзидан бирор

нарсани илғаб бўлмасди. У айвоннинг соялов томонида ялтираган башанг этикдаги оёқларини бепарво чалиштириб ўтирарди. Унинг тиззасида яхшилаб чайналган товуқ суягини муштчаси билан мамнун қисиб ушлаб кичкинтой Уэйд беташвиш пишиллаб ухларди. Ретт Батлер келганида Скарлетт, одатда, Уэйдга кечроқ ухлашга ижозат берар, чунки тортинчоқ, уятчан болани Ретт нақд сеҳрлаб қўйганди, унинг ўзи ҳам, нечоғли ғалати туюлмасин, болага боғланиб қолганди. Одатда Уэйднинг бу ердалиги Скарлеттнинг жиғига тегар, лекин гўдак Реттнинг тиззасида ўзини яхши, қобил тутарди. Питти аммага келсак, у жон-жаҳди билан кекиригини босишга ҳаракат қиларди, чунки кечки овқат пайтида ейилган қари хўроз гўшти шундоқ чандир экан.

Ўша куни эрталаб бу патриарх қартайиб қолгани ва аллақачон еб битирилган ҳарамини қўмсаб ғамга ботгани сабабли ўлиб-нетиб қолмасидан олдин Питти амма уни сўйишдек оғир қарорни қабул қилди. Хўроз кундан-кунга бўм-бўш катакда озиб-тўзиб борар, қичқиришга ҳам мажоли қолмаганди. Питер амаки унинг бўйнини узганида Питтипет амманинг ғоят назокатли қалбини дафъатан бир шубҳа қийнай бошлади: кўпинча дўсту биродарлар ҳафталаб товуқ гўштини татиб ҳам кўролмаётган бир пайтда оила даврасида бу парранда гўштини еб, ҳузур қилса бўлармикан? Хуллас, у меҳмон кутишга қарор қилди. Ҳомиласи беш ойлик бўлиб қолган ва меҳмонга бормай қўйганига анча бўлган Мелани бу бемаъниликдан даҳшатга тушди. Лекин бу даъфа Питти амма қатъият кўрсатди. Хўрознинг ҳаммасини ёлғиз ўзлари ейишса худбинлик бўлади, мабодо Мелани кринолиннинг юқориги ҳалқасини баландроқ кўтариб қўйса, ҳеч ким ҳеч нарсани сезмайди, бунинг устига унинг кўкраги шунақа ясси.

– Аҳ, Питти амма, мен ҳеч қандай меҳмон кутишни истамайман, Эшли...

– Агар Эшли... агар у бу дунёда бўлмаганида шундай бўларди, – овози титраб гапирди Питти амма, зеро, ичида Эшлининг ўлганига ишончи комил эди. – Лекин биз сен билан қай даражада жонсиз бўлсак, у ҳам бундан зиёд эмас, сен эса бир оз одамлар билан бирга бўлсанг зарар қилмайди. Мен яна Фенни Элсингни ҳам чақираман. Миссис Элсинг одамлардан ўзини олиб қочишни бас қилиши учун унга таъсир ўтказишимни илтимос қилди.

– Йўқ, Питти амма, менимча, шўрлик Даллас кечагина оламдан ўтган бўлса, шундай пайтда Феннини одамларга қўшилишга мажбур қилиш – бу шафқатсизлик.

– Биласанми, Мелани, агар ҳозир сен баҳслашсанг мени йиғлашга мажбур қиласан. Фаҳмимча, мен сенинг аммангман, нима қилиш кераклигини биламан. Мен меҳмон чақиришни истайман.

Шундай қилиб, Питти амма гапида туриб олди ва сўнгги дақиқада у кутмаган ва зинҳор кўришга иштиёқманд бўлмаган меҳмон кириб келди. Қовурилган хўроз гўштининг ҳиди уйни тутиб кетган бир пайтда ҳозиргина сирли сафарларининг биридан қайтган Ретт Батлер чиройли конфет қутисини қўлтиғига қисиб, тилидан бол томиб, Питти амма шаънига бир дунё ҳикмату қочиримли мақтов сўзлар ёғдириб эшикда пайдо бўлдики, Питти аммаанинг доктор Мид ва рафиқаси у ҳақда қандай фикрда эканини ва Фэнни Элсинг ҳарбий форма киймаган эркакларни ёқтирмаслигини билса ҳам, уни столга таклиф қилишдан бошқа чораси қолмади. На эр-хотин Мидлар, на Фэнни уни кўчада учратса саломлашмаган бўларди, лекин дўстларининг хонадонида улар одоб сақлашга мажбур эдилар. Боз устига,

мўмин-қобил, беозор Мелани айни дамда уни ҳар қачонгидан-да дадилроқ туриб ҳимоя қилди. Реттнинг саъй-ҳаракатлари туфайли Эшли ҳақида маълумот олганидан сўнг Мелани халойиқ олдида, ҳали у тирик экан, одамлар Ретт Батлер ҳақида нималар демасин, уйининг эшиклари унинг учун ҳар доим очиқ эканини баралла маълум қилди.

Бу даъфа Ретт ўзини мўмин-қобил тутаётганини кўриб, Питти амма сал бўшашди. У Фэннига шу қадар ҳурмат ва ҳамдардлик билан мулозамат кўрсатдики, Фенни ҳатто Реттга жилмайиб қаради ва кечки овқат кўнгилдагидай ўтди. Бу ўзига хос шоҳона базм бўлди. Кэйри Эшберн Андерсонвиллга жўнатилаётган янки-асирлардан биринг тамаки халтасидан топган озгина чойини олиб келибди, ҳаммага бир пиёладан хиёл тамаки ҳиди анқиб турган чой улашилди. Ҳаммани яна бир бўлакчадан қари хўрознинг чандир гўшти ва шу миқдорда маккажўхори уни, пиёздан тайёрланган қайла, бир косача нўхат ва, тўғри, ун камчиллиги боис суюқроқ бўлса-да, анчагина қайлали гуруч билан сийлашди. Десертга ширин картошкали пирог, ортидан Ретт Батлер олиб келган бир қути конфет тортилди, бир стакандан маймунжон виноси ичилиб, Ретт жентльменларни Гавана сигаралари билан сийлагач, ҳамма бир овоздан бу чиндан ҳам базми жамшид бўлди, дея эътироф этди.

Жентльменлар айвонда ўтирган аёллар даврасига қўшилганида, суҳбат уруш мавзусига кўчганди. Энди суҳбатлар доим урушга бориб тақаларди: ким нима ҳақда гапирмасин – ғамгин ёки қувончли воқеалар ҳақидами – ҳамма гап урушдан бошланиб, уруш билан тугарди, ҳарбийча қизиқишлар, ҳарбийча тўйлар, кимнингдир жанг майдонида ёхуд госпиталда ўлим топгани, жанглар, юришлар, жасурлик, қўрқоқлик, ғам, қувонч, жудоликлар ва орзу-армон-

лар ҳақида гапириларди. Ҳар доим, ҳамиша умидлар билдириларди. Ёз бошларидаги йўқотишларга қарамай, қатъий ва мустаҳкам умидлар айтиларди.

Капитан Эшберн фронтга юборишларини сўраганини ва уни Атлантадан Далтон яқинида турган армияга жўнаб кетишига рухсат беришганини айтганида, хонимлар унинг мажруҳ қўлини ўпишга тайёр эдилар, қалбларини тўлдирган фахр-ифтихорни сездирмасликка уриниб, бир овоздан кетмаслиги кераклигини таъкид-лай бошладилар – у кетса, уларнинг кўнглини ким овлайди, ахир?

Бундай арзу ҳолни миссис Мид ва Меланидек саховатпеша аёллар, Питти амма ва Фэнни каби турмушга чиқмаган хонимларнинг оғзидан эшитган ёш капитан хижолат тортди, лекин беҳад хурсанд бўлди: у Скарлетт ҳам шундай фикрда эканига ишонишни истарди.

– Қани, бас қилинглар, кўз очиб юмгунингизча у уйга қайтиб келади, – деди доктор Кэйрини елкасидан қучиб. – Яна битта қисқа жанг ва янкилар орқага – Теннессига улоқтирилади. У ерда эса уларни нима қилишни генерал Форрест ўз зиммасига олади. Сизларни, муҳтарама хонимлар, янкилар яқин орада эканлиги асло ташвишга солмаслиги керак: генерал Жонстон ўз аскарлари билан тоғларда мустаҳкам қўрғондек турибди. Ҳа, ҳа, худди мустаҳкам қўрғондек, – такрорлади у ўзгача завқ билан. – Шерман у ёқдан ҳеч қачон ўтолмайди. Унинг қария Жо аскарлари орасидан ёриб ўтиши амримаҳол.

Хонимлар маъқуллаб жилмайишди: доктор Миднинг ҳар қандай гапи эътирозга ўрин қолмайдиган ҳақиқатдек қабул қилинарди. Ахир, эркаклар бу ишларни аёллардан кўра яхшироқ тушунади-да, модомики, доктор генерал Жонстонни, мустаҳкам қалъа дебдими, демак, ҳақиқатан ҳам шундай. Шу пайт Ретт Батлер гап бошлади. Кечки овқатдан сўнг

шу дақиқагача у нимқоронғи айвонда елкасига бошини қўйиб ухлаётган болани тиззасида олиб ўтирар, гапга қўшилмас, лаблари четида билинар-билинмас истеҳзо бор эди.

– Менингча, агар миш-мишлар тўғри бўлса, мадад кучлари олганидан сўнг ҳозир Шерманнинг ихтиёрида юз мингдан ортиқ аскар бор, шундайми?

Бу кутилмаган саволга докторнинг жавоби кескин бўлди. Доктор меҳмонлар орасида ўзи хушламайдиган бу одамни кўрган дақиқадан ўзини қўярга жой тополмаётган, фақат миссис Питтига ҳурмати ва Рет Батлер унинг қаноти остида эканини билгани учун ҳиссиётларини ошкора намоён этмасликка мажбур эди.

– Хўш, нима бўпти, сэр? – тўнғиллади унга жавобан.

– Капитан Эшберн эса бизга ҳозиргина генерал Жонстон қўл остида охирги ғалабамиздан сўнг байроқларимиз остига қайтишга кўндирилган қочоқларни ҳам қўшиб ҳисоблаганда бор-йўғи қирқ мингта аскар борлигини айтди, шекилли.

– Сэр! – аччиғи чиқиб хитоб қилди миссис Мид. – Конфедератлар армиясида қочоқлар йўқ.

– Узр сўрайман, – ясама итоаткорлик билан хатосини тузатди Ретт. – Мен таътилдан ўз қисмига қайтиб боришни ёдидан чиқариб қўйган бир неча минг жангчилар ҳамда олти ой даволанишдан сўнг уйда қолиб, одатдаги ишлари билан ёки баҳорги шудгор билан машғул кишиларни кўзда тутгандим.

Унинг кўзлари масхараомуз ялтираб кетди, миссис Мид ранжиб лабини тишлади. Скарлетт эса унинг шошиб қолганини кўриб, қиқирлаб кулиб юборай деди. Ретт нишонга бехато урганди. Юзлаб аскарлар қайта фронтга ҳайдашга уринаётган ҳарбий полицияга бўйсунишдан бўйин товлаб, тоғ ва ботқоқликларда беркиниб ётарди. Улар очиқчасига “бу урush-

ни бойлар қиляпти, қонни эса камбағал-қашшоқлар тўкмоқда" дейишар ва урушдан тўйиб кетишганини айтишарди. Аммо қочоқлар рўйхатида турса ҳам, умуман, армиядан қочиш нияти бўлмаган аскарлар хийла кўп эди. Улар сирасига уч йил таътилга чиқишни беҳуда кутганлар ва шу йиллар мобайнида уйдан чаласаводлик билан ёзилган ва "Биз очмиз...", "Бу йил ҳосил ололмаймиз, ер ҳайдайдиган одам йўқ. Биз очмиз..." , "Вакил чўчқа болаларини олиб кетди, биз эса неча ойдирки, сендан пул олмаймиз. Борйўғи қуритилган нўхат еяпмиз", деб ажи-бужи ёзилган хат олиб турадиганлар кирарди.

Бу овозларга жўр бўладиганлар сони тинимсиз кўпайиб борарди. "Ҳаммамиз очмиз – хотининг ҳам, болаларинг ҳам, ота-онанг ҳам, ахир, бу қачон тугайди? Уйга тез орада қайтасанми? Биз очмиз, очмиз..." Сийраклашиб қолган армияда таътиллар бекор қилингач, аскарлар ўз ихтиёри билан ер ҳайдаш, буғдой экиш, уйларни таъмирлаш, деворларни тузатиш учун уйларига кетишди. Олдинда қаттиқ жанглар турганини билган полк командирлари бу аскарларга қисмга қайтишларини сўраб хат ёзишар, аҳволни тушунганлар учун тартиббузарлардан ҳеч нарса сўралмайди, деб ваъда қилишарди. Аскарлар яқин ойлар ичида яқинларига очлик хавф солмаслигини кўришса, фронтга қайтиб боришарди. Бу "ер ҳайдаш учун кетиб қолишлар" душман қаршисидаги дезертирлик билан тенглаштирилмас, бироқ армияни заифлаштирмаслиги мумкин эмасди.

Доктор Мид ўртадаги ноқулай жимликни бузишга шошилди. Унинг овози совуқ жаранглади:

– Душман кучларининг бизнинг ҳарбий кучларимиздан сон жиҳатдан устунлиги ҳеч қачон муҳим аҳамиятга эга бўлмаган. Битта конфедерат ўн чоқли янкига бас келади.

Хонимлар бош ирғади. Бу ҳақиқат ҳаммага маълум эди.

– Урушнинг дастлабки ойларида шундай эди, – деди Ретт Батлер. – Агар конфедератларнинг милтиқлари учун ўқ, оёқларида этик, қоринлари тўқ бўлганда эди, эҳтимол, ҳозир ҳам ўша пайтдагидай бўларди. Сиз нима дейсиз, капитан Эшберн?

У мулойим ва яна ўша сохта итоаткорлик билан гапирарди. Кэйри Эшберн қийин аҳволда эди, чунки у ҳам – яққол кўриниб турибди – капитан Батлерни асло ёқтирмас ва жон деб докторнинг ёнини олардию, лекин ёлғон гапиролмасди. Шу боис қўли мажруҳлигига қарамай, шаҳар фуқаролари тушунмайдиган нарсани – аҳволнинг жиддийлигини тушунгани учун ҳам фронтга боришни сўради. Унга ўхшаганлар – ёғоч оёқда судралиб юрган бир оёқлилар, бир қўллилар ёки бармоқларидан жудо бўлганлар, бир кўзидан ажралганлар кам эмас, улар таъминот хизматидаги, госпиталдаги, темир йўл депоси ёки почтадаги ишларини ташлаб, ўзларининг олдинги ҳарбий қисмларига қайтар эди.

Капитан Эшберн бир нима деб жавоб қайтармади, доктор Мид эса сабри чидамай ғўлдиради:

– Бизнинг аскарларимиз илгари ҳам этиксиз, оч қорин билан жанг қилишган ва ғалаба қозонишган. Улар яна жанг қилишади ва ғалаба қозонишади! Сизга айтяпман: генерал Жонстонни ўз позициясидан қўзғатиб бўлмайди! Тоғу тошлар ҳар доим, ҳамма замонларда босқинчиларга қарши ишончли таянч бўлиб хизмат қилган. Эсланг... Фермопил ҳақида эсланг!

Скарлетт эслашга ҳарчанд уринмасин "Фермопил" сўзи унга ҳеч нарсани англатмади.

– Лекин уларнинг ҳаммаси ўша жойда, Фермопил яқинида ҳалок бўлишган, битта ҳам аскар қол-

маган-ку, шундай эмасми, доктор? – сўради Ретт ва унинг лаблари титраб кетди, кўринишдан, у кулгисини зўрға тийиб турарди.

– Сиз менинг устимдан куляпсиз, шекилли, йигитча!

– Нима деяпсиз, доктор! Кечирасиз! Сиз мени тушунмадингиз. Мен шунчаки сиздан маълумот олмоқчийдим. Антик давр тарихини яхши эслаёлмайман.

– Агар керак бўлса, бизнинг аскарлар ҳам битта қолмай ҳалок бўлишади, аммо янкиларнинг Жоржия ичкарисига силжишларига йўл қўйишмайди, – қатъий ҳукм чиқарди доктор. – Фақат мана шу рўй бермайди. Улар янкиларни биринчи олишувдаёқ Жоржия чегараларидан суриб чиқаришади.

Питтипэт амма шошилганча креслодан турди ва Скарлеттдан меҳмонлар учун фортепьянода бирор нарса чалиб қўшиқ айтиб беришни илтимос қилди. У суҳбат шиддатли ва хавфли тус олаётганини пайқади. Зеро, аввалбошдаёқ Ретт Батлер кечки овқатга қоладиган бўлса, албатта кўнгилсизлик юз беришини биларди. Бу одам доим ҳамманинг жаҳлини чиқаришни қандай уддалашини у асло тушунолмасди. Ё тангрим, тангрим! Скарлетт унинг нимасини ёқтираркин? Нега қадрли Мелани уни ҳимоя қилиши керак?

Скарлетт тез юриб меҳмонхонага йўл олди, айвонда эса Ретт Батлерни ёқтирмаслик ҳиссига тўйинган таранг сукунат ҳукм сурарди. Нега энди кимдир биров бутун борлиғи билан генерал Жонстон ва аскарларининг енгилмаслигига ишонмаслиги мумкин? Ишониш – ҳар бир кишининг муқаддас бурчи. Хиёнаткорлиги туфайли бундай ишончдан маҳрум бўлган кимса ҳеч бўлмаганда одоб юзасидан тилини тийиши лозим.

Скарлетт бир неча аккорд олди ва меҳмонхонадан машҳур қўшиқнинг мунгли ва мулойим сўзлари эшитилди:

Қон ҳиди уфуриб турган чодирда
Тирик ва ўликлар ётар ёнма-ён.
Бунда ётқиздилар ёш бир йигитни,
Кимнингдир маҳбуби эди бу ўғлон.
Шу қадар ёш ва дилдан суюк,
Қонсиз манглайидан ёзуғи аён.
Шум тақдир ҳукмини ўтказаётир,
Хокитуроб бўлгай шундайин ўғлон.

"Олтинранг сочлардан тер қуйилади..." – куйларди Скарлетт ғамгин, бўғиқроқ овозда. Шу пайт Фенни ўрнидан сал қўзғалиб заиф, эзгин овозда қичқирди;

– Бошқа бирор нарсани айтинг!

Мусиқа узилиб қолди. Скарлетт довдираб жим бўлди. Кейин эса "Кулранг мундирлар"нинг кириш қисмини тез чала кетди, лекин бу қўшиқнинг охири фожеали эканини эслаб, ўзини буткул йўқотиб қўйди ва хато қилди – нотўғри аккорд олди.

Шундан сўнг фортепьяно бир муддат тинчиди, чунки Скарлетт боши берк кўчага кириб қолганди: барча қўшиқларда ғам, ўлим, айрилиқ бор эди.

Ретт ўрнидан турди, Уэйдни Фэнни Элсингнинг тиззасига ётқизди ва меҳмонхонага кириб кетди.

– "Менинг уйим – менинг Кентукким"ни чалинг, – хотиржам гапириб эсига солди у, Скарлетт эса хурсанд бўлиб, мусиқа чалиб куйлай бошлади. Реттнинг йўғон овози унга жўр бўлди, гарчи, худо шоҳид, бу қўшиқни ҳам зинҳор қувноқ деб бўлмаса-да, улар иккинчи бандни айтишаётганида танг вазият юмшай бошлади.

Машаққатлар тугар, жуда оз қолди,
Кутмак ножоиздир ҳеч қайдан кўмак.
Яна бир неча кун йўл тортмоқ керак,
Салом, менинг уйим, менинг Кентукким...

Ҳозирча доктор Миднинг башоратлари амалга ошаётганди. Генерал Жонстон чинданам метиндек мустаҳкам қўрғон бўлиб Атлантадан юз миля узоқда, Далтон яқинидаги тоғларда турарди. У жуда мустаҳкам турар, Шерманнинг водийга кириб, Атланта томон силжишига қаттиқ қаршилик кўрсатардики, янкилар ортга чекиниб, кенгаш чақирдилар. Манглайдан зарба бериб, кулранг сафларни ёриб ўтолмагач, улар Жонстонга орқа томондан ҳужум қилиш, Далтондан ўн беш миля узоқда жойлашган Резака яқинидаги темир йўлни кесиб қўйиш учун тун қоронғусида тоғ сўқмоқлари орқали айланиб ўта бошладилар.

Бу икки қимматбаҳо пўлат излар хавф остида қолгани заҳоти конфедератлар ўзлари қўриқлаётган ўқчи истеҳкомларни шиддат билан тарк этишди ва юлдузлар шуъласи остида жадал юриб, қисқароқ ва тўғри йўл билан Резака томон силжишди, тоғ этагидан тушиб келган янкилар уларга рўбарў келиб қолишди, аммо Жануб қўшинлари учрашувга тайёр эди: окоплар олдига тупроқлар уйилган, батареялар жой-жойига ўрнатилган, аскарлар найзаларини диккайтириб окопларда ётишарди – ҳаммаси худди Далтон бўсағасидагидай эди.

Далтондан келган яradорлардан қария Жонинг Резакага чекингани ҳақида узуқ-юлуқ хабарлар туша бошлагач, Атланта аҳли ҳайрон қолди ва сал ташвишга тушди. Шимоли-ғарбда кичкина қора булут – яқинлашиб келаётган бўронли воқеаларнинг илк даракчиси – пайдо бўлди. Янкиларнинг Жоржия ичкарисига ўн саккиз миля силжишига йўл қўйиб

берган генерал нима қиляпти ўзи? Тоғлар – бу мустаҳкам табиий қалъа, доктор Мид ҳам шундай деганди. Нима учун қария Жо душманни ўша жойда тўхтатиб қололмади?

Жонстон қўшинлари Резака ёнида қаттиқ қаршилик кўрсатиб, янкиларнинг ҳужумини яна қайтарди, лекин Шерман ўзининг ён тарафдан ўққа тутиш усулини такрор қўллади ва ярим ҳалқа ҳосил қилиб рақибини айланиб ўтди. Оостанаула дарёсидан кечиб ўтиб, Конфедерация ичкарисидаги темир йўлга хавф солди. Темир йўлни ҳимоя қилиш учун кулранг мундирлар яна ўзларининг қизил тупроқли окопларини шошилинч тарк этдилар, чарчаган, жанглар, кўчиб ўтишлар, уйқуга тўймаслик оқибатида ҳолдан тойган ва ҳар доимгидек оч-яланғоч аҳволда яна бир марта водий ичкарисига тезкор ҳужум уюштирдилар. Улар янкилардан олдинроқ Резакадан олти миля наридаги кичик Калхоун қишлоғига чиқдилар, окоплар қазиб, янкиларга қарши мудофаага шай турдилар. Ҳужум такрорланди, қаттиқ жанг бошланди ва ҳужум даф қилинди. Қаттиқ чарчаган конфедератлар худодан бир оз нафас ростлашни илтижо қилиб, милтиқларини ташладилар ва ерга чўзилдилар. Аммо уларнинг дам олишга имкони йўқ эди. Шерман ортидаги темир йўлни ушлаб туриш учун тинимсиз, қадамба-қадам, уларнинг ён томонларидан айланиб ўтиб, қайта-қайта чекинишга мажбур этиб яқинлашиб келарди.

Бирор нарсани ўйлашга ҳам ҳоли қолмаган, ҳаддан ташқари чарчаган конфедератлар оёқда мизғишарди. Аммо бир лаҳзага шуури тиниқлашган дамларда, улар қария Жога ишонардилар. Улар чекинишаётганини тушунар, лекин бирор марта енгилмаганини ҳам биларди. Бир вақтнинг ўзида ҳам ўз ўринларини ушлаб қолиш, ҳам Шерманнинг айланиб ўтиш усулларига қаршилик кўрсатиш учун улар сон

жиҳатдан жуда оз эди. Улар янкиларни қийрата олар ва ҳар гал тўхтаб, жангга кирганларида, уларнинг додини берардилар. Бу чекинишнинг оқибати нима бўлишини улар билмасдилар. Лекин қария Жо нима қилаётганини билар, шунинг ўзи уларга кифоя эди. У чекинишни усталик билан амалга оширар, зеро, конфедератлар томонидан ҳалок бўлганлар кўп эмас, аммо ўлдирилган ва асир олинган янкиларнинг ҳисоби йўқ эди. Ўзлари бирортаям фургон аравани йўқотмаган, фақат тўртта тўпдан айрилишганди, холос. Мамлакат ичкарисидаги темир йўлларни ҳам сақлаб қолишди. Шерман уларни забт этолмади – на рўпарадан қилинган ҳужум, на отлиқ аскарлар ҳужуми, на айланма усуллар ёрдам берди.

Темир йўл аввалгидек конфедератлар қўлида эди – бу тор металл излар қуёш нурларига чўмиб ётган далалар бўйлаб буралиб, узоққа, Атланта томонга чўзилиб кетганди. Одамлар қўналғада юлдузлардан тушаётган ёруғликдан йилтираган рельсларни кўришга қулай тарзда жойлашиб ётардилар. Улар ўқ тегиб йиқилар, сўниб бораётган нигоҳлари тушган энг сўнгги нарса бу қуёш нурларида ялтираётган рельслар ва улар устида эсаётган иссиқ гармсел оқими эди.

Қўшинлар водий орқали мамлакат ичкарисига чекинар, уларнинг олд тарафида эса қочоқлар армияси турарди. Катта ер эгалари ва ерсизлар, бойлар ва камбағаллар, оқ танли ва қора танлилар, аёллар ва болалар, қариялар ва майиб-мажруҳлар, ярадорлар ва ҳатто кўзи ёриётган аёллар ҳам Атлантага борадиган йўлларни тўсиб қўйишганди: улар пиёда, поездларда, отларда, извошларда, шифтигача сандиқлар ва рўзғор анжомлари билан лиқ тўла араваларда боришарди... Чекинаётган армиядан беш миля олдинда ҳар гал янкилар ортга суриб ташлангани, уйга олиб борадиган йўллар очиқлигини

эшитиш умидида Резакада, Калхоунда, Кингстонда тўхтаб-тўхтаб қочоқлар тўлқини силжиб борарди. Аммо бу қуёшли водий орқали улар учун ортга йўл йўқ эди. Аскарларнинг кулранг қаторлари эгалари ташлаб кетган ҳовли-жойлар, фермалар, эшиклари ланг очиқ бўм-бўш кулбалар олдидан ўтиб борардилар. Баъзи бир жойларда қадрдон ошёнини ташлаб кетолмаган ёлғиз аёлнинг ғарибгина жуссасини, унинг ёнида эса қўрқиб кетган қулларни кўриш мумкин эди. Аскарларни олқишлаш, чанқаганларга қудуқдан челакда олиб келинган тоза сув ичириш, ярадорларнинг жароҳатини қайта боғлаб қўйиш ёки ўлганларни ўз оилалари қабристонига кўмиш учун аёллар кўчаларга чиқиб туришарди. Лекин қуёшли водий бутунлай кимсасиз ва унутилган кўринар, фақат офтоб куйдираётган экинларгина далаларда ғарибона сўппайиб турарди.

Калхоун яқинида яна ён томонлардан ўраб олинган Жонстон қизғин отишма рўй берган Адаирсвиллга, у ердан – Кассвилл томонга, кейин эса жанубга, Картерсвиллга чекинди. Энди душман Далтондан эллик олти миля ичкарига силжиганди. Чекинишлар ва жанглар билан тағин ўн беш миля йўл босиб ўтган кулранг мундирли занжирсимон сафлар Нью-Хоуп-Чёрч яқинида мустаҳкам мудофаа чизиғини эгаллади ва окопларга ўрнашиб олди. Кўк мундирли занжирсимон сафлар эса беҳисоб илонлар сингари халқадек ўралиб, бостириб келар, уларни даф қилиш амримаҳол эди. Улар шафқатсизларча ташланар, чақиб олар, сийраклашган сафларни ортга чекинтирар ва қайта-қайта ҳужум қиларди. Нью-Хоуп-Чёрч остонасидаги шиддатли жанглар ўн бир кун давом этди ва қонли жангларда душманнинг ҳужумлари қайтариб ташланди. Шундан сўнг яна ён томонлардан ўраб олинган Жонстон ўзининг ҳолдан тойган армияси билан тағин бир неча миляга чекинди.

Конфедератлар армиясининг Нью-Хоуп-Чёрч остонасидаги талафоти ҳалок бўлганлар ва ярадорларни қўшиб ҳисоблаганда жуда катта эди. Ярадорлар ортилган поездлар Атлантага кетма-кет келиб турар, шаҳар саросимага тушганди. Бу ерда ҳали шу қадар кўп жабрланганларни ҳеч ким кўрмаган, ҳатто Чикамауга яқинидаги жангдан сўнг ҳам. Госпиталлар тўлиб-тошиб кетган, ярадорлар бўшаб қолган омборларда, тўғридан-тўғри ерда ва пахта сақланадиган жойда тойлар устида ётишарди. Барча меҳмонхоналар, барча пансионлар ва барча хусусий ҳовли-жойлар уруш қурбонлари билан тўлиб-тошганди. Питти амма уйга нотаниш эркакларни сақлаш, айниқса, Мелани оғироёқлигида, унинг қон ва яраларни кўриб қўрққанидан бола ташлаб қўйиши мумкин бўлган бир пайтда ўта беодоблик бўлади, деб қаршилик қилишга уринса ҳам, бу қисматдан унинг уйи ҳам четда қолмади. Лекин Мелани билиниб қолган қорнини бекитиш учун кринолинининг юқори ҳалқасини кўтариб боғлади ва ғиштин уйни ярадорлар босиб кетди. Тинимсиз пишир-куйдир, кир ювиш, бинт ўраш, латталарни титиб қайта тахлаш, ярадорларни бир оз кўтариб ётқизиш, уларни елпиғич билан елпиш, қўшни хонада алаҳсираётган ярадорларнинг бақир-чақирлари билан кунлар бирин-кетин ўтиб борарди. Нафаси бўғзига тиқилган шаҳар энди ҳеч кимни сиғдиролмай қолгач, ярадорлар оқими Мейкон ва Огаста госпиталларига буриб юборилди.

Атлантага ёпирилиб келган ярадорлар тўлқини ўзи билан бирга бир дунё турли хил хабарларни олиб келди: қочоқлар оқими уларсиз ҳам одамга тўлиб кетган шаҳарни янада тўлдириб юборди, кучли босим остида қолган Атланта гувилларди. Уфқда пайдо бўлган кичкина булутча шиддат билан катталашиб, улкан ваҳмкор булутга айланиб борар ва шаҳар устида жону танни музлатиб юборадиган изғирин шамол эса бошлаганди.

Ҳали ҳеч ким армиянинг енгилмаслигига ишончини йўқотмаган, лекин ҳеч ким – ҳар ҳолда оддий аҳоли орасида – энди генерал Жонстонга ишонмасди. Нью-Хоуп-Чёрчдан Атлантагача бўлган масофа атиги ўттиз беш миля эди. Уч ҳафта мобайнида генерал Жонстон янкиларга ўз қўшинларини олтмиш беш миляга улоқтириб ташлашга йўл қўйиб берди! Нега у янкиларни тўхтатиш ўрнига муттасил чекингани-чекинган! У ё бефаҳм, ёки бундан-да бадтар! Бутун уруш давомида жанглар тугашини пойлаб Атлантада хотиржам ўтирган Ички мудофаа ва милиция қўшинларининг оқсоқол арбоблари бу кампанияни бундан яхшироқ ўтказиш мумкинлигини таъкидлашар ва далил сифатида дастурхонга ҳарбий ҳаракатлар харитасини чизиб кўрсатишарди. Борган сари ичкарига чекинишга мажбур бўлган генерал Жонстон қўшинлари сафи жуда сийраклашиб қолгач, ноилож ана шу горнизон хизматчилари ҳисобидан мадад кучлари юборишни сўраб губернатор Брауига мурожаат қилди. Аммо улар ўзларини хатардан бутунлай холи сезишарди. Ахир, губернатор бир марта Жеф Дэвис талабига рўйхуш бермаганди-да. Нега энди у генерал Жонстоннинг илтимосини қондириши керак экан?

Жанглар ва чекинишлар! Яна жанглар ва яна чекинишлар! Конфедератлар армияси йигирма беш кун давомида деярли ҳар куни жангу жадалларни ва етмиш беш миляга чекинишларни бошидан кечирди. Қонли тумандагидай ҳаммаси қоришиб кетди: жазирама иссиқ ҳам, чанг-тўзон ҳам, очлик, чарчоқ ҳам... ва қизғиш йўллар бўйлаб этикда шап-шаплаб, яна қизғиш лой кечиб шап-шаплаб юришлар, яна жангга кириш, яна чекиниш, яна окоп қазиш, яна жангга кириш... – бариси қўшилиб ақлдан оздирувчи хотиралар қаторида яна битта хотирага айланган Нью-Хоуп-Чёрч ҳам энди ортда қолди. Нью-Хоуп-

Чёрч энди гўё ўзга оламда рўй берган мудҳиш туш эди, конфедератлар тўсатдан ортга бурилиб янкиларга зарба беришган, улар устига шайтонлардек ташланишган Биг-Шэнти ҳам худди шундай тушга айланди. Лекин улар янкиларга қанчалик зарба беришмасин, ўз ортида кўк мундирлар ер тишлаб ётган далаларни қолдирмасин, атрофларида яна янкилар пайдо бўлар, яна янгидан-янги мадад кучлари келиб қўшилар, яна шимоли-шарқдан мамлакат ичкарисига, темир йўл тарафга, Атлантага йўл очиб машъум кўк яримҳалқа бостириб келарди!

Тинка-мадори қуриган, бир неча кун ухламаган отрядлар Биг-Шэнтидан Кеннесоу тоғигача бўлган йўл ёқасига, Мариетта шаҳарчасига яқин жойга чекинди ва у ерда ўн миля масофага ёй шаклида мудофаа чизиғини эгаллади. Тик тоғ ён бағирларида якка-якка окопчалар қазилди, уларнинг тепасида эса батареяларни жойлаштиришди. Аскарлар қора терга тушиб, сўкиниб, оғир қурол-аслаҳаларни хачирлар ҳам чиқа олмайдиган, худо сийлаган тик жарликларга қўлда судраб олиб чиқарди. Атлантага келган ярадорлар ва хат ташувчилар қўрқиб кетган шаҳар аҳолисини тинчлантиришарди: Кеннесоунинг тик жарликларига чиқиб бўлмайди. Ёнма-ён жойлашган ва худди шундай мустаҳкамланган Пай тоғи ва Лост тоғига чиқиб бўлмаганидай. Янкилар қария Жони эгаллаб турган ўрнидан суриб ташлолмайдилар, энди улар ён тарафлардан айланиб ўтишлари ҳам амримаҳол, чунки тоғларга беркитилган батареялар барча йўлларни бир неча миляга ўққа тутиб турибди. Атланта эркин нафас олса ҳам бўларди, аммо...

Аммо Кеннесоу тоғи шаҳардан атиги йигирма икки миля нарида-ку!

Илк ярадорлар Кеннесоу тоғидан шаҳарга кела бошлаган куни миссис Мерриуэзернинг извоши меҳмон келиши мутлақо кўзда тутилмаган пайтда –

эрталабки соат еттида Питти амманинг уйи олдида тўхтади. Ҳабаш хизматкор Леви амаки юқорига, Скарлеттга жўнатилди, у дарҳол кийиниб госпиталга бориши керак. Тонг отар-отмас ўрнидан турғизилган Фэнни Элсинг ва опа-сингил Бонеллар орқа ўриндиқда ўтириб қаттиқ эснашарди, Элсингларнинг энагаси ўта норози кайфиятда янги ювилган бинтлар солинган корзинани тиззасига қўйиб аравакаш ёнида ўтирарди. Скарлетт қаттиқ жаҳли чиқиб тўшакдан турди, горнизонда уюштирилган балда тун бўйи тиним билмай рақс тушган, оёқлари зирқирарди. Присси унинг эски, кийилавериб адо бўлаёзган, фақат госпиталга борганда киядиган чит кўйлагининг тугмаларини солгунича у хаёлан ишчан ва тиниб-тинчимас миссис Мерриуэзерни ва ярадорларни, кейин бирваракайига бутун Конфедерацияни қарғади, қаҳва ўрнига қуритилган батат ва қовурилган маккажўхоридан пиширилган аччиқ аталани шошиб ичиб уйдан чиқди ва извошга ўтирди.

Госпиталдаги иш унинг жонига тегиб кетганди. Бугуноқ у миссис Мерриуэзерга Эллин хат жўнатгани ва уни меҳмонга чақираётганини айтади.

Аммо бундан тузукроқ натижа чиқмади. Енглари тирсаккача шимарилган кўйлак ҳамда барваста гавдасини ўраб турган кенг пешбанд тақиб олган муҳтарама хоним ён тарафдан унга ўткир нигоҳини қадаб деди:

– Сиздан бу бўлмағур гапни бошқа эшитмайин, Скарлетт Гамильтон! Бугуноқ ойингизга хат ёзиб, сизнинг ёрдамингизга нақадар муҳтожлигимизни тушунтираман. Ҳеч шубҳа йўққи, у тушунади ва қолишингизга рухсат беради. Энди эса пешбандни тақинг-да, тезроқ доктор Миднинг ёнига боринг. Унга яраларни боғлашга ёрдамчи керак.

“Вой худойим-ей, – қовоғи осилиб ўйлади Скарлетт. – Ахир, ҳамма фалокат шунда-да. Ойим, шубҳа-

сиз, шу ерда қолишимни буюради, мен эса бу бадбўй ҳиддан адо бўляпман, ортиқ чидаёлмайман! Агар қари кампир бўлганимда, қизларни бошқарардим, менга эса ҳеч ким буйруқ бермасди... ва миссис Мериуэзер бошчилигидаги бу қари ялмоғизларга тегишли гапни айтган бўлардим!"

Ахир, бу госпиталдан, бу бадбўй ҳиддан, битлардан, ювуқсиз, майиб-мажруҳ таналардан унинг кўнгли айнийди-да. Гарчи бошида бу ишда янгилик, қандайдир сурурни ҳис этган бўлса, бир йил бурун ҳаммаси меъдасига урди. Боз устига чекиниш аламини тортган бу ярадорлар биринчи эшелонларда келганлардек ёқимли эмасди. Улар Скарлеттга ҳеч қандай эътибор билан қарамадилар. Улардан фақат: "У ёқда бизникилар қандай олишаяпти?", "Қария Жо ҳозир қандай тадбирни қўллаяпти?", "Бу қария Жо ўта ақлли командир-да", деган гапларни эшитиш мумкин эди. Скарлеттга қария Жо у қадар ақлли туюлмасди. Унинг қўлидан келгани шу бўлдики, янкиларнинг Жоржия ичкарисига саксон саккиз миля кириб келишларига йўл қўйиб берди. Йўқ, бу ярадорлар унга асло ёқмасди. Устига устак уларнинг жуда кўпчилиги ўлиб қоларди – Атлантага етиб келиб врач қўлига тушмасларидан гангрена, қон бузилиши, ич терлама ва зотилжам билан курашишга қурблари етмай – ҳаддан ташқари силлалари қуриб, озиб-тўзиб кетганидан – тез, жимгина жон берарди.

Кунлар иссиқ, очиқ деразалардан пашшалар булутдай ёпирилиб кирар – ярадорларни жароҳатларнинг оғриғидан кўра кўпроқ ҳолдан тойдираётган нарса шу семиз, ялқов пашшалар эди. Азоб-уқубатлар ва қўланса ҳид тўлқини Скарлеттни тўрт томондан қуршаб олган ва тобора кучайиб борарди. Қўлида тос билан доктор Миднинг орқасидан эргашиб у ярадордан бу ярадорга ўтиб юраркан, унинг яқиндагина оҳорланган кўйлаги тердан ҳўл бўлиб кетди.

Худойим, доктор Миднинг ялтираган пичоғи жароҳатли танани кесиб кирганида, ҳамманинг кўз ўнгида қусиб юбормаслик учун қанча куч сарфлаган, унга қанчалик оғир бўлган эди. Ампутациядан кейин операция хонасидан келаётган дод-войни эшитиш нақадар даҳшат эди. Бу дод-фарёдларни эшитган ва докторнинг улар ёнига келиб: "Илож қанча, болажоним, қўлингни кесиб ташлашга тўғри келади. Ҳа-ҳа, тушунаман, лекин кўряпсан-ку, мана бу қизил доғларни", дейишини диққат бўлиб кутган мажруҳ кишиларнинг қонсиз юзларига қараб ачиниш ва иложсизлик ҳиссини туйиш нақадар оғир эди.

Хлороформ етишмас, энг оғир ампутацияларда-гина ундан фойдаланишга тўғри келар, опиум ҳам тиллога тенг, уни ҳам нариги дунёга ўтиши осон кечсин деб фақат жон таслим қилаётганларга беришарди, бу дунёда қолганларнинг азобларини енгиллатишга ҳеч вақо йўқ эди. На хинин, на йод бор эди. Ҳа, буларнинг ҳаммаси Скарлеттнинг жонига тегиб кетди ва ўша куни эрталаб ҳомиладорлиги туфайли госпиталдаги ишдан қутулиб қолган Меланига ҳаваси келди. Бу ярадорларга қарашдан озод этадиган, одамлар назарида эътиборга лойиқ саналадиган ягона сабаб эди. Тушда Скарлетт фартугини ечди ва миссис Мид қандайдир найнов саводсиз тоғлик айтиб турган хатни ёзаётганида сездирмай госпиталдан қочиб қолди. Скарлетт дармони қуриганини ҳис қилди. Бас, уни етарлича хўрлашди. Бунинг устига у ҳозир яна ярадорлар ортилган поезд етиб келишини, ярим кечагача ишлашга мажбур бўлишини ва ҳатто балки тамадди қилиб олишгаям вақт тополмаслигини биларди.

У Шафтолизор кўчасигача икки кичик мавзедан қичаб юриб ўтди, қаттиқ тортиб боғланган корсети орқали имкон қадар тоза, бадбўй ҳид билан заҳарланмаган ҳаводан ташналик билан чуқур нафас

олди. Бурилишга етганида қаерга боришни ўйлаб тўхтади; Питти амманинг ёнига қайтиш уят, лекин у госпиталга қайтиб бормасликка қатъий қарор қилди ва туйқус икки ғилдиракли енгил арава – кабриолетда ўтиб бораётган Ретт Батлерни кўриб қолди.

– Ҳозир сиз эскифурушнинг қизига ўхшаб қолибсиз, – деди у бир қарашдаёқ унинг тердан ва тоғорадан сачраган сувдан доғ бўлиб кетган, ямоқ солинган нафармон тусли чит кўйлагига қараб туриб. Скарлетт уялганидан ўзини қаерга қўйишни билмади ва қаттиқ жаҳли чиқди. Нега у нуқул аёлларнинг уст-бошига қарайди, боз устига унинг эгнидаги пала-партиш кийим-кечагини кесатиб танбеҳ беришни ўзига эп кўради?

– Сизнинг фикрингиз мени қизиқтирмайди, пастга тушиб, аравага чиқиб олишимга ёрдамлашиб юборинг ва мени ҳеч ким кўрмайдиган бирор ерга олиб кетинг. Госпиталга қайтиб бормайман – мени осишса ҳам майли! Бу урушни мен ўйлаб топганим йўқ ва нима учун ҳушдан кетгунча ишлашим кераклигига сабаб кўрмаяпман...

– Лекин бу Бизнинг Муқаддас Ишимиздан тониш-ку, ахир!

– Шуни сиз айтяпсизми? Кабриолетга ўтиришимга ёрдам беринг. Қаёққа отланган бўлсангиз ҳам, аввал мени айлантириб келасиз.

Ретт ерга сакраб тушди ва беихтиёр Скарлеттнинг хаёлидан ўтди: соғлом эркакни – қўл-оёғи бут, қийшаймаган, безгакдан сарғаймаган, оғриқдан бўрдек оқармаган – бақувват, офтобда тобланган эркакни кўриш қандай ёқимли.

Бунинг устига у яхши кийинган. Реттнинг шими ҳам, сюртуги ҳам бир хил матодан бўлиб, ўзига ярашиб турар, илгакка илингандай шалвирамас ва қимирлашга имкон бермайдиган даражада тор ҳам эмасди. Шу билан бирга йиртиқларидан исқирт, сер-

тук бадан кўриниб турадиган қандайдир эски-туски эмас, янги эди. Қисқаси, Реттнинг қиёфаси шундайки, гўё дунёнинг ташвишлари унга бегона эди, бу эса ўз-ўзидан ақлга сиғмайдигандек туюлар, зеро, ҳозир эркаклар қандайдир серташвиш, беҳаловат ва ғамгин эди. Реттнинг қорача юзида эса хотиржамлик ифодаси сақланиб қолган, Скарлеттни кабриолетга ўтқизаётганида эса хушбичим, чиройли лабларида беғам-бепарво табассум ўйнарди. Скарлеттнинг ортидан Ретт экипажга сакраб чиқди ва унинг ёнига ўтирди, Скарлетт унинг башанг костюми остида мушаклари ўйнаётганини сезди ва яна ҳар доимгидек ундан уфуриб турган фавқулодда қувватни ҳис қилаётгани уни ногаҳон ҳаяжонга солди. Қўрқувга ўхшаш хавотирли туйғу ичида у, гўё маҳлиё бўлгандек, Реттнинг кучли қўллари ва елкаларидан кўзларини узолмай қолди. Реттнинг ўткир ва совуққон ақли қанчалик аёвсиз бўлса, бақувват ва мушакдор жуссасида ҳам худди шундай шафқатсизлик яширидек туюларди. Шу билан бирга уни қоплонга хос майин, латиф ҳаракатлар – офтобда мазза қилиб ётган, аммо исталган лаҳзада ўлим билан тугайдиган сакрашга шай абжир йиртқичнинг танбал хатти-ҳаракатлари ажратиб турарди.

– Эҳ, сиз, жажжи муғомбир, – деди Ретт ва отни ҳайдаш учун тилини тақиллатди. – Тундан тонгга қадар аскарлар билан рақс тушган, уларга атиргул ва тасмалар туҳфа қилган ва ҳаммани Ишимиз ҳаққи-ҳурмати ўлишга ҳам тайёрлигига ишонтирган сиз эмасми, ахир, икки-уч ярадорнинг ярасини боғлашга, икки-учта бит теришга тўғри келганда эса қочиб қолибсиз-да.

– Бошқа бирор нарса ҳақида гапирсангиз ва отни қамчиласангиз бўлмайдими? Мерриуэзер бобо дўконидан чиқиб қолса, бир ками унинг кўзига кўринишим қолувди. Чол, шубҳасиз, ҳамма гапни кампирга зудлик билан айтиб беради... Миссис Мерриуэзерга.

Ретт отни аста қамчилади, от эса Беш Бурчаклар майдони орқали шаҳарни иккига бўлган темир йўл кесиб ўтиладиган тарафга йўртиб кетди. Ярадорлар ортилган поезд ҳозиргина платформага етиб келган, санитарлар эса жазирамада ярадорларни замбилларда санитар юк араваларига ва озиқ-овқат ташийдиган ёпиқ араваларга ўтказишарди. Уларни кузатаётган Скарлетт виждон азобини эмас, қочиб кета олгани учун бир қадар енгилликни ҳис қилди.

– Мен чарчадим, госпиталга борсам кўнглим айнийди, – деди у ҳурпайган этакларини текислаб ва ияги остидан шляпа боғичларини тортиброқ боғлаб. – Ҳар куни ярадорлар келади. Ҳаммасига генерал Жонстон айбдор. Мабодо у туриб берганида ва Далтонда ҳам қаттиқ туриб берганида эди, янкилар аллақачон...

– Лекин у қаттиқ турди, сиз содда болакайсиз-да. Мабодо у ҳалиям ўша ерда туравергани да, Шерман уни ён тарафлардан ўраб қопқонга туширган ва қириб ташлаган бўларди. Биз эса темир йўлдан айрилардик, ахир, Жонстон темир йўл учун курашяпти-да.

– Хўш, нима бўпти, – деди Скарлетт, зеро, ҳарбий стратегияни тушунишга унинг ақли етмасди. – Барибир бу унинг айби. Бир иложини қилиши керак эди. Менингча, унинг ўрнини алмаштириш керак. Нега у жойида муқим турмайди, жанг қилиш ўрнига чекингани-чекинган.

– Сиз ҳозир айнан "Бошини елкасидан жудо қилиш керак!" деб қичқираётганларга ўхшаб фикр юритяпсиз, негаки у иложи йўқ ишни амалга оширолмайди. Далтон остонасида жанг қилаётганида у биз учун халоскор Исо эди. Кеннесоу тоғида эса хиёнаткор Яҳудога айланди – ва бу ҳаммаси қандайдир олти ҳафта ичида рўй берди. У янкиларни йигирма миля орқага суриб ташласа борми, у яна Исо Масиҳга айланади. Соддагинам менинг, Шерманнинг

аскарлари Жонстонникидан икки баробар кўпроқ, шу боис у бизнинг битта шавкатли жангчимиз учун ўзининг иккита ботир йигитини йўқотиши мумкин. Жонстон эса бирортаям аскарини йўқотиши мумкин эмас. Унга қўшимча мадад кучлари сув билан ҳаводек зарур. Унга нимани беришяпти? Жо Брауннинг эркатойларинимми? Улардан нима наф!

– Наҳотки милицияни ростданам фронтга жўнатишса? Ички мудофаа қўшинлариниямми? Мен бу ҳақда эшитмабман. Сиз қаердан биласиз?

– Шунақа "миш-миш"лар бор. Бу "миш-миш"лар бугун эрталаб, поезд Миллежвиллдан келганидан сўнг тарқалди. Айтишларича, милиция ва ички мудофаа қўшинлари генерал Жонстонга мадад бериш учун жўнатилармиш. Ҳа, губернатор Брауннинг эркатойлари ниҳоят порох ҳидлайдиган бўлишди, бу, менингча, уларнинг кўпчилиги учун катта тасодиф бўлади. Ҳеч шубҳа йўққи, жангларда иштирок этишлари мумкинлигини улар хаёлларига ҳам келтиришмаган. Губернатор уларга, бундай бўлмайди, деб ваъда бергани шубҳасиз. Ҳа, уларни доғда қолдиришди. Улар ўзларини тош девор ортида тургандек ҳис қилишарди, чунки губернатор ҳатто Жеф Дэвисга ҳам қарши чиқиб уларни тоғдек тўсиб турар ва Виргинияга жўнатишдан ҳам бош тортганди. Улар штатни ҳимоя қилиш учун керак, деганди. Уруш уларнинг ҳовлисига ҳам етиб келишини ҳеч ким ўйламаганди-да, мана энди чинданам ўз штатларини ҳимоя қилишларига тўғри келади!

– О, қандай мазах қилишга устасиз, сиз, бағритош махлуқ! Ўйлаб кўринг-чи, бу қўшинлар сафида кимлар бор – кекса чоллар ва жуда ёш ўспиринлар. Нима, анави болакай Фил Мид, Мерриуэзер бува, Генри Гамильтон амаки бориши керак экан-да, а?

– Мен ўспиринлар ва Мексика уруши фахрийларини назарда тутганим йўқ. Мен ҳарбий формада

савлат тўкиб юришни ва қилич ўйнатишни жуда яхши кўрадиган Уилли Гинен сингари ботирларни айтяпман.

– Сиз ўзингиз-чи?

– Мўлжалга тегмади, азизам, хато кетдингиз. Мен ҳарбий форма киймайман, қилич ҳам ўйнатмайман, Конфедерация тақдири эса мени ташвишлантирмайди. Бундан ташқари, ички муҳофаза қўшинларига ва бошқа ҳар қандай қўшинларга мени туя сўйиб чақирсалар ҳам бормайман. Вест-Пойнтдан сўнг ҳарбийликдан умримнинг охиригача тўйганман... Лекин қария Жога омад тилайман. Генерал Ли унга ёрдам кучлари юбормайди, чунки Виргинияда янкилар унга тинчлик беришмаяпти. Шу боис Жоржия қўшинлари – у таяниши мумкин бўлган ягона куч. Албатта, у кўпроғига муносиб – ахир, у буюк стратег. У доим керакли жойга янкилардан олдинроқ етиб боришнинг йўлини топади. Модомики, у темир йўлни сақлаб қолишни истар экан, муттасил чекинишига тўғри келади. Ёдингизда бўлсин, агар янкилар уни тоғдан бу ёққа, водийга тушишга мажбур қилса, у тамом бўлади.

– Бу ёққа? – қичқириб юборди Скарлетт. – Янкилар ҳеч қачон бу қадар ичкарига кириб келмаслигини яхши биласиз-ку!

– Кеннесоу бу ердан бор-йўғи йигирма икки миля нарида ва мен сиз билан гаров боғлашга тайёрман.

–Ретт! Қаранг-чи, кўчанинг охирида нима тўполон? Булар аскарлар эмас-ку. У ерда нима бўляпти ўзи? Ахир, бу негрлар-ку.

Кўчада қизғиш чанг тўзони кўтарилди ва ўша тарафдан қадамларнинг тапир-тупури ва юз чоғли негрнинг овозлари – беғам-бепарво мадҳия айтаётган, бўғиздан чиқаётган паст товушлар эшитилди. Ретт кабриолетни йўл четида тўхтатди, Скарлетт елкасида белкурак ва сўқалар билан муҳандислик

қўшинлари кийимидаги зобит ва аскарлар взводи етакчилигида кўчадан келаётган, терлаб-пишиб кетган негрлар тўдасига тикилиб қаради.

– У ерда нима гап? – яна такрорлади Скарлетт.

Шу пайт у биринчи қаторда келаётган новча ижрочи-негрни кўрди. Бу кучли ҳайвон каби чиройли ва равон ҳаракатланаётган, бўйи олти ярим футча келадиган қора танли девқомат баҳодир эди; у хор жўрлигида "Мусо, тоғдан ёнимизга туш" мадҳиясини айтаётганида оппоқ тишлари ялтираб кетарди. Штатда бошқа бундай баҳайбат, овози йўғон негр бўлмаса керак – албатта, бу Катта Сэм – Тара назоратчиси. Лекин у бу ерда нима қиляпти – уйдан шунча узоқда, яна айнан ҳозир, плантацияда бошқарувчи йўқ, у Жералднинг ягона суянчи, унинг ўнг қўли бўлиб турган бир пайтда-я?

У яхшироқ кўришга уриниб ўрнидан бир оз кўтарилди, шу пайт баланд бўйли негрнинг нигоҳи унга тушди ва қора юзига шодон табассум ёйилди: у Скарлеттни таниб қолди. Қўлидан белкурак тушиб кетди, юриб бораётиб ўзи билан ёнма-ён қадам ташлаётган негрларга бурилиб қаради, тўхтаб, у томон юрмоқчи бўлди ва баланд овозда хитоб қилди:

– Ё тангрим! Ахир, бу мисс Скарлетт-ку! Эй,сиз! Илайя! Ҳаворий! Пайғамбар! Ахир, бу мисс Скарлетт-ку!

Сафлар бузилиб кетди. Оломон бўшашиб, қатъиятсизлик билан турган ерида депсиниб, бир зум тўхтади. Катта Сэм эса ортидан яна учта бақувват негрни эргаштириб кўчани кесиб ўтди ва кабриолет томон югурди. Зобит уларнинг ортидан бақириб қува кетди.

– Жойингга! Жойингга! Жойингга, деяпман сенга. Бўлмаса мен... О, бу сизмисиз, миссис Гамильтон. Хайрли тонг, мэм. Салом, сэр. Нима қилиб қўйдингиз – бу итоатсизлик, исён! Худо шоҳид, шундай ҳам

мен бугун бу йигитлар билан кўп кўнгилсизликларга дучор бўлдим.

– О, капитан Рэндл, уларни уришманг! Ахир бу бизнинг негрлар. Бу Катта Сэм, бизнинг назоратчи, улар ҳам Тарадан – Илайя ҳам, Пайғамбар ҳам, Ҳаворий ҳам. Албатта, улар мен билан гаплашгилари келган. Аҳволингиз қалай, йигитлар?

У ҳамма билан галма-гал сўрашиб чиқди, унинг жажжи оппоқ қўлчаси бир лаҳзада каттакон қоп-қора қўллар ичида кўринмай қоларди. Тўртовлари ҳам бу учрашувдан хурсанд бўлиб, бошқалар олдида ўзларининг ёш гўзал бекалари билан фахрланиб, турган жойларида ўйинга тушиб кетишди.

– Бу ерда нима қилиб юрибсиз, болалар? Бундай узоққа қандай келиб қолдинглар? Балки қочиб келгандирсиз-а? Унда соқчи сизни дарҳол қўлга олади.

Унинг ҳазилидан хурсанд бўлган негрлар қотиб-қотиб кулишарди.

– Биз қочиб келдик? – ҳайрон бўлди Катта Сэм. – Йўқ, мэм, биз қочоқ эмасмиз. Улар келиб бизни олиб кетишди, чунки Тарадагилар орасида биз энг йириги ва бақувватимиз. – Сэм оппоқ тишларини ялтиратиб гердайиб жилмайди. – Менга эса яхши қўшиқ айтганим учун махсус одам юборишди. Ҳа, мэм, мистер Фрэнк Кеннеди бориб бизни олиб кетди.

– Лекин у нима учун сизларни олиб кетди, Катта Сэм.

– Қанақасига нима учун, мисс Скарлетт, гўё эшитмагандай гапирасиз-а? Бизга бу ерда оқ танли жентмунлар учун хандақ қазиш буюрилган, янкилар келса, улар ҳандақларга беркинадилар.

Капитан Рэндл ва кабриолетдагилар окопларнинг вазифаси ҳақидаги бундай изоҳни эшитиб, кулгидан ўзларини зўрға тийиб туришарди.

– Тўғрисини айтсам, мени олиб кетишаётганида сал бўлмаса мистер Жералднинг миясига қон урай,

деди. У менсиз хўжаликни ҳечам бошқара олмаслигини айтди. Лекин мисс Эллин: "Уни олиб кетинг, олиб кетинг, мистер Кеннеди. Катта Сэм биздан кўра кўпроқ Конфудурацияга керак", деди. Ва менга бир доллар берди-да, оқ танли жаноблар нима десалар, ҳаммасини бажаришимни буюрди.

– Буларнинг бари нимани англатади, капитан Рэндл?

– Жуда оддий. Биз Атлантага кириш йўлларини янада яхшироқ мустаҳкамлашимиз, бир неча милга окоплар қазишимиз керак, генерал эса жанг майдонидан бу ишлар учун аскар юбора олмайди. Шунинг учун биз барча ер-мулклардан энг кучли негрларни ҳайдаб келишга мажбур бўлдик.

– Аммо нима учун, ахир...

Қўрқувдан унинг вужуди сесканиб кетди. Бир неча миляга чўзилган янги окоплар! Уларга окоплар яна нега керак? Ахир, ўтган йили Атланта атрофига, шаҳар марказидан бир миля узоқликда тупроқ қўрғонлар билан ўралган батареялар ўрнатилган. Бу тупроқ қўрғонлар траншеялар орқали окоплар билан боғланган, окоплар эса шаҳар атрофини ҳар томондан қуршаб, чўзилиб кетганди. Яна окоплар керак эмиш!

–Лекин бизга истеҳкомлар яна нега керак, ахир. Қурилганлари камми? Бизга борлари ҳам зарур бўлмайди-ку. Генерал, шубҳасиз, бунга йўл қўймайди...

– Бизнинг ҳозирги истеҳкомларимиз шаҳардан бор-йўғи бир миля узоқликда жойлашган, – қуруқкина жавоб қайтарди капитан Рэндл. – Бу осойишталикни сақлаш учун жуда яқинлик қилади... хавфсизлик учун ҳам. Янги окоплар узоқроқдан қазилади. Тушуняпсизми, яна чекинадиган бўлсак, қўшинларимиз Атлантага жуда яқинлашиб келиши мумкин.

Қўрқувдан Скарлеттнинг кўзлари катталашиб кетганини кўриб, у шу заҳотиёқ айтган гапига пушаймон еди.

– Аммо энди яна чекинилмайди, албатта, – қўшиб қўйди у шоша-пиша. – Бизнинг батареяларимиз тоғ ёнбағирларига жойлаштирилган ва барча йўлларни ўқ ёмғирлари остида ушлаб туришибди. Янкилар ўтолмайди.

Лекин Скарлетт капитан Рэндл Реттнинг совуққон ўткир нигоҳидан кўзларини олиб қочганини кўрди ва вужудини қўрқув эгаллади. Реттнинг охирги сўзлари унинг ёдига тушди: "Янкилар уни тоғдан водийга тушишга мажбур қилишса, у тамом бўлади".

– О, капитан, наҳотки сиз ўйлайсиз-ки...

– Йўқ, албатта, йўқ! Бунақа фикрлар билан бошингизни қотирманг. Шунчаки қария Жо эҳтиёткорлик чораларини кўриб қўйишни ёқтиради. Шу важдан ҳам биз янги окоплар қазияпмиз – бор-йўқ гап шу... Аммо мен кетишим керак. Кутилмаган учрашувдан жуда хурсандман. Бекангиз билан хайрлашинг, йигитлар ва тез сафга туринг...

– Хайр, йигитлар. Агар сизга бирор гап бўлса, бирортангиз касал бўлиб қолсангиз ёки бошқа нарса рўй берса менга хабар қилинг. Мен Шафтолизор кўчасида яшайман, энг охирида, шаҳардан чиқиш жойида. Бир дақиқа кутиб туринг. – У сумкасини кавлаштирди. – Аҳ, худойим, бир цент ҳам йўқ экан. Ретт, менга бир оз майда танга бериб туринг. Мана ол, Катта Сэм, ўзинг ва болаларга тамаки сотиб ол. Ва ақлли бўл, капитан Рэндл нимани буюрса, ҳаммасини бажар.

Саф тикланди ва юришда давом этди, кўча устида яна қизғиш чанг-тўзон кўтарилди. Катта Сэм яна куйлай бошлади:

О, Мусо, тоғлардан ёнимизга туш,
Бу қадим Мисрнинг тупроғига қайт.
Қонхўр Фиръавннинг малайларидан
Халқимнинг йўлини тозала, бўшат.

– Ретт, капитан Рэндл менга ёлғон гапирдими? Бу эркакларнинг бари ёлғончими – ҳаммалари аёллардан ҳақиқатни яширишга уринади, бизнинг ҳушдан кетиб йиқилишимиздан қўрқади. Ёки у алдамадими? Модомики, хавф таҳдид солмаётган экан, нега улар янги истеҳкомлар қуришяпти? О, Ретт, наҳотки армияда аскар шунчалик каму уларга негрлар керак бўлиб қолибди?

Ретт байтални чуҳ-чуҳлади:

– Шубҳасиз, армияда аскарлар ҳаддан ташқари камчил. Бўлмаса нега ички қўриқчиларни чақиришади? Энди окоплар қазишга келсак, афтидан, агар қуршовда қоладиган бўлсак, уларнинг фойдаси тегади. Генерал ўзининг энг сўнгги чегараларини шу ерда эгаллашга тайёргарлик кўряпти.

– Борди-ю қамал ҳолати юз берса? О, орқага қайтаринг! Мен уйга, уйга, Тарага қайтиб кетаман, ҳозироқ.

– Сизга нима бўлди?

– Қамал! Ё меҳрибон эгам, қамал! Қамал нималигини биламан! Отам қамалда қолган... Эҳтимол, бу отамнинг отасидир, лекин отам менга гапириб берган...

– Қандай қамал ҳақида гапиряпсиз?

– Дрохеданинг Кромвель томонидан қамал қилингани ҳақида, ирландларнинг егани ҳеч нарсаси қолмагани ҳақида, улар очликдан тўғридан-тўғри кўчаларда ўлиб қолишгани, охири мушук ҳам, каламушлар ҳам қолмай, суваракка ўхшаш турли ҳашаротларгача еб битиришгани ҳақида отам айтиб берган. Отам улар ҳатто таслим бўлмагунларича бир-бирларининг ейишганини айтиб берган, фақат

бунга ишонса бўладими ёки йўқми, мен билмасдим. Кромвель шаҳарни қўлга олганида эса барча аёлларни... Қамал! Ё Биби Марям!

– Сиз ғирт ёввойисиз, тўғрисини айтсам, сиздек нодон аёлни учратганим йўқ. Дрохеда қамали – ахир бу ўн еттинчи юз йилликда бўлган-ку, мистер О'Харанинг эса бунинг шоҳиди бўлгани даргумон. Боз устига Шерман Кромвель эмас...

– Йўқ, у ундан ҳам баттар! Айтишларича...

– Қамал пайти ирландлар тановул қилган экзотик егуликларга келсак, мен яқинда бу ердаги меҳмонхонада менга беришган суюқ овқатдан кўра яхшигина семиз каламушни афзал кўрардим. Йўқ, Ричмондга қайтиш зарур. У ерда тўйиб овқатланиш мумкин, пул бўлса бўлди. – У Скарлеттнинг қўрқиб кетган юзига илжайиб қаради.

Ўзининг гангиб қолганига Ретт гувоҳ бўлганидан жаҳли чиқиб кетган Скарлетт хитоб қилди:

– Мен эса нега ҳалиям шу ердалигингизни умуман тушунмаяпман. Ахир, сизга ўзингиз қулай яшасангиз, яхши еб-ичсангиз, ва... турли шунга ўхшаш нарсалар бўлса бас, бошқа ҳаммасига тупурасиз.

– Менингча, мазали таом емоқ ва шу кабилар – бу дунёдаги вақтихушликнинг энг ёқимлисидир, – деди Ретт. – Нега энди мен бу ердаман? Биласизми, мен қамал қилинган шаҳарлар ҳақида кўп ўқиганман, аммо бирор мартаям ўз кўзларим билан кўрмаганман. Шу сабабли бу ерда қолиб кузатишга қарор қилдим. Менга ҳеч нарса хавф солмайди. Чунки ҳарбий хизматга мажбур эмасман, таассуротларга эга бўлиш эса қизиқарли. Ҳеч қачон қандайдир янгиликни синаб кўриш имкониятини қўлдан бой берманг! Бу дунёқарашни кенгайтиради.

– Менинг дунёқарашим етарли даража кенг.

– Афтидан, ўзингиз яхшироқ биласиз, лекин айтишим мумкинки... Қолаверса, бу одобдан эмас.

Агар шаҳар чинданам қуршовда қоладиган бўлса, балки мен сизни қутқариш учун бу ерда қолаётгандирман. Ҳали ҳеч қачон менга гўзал хонимларни ҳалокатдан қутқариб қолиш насиб этмаган. Бу ҳам бутунлай янги таассурот бўлади.

У шунчаки ҳазиллашаётганини Скарлетт биларди, аммо овозида жиддий оҳанг борлигини сезди. Скарлетт бошини чайқади.

– Мен сизнинг халоскорлигингизга муҳтож эмасман. Ўз ғамимни ўзим ея оламан, мерси.

– Бундай деманг, Скарлетт. Агар ўзингизга маъқул бўлса, шундай деб ўйлайверинг, лекин ҳеч қачон, ҳеч вақт эркак кишига буни айтманг. Бу барча шимоллик аёлларнинг фожеаси. Агар улар доим ўзимни ўзим ҳимоя қила оламан, мерси, демаганларида, мафтункор бўлардилар. Лекин кўп ҳолларда улар тўғрисини гапиришади, ё тангрим, уларни ўзинг асра, мағфират қил. Ва албатта, эркаклар уларни тинч қўйишади.

– Қизиқ, яна нималар деб алжирар экансиз, – совуққина деди Скарлетт, чунки янки-аёллар билан таққослаш ҳақоратларнинг энг ёмони эди. – Қамал хусусида эса, менингча, сиз ёлғон гапиряпсиз. Ўзингиз биласиз, янкилар ҳеч қачон Атлантага яқинлашмайди.

– Сизга гаров бойлашни таклиф қиламан, улар бир ойга қолмай бу ерга етиб келади. Бир қути конфет мендан, сиздан эса... – У нигоҳи билан Скарлеттнинг лабларини таъқиб этди. – Сиздан бўса беришни талаб қиламан.

Янкилар бостириб киришидан қўрқув бир сония унинг юрагини сиқди, аммо "бўса" сўзини эшитгач, шу заҳотиёқ тарқаб кетди. Энди у яна ўзини ўзи ўрганган муҳитда ҳис қила бошлади, бу эса ҳар хил ҳарбий ҳаракатларни муҳокама қилишдан кўра қизиқарлироқ эди. У ғолибона табассумини

зўрға тийди. Ретт унга яшил шляпача совға қилган ўша унутилмас кундан буён унинг муомаласида заррачаям кўнгил овлашга интилиш сезилмаган. Скарлетт қанчалик уринмасин, бирор ҳазил-ўйноқи суҳбатга уни бир оз бўлса-да торта олмаганди, мана энди эса, у томондан бирор рағбат бўлмаса-да, Ретт туйқусдан бўса ҳақида гапира бошлади.

– Мен сиз билан бундай кўнгил ишлари ҳақида гаплашишни истамайман, – совуқ оҳангда деди Скарлетт ва жаҳл билан қовоғини уйди. – Агар шундай бўлиб қолса, мен чўчқачани ўпишни афзал кўрардим.

– Дид ҳақида тортишмайдилар, дарҳақиқат, мен ирландлар ҳақиқатан ҳам чўчқачаларга алоҳида иштиёқ билан қарашини, ҳатто уларни каравотлари остида боқишини кўп эшитгандим. Лекин, Скарлетт, ахир, сиз ўпишишни жудаям истайсиз-ку. Мана сизнинг фожеангиз қаерда. Барча хушторларингиз сизга ҳаддан ташқари ҳурмат билан қарашади – дарвоқе, нима учунлиги мутлақо тушунарсиз – ёки сиздан жуда ҳайиқишади, шу сабабдан ўзларини сиз ҳоҳлагандай тутишолмайди. Бу ҳол сизни чидаб бўлмас даражада такаббур қилиб қўйган. Сизни кимдир ўпиши керак. Лекин буни эплайдиган киши қилиши лозим.

Суҳбат Скарлетт кутганидан бутунлай бошқача тус олди. Ўзи Ретт билан доим шундай бўларди. Ҳамиша қандайдир даҳанаки жангга ўхшаган нимадир юзага келар ва бунда Ретт доим ғолиб чиқарди.

– Сиз эса, афтидан, бунга ўзингизни энг муносиб зот, деб ҳисоблайсиз, – заҳархандалик билан сўради у кучайиб бораётган ғазабини зўрға жиловлаб.

– Ҳа, мутлақо, фақатгина бу ишни зиммамга олишни истасам, албатта, – беписандлик билан жавоб берди у. – Айтишларича, мен бу нарсани яхши биларканман.

– О, сиз... – ўзининг сеҳр-жодуларига бундай илтифотсизликдан қаттиқ ранжиб гапира бошлади Скарлетт. – Э, сиз шундай... – Бирдан у ўзини йўқотиб қўйди ва хижолат тортиб бошини қуйи солди. Ретт илжайди, аммо қора кўзлари тубида нимадир "лов" этиб ёнди.

– Сиз, эҳтимол, нима учун мен сизга шляпача совға қилиб ва ёноғингиздан пок ният билан ўпиб қўйиб, бошқа ҳеч қачон бунга уринмаганимдан ҳайрондирсиз...

– Мен бу ҳақда ҳатто...

– Ундай бўлса, сиз чинакам аслзода хоним эмассиз, Скарлетт, мен эса қаттиқ ранжидим. Чинакам аслзода хонимлар, агар эркаклар уларни ўпишга уринишмаса, ҳар доим ажабланишади. Улар буни истамасликлари лозимлигини ва агар кимдир шундай қилса ўзларини ранжигандек кўрсатишлари кераклигини биладилар, шунга қарамай улар бундай уриниш юз беришини истайдилар... Майли ҳечқиси йўқ, азизам, умидсизланманг, пайти келиб мен сизни ўпаман ва бу сизга ёқади. Лекин ҳозир эмас, шу боис сабр қилиб туринг.

Скарлетт Реттнинг ҳазиллашаётганини тушуниб турарва,ҳардоимгидек,буунингжаҳлиничиқарарди. Унинг ҳазилларининг аксарияти ҳақиқат эди. Бўпти, шу билан уларнинг муносабатлари тугайди. Мабодо қачондир, қачондир у тарбиясизлик қилиб ўзига эрк беришга уринса, Скарлетт унга кўрсатиб қўяди.

– Агар хизмат бўлмаса, орқага қайтаролмайсизми, капитан Батлер? Мен госпиталга қайтмоқчиман.

– Ростданам шуни истайсизми, менинг гўзал фариштам? Демак, ювинди солинган тослар ва ҳашаротлар сиз учун менинг суҳбатимдан кўра ёқимлироқ экан-да? Нима ҳам дердим, Бизнинг Шавкатли Ишимизнинг шон-шуҳратини ошириш учун бир жуфт серғайрат қўлчанинг меҳнат қили-

шига халақит беришни асло истамаган бўлардим. – Ретт кабриолетни ортга бурди ва улар Беш Бурчаклар майдони томон ғириллаб кетишди.

– Нима учун мен сизга ён бермаганимга келсак, – ҳеч нима бўлмагандай давом этди Ретт гўё унинг гаплашишни истамаётганини сезмагандай, – бу шунинг учунки, мен сизнинг бир оз улғайишингизни кутяпман; ҳозир сизнинг ўпичингиз менга тенгсиз ҳузур бахш этади, деб ўйламайман, мен эса шу қадар худбинманки, ўз ҳузур-ҳаловатимни ҳамма нарсадан устун қўяман. Кичкина қизчалар билан ўпишиш эса менга негадир ҳеч қачон қизиқарли туюлмаган.

Кўз қири билан унинг кўкси ошиб-тошаётганини кўрган Ретт кулгисини босди. Скарлеттнинг ғазабдан ўзини йўқотиб қўйгани тайин.

– Бунинг устига, – аста қўшиб қўйди у, – мен муҳтарам Эшли Уилкс ҳақидаги хотиралар бир қадар сўнишини кутяпман.

Эшлининг номи тилга олинганида бехосдан Скарлеттнинг вужудини ўткир тиғ тешиб ўтгандек бўлди ва кўз ёшлари мижжаларини куйдирди. Сўнади? Эшли тўғрисидаги хотиралари ҳеч қачон сўниши мумкин эмас. Ҳатто у ўлган тақдирда ҳам, гарчи ўзи юз йил яшаса ҳам – Скарлетт уни эслаб юради. У ҳозир Эшли қаердадир узоқ-узоқда, янкилар қўлида асирликда, яралар ҳолида жон бераётганини, ёпиниш учун ҳатто кўрпаси йўқлигини, ёнида эса на бир ичкуяри, на бир қўлидан тутиб турадигани йўқлигини ўйлаб, ўзининг ёнида ўтириб, эринчоқлик билан чайналиб гапираётган, гапида ҳар доимгидек киноя борлиги сезилиб турган, қорни тўқ, усти бут, соғ-саломат бу одамга нисбатан қалбида ўткир нафрат кучайиб бораётганини ҳис қилди.

Ўзини бўғаётган ғазабдан унинг тили калимага келмасди, улар бир мунча вақт жим кетишди.

– Энди менга, аслини олганда, Сиз билан Эшлига тааллуқли ҳамма нарса равшан, – яна гап бошлади Ретт. – Ўн икки Эмандаги ўша бир оз ношоён воқеадан кейин мен сизни кузатдим ва айрим хулосалар чиқардим.. Айнан қандай? Айнан сиз ҳалиям бу одамга нисбатан қалбингизда болаларча хаёлий муҳаббатни ардоқлаб келаётганингизни ва у ҳам севгингизга ўзининг олижаноб, пок виждони йўл қўйган даражада севги билан жавоб бераётганини тушундим. Миссис Уилкс бўлаётган воқеалардан мутлақо бехабар, сиз эса уни боплаб алдаяпсиз. Менга бир нарсадан ташқари ҳаммаси аён, бу эса менинг қизиқувчанлигимни ҳаддан ташқари оширмоқда: олижаноб Эшли ўзининг ўлмас қалбини хатарга қўйиб, сиздан бўса олишга журъат қилдимикан?

Чуқур сукут ҳамда бошини тескари ўгиргани бунга жавоб бўлди.

– Аҳа, жуда соз, демак, барибир журъат қилибди-да. Афтидан, бу нарса у таътилга келганида содир бўлганга ўхшайди, энди эса, олижаноб Эшли, эҳтимол ҳаётдан кўз юмган бўлса, сиз бу бўсани ардоқлаб, юрагингиз тубида асраяпсиз. Лекин ҳеч шубҳа йўққи, бу нарса ўтиб кетади, унинг бўсаси ҳақидаги хотира ёдингиздан чиққанида эса мен...

Ғазабдан ўзини йўқотиб қўйган Скарлетт унга қараб бақирди:

–Кўзимдан йўқолинг! – оғзини очмай вишиллади у ва нафратдан қисилган зангори кўзлари бир жуфт ингичка тиғдек ғазабдан бужмайган юзида ялтираб кетди. – Кабриолетни тўхтатинг, акс ҳолда ўзимни ташлаб юбораман. Сизни кўришни истамайман.

Ретт отни тўхтатди, аммо у тушиб ёрдам беришга улгурмасидан Скарлетт ерга сакраб тушди. Кринолини ғилдиракка илиниб қолди, бир лаҳза Беш Бурчаклар майдонидаги йўловчилар кўз ўнгида ички этаклар ва панталонлар манзараси намоён

бўлди. Ретт шу заҳотиёқ эгилиб, кўйлакни ажратиб олди. Скарлетт бир оғиз сўз айтмай, ҳатто ўгирилиб ҳам қарамай, тез юриб кетди. Ретт паст овозда кулди ва жиловни силтаб отни ҳайдади.

XVIII боб

Уруш бошланганидан буён биринчи марта Атлантада тўпларнинг гумбурлаган садолари эшитила бошлади. Тонг саҳарда ҳали шаҳар уйқудан уйғонмасидан, Кеннесоу тоғи томондан отишманинг заиф гумбурлагани – узоқдан келаётган ёз момоқалдироғини эслатувчи бўғиқ гулдурак эшитила бошлади. Аммо вақт-вақти билан тўпларнинг гумбурлаши шаҳар шовқинини босиб чошгоҳ пайтида ҳам эшитилиб қоларди. Одамлар эшитмасликка, гаплашишга, кулишга, кундалик юмушларини давом эттиришга, янкилар шаҳардан йигирма икки миля нарида эканлигини ўйламасликка уринишар, лекин қулоқ беихтиёр жанг суронларини илғаб қоларди. Ҳамманинг чеҳраси ташвишли эди: қўллари нима билан машғул бўлмасин, қулоқлар динг, жонлар бир кунда юз марталаб халқумга келарди. Гумбур-гумбурлар аниқроқ эшитиляптими? Ёки шундай туюляптимикан? Бу гал генерал Жонстон уларни тўхтатиб қололадими? Тўхтатиб қолармикан?

Саросимали қўрқув ташқарига отилиб чиқишга тайёр эди. Чекинишнинг ҳар бир янги куни таранг тортилган асабларни баттар толиқтирар, улар гўё ҳозироқ узилиб кетадигандай эди. Ҳамма ўз қўрқувини ичига ютар, уни ошкор қилиш мумкин эмас, аммо ички бетоқатлик генералли қаттиқ танқид қилиш билан ўзига йўл топди. Эҳтиросларюқори чўққисига чиқди. Шерман Атланта бўсағасида турарди. Ортга яна бир чекинилса конфедератлар шаҳар кўчаларига улоқтириб ташланиши мумкин эди.

Бизга шундай генерални берингки, асло чекинмасин! Бизга шунақасини берингки, у даст туриб берсин, олишсин!

Замбаракларнинг давомли бўғиқ "гумбур-гумбур"и остида штат милицияси – "Жо Брауннинг эркатойлари" ҳамда ички мудофаа қўшинлари генерал Жонстоннинг орқа томонидаги кўприклар ва Чаттахучи дарёсидаги кечувлар мудофаасига жўнаётиб Атлантадан саф тортиб ўтди. Ҳавонинг авзои бузуқ эди, улар Беш Бурчаклар майдони ёнидан саф тортиб ўтиб, Мариетта кўчасига чиққанларида, ёмғир майдалаб ёға бошлади. Уларни кузатгани бутун шаҳар кўчиб чиқди. Одамлар Шафтолизор кўчасидаги дўконларнинг соябонлари остида уймалашиб турар ва бақир-чақир қилиб оқ йўл тилаб, жангчиларнинг руҳини кўтаришга уринарди.

Скарлетт ва Мейбелл Мерриуэзер-Пикар қўшинларни кузатиб қўйиш учун госпиталдан чиқишга рухсат олдилар, чунки Генри амаки ҳамда Мерриуэзер бобо ички муҳофаза қисмларида хизмат қиларди, шу сабабдан ҳозир улар миссис Мид билан бирга қўшинлар сафини яхшироқ кўриш учун оломон орасида оёқлари учида кўтарилиб туришарди. Скарлетт жанубликларга хос кўнгилни кўтарадиган, дадиллик ҳамда умид бағишлайдиган нарсаларгагина ишонишга тайёр эканига қарамай, саф тортиб ўтаётган турли-туман қаторларни кўриб, ичи музлаб кетаётганини ҳис қилди. Модомики, бу рамақижон хизматчиларни – мункиллаган чоллар ва ўспиринларни хизматга чақиришган экан, демак, кўриниб турибдики, вазият ўта қалтис. Баъзан сафлар орасида ёш, соғлом эркаклар ҳам кўзга ташланиб қоларди – бундайлар энг сара милиция ходимларининг очиқ рангли формасида башанг кўринарди: шляпаларидаги патлар тебраниб турар, қадам ташлаётганларида белбоғларининг учи

ҳилпирарди. Аммо чоллар ва ҳали она сути оғзидан кетмаган ўспиринлар шу қадар кўп эдики, раҳми келиб, қўрқувдан Скарлеттнинг юраги сиқилди. Отасидан-да ёши улуғ, соч-соқоли оқарган эркаклар майдалаб ёғаётган ёмғир остида, полк ноғорасининг дупур-дупури ва сурнайларнинг "ғат-ғут"и остида дадил қадам ташлашга уринишарди! Ёмғирдан сақланиш учун миссис Мерриуэзернинг шотландча шол рўмолини елкасига ташлаб олган Мерриуэзер бобо биринчи қаторда борар ва табассумдан чеҳраси порлаб, аёлларни олқишларди. Мейбелл Скарлеттнинг қўлини қисиб, қулоғига шивирлади.

– Бахтиқаро чол! Шаррос қуйган илк ёмғирнинг ўзиёқ бу бечорани адо қилади! Тағин белоғриқ билан...

Генри Гамильтон амаки колоннанинг кейинги қаторида қадам ташларди: Мексика уруши давридан қолган икки тўппонча белида, узун қора сюртугининг ёқаси кўтарилган, қўлида кичикроқ сафар халтаси. У билан ёнма-ён ўзи сингари кекса қора танли хизматкори Генри амаки ва ўзининг боши узра соябон тутганча бардам одимлаб борарди. Ўспиринлар кексалар билан елкама-елка юриб боришар, кўринишидан уларнинг ёши ўн олтидан ошмаганди. Кўпчилиги фронтга бориш учун мактабни ташлаган, айримлари ҳарбий билим юрти формасида – кичкина кулранг кепиларига қадалган қора патлар ёмғирда сўлжайган, кўкракларидаги оппоқ полотно тасмалари ивиб, хира тортганди. Охирги қатордагилар орасида Фил Мид ҳам бор эди: шапкасини олифталарча чаккасига қўндириб олган, белида қилич, марҳум акасининг кавалерия тўппончаларини тақиб, миссис Миднинг ёнидан ўтиб борарди, у эса зўрға жилмайиб ўғлига қўл силкиди, сўнг бир лаҳза мадори қуриб, бошини Скарлеттнинг елкасига қўйди.

Аскарларнинг кўпчилиги қуролсиз, чунки Конфедерацияда на милтиқ, на патрон қолмаган ва уларни бирор-бир қурол билан таъминлашнинг имкони йўқ эди. Улар асирга тушган ёки ҳалок бўлган янкиларнинг қуролини ўзлаштириб олишга умид боғларди. Айримларининг қўнжида ов пичоғи, қўлида эса узун, "Жон Браун найзаси" номини олган темир найзали оғир таёқ бор эди. Омади чопганларнинг эса елкасида қадимги чақмоқтошли милтиқ, белига порохли мугуз осилган.

Чекиниш давомида Жонстон ўн мингга яқин аскарини йўқотди. Унинг қўшини ўн минг янги аскарга муҳтож эди. Мана, у энди қанақа аскарларга эга бўлади, қўрқув ичида ўйлади Скарлетт!

Кўчадан оломонга лой сачратиб, гумбурлаб артиллерия ўтиб бораётганида Скарлеттнинг кўзига тўплардан бирининг ёнида хачир миниб кетаётган негрнинг қомати чалинди. Бу юз териси эгарга қопланган тери рангидаги ёш негр эди, унинг хўмрайган қиёфасига қараб Скарлетт хитоб қилди:

– Бу Моз-ку! Моз, Эшлининг хизматкори! У бу ерда нима қилиб юрибди? – У оломон орасидан ўтиб йўл четига келди ва қичқирди: – Моз! Тўхта!

Ёш негр уни кўриб жиловни тортди ва хурсанд жилмайиб хачирдан туша бошлади. Унинг ортидан келаётган, чок-чокигача ивиб кетган сержант қичқирди:

– Қаёққа? Жойингдан жилма йигит, бўлмаса гулханга ташланасан! Эртароқ тоққа етиб боришимиз керак!

Моз иккиланганганча кўзини сержантдан олиб Скарлеттга қаради, Скарлетт эса лойни чилпиллатиб у томон югурди ва етиб келиб узангига ёпишди.

– Бир дақиқа, сержант! Хачирдан тушма, Моз! Қандай қилиб бу ерда пайдо бўлиб қолдинг?

Мен яна урушга кетяпман, мисс Скарлетт. Фақат энди мистер Эшли билан эмас, кекса хўжайин мистер Жон билан.

– Мистер Уилкс биланми? – Скарлетт қотиб қолди. Мистер Уилкснинг ёши етмишдан кам эмасди. – У қаерда?

– Орқада, охирги тўпнинг ёнида келяпти, мисс Скарлетт. Ана у ёқда, орқада.

– Узр, леди. Қани йигит, юр!

Скарлетт тўпиғигача лойга ботиб, қилт этмай турар, ёнидан тўпу замбараклар ўрмалаб ўтарди. "Йўқ, ахир, йўқ, – хаёлидан ўтди унинг. – Бундай бўлиши мумкин эмас. У жуда қари. Бунинг устига у ҳам Эшлидек урушни ёмон кўради!" У бир неча қадам орқага чекинди ва ўтиб бораётганларнинг юзларига тикилиб қарай бошлади. Тарақ-туруқ товушлар билан лойни шалоплатиб охирги аслаҳанинг олд томони кўринганида сариқ байтал устида тик қоматли, келишган жуссали киши кўринди; узун кумушранг сочларининг ҳўл толалари бўйнига ёпишган отлиқ ўзини дадил тутарди; кичкина сарғиш тусли байтал гўё этаги узун кўйлак кийган аслзода хонимлардек лойли паст-баланд йўлдан эҳтиёткорлик ва назокат билан юриб келарди. Худойим-ей, ахир, бу Нелли-ку! Нелли – миссис Тарлтоннинг байтали! Унинг суюкли оти, унинг ардоқлиси!

Йўл четида турган Скарлеттни кўриб мистер Уилкснинг юзи табассумдан ёришиб кетди, у жиловни тортиб отдан тушди ва у томон юрди.

– Мен сиз билан кўришишни жудаям хоҳлагандим, Скарлетт. Сизнинг яқинларингиз менга кўп топшириқлар беришганди. Лекин имкони бўлмади. Биз бу ерга эрталаб етиб келдик, кўриб турганингиздек, дарҳол фронтга жўнатишяпти.

– О, мистер Уилкс! – ҳаяжонланиб қичқирди Скарлетт унинг қўлларини сиқиб. – Шу ерда қолинг! Нега энди сиз фронтга боришингиз керак?

– Ҳа-а, демак, сиз мени қариб қолган, деб ҳисобларкансиз-да? – деди кулиб мистер Уилкс ва унинг кексаларга хос юз ифодасида Скарлетт Эшлининг табассумини кўрди. – Ҳарбийча қадам ташлаб юришга кексалик қилсам-да, лекин ҳали эгарда ўтиришга, ўқ отишга яраймаи. Миссис Тарлтон эса шу қадар сахийки, менга ўзининг Неллисини бериб марҳамат кўрсатди. Мен минган отнинг баҳоси йўқ. Умид қиламизки, Неллига ҳеч нарса қилмайди, бўлмаса, акс ҳолда уйга қайтолмайман ва миссис Тарлтоннинг кўзига қараёлмайман. Унинг бисотида қолгани – шу Нелли, мана энди уни – ўзининг охирги отини ҳам менга берди. – У Скарлеттнинг қўрқувини аритиш учун енгил, қувноқ гапирарди. – Ойингиз ва отангиз, сингилларингиз ҳам – ҳаммалари соғ-саломат ва сизга салом айтишди. Отангиз сал бўлмаса биз билан бирга фронтга отланмоқчиям бўлди.

– Отам-а! Қанақасига? – қичқирди Скарлетт. – Ахир, у боролмайди-ку!

– Ҳа, албатта, аммо бормоқчи бўлди-да. Мажруҳ тиззаси билан у, шубҳасиз, ҳарбийчасига қадам ташлолмайди, бироқ бизга қўшилиб, отда юришга жазм қилди. Ойингиз: аввал у тўсиқдан ошиб ўтсин – яйлов тўсиғидан отда сакраб ўтсин, чунки армияда бундан-да оғир ғовлардан ўтишга тўғри келади, деган шарт билан рози бўлди. Отангиз: бу ҳеч нарса эмас, деб ўйлади, аммо, тасаввур қиласизми, у тўсиққа яқинлашганида от бирдан қоққан қозиқдек таққа туриб қолди, отангиз эса унинг бошидан ошиб учиб тушди. Мўъжиза рўй бериб, бўйни синмади. Аммо унинг нақадар қайсарлигини сиз биласиз. Ўрнидан сакраб туриб отни яна тўсиқ устига ҳайдади. Шундай қилиб, қизалоғим, миссис О'Хара ва Порк уни тўшакка ётқизиб қўйгунларича от уни устидан уч марта итқитиб юборди. У ўзини йўқотиб қўйди, тинмай жавраб ойингизни жониворга кўз текканига

ишонтирмоқчи бўлди. Йўқ, у ҳаракатдаги армияга ярамайди, Скарлетт! Бундан сиз ҳам уялманг. Алалоқибат, ахир, кимдир уйда қолиб, армияга нон етказиб бериши керак-ку.

Скарлетт эса, елкасидан тоғ ағдарилгандек енгил тортганини айтмаса, зиғирчаям уятни ҳис қилгани йўқ.

– Мен Индия билан Ойимқизни Мейконга, Бэрларникига жўнатдим, энди мистер О'Хара Ўн икки Эманга ҳам кўз-қулоқ бўлиб туради. Бўпти, мен кетишим лозим, азизам. Гўзал юзингиздан бир ўпиб қўйишимга ижозат беринг.

Бўғзига нимадир тиқилганини ҳис қилган Скарлетт унга лабларини тутди. У мистер Уилксга қаттиқ меҳр қўйганди. Қачонлардир – о, бунга жуда кўп бўлган! – унга келин бўлишни орзу қиларди.

– Бу бўсани мендан Питтипэтга, бунисини эса Меланига етказиб қўйинг, – деди мистер Уилкс яна икки бора унинг ёноғига лабини енгилгина тегизиб.

– Раҳмат, яхши.

– Эҳ, тўнғич неварамни кўришни шу қадар истайманки! – Унинг ўйчан кўк кўзлари Скарлеттга қадалган, аммо Эшли билан қандай бўлган бўлса худди ўшандай эди – у Скарлеттни кўрмаётгандек, у орқали эса қандайдир узоқ, фақат унинг ўзигагина аён аламларнигина кўраётгандек туюларди. – Алвидо, азизам.

Жон Уилкс сакраб миниб отни чоптириб кетди. Қўлида ҳалиям шляпасини ушлаб олган, ёмғир эса кумушдек сочларини ҳўл қиларди. Скарлетт ортга, Мейбелл ва миссис Мид томонга юрди ва фақат шундагина унинг айтган сўнгги сўзларининг асл маъноси шуурига етиб борди. Вужудини хурофий қўрқув чулғаб олди, у шоша-пиша чўқинди ва пичирлаб дуо ўқиди. Чолнинг гапларида, қачонлардир Эшлининг гапларидагидек, ўлимини олдин-

дан сезиш хавфи бор эди, мана энди Эшли... Ҳеч қачон ўлим ҳақида гапирмаслик керак... Ўлимни эслаш – бу тақдирни синаш дегани! Майдалаб ёғаётган ёмғир остида Мейбелл ҳамда миссис Мид билан госпиталга жимгина қайтган Скарлетт ичида ёлворарди: "Худойим, унинг ўлимига изн берма. Фақат у ўлмасин, Эшли ҳам!"

Далтондан Кеннесоу тоғигача ортга чекиниш майнинг бошидан июннинг ўртасигача давом этди, иссиқ, серёмғир июнда кунлар узая бошлаган, Шерман эса конфедератларни эгаллаб турган тик, тойғинчоқ жойларидан суриб чиқаролмагач, жанубликлар қалбида яна умид учқунлай бошлади. Одамларнинг кайфи чоғ, ҳамма генерал Жонстон ҳақида гапира бошлаганди. Ёмғирли июнь кунлари янада серёмғир июль кунлари билан алмашганида, конфедератлар эса яширинган ерларидан қаттиқ қаршилик кўрсатиб, Шерманни тўхтатиб, унинг ҳужумларини қайтариб турганларида Атлантани чексиз шод-хуррамлик чулғаб олди. Умид бир қултум шампан виносидек бошни айлантирарди. Ура! Ура! Биз уларни тўхтатиб қололдик! Шаҳарда ёппасига баллар эпидемияси бошланди. Атлантага, бир кечага бўлса-да, фронтдан жангчилар гуруҳи келиб тушгани заҳоти уларнинг шарафига тушликлар, ортидан рақслар уюштирилар, қизлар эса – ҳар бир жангчига ўнтадан кам бўлмаган қиз тўғри келар – ботир жангчилар билан рақс тушиш учун талашардилар.

Атланта мусофирлар: қочқинлар, госпиталда ётган ярадорларнинг оилалари, тоғларда жанг қилаётган аскарларнинг хотинлари ва оналари билан тўлиб-тошганди – аёллар, яқин кишилари яралангудай бўлса, уларнинг ёнида қолишга ҳаракат қиларди. Боз устига, ўн олти ёшдан олтмиш ёшгача ва ундан катта ёшдаги бирорта эркак қолмаган бутун округдан гала-гала ёш соҳибжамол қизлар шаҳарга

оқиб кела бошлади. Питти амма бу нусхалар ҳақида ўта салбий фикр юритиб, улар Атлантага ягона мақсад – йигитларни илинтириш пайида келган, деб ҳисобларди ва бундай беномусликдан ёқасини ушлаб, савол беришдан тухтамасди: дунё қаёққа қараб кетяпти? Скарлеттнинг у билан фикри бир эди. Нурли табассуми икки қайта ағдариб тикилган кўйлаги ва ямоқ солинган туфличасини унутишга мажбур этадиган бу ўн олти ёшли, юзлари қирмизи қизлар билан рақобатлашиш Скарлеттга ёқмасди. Унинг кўйлаклари эса охирги денгиз сафаридан унга янги матолар олиб келган Ретт Батлернинг шарофати билан кўп хонимларникига қараганда янгироқ ва чиройлироқ эди, аммо, минг қилса ҳам, унинг ёши энди ўн тўққизга бориб қолган, йиллар эса ортга қайтмас, эркаклар доим ёшгина беақл қизларни қўлга киритишни афзал кўради.

Беванинг, боз устига, болали беванинг аҳволига, бундай ёш ойимтиллалар билан таққослаганда, ҳавас қилиб бўлмайди, деб ўйларди Скарлетт. Шундай бўлса ҳам, бу оммавий шодиёнанинг ҳаяжонли кунларида, бошқа пайтлардагига қараганда, бевалик ва оналикнинг оғир юкини камроқ ҳис қиларди. Кундузи – госпиталдаги ишлар, кечқурун – рақс кечалари. Уэйдга деярли вақт ажратолмасди. Баъзан у ўғли борлигини анча вақтгача эсламасди ҳам.

Иссиқ, рутубатли ёз оқшомлари Атлантадаги хонадонларнинг эшиклари жангчилар – шаҳар ҳимоячилари учун ланг очиқ эди. Бадавлат хонадонларда – Вашингтон кўчасидан Шафтолизор кўчасигача – чироқлар порлаб турарди: у ерда окопларда лойга ботган аскарларни қабул қилишар, осуда тун ҳавосида банжо ва скрипка садолари, рақс тушаётган оёқлар дупури, шодон қаҳ-қаҳалар узоқ-узоқларга тараларди. Одамлар гуруҳ-гуруҳ бўлиб фортепьяно атрофига йиғилишар ва берилиб “Сенинг мактубинг

келди, афсус, жуда кеч" ни куйлашар, уст-бошижулдур, аммо одобли йигитлар қизларга сермаъно нигоҳ ташлашар, улар эса бунга жавобан курка патидан ясалган елпиғичлари панасида ҳиринглашар ва чўзиб ўтириш ножоизлиги, унда жуда кеч бўлишига ишора қилишарди. Қизларнинг ўзлари эса, агар бу уларга қолса, ишни ортга суриб ўтиришмасди. Жазавали хурсандчилик ҳамда оммавий жўшқинлик гирдобига тушиб қолган қизлар ўйламай-нетмай турмуш қурарди. Генерал Жонстон душманни Кеннесоу тоғи этакларида тўхтатиб турган пайтда ўтказилган тўйларнинг саноғи йўқ эди! Бахтиёр, ҳаёдан ёноқлари ол рангга кирган келинчаклар ўнтача дугонасидан шоша-пиша вақтинча олинган никоҳ либосларида никоҳдан ўтишарди. Куёвларнинг қиличлари ямоқли шимларига урилар, завқ-шавқлар беҳисоб, ҳаяжонлар, баллар беҳисоб эди! Ура! Генерал Жонстон душманни шаҳардан йигирма икки миля нарида тўхтатиб турибди!

Ҳа, конфедератларнинг Кеннесоу тоғи этакларида эгаллаган ўрни мустаҳкам эди. Йигирма беш кунлик жанглардан сўнг генерал Шерман бунга ишонч ҳосил қилди, зеро, у беҳад катта талафот кўрди. Шундан сўнг у рўпарадан ҳужум қилишни тўхтатиб, қайтадан кенг айланма ҳаракатни амалга ошириб, конфедератлар армияси ва Атланта орасига суқилиб киришга уриниб кўрди. Унинг стратегияси яна самара берди. Ўзининг орқа томонини ҳимоя қилиш учун Жонстон яхши ўрнашиб олган тоғ чўққиларини ташлаб кетишга мажбур эди. Бу жангларда у аскарларининг учдан бир қисмини йўқотди, тинка-мадори қуриган армиянинг қолган-қутган аскарлари ёмғир остида Чаттахучи дарёси томонга чекинди, Теннессидан уруш бораётган ергача янкиларнинг қўлига ўтган темир йўлдан ҳар куни Шерман армиясига янги қисмлар ва озиқ-овқат

келиб турар, айни пайтда конфедератлар қўшимча кучлар келишига ортиқ умид қилмасди. Оқибатда кулранг сафлар янада нарироққа, Атланта томонга улоқтириб ташланди.

Мустаҳкам ҳисобланган бу мавқелар бой берилганидан сўнг шаҳар бўйлаб ваҳиманинг янги тўлқини ёйилди. Йигирма беш кун давом этган шод-хуррамлик пайтида одамлар бир-бирини энди ҳечам ортга чекинилмайди, деб ишонтиришга уринарди. Лекин чекиниш содир бўлди! Бироқ, шубҳасиз, генерал янкиларга дарёнинг бу қирғоғига ўтишларига йўл қўймайди. Аммо наилож, дарё жудаям яқин – шаҳардан атиги етти миля масофада!

Лекин Шерман дарёни юқори оқими бўйлаб кечиб, яна конфедератларнинг ён томонидан айланиб ўтди, силласи қуриган кулранг сафлар босқинчилар билан Атланта ўртасида тирик ғов бўлиши учун ўзларини лойқа бўз сувга ташлаб шоша-пиша шаҳар шимолидаги Шафтолизор сойи водийсида саёз окоплар қазиб жойлашдилар. Ваҳимага тушган Атланта жон талвасасида эди.

Жанглар ва чекинишлар! Ҳар галги чекинишдан кейин янкилар шаҳарга тобора яқинлашарди. Шафтолизор сойи Атлантадан бор-йўғи беш миля нарида! Генерал нимани ўйлаяпти?

“Бизга курашадиган, аммо чекинмайдиган генерал керак!” – деган қичқириқ Ричмондга етиб борди. Ричмонддагилар Атлантани бой бериш – урушда ютқазиш эканини тушунарди, армия Чаттахучи ортига чекинганида эса генерал Жонстон қўмондонликдан четлатилди. Армияни бошқаришга корпус қўмондонларидан бири генерал Худ тайинланди, шаҳар эркинроқ нафас ола бошлади. Худ чекинмайди. Кимдир чекинар, бироқ соқоли ҳилпираб турадиган, нигоҳлари ўтли, баланд бўйли бу кентуккилик эмас! Худ хиппа бўғиздан олиш хусусияти

билан машҳур эди. У янкиларни ҳайдаб юборади, уларни дарё ортига қувади ва келган йўли билан орқага – Далтонгача қувиб бораверади. Бироқ бу орада армиядан бошқача бир даъват етиб келди: "Бизга қария Жони қайтариб беринг!" Чунки аскарлар қария Жо билан Далтондан ҳозир турган манзилгача – бутун йўлни қадамба-қадам бирга босиб ўтган, улар оддий фуқаролар билмайдиган нарсаларни – душманнинг нечоғлик ортиқ даражадаги кучларига қарши жанг олиб борилганини билишарди.

Шерман эса генерал Худ ҳужумга ўтиш учун ўз қўшинларини жанговар ҳолатга келтиришини кутиб ўтирмади. Армияга янги қўмондон тайинланган куннинг эртасигаёқ у ҳал қилувчи тезкор ҳужумни амалга оширди, Атлантадан олти миля узоқликда жойлашган кичкина Декейтер шаҳарчасига зарба берди. Уни эгаллаб, Атлантани Огаста, Чарльстон, Уилмингтон ва Виргиния билан боғлаб турувчи темир йўлни кесиб қўйди. Бу қақшатқич зарба эди. Қатъий ҳаракатга киришиш фурсати етди. Атланта жиддий ҳаракатни талаб қиларди!

Ниҳоят одамни беҳол қиладиган иссиқ июль кунларининг бирида тушдан сўнг Атлантанинг талаби амалга ошди. Генерал Худ нафақат жанг қилди ва чекинмади, балки ўзининг кулранг занжирсимон сафларини Шафтолизор сойи соҳилидаги окоплардан оёққа турғизди ва ўзидан икки баравар зиёд бўлган Шерманнинг кўк мундирлари устига шиддат билан ҳужумга ташлади.

Қўрқиб кетган аҳоли, жанг беш миля узоқда эмас, қўшни кварталда бораётгандек, тўпларнинг аниқ эшитилаётган гумбурлаши ва минглаб милтиқлардан бараварига отилган ўқларнинг қарсиллаган товушига қулоқ солар ва Худнинг ҳужуми янкиларни орқага улоқтириб ташлашини худодан ёлвориб

сўрарди. Одамлар тўп ва замбарақларнинг гумбур-гумбурини эшитар, дарахт учларида осилиб турган тўп-тўп тутунларни кўрарди, бироқ вақт ўтиб борар, жанг қандай кетаётганини фақат тусмол қилиш мумкин эди, холос.

Ниҳоят куннинг охирида илк хабарлар кела бошлади – бири бирига зид, мавҳум, кўнгилга қўрқув ва ғулғула соладиган хабарлар; уларни жанг бошланганда яраланиб, ҳозир шаҳарга етиб келганлар олиб келарди. Улар ёлғиз ёки гуруҳ-гуруҳ бўлиб кўчаларда пайдо бўлишар – енгилроқ яраланганлар оёғини зўрға судраб босаётганларини суяб боришарди. Мана энди шаҳар орқали госпиталларга одамлар оқими муттасил қуйилиб кела бошлади: ўқ-дори тутуни, лой ва тердан қорайган афт-ангорлар, очилиб ётган, боғланмаган жароҳатлар, қотиб қолган қон лахталари ва улар устига ёпирилган пашшалар.

Питти амманинг уйи бу йўлдаги шаҳарнинг шимолий чеккасида жойлашган биринчи уй эди ва улар бирин-кетин дарчага етиб келиб, уй олдидаги ўтлоққа оғир чўкишар ва бўғиқ овозда бақиришарди:

– Сув!

Пешиндан кейинги дим гармселда Питти амма ва унинг уйида яшайдиган оқ ва қора танлилар қўлларида сув тўла челаклар, бинтлар билан ҳовлида туришар, бинтлар, охирги чойшаб ва сочиқлар бўлакларга бўлиниб тугамагунича ярадорларнинг яраларини боғлашарди. Питти амма қонни кўрса мазаси қочиши, ҳушдан кетишини ҳам унутиб, ҳаддан ташқари тор пойафзалчалардаги кичкина оёқчалари жуссасини кўтариб туравергани дан шишиб кетмагунича ярадорларга астойдил ёрдам берарди. Ҳатто Мелани, қорни анча билиниб қолганига қарамай, уятчанликни йиғиштириб қўйиб, Присси, ошпаз аёл ва Скарлетт билан елкама-елка

туриб жон-жаҳди билан тер тўкар, чеҳраси эса ўзи ёрдамлашаётган ярадорларникидек асабий кўринарди. Бирдан ҳушини йўқотганида эса, уни ошхона столига ётқизишга тўғри келди, чунки каравотлар, кушеткалар ва ҳатто креслолар ҳам ярадорлар билан банд эди. Бу алғов-далғовда ҳамманинг ёдидан чиққан Уэйд чўк тушиб, қафасдаги қўрқоқ қуёндек, айвон панжараси ортидан қараб турарди: қўрқувдан кўзларини катта-катта очиб майсазорга қарар ва катта бармоғини сўриб ҳиқилларди. Тасодифан унга кўзи тушган Скарлетт қаттиқ бақирди:

– Орқа ҳовлига бор, Уэйд Хемптон! Ўша ерда ўйнаб тур! – Бироқ гўдак ўзи кўрмаган манзарадан шу қадар қўрқиб кетган ва эс-ҳушидан айрилган эдики, ойисининг буйруғини англамади ҳам. Майсазор юрай деса беҳол, ўрнидан турай деса бемажол одамлар билан тўлиб кетганди. Питер амаки уларни биринкетин кажавага ётқизиб, госпиталга олиб борар, бундай тинимсиз қатнашлар бўғриқиб терлаб кетган от юролмай қолгунча давом этарди. Миссис Мид ҳамда миссис Мерриуэзер ҳам ўзларининг соябонли извошларини юборишганди, уларга рессорларлари майишиб кетгунча ярадорларни ортиб госпиталга жўнатишарди.

Кечроқ, шаҳар устига ёзнинг узоқ ва дим шом қоронғуси чўка бошлаганида, йўл бўйлаб санитар аравалар ҳамда брезент соябонига лой чапланган интендантлик хизмати фургонлари тарақлаб ўта бошлади. Уларнинг ортидан эса оддий аравалар, ҳўкиз қўшилган тўрт ғилдиракли аравалар ва тиббий эҳтиёжларга мослаштирилган соябонли башанг извошлар ҳам эргашарди. Ярадорлар ва жон талашиб ётганлар билан лиқ тўла аравалар Питти амманинг уйи олдидан ўйдим-чуқур йўлда силкина-силкина қизғиш тупроқни қонга белаб

ўтиб борарди. Сувчелак ва чўмич кўтарган аёллар кўчани кесиб ўтаётганида, уловлар тўхтар, шунда оҳ-воҳлару эшитилар-эшитилмас пичир-пичирлар қоришиб кетарди:

– Сув!

Скарлетт қилтиллаб турган бошларни ушлаб турар, қақраган лабларга сув тутар, очиқ яраларга, безгак тутгандек қалтираётган кир-чир таналарга чўмичлаб сув қуйиб, бир дақиқага бўлса-да яралорларнинг аҳволини енгиллатишга уринарди. Оёқ учида кўтарилиб, извошчиларга сув узатар ва ҳар бирига узуқ-юлуқ овозда битта саволни берарди.

– У ёқда нима гап? Қандай?

Ва ҳар гал шундай жавобни эшитарди:

– Ким билсин, леди. Ҳозирча бир нарса дейиш қийин.

Дим ҳаволи кеча бошланди, ғир этган шабада йўқ. Негрлар тутиб турган қарағай машъалаларининг тафти ҳаракатсиз қотган ҳавони баттар қиздирарди. Чанг Скарлеттнинг лабларига ўтириб қолган, бурнигача кирган эди. Унинг эрталаб ювилиб оҳорланган чит кўйлаги тер, лой ва қондан қотиб кетганди. Ҳа, Эшли хатида мана шуни айтмоқчи бўлган экан: уруш – бу музаффарона юриш эмас, азоб-уқубат ва разолатдир!

Чарчаганидан ҳамма нарса ўз воқелигини йўқотган, гўё қўрқинчли тушдагидек кўз олдидан оқиб ўтарди. Бу воқеаларнинг содир бўлиши ақлга сиғмайди, агар шундай бўлса, демак, дунё ақлдан озибди! Бўлмаса у бу ерда нима қилаётир, нега Питти амманинг уйи олдидаги сокин боғчада, пирпираб ёнаётган чироқлар ёруғида жони узилаётган мухлислари танасини сув қуйиб совутяпти? Ҳа, бу одамлар орасида, қачонлардир унинг кўнглини овлаганлар кам эмас, ҳаммаси уни таниб, унга жилмайиб қўйишга уринарди. Ўзи бирга рақс тушган,

ҳазиллашган, фортепьяно чалиб қўшиқлар айтиб берган, ўзига маҳлиё қилган, жиғига теккан, илтифот кўрсатган, суйган... кишилар кам эмасди... Бу ерда қонига беланган, юзларини чивин чақиб ташлаган ишқибозлари кўп, улар тупроқ кўчалардан зўрға судралиб келишар, кўплари унинг кўз ўнгида жон беришарди.

Ҳўкизларга қўшилган аравада бир тўда гавдалар остида бошидан яраланиб чала ўлик ҳолда ётган Кэйри Эшбернни кўриб қолди. Аммо қолган олти ярадорга озор бермай, уни аравадан тушириб ололмади, Кэйрини госпиталга олиб кетишди. Кейинчалик госпиталга етиб боргунича унинг жони узилганини ва уни бир жойга кўмишганини эшитди – қаерга кўмишганини ҳеч ким аниқ билмасди. Шу ой мобайнида беҳисоб аскарлар Окленд қабристонида шошилинч ковланган, чуқур қазилмаган қабрларга қўйилган эди. Мелани Кэйрининг ҳеч бўлмаса бир тутам сочи унинг ойисига, Алабамага жўнатилмаганидан қаттиқ хафа эди.

Иссиқ оқшом чўзилгандан чўзилар, Скарлетт ва Питти амманинг чарчоқдан беллари қақшар ва тиззалари букилиб кетарди, ҳар бир янги келган ярадорга улар бир хил саволни беришарди:

– У ёқда нима гап? Қандай?

Узоқ чўзилган кутишдан кейин, ниҳоят, улар қўрқувдан ранги ўчиб, бир-бирига ваҳимага тушиб қарашга мажбур қилган жавобни эшитишди:

– Биз чекиняпмиз.

– Биз чекинишга мажбурмиз.

– Бизникилар бир неча юз, уларнинг эса минг-минглаб жангчилари бор!

– Янкилар Декейтер яқинида Уэллер отлиқ аскарларининг йўлини кесиб қўйибди.

– Бизникилар ҳадемай шаҳарда бўлади.

Скарлетт ва Питти амма йиқилиб тушмаслик учун бир-бирларига ёпишиб олишди.

– Демак, демак, янкилар бу ерга келишаркан-да?

– Ҳа, мэм, улар барибир келишади, фақат улар хонимларни пойлаб юришмайди.

– Йўқ, йўқ, қўрқманг, мисс, улар Атлантани олишолмайди.

– Албатта йўқ, мэм, шаҳар атрофида шу қадар кўп окоплар қазилганки, эҳтимол, миллион миля чиқар.

– Қария Жонинг: "Мен Атлантани аср адо бўлгунича ушлаб тура оламан" деганини ўзим эшитганман.

– Лекин энди бизда қария Жо йўқ-ку. Бизда...

– Жим бўл, аҳмоқ! Нима демоқчисан – хонимларни қўрқитиб юрагини ёрмоқчимисан?

– Янкилар шаҳарни ҳеч қачон ололмайди, мэм.

– Хонимлар, сизлар Мейконгами, бирор бехавотирроқ жойга кетсанглар бўлмайдими? Наҳот у ёқларда бирор қариндошингиз йўқ?

– Атлантани-ку олишолмайди, бироқ барибир, янкилар бостириб келса, хонимларга қийин бўлади-да.

– Шаҳарни қаттиқ ўққа тутишади.

Эрталаб иссиқ ёмғир остида мағлубиятга юз тутган армия – очлик ва чарчоқдан тинкаси қуриган, етмиш олти кун давом этган жангу чекинишлар ҳолдан тойдирган оломон, улар билан бирга наридан-бери арқон бўлаклари ёки хом теридан қилинган қайишлар билан лафетлар – тўп ўрнатиладиган станокларга чирмаб боғланган тўпларни, ўқ-дори қутилари ортилган араваларни судраб келаётган, силласи қуриган, қоқсуяк отлар шаҳар ичидан оқиб ўта бошлади. Шунга қарамай, бу тор-мор этилган армиянинг бетартиб қочиши эмасди. Қўшин сафарга отлангандек саф тортиб, ҳарбийчасига қадам ташлаб борарди; кийимларининг увадаси чиқиб кетганига қарамай улар бирдамликни сақлаб, ёмғирда шалаббо бўлган жанговар ол байроқларни

кўтариб олишганди. Улар ўзларига чекинишни аҳамияти ҳужумдан кам бўлмаган стратегик ҳаракатга айлантиришни ўргатган қария Жо қўмондонлиги остида чекиниш сабоғини ўтишганди. Соч-соқоллари ўсиб кетган, жулдур кийимлардаги аскарлар "Мериленд, Мерилендим менинг" қўшиғини хиргойи қилиб, Шафтолизор кўчасидан шаҳдам қадам ташлаб боришар, уларни олқишлагани бутун шаҳар аҳли кўчаларга чиққанди. Улар ғалаба ёки мағлубият билан келишганми, барибир, бу – ўзларининг аскарлари эди.

Яқиндагина яп-янги кийим-боши билан олифталик қилиб юрган, энди эса уст-боши тўзғиган, кир-чир милицияни жангларда синовдан ўтган аскарлардан фарқлаб бўлмасди. Ҳатто аскарларнинг кўзидаги ифода ҳам ўзгарган эди. Ахир, уларнинг ҳар бирининг зиммасида нега уч йил фронтда бўлмаганини тушунтириб беришу ўзини-ўзи оқлашдек хўрлик бор эди-да. Бироқ улар фронт ортидаги осойишталикни жанг майдонидаги хавфу хатар билан алмаштирдилар ва ўзини англаш туйғусига эга бўлдилар. Кўпчилиги эркин, дориломон ҳаётни ўқ ёмғирлари остидаги ўлимга алмаштирди. Аммо тирик қолганлари, жуда қисқа муддатда, фахрий жангчи саналиб, ўз бурчларини адо этганларини ҳис қилдилар. Халойиққа синчиклаб қараб, таниш чеҳраларни қидираркан, улар қатъият ва ғурур билан боқардилар. Энди улар бошларини баланд кўтариб юришлари мумкин эди.

Ички мудофаа қўшинлари сафида кексалар, ёш йигитлар ўтиб боришарди – соқоллари оқарган мўйсафидлар ҳорғинликдан оёқларини зўрға судраб босар, йигитчаларнинг қиёфаси ўзларига юкланган ўта жиддий топшириқдан ташвишда қолган болаларнинг чеҳрасига ўхшаб кетарди. Улар орасида Скарлетт Фил Мидни кўриб қолди, унинг юзи ўқ-

дори тутунидан ва кирликдан шу қадар қорайиб кетган, шу қадар безовта ва ҳорғин эдики, Скарлетт уни зўрға таниди. У билан ёнма-ён оқсоқланиб, ёмғир ёғаётганига қарамай елкасига ташлаб олган клеёнканинг йиртиқ жойидан чиқиб турган бошига ҳеч нарса киймаган Генри амаки судралиб борарди. Мерриуэзер бобо тўп устига ўтириб олган, яланг оёқлари парча-пурча адёл билан ўралганди. Скарлетт аланглаб Жон Уилксни қанча қидирмасин, у ҳеч қаерда кўринмасди.

Жонстон армияси фахрийлари эса мардона ва беписанд одимлаб боришар, улар урушнинг учинчи йилида ҳам жанговар руҳни сақлаб қолишганди: илжайишар, чиройли қизларга кўз қисишар, ҳали ҳарбий либос киймаган эркакларга қарата қўполроқ ҳазил қилишарди. Улар шаҳарни тўрт томондан қуршаб олган истеҳкомлар – кичик-кичик, шошапиша қазилган ўт очиш нуқталари эмас, баландлиги деярли одам бўйича келадиган қум тўлдирилган халталар билан ўралган, тепасига ўткир ёғоч найзалар қадалган тупроқ қўрғонлар томон йўл олишганди. Окопларнинг қизғиш хандақлари ва қизғиш тупроқуюмлари кўринишидаги истеҳкомлар шаҳар атрофи бўйлаб бир неча чақиримгача чўзилиб кетган, кимларга мўлжалланган бўлса ўшаларни қабул қилиб олишга тайёр эди.

Оломон чекинаётган қўшинни гўё у ғалаба билан қайтиб келаётгандек олқишларди. Айни дамда ҳар бир юракда қўрқув яширинган, аммо энди одамлар ҳақиқатдан воқиф бўлгач, энг ёмон воқеа аллақачон содир бўлиб, уруш уларнинг уйларигача етиб келгач, шаҳар ўзгаришга юз бурди. Энди ваҳимага, жазавали оҳ-воҳларга ўрин қолмаган – юракларда ин қурган умидсизлик юзларда акс этмасди. Ҳамма, ҳатто ясама бўлса ҳам, қувноқ кўринишга уринарди. Ҳар бир киши чекинаётган аскарларнинг юзига қатъият

ва мардона қарашга уринар, қария Жо қўмондонликдан четлаштирилган кун арафасида айтган сўзларини ичида такрорларди: "Мен Атлантани аср адо бўлгунича ушлаб тура оламан".

Энди, генерал Худнинг ҳам чекинишига тўғри келганда, кўпчиликнинг кўнглида аскарларнинг кўнглидаги истак – қария Жони қайтариш истаги туғилди. Бироқ ҳеч ким ўз фикрини эшиттириб айтишга журъат этмас, фақат қария Жонинг қатъият билан айтган гапини такрорларди, холос: "Мен Атлантани аср адо бўлгунича ушлаб тура оламан".

Генерал Жонстоннинг эҳтиёткорона тактикаси генерал Худга сира ёқмади. У янкиларга ҳали шарқдан, ҳали ғарбдан ҳужум уюштирарди. Шерман худди рақиб танасидаги ҳимоясиз нуқтани пойлаган боксчи каби Атланта атрофида айланарди. Худ эса истеҳкомларда янкиларнинг ҳужумини кутиб ўтирмади. У улар қаршисига мардонавор чиқди ва жон-жаҳди билан улар устига ташланди. Атланта ва Эзра-Чёрч учун бўлган жанглар бир неча кун давом этди, бу маҳораба билан қиёслаганда Шафтолизор сойлигидаги жанг энди арзимас тўқнашувдек кўринарди.

Аммо душманга булар писанд эмасга ўхшарди. У оғир талафотларга учради, лекин, афтидан, бунга йўл қўйиб беришни лозим деб топди. Шу вақт мобайнида шимолликларнинг батареялари шаҳар устига снарядлар ёғдирди, одамларни ўз уйжойларида ўлдирди, биноларнинг томларини бузиб, тош йўлларни ўйдим-чуқур қилиб ташлади. Одамлар имкони борича ертўлаларда, ариқ-зовурларда, темирйўллар кесишган жойдаги паст туннелларда бекинишар, Атланта қуршовда қолганди.

Атлантани Теннесси билан боғловчи темир йўл энди тўла-тўкис Шерман қўлида эди. Унинг қўшинлари шарққа бориладиган йўлни қуршаб олган,

жануби-ғарбга, Алабамага бориладиган йўлни кесиб қўйган, фақат биргина темир йўл – жанубга, Мейкон ва Саваннага борадиган йўл – ҳозирча ҳаракатда эди. Атланта қочқинлар, қўшинлар, ярадорлар билан тўлиб-тошган, бу ягона йўл ҳимояланаётган шаҳарнинг зарур эҳтиёжларини қондира олмасди. Шундай бўлса ҳам бу йўл ҳозирча жанубликлар қўлида, Атланта туриб бераётган эди.

Бу йўл қанчалик муҳим аҳамият касб этганини, уни эгаллаш учун Шерман жон-жаҳди билан ҳаракат қилишини ва уни бой бермаслик учун Худ нақадар жон олиб жон бериб ташланишини тушуниб етганида Скарлеттни ваҳима босди. Ахир, бу йўл графлик орқали ва Жонсборо орқали ўтадиган йўл эди-да. Тара эса Жонсбородан атиги беш миля узоқда жойлашганди. Бу ердан, фиғони фалакка ўрлаётган бу жаҳаннамдан туриб қаралса, Тара жон сақлаш мумкин бўлган сокин гўшадек туюлар, лекин у Жонсбородан бор-йўғи беш миля нарида эди!

Атланта учун жанг бораётган куни Скарлетт ва яна баъзи бир хонимлар шамсиялари билан қуёшдан паналаб, жанг боришини кузатишарди. Аммо биринчи снарядлар шаҳар кўчаларида портлай бошлагач, улар ўзларини ертўлаларга уришди, шу оқшомдаёқ аёллар, болалар ва қариялар Атлантадан ёппасига қоча бошлади. Улар мўлжаллаган жой Мейкон эди. Ўша оқшом вагонларни тўлдирганларнинг аксарияти илгари ҳам бу йўлдан ўтганди – ҳар гал генерал Жонстон Далтондан узоқроққа итқитиб ташланганида, ҳар бир чекиниш пайтида улар шу йўлдан ўтарди. Бироқ энди улар Атлантага қайтаётгандагидек эмас, балки енгил-юпун кетиб боришарди. Кўплар ўзлари билан фақат юмшоқ жомадон ҳамда ола-була қоғоз рўмолчага ўралган озгина нонушта олишганди. Фақат у ер-бу ердагина дастлабки қочқиндан омон қолган кумуш идиш-

товоқ ва оилага тегишли портретларни кўтариб олган, қўрқувга тушган хизматкорларни кўриш мумкин эди, холос.

Миссис Мерриуэзер ва миссис Элсинг кетишдан бош тортишди. Госпиталь уларнинг ёрдамига муҳтож эди, боз устига, ҳеч қанақа янки бизларни қўрқитолмайди ва жонажон шаҳримиздан қочишга мажбур қилолмайди, дейишди улар ғурур билан. Лекин Мейбелл билан боласи ва Фенни Элсинг Мейконга жўнаб кетишди. Турмуш қурганидан бери илк маротаба миссис Мид итоатсизлик қилиб, докторнинг талабларига бўйсунишдан ва поездга ўтиришдан кескин бош тортди. У ҳали докторга керак бўлади, деди миссис Мид. Фил қаердадир шу атрофда, окопда ётибди, шу боис, ҳар эҳтимолга қарши у шу ерда бўлиши лозим... Миссис Уайтинг ва Скарлетт танийдиган талайгина хонимлар ҳам жўнаб кетишди. Чекиниш стратегияси учун генерал Жонстонни ҳаммадан бурун айблаган Питти амма энди биринчилар қаторида сандиқларини тахлаб қўйди. Менинг заиф асабларим қаттиқ товушларга дош беролмайди, деди мисс Питти. Портлашларнинг гумбур-гумбуридан ақл-ҳушидан айрилиши ва ертўлагача етиб боролмаслиги мумкин. Ҳечам-да, у зиғирча қўрқмайди. У ўзининг боланикидай кичкина оғизчасига жанговар ифода беришга уринди, аммо уриниши зое кетди. У Мейконга, кексайиб қолган холаваччаси миссис Бэррникига кетади, қизлар ҳам у билан бирга кетиши лозим.

Мейконга кетаётганидан Скарлетт хурсанд эмасди. Гарчи у бомбаларнинг портлашидан қўрқса ҳам, барибир Мейконга, ўзи ёмон кўрадиган кекса миссис Бэррникига боришдан кўра Атлантада қолишни афзал кўрарди. Бир неча йил илгари Уилкслар хонадонидаги зиёфатларнинг бирида миссис Бэрр даъфатан ўғли Уилли билан Скарлеттнинг ўпи-

шаётганини кўриб қолган ва уни "енгилтак қиз" деб атаганди. "Йўқ, – деди Скарлетт Питти аммага, – мен уйимга – Тарага кетаман, Мелли эса, майли, сиз билан кетсин".

Бу гапни эшитиб Мелли қўрқиб кетди ва аччиқ-аччиқ йиғлади. Питти амма доктор Мидга чопди, Мелани эса Скарлеттнинг қўлига ёпишиб ёлворди:

– Азизам, кетма, мени ташлаб кетма. Сенсиз мен жуда ёлғизланиб қоламан! Оҳ, Скарлетт, агар кўзим ёриётганида сен ёнимда бўлмасанг, мен ўлиб қоламан! Ҳа, ҳа, Питти амма менга ғархўрлик қилишини биламан – унинг турган-битгани меҳр-шафқат. Аммо у ҳеч қачон фарзанд кўрмаган, баъзан шу қадар асабимга тегадики, чинқириб юборгим келади. Мени ташлаб кетма, азизам. Биз сен билан опа-сингилдекмиз, – дея у зўраки қувлик билан жилмайди, – сен Эшлига менга ғамхўрлик қилишга ваъда бергансан. У сендан буни илтимос қилишини айтганди.

Скарлетт унга ҳайрону лол бўлиб қараб қолди. У Меланига зўрға чидаса, ҳатто баъзан буни яширолмаса ҳам, нега Мелани унга бу қадар боғланиб қолган? Наҳотки Мелани у Эшлини севишини сезмайдиган даражада калтафаҳм бўлса? Ахир, интизорлик билан хабар кутган машаққатли ойлар мобайнида у ўз туйғусини минг маротаба ошкор қилиб қўйди-ку! Мелани эса ҳеч нарсани пайқамайди, умуман, ўзи яхши кўрган кишиларнинг ёмон томонини кўрмайди... Ҳа, у ростданам Эшлига Меланига ғамхўрлик қилишга ваъда берган. Эҳ, Эшли, Эшли! Балки у аллақачон ҳаётдан кўз юмгандир, бу ваъда эса ҳозир Скарлеттнинг қўлларини боғлаб турибди.

– Бўпти, – деди у қуруққина. – Тўғриси, мен унга сўз берганман ва сўзимнинг устидан чиқаман. Лекин мен Мейконга бормайман ва ўша қари ялмоғиз

миссис Бэрр билан яшамайман. Беш дақиқадан кейин мен барибир унинг кўзини юмдалаб ташлайман. Мен уйга, Тарага қайтаман, сени ҳам ўзим билан бирга олиб кетаман. Ойим сени кўриб, хурсанд бўлади.

– Оҳ, қандай яхши! Ойинг шундай меҳрибонки! Лекин Питти амма чақалоқ туғилаётганида менинг ёнимда бўлмаса ўлиб қолиши аниқ. У Тарага бормайди, биламан. Тара фронт чегарасига жудаям яқин, у тинчроқ жойда бўлишни истайди.

Питти амманинг ваҳимали пойма-пой гапларидан Меланида вақтидан олдин туғруқ бошланиб қолганга ўхшайди, деган хулосага келган доктор Мид нафаси бўғзига тиқилиб югуриб келди ва ғазаби қайнаб кетганини ҳеч кимдан яшириб ўтирмади. Хафагарчиликнинг сабабини билгач эса, дарҳол уларнинг тортишувига нуқта қўйди.

– Сизнинг Мейконга кетишингиз ҳақида гап бўлиши мумкин эмас, миссис Мелли. Борди-ю жойингиздан қўзғалсангиз, мен жавоб бермайман. Поездлар тўлиб кетган, жадвал бўйича юрмаяпти, башарти ярадорларни ташиш, қўшинларни кўчириш ёки бошқа ҳарбий эҳтиёжларга зарурат туғилиб қолса, ҳар дақиқа йўловчиларни ўрмонга тушириб кетишлари мумкин. Сизнинг аҳволингизда...

– Агар Скарлетт билан Тарага кетсам-чи?

– Қайтараман, мен сизга жойингиздан жилишга ижозат бермайман. Мейконгача қандай поезд борса, Тарагача ҳам худди шундай поезд боради, шароитлари ҳам бирдай, ҳозир янкилар қаердалиги ҳеч кимга маълум эмас, улар исталган ерда пайдо бўлиши, ҳатто поездни эгаллаб олиши мумкин. Сиз Жонсборогача эсон-омон етиб олган тақдирингизда ҳам, у ердан Тарагача нобоп қишлоқ йўлидан беш миля йўл босиш керак. Ҳомиладор аёлга бундай сафар ножоиз. Бунинг устига қария Фонтейн фронтга кетган, ҳозирча бу атрофда врач йўқ.

– Бироқ доя кампирлар бор-ку...

– Назаримда, мен врач йўқ, дедим, – кескин такрорлади доктор Меланининг нозик қоматига қаҳрланиб кўз ташлаб. – Мен сизга йўлга чиқишни ман қиламан. Бу хатарли. Вагонда ёки йўлда туғишни истамасангиз керак, ҳарқалай? А?

Врачнинг юз-хотир қилмай очиқ-ойдин гапиргани хонимларни қизаришга, ийманиб тилларини тишлашга мажбур қилди.

– Сиз бу ерда қолишингиз керак, боз устига тўшакда ётишингиз зарур. Мен эса сизни назорат қилиб тураман, зинадан ертўлага югуриб тушиш мумкин эмас. Ҳатто деразадан снаряд учиб киргандаям. Ахир, бу ер ҳозирча у қадар хавфли эмас. Биз тез орада янкиларни ҳайдаб юборамиз... Шундай экан, мисс Питти, Мейконга кетаверинг, бу ёш хонимлар шу ерда қолишади.

– Уйда ёши улуғроқ одам бўлмаса ҳамми? – даҳшатга тушиб хитоб қилди кекса хоним.

– Улар турмуш кўрган эрли аёллар, – деди энсаси қотиб доктор, – миссис Мид ҳам икки уй нарида яшайди. Миссис Мелли ҳомиладорлиги боис, улар ҳар ҳолда уйларида эркак кишиларни қабул қилишмайди. Ё меҳрибон Оллоҳ, мисс Питти! Ахир, ҳозир уруш кетяпти! Ҳозир одоб-ахлоққа риоя қилиш пайти эмас. Мисс Меллининг соғлиғи ҳақида қайғуришимиз лозим.

Бошмоқларини қаттиқ тақиллатганча у эшик томон юрди, лекин айвонда Скарлеттни кутиб, тўхтаб турди.

– Мен сиз билан очиқчасига гаплашаман, мисс Скарлетт, – деди у оппоқ соқолини силаб. – Сиз менга ақлли аёл бўлиб кўриняпсиз, шу боис мени иболи ноз-карашмаларингиздан халос этинг. Мен мисс Меланининг жўнаб кетиши ҳақида эшитишни ҳам истамайман. У йўл юришга чидай олишидан

шубҳадаман.Ҳаттоэнгқулайшароитдаҳам,билсангиз керак, унинг тос суяги тор бўлгани учун туғруқ осон кечмайди. Қисқич қўйиш эҳтимоли жудаям катта, шунинг учун қандайдир саводсиз доя кампирнинг бу ишга аралашишини истамайман. Унинг гавда тузилишидаги аёллар умуман туғмаслиги лозим, лекин... Қисқаси, мисс Питтининг нарсаларини тахлаб, уни Мейконга жўнатинг. У шу қадар қўрқиб кетганки, мисс Меллини бекорга безовта қилгани қолади, холос, Меллига бу зиён етказади. Ундан кейин эса, мана нима, азизам. – У жим қолди. Скарлетт унинг ўткир нигоҳи ўзига қадалганини ҳис қилди. – Сизнинг жўнаб кетишингиз ҳақида ҳам эшитишни истамайман. Чақалоқ дунёга келмагунича сиз мисс Мелли билан бирга қоласиз! Ахир, сиз қўрқмайсиз-ку, тўғрими?

– Албатта, йўқ, – дадил туриб ёлғон гапирди Скарлетт.

– Ана, балли! Имкони борича миссис Мид сизга ғамхўрлик қилади, мабодо мисс Питти хизматкорларни ўзи билан олиб кетса, сизникига кекса оқсочим Бетсини жўнатаман – у сизларга овқат пишириб туради. Кўп кутилмайди. Бола беш ҳафтадан сўнг туғилиши керак, аммо биринчи туғишда, боз устига бундай отишма чоғида ҳеч нарсани аниқ айтиб бўлмайди. Бугун-эрта ҳам бу нарса рўй бериши мумкин.

Питти амма эса йиғлай-йиғлай ўзи билан Питер амаки ҳамда ошпаз аёлни олиб Мейконга жўнаб кетди. Ватанпарварлик туйғулари жўш уриб от ва извошни госпиталь эҳтиёжлари учун эҳсон қилди ва бу ишидан шу заҳотиёқ пушаймон бўлди, шу сабабли кўз ёшлари яна дарё бўлиб оқди. Мелани ва Скарлетт эса узлуксиз отишмаларга қарамай ҳувиллаб қолган уйда Уэйд ва Присси билан ўзлари бир қолишди.

XIX боб

Қуршовнинг мана шу биринчи кунларида янкилар ҳали у ёқдан, ҳали бу ёқдан жанубликлар устига ташланаётган бир пайтда снарядларнинг портлаши Скарлеттни шу қадар даҳшатга солардики, у ҳар сафар қўли билан қулоқларини беркитар, чорасизликдан ғужанак бўлиб олар, ҳадемай парча-парча бўлиб кетишини, кули кўкка соврилишини кутарди. Узоқдан учиб келаётган снаряд ҳуштагини эшитиб Меланининг ётоғига учиб кирар, унинг ёнига, каравотга ўзини ташлар ва улар бир-бирини қучоқлаб: "Ой! Ой!" дея қичқиришар, бошларини ёстиққа буркаб олишарди. Присси эса Уэйд билан ертўлага тушиб олар, бурчакка тиқилиб, қоронғу зимистонда, ўргимчак тўрлари орасида букчайиб ўтирар ва овози борича ув тортар, Уэйд эса ҳиқиллаб йиғларди.

Иссиқ пар ёстиқлар остида нафаси қайтиб, боши устида ўлим чинқириғини эшитаётган Скарлетт у туфайли бехавотирроқ жойга, пастга туша олмаётгани учун Меланига ичида лаънатлар ўқирди. Аммо доктор Меланига ўрнидан туришни, Скарлеттга эса уни ёлғиз қолдиришни ман қилди. Снаряддан парча-парча бўлиб кетишдан қўрққани бир сари, Меланини ҳар дақиқада тўлғоқ тутиши мумкин, деган хавотир уни баттар қўрқитарди. Скарлетт бу ҳақда ўйлай бошлаши биланоқ елкаси тердан жиққа ҳўл бўларди. Агар Меланини тўлғоқ тутса у нима қилади? Снарядлар кўкдан апрель ёмғиридек ёғилиб турганда докторни чақириш учун юрак ютиб кўчага чиққандан кўра Меланининг ўлимига рози бўлиши афзалроқ эканини Скарлетт сезиб турарди. У яна Приссини ўлгудек калтаклаши, бироқ шунда ҳам у кўчага ҳатто бурниям чиқармаслигини биларди. Шундай экан, бордию Мелани-ни дард тутиб қолса, нима қилиши керак?

Бир куни кечқурун, Меланининг овқатини патнисга солаётиб, Скарлетт кўнглидаги хавотирларини Приссига айтди, негр қиз эса уни лол қолдириб, қўрқувининг тарқаб кетишига ёрдам берди.

– Хўш, нима бўпти, мисс Скарлетт, қўрқманг, докторсизам эплаймиз. Мен нега керакман бўлмаса? Мен бу ишларни биламан. Менинг ойим-чи, биласизми ким, у – доя. Мен ҳам, агар улғайсам доялик қиламан – нима, қилолмайманми? Менга ойим ўргатган. Шундай экан, менга ишонинг.

Тажрибали қўллар ёрдамга келишини билгач, Скарлетт енгил нафас олди. Аммо барибир у бу синов тезроқ орқада қолишини истарди. Снаряд ҳар портлаганида ақлдан озаётган Скарлетт жон-тани билан уйига, Тарадаги сокин гўшага қаттиқ интилар ва ҳар оқшом уйқуга ётаётиб, ўз ваъдасининг устидан чиқиши ва Атлантани тарк эта олиши учун эртаси куниёқ чақалоқнинг дунёга келишини худодан илтижо қилиб сўрарди. Тара унга шу қадар ишончли, даҳшатлар ва кулфатлардан беҳад узоқ бошпанадек туюларди.

Скарлетт ҳали ҳеч қачон ҳеч нарсани айни дамда ота-онаси паноҳида, ойиси ёнида бўлиб қолишни истаганидек бутун вужуди билан орзу қилмаганди. Қандай воқеа юз бермасин, Эшлининг ёнида бўлганида қўрқувни писанд қилмасди. Оҳ-воҳлар ва портлаётган снарядларнинг қулоқни қоматга келтирувчи гумбур-гумбури билан ўтган кундан кейин у, тонг отса, Меланига бундай яшашга ортиқ бир кун ҳам чидаёлмаслигини айтишга қатъий қарор қилиб, уйқуга ётарди. Аммо боши ёстиққа тегиши билан кўз ўнгида Эшлининг ранг-қути ўчган, бироқ лабларида енгил табассум билан, гўё қандайдир чидаб бўлмас дарддан азоб чекаётгандек бетоқат чеҳраси намоён бўларди – уни Скарлетт охирги учрашув пайтида худди шу ҳолатда кўрган

эди. “Сиз Меланига ғамхўрлик қилинг, умид қилсам бўладими? Сиз шундай кучлисизки, Скарлетт... Менга сўз беринг!“ У эса сўз берди. Эшли энди йўқ. Қаердадир бегона юрт тупроғида ётибди. Аммо ўша ёқдан ҳам уни кузатаётир, берган ваъдасини бузишига йўл қўймайди. У ҳаётми, йўқми барибир, нечоғлик қийин бўлмасин, Скарлетт унга садоқатли бўлиб қолади. Шундай қилиб, кун кетидан кун ўтиб борар, Скарлетт эса ҳамон Атлантада эди.

Эллиннинг уйга қайтишини ёлвориб сўраб ёзган хатларига жавобларида Скарлетт қамал ҳолатининг хавф-хатарларини камайтириб кўрсатишга уринар, Меланининг аҳволини тасвирлар ва чақалоқ дунёга келиши билан уйга қайтишга ваъда бериб хатини якунларди. Қариндошлик ришталарига – қондошми ёки ўгайми – доим эътиборли бўлган Эллин ўз ихтиёрига қарши унинг далилларига қўшилди, бироқ Присси билан Уэйдни дарҳол уйга жўнатишини қаттиқ талаб қилди. Бу талабни ҳар қандай кутилмаган товушдан тишлари такиллаб, ақлдан озгудай аҳволдаги Присси қизғин маъқуллади. Деярли кун бўйи у ертўлада ғужанак бўлиб ўтирар, агар Бетси кампир бўлмаса бизнинг хонимлар очликдан шиша бошларди.

Скарлетт Уэйдни уйга жўнатса, Эллиндан кўра кўпроқ қувонарди, аммо Уэйднинг хавфсизлиги эмас, балки боланинг беадоқ қўрқувда яшаётгани унинг асабига тегарди. Снарядларнинг портлашидан Уэйднинг нафаси ичига тушиб жим қотар, ҳатто сокин, тинч дақиқаларда ҳам у нуқул Скарлеттнинг этагига ёпишар, қаттиқ қўрққанидан ҳатто йиғламасди ҳам. Оқшом тўшакка ётишга қоронғуликдан қўрқар, кечаси янкилар ўғирлаб кетмаслиги учун ухлаб қолишдан чўчирди, боланинг уйқусираб ўкиниб ҳиқиллаши эса Скарлеттни ақлдан оздирарди. Унинг ўзи ҳам ундан кам қўрқмас, қути учган

юзи буни унга мудом эслатиб туриши жаҳлини чиқарарди. Ҳа, шубҳасиз, Уэйднинг жойи Тарада! Уни Присси билан бирга жўнатиш керак, кейин эса Присси муддати етган ҳамон Меланининг ёнида бўлиш учун дарҳол ортга қайтиши лозим.

Аммо Скарлетт бу икки сайёҳни йўлга ҳозирлаб улгурмасидан янкилар жанубга бурилишгани ва энди Атланта ва Жонсборо темир йўли бўйлаб жанг кетаётгани ҳақида хабар тарқалди. Агар янкилар Уэйд ва Присси ўтирган поездни эгаллаб олишса нима бўлади? Биргина шу фикрнинг ўзиданоқ Скарлетт билан Меланининг юзлари оқариб кетди – ахир, янкиларнинг ҳимоясиз болаларга, ҳатто аёлларга қўллаган ёвузликларидан ҳам баттарроқ ваҳшийликлар содир этишаётгани ҳаммага маълум эди-да. Шу боис Скарлетт болани уйга жўнатишдан қўрқди. У – миттигина, қаттиқ қўрққан, арвоҳдек тилсиз бола – Атлантада қолди ва бир лаҳзага бўлсин унинг этагини қўлидан чиқариб юборишдан қўрқиб, уй ичида унинг ортидан қолмай юрди.

Қамалдаги шаҳар кун оша июлнинг оташида эриб борар, дим кечаларда тўпларнинг гумбурлаши ваҳимали жимжитлик билан алмашинарди, Атлантадаги ҳаёт эса секин-аста изига тушаётганди. Энг қўрқинчли воқеа содир бўлгач, энди қўрқиб ўтиришнинг ҳожати қолмагандек туюларди. Одамлар ваҳимага тушиб қамални кутганди, мана энди шаҳар қамал қилинди, ҳаёт эса ўз йўсинида давом этмоқда эди. Деярли илгаригидек давом этарди. Ҳамма вулқон устида яшаётганини тушунар, бироқ ҳозирча вулқон отилгани йўқ, улар эса моҳият эътибори билан бирор чорасини топишолмасди. Демак, бекорга хавотирланишнинг нима кераги бор? Балки вулқон ҳали-бери отилмас. Мана, генерал Худ янкиларни ушлаб турибди, уларни шаҳар яқинигаям йўлатгани йўқ. Кавалерия эса уларни Мейконга

борадиган йўлга яқинлаштирмаяпти! Шерман шаҳарга ҳеч қачон эгалик қилолмайди!

Аммо портлаётган снарядлар остидаги ёлғондакам бепарволикка, ярим оч-ярим яланғоч тирикчиликка ва шаҳардан атиги ярим миля наридаги янкиларга нисбатан сохта лоқайдликка, окоплардаги титилиб кетган кулранг мундирлиларга чексиз ишончга қарамай, Атланта аҳолиси қалбида ғайриихтиёрий равишда эртанги кунга ишончсизлик туйғуси учқунланарди. Очлик, қайғу-алам, қўрқув каби жабру жафоларнинг залворли юки остида бир уйғониб, бир сўниб турган умиднинг азобли тўлқинлари ўртасидаги бу хавотир асабни эговларди.

Скарлетт эса қадрдонларининг ўта жиддий юзларига разм солиб юраркан, аста-секин улғая борди, ўзини ўзи асрашга интилишдек халоскор инстинкт унга шароитларга мослашишга қувват берди: зеро, бир мақолда айтилганидек, тақдирдан қочиб қутулиб бўлмайди.

Албатта, у ҳозир ҳар бир залпда титраб кетарди, бироқ энди бошини ёстиққа буркаш учун Меланининг каравотига ўзини отмас, безовталигини яшириб, титраган овозда дерди:

– Бу қаердадир шу атрофда, шекилли?

Қўрқуви яна шу сабабдан сусайдики, унга ҳамма нарса қандайдир хаёлий, нореал дунёда, рўёбга чиқмайдиган ўта қўрқинчли тушда содир бўлаётгандек кўрина бошлаганди. Буларнинг бари унинг, Скарлетт О'Харанинг бошидан ўтгани, ҳар дақиқа, ҳар соатда унга чиндан ажал чанг солиши ақл бовар қилмас ҳодисадек туюларди. Тинч, осойишта кечаётган ҳаёт жуда қисқа фурсатда шу қадар ўзгариб кетиши ҳалиям унинг ақлига сиғмасди.

Субҳидам чоғидаги ложувард осмон мусаффоли-ги тўплардан отилган ўқларнинг шаҳар устида қопқора булутдек осилиб турган қора тутуни билан

булғаниши, учқатнинг ва гажакли атиргулларнинг ўткир ҳиди тутиб кетган нурафшон чошгоҳ палласи ҳаётингга хавф туғдириши мумкинлиги, кўчаларда ўлим келтирувчи, одамлар ва ҳар қандай тирик жонни тилка-пора қилиб ташловчи снарядларнинг гумбурлашидан қулоқларнинг қоматга келиши имконсиз – мудҳиш ва иложсиз – бўлиб туюларди.

Тушдан кейинги осойишталикнинг тинч, уйқу элитадиган соатлари тугаганди, гарчи вақт-вақти билан тўпларнинг гумбур-гумбури бир оз тинсада, Шафтолизор кўчасидан бутун кун мобайнида шовқин аримасди: қаёққадир судраб кетилаётган замбараклар гумбурлар, санитар аравалар ўтар, окоплардан чиққан оқсоқ ярадорлар судралиб боришар, ҳарбий қисмлар шаҳарнинг бир чеккасидан иккинчи чеккасига истеҳкомларни мудофаа қилиш учун шитоб билан ўтар, гўё Конфедерациянинг тақдири уларнинг чаққон ҳаракатига боғликдек, хабарчилар жон ҳолатда штаб томонга от сурарди.

Иссиқ кечаларда вақтинчалик жимлик чўкар, аммо бу жимлик қўрқинчли эди – бу ҳаддан ташқари чуқур, ҳаддан ташқари тўлғин сукунат эдики, гўё дарахтда яшайдиган бақа ҳам, ингичка қанотли чигирткалар ҳам, мазахчи ўрмон қушчалари ҳам шу қадар чўчиб қолгандики, сайраб ёз ойларининг одатдаги тунги ашуласига жўр бўлолмасди. Фақат вақт-вақти билан қаердадир мудофаанинг охирги чизиғида яккам-дуккам ўқ овози жимликни бузиб турарди.

Бир неча марта Мелани ухлаётган, уйдаги чироқлар ўчирилган ва шаҳар узра оғир сукунат чўккан пайтларда уйқусиз ётган Скарлетт дарча лўкидонининг ғичирлаганини, ортидан кириш эшигининг аста, узлуксиз тақиллаётганини эшитарди.

Ҳарбий либосдаги аллақандай қиёфасиз кишилар зинадан кўтарилар ва бегона, ҳар хил овозлар

қоронғу жойда туриб уни чақиришарди. Баъзан олдинга чиққан кўланка назокат билан мулойим гапирарди:

– Хоним, сизни ташвишга қўйишга журъат этганимдан қаттиқ афсусдаман, лекин сув ичишга ва отимни суғоришга ижозат берасизми?

Баъзан узуқ-юлуқ, тоғликларга хос нутқ, баъзида узоқ жанубий Уайтграссда яшайдиган водий аҳолисининг ноодатий, бир оз манқа лаҳжаси, баъзан эса бегона овознинг оҳангдор, чўзиқ товушлари соҳилбўйи шаҳарлари ва Эллинни ёдига солиб, Скарлеттнинг юрагини эзарди.

– Ойимқиз, бу ерда менинг ошнам бор, уни госпиталгача олиб бормоқчи эдим, лекин узоқми деб қўрқаман, ишқилиб у эртароқ ўлиб қолмасайди. Балки уни олиб қоларсиз.

– Хоним, итдай очман. Менга бир бурда жўхори нон беролмайсизми, худо ҳақи, наҳотки сизни ночор аҳволга солиб қўйсам.

– Бостириб кирганим учун афу этинг, хоним, аммо балки тунни айвонингизда ўтказишга ижозат берарсиз... Мен атиргулларни кўрдим, учқатнинг ҳиди келяпти, бу эса шу қадар уйимни эслатдики, мен журъат қилиб...

Йўқ, бу тунги шарпалар бориб турган рўё. У даҳшатли туш кўрди, ва бу одамлар – на юзи, на андоми бор одамлар, одам-товушлар, тим қоронғулик қаъридан келаётган ҳорғин товушлар – алоқ-чалоқ тушларнинг бир бўлаги. Уларни сувга тўйдир, ейишга бирор нарса улаш, айвонга тўшак солиб бер, яраларини боғла, жони узилаётган кишининг лойга беланган бошини тутиб тур. Йўқ, бу воқеалар ўнгида юз бериши мумкин эмас!

Бир куни, июль ойининг охирида, тунда эшик қоққан шарпа Генри Гамильтон амаки экан. Генри амаки – фақат соябони йўқ, юмшоқ жомадонсиз ва

қоринсиз. Унинг салқиган қизил юзлари бульдог итнинг бақбақасидек осилиб турар, узун оқ сочлари эса тасвирлаб бўлмас даражада кир эди. Устида битлар ўрмалаб юрар, у деярли ялангоёқ, оч, лекин бурунгидек руҳи тетик эди.

– Менга ўхшаган қари аҳмоқлар эски тўплардан отишмоқда – аҳмоқона уруш, – деди у, лекин Скарлетт ҳам, Мелани ҳам бу урушдан у ўзича қониқиш ҳосил қилаётганини сезиб туришарди. Ёшлар каби унга ҳам эҳтиёж сезишди ва у ҳам ёшлар нима қилса, ўшани қилди. Ҳа, ҳеч нарсада ёшлардан ортда қолгани йўқ – менинг олдимда Мерриуэзер бобога йўл бўлсин, дея хурсанд бўлиб гапирди у. Бобони ишиас жуда қийнаб юборди, ҳатто капитан уни уйига жўнатиб юбормоқчи ҳам бўлди. Аммо бобо қатъиян бош тортди. У тўғридан-тўғри келининг сохта ғамхўрликларию тамаки чайнашни бас қилиши ҳамда соқолини ҳар куни совунлаб ювишини сўраб қилган жонга тегувчи илтимосларидан кўра капитаннинг қарғиш ва сўкишларига чидаш осонроқ, деб айтди.

Генри амаки уларникида кўп турмади, чунки бор-йўғи тўрт соатга рухсатнома берилганди – бу вақтнинг ярмини у окопдан шаҳаргача йўл босиб ўтказди ва шу вақт ичида у яна орқага қайтиб кетиши зарур эди.

– Азизларим, энди мен сизлар билан яқин орада кўришмайман, – деди у Меланининг ётоғида ўтириб ва ҳузур қилиб толиққан товонлари билан олдига Скарлетт қўйиб берган тосдаги совуқ сувни чайқатиб. – Бугун бизнинг ротамизни окоплардан чиқаришади.

– Қаёққа? – қўрқувга тушиб сўради Мелани унинг қўлидан маҳкам тутиб.

– Нега менга ёпишиб олдинг? – ғазаби қўзиб тўнғиллади Генри амаки. – Устимда битлар юриб-

ди. Агар битлар ва дизентерия бўлмаганида, уруш ажойиб сайлга айланган бўларди. Бизни қаёққа жўнатишади, дейсанми? Биласанми, менга бу ҳақда ахборот беришмаган, лекин тахмин қилоламан. Модомики, мен ҳали баъзи нарсаларни тушунарканман, унда бугун эрталаб биз жанубга, Жонсборо томонга ҳаракатланамиз.

– Худойим-ей, нега энди Жонсборога?

– Чунки у ерда катта жанг бўлади, мисс. Янкилар бор кучлари билан темир йўлни эгаллашга уринади. Мабодо улар темир йўлни эгаллаб олишса, хайр Атланта!

– Ой, Генри амаки, наҳотки сиз шундай бўлади, деб ҳисобласангиз?

– Бўлмаган гап, азизларим! Ҳеч қачон! У ерда мен бор эканман, қанақасига бундай бўлиши мумкин. – Уларнинг қўрқиб кетган юзларига қараб Генри амаки кулди, кейин жиддий тортди. – Бу қаттиқ жанг бўлади, қизлар, биз эса ютиб чиқишимиз керак. Янкилар Мейкон темир йўлидан бошқа ҳамма темир йўлларни босиб олишгани маълум бўлса керак, албатта? Лекин бу ҳали ҳаммаси эмас. Улар трактлар, қишлоқ йўллари ва ҳатто баланд тоғ сўқмоқларини ҳам – Мак-Дона йўлини истисно қилганда – ҳамма йўлларни қўлга олишганини билмасангиз керак. Атланта – қуршовда, бу халтанинг иплари Жонсборо олдида тортилади. Агар янкилар бу йўлни эгалласа, улар ипларни тортиб, бизни каламушдай халтага тиқишади. Шунинг учун биз бу йўлни бой бермоқчи эмасмиз... Қисқаси, биз, эҳтимол, яқин орада учрашмасак керак, болажонларим. Шу боис мен сизлар билан хайрлашиш ва Скарлетт сени ташлаб кетмаганига ишонч ҳосил қилиш учун келдим, Мелли.

– Ҳа, албатта, у шу ерда, мен билан, – меҳри товланиб гапирди Мелани. – Биздан ташвишланманг, Генри амаки, ўзингизни эҳтиёт қилинг.

Генри амаки оёқларини қуроқ гиламчага артди ва адо бўлган бошмоқларини инқиллаб аранг кийиб олди.

– Вақт бўлди, – деди у. – Ҳали яна беш миля юриш керак. Скарлетт, менга бирор егулик ўраб бер. Топиладими?

У Меланини ўпиб хайрлашди ва ошхонага тушди, бу ерда Скарлетт сочиқчага бир нечта олма ва жўхори нон тугаётганди.

– Генри амаки, ишлар чинданам шунча... шунчалик ёмонми?

– Шунчалик ёмонми? Жин урсин, ҳа! Миянгни ишлат. Армия сўнгги нафасини олмоқда.

– Улар Тарагача етиб боради, деб ўйлайсизми?

– Хўш, биласанми нима... – гап бошлади Генри амаки, қиморга қандайдир муҳимроқ нарса тикилганида, фақат ўз шахсий манфаатлари ҳақида ўйлай оладиган аёл ақлининг бу хусусиятидан энсаси қотиб. Аммо Скарлеттнинг ғамгин, қўрқиб кетган юзига қараб, чол юмшади. – Албатта, йўқ. Тара темир йўлдан беш миля узоқда, янкиларга эса фақат йўл керак. Сен, жонгинам, бу ишларнинг маъносини мана бу курсидан ортиқ тушунмайсан. – У жим қолди. – Мен кечаси сизларга шунчаки "хайр" деб айтгани йўл босиб келмадим. Мен Меланига оғир хабар олиб келдим, лекин унга қараб туриб бир нима дейишга журъат қилолмадим. Шундай экан, буни сен зиммангга олишингга тўғри келади!

– Наҳотки Эшли? Сиз бирор нимани билдингизми? У... у... ўлдими?

– Ундаймас. Белимгача лойга ботиб окопларда ўтирган бўлсам, қандай қилиб Эшли ҳақида билишим мумкин? – ғижиниб жавоб берди кекса жентльмен. – Йўқ. Бу – унинг отаси. Жон Уилкс энди орамизда йўқ.

Скарлетт стулга ўтириб қолди, қўлидаги егулик солинган тугунча тиззасига тушди.

– Мен Меланига шуни айтгани келгандим, аммо айтолмадим. Буни сен айтишингга тўғри келади. Мана буни ол, унга бериб қўй.

Генри амаки чўнтагидан марҳума миссис Уилкснинг кафтдек суратини, бир жуфт тилла тугма, занжирида жевакчалари жингиллаётган оғир тилла соат чиқарди. Кекса Жон Уилкснинг қўлида ўзи неча маротаба кўрган соатни таниб, Скарлетт ниҳоят Эшлининг отаси ҳаётдан кўз юмганини англаб етди. Бу уни лол қилиб қўйди, у бир сўз айтишга мажоли йўқ, қимирламай ўтирарди. Генри амаки йўталиб қўйди ва унга қарашга журъати етмай, кўз ёшларини кўришдан ва бутунлай таъби хира бўлишидан чўчиб, ўтирган жойида типирчилай бошлади.

– У жасур, довюрак инсон эди, Скарлетт. Буни Меллига бериб қўй. Мелли унинг қизларига хат ёзсин, айтиб қўй. У снаряд тегиб ўлди. Снаряд тўғри унга ва отига келиб тегди. От шўрликни ўзим отдим. Ажойиб байтал эди. Балки миссис Тарлтонга ҳам унинг оти ҳақида ёзарсан. У бу байтални жонидан ортиқ яхши кўрарди. Қани бўл, егулигимни ўраб бер, қизалоқ. Орқага қайтадиган вақт бўлди. Бўлди, бас, буни юрагингга оғир олма. Кекса одам ёш йигитлар билан елкама-елка туриб жон беришдан ортиқ ўзига яна қандай шарафли ўлимни тилаши мумкин?

– Йўқ, у ўлмаслиги керак эди! Урушга умуман бормаслиги керак эди! У яшаши, неварасини вояга етказиши, ўзининг тўшагида тинчгина ўлиши керак эди! Худойим, нима учун у фронтга кетди! У Жануб ажралиб чиқиши керак, деб ҳисобламасди, урушни ҳам ёмон кўрарди. Ва....

– Кўпчилигимиз худди шундай фикрлаймиз, аммо бундан нима наф? – Генри амаки жаҳл билан бурнини қоқди. – Менга менинг ёшимда пешонамни ўққа тутишим катта ҳузур бағишлайди, деб ўйлайсанми? Аммо бизнинг аҳволимизда жентльменнинг

танлаш имкони йўқ. Хайрлашиш олдидан мени ўпиб қўй, болажоним, мен ҳақимда эса ташвиш тортманглар. Бу урушдан мен соғ-омон қайтаман.

Скарлетт чолни ўпиб қўйди ва унинг қоронғу зинадан пастга гурс-гурс қадам ташлаб тушаётганини ҳамда дарча лўкидонининг шиқирлаганини эшитди. Бир дақиқача у Жон Уилкс ҳақида хотира бўлиб қолган буюмларга қараб қимир этмай туриб қолди. Кейин юқорига, Меланининг ёнига чиқди.

Июлнинг охирида шум хабар келди – Генри амакининг башоратлари тўғри чиқди, янкилар Жонсборо томонга бурилди. Улар темир йўлни шаҳардан тўрт миля нарида кесиб қўйишди, аммо конфедератлар кавалерияси уларни улоқтириб ташлади, муҳандислик қўшинлари эса жазирама қуёш остида йўлни тиклади.

Хавотирга тушган Скарлетт ақлдан озгудай эди. Уч кун машаққатли кутиш, юракни кемирадиган қўрқув ичида ўтди. Шундан сўнг Жералддан кўнгилга далда берадиган хат келди. Душман қўшинлари Тарага етиб бормабди. Жанг сурони эши-тилиб турибди, аммо улар бирортаям янкини кўрмабди.

Жералд конфедератлар темир йўлни янкилардан озод қилишганини шу қадар мақтанчоқлик билан, баҳузур тасвирлагандики, гўё шахсан ўзи ўз кучи билан бу ғалабани қўлга киритгандек. Уч варақда у конфедератларнинг мард ва жасур қўшинларига ҳамду санолар битган ва фақат хатнинг охирида Кэрриннинг хаста эканини бир оғиз қистириб ўтганди. Миссис О'Харанинг фикрича, у ичтерлама билан оғриган. Касаллик оғир эмас, Скарлеттнинг ташвиш тортишга ҳеч қандай асоси йўқ, фақат у ҳеч қандай сабаб билан, ҳатто бориши бехатар бўлса-да, уйга қайтмаслиги зарур. Миссис О'Хара ҳозир Атланта қамали бошланган бир пайтда Скарлетт Уэйд билан уйга қайтмаганидан

хурсанд. Миссис О'Хара Скарлеттдан черковга бориб, Керриннинг тезроқ соғайиб кетишини сўраб илтижо қилишини сўраяпти.

Бу сатрларни ўқир экан, Скарлетт виждони қийналаётганини ҳис қилди: ахир, у неча ойдан буён ибодатхонани зиёрат қилмаганди-да. Илгарилари у буни кечирилмас гуноҳ деб ҳисоблаган бўларди, аммо ҳозир бундай совуққонлик унга негадир кечирилмас гуноҳ бўлиб туюлмай қолди. Аммо хат таъсирида у шу заҳоти хонасига чиқди ва шоша-пиша "Ё Парвардигори олам"ни ўқиди, лекин, ўрнидан тургач, бу даъфа кўнгли, одатда, тоат-ибодатдан сўнг пайдо бўладиган таскин-тасаллини топмади. Сўнгги пайтларда унда: ҳар соат ибодат қилишимизга қарамай, Тангрим на менга, на конфедератларга, на Жанубга ғамхўрлик қилмаяпти, деган фикр пайдо бўлганди.

Ўша оқшом Скарлетт айвонда ўтирар, Жералднинг корсажига солиб қўйилган хатини вақт-вақти билан ушлаб қўяр, бу билан Тара ва Эллинни ўзига яқинлаштиргандек бўларди. Меҳмонхонадаги чироқ қоронғу, ёввойи узум билан ўралган айвонга хира тилларанг шуъла сочиб турар, чирмашиб кетган атиргул ва учқатларнинг хушбўй ҳиди Скарлеттни мисоли девордек ўраб олганди. Гўё тунги сукунат сўнгсиздай туюларди. Кун ботгач, бир мартаям ўқ овози эшитилмади, ҳатто милтиқ товуши ҳам, гўё олам қаергадир узоқ-узоққа силжигандек эди. Тебранма курсида тебраниб ўтираркан, Скарлетт Тарадан олинган хабарларни бир-бир хаёлидан ўтказар ва ўзини бахтсиз, беҳад ёлғиз ҳис қиларди: агар ҳозир бирор тирик жон, майли ҳатто у миссис Мерриуэзер бўлсин, пайдо бўлиб қолса, у бундан жуда қувонган бўларди. Бироқ миссис Мерриуэзер бу оқшом госпиталда навбатчи, миссис Мид эса жанг майдонидан таътилга келган Фил учун зиёфат

тайёрлаётганди. Мелани ухларди. Бирор ўткинчи кириб ўтишига ҳам умид йўқ. Мана, ҳафтадирки уларнинг уйига ҳеч ким йўқлаб кирмади, зеро, оёғида тура оладиган ҳар бир эркак ё окопларда ўтирар, ёинки Жонсборо яқинида янкилар билан жанг қиларди.

Скарлетт бундай ёлғизликка одатланмаган, бу уни эзарди. Ёлғиз қолганида у беихтиёр ўй-хаёлларга берилар, айни кунлардаги ўйлари эса ҳаддан ташқари изтиробли эди. Ҳамма одамларда бўлгани каби унда ҳам ўтмишни ва оламдан ўтганларни эслашга эҳтиёж пайдо бўлди.

Шу оқшом, сукунат ичида Скарлетт кўзини юмди дегунча хаёли беихтиёр Тарага кўчар ва у яна ўша ерда, осуда қишлоқда юргандай, ҳаёт ҳалиям аввалгидек, ўзгаришсиз давом этаётгандай туюларди. Айни пайтда нимадир унга Тарада ҳам илгариги ҳаёт ҳеч қачон қайтиб келмайди, дерди. У тўрт ака-ука Тарлтонларни – сариқсоч эгизакларни ҳам, Том билан Бойдни ҳам – эслади, кўксини аччиқ алам куйдириб ўтди. Ахир, эгизакларнинг бирортаси, Стю ёки Брент, унинг эри бўлиши мумкин эди-да. Аммо энди, уруш тугаб, у уйига қайтар бўлса, кедр хиёбонига бурилган жойдан уларнинг "Эҳе-ҳей!" деган чақириқлари унгача етиб келмайди. Шу қадар беназир рақс тушадиган Рейфорд Калверт ҳам энди уни рақсга таклиф қилмайди. Ака-ука Манролар ҳам, кичкина Жо Фонтейн ҳам, ва...

– Оҳ, Эшли! – пиқиллади у бошини қўлларига қўйиб. – Энди сиз йўқсиз, деган фикрга ҳеч қачон, ҳеч қачон кўниколмайман!

Дарча ғичирлади, Скарлетт бошини орқага ташлаб, шошиб қўли билан кўз ёшларини артди. У тебранма курсидан турди ва қўлида кенг соябонли шляпаси билан Ретт Батлернинг уйга олиб келадиган сўқмоқдан юриб келаётганини кўрди. Скарлетт

уни Беш Бурчакларда унинг кабриолетидан тушиб қолганидан бери кўрмаганди. Ўшанда Скарлетт уни бошқа кўришни истамаслигини айтганди. Аммо ҳозир Эшли ҳақидаги ўй-хаёлларидан чалғиш учун ким билан бўлса-да, гаплашиб ўтиришни жуда истар ва бу хотираларни миясидан чиқариб ташлашга уринарди. Ретт ҳам, чамаси, ораларидан гап қочганини унутган, ҳеч қурса, ўзини унутгандек қилиб кўрсатаётганди ва гўё ҳеч нарса бўлмагандек, зинанинг юқори поғонасида унинг оёғи остига тиз чўкди.

– Демак, сиз Мейконга қочиб кетмабсиз-да. Мисс Питти кетганини эшитдим, ва табиийки, сиз ҳам у билан бирга кетгансиз, деб ўйловдим! Ҳозир эса чироқни кўриб, хабар олгани кирдим. Нега кетмадингиз?

– Мелани важидан. У... Ахир, тушунасиз-ку... у ҳозир ҳеч қаёққа кетолмайди.

– Нима бало! Ҳали миссис Уилкс ҳам шу ерда демоқчимисиз? – хитоб қилди у ва чироқнинг хира шуъласида Скарлетт унинг қовоғи тушиб кетганини кўрди. – Бу қандай бемаънилик. Унинг аҳволида бу жуда хавфли.

Скарлетт саросимага тушиб жим турарди: Мелани-нинг аҳволини эркак киши билан муҳокама қилолмасди-да. Реттнинг бундай ишларда гўё бирор нарсани тушунадигандек гапираётгани ҳам уни хижолатга соларди. Бу гап уйланмаган кишига умуман ярашмасди.

– Мен ҳақимда ҳатто ўйламаганингиз сиз томондан илтифотсизлик эмасми – бу нарса мен учун ҳам хавфли бўлиши мумкин-ку, – деди у ниҳоят ачитиб.

Ретт қувлик билан кўзларини қисиб қўйди.

– Бе, ҳар қандай ҳолатда ҳам сиз учун янкиларга қарши пул тикаман.

– Билмадим, буни хушомад деб қабул қилайми ёки бошқа нарсами?

– Асло, – деди у. – Ахир, сиз қачон арзимаган сабаб учун ҳам эркаклардан хушомад кутишни бас қиласиз?

– Ўлим тўшагида, – деди у ва, ҳатто Ретт ҳеч қачон бундай қилмаса ҳам, унга хушомад ёғдирувчи эркаклар доим топилишини ўйлаб, жилмайди.

– Эҳ, бу аёлларга хос кибру ҳаво! – уф тортди Ретт. – Аммо тўғрисўзлигингизни қадрлайман.

У портсигарини чиқариб, қора сигара олди ва бурнига текизиб ҳидлади. Гугурт чирсиллади. Ретт панжарага суянганча тиззаларини қучоқлаб, бир муддат индамай чекди. Скарлетт яна тебранма курсида аста тебрана бошлади, тун эса уларни ўз зулмати ва сукунати билан ўраб олганди. Учқат ва чирмовуқ атиргуллар ичида пинакка кетган мазахчи қуш уйғониб, битта ҳадикли хуш оҳанг таратди ва гўё ниятидан қайтгандек яна жим бўлди.

Қоронғуликда Реттнинг бехосдан секин кулгани эшитилди.

– Демак, сиз миссис Уилксни деб бу ерда қолибсиз-да! Бундан ортиқ ғайритабиий ҳолатни тасаввур қилиш қийин.

– Бунда ҳеч қандай ғайритабиийликни кўрмаяпман, – эътироз билдирди Скарлетт дарҳол зардаси қайнаб.

– Кўрмаяпсиз? Демак, сиз ҳодисаларга четдан туриб қарай олмайсиз. Менда аллақачон сиз миссис Уилксга зўрға чидайсиз, деган таассурот пайдо бўлган. Сиз уни бефаҳм ва ёқимсиз, деб ҳисоблайсиз, унинг ватанпарварлик туйғуси эса сизни зериктиради. Сиз иложи борича уни камситувчи бирор сўз айтишдан ўзингизни тиёлмайсиз ва табиийки, қандай қилиб сиз шундай холисона иш қилишга журъат этганингиз ва у билан қуршовдаги шаҳарда қолганингиз менга

жумбоқ бўлиб туюляпти. Қани, тан олинг-чи, нима учун бундай қилдингиз?

– Чунки у Чарлининг синглиси, ва, демак, менинг ҳам синглим-да, – деди Скарлетт, ўзига туюлганидек, ўз қадрини билиб ва ёноқлари қизарганини ҳис қилиб.

– У Эшлининг беваси демоқчимисиз?

Скарлетт тошиб келаётган ғазабини босишга уриниб, ўрнидан сакраб турди.

– Ўтган гал йўл қўйган тарбиясизлигингизни кечиришга тайёр эдим, бироқ энди кечирмайман. Агар айни дақиқада ўзимни шу қадар бахтсиз ҳис қилмаганимда сизга бу остонани ҳатлаб ўтишга йўл қўймаган бўлардим...

– Ўтиринг, тинчланинг ва ҳурпайманг, – деди Ретт бутунлай ўзгача оҳангда ва унинг қўлидан тортиб курсига ўтиришга мажбур қилди. – Хўш, нега бахтсизсиз?

– Бугун уйдан хат олдим. Янкилар ўша томонда, жудаям яқин, кичик синглим ич терламага дучор бўлибди ва... ва... Қисқаси, мен энди уйга кетишни истасам ҳам, касаллик менга ҳам юқишидан қўрқиб, ойим қайтишга рухсат бермайди. Ё худойим, жудаям уйга кетгим келяпти!

– Бас, бунинг учун йиғлаш керакмас, – деди Ретт ва унинг овози майин тортди. – Бу ерда, Атлантада, ҳатто янкилар шаҳарни олган тақдирда ҳам, сиз учун уйдагидан кўра хавфсизроқ. Хўш, сиз учун янкилар нима бўпти, ич терлама эса сизни аямаслиги мумкин.

– Қанақасига – мен учун янкилар нима бўпти? Ахир, қандай қилиб бундай бемаъни гапни гапиришга журъат қиляпсиз?

– Қимматли гўдаккинам, янкилар дўзахдан чиққан бало-қазо эмас. Улар сиз тасаввур қилгандай эмас, уларнинг шохи ҳам, туёғи ҳам йўқ. Умуман олганда, улар жанубликлардан, агар, албатта, ёмон

қилиқлари ҳамда қўпол талаффузларини айтмаса, фарқ қилишмайди.

– Лекин, ахир, янкилар мени...

– Зўрламайдими? Шарт эмас. Гарчи уларда шундай истак туғилиши мумкин бўлса ҳам.

– Агар сиз бемаъни гапларни гапирадиган бўлсангиз, мен уйга кириб кетаман! – хитоб қилди Скарлетт ёниб турган ёноқларини зулмат яшираётгани учун фалакдан миннатдор бўлиб.

– Ростини айтинг: сиз шуни назарда тутмаганмидингиз?

– Албатта, йўқ!

– Албатта, шуни! Ўй-хаёлларингиздан нималар кечаётганини билиб олганим учун мендан бекорга жаҳлингиз чиқмасин. Бизнинг барча покдомон, назокатли жанублик хонимларимиз худди шундай ўйлашади-ку, ахир. Гаров бойлайман, ҳатто миссис Мерриуэзер каби ҳурматга сазовор бева аёлларимиз ҳам...

Скарлетт бу оғир синов кунлари кайвони хонимлар ҳар гал йиғилишганида шивирлашиб, бундай воқеа-ҳодисалар ҳақида бир-бирларига хабар беришгани ва ҳар доим бундай воқеа ё Виргинияда ёки Теннессида ёхуд Луизианада, қисқаси, ўзлари туғилиб ўсган жойларидан узоқда содир бўлиши ҳақида эслаб, ҳайратга тушди. У ёқларда янкилар аёлларни зўрлар, ёш гўдакларга найза санчар ва уйларни эгаларига қўшиб ёқиб юборишарди. Гарчи чорраҳаларда бу ҳақда аюҳаннос солишмасада, шундай кўргуликлар рўй бераётганини ҳамма биларди. Агар Реттда заррача маданият бўлса, у ҳам бунинг ҳақиқат эканини билмаслиги мумкин эмас ва бу ҳақда гап очмаслиги керак. Боз устига – бу ҳазилҳузулга мавзу ҳам эмас.

Скарлетт Реттнинг секин кулаётганини эшитди. Ора-сира у ўзини ҳаддан ташқари қўпол

тутарди. Сирасини айтганда, деярли ҳар доим. Эркак кишининг аёллар нимани ўйлаётгани ва ўзаро нима ҳақда гапираётганини билиб олиши ўта жирканч иш. Ретт унинг ўй-хаёлларини ўқий олиши Скарлеттнинг жаҳлини чиқарарди. Скарлетт эркаклар учун жумбоқ бўлишни истарди, бироқ Ретт, гўё у шишадан ясалгандек, ич-ичигача уни кўриб турарди.

– Модомики шу ҳақда гапираётган эканмиз, – давом этди Ретт, – бу уйда сизга ғамхўрлик ва ёрдам қиладиган бирор кимса борми? Муҳтарама миссис Мерриуэзерми ёки миссис Мидми? Улар доим менга, гўё мен бу ерга ёмон ниятлар билан келаётганимга ишончлари комилдек, қарашади.

– Одатда миссис Мид биздан кечқурунлари келиб хабар олади, – деди Скарлетт суҳбат бошқа ўзанга кўчганидан қувониб. – Аммо бугун кўринмади. Ўғли таътилга келибди.

– Уйда бир ўзингизни учратиш, – паст овозда деди Ретт, – чинакам омад.

Унинг овозидаги нимадир Скарлеттнинг юрагини қаттиқроқ уришга мажбур қилди ва ёқимли сезгидан ёноқларига қон югурди. У эркаклар овозидаги бундай оҳангларни кўп эшитган ва бундан кейин, одатда, севги изҳор қилишларини биларди. О, жуда зўр бўларди-да! Мабодо Ретт севги изҳор қилса борми, ана шунда Скарлетт унга азоб беради, ана шунда у уч йил қийнаган ҳазил-мазахлари учун Ретт билан ҳисоб-китоб қилади. У Реттнинг бурнидан тўға ўтказиб олади! Эшлига тарсаки тортган ўша унутилмас кунда Реттнинг марҳамати билан ўз бошидан кечирган чидаб бўлмас хўрлик учун у ҳатто ўзини муносиб тарзда тақдирлашга уриниб кўради. Кейин эса – жуда мулойим ва дўстона оҳангда – унга нисбатан сингилларга хос туйғудан бўлак ҳеч нарсани туймаслигини айтади ва ғалабанинг

шукуҳига бурканиб чиқиб кетади. Кейин бу ишидан қандай ҳузурланишини олдиндан ҳис қилиб, у асабий тарзда "ҳм" деб қўйди.

– Бас қилинг ҳиринглашни, – дея Ретт унинг қўлини олиб, кафтини ўгириб ўпди. Лабларининг тафти Скарлеттнинг танини қиздирди ва унинг вужудига титроқ кирди. Реттнинг лаблари юқорига, билакка қараб силжиди... Скарлетт унинг лаблари томирининг шиддат билан ураётганини ҳис қилаётганини билиб турар, шу боис қўлини тортиб олишга уринарди. У буни – кўксидаги бу сотқин оташ ва унинг сочларини тўзғитиб ташлаш, лабларини ўз лабларида туйиш истагини – мутлақо кутмаган эди. "Ахир, мен унга заррачаям кўнгил қўймаганман-ку, – ғулғула ичида хаёлидан ўтди унинг. – Мен Эшлини севаман". Нега қўллари бунчалик титраяпти, нега кўкрагининг ости музлаб кетяпти?

Скарлетт Реттнинг секин кулаётганини эшитди.

– Юлқинаверманг! Мен сизга ҳеч қандай ёмонлик қилмайман!

– Қани тегиб кўринг-чи? Мен сиздан сираям қўрқмайман, Ретт Батлер! Мен қўрқадиган эркак ҳали туғилмаган! – хитоб қилди у овози ҳам худди қўллари сингари хиёнаткорона титраётганидан жаҳли чиқиб.

– Ўзингизга бўлган ишончингиз таҳсинга лойиқ! Лекин қаттиқ бақирманг. Миссис Уилкс эшитиши мумкин. Ва илтимос қиламан, тинчланинг. – Афтидан, Скарлеттнинг ўзини йўқотиб қўйгани ва ғазабланган Реттнинг кўнглини чоғ қилаётганга ўхшарди.

– Мен сизга ёқаманми, Скарлетт, тан оласизми?

Бу энди кўпроқ Скарлетт кутган гапга ўхшарди.

– Ҳа, баъзи пайтларда, сал-пал, – эҳтиёткорлик билан деди Скарлетт. – Ўзингизни пасткашларча тутмаганингизда.

Ретт яна кулиб юборди ва унинг кафтини ўзининг дағал юзига босди.

– Ахир, мен сизга айнан разиллигим учун ҳам ёқаётганга ўхшайман-ку. Батартиб ҳаётингизда сизга ҳақиқий, ўтакетган разил кишилар шу қадар кам учраганки, айнан шу хислат ғалати тарзда сизни менга тортиб туради.

Суҳбат тағин кутилмаган тус олди, Скарлетт яна қўлини тортиб олмоқчи бўлиб беҳуда уринди.

– Ёлғон! Менга яхши тарбия кўрган, суянса бўладиган, ўзини доим жентльменлардек тутадиган эркаклар ёқади.

– Айтмоқчисизки, кўнглингизга келганини қилиб, ҳар мақомга солишингиз мумкин бўлган эркаклар, шундайми? Қолаверса, аслида бу битта нарса. Лекин бу муҳим эмас.

Ретт яна унинг кафтини ўпди. Скарлеттнинг бадани яна ёқимли жимирлаб кетди.

– Лекин барибир мен сизга ёқаман. Мени севиб қолишингиз мумкинми, Скарлетт?

"Ниҳоят-е! – ғолибона фикр ўтди Скарлеттнинг миясидан. – Энди у қўлимга тушди!" Ва сохта илтифотсизлик билан жавоб берди:

– Албатта, йўқ. Ҳар ҳолда, ўз хулқ-атворингизни ўзгартирмагунингизча.

– Аммо мен уни заррачаям ўзгартириш ниятим йўқ. Шундай экан, сиз мени севолмайсиз. Мен, аслида ҳам шундай деб ўйлагандим. Негалигини биласизми? Сизга қаттиқ талпинсам ҳам, мен сизни севмайман, жавобсиз муҳаббатдан иккинчи марта изтироб чекишга сизни мажбур қилиш бориб турган золимлик бўлур эди. Шундай эмасми, азизам? Сизни "азизам" деб аташимга ижозат берасизми, миссис Гамильтон? Аммо сизга ёқмаса ҳам, мен сизни "азизам" деб атайвераман. Умуман олганда, барибир буни шунчаки одоб юзасидан сўраяпман.

– Сиз мени севмайсизми?

– Албатта, йўқ. Сиз мени севади, деб ўйлаганмидингиз?

– Ўзингизга жуда бино қўйяпсиз!

– Тушунарли, ўйлаган экансиз! Сизнинг хом хаёлларингизни пучга чиқариш мен учун оғриқли! Мен сизни севишим лозим эди, чунки сиз мафтункорсиз ва талайгина таҳсинга лойиқ, бефойда қобилиятларга эгасиз! Аммо оламда сиздек мафтункор, қобилиятли ва сиздек кераксиз хонимлар бисёр. Йўқ, мен сизни севмайман. Лекин сиз менга ниҳоятда ёқасиз – менга сизнинг виждонингиз ва ахлоқий тартиб-қоидаларингизнинг ўзгарувчанлиги, камдан-кам ҳоллардагина яширишга уринадиган худбинлигингиз, қўрқаманки, у қадар узоқ бўлмаган аллақандай ирландиялик деҳқон-аждодингиздан мерос бўлиб ўтган ҳаётга ўта ташналигингиз ёқади.

Деҳқон! Ахир, бу ғирт ҳақорат-ку! Ғазабдан Скарлеттнинг гапи гапига қовушмай нимадир деб ғўлдиради.

– Гапимни бўлманг! – сўради у Скарлеттнинг қўлини сиқиб. – Мен сизда кўнглимга яқин талай майлларни кўраман, бу яқинлик эса ўзига тортади, шунинг учун ҳам сиз менга ёқасиз. Кўриб турибман, сиз ҳалиям, эҳтимолки, ярим йилдан бери қабрда ётган авлиёсифат ва қовоқбош мистер Уилкснинг хотирасини ҳурмат билан ёд этиб юрибсиз. Аммо юрагингизда мен учун ҳам тариқча жой топилса керак, Скарлетт. Юлқинаверманг, мен сизга таклиф қиляпман. Мен сизни Ўн икки Эманда, бечора Чарли Гамильтоннинг бошини айлантираётган пайтингизда кўрганимдаёқ сизга етишишни қаттиқ орзу қилганман. Сиз меники бўлишингизни истайман, бирорта аёлни сизни орзу қилганчалик орзу қилмаганман ва бирорта аёлни сизни кутганчалик узоқ кутмаганман.

Кутилмаган бу гапдан Скарлеттнинг нафаси бўғзига тиқилди. Барча киноя мазахомуз сўзларига қарамай Ретт, барибир, уни севади ва шунчаки қайсарлигидан буни очиқ тан олишни истамайди – Скарлетт унинг устидан кулишидан қўрқади. Мана энди у Реттга кўрсатиб қўяди, ҳозир у ҳақини олади.

– Сизга хотин бўлишимни сўраяпсизми?

Ретт унинг қўлини қўйиб юборди ва шундай қаттиқ кулдики, Скарлетт ўзининг тебранма курсисида ғужанак бўлиб қолди.

– Худо асрасин, йўқ! Наҳотки мен сизга никоҳ учун туғилмаганимни айтмаган бўлсам?

– Лекин... лекин... унда нима, ахир...

Ретт зинапоядан турди ва қўлини кўксига қўйиб, унга ҳазиломуз таъзим бажо келтирди.

– Азизам, – деди у юмшоқлик билан, табиий ақлидрокингизга муносиб баҳо берган ва шу важдан сизни олдиндан васвасага солишга уринмаган ҳолда менга маъшуқа бўлишингизни таклиф қиламан!

Маъшуқа!

Бу сўз унинг миясини куйдириб юборди, бу сўз юзга тупуришдек таҳқирли эди. Ретт уни ғирт аҳмоқ деб ўйлаяпти, деган фикр шу қадар ғазабини қўзғаб юборгандики, илк лаҳзаларда Скарлетт ҳатто ўзининг таҳқирланганини сезишга ҳам улгурмади. У кутганидек, қўли ва қалбини сўраш ўрнига унга шундай нарсани раво кўрган экан, шубҳасиз, Ретт уни ўтакетган овсар, деб ўйлайди. Қаҳр-ғазаб, таҳқирланган иззат-нафс, ҳафсаласининг пир бўлгани, ихлосининг қайтгани, умидларининг пучга чиққани уни шу қадар гангитиб қўйдики, Ретт оёқости қилган юксак маънавий тартиб-таомиллар ҳақида ўйлаб ҳам ўтирмай тилига келган илк калимани айтиб юборди:

– Маъшуқа? Мен бундан бир этак сўлакай боладан бўлак яна қандай бахтга эришаман?

Айтган гапидан қўрқиб кетган Скарлетт лабларига рўмолчасини босиб, жим бўлиб қолди. Ретт эса кулиб юборди – қоронғуда унинг саросимада қотиб қолган юзига тикилиб, ичаги узилгудай қотиб-қотиб кулди.

– Мана нима учун менга ёқасиз! Сиз очиқчасига гапира оладиган ягона аёлсиз. Масалага одоб-ахлоқ ва гуноҳ ҳақидаги мужмал, чалкаш ҳазилларга бормай, амалий қарай оладиган ягона аёл. Бошқа ҳар қандай аёл аввал ҳушдан кетиб йиқилар, сўнг менга эшикни кўрсатиб қўйган бўларди.

У уятдан ловуллаб ёниб, курсидан сакраб турди. Қандай қилиб бу гап оғзидан чиқиб кетди, қандай бу гапни айта олди! Қандай қилиб у, Эллиннинг тарбиясини олган қиз, жим ўтириб бундай таҳқиромуз гапларни эшита олди ва бу ҳам етмагандай, ўта беҳаёлик билан жавоб бера олди! У қичқириб юбориши керак эди. Ҳушдан кетиб йиқилиши лозим эди. Ёки бўлмаса, индамай илтифотсизлик билан туриб кетгани маъқул эди. Эҳ, энди кеч бўлди!

– Мен ҳам сизга эшикни кўрсатиб қўяман! – қичқирди у энди Мелани ёки Мидлар эшитиб қолиши мумкинлигини ўйлаб ҳам ўтирмай. – Йўқолинг бу ердан! Мендан шуни сўрашга қандай ҳаддингиз сиғди? Мен қандай хатога йўл қўйдим... Мен шунга имкон бердимми... Қандай қилиб бундай хаёлга бордингиз... Йўқолинг! Сизни кўришни истамайман! Ҳеч қачон! Энди ҳаммаси тугади. Ўзингизнинг тўғноғичлар, тасмачалар солинган касофат қутичаларингиз билан бу ерга келишни хаёлингизга ҳам келтирманг, барибир сизни ҳеч қачон кечирмайман... Мен... мен ҳамма гапни, ҳамма гапни отамга айтиб бераман, у сизни ўлдиради!

Ретт ердан шляпасини олиб, таъзим қилди, Скарлетт эса нимқоронғуликда унинг ингичка мўй-

ловлари остидаги табассумдан ялтираган тишларини кўрди. Унинг хижолат чекмагани аниқ, бу гап-сўзлардан унинг кулгиси қистар, Скарлеттнинг сўзлари эса унда фақат завқ уйғотарди, холос.

Ё Тангрим, у нақадар жирканч! Скарлетт шарт бурилиб, уйга йўл олди. У эшикни орқасидан тарақлатиб ёпишни истар, лекин эшик занжирланган, занжир эса илгакда қисилиб қолган, у эса нафаси тиқилиб, уни кўтаришга уринарди.

– Ёрдам беришга ижозат этасизми? – сўради Ретт.

Яна бир сония шу ерда қолса, миясига қон қуйилишини ҳис қилган Скарлетт ўзини зинадан юқорига урди, майдончадаёқ орқасидан Ретт эшикни эҳтиёткорлик билан ёпиб қўйганини эшитди.

XX боб

Жазирама август ойи тўпларнинг тинимсиз гумбур-гумбури остида поёнига етган паллада жанг сурони тинчиб қолди. Шаҳарга чўккан жимжитлик қўрққулик эди. Кўчада дуч келиб қолган одамлар ўзларини олдинда нималар кутаётганини билолмай, бир-бирларига журъатсиз ва ташвиш билан қарашарди. Снарядларнинг "виз-виз"и тинмаган кунлардан сўнгги жимжитлик таранг тортилган асабларга енгиллик бермади – ҳатто асабий ҳолат кучайгандек эди. Душман батареялари нима сабабдан тинчиб қолганини ҳеч ким билмасди; қўшинларнинг тақдири нима бўлгани ҳам номаълум эди – шаҳарни қуршаган окопларда кўплаб аскарлар темир йўл мудофааси учун жануб томонга ташлангани маълум эди, холос. Агар чинданам жанглар бораётган бўлса, қаерда бораётгани, агар ҳали уруш давом этаётган бўлса, унда кимнинг қўли баланд келаётганини ҳам ҳеч ким билмасди.

Янгиликлар оғиздан-оғизга кўчарди. Қоғоз йўқ, босмахона бўёғи тугаган, ишчилар йўқ эди. Қамал

бошланганидан буён газеталар чиқмас, энг хунук хабарлар қаердандир пайдо бўлар ва шаҳар бўйлаб тарқаларди. Дабдурустдан чўккан сукунат ичида оломон ахборот беришларини талаб қилиб, генерал Худнинг бош штабини қуршаб ола бошлади; оломон ниманидир билиш, қандайдир хушхабар эшитиш илинжида – телеграф ёнида ва вокзал майдонида йиғилар – ахир, ҳамманинг ҳам Шерманнинг тўплари отишдан тўхтагани янкиларнинг қочаётгани, конфедерат қўшинлари уларни орқага, Далтонга қараб қуваётганини билдиришига ишонгиси келарди. Аммо ҳеч қандай хабар йўқ эди. Телеграф симлари сукут сақлар, поездлар конфедератлар қўлида қолган ягона йўлдан жанубга юрмас, почта алоқаси узилганди.

Август чанг-тўзонли, шамолсиз оташи билан ҳолдан тойдирувчи тафтини тинка-мадори қуриган, юрак-бағри хун одамлар устига ёғдириб, туйқусдан жимиб қолган шаҳарни бўғиб ўлдиришга қасд қилгандек эди гўё. Тарадан хат келмас, гарчи Скарлетт билдирмасликка уринса-да, ақлдан озгудай аҳволда, назарида қамал бошланганидан буён бутун бир аср ўтгандек туюларди; шаҳар устига дабдурустдан чўккан бу даҳшатли сукунатга қадар Скарлетт бир умр тўпларнинг тўхтовсиз гумбур-гумбури остида яшагандек эди! Бор-йўғи ўттиз кун! Қизғиш ўралари ланг очилиб ётган хандақлар билан ўралган шаҳарда ўттиз кун замбаракларнинг гумбур-гумбури тинмади, ўттиз кун санитар извошлар ва ҳўкизларга қўшилган аравалар карвони чанг кўчаларни қонга бўяб госпиталлар томон тизилиб борарди, дафн этиш взводлари эса чарчоқдан оёқда зўрға туриб, ҳали совиб улгурмаган мурдаларни қабристонга судраб боришар ва уларни шоша-пиша қазилган, охири йўқ саёз чуқурларга худди саржиндек ағдаришарди.

Янкилар Далтондан жанубга қараб юра бошлаганига атиги тўрт ой бўлди! Бор-йўғи тўрт ой! Скарлетт ўша ортда қолган кунни эслар ва ўша кун аллақандай ўзга оламда бўлиб ўтгандек туюларди. Йўқ, бор-йўғи тўрт ой ўтган эмас! Ундан бери бутун бир давр ўтди.

Тўрт ой илгари! Ахир, тўрт ой илгари Далтон, Резака, Кеннесоу тоғлари фақат жуғрофий номлар ёхуд темир йўл станциялари эди, холос. Кейин эса улар жанг майдонларига – генерал Жонстон қўшинларининг Атлантагача чекиниш йўлини белгилаб берган аёвсиз, самарсиз уруш майдонларига айланди. Энди эса Шафтолизор сойи водийси ҳам, Декейтер ҳам, Эзра-Чёрч ҳам, Ютой сойи водийси ҳам аллақачон хушманзара қишлоқларнинг номлари сифатида жарангламай қўйганди. Энди ҳеч қачон улар хотирада самимий, очиқ чеҳра кишилар билан тўла қишлоқлардай ёхуд у келишган зобитлар даврасида сайрга бориб юрган, аста жилдираб оқаётган сойларнинг ям-яшил соҳилларидай жонланмайди. Энди бу номлар фақат жангу жадаллар ҳақида сўзлайди – илгарилари у узоқ ўтириб ҳузурланадиган майин яшил майсалар замбараклларнинг ғилдираклари остида тилимланган, аскар этиклари остида тепкиланган, қуроллар тўқнашганда ўлим олди қийноқларидан ғужанак бўлиб ётган кишиларнинг жасадлари билан эзғиланган... Ирмоқларнинг эринчоқ сувлари шу қадар тўқ қизил тусга киргандики, Жоржиянинг қизил тупроғи уларга бундай тус беролмасди. Айтишларича, янкилар Шафтолизор сойининг нариги қирғоғига кечиб ўтишганидан сўнг у буткул алвон рангга кирган экан. Шафтолизор сойи, Декейтер, Эзра-Чёрч, Ютой сойи. Энди ҳеч қачон бу номлар ер юзидаги қандайдир жойларнинг маъносини англатмайди. Энди бу – дўстлар дафн этилган ер, кўмилмай

қолган жасадлар чириётган ўрмон чакалакзорлари ва бутазорлари, бу Шерман шаҳарга ёриб киришга уринган, Худ аскарлари эса уни дастлабки ўрнашган жойларига ўжарлик билан улоқтириб ташлаган Атлантага туташ қишлоқлардир.

Ниҳоят, мажҳулликдан азоб чеккан шаҳарга хабар – айниқса, Скарлетт учун –ташвишли хабар кириб келди. Генерал Шерман яна ҳужум қиляпти, яна Жонсборо яқинидаги темир йўлни кесиб қўйишга уриняпти. Энди янкилар Атлантанинг бу томонида тўпланишган ва алоҳида-алоҳида отлиқ қўшинлар ҳужумлари ўрнига ялпи зарба беришга тайёрланмоқда. Конфедерат қўшинлари эса, ўз навбатида, мудофаа чизиғини тарк этиб, бор кучи билан душман устига ташланишга ҳозирлик кўрмоқда эди. Оғир жимжитликнинг боиси шунда эди.

"Нима учун айнан Жонсборо яқинида? – ўйларди Скарлетт ва бу Тарага қанчалик яқин деган фикрдан юраги сиқиларди. – Нима сабабдан улар нуқул ўша томонга ташланади? Темир йўлни бошқа бирор жойдан кесиб қўйишолмайдими?"

Бир ҳафтадирки, Тарадан хабар келмас, Жералддан келган охирги қисқагина мактуб эса унинг ташвишини кучайтирди, холос. Кэрриннинг аҳволи ёмонлашган, унинг касали оғир эди. Яна қачон янги почта олиб келишларини худо билади, у Кэрриннинг жони омонлигини қачон билиб олади, буниям худо билади. Эҳ, у нега, нега қамал бошланган кунлардаёқ Меланига қўл силтаб, уйига жўнаб кетмади?!

Жонсборо остонасида жанг боряпти – маълум бўлгани шу, холос, бироқ жанг майдонидаги воқеалар қандай кечяпти, буни ҳеч ким айтолмас, даҳшатли "миш-миш"лар эса шаҳар аҳлини қаттиқ ташвишлантирарди. Ниҳоят Жонсбородан чопар тинчлантирувчи хабар олиб келди: янкилар темир йўлдан улоқтириб ташланибди. Аммо улар

Жонсборога бостириб киришга муваффақ бўлган – вокзални ёқиб юборган, телеграф симларини узиб қўйган ва чекинаётиб, уч миля узунликдаги темир йўлни портлатиб юборган. Муҳандислик қўшинлари темирйўл изини тиклаш учун жонларини аямай ишларди, лекин бунинг учун вақт керак, чунки янкилар шпалларни қўпориб олиб, гулхан ёқишар, устига рельсларни қалаб, қизариб кетгунча тоблашар, кейин эса улар билан телеграф устунларини ўраб, улкан пармасимон штопорга айлантиришарди. Ҳозир янги рельсларни қаёқдан топасан, энди бирор-бир парча металлни топиб бўладими!

Йўқ, янкилар Тарага етиб боришмабди. Генерал Худга тезкор хабарлар олиб келган чопарнинг ўзи Скарлеттни бунга ишонтирди. Жангнинг эртаси куни, айни Атлантага жўнашидан олдин, у Жонсборода Жералдни учратибди, у хатни Скарлеттга бериб қўйишини илтимос қилибди.

Лекин отаси нега Жонсборога келибди? Ёш зобит унинг саволига жавоб бераётиб, кўзларини олиб қочди. Жералд ҳарбий қисмлардан Тарага борадиган врач топишга ҳаракат қилган экан.

Қуёш нурлари тушиб турган айвонда зобитни овора қилгани учун узр сўраб миннатдорлик билдираётган Скарлетт тиззаларидан мадор кетаётганини ҳис қилди. Кэррин ўляпти, шекилли, бўлмаса Жералд доктор изламасди, Эллиннинг тажрибали врачдек даволай олиш қобилиятига ишонган бўларди! Ёш зобит ҳавони қизғиш чанг тўзонига тўлдириб от чоптириб кетгач, Скарлетт титраётган бармоқлари билан конвертни очди. Конфедерацияда қоғоз заҳиралари тугаган, шу важдан Жералд мактубини Скарлеттнинг унга ёзган сўнгги хати сатрлари орасига ёзган, уни ўқиш қийин эди.

"Жоним қизим, ойинг ва ҳар икки синглинг ич терлама касали билан оғриган. Улар жуда оғир касал,

лекин биз яхшиликка умид боғлашимиз зарур. Ойинг ётиб қолгач, мендан сенга хат ёзиб, ҳеч бир сабаб билан уйга қайтмаслигинг, ўзинг ва Уэйдни касални юқтириб олиш хавфига дучор қилмаслигингни айтишимни сўради. У сенга салом айтяпти ва унинг учун ибодат қилишингни сўраяпти".

"Унинг учун ибодат қилиш!" Скарлетт зинадан ётоғига қуюндек учиб кирди, каравот ёнига тиз чўкди ва жону жаҳони билан худога илтижо қилиб дуо ўқидики, ҳали ҳаёти давомида бу қадар сиғиниб ёлвормаганди. У одатдаги дуоларини ўқимас, нуқул:

– Ё Биби Марям! Унинг ўлишига изн берма! Мен доимо яхши қиз бўламан, фақат унинг ўлишига изн берма! Ўлишига изн берма! – дея такрорлагани такрорлаган эди.

Кейинги бир ҳафта давомида у хабар кутиб, уй ичида ўзини қўярга жой тополмай, яраланган жонивор янглиғ ҳар ёққа югурар, туёқ товушини эшитса титраб кетар, мабодо бирор аскар эшик қоқса, тунда зинадан ҳовлиқиб югуриб тушарди, аммо Тарадан бошқа хабар келмади ва назарида бутун қитъа бор кўлами билан у туғилиб ўсган уй ва унинг ўртасида ястаниб ётгандек туюлар, ҳолбуки, уйигача бор-йўғи йигирма беш милялик тупроқ йўл бор эди, холос.

Почта аввалгидек ишламас, конфедератлар қўшинлари қаердаю, янкилар қаерда ва нима қилмоқчи, ҳеч ким билмас, ҳамма фақат бир нарсани: минглаб кулранг ва кўк мундирли аскарлар қаердадир Атланта ҳамда Жонсборо ўртасида жанг қиляпти, деб ўйларди, холос. Тарадан эса ҳафтадан буён хабар йўқ эди.

Скарлетт госпиталда тиф билан оғриган касалларни кўраверіб кўзи пишиб кетган ва бундай касалга чалинганларга бир ҳафта ичида нима бўлишини тушунарди. Эллин хаста, балки ўлаётгандир,

у эса ҳомиладор аёл билан бу ерда, Атлантада ўралашиб юрибди, икки армия эса уни туғилган уйидан ажратиб турибди. Эллин касал – эҳтимол, ўлаётгандир. Лекин бу қандай рўй берди! Ахир, Эллин ҳеч касалга чалинмасди-ку. Буларнинг бари шу қадар ақл бовар қилмас ҳодиса эдики, гўё оёқлари остидаги ер ўрнидан силжидию, ўзи муаллақ туриб қолди. Ҳар қандай одам касал бўлиши мумкин, фақат ойиси эмас. Эллин беморларга қарар ва улар эса соғайиб кетарди. У касал бўлолмайди. Скарлетт уйига талпинарди. У қўрққанидан мушкул аҳволга тушган гўдакдек жон-жаҳди билан Тарага талпинар, кўз олдида фақат битта, ҳар доим ишонса бўладиган гўшани кўрарди.

Уйга! Деразаларида оппоқ пардалар ҳилпираб турган, қалин бедазори устида асаларилар ғувиллаб учиб юрган, айвони зинасидан туриб гулзорларни ўрдак ва курка жўжаларидан ҳушёр қўриқлаётган қора танли шўх болакайи бор пастроқ оқ уй сари, қизил тупроқ ҳамда заррин қуёш нурлари остида оқариб кўринаётган бепоён пахта далаларининг беташвиш осойишталиги сари олға! Уйга!

Нима сабабдан у қамал бошланишидан олдин, ҳамма шаҳардан қочиб ўзини қутқараётган пайтда уйига кетмади! Агар у ўзи билан Меланини ҳам олиб кетганида ҳеч нарса қилмасди, ахир, олдинда вақт кўп эди!

"Оҳ, жин урсин уни! – юзинчи маротаба хаёлидан ўтказди Скарлетт. – Ахир, Питти амма билан Мейконга кетса бўлмасмиди? Унинг жойи ўша ерда, ўз қариндошлари орасида, асло менинг ёнимда эмас. Ахир, мен қондош эмасман-ку. Нега энди у менга ёпишиб олди? Мейконга кетганида, мен ҳам уйга, ойимнинг ёнига жўнардим. Ҳатто ҳозир ҳам, ҳа, ҳозир ҳам, агар унинг қорнида боласи бўлмаганида, янкиларга тупурардим ва уйга етиб олган бўлардим.

Генерал Худ менга кузатиб борувчи ҳамроҳ берарди. Генерал Худ жуда тарбияли одам, балки мен уни фронт чизиғини кесиб ўтишим учун кузатувчи ва оқ байроқ беришга кўндирган бўлармидим. Бунинг ўрнига мен бу ерда чақалоқнинг туғилишини кутиб ўтиришга мажбурман!.. Оҳ, ойижон, ойи, ишқилиб ўлма... Нима учун Меланининг кўзи ёримаяпти? Бугуноқ доктор Миднинг ёнига бориб, агар кузатиб борадиган одам тополсам, уйга кетишим учун бу ишни тезлаштиришнинг иложи борми, деб сўрайман. Доктор Мид туғруқ оғир кечади, деди. Ё меҳрибон Оллоҳ, у ўлиб қолса-я! Туйқусдан Мелани ўлиб қолса-я. Ўлса-я. Эшли эса... Йўқ, бу ҳақда ўйламаслик керак, бу жуда ёмон. Аммо, ахир, Эшли... Йўқ, бу ҳақда ўйлашни истамайман, барибир у, эҳтимол, энди орамизда йўқдир. Меланига ғамхўрлик қилишим ҳақида Эшли мендан ваъда олди. Лекин... лекин мен унга ғамхўрлик қилолмасам ва у ўлиб қолса, Эшли эса ҳалиям соғ-саломат юрган бўлса-я... Йўқ, мен бундай хаёлга бормаслигим керак. Бу гуноҳ. Мен эса Оллоҳга, агар у ойимнинг ўлишига изн бермаса, яхши аёл бўлишга ваъда қилдим. Худойим, қанийди бу бола туғила қолса! Кошкийди, бу ердан чиқиб, уйга кетолсам, қаёққа бўлса ҳам майли, фақат бу ердан узоқроққа кетсам бас!"

У бир пайтлар ўзи яхши кўриб қолган, ҳозир эса ваҳмкор сукунат остида қолган бу мудҳиш шаҳарни ёмон кўриб қолганди... Ахир, у Скарлеттни мафтун қилган шод-хуррам, бепарво-беғам Атлантага мутлақо ўхшамасди-да. Замбараклардан отилган снарядларнинг гумбур-гумбуридан сўнг гўё вабо текандек қўрқинчли жимлик чўккан кўчалар ниҳоятда ваҳимали сукунат ичида эди. Жангу жадаллар шовқинида, хавф-хатар туйғусида кўнгилларга далда берувчи нимадир бор эди. Шаҳардаги жимжитликда эса фақат ниҳоясиз даҳшат яширин эди.

Шаҳарга шарпалар – қўрқув, хавотир, хотиралар шарпаси жойлашиб олганга ўхшарди. Одамларнинг юзи жиддий, Скарлеттга дуч келган аскарлар эса мусобақа аллақачон, ҳеч шубҳасиз, бой берилган бир пайтда маррага жон-жаҳди билан интилаётган, шунга ўзини мажбур қилган, нафаси тиқилган чопағонларга ўхшарди.

Августнинг охирги кунлари бошланди, Атланта учун бўлган жанглар мобайнида ҳали кўз кўриб қулоқ эшитмаган қақшатқич олишувлар ҳақида тинимсиз "миш-миш"лар етиб кела бошлади. Жанглар қаердадир жанубда бораётганди. Шаҳарда энди ҳеч ким кулишга ва ҳазиллашишга уринмасди – ҳамма зўр бериб жангнинг оқибатини кутарди. Энди бу ерда фронтда икки ҳафта олдин тушунилган аччиқ ҳақиқатни тушуниб туришарди: Атлантанинг куни битган, агар Мейконга борадиган йўл кесиб қўйилса, Атланта таслим бўлади.

Биринчи сентябрь куни эрталаб Скарлетт кеча оқшом боши ёстиққа тегар-тегмас вужудини чулғаб олган азобли қўрқув ҳисси билан уйғонди. Ҳали уйқуси очилмай туриб ўйлади: "Нима сабабдан кеча уйқуга ётаётиб мен бу қадар хавотирга тушдим? Ҳа, жанг бўлган. Кеча қаердадир катта жанг бўлган! Ё Тангрим, ким ғалаба қозондийкин-а?" У кўзларини ишқаб, тўшакка ўтириб олди, нохуш туйғу тағин юрагини эза бошлади.

Ҳатто тонгги соатларда ҳам дим ҳаво чошгоҳда жазирама иссиқ бўлишидан дарак бериб турар – кўм-кўк осмонда чўғдек қизарган қуёш аёвсиз нур сочарди. Дераза ортидаги кўча жимжит эди. Сукунатда на ғилдиракларнинг ғичирлаши, на атрофга қизғиш чанг кўтариб қадам босаётган оёқларнинг дупури эшитиларди. Қўшни хонадонлардан негрларнинг хиргойиси қулоққа чалинмас, ошхоналардан эрталабки пишир-куйдирларнинг иштаҳани очадиган

ҳиди таралмасди: қўшнилар, миссис Мид ҳамда миссис Мерриуэзерни айтмаганда, Мейконга жўнаб кетишганди. Аммо бу икки уйдан ҳам тиқ этган товуш чиқмасди. Нарироқда, кўчанинг савдо-сотиқ билан шуғулланиладиган қисмида ҳам жимжитлик ҳукм сурар, дўкон ва идоралар ёпиқ, эшикларига тахталар қоқиб ташланган, эгалари эса қўлларида милтиқ билан округ бўйлаб тарқалиб кетишганди.

Бу тонгги жимжитлик Скарлеттга кечагидан ҳам, ўтган ҳафтанинг ваҳмкор сукунатга чўмган кунларидан ҳам даҳшатлироқ туюларди: энди у аввалгидек бир оз нозланиб туришни, қўл-оёғини ёзишни, ёстиқлар орасига шўнғишни истамасди; у шошиб тўшакдан турди ва ҳеч бўлмаса бирорта таниш чеҳрани, ҳеч қуриса руҳини кўтарадиган бирор нарсани кўриш умидида дераза ёнига келди. Бироқ кўча бўм-бўш эди. Дарахтларнинг ҳануз яшил барглари қалин қизғиш чанг остида хира тортгани, ҳовлидаги гуллар эса қаровсизликдан сўлиб бораётганига кўзи тушди.

"Момоқалдироқ! Жала!" – хаёлига келди унинг, кейин эса, оддий қишлоқ аёли сингари, болалигидан бери одатга айланган фикр хаёлидан ўтди: "Ҳа, ҳа, ёмғир бизга жуда зарур". Аммо бир лаҳза ўтмаёқ дарҳол фаҳмлади: "Ёмғир? Йўқ! Қанақасига ёмғир бўлсин? Бу тўплар-ку!" Юраги дукиллаб, узоқдан эшитилаётган шовқин қаёқдан келаётганини аниқлашга уриниб, дераза токчасидан эгилиб қулоқ солди. Бироқ бўғиқ гумбур-гумбурлар жуда узоқдан келаётганди. "Ё Худойим! – ёлворди у. – Кошки Мариеттадан! Ёки Декейтердан! Ёки Шафтолизор сойидан келаётган бўлса! Фақат жанубдан эмас! Оҳ, ишқилиб жанубдан бўлмасин!" У қулоқларини динг қилиб, дераза ромига қаттиқроқ ёпишиб олди. Гумбурлаган товушлар узоқдан аниқроқ эшитила бошлади. Шовқин шаҳар жанубидан келаётганди.

Тўпларнинг товуши жанубдан келяпти! Демак, шаҳарнинг жануб томонидан – Жонсборо ва Тарадан... Эллин!

Балки ҳозир, айни дақиқада, янкилар Тарададир! У яна диққат билан қулоқ солди, бироқ чакка томири дукиллаб, овозларни босиб кетарди. Йўқ, Жонсбородан эмас. Отишма заифроқ, у қадар аниқ эшитилмасди. Жонсборо Атлантадан жуда олисда. Аммо янкилар, эҳтимол, бу ердан ўн миля нарида Жонсборога борадиган йўл бўйида, балки Раф-энд-Реди қишлоқчаси ёнидадир, у ердан ҳам Жонсборогача атиги ўн миля чиқади. Тўплар жануб томондан ўққа тутарди. Эҳтимол, бу Атлантанинг ҳалокатидан дарак берувчи мотам садоларидир. Аммо ойисига таҳдид солаётган хавф-хатар ҳақидаги ўйдан ўзини йўқотиб қўйган Скарлетт фақат бир нарсани англарди: жануб томондан отишяптими, демак, Тарага жуда яқин. Қаттиқ куйинганидан у хонанинг у бурчагидан бу бурчагига юра бошлади ва бутун уруш давомида биринчи марта миясида конфедератлар армияси мағлуб бўлади, деган фикр бутун даҳшати билан пайдо бўлди. Шерман аскарлари балки Тарага яқинлашаётгандир, деган сезги уни илк бор урушнинг бундай оғир оқибат билан тугаши мумкинлиги ҳақида ўйлашга, воқеаларнинг бутун даҳшатини идрок этишга, на дераза ойналарини парчалаб юборадиган снарядларнинг ўкириши, на очлик, на яланғочлик, на кўз ўнгида ўлаётган юзлаб одамлар қила олмаган ишни қилишга мажбур қилди. Шерман аскарлари Тарадан бир неча миля узоқда! Ҳатто улар енгилган тақдирда ҳам, чекинаётиб Тарага чиқиши мумкин. Бундай вазиятда қўлига қараган уч бемор аёл билан Жералд қаерга ҳам беркинади!

Оҳ, қани энди у улар билан бирга уйида бўлиб қолса, ҳатто у ерга янкилар келса ҳам майлийди! Оёқ

яланг, оёқларига ўралиб қолаётган тунги кўйлакда у хонада ўзини у ёқдан бу ёққа урар, бошга тушиши мумкин бўлган кулфатни олдиндан сезиш ҳисси тобора кучайиб борарди. У уйга, уйига кетишни истайди. Эллиннинг ёнига!

Пастдан, ошхонадан идиш-товоқларнинг жаранглагани эшитилди. Присси нонушта тайёрлаётир. Аммо миссис Миднинг ошпази Бетсининг овози чиқмасди. Присси ўткир овозини чўзиб маъюс хиргойи қиларди:

– " Машаққатлар тугар, жуда оз қолди..."

Унинг хиргойиси Скарлеттнинг асабини қўзғар, ғамгин сўзлар кўнгилга хавотир солар, юракни тирнарди; у халатини елкасига ташлаб зина майдончасига югуриб чиқди, яширин йўлнинг эшигини очиб қичқирди:

– Присси! Жим бўл, бас қил увиллашни! Овозингни ўчир!

– Ҳа, мэм, – маъюс жавоб эшитилди, Скарлетт эса ўзининг бирдан лов этиб ёнганидан уялиб, чуқур тин олди.

– Бетси қаерда?

– Билмайман. Келгани йўқ.

Скарлетт Меланининг ётоғига қараб юрди, эшикни қия очиб, нурга кўмилган хонага мўралади. Мелани тунги кўйлакда тўшакда ётар, кўзлари юмуқ, кўзларининг ости қорайган, юзи шишиб ўзининг нозик, юракчани эслатадиган шаклини йўқотган, келишган қомати хунуклашган эди. Эшли уни ҳозир кўрса эди, ичиқоралик билан ўйлади Скарлетт. Бирорта ҳомиладор аёл унга Мелани каби бу қадар хунук туюлмаганди. Гўё унинг ўзига қадалган нигоҳини ҳис қилгандек, Мелани кўзини очди ва заифгина, мулойим табассумдан юзи ёришиб кетди.

– Кирсанг-чи, – чақирди у ёнбошига бесўнақай ағдарилиб. – Мен эрта тонгда уйғонгандим, нуқул

хаёл суриб ётибман, биласанми, Скарлетт, мен сендан бир нарсани сўрамоқчиман.

Скарлетт ётоққа кирди ва қуёшнинг чароғон нурлари билан чулғанган тўшакка ўтирди. Мелани Скарлеттнинг қўлини қўлига олди ва ишонувчанлик билан мулойимгина сиқди.

– Азизам, – деди у, – мен отишмани эшитдим, жуда хафа бўлдим. Бу Жонсборо тарафдан келяптими?

– Ҳа, – ғўлдиради Скарлетт, юраги эса яна дард билан ура бошлади.

– Сенинг қаттиқ хавотирланаётганингни тушунаман. Ўтган ҳафтада ойингнинг касалга чалинганини билганингдан кейин уйингга кетсанг бўларди. Сен фақат мени ўйлаб кетмадинг, тўғрими?

– Тўғри, – юз-хотир қилиб ўтирмай тасдиқлади Скарлетт.

– Скарлетт, азизам, сен менга жуда меҳрибонсан. Туғишган синглим ҳам сендан кўра меҳрибонроқ ва фидойи бўлолмасди. Шунинг учун ҳам мен сени янада кўпроқ яхши кўраман. Сенинг йўлингга тўғаноқ бўлаётганимдан оғринаман.

Скарлетт унга жим қараб турарди. "У мени яхши кўради? Вой, лақма-ей!"

– Скарлетт, қулоқ сол, мен кўп ўйлаб сенга жуда катта илтимос билан мурожаат қилмоқчи бўлдим. – У Скарлеттнинг қўлини янада қаттиқроқ сиқди. – Агар ўлсам, менинг боламни ўзингга оласанми?

Меланининг катта-катта очилган, безовталик билан чақнаб турган кўзлари мулойим ва жиддий илтижо билан унга тикилганди.

– Оласанми?

Скарлетт қўлини тортиб олди ва вужудини қўрқув босаётганини ҳис қилди. Кутилмаган гапдан ва қўрқувдан унинг овози кўпол чиқди.

– Аҳмоқ бўлма, Мелли! Сен ўлмайсан. Бола кутаётган ҳар қандай аёлга шундай туюлади. Мен биламан, ўзимда ҳам худди шундай бўлган эди!

– Йўқ, ёлғон, сен ҳеч қачон ҳеч нарсадан қўрқмайсан. Сен менга шунчаки далда бериш учун шундай деяпсан. Лекин мен ўлишдан қўрқмайман, аммо кичкинтойни ўйлаб қўрқаман, агар Эшли... Скарлетт агар мен ўлсам, боламни ўзингга олишга сўз бер. Ўшанда мен ўлимдан қўрқмайман. Питти амма бола тарбиялашга қарилик қилади, Ойимқиз билан Индия эса – улар жуда яхши, фақат... Мен кичкинтойимга сен эгалик қилишингни истайман. Сўз бер менга, Скарлетт. Агар ўғил бола бўлса, Эшлига ўхшатиб тарбияла, агар қиз бўлса... У сенга ўхшашини истайман, жонгинам.

– Оббо! – хитоб қилди Скарлетт тўшакдан сакраб тураркан. – Шунча бахтсизлигимиз каммиди, сен ҳам ўлим ҳақида гапирасан!

– Кечир мени, азизам. Лекин сўз бер. Менингча, ҳаммаси бугун содир бўлади. Бугун рўй беришини сезяпман. Илтимос, сўз бер.

– Хўп, майли. Ваъда бераман, – деди Скарлетт саросималаниб унга бошдан оёқ кўз югуртираркан.

"Наҳотки Мелани чинданам шу қадар овсар, наҳотки менинг Эшлини севишимни фаҳмламаса? Ёки у ҳаммасини тушуна туриб ҳам фарзандига мени ғамхўрлик қилади, деб ўйлайдими?" Скарлетт унга шу саволни беришдек телбаларча истагини зўрға босди – тилидан чиқиб кетишига сал қолди, бироқ шу лаҳзада Мелани яна унинг қўлини олиб юзига босди. Унинг нигоҳи хотиржам тортди.

– Нега сен бу нарса шу бугун рўй беради, деб ўйлаяпсан, Мелли?

– Тонг отганидан буён мени тўлғоқ тутяпти, тўғри, ҳали унчалик кучлимас.

– Шунақами? Ахир нега мени чақирмадинг? Ҳозир Приссини доктор Мидга юбораман.

– Йўқ, ҳозирча керакмас, Скарлетт. Биласан, унинг иши бошидан ошиб ётибди. У ёқда ҳамма иш билан банд. Бугун у бизга керак бўлиб қолиши мумкинлигини етказиб қўйсанг бас. Яна миссис Мидга одам юбор, келиб мен билан ўтириб туришини илтимос қил. Вақти келса, у докторга одам юборишни билади.

– Ўзингни авлиё қилиб кўрсатишни бас қил. Биласан-ку, сенга доктор госпиталдагилардан ҳам кўпроқ зарур. Мен унга ҳозироқ одам юбораман.

– Илтимос, керакмас. Баъзан тўлғоқ кун бўйи давом этади, мен эса доктор госпиталда ётган бечораларга зарур бўлган бир пайтда соатлаб бу ерда ўтиришини истамайман. Фақат миссис Мидга одам юбор. Доктор қачон керак бўлишини у билади.

– Нима ҳам дердим, сен айтгандай бўла қолсин, – деди Скарлетт.

XXI боб

Присси Меланига нонушта бериб келиши биланоқ Скарлетт дарҳол уни миссис Мидга юборди, ўзи эса Уэйд билан нонуштага ўтирди. Аммо томоғидан ҳеч нарса ўтмади. У қўрқиб Меланининг кўзи ёрийдиган пайт келгани ҳақида ўйлар, тўпларнинг олисдан келаётган гумбур-гумбурига ғайришуурий тарзда қулоқ тутаркан, умрида биринчи марта мутлақо иштаҳаси йўқлигини ҳис қилди. Юрагида ҳам ғалати ўзгариш содир бўлаётганди: бир неча дақиқа юраги мўътадил уриб турди, кейин бирдан жуда қаттиқ уриб, кўкраги симиллаб оғрий бошлади. У қуюқ ширадор жўхори бўтқани зўрлаб ютар, қовурилган маккажўхори ҳамда туйилган бататдан тайёрланган, ҳозирда қаҳва ўрнини босадиган ичимлик эса унга ҳеч қачон бундай ёқимсиз туюлмаганди. Шакар ва қаймоқсиз бу ичимлик сафродек аччиқ, уни ширин

жўхори қўшиб “бир оз ширин қилиш” иложсиз эди. У бир ҳўплаб, идишни четга суриб қўйди. Янкилар уни шакар ва қаймоқли хуштаъм қаҳва ичиш лаззатидан маҳрум қилишди, улардан чексиз нафратланиши учун унга шунинг ўзи кифоя эди.

Бугун Уэйд одатдагидан кўра хийла ювош эди ва ҳар кунгидай жўхори бўтқа ейишдан бош тортиб ҳиқилламасди. У Скарлетт қошиқлаб оғзига тиқаётган ёқимсиз бўтқани жимгина чайнар, устидан сув ичиб, чалпиллатиб ютарди. Унинг катта қўнғир, доллар тангадай думалоқ кўзлари болаларча хавотир билан, гўё ойисининг пинҳона қўрқувлари унга ҳам юққандек, унинг ҳар бир ҳаракатини кузатарди. Нонушта тугагач, Скарлетт уни ҳовлига ўйнагани жўнатди ва енгил тортиб, эзғиланган ўтлоқдан ўзининг ўйинчоқ уйчаси томон оёғини бир-бир босиб кетаётганини кузатиб турди.

У столдан турди ва иккинчи қаватга чиқадиган зинапоя ёнида иккиланиб тўхтади. Мелани олдига чиқиши, унинг ёнида ўтириши, кутилаётган мусибат ҳақидаги ўй-хаёллардан уни чалғитиши лозим эди, аммо бунга кучи етмади. Туғиш учун шундай кунни танлаганини қаранг. Устига устак, ўлим ҳақида гапиргани-чи!

У зинанинг қуйи поғонасига ўтирди ва ўзини қўлга олишга уринди. Хаёли кечаги жангга қайтди ва яна кўнглида савол туғилди: оқибати қандай бўларкан? Қаердадир ёнгиналарида, атиги бир неча миля нарида жанг кетаётир, аммо уларга ҳеч қандай хабар келмаётгани ғалати! Шаҳарнинг кимсасиз бу четида нақадар ғайритабиий тинчлик ҳукм сурмоқда, бу Шафтолизор сойи учун жанг пайтида содир бўлган воқеаларга сира ўхшамайди-я! Жанг қаердадир жануб томонда, шаҳардан узоқроқда бораётганди, Питти амманинг уйи эса шаҳарнинг шимол тарафида, чеккадаги охирги уй эди, шу

боис ёрдамга шошилаётган ҳарбий қисмлар бу кўчадан тез юриб ўтмас, санитар аравалар ҳам бу кўчадан юрмас, жанг майдонидаги оловли маррадан қайтаётган ярадорлар ҳам бу кўчада судралишмас эди. Афтидан, ҳамма воқеалар ҳозир шаҳарнинг жанубий чеккасида юз бераётган бўлса керак, ўйлади Скарлетт ва бу воқеаларга гувоҳ бўлмаётгани учун яратганга шукрона келтирди. Қанийди Шафтолизор кўчасининг улар яшайдиган қисмидаги одамлар – Мидлар ва Мерриуэзерлардан бошқа ҳамма – шаҳардан қочиб кетишмаганида эди! Ҳозир у ўзини жуда ёлғиз ҳис қиляпти! Уйда ҳеч бўлмаса Питер амаки қолганидаям, уни штабга фронтдан қандай хабарлар келаётганини билиб келиш учун юборарди. Қолаверса, агар Мелани бўлмаганида, унинг ўзи зудлик билан шаҳарга югуриб, ҳаммасини билиб олган бўларди. Лекин ҳозирча мистер Мид келмаган экан, Меланини ташлаб кетолмайди. Миссис Мид. Нега у келмаяпти? Присси қаёққа йўқолдийкин? Скарлетт ўрнидан туриб айвонга чиқди ва сабри чидамай олисларга синчиклаб қарай бошлади, аммо муюлишдаги дарахтлар тўсиб тургани учун Мидларнинг уйи кўринмас, кўча эса бўм-бўш эди. Ниҳоят узоқдан Присси кўринди: у ёлғиз ўзи, шошилмай, гўё сайр қилиб юргандай у ёнбошидан бу ёнбошига ўгирилиб, елкаси оша орқа этаги ҳилпираётган юбкаларига қараб келарди.

– Қари тошбақадек мунча судраласан? – тирғалди Скарлетт Присси дарчадан кирганда, – миссис Мид нима деди? У тезда келадими?

– У уйда йўқ, – деди Присси.

– Қаерда ахир? Қачон уйига қайтади?

– Тушуняпсизми, мэм, – деди Присси ўзига юкланган муҳим топшириқни маъқул кўрганидан сўзларни ҳаддан ташқари чўзиб, – ошпаз аёл айтдики, миссис Мид эрта билан жуда барвақт кетган экан,

чунки ёш мистер Фил яраланибди, миссис Мид кабриолетда қария Талбот билан Бетсини олиб, мистер Филни уйга олиб келгани кетибди. Ошпаз аёл у жуда қаттиқ яралангани ва мистер Мид бизникига келмаслигини айтди.

Скарлеттнинг уни елкаларидан чангаллаб, яхшилаб силтагиси келиб кетди. Нега қора танли хизматкорлар ёмон хабарларни доим шунақа тантанавор оҳангда айтиб келишади?

– Бўпти. Бу ерда овсарга ўхшаб тураверма, миссис Мерриуэззерга югур, ўзингиз келинг ёки энангизни юборинг, деб илтимос қил. Чаққон қимирла.

– Э, у ерда ҳеч ким йўқ, миссис Скарлетт. Уларнинг энагаси билан гаплашиб ўтириш учун йўл-йўлакай уларникига кириб чиқдим. Ҳаммаси кетган экан. Уй қулфланган. Кўриниб турибдики, улар госпиталда.

– Ҳа, мана, қаерда юрган экансан? Мен сени бирор ерга юборганимда буюрган жойга бор, "энага билан гаплашиб ўтиришга" эмас. Жўна...

У ўйга толди. Шаҳарда танишлардан ким қолдийкин? Ким унга ёрдам бера олади? Миссис Элсинг. Бу хоним охирги пайтларда уни жуда ёмон кўриб қолган, лекин Меланига доимо меҳрибон.

– Миссис Элсингнинг олдига бор, ҳаммасини яхшилаб тушунтир ва мулойимлик билан бу ерга келишини илтимос қил. Менга диққат билан қулоқ сол, Присси. Бугун миссис Меллининг кўзи ёриши керак, сен ҳар дақиқада керак бўласан. Шунинг учун тез югур – боргин-у, орқага қайт.

– Яхши, мэм, – деди Присси ва бурилиб, истамайгина дарча томон секин юриб кета бошлади.

– Тезроқ, эй, бир қоп сомон!

– Ҳа, мэм.

Присси қадамини тезлатгандай қилиб кўрсатди. Скарлетт уйга қайтиб кирди. Меланининг олдига чиқмоқчи бўлди-ю, яна иккиланиб туриб қолди.

“Унга миссис Мид нега келолмаганини айтишга тўғри келади. Шубҳасиз, Фил Мид жиддий яраланганини билса, қаттиқ ташвиш тортади. Бўпти, бир нима деб алдарман.“

Скарлетт Меланининг ётоғига кирди ва патнисда қўл урилмаган нонуштани кўрди. Мелани бир ёнбоши билан ётар, юзида қон йўқ эди.

– Миссис Мид госпиталда экан, – деди Скарлетт. – Лекин миссис Элсинг келади. Аҳволинг ёмонми?

– Унчаликмас, – алдади Мелани. – Скарлетт, Уэйдда тўлғоқ узоқ давом этганмиди?

– Бирдан тўлғоқ келди-ю, туғилди, – сохта тетиклик билан жавоб берди Скарлетт. – Ҳовлида эдим, уйга зўрға югургилаб кирдим. Моможон: “Бориб турган шармандалик! Худди оддий негр хотинга ўхшайди-я!”, деганди.

– Мен ҳам негр аёлга ўхшасам майлийди, – деди Мелани шу заҳотиёқ сўнган зўраки табассум билан. Юзи оғриқдан буришиб кетди.

Скарлетт Меланининг тор тосларига назар ташлади, аммо унинг кўнглини кўтариб деди:

– Ростданам бу унчалик қўрқинчли эмас.

– Ҳа, тушунаман. Тўғри, мен ўзим қўрқоқман. Миссис Элсинг тез келадими?

– Дарров келади, – деди Скарлетт. – Мен бориб қудуқдан тоза сув тортиб келиб, баданингни юмшоқ сочиқ билан артаман. Бугун жуда иссиқ.

У қудуқдан сувни жуда секин тортар – вақтни чўзар – ва Присси келяптими, йўқми, билиш учун дақиқа сайин югурарди. Бироқ Присси кўринмасди, Скарлетт эса охир-оқибат яна Меланининг олдига чиқиб, унинг тер босган танини сочиқ билан артиб чиқди ва узун қора сочларини тараб қўйди.

Бир соат ўтди, ниҳоят кўчадан пошналарнинг тақиллаган товуши эшитилди, Скарлетт деразадан қараб, Приссини кўрди: қизча шошилмай, худди

ўтган галгидек бошини ҳар томонга саланглатиб, гўё саҳнага чиқаётгандек ўзига оро бериб келарди.

"Ҳали бу ярамаснинг терисини шилиб оламан", ғазаби қайнаб ўйлади Скарлетт зинадан унинг қаршисига югуриб тушаётиб.

– Миссис Элсинг госпиталда. Уларнинг ошпази эрталаб поездда жуда кўп ярадорлар келганини айтди. У шўрва пишириб, у ерга олиб бораркан. У айтдики...

– Унинг нима дегани муҳим эмас, – гапини бўлди Скарлетт юраги пастга тортиб кетаётганини ҳис қилиб. – Тоза пешбанд тақиб ол, госпиталга борасан. Доктор Мидга хат олиб борасан, мабодо у бўлмаса, уни доктор Жонсга ёки бошқа бир докторга бер. Агар тезда қайтмасанг, терингни шилиб оламан.

– Ҳа, мэм.

– Яна бирор жентльмендан сўра-чи, фронтда ишлар қандай экан. Агар улар ҳеч нарсани билмаса, вокзалга югур, ярадорларни олиб келаётган машинистлардан сўраб бил. Қаерда жанг бўлаётган экан – Жонсбородан узоқдами, шуни сўра.

– Ё Тангрим, ўзинг раҳм қил! Мисс Скарлетт! – Бирдан Приссининг қора юзи қўрқувдан бужмайиб кетди. – Янкилар Тарагаям етиб боришибдими?

– Мен қаёқдан билай. Айтяпман-ку сенга – сўра-суриштир.

– Худойим, ўзинг раҳм қил! Мисс Скарлетт! Ойимга нима бўлади? – Присси бирдан шундай ув тортдики, бундан Скарлеттнинг қони қайнаб кетди.

– Уввос солишни бас қил! Миссис Меллини қўрқитиб юборасан! Бор, пешбандингни алмаштир, ғизилла!

Қийин-қистовга олинган Присси уйга кириб кетди, Скарлетт эса шоша-пиша уйда топилган бир парча қоғозга – Жералд жўнатган хатнинг четларига ажи-бужи қилиб хат ёзди. Ўзининг хатини кўри-

надиган қилиб қоғозни буклаганида кўзи беихтиёр Жералд ёзган сўзларга тушди: "ойинг ётиб қолди,.. тиф... зинҳор уйга келма..." ва томоғига нимадир тиқилди. Агар Мелани бўлмаса, у ҳозироқ, шу дақиқадаёқ қанот боғлаб уйига учган, пиёда бўлсаям уйига етиб олган бўларди. Хатни кафтида қисганча Присси жадал юриб кетди, Скарлетт эса Меланини алдаш учун тузукроқ баҳона ўйлаб топиб, юқорига чиқди. Бироқ Мелани ҳеч нарса сўрамади. У осмонга қараб ётар, чеҳраси сокин ва хотиржам эди. Скарлетт бир оз енгил тортди.

У ўтириб арзимаган нарсалар ҳақида гапира бошлади, лекин Тара ҳақидаги хавотирли ўй ва янкилар ғалаба қозонади, деган фикр миясини аёвсиз пармаларди. Скарлетт ўлим тўшагида ётган Эллин ҳақида, ҳаммани қирғин-барот қилиб, ҳамма ёққа ўт қўядиган, Атлантага бостириб келаётган янкилар ҳақида ўйларди. Хаёлидан ўтаётган фикрлар борлиғини қўрқув ҳиссига тўлдириб, қулоғида тинмай жаранглаётган тўпларнинг олис гумбур-гумбури остида кечарди. Ниҳоят, ҳеч нарсани илғамаётган кўзларини деразадан иссиқ, жимжит кўча устидаги дарахтларнинг чанг босган, қилт этмай турган баргларига қадаб жим бўлди. Мелани ҳам гапирмасди – фақат ора-сира хотиржам юзи оғриқ азобидан буришиб кетарди.

Ва ҳар гал дард тутганида у:

– Билсанг, бу унчалик азоб бераётгани йўқ, – дерди. Скарлетт унинг ёлғон гапираётганини фаҳмларди. Агар Мелани чидаб ўтирмай, дард чекиб дод солганида ўзига енгилроқ бўларди. У Меланига ичи ачиб қараши лозимлигини билар, аммо унга нисбатан қалбида зиғирчаям ҳамдардлик йўқ эди. Кўнглидаги хавотирлари унинг миясини ғорат қилаётганди. Унинг оғриқдан буришган юзига кўз ташларкан, беихтиёр Скарлеттнинг хаёлидан ўтди: гарчи улар

бир-бирига етти ёт бегона бўлишига, Меланини ёмон кўриши, ҳатто ичида унга ўлим тилашига қарамай, дунёдаги шунча одамлар орасида айнан бу ерда унга боғланиб қолганини қаранг! Начора, балки унинг нияти, эҳтимол, кун поёнига етгунича амалга ошар. Шу ҳақда ўйларкан, қўрқувдан эти жимирлаб кетди. Бировга ўлим тилаш – яхшиликка олиб бормайди, бу худди бировни қарғашдек зараркидир. Қарғиш қарғаётган кишининг бошига тушади, дерди Моможон. Скарлетт шоша-пиша ичида худодан Меланининг ҳаётини сақлаб қолишини тилаб дуо ўқиди, сиртида эса жон-жаҳди билан тилига келган калимани қайтара бошлади. Бир неча дақиқа ўтиб, Мелани иссиқ қўлини унинг билагига қўйди.

– Мени гап билан овунтиришга уринма, жонгинам. Кўнглинг нечоғли безовта эканини биламан. Сени шунчалик ташвишга қўяётганим менга оғир...

Скарлетт жим бўлиб қолди, лекин у хотиржам ўтиролмасди. Мабодо на доктор, на Присси вақтида етиб кела олмаса, нима қилади? У дераза ёнига келиб, кўчага қараб қўйди ва яна стулга чўкди. Кейин туриб, бошқа – қарама-қарши томондаги деразадан қаради.

Бир соат ўтди, иккинчи соат ҳам ўтди. Кун туш бўлди, қуёш тиккага келиб аёвсиз қиздирар, ғир этган шабада йўқ, чанг босган барглар қилт этмасди. Меланининг дарди кучайди. Узун сочлари тердан ҳўл бўлиб кетди, танасига ёпишган кўйлагида қора доғлар пайдо бўла бошлади. Скарлетт бир сўз демай Меланининг юзини ҳўл латта билан артар, аммо қўрқув ич-этини кемирарди. Худойим, доктор етиб келгунича туғруқ бошланса нима бўлади? Унда нима қилиши керак? Ахир, бунга унинг ақли етмайди-ку! Бироқ нега доктор келмаяпти? Скарлетт яна дераза ёнига келиб, кўчага қараб қўйди. У диққат билан қулоқ солар ва унга нимадир эшитилгандай бўларди...

Йўқ, унга шундай туюляпти, шекилли... Тўпларнинг бўғиқ гумбурлаши узоқроқдан келаётгандай туюлди. Агар шундай бўлса, демак, жанглар Жонсборога яқин жойда бўляпти ва, демак...

Ниҳоят, у яна бир марта деразадан бошини чиқариб уйга ҳаккалаб чопиб келаётган Приссини кўрди. Бошини кўтариб Скарлеттни кўрган Присси нимадир демоқчи бўлиб оғзини катта очди. Унинг қоп-қора юзи қўрқувдан бужмайиб кетганди. Присси бақир-чақир қилиб Меланини безовта қилишидан чўчиган Скарлетт шошиб бармоғини лабига босди ва деразадан нари кетди.

– Бориб совуқроқ сув олиб келай, – деди у Меланининг киртайган қора кўзларига қараб жилмайишга уриниб. Сўнг эшикни қаттиқ ёпиб, хонадан тез чиқди.

Присси нафаси тиқилиб, зинанинг қуйи поғонасида ўтирарди.

– Улар Жонсборода, мисс Скарлетт! Айтишларича, бизнинг жентмунларни енгишаётганмиш. Ой, қандай фалокат! Мисс Скарлетт! Онам ва Поркка энди нима бўлади? О, фалокат! Агар янкилар бу ерга келса, нима бўлади? О, қандай фалокат!

Скарлетт қўли билан унинг оғзини ёпиб, йиғи-сиғисини ўчирди.

– Жим бўлсанг-чи, худо ҳақи!

Ҳа, агар янкилар келса, уларнинг ҳоли не кечади? Тарага нима бўлади? Энг муҳим, кечиктириб бўлмас ишларга эътибор қаратиш учун Скарлетт хаёлидан бу ўйларни ирода кучи билан вақтинча узоқроққа қувди.

– Доктор Мид қаерда? У қачон келади?

– Ахир, мен уни кўрмадим, мисс Скарлетт.

– Нима?

– Кўрмадим, мэм! У госпиталда йўқ экан. Миссис Мерриуэзер ҳам, миссис Элсинг ҳам йўқ. Айтишлари-

ча, у йўл ёқасидаги саройда эмиш, у ерга Жонсбородан ярадорларни олиб келишибди. Мен, мисс Скарлетт, у ёққа боришга қўрқдим, у ерда, айтишларича, ўликлар бор экан. Мен ўликлардан қўрқаман...

– Бошқа докторлар-чи.

– Худо ҳақи, мисс Скарлетт, сиз ёзиб берган нарсани уларга беришнинг ҳеч иложини қилолмадим. Ҳаммаси ақлдан озганга ўхшайди. Битта доктор: "Тур, йўқол! Оёқ остида ўралашма! Бу ерда шунча кўп одам ўлиб ётибди-ю, қанақа чақалоқ ҳақида гапиряпсан! Ким бўлсаям бирор хотинни чақир, ёрдам беради", – деди. Шундан сўнг мен, сиз буюрганингиздай, нима гаплигини билиш учун одамлардан сўрай бошладим. Ҳамма бир овоздан: "Жонсборода жанг боряпти, жанг Жонсборода бўляпти", дейишди, шунда мен...

– Доктор Мид вокзалда деяпсанми?

– Ҳа, мэм.

– Кўзингни арт, кўзага тоза сув олиб юқорига чиқ. Миссис Меланининг баданини латта билан артиб чиқ. Унга доктор Мидни чақиргани кетганимни айт.

– У тез орада туғадими, мисс Скарлетт?

– Билмадим. Тез орада туғади, деб қўрқаман, бироқ билмайман. Сен яхшироқ биласан. Юқорига чиқ.

Скарлетт кўзгу токчасидан кенг соябонли похол шляпасини олди-да, шошилиб бошига бостириб кийди. Кўзгуга маъносиз нигоҳ ташлаб, беихтиёр чиқиб қолган сочларини тузатди. Қўрқувдан кўкраги остида пайдо бўлган билинар-билинмас совуқ титроқ иссиқ тер босган танаси бўйлаб ўрмалади ва қўлини қизиб турган ёноғига текизганида титроқ музлаган бармоқлари учида пайдо бўлди. Скарлетт шошиб уйдан кўзни қамаштирадиган қуёшга чиқди. У Шафтолизор кўчасидан жадал юриб борар, жазирама иссиқдан чаккалари зирқирарди. Узоқдан гоҳ кучайиб, гоҳ пасайиб гувиллаган шовқин эшитилар-

ди. Орқа корсети сиқиб боғлангани учун ҳаял ўтмай нафас олиши қийинлашди, лекин у юришини секинлатмади. Овозлар қаттиқроқ эшитила бошлади.

Кўчанинг охирида, Беш Бурчаклар яқинида бузилган чумоли уясидек ғалати жонланиш ҳукм сурарди. Қўрқувдан башаралари қийшайиб кетган негрлар у ёқдан бу ёққа зир югуришарди. Оқ танли болалар эса кўча эшиклари олдида қаровсиз йиғлаб ўтиришарди. Кўчани ҳарбий извошлар, ярадорлар ортилган санитар аравалар ҳамда тепасигача мебель ва сандиқлар, турли лаш-лушлар ортилган аравалар босиб кетганди. Қандайдир отлиқ аскарлар ёнбошдаги тор кўчалардан отилиб чиқиб, Худнинг штаби томонга от чоптириб кетишди. Боннеллар уйи олдида қария Амос извошга қўшилган отни жиловидан ушлаб турарди. Скарлеттни кўриб, унинг кўзлари олайиб кетди.

– Нима, сиз ҳалиям кетмадингизми, мисс Скарлетт? Мана, биз кетяпмиз. Кекса хоним нарсаларни жойлаштиряпти.

– Кетяпмиз? Қаёққа?

– Ким билади дейсиз, мисс. Бош оққан тарафга. Янкилар яқинлашиб келяпти!

Скарлетт, ҳатто хайрлашмай, нари кетишга шошилди. Янкилар яқинлашмоқда! Нафасини ростлаш ва юрагининг дукурлаб уришини босиш учун у Уэсли бутхонаси олдида тўхтаб турди. Тинчланиш керак, бўлмаса ҳушидан айрилади. У фонар устунини маҳкам ушлаб тураркан, Беш Бурчаклардан от чоптириб келаётган зобитни кўриб қолди. Ўйлаб ҳам ўтирмай кўчанинг ўртасига югуриб чиқиб қўл силкий бошлади.

– Тўхтаб туринг! Илтимос, тўхтанг!

Зобит тизгинни силтаб тортганди, от орқа оёқларида тик турди. Унинг чуқур ажин босган ҳорғин юзидан қаттиқ безовталиги билиниб турарди, аммо

кўзи Скарлеттга тушганида эски кулранг шляпаси бошидан учиб тушди.

– Хоним?

– Айтинг, шу ростми? Янкилар яқинлашяптими?

– Шундай деб қўрқаман.

– Сиз буни аниқ биласизми?

– Ҳа, хоним. Буни биламан. Ярим соат олдин штабга Жонсбородаги уруш чизиғидан ҳарбий хабар келди.

– Жонсбородан? Ишончингиз комилми?

– Ишончим комил, хоним. Чиройли хомхаёллар билан ўзни тинчлантиришнинг ҳожати йўқ, хоним. Мактуб генерал Хардидан келган ва унда шундай дейилганди: "Мен жангда ютқаздим ва қўшинларни олиб чиқиб кетяпман".

– Ё худойим!

Зобит унга қаради, маъюс ва ҳорғин чеҳрасида эса ҳеч қандай ҳис-туйғу акс этмади. У тизгинларни йиғди ва шляпасини кийди.

– О, сэр, илтимос, яна бир дақиқа. Биз энди нима қиламиз?

– Айтолмайман, хоним. Армия Атлантани ташлаб кетяпти.

– Ташлаб кетяпти? Бизни тақдир ҳукмига топшириб кетадими?

– Шундай бўлади, деб қўрқаман, хоним. – У отини ниқтади ва шамолдай елдириб кетди. Скарлетт эса тўпиғигача қизил тупроққа ботиб, кўча ўртасида туриб қолди.

Янкилар яқинлашмоқда. Армия шаҳардан чиқиб кетяпти. Янкилар яқинлашмоқда. Нима қилса экан? Қаёққа қочсин? Йўқ, қочиш мумкин эмас. У ёқда Мелани фарзанд кутяпти. Худойим, нима учун аёллар болаларни дунёга келтирадилар! Мелани бўлмаганида эди, у Уэйд ва Приссини олиб, улар билан бирга ўрмонга яширинарди, янкилар уларни ҳеч қачон

у ердан тополмасди. Аммо Меланини ўрмонга олиб кетиб бўлмайди. Ҳозир мумкин эмас. Оҳ, агар у эртароқ, ҳеч бўлмаса, кеча туққанида эди, балки уларни бирор-бир санитар аравага ўтқазиб олиб кетган ва бирор жойга яширган бўларди. Ҳозир эса... Ҳозир доктор Мидни излаб топиш ва уни Меланининг ёнига мажбурлаб олиб бориш керак. Балки Мелани эртароқ туғиши учун у бирор нарса қилар!

Скарлетт этакларини йиғиб, кўчадан югуриб кетди, оёқларининг дупур-дупурида: "Янкилар яқинлашмоқда! Янкилар яқинлашмоқда!" деган сўзлар эшитиларди. Беш Бурчаклар майдонида одам тирбанд, ҳеч ким ҳеч кимни кўрмас, ҳамма санитар извошлар, ҳўкизларга қўшилган аравалар ҳамда ярадорлар ортилган экипажлар орасидан суқилиб ўтиб қаёққадир югурарди.

Ғала-ғувур овозлар тўлқини худди қирғоққа урилиб қайтаётган тўлқин сингари оломон узра гувиллаб турарди. Шу пайт Скарлеттнинг кўз олдида ғалати, ақлга сиғмайдиган манзара намоён бўлди. Вокзал томондан елкаларига сон гўшти ортмоқлаган бир тўда аёл яқинлашиб келарди. Аёллар ортидан эса шинни солинган банкаларнинг оғирлигидан букчайиб кетган болалар зўрға етишиб юрарди. Каттароқ ёшдаги ўғил болалар картошка ва маккажўхори солинган халталарни кўтариб олган. Бир чол ун солинган бочкани аравачага ортиб, судраб борарди. Эркаклар, аёллар, болалар халталар, қутилар, озиқ-овқат солинган идишларнинг – бунча озиқ-овқатни Скарлетт бир йил давомидаям кўришга муяссар бўлмаганди – залвори остида зўрға қадам босишарди. Тўсатдан оломон ҳали у ёнга, ҳали бу ёнга оғиб, елдек учиб келаётган кабриолетга йўл бўшатиб, икки томонга сурилди. Кабриолетда нозик-ниҳол, хушқомат миссис Элсинг қўлида қамчи билан тик туриб отни бошқарарди. Ранги оқариб кетган, бош яланг,

оқ оралаган узун сочлари орқасига ташлаб қўйилган миссис Элсинг тутақиб отни қамчилар ва шу кўринишида у қасоскор Фурилни эслатарди. Унинг олд томондаги ўриндиқда ўтирган, ўйдим-чуқурларда сакраб тушаётган қора танли энагаси Мелисси бир қўли билан ёғли чўчқа тўшини кўксига маҳкам босиб, иккинчи қўли ва оёқлари билан кабриолетга ортилган қутилар ва халталарни ушлаб туришга уринарди. Халталардан бири йиртилиб кетди ва қуритилган ловия тош йўлга сочилди. Скарлетт миссис Элсингни чақирмоқчи бўлиб қичқирди, аммо овози оломоннинг шовқин-суронига кўмилиб кетди, кабриолет эса ёнидан елдек учиб ўтди.

Рўй бераётган воқеаларни Скарлетт фаҳмлаб улгурмади, аммо у тезда ҳарбий озиқ-овқат омборлари вокзал ёнида жойлашганини эслади ва янкилар шаҳарга кириб келмасидан бурун ҳар ким имкони даражасида фойдалансин деб армия омбор эшикларини очиб қўйганини тушунди.

У қўрқиб кетган, саросимада ўзини қаёққа уришни билмай тўлғанаётган оломон орасидан туртиниб-суртиниб ўта бошлади ва бўш жойга чиқиб олиб, энг қисқа йўл билан жони борича вокзалга қараб югурди. Ниҳоят чанг-тўзон ичида у санитар фургонлар орасида замбил кўтариб юрган санитарлар ва докторларнинг ярадорлар устига эгилаётган гавдаларини илғай бошлади. Худойим, ўзингга шукр, ҳозир у доктор Мидни излаб топади! Кириш йўллари ва депо аниқ кўринадиган "Атланта" меҳмонхонаси муюлишига бурилгач, у кўз олдида намоён бўлган манзарадан лол бўлиб, жойида қотиб қолди.

Беаёв қиздираётган қуёш нурлари остида – биров кимнингдир елкасига елкасини, биров кимнингдир оёғига бошини қўйиб – юз-юзлаб ярадорлар темир йўллар ва темир йўл станциясидаги бутун майдонни банд қилганди. Депо айвони остида ётган яра-

дорларнинг охири кўринмасди. Айримлари индамай жим ётар, айримлари тўлғанар ва ингранарди. Ва бу қонлар, боғланган кир-чир бинтлар, тишларнинг ғижирлаши, санитарлар замбилдан олиб ерга ётқизаётганида ярадорларнинг оғзидан отилиб чиқаётган лаънатлар узра пашшалар булутдек ёпирилиб, ҳавода гир айланар, ғувиллар, юзларда ўрмаларди. Жазирама ҳаводан тер, қон, ювуқсиз таналар, нажас ва пешоб ҳиди анқирди. Қўланса ҳид тўлқини Скарлеттнинг димоғига келиб урилар ва баъзан кўнгли ағдарилаётгандай туюларди. Ерда деярли бир-бири билан ёнма-ён сиқилиб, чўзилиб ётган таналар ўртасида замбил кўтарган санитарлар кўпинча ярадорларни босиб, у ёқдан бу ёққа зир югурар, ярадорлар эса юқорига қараб чидам билан жим ётишар – қачон санитарларнинг қўли ўзларига етиб келишини кутишарди.

Скарлетт кўнгли беҳузур бўлаётганини сезди ва кафти билан оғзини ёпиб, ортга тисарилди. Ортиқ бир қадам ҳам босолмасди. У жуда кўп ярадорларни кўрган эди, госпиталларда ҳам, Шафтолизор сойи бўйидаги жангдан сўнг Питти амманинг уйи олдидаги майсазорда ҳам, аммо уларни ҳозир кўриб турган манзара билан қиёслаб бўлмасди. Қони оқиб турган, бадбўй ҳид таратаётган таналар шундоқ қуёш тиғи остида ётарди – йўқ, бунақасини у ҳали ҳеч қачон кўрмаганди! Бу чиндан жаҳаннам эди – азоблар, қичқириқлар, қўланса ҳид ва... Тезроқ! Тезроқ! Тезроқ! Янкилар яқинлашмоқда! Янкилар яқинлашмоқда!

Скарлетт қоматини тик тутиб, ярадорлар ётган тарафга юрди ва доктор Мидни излаб, тик турган одамларга кўз югуртириб чиқди. Ва шу дамда ҳеч нарса қилолмаслигини тушунди, чунки бирорта бечорани босиб олмаслик учун оёқлари остига қараб юриши зарур эди. У кўйлагининг этакларини йиғди

ва эҳтиёткорлик билан ерда ётган таналарни оралаб нарироқда турган ва замбил кўтарган санитарларга кўрсатма бераётган эркаклар томон юрди. Йўлда кимнингдир қўли уни юбкасидан қаттиқ тортди, Скарлетт хириллаган хитобни эшитди:

– Леди, сув беринг! Леди илтимос, сув беринг! Худо ҳақи, леди, сув беринг!

Унинг юзидан тер қуйилди, у этагига ёпишиб олган қўлдан қутилишга уринди. Агар ярадорларнинг бирортасини босиб олса, чинқириб юборадигандай ва ҳушдан кетадигандай туюларди. Скарлетт кўзлари шишадек нурсиз, қорнидаги очилиб ётган яралари ва уларга ёпишиб қотиб қолган қонли кийим парчаларини қўллари билан босиб, қилт этмай ётган мурдалар ва ярадорлар устидан ҳатлаб ўтар, ҳар тарафда қуюлиб қолган қондан таёқдек диккайиб қолган соқоллар, синиб кетган жағлар кўринар, йиртилиб кетган оғизлардан, эҳтимол:

– Сув, сув! – деган маънодаги англаб бўлмас товушлар чиқаётганди. Агар у ҳозироқ доктор Мидни топмаса, жазавага тушиши аниқ. Скарлетт айвон тагида турган эркакларга қараб кучи борича қичқирди:

– Доктор Мид! Бу ерда доктор Мид борми?

Эркаклардан бири ўгирилиб қаради ва гуруҳдан ажралиб чиқди. Бу доктор Мид эди: сюртуксиз, енглари тирсаккача шимарилган, шими ҳам, кўйлаги ҳам қассобникидай қондан алвон рангга бўялган ва ҳатто оқара бошлаган соқолининг учи ҳам қон эди. У ширакайф одамга ўхшар – ўлгудек чарчаганидан, қаттиқ ачинганидан ва иложсиз ғазабдан сархуш эди. Чанг ўтириб қолган бўздай юзидан оқаётган тер эгри-бугри из қолдирарди. Аммо Скарлеттга гапирганида овози хотиржам ва қатъий чиқди.

– Келганингиз учун худога шукрлар бўлсин. Ҳозир менга ҳар битта қўл қадрли.

У этагини қўйиб юборди ва докторга эсанкираб қараганча бир лаҳза анқайиб туриб қолди. Этаги ярадорлардан бирининг юзига тушди, ярадор нафасини қайтараётган этак бурмачасидан қутулишга уриниб, чор-ночор бошини сермарди. Нимани гапиряпти бу доктор? Санитар араваларнинг ғилдираклари остидан учаётган чанг-тўзон таъсирида томоғи қичий бошлади, кўнгилни айнитадиган жирканч бадбўй ҳиддан бурнининг катаклари шилимшиқ бўлиб қолди.

– Тезроқ бу ёққа кел, ҳой қиз! Тезроқ!

Скарлетт этакларини қўлига ола шошиб чўзилиб ётган гавдалар устидан ҳатлаганча у томон юрди. У докторнинг қўлидан ушлаб олди ва унинг асаблари зўриққанини, чарчоқдан, юзида ҳали қатъият сақланиб қолган бўлса-да, қўллари қалтираётганини ҳис қилди.

– Эҳ, доктор! – хитоб қилди у. – Сиз бизникига боришингиз керак. Меланининг кўзи ёрияпти.

Доктор Скарлеттга шундай қарадики, гўё унинг айтган гаплари доктор Миднинг онгига етиб бормаётгандек эди. Ерда сафар қозончасини бошига қўйиб ётган ярадорлардан бири унинг гапини эшитиб, хушфеъллик билан илжайди:

– Э, буни ўзлари ҳам эплай олишади, – деди у аёлларни мақтаган бўлиб.

Скарлетт унга ҳатто қайрилиб ҳам қарамади, у докторни елкасидан ушлаб силкитди.

– Мелани. Унинг боласи бор! Доктор, сиз боришингиз керак! У... унинг. – Ҳозир шама қилиб гапиришнинг фурсати эмас, аммо юзлаб эркаклар орасида Скарлеттнинг тили калимага келмасди. – Уни қаттиқ тўлғоқ тутяпти. Доктор, илтимос!

– Нима? Туғяпти! Оббо! – доктор бирдан қайнаб кетди, юзи эса ғазабдан бужмайди – бу Скарлеттга эмас, балки бундай кўргуликлар рўй бераётган дун-

ёга қаратилган ғазаб эди. – Нима, ақлдан оздингизми? Бу одамларни қандай ташлаб кетаман? Юзлаб одамлар ўлиб кетяпти! Мен уларни қарғиш теккан болани деб ташлаб кетолмайман. Бирорта аёлни топинг, у сизга ёрдам беради. Менинг хотинимни чақиринг.

Скарлетт миссис Мид келолмаслигининг сабабини айтмоқчи бўлиб оғиз жуфтлаганди, дами ичига тушиб кетди. Ўғли яраланганини у ҳатто билмайдиям! Скарлеттнинг хаёлидан "ялт" этиб бир фикр ўтди: агар доктор билса, шу ерда қолармиди; ички бир сезги унга шипшиди: ҳа, ҳатто Фил жон таслим қилаётган бўлса ҳам, доктор бир кишига эмас, кўпчиликка ёрдам кўрсатиш учун ўз ўрнини тарк этмасди.

– Сиз унинг ёнига боришингиз керак, доктор! Туғиши қийин кечади, деб ўзингиз айтгандингиз... – Наҳотки Скарлетт шу ерда, жаҳаннамда, инграшлар ва оҳ-воҳлар ичида турибди ва ҳаммага эшиттириб ёмон ва қўпол сўзларни айтяпти? – Агар бормасангиз у ўлади!

Доктор қўлини Скарлеттнинг ёпишиб олган бармоқлари орасидан тортиб олди ва гўё унинг гапларини эшитмагандек ёки маъносига бормагандек, шундай деди:

– Ўлади! Э, уларнинг ҳаммаси ўлади – бу одамларнинг бари ўлади. Бинт ҳам, йод ҳам, хинин ҳам, хлороформ ҳам йўқ. Ё тангрим, ҳеч қуриса озгина морфий бўлганида эди! Ҳеч бўлмаса энг оғир ярадорлар учун! Қанийди озгина хлороформ топилсайди! Янкиларга лаънатлар бўлсин! Лаънат уларга!

– Қани энди уларни ер ютса, доктор! – деди оёқлари остида ётган киши, унинг тўзғиган соқоли устида қайралган тишлари ярқираб кетди.

Скарлеттнинг бутун танаси титрай бошлади, қўрқувдан кўзлари ёшга тўлди. Доктор у билан Ме-

ланининг ёнига бормайди. Мелани ўлади. У ҳозиргина унга ўлим тилаганди. Йўқ, доктор бормайди.

– Худо йўлига, доктор! Қани, илтимос, юра қолинг!

Доктор лабини тишлади, ёноқларида ғурралар ўйнай бошлади ва у ўзини қўлга олди.

– Болагинам, ҳаракат қиламан. Ваъда беролмайман, аммо ҳаракат қиламан! Бу одамларга қўлимиздан келганича ёрдам берганимиздан сўнг. Янкилар яқинлашмоқда, бизникилар эса шаҳарни ташлаб кетяпти. Янкилар ярадорларга қандай муносабатда бўлади, буни билмайман. Поездлар юрмаяпти. Мейконга борадиган йўл янкилар қўлида... Лекин мен уриниб кўраман. Сиз ҳозирча кетаверинг. Ишга халақит берманг. Бола туғдириш у қадар мураккаб иш эмас. Фақат киндигини боғлаш керак, холос.

Санитар докторнинг қўлидан тортди, у Скарлеттга терс ўгирилди ва ҳали у, ҳали бу ярадорга қараб кўрсатмалар бера бошлади. Ерда ётган одам Скарлеттга ҳамдардлик билан қаради. Скарлетт унга орқа ўгирди, аммо доктор аллақачон уни унутганди. У шоша-пиша ярадорлар орасидан туртиниб ўтиб орқага, Шафтолизор кўчаси томонга юра бошлади. Энди ўзи эплашига тўғри келади. Тағин ҳам худога шукрки, Присси акушерлик соҳасида ҳамма нарсани билади. Иссиқдан унинг боши ёрилай дер, кўйлагининг тердан ҳўл бўлган юқори қисми танасига ёпишиб қолганди. Мияси ўтмаслашди, оёқлари эса пахтага ўхшаб қолди – худди қўрқинчли тушдагидай югуриш кераклигини биласану, аммо жойингдан жилолмайсан. Унга уйга қайтиб борадиган йўлнинг охири йўқдай туюларди.

Кейин миясида тағин таниш ибора айланди: "Янкилар яқинлашмоқда!". Юраги қаттиқроқ уриб, танаси ҳаётга қайта бошлади. Қадамини жадаллатганча Беш Бурчаклардаги оломонга қўшилиб кетди – бу

ерда одам шу қадар кўп эдики, у тор йўлкадан тош йўлга ўтиб олишга мажбур бўлди. Чангга беланган, чарчоқдан оёқларини зўрға судраб босаётган аскарлар қаторлашиб ўтиб боришарди. Соч-соқоллари ўсиб кетган, кир-чир, елкаларига милтиқ осиб олган, ёнгинасидан ҳарбийчасига қадам ташлаб ўтиб бораётган аскарларнинг кети узилмайдигандек туюларди. Тўпларни судраб кетаётган, эти устихонига ёпишган хачирларни ҳайдаб бораётган аскарлар уларни хом теридан тўқилган қамчи билан савалардди. Брезент соябонли озиқ-овқат извошлари тош кўчанинг ўнқир-чўнқирларида силкиниб борарди. Боши-кети йўқ отлиқ аскарлар чанг-тўзон кўтариб, навбат билан ўтиб борарди. Ҳали ҳеч қачон Скарлетт бунчалик кўп ҳарбийни кўрмаганди. Чекиниш! Чекиниш! Армия шаҳарни тарк этаётганди.

Уни яна орқага, одамлар билан тўла йўлкага сиқиб чиқаришди, шунда у арзон маккажўхори ароғининг ўткир, кўнгилни айнитувчи ҳидини туйди. Декейтер кўчаси муюлишидаги оломон орасида бир неча башанг кийинган аёллар турарди, уларнинг байрамона гулдор либослари ва бўёқ сурилган юзлари атроф-муҳитга мутлақо номутаносиблиги билан кўзга яққол ташланарди. Уларнинг деярли ҳаммаси ширакайф, уларга осилиб олган аскарлар эса улардан баттар маст эди. Оловранг соч гажаклари кўзга ташланди, ўткир мастона кулги эшитилди, Скарлетт бу шўрлик бандани – оёғида зўрға турган бир қўлли ширакайф аскарнинг пинжига кириб олган Соҳибжамол Уотлингни таниди. Беш Бурчаклардан бир мавзе наридаги оломон сийраклаша бошлаган жойга бир амаллаб чиқиб олгач, Скарлетт этакларини кўтариб яна югуриб кетди. Уэсли бутхонасигача чопиб борганида бирдан нафаси қайтаётганини, боши айланиб, кўзлари тиниб кетаётганини сезди. Корсети қовурғасига қадалиб, нафас олдирмасди. У

бутхона эшиги олдидаги зинага ўтириб бошини қўлларига қўйди ва нафасини ростлаб олишга уринди. Қани энди чуқурроқ нафас ололса. Қани энди юраги бундай дукурлашдан ва бундай кескин уришдан тўхтаса! Қани энди бу ақлдан озган шаҳарда у ёрдам сўрай оладиган биттагина одам топилса!

Бутун умри давомида у ҳеч қачон ўзи ҳақида қайғурмаганди. Ёнида доим ҳамма нарсани тайёрлаб қўядиган, эҳтиётлайдиган, ҳомийлик қиладиган, эркалайдиган кимдир бўлган. Унинг бирдан бундай аҳволга тушиб қолишига ҳеч ишониб бўлмайди. Бошига кулфат тушганда ёрдам берадиган на қўшнилари, на дўстлари бор. Илгари атрофида дўстлари, қўшнилари, хизматкор қулларнинг моҳир қўллари ҳозиру нозир эди. Энди эса – ҳаётининг бу энг оғир дамларида – ҳеч кими йўқ. Бу қандай рўй бердики, у туғилган уйидан узоқда, қаттиқ қўрқув исканжасида тамом ёлғиз қолди?

Тара! Оҳ, қанийди ҳозир уйида бўлса, ҳатто янкилар изғиб юрган бўлсаям майли! Ҳатто Эллин ич терлама билан оғриган бўлсаям майли! Ишқилиб унинг жондан ортиқ меҳрибон юзини кўрса, Моможоннинг бақувват қўлларини ҳис этса бас!

У бир оз гандираклаб оёққа турди ва юришда давом этди. Уйга яқинлашаётиб, дарчага осилиб ўйнаётган Уэйдни кўрди. Ойисини кўргач, болакайнинг юзи аразли бужмайди, у шилинган кир бармоғини кўрсатиб, ҳиқиллаб йиғлай бошлади.

– Оғрияпти! – Бола пиқиллаб йиғлади.

– Жим бўл! Ҳозироқ жим бўл! Бўлмаса шапалоқ ейсан. Орқа ҳовлига чиқиб, қум ўйнаб ўтир, бошқа ёққа боришни хаёлингга ҳам келтирма!

– Овқат егим келяпти! – ғингшиди у шилинган бармоғини оғзига тиқиб.

– Баҳона қилма! Орқа ҳовлига жўна ва...

Скарлетт бошини кўтариб, юқори қаватдан қараб турган Приссини кўрди, унинг чеҳрасида ташвиш ва

қўрқув аломатлари зоҳир эди, бироқ бекасини кўргач, дарҳол дадиллашди. Пастга тушишини буюриб Скарлетт унга қўл силкиди ва уйга кирди. Даҳлиз салқин эди! У шляпасининг тасмаларини ечиб, кўзгу токчасига ташлади ва қўли билан терлаган пешонасини артди. Юқорида эшик очилди ва Скарлетт чўзиқ, юракни эзадиган, чексиз азобга тўла инграган товушни эшитди. Присси икки поғоналаб сакраб, зинадан чопиб тушди.

–Доктор келдими?

– Йўқ. У келолмайди.

– Худойим, мисс Скарлетт! Мисс Меллининг аҳволи жуда оғир!

– Доктор келолмайди. Ҳеч ким келолмайди. Чақалоққа сен доялик қилишингга тўғри келади. Мен сенга ёрдам бераман.

Присси бир нарса дейишга беҳуда уриниб, оғзини ланг очганча қотиб қолди. У Скарлеттга кўз қири билан қараб, жойида депсина бошлади.

– Нега ўзингни гўлликка соляпсан! – унинг аҳмоқона қилиғидан ғазаби тошган Скарлетт қичқириб юборди.

Присси ортга, зина томонга тисарилди.

– Худойим, ўзинг раҳм қил! Мисс Скарлетт... – унинг қўрқувдан ола-кула бўлиб кетган кўзларида ҳам саросима, ҳам уят акс этарди.

– Нима бўлди?

– Худойим, ўзинг кечир, мисс Скарлетт! Доктор келиши керак. Мен... мен... мисс Скарлетт, мен бунақа ишларни билмайман. Доялик қилаётганида ойим мени яқинига ҳам йўлатмасди.

Скарлетт додлаб юборди: ваҳимадан нафаси ичига тушиб кетди. Кейин вужудини ғазаб эгаллади. Присси унинг ёнидан лип этиб ўтиб, ортига қарамай қочмоқчи бўлди, аммо Скарлетт қўлидан ушлаб қолди.

– Эҳ сен, қоп-қора ёлғончи! Нима деб валдираяпсан? Ҳамма нарсани ўрганганман, дегандинг-ку. Қани, тўғрисини айт! Гапир! – Скарлетт уни шундай силтадики, жингалак сочли қора бош у ёқдан бу ёққа тебрана бошлади.

– Мен алдагандим, мисс Скарлетт! Менга нима бўлганини ўзим ҳам билмайман. Бу қандай бўлишини бир мартагина кўрувдим, ойим мўралаб қарамасин деб мени боплаб савалаганди.

Скарлетт ғазаб билан унга индамай қараб турар, Присси ғужанак бўлиб олган, хонадан чиқиб кетишга уринарди. Бир муддат Скарлеттнинг идроки ўзи англаган ҳақиқатни тан олишдан бош тортиб турди, аммо Присси акушерлик илмини ўзидан ортиқ тушунмаслигини яққол англаб етганидан сўнг эса қаҳрли ғазаб уни оловдек куйдирди. Скарлетт умрида бирор марта қулларга қўл кўтармаганди, ҳозир эса қора танли хизматкорининг юзига бор кучи билан қулочкашлаб тарсаки туширди. Присси оғриқдан кўра кўпроқ қўрқувдан чинқириб юборди ва бекасининг қўлидан қутулиб чиқиш учун жойида сакрай бошлади.

Присси чинқирганида юқоридан келаётган инграшлар тиниб қолди ва бир пасдан кейин Меланининг заиф, титроқ овози эшитилди:

– Скарлетт! Бу сенмисан? Илтимос, ёнимга чиқ! Илтимос!

Скарлетт Приссининг қўлини қўйиб юборди, қизча эса ҳиқиллаб ўзини зинага ташлади. Скарлетт бир дақиқа яна Меланининг хонасидан эшитила бошлаган ингроқларга қулоқ тутиб, қимирламай турди. Қимирламай тураркан, елкасига асорат юки ортилгандай, яна бир қадам босса бу юк уни ерга қапиштириб ташлайдигандай туюлди.

У Уэйдни туғаётганида Моможон билан Эллин унга қандай ёрдам бермоқчи бўлишганини эслашга

уринди, аммо ҳаммаси тўлғоқ азоблари туфайли хотирасидан ўчиб кетган, тумандагидай хира, ноаниқ эди. Шундай бўлса-да, баъзи нарсаларни эслади ва тезда қатъият билан Приссига кўрсатма бера бошлади:

– Бор, ўчоқни ёқ, қозонга сув солиб, оловга қўй. Қўлга илинган барча сочиқларни олиб кел. Қайчини ҳам. Ҳеч нарса тополмаганингни менга айтиб ўтирма. Тез топ ва олиб кел. Қани, тез бўл!

У Приссини шартта оёққа турғизди ва ошхона эшигига итариб юборди. Сўнгра елкаларини тик тутиб, зинадан кўтарила бошлади. Унинг олдида турган вазифа осон эмасди – Меланига Присси ёрдамида унга ўзи доялик қилишини айтиши керак.

XXII боб

Кун ҳам шу қадар чўзилиши, пешиндан кейинги соатлар имиллаб, ҳаво нафасни бўғадиган даражада иссиқ бўлиши мумкинми? Пашшалар, хира, ялқов пашшалар ҳам шунчалик кўпки. Скарлетт пальма шохчаси билан тинмай елпиганига қарамай, улар Меланининг устида булутдек айланарди. Ҳатто унинг қўллари қотиб қолган, бироқ барча саъй-ҳаракатлари зое кетаётганга ўхшарди: у Меланининг тер босган юзидан пашшаларни ҳайдаб улгурмай, улар тердан шиламшиқ бўлиб қолган оёқларида ўрмалар, оёқлари мадорсизликдан титраб кетар, Мелани эса хитоб қиларди:

– Илтимос, оёқларимдан уларни ҳайда!

Скарлетт иссиқдан ва қуёшнинг ўткир нурларидан сақланиш учун пардани туширди, хонага нимқоронғулик чўкди. Фақат парданинг четлари ҳамда энсиз тирқишларидан нур тушиб турарди, холос. Хона қаттиқ қиздирилган печга айланди ва Скарлеттнинг тердан чок-чокигача ивиган кўйлаги соат сайин ҳўл

ва ёпишқоқ бўла борди. Бурчакда ғужанак бўлиб ўтирган Приссидан аччиқ тер ҳиди келар, назоратидан қутулиб чиқса қизча шу заҳоти қочиб кетишидан қўрқмаганида эди, Скарлетт аллақачон уни ташқарига ҳайдаб юборган бўларди. Мелани тер ва тўкилган сувдан қорайиб кетган чойшабларда ётар ва ётган жойида ҳали ўнг, ҳали чап ёнбошига, ҳали орқасига – яна ва яна у ёқдан бу ёққа ағдариларди.

Ора-сира у туриб ўтиришга уринар, лекин шу заҳотиёқ ёстиққа қулаб тушар ва тағин у ёнбошидан бу ёнбошига ағдарила бошларди. Бошида у бақирмасликка уринди ва лабларини қаттиқ тишлаб ташладики, қони чиқиб кетди, ниҳоят асаби қақшаган Скарлетт вишиллади:

– Азбаройи худо, Мелли, қаҳрамонлик кўрсатишни бас қил. Бақиргинг келаётган бўлса, бақир. Ахир, иккимиздан бўлак ҳеч ким эшитмайди.

Пешиндан кейинги соатлар имиллаб ўтар, Мелани эса ўзини қанчалик маҳкам тутмасин, барибир инграб, чинқира бошлади. Шунда Скарлетт юзини қўллари билан яширар, қулоқларини бекитар ва у ёқдан бу ёққа чайқалиб, ўлишни орзу қиларди. Нима бўлса бўлсин, ишқилиб бу азобларнинг уқувсиз шоҳиди бўлмаса бас! Нима бўлса бўлсин, фақат бу ерда дунёга келишни асло истамаётган чақалоқнинг туғилишини кутиб, боғловдаги итдай ўтирмаса бўлгани. Янкилар аллақачон Беш Бурчакларда экани аниқ бўлган бир пайтда кутиб ўтириш керак!

У ўз вақтида кайвони аёллар кимнингдир кўзи ёригани ҳақида пичирлашиб гапиришганида эътибор билан тингламагани учун қаттиқ афсус чекди. Эҳ, нима учун шундай қилмади-я! Шу нарсаларга кўпроқ қизиққанида ҳозир Меланида туғруқ чўзилиб кетган-кетмагани унга аён бўларди. Питти аммани икки кун тўлғоқ тутиб, туғолмай ўлиб қолган ўртоғи ҳақидаги ҳикоясини элас-элас эслади. Агар

Меланида ҳам бу икки кун давом этса нима бўлади? Лекин унинг тана тузилиши жудаям нозик-ку! У бу азобларга узоқ дош беролмайди. Модомики, бола дунёга келишга шошилмаса у ўлади. У ҳолда Скарлетт Эшлининг кўзига қандай қарайди – агар, албатта, у ҳали тирик бўлса – қандай қилиб унга Меланини ўлди дейди, ахир, у Эшлига Меланига ғамхўрлик қилишга сўз берган-ку!

Дастлаб, тўлғоқ кучайган пайтларда, Мелани Скарлеттнинг қўлини ушлаб шундай қаттиқ қисардики, бўғинлари қисирлаб кетарди. Бир соатдан сўнг Скарлеттнинг қўллари шишиб, қизариб кетган ва у қўлларини зўрға қимирлатарди. Шунда у иккита узун сочиқни олиб, каравотнинг суянчиғидан ўтказиб учларини тугун қилиб боғлади, тугунни эса Меланининг қўлига солди. Худди чўкаётган одам қутқарув халқасига ёпишгандай Мелани ҳам унга қаттиқ ёпишди: у бор кучи билан сочиқларни тортар, қўйиб юборар, уларни парча-парча қилиб йиртиб ташлагудай бўларди. У қопқонга тушган жонивордек қичқирарди – бу ҳол эса соатлаб давом этди. Баъзан сочиқларни қўйиб юборар, бўшашиб кафтини ишқар ва катта очилган, оғриқ азобидан кенгайиб кетган кўзлари билан Скарлеттга қararди.

– Мен билан гаплашиб ўтир. Илтимос, мен билан гаплаш, – эшитилар-эшитилмас пичирларди у ва Скарлетт ҳам Мелани сочиқларга ёпишиб яна тўшакда тўлғанишни бошламагунича, оғзига келган гапни гапирарди.

Нимқоронғу хона иссиқдан, ингранишлару пашшаларнинг ғувиллашида эриб борарди. Скарлеттга тонг қаёққадир кўз илғамас уфқларга сурилгандек туюларди. Гўё у шу ерда, нам, диққинафас нимқоронғу хонада бир умр ўтиргандек эди. Ҳар гал Мелани чинқира бошлаганида Скарлетт ҳам қичқиргиси келар ва лабини тишлар, оғриқ уни ўзига келишга

мажбур қилар ва у жазавага тушгудек бўлиб қотиб қоларди.

Бир марта у Уэйднинг оёқ учида зинадан юқорига сездирмай чиққанини ва эшик ортида тўхтаб ғингшиганини эшитди:

– Овқат егим келяпти!

Скарлетт эшик томон йўналганди, Мелани шивирлаб ёлворди:

– Кетма. Илтимос. Сенсиз бардош беролмайман.

Шунда Скарлетт Приссига пастга тушиб, нонуштадан қолган жўхори бўтқани иситиб, болага едиришни буюрди. Ўзи эса, бугунги азоб-уқубатлардан кейин, бир луқма ҳам овқат ютолмайдиганга ўхшарди.

Камин устидаги соат тўхтаб қолган, Скарлетт эса ҳозир соат неча бўлганини тасаввур ҳам қилолмасди, бироқ хонадаги иссиқ пасая бошлаб, ташқаридан тушаётган нурлар хиралашгач, у пардани кўтарди ва кеч кираётгани, қуёшнинг тўқ қизил шари уфққа бота бошлаганини кўриб ҳайрон бўлди. Негадир унга туш пайтидаги жазираманинг адоғи йўқдек туюлганди.

У шаҳарда нима воқеалар юз бераётганини билиш истаги билан ёнарди. Шаҳарни ҳамма қўшинлар ташлаб чиқдимикан? Янкилар шаҳарга кирганми? Наҳотки конфедератлар шаҳарни жангсиз топширишса? Конфедератларнинг нечоғли кам қолгани ва Шерманнинг қорни тўқ аскарлари нечоғли кўплиги ҳақида ўйлаганида унинг юраги пастга тортиб кетди! Шерман! Бу исм унинг юрагига шу қадар ғулғула солардики, назарида гўё бу одамда иблис мужассамлашганди. Бироқ хаёл суришга вақт йўқ эди. Мелани сув сўрар, пешонасидаги ҳўл сочиқни алмаштиришни, елпиб туришни, юзига қўнган пашшаларни ҳайдашни илтимос қиларди.

Буткул қоронғулик чўкканида хонада қора арвоҳдек лип-лип этиб юрган Присси чироқни ёқди, Мелани заифлаша бошлади. Унинг чинқириғидаги бир хил ваҳимали садо Скарлеттда унинг оғзини ёстиқ билан ёпиш истагини туғдирмагунича, у худди алаҳсираётгандай ёнига қайта-қайта Эшлини чақира бошлади. Шояд доктор келиб қолса! Ё Худойим, қани энди у тезроқ кела қолса! Яна унинг юрагида умид учқунлари пайдо бўлди ва Приссига Мидларникига боришни, уйда доктор Мид ёки миссис Мид бор-йўқлигини билиб келишни буюрди.

– Агар доктор бўлмаса, миссис Мид ёки ошпаз аёлдан нима қилиш кераклигини сўра. Бирортасидан келинг, деб илтимос қил.

Присси зинадан дупурлаб югуриб тушди ва Скарлетт деразадан бу имиллаган қизчанинг ўз одатига зид тарзда тез югуриб кетаётганини кўрди. У анча узоқ кетди ва бир ўзи қайтди.

– Доктор кун бўйи уйга келмаган экан, эҳтимол, у аскарлар билан бирга кетгандир, дейишяпти. Мисс Скарлетт, мистер Фил вафот этибди.

– Ўлибдими?

– Ҳа, мэм. – Присси бу хабарнинг муҳимлигидан шишиб кетди. – Тальбот, уларнинг аравакаши, айтди. Уни яралашибди...

– Бўпти, ишдан гапир.

– Мисс Мидни кўрмадим. Ошпазнинг айтишича, мисс Мид уни ювиб-тараётганмиш, янкилар етиб келмасидан бурун дафн қилмоқчи экан. Ошпаз аёл, агар мисс Мелли қаттиқ оғриса, каравоти тагига пичоқ қўйиш керак, пичоқ оғриқни иккига бўлади, деди.

Скарлетт бу фойдали маслаҳатга жавобан унинг юзига яна бир шапалоқ тортиб юборишдан ўзини зўрға тийди, аммо шу чоғ Мелани қўрқувдан олайиб кетган катта-катта кўзларини очди ва пичирлади:

– Азизам, янкилар келишяптими?

– Йўқ, – деди қатъий оҳангда Скарлетт. – Присси тўқияпти.

– Ҳа, мэм. Мен тўқиб чиқаряпман, – жон-жаҳди билан тасдиқлади Присси.

– Улар яқинлашяпти, – ёлғонга ишонмай пичирлади Мелани ва юзини ёстиққа босди. Энди унинг овози зўрға эшитиларди. – Менинг шўрлик болагинам... Шўрлик болагинам... – Ва узоқ сукутдан кейин минғирлади: – Оҳ, Скарлетт, сен бу ерда қолмаслигинг керак. Кет, ўзинг билан Уэйдни ҳам олиб кет.

Мелани бор-йўғи Скарлеттнинг ўзи ҳам ўйлаган нарсани овоз чиқариб айтди, аммо бундан Скарлеттнинг жаҳли чиқди – у уялиб кетди, гўё Мелани унинг қўрқоқларга хос ўй-фикрларини юзидан уққандек эди.

– Аҳмоқ бўлма. Мен ҳеч нарсадан қўрқмайман. Биласан-ку, мен сени ташлаб кетмайман.

– Бекор қиласан. Барибир мен ўламан. – У яна инграй бошлади.

Скарлетт қари кампирдай панжарага ёпишиб, қоронғу зинадан пайпасланиб, секин туша бошлади. Оёқлари тахтадай қотиб қолган, чарчоқ ва зўриқишдан мункиб кетар, кийимини жиққа ҳўл қилган совуқ, ёпишқоқ тердан бадани титрарди. У бир амаллаб айвонга етиб олиб, зинапояга ўтирди ва орқаси билан устунга суяниб, титраётган бармоқлари билан кўйлагининг олд тугмаларини ечди. Илиқ, мулойим оқшом сукунати уни ҳар томондан чулғаб олди ва у зим-зиё қоронғуликка термилганча хаста урғочи байталдай ғайришуурий тарзда ёнбошлади.

Ҳаммаси ортда қолганди. Мелани ўлмай қолди, ушоқдеккина, мушук боласидай ора-сира чийиллаб қўядиган ўғил чақалоқ ўзининг илк таҳоратини Приссининг қўлидан олди. Мелани ухлаб қолди. Бундай даҳшатдан сўнг, бундай қўрқинчли қичқи-

риқлар, азоб-уқубатлардан сўнг, қолаверса, фойдадан кўра кўпроқ азоб берган уқувсиз акушерликдан сўнг у қандай ухлаши мумкин? Агар Меланининг ўрнида бўлса, аллақачон ўлиб кетишига у заррача шубҳа қилмасди. Мелани эса, ҳаммаси якун топгач, ҳатто зўрға эшитиладиган қилиб минғирлашга ўзида куч топдики, унинг юзига эгилиб қулоқ тутишга тўғри келди: "Раҳмат". Шундан сўнг у ухлаб қолди. Қандай ухлай олди-я? Скарлетт ҳам Уэйдни туққач дарҳол ухлаб қолгани ёдидан чиқиб кетганди. У, умуман, ҳамма нарсани унутганди. Миясида ғалати бўшлиқ бор эди, атрофидаги олам ҳам бўм-бўш эди. Бугунги беҳад чўзилган кундан олдин ҳам ҳеч нарса йўқ эди, кейин ҳам ҳеч нарса бўлмайди. Фақат оғир ва илиқ оқшом қоронғуси, фақат кўксидан отилиб чиқаётган нафаснинг бўғиқ саси, фақат қўлтиқдан белга, белдан тиззага оқиб тушаётган совуқ ва қитиқни келтирадиган тер – этни жунжиктирадиган, ширали ва ёпишқоқ тер бор эди, холос.

Скарлетт ўзининг қаттиқ, бир текис олаётган нафаси ғайриихтиёрий равишда хўрсиниб йиғлашга эврилганини ҳис қилди, бироқ кўзларида нам йўқ, кўзлари куйиб-ачишар, энди улардан бир томчи ҳам ёш тўкилмайдигандай туюларди. У қийналиб секин эгилди, ҳурпайган этакларини чангаллаб белигача шимарди. Исиб кетаётганди. Гарчи совуқ ёпишқоқ тердан уни хийла титроқ босган эса-да, тунги тоза ҳаво танига хуш ёқарди. Тўсатдан хаёлидан бир фикр ўтди: уни бу ерда, зинапояда, этакларини кўтариб, панталонлари кўринган ҳолда ётганини кўрса, Питти амма нима дерди? Аммо унга барибир. У ҳаммасига тупуради. Вақт тўхтаб қолган. Балки қуёш эндигина ботгандир, балки аллақачон тун яримдан оққандир. У билмайди, унга барибир.

У зинадан келаётган қадам товушини эшитди ва "Жин урсин бу Приссини!", деб ўйлади, кўзлари эса

юмилиб борар, қаттиқ уйқу босиб келарди. Уйқунинг бир лаҳзаси ўтиб кетди, шуурига Присси ёнида туриб, ўзидан мамнун ҳолда нимадир деяётгани етиб борди.

– Ҳаммаси яхши бўлди, мисс Скарлетт. Қўйинг-чи, ҳатто онам ҳам бундан яхшироқ доялик қилолмасди.

Скарлетт унга қоронғуликдан кўз ташлади ва чарчаганидан қизчани на қувиб сололди, на уришолди, беадад гуноҳлари – гўё билимдондек мақтангани, қўрқоқлиги, эпсизлиги, беўхшовлиги, қалтис дақиқаларда уқувсизлиги, тўшакка бир лаган сувни ағдариб юборгани, қайчини қаёққадир тиқиб қўйгани, чақалоқни қўлидан тушириб юборгани, энди эса бу ерда туриб ўзининг ютуғи билан мақтанаётгани учун танбеҳ ҳам бера олмади.

Тағин янкилар бу негрларни озод қилишмоқчи! Майли, марҳамат қилиб уларни ўзингизга қўшиб олаверинг!

У индамай устунга эгилди. Присси ҳам унинг кайфияти яхши эмаслигини ҳис қилиб, сездирмай қоронғулик қўйнида ғойиб бўлди. Дақиқалар ўтиб борар, Скарлеттнинг нафас олиши равонлашган, мияси тиниқлашганди ва у кўчанинг шимолий чеккасидан келаётган паст овозлар ва этиклар дупурини эшитди. Аскарлар! Қачонки улар – беҳисоб шарпаларнинг юриши – уйга яқинлашиб қолгач, уларга овоз берди.

– Илтимос, тўхтанглар.

Битта шарпа умумий тўдадан ажралиб чиқди ва дарчага яқинлашди.

– Кетяпсизларми? Бизни ташлаб кетяпсизларми?

Унга шарпа бошидан шляпасини ечгандай туюлди ва қоронғулик қаъридан паст овоз эшитилди:

– Ҳа, мэм. Ҳа, биз кетяпмиз. Бизнинг отряд охирги бўлиб шаҳардан бир миля нарида, шимол томонда жойлашган истеҳкомларни ташлаб чиқди.

– Демак, сиз... демак, армия чинданам чекинаётган экан-да?

– Ҳа, мэм. Янкилар яқинлашиб келяпти.

Янкилар яқинлашмоқда! Ахир, у буни унутиб қўйибди-ку! Юраги сиқилганидан томоғи бўғилди ва у бошқа ҳеч нарса дея олмади. Шарпа узоқлашиб бошқа шарпаларга қўшилиб кетди, этикларнинг дупури эса зулмат қўйнида тобора йўқола борди. "Янкилар яқинлашмоқда! Янкилар яқинлашмоқда!" – уларнинг қадамлари "дуп-дуп" овоз чиқарар, унинг юраги "дук-дук" урарди.

– Янкилар яқинлашмоқда! – чинқирарди Присси Скарлетт ёнида ғужанак бўлиб. – О, мисс Скарлетт, улар ҳаммамизни ўлдиришади, ичак-чавоғимизни суғуриб олишади! Улар...

– Жим бўл! – қичқирди Скарлетт. Бу унинг сўз билан ифодалаган, титроқ овозда айтган, янада қўрқинчли тус олган фикрлари эди. Унинг вужудини яна қўрқув эгаллади. Нима қилса бўлади? Қандай қилиб қутулсин? Ёрдам сўраб кимга ёпишсин? Дўстлари эса уларни тарк этишганди.

Шу аснода у Ретт Батлерни эслади ва қўрқув бир оз чекингандай бўлди, ўзини енгил ҳис этди. Нега эрталаб, боши юлинган товуқдай шаҳар бўйлаб у ёқдан бу ёққа югурганида у ҳақда ўйламадийкан? Майли уни жуда ёмон кўрсин, аммо Ретт кучли, уддабурон, янкилардан ҳеч ҳам қўрқмайди. У шу ерда, шаҳарда. Тўғри, Скарлетт ундан хафа, охирги марта кўришганларида у бутунлай ножўя гапларни гапирди, аммо бундай пайтларда бунга эътибор бермаса ҳам бўлади. Унда от ва извош бор. Нега энди у Ретт ҳақида аввалроқ ўйламади! Ретт уларни ҳалокатга маҳкум шаҳардан янкилардан узоқроққа, қаерга бўлса ҳам барибир, олиб чиқиб кетарди.

У Приссига ўгирилиб, шоша-пиша жиддий гапира бошлади:

– Капитан Батлер қаерда яшашини биласанми? "Атланта" меҳмонхонасида. Биласанми?

– Ҳа мэм, фақат...

– Бўлмаса, оёғингни қўлингга ол-да югур, у менга кераклигини айт. Тезроқ оти билан извошини олиб келсин ёки агар, иложи бўлса, соябонли санитар фургон топиб келсин. Бизникида чақалоқ борлигини айт. Мен ундан бизни бу ердан олиб кетишини сўраётганимни айт. Югур. Тезроқ!

У қаддини ростлаб, Приссини итариб юборди.

– Ё меҳрибон эгам! Мисс Скарлетт! Зимистон-ку, бир ўзим қўрқаман-да! Агар янкилар тутиб олишса-чи?

–Тез югур, аскарларга етиб олсанг, улар сени хафа қилдириб қўйишмайди. Қани, югур!

– Қўрқяпман! Агар у ерда капитан бўлмаса-чи?

– Унда, қаердалигини сўра. Наҳотки шунга ҳам ақлинг етмаса? Мабодо у меҳмонхонада бўлмаса, Декейтер кўчасидаги барга югур, ўша ердан сўра. Соҳибжамол Уотлингникига югур, уникидан изла. Уни топ. Агар капитанни излаб топмасанг, ҳаммамиз янкиларнинг чангалига тушамиз, тушунмаяпсанми, овсар?

– Мисс Скарлетт, агар мен барга ёки ўша суюқоёқнинг уйига кирсам, ойим мени ғўзапоя билан савалайди-да.

Скарлетт бор кучини йиғиб, ўзини туришга мажбур қилди.

– Агар бормасанг, ўзим сени савалайман. Уйига кирмасанг ҳам майли, уни чақир, тушундингми? Бориб, капитан ўша ердами, йўқми, бирор кишидан сўра. Югур.

Присси оғирлигини гоҳ у, гоҳ бу оёғига ташлаб, афтини буриштирганча имиллаётганди, Скарлетт уни чунонам тепдики, қизча сал бўлмаса зинадан чирпирак бўлиб учиб кетаёзди.

– Тез йўлга туш ёки сени бозорга олиб чиқиб сотиб юбораман. Ойингни ва яқинларингдан бирор-

тасини ҳам кўролмайсан, далада ишлайсан. Қани, югур!

– Ё меҳрибон эгам! Мисс Скарлетт...

Аммо бекасининг бераҳм қўли уни айвон зинасидан пастга тушишга мажбур қилди. Дарча ғичирлади, Скарлетт эса ортидан қичқирди:

– Югур, эси паст қиз!

Присси майда қадам билан югуриб кетаётганида Скарлетт тез-тез тақиллаётган пошна товушларини эшитди, тез орада бу товушлар юмшоқ тупроққа сингиб кетди.

XXIII боб

Приссини жўнатгач, Скарлетт ҳорғин судралиб даҳлизга кирди ва чироқни ёқди. Уй нафасни бўғадиган даражада иссиқ, чошгоҳдаги жазирама деворларга сингиб кетгандек эди. Ҳиссизлик ҳолати аста-секин Скарлеттни тарк эта бошлади ва очиққанидан кўкрагининг таги ачишди. Ўтган оқшомдан бери бир қошиқ жўхори бўтқасидан бўлак ҳеч нарса емагани ёдига тушди ва чироқни кўтариб, ошхонага ўтди. Ўчоқдаги олов ўчган, бироқ иссиқдан нафас олиб бўлмасди. Товада яримта қотган зоғора нон бор эди. Скарлетт иштаҳа билан нонга тишларини ботириб, ошхонадан яна бирор егулик излай бошлади. Кўзачада озроқ жўхори бўтқа бор экан, Скарлетт катта чўмич қошиқ билан кўзачадан олиб ея бошлади. Бўтқа тузсиз эди, аммо очликдан Скарлеттнинг туз излашгаям сабри чидамади. Тўрт қошиқ бўтқани ютганидан сўнг, иссиқдан бўғилаётганини ҳис қилди ва бир қўлига чироқни, иккинчиси билан қолган нонни олиб, даҳлизга қайтиб чиқди.

У юқорига чиқиб, Меланининг ёнида ўтириш кераклигини тушунарди. Мабодо аҳволи яхши бўлмаса уни чақиришга Меланининг мадори етмайди. Аммо

ўта оғир соатлар кечган ўша хонани ўйласа уни титроқ босарди. У ёққа боришга ўзини мажбурлашга мажоли етмасди. Бу хонанинг бўсағасини ҳеч қачон ҳатлаб ўтмасликни истарди. Чироқни дераза тагидаги остлик устига қўйиб, айвонга ўтди. Кеча илиқ, шамолсиз ва ҳаракатсиз, тунги ҳаво ҳам илиқликка тўйинган бўлса-да, бу ерда юзига салқин шабада тегди. Скарлетт айлана ҳосил қилган чироқ ёруғида зинага чўкди ва яна нонни кемира бошлади.

Қорни тўйгач, бир оз қувват энди, лекин айни пайтда юрагида яна пайдо бўл-ган қўрқув нишини санчди. Кўчанинг нариги бошидан қандайдир ноаниқ шовқин эшитилди ва бу нимадан дарак эканини у билмади. Бу шовқиндан бирор нарсани англаб бўлмас, у ҳали кучаяр, ҳали пасаярди. У қулоғини динг қилиб олдинга эгилди ва тез орада мушаклари таранг тортганидан зирқираб оғрий бошлаганини ҳис қилди. Ҳозир бутун борлиғи билан фақат бир нарсани: туёқлар товушини эшитишни, Реттнинг бепарво, мағрур нигоҳини кўришни, бу нигоҳда ўзининг қўрқаётгани учун Ретт унинг устидан кулаётганини илғашни истарди. Ретт уларни бу ердан бирор ёқларга олиб кетади. Қаёққа – аҳамияти йўқ. Унга бирибир.

У шаҳардан келаётган товушларга қулоқ тутаркан, бирдан дарахтлар устида осмоннинг қизара бошлаганини кўриб қолди. Бу уни ташвишга солди. Осмон оч пушти рангдан тўқ қизил тусга кирди. Ва тез орада оловнинг улкан тили дарахтлар устидан юқорига ўрлай бошлади. Скарлетт сакраб турди. Юраги тағин ёқимсиз сирқираб дук-дук ура бошлади.

Янкилар шаҳарда! Улар етиб келишибди, шаҳарга ўт қўйишяпти. Афтидан қаердадир марказнинг шарқий тарафида ёнғин бошланганди. Оловнинг тили борган сари юқорига ўрлар, кучаяр, Скарлеттнинг қўрқув тўла нигоҳи олдида осмоннинг янада

каттароқ қисмини қамраб оларди. Бутун бир мавзе ўт ичида қолганга ўхшарди. Илиқ шабада унинг юзига тутун ҳидини олиб келиб урди.

У юқорига, ётоғига югуриб чиқди ва деразани катта очди. Мудҳиш олов ёлқини тобора кўк юзини эгаллар, қоп-қора тутуннинг улкан паға-паға булутлари оловнинг тилини қоплаб, буралиб, юқорига ўрларди. Тутун ҳиди борган сари кучлироқ сезила бошлади. Скарлеттнинг миясидан бетартиб ўй-фикрлар ўтарди: олов Шафтолизор кўчасига қай даражада тез етиб келиши мумкин? Уй ёниб кетади... бу ерга янкилар бостириб киришади... қаёққа қочиш керак... нима қилиш керак... Унинг боши айланар, қулоқлари шанғиллар, гўё жаҳаннамнинг жамики иблислари қийқириб уйга учиб киргандек эди: унинг ваҳм босган миясида ҳамма нарса аралашиб кетганди ва у йиқилиб тушишдан қўрқиб, дераза токчасини ушлаб қолди.

"Хаёлимни йиғиб олишим керак, – уқтирарди у ўзига ўзи такрор ва такрор. – Хаёлимни йиғиб олишим керак".

Аммо хаёллари қўрқиб кетган қушлардек тутқич бермасди. У дераза токчасига ёпишиб турарди, бирдан ўнлаб тўплардан бирваракайига отилгандан ҳам кўра кучлироқ портлаш эшитилди. Улкан олов устуни осмонга ўрлади. Яна ва яна портлаш. Ер зириллади, дераза ойналари синиб, хонага шиша синиқлари сочилиб кетди.

Портлаш кетидан портлаш рўй берар, ер титрар, атрофда дўзах олови қутурарди. Учқунлар фавворасси осмонга сапчир ва қонталаш тутун булутини кесиб, секин, эриниб ерга қайтиб тушарди. Қулоғига қўшни ётоқдан заиф инграган овоз эшитилгандай бўлди, лекин у эътибор бермади. Энди у Меланини ўйлайдиган аҳволда эмасди. Унинг учун фақат томирларида югураётган қўрқувдан, қаттиқ қўрқув-

дан бошқа нарса мавжуд эмас эди. У тағин болага – қўрқувдан эс-ҳушини йўқотган, онасининг тиззаларига бошини қўйиб, ҳеч нарсани кўрмаслиги, ҳеч нарсани эшитмаслиги зарур бўлган гўдакка айланиб қолганди! Оҳ, қанийди ҳозир уйда, ойиси билан бирга бўлса!

Портлашларнинг юракни эзаётган гумбур-гумбурлари орасида тўсатдан бошқа товушлар – қўрқув исканжасида зинадан югуриб чиқаётган оёқлар дупури ва орқада қолган този итнинг ҳуришига ўхшаш узуқ-юлуқ ҳиқиллаган товушлар чалинди. Присси ётоққа учиб кириб Скарлеттга отилди ва унинг қўлига чунонам ёпишиб олдики, сал бўлмаса терисини тимдалаб ташлаёзди.

– Янкиларми? – қичқириб юборди Скарлетт.

– Йўқ, мэм, ўзимизнинг жентмунлар! – нафаси бўғзига тиқилиб қичқирди Присси тирноқларини Скарлеттнинг қўлига чуқурроқ ботириб. – Улар завод ва ҳарбий омборларни, озиқ-овқат омборларини ҳам ёқиб юборишди. Ё худо, мисс Скарлетт, улар замбарак ўқи ва порох ортилган етмишта вагонни ёқиб юборишди, худо ҳақи, биз ҳам куйиб кетамиз.

У тағин узуқ-юлуқ ҳиқиллай бошлади, тирноқлари эса Скарлеттнинг баданига шундай ботдики, у оғриқдан қичқириб юборди ва қизчани жаҳл билан итариб юборди.

Демак, янкилар ҳали шаҳарга кирмабди-да! Демак, ҳали қутулиб чиқса бўлади. У қўрқувини босмоқчи бўлди. "Агар ҳозироқ ўзимни қўлга олмасам, унда худди сувга тушган мушукдай чийиллай бошлайман", деди ўзига-ўзи. Приссини эсидан оғдирган ғайришуурий манзара унда ўзига ишонч пайдо бўлишига ёрдам берди. У Приссини елкасидан маҳкам ушлаб силкиди.

– Увлашни бас қил-да, тузукроқ тушунтир! Янкилар ҳали келишгани йўқ-ку, овсар! Капитан Батлерни кўрдингми, йўқми? У нима деди? Келадими?

Присси йиғлашдан тўхтади, бироқ тишлари ҳалиям такилларди.

– Ҳа, мэм, мен уни охири топдим. Айтганингиздай, бардан... У...

– Қаердан топганинг муҳим эмас. У келадими? Сен унга от олиб келишини айтдингми?

– Вой, йўқ, мисс Скарлетт, унинг айтишича, отиниям, извошиниям жентмунлар госпиталь учун олиб қўйишибди.

– Вой, худойим!

– Лекин у келади.

– У нима деди?

Присси нафасини ростлади ва бир оз тинчлангандай бўлди, бироқ кўзлари қўрқувдан ҳалиям хонасидан чиқиб кетгудай эди.

– Мен ҳаммасини сиз айтгандай қилдим, мэм: уни бардан топдим. Ташқарида туриб, овоз бердим, у чиқди. Мени кўрди, мен унга гапира бошладим, шу пайт аскарлар Декейтер кўчасидаги омборни портлатишди, дарҳол ўт олди – мана бундай! – У эса: "Кетдик!" деди-да қўлимдан тутди ва биз Беш Бурчаклар томон югуриб кетдик ва ўша ерда у: "Хўш, яна нима? Тезроқ гапир!" деди. Мен эса сиз, у тезроқ келсин ва от билан извошини олиб келсин, деганингизни айтдим. Мисс Меллининг чақалоғи бор, шунинг учун мисс Скарлетт шаҳардан эртароқ чиқиб кетишни истайди, дедим. У эса: "Қаёққа кетишга жазм қилибди?" деди. Мен: "Билмадим, сэр, фақат сиз эртароқ боришингиз лозим, чунки янкилар келиб қолади, мисс Скарлетт эса сиз уни олиб кетишингизни истайди", дедим. У кулиб юборди ва: "Менинг отимни олиб қўйишди", деди.

Скарлеттнинг юраги орқасига тортиб кетди: охирги умиди сўна бошлади. Бунча аҳмоқ бўлмаса, қандай қилиб у чекинаётган армия албатта ўзи билан шаҳарда қолган барча оту араваларни олиб ке-

тишини ўйламади-я? Бу ўйдан карахт бўлиб қолган Скарлетт бир муддат ҳатто Приссининг гапини ҳам эшитмади, лекин дарҳол ўзини қўлга олди.

– Шундан сўнг у: "Мисс Скарлеттга айт, хавотирланмасин. Бутун армияда энг охиргиси қолган бўлса ҳам унинг учун от ўғирлайман", – деди. У яна кулди ва: "Қани, уйга югур!" – деди. Шу пайт яна бирдан: бу-ум! Мен эса сал бўлмаса йўлга йиқилиб қолаёздим, у эса қўрқиш керак эмас, бу бизнинг жентльменлар арт... арс... э, янкиларнинг қўлига тушмасин деб ёқиб юборишяпти, деди ва...

– Хўп, у келадими? От олиб келадими?

– Шундай бўлса керак.

Скарлетт енгил нафас олди. Агар сал бўлса-да от топишнинг имкони бўлса, у албатта топади. Шунинг учун ҳам у Ретт Батлер-да. Агар уни бу ердан олиб чиқиб кетса, ҳамма гуноҳини кечиради. Қочиш керак! Модомики, Ретт Батлер улар билан бирга экан, у ҳеч нарсадан қўрқмасаям бўлади. Ретт уларни хафа қилдириб қўймайди. Оламда Ретт борлиги учун ҳам яратганга шукрлар бўлсин. Милт этган умид учқуни уни муҳим ишларга қайтишга мажбур қилди.

– Уэйдни уйғотиб кийинтир, ҳаммамиз учун йўлга оз-оздан нарсаларимизни йиғиштир. Барисини сандиқчага жойла. Мисс Меланига кетаётганимизни айтма. Ҳозирча индама. Болани иккита пахмоқ чойшабга ўра, таглигини тўшашни унутма.

Присси ҳалиям унинг этагига ёпишиб олган, кўзлари ола-кула эди. Скарлетт уни итариб юбориб, этагини бўшатиб олди.

– Чаққон! – қичқирди у, Присси эса қўрқиб кетган қуёндек ўзини эшик ортига урди.

Скарлетт бориб, бу даҳшатли узлуксиз портлашларни эшитиб, осмонда ловуллаб ёнаётган шуъланы кўриб, аниқки, қўрқувдан эс-ҳушини йўқотаётган Меланини тинчлантириши лозимлигини ту-

шунарди. Унга қиёмат келгандек туюлаётган бўлса ажабмас.

Аммо Скарлетт ҳалиям бу хонанинг бўсағасини ҳатлаб ўтишга жазм қилолмасди. Пастга тушиб, мисс Питтипэт ўзи билан Мейконга олиб кетмаган чинни ва баъзи кумуш идишларни жойлаштиришга қарор қилди. Бироқ қўллари шундай титрар эдики, ошхонада учта ликопчани тушириб юбориб, чилчил синдирди. Реттнинг келаётганини билиш учун айвонга югуриб чиқди, ошхонага қайтиб кириб, кумуш идишларни тушириб юборди, улар жаранглаб ерга сочилиб кетди. У нимага қўл урса, бари қўлидан тушиб кетарди. Қуроқ гиламчага оёғи чалишиб, ерга учиб тушди, бироқ лат еган бўлса-да, ҳатто оғриқни ҳам сезмай, шу заҳотиёқ сакраб турди. У Приссининг юқорида оёғи куйган товуқдай у хонадан бу хонага зир югуриб юрганини эшитар ва бундан зардаси қайнар, чунки ўзи ҳам ҳуда-беҳуда у ёқдан бу ёққа югурарди.

Ўнинчи марта айвондан қараб келгач, ўзининг фойдасиз машғулотини давом эттириш учун ошхонага қайтиб кирмади-да, зинага ўтирди. У бирор нарсани жойлаштирадиган аҳволда эмасди! Юраги жуда қаттиқ ураётганига қулоқ тутганча, Реттни кутиб ўтиришдан ўзга чораси қолмади. Унга бир неча соатлар ўтгандай туюлар, аммо Реттдан дарак йўқ эди. Ниҳоят йўлдан мойланмаган ғилдиракларнинг қаттиқ ғичирлаши ва от туёқларининг суст, нотекис дукури эшитилди. Нега у шошилмаяпти? Нима учун отни елдириб келмаяпти?

Товушлар аниқроқ эшитила бошлади, Скарлетт сакраб туриб, Реттни чақиришга тушди. У Реттнинг кичикроқ аравадан ерга сакраганини ғира-шира кўрди, дарчанинг ғичирлаганини эшитди, ниҳоят у йўлакда кўринди. Ретт у томон юрди, энди Скарлетт уни чироқ ёруғида аниқ кўрди. У балга отлангандек

башанг кийинганди: эгнида оқ полотнодан тикилган хушбичим костюм, шоҳи ип билан гул солинган кулранг муар камзул, қат-қат бурмали ҳашамдор кўйлак кийганди. Кенг соябонли шляпани чаккасига чапаниларча суриб қўйган, белида сопи фил суяги билан нақшланган бир жуфт узун қувурли дуэль тўппончаси кўриниб турарди, қандайдир оғир нарса – афтидан, ўқлар бўлса керак – сюртуги чўнтакларини пастга тортиб турарди.

Унинг мушук сингари равон юришида қандайдир ибтидоий ёввойилик бор эди, бошининг чиройли кўриниши билан у қандайдир мажусийлар қабиласининг раҳнамосига ўхшарди. Скарлеттни ваҳимага солган бу даҳшатли оқшом унга худди сархуш қилувчи бир қултум бодадек таъсир этганди. Агар Скарлетт синчковроқ бўлиб, унинг нигоҳларидаги маънони ўқий олганида эди, унинг қорача юзида зоҳир бўлган, ёт кўзлардан ўзгача усталик билан яширилган пинҳона шафқатсизлик Скарлеттни қўрқитиб юборган бўларди.

Атрофда рўй бераётган ҳодисалар унинг учун гўё бир эрмакдай, бу мудҳиш жаҳаннам гулдураклари ва даҳшатли шафақ фақат болаларнигина қўрқитиши мумкиндай – Реттнинг қора кўзларида шўхчан учқунлар ўйнарди. У айвонга чиққанида, Скарлетт олдинга – у томонга интилди – унинг яшил кўзлари докадай оқариб кетган оппоқ юзларида асабий ёниб турарди.

– Хайрли кеч, – деди у ҳар доимгидек сўзларни чўзиб айтиб, кейин шляпасини ечди ва Скарлеттга тавозе билан таъзим бажо келтирди. – Ажойиб ҳаво, тўғрими? Сизни йўлга отланяпти, деб эшитдим?

– Башарти мазах қиларкансиз, сиз билан гаплашиб ўтирмайман, – деди Скарлетт овози титраб.

– Э, қўрқиб кетганга ўхшайсизми? Мен умуман кўзларимга ишонмайман! – У юз-кўзларида беҳад

ажабланаётганини ифодалаб, шундай илжайдики, Скарлетт уни зинадан итариб юборгиси келди.

– Ҳа, мен қўрқиб кетганман! Ўлгудай қўрқяпман. Агар худо сизга ақл бермаганида эди, сиз ҳам қўрққан бўлардингиз! Лекин валақлашиб ўтиришга вақтимиз йўқ. Бу ердан жўнаб қолиш керак!

– Хизматингизга шайман, хоним. Лекин қаёққа боришни мўлжаллаяпсиз? Мени бу ерга оддий қизиқувчанлик бошлаб келди – қаёққа кетаётганингизни билиш қизиқ-да. Сиз на шимолга, на жанубга, на шарққа, на ғарбга кетолмайсиз. Ҳамма ёқни янкилар эгаллаган. Шаҳардан чиқадиган фақат биттагина йўлни улар ҳали босиб олгани йўқ, армиямиз ана шу йўлдан чекинмоқда. Лекин бу йўлни ҳам узоқ ушлаб туролмаймиз. Генерал Лининг отлиқ қўшини армия охиригача чекингунга қадар йўлни эгаллаб туриш учун Раф-энд-Реди яқинида асосий кучлардан орқада қолиб арьергард жанглари олиб боряпти. Агар сиз шу йўлдан борадиган бўлсангиз, шу заҳоти отни олиб қўйишади. Гарчи бу жонивор қиммат турмаса-да, уни ўғирлаш менга осон бўлмади. Хўш, шундай қилиб, қаёққа қараб йўл оляпсиз?

Скарлетт титраб-қақшаб унинг гапларини эшитиб турар, аммо сўзларни унинг идроки қабул қилмаётганди.

Бироқ Ретт савол берганида, унинг миясида нимадир равшанлашди ва у тўсатдан бу мудҳиш кун давомида қаёққа кетиши кераклигини билиб турганини англади. Фақат ўша ёққа.

– Мен уйимга кетаман, – деди у.

– Уйимга? Тарага демоқчимисиз?

– Ҳа, ҳа, Тарага! О, Ретт, шошилишимиз керак!

Ретт унга, гўё ақли жойидалигидан шубҳаланаётгандай қараб турарди.

– Тарага! Худо хайрингизни берсин, Скарлетт! Нима, сиз кун бўйи Жонсборо остоналарида жанг

бўлганини билмайсизми? Йўл бўйлаб ўн милялик кенгликда-я, Раф-энд-Редидан нақд Жонсборогача ва ҳатто, шаҳар кўчаларида ҳам! Балки янкилар аллақачон Тарада хўжайинлик қилишаётгандир. Эҳтимол, бутун графликни идора қилишаётгандир. Ҳеч ким аниқ билмайди уларнинг қаердалигини, ҳар ҳолда, қаердадир шу атрофда, ёнгинамизда. Уйга кетишингиз мумкин эмас. Сиз тўппа-тўғри янкилар армиясига дуч келасиз.

– Уйга кетгим келяпти! – хитоб қилди у. – Кетаман ҳам! Кетаман!

– Сиз ғирт ахмоқсиз! – қатъий оҳангда қўполлик билан деди у. – Бу йўналишдан юра олмайсиз. Ҳатто янкиларга дуч келмаган тақдирда ҳам ўрмонларда дайдилар ва ҳар икки армиядан қочган қочоқлар тиқилиб ётибди. Қўшинларимизнинг бир қисми эса ҳалиям Жонсбородан чекинаётир. Улар ҳам, худди янкилар сингари, отингизни олиб қўйишдан уялмайди. Сиз учун фақат бир йўл бор: чекинаётган армиямиз ортидан бориш ва тун пардаси остида сизни ҳеч ким кўрмаслигини сўраб тангрига ёлвориш. Тарага боришингиз эса ножоиз. У ерга етиб борганингизда ҳам фақат култепаларни кўрасиз. Уйга кетишингизга йўл қўймайман. Бу ақлсизлик.

– Йўқ, мен уйимга кетаман! – бақирди у, овози эса узилиб қолди. – Уйимга кетаман! Сиз менга халақит беролмайсиз! Мен уйга кетаман! Ойимнинг ёнига кетгим келяпти! Агар халақит берсангиз, сизни ўлдираман! Уйга кетгим келяпти!

Шу кеча-кундузда Скарлетт бошидан кечирган уқубатлар жазавали дод-фарёдга айланиб ичидан отилиб чиққан, аламли ёшлар юзларидан оқиб тушарди. Скарлетт Реттнинг кўкрагига муштлар ва тинмай чинқирарди.

– Уйга кетгим келяпти! Уйга! Пиёда кетаман! Бутун йўлни пиёда юриб ўтаман!

Скарлетт туйқусдан ўзини унинг қучоғида кўрди – кўз ёшларидан ҳўл бўлиб кетган юзини Реттнинг оҳорли кўйлаги бурмасига, бўшашган муштларини эса унинг кўксига босиб турарди. Реттнинг қўллари унинг тўзғиган сочларини меҳр билан оҳиста силар, овози ҳам майин жарангларди: шу қадар майин, шу қадар меҳрли, ҳеч қандай истеҳзосиз жаранглар эдики, гўё бу Ретт Батлернинг эмас, унга бутунлай нотаниш, қандайдир катта, кучли, худди Жералддан анқиб тургандек ўзига таниш ичимлик, тамаки ва отларнинг ҳиди анқиб турган эркакнинг овози эди.

– Қани, бўлди, бўлди, азизам, – деди эркалаб Ретт. – Йиғламанг. Сиз уйингизга кетасиз, менинг жажжи жасур қизалоғим. Сиз уйингизга кетасиз. Қўйинг, йиғламанг.

У сочларига нимадир енгилгина текканини сезди ва кўнглида бир ғулув билан Ретт лабларини тегизган бўлса керак, деб ўйлади. У Реттнинг қучоғини ҳеч қачон тарк этмасликни истарди – бу оғуш жуда ишончли, жуда меҳрли ва ёқимли эди. Бу кучли қўллар ҳимоясида унинг бошига ҳеч қанақа кулфат тушмайди.

Ретт чўнтагидан рўмолча олиб унинг кўз ёшларини артди.

– Қани, энди чинакам итоаткор қизчадек бурнингизни артиб олинг, – буюрди у, кўзлари эса кулиб турарди. – Энди нима қилиш кераклигини айтинг. Имиллашга имкон йўқ.

Скарлетт итоаткорлик билан бурнини қоқди, бироқ ҳалиям титроғи босилмаган, фикрини бир жойга жамлаёлмаётганди. Унинг лаблари титраётганини, ўзига илтижо билан қараётганини кўриб, Реттнинг ўзи йўл-йўриқ бера бошлади.

– Мисс Уилкснинг эндигина кўзи ёридими? Уни бирга олиб кетиш хавфли, шалоқ аравада йигирма

беш милялик йўлда олиб юриш хатарли. Уни миссис Мид билан қолдирган маъқул.

– Мидлар кетиб бўлишди. Мен уни ташлаб кетолмайман.

– Масала ҳал. Демак –аравага. Қани у қорамағиз валакисаланг қизча?

– Юқорида. Сандиққа нарсаларни жойлаяпти.

– Сандиқ? Бу аравага ҳеч қанақа сандиқни тиқиб бўлмайди. Ўзингиз зўрға сиғасиз, ғилдираклар ҳам бир пасда чиқиб кетиши мумкин. Қизчани чақириб айтинг, уйдаги энг кичкина пахмоқ пар тўшакни аравага олиб чиқсин.

Лекин Скарлетт ҳануз жойидан жилишга ўзида куч тополмасди. Ретт унинг елкаларидан маҳкам сиқиб ушлади, Скарлеттнинг назарида ундан балқиб турган ҳаётий куч-қувват ўзининг танасига қуйилаётгандек туюлди. Оҳ, қанийди у ҳам Ретт сингари совуққон, беғам бўла олса! Ретт уни даҳлиз томонга итариб юборди, аммо у қимирламади, шу турганча унга ожизона тикилиб, жойидан жилмади. Реттнинг лаблари масхараомуз бурилди.

– Қани у, худодан ҳам, иблисдан ҳам қўрқмайман, деб мени ишонтирган ёш, жасур леди?

Тўсатдан у хохолаб кулиб, Скарлеттнинг елкаларини қўйиб юборди. Иззат-нафси оғриган Скарлетт унга ёмон қаради.

– Мен ҳалиям қўрқмайман, – деди у.

– Қўрқасиз, қўрқасиз. Сал бўлмаса ҳушдан кетай деб турибсиз, менинг ёнимда ҳидлайдиган туз йўқ.

Нима деб жавоб беришни билмай Скарлетт иложсизликдан оёғини тапиллатди, кейин индамай чироқни олди ва зинадан кўтарила бошлади. Ретт унинг ортидан келарди, Скарлетт унинг ичида аста кулаётганини эшитди, бу эса уни елкасини тик тутишга ундади. Скарлетт болалар хонасига кирди, яримяланғоч Уэйд Приссининг тиззасида ғу-

жанак бўлиб ҳиқилларди. Приссининг эса тишлари такилларди. Уэйднинг каравотига кичик партўшак тўшалганди. Скарлетт Приссига уни пастга олиб тушиб, аравага тўшашни буюрди. Присси болани тиззасидан тушириб, буйруқни бажаришга кетди. Уэйд унинг ортидан эргашди ва, катталарнинг саъй-ҳаракатларига андармон бўлиб, ҳиқиллашдан тўхтади.

– Кириng, – деди Скарлетт Меланининг ётоғи эшиги ёнига келгач, Ретт шляпасини қўлига олиб, унга эргашди.

Чойшабни иягигача ёпиб олган Мелани жим ётарди. Юзи мурданикидек оппоқ, ичига чўккан, атрофи қорайиб кетган кўзлари нурланиб турарди. Мелани ётоғига кириб келаётган Реттни кўриб ҳайрон бўлмади, буни заруратдай қабул қилди ва ҳатто заифгина жилмайишга ҳам уринди, аммо табассуми лабларига инар-инмас сўнди.

– Биз Тарага, меникига кетяпмиз, – тез гапира бошлади Скарлетт, – янкилар яқинлашяпти. Ретт бизни олиб бориб қўяди. Бошқа иложи йўқ, Мелли.

Мелани бош ирғашга уринди ва чақалоқни кўрсатди. Скарлетт муштдеккина жуссани қўлига олди ва пахмоқ чойшабга ўради. Ретт тўшак томон юрди.

– Сизга азоб бермасликка ҳаракат қиламан, – деди у секин ва Меланининг тагига чойшабни сурди. – Мени бўйнимдан қучоқлай оласизми?

Мелани қўлларини кўтармоқчи бўлди, лекин қўллари шалвираб тушди. Ретт эгилиб, бир қўлини унинг тиззалари остидан ўтказди ва авайлаб кўтарди. Мелани бақирмади, бироқ Скарлетт унинг лабини тишлаганини, ранги эса баттар оқариб кетганини кўрди. Реттга йўлни ёритиш учун Скарлетт чироқни баланд кўтарди, шу пайт Мелани девор томонни кўрсатиб заиф ҳаракат қилди.

– Нима гап, – ҳушёрлик билан сўради Ретт.

– Илтимос, – пичирлади Мелани ниманидир кўрсатишга уриниб, – Чарлз.

Ретт уни алаҳлаяпти, деб ўйлаб диққат билан юзига қаради, аммо Скарлетт тушунди ва ичида ғазаби қайнади. Мелани Чарлзнинг қиличи ва тўппончаси тагида осиғлиқ портретини ўзи билан олиб кетишни хоҳлаётганди.

– Илтимос! – тағин пичирлади Мелани. – Қилични ҳам.

– Яхши, яхши, – деди Скарлетт ва Ретт зинадан эҳтиёткорлик билан тушиб олгунича йўлини ёритиб, кейин ётоққа қайтди ва девордан қилич билан тўппончани қини ҳамда камарбанди билан олди. Буларни чақалоқ ва чироқ билан бирга кўтариб юриш осон эмасди. Меланига бунчалар ўхшамаса: ўзи зўрға нафас оляпти, янкилар мана-мана шаҳарга бостириб киришяпти-ю, у эса Чарлзнинг нарсаларига қайғуради!

Девордан суратни олаётиб Скарлетт Чарлзнинг юзига кўз югуртирди. Катта-катта қўнғир кўзлар унга қараб турарди, у ҳам бир лаҳзага тўхтаб, унинг юз тузилишига қизиқсиниб қаради. Бу одам унинг эри эди ва у билан бир неча оқшом бир ёстиққа бош қўйиб ётди ва Скарлетт унга худди шундай – нигоҳлари уятчан, қўнғир кўзлари катта-катта бола туғиб берди. Бироқ барибир Скарлетт унинг чеҳрасини деярли эслай олмасди.

Қўлидаги чақалоқ митти муштчаларини бўшатиб олди ва секин йиғлай бошлади, Скарлетт унинг устига эгилди. Биринчи марта бу бола Эшлининг ўғли эканини идрок этди ва тўсатдан азобу уқубатларга дучор бўлган вужуди нималарга қодир бўлса, ўшандай эҳтирос билан бу бола ўзи билан Эшлиники бўлишини истади.

Присси зинадан сакраб-сакраб тушди. Скарлетт чақалоқни унга берди ва улар олдин-кетин шошиб туша бошлашди, чироқдан эса деворга уларнинг ғалати тарзда тебранаётган соялари тушарди. Даҳ-

лизда Скарлетт иссиқ бош кийимини кўриб, дарҳол бошига бостириб кийди ва ияги остидан тасмаларини боғлади. Меланининг бу азадорлик бош кийими Скарлеттга мутлақо тўғри келмас, бироқ ўзининг шляпаси қаердалигини эслаёлмасди.

У уйдан чиқди, чироқни олиб, қилич оёғига урилмасин, деб эҳтиёткорлик билан айвондан тушди. Мелани аравада чўзилиб ётар, ёнида Уэйд ва чойшабга ўралган чақалоқ ётарди. Присси аравага чиқиб, чақалоқни қўлига олди.

Араванинг ичи тор, чет тўсинлари паст эди. Ғилдираклари эса ғалати тарзда араванинг ичига қийшайган, гўё ҳозироқ ўқидан чиқиб кетадигандай туюларди. Скарлетт отга қаради-ю, юраги орқага тортиб кетди. Жонивор ночор, бемажол эди, бошини хам қилиб турарди. Аравага қўшилавериб, белининг яғири чиқиб кетган; унинг нафас олишини эшитган Скарлетт, ҳар қандай соғлом от бундай нафас олмайди, деб ўйлади.

– Жа дабдабали от-арава эмас-а, тўғрими? – кулиб деди Ретт. – Ишқилиб, шотисидан чиқиб кетмаса бўлди. Аммо бундан яхшироғини излаб тополмадим. Бир куни келиб уни қандай ўғирлаганимни ва мени сал бўлмаса отиб ўлдирай дейишганини ҳазил аралаш, албатта, қўшиб-чатиб айтиб бераман. Фақат сизга бўлган ўзгармас садоқатимгина мени шу ёшимда от ўғриси бўлишга ва устига- устак мана шу қирчанғига эътибор кўрсатишга ундади. Рухсат этсангиз, аравага чиқишингизга ёрдам берсам.

Ретт унинг қўлидан чироқни олиб, ерга қўйди. Ўриндиқлар шунчаки аравага кўндаланг қўйилган энсиз тахталар эди. Ретт Скарлеттни кўтариб, тахтага ўтқизди. Эркак киши бўлиш, яна худди Ретт каби кучли бўлиш қандай яхши, деб ўйлади Скарлетт этагини текислаб. Ретт ёнида экан у ҳеч нарсадан қўрқмайди: на ёнғиндан, на портлашдан, на янкилардан.

Ретт ўриндиққа у билан ёнма-ён ўтирди ва жиловни қўлга олди.

– Вой, тўхтанг! – хитоб қилди Скарлетт. – Мен кўча эшикни ёпишни унутибман.

Ретт кулиб юборди ва отни жилов билан қамчилади.

– Нега куляпсиз?

– Сизнинг устингиздан куляпман – янкиларнинг йўлини қулфлаб қўймоқчимисиз? – деди у, от эса секин, истамайгина жойидан қўзғалди. Ташлаб кетилган чироқ ерга сарғиш доғ тушириб ёниб турар, бу доғ арава узоқлашгани сари кичрайиб борарди.

Ретт ўзининг ҳолдан тойган қирчанғисини Шафтолизор кўчасидан шимолга ҳайдаб борарди, арава ўйдим-чуқур ерларда қаттиқ силкинар, бундай пайтларда Мелани инграб юборарди. Ора-сира сукутга чўмган қорамтир уйлар йўлнинг икки чеккасида кўриниб қолар, тепада дарахтларнинг қорамтир шохлари бир-бирига чирмашиб кетганди. Деворларнинг оқиш устунлари қоронғуликда қабр тошлари каби ғира-шира оқариб кўринарди. Тор кўча зулмат ичига кириб бораётган туннелга ўхшар, аммо ваҳимали тўқ қизил ёлқинлар тепадаги қуюқ барглар чодири орасидан чақмоқдек шуъла сочарди, сояларнинг қора шарпалари эса гўё арвоҳлар сингари ер узра ўзини ҳар ёққа урарди. Тутун ҳиди борган сари яққолроқ сезила бошлади, иссиқ шамол эсиши билан шаҳар марказидан келаётган бақир-чақирлар, армияга тегишли извошларнинг бўғиқ тарақ-туруқи ва оғир қадам товушлари худди жаҳаннамдан келаётган қичқириқлардек борган сари аниқроқ эшитиларди. Ретт жиловни тортиб аравани бошқа кўчага бурганида қулоқни кар қилувчи портлаш ҳавони титратиб юборди, осмоннинг ғарбий чеккасида "лоп" этиб олов ва тутуннинг даҳшатли ёлқини кўтарилди.

– Ўқ-дори ортилган охирги вагон портлаганга ўхшайди, – хотиржам гапирди Ретт. – Нега улар вагонни бугун эрталаб ҳайдаб кетишмади, аҳмоқлар. Вақт бемалол эди. Илож қанча, биз учун баттар ёмон. Мен сизларни хатарга қўймай, шаҳар марказини четлаб ўтиб, ёнғинлардан, Декейтер кўчасидаги ақл-ҳушини йўқотган турли қаланғи-қасанғилардан узоқроқдан, шаҳарнинг жануби-ғарбий чеккасидан ўтиб кетишни мўлжаллагандим. Аммо, қандай бўлмасин, қаердадир Мариетта кўчасини кесиб ўтишимизга тўғри келади, англашимча, портлаш ўша ерга яқин жойда содир бўлган.

– Нима, олов орасидан ёриб ўтишимизга тўғри келадими? – овози титраб сўради Скарлетт.

– Умид қиламанки, агар тезроқ ҳаракат қилсак, бундай бўлмайди, – деди Ретт ва аравадан сакраб тушиб бир ҳовлининг ичкарисига кириб кетди. У ҳовлидан дарахтдан синдириб олинган таёқ олиб чиқди ва у билан отни аямай ҳайдай бошлади. Жонивор лўкиллаб нотекис чопар, бурнидан хириллаб нафас чиқарар, арава эса у ёқдан бу ёққа чайқалар, устидагилар қиздирилган товадаги маккажўхори доналаридек сапчиб тушарди. Чақалоқ йиғлай бошлади, Присси ва Уэйд арава четига урилиб, оғриқдан чинқириб йиғлашарди, аммо Мелани инқ этмасди.

Мариетта кўчасига яқинлашганларида дарахтлар сийраклаша бошлади, бинолар ўт ичида қолган, қутураётган алангадан кўча кундузгидек ёришиб кетган, биланглаётган соялар эса чўкаётган кеманинг тўфон парча-парча қилиб йиртиб ташлаган елканларидек бетоқат тўлғанарди.

Қўрқувдан Скарлеттнинг тиши тишига тегмас, лекин ўзи буни ҳатто сезмасди ҳам. Юзининг иссиғи чиқиб кетаётган бўлса-да, безгак тутгандек титрарди. Жаҳаннам эшиклари ланг очилган, агар қалтираётган оёқлари унга бўйсунганида аравадан сакраб

тушиб, чинқирганча ўзини қайта-қайта қоронғулик қўйнига отган, қайтадан мисс Питтининг халоскор бошпанасига ўзини урган бўларди. У Реттга тиқилиброқ ўтирди, титраётган бармоқлари билан унинг енгига ёпишиб олди ва индамай тасалли берувчи биргина сўз эшитиш илинжида унинг юзига тикилди. Оловнинг алвонранг шуъласида Реттнинг чиройли, норғул қадди-қомати лабларидаги истеҳзо билан худди қадимги тангаларга зарб қилинган тасвирдай аниқ кўриниб турарди. Скарлетт унинг пинжига тиқилганида Ретт ўгирилиб қаради, кўзларидаги шуъла сиртга отилиб чиққан оловдек уни куйдирди ва қўрқитиб юборди. Скарлеттнинг назарида Ретт қандайдир жирканч ва тийиқсиз шодликка тўла, гўё бўлаётган воқеалар унга фақат қувонч бағишлаётгандек ва дақиқа сайин яқинлашаётган дўзах қаршисига завқ билан шошиб бораётгандек туюларди.

– Ушланг, – деди у камарига тиқилган узун қувурли тўппончалардан бирини чиқариб, – агар кимдир – оқ танлими, қора танлими – сиз томондан аравага яқинлашиб отни тўхтатишга уринса, отиб ташланг, муҳокамани кейин қиламиз. Фақат, худо асрасин, тағин қирчанғимизни отиб қўйманг.

– Мен... Менинг қуролим бор, – пичирлади Скарлетт тиззасидаги тўппончани қўли билан қисиб ушлаб; бироқ у ҳатто ўлим билан юзма-юз келганда ҳам тепкини босишга қўрқишини ўзи аниқ биларди.

– Қуролингиз бор? Уни қаердан олдингиз?

– Бу Чарлзники.

– Чарлзники?

– Ҳа-да, эрим Чарлзники.

– Қачонлардир чинданам сизнинг эрингиз бўлган-а, қизалоқ? – паст овозда гапирди Ретт ва кулиб юборди.

Қанийди у кулишни бас қила қолса! Қанийди уларни бу ердан тезроқ олиб чиқиб кетса!

– Бўлмаса, сизнингча болам қаердан пайдо бўлган? – писанда қилиб сўради у.

– Энди, эр – бу бирдан-бир имконият эмас...

– Жим бўлинг, аравани тезроқ ҳайданг!

Мариетта кўчасига етай деганларида ҳали ўт олмаган омбор девори ёнида Ретт тўсатдан жиловни тортди

– Тезроқ, ахир! – Бу Скарлеттнинг тилига келиши мумкин бўлган ягона сўз эди. – Тезроқ! Тезроқ!

– Аскарлар! – деди Ретт.

Аскарлар Мариетта кўчаси бўйлаб аланга ичида қолган бинолар ёнидан саф тортиб боришар, улар ўлгудай чарчаган, милтиқларини наридан-бери судраб, бошларини маъюс хам қилиб, ортиқ бир қадам босишга ҳам мажоли етмай, бурқираб кўтарилаётган тутунни, ёнаётган, қулаб тушаётган биноларнинг бўлакларини пайқамай ўтиб боришарди. Улар ува-даси чиқиб кетган жулдур кийимларда кетиб боришар, агар зобитларнинг тўзиган шляпалари соябони тепасига конфедератлар армияси нишони қадаб қўйилмаганида аскарларнинг зобитлардан фарқи қолмасди. Кўпчилиги оёқ яланг, бирининг боши, бирининг қўли бинт билан боғланган. Улар атрофга қарамас, арвоҳлардек тилсиз, фақат тош йўлда юриб бораётган оёқлар дупуригина сукунатни бузарди, холос.

– Уларга диққат билан қаранг, – Реттнинг овозини эшитди Скарлетт. – Келгусида невараларингизга Бизнинг Улуғ Армиямизни чекинаётган пайтида кўрганингизни айтиб берасиз.

Тўсатдан Скарлетт унга нисбатан қаттиқ нафратни ҳис қилди, бу нафрат шу қадар кучли эдики, атиги бир лаҳза ичида ҳатто қўрқувни – айни дамда унга арзимас ва жирканч бўлиб кўринган қўрқувни ҳам юрагидан сиқиб чиқарди. Ўзининг хавфсизлиги ва

қолганларнинг – унинг орқасида, аравада ўтирганларнинг хавфсизлиги Реттнинг ва фақат Реттнинг қўлида эканлигини билар, аммо шундай бўлса ҳам мана бу жулдур кийимлардаги бечоралар ҳақидаги таҳқиромуз гапи учун Реттдан нафратланмай туролмасди. Хаёлидан марҳум Чарлз, Эшли, балки у ҳам ҳаётдан кўз юмгандир, шошилинч қазилган қабрларда чириётган шўх, жасур йигитлар ўтди ва у ўзи ҳам қачонлардир уларни аҳмоқ деб юрганини унутди. У бир оғиз ҳам сўз айтмади, фақат чорасизликдан дарғазаб бўлиб Реттга қаради, нигоҳида эса нафрат ва ғазаб ўти ёнарди.

Милтиғи ерда судралаётган қандайдир кичкина жусса гандираклаб, кетиб бораётганлар орқасидан қараб қолган пайтда сафнинг сўнгги қатори ўтиб борарди. Скарлетт ойпарастники каби маъносиз, чарчоқдан карахт бўлиб қолган чеҳрани кўрди. Аскарнинг бўйи Скарлеттникидан баланд эмас, милтиғидан ҳам баланд эмасга ўхшарди. Юзида эса тук йўқ – ҳали мўйловиям чиқмаган, лойга беланган эди. "Ёши ўн олтиларда бўлса керак, – хаёлидан ўтди Скарлеттнинг, – шубҳасиз, ички мудофаа қўшинларидан, эҳтимол, шунчаки уйдан қочиб кетган ўқувчидир".

Скарлетт уни кузатиб турди, шу пайт йигитчанинг тиззалари букилиб кетди ва у ерга юзтубан йиқилди. Сафнинг охирги қаторидан икки эркак жимгина чиқиб у томон юришди. Биттаси – баланд бўйли, озғин, қора соқоли деярли кўкрагигача тушган – бир сўз демай ўзининг ва йиқилган боланинг милтиғини олиб шеригига берди. Кейин эгилиб кўзбойлоғичдай чаққон ҳаракат қилиб йигитчани кўтариб елкасига олди ва елкасидаги юкдан бир оз эгилиб, шошилмай узоқлашиб бораётган аскарлар ортидан юриб кетди. Йигитча эса аччиқланган болакайдек жон-жаҳди билан бақирарди.

– Қўйиб юбор мени, жин урсин сени! Қўйиб юбор! Ўзим юра оламан!

Соқолли киши жавоб бермади ва тез орада муюлишда кўздан ғойиб бўлди.

Ретт жиловни тушириб, қимирламай уларнинг ортидан қараб турарди. Унинг қорачадан келган юзи ғалати тарзда ўйчан кўринарди. Тўсатдан қулаётган тўсинларнинг қасир-қусури эшитилди ва соясида уларнинг араваси турган омбор томи устидан оловнинг ингичка тили юқорига ўрлай бошлади. Оловнинг алвонранг байроқчаю байроқлари уларнинг бошлари узра осмонга кўтариларди. Тутун бурунларни ачиштирар, Уэйд билан Приссини йўтал тутганди. Чақалоқ эшитилар-эшитилмас пишиларди.

– Ё меҳрибон эгам, Ретт! Нима бўлди – ақлдан озингизми? Нега турибмиз? Ҳайданг! Тезроқ ҳайданг, ахир!

Ретт жавоб бермай, отни хивич билан аёвсиз қамчилади, жонивор юлқиниб юриб кетди. Арава у ёқдан бу ёққа беўхшов силкинганча лопиллаб, Мариетта кўчасини қиялаб кесиб ўта бошлади. Улар рўпарасида темир йўлларга олиб борадиган қисқа, тор, оловли дарага ўхшаш торкўча пайдо бўлди. Кўчанинг икки томонидаги бинолар ёниб ётарди ва арава ўзини ўша томонга урди. Уларнинг устига куйдириб кул қилувчи оташ сочилди, минглаб чўғдек қизиб кетган оловли гардишлар кўзларни қамаштирар, даҳшатли қасир-қусур ва гумбур-гумбурдан қулоқлар қоматга келарди. Абадиятга татигулик бир неча лаҳза ичида улар оловли қуюн гирдобида қолди, кейин бирдан яна ғира-шира ним қоронғулик қуршаб олди.

Улар ўт ичида қолган кўча бўйлаб елиб боришаркан, Ретт отни индамай, бир маромда қамчиларди. Унинг юзи тунд, диққат-эътибори бир нуқтага жамланган, дамдуз хаёллари эса қаердадир узоқ-узоқларда кезиб юргандай туюларди. Афтидан, бу

ўй-хаёллар қувончли эмасди – кенг елкалари хийла букчайган, жағлари қаттиқ қисилган эдики, пешонаси ва юзларидан иссиқ тер оқиб тушар, бироқ у буни сезмаётгандек эди.

У аравани қандайдир ёнбош кўчага, кейин бошқасига бурди, арава ҳам бир тор кўчадан иккинчисига айланиб ўта бошладики, Скарлетт қаерда кетишаётганини тасаввур ҳам қилолмасди, ёнғиннинг ўкирган товуши эса анча олисда қолиб кетди. Ретт ҳануз бир оғиз гапирмасди. Фақат бир маромда усталик билан отни қамчиларди. Оловнинг қип-қизил ёлқинлари ҳавода йўқолиб кетар, қочоқларнинг йўли шундай қоронғулик қаърига кириб борардики, Скарлетт Реттнинг оғзидан ҳеч бўлмаса фақат бир сўз – ҳатто истеҳзоли бўлса-да, ҳатто дилни оғритадиган, киноя ли сўз бўлса-да – эшитса, хурсанд бўларди. Бироқ у миқ этмасди.

Майли, гапирмасин – барибир Ретт шу ердалиги, ўзи унинг ҳимоясида экани учун Скарлетт фалакка шукрона келтирарди. Ёнингда эркак киши бўлса, унга суяна олсанг, елкаларининг кучини ҳис этиб турсанг ва ўзинг билан зулмат қаъридан ўрмалаб чиқаётган сукунат даҳшати ўртасида унинг борлигини билсанг, қандай яхши. Гарчи у гапирмаса ҳам, кўзини олдинга тикиб олган бўлса ҳам.

– О, Ретт! – пичирлади у Реттнинг қўлини сиқиб. – Сизсиз нима қилардик. Қандай бахтки, армияда эмассиз!

У ўгирилиб Скарлеттнинг кўзларига қаради – шундай қарадики, Скарлетт беихтиёр унинг қўлини қўйиб юборди ва орқага тисарилди. Унинг нигоҳида энди истеҳзо йўқ эди. Фақат ошкора ғазаб ва саросимага ўхшаш нимадир бор эди. Кейин нафратомуз кулгидан унинг оғзи қийшайди ва тескари ўгирилди. Улар яна узоқ вақт ўнқир-чўнқирларда силтаниб юришди, фақат чақалоқнинг ора-сира ҳазин

чийиллаши ва Приссининг пишиллагани сукунатни бузарди, Скарлеттнинг сабри тугаб, хизматкор қизни жони борича чимчилади, у эса қаттиқ чинқириб юборди ва қўрқа-писа жим бўлди.

Ниҳоят Ретт аравани қаёққадир ўнг томонга кескин бурди ва тез орада улар кенг, анча текис йўлга чиқиб олдилар. Аллақандай иншоотларнинг ноаниқ шакллари борган сари сийракроқ учрай бошлади, уларнинг ортида эса ҳар икки томонда қоп-қора девор бўлиб ўрмон турарди.

– Мана, шаҳардан ҳам чиқиб олдик, – деди Ретт ҳафсаласизлик билан жиловни тортиб. – Бу Раф-Энд-Редидаги асосий йўл.

– Ундай бўлса, тезроқ юрайлик! Тўхтаманг!

– Бу жонивор бир оз нафасини ростлаб олсин, ахир, – деди Ретт ва Скарлеттга бурилиб секин, сўзларни бўлиб-бўлиб талаффуз қилганча сўради: – Бу бемаъни қадамни қўйишга қатъий жазм қилганмисиз, Скарлетт?

– Қандай қадам?

– Сиз аввалгидек уйга етиб олишни истайсизми? Бу ўз жонига қасд қилиш билан баробар-ку. Сиз билан Тара ўртасида янкилар армияси ва Стив Лининг отлиқ қўшини турибди.

О, карами кенг Эгам! У бошидан кечирган шунча мудҳиш синовлардан кейин Ретт ундан воз кечиб, уйига олиб бориб қўйишни истамаяптими, нима бало?

– Ҳа, ҳа, албатта, истайман! Ретт ёлвораман, тезроқ кетайлик! От у қадар чарчагани йўқ.

– Тўхтаб туринг. Бу йўлдан то Жонсборогача бориш мумкин эмас. Бу йўл темир йўл бўйлаб кетади. Темир йўлнинг орқасида Раф-энд-Редидан жануб томонда бугун кун бўйи жанг кетди. Сиз Раф-энд-Реди ва Жонсборони четлаб ўтиш мумкин бўлган бошқа йўллар, кичикроқ тор кўчалар, сўқмоқларни биласизми?

– Биламан! – хурсанд бўлиб хитоб қилди Скарлетт. – Раф-энд-Редига етмасдан тор кўча бор, у Жонсборога борадиган асосий йўлдан ажралиб чиқади ва бир неча миляга чўзилиб кетади. Биз кўпинча бу йўлда отда сайр қилардик. Бу йўл тўғри Макинтошлар мулкига олиб боради, у ердан Тарагача борйўғи бир миля.

– Бўпти бўлмаса. Балки Раф-энд-Редини четлаб ўта оларсизлар. Генерал Стив Ли кун бўйи чекинишга тўсиқ бўлиб турди. Янкилар ҳали у ерга бостириб кирмаган бўлиши мумкин. Агар Лининг аскарлари сизлардан отни олиб қўймаса, балки омадингиз чопиб, сездирмай ўтиб кетарсизлар.

– Мен... Мен ўтиб кетаман?

– Ҳа, сиз. – Унинг овози кескин жаранглади.

– Лекин Ретт... сиз-чи... Бизни сиз олиб бориб қўймайсизми?

– Йўқ. Шу ерда сизларни тарк этаман.

Скарлетт қулоқларига ишонмай, саросимада атрофга кўз ташлади, орқадаги хира кўкиш-нафармон осмонга, уларни худди қамоқхона деворидек тўрт томондан ўраб турган қоп-қора дарахтларга, аравадаги қўрқув ичида қолган жуссаларга ва тағин – унга қаради. Балки ҳуши жойида эмасдир? Ё нотўғри эшитдими?

Ретт эса энди ошкора мазах қиларди. Скарлетт ним қоронғулик ичида унинг оппоқ тишларини кўрди, кўзларида эса одатдаги истеҳзоли шуъла ялтирарди.

– Сиз бизни ташлаб кетасизми? Қаёққа, ахир... қаёққа кетасиз?

– Мен армия билан кетаман, азизам...

Скарлетт нафасини ростлади – жаҳл билан, аммо енгил тортди. Ҳазиллашгани топган вақтини қаранг! Ретт – армияда! У эмасмиди доимо довул овози ва воизларнинг баландпарвоз сафсаталарига эргашиб,

ақллироқ кишилар кармонларини қаппайтириши учун жанг майдонида жон фидо қилган аҳмоқларни масхаралаб кулиб юрган?

– Ишқилиб сизни бўғиб ўлдирмасайдим – нега мени қўрқитяпсиз? Қани, кетдик!

– Мен мутлақо ҳазиллашаётганим йўқ, азизам. Менинг қаҳрамонона шижоатимни бу қадар ёмон қабул қилганингиздан жуда хафаман, Скарлетт. Қани сизнинг ватанпарварлигингиз ва бизнинг Шарафли Ишимизга садоқатингиз? Мен сизга оқ фотиҳа тилаш имкониятини бераман: "Ғолиб ёки мағлуб бўлиб қайтинг!" Аммо шошилинг, зеро, мен жанг майдонига жўнаб кетишдан олдин олижаноб жасоратга тўлиб-тошган мухтасар нутқ сўзлашим лозим.

Унинг шошилмай, чўзиб гапириши Скарлеттнинг қулоғини батанг қиларди. Ретт уни масхаралаяпти! Бироқ айни пайтда негадир Ретт ўзини ҳам мазах қилаётганини Скарлетт ҳис қилиб турарди. У нима ҳақда гапиряпти ўзи? Ватанпарварлик... ғалаба ёки мағлубият билан... жанг майдони? Ахир, бу гапларни у жиддий туриб айтмаётган бўлса керак? У бу қадар бепарволик билан уларни шу ерда, шу қоронғу кўчада янги туғилган чақалоқ билан, эҳтимол ҳадемай ўлиб қолиши мумкин бўлган аёл билан, овсар негр қиз ҳамда ўлгудек қўрқиб кетган ёш бола билан ташлаб кетмоқчилигини эълон қилиши ва уларни ҳамма ёқни янкилар, қочоқлар босиб кетган, яна отишмалар бўлаётган жанг майдонларидан олиб ўтишни Скарлеттнинг ўзига ҳавола этиб кетиши мумкин эмас, ахир?

Қачонлардир, олти ёшли қизалоқлик пайтида у бир куни дарахтдан йиқилиб тушганди – юзтубан, тўғри қорни билан тушганди. У ҳалигача нафас олишдан маҳрум бўлган ўша даҳшатли лаҳзаларни унутгани йўқ. Мана энди у Реттга қаради ва бирдан айнан ўша ҳолатни ҳис қилди: нафаси қисилди,

боши айланди... ҳанг-манг бўлиб, оғзини очиб ҳаво юта бошлади.

– Ретт? Ҳазиллашяпсизми?

У Реттнинг тирсагига ёпишиб олди ва кўз ёшлари чангак бўлиб қолган бармоқларига томчилаётганини сезди. Ретт унинг қўлини олди ва аста лабига тегизди.

– Худбинлигингизга охиригача содиқсиз-а, азизам? Бутун хаёлингиз, ўй-фикрларингиз фақат азиз жонингиз ҳақида-я? Нега бизнинг шонли Конфедерациямиз ҳақида эмас? Сўнгги ҳал қилувчи дақиқаларда улар сафида тўсатдан пайдо бўлишим бизнинг шавкатли қўшинларимиз руҳини қандай кўтариши ҳақида ўйлаб кўринг-чи! – Унинг овозида қувлик ва заҳархандалик бор эди.

– О, Ретт! – хўрсиниб йиғлади у. – Қандай қилиб сиз менга бундай муносабатда бўляпсиз? Нима учун мени ташлаб кетяпсиз?

– Нима учун? – У бепарво кулиб юборди. – Эҳтимол, бунга биз жанубликларнинг ичимиздаги лаънати пинҳона ўта таъсирчанлигимиз сабабдир. Эҳтимол... эҳтимол, уялаётгандирман. Ким билсин!

– Уяляпсиз? Бўлмаса-чи, сиз уятдан куйиб адо бўлишингиз керак! Бизни бу ерда ёлғиз, ночор аҳволда ташлаб кетиб...

– Азизам Скарлетт! Сиз ҳечам ожиз эмассиз. Ўзини бу қадар яхши кўрадиган ва бу қадар қатъиятли одам ҳар қандай шароитда ҳам ночор аҳволга тушмайди. Сизнинг йўлингизда учраган янкиларга ҳавас қилмайман.

У сакраб ерга тушди – Скарлетт қўрқув ичида лол қолганча унга қараб турарди – ва аравага Скарлетт ўтирган томондан яқинлашди.

– Тушинг, – буюрди у.

Скарлетт кўзларини катта очиб, унга индамай қараб турарди. Ретт қўполлик билан унинг қўлтиғи-

дан олиб ўриндиқдан кўтариб ёнига тушириб қўйди. Кейин шартта аравадан нарига судраб кетди. У туфлисига кириб қолган қум ва майда тошчалар оёғига қаттиқ ботаётганини сезди. Нафасни бўғувчи тун сукунати худди қўрқинчли туш каби уни чирмаб олганди.

– Мен сиздан мени тушунишни ва кечиришни сўраб ўтирмайман. Умуман олганда, сиз буни англай оласизми-йўқми, менга фарқи йўқ, чунки ўзим ҳам бу аҳмоқона ишимни ҳеч қачон тушунмайман ва ўзимни ҳам кечирмайман. Охиригача барҳам топмаган хаёлпарастлигим ғазабимни қўзғайди. Аммо бизнинг жаннатмакон Жануб ҳозир ҳар битта эркакка муҳтож. Ахир, айнан шундай деганди, шекилли, бизнинг жасур губернатор Браун? Аммо бу муҳим эмас. Мен урушга кетяпман. – Бирдан у жарангдор овоз билан, чин юракдан, қаҳ-қаҳ уриб кулиб юборди, унинг кулгиси қуюқ ўрмон ичида акс-садо берди. – "Номусни ҳамма нарсадан афзалроқ билмаганимда, сени бу қадар қаттиқ севолмаган бўлардим".[4] Ҳозирги ҳолатга жуда мос мисралар, шундай эмасми? Лекин, албатта, ҳозиргидек дақиқаларда ўзим ўйлаб топганим яхшироқ эди. Ахир мен сизни севаман, Скарлетт, бир куни кечаси, бир ой олдин, айвонингизда айтган гапларимга қарамай, севаман.

Унинг имиллаган чўзиқ нутқида эркалаш оҳанги бор эди, иссиқ кучли қўллари билан у Скарлеттнинг яланғоч тирсакларини қаттиқ сиқди.

– Мен сизни севаман, Скарлетт, чунки биз сиз билан қалбан жуда яқинмиз. Иккимиз маслагидан қайтган, эътиқодсиз кишилармиз, азизам, пасткаш худбинлармиз. Бу дунёдаги ҳамма нарсага тупурамиз – фақат ўзимизга яхши бўлса бас, қолгани йўқ бўлиб кетмайдими.

[4] XVII асрда яшаб ўтган инглиз шоири Ричард Лавлейсдан.

Реттнинг овози қоронғулик қаъридан унгача етиб келарди, у сўзларни эшитар, бироқ улар маъносиз жаранглари. Скарлеттнинг толиққан шуури шафқатсиз ҳақиқатни идрок этишга уринарди – Ретт уни шу ерда тарк этади, янкилар ихтиёрига ташлаб кетади. Миясига бир фикр тақиллаб уриларди: "У мени ташлаб кетяпти. У мени ташлаб кетяпти". Лекин бу фикр унда ҳеч қандай ҳис-туйғу уйғотмади.

Кейин эса белини, елкаларини ўз оғушига олган қўлларини ҳис қилди, сонининг қаттиқ мушакларини туйди, сюртугининг тугмалари эса кўксига ботди. Қаердалигини, ўзига нима бўлаётганини унутишга уни мажбур этиб, ҳаммасини супуриб-сидириб ташлаб, юраги тубида қайноқ, хавотирли тўлқин кўтарилди. У бўшашаётганини, Реттнинг қўлларида латта қўғирчоқдек ожизлигини ҳис қилди, бу қўллар эса шу қадар оромбахш ва ишончли эдики.

– Ўз қарорингизни ўзгартиришни истамайсизми? Бир ой илгари сизга айтган сўзларимни эслайсизми? Хавф-хатар, ўлимнинг яқинлиги – яна нима туйғуларга бу қадар таъсирчанлик бахш этиши мумкин? Ҳақиқий ватанпарвар бўлсангиз-чи, Скарлетт. Ўлимга жўнатаётиб, ўз жангчингизга ширин хотиралар бахш этинг.

Ретт уни ўпди. Скарлетт лабларида унинг мўйловлари дағаллигини сезиб турарди, унинг бўсаси узоқ, оҳиста эди, Скарлеттнинг лаблари билан қовушган қайноқ лаблари, гўё ҳали олдинда бутун бир оқшом бордек, шошилмасди. Чарлз ҳеч қачон уни бундай ўпмаганди. Ва ҳеч қачон эгизак Тарлтонлар ёки ака-ука Калвертларнинг ўпичларидан сўнг унда бундай нарса рўй бермаганди: бутун танаси бир оташ бўлиб ёнар, бир музлаб қолар, тиззалари мажолсиз, оёқлари чалишиб кетарди. Ретт уни сал орқага эгди, лаблари унинг бўйнидан қуйига қараб сирғалди.

– Қувончим менинг, – шивирларди у. – Оҳ, менинг қувончим!

Худди туман ичида тургандай унинг кўз олдида бир лаҳзага араванинг ноаниқ шарпаси пайдо бўлди ва у Уэйднинг ингичка титроқ овозини эшитди.

– Ойи, қўрқиб кетяпман!

Унинг хиралашган ҳорғин идроки соғлом ақлнинг ўткир, совуқ нуридан бирдан равшан тортди ва бир неча сонияга ўчиб кетган нарсалар хотирасида дарҳол тикланди: у ҳам қўрқяпти, қаттиқ қўрқяпти, Ретт эса уни ташлаб кетяпти, ярамас, пасткаш! Устига устак, бу ерда – йўл ўртасида туриб уни ҳақорат қилишга, сурбетларча жирканч изҳори дил қилишга ҳадди сиққанини қаранг! Ғазаб, нафрат унга куч ато этди ва Скарлетт уни қаттиқ итариб юбориб, оғушидан сирғалиб чиқди.

– Эҳ, бунча пасткаш бўлмасангиз! – хитоб қилди у ва чорасиз ғазаб ичида Жералд мистер Линкольн ёки мистер Макинтошлар, ёки ўзининг қайсар хачирларига ёғдирадиган энг оғир ҳақоратларни жон-жаҳди билан эслашга уриниб, аммо миясига ҳеч қанақа ҳақоратли сўз келмади. – Сиз разил, қўрқоқсиз, жирканч ва нотавонсиз! – Ва бундан ортиқ аччиқ сўзларни топа олмай, бор кучини тўплади ва қулочкашлаб Реттнинг юзига туширди, зарба унинг лабларига тўғри келди. У бир қадам чекинди ва қўлини лабига олиб борди.

– Ҳали шунақами, – деди у ва улар қоронғуда бир-бирларига индамай қараб турдилар. Скарлетт унинг оғир ва ўзининг – гўё у жон-жаҳди билан югуриб кетаётгандек – тез-тез нафас олаётганини эшитди.

– Сиз ҳақингизда тўғри гапиришган! Ҳамма тўғри гапирган! Сиз жентльмен эмассиз!

– Кучсизсиз, азизам, – деди у, – жудаям кучсиз.

Скарлетт унинг яна устидан кулаётганини тушуниб турарди, бу ўй эса уни тағин жазавага солди.

– Йўқолинг! Мендан нари кетинг! Кетинг, эшитяпсизми? Сизни ортиқ кўришни истамайман! Ҳеч қачон! Агар сизни снаряд бурдалаб ташласа, бахтиёр бўлардим! Минг-минг бурда қилиб! Мен...

– Тафсилотлар билан ўзингизни қийнаманг. Сизнинг асосий фикрингиз менга равшан. Агар Ватан учун жон фидо қилсам, оз бўлса-да виждон азобини тортишингизга тўғри келади, деб қўрқаман.

У яна кулди ва бурилиб, арава томон юрди. У арава ёнида тўхтади ва ҳар доимгидек Меланига ҳурмат ва эҳтиром билан мурожаат қилганида, Скарлетт унинг овози қандай ўзгарганини илғади:

– Миссис Уилкс!

Приссининг қўрқув ичида ғўлдирагани эшитилди:

– Вой худойим, капитан Батлер! Мисс Мелани, мана қанча вақтдан бери бутунлай жонсиз ётибди.

– У тирикми, нафас оляптими?

– Ҳа, сэр, нафас олишга-ку, оляпти.

– Унда балки бу унинг учун яхшироқдир. Ахир, ҳуши жойига келса, унинг учун оғриққа чидаш қийинроқ бўларди. Сен унга яхшироқ ғамхўрлик қил, Присси. Ма, мана бу тангачани ол. Агар уддалай олсанг, аслингдан кўра аҳмоқроқ бўлмасликка ҳаракат қил.

– Ҳа, сэр. Раҳмат, сэр.

– Алвидо, Скарлетт!

Скарлетт унинг ўгирилиб ўзига қараётганини билиб турарди, аммо бир сўз демади. Нафрат тилини боғлаб қўйганди. Реттнинг оёқлари остида тошчаларнинг шиқирлагани эшитилди ва нимқоронғуликда унинг кенг елкалари бир лаҳзача кўзга кўриниб турди. Ва ниҳоят у кўздан ғойиб бўлди. Бир муддат унинг қадам товушлари эшитилиб турди. Кейин

эса бу товушлар ҳам тинди. Скарлетт арава томон юрди. Унинг тиззалари букилиб кетаётганди.

У нега кетди ва қоронғулик қўйнида ғойиб бўлди, нима учун аллақачон бой берилган урушга, телбалик ва тартибсизлик ҳукм сурган томонга қараб кетди? Нима учун у кетди, у, Ретт, ҳузур-ҳаловатни, аёлларни, винони, мазали таомни ва юмшоқ ўринни, нафис кийим-кечак ва башанг пойафзални шу қадар яхши кўрадиган Ретт, нега кетди? Жануб ва унинг учун жанг қилган барча аҳмоқлардан нафратланадиган Ретт? Мана энди унинг ўзи очлик, жароҳатлар, азоб-уқубатлар ва ҳар қадамда аскарни пойлаб тиш қайраган бўрилардек хатарли йўллардан ўзининг ялтираган этикларида юриш учун шу йўлни танлади. Бу йўлнинг охирида эса ўлим бор. У ҳеч қаёққа кетмаслиги керак эди. У бадавлат, тўкин-сочин яшаши мумкин эди, ҳеч нарса унга хавф солмасди. Лекин у кетди, бу қора, сўқир тунда қаердадир беркиниб ётган янкилар билан, уйидан узоқда, бир ўзини ёлғиз ташлаб кетди.

Унинг юзига айтмоқчи бўлган жамики ҳақоратли сўзлари Скарлеттнинг бирдан эсига тушди, аммо энди кеч эди. У бошини отнинг бўйнига қўйиб, йиғлаб юборди.

XXIV боб

Қуёшнинг барглар орасидан тушаётган ёрқин нурлари Скарлеттни уйғотиб юборди. Уни уйқу элитган пайтдаги ҳолатнинг ноқулайлигидан танаси увишиб қолган ва у нималар бўлганини тезда эслаёлмасди. Офтоб кўзларини қамаштирар, қаттиқ тахтада ётгани учун бели қақшар, оёқларини аллақандай юк босиб турарди. У туриб ўтиришга уринди ва оёғидаги оғир юк тиззасида ётган Уэйднинг боши эканини тушунди. Меланининг яланг оёқлари

унинг юзига тегай деб турарди. Қора мушукка ўхшаш Присси чақалоқни ўзи билан Уэйднинг ўртасига ётқизиб, аравaнинг тубида ғужанак бўлиб ётарди.

Шу пайт Скарлетт ҳаммасини эслади. Қаддини ростлаб ўтирди ва шошиб атрофни кузатди. Худога шукур, ҳеч қаерда янкилар кўринмади. Тун бўйи уларнинг аравасини ҳеч ким кўрмабди. Энди олислаб кетган Реттнинг қадам товушлари тинганидан сўнг, унинг кўз олдида улар босиб ўтган даҳшатли тушга ўхшаш бу қўрқинчли йўл аниқ кўриниб турарди – бу адоқсиз тун, қоронғу қишлоқ йўли, ўйдим-чуқурлар, бузилган йўллар, гоҳида арава ғилдираклари тушиб кетадиган йўлнинг икки ёқасидаги чуқур ариқчалар, ўзи ва Присси қўрқув ичида бор кучлари билан ғилдиракларни тортишгани, аравани итаришгани, йўлга чиқиб олиш учун отга ёрдам беришгани – ҳамма-ҳаммаси кўз олдига келди.

Аскарларнинг яқинлашиб келаётганини илғаб, бу келаётганлар кимлигини – дўстми ёки душманми – билмай қўрқувдан зир титраб, туриб қолган отни йўлдан далага ёки ўрмонга буриб ҳайдаб, кимдир йўталиб, акса уриб ёки Уэйд ғингшиб уларни сездириб қўйишини ўйлаб қандай даҳшатга тушганларини у эслади.

Оҳ, бу қоп-қора зулмат қўйнидаги йўл! Бу йўл бўйлаб этикларининг ерга аста-аста урилиб дупурлаши билан, юганларининг жингир-жингири билан, эгар-жабдуқларининг ғичир-ғичири билан арвоҳлардек сукунатни бузиб тилсиз шарпалар юрарди. Оҳ, ниҳоятда толиққан қирчанғи тўсатдан ўжарлиги тутиб тўхтаб қолган ва уларнинг ёнидан енгил тўпларни судраб отлиқ аскарлар тўдаси ўтиб кетган – улар шу даражада яқинки, қўл узатса етгудай – ўша қўрқинчли лаҳзалар! Аскарлар шу қадар яқинки, улардан анқиётган аччиқ тер ҳиди унинг димоғига урилганди!

Ниҳоят улар Раф-энд-Редига етиб боришганида, олдинда – генерал Лининг сўнгги ҳимоячи қисм аскарлари чекинишга буйруқ берилишини кутиб турган жойда – лашкаргоҳнинг чироқлари милтиллаб кўрина бошлади. Скарлетт лашкаргоҳ бир миляча орқада қолиб, чироқлари кўздан йўқолгунча қароргоҳни айланиб ўтиб, тўғри ҳайдалган майдон орқали от солди. Шунда у қоронғуликда йўлни йўқотиб қўйди ва узоқ йиғлади. Чунки у ўзига жуда яхши таниш бўлган қишлоқ йўлини ҳеч топа олмади. Ниҳоят йўлни топган чоғида аравага қўшилган от абзали билан йиқилди, бир қадам юришни, Присси иккаласи уни қанчалик итаргилаб жиловидан тортишмасин, ўрнидан туришни истамади. Шундан сўнг у отни аравадан чиқариб олди, тердан кийимлари жиққа ҳўл бўлиб, аравага чиқиб олди ва чарчоқдан лўқиллаб оғриётган оёқларини чўзди. Кўзи юмилиб кетаётганида Меланининг овози – илтижоли, хижолат билан жуда секин пичирлаётгани эшитилди:

– Скарлетт! Менга бир қултум сув бера оласанми? Илтимос!

– Сув йўқ... – ғўлдиради у ва гапини тугатмай ухлаб қолди.

Ҳозир эса тонг отган, атрофдаги олам салобат билан сукут сақлар – ям-яшил баргларда ўйнаётган қуёш шуъласида олтиндай товланарди. Яқин атрофда бирорта ҳам аскар кўринмайди. Ташналикдан унинг томоғи қуриган, очлик азоб берар, қотиб қолган оёқлари қалтирар, бутун танаси қақшар ва бу унинг ўзи, бир умр зиғир толасидан тўқилган чойшабда, пар ёстиқларда ухлашга одатланган Скарлетт О'Хара қора танли оқсочдек қаттиқ тахтада ухлаши мумкинлигига ишонмасди.

Қуёшдан кўзи қисилиб у Меланига қаради ва қўрққанидан бақириб юборди. Мелани қимирламай ётар, ранги бўздай оқариб кетгандики, Скарлеттга

ўлиб қолгандек туюлди. Юзида тирикликдан нишона йўқ. Сўппайган юзи қора сочларининг тўзғиган тутамлари билан ярим ёпилган жонсиз кекса аёл ётарди... Бироқ Скарлетт унинг билинар-билинмас нафас олаётганини сезди ва Мелани бу тунги уқубатларга бардош бера олганини тушунди.

Скарлетт қўли билан кўзларини қуёшдан пана қилиб, атрофга аланглаб қаради. Афтидан, улар кечани кимнингдир ҳовлисида дарахтлар тагида ўтказганга ўхшайди, чунки олдинда, икки қатор кедр дарахтлари ўртасида қум ва шағал тўкилган хиёбон узоқларга илон изидек чўзилиб кетганди.

"Ахир, бу Мэллориларнинг мулки-ку!" – лоп этиб хаёлига келди Скарлеттнинг ва дўстларим орасидаман, улар менга ёрдам беради, деган ўйдан қувониб юраги ўйнаб кетди.

Аммо атроф сув қуйгандай жимжит эди. Гулзорлар ва майсазорлар – ҳаммаси пайҳон қилинган, ғилдираклар, от туёқлари, одам оёқлари остида янчилиб, суғуриб ташланганди. Скарлетт таниш, ёруғ, деворига юпқа тахта қопланган уй тарафга қаради ва қорайиб кетган тош пойдеворни, қовжираб қурум босган дарахт барглари орасидан кўриниб турган иккита узун тўғри тўртбурчак мўрини кўрди.

У бутун борлиғи титраб оғир нафас олди. Агар Тарани ҳам худди шундай – жимжит, ўлик ҳолида кўрса, агар уни ҳам ер билан яксон қилиб ташлашган бўлса, унда нима бўлади?

"Мен ҳозир бу ҳақда ўйламайман, – деди шошиб у ўзига ўзи. – Бу ҳақда ўйламаслигим керак. Бўлмаса яна қўрқувга тушиб ақлдан озаман." Аммо унинг иродасига зид тарзда юраги оғир дукиллар ва ҳар битта зарби жом садосидек жаранглари: "Уйга! Тезроқ! Уйга! Тезроқ!"

Юриш керак – уйга! Бироқ аввал ейишга бирор нарса ва ҳеч бўлмаса бир қултум сув топиш керак. У

Приссини туртиб уйғотди. У эса бақрайиб атрофга аланглади.

– Вой худойим, мисс Скарлетт! Мен энди нариги дунёда уйғонсам керак, деб ўйловдим!

– Сен у ёққа ҳали-бери тушмайсан, – деди Скарлетт тўзғиган сочларини нари-бери текислашга уриниб. Ҳали ҳам юзи, танаси тердан ҳўл эди. У ўзига чидаб бўлмас даражада кир-чир, бадани ёпишқоқ, бетартиб кўринар, ҳатто унга борлиғидан қўланса ҳид анқиётгандай туюларди. Бир кечада кўйлаги ғижимланиб кетган ва ҳеч қачон у ўзини шу қадар ҳорғин ва бемажол ҳис қилмаганди. Бу оқшомдаги ўта оғир босимдан мушакларигача зирқираб оғрир, шу пайтгача у ҳатто мушаклари борлигини ҳам билмас, ҳозир ҳар бир ҳаракати қаттиқ азоб берарди.

Скарлетт Меланига қаради ва унинг кўзларини очганини кўрди. Қаттиқ оғриган, салқиган, атрофини қорамтир ҳалқалар ўраган, иситмадан ялтираб кишини қўрқитадиган аҳволдаги кўзларини. Меланининг қовжираган лаблари титради, илтижо билан шивирлаган овози эшитилди:

– Сув!

– Тур, Присси! – деди Скарлетт. – Қудуқдан сув тортиб келамиз.

– Мисс Скарлетт, биз қандай қилиб... Балки у ерда мурдалар бордир, эҳтимол мурдаларнинг арвоҳлари юргандир.

– Агар ҳозироқ аравадан тушмасанг, жонингни суғуриб оламан, – деди Скарлетт жанжалга мутлақо хуши бўлмаса-да, кейин бир илож қилиб ўзи ҳам аравадан тушди.

Шундагина от ёдига тушди. Ё парвардигор, агар бу қирчанғи тунда жон таслим қилган бўлса, нима бўлади? Скарлетт аравaнинг олд томонига югуриб ўтди ва ёнбошлаб ётган отни кўрди. Агар от ўлган бўлса, унинг ўзи ҳам шу ернинг ўзида чархи каж-

рафторга лаънатлар ёғдириб, жон беради. Кимдир, Тавротда ёзилишича, бир замонлар шундай қилган экан. Тангрига таъналар қилиб, ҳаётдан кўз юмган экан. Айни дамда Скарлетт ўша одам нималарни ҳис қилганини тушуниб турганди. Лекин от тирик эди – у оғир нафас олар, ярим юмуқ кўзлари ёшланган, бироқ тирик эди. Майли, ҳечқиси йўқ, бир қултум сув унга куч бағишлайди.

Присси ҳеч қандай хоҳиш-истаксиз, овози борича оҳ-воҳ қилиб аравадан тушди ва аланглаб, хиёбон бўйлаб Скарлеттнинг ортидан судралди. Култепа ортидаги дарахтлар соясида қулларнинг оҳак билан оқланган, жимжит, ҳувиллаган кулбалари турарди. Қаердадир шу кулбалар билан ҳали ҳам бурқсиб ётган уйнинг пойдевори ўртасида қудуқ топилди – ҳатто томи ҳам бус-бутун, арқонида пастга тушириб қўйилган челак осиғлиқ эди. Присси ёрдамида Скарлетт челакни қудуқдан тортиб олди. Қоронғу қудуқдан салқин, қуёш нурида жилваланаётган сув чиқди, у челакни бир ёнга эгиб, четига лабини қўйганча ютоқиб, уст-бошига тўкиб сув ича бошлади!

Приссининг норози овози қулоғига етиб келмагунича ичаверди, ичаверди.

– Мен ҳам озгина ичай, мисс Скарлетт!

Бу Скарлеттни ўзига келишга ва бу ерда ёлғиз ўзи эмаслигини эслашга ундади.

– Арқонни еч, челакни аравага олиб бориб ҳаммага сув ичир. Қолганини отга бер. Нима дейсан, мисс Мелани чақалоқни эмизоладими? У очдан ўлиб қолади-ку.

– Худойим, мисс Скарлетт, мисс Меллининг сути йўқ-ку. Бўлмайдиям.

– Қаердан биласан?

– Унга ўхшаганларни кўп кўрганман.

– Бошимни қотирма: кеча ҳамма балони тушунгандинг – доялик қилиш зарур бўлганда! Бўпти,

югур! Мен ейишга бирор нарса топишга уриниб кўрай.

Ниҳоят чорбоғдан бир оз олма топгунича унинг анча вақти зое кетди. Аскарлар бу ерга ундан олдинроқ келишган, дарахтларда олма йўқ эди, бироқ у ўтлар орасидан бир нечта ярми чириган олма топди. Яхшироқларини саралаб этагига солди-да, енгилгина туфлисига майда тошчалар кириб қолаётганини ҳис қилиб, юмшоқ тупроқ йўлдан орқага қайтди. Нега у кеча бирор бир мустаҳкамроқ бошмоқ кийиб олишни ўйламади-я? Нега қуёшдан пана қилувчи шляпасини олмади? Ўзини ғирт аҳмоқлардек тутди. Дарвоқе, у ҳамма нарсанинг ташвишини Ретт албатта қилади, деб ўйлаганди-да, ахир.

Ретт! Гўё бу исмнинг ўзиёқ оғзида ёқимсиз таъм қолдиргандек ғазаб ва нафрат билан ерга тупурди. Уни шу қадар ёмон кўради-ки! Ретт унга нисбатан разиллик қилди! У бўлса ўша жойда, йўл устида, Реттга ўпишга изн берди, ҳатто бу унга хуш ёққани-чи! Ўша оқшом у ақлини йўқотган бўлса керак. Лекин бу одам бунчалик пасткаш, бунчалик жирканч бўлмаса!

У арава ёнига қайтди ва ҳаммага олма улашди, қолганини аравага ташлаб қўйди. От оёққа турди, лекин сув жониворни унчалик тетиклаштирмади, чамаси. Ҳозир, кун ёруғида отнинг аҳволи тундагидан ҳам қўрқинчлироқ, ёмонроқ эди. Сағрисининг суяклари қари сигирникидек туртиб чиқиб турар, қовурғалари кир босган тахтани эслатар, орқасининг қамчи тегмаган соғ жойи қолмаганди. Отни аравага қўшаркан, Скарлетт қирчанғига қўл тегизишга ўзини зўрға мажбурларди, сувлуқ солаётганида эса жониворнинг оғзида биттаям тиши қолмаганини кўрди. Ҳа, от мана бу қирлар каби қари! Модомики Ретт от ўғирлашга қасд қилган экан, тузукроғини ўғирласа бўларди.

У аравага чиқиб ўриндиққа ўтирди ва дарахт новдаси билан отни қамчилади. Қирчанғи пишиллаб, хириллаб жойидан қўзғалди, лекин таниш тупроқ йўлга бурилгач, Скарлетт манзилга ҳеч қийинчиликсиз пиёда тезроқ етиш мумкинлигини кўрди – жонивор шу қадар секин одимларди. Эҳ, қани энди буларнинг ҳаммаси – Мелани ҳам, Уэйд ҳам, чақалоқ ҳам, Присси ҳам унинг бўйнига осилиб олмаганида эди! У бир лаҳзада уйига етиб оларди. Ҳа, у югурган, бутун йўл бўйи уйга, ойисининг ёнига югурган бўларди.

Уйгача қолган масофа ўн беш милядан зиёд эмасди, лекин қари қирчанғи жуда секин судралар, Скарлеттнинг унга тез-тез дам беришига тўғри келарди, бу саёҳатга бир кун кетиши тайин. Яна бир кун! Скарлетт тўплар ва санитар извошларнинг ғилдираклари чуқур из қолдирган йўлнинг кўзни қамаштирувчи қизғиш, узун тасмасига қаради. У Таранинг бурунгидек ўз жойида турганини, у ерда Эллинни кўргунича яна неча соат ўтади. Яна неча соат жазирама сентябрь қуёши остида аравада силтаниб юришларига тўғри келади.

Скарлетт тағин Меланига кўз ташлади – у шишиб кетган қовоқларини юмиб, қуёшдан кўзлари қисилиб ётарди. Скарлетт тумоғининг тасмасини тортиб ечди ва уни Приссига ирғитди:

– Мисс Меланининг юзини ёп... Қуёш тўғри кўзига тушяпти. – У бош кийимини ечгани ҳамон қуёш бошини қиздираётганини сезди ва ўйлади: "Кечга бориб какку тухумидек юзимни сепкил босиб кетади". Ҳали ҳеч қачон очиқ осмон остида шляпа ва бўйинбоғсиз юрмаганди, ҳеч қачон нозик қўллари жиловни қўлқопсиз ушламаганди. Ҳозир у чалажон отга тиркалган мана бу шалоқ аравада қуёш тиғи остида ўтирибди – кир-чир, терга ботган, оч-наҳор ва бу кимсасиз йўлдан шиллиқ қуртдек имиллаб

судралишдан ўзга иложи йўқ. Атиги бир неча ҳафта олдин у ишончли маконда хотиржам яшаётганди. Ахир, яқиндагина у, атрофдаги одамлар каби, Атланта ҳеч қачон мавҳ этилмайди, душман оёқлари Жоржия тупроғига қадам босмайди, деб ишонарди. Аммо бор-йўғи тўрт ой илгари шимоли-ғарбда пайдо бўлган кичкина булут мисли кўрилмаган бўронни бошлаб берган серёмғир булутга айланди... Бу булут эса у яшаган дунёни ер юзидан супуриб ташлади, батартиб ҳаётини бузди, ўзини эса бу ёққа, мана бу жимжит, харобага айланган, арвоҳлар ин қурган ўлкага улоқтирди.

Ҳали Таранинг ўзи бу оламда мавжудми, йўқми? Жоржия устидан ўтган бўрон уни ҳам супуриб кетмадими? Лиқилдоқ ғилдиракларда чайқалиб бораётган аравани тезроқ судрашга мажбурлаш учун беҳуда уринаётган Скарлетт тинка-мадори қуриган отнинг сағрисига қамчи босди.

Ажал шундоқ ёнгинасида, ҳавода нафаси сезилиб турарди. Ботиб бораётган қуёшнинг шом палласидаги нурлари оғушида ётган таниш далалар, таниш яшил дарахтзорлар юрагига ғулғула солиб Скарлеттнинг кўз ўнгида нотабиий тарзда сукутга чўмиб ястаниб ётарди. Ўша куни ўтиб бораётиб, снаряд тешиб ўтган уйларни кўрганида, қурум босган вайроналар устида қўриқчидек тик қотган мўриларни кўрганида қўрқув вужудига тобора чуқурроқ кириб борарди. Ўтган кечадан буён уларга бирорта тирик жон учрамади – на бир одам, на бир ҳайвон. Атрофда фақат мурдалар – одамларнинг, отларнинг, хачирларнинг жасадлари... Улар йўлларнинг четида шишиб ётар, устида пашшалар тўдаси қора булутдай айланарди, атрофда эса тирик жон йўқ. На қушлар чуғури, на подаларнинг олисдан келадиган маърашлари, на баргларнинг шамолда шитирлаши эшитилмасди. Фақат отнинг ҳорғин туёқларидан

чиқаётган товуш ҳамда янги туғилган чақалоқнинг заифгина пишиллаши сукунатни бузарди.

Гўё борлиққа қандайдир ғалати жодугарлик тамғаси урилгандек. Бу замин худди ойисининг ўлим азобини бошидан кечирганидан сўнг ниҳоят хотиржам тортган сокин, севимли, гўзал чеҳрасига ўхшашини ўйлаганида Скарлеттнинг эти жимирлаб кетди. Унга таниш бу ўрмонлар арвоҳлар билан тўладек туюларди. Жонсборо остонасидаги тўқнашувларда минглаб аскарлар ҳалок бўлганди. Уларнинг руҳлари – дўст ва душманларнинг руҳлари – унга, шалоқ аравада ўтирган Скарлеттга, у ёқдан, ана шу сеҳр-жодуга чалинган дарахтзорлардан, қуёшнинг кечки қиялама нурларига кўмилиб қилт этмай турган маъшум барглар орасидан қон ва қизғиш тупроқдан қизариб кетган, сўқир, қўрқинчли, шиша кўзлари билан қараб турарди.

– Ойи! Ойи! – сассиз пичирлади Скарлетт. Оҳ, қанийди Эллиннинг ёнига етиб борақолса! Қанийди бирор-бир мўъжиза рўй бериб Тара омон қолган бўлса-ю, узун хиёбонни ортда қолдириб уйга кирса ва Эллиннинг меҳрли, хушҳол юзини кўрса, унинг мўъжизакор, ҳар қандай қўрқувни даф этадиган майин, сеҳрли қўлларини ҳис қилса, оёқлари остига йиқилса, тиззаларига бошини қўйиб, юзини беркитса! Онаси биларди нима қилиш кераклигини. У Мелани билан чақалоқнинг ўлиб кетишига йўл қўймасди. Хотиржамлик билан: "Жим, жим!" – деган бўларди ва қўрқувлару арвоҳ-чарвоҳлар тутундек тарқаб кетарди. Лекин онаси касал, эҳтимол, ўлаётгандир.

Скарлетт яна отнинг қонталаш сағрисига хивич билан урди. Нима бўлса бўлар, фақат тезроқ юриш керак. Жазирама қуёш тиғида тупроқ йўлдан кун бўйи судралиб юришади, унинг эса охири кўринмайди. Ҳали-замон қоронғу тушади, улар эса тағин ажал изғиб юрган бийдай далада ёлғиз ўзлари қолишади.

Скарлетт қавариб кетган қўллари билан тизгинни маҳкамроқ ушлади ва елкаларидаги оғриққа эътибор бермай, жон-жаҳди билан отни ниқтай бошлади.

Ишқилиб ота уйига, Эллиннинг иссиқ қучоғига етиб олса ва ўзининг нозик елкаларидан бу ғоят оғир юкни ташлаб юборса бўлгани: қанийди жон бераётган аёлдан, чалажон чақалоқдан, очликдан силласи қуриган ўғлидан, ҳаддан ташқари қўрқиб кетган негр қизчадан – ундан ҳимоя, суянч кутаётган бандалардан, унинг тик елкаларига, қоматига қараб кучи ва жасоратига ишонаётган, бироқ бу хислатларни аллақачон йўқотганини тушунмаган одамлардан халос бўлса.

Эзилиб кетган отга на тизгин, на хивич таъсир қилар, оёқларини зўрға судраб босар, туёқлари остидан каттароқ тош чиқиб қолса мункиб кетар ва чунонам гандираклардики, ҳозир ерга қулаб тушадигандай туюларди. Лекин шундай бўлса-да, кечки ғира-ширада узоқ давом этган сафар поёнига етиши лозим бўлган сўнгги бурилишгача барибир етиб келишди. Тупроқ кўчадан бурилиб, яна катта йўлга чиқиб олишди. Тарагача бор-йўғи бир миля йўл қолди!

Олдинда Макинтошлар мулки бошланишидан дарак берадиган қалин ёввойи апельсин дарахтларининг яшил девори қорайиб кўринарди. Кўп ўтмай Скарлетт йўл ёқасидан Энгус Макинтошнинг уйига бориладиган эманлар хиёбонида отни тўхтатди. Қуюқлашаётган ғира-ширада икки қатор кекса эманлар орасидан узоққа синчиклаб қаради. Ҳаммаёқ қоронғу. На уйнинг деразаларида, на атрофда бирорта чироқ ёруғи кўринмасди. Кўзлари қоронғуликка ўргангач, бу даҳшатли кун мобайнида аллақачон таниш бўлиб қолган манзарани фарқлай бошлади: бу шишалари уриб синдирилган деразаларнинг сўқир

кўзлари билан бўшлиққа жим қараб турган, иккинчи қават вайроналари устидан улкан қабр тошларидек баланд кўтарилган бир жуфт мўрининг қора кўланкаси.

– Хэлло! – бор кучини йиғиб қичқирди у. – Салом!

Присси даҳшатга тушиб унинг қўлига ёпишди. Скарлетт ўгирилиб, қизалоқнинг қўрқувдан олайиб кетган кўзларини кўрди.

– Бақирманг, мисс Скарлетт! Илтимос, бақирманг, – тутилиб-тутилиб пичирлади у. – Нималар жавоб қайтаришини ким билади?

"Ё, меҳрибон Эгам! – ўйлади Скарлетт эти увишиб. – Ё, меҳрибон Эгам! У ҳақ. Бу кулхонадан нима чиқиб келишини ким билади!"

Отни жойидан қўзғатиш учун у жиловни силтай бошлади. Макинтошлар уйининг аҳволини кўргач, унинг қалбини илитиб турган сўнгги умид учқуни ҳам сўнди. Бугун улар ёнидан ўтган бошқа мулклар каби бу уй ҳам вайрон қилинган, ташлаб кетилган, ёқиб юборилганди. Тара бу ердан бор-йўғи ярим миля нарида, айнан душман армияси ўтган йўл устида эди. Уни ҳам, шубҳасиз, ер билан яксон қилишган. Скарлетт у ерда фақат куйиб кетган ғишт уюмидан ҳамда қулаб ётган том устида жимирлаётган юлдузлару сукунатга – ҳамма ёқда бўлганидек, ваҳимали қабристон сукунатига дуч келади. На Эллин, на Жералд, на сингиллари, на Моможони, на негрлар бўлмайди – худо билади ҳозир улар қаерда!

Бундай аҳмоқона сафарга уни нима мажбур қилди? Нега у ақлга хилоф равишда Меланини чақалоғи билан бу ёққа судраб келди? Улар кун бўйи қуёшнинг ўткир тиғи остида, шалоқ аравада азоб чекиб, йўл босиб келиб, Таранинг жимжит харобалари орасида ўлим топгунча, Атлантада ўлиб кетганлари яхшироқ эди.

Бироқ Эшли Меланига ғамхўрлик қилишни унга тайинлаганди. "Унга ғамхўрлик қилинг", деганди у. Оҳ, Эшли у билан бир умрга видолашишдан олдин уни ўпган ўша бемисл кун қандай гўзал ва азобли эди! "Ахир, сиз унга ғамхўрлик қиласиз, тўғрими? Менга сўз беринг!". У эса сўз берди. Нима учун у, ҳозир, Эшли унинг ҳаётидан тамоман кетган бир пайтда ўзини икки карра оғир ваъда билан боғлаб қўйди? Ҳатто айни дақиқаларда ҳам, ҳаддан ташқари эзилиб кетган бўлса-да, Меланини ва сукунатни борган сари камроқ ва заифроқ бузаётган боласининг ҳазин, чийилдоқ овозидан нафратланишга ўзида куч топди. Аммо у ўзини ваъда бериш билан боғлаб қўйган, энди Мелани ҳам, чақалоқ ҳам Уэйд ва Присси сингари у билан чамбарчас боғланган, шу боис ҳолдан тойгунча, сўнгги нафасигача курашмоғи лозим. У Меланини Атлантада қолдириши, госпиталга тиқиши ва тақдир ҳукмига топшириши мумкин эди. Лекин бундай қилса бу дунёда Эшлининг кўзига қандай қарарди, у дунёда ҳам, албатта, хотини ва боласини бегоналар қўлида жон беришлари учун қолдириб кетганини унга қандай айтади?

О, Эшли! Скарлетт унинг хотини ва боласи билан шарпалар ин қурган қоронғу ўрмон йўлларида азоб чекиб, улоқиб юрган бу тунда Эшли қаерда экан? У тирикмикан, айни дамларда Рок-Айленд қамоқхонаси панжараси ортида азобдан жони қийналиб у ҳақда ўйлаётганмикан? Ёки аллақачон оламдан ўтгану, жасади эса чечакдан қазо қилган бошқа конфедератларнинг жасади билан бирор арикда чириб ётгандир?

Скарлеттнинг асаблари шу қадар таранг эдики, йўл ёқасидаги буталар орасидан тўсатдан шовқин кўтарилганида сал бўлмаса эси оғиб қолай деди. Присси қулоқни тешгудай чинқириб юборди ва ўзини арава тубига юзтубан ташлаб, чақалоқни босиб

қолди. Мелани ён-веридан боласини излаб, заифгина қимирлаб қўйди, Уэйд эса қўрқувдан ҳатто овози ҳам чиқмай, кўзларини қисиб, ғужанак бўлиб олди. Сўнгра оғир туёқлар остида буталар қисирлаб икки ёққа ёнбошлади ва чўзиқ, шикоятомуз маъраган товуш қулоқларни қоматга келтирди.

– Ахир бу сигир-ку, – қўрқиб кетганидан бўғилиб гапирди Скарлетт. – Аҳмоқлик қилма, Присси. Болани сал бўлмаса эзворай дединг, мисс Мелани билан Уэйдни қўрқитиб юбординг.

– Бу арвоҳ! – арава тубида қўрқувдан титраб-қақшаб чийиллади Присси.

Ўриндиқ томон бурилиб, Скарлетт қамчи вазифасини ўтаётган хивични кўтарди ва Приссининг елкасига туширди. Унинг ўзи шу қадар қўрқиб кетган ва ўзини шу қадар ожиз ҳис қилардики, Приссининг қўрқуви ва ожизлиги жаҳлини чиқариб юборди.

– Ҳозироқ жойингга ўтир, овсар, – деди у. – Сени хивич синиб адо бўлгунича саваламасимдан.

Присси пишиллаб бошини кўтарди, аравадан туриб қараб бу чинданам сигир эканини кўрди: холдор, оқ-сариқ жонивор уларга катта-катта, қўрқув тўла кўзлари билан қараб турарди. Сигир оғзини кенг очиб, гўё бир жойи оғриётгандек, яна маъради.

– Балки у яралангандир? Сигирлар одатда бундай маърамайди.

– У анчадан бери соғилмаганга ўхшайди, шунга "мў"лаяпти, – деди Присси, аста-секин ўзига келиб. – Бу, шубҳасиз, Макинтошларнинг сигири. Негрлар ўрмонга ҳайдаб юборишган, шекилли, янкилар уни кўрмабди.

– Биз уни олиб кетамиз, – дарров бир қарорга келди Скарлетт. – Кичкинтойга сут беради.

– Қанақасига сигирни олиб кетамиз, мисс Скарлетт! Кўпдан бери соғилмаган бўлса ундан нима фойда? Елини шишибди – ҳадемай ёрилиб кетади.

– Ҳамонки сигирлар ҳақида ҳамма нарсани биларкансан, унда ички кўйлагинг-ни ечиб йиртгин-да, у билан сигирни араванинг орқасига боғла.

– Мисс Скарлетт, ахир, қарийб бир ойдан бери ички кўйлагим йўқ, бор бўлгандаям мен у билан сираям сигирни боғламасдим. Мен сигирларни умуман эплолмайман. Мен улардан қўрқаман.

Скарлетт жиловни ташлаб, этагини кўтарди. Гирдига тўр тикилган ички кўйлаги бисотидаги бирдан-бир, боз устига, йиртилмаган кийим эди. Скарлетт белидаги тасмачаларни ечиб, кўйлагини туширди ва зиғир толасидан тўқилган ипакдек майин мато бурмачаларини ичи ачимай сита бошлади. Бу мато ва тўрларни унга Ретт кемаси сўнгги марта қамални ёриб ўтганида Нассаудан олиб келганди, Скарлетт уни бир ҳафта тин олмай тикканди. Скарлетт ҳеч иккиланмай кўйлагининг этагини йирта бошлади, сўнг тишлари билан чокларини тишлаб тортди, мато бўй берди ва у узун бир энлик матони йиртиб олди. Кўйлак узун латта-путталар уюмига айланмагунича у жон-жаҳди билан қўллари ва тишларини ишлатди. Шундан сўнг, жилов қийиб юборган бармоқлари қонга беланган, қўллари толиқиб қалтираётганига қарамай латталарни бир-бирига боғлаб чиқди.

– Бор, сигирни шохидан боғла, – буюрди у Приссига.

Лекин қизалоқ ўжарлик қилиб туриб олди.

– Мен сигирлардан жуда қўрқаман, мисс Скарлетт. Мен сигирларни бошқаролмайман. Ҳаётда эплолмаганман. Мен молга қарай оладиган негрлардан эмасман. Мен уй юмушларини қиладиган негрларданман.

– Сен дунёдаги энг аҳмоқ қоравойлардансан. Отам сени сотиб олган ўша кунга лаънатлар бўлсин, – ҳорғин минғирлади Скарлетт ўзида ҳатто тузукроқ

жаҳл қилишга-да куч тополмай. – Бир оз нафасимни ростлаб олай, сени қамчи билан боплаб савалайман.

"Ана, – ўйлади у, – мен унга "қоравойлардансан" дедим – бу гап ойимга ҳечам ёқмаган бўларди."

Присси кўзларини қаттиқ олайтириб, бекасининг дарғазаб юзига, кейин аянчли товуш чиқариб "мў"лаётган сигирга қаради. Скарлетт унга сигирдан кўра хавфсизроқ туюлди ва шу боис у арава четига ёпишиб, жойидан жилмади.

Скарлетт арава ўриндиғидан зўрға тушди – қимирлади дегунча аъзои бадани зирқирарди. Бу ерда Присси "сигирдан ўлгудай қўрқадиган" ягона шахс эмасди. Скарлетт ҳам доим бу жониворлардан қўрқарди: уларнинг энг ювоши ҳам уни ваҳимага солар, аммо ҳозир, ҳар томондан чиндан-да даҳшатли хавф-хатарлар бостириб келаётган бир пайтда аҳмоқона қўрқувларнинг вақти эмас. Уларнинг бахтига сигир жуда ювош экан. Қийинчиликлар уни одамлардан мадад, ҳамдардлик излашга мажбур қилганди, шу сабабдан ҳам Скарлетт шохларидан ушлаб кўйлагидан йиртиб олган латталар билан боғламоқчи бўлганида уни шохлашга уринмади. Скарлетт ясама арқоннинг иккинчи учини уқувсизлик билан, лекин бир мунча мустаҳкам қилиб аравaнинг орқасига боғлади. Кейин яна ўриндиққа қайтди, аммо туйқусдан кўнгли беҳузур бўлаётганини сезди ва чайқалиб кетиб, арава четидан ушлаб қолди.

Мелани кўзларини очди, ёнида турган Скарлеттни кўриб, пичирлади:

– Азизам... биз уйдамизми?

Уйда! Бу сўзни эшитганида Скарлеттнинг кўзларига иссиқ ёш қалқиди. Уйда! Энди уй йўқлигини, бу ёввойилашган, телба дунёда улар бутунлай уй-жойсиз ёлғиз қолишганини Мелани тушунмайди.

– Йўқ ҳали, – бўғзига нимадир тиқилганига қарамай иложи борича хотиржамроқ гапирди у, – лекин

ҳадемай етиб борамиз. Бу ерга бир сигир адашиб келиб қолибди, энди сен учун ҳам, кичкинтой учун ҳам сут бўлади.

– Шўрлик кичкинтой... – пичирлади Мелани. Унинг қўли чақалоққа узалди ва шу лаҳзада бемажол қайтиб тушди.

Арава ўриндиғига қайта чиқиб олиш учун кўп ҳаракат қилишга тўғри келди, лекин Скарлетт бу муаммони ҳам эплади ва тизгинни қўлига олди. От бошини осилтириб турар, жойидан қўзғалмасди. Скарлетт уни хивич билан аёвсиз савалади. "Худо мени кечиради, – хаёлидан ўтди унинг, – бу силласи қуриган жониворни ураётганим учун. Аммо кечирмаса, илож қанча". Алал оқибат Тарагача бор йўғи чорак миля қолди, у ёқда от шотига йиқилиб, ётиб қолса ҳам майли.

Ниҳоят от секин жойидан қўзғалди, арава ғичирлар, сигир эса ҳар қадамда аччиқ "мў"лаб қўярди. Бечора ҳайвоннинг овози Скарлеттнинг асабига шундай тегардики, у аравани тўхтатиб, сигирни ечиб юборишга тайёр эди. Ҳамонки улар плантацияда бирорта тирик жонни топишолмас экан, сигирдан нима наф? Унинг ўзи соғишни билмасди, билган тақдирда ҳам, ҳозир у шишиб кетган елинига яқин йўлатармиди? Йўқ, модомики, унинг сигири бор экан, уни асраб қолиш керак. Эҳтимол, бу дунёдаги унга тегишли ягона мулк шудир.

Ортида Тара ястаниб ётган, унча баланд бўлмаган қия тепаликка яқинлашганларида Скарлеттнинг кўз олди қоронғулашди. Ўлгудек толиққан жонивор, шубҳасиз, қирга чиқа олмайди. Бир пайтлар бу ёнбағир унга ниҳоятда қия, чиқиш шу қадар енгил туюлардики, у ўзининг чопқир байталида тепаликка тез учиб чиқарди. Бу тик нишаблик қандай пайдо бўлган экан? От юкли аравани ҳечам юқорига тортиб чиқа олмайди.

У ўриндиқдан зўрға пастга тушди ва отнинг жиловидан ушлади.

– Присси, туш, – буюрди у, – Уэйдни кўтариб ол ёки юришга мажбурла. Кичкинтойни мисс Мелани-нинг ёнига ётқиз.

Уэйд бурнини тортиб пиқиллаб йиғлай бошлади, Скарлетт унинг минғир-лаганини зўрға илғади.

– Қоронғи... Қўрқаман... Қоронғи...

– Мисс Скарлетт, пиёда юролмайман, оёқларим шилиниб кетган, бармоқларим бошмоғимдан чиқиб қолганини қаранг... Уэйд иккимизнинг нима оғирли-гимиз бор...

– Туш! Ҳозироқ туш, судраб туширмасимдан! Бўлмаса билиб қўй – қоронғуда бир ўзингни шу ерда ёлғиз ташлаб кетаман. Қани, тез бўл!

Присси гўё аравадаги жойини тарк этса дарахт-лар устига ёпирилиб уни бўғиб ўлдирадигандек йўл-нинг икки четидаги зимистон ўрмонга тикилиб ув-лаб юборди. Лекин барибир ноилож чақалоқни Ме-ланининг ёнига ётқизиб, пастга тушишга, оёқ учида кўтарилиб аравадан Уэйдни туширишга мажбур бўлди. Бола йиғлаб, энагасининг пинжига тиқилди.

– Уни тинчит, унинг йиғисини эшитишга тоқа-тим йўқ, – деди Скарлетт ва отни жиловидан ушлаб олдинга судради. – Қани, Уэйд, ўғил бола бўл, йиғлашни бас қил, бўлмаса шапалоқ ейсан.

"Нега энди худойи таолога болаларни яратиш зарур келган экан-а? – нотекис йўлда оёғи қайри-либ кетганидан ғазаби қайнаб ўйлади Скарлетт. – Бу бемаъни, хит қиладиган, доим йиғлайдиган, мудом ғамхўрликни талаб қиладиган, нуқул оёқ остида ўралашиб юрадиган мавжудотлар нимага керак?". Беҳад эзилиб кетган Скарлеттда Приссининг ёнида, қўлидан тутиб судралиб бораётган, тинмай бурни-ни тортаётган, ҳамма нарсага анграйиб қарайдиган гўдакка нисбатан раҳм-шафқат туйғуси йўқ эди, у

нега энди буни туғдим, бу ҳол қандай юз берди, деган таажжубдан бўлак ҳеч нарсани ҳис қилмасди. Қачонлардир Чарлз Гамильтоннинг хотини бўлгани унинг бемажол шуурида янада кўпроқ ҳайрат уйғотарди.

– Мисс Скарлетт, – унинг қўлига ёпишиб пичирлади Присси. – Тарага бормаслик керак. Улар у ерда йўқ. Ҳаммалари кетишган. Балки ўлиб кетишгандир. Менинг онам ҳам, эҳтимол, ҳаммалари...

Ўй-хаёлларига акс-садодек эшитилган бу гапдан Скарлеттнинг қони батамом қайнаб кетди ва ўзига ёпишган қўлни силтаб ташлади.

– Уэйдни бу ёққа бер. Ўзинг шу ерда қол. Ўтир шу ерда.

– Э, йўқ, йўқ!

– Унда унингни ўчир.

Бунча судралмаса бу қирчанғи! Отнинг оғзидан оқаётган сўлакдан Скарлеттнинг қўли ҳўл бўлди. Тўсатдан ёдига бир пайтлар Ретт билан хиргойи қилган қўшиқ келди:

Ташвишлар ҳадемай ортда қолади...

Кейинги мисра эсида йўқ эди. "Саргардон кезишлар битар оқибат..." – ғувиллади унинг миясида.

Мана, ниҳоят улар довонга чиқиб олишди ва пастда, узоқда Таранинг эманларини – қоп-қора осмонга бўй чўзган баланд қорамтир дарахт шохларини кўришди. Скарлетт зўр бериб тикилди – шохлар орасидан бир чимдим ёруғлик кўринармикан? Аммо ҳаммаёқ зим-зиё эди.

"У ерда ҳеч ким йўқ, – деди юраги ва кўксига қўрғошин қуйилгандай бўлди. – Ҳеч ким йўқ!".

У отни ҳовлига олиб борадиган хиёбонга бурди, бошлари узра осилиб турган кедр шохлари эса ҳамма ёқни тунгги зулматга буркади! Зулматга тикиларкан, бор кучини кўзларига бериб олдинда нимани-дир илғади... Кўрдими? Кўзлари уни алдамаяпти-

ми? Дарахтлар орасидан уйнинг оқиш деворлари ғира-шира кўриниш берди. Унинг уйи. Унинг жонажон уйи! Юрагига яқин қадрдон оқ деворлар, пардалари ҳилпираб турган деразалар, кенг-мўл айвонлар – наҳотки буларнинг барчаси у ёқдан, қоронғулик қаъридан чиқиб келса? Ё бўлмаса шафқатли оқшом унинг кўз олдида Макинтошлар мулкида кўрган даҳшатли манзарани намоён этишга шошилмаяптимикан?

Хиёбоннинг поёни йўқдек туюлар, от эса, Скарлетт жиловидан қанчалик силтаб тортмасин, ўжарлик билан қадамини секинлаштирарди. Скарлетт қоронғуликка синчиклаб қаради. Назарида вайрон қилинмаган томни кўргандай бўлди. Наҳотки... Наҳотки... Йўқ, бу шунчаки сароб. Ахир, уруш ҳеч нарсани аягани йўқ, уларнинг уйини ҳам аяган бўлиши мумкин эмас, гарчанд мангу турадиган қилиб қурилган бўлса-да. Уруш уларнинг бошпанасини, улар истиқомат қиладиган даргоҳни ҳам четлаб ўтган бўлиши мумкин эмас.

Аммо ноаниқ шакллар аниқроқ кўрина бошлади. Скарлетт отни олдинга жадалроқ юришга ундади. Ҳа, оқ деворлар қоронғулик ичидан яққол кўринди. Оловда куйиб култепага айланмаган деворлар. Тара омон қолибди. Унинг жондан азиз уйи! Скарлетт юганни қўйиб юборди ва қулочларини ёйиб, гўё бағрига босишга интилаётгандек уйи томон югуриб кетди. Шу пайт қандайдир соя кўринди, соя қоронғуликдан чиқиб тўхтади. Демак, уй кимсасиз эмас. У ерда кимдир бор! Лабларидан учиб чиқишга тайёр турган шодон қичқириқ бирдан қайтди. Уй ғалати тарзда зим-зиё, ғалати тарзда жимжит, зинадаги жусса эса қилт этмас, жим турарди. Нимадир бошқача эди. Аввалгидай эмасди. Уй бус-бутун, эсон-омон, лекин ундан харобага айланган ўлканинг ҳамма жойидаги каби – худди ўшандай этни жунжиктира-

диган ўлик сукунат шамоли эсиб турарди. Бироқ шу пайт пиллапояда турган қора шарпа қимирлади. Ва зинадан шошилмай, вазмин қадам ташлаб туша бошлади.

– Ота? – томоғи бўғилиб пичирлади Скарлетт ҳануз кўзларига ишонмай. – Бу мен – Кэти-Скарлетт. Мен қайтиб келдим.

Жералд телбагазакдай индамай, букилмай қолган оёғини аста судраб, унинг овози келган томонга юра бошлади. У жуда яқин келди ва унга қараб туриб қолди – гўё уни тушида кўраётганга ўхшарди. Жералд қўлини узатиб, унинг елкасига қўйди. Скарлетт отасининг қўли титраётганини сезди, назарида у қандайдир оғир уйқудан уйғонаётганга ўхшарди ва аста-секин рўй бераётган воқеаларни англай бошлади.

– Қизим, – деди у зўрға. – Қизим.

Ва жим бўлди.

"Худойим, ахир, у қариб қолибди-ку!" – лоп этиб хаёлидан ўтди Скарлеттнинг.

Жералднинг елкалари букчайган эди. Скарлетт нимқоронғуда кўраётган қиёфада бурунги тўлиб-тошган тириклик қувватидан асар ҳам йўқ эди, унга тикилиб турган кўзлари эса деярли ҳеч нарсани ифодаламас, Уэйдники сингари овсарнамо – уларда фақат қўрқув акс этарди. Унинг қаршисида мункиллаган, шарти кетиб парти қолган абгор чол турарди.

Қоронғулик қаъридан ўрмалаб чиққан кўзга кўринмас аллақандай нарса қаршисидаги қўрқув юрагини сиқди, у эса тилида турган минглаб саволлар билан отасига соқовдек қараб турарди.

Аравадан – бу билан нечанчи маротаба – шикоятомуз заиф йиғи товуши эшитилди, Жералд эса бор кучини ишга солиб эс-ҳушини йиғиб олди.

– Бу Мелани чақалоғи билан, – шоша-пиша шивирлади Скарлетт. – У жуда қаттиқ касал. Мен уни уйимизга олиб келдим.

Жералд унинг елкасидан қўлини олди ва қоматини ростлади. У арава томон секин юра бошлаганида вужудида гўё аввалги дастурхони очиқ, меҳмондўст уй эгасининг қай бир хислати қайта тирилгандай бўлди ва у хотирасининг қоронғу пучмоқларидан қалқиб чиққан сўзларни айтди:

– Қариндошимиз Мелани!

Унга жавобан Мелани овоз чиқариб нимадир деб пичирлади.

– Хуш келибсиз, жияним Мелани. Ўн икки Эманни ёқиб юборишган. Сизни ўз қанотимиз остига олаётганимиздан хурсандмиз.

Мелани қанчалик азоб чеккани ҳақидаги ўй Скарлеттни ҳушёр тортишга ва ҳаракат қилишга ундади. Ҳаёт ўз кучини кўрсатди – Мелани ва чақалоқни яхши жойга ётқизиш ва яна бир қанча майда-чуйда зарур юмушларни қилиш лозим эди.

– У юролмайди. Уни уйга кўтариб олиб кириш керак.

Қадам товушлари эшитилди ва даҳлиз эшиги бўсағасида одам гавдаси кўринди. Порк айвон зиналаридан югуриб тушди.

– Мисс Скарлетт! Мисс Скарлетт! – хитоб қилди у.

Скарлетт унинг елкаларидан тутди. Порк – бу уйнинг деворлари каби, унинг салқин даҳлизлари каби Таранинг ажралмас қисми. Порк унинг қўлларини қовушмайгина силар – Скарлетт қўлларига унинг кўз ёшлари томчилаётганини сезди – ва йиғлаб гапирарди.

– Қайтиб келди! Қандай хурсандчилик-а! Қандай хурсандчилик-а!

– Порк! Порк! Меҳрибоним!

Катталарнинг бирдан кўнгли бўшаб кетганидан руҳи кўтарилган Уэйд дарҳол зорлана бошлади:

– Чанқадим!

Лекин Скарлетт ҳаммасини тезда жой-жойига қўйди:

– Аравада мисс Мелани чақалоғи билан, Порк. Уни жуда эҳтиёткорлик билан юқорига олиб чиқиб, меҳмон учун ажратилган хонага жойлаштириш керак. Присси, сен чақалоқни кўтариб уйга олиб кир, Уэйдни ҳам ўша ёққа олиб бор, сув бер. Моможон уйдами, Порк? Унга айт, у менга керак.

Скарлеттнинг қатъий овози Поркка бир зумда куч ато этгандай бўлди. У шу заҳоти арава ёнига бориб орқа томондан тимирскиланиб Меланини неча соатдан бери бир зайлда ётиб келган пар тўшакдан узиб олганида у инграб юборди. Энди Порк уни ўзининг кучли қўллари билан кўтариб турганида, Мелани ёш боладек бошини унинг елкасига қўйди. Унинг ортидан бораётган Присси бир қўлида чақалоқ, бир қўли билан Уэйдни етаклаб, кириш эшиги олдидаги пиллапоянинг кенг зиналаридан кўтарилди ва улар қоронғу даҳлизга кириб кетишди.

Скарлетт толиққан бармоқлари билан беихтиёр отасининг қўлларини чангаллади.

– Улар тузалишдими, ота?

– Қизлар тузалишяпти.

Жералднинг овози узилиб қолди, ўртага чўккан жимжитликда сўз билан ифодалаш беҳад қўрқинчли бўлган фикр Скарлеттнинг шуурига ўрмалаб кира бошлади. Бу саволни беришга у ўзини мажбурлай олмасди. У тупугини ютди, яна бир марта ютишга уринди, аммо бирдан оғзи ва томоғи шундай қуруқшаб кетдики, нафас ололмай қолди. Демак, мана, нима учун уй сув қуйгандай жимжит! Ва гўё унинг айтолмаётган сўроғини сезгандек, Жералд гапира бошлади:

– Ойинг... – деди у ва жим бўлди.

– Ойим?

– У кеча оламдан ўтди.

Скарлетт отасининг қўлини маҳкам қисиб, ҳар бир бурчагини ўзининг беш бармоғидай яхши билган кенг даҳлизга қадам қўйди. Ҳатто зим-зиё

қоронғуликда ҳам суянчиғи баланд юмшоқ ўриндиқларнинг бирортасига урилмади, на қурол-яроғ турадиган бўш тагкурсига, на эски сервантнинг панжасимон оёқларига тегиб кетмади: енгиб бўлмас бир куч уни уй тўридаги кичкина хоначага тортарди. Бу ерда Эллин ҳар куни охири йўқ ҳисоб-китобларни текшириб ўтирарди. Унга ҳозир шундай туюлдики, у хонанинг остонасидан ҳатлаб киради – Эллин эса ҳар доимгидек, хонадаги ёзув столи ортида ўтирган бўлади; Эллин бошини кўтариб унга қарайди, ғоз пати қўлида қотиб қолади, ўзи эса кринолинини шитирлатиб қийналиб кетган, тинка-дармони қуриган қизини иссиқ, хушбўй бағрига босиш учун ўрнидан туриб келади. Отаси нуқул: "У кеча оламдан ўтди, у кеча оламдан ўтди, ўтди..." деган гапни ёдлаб олган тўтиқушдай ҳарчанд такрорламасин, Эллин ўлган бўлиши мумкин эмасди.

Унинг ҳозир темир кишандек оғир чарчоқдан, оёқлари чалишиб кетишига са-баб бўлаётган очликдан бўлак ҳеч нарсани ҳис этмаётгани нақадар даҳшат. Онаси ҳақида кейин ўйлайди. Ҳозир у ҳақда ўйламаслиги керак, бўлмаса Жералдга ўхшаб бемаъниларча тиловат қилади ёки Уэйд каби бир хилда энтикиб-энтикиб йиғлай бошлайди.

Порк Скарлеттни қарши олиш учун қоронғу зинадан ўқдай учиб тушди – совуқ суягидан ўтган жониворгина оловга шундай интилади.

– Нега чироқ йўқ, Порк? – сўради Скарлетт. – Нега уй қоронғу? Шам олиб кел.

– Ахир, улар ҳамма шамни олиб кетишди, мисс Скарлетт, фақат биттагина қолдиришди, қоронғуда бирор нарсани излаш учун. Унинг ҳам энди шамлиги қолмаган, қолдиқ десаям бўлади. Мисс Керрин билан мисс Сьюлинга қараш зарур бўлиб қолган пайтларда Моможон латтадан пилик ясаб, мой қуйилган жинчироққа солиб қўяди, жинчироқ ёниб туради.

баланд келаётганини айтганди. Лекин Скарлетт буни бўлмағур гап, деб ҳисобларди. У билан гаплашаётганида Эшлининг руҳи тушкун, жони қийноқда эди. Қолаверса, янкилар ғалаба қозонадими-йўқми, деган фикр Скарлеттни ташвишга солмасди. Ишқилиб уруш эртароқ тугаса-ю, Эшли уйга қайтса бўлгани.

Ҳавонинг бузуқлиги, лойгарчилик одамларни уйда ўтиришга мажбур қилган март ойида тақдир Скарлеттга шафқатсиз зарба берди. Мелани уялинқираб бошини эгиб ва қувончдан порлаган кўзларини олиб қочиб, Скарлеттга фарзанд кутаётганини маълум қилди.

– Доктор Миднинг фикрича, бу августнинг охири ёки сентябрнинг бошида рўй беради, – деди у. – Ўзим ҳам пайқагандим, бироқ ишончим комил эмасди. Оҳ, Скарлетт... Уэйдинг борлиги учун сенга жуда ҳавас қилардим, мен ҳам фарзанд кўришни жуда-жуда истардим. Ҳеч қачон фарзандим бўлмайди, деб қаттиқ қўрқардим, мен болаларим жуда кўп бўлишини хоҳлайман!

Скарлетт ухлагани ётишдан олдин сочини тараётганди, Мелани бу сўзларни айтганида қўли ҳавода муаллақ қотди.

– Ё раҳмдил тангрим! – пўнғиллади у эшитганларининг маъносини англаб етмай. Кейин хотирасида Мелани ва Эшлининг ортидан ётоқ эшиги ёпилгани жонланди ва вужудида шундай кескин оғриқ турдики, худди юрагига пичоқ санчилгандай бўлди – гўё Эшли унинг эри-ю, Скарлетт унинг бевафолик қилганини билиб қолгандек. Бола. Эшлининг боласи. Ахир, қандай қилиб у Меланини эмас, уни, Скарлеттни сева туриб, бундай қилди!?

– Сенинг ҳайрон қолишингни билардим, – нафаси тиқилиб бижирларди Мелани. – Ахир, бу ҳайратланарли эмасми? О, Скарлетт, бу ҳақда Эшлига қандай

– Менга шамнинг қолдиғини олиб кел, – буйруқ берди Скарлетт. – Уни онамнинг... кичкина хонага қўй.

Порк шошиб ошхонага жўнади. Скарлетт эса отаси билан қўл ушлашиб, пайпасланиб кичкина, қоп-қоронғу хонага ўтди ва кенг диванга ўтирди. Жераллнинг қатъиятсиз, ночор қўли ҳалиям унинг букланган қўлида турар, ёш бола ёки қартайган чолнинг қўли сингари итоаткор эди.

"У жуда қариб қолибди. Бемадор ва қари", – деган фикр яна хаёлидан ўтди Скарлеттнинг ва ичида бир лаҳза ҳайрон бўлди – нега отасининг бу аҳволи унга таъсир қилмаяпти?

Олов милтиллади – ликопчага қўйилган шам қолдиғини баланд кўтариб Порк кирди. Қоронғу тор хона жонланди: у отаси билан ўтирганида бир оз чўккан диван, Эллиннинг чиройли, нафис хати билан ёзиб тўлдирилган турли-туман қоғозларга тўла, кўп бўлмали баланд, шипга етай деб турган ёзув столи, эскирган гилам – ҳамма-ҳаммаси худди аввалгидек, фақат Эллин, лимонли тизимгул атрининг ифори ва қийиқ қора кўзларнинг майин нигоҳи йўқ эди. Скарлетт юрагида оғриқ тураётганини ҳис қилди – гўё унинг бошига тушган, уни карахт қилиб қўйган оғир дард аввалига туйғуларини ўтмаслаштириб, энди ўзи ҳақида белги бераётганга ўхшарди. Ҳозир у бу оғриқнинг зўрайишига йўл қўймаслиги керак. Олдинда ҳали бу дардни олиб юриши лозим бўлган бутун бир умр турибди. Ҳа, фақат ҳозир эмас. "Ё Тангрим, менга ёрдам бер! Фақат ҳозир эмас!"

У Жералдга қаради ва ҳаётда биринчи марта Жералдни соч-соқоли олинмаган аҳволда кўраётганини пайқади. Унинг яқиндагина қип-қизил, ҳаёт барқ уриб турган юзи заҳил тортган ва оппоқ тук билан қопланган эди. Порк шамни тагкурси устига қўйди ва Скарлеттнинг ёнига келди. Унга ҳозир Порк туй-

қусдан садоқатли қари ит каби ўзини силаб-сийпалашини кутиб, бошини унинг тиззалари устига қўядигандай туюлди.

– Порк, бизда қанча негр қолди?

– Мисс Скарлетт, бу ярамас негрлар қочиб кетишди, ҳатто баъзилари янкилар билан бирга кетишди...

– Хўш, қанча қолди, ахир?

– Мана мен ва Моможон, мисс Скарлетт. У кун бўйи ёш ойимқизларни парваришлаяпти. Дилси эса уларнинг ёнида тун бўйи ўтиради. Шундай бўлгач, бизлар уч кишимиз, мисс Скарлетт.

"Бизлар уч кишимиз" – бу юз нафар қулдан қолгани. Скарлетт бошини зўрға кўтарди – бўйни чидаб бўлмас даражада зирқираб оғрирди. Овози қатъийроқ чиқиши кераклигини у биларди. Сўзлари табиий ва хотиржам жаранглаганидан ўзи ҳам ҳайрон қолди – гўё ҳеч қанақа уруш бўлмагандай, у эса қўлини бир сермаса атрофига ўн чоғли хизматкорни йиға оладигандай эди.

– Порк, мен очликдан ўлай деяпман. Уйда бирор нарса борми?

– Йўқ, мэм. Улар ҳамма нарсани олиб кетишди.

– Полизда-чи.

– Полизда улар отларини боқишди.

– Ҳатто ширин картошка ўсадиган қирлардаяммми?

Поркнинг дўрдоқ лабларида мамнунликка ўхшаш бир маъно жилваланди.

– Мен-чи, мисс Скарлетт, ямсни бутунлай унутаёзибман. Ўйлайманки, у ерда ҳаммаси омон қолган. Ахир янкилар ҳеч қачон ямс экишмайди.Уларнинг фикрича, бу шунчаки – қандайдир ёввойи нарса ва...

– Ҳадемай оймомо чиқади. Бориб картошка кавлаб келгин-да, қовур. Маккажўхори уни қолмаганми? Қуритилган ловия-чи? Товуқлар-чи?

– Йўқ, мэм, йўқ. Еганларидан ортган товуқларни эгарларига боғлаб олиб кетишди.

Улар... Улар... Улар.... Кўриниб турибдики, "улар" бу ерда қилган кирдикорларнинг чеки-чегараси йўқ! Наҳотки қириш, ёқиб юбориш уларга кам кўринган бўлса? Яна уларга аёллар, болалар ва ожиз негрларни бу вайронага айланган ўлкада очликдан ўлишга маҳкум қилиш зарур бўлибди.

– Мисс Скарлетт, менда озгина олма бор – Моможон пол остига яшириб қўйган. Бугун биз едик.

– Аввал олмани олиб кел, кейин эса картошка кавлашга бор. Тағин, Порк, тўхта... мен... мен... негадир мадорим қуриб боряпти. Ертўлада вино қолганми? Маймунжонлиси бўлса ҳам майли?

– Оҳ, мисс Скарлетт, улар биринчи бўлиб ертўлага киришди-да.

Скарлетт бирдан боши айланиб, кўз олди қоронғулашиб кетаётганини сезди: уйқусиз тун, чарчоқ ва қўрқинчли хабарлар – ҳаммаси ўз таъсирини кўрсатди ва бошининг айланганини енгишга уриниб, диваннинг ўймакор суянчиғидан ушлаб қолди.

– Демак, вино йўқ, – деди у паст овоз билан ва унинг кўз олдида отасининг ертўласидаги сон-саноқсиз қатор шишалар намоён бўлди. Хотирасида эса нимадир жонланди.

– Порк, отам шийпонча остига кўмиб қўйган, эман ёғочидан ясалган бочкадаги маккажўхори вискиси-чи?

Яна қора чеҳра узра қувонч ва ҳурмат-эҳтиромга тўла табассумга ўхшаш бир жилва ёйилди.

– Мисс Скарлетт, кўзларингиз бунча ўткир бўлмаса! Мен, ахир, ўша бочкани буткул унутибман. Фақат, мисс Скарлетт, бу вискини ичиб бўлмайди. Ахир, у ҳали бир йил ҳам сақлангани йўқ, устига-устак виски – бу ледилар учун эмас.

Порк ҳам ҳамма негрлардай. Миясини ишлатай демайди – уларга нимани айтсанг, шуни маъқуллашади. Янкилар эса уларни озод қилишни ўйлаб топишибди.

– Ҳозир вискининг леди учун ҳам, унинг отаси учун ҳам айни керак пайти. Чаққонроқ, Порк, бочкани кавлаб ол ва иккита қадаҳ, бир оз ялпиз билан шакар олиб кел, мен улардан жулеп[5] тайёрлайман.

Порк унга гинали қаради.

Мисс Скарлетт, бизда шакар йўқлигини билмагандай гапирасиз-а, шакарни ўйлашни ҳам унутганмиз. Бор ялпизниям отлар еб қўйишди, улар эса қадаҳларни уриб синдиришди.

"Мабодо у яна бир марта "улар" деб айтса, чинқириб юбораман. Ортиқ бардош беролмайман", – ўйлади Скарлетт, аммо овоз чиқариб буюрди:

– Бўпти, бор, виски олиб кел. Биз аралаштирмай ичамиз. – Порк кетмоқчи бўлиб турганида эса, қўшиб қўйди: – Тўхта, Порк, яна шунчалик кўп иш қилиш керакки, мен негадир хаёлимни ҳеч йиғиб ололмаяпман... Ҳа, мана нима: мен от билан сигир олиб келдим. Сигир қийналяпти, кўпдан бери соғилмаган, отни эса бўшатиб суғориш керак. Бориб Моможонга айт, сигир билан шуғуллансин, бир илож қилиб соғиб олсин. Агар қорни тўйдирилмаса, мисс Меланининг боласи ўлиб қолади, а...

– Мисс Мелли.... Ҳалиги... у қараёлмайдими? – дея Порк одоб юзасидан жим бўлди.

– Ҳа, мисс Меланининг сути йўқ. Худойим, бу гапларни эшитганида ойим ҳушидан кетган бўларди!

– Ҳа, айтгандай, мисс Скарлетт, хотиним Дилси мисс Меллининг чақалоғини эмизиши мумкин. Менинг Дилсим яқинда туғди, унинг сути икковига ҳам етади.

[5] Коньяк ёки вискига сув, шакар, муз ва ялпиз қўшиб тайёрланадиган ичимлик.

– Демак, сен ҳам болали бўлибсан-да, Порк?

Чақалоқлар, чақалоқлар, чақалоқлар.... Яратган Эгамга бунча чақалоқ нимага керак? Аммо уларни худо яратмайди-ку. Уларни аҳмоқ одамлар бино қилишади.

– Ҳа, мэм, каттакон полвон ўғил бола. У...

– Бор, Дилсига айт, сингилларимга ўзим қарайман, у мисс Меланининг боласини эмизсин ва унга нима зарур бўлса, ҳаммасини қилсин. Моможонга эса сигир билан шуғулланишни буюр, шўринг қурғур отни эса отхонага олиб бор.

– Отхона йўқ, мисс Скарлетт. Улар бузиб гулхан ёқиш учун ташиб кетишди.

– "Улар" қилган ишни санашни бас қил. Дилсига айт, мисс Мелани билан боласига қарасин. Ўзинг эса жўна, виски ва ямс олиб кел.

– Мисс Скарлетт, қоронғуда уни қандай кавлайман?

– Тарашани майдалаб, пайраха чироқ қил, нима, тушунмайсанми?

– Қаердан тараша оламан? Улар ҳамма ўтинни...

– Бирор нарса ўйлаб топ. Ҳеч нарсани эшитишни истамайман. Кавлайсан, тамом, фақат тезроқ. Қани, бурил-чи!

Скарлеттнинг овози кескин эди, Порк шоша-пиша эшикдан чиқиб кетди, у эса Жералд билан ёлғиз қолди. Скарлетт меҳр билан унинг тиззаларини силади. Чўпдек озиб кетибди. Ахир, оёқлари қандай бақувват эди! Бир илож қилиб уни лоқайдлик, руҳсизлик ҳолатидан чиқариб олиш керак. Фақат ундан Эллин ҳақида сўраш – бу энди унинг имконидан ташқаридаги нарса. Буни кейин, ўзини қўлга олганидан сўнг қилади.

– Лекин нега улар уйни ёқиб юборишмади?

Жералд унга, гўё саволни эшитмаётгандек индамай қараб турарди, у эса саволни такрорлади.

– Нега? – Жералд пойма-пой нимадир деди. Сўнг аниқроқ гапирди. – Улар бу ерга штабларини жойлаштиришди.

– Янкилар штаби? Бизнинг уйда?

У қадрдон деворларнинг булғанганини ҳис этди... Ўзи учун муқаддас саналган, Эллин яшаган уй, шу ерда... ўша...

– Ҳа, қизим, янкилар. Аввал биз дарё ортида, Ўн икки Эман устида тутун кўтарилаётганини кўрдик, кейин улар келишди. Лекин мисс Индия ва мисс Ойимқиз аллақачон Мейконга жўнаб кетишганди, ўзлари билан негрларнинг айримларини ҳам олиб кетишганди, шу боис биз улардан хавотирланганимиз йўқ. Лекин бизлар Мейконга кетолмадик. Қизлар қаттиқ касал эди.... ойинг ҳам... шунинг учун кетолмадик. Негрлар ҳам тўрт томонга тарқаб кетишди. Извош ва хачирларни олиб кетишди. Моможон, Дилси ва Порк – қолганлар шулар. Биз... қизлар сабабли... ойинг сабабли... жойимиздан жилолмадик.

– Ҳа, ҳа... – фақат у онаси ҳақида гапирмаса бўлди. Нима ҳақда гапирса гапирсин, фақат онаси ҳақида эмас! Фақат у ҳақда эмас..! Ҳатто генерал Шерманнинг ўзи бу хонани штаб-квартира қилган бўлса ҳам...

– Янкилар Жонсборо устига юришаётганди, темир йўлни кесиб қўйишмоқчи эди. Улар дарё томондан келишаётганди – минг-минглаб... Минглаб отлари, тўплари ҳам бор эди. Мен бўсағада туриб олдим.

"Оҳ, довюрак кичкина Жералд!" – ўйлади Скарлетт, юраги эса ғурур-ифтихор билан тўлди.

Гўё ортида бўм-бўш уй эмас, бутун бир қўшин тургандай остонада туриб душманни қарши олган Жералд.

– Улар уйни ёқиб юборамиз, жонинг борида жўнаб қол, дейишди. Мен эса уйни фақат мен билан бирга ёқишлари мумкинлигини айтдим. Биз кетолмасдик – қизлар... ойинг...

– Хўш, кейин-чи? – Шу бир гапга қайтаверишни бас қиладими-йўқми?

– Мен уларга уйда тиф борлигини айтдим... Беморларга тегиб... бўлмаслигини, улар ўлиши мумкинлигини айтдим. Уйда ҳеч ким бўлмаган тақдирда ҳам мен бу ердан барибир кетмасдим... Тарани тарк этмасдим...

У жим бўлди, деворларга паришон кўз югуртирди, лекин Скарлетт тушунди. Жераллнинг ортида унинг ўз қўл кучи, меҳнати билан ишлов берилган озгина ернинг ҳар бир қаричи учун жонларини қурбон қилган, ўзлари яшаган, севган, фарзандларни дунёга келтирган ошёнлари учун охиригача курашган ирландиялик аждодлари турарди.

– Мен уларга айтдим: майли, уйни учта жон бераётган аёл билан қўшиб ёқиб юборишсин, дедим. Аммо биз бу ердан кетмаймиз. Ёш зобит... у жентльмен экан...

– Янкими? Жентльмен экан? Нималар деяпсиз, дада?

– Ҳа, жентльмен экан. У от чоптириб кетди ва тезда капитан – ҳарбий врач билан бирга қайтди, у эса қизларни ва... ойингни кўриб қўйди.

– Сиз ўша лаънати янкига улар ётоғи остонасидан ҳатлаб ўтишга рухсат бердингизми?

– Унда кўкнори бор эди. Бизда эса йўқ. У сингилларингнинг ҳаётини сақлаб қолди. Сьюлин кўп қон йўқотиб ўлаётганди. Бу врач жудаям меҳрибон экан. У бу ерда беморлар борлигини айтганидан сўнг янкилар уйни ёқишмади. Қандайдир генерал ўз штаби билан бу ерга жойлашди, улар бутун уйни эгаллашди. Беморлар ётган хонадан бўлак... ҳамма хоналарни... Аскарлар эса...

У яна жим бўлди, гўё унинг мажоли қуригандай эди. Қиртишланмаган, осилган иягининг ости

салқиб қат-қат бўлиб кўксига тушди. Лекин бор кучини йиғиб яна гапира бошлади:

– Аскарлар уй атрофида ўз қароргоҳларини барпо этишди – пахта даласини ҳам, маккажўхори даласини ҳам эгаллаб олишди. Яйлов уларнинг мундирларидан кўк рангга кирди. Ўша кечанинг ўзида лашкаргоҳда минглаб чироқлар ёқилди. Улар қўраларни бузиб олишди, кейин омборларни, отхоналарни ҳам, дудхоналарни ҳам бузишди – гулхан ёқиб ўзларига овқат пиширишди. Сигирлар, чўчқалар, товуқлар, ҳатто менинг куркаларимни ҳам сўйиб ейишди.

Унинг севимли куркаларини! Демак, улар ҳам йўқ.

– Улар ҳамма нарсани, ҳатто портретларни ҳам... деярли барча мебель, идиш-товоқларни ҳам талаб кетишди...

– Кумуш буюмлар-чи?

– Порк билан Моможон уларни қаергадир яширган... қудуққа бўлса керак... аниқ эслаёлмайман. – Бирдан Жералднинг овозида ғижиниш аломати сезилди. – Янкилар жангни бу ердан, Тарадан туриб олиб боришди... Шовқин, ола-ғовур, хабарчилар у ёқдан бу ёққа от чоптиришарди. Сўнгра Жонсборода тўплар ишга тушди – бу худди момоқалдироққа ўхшарди. Гумбур-гумбурлар қизларга ҳам ётган жойларида, шубҳасиз, эшитилиб турар, бечоралар тинмай ўтинишарди: "Дада, бир иложини қилинг, биз бу гумбур-гумбурга чидаёлмаймиз!"

– ...Ойим-чи? Янкилар уйимиздалигини у билармиди?

– У доим беҳуш ётарди...

– Худога шукур! – деди Скарлетт. Ойиси бу кўргуликни кўрмабди. Ойиси пастки қаватда душманлар борлигини билмабди ҳам. Жонсбородан келаётган тўплар шовқинини эшитмабди, унинг учун азиз бўл-

ган заминни янкиларнинг этиги топтаётганини сезмабди ҳам.

– Мен ҳам уларнинг баъзиларини кўрганман, холос, доим юқорида, қизлар билан онангнинг олдида ўтирдим. Кўпроқ ёш врачни кўриб турдим. У жуда меҳрибон, оққўнгил эди. Кун бўйи ярадорлар билан овора бўлар, кейин эса бу ерга келиб қизларнинг ёнида ўтирарди. У ҳатто бизга дориям қолдириб кетди. Янкилар кетишаётганида у менга қизлар соғаяди, лекин ойинг... Ҳаддан зиёд нимжон организм, деди у... Бунинг барига бардош беришга жудаям ожиз... Ҳаддан ташқари кўп куч йўқотган, деди у...

Жимлик чўккanида Скарлеттнинг кўз олдида ойиси аниқ намоён бўлди, эҳтимол, хасталикка чалингунича қандай бўлса худди ўшандай – гарчи нимжон, заиф бўлса-да, хонадоннинг яккаю ягона, мустаҳкам таянчи: кечаю кундуз меҳнат билан, беморларга қараш билан банд бўлган, бошқалар еб-ичиши ва дам олиши учун мижжа қоқмай, дам олмай, овқатланмай юрган ойиси!

– Кейин эса улар кетишди. Кейин улар кетишди.

Жералд узоқ жим қолди, сўнгра беўхшов тимирскиланиб унинг қўлини излади.

– Уйга қайтганингдан хурсандман, – деди у.

Орқа эшик олдидан шитирлаган товуш эшитилди. Қирқ йил мобайнида уйга бошмоқларини артмай кирмасликка ўргатилган бечора Порк ҳозир ҳам ўша тартибга риоя қилаётган эди. У эҳтиёткорлик билан қовоқ идиш кўтариб кирди, тўкилган спиртнинг ўткир ҳиди хонага ундан олдин кирди.

– Озроқ чайқалиб тўкилди, мисс Скарлетт. Бу идишларга бочкадан қуйиш жуда ноқулай-да.

– Ҳечқиси йўқ, Порк, раҳмат. – Скарлетт ундан ҳўл идишни олди ва вискининг ҳиди бурнига урилганида беихтиёр кўнгли айниб афти буришди.

– Ичинг, дада, – деди у Жералдга бу антиқа вино идишини узатаётиб, сув солинган иккинчи идишни Поркнинг қўлидан олди. Жералд ёш боладек итоаткорлик билан идишни оғзига олиб борди ва хўриллатиб ҳўплади. Скарлетт унга сувли идишни узатди, лекин у бош чайқаб рад этди.

Унинг қўлидан вискили идишни олиб, оғзига олиб бораркан, Скарлетт отаси кўз қири билан кузатаётганини ва кўзларида ёқтирмаётгандай бир маъно акс этганини пайқади.

– Леди ўткир ичимлик ичмаслиги кераклигини биламан, – қуруққина қилиб деди Скарлетт. – Лекин бугунча менинг леди эканимни унутинг, дада, бугун мен ишлар билан шуғулланишим керак.

У чуқур нафас олди ва идишни даст кўтариб тез сипқориб юборди. Аччиқ ичимлик томоғини куйдирди, қизилўнгачи қисилганини сезди, кўзларидан эса ёш чиқиб кетди. У тағин чуқур нафас олди ва яна идишни оғзига олиб борди.

– Кэти-Скарлетт, – деди Жералд, қайтиб келганидан бери биринчи марта Скарлетт унинг овозида оталарга хос ҳукмфармолик оҳангини илғади, – етар. Сен спиртли ичимликка ўрганмагансан, маст бўлиб қолишинг мумкин.

– Маст бўлиб қолишим? – У кулиб юборди, кулгиси эса қўполроқ чиқди. – Маст бўлиб қолишим? Мен ўлгудай ичишни – дунёдаги ҳамма нарсани унутадиган даражада ичишни истайман.

У яна бир ҳўплагач, томирларига илиқлик югурди ва бу илиқлик бутун танасига ёйилди – буни ҳатто бармоқлари учидаям сезди. Нақадар ёқимли туйғуни ато этади-я бу худо сийлаган ичимлик! Илиқлик ҳатто унинг музга айланган юрагига ҳам етиб борганга ўхшар, танаси тирила бошлаганди.

Жералднинг довдираган, аламли нигоҳини илғаб, Скарлетт унинг тиззасини сийпалади ва тантиқ-

лик билан табассум қилишга уринди, унинг бундай табассуми қаршисида отаси доим ожиз қоларди.

– Қандай қилиб мен маст бўлишим мумкин, дада? Наҳотки мен сизнинг қизингиз эмасман? Ахир, мен эмасми бутун Клейтон графлигида энг қаттиқ бошни мерос қилиб олган?

Жералд унинг ҳорғин юзига тикилиб қаради. Скарлетт отасининг лабларида табассумга ўхшаш бир нимани илғади. Виски уни ҳам тетиклаштирганди... Скарлетт унга яна идишни узатди.

– Энди яна бир қултум ичишингиз мумкин, шундан сўнг мен юқорига чиқишингизга ёрдамлашаман ва алла айтиб ухлатаман.

У бирдан тилини тишлади. Отаси билан худди ёш боладек, Уэйд билан гаплашгандай гаплашмаслик керак. Бундай қилиш ярамайди. Бу ҳурматсизлик. Аммо Жералд унинг гапларидан хурсанд бўлди.

– Ҳа, шундай, сизни алла айтиб ётқизаман, – ўзини тетик тутиб такрорлади Скарлетт. – Сизга яна бир қултум бераман, балки ҳатто бир чўмич берарман, кейин аллалайман, сиз ухлаб қоласиз. Уйқуга тўйишингиз керак. Кэти-Скарлетт уйга қайтди, демак, энди хавотирланмасангиз ҳам бўлади. Ичинг.

Жералд итоаткорлик билан яна бир қултум ичди, Скарлетт унинг қўлтиғидан олиб, туришга кўмаклашди.

– Порк...

Порк қовоқ идишни бир қўлига олди, иккинчиси билан Жералдни ушлади. Скарлетт ёниб турган шамни баланд кўтарди ва уччаласи бирга қоронғу даҳлиз орқали хўжайиннинг хонасига бориладиган ярим айлана зина томон юришди.

Сьюлин ва Керрин бир тўшакда безовталаниб, тўлғониб, уйқусида алаҳсираб ётган ётоқдаги ягона ёруғлик манбаи – чўчқа ёғи солинган ликопчадаги латта пиликдан нафасни бўғувчи аччиқ ис анқирди.

Скарлетт деразалари маҳкам ёпилган бу хона эшигини очганида димоғига касалхонанинг оғир, дим ҳавоси – дори-дармонлар ва бадбўй чўчқа ёғи ҳиди урилиб, сал бўлмаса ҳушдан кетай деди. Докторлар тоза ҳаво касаллар учун хавфли, деб таъкидлашлари мумкин, албатта, лекин бу ерда бир муддат туришга тўғри келар экан, ўлиб қолмаслик учун у нафас олиши зарур. Скарлетт деразаларни очиб юборди, хонага эман барглари ва тупроқ ҳиди бостириб кирди. Шундай бўлса-да, тоза ҳаво ҳафталар давомида шамоллатилмаган хонага ўтириб қолган кўнгилни ағдарадиган ҳидни дарров бартараф эта олмасди.

Рангида қони йўқ, озиб-тўзиб кетган Керрин ва Сьюлин қачонлардир дориломон замонларда қувнаб, пичирлашиб ётадиган тўрт устунчали пашшахона ичида, катта каравот устида ётишарди; уларнинг уйқуси нотинч эди, улар дамбадам уйғонишар, катта очиқ, паришон кўзлари билан бўшлиққа тикилганча алланималар деб ғўлдирашарди. Бурчакда бош ва оёқ томонига французча ампир услубида ўймакор нақш солинган, Эллин Саваннадан ўзи билан олиб келган торгина бўш каравот турарди. Касал пайтида у ана шу каравотда ётганди.

Скарлетт сингиллари ёнига ўтирди, унинг қарашлари маъносиз, оч қорингa ичилган виски ўзининг ножўя қилиғини кўрсатаётганди. Сингиллари узоққа кетиб қолгандай, жимитдай бўлиб кўринар, уларнинг пойма-пой ғўлдирашлари эса зўрға эшитилар, чивиннинг визиллашидан ортиқ эмасди, гоҳ бу товуш кучайиб, ғоят катта тезликда унинг устига бостириб келарди. У чарчаган, ўлгудай чарчаганди. Қанийди ётса-ю бир неча кун қотиб ухлаб олса.

Қани энди ухласаю, уйғонгач елкасида Эллиннинг меҳрибон ва майин қўли тегиб турганини ҳис қилса, унинг овозини эшитса: "Кеч бўлди, Скарлетт. Бундай дангаса бўлмаслик керак!". Лекин энди ҳеч

қачон бундай бўлмайди. Оҳ, қанийди Эллин ёнида бўлса! Қанийди ёнида ёши улуғроқ, ақллироқ, ўзи каби қаттиқ чарчамаган бир инсон бўлса, унга ёрдам бера оладиган бир инсон! Тиззасига бошини қўйиб, елкасидаги оғир юкни унинг елкасига ағдара олса!

Эшик сассиз очилди, Меланининг боласини бағрига босганча виски солинган идишни кўтариб Дилси кирди. Хира пирпираётган жинчироқ ёруғида у Скарлеттга озиб кетгандек, вужудига ҳинду қони қўшилгани янада аниқроқ сезилаётгандек туюлди. Кенг ёноқлари яққол кўзга ташланар, қирғийникидек бурни сўппайиб турар, терисининг мисранглиги аниқ билинарди. Ўнгиб кетган чит кўйлагининг тугмаси белигача ечилган, катта-катта қорамтир сийналари очиқ эди. Меланининг боласи миттигина оч пушти оғизчаси билан кўкракка ёпишиб, тамшаниб эмарди. Гўдак муштчаларини, худди мушук боласи панжаларини она қорнининг момиқ юнгига ботиргандай, юмшоқ баданга тираб турарди.

Скарлетт гандираклаб оёққа турди ва қўлини Дилсининг елкасига қўйди.

– Биз билан қолганинг қандай яхши бўлди, Дилси.

– Қандай қилиб мен бу ярамас негрлар билан бирга кетишим мумкин, мисс Скарлетт, отангиз шундай сахийлик, шундай меҳрибонлик кўрсатиб мен билан Приссини сотиб олган бўлса, онангиз ҳам доим шундай меҳрибонлик кўрсатган бўлса?

– Ўтир, Дилси. Бола кўкракни оляпти. Демак, ҳаммаси жойида, а? Мисс Меланининг аҳволи қандай?

– Боланинг аҳволи жойида, у шунчаки оч, оч қолган болани тўйғизишга эса менинг сутим етади. Мисс Меланининг аҳволи ҳам яхши, мэм. У ўлмайди, мисс Скарлетт, қўрқманг. Унга ўхшаганларни кўп кўрганман – оқларини ҳам, қораларини ҳам. У қаттиқ чарчаган, кўп дард чеккан, боласини ўйлаб

қаттиқ қўрқаяпти. Лекин мен уни тинчлантирдим, ҳозир уйқуга кетди.

"Ҳали шунақами, демак, маккажўхори вискиси бутун оилага қувват берибди! – ўйлади Скарлетт қаҳ-қаҳ уриб кулишдан ўзини зўрға тийиб. – Эҳтимол, Уэйдга ҳам берса бўлармиди, балки у ҳиқиллашдан тўхтар?.. Мелани ҳам ўлмайди... Эшли қайтиб келганида... агар у қайтиб келса... Йўқ, ҳозир бу ҳақда ҳам ўйламайди... Кейин, кейин. Кейин ўйлаши керак бўлган нарсалар шу қадар кўпки... Шу қадар кўп муаммога ечим топиши, шу қадар кўп масалани ҳал қилиши лозим. Оҳ, қанийди бу ишларни ўзидан буткул соқит қилса! У дераза ортида сукунатни бузиб бир маромда ғичирлаётган товушдан сесканди.

– Бу Моможон – ойимқизларнинг баданини артиш учун сув тортяпти. Уларни тез-тез артиб туриш керак, – тушунтирди Дилси ва қовоқ идишни дори солинган халтачалару қадаҳларга тақаб стол устига жойлаштирди.

Скарлетт туйқус кулиб юборди. Модомики чақалоқлигидан бери унга таниш бўлган қудуқ чиғирининг ғичирлаши уни шу қадар қўрқитиб юборган экан, демак асаблари тамом ишдан чиққан. Дилси унга диққат билан қаради. Унинг хотиржам, виқорли чеҳрасида ҳеч нарса акс этмади, лекин Скарлетт Дилси ҳаммасини тушунганини сезди. Скарлетт яна ўзини стул суянчиғига ташлади. Ҳеч қуриса корсетининг боғичларини бўшатса, томоғини бўғаётган ёқасининг тугмаларини ечса, оёқларини қиздираётган туфлисидаги қум ва тошчаларни қоқса бўларди.

Ҳар айланганида арқонни ўраб, сув тўла челакни юқорига тортаётган чиғир оҳиста ғичирларди. Тез орада у – Эллинни ҳам, уни ҳам боқиб катта қилган, тарбиялаб вояга етказган ўша аёл бу ерга келади. Скарлетт гўё бир сония ҳамма нарсага бефарқдек индамай ўтирар, сутга тўйган чақалоқ эса ўзига

ёқиб қолган кўкракдан бўшаб, ҳиқиллай бошлаганди. Скарлеттга ўхшаб жим ўтирган Дилси чақалоқни яна кўксига босиб, тебрата бошлади. Скарлетт орқа ҳовлида юрган Моможоннинг қадамлари оҳиста шитирлаётганига қулоқ соларди. Тун ҳавоси нақадар сокин ва тинч! Тиқ этган товуш момоқалдироқдек қулоққа уриларди.

Моможон қўлидаги юк билан юқорига чиқаётганида холлдаги зина семиз гавданинг оғирлигидан лорсиллаб кетаётганга ўхшарди. Мана, у эшикда пайдо бўлди: иккита сув тўла ёғоч қовға унинг елкаларини ортга тортар, меҳрибон қорача юзи ғамгин – қари маймунникидек ҳайрону маъюс, бўлиб ўтган воқеаларни тушунолмай лол эди.

Скарлеттни кўриб унинг кўзлари қувончдан порлаб кетди, оппоқ тишлари ярқиради ва қовғаларни ерга қўйди, Скарлетт эса сакраб туриб унга отилди ва қанча оқ ва қора бошлар таскин илинжида бағрига кирган кенг, юмшоқ кўкракка бошини қўйди. "Мана, аввалги ҳаётдан қолган ишончли, ўзгармаган бир чимдим хилқат", хаёлидан ўтди Скарлеттнинг. Лекин Моможоннинг оғзидан чиққан дастлабки сўзлар бу тасаввурни йўққа чиқарди.

–Бизнинг қизалоғимиз уйга қайтибди! Оҳ, мисс Скарлетт, мисс Эллинни қабрга қўйдик, энди биз қандай яшаймиз, ахир. Оҳ, ақлга сиғмайди! Оҳ, мисс Скарлетт, фақат бир нарсани – эртароқ мисс Эллиннинг ёнига боришни истайман. Усиз куним қандай ўтади. Усиз мен нима қиламан. Қаёққа қараманг, ҳамма ёқни қайғу ва кулфат босган. Фақат бир нарсани – машаққатларга чидашни бил...

Скарлетт Моможонининг кўксига бошини қўйиб турарди; Моможоннинг охирги гапи уни лол қолдирди: "Бир нарсани – машаққатларга чидашни бил". Айнан шу гап тун бўйи уни ақлдан оздириб, такрор-такрор миясига уриларди.

Ҳозир эса бу гап қаердан олинганини эслаганида, унинг юраги қинидан чиқиб кетаёзди:

Машаққатлар тугар, жуда оз қолди,
Кутмоқ ножоиздир ҳеч ердан кўмак.
Саргардон кезишлар битар оқибат...
Яна бир неча кун йўл тортиш керак.

"Кутмоқ ножоиздир ҳеч ердан кўмак..." – бу мисра унинг ҳорғин шууридан энди қалқиб чиқди. Наҳотки унинг елкасидаги юк, азоб-уқубатлар ҳеч қачон енгиллашмаса? Уйга қайтиб келгани – наҳотки худонинг марҳамати билан барча қайғу-ғамларнинг енгиллашиши эмас, балки елкасига ортилган янги юк бўлса? У Моможоннинг қучоғидан сирғалиб чиқди ва серажин юзини силади.

– Жоним қоқиндиқ, қўлларингизга нима бўлди? – Моможон унинг кичкина, толиққан, қавариб кетган қўлларини қўлига олди ва уларга даҳшатга тушиб таънали назар билан қаради. – Мисс Скарлетт, ахир, мен сизга айтмаганмидим, айтмаганмидим сизга, ҳақиқий ледини қўлларига қараб билиш мумкин деб... Юзингиз ҳам қуёшдан қорайиб кетибди-ку!

Бечора Моможон, гарчи бошидан уруш гумбурлаб ўтган, ўзи ўлимга тик боққан бўлса-да, бу арзимаган нарсалар ҳалиям унинг юрагини тирнайди-я. Индамаса, бармоқлари қаварган, бурнига сепкил тошган ёш хоним ҳеч қачон ўзига қаллиқ тополмайди, деса керак! Скарлетт унга сўз бермай гапиришга шошилди:

– Моможон, менга ойим ҳақида гапириб бер. Дадамнинг у ҳақда гапиришини тинглашга юрагим бетламайди.

Моможоннинг кўзларидан ёш чиқиб кетди, у эгилиб сув тўла қовғаларни кўтарди. Уларни индамай каравот ёнига қўйди, чойшабни отиб юбориб, Керрин ва Сьюлиннинг ич кўйлакларини еча бошлади.

Скарлетт хира милтираётган жинчироқ ёруғида сингилларига қаради ва Кэрриннинг кўйлаги тоза бўлса ҳам увадага айланганини, Сьюлиннинг устида эса сирти ирландча тўр билан безалган эски ич кўйлак борлигини кўрди. Моможон кўзларидан жимгина ёш оқизиб, қизларнинг озғин танасини артар, сочиқ ўрнига эса эски пешбандидан фойдаланарди.

– Мисс Скарлетт, анави Слэттерилар, ўша ярамас, жирканч, зоти пастлар – ана ўшалар мисс Эллинни нобуд қилишди. Ахир, мен унга қанча тушунтирдим – улар билан алоқа қилиш керакмас, улардан нуқул ёмонлик келади деб, лекин у ниҳоятда шафқатли, меҳрибон эди, ҳеч кимдан ёрдамини аямасди.

– Слэттери? – ҳангу манг бўлиб қайта сўради Скарлетт. – Бунга уларнинг нима дахли бор?

– Бу касаллик уларга ёпишганди, – Моможон суви оқиб ётган латта билан опа-сингилларнинг яланғоч баданига ишора қилди. – Эмми, мисс Слэттерининг катта қизи, ётиб қолди, мисс Слэттери эса бу ерга оёғи куйган товуқдай югуриб келиб мисс Эллинни чақирди. Уларга бирор нарса бўлса, доим шунақа қилади. Ўзиникиларга ўзи қараса бўлмасмиди? Шундай ҳам мисс Эллин зўрға оёқда турарди. Лекин, барибир, у ёққа бориб Эммига қаради. Ўзи эса ўша пайтдаёқ касал эди. Сизнинг ойингиз, мисс Скарлетт, аллақачондан бери касал эди. Ейишга ҳеч нарса йўқ эди, нима ўстирмайлик – ҳаммасини аскарлар учун олиб кетишарди. Мисс Эллин худди чумчуқдай овқат ерди. Мен қанча гапирмай, бу оқ танли зоти пастлар билан овора бўлиб юрманг, деб қанча айтмай, қанийди менга қулоқ солса. Эмми соғая бошлаганида, мисс Кэррин ётиб қолди. Ҳа, мэм, тиф тарқала бошлади, бу ерга ҳам етиб келди, мисс Кэррин ётиб қолди, ундан кейин мисс Сьюлин ҳам. Мисс Эллин уларга қарай бошлади.

Дарё ортида – янкилар, ҳамма ёқда отишма, негрлар ҳар куни далалардан қочиб кетишар, биз нима қиламиз – ҳеч ким билмасди. Мен ақлдан озаман, шекилли, деб ўйловдим. Мисс Эллин эса – қандай воқеа юз бермасин, бир хил – доим қандай бўлса худди ўшандай. Фақат қизларни ўйлаб қаттиқ ташвиш тортди, чунки бизда дори-дармон, ҳеч нарса йўқ эди. Бир куни – ўша оқшом бечора қизларнинг баданини ўн марталар артиб чиқдик – у менга шундай деди: "Моможон, қизларимнинг манглайига қўйиш учун бир парча муз топилса, майлийди, шайтон билан ҳам дўст тутинардим".

У бу хонага ҳеч кимни – на мистер Жералдни, на Розани, на Тинани, ҳеч кимни киргизмади, фақат менга индамади, чунки мен илгари тиф билан оғриганди м. Кейин эса тиф уни ҳам йиқитди, мисс Скарлетт, унга ҳеч қандай ёрдам беролмаслигимизни мен дарров билдим.

Моможон қаддини ростлади ва этагига кўз ёшларини артди.

– Унинг аҳволи жуда тез оғирлашди, ҳатто анави яхши одам – доктор-янки ҳам ҳеч илож қилолмади. У, мисс Скарлетт, ҳеч нарсани англамасди. Мен баъзан уни чақирардим, чақирардим, у билан гаплашардим, у эса ҳатто ўзининг Моможонини ҳам танимасди.

– Мени-чи... у эслармиди? Мени чақирдими?

– Йўқ, жонгинам. У ўзини яна Саваннадаман, ҳали ҳам қизчаман, деб ўйларди. Ҳеч кимни чақирмадиям.

Дилси қимирлади ва ухлаб қолган болани тиззасига ётқизди.

– Йўқ. У чақирди, мэм. Бир кишини чақирди.

– Эй, сен, жим бўл! Оғзингни юм! – Моможон ғазабдан титраб-қақшаб Дилси томон ўгирилди.

– Секинроқ, Моможон, секинроқ! У кимни чақирди, Дилси? Отамними?

– Йўқ, мэм. Отангизни эмас. Бу ўша кечаси, пахтани ёқиб юборишган куни бўлганди.

– Нима, пахтани ёқиб юборишдими? Ҳаммасинимми? Нега жимсан?

– Ҳа, мэм, пахта ёниб кетди. Аскарлар уни бостирма остидан орқа ҳовлига олиб чиқиб ёқиб юборишди ва ҳаммалари: "Мана бизнинг гулхан қанақа – бутун Жоржияда энг зўр гулхан!" дея қичқиришди.

Уч йиллик пахта ҳосили – бир юз эллик минг доллар – биратўла ҳаммасини йўқ қилишди!

– Кундузгидай ёруғ эди. Ҳатто бу ер, юқориги хоналар ҳам шундай ёришиб кетдики, игнага ип ўтказса бўларди. Биз уй ёниб кетадими, деб жуда қаттиқ қўрқдик. Деразалар ёришиб кетганида, мисс Эллин тўшакка ўтирди ва қаттиқ чақирди – "Филипп! Филипп!" деб бир марта, кейин яна чақирди. Бунақа исмни мен туғилганимдан бери эшитмагандим, лекин бу кимнингдир исми эди, демак, у кимнидир чақираётганди.

Моможон жойида тошдай қотди. У кўзлари билан Дилсига тешиб юборгудай қаради, Скарлетт эса индамай қўллари билан юзини беркитди.

Ким экан у Филипп дегани, унинг Эллинга қандай алоқаси бор? Нега уни ўлаётган паллада чақирдийкин?

Атлантадан Тарагача чўзилган узундан-узоқ, уни Эллиннинг бағрига олиб келиши лозим бўлган йўл, мана, поёнига етди ва Скарлеттнинг рўпарасида қалин девор қад ростлаб турибди. Энди у ҳеч қачон ота уйида Эллиннинг меҳр-муҳаббати ва ғамхўрлигини юмшоқ паркўрпа ёпингандек жон-тани билан ҳис қилиб, гўдакдек беғам-беташвиш ухлаёлмайди. Тинч ва осуда ҳаёт, сокин ва меҳрибон она қучоғи энди йўқ. Энди на ортга, на ён-атрофга йўл йўқ – боши берк кўча, қалин яланг девор бор, холос. У елкасидаги юкни ҳам кимнингдир елкасига ортолмади. Отаси қариб қолган, ғам уни адо қилган,

сингиллари касал; Мелани чалажон, болалар ўзини эплаёлмайди, ночор-нотавон, бир тўда негр эса унга болалардек умидворлик билан кўз тикиб ўтиришибди, Эллиннинг катта қизи улар учун онаси сингари мустаҳкам қўрғон бўла олишига астойдил ишониб, унинг изидан юришибди.

Дераза ортидан ой чиқиб келар, унинг хира ёғдусида Скарлеттнинг кўз ўнгида тинка-мадори қуриган танадек (худди ўзининг қони секин сизиб оқаётган танаси каби) кимсасиз, ёқиб юборилган, харобага айланган замин ётарди. Мана у, йўлнинг адоғи – кексалик, касалликлар, каппа-каппа очилиб турган оч оғизлар, этагига ёпишиб олган ожиз ва нотавон қўллар. Ва у, Скарлетт О'Хара Гамильтон, ўн тўққиз ёшли бева, ёлғиз, гўдак ўғилчаси билан танҳо бир ўзи.

Энди у нима қилади? Албатта, Питти амма ва Мейкондаги Бэррлар Меланини чақалоғи билан қарамоғига олишлари мумкин. Сингиллари соғайиб кетса, Эллиннинг қариндошлари – уларга бу ёқмаса ҳам – қизларга ғамхўрлик қилишлари зарур бўлади. У билан Жералд эса Жеймс ва Эндрю амкиларига ёрдам сўраб мурожаат қилишлари мумкин.

Скарлетт тўкилган сувдан қорамтир тусга кирган чойшаблар устида тўлғониб ётган икки рамақижон жуссага назар солди. Сьюлинни азалдан жини суймасди, ҳозир эса туйқусдан буни аниқ-тиниқ англаб етди. Ҳа, уни ҳеч қачон яхши кўрмаган. Кэрринга ҳам у қадар қаттиқ боғланмаган – барча ожиз жонзотлар унда ҳеч қандай майл уйғотмасди. Лекин Скарлетт улар билан бир қоиндан талашиб тушган, Таранинг бир бўлаги. Йўқ, у сингилларининг холаларинидан қашшоқ қариндошлардай кун кўришига йўл қўя олмайди. О'Харалардан кимдир биров кимнингдир меҳр-мурувватига зор бўлиб, бегонанинг нон-ошига шерик бўлиб яшаса-я! Йўқ, бундай бўлмайди!

Наҳотки бу мушкул вазиятдан чиқиб кетишнинг иложи йўқ? Унинг толиққан мияси ишламай қолди. У секин, гўё ҳаво сув каби зичдек, қўлларини кўтариб чаккаларига олиб борди. Кейин қадаҳлар ва халтачалар орасига қўйилган қовоқ идишни олиб, ичига қаради. Остида яна озгина виски қолганди – бу хира ёруғликда қанчалигини билиб бўлмасди. Қизиқ, вискининг ўткир ҳиди энди унга нохуш туюлмасди. У секин-секин бир неча қултум ҳўплади, лекин бу гал виски унинг томоғини куйдирмади – шунчаки бутун танасига илиқлик бағишлаб, уни карахт қилиб қўйди.

У бўш идишни столга қўйди ва атрофга аланглади. Буларнинг бариси туш: дим, хира ёритилган хона; каравотда икки озғин жусса; Моможон – улар ёнига аранг жойлашиб олган улкан, шакл-шамойилсиз бир нусха; Дилси – қора сийнаси устида ухлаб қолган пуштиранг гувалача билан қилт этмай ўтирган бронза ҳайкал... Буларнинг бари туш, у уйғонганида эса ошхонадан қовурилган чўчқа гўшти – бекон ҳиди анқийди, дераза ортида негрларнинг томоқ қириб гапираётгани эшитилади, далага чиқаётган араваларнинг ғилдираклари ғичирлайди, Эллиннинг қўли эса майин, аммо қатъият билан унинг елкасига тегади.

Кейин эса у ўзини хонасида, каравотида ётганини, деразадан ойнинг майин нури оқиб кираётганини, Моможон ва Дилси уни ечинтираётганини кўрди. У аллақачон қаттиқ тортиб боғланган корсет азобидан қутилган ва кўкрагини тўлдириб енгил ва эркин нафас олиши мумкин эди. У пайпоғини эҳтиёткорлик билан ечишаётганини сезди, толиққан оёқларини ювaётган Моможоннинг ғўлдираган тинчлантирувчи овозини эшитди... Сув бунчалик совуқ, бу ерда, юмшоқ тўшакда ётиш ва ўзингни боладек ҳис қилиш қандай яхши! У чуқур тин олди ва кўзларини

юмди. Оний бир лаҳза тез ўтиб кетди, эҳтимол, жуда узоқ вақтдир, у энди ёлғиз ўзи қолди, хона ёришган, унинг тўшаги ой нурига қўмилганди.

У қаттиқ мастлигини – чарчоқ ва виски таъсирида кайфи ошиб қолганини англамаётганди. Унга у ўзининг ҳаддан ташқари азоб чеккан, эзилган танасидан ажралиб чиққандай, қаердадир тепада, азоб-уқубат, чарчоқ бўлмаган осмону фалакда енгил парвоз қилиб юргандай туюлар, боши ҳам одатдан ташқари тиниқ, мияси ҳам ғайритабиий аниқлик билан ишларди.

Энди у оламга бошқача кўз билан қарай бошлаган, зеро, туғилиб ўсган уйигача бўлган узун ва машаққатли йўлнинг аллақаерида у ўзининг ёшлигини ташлаб келганди. Энди унинг қалби лойдай мулойим, ҳар қандай янги таассуротга берилувчан эмасди. У қотиб қолганди – бу ҳол абадият каби адоқсиз кунларнинг қайсидир номаълум лаҳзасида юз берганди. Бугун кечаси охирги марта кимдир унга болага қарагандай муносабатда бўлди. Ёшлик ортда қолди. Скарлетт аёлга айланди.

Йўқ, у на Жералднинг ака-укаларига, на Эллиннинг қариндошларига мурожаат қилолмайди, қилмайди ҳам. О'Харалар садақага зор эмас. О'Харалар ўзларига ўзлари ғамхўрлик қила оладилар. Унинг елкасидаги юк – унинг юки, демак, бу юкни кўтаришнинг уддасидан унинг ўзи чиқиши керак. Ўзига қаердандир тепадан туриб, четдан қарагандай назар солиб, заррачаям ҳайрон бўлмай ўйлади: модомики, унинг елкалари энг даҳшатли кўргуликларга чидаб бердими, демак, ҳар қандай қийинчиликка ҳам бардош беради. У Тарани ташлаб кетмайди. Бу қизил тупроқли неча акр ерлар унга тегишли бўлгани учунгина эмас, балки унинг ўзи шу ернинг бир зарраси бўлгани учун. У мисоли пахта, бу қондек қизил тупроққа томир ёйган ва унинг шарбатларидан баҳра-

манд бўлган. У Тарада қолади, уни сақлаб қолиш ва отасига ҳам, сингилларига ҳам, негрларга ҳам қайғуриш, ғамхўрлик қилиш йўлини топади. Эртага... Оҳ, бу эртага! Эртага у бўйнига бўйинтуруқни илади. Ўн икки Эманга ва Макинтошлар мулкига бориб, полизларда бирор нарса қолганми-йўқми, излаши керак, кейин эса дарё бўйидаги ботқоқликлардан тўрт томонга улоқиб кетган чўчқа ва товуқлар тентираб, адашиб юрган-юрмаганини текшириб кўради. Яна Жонсборо ва Лавжойга ойисининг қимматбаҳо тақинчоқларини олиб бориши лозим – балки у ерда уларни озиқ-овқатга алмаштирадиган бирор одам топилиб қолар. Эртага... эртага – худди дами тугаётган соатдек мияси борган сари секин ишлар, аммо ботиний сезгининг фавқулодда аниқлиги сақланиб қолганди.

Кутилмаганда болалигида кўп маротаба бетоқат бўлиб, зерикиб, охиригача тушунмай эшитган кўплаб оилавий воқеалар хотирасида яққол намоён бўлди – Жералднинг сариқ чақаси бўлмаса-да, Тара соҳибига айлангани; Эллиннинг тақдирнинг сирли зарбасидан кейин қандай қилиб ўзига келгани; Робийяр бобонинг Наполеон империяси таназзулига қандай бардош бера олгани ва ҳосилдор Жоржия тупроғида янгидан молу давлат орттиргани; бобокалони Прюдомнинг юриб бўлмайдиган Гаити чангалзорларида чоғроқ қироллик барпо этгани, кейин бор-будидан айрилгани ва Саваннада яна бурунги шону шавкатини тиклаб олгани; мустақил Ирландия учун ирланд қўзғолончилари билан ёнма-ён туриб жанг қилган беҳисоб номсиз Скарлеттлар ва озодлик йўлида курашиб дорга осилган, ҳақли равишда ўзлариники, деб ҳисоблаган ерларини ҳимоя қилаётиб Бойн дарёси ёқасидаги жангда ҳалок бўлган ёш ва кекса О'Хараларни эслади.

Уларнинг бари қақшатқич талафотларга учраган, бироқ енгилмаган! На империянинг қулаши, на исёнчи қуллар қўлидаги мачетелар, на ғазабга дучор бўлишлар, на қувғинлар уларни синдиролган. Аянчли қисмат уларнинг белини букиши мумкин эди, аммо руҳини синдиролмасди. Улар шикоят қилмасди – курашарди. Сўнгги нафасгача бўйин эгмай жон берарди. Қони унинг томирларида оқаётган бу шарпалар ой ёғдусига чулғанган хонани сассиз тўлдираётгандек туюларди. Тақдирига шу қадар оғир кўргуликлар битилган ва бу тақдирни ўз хоҳишларига кўра ўзгартира олган аждодлари кўз ўнгида намоён бўлганини кўрган Скарлетт ҳайратга тушмади.

Тара унинг тақдири, унинг жанг майдони эди, у эса бу жангда ғолиб чиқиши шарт эди!

У уйқусираётгандек ёнбошига ағдарилди, шуурини эса аста-секин зулмат қоплай бошлади. Ростдан ҳам бу шарпалар унинг қулоғига тасалли сўзларини секин шивирлаш учун келганми ёки бу тушми?

– Шу ердамисизлар ёки йўқми, – уйқуга кетаётиб ғўлдиради у, – барибир раҳмат сизларга – хайрли тун.

XXV боб

Эртаси куни эрталаб узоқ вақт пиёда ва шалоқ аравада юргани боис Скарлеттнинг аъзои бадани қаттиқ зирқираб оғриди, ҳар бир ҳаракати чидаб бўлмас даражада азоб берди. Юзлари офтобда куйган, томоғи қақраган, ташналикдан ўлай дер, бироқ қанча сув ичмасин чанқоғи босилмасди. Бошига худди қўрғошин қуйилгандек, кўзлари сал қимирласа ҳам оғриқдан юзи бужмайиб кетарди. Кўнгил айниши ҳомиладорликнинг илк ойларидаги каби томоғини бўғар, ҳатто нонуштага тортилган қовурдоқнинг ҳидига ҳам чидолмасди. Жералд унга ўткир ичимлик ичгандан кейин у биринчи марта одатдаги

сархушлик ҳолатига тушганини тушунтирган бўлди, лекин Жералд атрофида содир бўлаётган воқеаларни пайқамасди. У столнинг тўрида ўтирар – нигоҳлари маъносиз, бефарқ, сочлари оқарган қари чол – нурсиз кўзларини эшикка тикиб, бошини ёнбошга бир оз эгиб, Эллиннинг кўйлагининг шитирлашини илғашга, лимонли тизимгул атрининг ҳидини симиришга уринарди.

Скарлетт келиб столга ўтирганида у ғўлдиради:

– Биз миссис О'Харани кутамиз. У ушланиб қолди.

Скарлетт оғриқдан ёрилай деяётган бошини кўтарди ва қулоқларига ишонмай унга қаради, бироқ Жералднинг стули орқасида турган Моможоннинг ялинчоқ нигоҳига дуч келди. Шунда у ўрнидан гандираклаб турди, беихтиёр қўлини оғзига олиб борди ва чароғон тонг ёруғида отасининг юзига синчиклаб қаради. Отаси унга ҳеч нарсани ифодалаймайдиган нигоҳларини тикди, шунда у Жералднинг қўллари титраётганини, ҳатто боши ҳам енгил қалтираётганини кўрди.

У отам хўжаликни бошқаришни ўз зиммасига олади ва менга нима қилиш кераклигини кўрсатади деб ўйлаб, Жералдга савқитабиий тарзда қаттиқ ишонганини шу дақиқагача англаб етмаганди. Аммо энди... Ахир, ўтган оқшом у тамоман ўзига келгандек бўлувди-ку. Тўғри, аввалги ҳаракатчанлик ва мақтанчоқлигидан асар ҳам қолмаганди, аммо лоақал у турли воқеалар ҳақида бемалол гапириб берганди-да, энди эса... Энди у ҳатто Эллин ўлганини ҳам англаёлмаяпти... Икки ёқлама зарба – Эллиннинг ўлими ва янкиларнинг бостириб келгани – унинг ақл-идрокини ларзага солганди. Скарлетт нимадир демоқчи эди, лекин Моможон бошини қаттиқ сермай бошлади ва пешбандининг чети билан қизарган кўзларини артди.

“Наҳотки отам эс-ҳушидан айрилаётган бўлса? – лоп этиб хаёлидан ўтди Скарлеттнинг ва назарида ҳозир боши бу янги зарбадан тарс ёрилиб кетадигандай туюлди. – Йўқ, йўқ, у шунчаки гангиб қолган. Касал. Бу ўтиб кетади. У ўзига келади. Тузалиши шарт. Агар ўтиб кетмаса, унда нима қиламан? Йўқ, бу ҳақда ҳозир ўйламайман. Ҳозирча ўйламайман... Ҳозир бунга бардош беролмайман. Ўйлаш лозим бўлган нарсалар шу қадар кўпки. Тиклаб бўлмайдиган нарсаларга бош қотиришнинг нима кераги бор – ҳозир яна нимани ўзгартириш мумкинлиги ҳақида ўйлаш керак.”

У нонуштага қўл ҳам урмай столдан турди, орқа эшикка чиқди ва Поркни кўрди: у оёқяланг, заррин уқали байрам либосидан қолган-қутган жулдур кийимда ўтириб ерёнғоқ чақарди. Скарлеттнинг боши ғувиллар, қулоғи шанғиллар, қуёш кўзларини аёвсиз қамаштирарди. Ҳатто тик туриши ҳам ҳозир осон эмас, шу сабабдан у онаси ҳар доим талаб қиладиган – негрларга юмшоқ муомалада бўлишнинг барча қоидаларини бир четга суриб, қуруқ ва қисқа гапира бошлади.

У шу қадар дағаллик билан ва амирона фармойиш бера бошладики, ҳайратдан Поркнинг кўзлари манглайига ёпишиб қолди. Мисс Эллин хизматкорларни ҳатто жиноят устида – ўғирланган қовун ёки жўжа билан кўриб қолса ҳам, ҳеч қачон ҳеч ким билан бундай оҳангда гаплашмасди. Скарлетт яна плантациялар, чорбоғ, полиз, хўжаликдаги бор паррандаю даррандалар ҳақида сўраб тафтиш қилишга тушди, унинг зангори кўзларида ёрқин шуъла ялтираб кетди, илгари ҳеч қачон Порк буни сезмаганди.

– Ҳа, мэм, от ўлиб қолди – боғлаган жойимда, ўша ернинг ўзида. Тумшуғини сув солинган пақирга тиқиб ағдариб юборибди. Йўқ, мэм, сигир тирик. Сизга айтишмаганмиди? У кечаси туғди. Шунинг учун ҳам безовта маъраган.

– Ҳа, қизинг Приссидан зўр доя чиқади, – деди ачитиб Скарлетт. – Ахир, у сигир кўпдан бери соғилмагани учун маъраяпти, деди.

– Ахир, Приссини молларга дояликка тайёрлашмаган-да, мисс Скарлетт, – мулойимлик билан эслатди Порк. – Айтганларидай, худо берганига шукур, бу бузоқча ўсиб, яхши сигир бўлади, бизда сут, мой ва ёш хонимлар учун айрон бўлади, доктор-янкининг айтишича, булар ёш хонимлар учун жуда фойдали экан.

– Хўп майли, давом этамиз. Бирорта уй ҳайвони қолганми?

– Йўқ, мэм. Фақат битта қари чўчқа қолган, болалари билан. Янкилар бостириб келишганда мен уларни ботқоқликка ҳайдаб юборгандим. Ҳозир билмадим, уларни қаердан излайман. У қўрқоқ чўчқа эди.

–Барибир уларни излаб топиш керак. Приссини ўзинг билан бирга олиб жўна, уларни уйга ҳайдаб кел.

Порк аввалгидан кам ҳайратланмади ва дарров норозилик билдирди.

– Мисс Скарлетт, бу плантацияда ишлайдиган негрлар иши. Мен эса бир умр хўжайинларнинг уйида хизмат қилганман.

Скарлеттнинг зангори кўзларида иккита шайтонвачча Поркка қип-қизил чўғдай қиздирилган паншахани ўқталиб тургандай эди гўё.

– Сен билан Присси ҳозироқ бориб ўша чўчқани ушлаб келасизлар ёки бу ердан қочиб кетганларнинг ёнига даф бўлинглар!

Поркнинг кўзларига алам ёшлари қалқди. Оҳ... қани энди мисс Эллин ҳаёт бўлса! Бу нозик икир-чикирларни у яхши биларди, уй хизматкорлари билан плантациядаги қулларнинг фарқига борарди.

– Бу ердан даф бўл, деяпсизми, мисс Скарлетт? Қаёққа бораман?

– Билмайман, билишни ҳам истамайман. Лекин зарур ишни бажаришни истамаган ҳар қандай одам янкилар ёнига жўнаши мумкин. Буни ҳаммага етказ.

– Эшитаман, мэм.

– Хўш, маккажўхори билан пахтага нима бўлди?

– Маккажўхори? Ё меҳрибон эгам, мисс Скарлетт, ахир, улар маккажўхори экилган далада от боқишди, отлар еб улгурмаганини, пайхон қилмаганини ортиб олиб кетишди. Тўп ва извошларни пахта далаларидан олиб ўтишди ва пахта пайкалларини нобуд қилишди. Пастда, дарё бўйида бир неча акр пахта омон қолди холос – афтидан, улар кўрмай қолишган. Аммо нима фойда – у ердан уч тойдан ортиқ пахта чиқмайди.

Уч той! Ҳар йилги ҳосилдан олинадиган беҳисоб пахта тойларини эслаб Скарлеттнинг юраги зирқиради. Уч той. Ярамас ялқов Слэттерилар қанча етиштирган бўлса ўшанча. Ҳали яна солиқ ҳам бор. Конфедерация ҳукумати солиқни пул ўрнига пахта билан ундиради. Уч той пахта ҳатто солиқни ҳам қопламайди. Конфедерациянинг қулларнинг қочиб кетгани ва пахта терадиган одамнинг йўқлиги билан нима иши бор.

"Бўпти, бу ҳақда ҳам ҳозир ўйлаб ўтирмайман, – деди ўзига ўзи Скарлетт. – Солиқ – бу аёллар иши эмас, ахир. Бу ҳақда отам қайғуриши керак. Лекин у... У ҳақда ҳам ҳозир ўйламайман. Конфедерация пахтани қизил қор ёққанда олади. Ҳозир биз учун энг муҳими – биз нима еймиз?"

– Порк, бирортангиз Ўн икки Эманда ёки Макинтошлар ерида бўлганмисиз? У ёқдаги полизларда бирор нарса қолган бўлиши мумкин.

– Йўқ, мэм. Биз Тарадан жилганимиз йўқ. Янкиларга дуч келиб қолишдан қўрқардик.

– Дилсини Макинтошларникига юбораман, шояд бирор егулик топса. Ўзим эса Ўн икки Эманга бораман.

– Ким билан бормоқчисиз ўзи, ойимқиз?

– Ҳеч ким билан. Моможон сингилларим ёнида қолиши керак, мистер Жералд боролмайди.

Порк товуқдай қоқоғлаб шовқин кўтарди ва унинг жаҳлини чиқариб юборди. Ўн икки Эманда янкилар ёки қочоқ негрлар бўлиши мумкин – Скарлетт у ерга бир ўзи бориши мумкин эмас.

– Бўпти, бас қил, Порк. Дилсига айт, дарҳол йўлга чиқсин. Присси иккингиз эса чўчқа билан унинг болаларини бу ёққа ҳайдаб келинглар, – Скарлетт буйруқни такрорлади ва Поркка орқасини ўгирди.

Моможоннинг эски, ранги ўчган, лекин тоза тумоғи орқа эшикда, жойида илинган турарди. Скарлетт уни бостириб кийиб олди. Ретт Париждан олиб келган майин яшил патли шляпасини эса худди қачонлардир тушида кўрган бир нарсадай эслади. У каттакон тўқима саватни олди ва орқа зинадан туша бошлади; ҳар бир қадамидан мияси шу қадар зириллардики, гўё бош чаноғининг ичида нимадир майдаланаётгандай эди.

Дарёга тушиб борадиган йўл – қизил, жазирамада қизиб кетган йўл – куйиб кетган, пайхон қилинган пахта далалари орасидан ўтарди. Соялашга бирорта дарахт йўқ, қуёш эса Моможоннинг тумоғидан ўтиб шу қадар беаёв қиздирардики, гўё тумоқ астар солиб қавилган эмас, оҳорланган тагдокадан тикилганга ўхшар, чангдан бурни ва томоғи шундай қичишардики, мабодо оғзини очса, қарғага ўхшаб қағиллаб юборадигандай туюларди. Отларнинг тақалари ва оғир замбаракларнинг ғилдиракларидан йўлнинг расвоси чиқиб кетганди, ҳаттоки йўл четидан ўтган қизғиш зовурларда ҳам ғилдирак излари кўринарди, отлиқ ва пиёда аскарлар артиллерияга йўл бериб, ўзлари далалар орқали юрган жойларда синган, эзғиланган ғўза поялари сочилиб ётарди. Ҳамма ерда эгар-жабдуқ парчалари, тўқалар, пошна бўлаклари,

қонга беланган жанда-жундалар, кўк шапкалар, от туёқлари ҳамда тўп ғилдираклари остида пачоқланган аскар қозончалари – бу ердан ўтган армия ўз ортида қолдириб кетган ҳамма нарса сочилиб ётарди.

Скарлетт инилари ётган пастқам тепачалар ёнидаги янги қабрни ўйламасликка уриниб, кичикроқ кедр дарахти ва оила мозори атрофини ўраб турган паст ғишт деворни ортда қолдирди. Оҳ, Эллин! Скарлетт тепадан тушди, ғазабдан ўзини тутолмай Слэттериларнинг бутун уруғи билан куйиб кулга айланишини тилаб, уларнинг уйи ўрнида қолган куйган ёғочлар уюми ва пастроқ мўри ёнидан ўтди. Агар Слэттерилар бўлмаганида, агар уй бошқарувчисидан орттирган ҳаромиси билан анави ярамас Эмми бўлмаганида, Эллин тирик юрган бўларди.

Ўткир тошча оёғининг қаварган жойига қаттиқ санчилганида, у оғриқдан инграб юборди. Нега у бу ерда юрибди? Нима сабабдан у, Скарлетт О'Хара, графликнинг энг гўзал қизи, Таранинг ифтихори, ҳамманинг ардоғида ва ҳимоясида бўлган Скарлетт О'Хара салкам оёқяланг ҳолида бу чанг кўчаларда судралиб юрибди? Унинг жажжи оёқчалари паркетда юришга яралган, бу ўйдим-чуқурларда юриш учун эмас, жажжи туфличалари ялтираб товланадиган шоҳи кўйлагининг этаги остидан чиройли кўриниб туриши, қиррали тошчалар ва тупроқ билан тўлмаслиги керак. У бошқалар унга хизмат қилишлари, уни асраб-авайлашлари ва суйиб-эркалашлари учун туғилган, бунинг ўрнига очлик, қаттиқ азоб, тинка-мадорининг қуригани йиртиқ-ямоқ кийимдаги Скарлеттни қўшни полизларда сабзавот излаб тентираш учун бу ерга ҳайдаб келди.

Қия тепалик этагидан дарё оқиб ўтар ва дарахтларнинг шохлари сувга эгилиб турган жойлардан шундай бир салқин ва сокин шабада эсиб турардики, Скарлетт қия тушган дарё бўйига ўтирди, тўзғи-

ган туфлисини ечиб ташлаб, пайпоқларини салқин сувга ботирди. Ўзига илтижоли тикилган кўзлардан узоқда кун бўйи шундай ўтирса, ўтирсаю сукунат аро фақат баргларнинг шитирлашига, оҳиста оқаётган сувнинг жилдирашига қулоқ тутса қандай яхши! Бироқ у ўзини зўрлаб яна пайпоқ ва туфлисини кийди ва мох босган, пахтадек юмшоқ қирғоқ бўйлаб дарахтлар соясидан бир-бир қадам ташлаб юриб кетди. Янкилар кўприкни ёқиб юборишган, лекин у оқим бўйлаб юз ярдча пастда ўзан торайишини, дарё устига ташланган ёғочлар – кўприкчалар борлигини биларди. У эҳтиёткорлик билан нариги қирғоққа ўтиб олди ва қуёш тиғи остида тепаликка кўтарила бошлади. Ўн икки Эмангача ярим миля қолганди.

Уларнинг бари – ўн иккита эман ҳиндулар замонида қандай бўлса ўшандай, фақат яланғоч шохлари қийшайиб, хира тортган барглари оловдан қовжираган. Улар орқасида эса Жон Уилкс уйининг харобалари – тепалик устида савлат тўкиб турган, устунлари оппоқ данғиллама уйининг қорайиб кетган қолдиқлари уйилиб ётарди. Илгари ертўла бўлган қора хандақ, кўмирдек қорайган тош пойдевор ва иккита салобатли мўри қачондир бу ерда одамлар яшаганидан дарак бериб турарди. Битта узун, ярми куйган устун қоши билан ясмин бутасини эзиб, майсазор устида кўндаланг ётарди.

Скарлетт қаттиқ ҳаяжонланганидан яна бир қадам босишга-да ўзида куч топа олмай устунга ўтирди. Бу вайронанинг манзараси унинг нақ юрагига тиғ урди – шу пайтгача кўрганларидан-да кучлироқ таъсир қилди. Уилкслар авлодининг кули кўкка совурилган ифтихори унинг оёқлари остида ётарди. Уни доим шундай очиқ чеҳра билан кутиб олган, рўёбга чиқмаган орзуларида у ўзини бека деб тасаввур қилган саховатли, меҳмондўст уй мана қандай интиҳо топибди. Бу ерда у рақс тушган, йигит-

ларнинг бошини айлантирган, тушлик қилган, шу ерда рашк ўтида қоврилиб, юрак-бағри тилка-пора бўлиб, ўзига табассум ҳадя этаётган Меланига Эшли қандай қараганини кузатган эди. Худди шу ерда, эман дарахтининг салқин соясида, Скарлетт унга хотин бўлишга розилигини айтганида, бахтдан ўзини йўқотиб қўйган Чарлз Гамильтон унинг қўлларини қисганди.

"О, Эшли! – хаёлидан яшиндай ўтди, – ҳаётдан кўз юмганингиз балки яхшиликкадир! Бир кун келиб буларни кўришингизни ўйлашнинг ўзи даҳшат."

Эшли бу ерга ўзининг ёш хотинини олиб келди, аммо энди на унинг ўғли, на унинг набираси бу уйга ўзининг келинчагини олиб киролмайди. Энди бу уйда дабдабали тўйлар бўлмайди, унга қадрли бўлган, уни бошқаришни ўзи жуда-жуда орзу қилган бу хонадонда энди аёллар туғмайди. Уйдан култепа қолган; Скарлеттга Уилкснарнинг бутун авлоди мана шу култепалар остига кўмилгандай туюларди.

– Мен бу ҳақда ҳозир ўйламайман. Ҳозир бунга бардош беролмайман. Кейинроқ ўйлаб кўраман, – қаттиқ овоз чиқариб гапирди у кўзларини четга олиб қочиб.

У култепани айланиб ўтиб, опа-сингил Уилкслар шу қадар ғамхўрлик билан парвариш қилган, энди эса пайҳон бўлиб ётган атиргуллар ёнидан полиз томон юрди. Орқа ҳовлидаги ёниб кетган омборлар, дудхона ва паррандахонадан ўтди. Полизни ўраб олган ёғоч тўсиқ энди йўқ, батартиб яшил жўяклар худди Тарадаги сингари яксон қилинган. Юмшоқ, майин тупроқ туёқлар ва замбарақларнинг ғилдираклари остида эзғилаб ташланган, экинлар тупроққа қоришиб ётарди. Бу ердан бир нима топиш амри маҳол эди.

У орқага қайтди ва бу гал жимжит кулбаларга олиб борадиган сўқмоқни танлади ва ора-сира йўл-йўлакай баланд овоз билан:

– Хэлло! – дея қичқириб борди.

Аммо ҳеч ким жавоб бермади. Ҳатто унга жавобан итнинг ҳургани ҳам эшитилмади. Афтидан, Уилксларнинг негрлари тўрт томонга қочган ёки янкилар билан бирга кетганди. Скарлетт ҳар бир негрнинг кичик экинзори борлигини биларди, шу боис уруш ҳеч қуриса шу бир парча ғариб ерларни аягандир, деган умидда ўша томонга қараб юрди.

Унинг излашлари бесамар кетмади, бироқ шу қадар эзғиланиб кетгандики, сувсизликдан шалпайган, сўлиган, лекин шунда ҳам жўякларда кўкариб турган шолғом ва карамларни, сарғайган, бироқ ҳали овқатга солишга ярайдиган ловия ва нўхатларни кўрганида қувонмади. У жўяклар орасига ўтирди ва титраётган қўллари билан сабзавотларни кавлаб олишга киришди, оз-оздан унинг савати тўла бошлади. Бугун уйида яхши овқат пиширилади, бир парча гўшти бўлмаса ҳам. Қолаверса, Дилси жинчироқларга соладиган чўчқа мойидан қайла ўрнида озгина ишлатса ҳам бўлади. Бир боғлам мойли қарағай шохчаларини ёқиб, чўчқа мойини овқатга ишлатган маъқул эканини Дилсига айтиб қўйишни унутмаслиги керак.

Кулбалардан бирининг эшиги олдида у кичикроқ шолғомча жўягига дуч келди ва бирдан қаттиқ очиққанини ҳис қилди. Шолғомчанинг ширали аччиқ таъми хаёлига келганида ошқозони ниҳоятда суст кетди. Шолғомчани этаги билан нари-бери артиб, ярмини тишлаб олди ва деярли чайнамай ютиб юборди. Шолғомча қари, қаттиқ ва шу қадар аччиқ эдики, Скарлеттнинг кўзларидан ёш чиқиб кетди. Аммо бу ҳазм бўлиши қийин бўлакча ошқозонга тушган заҳоти, ошқозонда ғалаён бошланди. Скарлетт бўшашиб, юмшоқ жўякка юзтубан йиқилди ва қайт қилгиси келди.

Негрлар кулбасининг ичидан унқиган кучсиз ис димоғига урилиб, кўнгил айнишини кучайтирди, у эса ҳатто ҳидни қайтаришга ҳам уринмади, ҳамма нарса – кулба ҳам, дарахтлар ҳам – кўз ўнгида ғирillаб айлана бошлагунича беҳол ўқчийверди.

У алламаҳалгача бир аҳволда бўшашиб, юмшоқ болишга буркагандай тупроққа юзини босиб ётди, хаёли эса жойида эмасди. Мана у, Скарлет О'Хара, бировнинг харобага айланган мулкида, негрлар кулбасининг орқа тарафида ётибди, оламда бирор тирик жон буни билмайди ва ҳеч кимнинг у билан иши йўқ. Мабодо кимдир билган тақдирда ҳам унинг ҳеч кимга кераги йўқ, чунки ҳамманинг ташвиши бошидан ошиб ётибди, уники эса ортиқча. Тағин бу воқеа унинг, ҳеч қачон эгилиб туфлисининг боғичини ўзи боғламаган ёки отиб юборган пайпоқларини энгашиб ердан олмаган Скарлетт О'Харанинг, инжиқликларига ҳамма кўниккан, ҳамма кўнглига қараган, ҳамма хушомад қилиб кўнглини овлаган ўша Скарлетт О'Харанинг бошидан ўтяпти.

У хаёлидан на хотираларни, на ўзига тўрт томондан ўлим ҳидини сезиб қолган қузғунлардек ёпирилиб келаётган ташвишларни қувиб юборишга куч тополмай, юз тубан ётарди. Энди унинг ҳатто ўзига ўзи: "Ҳозир на онам, на отам, на Эшли, на бу вайронкорлик ҳақида ўйламайман... Кейин, қачон қурбим етса, ўшанда ўйлайман", дейишга ҳам мадори етмасди. Ҳозир бу ҳақда ўйлашга қурби етмас, аммо ўйламасликнинг ҳам иложини қилолмасди. Ўй-хаёллар худди йиртқич қушлар каби миясида чарх урар, тирноқларини ботирар, тумшуқларини санчарди. У тупроққа юзларини босиб, қуёшнинг аёвсиз оташида куйиб, ҳаётдан кўз юмганлар ҳақида ва мангуга йўқотилган ҳаёт ҳақида эслаб ва қоронғу келажакка қараб қилт этмай ётаркан, бутун бир давр ўтиб кетгандай туюларди.

Ниҳоят у ўрнидан туриб, Ўн икки Эман харобаларига сўнгги бор назар ташлаганида боши баланд кўтарилган, аммо юзида нимадир сезилар-сезилмас ўзгарган – гўё ёшлигининг, чиройининг, сарф этилмаган нафосатининг қандайдир бўлаги ҳам чеҳрасини мангуга тарк этганди. Ўтмишни қайтариб бўлмайди. Марҳумларни эса тирилтириб. Беғам, беташвиш, фарахбахш кунлар ортда қолди. Оғир саватни қўлига оларкан, Скарлетт хаёлан ўз қисматини ҳам қўлига олди! Қарор қабул қилинганди. Орқага йўл йўқ, шу боис у олға юради. Эҳтимол, ўн беш йил ўтар, Жануб аёллари эса кўзларида бир умрга қотиб қолган ранжу алам билан, жабру жафолар ва қашшоқлик заҳматига мағрурлик билан, ўз шаънларига муносиб тарзда бардош бериш учун йўқликка юз тутган замонлар, дорулбақога кетган эркакларни хотираларида тирилтириб, юраги тубидан бесамар ва аччиқ хотираларни кўтариб, орқаларига қарай-қарай юрадилар. Аммо Скарлетт орқага қарамайди.

У қоп-қора кўмирга айланган пойдеворга қаради ва сўнгги марта қўрғонча биноси унинг кўз ўнгида ҳашаматли, пурвиқор қаср, аслзодалик ва аслзодаларга хос ҳаёт тарзининг тимсоли сифатида намоён бўлди. У тескари ўгирилди ва Тарага борадиган йўлдан юриб кетди; оғир сават қўлларини пастга тортарди. Очлик яна унинг бўм-бўш ошқозонига азоб бера бошлади ва у баланд овозда деди;

– Худо шоҳид, худо шоҳид, янкилар мени синдиририб бўпти. Ҳамма қийинчиликларни енгиб ўтаман, энди ҳеч қачон оч қолмайман. На мен, на яқинларим. Худо шоҳид, ўғирлик қилсам қиламан, ўлдирсам ўлдираман, аммо оч қолмайман.

Кунлар ўтар, Тара эса тобора Робинзон Крузонинг кимсасиз оролига ўхшаб борар – бу ерда шу қадар жимжитлик ҳукм сурардики, қўрғонча бутун дунёдан ажралиб қолгандай эди. Дунё эса бир неча

миля нарида, лекин шу қадар узоқ эдики, худди суронли океан тўлқинлари минглаб миляга бу оролни Жонсборо ва Фейетвиллдан, Лавжой ва ҳатто қўшни плантациялардан ажратиб тургандек эди. Қари от ўлиб қолгандан кейин атрофдаги олам билан хабарлашиш воситаси ҳам йўқолди, қизил тупроқли йўлни босиб ўтиш учун бирор кимсада на куч, на вақт бор эди. Гоҳида бир парча нон топиш учун машаққатли меҳнат айни қизиган, уч бемор тинмай парвариш қилинаётган, қаттиқ тушкунликка тушган дақиқаларида Скарлетт ҳайрат билан ўзи ўрганиб қолган товушларни, негр болаларнинг ўткир кулгиларини, даладан қайтаётган араваларнинг ғичир-ғичирини, Жералднинг яйлов орқали елиб келаётган отининг кишнашини, кириш хиёбонидаги шағалнинг ғилдираклар остида шиқирлашини ва оқшомни бирга ўтказиб, янгиликлардан бир-бирларини хабардор қилиш учун келган қўшниларнинг қувноқ овозларини эшитиш умидида беихтиёр қулоқларини динг қилаётганини пайқаб қоларди. Аммо ўз-ўзидан аёнки, у нечоғлик зўр бериб қулоқ тутмасин, бари бекор эди. Йўл кимсасиз, жимгина чўзилиб ётарди: қизил тупроқ тўзони меҳмон келаётганидан хабар бериб бирор мартаям ҳавога кўтарилмади. Тара ўркачсимон тепаликлар, ҳайдалган қизил тупроқли далалар орасидаги орол эди.

Қаердадир ўзга бир олам ва ўзга одамлар бор эди; уларнинг егуликлари ва бошлари устида мустаҳкам бошпаналари бор эди. Қаерлардадир қизлар уч маротаба қайта бичиб-тикилган кўйлакларда беғам-беташвиш ноз-карашма билан гап сотишарди, ўзи яқинда куйлаганидай "Зафар қучган онларимизда"ни куйлашарди. Қаерлардадир бу уруш давом этар, тўплар гумбурлар, шаҳарлар ёнар, одамлар қорасон бўлган таналарининг кўнгилни айнитувчи ҳиди сингиб кетган госпиталларда жон берардилар.

Ялангоёқ аскарлар эса қўлбола кир-чир кийимларда ҳарбийчасига қадам ташлашар, жанг қилишар, юмалаб ётиб ухлашарди; ишончларини йўқотишган ва шу боисдан ҳам руҳлари тушиб кетган эди. Яна қаерлардадир Жоржиянинг ям-яшил қир-адирлари маккажўхори билан боқилган силлиқ отлар минган қорни тўқ янкиларнинг кўк мундирларидан кўк тусга кирганди.

Тара ташқарисида бутун олам узала тушиб ястаниб ётар, уруш эса давом этарди. Бу ерда, плантацияда эса, бутун олам ҳам, уруш ҳам фақат тинка-мадори қуриб, ҳолдан тойган пайтларида мияни сиқадиган ва улар билан курашишга тўғри келадиган хотираларда сақланиб қолганди, холос. Аввалги ҳаёт нимадан таркиб топган бўлса, ҳаммаси бўш ёки ярим бўш ошқозонларнинг эҳтиёжи олдида чекинган ва барча ўй-фикрлар иккита оддий ва бир-бири билан узвий боғланган – егулик ва уни қандай топиш мумкин, деган тушунчаларга бориб тақаларди.

Егулик! Егулик! Нега юрак хотираси ошқозон хотирасидан заифроқ? Скарлетт ўзининг қайғу-ғамларини енгиши мумкин, аммо ошқозонини енголмасди ва ҳар куни эрталаб, ҳали уруш ва очлик ёдига тушмасидан олдин, уйғонаётиб, бироқ ҳали мудроқ ҳолида ғужанак бўлиб, ҳозир деразадан қовурилган тўшнинг, энди пишган юмшоқ кулчаларнинг ҳидини туйгандек ширин хаёл суриб жим қотарди. Ва ҳар куни эрталаб энди уйғонганида бор кучи билан ҳавони симириб, ҳозир унинг учун тайёрланаётган таомнинг ҳидини илғарди.

Тарада дастурхонга олма, ямс, ерёнғоқ ва сут қўйиларди. Лекин ҳатто ана шу оддий егуликлар ҳам ҳеч қачон етарлича бўлмасди. Бу егуликларга кунда уч марта кўзи тушган Скарлеттнинг хаёли беихтиёр ўтган кунларга, шамлар ёритиб турган столга, ундаги хушбўй овқатларга кетарди.

Ўша пайтларда улар овқатга нақадар бепарво қарашар, нақадар исрофгарчиликка йўл қўйишарди-я! Ширин кулчалар, маккажўхори оладьяси, зоғора нонлар, бисквитлар, вафлилар, куйдирилган сариёғлар – буларнинг бари фақат нонуштага тортиларди, холос. Кейин эса столнинг бир четида ветчина – қайлали чўчқа гўшти солинган идиш, бир четида қовурилган жўжа солинган идиш турарди ва шу заҳотиёқ кўвачада димланган, мўл-кўл қайла қуйилган мулойим карам димламаси, тиниқ гулдор идишда ловия, қовоқ қовурдоқ, бамия димламаси, қуюқ, пичоқда кесса бўладиган қаймоқли сабзи, яна ҳар ким таъбига қараб танлаши учун уч хил десерт: шоколадли қатқат пирог, ёнғоқли дирилдоқ ёки қаймоқли торт. Бу ноз-неъматларни эслаганида унинг уруш ва ажални кўраверіб қотиб қолган кўзларида ёш халқаланар, очликдан қулдираётган бўм-бўш ошқозонидан томоғигача беҳузур бўларди. Зеро, Моможоннинг доимий куйиб-пишиб юришлари сабабчиси бўлган иштаҳа – соғлом, ўн тўққиз ёшли жувоннинг иштаҳаси ўзи мутлақо кўникмаган оғир ва тинимсиз меҳнат туфайли тўрт карра кучайди.

Аммо Скарлеттга нафақат ўзининг иштаҳаси азоб берарди: унга ҳар томондан оқ ва қора оч қиёфалар қараб турарди. Тез орада Кэррин ва Сьюлин ҳам тифдан тузалаётган бошқа беморлар сингари қаттиқ очликни ҳис қила бошлайдилар. Кичкинтой Уэйд ҳам аллақачон зорлана бошлаганди.

– Ямс ейишни истамайман! Овқат егим келяпти!

Ҳа, бошқалар ҳам тез-тез ўзининг борлигини билдира бошлади.

– Мисс Скарлетт, агар бирор нарса еб олмасам, менда кичкинтойлар учун сут бўлмайди.

– Мисс Скарлетт, мен бўш қорин билан ўтин ёролмайман!

– Қушчам менинг, овқатсиз энди оёғимни ҳам кўтариб босолмайман.

– Қизалоғим, наҳотки бизда ейиш учун ямсдан бўлак ҳеч нарса бўлмаса?

Гарчи кундан-кунга озиб, ранг-рўйи сарғайиб бораётган, ҳатто уйқуда ҳам юзи оғриқ азобидан бужмайиб кетаётган эса-да, ёлғиз Меланигина шикоят қилмасди.

– Мен ҳечам оч эмасман. Менга берадиган сутни Дилсига бер. Бу чақалоқлар учун заруррок. Ахир, беморлар ҳеч қачон очиқмайди.

Айниқса, унинг бу беозор саботи бошқаларнинг жонга тегадиган ҳиқиллашидан кўра Скарлеттнинг кўпроқ жаҳлини чиқарарди. Уларга бақириши мумкин эди – шундай қиларди ҳам – аммо Меланининг сабр-бардоши уни лол қолдирар ва шу боисдан ҳам жаҳлини чиқарарди. Жералд ҳам, негрлар ҳам, Уэйд ҳам Меланига талпинишар, чунки у, касал ва заиф бўлса ҳам, доимо меҳрибон ва раҳмдил эди, Скарлеттда эса айни пайтда бу хислатларнинг на униси, на буниси бор эди.

Айниқса, Уэйд – у Меланининг хонасидан ҳечам чиқмасди. Уэйд билан қандайдир нохушлик юз бераётганга ўхшар, лекин бу нима – уни аниқлашга ҳозир Скарлеттнинг вақти йўқ эди. Моможоннинг болада гижжа бўлса керак, деган гапларига ишониб, Эллин доим негр болаларни даволаган қуруқ ўт ва пўстлоқ қайнатмасини унга зўрлаб ичирарди. Аммо бу гижжа ҳайдовчи дори таъсирида Уэйднинг ранги баттар бўзарарди. Ўша кунларда Скарлетт уни кичкина бир бола сифатида эмас, яна битта юк, тўйдириш лозим бўлган яна битта оғиз деб тушунарди! Кейинчалик бир кун келиб барча кулфатлар ортда қолганида, Скарлетт Уэйд билан ўйнайди, унга эртаклар айтиб беради, алифбони ўргатади, бироқ ҳозирча унда на вақт бор, на хоҳиш! У қаттиқ чарчаган ёки ташвишга ботганида Уэйд доим оёғи остида ўралашаётгандай туюлгани боис тез-тез унга қўпол муносабатда бўларди.

Унинг дағдағаларидан Уэйднинг олайган кўзларида қўрқув ифодаси пайдо бўлар, бу унинг асабига тегар, зеро, зиғирдек қўрқув Уэйдни ақли заиф болага ўхшатиб қўярди. У мана шу митти хилқат доимий босинқираш, алоғ-чалоғ тушлар ичида яшаётганини, уларни ҳатто катта одамнинг мияси ҳам охиригача англаб етолмаслигини тушунмасди. Қўрқув Уэйднинг вужудига чуқур ўрнашиб олган, унинг қалбига азоб берар ва кечалари қўрққанидан қичқириб юборишга мажбур қиларди. Уэйд ҳар бир кескин айтилган сўздан ёки кутилмаган шовқиндан қалтирай бошлар, тасаввурида буларни "янки" сўзидан ажратиб бўлмас, янкилардан у Присси уни қўрқитадиган арвоҳлардан кўра кўпроқ қўрқарди.

Қамалнинг илк кунларигача, тўпларнинг биринчи залпигача Уэйднинг ҳаёти тинч, осуда, бахтиёр кечарди. Онаси унга кўп эътибор қаратмаган бўлса-да, уни тўсатдан уйғотиб, каравотдан кўтариб олиб чиқишганда ва у осмоннинг ёнаётганини кўрган ва ҳавони титратган портлашни эшитган ўша оқшомгача у фақат меҳрли ва мулойим сўзларни эшитарди. Ўша кечаси ва эртаси куни у биринчи марта онасининг тарсакиси зарбини ҳис қилди ва биринчи марта онасидан кўпол сўз эшитди. Шафтолизор кўчасидаги шинам ғиштин уйда кечган ҳаёти – бундан ўзгача ҳаёт унга маълум эмасди – ўша оқшом бир умрга узилиб қолган ва бу йўқотишдан у ўзига келиши даргумон эди. Атлантадан қочаётган пайтларида у фақат бир нарсани тушунди – ортидан янкилар қувиб келяпти – янкилар уни топиб олади ва бурдалаб ташлайди, деган қўрқув юрагида мустаҳкам ин қуриб олди. Ва ҳар гал Скарлетт унга танбеҳ бераётиб овозини кўтарса у қўрқувдан жунжикиб кетар, чунки болаларча ғўр тасаввурида дарҳол илк марта ойисининг кўпол дўқ-пўписасини эшитган ўша даҳшатли оқшом манзаралари гавдаланарди. Энди она-

сининг жаҳлдор овози ҳам унинг учун абадул-абад қўрқинчли "янки" сўзи билан боғланиб қолган, шу сабабдан у онасидан қўрқа бошлаганди.

Бола ундан ўзини олиб қоча бошлаганини Скарлетт сезмаслиги мумкин эмасди ва у адоқсиз юмушлардан бир нафас бўшаб бу ҳақда ўйлаш учун имкон топганида ўғлининг феъл-атвори унинг қалбида афсус ва алам ҳиссини уйғотарди. Бу ҳолат Уэйднинг ҳатто аввалларидан ҳар доим унинг этагига ёпишиб юрганидан кўра ёмон эди. Уэйд Мелани таклиф қилган ҳар қанақа ўйинни дарров тинчгина ўйнай бошлар ёки унинг ҳикояларига қулоқ тутарди, Меланининг тўшагида ўзига паноҳ излар, бу эса Скарлеттнинг нафсониятига тегарди. Уэйд овози доим майин, доим жилмайиб турадиган ва ҳеч қачон "Жим бўл! Сенинг дастингдан бошим ёрилиб кетай деяпти!" ёки "Худо ҳақи, оёқ остида ўралашма!" демайдиган аммасини жон-дилидан яхши кўрарди.

Унинг кўнглига қарашга Скарлеттнинг на вақти, на хоҳиши бор эди, аммо бу ишни Мелани қилганида унинг рашки келарди. Бир куни Уэйднинг Меланининг тўшаги устида умбалоқ ошаётгани ва тўғри унинг устига тушаётганини кўриб, Скарлетт жаҳл билан унинг гарданига бир туширди.

– Сен нима қиляпсан, эсинг оғиб қолганми? Аммангнинг устига сакраш мумкинми, ахир, билаасан-ку, амманг касал! Ҳозироқ ҳовлига чиқ, ўша ерда ўйна, иккинчи марта сени бу ерда кўрмайин!

Лекин Мелани хивичдай ингичка қўли билан йиғлаётган болани бағрига тортди.

– Бўлди, бўлди, Уэйд. Сен менинг устимга сакрамоқчи эмасдинг-ку, тўғрими? У менга ҳечам халақит бераётгани йўқ, Скарлетт. Унга мен билан ўтиришига рухсат бер. Тузалгунимча қўлимдан келадиган иш фақат шу бўлса, усиз ҳам сенинг ташвишинг етарли.

– Аҳмоқлик қилма, Мелли, – деди рўйхуш бермай Скарлетт. – Шусиз ҳам тузалишинг жуда қийин кечяпти, агар Уэйд қорнингга сакрайдиган бўлса, бундан аҳволинг яхши бўлмайди. Агар сени яна бир марта аммангнинг тўшаги устида кўрсам, Уэйд, яхшилаб адабингни бериб қўяман. Бурнингни тортишни ҳам бас қил. Нуқул бурнингни тортасан. Ўғил бола бўлишга ҳаракат қил.

Уэйд ўпкаси тўлиб югуриб кетди ва уй ортига беркинди. Мелани лабини тишлади, унинг ҳам кўзларида ёш ғилтиллади, бу манзарани кузатиб турган Моможон қовоғини уйди ва тез-тез нафас ола бошлади. Аммо шу кунларда ҳеч ким Скарлеттнинг гапини икки қилишга ботинолмасди. Ҳамма унинг аччиқ тилидан ва гўё ичига кириб олган ёвуз руҳдан қўрқарди.

Скарлетт ҳозир ер-мулкни танҳо ўзи бошқарар, аксар ҳолларда бўлганидек, тўсатдан бундай ҳокимиятнинг теккани ичида мудраб ётган туғма ярамас хислатларнинг юзага чиқишига имкон туғдирган эди. Табиатан баджаҳл бўлмаган Скарлетт шунинг баробарида ниҳоятда қўрқиб қолган ва ўзига шу қадар ишонмасдики, натижада ўзининг нотавону ношудлиги билиниб қолмаслигидан ва обрўсизланиб қолишидан чўчиб, қўполлашиб борарди. Қолаверса, ўшқирганида қўрқаётганларини кўриш баъзан унга ёқарди ҳам. Бу ҳаддан ташқари толиққан асабларига енгиллик берарди. Гоҳида унинг ўзи ҳам феъл-атвори ўзгариб бораётганини сезарди. Гоҳида унинг қаршилик кўрсатишга йўл қўймайдиган бирор-бир буйруғидан кейин Поркнинг лаблари алам-дан чўччаяётганини кўриб ёки Моможоннинг ўзича: "Баъзи бировлар ўзларига бунча бино қўйишмаса....", дея тўнғиллаётганини эшитиб ўзидан-ўзи ҳайрон қоларди: унинг яхши хулқ-атвори ва боадаблиги қаерда қолди? Эллин доимо унга сингдиришга ҳаракат

қилган майинлик, назокат – ҳаммаси ҳавога учиб кетди, кузнинг илк совуқ шамоли шохлардаги баргларни учириб кетгандай йўқ бўлди.

Эллин унга тез-тез: "Қаттиққўл бўл, лекин сенга хизмат қилаётганларга, айниқса негрларга доим хушмуомала бўл", деб айтиб турарди. Аммо уларга хушмуомала бўлса улар кун бўйи ошхонада уй хизматкорлари далага ишлашга юборилмаган дориломон замонларни эслаб ўтираверишади.

"Сингилларингни яхши кўр, уларни авайла. Дардманд ва мотамсароларга меҳрибон бўл, – дерди Эллин. – Бошига кулфат тушган одамларга ёрдам бер".

Лекин ҳозир у сингилларини яхши кўролмасди. Ҳозир улар бўйнида оғир юк бўлиб осилиб туришибди. Уларга ғамхўрлик қилмаяптими, ахир, уларни чўмилтирмаяптими, сочларини тараб қўймаяптими? Гарчи ҳар куни бир ҳовуч сабзавот топиб келиш учун пиёда неча мил йўл юришига тўғри келса-да, уларни боқмаяптими? Ахир, бу шохдор махлуқ ҳар гал унга таҳдид қилиб бошини сермаганида, юраги товонига тушиб кетса ҳам, сигир соғишни ўрганмадими? Сингилларига меҳр кўрсатишга уриниш – бу вақтни бекорга кетказиш дегани-ку, ахир. Агар уларга ҳаддан ташқари ғамхўрлик қилса, улар тезроқ оёққа туриб, унинг хўжалигига яна икки жуфт ишчи қўл зарур бўлиб турган бир пайтда, эҳтимол, яна узоқ вақт тўшакда чўзилиб ётишар.

Улар секинлик билан соғайишар ва ҳали-ҳануз тўшакда ётишарди – ниҳоятда заиф ва озиб-тўзиб кетган. Ҳали беҳуш ётганларида, улар атрофидаги олам таниб бўлмас даражада ўзгариб кетди. Янкилар келди, негрлар қочиб кетди, оналари вафот этди. Бунга уларнинг ишониши қийин, идроки бу уч ҳақиқатни қабул қилмасди. Баъзан уларга ҳеч қандай воқеа содир бўлмагандек, шунчаки ўзлари алаҳсираётгандек туюларди. Скарлетт каравот суянчиғига тирсагини

қўйиб, соғайишлари ҳамоно уларга қандай ишларни топширмоқчи эканини тушунтира бошлаганида сингиллари унга ёвуз махлуққа қарагандек қарашди. Плантацияда бу ишни бажариб юрган юз чоғли қул энди йўқлиги уларнинг ақлига сиғмасди. О'Харалар оиласининг аслзода қизлари оғир жисмоний меҳнат билан шуғулланиши кераклигини тасаввур ҳам қилишолмасди.

– Лекин, опажон, азизам, – ғўлдиради бир куни Керрин болаларча беозор юзи қўрқувдан оппоқ оқариб, – ахир, мен тараша ёролмайман-ку! Қўлларим нима бўлади!

– Сен менинг қўлларимга қара, – деди Скарлетт қаҳрли жилмайиб ва ўзининг дағал, қаварган, қадоқ қўлларини синглисининг кўзларига яқин келтирди.

– Менингча, кичкина қизча билан бундай оҳангда гаплашиш яхши эмас, мен билан ҳам, – қичқирди Сьюлин. – Менимча, сен алдаяпсан, атайлаб бизни қўрқитмоқчи бўляпсан. Сени ойим эшитганида эди! У биз билан бундай гаплашишингга йўл қўймасди! Тарашани майдала дейсанми, шу етмай турувди!

Бу гапларни Скарлетт уларнинг жаҳлини чиқариш учунгина гапираётганига шубҳа қилмаган Сьюлин опасига олайиб қаради. Сьюлин яқиндагина ўлим ёқасидан қайтган ва онасидан айрилганди. У ўзини ниҳоятда ёлғиз ҳис қилар, жуда қўрқар, ўзини аяшларини, эркалашларини, суйишларини истарди. Бунинг ўрнига эса Скарлетт ҳар куни каравотнинг оёғида туриб олиб, бир оз қийиқ зангори кўзларини алланечук хунук ялтиратиб, сингиллари соғая бошлаганини айтар ва уларнинг мажбуриятларини санашга тушарди: ўрин солиш, нон-ош пишириш, қудуқдан сув ташиш, тараша майдалаш. Бу оғир юмушларни уларга айтиш ҳатто унга ҳузур бағишлайди, деб ўйлаш мумкин эди.

Скарлетт эса чинданам бундан ҳузур туярди. У негрларни қўрқитиб, итоатда сақлаётгани, сингилларига зулм ўтказаётганининг боиси нафақат асаби зўриққани, чарчоқ ва ташвишлар қалбида одоб ва иззат-ҳурматга жой қолдирмаганида эмас, балки шу йўл билан у юрагида чўкиб ётган аламларини бошқалардан оларди. Ахир, онаси унга уқдирган ҳаёт ҳақидаги жамики тушунчалар ёлғон бўлиб чиқди-да.

Эллин унга ўргатган нарсалар ҳозир буткул яроқсиз бўлиб қолди, шу боисдан ҳам Скарлеттнинг дили оғриди, иззат-нафси таҳқирланди. Ўзи яшаган ва қизларини вояга етказган дунёнинг ҳалокатга юз тутишини Эллин олдиндан кўра билиши, ўзи уларни моҳирлик билан тайёрлаган жамиятдаги аввалги мавқелари энди бўлмаслигини олдиндан сезиши мумкин эмаслиги унинг хаёлига ҳам келмасди. Унга меҳрибон, майин, кўнгилчан, ҳалол, ҳақиқатгўй ва камтар бўлишни ўргатаётиб, Эллин олдинда ҳар жиҳатдан ўзининг бир маромда кечаётган ҳаётига ўхшаш тинч, осуда, олатасир воқеаларга бегона йиллар силсиласини кўрганини Скарлетт тушунмасди. Бу тартиб-қоидаларга амал қилиб яшайдиган аёлларни тақдир мукофотлайди, дерди Эллин.

Умидсизлик гирдобида қолган Скарлетт ўйларди: "У менга ўргатган ҳамма, ҳамма нарса энди менга ҳеч қандай, ҳа, ҳеч қандай ёрдам беролмайди! Меҳрибон бўлишдан менга нима наф? Менинг мулойим, кўнгилчан бўлишим менга нима беради? Агар у мени ер ҳайдаш ёки пахта теришга ўргатганида эди, фойдаси кўпроқ бўларди. Оҳ, ойижон, сиз нотўғри тарбия бергансиз!".

У Эллин тартибга солган дунёнинг барбод бўлганини, қўпол қоидалари, бошқача ўлчов ва қадриятларига эга ўзгача дунё томонидан сиқиб чиқарилганини тушунмасди. У фақат – унга шундай туюларди – онаси ҳақ эмаслигини кўриб турар ва жисму

жонида ўзи ҳали тайёр бўлмаган янги ҳаётни шай туриб қарши олиш учун ҳаётий зарур ўзгаришлар жадал рўй бераётганди.

Фақат Тарага бўлган меҳргина ўзгармади. Ҳар гал у плантациядан чарчаб уйга қайтганида ва қаршисида унча баланд бўлмаган оқ уй пайдо бўлганида, туғилиб-ўсган уйига яқинлашаётганида юраги меҳр-муҳаббат ва шодликка тўларди. Ҳар гал дераза-дан қараб, яшил яйловларни, қизил тупроқли шудгорни, маҳобатли, ингичка танали бокира ўрмонни кўрганида бу ернинг гўзаллигидан энтикиб кетарди. Фақат мана шу қалбининг бир парчасига, фақат мана шу юмшоқ тепаликлари маржондек тизилиб ётган ота юртга – гоҳ қондек алвонранг, гоҳ қуюқ-жигарранг, гоҳ хира-ғиштранг, гоҳ симоб минералидек қизил рангда товланиб, йилдан-йилга чинакам мўъжиза – ям-яшил пояларда кўпчиб ётган оппоқ чаноқларни яратувчи ҳосилдор заминга бўлган муҳаббат – фақат ана шу муҳаббат ўзгармади. Ахир, сайёранинг бирор-бир пучмоғида бундай ер йўқ эди-да.

Ана шунда у нима сабабдан урушлар рўй беришини тушуна бошлагандек бўлди. Ретт ноҳақ эди – одамлар пул учун уруш қилади, деган гап нотўғри. Йўқ, улар омоч билан ишлов берган мана шу қирадирлар учун, ўроқ тушган яшил ўтлоқлар, оҳиста оқаётган сариқ сувли дарёлар ҳамда магнолиялар соясидаги салқин оқ уйлар учун урушадилар. Айнан шунинг учун курашса арзийди – ўзларига тегишли ва ўғилларига мерос қоладиган қизил тупроқли ер учун, уларнинг фарзандлари ва набиралари учун пахта ҳосили етказиб берадиган қизил тупроқли ер учун.

Таранинг топтаб ташланган ери – Эллин вафот этганидан кейин, Эшли вафот этганидан кейин, Жералд эса зарбаларга бардош беролмай гўдакка айла-

ниб қолганидан кейин унинг қўлида қолган бор-йўқ нарса шу эди, пуллар ҳам, негрлар ҳам, жамиятдаги мавқе ҳам, келажакка ишонч ҳам – ҳаммаси бир кечада ғойиб бўлди. У отаси билан суҳбатни худди бошқа бир оламда содир бўлган ғалати воқеадек эслади ва отасининг: ер – дунёда курашишга арзийдиган ягона нарса, деган гапининг маъносини тушунишга ёшлик ва ғўрлик қилгани ўзига ғалати туюларди.

"Чунки ер – мангу қоладиган ягона нарса... ва томирларида бир томчи бўлса-да ирланд қони оқиб турган киши учун ер – онадек азиз ва қадрли. Бу унинг учун меҳнат қилиш, курашиш ва жон фидо қилишга арзийдиган ягона нарса."

Ҳа, Тара учун курашса арзирди ва у шунчаки, ҳеч иккиланмай, бу курашга қўшилиб кетди. У ҳеч кимга ҳеч қачон ундан Тарани олиб қўйишларига йўл қўймайди. Ҳеч ким уни ва яқинларини бу ёруғ оламда саргардон бўлиб юришга ва қариндошлариникидан марҳамат кутиб яшашга мажбур қила олмайди. Ҳатто ўзини ва бу ерда истиқомат қилаётганларни ишга солиб тинка-мадорини қуритса қуритадики, бироқ бу ер-мулкни қўлдан чиқармайди.

XXVI боб

Мана, икки ҳафтадирки, Скарлетт уйида яшар, оёғидаги йўлда орттирилган қавариқларнинг энг каттаси йиринглаб, оёғи шишиб кетган, бошмоқ кийишнинг иложи йўқ, у эса фақат товонини босиб, зўрға судралиб юрарди. Йирингли яранинг кўринишидан уни ваҳима босарди. Яродорларникига ўхшаб унда ҳам қорасон бошланса нима бўлади? Бу ерда доктор йўқ, у ўлиб қолади. Ҳозир унинг тирикчилиги осон кечмаяпти, лекин асло ҳаётдан кетиш нияти йўқ эди. Агар у ўлса, ким ҳам Тара учун қайғуради?

Биринчи кунлар у Жералд ўзига келади ва бошқарувни қўлига олади, деб умид қиларди, бироқ икки ҳафта ўтди ва у умиди амалга ошмаслигини тушунди. Энди унга кундай равшан – ер-мулк ва бу ерда яшаётганларнинг тақдири унинг тажрибасиз қўлларида, негаки Жералд ҳалиям илгаригидек дамдуз, ўзи билан ўзи овора, маънисиз боқишлари эса уни қўрқувга соларди. Скарлетт отасига маслаҳат сўраб мурожаат қилса, унинг жавоби ҳамиша бир хил:

– Нимани яхшироқ деб ҳисобласанг, шуни қил, қизгинам.

Баъзан бундан-да ёмонроқ жавоб оларди:

– Яхшиси, ойингдан сўрай қол, мушукчам.

Аста-секин Скарлетт отаси энди бир умрга шу аҳволда қолишини ва умрининг охиригача Эллиннинг пайдо бўлишини кутиб яшашини, бир умр унинг қадам товушлари эшитилармикан, деб қулоқ тутишини англаб етди, англадию вазминлик билан бу фикрга кўникди. Жералд қанақадир ўз дунёсида, ҳақиқий ҳаёт чегарасидаги вақт тўхтаб қолган дунёда яшар, унинг назарида Эллин доим қўшни хонада ўтирган бўларди. Эллиннинг ўлими уни одат ва қилиқларидан, ишга соладиган ҳаракатлантирувчи кучдан маҳрум қилганга ўхшар, у эса бир йўла ўзининг ҳавойи мақтанчоқлигини ҳам, ғайрат-шижоатини ҳам, тиниб-тинчимаслигию ҳаётга ташналигини ҳам йўқотганди. Эллин О'Хара унинг учун мисоли томоша зали эди, унинг кўз ўнгида у "Жералд О'Харанинг ҳаёти" номли мароқли спектаклни ижро этарди. Энди эса саҳнани ёритиб турадиган чироқлар ўчган, парда абадий туширилган, томоша зали тўсатдан қаёққадир йўқолган, кекса актёр эса бўм-бўш саҳнада навбатдаги луқмани беҳуда кутиб, яшин ургандек ёлғиз ўзи қолганди.

Ўша куни эрталаб уй жимжит эди, Скарлетт, тўшакдаги уч бемор ва Уэйддан ташқари ҳамма

ботқоқда тентираб юрган чўчқани излагани кетишганди. Ҳатто Жералд ҳам кутилмаганда қандайдир кўтаринки руҳда елкасига арқон ўрамини илиб, Поркнинг тирсагига суянганча ҳайдалган даладан юриб кетди. Сьюлин ва Кэррин йиғлаб-йиғлаб ухлаб қолишди; бундай ҳолат бир кунда ҳеч бўлмаганда икки-уч марта такрорланарди; улар Эллинни эслай бошлашар ва озғин юзларидан ночорлик ва алам ёшлари оқа бошларди. Шу куни биринчи марта ёнбошига ёстиқлар қўйиб, устига қирқямоқ чойшаб ёпиб ўринга ўтқазиб қўйилган Мелани бир қўли билан гўдагининг зиғир толасидек мулойим сариқсоч бошчасини, иккинчиси билан Дилсининг чақалоғининг жингалак сочли бошчасини меҳри товланиб тутиб турарди. Уэйд унинг оёғи учида ўтириб эртак эшитарди.

Уйда ҳукм сурган жимжитлик Скарлеттга Атлантадан қочган узундан-узоқ кун давомида ўзи юриб ўтган, харобазорга айлантирилган мамлакатнинг ваҳимали жимжитлигини эслатар ва чидаб бўлмас даражада азобларди. Қанийди ҳеч қуриса сигир ёки бузоқ маъраса – қаёқда, соатлаб жим туришарди. Дераза ортида қушларнинг чуғур-чуғури ҳам эшитилмас, ҳатто магнолиянинг шитирлаб турадиган шохларида узоқ йиллардан бери яшаб келаётган мазахчи қушларнинг сершовқин ва бесаранжом оиласи ҳам шу куни жим бўлиб қолди.

Скарлетт пастроқ оромкурсини ётоғининг ланг очиқ деразаси ёнига сурди ва кўйлагининг этагини тиззасигача кўтариб, тирсакларини дераза токчасига тираб, хиёбонга кириладиган йўлга, кўкаламзорга, йўлнинг нарёғидаги кимсасиз яйловга термилиб ўтирди. Оромкурси ёнида қудуқ суви солинган ёғоч пақир турар ва у дам-бадам оғриқдан бужмайиб, бармоғи яллиғланган оёғини пақирга тиқарди.

У шу зайлда иягини қўлига тираб ўтирарди. Айнан ҳозир, бор кучини йиғиши зарур бўлган бир пайтда бармоғи йиринглаб кетса-я! Ахир, бу ландовурлар қачон чўчқани ушлайди? Улар чўчқачаларниям бир ҳафта югуриб биттадан зўрға тутишади, чўчқа эса, мана, икки ҳафтадирки шаталоқ отиб юрибди. Агар ўзи улар билан ботқоқликка борса, этагини юқорироққа қистириб, қўлига арқонни олса бас, бу чўчқани бирпасда арқонлайди.

Хўп, чўчқа ушлаб олинганидан сўнг нима бўлади – ҳали тутиб олинса-да? Улар чўчқани ҳам, болаларини ҳам пишириб еб бўлишганидан кейин-чи? Ахир, ҳаёт давом этаверади-ку, бинобарин, егуликка эҳтиёж ҳам тугамайди. Қиш яқинлашяпти, қишда егулик топишнинг ҳам иложи қолмайди, қўшни полизлардаги озгина сабзавот ҳам охирлайди. Қуритилган ловия, ун, гуруч ғамлаб қўйиш лозим, ва... ва... Яна бир нималарни ғамлаш керак. Баҳорда экиш учун маккажўхори ва пахта уруғи, баъзи кийим-кечаклар зарур. Бунинг барини қаердан олади, қайси пулга олади?

У бекитиқча Жералднинг чўнтакларини кавлаб чиқди, ғаладонини кўрди, аммо бир боғлам давлат заёмлари ҳамда Конфедерациянинг уч минг доллар қоғоз пулидан бўлак ҳеч нарса тополмади. Бунга, эҳтимол, ҳаммамиз бир марта тўйиб овқатлансак керак, дея истеҳзо билан ўйлади у, ахир, бу пуллар энди деярли ҳеч нарсага арзимайди. Мабодо пули бўлиб, озиқ-овқат сотиб олишга қурби етган тақдирдаям уни Тарага қандай олиб келади? Нега худойим қари қирчанғининг ўлишига йўл қўйиб берди? Қани энди ўша Ретт ўғирлаган шўринг қурғур жонивор бўлганида – ҳамма иш ўрнига тушарди! Йўлнинг нарёғидаги яйловда ажойиб, териси силлиқ хачирлари қандай ўйноқлаб тепишиб юрарди-я! Аравага қўшиладиган отлар ва ўзининг кичкина байтали ҳам,

сингилларининг пониси ҳам, Жералднинг каттакон айғири ҳам қандай чиройли эди! У қандай от чоптирарди, отининг туёқлари остидаги тупроқ қандай сачрарди! Эҳ, қанийди бу ерга биттагина хачир келиб қолса – ўлгудек қайсар бўлса ҳам майлийди!

Майли, оёғи тузалса у Жонсборога пиёда боради. У ҳали ҳеч қачон бундай узоқ йўлга чиқмаган, лекин бу саёҳатни у албатта амалга оширади. Ҳатто янкилар шаҳарнинг буткул кулини кўкка совурган бўлса ҳам, у албатта бирор кимсани топиб, озиқ-овқат маҳсулотларини қаердан топишни сўраб билиб олади. Бирдан унинг кўз олдида Уэйднинг сўппайган бетчаси жонланди. У доим ямсни ёмон кўраман, дейди ва нуқул товуқнинг оёғи билан қайлали гуруч сўрайди.

Қуёшнинг ёрқин нурларига кўмилган боғ бирдан хиралашди ва кўз олди қоронғулашиб, дарахтлар жимирлаб кўрина бошлади. Скарлетт йиғлаб юбормаслик учун бошини қўллари устига ташлади. Энди йиғлагандан фойда йўқ. Ёнингда эркак киши бўлиб, ундан бирор нарса ундириш лозим бўлса, кўз ёшларининг нафи тегади. У ҳўнграб юбормасликка уриниб, кўзларини қаттиқ қисганча ғужанак бўлиб ўтирарди, шу аснода қулоғига туёқ товушлари чалинди. Лекин у бошини кўтармади. Қулоғига тез-тез шу товуш эшитилаётгандай туюларди, деярли ҳар кун, ҳар кеча – Эллиннинг кўйлаги қандай шитирлаётгандай туюлса, худди ўшандай... Ва ҳар доимгидек у ўзига ўзи хаёлан: "Аҳмоқ бўлма" – деб улгурмасидан юраги "гуп-гуп" ура бошлади.

Аммо туёқларнинг жадал дупурлаши секинлашди, елиб келаётган от аста-аста қадам ташлашга ўтди, бу ҳам, шағал тошнинг бир маромда ғичирлаши ҳам – бари айни ҳақиқат эди. Кимдир отда келди – балки Тарлтонлардан ёки Фонтейнлардан одам келгандир? Скарлетт бошини кўтариб қаради. Жанговар от устида янки ўтирарди.

Юз берган ҳодисани англаб улгурмаёқ у дарҳол парда ортига яширинган ва кутилмаган воқеа ва қўрқувдан дами ичига тушиб, худди эс-ҳушидан айрилгандек кўкимтир шоҳи бурмалар орасидан отлиққа қараб турарди.

Отлиқ эгарда беўхшов ўтирарди – олди ярим очиқ кўк мундирли, тўладан келган одам; юзи дағал, қора соқоли пала-партиш. Кичкина, бир-бирига яқин жойлашган кўзлари қуёшдан қисилиб, дағал кўк кеписининг соябони остидан уйни хотиржам кузатарди. У аста отдан тушиб, жиловни қозиққа боғлаганида Скарлетт ниҳоят нафас чиқарди – лекин қаттиқ ғижиниб, гўё кўкрак остига зарба егандек терслик билан нафас чиқарди. Янки! Ёнбошига каттакон тўппонча осиб олган янки. У эса уйда учта касал ва норасида гўдаклар билан ёлғиз ўзи қолган.

Янки бир қўлини тўппонча ғилофига қўйиб, кичкина кўзчалари билан ўнгу сўлига аланглаб, шошилмай одимларкан, Скарлеттнинг тасаввурида бетартиб манзаралар чарх ура бошлади: бўғизланган томоқлар, ҳимоясиз аёлларни таҳқирлаш (бу ҳақда Питти амма пичирлаб гапирганди), жон бераётган одамлари билан бирга кули кўкка совурилган уйлар, чирилламасликлари учун милтиқ найзасига санчилган болалар – "янки" сўзида мужассам таърифу тавсифга сиғмайдиган фожеалар.

Унинг илк хаёли қазноққа беркиниш, каравот тагига кириб олиш, яширин зинапоядан тушиб, ёрдам сўраб ботқоққа югуриш эди – ишқилиб, қочиб кетса бўлгани. Лекин шу пайт эҳтиёткорлик билан босилган қадамлар остида кириш эшигининг зиналари ғижирлади, кейин у аскарнинг сездирмай холлга кирганини эшитди ва қочиш йўли тўсиб қўйилганини тушунди. Қўрқувдан қотиб қолган Скарлетт унинг хонадан хонага ўтаётганига қулоқ солиб турди, аскар уй бўм-бўшлигига ишонгани сайин қадам

товушлари қаттиқроқ ва қатъийроқ чиқа бошлади. Мана, у емакхонага ўтди ва ҳозир, аниқки, ошхонага қараб юради.

Емакхона ҳақида ўйлаганида ғазабдан Скарлетт-нинг юрагига пичоқ санчилгандай бўлди ва қўрқув чекинди. У ерда, емакхонада очиқ ўчоқда иккита кўза турганди – биттасида қўрда пиширилган олмалар, иккинчисида Ўн икки Эман ва Макинтошлар полизидан не азоблар билан топиб келтирилган сабзавотлардан тайёрланган шўрва – тўққиз кишининг очлигини қондирадиган ва амалда икки кишига зўрға етадиган оби ёвғон бор эди. Скарлетт, мана, неча соатдан бери ботқоқликка кетганларни кутиб, очилиб кетган иштаҳасини тийиб ўтирганди ва янки озгина овқатимизни ҳам еб қўяди, деган фикрдан қаҳри келиб титрай бошлади.

Уларга лаънатлар бўлсин! Улар Тарага чигиртка-дек ёпирилиб, хонавайрон қилишди, одамларни аста-секин очликдан қирилиб кетишга маҳкум этишди, энди эса охирги увоқларни ҳам тортиб олиш учун қайтиб келишибди! Унинг бўм-бўш ошқозони очликдан тиришиб қолди.

"Худони ўртага қўйиб онт ичаманки, бу янки энди ҳеч нарсани ўғирлаёлмайди!".

У соғ оёғидаги титилиб кетган туфлисини ечиб ташлади ва оёқяланг, ярасининг оғриётганини ҳам сезмай иш столи ёнига борди. Юқори тортмани шовқинсиз тортиб очди ва у ердан Чарлзнинг Атлантадан келтирилган, ўзи бир марта ҳам отиб кўрмаган оғир тўппончасини олди. У девордаги қилич остига илинган чарм ўқдонни кавлаб ўқ олди ва қўли титрамай ўқни тўппончага жойлади. Кейин тезда худди шундай шовқинсиз сирғалиб холлни ўраб турган галереяга ўтди ва бир қўли билан зина панжарасидан ушлаб, иккинчи қўли билан тўппончани маҳкам

қисиб, этагининг бурмалари орасига яширганча зинадан пастга туша бошлади.

– Бу ерда ким бор? – Дағдағали қаттиқ манқа овоз эшитилди ва бу овозни босиб чаккасига қон ураётганини ҳис қилган Скарлетт зинанинг ўртасида тўхтаб қолди. – Тўхта, отаман!

Янки худди сакрашга тайёрланаётгандек писиб, емакхона эшигида пайдо бўлди: бир қўлида тўппонча, иккинчисида пушти ёғочдан ясалган тикиш-бичиш буюмлари – тилла ангишвона, тўрлаб ямаш учун корунд минералидан ясалган тилла қалпоқчали золдир ва ҳалқачаларига олтин суви югуртирилган қайчи солинган қутича бор эди. Қўрққанидан Скарлеттнинг оёқлари музлаб кетди, аммо юзи ғазабдан бужмайди. Эллиннинг қутичаси янкининг қўлида! Унинг қичқиргиси келди: "Қўй! Ҳозироқ уни жойига қўй, сен ифлос...", аммо тили унга бўйсунмади. У шунчаки янкига қараб турарди ва унинг башарасидаги безовта сергаклик яримсуллоҳ, яримшилқим илжайиш билан алмашинганини кўрди.

– Ахир, бу уйда кимдир борми, – деди у ва тўппончани ғилофга солиб, бўсағани ҳатлаб тўғри у томон юрди ва зинапоя остида тўхтади. – Нима, сен бу ерда ёлғиз ўзинг қолганмисан, миттивой?

Яшин тезлигида Скарлетт тўппонча тутган қўлини панжара устига узатиб, ҳайратдан қотиб қолган соқолли башарани нишонга олди ва аскар ғилофни очишга улгурмасидан тепкини босди. Тепки орқага урилганида у зарбдан ортга қараб гандираклади, ўқ овозидан қулоғи шанғиллаб кетди, порохнинг нордон тутунидан бурни ачишди. Аскар гурсиллаб юзтубан йиқилди, оғирлигидан пол ва мебель титраб кетди. Қутича унинг қўлидан тушди, ичидаги нарсалар ерга сочилди. Нима қилаётганини деярли англамаган Скарлетт зинадан чопиб тушди ва аскарнинг башарасидан қолган нарсага – мўйлов-

лари устида, бурнининг ўрнида ҳосил бўлган қизил ўйиққа, порох куйдирган нурсиз кўзларга қараб қотиб қолди. Икки тарам қон полда секин буралиб оқа бошлади: бири юзидан, иккинчиси боши остидан оқиб чиқарди.

Аскар ўлганди. Бунга шубҳа бўлиши мумкин эмас. Скарлетт одам ўлдирганди. Тутун секин шифтга кўтарилар, қизил ирмоқчалар оёғи остига ўрмаларди. Абадиятга тенг дақиқа ичида у қимир этмай туриб қолди, иссиқ ёз ҳавосида тарқалган жамики товушлар, ҳидлар бирдан қандайдир номувофиқлик касб этган ва гўё бир неча маротаба кучайганга ўхшарди: юрагининг тез-тез дукиллаб уриши, дераза орқасидаги магнолия дарахтининг қўпол ва бўғиқ шитирлаши, ботқоқ қушининг узоқ, ғамгин қичқириғи, гулларнинг боғ томондан уфураётган муаттар ҳиди.

У одам ўлдирди – у, доим, ҳатто овда ҳам, ҳайвонни қандай ўлдиришаётганини кўрмасликка уринадиган, пичоқ остидаги чўчқанинг чийиллашига ёки тузоқдаги қуённинг чирқиллашига чидаёлмайдиган Скарлетт одам ўлдирди. "Бу қотиллик, – гарангсиб ўйлади у. – Мен қотиллик қилдим. Йўқ, бу ишни мен қилганим йўқ." Унинг кўзи ерда чеварлик қутичасининг шундоқ ёнида ётган калта сержун қўлга тушди ва бирдан ҳаётга қайтиб, жуда катта куч билан қайта тирилди, хурсандлик, ёввойиларча бешафқат хурсандлик ҳисси уни қамраб олди. У ўйилган бурунниг қонталаш ўрнини босгиси, яланг оёғи билан илиқ қонни ҳис қилгиси келди. У Эллин учун, Тара учун қасос олганди.

Юқоридан, галереядан шошилган қатъиятсиз қадам товуши эшитилди. Бир лаҳза ҳаммаёқ жимиб қолди, кейин яна қадам товуши кела бошлади, лекин энди у секинлашган, гоҳ-гоҳ темирнинг тўққиллагани эшитиларди. Скарлетт яна вақт ва борлиқни ҳис

қила бошлади, бошини кўтариб қараганди, Мелани-ни кўрди. У эгнида тунги кўйлак ўрнидаги йиртиқ пеньюарда, нимжон қўли билан Чарлзнинг залворли қиличини қисиб зинапояда турарди. Меланининг нигоҳидан у кўз олдида намоён бўлган манзарани, содир бўлган воқеанинг даҳшатини тезда илғаб олганга ўхшарди. Қонга беланиб ётган кўк мундирли жасад, унинг ёнида ётган қутича ва қўлида катта тўппонча билан тупроқдай бўзарган Скарлетт.

Ғайритабиий жимжитликда уларнинг нигоҳлари тўқнашди. Меланининг мулойим ва маъюс юзи ифтихорга тўла эди. Унинг табассумида маъқулловчи ва ғазабнок – Скарлетт кўксида ёнаётган оловга ўхшаш – қувонч зоҳир эди.

"Нима бу... Нима бу? Ахир, Мелани ҳам худди мендай-ку! Мен нимани ҳис қилсам, у ҳам шуни ҳис қилади! – узоқ чўзилган лаҳза ичида хаёлидан ўтди Скарлеттнинг. – У ҳам худди шундай қилган бўларди!".

У ҳаяжон ичида ўзи унга нисбатан ҳеч қачон нафрат ҳамда ёқтирмасликдан бўлак туйғуни ҳис қилмайдиган, бир оз гандираклаётган нимжон Меланига қараб турарди. Айни дамда Скарлеттнинг қалбида бу аёлга – Эшлининг хотинига – бўлган нафратни сиқиб чиқараётган хурсандчилик ва қон-қардошлик туйғуси пайдо бўла бошлади. Турли майда эҳтиролардан покланиб кўзи очилган айни лаҳзада унинг кўз ўнгида Меланининг мусичаникидек беозор кўзлари ва мулойим овози ортида жангчининг пўлатдек мустаҳкам иродаси ва мардлиги намоён бўлди.

– Скарлетт! Скарлетт! – Сьюлин ва Кэрриннинг заиф, хавотирли овозлари жимликни бузди ва эшик ёпилиши билан ўчди, шу заҳотиёқ ортидан Уэйднинг дод-войи эшитилди:

– Мелли амма! Амма!

Мелани тезда бармоғини лабига босди, қилични ерга туширди, тепадаги галереяни минг машаққат

билан босиб ўтиб, касаллар ётган хонанинг эшигини очди.

– Қани, нега қий-чув кўтаряпсизлар, жўжалар! – хона тарафдан унинг хотиржам ҳазиломуз овози келди. – Опангиз Чарлзнинг тўппончасидаги зангни тозаламоқчи экан, тўппонча отилиб кетиб, уни ўлгудай қўрқитиб юборибди!.. Эшитяпсанми, Уэйд Хемптон, ойинг дадажонингнинг тўппончасидан ўқ узди, катта бўлсанг, сенга ҳам отишга рухсат беради.

– "Қандай совуққонлик билан ёлғон гапиряпти! – қойил бўлиб ўйлади Скарлетт. – Мен ҳечам бундай тез топиб гапиролмасдим. Лекин нега ёлғон гапириш керак? Майли, билишсин эди менинг нима қилганимни".

У яна оёғи тагида чўзилиб ётган жасадга назар солди ва бирдан ғазаби ҳам, қўрқуви ҳам босилиб, ўрнини жирканиш эгаллади ва унинг тиззалари титрай бошлади. Мелани эса яна зинапоя ёнига келиб, қонсиз лабларини тишлаган кўйи панжарага суяниб пастга тушаётганди.

– Бор тўшагингга, аҳмоқ қиз, сен ўзингни гўрга тиқасан-ку! – бақирди Скарлетт, аммо яримяланғоч Мелани қийналиб бўлса-да холлга тушарди.

– Скарлетт! – пичирлади у. – Уни бу ердан чиқариб кўмиш керак. Балки у ёлғиз эмасдир, бошқалари уни бу ерда ётганини кўриб қолишса... – У Скарлеттнинг елкасига суянди.

– У бир ўзи эди, – деди Скарлетт. – Мен деразадан бошқа ҳеч кимни кўрмадим. Шубҳасиз, у қочоқ.

– Гарчи у ёлғиз бўлса-да, ҳеч ким, ҳеч нарсани билмаслиги керак. Негрлар оғзидан гуллаб қўйиши мумкин, ўшанда янкилар келиб, сени олиб кетишади. Скарлетт, бизникилар ботқоқликдан қайтгунича биз уни гумдон қилишимиз зарур.

Меланининг безовта қатъияти Скарлеттга таъсир қилди; у зўр бериб ўйлай бошлади.

– Мен уни боғ бурчагидаги шийпонча остига кўмишим мумкин – у ер юмшоқ, Порк яқинда у ердан виски солинган бочкани кавлаб олганди. Лекин қандай қилиб у ёққача судраб бораман?

– Бирга судраб олиб борамиз: бир оёғидан сен, иккинчисидан мен, – деди қатъий Мелани.

Скарлетт беихтиёр Меланига тобора қойил қолаётганини ҳис қилди.

– Мушукни судрашгаям ҳолинг йўғу, – жаҳл қилди у. – Ўзим уни судраб бораман. Сен бориб ёт. Ўзингни қийнайсан. Менга ёрдам беришни хаёлингга ҳам келтирма, бўлмаса сени қўлимда кўтариб тепага олиб чиқиб қўяман.

Меланининг рангпар юзи меҳрли табассумдан ёришиб кетди.

– Сен шундай яхшисанки, Скарлетт, – деди у лабларини унинг ёноқларига оҳиста тегизиб ва Скарлетт эс-ҳушини йиғиб олгунича қўшиб қўйди: – Агар сен уни ўзинг судраб чиқара олсанг, бу вақтда мен бизникилар қайтиб келмасидан бу ерни... мана бу халқобни тозалаб оламан. Биласанми нима, Скарлеттт....

– Хўш?

– Нима деб ўйлайсан, унинг сафар халтасини текшириб кўрсак, виждонсизлик бўлмасмикан? Балки ейишга бирор нарса топармиз.

– Асло ундай деб ҳисобламайман, – деди Скарлетт, бу ҳақда ўзи ўйламаганидан жаҳли чиқиб. – Сен сафар халтасини очиб қара, мен чўнтакларини кўриб чиқаман.

У мурда устига эгилди ва кўнглининг беҳузурлигини енгиб, мундирнинг тугмаларни ечди ва чўнтакларни бирма-бир титкилай бошлади.

– Ё тангрим! – пичирлади у латтага ўралган қалин ҳамённи суғуриб оларкан, – Мелани... Мелли, менингча, бу ерда бир дунё пул бор!

Мелани жавоб бермади. У бирдан ерга ўтириб қолди ва орқаси билан деворга суянди.

– Сен қараб кўр, – овози титраб деди у. – Менинг эса негадир бошим айланяпти.

Скарлетт латтани йиртди ва кўзлари олайиб кетди. Ҳамён ғижимланган қоғоз пулларга тўла эди – федерациянинг яшил пуллари билан аралаш Конфедерация пуллари ҳам бор эди, орасида иккита беш долларлик ва битта ўн долларлик тилла тангалар йилтираб турарди.

– Санашни бас қилсанг-чи, – деди Мелани Скарлетт бармоқлари билан пул санаётганини кўриб, – вақтимиз зиқ...

– Тушуняпсанми, Мелани, бу нима дегани, бу – биз тўқ яшаймиз, дегани!

– Ҳа, ҳа, азизам. Тушунаман, лекин ҳозир бундан бошқа ташвишимиз кўп. Бошқа чўнтакларни кўраман.

Скарлетт ўзини ҳеч ҳамёндан ажралишга мажбур қилолмасди. Кўз олдида кўзни ўйнатадиган манзаралар пайдо бўлди: пуллар, ҳақиқий пуллар, янкининг оти, бир дунё егулик! Барибир худо борда, ахир, мана, унга, гарчи жуда ғалати тарзда бўлса ҳам, ғамхўрлигини намоён қилди. У чўккалаб ўтирар ва жилмайиб ҳамёнга қарарди. Энди егулик бўлади! Мелани унинг қўлидан ҳамённи тортиб олди.

– Тез бўл! – деди у.

Шимнинг чўнтакларидан шам қолдиғи, каттакон буклама пичоқ, чайналадиган тамаки бўлаги ва бир парча каноп ипдан бошқа ҳеч нарса чиқмади. Сафар халтадан эса Мелани худди атирни ҳидлагандай ҳузур билан ҳидлаб бир халтача қаҳва, битта қотган кулча ва – юзлари ўзгариб – сирти майда марваридлар билан қопланган зарҳал рамкага солинган қизалоқнинг суратчасини олди, ундан кейин ёқут кўзли тўғноғич, иккита нафис тилла занжирли оғир олтин

билакузук, тилла ангишвона, кичкина кумуш косача, чеварлик ишларида ишлатиладиган олтин қайчи, катта бриллиант кўзли узук, ҳар бири, ҳатто Скарлетт ва Меланининг тажрибасиз кўзларига ҳам бир каратдан кам кўринмаётган нок нусха бриллиант шокилали зирак чиқди.

– Ўғри! – ғўлдиради Мелани тош қотиб ётган жасаддан ўзини бир қадам четга олиб. – Скарлетт, ахир, у ҳаммасини ўғирлаган!

– Албатта-да! – деди Скарлетт. – Бу ерга ҳам бизнинг бор-йўғимизни шилиш умидида келган.

– Уни ўлдирганингдан жуда хурсандман, – деди Мелани ва нигоҳи қаҳрли тус олди. – Энди эса, азизам, тезроқ уни бу ердан олиб чиқ.

Скарлетт эгилиб, мурдани этик кийган оёқларидан ушлаб судради. Бунчалик оғир бўлмаса; даъфатан Скарлеттнинг ўзи ўзига жуда заиф кўриниб кетди! Агар уни жойидан силжитишга кучи етмаса нима бўлади? У мурдага орқасини ўгирди ва унинг оёқларини қўлтиғига қисиб олиб, бутун танаси билан олдинга эгилиб бир қадам ташлади. Жасад силжиди ва у мурдани силтай-силтай судраб кетди. Ҳаяжондан бутунлай унутган бармоғидаги яра чунонам лўқиллаб оғридики, у тишларини ғижирлатиб товони билан юриб кетди. Бор кучини йиғиб, ортидан қизил из қолдирганча, мурдани холлдан судраб чиқди. Манглайини тер босди.

– Агар ҳовлини ҳам қонга беласа, биз изларни йўқотолмаймиз, – зўрға нафас оларди у. – Пеньюарингни менга бер, Мелли, бошини чирмаб ўраб ташлайман.

Меллининг рангпар юзи қизариб кетди.

– Аҳмоқ бўлма, мен сенга қарамайман, – деди Скарлетт. – Менинг ич кўйлагим ҳам, шалворим ҳам йўқ, бўлмаса ечардим.

Мелани девор ёнида букчайиб йиртиқ полотно кўйлагини бошидан чиқарди ва индамай очилиб

қолган баданини қўллари билан беркитишга уриниб, кўйлакни Скарлетт томонга ташлади.

"Не бахтки, менга бундай ўта уятчанлик ато этилмаган", хаёлидан ўтказди Скарлетт аскарнинг абжағи чиққан бошини йиртиқ пеньюар билан ўраркан, Мелани ўзининг яланғочлигидан нечоғли изтиробга тушаётганини нафақат кўриб, балки ҳис қилиб.

У мурдани силтаб-судраб холлдан олиб ўтиб, орқа эшиккача етиб борди ва пешонасидаги терни артиш учун тўхтаб, ҳалиям девор ёнида ориқ тиззаларини яланғоч кўксига тортиб ўтирган Меланига ўгирилиб қаради. "Бундай пайтда ўз уятчанлигидан изтироб чекиш қандай аҳмоқлик, – ўйлади Скарлетт ғижиниб. – Тўғри, бунинг бари унинг ниҳоятда яхши тарбия кўрганидан..." Бу нарса доим Скарлеттда фақат нафрат уйғотарди... Шу асно у бирдан уялиб кетди. Ахир, нима бўлгандаям, туғруқдан сўнг ҳали тузалмаган бўлса-да, Мелани тўшакдан туриб келди, зилдек қилични кўтариб унга – Скарлеттга ёрдамга шошилди. Бунинг учун алоҳида журъат талаб қилинади – шундай журъатки, Скарлеттнинг ўзи, гапнинг рости, бундай хислатга эга эмас – Атланта қулаган ўша даҳшатли кечада уйгача юрилган узундан-узун йўл давомида Мелани кўрсатган ипак толасидан йигирилган ипдек пишиқ, метиндек мустаҳкам ирода зарур эди. Бу камтарона, кўзга ташланмайдиган, барча Уилксларни бошқалардан алоҳида ажратиб турувчи мардлик Скарлеттга ёт эди. Лекин у, ўз ҳоҳиш-истагига зид ўлароқ, бунга муносиб баҳо берарди.

– Бориб ўринга ёт, – елкаси оша гапирди у. – Агар ётмасанг, у дунёга равона бўласан. Уни кўмиб келаман, кейин бу ерни йиғиштириб оламан.

– Мен буни қуроқ шолча билан артиб оламан, – деди Мелани лахта қонга афти буришиб қараб.

– Бўпти, менга демаса ўзингни гўрга тиқмайсанми! Мен бу ишларни битиргунимча бирор киши ботқоқликдан эртароқ қайтса, уни уйдан чиқарма, уйимизга от адашиб келиб қолганини – қаердан келиб қолгани номаълумлигини айт.

Мелани қуёшнинг тонгги илиқ нурлари оғушида танаси титраб ўтирарди, судраб кетилаётган мурданинг калласи тақиллаб эшик зиналарини санай бошлаганида эса у қулоқларини кафтлари билан беркитиб олди.

От қаердан келганини ҳеч ким сўрамади. Унинг жангдан кейин тўдадан ажралиб ортда қолиб кетгани шусиз ҳам маълум эди ва бундан ҳамма хурсанд бўлди. Янки Скарлетт шийпонча остида қазган саёз ўрага кўмилганди. Қуюқ ток новдаларини тутиб турган тирговучлар чириган эди, Скарлетт тунда уларни ошхона пичоғи билан тагидан кесиб йиқитди, тирговучлар янги кўмилган чуқур устига ғарам бўлиб ағдарилди. Қўрғонни тартибга келтираётиб, Скарлетт фақат шу тирговучларга тегмади, уларни жойига қўйишни ҳам талаб қилмади, гарчи негрлар бунинг сабабини англаб етган бўлишса ҳам, ҳеч ким оғиз очмади.

Кун бўйи беҳад толиққанидан унинг ухлашга уриниши зое кетди, тунда уйқусиз ётганида ўлдирилган одамнинг арвоҳи тинчини бузгани гўридан бирор марта ҳам туриб келмади. У на виждон азобини, на қўрқувни ҳис қилди. Ўзи ҳам ҳайрон эди – нима сабабдан? Ахир, атиги бир ой илгари у бугун қилган ишини ҳечам қилолмаган бўларди. Ёноқларида мафтункор кулгичлари ва болаларча содда ноз-карашмалари билан зиракларини жингирлатиб юрган латофатли ёш миссис Гамильтон бир ўқ билан бир кимсанинг юзини қонга белаб, абжағини чиқарди, кейин эса мурдани ўз қўллари билан нари-бери қазилган чуқурга кўмиб ташлади! Агар бу ишни пайқаб қолишса таниш-билишлари нечоғли даҳшатга

тушишлари ҳақида ўйлаб, Скарлетт маъюс кулимсиради.

"Бу ҳақда бошқа ўйламайман, – деди у ўзига ўзи. – Энди ҳаммаси ортда қолди, агар уни отмаганимда ақли ноқис телбага ўхшаб қолардим. Лекин тўғри... тўғри, мен барибир бир оз ўзгарганман: Тарага қайтмасдан олдин мен бу ишни қилолмаган бўлардим".

У бир ишни оқибатини ўйламай қилар, аммо ҳар гал бирор мураккаб ёхуд ёқимсиз муаммога дуч келса онги тубида муҳрланган бир фикр унга куч бағишларди: "Модомики мен одам ўлдиролган эканман, демак, бу ишни ҳам эплашим тайин."

Аммо унинг вужудида юз берган ўзгариш ўзи ўйлаганидан кўра чуқурроқ эди. Ўн икки Эмандаги негрлар томорқасида юзини жўякка босиб ётган пайтдан буён унинг дийдаси зирҳлангандек – бағритошлик либосини кийиб кундан-кунга қотиб борарди.

Энди отга эга бўлгач, Скарлеттда ниҳоят қўшниларникида нима бўлаётганини билиш имконияти туғилди. Уйга қайтганидан бери ўзига ўзи минг марталаб алам билан савол берарди: "Наҳотки бу атрофда тирик қолган фақат биз бўлсак? Наҳотки қолган қўрғонларнинг бари куйиб кул бўлган? Ёки ҳамма Мейконга қочиб улгурдимикан? Ўн икки Эманнинг, Макинтошлар мулкининг, Слэттерилар кулбасининг вайроналарини эслаган Скарлетт ҳақиқатни билишга қўрқарди. Бироқ бехабарликдан азоб чеккандан кўра энг ёмон воқеани ҳам билган яхшироқ. Шу боис, Скарлетт, аввалambор, Фонтейнларникига – улар энг яқин қўшни экани учун эмас, доктор Фонтейннинг ёрдамидан умидвор бўлгани учун – боришга қарор қилди. Меланига доктор зарур эди. Туғруқдан сўнг у ҳалиям ўзига келмаган, заифлиги ва рангпарлиги Скарлеттни чўчитарди.

Бармоғининг яраси бир оз битиб, туфли кия оладиган бўлгач, у дарҳол янкининг отини эгарлади.

Бир оёғини қисқартирилган узангига қўйиб, иккинчисини (аёллар эгари йўқлиги боис) эркаклар эгари орқасидан ўтказиб, олдиндан култепага бепарво қарашга ўзини чоғлаб, далалар орқали Мимоза томон от чоптириб кетди.

Ранги ўчиб кетган, сариқ лой билан сувалган уй уни ҳам хурсанд қилиб, ҳам ҳайратга солиб аввалгидай мимоза дарахтлари орасида қад ростлаб турар, кўриниши ҳам бурунгидай эди. Скарлеттнинг юрагини илиқ ҳаяжон қамраб олди, уч аёл шодон қийқириб уйдан югуриб чиқиб уни ўпа бошлаганида кўзларида бахтиёрлик ёшлари ҳалқаланди. Бироқ илк дўстона ҳис-ҳаяжонлар босилиб, ҳамма емакхонага кириб ўтирганида, Скарлеттнинг эти жунжикиб кетди. Асосий йўлдан четда жойлашгани учун янкилар Мимозагача етиб келишмабди, Фонтейнларнинг ҳам чорва моллари, озиқ-овқат заҳираси сақланиб қолибди, бироқ худди Тарадаги, бутун атроф-жавонибдаги сингари бу қўрғонни ҳам ўша юракни эзувчи сукунат қамраб олганди. Янкилар яқинлашиб келаётганидан қўрқиб кетган негрлар, уйда хизмат қилувчи аёлдан ташқари, қочиб кетишганди. Саллининг тагликдан эндигина ажраган ўғилчаси Жони ҳисобга олмаганда, уйда эркак зоти қолмаганди. Аёллар ёлғиз яшарди: ёши саксонга бориб қолган Фонтейн буви, унинг ёши элликдан ошган, ҳалигача Ёш бека деб аталувчи келини ҳамда йигирма ёшли Салли. Бу ер яқин орадаги қўрғонларга узоқ, аёлларнинг ҳимоясизлиги кўриниб турар, балки уларга қўрқинчлидир, лекин сир бой беришмасди. "Эҳтимол, – хаёлидан ўтди Скарлеттнинг, – улар чиннидек нозик, бироқ букилмас иродали Фонтейн бувидан қаттиқ қўрқишгани учун ҳам шикоят қилишмаётгандир". Кўзи қирғийникидек ўткир, тили эса ундан-да кескирлигига илгари бир неча бор ишонч

ҳосил қилган Скарлетт ҳам бу кекса хонимдан ҳайиқиброқ турарди.

Гарчи бу аёлларни қон-қариндошлик ришталари боғлаб турмаган, ёшларидаги фарқ ниҳоятда катта бўлса-да, биргаликда тортган азоб-уқубатлари уларни яқинлаштирганди. Ҳар уччала аёл ҳам хонаки усулда бўялган мотам либосида, озиб-тўзиб кетишган, ташвишли, ғамгин кўринарди, гарчи хўмрайиб ёки ўшшайиб юришмаса-да, ҳеч бири бир сўз айтиб шикоят қилмаса-да, табассумлари ва кутиб олгандаги очиқ чеҳралари тагида алам сезилиб турарди. Ахир, қуллари қочиб кетган, пуллари қадрсизланган-да. Саллининг эри Жо Геттисбергда ўлган, Ёш Бека ҳам тул қолган, чунки доктор Фонтейн-кичкина Виксбергда ичбуруғдан вафот этганди. Фонтейнларнинг бошқа икки ўғли Алекс ва Тони Виргиниянинг қайси бир жойида туришар, уларнинг тақдири ҳақида ҳеч нарса маълум эмас, кекса доктор Фонтейн эса Уэллернинг отлиқ аскарлари билан бирга кетганди.

– Бу қари аҳмоқнинг ёши аллақачон етмиш учдан ошди, бироқ ҳалиям чирангани-чиранган, худди тўнғизни бурга босгандай, бошидан оёғигача бодга тўлиб кетган бўлса-да, ёш кўринишни истайди, – деди кампир, лекин кўзларида дағал сўзлар билан яширмоқчи бўлгани – эридан фахрланиш туйғуси "ялт" этиб кўринди.

– Сизга Атлантадан бирор хабар келяптими? – сўради Скарлетт емакхонадаги стол атрофига жойлашишгач. – Биз Тарада худди қоронғу зиндонда ўтиргандай ўтирибмиз.

– Нималар деяпсан, болажоним, – деди кекса хоним, ҳар доимгидек суҳбатга ўзи бош бўлиб. – Сиз қандай аҳволда бўлсангиз биз ҳам худди шундай аҳволдамиз. Фақат Шерман ахийри шаҳарни эгаллаганини биламиз, холос.

– Хўп. У ҳозир нима қиляпти? Қаерда жанг қиляпти?

– Э, бу ерда, қўрғонда қамалиб ўтирган уч ёлғиз аёл урушда нима бўлаётганини қаердан ҳам билсин, ахир, қачонлардан бери на хат, на газета олмасак, – вайсади кекса хоним. – Бизнинг негр аёлларимиздан бири Жонсборога бориб келган негр аёл билан гаплашган – мана бизгача етиб келадиган хабарларнинг ягона йўли. Янкилар аскарлар ва отларга дам бериш учун Атлантага ўз уйларида жойлашгандай жойлашиб олишганмиш – бизга шундай дейишган, бу тўғрими, нотўғрими, сендан ортиқ билмайман. Албатта, уларнинг боплаб таъзирини берганимиздан сўнг, назаримда, уларга ҳордиқ жуда зарур.

– Буни қаранг-а, шунча пайтдан бери сизлар ўз уйингизда бўлсангизу, биз бу ҳақда ҳеч нарса билмасак, – хитоб қилди Ёш Бека. – Сизларга нима бўлганини билиб келишга бормаганим учун ўзимни кечиролмайман! Лекин негрлар қочиб кетганидан сўнг бу ерда иш шу қадар бижғиб кетдики, шартта кўзни юмиб чиқиб кетишнинг иложи йўқ эди. Шунга қарамай, барибир, вақт топиш керак эди. Қўшничиликда яхши бўлмабди. Лекин биз, янкилар Ўн икки Эманни, Макинтошлар уйини ёққандек Тарани ҳам ёқиб юборишган, сизлар эса Мейконга кетгансизлар, деб ўйлабмиз. Сизнинг уйда қолганингиз хаёлимизга ҳам келмабди, Скарлетт.

– Негрларингиз қўрқувдан кўзлари қинидан чиққудек бўлиб бу ерга югуриб келиб, янкилар Тарани ёқмоқчи, деганидан кейин бошқача ўйлаш мумкинмиди? – гапга аралашди буви.

– Биз ҳатто кўрдик... – Салли гапирмоқчи бўлди.

– Марҳамат қилиб гапимни бўлма, – уни тўхтатди кекса хоним. – Улар янкилар плантациянгизда лагерь қуришганини, сизлар эса Мейконга қочмоқчи эканингизни айтишди. Ўша оқшом биз қўрғонингиз устида олов ёлқинини кўрдик. У жуда узоқ ловуллади ва бизнинг лақма негрларни шу қадар қўрқитиб

юбордики, улар шу заҳотиёқ жуфтакни ростлашди. Нима ёнган экан?

– Пахта – бир юз эллик минг доллар турадиган бор пахтамиз ёниб кетибди, – деди алам билан Скарлетт.

– Уй ёнмаганига шукур қил, – сўз қотди кекса хоним ҳасса таянган қўлларига иягини тираб. – Пахтани ҳар доим ўстирса бўлади, уйни ўстириб кўр-чи. Ҳа, айтганча, пахта теримини бошладингизми?

– Йўқ, – деди Скарлетт. – У деярли нобуд бўлган, босиб, янчиб ташлашган, энг узоқдаги далада, дарё бўйида озроқ қолган, балки уч тойча чиқиб қолар, кўп эмас, лекин ундан нима фойда? Негрларимиз плантациядан қочиб кетишган, пахта терадиган одам йўқ.

– Э, йўқ, унинг гапини қаранг: "Плантациядаги ҳамма негрлар қочиб кетишган, пахта терадиган одам йўқ!" эмиш, – кекса хоним еб қўйгудек бўлиб қараб, Скарлеттни калака қилди. – Сизнинг бу чиройли қўлларингиз нимага керак, ойимқиз, икки синглингизнинг қўллари-чи?

– Менинг қўлларим? Мен пахта терайми? – ғазабдан эс-ҳушини йўқотиб қичқирди Скарлетт, гўё буви унга қандайдир беадабликни таклиф қилгандек. – Мен негрларга ўхшаб плантацияда пахта терайми? Худди анави оқ танли жулдурвоқиларга ўхшаб-а? Слэттериларнинг қизларига ўхшаб-а?

– Оқ танли бечоралармиш, эшитдингизми? Ҳа, энди чинданам сиз – нозиклашиб кетган, тантиқ авлодсиз! Маълумотингиз учун айтишимга рухсат беринг, жонгинам, кичкина қизчалик пайтимда отам энг сўнгги чақасидан – бор-будидан айрилиб қолди ва у негрларни ёллаш учун бир оз пул йиққунича мен ҳар қандай ишни, ҳатто плантацияда бўлса ҳам, қилишни ўзим учун ор деб билганим йўқ. Мен сўқа билан ер ҳам ағдардим, пахта ҳам тердим, зарур бўлиб

қолса, ҳозир ҳам қила оламан. Лекин ишлаш керакка ўхшаяпти. Оқ танли бечоралар-а, гапини қаранг!

– Ахир, ойижон! – бақирди келини Скарлетт ва Саллига, улар ғазаб отига минган кекса хонимни тинчлантиришга ёрдам беришади, деган умидда ёлвориб қараб. – Ахир, бу қачонлардир, ўтган замонларда бўлган, энди ҳаёт бутунлай ўзгариб боряпти.

– Ҳалол меҳнат қилишга зарурат бор экан, ҳеч нарса ўзгармайди, – деди зукко ва матонатли кекса хоним маслаҳатларга қулоқ солмай. – Бу ерда туриб, ҳалол меҳнат – бу тарбияли кишилар учун эмас, оқ танли қашшоқлар учун, деб айтаётганингни ойижонинг эшитганида эди, Скарлетт! "Одам Ато ер ҳайдаб, Момо Ҳавво эса ип йигирган" замонда ким хўжайин бўлган экан?" дейилади халқ қўшиғида.

Гапни бошқа ёққа буришга уриниб, Скарлетт шоша-пиша сўради:

– Тарлтонлар, Калвертлар ҳақида бирор нарса эшитдингизми? Уларнинг қўрғонини ҳам ёқиб юборишганми? Ўзлари Мейконга яширинишдими?

– Янкилар Тарлтонларникига етиб боришмади, уларнинг қўрғони ҳам худди бизникидай катта йўлдан четда жойлашган. Калвертларникига эса етиб боришди, бутун мол-ҳолларини ҳайдаб кетишди, хўроз, товуқларини сўйиб ейишди, негрларни эса ўзлари билан олиб кетишди, – гапира бошлади Салли.

Буви эса уни гапиртирмади.

– Ҳаҳ! Улар негр аёлларга шоҳи кўйлак ва тилла тақинчоқлар ваъда қилишди – мана уларни нима билан қизиқтиришди. Кэтлин Калверт янкилар жўнаб кетаётганида бу қора овсарлар уларнинг орқасига мингашиб кетаётганини кўрганини айтиб берди... Нима ҳам дердик, кўйлак ва исирғалар ўрнига аскарлар уларни рангдор болакайлар билан сийлашади, мен эса, янкиларнинг қони уларнинг наслини яхшилайди, деб ўйламайман.

– Ой, Фонтейн буви!

– Илтимос, риёкорлик қилма, Жейн. Менимча, биз ҳаммамиз турмушга чиққанмиз ёки адашяпманми? Худо шоҳид, митти мулатчаларни кўриб завқланишга кўниколмасак керак.

– Нега янкилар Калвертлар қўрғонини ёқиб юборишмади?

– Уларнинг уйи иккинчи миссис Калвертнинг шимолча лаҳжаси ва бошқарувчиси Хилтоннинг шарофати билан омон қолди, – деди мистер Калвертнинг биринчи хотини йигирма йил илгари вафот этган бўлса ҳам ҳеч қачон Калвертларнинг собиқ мураббиясини "иккинчи миссис Калверт"дан бошқача сўз билан атамаган кекса хоним.

– "Биз Федерациянинг собитқадам тарафдорлари", – истеҳзо билан пўнғиллади буви шимолликлар лаҳжасига тақлид қилиб. – Кэтлиннинг айтишича, иккаласи ҳам Калвертларнинг ҳамма боласи – ҳақиқий янки эканлигини айтиб, худо номи билан қасам ичишибди. Қарангки, яна мистер Калверт қаердадир чангалзорларда ҳалок бўлган бир пайтда! Рейфорд Геттисберг остонасида, Кэйд эса Виргинияда жанг қиляпти. Кэтлин бундай таҳқирни кўтаргунча, уйни ёқиб юборишгани яхши эди, деяпти. Кэйд уйга қайтганида бу ҳақда билиб қолса ақлдан озади, дейди Кэтлин. Янкини хотинликка олиш – мана қандай оқибатларга олиб келади. Ахир, уларда на ғурур, на одоб ҳисси бор – ширин жони биринчи ўринда туради... – Сизнинг уйингизга улар нега қўл уришмабди, Скарлетт?

Скарлетт бир сония жавоб беришни пайсалга солди. Кейингиси: "Сизникиларнинг аҳволи қандай? Қадрдонимиз Эллиннинг аҳволи яхшими?" – деган савол бўлишини у яхши билар ва Эллин қазо қилганини айтишга юраги дов бермаслигини тушунарди. Агар бу гапни айтса, агар бу раҳмдил, хайрихоҳ

аёллар ҳузурида бу гап ярасини янгиласа, қалбини ўртаса, у кўз ёшларини тийиб туролмайди. Аммо бунга йўл қўймаслиги лозим. Уйга қайтганидан буён у бирор марта ҳам тўйгунича йиғлаб олиши учун ўзига эрк бергани йўқ, мабодо бир марта кўз ёшларига эрк берса, унинг зўр бериб тарбиялаган жасурлигидан асар ҳам қолмайди. Аммо Фонтейнларнинг дўстона боқиб турган кўзларига, очиқ чеҳраларига қараб туриб улардан Эллиннинг ўлимини яширса, бу аёллар уни кечирмаслигини тушунарди. Айниқса, камдан-кам одамдангина лутфу карамини дариғ тутмайдиган ва ориққина қўлларини калондимоғлик билан силтаб, графликдаги ҳар бир кишининг қандай қадр-қимматга эга эканини кўрсата оладиган, шу билан бирга Эллинга астойдил кўнгил қўйган Фонтейн буви кечирмайди.

– Хўш, нега жимсан? – деди буви унга ўткир нигоҳини қадаб. – Сен, нима, қандай қилиб бундай бўлганини билмайсанми?!

– Биласизми, гап шундаки, мен жангнинг эртаси куни уйга қайтиб келдим, – шошиб тушунтира бошлади Скарлетт. – Янкилар кетиб бўлишган экан. Отам эса... отам янкиларни уйни ёқмасликка кўндирибди, чунки Сьюлин ва Кэррин тиф билан оғриб ётишган, уларни қўзғатиш мумкин эмас экан.

– Янкилар тарбия кўрган одамлардек иш қилишганини ҳаётимда биринчи марта эшитишим, – деди буви босқинчилар ҳақида яхши гап айтилаётганидан ошкора норози бўлиб.

– Хўп, ҳозир қизларнинг аҳволи қандай?

– Энди яхши, анча яхши, деярли соғайишди, фақат жуда дармонсиз, – деди Скарлетт ва ўзи чўчиб турган савол ҳали замон бувининг оғзидан чиқиб кетишини ҳис қилиб шоша-пиша суҳбатни бошқа мавзуга бурди. – Мен... мен бизга озгина озиқ-овқат беролмайсизми, деб сўрамоқчи эдим. Янкилар чи-

гирткадек ҳамма нарсани еб битиришибди. Лекин ўзингизга ҳам қийин бўлса, унда, илтимос, тўғрисини айтаверинг, ҳеч хижолат чекманг, ва...

– Поркни арава билан юбор, бизда нима бўлса, ярмини оласизлар: гуруч, ун, чўчқа гўшти, бир нечта жўжа, – деди кекса хоним ва Скарлеттга қандайдир ғалати қаради.

– Йўқ, нима учун, бу жуда кўп! Тўғриси мен...

– Жим бўл! Ҳеч нарсани эшитишни истамайман. Қўшни қандай кунда керак?

– Сиз шундай меҳрибонсизки, нима дейишни ҳам билмайман... Лекин кетишим керак. Уйдагилар хавотир ола бошлайди.

Буви бирдан ўрнидан турди ва Скарлеттни қўлидан ушлади.

– Иккингиз шу ерда қолинг, – буюрди у ва Скарлеттни орқа эшик томон итарди. – Мен бу қизалоқ билан гаплашиб олишим керак. Зинадан тушишга ёрдам бер, Скарлетт.

Ёш Бека ҳамда Салли яқин кунларда уни кўришга боришларини айтиб, Скарлетт билан хайрлашдилар. Улар қаттиқ қизиқиб қолишган, лекин бир нарса аён эди: агар кампирнинг ўзи Скарлетт билан нима ҳақда суҳбатлашганини уларга айтишни лозим топмаса, улар ҳеч қачон буни билолмайди. "Кампирларнинг мижози оғир бўлади", пичирлади Ёш Бека Саллининг қулоғига тўхтаб қолган тикишларини қайта қўлга олишганида.

Скарлетт отнинг жиловидан ушлаб турар, зирқираган оғриқ юрагига азоб берарди.

– Хўш, – деди кампир унга тешиб юборгудек қараб, – уйларингда яна нима воқеа рўй берди? Биздан нимани яширяпсан?

Скарлетт кекса тийрак кўзларга қаради ва Фонтейн бувига ҳеч нарсани яширмай бор ҳақиқатни айтиши ва йиғлаб юбормаслигини тушунди. Фонтейн

буви ҳузурида ҳеч ким унинг рағбатисиз йиғлашга ботина олмасди.

– Ойим ўлдилар, – деди Скарлетт оддийгина қилиб. Скарлеттнинг қўлига суянган қўл шу қадар таранглашдики, унинг қўли оғриб кетди, бувининг сержажин қовоқлари титраб, сарғиш кўзлари қисилди.

–Уни янкилар ўлдирдими?

– У тифдан ўлди. Менинг қайтишимдан бир кун олдин.

– Бу ҳақда ўйлашни бас қил, – буюрди кампир, Скарлетт унинг бўғзига тиқилган тошни қандай ютганини кўрди. – Отангнинг аҳволи қандай?

– Отам... отам ўзида эмас.

– Буни қандай тушунса бўлади? Аниқроқ гапир. У касалми?

– Бу кўргулик уни ларзага солди... У қандайдир ғалати.... ўзида эмас.

– Ўзида эмас, дегани нимаси? У ақлдан озди, демоқчимисан?

Кимдир қўрқмай ҳар бир нарсани ўз номи билан атаётганини эшитиш кишига катта енгиллик беради. Бу қари аёл унга ҳамдардлик билдиришга уринмаётгани қандай яхши, бўлмаса у ҳўнграб йиғлаб юборарди.

– Ҳа, – деди у бўғиқ овозда, – у эс-ҳушидан айрилди. У доим худди туш кўраётгандек юради, гоҳида ҳатто ойимнинг ўлганини ҳам эслолмайди. Оҳ, миссис Фонтейн, унинг ойимни кутиб, чидам билан соатлаб ўтиришини кўриш мен учун жуда оғир, ахир, у доим болалардек бесабр эди. Бироқ энг ёмони, ойимнинг ўлгани бирдан ёдига тушганда рўй беради. Ойимнинг қадам товушларига хаёлан қулоқ тутиб, соатлаб ўтиради, бирдан сакраб туради-да, уйдан тўғри қабристонга қараб югуради. Кейин эса кўз ёшлари юзини ювиб орқага қайтади ва бир гапни қайта-қайта такрорлайверадики, дод деворгинг

келади: "Кэти – Скарлетт, миссис О'Хара ўлди, ойинг ўлди!". Бу сўзларни у қанча такрорламасин, менга гўё биринчи бор эшитилаётгандек туюлади. Баъзан кечалари онамни чақира бошлайди, шунда мен жойимдан сакраб туриб ёнига бораман ва ойим касал негр аёлни кўргани кетган, дейман. У онанг касалларга қарайман деб ўзини эҳтиёт қилмайди, деб минғирлай бошлайди. Уни қайта жойига ётқизиш машаққат. Худди ёш боладек бўлиб қолган. Оҳ, қанийди доктор Фонтейн шу ерда бўлса! Ишончим комилки, у отамга бир иложини қилиб ёрдам берарди. Меланига ҳам доктор керак. Туғруқдан сўнг тез тузалмаяпти.

– Мелли туғдими? У сизлар билан биргами?

– Ҳа.

– Нима учун у бу ерда? Нега Мейконда, қариндошлариникида, холасиникида эмас?! У Чарлзнинг туғишган синглиси бўлса-да, мисс, менга доим сиз уни унчалик ёқтирмайдигандай туюларди. Қани, бу қандай рўй берганини тушунтирчи.

– Бу жуда узун тарих, миссис Фонтейн. Балки уйга қайтармиз, сиз ўтириб оларсиз?

– Мен тик туриб ҳам яхши эшита оламан, – чўрт кесди кампир. – Агар уларнинг олдида гапирадиган бўлсанг, ҳиқиллаб йиғлаб, кўнглингни бузишади, сени ҳам йиғлатишади. Қани энди гапир.

Скарлетт тутила-тутила Атланта қамали ва Меланининг аҳволи ҳақида гапира бошлади, бир дақиқаям ундан кўзини узмаган кекса хонимнинг ўткир, зийрак нигоҳи остида унинг ҳикояси давом этар, воқеалар муфассал тарзда баён қилингани сари у бошидан кечирган даҳшатли кўргиликларни тасвирлаш учун керакли сўзларни излаб топарди. Воқеалар унинг хотирасида қайта жонланди: туғруқ бошланган ўша унутилмас кундаги ақлдан оздирувчи жазирама иссиқ, ваҳимага тушиб қаттиқ қўрққани, қочганлари, Реттнинг мунофиқлиги. У шарпаларга тўла

бу телбавор кунни, гоҳ конфедератлар, гоҳ душман қароргоҳидаги чироқларнинг милтиллашини, тонготарда кўз ўнгида пайдо бўлган куйган мўриларни, йўлда ётган одам ва отларнинг жасадларини, хонавайрон бўлган ўлкани, очликни ва энди Тара ҳам харобазорга айланган, деган фикрдан қаттиқ қўрққанини ҳикоя қилиб берди.

– Менга фақат уйга, онамнинг олдига етиб олсам бас, у бир иложини қилиб ҳаммасини жой-жойига қўядигандай ва бу оғир юкни елкамдан олиб ташлайдигандай туюларди. Уйга қайтаётиб энг даҳшатлиси ортда қолди, деб ўйлардим. Аммо онамнинг ўлганини билгач, тушундим: мана – энг даҳшатлиси!

У кўзларини ерга тикди ва Фонтейн буви нима дейишини кутиб жим қолди. "Аниқки, менинг бошимдан ўтган уқубатларни у англаб етмади, – хаёлидан ўтди Скарлеттнинг, орага чўккан жимлик унга жуда чўзилаётгандай туюлди. Лекин кекса хоним гапира бошлади, овозида эса фавқулодда самимийлик ва меҳр бор эди – ҳали ҳеч қачон Скарлетт Фонтейн бувининг бирор киши билан бу қадар самимий гаплашганини эшитмаганди.

– Болагинам, аёл учун энг ёмони – бу энг даҳшатли нарсани бошдан кечириш, чунки у қўрқиши керак бўлган нарсалардан қўрқмай қўяди. Аёлнинг қалбида қўрқув бўлмаса, бу жуда ёмон. Сенинг ҳикоянгдан мени ҳеч нарсани тушунмади, сенга қандай оғир бўлганини тушунмади, деб ўйлайсанми? Йўқ, мен тушундим, ҳаммасини тушундим. Тахминан сенинг ёшингда мен ҳиндулар исёнини кўрганман – бу Мимс қалъасидаги қирғинбаротдан сўнг юз берганди. Ҳа, тахминан сенинг ёшинг-да, – қайтарди у паришон оҳангда, – ахир, бу кўпи билан эллик йил илгари бўлганди. Мен буталар орасига эмаклаб бориб яширинишга улгургандим: шу ерда ётиб, уйимиз қандай ёнаётгани ва ҳиндулар ака-укаларимнинг, опа-син-

гилларимнинг бошидан терисини шилиб олишаётганини кўриб турдим. Буталар орасида ётиб, худодан фақат ёнғин алангаси ёруғида яширинган жойимда ҳиндулар мени кўриб қолмасин, деб ёлвориб сўрардим, холос. Улар эса ойимни уйдан судраб чиқишди ва мендан йигирма метр нарида уни ўлдиришди. Унинг ҳам бош терисини шилиб олишди. Бир ҳинду эса қайта-қайта унинг ёнига бориб тўқмоқ билан бошига урди. Мен эса... мен, ойимнинг суюкли қизи, у ёқда, буталар орасида ётиб, буларнинг ҳаммасини кўриб турдим... Эрта билан энг яқинда жойлашган тураржойга йўл олдим. У эса бизнинг уйдан ўттиз миля узоқда эди. Мен у ёққа ботқоқликлардан ўтиб, ҳиндулардан яшириниб уч кеча-кундуз йўл юрдим, ҳамма мени эс-ҳушидан айрилади, деб ўйларди... Худди ана шу пайтда доктор Фонтейнни учратдим. У мени даволади... Ҳа, ҳа, шундан буён, мана, эллик йил ўтди, бироқ ўша дақиқадан бошлаб мен энди ҳеч қачон, ҳеч кимдан ва ҳеч нарсадан қўрқмайдиган бўлдим, чунки мен билан юз бериши мумкин бўлган энг даҳшатли воқеа содир бўлганди. Энди ҳеч қачон қўрқмаслигим менинг ҳаётимда кўп кулфатларни келтириб чиқарди. Худо аёлнинг пешонасига камтар, қўрқоқ ва ҳуркак хилқат бўлишни раво кўрган, модомики аёл ҳеч нарсадан қўрқмас экан, демак, бунда табиатга зид нимадир бор... Ўзингда нимадандир қўрқиш қобилиятини сақлаб қолишинг зарур, Скарлетт... худди шундай севиш лаёқатини ҳам...

Унинг овози тинди, у жим турар, хаёли эса ярим аср орқада, қўрқувни охирги марта ҳис қилган кунда эди. Скарлетт бетоқатлик билан оғирлигини у оёғидан бу оёғига ташларди. У кампир ҳозир унга нақадар қийинлигини тушунади ва, эҳтимол, бирор йўл-йўриқ кўрсатади, деб умид қиларди. У эса бунинг ўрнига, ҳамма кексалар каби, ҳали дунёда ҳеч ким йўқ пайтда рўй берган ва ҳозир ҳеч кимни қизиқтир-

майдиган воқеани айтишга тушди. Скарлетт у билан сидқидилдан гаплашганидан афсусланди.

– Бўпти, уйингга бор, болажоним, бўлмаса уйингдагилар қий-чув кўтаришади, – деди кампир. – Шу бугуноқ тушдан кейин Поркни арава билан жўнат... Бирор кун елкамдаги юкдан халос бўламан, деб ўйлаб ҳам ўтирма. Чунки сен халос бўлолмайсан. Мен биламан.

Бу йилги куз фаслининг илиқ-иссиқ кунлари ноябргача чўзилди, кунлар иссиқ келгани учун Тара аҳлининг кўнгли бир оз ёриша бошлади. Энг қўрқинчли нарса ортда қолди. Энди уларнинг оти бор эди, пиёда юриш ўрнига уловда бориш мумкин эди. Нонуштага қовурилган тухум ва кечки овқатга қовурилган чўчқа гўшти пайдо бўлди, бу эса ямс, ер ёнғоқ ва олма қоқидан иборат таомларга ёқимли хилма-хиллик берди, бир сафар эса улар қовурилган жўжа билан ўзлари учун байрам уюштиришди. Қари чўчқани ниҳоят тутиб олишди, жонивор болалари билан ертўлада шўх-шодон хўриллаб, тупроққа ағанаб ётарди. Баъзан чўчқачалар чунонам шовқин кўтаришардики, уйдагилар бир-бирининг гапини эшитолмас, лекин бу шовқин ёқимли эди. Бу шовқин совуқ тушиб, чўчқаларни сўйиш вақти келса, хўжайинларда янги чўчқа гўшти, негрларда эса ичак-чавоқ бўлиши, демак, қишга ҳамма овқат билан таъминланишини эслатиб турарди.

Фонтейнларни кўриб келгани Скарлеттнинг руҳини буни ўзи англаганидан ортиқроқ даражада мустаҳкамлади. Қаердадир қўшнилари борлигини, эски дўстларидан кимлардир тирик, уйи ҳам омон қолганини англаш ёлғизлик ва уйга қайтган илк ҳафталарда бағрини эзиб ётган қайтариб бўлмас жудолик ҳиссини тарқатиб юборди. Ер-мулклари қўшинлар ўтган йўлдан четда жойлашган Фонтейнлар ҳам, Тарлтонлар ҳам унча кўп бўлмаган озиқ-овқат

заҳираларини сахийлик билан баҳам кўришарди. Қўшни қўшнига ёрдам қилиши керак – бу ўлканинг ёзилмаган қонуни шундай эди – ва ҳеч ким Скарлетт-дан бир пенниям пул олишга рози бўлмасди. У ҳам қўшнилар учун шундай қилган бўларди, дейишарди улар; у ҳаммасини келгуси йил, ерлари ҳосил бера бошлаганидан кейин қоплайди.

Энди Скарлеттда бутун хонадон учун етарли егулик, от, қочоқ-янкидан топилган пул ва қимматбаҳо буюмлар бор эди, шу боис кийим-кечакка эҳтиёж биринчи даражага чиқди. Поркни кийим-кечак сотиб олиш учун жанубга юбориш хатарли эканини у тушунар, янкилар ёки конфедератлар ундан отни тортиб олишлари мумкин эди. Бироқ нима бўлганда ҳам, унда кийим-кечак сотиб олиш учун пул ва сафарга чиқиш учун от-арава бор эди ва энди фақат Поркнинг омади юришади ва у уйга омон-эсон қайтиб келади, деб умид қилишдан бошқа иложи йўқ эди. Ҳа, энг ёмони ортда қолганди.

Ҳар куни тонгда уйқудан уйғонаркан, Скарлетт тиниқ мовий осмон ва иссиққина қуёш нурлари учун Яратганга шукроналар келтирар, зеро, ҳар бир очиқ кун иссиқ кийимсиз яшашнинг иложи бўлмайдиган муқаррар кунларни ортга сурарди. Ҳар бир иссиқ кун ҳисобига негрларнинг бўшаб қолган кулбалари пахтага тўлиб борар, бу кулбалар терилган пахтани сақлайдиган ягона жой эди. Даладаги пахта Порк чамалаганидан бир мунча кўпроқ экан, ундан тўрт тойга яқин ҳосил чиқади ва тез орада ҳамма кулбалар пахтага тўлиб-тошиб кетади. Ҳатто Фонтейн бувининг аччиқ танбеҳидан кейин ҳам Скарлеттнинг пахта териш нияти йўқ эди. Унинг, ҳозир мол-мулкнинг тўлақонли хўжайини бўлган Скарлетт О'Харанинг, далага чиқиб ишлаши шунчаки ақлга сиғмайдиган ҳолдек туюларди. У бу иши билан ўзини жулдурвоқи миссис Слэттери ва унинг Эммиси қа-

торига қўйган бўларди. Скарлетт пахтани негрлар теради, ўзим эса соғая бошлаган сингилларим билан уйдаги юмушларни қиламан, деб ўйларди, аммо шу ерда унинг ўз шахсий туйғуларидан анча кучли бўлган табақаланишга хос туйғу билан тўқнашишига тўғри келди. Далада ишлаш ҳақида айтар-айтмас Порк, Моможон ва Присси қаттиқ шовқин кўтаришди. Улар фақат бир нарсани таъкидлашарди: "Биз уй хизматчиларимиз, дала ишларини уддалай олмаймиз". Айниқса Моможон жон-жаҳди билан ҳеч қачон нафақат далада, ҳатто ҳовлида ҳам ишламаганини уқтирарди. Ахир, у негрлар кулбасида эмас, Робийярлар хонадонида туғилган ва айнан кекса Беканинг ётоғида катта бўлган – унинг каравоти пойида ерга тўшалган кўрпада ухлаган. Фақат ёлғиз Дилси бир сўз демади ва киприк қоқмай Приссига шундай ола қарадики, Присси унинг нигоҳидан қўрқиб тумтайиб қолди.

Скарлетт уларнинг исёнкор норозилигини эшитишни истамади ва ҳаммаларини пахта даласига олиб борди. Аммо Моможон ва Порк шу қадар аста ишлар ва увиллаб йиғлашардики, Скарлетт чидаёлмай Моможонни ошхонага пишир-куйдир билан шуғулланишга, Поркни эса тузоқ билан ўрмонга ва қармоқ билан дарёга – қуён ва опоссум – қопчиқли каламуш ҳамда балиқ тутишга жўнатди. Пахта териш унга мос иш эмас, қуён ови ва балиқ тутиш эса нафсониятига тегмайди.

Шундан сўнг Скарлетт далага сингиллари ва Меланини чиқаришга уринди, лекин улардан ҳам наф чиқмади. Мелани офтобда бир соат иштиёқ билан тоза ва тез ишлади, кейин эса сассиз ҳушидан кетди ва бир ҳафта тўшак тортиб ётиб қолди. Сьюлин ҳам қовоқлари осилиб, кўзларида ёш билан беҳуш йиқилишга уринди, аммо Скарлетт кади идишдан унинг юзига сув сепганида дарҳол ўзига келди ва

сувга тушган мушукдек ғингший бошлади. Сьюлин ишлашдан бош тортиши билан гап тугади.

– Негрлардай далада ишламайман! Сен мени мажбур қилолмайсан. Дўстларимиздан бирортаси буни билиб қолса, нима бўлади? Агар... агар мистер Кеннеди эшитиб қолса-чи? Худойим, лекин агар ойим...

– Агар яна бир марта ойимни эслатсанг, Сьюлин О'Хара, юзингга шапалоқ тортаман! – қичқирди Скарлетт. – Ойим плантацияда ҳар қандай негрдан кўпроқ ишлаган, сен буни билмайсан, оқбилакойим!

– Ёлғон! Ҳар қалай, далада ишламаган! Мени ҳам мажбурлай олмайсан! Устингдан отамга шикоят қиламан, у эса менга ишла демайди.

– Бемаъни қилиқларинг билан отамни безовта қилиб кўр-чи! – бақириб берди Скарлетт Жералд учун қўрқиб, синглисидан қаттиқ жаҳли чиқиб.

– Мен сенга ёрдам бераман, опажон, – мулойимлик билан гапирди Кэррин. – Мен Сью учун ҳам, ўзим учун ҳам ишлайман. У ҳали тузалгани йўқ, офтобда юриш унинг учун зарарли.

– Раҳмат сенга, миттивой, – деди Скарлетт миннатдор бўлиб, аммо кичик синглисига ташвишланиб қараб. Кэрриннинг илгариги баҳор шабадасида айланиб учган олма гулларидек оқ-пушти, нафис ва ўйчан юзчаси ҳозир ўз гулоблигини йўқотиб, ранги ўчган оқ гулга ўхшашлигини сақлаб қолганди, холос. Кэррин ўзига келгач, Эллин энди йўқлигини, Скарлетт заҳарли чаёнга айланганини ва олам таниб бўлмас даражада ўзгарганини, узлуксиз меҳнат улар учун ҳаёт-мамот қонунига айланганини кўриб индамас бўлиб қолган ва гўё туман ичида яшаётгандай эди. Кэрриннинг нозик табиати янгича турмуш тарзига асло мослаша олмасди. Унинг ақли атрофда юз берган воқеаларни идрок этишга қодир эмас, ва у худди ойпарастдек Скарлеттнинг кўрсатмалари-

ни итоаткорлик билан бажариб юрарди. У жудаям заиф – ҳам сурати, ҳам сийрати – аммо итоаткор, тиришқоқ ва хизматга тайёр эди. Ўзига буюрилган ишдан бўшаган пайтларида тасбеҳ ўгирар, лаблари эса дуо айтиб пичирларди: у онаси ва Брент Тарлтон ҳақига дуо қиларди. Брентнинг ўлими унинг учун шундай зарба бўлиб тушишини ва унинг дарди бедаво эканини Скарлетт ҳатто хаёлига ҳам келтирмаганди. Скарлеттнинг назарида Керрин ҳалиям "миттивой" – ишқий муносабатлар учун ҳали жудаям ёш эди.

Қуёш тиғи остида ғўза қаторлари орасида тинимсиз эгилиб-туришлардан бели зирқираб оғриётганини, дағаллашган ва қаварган кафтлари ёнаётганини ҳис қилаётган Скарлетт феъл-атворида Сьюлиннинг кучи ва қатъияти билан Кэрриннинг юмшоқлиги қўшилган синглиси бўлса, қандай яхши бўлиши ҳақида ўйларди. Ахир, Кэррин пахтани жуда тоза ва иштиёқ билан терарди. Аммо бир соатдан кейин аён бўлдики, бу Сьюлин эмас, Кэррин эса бундай иш учун ҳали етарлича дармонга кирмаган. Шу боис Скарлетт уни ҳам уйга жўнатиб юборди.

Энди узундан-узун пахта эгатлари орасида фақат Скарлетт, Дилси ва Присси меҳнат қилишарди. Присси пахтани эринчоқлик билан, жонини койитмай терар, онаси ғўзапоя билан бақиртириб саваламагунича оёғи оғриётганидан, бели зирқираётганидан, қорни ғижимлаб оғриётганидан, чарчаётганидан нолигани-нолиган эди. Шундан сўнггина яхшироқ қимирлар, бироқ у онасидан четроқда, хавфсизроқ жойда бўлишга ҳаракат қиларди.

Дилси индамай, чарчаш нималигини билмай машинадай ишларди, шу сабабдан белини зўрға кўтараётган, пахта тўлдирилган оғир халтадан елкаси шилинган Скарлетт Дилсидек ишчиларнинг баҳоси олтинга тенг, деб ўйлади.

– Дилси, – деди у, – яхши замонлар қайтиб келганида мана шундай кунларда ўзингни кўрсатганингни эсдан чиқармайман. Сенга раҳмат.

Қорақўнғир рангли девқомат аёлнинг юзига мақтовдан табассум ёйилмади, бошқа негрларники каби хижолат бўлиб буришмади ҳам. У хотиржам эди. Дилси Скарлетт томон ўгирилди ва виқор билан деди:

– Раҳмат, мэм. Лекин мистер Жералд билан мисс Эллин менга доим жуда меҳрибон бўлишган. Мистер Жералд соғинчдан сиқилмаслигим учун қизим Приссини сотиб олди, мен буни унутганим йўқ. Ахир, мен ярим ҳиндуман, бизнинг халқимиз эса яхшилик қилганларни унутмайди. Лекин мен Приссидан норозиман. Ундан наф кам. У соф негрга ўхшайди, отасига тортди. Отаси ғирт такасалтанг эди-да.

Гарчи Скарлетт амалда Дилсидан бошқа бировдан ёрдам олмаган ва ўзи пахта теришга мажбур бўлган эса-да, чарчаётганига қарамай, пахта аста-секин, аммо тўхтовсиз даладан кулбаларга йиғилаётганини кўриб руҳи кўтарилди. Пахтада унга қатъият берадиган, ишонса бўладиган нимадир бор эди. Тара бутун Жануб сингари пахтадан бойиб кетди. Скарлетт эса жанублик эди: у Тара ҳам, жанубликлар ҳам қизил тупроқли кенгликларда яна бошларини баланд кўтариб юришларига ишонарди.

Албатта, у кўп пахта тергани йўқ, лекин, барибир, буям бир неъмат-да. У шу пахта учун озроқ конфедерация пулларига эга бўлади, бу эса янкининг қопчиғидан чиққан яшил қоғоз пуллар ва олтинларни, уларсиз яшашнинг иложи топилмай қолгунича, эҳтиёт қилиш имконини беради. Баҳорда у Конфедерация ҳукумати урушга сафарбар қилган Катта Сэм ва бошқа негрларни қайтариб олишга уринади, мабодо уларни қўйиб юборишмаса, янкининг пулига атрофдаги бирор кишидан бир неча қулни со-

тиб олади. Баҳорда эса яна пахта экади... Скарлетт толиққан белини ростлаганча, кузга келиб қўнғир тусга кирган далаларга назар ташлади ва қаршисида узоқларга акрма-акр чўзилиб кетган бўлғуси ҳосилнинг яшил майсаларини кўрди.

Баҳорда! Эҳтимол, баҳорга келиб уруш тугар ва яна яхши замонлар бошланар. Конфедерация ғолиб чиқадими ёки мағлуб бўладими, барибир, яшаш енгиллашади.

Нима бўлса бўлсин, ишқилиб, ё у, ё бу армия бор-йўғингни шилиб олади, деган бир умрлик қўрқув ичида яшамаса бўлгани! Ўшанда ҳосилни йиғиб ололмасликдан қўрқмай ерга уруғ қадаса бўлади.

Олдинда умид учқунлари шуъла соча бошлади. Уруш абадий давом этиши мумкин эмас. Скарлеттнинг озгина пахтаси, оти ва камроқ, лекин бир боғлам қимматбаҳо пули бор. Ҳа, ёмон кунлар ортда қолди!

XXVII боб

Бир куни тушда стол атрофида Моможон кашф қилган, маккажўхори уни ва черника қоқисидан тайёрланган, сорго билан бир оз ширин қилинган пудинг еб ўтиришарди. Ноябрь ойининг ўртаси, ҳавода қишнинг даракчиси – салқин нафас сезила бошлаган. Скарлеттнинг стули орқасида турган Порк қўлларини мамнунлик билан бир-бирига ишқаб савол берди:

– Чўчқани сўйиш вақти келмадимикан, мисс Скарлетт?

– Нима, аллақачон сўлагинг оқа бошладими? Ухлаганингда ичак-чавоқларни туш кўраётган бўлсанг керак-а? – истеҳзо билан сўради Скарлетт. – Ўзим ҳам янги сўйилган чўчқа гўштини ейишга қар-

ши эмасман, мабодо ҳаво яна бир неча кун ўзгариб турса, эҳтимол биз...

Оғзида қошиқ билан жим қолган Мелани унинг сўзини бўлди:

– Азизам, эшитмаяпсанми? Кимдир келяпти!

– Кимдир бақиряпти, – деди ташвишга тушиб Порк.

Куврак куз ҳавосида қўрқиб кетган юракнинг уришига ўхшаш дукурлаётган туёқ товушлари ва аёл кишининг узуқ-юлуқ чорасиз дод-фарёди энди аниқроқ эшитила бошлади.

– Скарлетт! Скарлетт!

Қўрқиб кетган кўзлар тўқнашдилар. Бир лаҳзада стулларни суриб ҳамма ўрнидан сакраб турди. Қўрқувдан овози ўзгариб кетганига қарамай ҳамма уни таниди: атиги бир соат олдин Жонсборога кетаётиб, улар билан бир оғизгина гаплашгани кирган Салли Фонтейн дод солиб ёрдамга чақирарди. Ҳамма бир-бирига йўл бермай эшик томон отилди, сочлари тўзғиган, шляпаси орқасига осилиб тушган Салли қора терга ботган отда кириш хиёбонидан уйга қараб қуюндек учиб келарди.

Салли отнинг жиловини бўш қўйганча елдириб, тўғри катта эшик ёнига келди ва қўли билан ўзи келган томонни кўрсатиб, қичқирди:

– Янкилар келяпти! Уларни кўрдим! Катта йўлда! Янки!

Бир силтов билан у пиллапоянинг ёнгинасида отни орқа оёқларида тик турғизди ва уч марта сакратиб майсазор устидан от қўйди ва худди овда от чоптиргандай тўрт футли яшил девордан сакраб ошиб ўтиб кетди. Аввал орқа ҳовлидан, кейин негрларнинг кулбалари орасидаги тор йўлдан оғир туёқ товушлари етиб келди ва улар Салли далалар орқали тўғри ҳовлиси томон от чоптириб кетганини фаҳмлашди.

Бир дақиқагача ҳамма қотиб турди, кейин эса Сьюлин ва Кэррин пиқиллаб бир-бирларини қучоқлашди. Уэйд эса оғзини катта очиб, титраб-қақшаб жойида михлангандай турар, лекин овоз чиқармасди. Улар Атлантадан қочиб чиқишганидан бери у доим қўрқиб кутган нарса юз берди. Янкилар уни тутиб олиш учун келишган.

– Янки! – бўшашиб деди Жералд. – Лекин янкилар бу ерга илгари ҳам келишган-ку.

– Ё Биби Марям! – хитоб қилди Скарлетт Меланининг қўрқув ичидаги нигоҳига кўзи тушиб. Бир лаҳза Атлантадан қочаётганлари бутун даҳшати билан хаёлида жонланди: уйларнинг харобалари, култепалар... кейин эса – оғиздан-оғизга ўтиб юрган воқеалар: қотилликлар, қийнашлар, зўравонликлар, хўрлашлар. Яна рўпарасида қўлида Эллиннинг қутичаси билан даҳлизда турган янкини кўрди... "Мен ўламан, – ўйлади у. – Мен ҳозир ўламан, шу ернинг ўзида, турган жойимда, ҳаммаси ортда қолди, деб ўйлабман. Мен ўламан. Мен ортиқ чидаёлмайман."

Шу пайт унинг кўзига от кўринди – қандайдир топшириқ билан Тарлтонларникига бориши лозим бўлган Поркни кутаётган, қозиққа боғланган эгарлоғлиқ отни кўрди. Унинг оти! Унинг яккаю ягона оти! Янкилар уни олиб кетишади! Сигирни ҳам, бузоқни ҳам! Болалари билан чўчқани ҳам... Бу чўчқа ва унинг чопқир, чаққон болаларини тутиб олиш учун қанча вақт ва қанча кун керак бўлди! Янкилар чўчқани ҳам, Фонтейнлар берган она товуқларни ҳам, хўрозни ҳам, ўрдакларни ҳам; омборхонадаги олмаларни, ямсни, ловияларни ҳам; ун, гуруч, қуритилган нўхатни ҳам; бор пули билан аскар-янкининг ҳамёнини ҳам – улар очликдан ҳаром қотишлари учун ҳамма нарсани олиб кетишади.

– Улар ҳеч нарса олишолмайди! – қаттиқ хитоб қилди Скарлетт. Ҳамма унга: қўрқувдан эсини

йўқотмадимикан, ишқилиб, деган хавотирда эсанкираб қаради. – Мен бошқа оч қолмайман! Улар ҳеч нарсани олишолмайди!

– Нима бўлди сенга, Скарлетт? Нима деяпсан?

– Отни! Сигирни! Чўчқани! Чўчқачаларни! Улар олишолмайди! Мен бунга йўл қўймайман.

У эшик олдида уймалашиб турган тўрт нафар негрга ўгирилди – уларнинг юзлари қўрқувдан баттар қорайиб кетганди.

– Ботқоқликка! – қисқа қилди у.

– Қайси ботқоқликка!

– Дарё бўйига, бефаҳмлар! Чўчқа ва болаларини дарё бўйидаги ботқоқликка ҳайданг! Порк, Присси, ертўлага тушиб чўчқа болаларини олиб чиқинглар. Сьюлин, Кэррин, корзиналарга сиққанича егуликларни солиб, ўрмонга олиб кетинглар. Моможон, кумуш идишларни яна қудуққа тушириб қўй. Ҳа, яна нима, Порк, тўнкага ўхшаб турма! Отамни бу ердан олиб кет! Қаерга, қаерга? Истаган ерингга! Порк билан кетинглар, дада. Дадам қандай яхши, қандай ақлли.

Саросимада, тўс-тўполон ичида у мияси айниган Жералдга кўк мундирлар қандай таъсир кўрсатишини ўйлашга улгурди. Паришонхотирлик билан қўлларини қисирлатаркан, бир лаҳза жим қолди. Шу пайт Уэйд Меланининг этагига ёпишиб йиғлай бошлади ва Скарлетт ўзини ўзи бошқара олмаётганини ҳис қилди.

– Мен қандай ёрдам бера оламан, Скарлетт? – дод-войлар, пиқ-пиқлар ҳамда қадам товушлари орасида Меланининг хотиржам овозини эшитди у. Меланининг юзи бўрдан-да оқ эди, у безгак тутгандай титрарди, лекин унинг хотиржам овози Скарлетт ўзига келишига ёрдам берди: у ҳамма унга ишонаётганини ва ундан йўл-йўриқ кутаётганини тушунди.

– Сигир ва бузоқни, – тез-тез гапирди у. – Улар эски яйловда. Отни ол-да, уларни ботқоқликка ҳайда ва...

У ҳали гапини тугатмасидан Мелани Уэйднинг қўлчасини этагидан ажратди, зинадан чопиб тушаётиб этагини кўтариб олди ва от томонга югурди. Кенг ички этаклари орасидан озғин оёқлар кўриниб кетди, Мелани аллақачон эгар устида эди. Унинг оёқлари узангига хийла етмасди, аммо у жиловни йиғиб олди, отни товонлари билан ниқтади ва бирдан даҳшатдан юзи қийшайиб, отни яна тўхтатди.

– Менинг кичкинтойим! – қичқирди у. – Вой худойим, менинг кичкинтойим! Янкилар уни ўлдиришади! Уни менга олиб келиб бер!

Бир қўли билан эгар қошидан ушлаб олган Мелани эгардан сакраб тушишга тайёр эди, лекин Скарлетт бақирди:

– Чоптир! Чоптир! Сигирни ҳайдаб кет! Болага мен қарайман! Чоптир, сенга айтяпман! Наҳотки сен мени Эшлининг боласига қўл теккизишларига йўл қўяди, деб ўйласанг! Чоптирсанг-чи!

Мелани елкаси оша сўнгги марта умидсизликка тўла нигоҳ билан қаради ва яна товони билан отни ниқтади, шағал тошларни ҳар томонга сочиб, хиёбондан яйлов томонга от чоптириб кетди.

"Мелли Гамильтон эгарда эркакчасига ўтирганини кўраман, деб ҳеч ўйламовдим", бирров хаёлидан ўтди унинг ва у уй ичига отилди. Уэйд пиқиллаганча унинг ҳилпираётган этагидан ушлаб олишга уриниб, орқасидан изма-из чопиб борарди. Даҳлиздаги зинадан югуриб, икки поғонадан биттада сакраб чиқаётиб у Сьюлин билан Кэрриннинг қўлларида тўқима сават билан омборхонага шошиб кетишаётганини кўрди, Порк эса алоҳида эҳтиром кўрсатмай Жералдни тирсагидан олиб орқа эшикка судрарди.

Жералд болага ўхшаб нимадир деб жаврар ва қўлдан чиқиб кетишга уринарди.

Орқа ҳовлидан Моможоннинг хирилдоқ овози келди:

– Қани, Присси! Ертўлага туш, менга чўчқа болаларини олиб бер! Нима – тушунмаяпсанми? Ахир, ертўлага бу қорин билан мен тушолмайман-ку! Дилси, бу ёққа кел, бу танбал қизга буюр...

"Чўчқаларни ўғирлаб кетмасликлари учун ертўлага яширишни зўр ўйлаб топдим, деб ўйлагандим-а, – хаёлидан ўтказди Скарлетт ётоғига югуриб кириб. – Нима учун, ахир, нима учун уларга ботқоқликда чўчқахона қурмадим?!"

У шкафнинг юқори тортмасини бир силтаб тортди, рўмол ва дурралар орасини титиб, бор нарсаларни чиқарди. Ўзининг чеварлик буюмлари солинган саватидан шоша-пиша олмос кўзли узуги ва бриллиант шокилали зиракни олиб ҳамёнга тиқди. Уни қаерга яширса бўлади? Тўшак ичигами? Печь мўрисигами? Ёки қудуққа ташласинми? Ё бўлмаса корсажига тиқиб қўйсинми? Қалин ҳамён билиниб қолиши мумкин, унда янкилар тинтий бошлайди ва қипяланғоч қилиб ечинтиради.

"Ана ўша пайт мен ўламан!" – тушкунликка тушиб ўйлади у.

Пастдан югур-югурлар, овозлар, питир-питир қадам товушлари, кимнингдир йиғиси эшитилди. Бу тўс-тўполонларда Скарлетт ёнида Мелани йўқлигига ачинди. Унга айни пайтда хотиржам, босиқ овози билан Мелли етишмаётганди. Янки-аскар ўлдирилганда довюраклик кўрсатган Мелли йўқ эди. Меллининг бир ўзи ўн кишига татийди, Мелли... Мелли унга нима деганди? Э, ҳа! Бола!

Скарлетт ҳамённи кўксига босиб, пастгина каравотчасида жажжи Бо ухлаб ётган нариги хонага отилди. У чақалоқни қўлига олди, гўдак уйғонди ва

уйқусираб, жажжи муштчаларини силкиб йиғлай бошлади.

Скарлетт Сьюлиннинг қаттиқ овозини эшитди.

– Кетдик, юр Кэррин! Юр! Бўлди, етарлича олдик! Қани, бўл-чи, синглим, шошил!

Орқа ҳовлидан чўчқа болаларининг жон ҳолатда чийиллагани, ғазабли "хур-хур"и эшитилди, дераза ёнига югуриб борган Скарлетт икки қўлтиғига типирчилаётган чўчқаларни қисганча, пахтазор оралаб жони борича оқсаб-тўқсаб кетаётган Моможонни кўрди. Унинг ортидан, у ҳам икки чўчқачани кўтариб, олдида кетаётган Жералдни турта-турта Порк кетиб борарди. Жералд жўяклар ичида оёғи тўқишиб, ҳассасини ҳали у ёққа, ҳали бу ёққа силкитиб зўрға қадам босарди.

Скарлетт деразадан бошини чиқариб қичқирди:

– Чўчқани олиб кет, Дилси! Уни ташқарига олиб чиқишга Приссини мажбурла. Узоқроққа ҳайдаб кет!

Дилси бошини кўтарди; унинг бронза тусли юзи ташвишли эди, у кумуш идиш-товоқлар солинган пешбандининг четларидан ушлаб турарди.

– Чўчқа Приссини тишлаб олди, уни пол тагидан чиқишга қўймаяпти.

"Офарин! Ана чўчқа!" – ўйлади Скарлетт. У яна ўзининг хонасига югурди ва махфий жойдан ўлдирилган янкининг халтасидан топилган билакузуклар, тўғноғич, миниатюра ва кумуш косачани олди. Буларни қаерга яширса экан? У кичкинтой Бони кўтариб олган, бир қўлида ҳамён, иккинчисида бу матоҳлар. Скарлетт чақалоқни жойига ётқизди.

Чақалоқ йиғлашга тушди, шу пайт Скарлеттнинг миясига бир фикр келиб қолди. Чақалоқ йўргагидан кўра яхшироқ жойни ўйлаб тополмайсан. У тезда Бони қорни билан ётқизди, йўргагини ечди ва ҳамённи унинг таглиги остига тиқди. Бундай муомаладан чақалоқ баттар чинқириб йиғлай бошла-

ди, оёқларини йиғиб олди, Скарлетт эса шоша-пиша уни яна қайта йўргаклади.

"Ана энди, – ўйлади у нафасини ростлаб, – энди – ботқоқликка!

Бир қўли билан йиғлайвериб қотиб қолган чақалоқни, иккинчи қўли билан қимматбаҳо тақинчоқларни кўксига босиб, тепадаги холлга тушадиган майдончага югуриб чиқди. Бирдан унинг қадамлари секинлашди, қўрқувдан тиззалари букилиб кетди. Уй бунчалик жимжит бўлмаса! Қандай ваҳимали сукунат, гўё ҳаёт тўхтаб қолгандай! Наҳотки бирор кимса у ҳақда ўйламаган бўлса? У ҳамма кетиб қолишини, уни ёлғиз ташлаб кетишларини кутмаганди. Шу кунларда ёлғиз аёлнинг бошига ҳар қандай кўргилик тушиши мумкин... Янкилар келади...

У аллақандай паст овоздан чўчиб тушди. Кескин ўгирилиб, ҳамма унутиб қўйган ўғилчасини кўрди. У зинапояда панжарага суяниб ўтирар, нимадир демоқчи бўлар, аммо овоз чиқармай анграйиб, қўрқувдан кўзлари олайиб унга қарарди.

– Тур, Уэйд Хэмптон, – буюрди у. – Ўрнингдан тургин-да орқамдан юр. Ойинг ҳозир сени қўлида кўтариб юролмайди.

Қўрқиб кетган митти жонивордай Уэйд онасига отилди ва юзини унинг кенг этагига яширди. Скарлетт унинг паххайган этаги қатларига ўралашиб, оёқларидан ушлаб олишга уринаётганини пайқади. Скарлетт зинадан туша бошлади, бироқ ўғлининг ёпишаётган қўллари халақит бераётганди, шу боис у жаҳл билан бақирди:

– Этагимни қўйиб юбор, Уэйд! Қўйиб юбор, пастга ўзинг туш! – Аммо бола унга қаттиқроқ ёпишди.

У пастга тушаркан, ҳамма нарса устига ёпирилиб келаётгандай туюларди. Болаликдан таниш, севимли буюмлар унинг қулоғига шивирлаётгандай бўларди: "Алвидо! Алвидо!". Унинг ўпкаси тўлиб

кетди. Эллин берилиб, қунт билан ўтириб ишлайдиган кичкина хона эшиги қия очиқ эди, Скарлеттнинг кўзи қадимги секретернинг бир бурчагига тушди. Емакхонадаги стуллар ўрнидан қўзғатилган, баъзилари ағнаб ётар, стол устида эса чала ейилган овқати билан ликоплар турарди. Полда Эллиннинг ўзи бўяб тўқиган қурама шолчалар кўринди. Деворда эса Робийяр бувининг портрети: сочлари баланд қилиб турмакланган, кўкраги ярим очиқ. Яққол ажралиб турувчи бурун катаклари чеҳрасини ўта димоғдор қилиб кўрсатарди. Болаликнинг бир дунё хотиралари билан йўғрилган, қалбининг бир парчаси бўлган нарсалар унга шивирларди: "Алвидо, Скарлетт О'Хара! Алвидо!"

Янкилар келиб, ҳаммасини ёқиб юборади!

Скарлетт сўнгги марта ота уйига назар ташлади. Кейин унга фақат ўрмонда яшириниб, ботқоқликдан туриб аланга ичида қолган том қандай қулаганини ва осмонга ўрлаган тутундан қорайиб кетган мўриларни кўришгина насиб қилади.

"Мен бу ердан кетолмайман, – ўйлади у ва қўрқувдан тишлари такиллай бошлади. – Мен сени ташлаб кетолмайман, жонажон уйим. Отам кетмаган бўларди. Ахир, у янкиларга айтган-ку: уйни мен билан бирга қўшиб ёқинглар, деб. Майли, улар энди сени менга қўшиб ёқишсин, чунки мен ҳам сени ташлаб кетолмайман. Сен менинг бору йўғимсан."

Қарор қабул қилингач, қўрқув ўз-ўзидан қаёққадир чекинди, гўё қўрқув ва сўнгган умидлар муз бўлиб қотгандек, кўксида фақат даҳшатга солувчи ҳиссиёт қолди, холос. Кириш хиёбонида туёқ товушлари, узанги ва ғилофдаги қиличларнинг жангир-жунгури ҳамда:

– Отдан тушинг! – деган буйруқни эшитмагунича, у шу алфозда тураверди.

Ана шунда у оёғига ёпишиб олган болага эгилиб, қатъий, ўзига хос бўлмаган тарзда майинлик ва меҳр билан гапирди:

– Этагимни қўйиб юбор, Уэйд, болажоним! Тезроқ пастга туш, орқа ҳовлидан ўтиб ботқоқликка югур – Моможон ва Мелани амманг ўша ёқда. Тезроқ югур, жонгинам, қўрқма ҳеч нарсадан.

Бу ғайриоддий меҳрли, ёқимли, майин сўзларни эшитган Уэйд бошини кўтарди, унинг кўзларини – қопқонга тушган қуённикидай кўзларини кўрган Скарлетт қўрқиб кетди.

"Ё, Биби Марям! – ёлборди у. – Уни тутқаноқ тутиб қолишига йўл қўйма! Йўқ, йўқ, ишқилиб янкилар кўз олдида бундай бўлмасин! Биз улардан қўрқа-ётганимизни улар билмаслиги керак!" Уэйд этагига қаттиқроқ ёпишганини ҳис қилиб, Скарлетт қатъий туриб деди:

– Ўғил бола бўл, кичкинтой. Ким бўпти, манфур янкилар галаси!

Шундай деб у зинадан янкилар қаршисига туша бошлади.

Шерман ўз аскарларини Атлантадан Жоржия денгизи томонга олиб ўтаётганди. Ортида Атлантанинг бурқсиб ётган вайроналари ётарди: шаҳардан чиқиб кетаётиб кўк мундирлар уни оловга топширганди. Олдинда уч юз миляга чўзилиб, амалда ҳеч қандай ҳимоясиз ер ётар, зеро, қолган-қутган милиция ходимлари, ички мудофаа қўшинларидаги кекса чоллар ва ўсмирлар ҳисобга ўтмасди.

Олдинда ҳосилдор ерлар – аёлларга, болаларга, чолларга, негрларга бошпана бўлган экин майдонлари ястаниб ётарди. Янкилар эни саксон миля бўлган кенгликни оралаб, йўлда учраган ҳамма нарсани ёқиб, талаб борарди. Юзлаб уйлар олов исканжасида, юзлаб уйларда этикларнинг дукури эшитиларди. Аммо Скарлетт кўк мундирлар холлга қандай ки-

риб келаётганига қараб тураркан, бутун ўлканинг қисмати нега бундайлиги ҳақида ўйламасди. Унинг учун бу мутлақо шахсий иш, унга ва унинг яқинларига қарши қаратилган қасддан қилинган ёвузлик – жиноий ҳаракат эди.

Янкилар холлга бемалол бостириб кираётганида, Скарлетт чақалоқни кўтариб зинапоя ёнида турар, этаги қатларидан унинг оёғига ёпишиб олган Уэйднинг бошчаси кўриниб турарди. Айрим аскарлар бир-бирини итариб ўзларини зинадан юқорига уришди, бошқалари мебелни эшик олдига олиб чиқиб, милтиқ найзаси ва пичоқлар билан оромкурсиларнинг жилдларини ёриб, беркитилган қимматбаҳо буюмларни излай бошлашди. Юқорида ҳам партўшаклар ва кўрпа-кўрпачаларни ситишарди, тез орада ҳавода парлар учиб, гир айланиб ерга, Скарлеттнинг сочларига майингина қўна бошлади. Чорасиз қаҳр унинг кўнглидаги сўнгги таҳликани бўғиб қўйди, у ҳеч илож тополмай, атрофида қандай ўғирлик содир этишаётганини ва ҳамма нарсани ағдар-тўнтар қилишаётганини кўрганида, сержант – қийшиқоёқ, миқти гавдали, сочлари оқаринқираган, лунжида бир бўлакча тамаки – аскарларидан олдин Скарлеттга яқинлашди ва нашъа билан ерга ҳамда қисман Скарлеттнинг этагига тупуриб деди:

– Қани бу ёққа беринг-чи, ойимқиз, қўлингиздаги нима экан.

Скарлетт яширмоқчи бўлган майда-чуйда тақинчоқларни ҳалиям қўлида ушлаб турганини унутганди ва у истеҳзо ва нафрат билан, кўнглидан ўтганидек, Робийяр бувисини иснодга қолдирмаслик учун уларни ерга отиб юборди ва тақинчоқларга талашган аскарлар тўдасининг очкўзларча муштлашувидан бадхоҳ бир ҳузур туйди.

– Мана яна, рухсатингиз билан, мана бу узук ва зираклар ҳам.

Скарлетт чақалоқни қўлтиғига қаттиқроқ қисди, гўдакнинг юзи ерга қараб қолгани боис ранги жигарранг тусга кирди ва чинқира бошлади, Скарлетт эса Эллиннинг ёқут кўзли зиракларини – Жералднинг тўй совғасини қулоғидан ечди. Сўнгра Чарли никоҳ куни совға қилган зангори ёқут кўзли узукни бармоғидан олди.

– Отиб юборманг. Уларни бу ёққа беринг, – деди сержант қўлини чўзиб. – Бу муттаҳамлар аллақачон яхшигина фойдаланиб қолишди. Хўш, сизда яна нима бор? – Унинг ўткир нигоҳи Скарлеттнинг белидан юқорига қараб сирғалди.

Скарлеттнинг юраги бир сонияга уришдан тўхтади. У дағал қўллар кўксига тегаётганини, боғичларни ечаётганини ҳис қилди.

– Менда бошқа ҳеч нарса йўқ, аммо сизларда ўз қурбонини тинтиш мумкинга ўхшайди.

– Бўпти, сўзингизга ишонаман, – хушфеъллик билан деди сержант ва ўгирилиб яна бир марта тупурди. Скарлетт чақалоқни ўнглаб олди ва уни қўлида тебратиб, тинчлантира бошлади: қўли йўргакка ўралган кармонни сийпалади ва у Меланининг боласи борлиги, боланинг эса йўргаги борлиги учун худога шукроналар келтирди.

Юқориги хоналардан этикларнинг дупури, жаҳл билан сурилаётган жиҳозларнинг ғичир-ғичири, синдирилаётган чинни ва ойналарнинг жаранги, бирор нарса тополмагач, бўралаб сўкинишлар эшитиларди. Орқа ҳовлидан:

– Бу ёққа ҳайда уларни! Қўйиб юборма! – деган бақир-чақир овозлар ва товуқларнинг жон ҳолатда қоқоғлаши, ўрдакларнинг ғағиллаши ҳамда ғозларнинг ғақ-ғақи келарди. Скарлетт қаттиқ чийиллаган товушни, кейин бу товушни шартта узиб қўйган ўқ овозини эшитганида, гўё оғриқ тургандай, ғужанак бўлиб олди ва чўчқани отиб ўлдиришганини

англади. Худо олгани яхши эди бу Приссини! Чўчқани ташлаб қочиб кетибди. Ҳеч бўлмаса чўчқачалар омон қолган бўлсин-да, ишқилиб! Қани энди ҳамма ботқоқликка омон-эсон етиб олган бўлса! Аммо ҳеч нарса маълум эмас-да.

У холлда қилт этмай турар, ёнидан эса аскарлар бақириб, сўкиниб зир югуриб ўтишарди. Уэйд қўрққанидан ойисининг этагини чангаллаб олган, қўйиб юбормасди. Скарлетт унинг вужуди қандай титраётганини ҳис қилиб турар, бироқ у билан гаплашишнинг, уни тинчлантиришнинг уддасидан чиқолмасди. У бир сўз айтолмас, на ғазаб, на илтижо билан, на дўқ-пўписа билан янкилар устига ўдағайлаб боролмасди. Фақат ҳалиям оёқда тура олганидан ва бошини баланд кўтариб туришга кучи етаётганидан Яратганга шукур қиларди, холос. Аммо соч-соқоли ўсиб кетган бир тўда аскарлар қўлларига илинган нарсани кўтариб, шовқин солиб зинадан дукурлаб тушаётганида улардан бирининг қўлида Чарлзнинг қиличини кўрди, беихтиёр лабларидан қичқириқ отилиб чиқди.

Бу қилич энди Уэйдга тегишли эди. Бу унинг отасиники, илгари эса бобосининг қиличи эди. Скарлетт уни шу йил ўғлининг туғилган кунига совға қилганди. Ўшанда улар ихчамгина тадбир ўтказишган, Мелани ифтихордан, меҳр-муҳаббатдан ва ғамгин хотиралар таъсиридан йиғлаб юборган ва Уэйдни ўпиб, отаси ва бобоси сингари довюрак бўлиб ўсиши лозимлигини айтганди. Уэйд бу туҳфа билан жуда фахрланар ва тез-тез деворда осиғлиқ қилични силаб қўйиш учун стол устига чиқиб оларди. Скарлетт бегона, жирканч қўллар ўзига тегишли буюмларни олиб чиқаётганига жим қараб туришга ўзида куч топа олди. Бироқ фақат қиличга, ўғилчасининг ғурури бўлган буюмга келганда чидай олмади. Этаги қатларидан мўралаб турган Уэйд унинг қичқириғи-

ни эшитди ва сўзлаш қобилияти ҳамда журъати ўзига қайтди, қўлчаси билан қилични кўрсатиб, алам билан қаттиқ хўрсиниб йиғлади:

– Меники!

– Сиз буни ололмайсиз! – деди Скарлетт қатъий оҳангда қўлини қиличга чўзиб.

– Ололмайман? Ҳали шунақами? – деди қилични тутиб турган пакана аскар ва унга қараб сурбетларча илжайди. – Олганда қандоқ! Бу исёнчининг қиличи!

– Йўқ... Йўқ. У Мексика урушидан бери сақланади. Сиз уни олишга ҳаққингиз йўқ – бу қилич ўғилчамники. Унинг бобосига тегишли. О, капитан! – хитоб қилди Скарлетт сержантга ўгирилиб. – Илтимос, аскарингизга буюринг, менга қилични қайтариб берсин.

Рутбасининг бехос ошганидан мамнун сержант олдинга юрди.

– Қани, менга бер-чи қилични, бир кўрай, Боб, – деди у.

Пакана аскар истамайгина қилични унга узатди.

– Унинг дастаси – эфеси соф олтиндан, – деди у.

Сержант қилични қўлида айлантирди, офтоб нурлари эфесга, унинг устига ўйиб ёзилган ёзувга тушди ва у ёзувни баланд овоз билан ўқиди:

– "Полковник Уильям Гамильтонга. Полк штабидан. Жасурлиги учун. Буэна-Виста. 1847 йил".

– Ў-ҳў! – хитоб қилди сержант. – Мен ўзим ҳам Буэна-Виста яқинида жанг қилганман, леди.

– Наҳотки? – деди совуқ оҳангда Скарлетт.

– Бўлмасам-чи! Жанглар жуда шиддатли кечган, мен сизга айтсам. Бу урушда мен ўша урушдагидек тўқнашувларни кўрмадим. Демак, бу қилич мана бу болакайнинг бобосига тегишли бўлганми?

– Ҳа.

– Бўпти, қилич болада қолади, – деди у ўзига теккан ва даструмолчасига тугиб олган қимматбаҳо

тақинчоқлар, майда-чуйда безаклардан қониқиш ҳосил қилиб.

– Лекин эфес соф олтиндан, ахир, – пакана аскар ҳеч тинчланмасди.

– Биз бу қилични аёлга ўзимиздан эсдалик сифатида қолдирамиз, – ҳиринглади сержант.

Скарлетт ундан қилични олди ва ҳатто миннатдорлик ҳам билдирмади. Ҳамонки бу талончилар унга ўзининг шахсий мулкини қайтаришаётган экан, нега энди улардан миннатдор бўлиши керак? У қилични кўксига босиб турар, пакана отлиқ аскар эса ҳамон сержант билан гап талашарди.

–Э, жин урсин, ҳали бу лаънати исёнчилар мени эслашади! – дея аскар қичқирди. Ниҳоят, сержантнинг тоқати тоқ бўлиб, тортишишни бас қилишини ва бу ердан туёғини шиқиллатишини айтганида аскар орқа хоналарни тинтиш учун кетди, Скарлетт эса енгил нафас олди. Уйни ёқиб юбориш ҳақида бир оғиз ҳам гапиришмади. Уйни ёққунча бу ердан чиқиб кетишини ҳам айтишмади. Балки... балки... Аскарлар холлга йиғила бошлашди – баъзилари юқори хоналардан тушиб келишар, бошқалари ҳовлидан киришарди.

– Бирор нарса борми?

– Битта чўчқа, бир неча товуқ ва ўрдаклар.

– Озгина маккажўхори, ямс ва ловия, йўлда кўрганимиз ўша от минган ёввойи мушук буларни огоҳлантиришга улгурган, ишонинг.

– Оддий аскар Пол Ривер, сенда нима бор?

– Деярли ҳеч нарса, сержант. Бизга фақат сарқитлар қолибди. Бизнинг бу ердалигимизни атрофдагилар билиб қолмасидан тезроқ йўлга тушишимиз керак.

– Дудхонанинг тагини кўрдингми? Улар одатда ҳамма нарсани ўша ерга кўмиб қўйишади.

– Э, бу ерда дудхона йўқ.

– Негрларнинг кулбаларини-чи, тинтиб кўрдингми?

– У ерда пахтадан бошқа ҳеч вақо йўқ. Биз уни ёқиб юбордик.

Шу ондаёқ қуёш тиғи остида пахта даласида ўтган узун кунлар, чидаб бўлмас бел оғриғи, яғир бўлган елкалар Скарлеттнинг ёдига тушди... ҳаммаси зое кетди. Энди пахта йўқ.

– Негадир сизникида ҳеч нарса йўғ-а, леди?

– Аскарларингиз сизгача бу ерда бўлишган, – деди Скарлетт совуққина.

– Тўғри. Биз бу ерларда сентябрь ойида ҳам бўлган эдик, – деди аскарлардан бири бармоқларида ниманидир айлантириб. – Мен унутаёзибман.

Скарлетт аскар Эллиннинг олтин ангишвонасини томоша қилаётганини кўрди. Бу ангишвона тикиш-бичиш билан машғул бўлганда Эллиннинг бармоғида қандай ялтираб турарди! Ангишвона уни таққан оппоқ нозик қўллар ҳақидаги азобли хотираларни уйғотди. Ҳозир эса у бегона одамнинг кирчир, серқадоқ кафтида ва тез орада бу ангишвона шимолга йўл олади, аллақандай янки аёл бу ўғирлик буюм – Эллиннинг ангишвонаси билан мақтанади!

Скарлетт душманлар кўз ёшларини кўрмаслиги учун бошини хам қилди ва кўз ёшлари ёноқларидан сирғалиб гўдакнинг юзчасига тома бошлади. Кўзларини қоплаган парда орқали у аскарлар чиқиб кетишаётганини кўриб турар, сержантнинг баланд бўғиқ овозда буйруқ бераётганини эшитарди. Янкилар кетишаётганди, уй омон қолди, Эллин ҳақидаги хотиралари таъсирида эзилиб кетган Скарлетт энди қувонишга ўзида куч тополмасди. Қиличларнинг узоқлашиб бораётган жаранг-журунги ва от туёқларининг дупур-дупури унинг аҳволини енгиллаштирмади, бирдан дармони буткул қуриб, ҳамма нарсага лоқайд қараб турар ва янкилар ўғирланган ашёлар-

ни – кийим-кечаклар, кўрпа-тўшаклар, суратлар, товуқлар, ўрдаклар ва чўчқани – ортиб кетишаётгани эшитилиб турарди.

Кейин эса тутун ва куюк ҳидидан бурни ачий бошлади, у эътиборсизлик билан ўгирилди: энди у пахта билан қизиқмай қўйган, қаттиқ асабий ҳолат лоқайдлик билан алмашинганди. Емакхонанинг очиқ деразасидан у негрларнинг кулбаларидан оҳиста ўрлаётган тутунни кўрди. Бу шамолга учаётган пахта эди. Солиқ тўлашга ва қишнинг изғиринли кунларида уларни боқишга ишлатиладиган пуллар шамолга соврилаётган эди. Унинг бу пуллар ҳавога қандай учиб кетаётганига қараб туришдан бошқа иложи йўқ, уларни қутқариб қололмасди. Пахта қандай ёнишини у аввал ҳам кўрган, бундай олов билан олишиш, ҳатто бу ишга эркаклар киришса ҳам, осон бўлмаслигини биларди. Яхшиямки, кулбалар уйдан узоқда. Яхшиям шамол йўқ, олов учқуни уйнинг томигача етиб келмайди.

Тўсатдан у ўгирилиб қаради ва қотиб қолди: ўлжани пойлаб турган овчи итдек танаси таранглашди. Даҳшатдан катта очилган кўзлари билан у ошхонага бориладиган очиқ йўлакнинг тўрига қаради. Ошхонадан тутун чиқаётганди!

Югуриб бораётиб, холл билан ошхона ўртасига чақалоқни ётқизди. Уэйдни деворга итариб юбориб, унинг қаттиқ ушлаб олган қўлларидан юлқиниб чиқди, тутун тўла ошхонага югуриб кирганида дарров йўтал тутиб орқага тисарилди. Тутун кўзларини ачиштирар, юзларидан эса ёш оқа бошлаганди. Аммо у этаги билан оғзи-бурнини беркитиб олдинга интилди.

Битта кичкина дераза ғира-шира ёритиб турган ошхонада тутуннинг қуюқли-гидан бирор нарсани кўриш амримаҳол эди, лекин Скарлетт оловнинг гуриллаганини ва чарсиллаган товушни эшитди. У

кўзларини қисганча қўли билан тўсиб, тутун пардасига тикилиб қаради ва пол бўйлаб ёйилган, деворга чирмашаётган оловнинг тилларини кўрди. Кимдир ўт ёқилган ўчоғдан ёниб турган тарашаларни суғуриб олиб ошхонага сочиб кетган, пиликдек қуруқ қарағай пол оловни сувдек симириб туташиб кетганди.

Скарлетт қайта емакхонага отилди ва йўл-йўлакай иккита стулни гумбурлатиб қулатиб, гиламни чангаллади.

"Менга ёнғинни ўчириш писанд эмас, ахир... Писанд эмас, писанд эмас! Ё худойим, қани энди бирор киши ёрдам берса! Уйга ўт кетди... уй тамом бўлди! Вой худойим, вой худойим! Ўша калтаоёқ махлуқ ҳали мени эслаб юришади, деганида мана нимани ўйлаган экан. Эҳ, нега унга қилични бермадим!

Ўтиладиган жойдан югуриб бораётиб кўзи ўғилчасига тушди – у қилични кўксига босиб бурчакка тиқилиб ўтирарди. Унинг кўзлари юмуқ, юзи эса қандайдир бўшашиб, ғайритабиий осойишталик билан қотиб қолганди.

"Худойим! У ўлибди! Қўрққанидан ўлиб қолибди!" – асабийлик оқибатида туғилган фикр хаёлидан "йилт" этиб ўтди, бироқ у яна ошхона эшиги олдида доим ичимлик сувга тўла қовға турадиган жойга – йўлак охирига югурди.

У гиламчани қовғага ботириб олди ва ўпкасини ҳавога тўлдириб, яна тутундан қоронғулашиб кетган ошхонага югурди ва ортидан эшикни қаттиқ ёпди. Унга гўё бир асрдан бери йўталиб, нафаси бўғилиб ошхона ичида гир айланиб юргандай туюлди. Атрофида илондек тўлғанаётган оловни ҳўл гиламча билан ураверди, ураверди. Узун этагига икки марта ўт тушди, у ҳар гал оловни яланғоч қўллари билан ўчирди.

Турмаги бузилиб, сочлари елкалари узра ёйилиб кетган, куйган сочларнинг кўнгилни айнитувчи иси бошини айлантирарди. Аммо у қаёққа ўгирилмасин, шу заҳотиёқ олов тиллари борган сари деворларга, уйга олиб борадиган ўтиш йўлагига яқинлашиб, унинг орқа тарафида лоп этиб кўтариларди. Аланга тиллари илондек тўлғанар, унинг атрофида ўйнар ва у кучдан қолаётганини, барча уринишлари зое кетаётганини англарди.

Эшик очилди ва бостириб кирган ҳаво оқими оловни баттар кучайтирди. Эшик тарақлаб ёпилди, ёшдан кўзлари хиралашган Скарлетт тутун гирдоби ичидан Меланини кўрди: у оёқлари билан оловни тепкилар, ёнаётган полни қандайдир оғир, қора нарса билан урарди. Скарлетт унинг гандираклаётганини кўриб турар, йўталаётганини эшитарди, бир сония кулранг парда орасидан унинг рангпар, ҳаяжонли юзи, тутундан қизарган кўзлари кўринди. Иккови ёнма-ён туриб олов билан олишгунича яна бутун бир аср ўтди ва ниҳоят Скарлетт олов тиллари қирқилиб бораётганини, заифлашаётганини сеза бошлади. Шу пайт Мелани тўсатдан ўгирилиб у томонга қаради ва қичқириб юборди, кейин бор кучини йиғиб унинг орқасига гилам билан урди. Скарлетт гандираклади ва қаёққадир қоп-қоронғу тутун қаърига учиб кетди.

У кўзини очиб, орқа эшик олдида ётганини, боши Меланининг тиззаларида турганини кўрди. Юзига шом олди қуёшининг нури тушиб турарди. Қўллари, юзи, елкалари қаттиқ ачишарди. Негрларнинг кулбаларини ҳалиям тутун булутлари ўраб турар, тутун атрофдаги ҳамма нарсани қоплаб борар, ҳаводан эса нафасни бўғувчи куйган пахта иси келарди. Скарлетт ошхонадан чиқаётган паға-паға тутунни кўриб, ўша ёққа югуриб бормоқчи бўлиб ўрнидан сакраб туришга уринди, лекин Мелани уни тўхтатиб, деди:

– Тинч ёт, азизам! Ёнғин ўчирилди.

Бир дақиқача у кўзларини юмиб, енгил нафас олиб қимирламай ётди ва қаердадир ёнгинасида Бонинг тинчгина пишиллаётгани ва Уэйднинг ҳиқиллаётганини эшитди. Демак, у тирик, худойим, ўзингга ҳамду санолар бўлсин! У кўзларини очиб, Меланига қаради. Унинг сочлари куйган, юзлари куя тегиб қорайган, аммо кўзлари ҳаяжондан чақнар, ўзи эса жилмаярди.

– Сен негрга ўхшаб қолибсан, – минғиллади Скарлетт ўзи учун ёстиқ вазифасини ўтаётган тиззалар орасига ҳорғинлик билан бошини чуқурроқ ботириб.

– Сен эса "Минстрел шоу"[6] нинг персонажига ўхшайсан.

– Нега сен мени урдинг?

– Шунинг учунки, азизам, кўйлагингнинг орқаси ёна бошлаганди. Сени ҳушдан кетади, деб ўйламовдим, гарчи, худо шоҳид, бугун сен шу қадар кўп воқеани бошдан кечирганингдан кейин у дунёга равона бўлишинг мумкин эди. Молларимизни ўрмонга олиб кириб боғлаганим ҳамоно уйга югурдим, бу ерда чақалоқ билан бир ўзинг қолганингни ўйлаб, сал бўлмаса ўлиб қолай дедим. Бу... янкилар сени хафа қилишмадими?

– Улар номусингга тегишмадими, демоқчимисан? Йўқ, – ишонтирди уни Скарлетт ва ўтирмоқчи бўлиб инграб юборди. Гарчи боши нисбатан қулай – Меланининг тиззаларида бўлса-да, танаси полда чўзилиб ётгани у қадар ёқимли эмасди. – Аммо улар ҳамма, ҳамма нарсани ўғирлаб кетишди. Бизнинг энди ҳеч нарсамиз қолмади... Қизиқ, сен нега бунча хурсанд бўляпсан?

---

[6] XIX аср ўрталарида машҳур бўлган эстрада томошалари.

– Биз бир-биримизни, болаларимизни йўқотмадик, бизнинг бошпанамиз бор, – деди Мелани, унинг овози қувноқ ва жарангдор эди. – Бизнинг замонимизда бундан ортиғини орзу қилмаса ҳам бўлади... Худойим, Бо ҳўл бўлиб ётганга ўхшайди. Янкилар эса, шубҳасиз, тагликларни ҳам олиб кетишгандир? Ой! Скарлетт! Унинг тагида нима бор?

У қўрқа-писа қўлини таглик остига тиқди ва у ердан ҳамённи олди. Бир дақиқача унга шундай қараб турдики, бу буюмни у гўё биринчи марта кўриб тургандек, кейин эса ўзини тутолмай, сал бўлмаса жазавага тушиб, хохолаб кулиб юборди.

– Бу иш дунёда сендан бўлак бирор одамнинг хаёлига келмайди! – хитоб қилди у ва Скарлеттнинг бўйнидан қучоқлаб ўпди. – Сен дунёдаги энг ғаройиб хилқатсан, сенга ўхшаш сингил ҳеч кимда йўқ.

Скарлетт унинг қучоқлашларига қаршилик қилмади: у қаттиқ чарчаганидан ҳол-беҳол эди, мақтов унинг иззат-нафсига ёқимли таъсир кўрсатди, боз устига – тутундан ҳавоси кўкимтир тусга кирган ошхонада унинг қалбида қайинэгачисига эҳтиром туйғуси мустаҳкамланди ва дўстона яқинликка ўхшаш бир нарса туғилди.

"Ундан бир хислатни тортиб ололмайсан, – тан олмай иложи йўқ эди Скарлеттнинг, – мабодо ёрдам керак бўлиб қолса, Мелани ҳамиша ҳозиру нозир".

XXVIII боб

Ҳаво бирдан кескин совиб кетди ва изғиринли кунлар бошланди. Эшикларнинг тагидан изғирин шамол кириб турар, лиқиллаб қолган дераза ойналари эса бир маромда зирилларди. Дарахтлар шохидаги сўнгги япроқлар айланиб учар, фақат совуқ ва қоп-қора улкан қарағайлар ўз ясан-тусанини йўқотмай бўздек оқарган осмон остида кўкка бўй чўзиб

турарди. Ўйдим-чуқур, қизғиш лойли йўллар музлаб ётар, очлик эса Жоржияни ўз домига тортарди.

Скарлетт Фонтейн буви билан сўнгги суҳбатни алам билан эслади. Ўша куни – бундан икки ой илгари – гўё узоқ ўтмишда қолиб кетгандай туюлган кун у кекса хонимга энг ёмони ортда қолди, деб айтганди, чин юракдан айтганди. Ҳозир эса бу гап болаларча муболағага айланди. Шерман аскарлари иккинчи бор Тара орқали ўтган кунгача ҳали унда озгина бойлик – бир оз озиқ-овқат ва бир оз пул, қўли очиқ қўшнилар ва баҳоргача чидаб туришга асқотадиган пахта бор эди. Энди эса на пахта, на озиқ-овқат бор, пуллар ўз қадрини йўқотган, чунки бу пулларга бирор нарса харид қилиб бўлмас, қўшнилари бошдан кечираётган муҳтожлик уникидан кам эмасди. Унда, ҳеч қуриса, сигир бузоғи билан, от ва бир нечта чўчқа болалари қолганди, қўшниларда эса шуям йўқ – борйўғи кўмишга ёки ўрмонга яширишга улгуришган озгина озиқ-овқат бор эди, холос.

Янкилар Тарлтонлар қўрғони – Гўзал тепаликларнинг кулини кўкка совуришган, миссис Тарлтон тўрт қизи билан бошқарувчининг уйига кўчиб ўтганди. Лавжой атрофида жойлашган Манролар уйини ҳам ер билан битта қилиб ташлашганди. Мимозада уйнинг ёғочдан қурилган қаноти куйиб кетган, бинонинг асосий қисми эса сувоғи қалинлиги ва Фонтейнларнинг аёллари ва негрлар олов билан қаттиқ олишгани туфайли асраб қолинганди. Янкилар бу гал ҳам фақат Калвертларнинг қўрғонига шафқат қилишди: офатдан тағин шимоллик бошқарувчи Хилтоннинг аралашуви қутқарди, аммо плантацияда на бирор жонивор, на битта маккажўхори сўтаси қолди.

Тара олдида, бутун округда бўлганидек, бир масала кўндаланг турарди: қандай қилиб егулик топса бўлади? Кўп хонадонларда ўрмондан тутиб кели-

надиган ёввойи паррандаларни айтмаса, ямс ва ерёнғоқ ҳосилининг сўнгги қолдиқларидан бўлак ҳеч вақо қолмаганди. Одамлар ўзида борини омон-омон кунлардагидек егулиги қолмаётган кишилар билан баҳам кўришарди. Аммо тез орада бўлишадиган нарсаям қолмади.

Поркнинг омади чопган кунларда Тарадагилар қуён гўшти ёки оппоссум ё бўлмаса чўртанбалиқ еб қолишарди. Бошқа пайтларда бир ҳўплам сут, гикорь ёнғоғи, қовурилган эман ёнғоғи ва ямс билан қаноатланишарди, холос. Очлик ҳисси уларни тарк этмасди. Скарлеттга ўзи томон чўзилган қўлларни, ўзига тикилган илтижоли нигоҳларни кўрмаслик учун қўлидан ҳеч нарса келмайдигандай туюларди. Бу ҳол уни ақлдан оздирар, ахир, у ҳам бошқалар сингари оч эди.

У бузоқни сўйишни буюрди, чунки бузоқ бебаҳо сутни қолдирмай эмиб қўярди. Шу куни оқшом Тара аҳли янги бузоқ гўштидан тўйиб еб, касал бўлиб қолди. Скарлетт ҳеч бўлмаганда битта чўчқа боласини сўйиш кераклигини билар, аммо чўчқа болаларидан қимматбаҳо она чўчқаларни кўпайтириш умидида бу ишни орқага сургани-сурган, чўчқачалар ҳали жудаям майда эди-да. Ҳозир уларни сўйишдан наф йўқ – ейдиган эти бўлмаса, мабодо боқиб парваришласа, ҳар қалай, бинойидай гўшт, ёғ олса бўлади. Кечалари у Мелани билан агар Поркнинг қўлига пул бериб, отда бирор ёққа жўнатсак-чи, деб маслаҳатлашарди. Лекин ундан отни ҳам, пулни ҳам тортиб олиб қўйишларидан қўрқиб, бунга журъат қилолмасди. Ҳозир янкилар қаердалигини ҳеч ким билмасди. Улар Тарадан минг миля узоқликда ҳам ёки дарёнинг нариги тарафида ҳам бўлиши мумкин. Бир куни иложсизликдан ич-этини еяётган Скарлетт егулик топиб келиш учун йўлга отлана бошлади,

аммо уйдагиларнинг дод-войлари уни бу ниятидан қайтишга мажбур қилди.

Порк теварак-атрофга дайдиб кетар, баъзан, чамаси, анча узоққа кетар, чунки фақат тонгга яқин қайтарди. Скарлетт ҳам ундан қаерга йўқолганини сўрамасди. Гоҳида у ёввойи ўрдак, гоҳида эса бир нечта маккажўхори сўтаси ёки бир халта нўхат топиб келарди. Бир куни у уйга хўроз кўтариб келди ва уни ўрмондан тутиб олганини айтди. Хўрозни жуда катта иштаҳа, аммо бир оз хижолат чекиб паққос туширишди, чунки ҳамма яхши биларди: Порк нўхат билан маккажўхорини қандай ўмарган бўлса, хўрозни ҳам шундай ўғирлаганди. Шу воқеадан кейин кўп ўтмай бир куни кечаси Порк ҳамма уйқудалигида Скарлеттнинг эшигини тақиллатди ва уялиб, ўзига сочма ўқ текканини кўрсатди. Скарлетт унинг ўқ теккан оёғини боғлаб қўйгунича, у хижолат тортиб Фейетвиллда бировнинг товуқхонасига кирмоқчи бўлганида отишганини айтди. Скарлетт кимнинг товуқхонаси эди, деб сўрамади, фақат меҳр билан Поркнинг елкасига қоқиб қўйди ва кўзларида ёш ҳалқаланди. Баъзида негрлар унинг ғашига тегарди, лекин бундай садоқатни пулга сотиб олиб бўлмайди, ахир! Ҳозир уларнинг бари – оқлар ҳам, қоралар ҳам бир оила аъзоларидай бўлиб қолишган, негрлар ҳам дастурхонда ҳаммага етарли егулик бўлсин, деб ҳаётларини гаровга қўйишлари мумкин эди.

Бошқа пайтларда Поркнинг майда ўғирликларига жиддийроқ қараб, балки унга камида қаттиқ танбеҳ беришга тўғри келарди. "Азизам, ҳеч қачон, – дерди Эллин, – худо сенинг қарамоғингга ишониб топширган қора қулларнинг тан-жони соғ бўлиши учун жавобгар эканлигингни унутма. Сен уларнинг худди болага ўхшашларини, уларга худди гўдакка қарагандай доимо кўз-қулоқ бўлиб туриш лозимлигини тушунишинг керак, ҳамма нарсада уларга ибрат бўлишинг шарт."

Лекин ҳозир Скарлетт Эллиннинг ўгитларини эсламасликка уринарди.

Ўзидан-да оғирроқ муҳтожликни бошидан кечираётгани эҳтимолдан холи бўлмаган кишилар жабр кўрган бу ўғирликни тақдирлар экан, Скарлеттнинг виждони қийналмади. Бу хатти-ҳаракатнинг маънавий жиҳати уни ташвишга солмади. Поркнинг таъзирини бериш ёки ҳеч бўлмаганда уялтириш ўрнига, уни сочма милтиқдан отишганига ачинди, холос.

– Эҳтиётқорроқ бўлишинг зарур, Порк. Биз сендан ажралиб қолишни истамаймиз. Сендан ажралиб қолсак нима қиламиз? Сен доим энг яхши садоқатли хизматкор бўлгансан, яна озроқ пул топсак мен сенга каттакон тилла соат сотиб оламан ва унга Тавротдан бирор оят ёздираман. Масалан, "Фидокорона хизматлари учун" деб.

Хурсандликдан Поркнинг оғзи қулоғига етди ва бинт билан бойланган оёғини силаб қўйди.

– Жуда яхши гап айтдингиз, мисс Скарлетт. Лекин бу пулларни қачон топаман, деб ўйлайсиз?

– Билмадим, Порк, аммо, бир иложини қилиб, албатта топаман! – У Поркка паришонхотирлик билан қараб турар, нигоҳида чуқур алам ва дард бор эди, Порк безовта бўлиб жунжикди. – Вақт-соати келиб, уруш тугагандан сўнг менинг кўп, жуда кўп пулим бўлади, мен ҳеч қачон очлик, совуқ нималигини билмайдиган бўламан. Яқинларим ҳам, хизматкорларим ҳам. Ҳаммамиз чиройли кўйлаклар кийиб юрамиз, ҳар куни қовурилган жўжа гўшти еймиз, ва...

У гапини охиригача гапиролмади. Тарада Скарлетт ўрнатган ва сўзсиз бажарилишини ўзи доимо сергаклик билан назорат қиладиган қоидалардан бири шундай эди: ҳеч ким бир пайтлар ўзи еган таомларни минбаъд эсламаслиги, мабодо шундай имконият туғилиб қолса, ҳозир ўзи егиси келаётган таом ҳақида гапирмаслиги шарт.

Порк хонадан секин сирғалиб чиқиб кетди. Скарлетт эса ҳануз бўшлиққа тикилиб, қовоғини уйганча турарди. Ўтмишга айланган қайтиб келмас замонларда ҳаёт шу қадар ранг-баранг, шу қадар мураккаб ва ҳаяжонли муаммоларга тўла эдики! Хушторларининг биттасини ҳам йўқотмай туриб, Эшлининг муҳаббатини қандай қозониши мумкин, қандай қилса уларни ғамга ботган ҳолда аввалгидек изидан эргашишга мажбурлай олади? Одоб-ахлоқ бобида йўл қўйган кичик гуноҳларини катталардан қандай яширса бўлади? Қандай қилиб кунчил дугоналарининг жиғига тегади ёки кўнглини овлайди... Кўйлакка қанақа мато танлаши ва қай бичимда тикиши мумкин, соч турмагининг қанақасини танлагани маъқул... Оҳ, қанчадан-қанча ечиши зарур бўлган муаммолар бор эди-я! Ҳозир эса ҳаёт ҳайрон қоларли даражада соддалашиб кетди. Энди очдан ўлмаслик учун етарлича егулик, совуқда қотиб қолмаслик учун иссиқ кийим-кечак, тепангдан чакки ўтмайдиган томга эга бўлиш – энг муҳими шулар эди.

Шу кунларда Скарлетт илк маротаба босинқираб алоқ-чалоқ тушлар кўрадиган бўлди ва бу ҳолат уни кўп йиллар таъқиб қилди. Бу айнан бир хил туш эди, унда ҳеч нарса ўзгармас, фақат қўрқув тобора кучайиб борар ва ҳатто бедор пайтларида ҳам тунда босинқираш яна такрорланишини кутиш уни қийнарди. Бу алоқ-чалоқ тушдан олдин рўй берган воқеалар унинг хотирасига чуқур ўрнашиб қолганди.

Бир ҳафтадан буён совуқ ёмғир ёғар, намхуш елвизак уйнинг у ёғидан бу ёғига елиб турарди. Ўчоқда ҳўл тарашалар иссиқлик бермас, тутаб ётарди. Уйда эрталабданоқ сутдан бошқа бирор ейдиган нарса қолмаган, ғамланган гўшт тугаган, Поркнинг тузоқ ва қармоқларига бу гал ўлжа илинмаганди. Эртаси куни чўчқачалардан бирини сўйиш мўлжалланган, бўлмаса ҳамма яна овқатсиз қолиши тайин эди. Оч-

ликдан силласи қуриган оқ ва қора чеҳралар егулик сўраб ҳар бурчакдан Скарлеттга сассиз қараб турардилар. Отдан айрилиш хавфи шубҳасиз бўлса-да, таваккал қилиб, Поркни озиқ-овқат сотиб олиш учун жўнатишга тўғри келди. Шунча кўргуликлар етмагандай, Уэйд иситмалаб ётар ва томоғи оғриётганидан шикоят қиларди, аммо на доктор, на дори-дармон бор эди.

Оч-наҳор, қийналиб кетган Скарлетт Уэйдга қараб туришни Меланига топшириб, бир оз мизғиб олиш учун ётди. Қўрқув ва умидсизликдан юракбағри эзилган, оёқлари музлаб кетаётганини ҳис қилган Скарлетт ухлашга беҳуда уринар, у ёнбошидан бу ёнбошига ағдариларди. Фақат битта ташвишли ўй унинг миясини пармаларди: "Нима қилсам экан? Ўзимни қаёққа урай? Наҳотки бу оламда менга ёрдам берадиган бирорта одам топилмаса? Шу қадар ишончли, шу қадар мустаҳкам бўлиб туюлган нарсалар наҳот бирпасда чиппакка чиқса? Наҳотки бу оғир юкни унинг елкасидан оладиган кучли ва донишманд бир инсон йўқ? Бу оғир юкни кўтаришга ортиқ унинг қурби етмайди! Бу дунёга у бунинг учун келмаган". Шундай ўйлар билан у оғир, беҳаловат уйқуга кетди.

Тушида бегона мамлакатда эмиш; туман гирдобида чирпирак бўлиб айланармиш, туман шу қадар қуюқ эканки, у ҳатто ўз қўлини ҳам кўролмасмиш. Замин чайқалиб, оёқлари остидан қочаркан. Атрофдаги нарсалар шарпага айланган, хаёлий ва қўрқинчли эмиш. Теварак ниҳоятда жимжит, ақл бовар қилмайдиган даражада жимжитки, у ўзини ўрмонда адашган боладек паришон ва ожиз ҳис қиларди. У очликдан қийналар, совуқдан қалтирар, қаердадир ёнгинасида, туман ичида яшириниб турган бир нарсадан шундай қўрқардики, бақириб юборгиси келар, аммо... Туман ичидан қандайдир махлуқлар у томон

чўзилар, кимнингдир қўллари индамай, шафқатсизларча унинг этагидан тутишга ва ўз ортидан оёғи остида чайқалаётган ер қаърига судраб кетишга уринарди. Шу он у кутилмаганда ғира-шира қоронғулик ичида қаердадир илиқ, ишончли бошпана, осуда гўша борлигини пайқади. Лекин қаерда? Бу қўллар уни билқиллаб ётган қум қаърига тортиб кетмасидан олдин ўша ерга етиб бора оладими?

Ногаҳон у ақлдан озгандек туман ичида югуриб кетаётганини, югураётиб йиғлаётганини, қичқираётгани ва қўлларини чўзиб ниманидир ушлаб олишга интилаётганини, аммо чор-атрофда фақат бўшлиқ ва нам туманни кўрди. Қани, ахир, ўша бошпана? Бошпана ундан ўзини олиб қочар, лекин у шу атрофда, уни туман яширганди. Қани, энди топа олса! Ўшанда у нажот топган бўларди! Аммо қўрқувдан тиззалари букилиб кетар, очликдан боши айланарди. У жон талвасасида қичқириб юборди. Кўзларини очди ва устига эгилиб турган Меланининг ташвишли юзини кўрди, Мелани уни уйғотишга уриниб елкасидан ушлаб силкитарди.

Бу туш ҳар гал оч қорин билан ухлагани ётганида такрорланарди. Бундай ҳолат тез-тез бўлиб турарди! Бу тушнинг такрорланишидан у қаттиқ қўрқар, гарчи тушнинг ҳеч қандай қўрқинчли жойи йўқлигига ўзини ҳарчанд ишонтирмасин, ётиб ухлашга ботинолмасди. Мутлақо қўрқинчли жойи йўқ – туман бўлса туман-да, бунинг нимаси қўрқинчли? Қўрқадиган ҳеч нарса йўқ... Шундай бўлса-да, у яна қандайдир номаълум ўлкада, яна ўша туман ичида қоламан, деган фикрдан ваҳимага тушиб, агар яна инграсам, туш таъсирида алаҳсирасам, Мелани уйғотади, деб унинг ётоғида тунай бошлади.

Асабийлик унга таъсир қилди: озиб кетди, юзидаги қизиллик йўқолди. Лўппи юзидаги аввалги ёқимли силлиқлик ҳам энди йўқолган: юзлари салқиган,

ёноқ суяклари туртиб чиқиб турар ва зангори қийиқ кўзлари ёввойи оч мушукни эслатарди.

"Ҳаёт кундуз куни ҳам ёмон тушга ўхшайди, бунинг ўзи камдай, кечалари ҳам тушлар мени қийнамаса-чи!"– тушкунликка тушиб ўйлади Скарлетт ва кундуз истеъмол қиладиган егуликлардан бир қисмини уйқудан олдин ейиш учун ажрата бошлади.

Рождество арафасида Фрэнк Кеннеди озиқ-овқат йиғадиган кичик отряди билан армия учун лоақал озгина дон ва гўшт топишдан беҳуда умидвор бўлиб лўкиллаб Тарага келиб қолди. Озиб-тўзиб кетган, йиртиқ-ямоқ кийимдаги аскарлар дайдиларга ўхшар, отлари ҳам майиб-мажруҳ, қоринлари шишган – жанговар ҳаракатларга яроқсизликлари боис бу гуруҳга тушиб қолишгани аниқ эди. Одамлар ҳам худди отлари сингари – Кеннедидан бошқа ҳаммаси – заҳирага чиқарилган майиб-мажруҳлар эди: кимнингдир бир қўли йўқ, кимдир бир кўзидан ажралган, кимнингдир тиззаси букилмайди. Деярли ҳаммасининг эгнида ҳалок бўлган янкилардан ечиб олинган кўк мундир бор эди, Тара аҳли Шерман аскарлари бостириб келди деб ўйлаб, бир неча лаҳза даҳшатдан қотиб қолди.

Отряд Тарада бир кеча тунади: меҳмонхонага жойлашиб олишгач, ҳаммалари юмшоқ гилам устида ҳузур қилиб чўзилишди – ахир, улар бир неча ойдан бери очиқ осмон остидаги тақир ерда – агар нинабаргли тўшама бўлса, янаям яхши – ухлашарди-да. Жулдур уст-бошлари ва кир-чир соқол-мўйловларига қарамай, улар тарбия кўрган кишилар эди, завқланиб гурунглашар, ҳазиллашишар, луқма отишар ва Рождество арафасини ўтган замонлардагидек катта уйда, гўзал аёллар даврасида ўтказишаётганидан бениҳоя хурсанд бўлишарди. Улар уруш тўғрисида жиддий суҳбатлашишни исташмасди, хонимларни кулдириш ва талон-тарож қилинган,

харобага айлантирилган уйга бир оз бўлса-да байрамона кайфият ва хурсандчилик олиб кириш ниятида ўйлаб ўтирмай ёлғон гапиришарди.

– Ҳаммаси худди бурунгидай, бизникига меҳмонлар келиб турган пайтлардагидай, тўғрими, – хурсанд бўлиб пичирлади Сьюлин Скарлеттнинг қулоғига. Сьюлин хушторини уйида кутиб олаётганидан еттинчи осмонда учиб юрар ва Фрэнк Кеннедидан кўзини узмасди. Жуда озғинлигига қарамай Сьюлиннинг анча ёқимли кўриниши мумкинлигини сезган Скарлетт ҳайратда эди. Юзлари қизарди, нигоҳлари майинлашди, кўзлари порлади.

"Чинданам у Фрэнкка бефарқ эмас, шекилли, – нописандлик билан кўнглидан ўтказди Скарлетт. – Мабодо эрга тегса, хийла ақли расо одамга айланади, гарчи мана бу Фрэнкдай қари интендантлик хизмати каламушига тегса ҳам".

Шу оқшом ҳатто Кэрриннинг ҳам бир оз чеҳраси очилган, одамларга бефарқ қарамасди. Маълум бўлишича, аскарлардан бири Брент Тарлтонни биларкан, ҳатто ҳалок бўлган куни кўрган экан, Кэррин ҳам кечки овқатдан сўнг ўша аскар билан юзма-юз ўтириб батафсил гаплашиб олишга қарор қилди.

Кечки овқат устида Мелани ҳаммани ҳайрон қолдирди: у тортинчоқлигини енгиш учун ўзида куч топа олди ва кайфи чоғ бўлиб ўтирди. У кулар, ҳазиллашар, ва айтиш мумкинки, бир кўзли аскарга хийла ноз-карашма ҳам қилар, аскар эса унга жавобан жон-жаҳди билан назокатли бўлишга уринарди. Ҳар қандай эркак олдида уятчанлик азобидан қийналадиган Меланига бу ҳол руҳий ва жисмоний жиҳатдан нечоғли қимматга тушаётганини Скарлетт тушунарди. Боз устига, касалликдан сўнг у ҳали тўла-тўкис соғаймаганди. Тўғри, ўзи ўжарлик билан бутунлай соғайдим, деб таъкидлар, ишда эса ҳатто Дилсиниям ортда қолдирар, лекин Скарлетт ҳали

унинг дардмандлигини биларди. Оғирроқ нарсани кўтарса юзлари оқариб кетар, баъзан эса жисмоний зўриқишдан сўнг бехосдан оёқлари чалишиб кетгандай ерга ўтириб қоларди. Аммо бугун Мелани, худди Кэррин ва Сьюлин каби, арафа куни аскарлар зерикиб қолмаслиги учун бор кучини ишга солди. Фақат Скарлетт меҳмонлар келганидан хурсанд эмасди.

Ерёнғоқ, печда димлаб қуритилган нўхат ва олмадан иборат кечки овқатни Моможон тантана билан дастурхонга тортганида, отряд ҳам қовурилган маккажўхори, қовурғачалар билан ўз ҳиссасини қўшди, шундан сўнг меҳмонлар қачондан бери бундай таомларни тановул қилишмаганини айтишди. Скарлетт эса уларнинг овқатланаётганига қараб, алланечук беҳузур бўлиб ўтирарди. Улар оғизларига солаётган ҳар бир луқмага унинг нафақат ичи ачир, балки яқинда Порк чўчқа боласини сўйганини бирорта меҳмон билиб қолиб, туйқусдан кириб келишидан хавотирланиб, ўзини игна устида ўтиргандай ҳис қилаётганди. Ҳозир чўчқа боласининг гўшти яхлит омборхонада илинган турар, Скарлетт эса қовоғини солиб, хонадондагиларнинг бирортаси бу ҳақда меҳмонлар олдида оғиз очса, ё бўлмаса сўйилган чўчқачанинг ботқоқликдаги қўтонга қамалган ака-укалари, опа-сингиллари ҳақида эслашга ботинса, нақд кўзини ўйиб олишини айтиб, пўписа қилди. Оч аскарлар чўчқани бир ўтиришда еб битиришади, тирик чўчқалар борлигини билиб қолишса, армия учун мусодара қилишади. У сигирни ҳам, отни ҳам ўйлаб хавотирга тушар, уларни ботқоқликка ҳайдамай, ўрмон ёқасидаги қўтон четига боғлаб қўйганидан афсусланарди. Мабодо отряд мол-ҳолни олиб қўйса, уйдагилардан ҳеч ким баҳоргача тирик қолмайди. Бу талафотнинг ўрнини тўлдиришнинг иложи бўлмайди. Армия нима билан озиқланиши уни ташвишга солмасди. Армия кучи етганча ўзини

ўзи боқсин. Шусиз ҳам ўзига кўз тикиб турган оғизларни тўйдириш унга осонмас.

Меҳмонлар ҳазми таом учун халталаридан "шомполчалар" чиқариб тортиқ қилишди, Скарлетт эса шаънига битлардан кўра кам ҳазил тўқилмаган конфедератлар армияси фронт озиғининг бу янгича турини ўз кўзи билан кўрди. Бу қандайдир ёниб кўмирга айланган спиралга ўхшаш тараша бўлагини эслатарди. Меҳмонлар қўймай Скарлеттдан бир тишлам татиб кўришини сўрашди ва ниҳоят у татиб кўришга журъат қилганида, кўмирдай қора юза остида тузсиз зоғора нон борлигини билди. Аскарлар маккажўхори унидан ўз улушларини сувга қориб, борича туз қўшиб, шомполга қуюқ хамир суртиб, гулханда пиширib олишарди. Ундан обакидандондек қаттиқ, қириндидек бемаза бир нарса ҳосил бўларди. Скарлетт ҳам егуликка зўрға тишини ботираркан, кулгилар остида уни қайтариб беришга шошилди. Меланининг кўзига кўзи тушганда унда ўз шахсий фикрларини ўқиди: "Улар бундай ночор емак билан қандай жанг қилишлари мумкин?".

Шундай бўлса-да, зиёфат қувноқ давом этар ва ҳатто стол тўрида паришонхотир ўтирган Жералд ҳам ўзининг хиралашган онги тубидан меҳмондўст соҳиб ўзини қандай тутиши кераклиги ҳақидаги узуқ-юлуқ хотираларни тортиб чиқаришнинг иложини топган ва журъатсизгина жилмаярди. Эркаклар гапирар, аёллар табассум билан очилиб-сочилиб ўтиришар ва қандай бўлмасин меҳмонларнинг кўнглини топишга уринишарди, аммо Скарлетт мисс Питтипэтнинг соғлигини сўраб билиш учун даъфатан Фрэнк Кеннедига ўгирилганида, унинг юз ифодасидан ҳайратга тушиб, шу заҳоти ниятини унутди.

Фрэнк энди Сьюлинга кўз узмай қарашни бас қилган – унинг нигоҳи хона ичида Жералднинг паришон чеҳрасидан гилам тўшалмаган яланғоч ерга,

токчасида одатий майда-чуйдалар кўринмаётган каминга, аскарлар найза билан ёриб ташлаган кресло қопламалари ва туртиб чиқиб қолган симларига, сервант устидаги синиқ ойнага, талончилар келгунга қадар суратлар илиниб турган деворларга ёпиштирилган гулқоғозларнинг бурчакларига, чор-ночор тузалган дастурхонга, хонимларнинг эҳтиётқорлик билан ямалган, бироқ тўзиб адо бўлган кўйлакларига, Уэйднинг қопдан тикилган кийим-бошига кўчиб юрарди...

Ўзи билган бу уй илгари қандай бўлгани Фрэнкнинг эсига тушган, унинг ҳорғин юзида азоб-уқубат ва ожизона ғазаб акс этарди. Фрэнк Сьюлинни севар, унинг опа-сингиллари ҳам унга ёқар, Жералдни ҳурмат қилар ва бу оилага бутун борлиғи билан боғланиб қолганди. Шерманнинг Жоржияга уюштирган вайронкор босқинидан сўнг армия учун керакли маҳсулотлар йиғиб, штатни айланиб юрган пайтларида қанча-қанча даҳшатли манзаралар Фрэнкнинг кўз ўнгидан ўтган, бироқ уларнинг ҳеч бири унинг юрагини хонавайрон бўлган бу макон сингари чуқур яраламаган эди. Фрэнк О'Харалар оиласи, айниқса, Сьюлин учун нимадир қилишни астойдил истар, аммо уларга ҳеч қандай ёрдам беролмаслигини тушунарди. У қаттиқ ачиниш ҳисси билан чуқур ўйга толиб, бошини чайқар, мўйловларини ҳурпайтириб, тилини такиллатарди. Кўзлари кутилмаганда Скарлеттнинг кўзлари билан тўқнашди ва унинг ғазабдан қизариб кетганини пайқаб хижолат тортиб товоққа қаради.

Хонимлар янгиликларни эшитиш истагида ёнарди. Атланта қулаганидан буён, мана, тўрт ойдирки, почта ишламас, Тарадагилар ҳозир янкилар қаердалиги, конфедератлар армияси қандай жанг қилаётгани, Атлантада нима воқеалар содир бўлаётгани, таниш-билишлари ва дўстларининг тақдири қандай

кечганидан мутлақо бехабар эди. Хизмат тақозоси билан бутун округни айланиб юрган Фрэнк ҳар қандай газетанинг ўрнини босар, чунки Мейкондан Атлантагача деярли ҳаммани танирди, бунинг устига кўпчилик билан қариндош, одатда, газетада ёритилмайдиган кўпгина қизиқарли тафсилотлар ва ғийбатларни гапириб бериши мумкин эди. Ҳозир эса Скарлеттнинг қарашидан эсанкираб қолганини яшириш учун шоша-пиша янгиликларни айтиб бера бошлади. Шерман ўз қўшинини олиб чиқиб кетганидан сўнг конфедератлар армияси Атлантани қайта эгаллаган, лекин бу ютуқ энди ҳеч қандай қимматга эга эмас эди, чунки янкилар ёниши мумкин бўлган ҳамма нарсани ёқиб бўлишганди.

– Лекин менга Атлантани биз у ердан қочаётган куни ёқишгандай туюлувди! – таажжубланиб хитоб қилди Скарлетт. – Менга шаҳарни чекинаётиб ўзимизникилар ёққандай туюлганди.

– Э йўқ, мисс Скарлетт, – унинг гапидан қаттиқ ажабланган Фрэнк эътироз билдирди. – Биз ҳеч қачон, агар одамлар қолган бўлса, ўз шаҳримизни ёқмаганмиз. Сиз ёнғинни кўргансиз, лекин ҳарбий озиқ-овқат омборлари ва пўлат қуйиш заводлари ёнганди ўшанда – уларни душман қўлига тушмаслиги учун ёқишганди. Шу, холос, бундан бошқа ҳеч нарса ёқиб юборилмаган. Шерман шаҳарни олганида турар жойлар ва дўконларга мутлақо олов тегмаганди. Шерман бу уйларга аскарларини жойлаштирди.

– Одамлар-чи, уларга нима бўлди? У... у одамларни ўлдирдими?

– Кимларнидир ўлдирди, лекин ўқ билан эмас, – қайғуга ботиб жавоб қилди бир кўзли жангчи. – Шерман Атлантани эгаллагач, дарҳол ҳокимга аҳоли шаҳарни тарк этиши кераклигини буюрган – бирор-бир тирик жон қолмасин, деган. Шаҳарда эса ўз оёғи билан чиқиб кетишга ярамайдиган қариялар,

жойидан қўзғатиш мумкин бўлмаган беморлар, аёллар... қисқаси, тегиниб бўлмайдиган аёллар ҳам кўп эди. У эса ҳаммасини қаттиқ жала қуйиб турган бир пайтда яшаб турган уй-жойларидан ҳайдаб чиқарди, даҳшатли бўронга қарамай юзлаб одамларни қувиб чиқиб Раф-энд-Реди яқинидаги ўрмонларга ҳайдади, генерал Худга эса келиб бу одамларни олиб кетиши мумкинлигини хабар қилди. Кўпчилик бундай шафқатсизликни кўтаролмади, кўп одам зотилжамдан нобуд бўлди.

– Бироқ Шерман нега бундай йўл тутди? Ахир, шаҳарликлар ёмонлик қилмасди-ку! – қичқириб юборди Мелани.

– У аскарларига, отларига дам бериш учун шаҳарни тозалаш лозимлигини маълум қилди, – жавоб берди Фрэнк. – Ва ноябрнинг ўрталаригача уларга дам берди, шундан сўнг шаҳарни ташлаб чиқди. Чиқиб кетаётиб шаҳарни таг-туги билан ёқиб юборди.

– Қанақасига, наҳотки бутун шаҳарни? – даҳшатга тушиб хитоб қилишди хонимлар.

Бу тасаввурга сиғмасди – наҳотки улар яхши билган, гавжум ва жўшқин бир шаҳар йўқ бўлиб кетган бўлса? Наҳотки дарахтларнинг қуюқ соясида қад кўтарган чиройли уйлар, катта-катта дўконлар, безатилган меҳмонхоналар энди йўқ? Мелани кўз ёшларини зўрға тийиб турар – ахир, у шу шаҳарда туғилган, уйи ўша ерда. Скарлеттнинг ҳам юраги сиқилди, чунки Атланта унга жуда ёқиб қолган – бу шаҳар Тарадан кейин унинг иккинчи ватанига айланганди.

– Ҳа, деярли ҳамма нарсани, – хонимларнинг кайфияти бузилганидан саросимага тушган Фрэнк гапини юмшатишга шошилди ва шу ондаёқ қувноқроқ кўринишга уринди – ахир, уларни хафа қилишни истамаганди. Бу ҳолдан шу лаҳзадаёқ дили сиёҳ бўлди ва ўзини ниҳоятда ночор ҳис қилди. Йўқ, уларга даҳ-

шатли ҳақиқатни айтишга ўзини мажбур қилолмайди. Буни бошқа бировдан билиб олганлари маъқул. У конфедератлар армияси Атлантага қайтиб кирганда нималарни кўрганини айтолмади: акрма-акр чўзилиб ётган култепалар устида қаққайиб турган мўрилар, қоп-қора девор бўлаклари ва ғиштлар уюмига тўлган кўчалар, куйиб қуриб қолган, совуқ шамол учираётган, кўмирга айланган шохлари ерга тўкилиб тушган кўп йиллик дарахтлар. У мудҳиш манзарадан кўнгли беҳузур бўлганини эслади. Кўз ўнгида шаҳар харобалари намоён бўлганида конфедератлар оғзидан дарғазаб лаънатлар ёғилгани хаёлидан ўтди. Фақат қабристон талон-тарож қилинганини бу аёллар ҳеч қачон билолмасликларидан умидвор бўлишга тўғри келар, чунки бу воқеа уларни буткул адои тамом қилиши мумкин эди. Чарлз Гамильтон ва Меланининг ота-онаси ўша қабристонга дафн қилинганди. Фрэнкни ҳозиргача оғир тушлар таъқиб қилар, тушларида ўша қабристонни кўрарди. Қимматбаҳо буюмлар, зеб-зийнатлар излаган янкилар ер остидаги сағаналарни синдиришар, қабрларни кавлашарди. Улар жасадларни ўғирлашар, тобутларнинг кумуш безаклари ва тутқичларини, исм-фамилиялар ёзилган олтин ва кумуш лавҳларни қўпориб олишарди. Ўзларининг сўнгги манзиллари харобалари орасида ағанаб ётган скелетлар ва ҳали чириб улгурмаган жасадлар аянчли манзара касб этган эди.

Фрэнк уларга мушук ва итларнинг қисмати ҳақида ҳам гапиролмасди. Бу уй ҳайвонлари ўз бекалари ҳаётида ниҳоятда катта роль ўйнайди. Фрэнкнинг ўзи ҳам мушук ва итларни жуда яхши кўрар, эгаларини тўсатдан, шафқатсиз равишда шаҳардан ҳайдаб чиқаришганида қаровсиз қолган ва очликдан жон бераётган юзлаб жониворларнинг аҳволи талон-тарож қилинган қабристон манзараси сингари Фрэнкни қаттиқ ларзага солди. Очликдан силласи қуриган,

қўрқиб қолган, совқотган ҳайвонлар ёввойилашиб кетган, кучлироқлари ожизроқларига ташланишар, кучсизлари эса ўта заифларининг ўлишини кутар, кейин уларнинг ўлигини ғажирди. Халқи қирилиб битган, ҳувиллаб ётган ўлик шаҳар қолдиқлари устида қора қузғунлар қиш осмонини мўр-малахдай тўлдириб, жавлон урарди.

Фрэнк тасалли берадиган қандай хушхабар билан аёлларни қувонтирсам, деб эслашга уринарди.

– Ҳар ҳолда баъзи бир уйлар сақланиб қолган, – деди у. – Бошқа бинолардан узоқда жойлашган, катта ер участкаларида қад кўтариб турган уйларнинг айримларига олов етиб бормаган. Черковлар, масонлар жамияти биноси омон қолган. Яна бир неча дўконлар ҳам. Аммо шаҳарнинг ишлаб чиқариш билан шуғулланувчи даҳаси, темир йўл ва Беш Бурчаклар майдонига яқин барча мавзеларни, афсуски, ер билан яксон қилишган.

– Демак, – қичқирди Скарлетт, – менга Чарлздан мерос бўлиб ўтган вокзал ёнидаги омборхона ҳам ёниб кетибди-да?

– Башарти вокзал ёнида экан, унда ажабмас, лекин... – Бирдан Фрэнкнинг чеҳраси ёришиб кетди. – Ёдимдан қандай кўтарилди экан-а! Сизларни хурсанд қилишим мумкин, хонимлар! Питтипэт аммангизнинг уйи бус-бутун. Бир оз зиён етган, бироқ қандай бўлса, шундайлигича турибди.

– Қандай бутун қолди?

– Уй ғиштдан терилган, афтидан, шаҳарда томи шифер билан ёпилган ягона уй ва шу боисдан ҳам учқун тушиб ёниб кетмаган бўлса керак. Боз устига шаҳарнинг шимолидаги энг охирги уй. Шаҳар чеккасида эса ёнғин кучли бўлмаган. Тўғри, бу уйга жойлашган янкилар ичини ағдар-тўнтар қилиб ташлашган. Ҳатто пол четига қоқилган тахтача – плинтуслар ва қизил ёғочдан ясалган зинапояни ҳам ўтин қилиб

ёқишган, лекин булар арзимаган нарса! Уйнинг ўзи яхши сақланган. Ўтган ҳафта Мейконда мисс Питтини кўрганимда...

– Сиз уни кўрдингизми? Қандай, у тузукми?

– Жуда зўр! Ҳа, жуда зўр! Мен унга уйи омон қолганини айтганимда, шу заҳотиёқ Атлантага қайтмоқчи бўлди, агар... анави кекса негр Питер амаки қаршилик қилмаса, албатта. Атланта аҳолисининг кўпчилиги аллақачон қайтиб келган, чунки улар ўзларини Мейконда жуда нотинч ҳис қилишарди. Шерман Мейконни қўлга олгани йўқ, лекин одамлар Уилсоннинг йигитлари шаҳарга босқин уюштиришидан қўрқишади, чунки уларнинг босқини Шерманникидан ҳам ёмон бўлади.

– Лекин деярли барча уйлар куйиб кул бўлган шаҳарга қайтишдан маъни йўқ-ку. Улар у ерда қандай яшайди?

– Чодирларда, саройларда ва наридан-бери қурилган кулбаларда, омон қолган уйларда беш-олти оила бўлиб тиқилиб яшашяпти. Шаҳарни тиклашга уринишмоқда. Бундай демаслик керак, шаҳарга қайтишда маъни бор. Улар қандай халқ эканини мендан кўра яхшироқ биласиз. Чарльстонликлар Чарльстонга қандай боғланиб қолган бўлса, улар ҳам ўз шаҳарларига жон-диллари билан боғланиб қолишган, ҳеч қандай янки, ҳеч қандай ёнғин уларни Атлантадан ажратолмайди. Ахир, улар... узр сўрайман, мисс Мелли – Атлантага доир нимаики бўлса барисини хачирдек қайсарлик билан ҳимоялашга тайёр. Ростини айтсам, нега шундайлигини тушунолмайман. Бу шаҳар менга доим серғайрат, беор жўжахўрозга ўхшаб кўринарди. Ахир, мен туғма қишлоқи, шаҳарни умуман ёқтирмайдиган одамман. Сизга, мана, яна нимани айтмоқчиман: биринчи бўлиб келганлар – энг ақлли ва чаққон одамлар. Охирида келадиганлар эса ўз уйлари ўрнида на ёғоч, на тош, на бир ғишт топа

олишмайди, чунки ҳамма қўлига тушган нарсани уйининг қурилишига ишлатиб юборади. Ўтган куни мен миссис Мерриуэзер ва мисс Мейбелл хизматкорлари кекса негр аёл билан аравачага ғишт ортишаётганини кўрдим. Миссис Мид эса менга доктор уйга қайтиб, унга ёрдам беролса, ёғочдан уйча қуриб олмоқчилигини айтди. У Атлантага – у пайтларда Мартасвилл деб аталган – энди келган кезларида шундай кулбада яшаган экан, яна худди шундай кулбада яшашга мутлақо қарши эмасман, деди мисс Мид. У ҳазиллашаётганди, бу аниқ, аммо бу гап у ердагиларнинг кайфияти қандайлигини кўрсатади.

– Мен улар жуда мард одамлар, деб ҳисоблайман, – деди ғурур билан Мелани. – Тўғрими, Скарлетт?

Скарлетт бошини силкиб тасдиқлади: унинг қалби ўзи ёқтириб қолган шаҳар учун маъюс ифтихор ҳисси билан тўлди. Ҳа, бу серғайрат, шаддод ва беор жўжахўроз-шаҳар эди ва айни жиҳатлари билан уни ўзига тортиб турарди. У корсети тортиб боғланган ғайритабиий, риёкор эски шаҳарларга ўхшамасди; унда ҳаёт қайнаб-тошар, шуниси билан ҳам унинг учун севимли эди. "Ўзим ҳам Атлантага ўхшайман, – ўйлади у. – На ёнғинлар, на янкилар мени синдиролмади".

– Агар Питти амма Атлантага қайтиб келса, унда биз ҳам, Скарлетт, у ерга қайтиб, у билан бирга яшашимиз керагов, – деди Мелани унинг хаёлларини бузиб. – У ерда ёлғиз ўзи қўрқувдан ўлиб қолади.

– Бу ердаги нарсаларни қандай ташлаб кетоламан, Мелли? – деди жаҳли чиқиб Скарлетт. – Модомики, кетишга шунчалик ошиқаётган экансан, кетавер. Сени ушлаб турганим йўқ.

– Эҳ, мен негадир бу ҳақда ўйламабман, – хитоб қилди Мелани уялганидан қип-қизариб. – Бунча худбин бўлмасам! Албатта, сен Тарани ташлаб кетол-

майсан-ку, мен... мен ўйлайманки, Питер амаки билан ошпаз аёл аммамга ғамхўрлик қилишади.

– Кетишингга ҳеч нарса халақит бераётгани йўқ, – деди қуруққина Скарлетт.

– Мен сени ташлаб кетмайман, биласан-ку, – деди Мелани. – Боз устига, мен у ерда сенсиз қўрқувга тушиб ўлиб қолишим мумкин.

– Майли, ўзинг биласан. Ҳар ҳолда мени ҳеч нарса билан алдаб-авраб Атлантага қайтара олмайсан. Улар у ерда бир нечта уй қуришлари билан Шерман қайтиб келади ва яна шаҳарни ер билан яксон қилади.

– Йўқ, Шерман қайтиб келмайди, – деди Фрэнк ва ўзини қанчалик қўлга олишга уринмасин, юзи маъюс тортди. – У бутун штат орқали ўтиб, денгиз соҳилига етиб борди. Ўтган ҳафта янкилар Саваннани эгаллашди, айтишларича, Жанубий Каролинанинг ичкарисигача кириб боришган.

– Саваннани эгаллашдими?

– Ҳа. Биласизми, леди, Саванна бардош беролмасди. Гарчи у ерда ҳамманинг – етти ёшдан етмиш ёшгача – оёғини судрашга қурби етадиган жами эркак зотининг қўлига қурол тутқазишган бўлса-да шаҳарни ҳимоя қиладиган одам топилмади. Дарвоқе, янкилар Миллежвилл томонга юришни бошлаганида, бизда ҳарбий билим юртларининг барча курсантларини, ҳатто энг кичик синфдагиларни ҳам фронтга чақиришганини ва армияга ёрдам учун қамоқхоналарни очишганини биласизми? Ҳа, дўстларим, фронтга боришга розилик билдирган маҳбусларни чиқаришди ва уруш охиригача эсон-омон етиб боришса, уларни афв этишга ваъда беришди. Ўғри-каззоблар ва қотиллар билан бир сафда турган ўша курсант болалар ҳақида ўйласам, қўрқувдан этим жунжикиб кетади.

– Қанақасига! Бизни талашлари учун жиноятчиларни чиқариб юборишдими?

– Қўяверинг, зарари йўқ, мисс Скарлетт, ташвишланманг. Улар бу ердан узоқда, шу билан бирга ўзларининг тенги йўқ аскар эканликларини кўрсатишди. Мен: агар одам ўғри бўлса, бу унинг яхши аскар бўлишига халақит бермайди, деб ўйлайман, шундай эмасми?

– Менингча, бу иш тўғри бўлган, – деди секин Мелани.

– Лекин мен бундай деб ўйламайман, – деди қатъий оҳангда Скарлетт. – Бизнинг ҳудудда уларсиз ҳам керагича ўғрилар изғиб юришибди, янкиларни эса айтмаса ҳам бўлади, ва.... – Вақтида ҳушёр тортиб Скарлетт гапини тугатмади, эркаклар эса кулиб юборишди.

– Янкилар билан бизнинг интендантлик хизмати ҳақида гапирмасак ҳам бўлади, – гапга якун ясади меҳмонлардан бири уни қизаришга мажбур қилиб.

– Генерал Худ армияси билан қаерларда юрибди, – унга ёрдамга шошилди Мелани. – Ахир, у Саваннани мудофаа қилиши мумкин эди-ку?

– Нима деяпсиз, мисс Мелани? – Фрэнк ҳайрон бўлди, унинг овозида таъна оҳанги сезиларди. – Фронтнинг бу қисмида генерал Худ умуман йўқ эди. У Теннессида уруш олиб боряпти, янкиларни Жоржиядан у томонга тортишга уриняпти.

– Бу ишни у нақадар қойилмақом қилиб уддалаяпти, – нафратомуз хитоб қилди Скарлетт. – У иблис янкиларга бутун ҳудудимизни босиб-янчиб ўтишларига йўл қўйиб берди, бизга эса ҳимоя учун мактаб ёшидаги болалар, жиноятчилар ва ички мудофаа бўлимидаги қарияларни қолдирди.

– Қизим, – дафъатан Жералднинг овози янгради, – қандай гапларни гапиряпсан! Ойинг қаттиқ хафа бўлади!

– Ҳа, ҳа, иблис янкиларга – шайтонваччаларга! – қизишиб қичқирди Скарлетт. – Уларни бошқача аташни истамайман ҳам!

Эллиннинг номи тилга олинганда ҳамма ўзини ноқулай сезди, суҳбат бўлиниб қолди, бу гал ҳам Мелани ёрдамга келди.

– Сиз Мейконда бўлганингизда Ойимқиз ва Индия билан кўришмадингизми? Эҳтимол, улар Эшли ҳақида бирор хабар эшитгандир?

– Кечирасиз-у, мисс Мелли, – деди ранжиб Фрэнк, – ахир, тушунасиз-ку – мабодо Эшли ҳақида бирор хабар эшитганимда шу заҳотиёқ Мейкондан тўғри сизнинг олдингизга учиб келган бўлардим. Йўқ, улар Эшли ҳақида ҳеч нарса билишмайди, лекин сиз ташвишланманг, мисс Мелли. Биламан, сиз анчадан бери у ҳақда ҳеч қандай гап эшитмагансиз, бироқ қамоқда ётган одамдан қандай хабар келиши мумкин? Аммо янкиларнинг қамоқхоналарида аҳвол биздагидек ёмон эмас. Нимага десангиз, уларда озиқ-овқат тўлиб-тошиб ётибди, дори-дармонлар ҳам етарли, йўқ, уларда аҳвол бизникидай эмас – биз ҳатто ўзимизнинг қорнимизни тўйдиролмаяпмиз-ку, асирларни айтмаса ҳам бўлади.

– Ҳа, ҳа, янкиларда егулик мўл-кўл! – алам билан хитоб қилди Мелани. – Фақат улар озиқ-овқатларни асирлар билан бўлишмайди-да. Ахир, буни ўзингиз ҳам яхши биласиз-ку, мистер Кеннеди. Сиз менга далда бериш учун шундай деяпсиз. Бизнинг асирлар у ёқда совуқдан, очликдан ўлиб кетяпти, сиз буни ҳам биласиз, улар тиббий ёрдам ва дори-дармонлардан маҳрум қилинган, чунки янкилар биздан қаттиқ нафратланишади! Худойим, қанийди биз бу янкиларни ер юзидан супуриб ташлай олсак. Оҳ, мен биламан, Эшли...

– Бундай дея кўрма! – қичқирди Скарлетт қўрқувдан юраги қисилиб. Эшли ўлгани ҳақида ҳали ҳеч ким овоз чиқариб айтмаган пайтда, унинг юрагида Эшли тирик, деган умид сўнмаганди. Бироқ у ҳис

этарди: бу калима тилга кўчгани ҳамоно Эшли унинг учун ғойиб бўлади.

– Етар, миссис Уилкс, эрингиз учун бу қадар ташвиш чекманг, – Меланига таскин беришга уринди бир кўзли жангчи. – Манассас яқинидаги биринчи тўқнашувдан сўнг мен ҳам асир тушган эдим, кейин мени алмаштиришди. Қамоқдалигимда мени роса боқишди, бўрдоқига боққандай боқишди – қовурилган жўжалар, қуймоқлар билан.

– Менингча, сиз ғирт ёлғончисиз, – билинар-билинмас табассум билан деди Мелани, Скарлетт эса унинг эркак кишига гапирганида гап оҳангида шўхлик аломати борлигини биринчи марта пайқади. – Ўзингиз ҳам шундай деб ўйламаяпсизми?

– Ўйлаяпман, – кулиб тан олди бир кўзли жангчи тиззаларига шаппатилаб.

– Агар меҳмонхонага ўтишга қарши бўлмасангиз, сизларга Рождество байрами ашуласини куйлаб берардим, – деди Мелани суҳбатни бошқа ёққа буришни истаб. – Фортепьяно – янкилар олиб кетолмаган айрим буюмлардан биттаси. У жуда носозми, нима дейсан, Сьюлин?

– Жуда аянчли аҳволда! – деди Сьюлин хурсанд жилмайиб ва имо билан Фрэнкни ўз ёнига чақириб.

Аммо ҳамма эшикка йўналганида Фрэнк бир оз орқада қолиб, Скарлеттнинг енгидан тортди.

– Сиз билан холи қолиб икки оғиз сўз айтсам майлими?

Уни бир зумда қўрқув босди: Фрэнк хўжаликдаги жонлиқни мусодара қилиш ҳақида гапирмоқчи, деган фикрга бориб, андишасизлик билан ёлғон гапиришга ҳозирланди.

Ҳамма хонадан чиқиб кетиб, улар камин ёнида ёлғиз қолишгач, Фрэнкнинг юзига завқ бағишлаётган ясама қувноқлик сўнди ва Скарлетт қаршисида улғайиб қолган, ҳорғин, ранги заъфарон, юзлари ша-

молда қуруқшаган, сийрак сариқ чакка соқолига оқ оралаган кишини кўрди. У беихтиёр чакка соқолларини юлқилар ва хижолат тортиб йўталиб қўяр ва бу билан Скарлеттнинг зардасини қайнатарди.

– Ойингиз вафот этганини эшитиб, қаттиқ хафа бўлдим, мисс Скарлетт.

– Илтимос, бу ҳақда гапирманг.

– Отангиз эса – бу нарса унда айни...

– Ҳа, ҳа, у, пайқаганингиздек, ўзида эмас.

– У ойингизни қаттиқ севарди, бу ҳақиқат.

– О, мистер Кеннеди, илтимос, бу ҳақда гапирмайлик.

– Кечирасиз, мисс Скарлетт, – у бир жойда асабий депсина бошлади. – Ростини айтсам, отангиз билан бир нарса ҳақида маслаҳатлашиб олмоқчийдим, энди қарасам, бунинг ҳеч иложи йўқ экан.

– Балки мен сизга ёрдам берарман, мистер Кеннеди? Кўриб турибсиз – оила бошлиғи энди менман.

– Хўш, биласизми, мен... – бошлади Фрэнк ва яна довдираганча чакка соқолига тармашди. – Тўғрисини айтсам, гап шундаки... Қисқаси, мисс Скарлетт, отангиздан мисс Сьюлиннинг қўлини сўрамоқчийдим.

– Ҳали отам билан Сьюлин ҳақида гаплашмаганман денг, – ҳайрон қолган Скарлетт хурсандликдан ҳайқириб юборди. – Қачондан бери унинг кўнглини овлаб юрган бўлсангиз ҳам-а?

Фрэнк қизарди, хижолат чекиб илжайди ва тамоман тортинчоқ, уятчан ўсмирга айланиб қолди.

– Биласизми... мен... У менга турмушга чиқишга рози бўладими, йўқми, билмасдим. Менинг ундан ёшим анча катта, сизнинг хонадонингизда эса доим шу қадар кўп чиройли йигитлар уймалашардики...

"Бўлмаса-чи! – хаёлидан ўтказди Скарлетт. – Фақат улар менинг атрофимда гирдикапалак бўларди, унинг атрофида эмас!"

– У рози бўладими, йўқми, ҳозир мен буни билмайман. Бу ҳақда ҳеч қачон ундан сўрамаганман, лекин у, албатта, менинг ҳис-туйғуларимни фаҳмлайди. Мен... мистер О'Харадан турмуш қуришимизга рухсат сўрамоқчи, унга ҳеч нарсани яширмай ҳаммасига иқрор бўлмоқчи эдим. Менда бир цент ҳам йўқ, мисс Скарлетт. Бир пайтлар – нокамтарлигимни худо кечирсин – менда пул жуда кўп эди. Энди эса отим ва эгнимдаги уст-бошим – бор-йўқ бойлигим шу. Мен, биласизми-йўқми, армияга ёлланганим заҳоти бор мол-мулкимни сотдим ва ҳамма пулга заём сотиб олдим, лекин биласиз, ҳозир уларнинг ҳеч қанча қадри йўқ. Устига устак, менда энди заём ҳам йўқ, янкилар синглимнинг уйини ёқиб юборишганда уй билан бирга ёниб кетган. Чўнтагимда бир мири бўлмаса-да, мисс Сьюлиннинг қўлини сўрашим ўтакетган сурбетлик эканини тушунаман, лекин... Хуллас, мен шундай фикрга келдим. Уруш тугаганидан сўнг тақдиримиз қандай кечади, ҳеч ким билмайди, деган фикрга негадир кўникиб қолибман. Шахсан мен буни гўё охирзамон, деб тасаввур қиламан. Ҳамма нарса шу қадар ноаён ва шу қадар ишончсизки, оқибатда мен шундай қарорга келдим: агар биз турмуш қурсак, бу нафақат мен учун, балки мисс Сьюлин учун ҳам жуда катта тасалли бўларди. Бу бизга қандайдир дадиллик бахш этарди. Мен, мисс Скарлетт, мисс Сьюлинни таъминлай олмагунимча турмуш қуришга мажбурламайман, аммо бу қачон юзага чиқишини ўзим ҳам билмайман. Лекин, сизнинг назарингизда, асл муҳаббат ва садоқат қандайдир қадр-қимматга эга бўлса, унда сиз, шу маънода, мисс Сьюлин кўплардан бадавлатроқ, деб ҳисоблашингиз мумкин.

Бу гапларни у шу қадар самимий ва айни пайтда шу қадар ғурур билан айтдики, унинг сиёқи кулгисини қистатса-да, Скарлетт таъсирланиб кетди. Қан-

дай қилиб Сьюлинни севиб қолиш мумкин – бунга унинг ақли етмасди. Синглиси унга ўтакетган худбинлик, лапашанглик ва майда бемазагарчиликлар тимсоли бўлиб туюларди.

– Майли, нима ҳам дердим, мистер Кеннеди, – деди у мулойимлик билан. – Менингча, ҳаммаси яхши бўлади. Мен отам учун жавоб бера олсам керак. У доим сиз ҳақингизда яхши фикрда бўлган, Сьюлин сизга турмушга чиқади, деб ишонарди.

– У ҳозир ҳам фикрини ўзгартиргани йўқми? – хитоб қилди Фрэнк чеҳраси ёришиб.

– Албатта йўқ, – жавоб берди Скарлетт, кулгисини зўрға тийиб: туйқусдан ёдига Жераллнинг андиша қилиб ўтирмай столнинг нариги тарафидан Сьюлинга бақиргани тушди: "Хўш, мисс? Сизнинг юрагида ўти бор ошиғингиз ҳалиям қўли ва юрагини тақдим этиш нияти билан юрибдими? Балки менга унинг мақсадлари қандайлигини сўраш пайти келгандир?".

– Бугун кечқуруноқ у билан гаплашаман, – деди Фрэнк лаблари титраб ва Скарлеттнинг қўлидан тутиб қаттиқ силкиди. – Сиз шундай меҳрибонсизки, мисс Скарлетт.

– Мен уни сизнинг олдингизга юбораман, – табассум билан деди Скарлетт меҳмонхонага йўл оларкан. У ерда Мелани аллақачон фортепьяно олдида ўтирарди. Бу ускуна ниҳоятда носоз, лекин баъзи аккордлар ҳалиям ёқимли жаранглари, Мелани куйлай бошлаганида эса бошқалар мадҳияга жўр бўлди... "Тингланг фаришталар ашуласини...."

Скарлетт бўсағада тўхтаб қолди. Рождество байрамида айтиладиган қадимги ашуланинг ёқимли оҳангларини тинглай туриб, уруш бўрони уларни икки бор ер юзидан супуриб ташлашига оз қолганига, бутун теварак-атроф харобага айланганига, орқа-

да очлик таъқиб этиб турганига ишониш қийин эди. Скарлетт Фрэнкка кескин ўгирилди.

– Нима учун сиз урушнинг охири менга охирзамон бўлиб кўринади, дедингиз?

– Мен сизга тўғрисини айтаман, – аста гапира бошлади Фрэнк, – лекин сўзларим бошқа хонимларни хавотирга солишини истамасдим. Уруш узоқ чўзилмайди. Янги, қўшимча кучлар йўқ, буни тан олишни истамасак-да, армиядан қочиш ҳоллари кўпайиб бораётир. Тушуняпсизми, аскарлар яқинлари очликдан ҳалок бўлаётганини била туриб уйдан узоқда жанг қила олмайдилар. Шу боис улар яқинлари учун егулик топиш мақсадида уйларига югуришади. Уларни айблаёлмайман, лекин бу вазият бизнинг сафларимизни заифлаштиради. Армиянинг ўзи ҳам озиқ-овқатсиз жанг қилолмайди. Озиқ-овқат эса йўқ. Мен бу аҳволни тушунаман, чунки озиқ-овқат топиш менинг хизмат бурчим, буни биласиз. Биз Атлантани қайта ишғол қилганимиздан сўнг бутун округни бошдан-оёқ айланиб чиқдим, егулик учун ҳатто чуғурчуқ ҳам тополмадим. Жанубга қараб уч юз миляча – то Саваннагача аҳвол шундай. Одамлар очликдан ўлаётир, темир йўллар портлатилган, ўқ-дорилар тугаш арафасида, янги қурол-яроғ етказиб берилмаётир, на этик бор, на этик тикишга кўн. Кўриб турибсиз, уруш поёнига етмоқда.

Аммо Скарлеттни Конфедерация ғалабасига бўлган умидларнинг пучга чиққани эмас, кўпроқ озиқ-овқатнинг йўқлиги ҳақидаги гап ташвишга солди. Ахир, у Поркни от-аравага ўтқазиб, қўлига бир нечта тилла танга ва федерал банкнотлар бериб, озиқ-овқат ва кийим-бош топиб келиш учун жўнатмоқчи эди. Агар Фрэнк рост айтаётган бўлса...

Аммо Мейкон олинмаган-ку. Мейконда озиқ-овқат бўлиши керак. Озиқ-овқат йиғадиган отряд узоқлашиб кетгани ҳамоно у ўзининг қимматбаҳо

отини гаровга қўйиб, Поркни Мейконга жўнатади. Кейин нима бўлса, бўлар.

– Бўпти, бугун хунук нарсалар ҳақида гапирмаган маъқул, мистер Кеннеди, – деди Скарлетт. – Бориб, ойимнинг кабинетида ўтириб туринг, мен эса сиз... сизга Сьюлин билан бир оз ёлғиз қолиш имконини бериш учун уни ёнингизга юбораман.

Фрэнк қизарди, жилмайди ва хонадан чиқиб кетди. Скарлетт унинг ортидан қараб қолди.

"Афсуски, у Сьюлинга ҳозирнинг ўзида уйланмайди-да, – ўйлади у. – Битта оғиз камаярди".

XXIX боб

Ўзининг аввалги армияси қолдиқларига қўмондонлик қилишни бўйнига олган генерал Жонстон апрель ойида Шимолий Каролинада ғолиблар марҳаматига ишониб таслим бўлди ва шу билан урушга нуқта қўйди. Аммо бу хабар Тарага икки ҳафта кечикиб келди. Даладаги ишлар бошдан ошиб ётар, у ёқ-бу ёққа чиқиб янгилик топиб келишга ҳеч кимда ҳеч қандай имконият йўқ эди, қўшниларнинг ҳам аҳволи шундай, борди-келдилар камайган, хабарлар онда-сонда етиб келарди.

Шудгорлаш ишлари авжида, Порк Мейкондан олиб келган полиз экинлари ҳамда пахта уруғи ерга қадалди. Бу саёҳатдан қайтиб келгач, Порк ғурурдан шу қадар шишиб кетгандики, аслида, ҳеч нарсага ярамай қолганди: ахир, у уйга соғ-саломат қайтган ва бир арава кийим-кечак, овланган қушлар, чўчқанинг сон гўшти, ун ва уруғлар олиб келганди. Қайтар чоғида илонизи қишлоқ йўллари, кўпдан бери қадам қўйилмаган ўрмон ичидаги эски сўқмоқлардан ўтиб келаётиб кўпдан-кўп хавф-хатарларга чап берганини қайта-қайта ҳикоя қиларди. У беш ҳафта йўл юрган – бу Скарлетт учун азобли беш ҳафта бўл-

ганди. Аммо у қайтиб келганида Скарлетт бир оғиз ҳам таъна қилиб гапирмади – Поркнинг саёҳати муваффақиятли кечганидан, Порк анча пулни исроф қилмай қайтариб келганидан жуда хурсанд бўлди! Зеҳнли бўлгани боис Скарлетт Поркнинг овланган қушлар ва озиқ-овқатнинг катта қисмига пул тўламагани, шу сабабдан ҳам шунча пул ортиб қолганини биларди. Йўлида ҳеч ким қўриқламаётган парранда-хона ва дудхоналар тез-тез учраб турганида Скарлеттнинг пулини сарфласа, Порк ўзини ўзи иснодга қўярди.

Энди уйда қандайдир егуликлар пайдо бўлганида, Тара аҳли ҳовли-жойларни ҳеч қурса кўримлироқ ҳолатга келтириш учун ишга киришган ва бу ишнинг поёни кўринмасди. Далани экин экишга тайёрлаш учун ўтган йилги ғўзапоялардан тозалаш зарур эди, омоч тортишга ўрганмаган от эса қайсарлик қилар ва шудгорда истар-истамас судраларди. Полиз экинлари экиладиган ерни ағдариб экин экиш керак эди. Ўтин жамғариш, бир пайтлар неча миляга чўзилган, янкилар йўл-йўлакай гулхан қилиб ёққан қўралар ва молхоналарни тиклаш зарур эди. Порк қуёнга қўйган қопқонларни бир кунда икки марта текшириши, дарёда эса қармоқларга янги хўрак илиши керак эди. Тўшак солиш, уйларни супуриб-сидириш, овқат пишириш, идиш-товоқ ювиш, товуқ ва чўчқаларни боқиш, тухум йиғиш керак эди. Сигир соғиш, уни ботқоқ яқинида кўздан қочирмай ўтлатиш зарур, чунки ҳар дақиқада янкилар ёки Фрэнк Кеннедининг аскарлари қайтиб келиб сигирни олиб кетиб қолишлари мумкин. Ҳатто кичкинтой Уэйдга ҳам иш топилди. Ҳар куни эрталаб у виқор билан саватчани олиб, тутантириқ учун шох-шабба ва пайраха териб келишга жўнарди.

Таслим бўлиш ҳақидаги хабарни биринчи бўлиб уйга қайтган ака-ука Фонтейнлар олиб келишди.

Мўъжиза рўй бериб, этиклари ҳалиям йиртилиб тўзмаган Алекс пиёда қайтди, Тони эса оёқяланг бўлса-да, эгарсиз хачирга миниб келди. Бу оилада худонинг қудрати билан ҳамиша Тонига омад насиб қиларди. Очиқ осмон остида, қуёш нурлари ва шамолда ўтказилган тўрт йил мобайнида ака-укалар янада қорайиб, янада озиб, чайир бўлиб кетишган, уруш даврида ўсиб кетган, кузалмаган қора соқоллари эса уларни таниб бўлмас қиёфага келтирганди.

Уйларига, Мимозага шошаётган йигитлар фақат бир дақиқага Тарага – дўстлари биан ўпишиб кўришиш ва таслим бўлиш ҳақидаги хабарни етказиш учун кириб ўтишди. Бўлди, тамом, уруш тугади, дейишди улар, гўё бу воқеанинг уларга қизиғи йўқдай, улар бу мавзуда чуқурлашишни истамаётгандай туюларди. Мимоза омон қолганми ёки уни ёқиб юборишганми – уларни қизиқтираётган ягона мавзу шу эди. Атлантадан жанубга томон юраркан, улар ўз йўлларида дўстлари ва ошна-оғайниларининг илгари қад ростлаб турган уйлари ўрнида фақат печь мўриларинигина кўришганди ва ўз уйларини бундай қисмат четлаб ўтганига умид боғлаш уларга ақлсизликдай туюларди. Қувончли хабарни эшитгач, улар енгил нафас олишди, кейин эса Скарлетт Саллининг отда Тарага қуюндек учиб келиб, яшил девордан сакраб ўтганини сўзлаб берганида, сонларига шапатилаб узоқ кулишди.

– Салли жасур қиз, – деди Тони, – унинг Жосини ўлдиришгани Салли учун катта бахтсизлик бўлди. Бирортангизда чайнайдиган тамаки топилмайдими, Скарлетт?

– Қўлбола тамакидан бўлак ҳеч нарса. Отам уни маккажўхори сўтаси бандидан фойдаланиб чекади.

– Мен ҳали бу қадар паст кетганим йўқ, – деди Тони. – Аммо вақти келиб шу даражага етишим мумкин.

– Димити Манронинг аҳволи қандай? – ҳаяжонланиб, уялинқираб сўради Алекс ва Скарлетт унинг Саллининг синглисига беэътибор эмаслигини ғира-шира эслади.

– Яхши. У Фейетвиллдаги холасиникида. Ахир, уларнинг Лавжойдаги уйларини ёқиб юборишган-ку. Оиланинг қолган аъзолари Мейконда.

– У, очиғи, Димити ички мудофаа қўшинларида хизмат қилувчи бирор мард полковникка эрга тегиб кетмадими, деб сўрамоқчи, – деди кулиб Тони, Алекс эса унга ёвқараш қилди.

– Э, албатта, йўқ, – деди жилмайиб Скарлетт.

– Балки тегмай бекор қилгандир, – маъюс оҳангда гапирди Алекс. – Қандай қилиб, жин урсин... узр, Скарлетт. Лекин қандай қилиб барча қуллари озод қилинган, мол-мулки, ҳовли-жойи яксон қилинган ва кармонида ҳеч вақоси қолмаган эркак қиз боланинг қўлини сўраши мумкин?

– Биласиз-ку, бу Димитини заррачаям қизиқтирмайди, – деди Скарлетт. У Димитига ҳаққоний баҳо бериши ва у ҳақда яхши фикр билдириши мумкин, чунки Алекс Фонтейн ҳеч қачон унинг жазманлари қаторида бўлмаган.

– Қани, энди мен дўзах ўтида куйиб... Оҳ, яна бир бора узр сўрайман, Скарлетт. Мен бу одатимни ташлашим керак, бўлмаса бувим теримни шилиб олади. Лекин мен қиз болага қашшоқ кишига турмушга чиқ, дея олмайман-ку. Балки бу уни хавотирга солмас, аммо мени хавотирга солади.

Скарлетт ака-ука Фонтейнлар билан кириш эшиги олдида суҳбатлашаётганида Мелани, Сьюлин ва Кэррин конфедератлар армиясининг таслим бўлганини эшитиб, астагина уйга кириб кетишди. Фонтейнлар тўғри уй орқасидаги далалар орқали уйларига, Мимозага йўл олганларидан сўнг, Скарлетт холлга кирди ва йиғи-сиғи овозини эшитди – учча-

ласи Эллиннинг кабинетидаги диванда йиғлаб ўтиришарди. Бинобарин, бари тугаган, гўзал, нурли орзулар йўққа чиққан, ҳаётларининг мазмуни бўлган, дўсту ёронлари, эрлари, суюкли ёрлари жонларини тиккан Ҳаққоний Иш барҳам топганди. Оила ўчоғлари эса барбод бўлди... Абадул абад ўзгармас бўлиб туюлган Жануб ҳақ-ҳуқуқлари шунчаки маънисиз сўзга айланди.

Аммо Скарлетт кўз ёш тўкмади. Таслим бўлиш ҳақида эшитганида унинг хаёлидан дастлаб шундай ўй кечди: "Худойим, ўзингга шукур! Энди ҳеч ким сигирни олиб қўймайди. Отни ҳам. Энди қудуқдан кумуш идишларни тортиб олса бўлади, ҳамма санчқи ва пичоқ ёрдамида овқатланади. Энди мен қўрқмасдан атрофни айланиб чиқишим, бирор егулик излаб топишим мумкин".

Унинг елкасидан гўё тоғ ағдарилгандай эди! Туёқ товушларини эшитганида энди қўрқувдан титрамайди! Ярим оқшом зулмат қўйнида уйғониб, чиндан ҳам ҳовлида от абзалларининг жангир-жунгири, отларнинг дупур-дупури, янкиларнинг буйруқ бераётган ўткир овозлари эшитиляптими ёки менга шундай туюляптимикин, деб нафасини ичига ютганча атрофга қулоқ солмайди... Муҳими, энг муҳими – Тара энди сақлаб қолинди! Даҳшатли туш бошқа қайтарилмайди. Энди у майсазорда туриб, севимли ота уйининг деразаларидан паға-паға тутунлар бураліб чиқаётганини кўрмайди, оловнинг қандай қутураётганини ҳамда томнинг қасирлаб ичига қулаётганини эшитмайди.

Ҳа, улар жонини бериб жанг қилган Иш ҳалокатга учради, аммо уруш доим Скарлеттга бемаъни туюлар, тинчлик эса, шубҳасиз, у қандай бўлмасин, яхшироқ эди. Унинг кўзлари ҳеч қачон устун бўйлаб юқорига кўтарилаётган серюлдуз йўл-йўл байроқни кўриб ҳаяжондан порламаган ва "Дикси" оҳангла-

рини эшитганида эти жимирламаган. Қалбида эса Ҳаққоний Иш учун муҳтожликларга ҳам, ҳамширанинг кўнгилни оздирувчи мажбуриятларига ҳам, қамал даҳшатларига ҳам, сўнгги ойлардаги очликка ҳам чидашлари учун кўпларга мадад берган фидойилик ўти ловуллаб ёнмаганди.

Ҳаммаси ортда қолди! Охири йўқдек туюлган, қўққисдан сўрамай-нетмай келиб, унинг ҳаётини фалажлаб, қоқ иккига бўлиб ташлаган, у туфайли энди у аввалги беғам-беташвиш кунларда нималар бўлганини зўрға эслайдиган машъум уруш ортда қолди. Ортга назар ташлар экан, у чиройли яшил сафьян туфличалар ва паххайган, лаванданинг хушбўй ифори тараладиган кринолин кийган ёқимлигина қизалоқ Скарлетт О'Харага совуққонлик билан қараб турар ва таажжуб билан ўзини сўроққа тутарди: наҳотки бу унинг ўзи? Наҳотки бу – у, ўша Скарлетт О'Хара, бутун графликдаги йигитларнинг юрагини забт этган, юзлаб қулларнинг ҳукмфармоси, бой ер-мулкнинг меросхўри, ўз бойлиги билан қалқондек мустаҳкам ҳимояланган, унинг ҳар қандай истагини бажаришга тайёр, уни суйиб ардоқлайдиган ота-онанинг меҳр-муҳаббати билан қуршалган Скарлетт О'Хара бўлса? Тантиқ, беғам-беташвиш, ҳеч қачон ҳеч нарсага зориқмаган, фақат Эшлига хотин бўла олмаган қизча.

Парқу кўйлаклар ва нафис бал туфличалари кийиб юрган бу қизча ўз ўрнига сўнгги тўрт йил давомида сарсон-саргардон кезиб юргани иланг-биланг йўлларнинг аллақаерида бир оз қийиқ зангори кўзларининг қарашлари қатъий, ҳар бир тийинни тежаб-тергаб қайта-қайта ҳисоблайдиган, ҳар қандай қора ишдан ҳазар қилмайдиган ёш жувонни, харобага айланган беадоқ қизил тупроқдан бўлак бор-будидан айрилган ёш аёлни қолдириб, сездирмай ғойиб бўлаётганди.

У Эллиннинг хонасидан келаётган пиқиллаган товушларга қулоқ тутар, мияси эса тўхтовсиз ишларди:

"Биз яна чигит экамиз, яна мўл-кўл чигит экамиз. Эртагаёқ Поркни Мейконга уруғ сотиб олиш учун жўнатаман, энди янкилар пахтамизни ёқиб юборишмайди, Конфедерация армиясига ҳам пахта керакмас. Ё Парвардигори олам! Бу йил кузга бориб пахтанинг нархи осмонга чиқиб кетса керак!"

У Эллиннинг хонасига ўтди, йиғлаётган сингиллари ва Меланига эътибор бермай, стол ёнига ўтирди, ғоз патини олди ва нақд пули қанча қолганини, пахта экиш учун қанча уруғлик сотиб олиш мумкинлигини ҳисоблай бошлади.

"Уруш тугади, – яна хаёлидан ўтказди у ва бехосдан қўлидаги пат тушиб кетди. Уни чексиз бахтиёрлик туйғуси чулғаб олди. – Уруш тугади ва Эшли... Агар Эшли тирик бўлса, уйга қайтади. Ҳозир Ҳаққоний Ишнинг ҳалокатига аза тутаётган Мелани бу ҳақда ўйлаяптимикан?" – деган фикр унинг миясига яшиндай урилди.

"Тез орада биз хат оламиз... Йўқ, хат эмас. Ҳали почта ишга тушгани йўқ. Лекин тез орада у бизга ўзи ҳақида хабар беради!"

Аммо кунлар ҳафталарга уланиб борар, Эшлидан эса дарак йўқ эди. Жанубий штатлардаги почта зўрбазўр ишлар, қишлоқ жойларда эса умуман ишламасди. Вақт-вақти билан тасодифан Атлантадан келиб қолган бирор кимса Питти амманинг йиғлабсиқтаб Мелани ва Скарлетт ёнига қайтиб боришларини сўраб ёзган хатини олиб келарди. Бироқ Эшлидан хабар йўқ эди.

Жануб таслим бўлганидан сўнг Скарлетт ва Сьюлин ўртасида яширин тарзда учқунланаётган адоват от туфайли янада кучайди. Сьюлин қўшниларнинг хонадонларига ташрифлар уюштиришни истаб қол-

ди. Ёлғизликдан, дўстлари ва танишлари билан илгариги муносабатлар йўқолганидан зериккан Сьюлин – биринчи навбатда бошқа хонадонларда ҳам аҳвол Тарадагидан яхши эмаслигига ишонч ҳосил қилиш учун – қўшниларни бориб кўришга жон-жаҳди билан интиларди. Лекин Скарлетт қайсарлик қилиб қатъий туриб олганди. От иш учун: ўрмондан ўтин ташиш, ер ҳайдаш, Поркка егулик сотиб олиш мумкин бўлган жойларни излаб топиш учун керак. Якшанба кунлари эса жониворга яйловда ўтлаб дам олишига қўйиб бериш лозим. Модомики, Сьюлин меҳмондорчиликка боришни истаб қолган экан, ҳеч ким унинг пиёда боришига халақит бермайди. Ўтган йилга қадар Сьюлин умрида бирор марта юз ярддан ортиқ пиёда юрган эмас. Скарлеттнинг таклифи эса уни қизиқтирмади. У уйда ўтириб тўнғиллар, тинмай жаврар, йиғлар, ёзғирарди: "Оҳ, қани энди ойим тирик бўлса!" – ва охир-оқибат Скарлеттдан қачонлардир ваъда қилинган тарсакини еди, бу тарсаки шу қадар қаттиқ эдики, у жазавага тушиб чинқирди, тўшакка ағдарилиб тушди ва бутун уйни ағдар-тўнтар қилиб ташлади. Шундан сўнг Сьюлин ҳиқиллаб йиғлашни камайтирди – ҳар ҳолда Скарлетт ҳузурида.

Скарлетт от дам олиши керак, дея ёлғон гапирмаган, лекин у ҳақиқатнинг ярмини айтганди. Ҳақиқатнинг иккинчи ярми шундан иборат эдики, Скарлетт уруш тугаганидан кейинги биринчи ойдаёқ ҳамма қўшниларникига ташриф буюрган ва болаликдан таниш далаларда, болаликдан қадрдон инсонларнинг хонадонларида кўрганлари унинг матонатини ўзи тан олишни истаганидан кўра кучлироқ сусайтирган эди.

Фонтейнларникида – Салли вақтида от чоптириб қолгани боис – аҳвол бошқаларникидан кўра бинойи, бироқ бу аҳвол ҳам ялпи мусибат шароити-

дагина бинойидек туюларди. Фонтейн буви ёнғинга қарши курашни бошқарган ва уйини оловдан асраб қолган куни содир бўлган сўнгги юрак хуружидан кейин батамом соғаймаган эди. Кекса доктор Фонтейн қўли кесиб ташланганидан сўнг секин-аста тузалаётганди. Тони ва Алекс ерни уқувсизлик билан ҳайдаб юмшатишарди. Скарлетт кўришга келганида улар тўсиқ устидан эгилиб Скарлеттнинг қўлини қисишди ва унинг шалоқ аравасини ҳазил-мутойиба қилишди, аммо қора кўзлари тубида алам яширин эди: ахир, улар Скарлетт устидан мазах қила туриб ўзларининг устидан ҳам кулишарди-да. Скарлетт улардан уруғлик маккажўхори сотишларини илтимос қилди, улар унинг илтимосини бажаришга ваъда беришди ва шу заҳотиёқ хўжалик муаммоларини муҳокама қилишга киришиб кетишди. Улар ўн иккита товуғи, иккита сигири, бешта чўчқаси ва урушдан сўнг ҳайдаб келинган хачирлари борлигини айтишди. Чўчқаларидан бири яқинда ўлиб қолган экан, бошқалари ҳам ўлиши мумкинлигидан қўрқишаркан. Урфдаги бўйинбоғ жиддий ташвиш чекишларининг асосий сабаби бўлган бу собиқ олифталар чўчқалар ҳақида бу қадар хавотирланиб гапиришаётганини эшитиб Скарлетт кулиб юборди, унинг кулгисида аччиқ алам оҳанги бор эди.

Мимозада уни ҳамма очиқ чеҳра билан кутиб олди ва уруғлик маккажўхорини совғага, текинга оласан, деб туриб олишди. Фонтейнларга хос қизиққонлик у яшил пулни столга қўйганида бир лаҳзада порох каби ўт олди ва ака-укалар пул олишни кескин рад этишди. Скарлетт уруғликни олди ва долларни яширинча билдирмай Саллининг қўлига илинтирди. Айни дамда Скарлетт Салли саккиз ой илгари, у Тарага эндигина қайтиб келганида уни қабул қилган ўша жувон эканига сираям ишонгиси келмасди. Ўша пайтда ҳам Салли жуда рангпар эди, аммо унинг руҳи

синмаган эди. Ҳозир у мурдага ўхшар, тушкун кайфиятда, гўё Жанубнинг ҳалокати унинг сўнгги умидини ҳам пучга чиқарганга ўхшарди.

– Скарлетт, – пичирлади у пулни қисимлаб. – Буларнинг бари нимага керак эди? Биз нима учун курашдик? О, менинг бечорагинам Жо! Менинг шўрлик гўдаккинам!

– Нега жанг қилдик, мен буни билмайман, билишни ҳам истамайман, – деди Скарлетт. – Бу мени қизиқтирмайди. Ҳеч қачон қизиқтирмаган ҳам. Уруш – эркакларнинг иши, аёлларники эмас. Ҳозир мени фақат бир нарса қизиқтиради – пахтадан мўл ҳосил олиш. Бу долларни олгин-да, Жога бирор кийим-бош сотиб ол, худо шоҳид, бу унга зарар қилмайди. Алекс ва Тони қирол бўлишга қанчалик уринишмасин, мен сизларни таламоқчи эмасман.

Ака-укалар уни аравагача кузатиб қўйишди, жулдурвоқи кўринишда бўлишларига қарамай, тавозе билан унинг ўриндиққа чиқиб олишига ёрдамлашишди, асл Фонтейнларга хос қувноқлик ва самимийлик билан ҳазиллашишди, бироқ Скарлетт Мимозани тарк этаётганида кўз ўнгида уларнинг қашшоқлашиб бораётгани намоён бўлди ва эти жунжикиб кетди. Унинг ўзи ҳам қашшоқлик ва зиқналикдан беҳад толиққан эди! Эртанги кун учун бир бурда ноннинг ташвишини қилмай фаровон яшаётган одамларни кўриш нақадар ёқимли!

Кэйд Калверт ўз уйига, Қарағай Чодирларига қайтиб келибди, Скарлетт ўтган саодатли замонларда тез-тез рақсга тушган эски уйнинг зиналаридан кўтариларкан, Кэйднинг юзига қараб, унда ажал соясини кўрди. Кейд ниҳоятда озиб-тўзиб кетган, тиззаларига қалин жун рўмолни ташлаб, офтобда оромкурсига ўзини ташлаб ўтирар ва тинмай йўталарди, бироқ Скарлеттни кўриб, унинг юзи ёришиб кетди. У Скарлеттга пешвоз чиқишга

уринаркан, кўкрак қафасимнинг қаеридир шамоллаган, деди у. Ёмғир остида ҳаддан ташқари кўп ётиб ухлашга тўғри келарди. Лекин тез орада у тузалиб кетади ва ҳамма қатори ишга киришади.

Уларнинг овозини эшитиб, Кетлин Калверт уйдан айвонга чиқди. Унинг кўзлари акасининг елкаси оша меҳмоннинг кўзлари билан тўқнашди ва Скарлетт уларда аччиқ ҳақиқат ва умидсизликни кўрди. Кэйд, эҳтимол тушунмаётгандир, аммо Кэтлин тушунарди. Қарағай Чодирлари қаровсиз ҳувиллаб ётар, бегона ўт босиб кетган, далаларда қарағай ниҳоллари ўсиб чиқа бошлаган, уй эса ташландиқ аҳволда, палапартиш эди. Кэтлиннинг ўзи эса озиб-тўзиб кетган, оёқда зўрға турарди.

Кэтлин билан Кэйд бу бўм-бўш, ғалати гувиллайдиган уйда ўзларининг ўгай оналари, тўртта қондош синглиси ва Хилтон – бошқарувчи-янки билан бирга яшарди. Скарлетт отасининг бошқарувчиси Жонас Уилкерсонни қанчалик ёмон кўрса, Хилтонни ҳам шунчалик ёмон кўрган, ҳозир эса, Хилтон шошилмасдан унга пешвоз чиқиб, тенг тенги билан саломлашгандай кўришганида, уни баттарроқ ёмон кўриб кетди. Уилкерсонга ҳам хос бўлган ўша лаганбардорлик ва сурбетликнинг қоришмаси илгари уни бошқалардан ажратиб турарди, аммо энди – мистер Калверт ва Рейфорд урушда ҳалок бўлган, Кейд эса оғир касалга чалинган пайтда, Хилтоннинг лаганбардорлигини гўё шамол учириб кетгандай эди. Иккинчи миссис Калверт негр-хизматкорлар билан муомалада уларнинг ҳурматини қозонишнинг ҳеч уддасидан чиқолмасди, бинобарин, оқ танли хизматкор билан муносабатда ҳам эътибор қозониши даргумон эди.

– Мистер Хилтон жуда меҳрибон-да, шундай оғир кунларда бизни ташлаб кетмади, – рўйирост асабийлашиб ва ўгай қизига ишонқирамай қараб

деди миссис Калверт. – Ниҳоятда меҳрибон. Генерал Шерман бу ерга келганида у икки марта уйимизни қутқариб қолганини эшитган бўлсангиз керак, албатта. У бўлмаса нима қилардик, билмайман, ахир, бизнинг бир тийин пулимиз йўқ, Кэйд эса...

Кэйднинг заъфарон юзи қизариб кетди, Кэтлин эса узун киприкларини тушириб, лабларини қисди. Скарлетт уларни иложсиз алам бўғаётганини кўрди – бу бошқарувчи-янки олдида ўзларини қарздор ҳис қилиш осон эмасди. Миссис Калверт эса ҳозир йиғлаб юборадигандай туюларди. У яна қанақадир хатоликка йўл қўйганди. Доим ўнғайсиз аҳволга тушарди. Жоржияда йигирма йил яшаган бўлсада, у барибир жанубликларни тушуна олмади. У ҳеч қачон ўгай болаларига нимани гапирмаслиги кераклигини билмас, шу билан бирга, у нима демасин ёки нима қилмасин, улар доимо унга нисбатан бирдек мулойим, хушмуомала эдилар. У кўнглида болаларини олиб Шимолга, ота-онаси ёнига боришга ва бу калондимоғ, сирли ва ўзига ёт кишиларни ташлаб кетишга қасамёд қиларди.

Бундай ташрифлардан сўнг Скарлеттда Тарлтонларникига бориш истаги йўқолди. Тўрт ака-ука урушда ҳалок бўлган, қўрғонни ёқиб юборишганди. Тарлтонлар энди бошқарувчининг уйчасида тиқилиб яшашарди, Скарлетт уларни бориб кўришга ўзини мажбурлай олмасди. Лекин Сьюлин ва Кэррин ялиниб-ёлвориб уни кўндирмоқчи бўлишар, Мелани эса урушдан қайтган мистер Тарлтонни бориб кўрмаслик қўшничиликка тўғри келмайди, дерди, хуллас, бир якшанба куни улар Тарлтонларникига жўнашди.

Бу ташриф ҳаммасидан оғирроқ бўлди.

Вайронага айланган уйга яқинлашаркан, улар Беатриса Тарлтонни кўришди: у йиртиқ амазонкада, қўлтиғида қамчи билан отхона девори устида,

бефарқлик билан бўшлиққа қараб ўтирарди. Қийшиқоёқ, пакана, қора танли йигитча – от ўргатувчи – унинг ёнида ўтирар, юзидаги ғамгинлик ифодаси Беатриса Тарлтонникидан фарқ қилмасди. Ҳар доим тойчоқлар ўйноқлаб юрадиган, зотдор, ювош ва ҳаракатлари латиф биялар турадиган қўра, мистер Тарлтон урушдан миниб қайтган яккаю ягона хачирни ҳисобга олмаса, бўм-бўш эди.

– Худога қасам ичиб айтаманки, ўзимнинг хушқомат гўзалларимдан айрилганимдан буён нима қилишни ҳам билмайман, – деди миссис Тарлтон девордан сакраб тушаркан. Четдан қараган одамга у урушда ҳалок бўлган ўғиллари ҳақида гапираётгандек туюлиши мумкин эди, бироқ Тарадан келган меҳмонлар гап отлар ҳақида бораётганини англашди. – Гўзалларимнинг бариси ҳалок бўлди. Менинг бечора Неллим ҳам! Ҳеч бўлмаса Нелли қолганида эди! Мана бу лаънати хачирдан бошқа ҳеч нарса қолмади. Лаънати хачирдан, – такрорлади у ғазаб билан чўпу устихонга айланган жониворга қараб. – Ахир, уларнинг отарида хачир боқиш – бу менинг наслдор гўзалларим хотирасини таҳқирлашку. Хачирлар – нотабиий, дурагай махлуқлар, уларни урчитишни таъқиқлайдиган қонун чиқаришса бўларди.

Ҳурпайган соқоли ўсиб кетганидан юзи таниб бўлмас даражага келиб қолган Жим Тарлтон баланд овозда олқишлар айтиб бошқарувчининг уйчасидан чиқиб келди ва хонимлар билан ўпишиб кўришди, ортидан тўрттала сариқ сочли қиз ҳам йиртиқямоқ кўйлакларда, бегона овозни эшитгач, бир тўда бўлиб ҳуриб далага отиладиган, оёқлари остида ўралашиб юрган қора ва ола кучукларга тўқиниб, югуриб чиқишди. Оила аъзолари кўрсатган бу сохта қувноқликдан Скарлеттнинг танаси музлаб кетди – бу Мимоза аҳли кўзларидаги яширин дард-аламдан

ёинки Қарағай Чодирлари узра кезиб юрган ўлим шарпасидан-да даҳшатлироқ эди.

Тарлтонлар меҳмон қизларнинг тушликка қолишларини сўраб туриб олишди, зеро, бундай ташрифлар кам учрайдиган ҳодисага айланиб қолди, бирор-бир янгиликни жуда-жуда эшитгимиз келади, ахир, дейишди улар. Меҳмон бўлиб ўтиришга Скарлеттнинг сира хоҳиши йўқ – бу оиладаги муҳит унинг дилини вайрон қилаётганди – бироқ сингиллари ва Мелани кўпроқ ўтиришни исташарди, пировардида ҳаммалари тушликка қолишди ҳамда одоб билан олдиларига тортилган гўшт ва қуруқ ловиядан оз-оз татиб кўришди.

Зиёфатнинг ночорлиги тўғрисида анча-мунча ҳазил-мутойибалар айтилди, опа-сингил Тарлтонлар ўзларининг эски кийим-бошларини қайта тикишаётгани қанча ҳийла-найранглар ишлатишга ўргатганини айтиб, шундай қотиб-қотиб кулишдики, гўё бундан кулгилироқ нарсани ўйлаб топишнинг иложи йўқдек эди. Мелани Скарлеттни лол қолдирган ҳазилкашлик билан ўзларининг Тарадаги ҳаётлари муҳтожлик ва азоб-уқубатларга тўлиб-тошгани ҳақида жўшиб ҳикоя қилганча, уларнинг гапини маъқулларди. Скарлеттнинг эса тили калимага келмасди. Уй унга сигара чекиб, қизларнинг жиғига тегиб оромкурсиларда ястаниб ўтириши лозим бўлган тўрт ака-ука – бўйлари шипга теккудек дароз Тарлтонларсиз ҳувиллаб қолгандай туюларди. Модомики, бу бўшлиқни у ҳис қилаётган экан, қўшниларига мардларча қувноқ томоша кўрсатаётган Тарлтонларнинг ўзи нимани ҳис қилиши мумкин?

Кэррин кам гапирарди, бироқ ҳамма дастурхондан турганида, у миссис Тарлтоннинг ёнига келди ва қулоғига нимадир деб шипшиди. Миссис Тарлтоннинг юзи ўзгарди, лабларидаги азобли табас-

сум йўқолди, у қўлини узатиб Кэрриннинг ингичка белидан қучди. Улар биргаликда хонадан чиқишди, Скарлетт эса энди бу деворлар орасида бир лаҳзаям қололмаслигини ҳис этиб, уларнинг ортидан эргашди. Улар йўлка бўйлаб юриб, боғдан ўтишди, шунда Скарлетт улар оила қабристони томон бораётганини кўрди. Энди уйга қайтишнинг иложи йўқ эди. Бу ниҳоятда ножўя кўринарди. Аммо Беатриса Тарлтон ўзини мардона тутишга жон-жаҳди билан уринаётган бир пайтда, онани ўз ўғилларининг мозорига судраш Кэрринга нега зарур бўлиб қолди?

Ғишт деворнинг ортида, қорамтир кедрлар остида иккита янги мармар сағана оқариб кўринарди – шу қадар янгики, ҳали ёмғир қизил тупроқни улар устига сачратиб улгурмаганди.

– Биз уларни ўтган ҳафта олдик, – ғурур билан тушунтирди миссис Тарлтон. – Мистер Тарлтон Мейконга бориб уларни извошда олиб келди.

Қабр тошлари! Улар неча пул тураркин? Дастлаб Скарлетт Тарлтонларга нисбатан ҳис қилган ҳамдардлик бирдан ғойиб бўлди. Егулик жуда қиммат, унга етишиш эса ниҳоятда қийин бир пайтда қиммматбаҳо пулни қабр тошларига сарфлайдиган кишилар ҳурматга лойиқ эмас. Боз устига ҳар бирининг устига бир неча қатор сўзлар ўйиб ёзилган. Сўзлар қанча кўп бўлса, пули ҳам шунча қиммат. Кўриниб турибдики, бутун оила ақлдан озган. Уч ака-уканинг жасадларини бу ерга олиб келиш қанчага тушган экан? Бойднинг жасадини эса топишолмаган.

Брент ва Стюартнинг қабрлари ўртасида устига: "Улар тириклигида бир-бирига меҳрибон ва суюмли эдилар, ўлганларида ҳам айрилмадилар", деб ёзилган ёдгорлик ўрнатилганди.

Иккинчи қабр тошига Бойд ва Томнинг исмлари ҳамда "Dulci et" сўзлари билан бошланадиган лотинча ёзув ўйиб ёзилганди. Лекин Скарлетт учун бу ҳеч нарсани англатмас, чунки Фейетвилл пансионида у бир амаллаб лотинчани четлаб ўтишнинг иложини топганди.

Қабр тошларига шунча пулни аямай сарфлаш! Йўқ, улар бориб турган телба! Скарлетт шу қадар хуноб бўлдики, гўё Тарлтонлар ўзларининг эмас, айнан унинг пулларини ҳавога совуришганди.

Кэрриннинг нигоҳларида эса қандайдир ғайриодатий шуъла пайдо бўлди.

– Қандай ажойиб сўзлар, – пичирлади у биринчи даҳмани кўрсатиб.

"Тушунарли, бу унинг дидига мос. Ҳар қандай ҳиссиётга берилиш унга йиғлатгудек таъсир қилади".

– Ҳа, – деди миссис Тарлтон. Унинг овозида илиқлик пайдо бўлди. – Бу бизга жуда яхши ёзувдек туюлди, ахир, улар деярли бир пайтда ҳалок бўлишган-да. Аввал Стюарт, кейин эса Брент – у акасининг қўлидан тушиб кетган байроқни кўтариб олган.

Қайтишда Скарлетт жим кетди. У ўзи борган уйларда кўрганлари ҳақида ўйлар ва беихтиёр хаёлан бу ўлка гуллаб-яшнаган ва ҳар бир хонадонда меҳмонлар, қора хизматкорлар, пуллар тўлиб-тошиб ётган ва жонбозлик билан ишлов берилган далаларда пахта баравж ўсаётган замонларга қайтарди.

"Яна бир йилдан сўнг бу далалар ёш қарағайзорлар билан қопланади, – ўйлади у далаларни ўраб олган ўрмонга қараб ва баданида титроқ турди. – Негрларсиз бу ишларни эплашимиз анча қийин бўлади. Ҳеч ким бундай катта ер майдонига негрларсиз ишлов беролмайди, кўп ер экилмай қолиб кетади, тез орада экин майдонлари ўрнида ўрмонлар кўкаради. Ҳеч ким мўл-кўл пахта етиш-

тиролмайди, унда биз қандай яшаймиз? Ер эгаларини қандай кунлар кутаётир? Шаҳар аҳолиси бир иложини қилиб турмушини йўлга қўйиб олади. Улар доим йўл топишган. Ер эгалари эса юз йил ортга, биринчи бўлиб келганлар даврига, ёғоч уйчалар, бир парча ҳайдалган ер ва ҳаётлари ўлим ёқасида бўлган замонларга улоқтириб ташланади.

"Йўқ, – хаёлидан ўтказди у қовоғини уйиб, – Тарада бундай бўлмайди. Бундай бўлгандан кўра ўзим омоч тортганим афзалроқ. Агар уларга шу маъқул бўлса, бутун теварак-атрофни, бутун штатни ўрмон қоплаши мумкин. Бироқ Тарада бунга йўл қўймайман. Мен охирги пулларимни қабр тошларига сарфлаб ўтирмайман, бой берилган урушни ўйлаб вақтимни оҳ-воҳларга сарфламайман. Негрлардан айрилиш – бу йўқотишларнинг энг ёмони эмас. Эркаклардан, ёш йигитлардан ажралиш – даҳшат. – У яна ака-ука Тарлтонлар, Жо Фонтейн, Рейфорд, Калверт, ака-ука Манролар ва ўзи ярадорлар, ҳалок бўлганлар рўйхатида исмларини ўқиган бошқа фейетвиллик ва жонсборолик ёшларни ўйлади. – Агар эркакларнинг кўпчилиги омон қолганида, биз бир иложини қилиб эплаган бўлардик, лекин...!"

Бирдан хаёлига келган янги фикрдан у ҳайратга тушди: агар у яна турмушга чиқса-чи, нима бўлади? Йўқ, бунинг унга сираям кераги йўқ. Бир марта чиққани етарли. Боз устига у турмушга чиқишни истаган ягона одам аллақачон уйланган, тирикми, йўқми, ҳали номаълум. Хўш, яна турмуш қуришни истаб қолса-чи? Ўзи кимлар тирик қолган? Унга ким уйланиши мумкин? Бу фикр уни ларзага солди.

– Мелли, – деди у, – бизнинг жанублик аёлларни энди қандай қисмат кутмоқда?

– Нимани назарда тутяпсан?

– Нимани айтган бўлсам, шуни-да. Уларнинг ҳоли не кечади? Улар турмушга чиқадиган ҳеч қим

қолмади-ку. Тушуняпсанми, Мелли, эркакларни қириб ташлашганидан сўнг Жанубий штатлардаги минглаб аёллар қариқиз бўлиб ўтиб кетишга маҳкум.

– Фарзанд ҳам кўрмай, – қўшимча қилди Мелани: масаланинг бу томони унга янада муҳимроқ кўринарди.

Афтидан, бу фикр арава тўрида ўтирган Сьюлиннинг миясига кўп келганга ўхшайди, чунки у бирдан йиғлаб юборди. Сьюлин Фрэнк Кеннедидан Рождество байрамидан буён хат-хабар олмаганди; бунга сабаб почтанинг ёмон ишлаётганими ёки шунчаки унинг туйғулари билан ўйнашаётган, уни аллақачон унутган севгилисининг бебурдлигими – билмасди. Эҳтимол, у урушнинг сўнгги кунларида ҳалок бўлгандир, бу, шубҳасиз, Сьюлин учун уни ташлаб кетгандан кўра афзалроқ бўларди. Ташлаб кетилган қиз ҳеч нарсага муяссар бўлмаган бир пайтда ҳалок бўлган маҳбубнинг ҳасратда қолган қайлиғи, ҳеч қуриса, муайян бир нуфузга эга бўларди – Кэррин ва Индия Уилкс эришган обрў-эътиборга ўхшаш.

– Э, Худо ҳақи, бас қил! – хитоб қилди Скарлетт.

– Ҳа, сенга гапириш осон! – пиқ-пиқ йиғларди Сьюлин. – Сен турмушга чиққансан, боланг бор, кимдир сени севганини ҳамма билади. Менга осонми? Бу менинг айбим эмаслигини тушунсанг ҳам, юзимга қариқиз эканлигимни айтиб, пасткашлик қиласан! Бу разиллик!

– Қани, жим бўл! Биласан-ку, нуқул ҳиқиллайдиганларга тоқат қилолмайман. Ўзинг яхши биласан, бизнинг қария Жо – Сариқ Чаккасоқол тез орада соғ-саломат қайтиб келади ва сенга уйланади. Чунки у шунга муносиб даражада овсар. Мен шахсан бундай эрга теккунча, қариқиз бўлиб ўтишни афзал кўрган бўлардим, бу энди бошқа гап.

Бир муддат арава ичида жимлик ҳукм сурди. Кэррин беихтиёр унинг қўлини силаганча паришонхотирлик билан опасига тасалли берарди. Хаёли эса узоқда – уч йил илгари Брент Тарлтон билан отда сайр қилган ўрмон сўқмоғида эди – кўзларида эса ғалати, беҳад хурсандлигини ифодалаган шуъла пайдо бўлди.

– Эҳ, – ғамгин хўрсинди Мелани, – Жанубни бизнинг ажойиб йигитларимизсиз тасаввур қилолмайман. Агар улар тирик бўлганида, Жануб нақадар гуллаб-яшнарди! Биз улардай жасур, ҳаракатчан ва ақлли бўлмоғимиз керак, Скарлетт. Ҳаммамиз, кимнинг ўғли бўлса, ўтганларнинг ўрнини босишга муносиб қилиб, улардай довюрак қилиб ўстиришимиз лозим.

– Улардай одамлар энди ҳеч қачон бўлмайди, – аста гапирди Кэррин. – Ҳеч ким уларнинг ўрнини боса олмайди.

Кейин бутун йўл давомида улар бошқа гаплашишмади.

Бир неча кун ўтгач, шом маҳали Кэтлин Калверт Тарага келди. У хачирда – бу қадар аянчли, оёғи оқсоқ, қулоқлари шалпайган махлуқни Скарлетт онадан туғилиб кўрмаган – аёллар эгарига ўтириб келди, Кэтлиннинг ўзи ҳам ранги ўчган йўл-йўл қоғоз матодан тикилган кўйлакда – илгарилари бу матодан фақат хизматкорларга кийим-бош тикиларди – ияги остидан каноп билан боғлаб қўйиладиган шляпада жуда хунук кўринарди. У уйга етиб келди, лекин хачирдан тушмади. Қуёшнинг ботишини томоша қилиб эшик олдида турган Скарлетт билан Мелани зинадан тушиб, унга пешвоз чиқишди. Скарлетт уларни кўргани борганда Кэйднинг ранги қанчалик заҳил бўлса, Кэтлин ҳам шундай рангпар эди. Унинг бўздай оқарган жиддий юзи чинни ниқоб каби қотиб қолган ва гўё у сукут сақлашга қасам ичгану бир

оғиз сўз билан қасамни бузишдан қўрқаётгандек туюларди. Бироқ у хачир устида тик ўтирар, бошини баланд тутиб турарди.

Бирдан Уилксларникидаги зиёфат ва улар қандай қилиб Ретт Батлер ҳақида пичирлашгани Скарлеттнинг ёдига тушди. Ўша куни Кэтлин кўпириб турган ҳаворанг кўйлакда белига хушбўй атиргуллар қадаб, бандлари келишган тўпиқларини айлантириб кўндалангига кесиштириб боғланган кичкина қора духоба туфличаларда нақадар соғлом, ранги тиниқ ва чиройли, беғубор ва гўзал эди.

Хачир устида тош қотган бу қоматда бурунги латофатли қиздан асар ҳам қолмаган эди.

– Йўқ, кириб ўтирмайман, раҳмат, – деди у. – Мен фақат сизларга турмушга чиқаётганимни хабар қилиш учун келдим.

– Қандай қилиб?

– Кимга?

– Кэти, қандай зўр янгилик!

– Тўй қачон, ахир?

– Эртага, – деди Кэтлин, унинг овозидаги нохуш оҳанг уларнинг чеҳрасидаги шодон табассумни супуриб ташлади. – Мен эртага Жонсборода никоҳдан ўтишимни... ва бирортангизни тўйга таклиф қилмаслигимни айтиш учун келдим.

Улар Кэтлинга ҳайрон бўлиб қараб туришаркан, бу хабарни жимгина эшитишди. Ниҳоят Мелани гап бошлади.

– У бизга таниш одамми, азизам?

– Ҳа, – жавоб берди Кэтлин. – У мистер Хилтон.

– Мистер Хилтон?

– Ҳа, мистер Хилтон, бошқарувчимиз.

Скарлетт сал бўлмаса "Вой!" деб қичқираёзди, бироқ Кэтлин Меланига нигоҳини қадаб, бирдан паст, умидсиз оҳангда деди:

– Мелли, агар сен йиғласанг, мен бунга чидаёлмайман! Мен ўламан!

Мелани бошини хам қилиб жим турар ва узангидаги бесўнақай қўлаки бошмоқ кийган оёқни силарди, холос.

– Мени силашнинг ҳожати йўқ! Мен бунга ҳам бардош беролмайман.

Меланининг қўли тушиб кетди, аммо у бошини кўтармади.

– Бўпти, мен кетдим. Шунчаки сизларга хабар қилмоқчи эдим. – Кэтлин жиловни тортди, унинг юзи яна оқ чинни ниқобга айланди.

– Кэйд қалай? – сўради буткул шошиб қолган Скарлетт, оғир жимликни чор-ночор бузишга уриниб.

– У ўляпти, – деди қисқа қилиб Кетлин. Овози совуқ ва лоқайд жаранглади. – У мен учун ташвиш тортмаслиги, вафот этганида ёлғиз қолмаслигимни, менга ғамхўрлик қилишларини тушунган ҳолда хотиржам жон бериши учун кучим етганча қўлимдан келган ҳамма ишни қиламан. Гап шундаки, ўгай онамиз болалари билан эртага жўнаб кетади. Хўп, майли, мен кетишим керак.

Мелани бошини кўтарди ва Кэтлиннинг кескин нигоҳига дуч келди. Меланининг кўзлари ачиниш ва ҳамдардлик ҳисси билан тўла эди, узун киприкларида эса ёш ялтирарди, ва бирдан аччиқ табассумдан – оғриқдан йиғлаб юбормасликка уриниб жасурлик кўрсатаётган ёш боладай – Кэтлиннинг лаблари буришиб кетди. Буларнинг таъсирида Скарлеттнинг боши айланди: у Кэтлин Калверт бошқарувчига турмушга чиқяпти, деган фикрни ҳечам сингдира олмасди. Кэтлин Калверт, бадавлат ер-мулк эгасининг қизи, графликдаги ҳеч бир қизда бўлмаган, Скарлеттнинг ўзини ҳисобга олмаганда, албатта, ошиғу шайдолари жуда кўп бўлган Кэтлин.

Кэтлин эгилди, Мелани оёқ учига кўтарилди. Улар ўпишдилар. Кейин Кэтлин жиловни қаттиқ силтаб тортди ва қари хачир жойидан қўзғалди.

Мелани унинг ортидан қараб турар, юз-кўзларидан дув-дув ёш оқарди. Скарлетт ҳалиям ҳайратдан ўзига келолмасди.

– Мелли, у ақлдан озганми? Қандай қилиб у уни севиб қолиши мумкин?

– Севиб қолиш? Вой худойим, Скарлетт, миянгга қандай бўлмағур фикрлар келади-я! Оҳ, бечора Кэтлин!.. Бечора Кэйд!

– Қўйсанг-чи! – хитоб қилди бу нарсалар ғашига тега бошлаган Скарлетт. Меланининг негадир доим ҳодисалар моҳиятини ундан кўра чуқурроқ англай олиши Скарлеттга алам қиларди. Кэтлиннинг унаштирилиши кутилмаган тасодифлиги билан уни лол қолдирган, бироқ мутлақо қандайдир фожеа бўлиб кўринмаганди. Албатта, янкига, оқ танли палидга турмушга чиқиш – бу катта хурсандчилик эмас, аммо бўй етган қиз далада ёлғиз яшай олмайди, ахир, ер-мулкни бошқаришга ёрдам берадиган эр керак.

– Яқинда мен сенга худди шу ҳақда гапирган-дим, Мелли. Энди қизларнинг қаллиғи йўқ, энди дуч келган одамга турмушга чиқишларига тўғри келади.

– Улар эрга тегишлари мутлақо шарт эмас, ахир. Эрга тегмай қолишнинг ҳеч қандай уят жойи йўқ. Ҳеч бўлмаса Питти амма бир мисол бунга. Худойим, ҳа, мен учун бундай никоҳдан кўра ўлим афзалроқ! Имоним комилки, Кэйд учун ҳам Кэтлиннинг ўлимини кўриш осонроқ кечарди. Бу Калвертлар авлодининг интиҳосидир. Ўзинг ўйлаб кўр, у кимга... уларнинг болалари қанақа бўлади! Қулоқ сол, Скарлетт, Поркка тезроқ отни эгарлашни буюр! Кэтлиннинг ортидан югур, унга айт – яхшиси у бизникига кўчиб ўтсин.

– Яна нима? – қичқирди Скарлетт Меланининг ўйлаб-нетиб ўтирмай унинг уй-жойига хўжайинлик қилаётганидан лол қолиб. Скарлеттда яна бир қоринни тўйғизишга зиғирчаям хоҳиш йўқ эди. У бу ҳақда ҳаммага ошкора эълон қилишга аллақачон тайёр эди, бироқ Меланининг қайғули юзидаги нимадир уни ўзини тутишга мажбур қилди. – Ахир, у рози бўлмайди, Мелли, – масалага бошқа томондан ёндошди у. – Ўзинг тушунасан. У жудаям мағрур, унинг учун бу таклифни қабул қилиш садақа олиш билан баробардир.

– Ҳа, сен ҳақсан. Сен ҳақсан! – ғўлдиради дили хуфтон бўлган Мелани мўъжазгина қизғиш чанг тўзони йўлга чўкаётганига қараб тураркан.

"Сен бу ерда неча ойлардан буён яшаяпсан, – қовоғини уйиб ўйлади Скарлетт қайнэгачисига кўз ташлаб. – Ахир, аслида ўзинг ҳам мендан садақа олаётганинг бир мартаям ақлингга келгани йўқ. Ўйлайманки, ҳеч қачон келмайдиям. Сенга ўхшаганларни ҳатто уруш ҳам ўзгартиролмади. Сен худди ҳеч нарса содир бўлмагандек, гўё биз ҳали ҳам боймизу, худди Крез каби озиқ-овқатни қаерга қўйишни билмаётган ва қанча одам бизникида меҳмон бўлиб туришининг бизга аҳамияти йўқдек фикрлайсан ва иш тутасан. Ва, афтидан, сен умрингнинг охиригача менинг елкамда ўтирадиганга ўхшайсан. Аммо, ташаккур, қўшимчасига Кэтлин ҳам бизникига келиши шарт эмас!"

XXX боб

Сулҳдан кейинги ўша жазирама ёз ойларида Тара хилват оролча бўлмай қолди. Ой сайин далалар орқали қўрқинчли, соч-соқоли ўсиб кетган, жулдур кийимлардаги қўриқчисифат, оёқлари қонталаш одамлар оқими қуйилиб келарди; улар қизил тепа-

ликдаги уйга чиқиб, соялама айвонга ўтириб олиб, егулик ва жой беришларини ёлвориб сўрашарди. Конфедератлар армиясининг аскарлари уйга қайтишаётганди. Жонстон ўз армиясининг тирик қолган аскарларини темир йўл орқали Шимолий Каролинадан Атлантага кўчириб, уларни ўша ерга туширди ва улар ўз сафарларини пиёда давом эттиришди. Генерал Жонстон аскарлари тўлқини тинганда, унинг изидан Виргиния армиясининг ҳолдан тойган кекса аскарлари, уларнинг ортидан – ғарбий қўшинлар аскарлари бирин-кетин кела бошладилар; ҳамма жанубга, ўз уйларига, балки улар энди йўқдир, ўз оилаларига, балки улар аллақачон дунё бўйлаб тарқалиб кетган ёхуд ерга қўйилгандир, интиларди. Деярли ҳамма пиёда, омадлироқлар эса чўп-устихон бўлиб кетган отлар ёки хачирларда қайтишарди. Капитуляция шартларига биноан уларни сақлаб қолишга рухсат берилганди, аммо шўринг қурғур жониворлар шу қадар озиб-тўзиб кетган эдики, бирортаси узоқ Флоридагача ёки Жанубий Каролинагача етиб боролмаслиги тажрибасиз одамга ҳам кундай равшан эди.

Уйга! Уйга! Аскарларнинг ўй-хаёлини фақат шу фикр эгаллаганди. Баъзи бир аскарлар дамдуз, ғамгин, бошқалари эса қувноқ, қалблари йўқотишлардан нафратга тўла эди, бироқ уларни ҳам, буларни ҳам битта фикр қувватлаб турарди: урушга барҳам берилди, биз уйга қайтяпмиз. Камдан-кам одамлар енгилиш аламини тортарди. Бу аёллар ва кексалар чекига тушди. Аскарлар тап тортмай мардона жанг қилдилар ва мағлуб бўлдилар, энди эса фақат бир нарсани: ўзлари жанг олиб борган мамлакат байроғи остида тинч деҳқончилик юмушларига қайтишни истардилар.

Уйга! Уйга! Улар бошқа ҳеч нарса ҳақида – на жангу жадал, на жароҳатлар, на асирлик, на келажак

ҳақида гапира оларди. Вақт ўтиб улар урушни хотирлай бошлайди ва ўз фарзандлари, набираларига жанглар, ҳужумлар, босқинлар, кулгили воқеалар, очарчилик, жароҳатлар, жадал юришлар ҳақида сўзлаб беришади... Аммо ҳозир эмас. Бирининг қўли, бошқасининг оёғи, учинчисининг кўзи йўқ эди ва деярли ҳаммасида, мабодо етмиш ёшгача яшай олишса, намгарчиликда симиллаб оғрийдиган чандиқлар бор эди, лекин ҳозир бу улар учун аҳамиятсиздек туюларди. Бу ёғига энди ҳаёт бошқача давом этади.

Ҳаммага бир нарса хос эди – кексалар ва ёшлар, сергап ва камгаплар, бадавлат ер эгалари ва силласи қуриган камбағаллар – дизентерия ва бит балосидан бирдай азоб чекарди. Битлиқилик конфедерат аскарларининг шу қадар ажралмас ҳамроҳига айлангандики, улар беихтиёр, ўйлаб ўтирмай ҳатто хонимлар ҳузурида ҳам қашиниб юборарди. Дизентерияга келсак – бу касалликни хонимлар назокат билан "қонли безгак" деб аташарди – афтидан, у оддий аскардан тортиб генералгача ҳеч кимни аямаганди. Тўрт йил давомида ҳаёт-мамот орасида очлик билан курашиб яшаш ва тўрт йил давомида бадҳазм, кўпинча эскирган, аксарият ҳолда ейишга яроқсиз овқат билан кун кечириш ўз ишини қилганди: Тарадан бошпана излаб келган ҳар бир аскар ё шу дардга чалинган, ё эндигина шу дарддан халос бўлганди.

– Афтидан, бутун бир армияда бирорта ҳам соғлом ичак-чавоқли қорин топилмайдиганга ўхшайди, – Эллин ҳар қандай меъда касаллигини даволашда ажойиб таъсир кўрсатадиган мўъжизакор дори деб ҳисоблайдиган маймунжон илдизининг аччиқ қайнатмасини тайёрлаётиб, ўчоқ олдида устига тўкиб юборган Моможон зарда билан сўз қотди. – Бизнинг жентмунларни янкилар енгмаган, шунчаки уларнинг ичаклари бардош беролмаганга ўхшайди. Агар

ичаклари тўла сув бўлса, жентмун қандай жанг қила олади!?

Шундай деб у даволашдан олдин ошқозонининг аҳволи ҳақида юзаки саволлар бериб ўтирмай, бирма-бир ҳаммага қайнатма дорини ичириб чиқди, барча аскарлар эса итоаткорлик билан, баъзан афтлари буришиб кетса ҳам, эҳтимол, бу ердан узоқ юртлардаги бошқа жиддий қора юзларни ва шифобахш дори солинган қошиқ тутиб турган бошқа қатъиятли қора қўлларни эслаб, унинг дорисини ичишарди. "Ижтимоий" масалаларда ҳам Моможон худди шу тахлит қатъиятли эди ва бирорта битлаб кетган аскар Тара бўсағасидан ҳатлаб ўтмаслигини сергаклик билан кузатиб турарди. Моможон уларни қуюқ буталар орқасига олиб бориб, уст-бошларини ечиб беришларини сўрар ва бир бўлак совун, бир жом иссиқ сув бериб, кийимларини катта кир қозонда қайнатгунича, яланғоч таналарини бекитиб туришлари учун чойшаб ва адёллар билан таъминларди. Хонадон аёллари аскарларнинг нафсониятини таҳқирловчи бундай муносабатга қаттиқ қарши чиқишди, бироқ барча қаршиликлари зое кетди. Моможон, агар улар ўзларида бит борлигини кўрсалар, бундан баттарроқ таҳқирга учрашларини айтди.

Аскарлар деярли ҳар куни плантацияда пайдо бўла бошлагач, Моможоннинг ўзи норози бўла бошлади: у аскарларни ётоқларга киритишни истамасди. Бирорта чаққон бит ўткир кўзларимдан четда қолади, деган қўрқув уни таъқиб қиларди. Тортишишнинг олдини олиш учун Скарлетт юмшоқ гилам тўшалган меҳмонхонани ётоққа айлантирди. Марҳума миссис Эллиннинг гиламини оёқ ости қилишларига қаршилик кўрсатиб Моможон яна шовқин кўтарди, бироқ бу сафар Скарлетт қатъий туриб олди. Ахир, аскарлар ҳам қаердадир ухлаши керак-ку. Сулҳ тузилгандан кейинги бир неча ой ичида гиламнинг

юмшоқ патлари ишқаланиб тўзий бошлади, тез орада эса эҳтиётсиз аскарнинг пошнаси ёки шпораси кўп юрган жойларда ўриш ва арқоғлари кўриниб қолди.

Ҳамма ҳар бир аскардан ютоқиб Эшли ҳақида сўрарди. Сьюлин эса ўз обрўйини сақлаган ҳолда мистер Кеннедини суриштирарди. Бироқ бирорта аскар улар ҳақида ҳеч нарса эшитмаган, боз устига, бедарак кетганлар ҳақида гапиришни унчалик исташмасди. Уларнинг омади келди, соғ-омон қолишди, шу боис ҳам номсиз қабрларда ётган ва ҳеч қачон қайтиб келмайдиганлар ҳақида ўйлагилари келмасди.

Ҳар гал Меланининг умидлари пучга чиқавергач, бутун оила унинг кўнглини кўтаришга уринарди. Йўқ, Эшли қамоқда ўлмаган, бу аниқ. Агар шундай бўлганда камоқ руҳонийси албатта уларга ёзиб юборарди. Ҳеч шубҳасиз, ҳозир Эшли уйга қайтяпти, лекин йўл узоқ-да. Ахир ҳазил эмас, ҳатто поезд билан бир неча кунлик йўл, агар у манави аскарларга ўхшаб пиёда келаётган бўлса-чи?.. "Нега у хат ёзмаяпти?" – "Лекин, азизам, почта қандай ишлаётганини биласиз-ку – темир йўл алоқаси тикланган бўлса ҳам, зўрға амал-тақал қилиб турибди". "Агар у... агар у уйга қайтаётиб, йўлда вафот этган бўлса-чи?" – "Лекин менга қаранг, Мелли, бирорта аёл, майли, ҳатто янки бўлсаям, албатта, бизга бу ҳақда хабар қилган бўларди..." – "Бирорта янки аёл? Ҳм..." – "Эҳ, Мелли, тарбияли аёллар у ёқдаям бор. Ҳа, ҳа, бор. Яратган эгам бутун бир мамлакатга ораларида бирортаям тарбияли аёли бўлмаганларни жойлаштириши мумкин эмас! Скарлетт, эслайсанми, бир куни Саратогада жуда ажойиб янки аёлни учратгандик! Ўша аёл ҳақида Меланига айтиб бер".

– Ажойиб дейсанми? Бўлмаган гап! – деди Скарлетт. – Ўша янки мендан, негрларни овлаш учун

нечта този ит сақлайсизлар, деб сўради. Мен Меллига қўшиламан. Мен ҳали бирортаям яхши янкини кўрганим йўқ – на аёлини, на эркагини. Лекин сен йиғлама, Мелли. Эшли қайтиб келади. Ахир, у узоқда, лекин балки...балки унинг этиги йўқдир.

Шу чоғ Эшлини оёқяланг тасаввур қилган Скарлетт сал бўлмаса ўзи йиғлаб юборай деди. Бошқа аскарлар оёқларига латта-путта – шолча бўлаклари ёхуд халта матосини ўраб уйга қайтишлари мумкин, аммо фақат Эшли эмас. У чиройли мундир ва ялтираган этикларда, пат қадалган шляпада қайтиши керак. Эшли ҳам мана бу аскарлар сингари хор бўлган, деб ўйлаш Скарлеттга жуда оғир ботарди.

Июль кунларининг бирида, тушдан кейин бутун Тара аҳли уйнинг орқа эшиги олдида йиғилишиб, Поркнинг полизда пишган биринчи қовунни сўяётганини қизиқиб кузатардилар, шу пайт уларнинг қулоғига хиёбонга кириладиган йўлда шағал устидан келаётган туёқ товушлари чалинди. Присси эринибгина олд эшик томон йўналди, бошқалар бу пайтда қовунни яширсакмикан ёки уни бирорта аскар келган бўлса, кечки овқатга тортсакмикан, деб қизғин баҳсга киришганди.

Мелли билан Кэррин шивирлашиб, аскарни меҳмон қилиш керак дейишар, Сьюлин ҳамда Моможон томонидан қувватланган Скарлетт эса Поркнинг қулоғига қовунни чаққонроқ яширишини айтиб вишилларди.

– Аҳмоқлик қилманглар, қизлар! Ўзимизга ҳам бир тилимдан зўрға етади, мабодо икки-учта оч аскар келаётган бўлса, унда бу қовунни биз қизил қор ёққанда кўрамиз, – деди Скарлетт.

Порк кичкина қовунни қўлида кўтариб, уларнинг қандай қарорга келишини билолмай турарди, шу пайт ҳамма Приссининг хитобини эшитди:

– Ё тавба, ё худойим! Мисс Скарлетт! Мисс Мелли! Тезроқ бу ёққа келинглар!

– Ким келди? – хитоб қилди Скарлетт ва зинадан сакраб тушиб, даҳлиздан югуриб кетди. Мелани унинг изидан югурди, кейин бошқалар чопишди.

"Эшли! – ялт этиб ўтди Скарлеттнинг миясидан. – Ёки, эҳтимол..."

– Бу Питер амаки! Питер амаки мисс Питтидан хабар келтирибди!..

Ҳамма пиллапояга югуриб чиқди ва ҳамманинг кўз ўнгида Питер амакининг – оппоқ сочли кекса ва золим ҳукмдорнинг узун қадди-қомати намоён бўлди. Кенг қора юзларда акс этган одатдаги хотиржам қадр-қиммат ифодаси эски қадрдонлар билан учрашув натижасида пайдо бўлган ҳаяжонга жангсиз ён бермади, пировардида Питер амакининг манглайини чуқур ажинлар кесиб ўтди, оғзи эса тишсиз қари този итники сингари табассумдан ейилиб кетди.

Ҳамма – оқлар ҳам, қоралар ҳам – зинадан унинг қаршисига югуриб тушишди, ҳамма унинг қўлини қисиб, саволларга кўмиб ташлади, аммо Меланинг овози бошқаларникидан аниқроқ янгради:

– Аммажон оғриб қолгани йўқми?

– Йўқ, мэм. У ўзини бардам тутяпти, уни худо паноҳида асрасин, – жавоб берди Питер амаки ва аввал Меланига, кейин Скарлеттга шундай жаҳл билан қарадики, гарчи гуноҳлари нималигини билишмаса ҳам улар дарҳол ўзларини айбдордек ҳис қилдилар. – У тетик, бироқ сизлардан қаттиқ хафа, ёш хонимлар, агар тўғрисини айтадиган бўлсам, мен ҳам!

– Нима учун, Питер амаки! Биз қандай...

– Э, ўзингизни гўлликка солманг, гўё билмайдигандек! Озмунча хат ёздими у сизларга! Қайтиб боришларингни сўраб тинмай хат ёзарди. Мен ҳам кўр эмасман – сизлардан хат олдими тамом – ўтириб йиғлагани-йиғлаган! Демак, бу эски фермада иш

шунчалик кўпки, уйга қайтишнинг ҳеч иложи йўқ, шундайми!

– Лекин Питер амаки...

– Чумчуқ пир этса, юраги шир этадиган мисс Питтини якка-ёлғиз ташлаб кетиб шунақаям ножўя иш қиласизларми? Мисс Питти умрида ёлғиз яшамаганини мендан кўра яхшироқ биласиз-ку, ахир, ҳозир, Мейкондан қайтиб келганидан бери, қўрқувдан кечаю кундуз қалтираб ўтиради. Сизга дангал айтишимни буюрди: у, ҳеч тушунолмаяпман, қандай қилиб улар мени энг оғир кунларимда ташлаб кетишдийкан, деяпти.

– Э, бўпти, жим бўл! – Питер Тарани "эски ферма" деб атаганидан қаттиқ ранжиган Моможон унинг гапини шартта бўлиб қўйди. Шаҳарлик саводсиз негр – ферма билан плантациянинг фарқини қаердан билсин ахир! – Нима, биз "оғир кунлар"ни бошимиздан кечирмаяпмизми? Биз-чи, мисс Скарлетт ва мисс Меллисиз биз нима қиламиз, балки улар сиздан кўра бизга кўпроқ керакдир? Мисс Питти шундай оғир аҳволда экан, нима учун акасини ёнига чақирмайди?

Питер амаки унга заҳарханда назар ташлади.

– Биз, мана, неча йиллардан бери мистер Генри билан борди-келди қилмаймиз, одатларимизни ўзгартиришнинг вақти ўтди, энди бунга жуда кексалик қиламиз. – У кулгидан ўзларини зўрға тўхтатиб турган хонимларга ўгирилди. – Сизларга эса, ёш хонимлар, уят! Дўстларининг ярми ўлиб кетган, қолганлари Мейконда яшаётган, Атланта эса янки-аскарлар ва озод бўлган қашшоқ негрлар билан тўлиб-тошган бир пайтда мисс Питтини ташлаб кетдингиз.

Мелани билан Скарлетт бу қаттиқ танбеҳни итоаткорлик билан эшитишди, аммо охири ўзларини тутиб туролмай, бир-бирларининг елкаларига осилиб, қаҳ-қаҳ уриб кулиб юборишди. Қаранг-а, Питти амма уларнинг таъзирини бериш ва қайтариб олиб келиш

учун Питер амакини жўнатибди! Шундан сўнг Порк ҳам, Дилси ҳам, Моможон ҳам севимли Тараларини ҳақорат қилган одам рўйи-рост шарманда бўлганидан хурсанд бўлиб хохолаб кулишди. Жераллнинг юзига ҳам табассумнамо бир ифода ёйилди. Жаҳл билан оғирлигини бир каттакон япалоқ оёғидан иккинчисига ташлаб турган дарғазаб Питер амакидан бошқа ҳамма куларди.

– Ўзинг-чи, ўзинг нимага кераксан, қоравой? – уни мазахомуз саволга тутди Моможон. – Ўз бекангни ҳимоя қилолмайдиган даражада қартайиб қолганмисан?

Питер амакининг қалби қаттиқ озор чекканди.

– Қартайиб қолган? Мен қартайиб қолганманми? Йўқ, мэм! Мен мисс Питтини хафа қилдириб қўймайман, ҳеч қачон бунга йўл қўймаганман. Мейконга қочганимизда уни эҳтиёт қилган мен эмасмидим? У ерга янкилар келиб, қаттиқ қўрққанидан ҳар дақиқа ҳушдан кетиб йиқилганида, мен эмасми уни қўриқлаган? Уни Атлантага қайтариб олиб келган ва бутун йўл бўйи отасининг кумуш идишларини эҳтиётлаб сақлаган мен эмасми, ахир? – Ўзининг бу ҳимояловчи нутқини ирод қиларкан, Питер амаки қаддини ростлади. – Ахир, мен бу ҳақда гапирмоқчи эмасман – нима, унга ғамхўрлик қилиш менга қийинми? Мен бу масалага қандай қараш кераклиги ҳақида гапиряпман.

– Нимага – бунга... ким қарайди?

– Одамлар қарайди – мана, нима ҳақда гапиряпман. Мисс Питти ёлғиз яшаётганига одамлар қандай қарайди? Одамлар ўз ҳолича яшаётган эрсиз аёллар ҳақида ёмон гап тарқатишади, – дея сирини билдириб қўйди Питер амаки; ҳаммага аён бўлдики, унинг назарида Питти амма ҳалиям обрў-иззатини бешафқат тиллардан ҳимоя қилиш зарур бўлган ўн олти ёшли дўмбоққина ёқимли қизлигича қолган-

ди. – Мен эса шаҳарда унинг шаънига ёлғон-яшиқ гап тарқатишларини истамайман. Йўқ, мэм. Мен унинг ёлғиз яшамаслик учун уйга ижарачилар қўйишини хоҳламайман. Унга худди шундай деб айтдим. "Йўқ, – дедим мен, – қондошларингиз тирик экан, бундай бўлмайди." Фақат, кўриниб турибдики, қон-қариндошлар ундан юз ўгиряптилар. Мисс Питти – у худди гўдакдай ва...

Бу сўзларни эшитиб Скарлетт билан Мелани кулгидан қотиб қолишди ва қаттиқ пиқиллаб кулганча зинага ўтириб олишди. Ниҳоят Мелани кулгидан ёшга тўлган кўзларини артди.

– Бечора Питер амаки! Кулганим учун хафа бўлма. Тўғриси, уялиб кетяпман. Мени кечир. Бироқ Скарлетт билан мен ҳозир уйга ҳечам қайтолмаймиз. Балки мен сентябрда, пахта ҳосилини йиғиштириб олганимиздан кейин қайтарман. Наҳотки аммам бизларни уйга қайтариш учунгина бу қоқсуяк жониворни миниб шунча йўл босиб келишингга мажбурлаган бўлса?

Шундан сўнг тўсатдан Питер амакининг жағи очилиб кетди ва қоп-қора серажин юзида саросима ва қўрқув ифодаси пайдо бўлди. Чўччайган пастки лаби тошбақа бошини нажотбахш косасига қандай тортиб олса, ўшандай эпчиллик билан одатдаги ҳолига қайтди.

– Мисс Мелли, қариб қолганга ўхшайман, қарангки, нима сабабдан юборгани ёдимдан кўтарилибди, ахир, бу иш жуда муҳим эди-ку. Сизга хат олиб келганман. Мисс Питти почтага ишонмади, мендан бошқа ҳеч кимга ишонолмади...

– Хат? Менга? Кимдан?

– Гап шундаки, ҳм... Демак, мисс Питти менга шундай деди: "Питер, сен бу ҳақда мисс Меллига эҳтиёткорлик билан айт". Мен ҳам шундай айтяпман...

Мелли қўлларини кўксига қўйиб зинадан турди:

– Эшлими? Эшлими? У ўлдими?

– Йўқ, мэм! Йўқ! – жони борича додлади Питер амаки ва овози узилиб қолди. У бесаранжом бўлиб йиртиқ-ямоқ камзулининг чўнтагини титкилай бошлади. – У тирик! Мана у – хат! У уйга қайтяпти. У... Ё меҳрибон эгам, ушла уни, Моможон! Келинг мен...

– Қўлингни торт, қари эшак! – гумбурлади Моможон эси оғиб қолган Меланини йиқилиб тушгани қўймай ушлаб қоларкан. – Эҳ сен, мўминтой қари эшак! "Унга эҳтиёткорлик билан айт!" Порк, уни оёғидан кўтар... Мисс Кэррин, бошини ушлаб туринг. Уни меҳмонхонадаги диванга ётқизамиз.

Скарлеттдан бошқа ҳамма ҳушдан кетган Мелани атрофида гирдикапалак, қўрқув ичида кимдир нимадир дер, кимдир ёстиқ ва сувга югурган, уй олдидаги йўлакда ёлғиз Скарлетт ва Питер амаки қолишганди.

Скарлетт қўлидаги хатни чор-ночор силкитаётган қари негрга ҳайрат билан қараб турарди. Унинг кексайган қора юзи онаси таъзирини бераётган ёш боланики сингари аянчли тарзда буришган, ўз қадрини билиш туйғусидан асар ҳам қолмаганди.

Илк лаҳзаларда Скарлетт жойидан жилолмади, бир оғиз сўз айтолмади, миясида: "У тирик! У уйга қайтяпти!" деган сўзлар жаранглаб турса ҳам, на хурсандликни, на ҳаяжонни ҳис қилмасди – у мурдадек қотиб қолганди. Питер амакининг нолон, илтижоли овози унинг қулоғига узоқ-узоқдан келарди.

– Мейконлик Уилли Бэрр – у бизникиларга қариндош – мисс Питтига хат олиб келди. Мистер Уилли мистер Эшли билан бирга қамоқда бўлган экан. Мистер Уиллер от топиб, тезроқ етиб келибди. Мистер Эшли – у пиёда келаётганмиш...

Скарлетт хатни унинг қўлидан юлқиб олди. У мисс Питтининг ёзувини таниди, хат эса Меланига йўлланган эди, лекин бу Скарлеттни бир лаҳза ҳам

иккилантирмади. У конвертни йиртди ва мисс Питтининг мактуби ерга тушди. Мактубдан ташқари конвертда яна бир неча марта букланган, чўнтакда юраверив, титиғи чиққан, кир, четлари уринган бир варақ қоғоз бор эди, унинг устига Эшлининг қўли билан шундай ёзилганди: "Миссис Жорж Эшли Уилксга, мисс Сара – Жейн Гамильтон орқали, Атланта ёки Ўн икки Эман, Жонсборо, Жоржия".

Скарлетт титроқ қўллари билан қоғозни ёзди ва ўқиди:

"Севгилим, мен уйга, сенинг ёнингга қайтяпман...".

Унинг юзларидан шашқатор ёш оқа бошлади ва у ортиқ бир сатр ҳам ўқий олмади, юраги эса шундай дукурлаб ура бошладики, гўё ҳозир шодликдан тарс ёрилиб кетадигандай. Хатни кўксига босганча у зинапоядан учиб чиқди ва ҳамма ҳалиям бир-бирига халақит бериб, Мелани атрофида гирдикапалак бўлаётган меҳмонхона ёнидан холл орқали Эллиннинг хонасига югуриб кирди. Эшикни қаттиқ ёпиб, уни қулфлади ва йиғлаб, кулиб хатни лабларига босиб, ўзини эски, босилиб кетган диван устига ташлади.

"Севгилим, – пичирлади у, – мен уйга, сенинг ёнингга қайтяпман..."

Соғлом фикрлайдиган ҳар бир инсон, Эшли – модомики қанот чиқариб учишни уддалай олмас экан – Иллинойсдан Жоржияга бир неча ҳафтада, агар бир неча ой бўлмаса, етиб келолмаслигини англарди; бироқ шундай бўлса ҳам, хиёбон этагида бирор аскарнинг қораси кўриниб қолса, уйдагиларнинг юраги қинидан чиққудай дукиллаб урарди. Ҳар қандай соқолли дала қўриқчиси Эшли бўлиб чиқиши мумкин эди. Мабодо Эшли бўлмаган тақдирдаям, Питти амманинг Эшлидан хабар берувчи хатини олиб келаётган киши бўлиши мумкин эди. Ва бутун

хонадон аҳли – оқлар ҳам, қоралар ҳам – қадам товушлари келган заҳоти пиллапояга югурарди. Ҳарбий форма кийган кишининг кўриниши ҳаммани яйловдан, пахта даласидан, ўтин тахлаётган жойидан унинг олдига югуриб чиқишга мажбур қиларди. Хат келганидан сўнг даладаги ишлар бир муддат деярли тўхтаб қолди. Ҳеч ким, айниқса, Скарлетт, Эшли келиб қолса, уйдан ташқарида бўлишни истамасди. Ва, шубҳасиз, ўзи ишларни ташлаб қўйган бир пайтда, бошқалардан ўз юмушлари билан шуғулланишини талаб қилолмасди.

Бироқ ҳафталар ўтиб борар, Эшлидан эса дарак йўқ эди, ундан ҳеч қандай хабар келмасди, плантациядаги ҳаёт эса аста-секин изига туша бошлаганди. Ахир, соғиниб сиқилишлар ва бетоқат кутишларнинг ҳам чегараси бор-да. Аммо Скарлеттнинг юрагига йўлда Эшли бирор кулфатга учраган, деган ғулғула тушди. Рок-Айленд ниҳоятда узоқ, у эса қамоқдан заиф ва хаста ҳолида чиққан бўлиши мумкин эди. Пули йўқ, босиб ўтиши лозим бўлган ўлкаларда эса конфедератларга нафрат билан қарашарди. Унинг қаердалигини билсайди, Скарлетт унга оилани оч қолдириб бўлсада пул жўнатарди, энг сўнгги чақасигача жўнатарди, ишқилиб, у поездда тезроқ уйга қайтса бас.

"Севгилим, мен уйга – сенинг ёнингга қайтяпман".

Бу сатрларни ўқиб, шодликдан қаттиқ ҳаяжонга тушган лаҳзаларда бу сўзлар унга фақат бир нарсани англатарди: Эшли уйга, унинг ёнига қайтяпти. Кейин, бир оз совигач, Эшли унинг эмас, Меланининг ёнига қайтаётганини англади. Қувонганидан қушчадай сайраб қўшиқ куйлаб, уй ичида югуриб юрган Меланининг ёнига. Гоҳида Скарлеттнинг хаёлидан, ахир, Мелани Атлантада кўзи ёриётганда ўлиб қолиши мумкин эди-ку, деган шум фикр ўтарди. Шунда

ҳаммаси жойида бўларди. Маълум муддат ўтгач у Эшлига турмушга чиқиши ва кичкинтой Бога меҳрибон ўгай она бўлиши мумкин эди. Хаёлига шунга ўхшаш фикрлар келганда, у энди худодан мағфират сўрашга шошилмас, аслида унинг хаёлида бундай ўйлар бўлмаганига худони ишонтиришга уринмасди. У энди Яратганнинг қаҳрига учрашдан қўрқмай қўйганди.

Аскарлар уйга биттадан, иккитадан, тўда-тўда бўлиб кириб келишар, бариси оч эди. Скарлетт илож-сизликдан ўзига ўзи ҳатто чигиртка бостириб келса ҳам бу қадар қўрқинчли бўлмасди, дерди. У Жанубнинг гуллаб-яшнаган даврида томир ёйган эски меҳмондўстлик удумини – уйларига кириб ўтган бирорта одамни, у ҳоҳ аслзода, ҳоҳ оддий одам бўлсин – ўзининг ҳам, отининг ҳам қорнини тўйдирмай, тунагани жой бермай ва муносиб равишда очиқ чеҳра билан кутиб олмай жўнатиш мумкин бўлмаган удумни лаънатлади. Скарлетт илгариги ҳаёт тарзи батамом ўтган замонда қолиб кетганини тушунар, бироқ Тарада истиқомат қилувчи бошқа одамлар эса буни тушунмас, аскарлар ҳам тушунмас ва ҳар бир аскар уйда узоқ кутилган меҳмондек қабул қилинар эди.

Уй олдидан секин ўтиб бораётганлар оқими тугамас, Скарлеттнинг дийдаси эса тобора тошга айланиб борарди. Аскарлар бир неча ойга мўлжаллаб ғамланган озиқ-овқат заҳираларини, у бели букилиб етиштирган сабзавотларни, неча милялаб йўл босиб топиб келган маҳсулотларни еб қўйишарди. Бу маҳсулотлар катта қийинчилик билан топилар, янкининг ҳамёнидаги пуллар эса тез тугаб борарди. Энди ҳамёнда бор-йўғи бир нечта кўк қоғоз ҳамда икки донагина олтин танга қолганди, холос. Нега у бу оч эркаклар тўдасини боқиши керак? Уруш тугаган! Энди аскарлар кўксини қалқон қилиб унинг уйини ҳимоя қилишлари шарт эмас. Шу боис у Поркка уйда аскарлар борида дастурхонга камроқ овқат тортиш

ҳақида кўрсатма берди. Бу кўрсатма Бо дунёга келганидан сўнг ҳалиям тўла соғайиб улгурмаган Мелани ўзининг улушини аскарларга беришга Поркни мажбур қилиб, ўзига эса бир чимдим олиб қолаётганини Скарлетт сезиб қолмагунича давом этди.

– Бу қилиғингни бас қил, Мелани, – унга ҳужум қилди Скарлетт. – Сен ҳали оёқда зўрға турибсан, агар яхши овқатланмасанг бутунлай ётиб қоласан, кейин сенга қарашимизга тўғри келади. Майли, аскарлар бир оз оч қолсин. Улар бундан ўлмайди. Улар тўрт йил бунга чидашди, эндиям чидашади.

Мелани унга тик қаради ва Скарлетт биринчи марта унинг тиниқ нигоҳларида ошкора исённи кўрди.

– Эҳ, Скарлетт, мени койима! Ўз билганимча иш қилишга ижозат бер. Ҳар гал ўз улушимни бир бечорага берганимда, балки қаердадир у ёқда, Шимолда, қайсидир аёл йўлда менинг Эшлимни учратиб, у билан ўзининг тушлигини бўлишаётгандир, балки бу унга уйга, менинг ёнимга қайтиши учун куч бағишлаётгандир, деб ўйлайман.

"Менинг Эшлимни."

"Севгилим, мен уйга – сенинг ёнингга қайтяпман."

Скарлетт бир сўз демай ундан кўзини узди. Бироқ шу суҳбатдан кейин Мелани, гарчи Скарлетт аввалгидек улардан ҳар бир бўлакни қизғанаётган бўлса-да, ҳатто уйда бегоналар бўлганида ҳам дастурхонга кўпроқ егулик қўйилаётганини пайқади.

Мабодо аскарлар қаттиқ касал бўлса – бундайлар уларникига тез-тез келиб туришарди – ва юришга мажоли етмаса, Скарлетт истар-истамас кўрпа-тўшак берарди. Ҳар бир бемор боқишга тўғри келадиган ортиқча оғиз эди. Устига-устак кимдир унга қараб туриши зарур, демак, ўтоқ, ер ағдариш, полиз ишлари, девор кўтариш учун битта ишчи камаярди.

Бир куни Фейетвиллга кетаётган отлиқ киши кириш эшиги олдига оқ-сариқ мўйловли ёшгина йигитчани ташлаб кетди, бу йигитча йўл четида беҳуш ётган экан, отлиқ уни эгарга олиб, энг яқин қўрғонга – Тарага олиб келганди. Ҳамма бу йигитчани Шерман Миллежвиллга ҳужум қилганида армияга чақирилган курсантлардан бири, деб ўйлади, бироқ бирор нарсани билишнинг иложи бўлмади, чунки йигитча ҳушига келмаёқ оламдан ўтди, чўнтагидан топилган буюмлар унинг шахсини аниқлашга ёрдам беролмади.

Бу хушрўй йигитча, афтидан, аслзода оиладан бўлса керак, эҳтимол, қаердадир Жануб томонда бирор-бир аёл кечаю кундуз унинг йўлига кўз тикиб, ҳозир у қаердайкин, уйга қачон қайтаркин, деб ўйлаётгандир – худди уйга кириладиган хиёбонда кўринган ҳар бир соқолли одамга катта умид билан тикилиб қараётган Скарлетт ва Мелани каби. Улар йигитчани оила қабристонига, уч кичкина ака-ука О'Харалар билан ёнма-ён дафн этишди, Порк гўрни тупроқ билан кўмаётганида Мелани, қандайдир бегона бир одам унинг Эшлиси учун ҳам худди шу ишни қилаётгандир, деб ўйлаб дод солиб йиғларди.

Худди шу номаълум йигитча сингари Уилл Бентин ҳам уларникига келиб қолди – қуролдош дўсти уни Тарага эгарга ётқизиб олиб келганида у ҳам ҳушсиз эди. Уилл оғир зотилжамдан нобуд бўлаётганди, уни тўшакка ётқизишаркан, аёллар қўрқув ичида у тез орада оила қабристонига қўйилган номаълум аскар қисматига шерик бўлади, деб ўйлашарди. Унинг юзи Жанубий Жоржиянинг қашшоқ аҳолиси орасида тез-тез учраб турадиган, безгак касалига мубтало бўлган хастаники сингари заҳил эди, сочлари оч сариқ, ҳатто алаҳсираётганида ҳам мулойимлик ва сабр-қаноат ифодасини сақлаб қолган кўзлари оч мовий тусда эди. Бир оёғи тиззасигача ампу-

тация қилинган, қўлтиғида эса наридан-бери рандаланган таёқ. Яқинда ўзлари ерга қўйган йигитчанинг қайси бир йирик ер эгасининг ўғли эканига ҳеч ким шубҳа қилмаганидек, бу йигитнинг камбағал оиладан эканлиги ҳам ҳаммага тушунарли эди. Аёлларнинг бирортаси бу ишонч уларда қаердан пайдо бўлганини тушунтириб беролмасди. Уиллнинг ҳам соч-соқоли ўсиб кетган, кир-чир, худди уларникига келиб қолган тарбияли оилалардан чиққан жентльменлар каби уни ҳам бит босган эди. Алаҳсираганда гапирган гаплари равон эди, эгизак Тарлтонларникидан қолишмасди. Лекин улар, бирибир, наслдор отни дурагай отдан бир қарашда фарқлай олишганидек, бу ўринда ҳам Уилл улар тоифасидан эмаслигини беихтиёр – савқитабиий сезишди. Шунга қарамай, бу нарса уларга йигитнинг ҳаётини сақлаб қолиш учун бор кучларини сафарбар этишга халақит бермасди.

Шимолликлар қамоғида ўтган бир йил давомида ҳолдан тойган, ёмон ўрнашган ёғоч оёқда узоқ йўл босиб қаттиқ чарчаган Уилл Бентиннинг энди зотилжам билан курашишга мажоли қолмаганди, неча кунки алаҳсираб, ўтган жангларни қайта-қайта бошидан кечирар, инграр, жойидан туриб кетишга уринарди. Бироқ шу вақт мобайнида бирор мартаям на онаси, на хотини, на синглиси, на маҳбубасини тилга олмади, бу эса Кэрринни қаттиқ ташвишга солди.

– Ҳар бир одамнинг яқин кишиси бўлиши керак, – дерди у. – Бу одамнинг эса ёруғ оламда бирортаям туғишгани йўққа ўхшайди.

Бироқ озиб-тўзиб кетганига қарамай, унинг жисми бақувват экан, яхши парвариш қилингани эса касалликни енгишига ёрдам берди. Унинг оч мовий кўзларида борлиқни аниқ идрок этаётгани сезила бошлади ва кўзи Кэрриннинг кўзига тушди: у бе-

морнинг тўшаги ёнида тасбеҳ ўгириб ўтирар, тонгги қуёш нурлари Кэрриннинг оқ-сариқ сочларида жилваланарди.

– Демак, сиз тушимга кирмаган экансиз-да, – деди у бўғиқ, ширасиз овозда. – Сизни кўп ташвишга қўймадим, деб умид қиламан, мэм.

Унинг соғайиши қийин кечарди; кун бўйи дераза ортидаги магнолияга тикилиб жим ётар, уйда борлиги деярли сезилмасди. Кэррин уни ёқтириб қолди; йигитнинг малоллик келтирмайдиган камгаплиги унга ёқарди. Кўпинча тушдан кейинги иссиқ дамларда Кэррин унинг тўшаги ёнида узоқ вақт пашша қўриб жимгина ўтирарди.

Шу кунларда Кэррин умуман камгап бўлиб қолди: нозиккина, нимжонгина қиз кучи етадиган ишларни бажариб, шарпадек товуш чиқармай юрарди. Жуда кўп ибодат қилар, мабодо Скарлетт тақиллатмай хонасига кириб қолса, албатта Кэрринни каравоти олдида тиз чўкиб ўтирган ҳолда кўрарди. Бу манзара ҳар гал ибодат қиладиган, худога илтижо қиладиган пайтлар ўтиб кетди, деб ҳисоблайдиган Скарлеттнинг жаҳлини чиқарарди. Модомики, худо уларни жазолашни зарур деб топса, демак, уларнинг дуою илтижоларисиз ҳам иложини қилади. Скарлетт учун дин доимо муросасозлик хусусиятига эга эди. Одатда, у худонинг у ёки бу марҳамати эвазига ўзини яхши тутишга сўз берарди. Лекин худо, унинг фикрича, битим шартларини тез-тез бузиб турарди, энди эса у ўзини худо олдидаги ҳар қандай мажбуриятдан озод ҳис қиларди. Ҳар гал тушдан кейин бир оз мизғиб олиш ёхуд чойшабларни ямаш билан шуғулланиш ўрнига Кэрриннинг тиз чўкиб ибодат қилаётганини кўриб, синглим меҳнатдан ўзини олиб қочяпти, деб ғазаби қайнарди.

Бир куни кечқурун Уилл Бентинга ҳам, у тўшакдан тура бошлагач, худди шу гапни айтди ва бунга

жавобан оҳангсиз бўғиқ овозда айтилган гапларни эшитиб, ҳайратга тушди:

– Тегманг унга, мисс Скарлетт. У бундан таскин топади.

– Таскин?

– Албатта. У ойингиз учун ва унинг ҳаққига дуо қиляпти.

– "Унинг ҳаққига" деб кимни айтяпсиз?

Хира-мовий кўзлар сарғиш киприклар остидан унга ажабланмай қаради. Афтидан, ҳеч нарса Уилл Бентинни ажаблантирмас, ҳаяжонга солмасди. Балки у ҳайратланиш қобилиятини йўқотар даражада жуда кўп тасодифлар ва тасаввурга сиғмас воқеаларни кўргандир. Кичик синглиси Скарлеттга юрагини очмагани унга ғалати туюлмасди. Худди Кэррин у билан – ўзига бутунлай бегона одам билан дардлашиш мумкин, деб ўйламаганидай, у ҳам буни ўз-ўзидан тушунарли ҳолдек қабул қиларди.

– Ўз маҳбуби ҳаққига, анави йигитча – Брент ҳаққига, унинг зоти шарифи қандай билмадим, Геттисберг бўсағасида ҳалок бўлган йигитча ҳаққига.

– Ўз маҳбуби ҳаққига? – қайта сўради Скарлетт. – Қандай бемаъни гап! У ҳам, унинг акаси ҳам менга ошиқ эди.

– Ҳа, у ҳам менга шундай деганди. Графликдаги барча йигитлар сизга ошиқ бўлганга ўхшайди. Шундай эса-да, сиз уни рад этганингиздан сўнг у Кэррингга хуштор бўлган. Ахир, охирги марта уйга келиб кетганида мисс Кэррин билан унаштирилган-ку. Унинг айтишича, унга ҳеч қачон ҳеч ким ёқмаган – фақат угина ёқади, унинг ҳаққига дуо қилиш билан Кэррин таскин топади.

– Бўлмаган гап! – деди Скарлетт кўнглида енгил рашкни ҳис қилиб.

У бу озғин, елкаси букчайган, сочлари сарғиш ва нигоҳлари нурсиз одамга қизиқсиниб қаради. Мана

қандай, демак, Скарлеттнинг ўзи билишга уринмаган оила сирлари ҳам унга маълум экан. Мана, нима сабабдан Кэррин ойпараст сингари уйда тентираб юради, мудом худога илтижо қилади. Ҳечқиси йўқ, бу ўтиб кетади. Минглаб қизлар ўзларининг марҳум суюкли ёрларини унутадилар... марҳум эрларини ҳам, албатта. Ахир, Чарлздан айрилганига чидади-ку. Атлантада у уруш давомида уч бора тул қолган, шундаям эркакларга қизиқишини йўқотмаган аёлни биларди. Скарлетт Уиллга айнан шу мулоҳазаларни айтганда у бош чайқади.

– Мисс Кэррин унақа эмас, – деди у ишонч билан.

Уилл ёқимли суҳбатдош экани аён бўлди, чунки унинг ўзи кам гапирар, лекин эшитишни ва тушунишни биларди. Скарлетт у билан экин-тикин, ўтоқ қилиш, ерни юмшатиш, чўчқаларни боқиб семиртириш ва сигирларни кўпайтириш борасидаги ўз шубҳа-гумонларини бўлишар, у эса фойдали маслаҳатлар берар, чунки Жанубий Жоржияда унинг кичкина фермаси ва икки нафар негри бор эди. Энди у негрлари озод бўлганини, фермасини ёввойи ўт ва қарағай босиб кетганини биларди. Ёлғиз синглиси эса бир неча йил олдин эри билан Техасга кўчиб кетган, бошқа қариндоши йўқ, бу ёруғ оламда якка ўзи сўққабош бўлиб қолганди. Қолаверса, бу аҳволи, худди Виржинияда оёғидан айрилгани каби уни кўпам ташвишга солмаётгандай туюларди.

Кун давомидаги оғир меҳнатдан, негрларнинг жаврашлари, Сьюлиннинг зорланишлари ва кесатиқларидан кейин, Жералднинг: "Эллин қаерда?", деб тинмай сўрашларидан кейин Уилл билан суҳбатлашиб Скарлеттнинг қалби таскин топарди. Скарлетт унга ҳатто янкини қандай отганини айтиб берди ва унинг мухтасар мақтовини эшитганида ғурурланиб кетди:

– Тоза иш!

Аста-секин оиланинг барча аъзолари Уиллнинг хонасига йўл топишди, ҳамма унинг ёнига ўз ташвиши ва қайғу-ғами билан келар – ҳамма, ҳатто аввал бошда унинг юқори табақадан эмаслиги ва бор-йўғи иккита негри борлигини билиб, у билан совуқ муносабатда бўлган Моможон ҳам.

Уилл уй ичида судралиб юра бошлагач, тезда ўзига иш топиб олди – сават тўқий бошлади ва янкилар синдирган мебелларни тузатишга киришди. Бундан ташқари, у ёғочга моҳирлик билан ўйиб нақш соларди, Уэйд эса унинг ёнидан бир қадам ҳам жилмасди, чунки Уилл унга турли-туман ўйинчоқлар – бу болакайнинг ҳаётидаги биринчи ҳақиқий ўйинчоқлар эди – ясаб берарди. Уйда Уилл пайдо бўлгач, ўз ишига кетаётганлар унга Уэйд ва икки кичкинтойни хотиржам ташлаб кетар, чунки фақат Меланигина чинқириб йиғлаётган оқ ва қора чақалоқларни овутишда ундан ўтишини айтмаса, уларга бу йигит Моможондан ёмон қарамасди.

– Сиз менга ҳаддан ташқари меҳрибонлик кўрсатдингиз, мисс Скарлетт, – деди бир куни Уилл, – ахир, мен сизга ҳеч кимман, бегона одамман. Мен сизга бир дунё ташвиш келтирдим, агар қарши бўлмасангиз, бу ерда яна бир муддат яшаб, кўрсатган ғамхўрликларингиз учун бир оз бўлса-да қарзимни узгунча, қўлимдан келганча ёрдам бермоқчийдим. Бутунлай-ку қарзимни ҳеч қачон уза олмайман, бу аниқ, чунки инсон ҳаётининг баҳоси йўқ – унинг ҳақини ҳеч нарса билан уза олмайсан.

Шундай қилиб, Уилл Бентин Тарада яшаб қолди ва ўз-ўзидан Скарлеттнинг елкасидаги юкнинг катта қисми Уиллнинг қоқсуяк елкасига кўчди.

Сентябрь келди ва пахта териш мавсуми бошланди. Кузнинг илк очиқ, ҳузурбахш кунларидан бирида пешиндан сўнг Скарлетт ёнида пиллапояда ўтирган Уилл Бентин ширасиз овозда Фейетвилл

яқинида жойлашган янги пахта тозалаш машинасида пахта тозалаш учун тўланадиган ҳақ жуда юқори экани ҳақида шошилмай гапирди. Аммо бугун Фейетвиллда, унинг аниқлашича, агар от билан арава машина эгасига фойдаланиш учун икки ҳафтага бериб турилса, сарф-харажатларни чорак қисмга қисқартириш мумкин экан. Бироқ битим тузмабди – ҳаммасини Скарлетт билан маслаҳатлашишга қарор қилибди.

Скарлетт пиллапоя устунига суяниб, похол чайнаётган найнов ва қотма одамга назар солди. Шакшубҳасиз – Моможон тез-тез таъкидлаганидек – уни бу ерга худонинг ўзи юборганди; Скарлетт бир неча бор агар Уилл бўлмаса сўнгги бир неча ой ичида нима қила олардик, деб ўзидан-ўзи сўрарди. Уилл доим камгап эди, ҳеч қачон бекорга елиб-югурмас, атрофда рўй бераётган воқеаларга ортиқча қизиқиш билдирмас, аммо қўрғон аҳли ҳақида беистисно ҳамма нарсани биларди. Боз устига у тинимсиз ишларди. Жимгина, тиришқоқлик билан, ишнинг кўзини билиб ишларди. Гарчи оёғи бўлмаса ҳам у Поркдан кўра тезроқ ишларди. Поркни ҳам ишлашга мажбур қила олар, бу эса Скарлетт учун мўъжизага тенг эди. Сигирда санчиқ бошланганида, отда эса қандайдир сирли касалликдан ўлиш хавфи туғилганида Уилл на кундузи, на кечаси уларнинг ёнидан кетмади ва иккисини ҳам парваришлаб соғайтирди. Унинг талашиб-тортишиб маҳсулотни фойдали нархда сотиб, зарур маҳсулотларни арзон нархларда сотиб ола билиши Скарлеттда ҳурмат ҳиссини уйғотарди: у эрталаб отда ўттиз-қирқ килограммдан олма, ширин картошка ва бошқа сабзавотлар билан кетиб, уруғлар, бир кийимлик мато, ун ва бошқа зарур нарсалар билан қайтиши мумкин эди ва Скарлетт савдолашишга нечоғли уста бўлмасин, ўзи ҳеч қачон бунча нарса топиб келолмаслигини биларди.

Секин-секин Уилл Бентин О'Харалар оиласининг аъзосидай бўлиб қолди ва Жералднинг ётоғи билан ёнма-ён кичкина кийимхонадаги йиғма қаравотда ётиб юрди. У энди жўнаб кетиш ҳақида сўз очмас, Скарлетт эса Уилл уларни ташлаб кетишидан қўрқиб, бу мавзуни четлаб ўтишга интиларди. Гоҳида Скарлеттнинг хаёлидан, агар у паст табақадан чиқмаганида, заррача ғурури бўлганида эди, ўзи туғилиб ўсган масканга, гарчи бу маскан энди мавжуд бўлмаса ҳам, қайтиб кетган бўларди, деган фикр ўтарди. Ва шу заҳоти Уилл улар билан иложи борича узоқроқ қолишини тақдирдан астойдил ёлвориб сўрарди. Агар уйда эркак киши бўлса, яшаш нечоғли осон.

Қанийди Кэрриннинг ақли сичқонникидан сал зиёдроқ бўлганида, хаёлидан ўтказди Скарлетт, Уилл унга бефарқ эмаслигини пайқарди. Агар Уилл Кэррин билан унаштирилганида, Скарлетт ундан ниҳоятда миннатдор бўларди. Албатта, урушгача Уиллни Кэррин учун муносиб жуфт деб ҳисоблаш асло мумкин эмасди. У катта ер эгалари қавмига мансуб эмас, аммо уни ҳеч ким оқ танли қашшоқлар қаторига ҳам қўшмаган бўларди. У шунчаки грамматик хатолар билан сўзлайдиган ва ёзадиган ўртаҳол фермер бўлиб, О'Харалар назарида жентльменнинг ажралмас хусусияти – аристократларга хос ташқи орасталикдан буткул маҳрум эди. Очиғини айтганда, Скарлетт ўзига – Уиллни жентльмен деб ҳисоблаш мумкинми, деган саволни бир неча бор бериб кўрди ва мумкин эмас, деган хулосага келди. Мелани уни қаттиқ ҳимоя қиларди: юраги шундай тоза, одамларга шундай эътиборли бу инсон туғма жентльмен, дерди у. Скарлетт қизи Уиллга ўхшаган одам билан турмуш қуриши мумкин, деган фикрнинг ўзиданоқ Эллин ҳушдан кетиб йиқилиши мумкинлигини тушунар, бироқ бу ҳам Скарлеттни ташвишга солмасди: ис-

тайдими-йўқми, унга тез-тез Эллиннинг панд-насиҳатларига аҳамият бермасликка тўғри келарди.

Эркаклар кам қолган, қизлар эса кимгадир турмушга чиқиши керак-ку, ер-мулкни бошқариш учун ҳам эр кишининг қўлига эҳтиёж бор. Бироқ дуолар китобига борган сари чуқурроқ берилаётган ва кундан-кунга реал оламдан узоқлашиб бораётган Кэррин Уиллга худди акасидек илиқ муносабатда бўлар ва у Уиллга худда Поркка ўргангандай ўрганиб қолганди.

"Агар Кэрриннинг қалбида унга қилган яхшиликларим учун зиғирча миннатдорлик туйғуси бўлганида эди, – алам билан ўйларди Скарлетт, – у Уиллга турмушга чиққан ва унинг уйимиздан кетиб қолишига йўл қўймаган бўларди. Йўқ, у ўзига нисбатан ҳатто хаёлидаям ҳеч қачон ҳеч қандай жиддий фикр бўлмаган ўша ғўр йигитчани ўйлаб бир умр куйиб-ёнади."

Бироқ, нима бўлганда ҳам, Уилл уларникида яшашда давом этар – қандай сабабларга кўра, буни Скарлетт билмасди – улар ўртасидаги соф амалий муносабатлар унга ёқар ва уни мутлақо қониқтирарди. Ақлига путур етган Жералдга Уилл чуқур эҳтиром кўрсатар, аммо унинг назарида хонадоннинг ҳақиқий бошлиғи Скарлетт эди.

Гарчи бир муддат уловсиз қолишса ҳам, Скарлетт Уиллнинг отни ижарага бериш ҳақидаги фикрини маъқуллади. Албатта, бу ишдан ҳаммадан кўра Сьюлин хафа бўлди. Ахир, Уилл иш билан Жонсборо ёки Фейетвиллга жўнаётганида унга қўшилиб айланиб келиш Сьюлинга жуда завқ бағишларди-да. У Тара аёлларида қолган яхши либослардан дуч келганини кийиб, дўстлариникига ташриф буюрар, чор-атрофдан янгиликлар топиб келар ва яна ўзини таралик мисс О'Хара деб ҳис қила бошларди. У плантациядан қочиб чиқишга имкон топса буни қўлдан чиқармас,

тўшагини шахсан ўзи солаётганидан ва полизни ўзи ўтоқ қилаётганидан бехабар одамлар орасида ўзини кўз-кўз қилиш имкониятини ҳам ҳеч қачон қўлдан чиқармасди.

"Калондимоғ хонимнинг икки ҳафта уйда ўтиришига тўғри келади, – хаёлидан ўтказди Скарлетт, – биз эса, истасак-истамасак, унинг нолишларию жаврашларига чидашимизга тўғри келади".

Мелани ҳам қўлида бола билан пиллапояга чиқди, полга эски адёлни тўшади ва эмаклаб юриши учун Бони ўтқизиб қўйди. Эшлидан навбатдаги хатни олган Мелани гоҳ бахтдан гул-гул очилиб шодон хиргойи қилар, гоҳ йўл қараб беҳаловат ва паришон аҳволга тушарди. Бироқ шод-хуррам ёки маъюс аҳволда ҳам у ўзининг рангпарлиги ва озғинлиги билан кишини қўрқитарди. Гарчи соғлиги ҳечам тикланмаётган бўлса-да у ҳеч бир шикоятсиз ўзига буюрилган ишни адо этарди. Кекса доктор Фонтейн унинг касалини аёлларга хос дармонсизлик деб таърифлади ва доктор Мид билан келишган ҳолда унга умуман бола туғиш мумкин эмасди, дея таъкидлади. Доктор истиҳола қилиб ўтирмай, агар яна туғса, ўлади, деди.

– Бугун Фейетвиллда мен битта жуда ажойиб нарсани учратдим, – деди Уилл. – Сизга, хоним, буни кўриш завқли бўлади, деб ўйладим ва уни олиб келишга қарор қилдим. – Шимининг орқа чўнтагини титкилаб, Кэррин ўзи учун тайёрлаган чипта ва атрофи жўка пўстлоғи билан тўқилган коленкор ҳамённи олди ва ундан Конфедерациянинг қоғоз пулини чиқарди.

– Агар сизга Конфедерация пулида бирор қизиқарли нарса бордек туюлаётган бўлса, Уилл, унда мен асло сизнинг фикрингизга қўшилолмайман, – шартта унинг гапини кесди Скарлетт, чунки бу пулларнинг кўринишиёқ уни қаттиқ асабийлаштириб

юборарди. – Отамнинг сандиғида бу қоғозлардан уч минг доллари ётибди, Моможон эса қачондан бери елвизакни тўсиш учун чордоқдаги тешикларни улар билан ямаб беркитмоқчи. Эҳтимол, мен шундай қиларман. Ўшанда улардан бирор фойда чиқар.

– "Йўқликка юз тутган қудратли Цезарь..."[7] – ғамгин жилмайиб минғирлади Мелани. – Керакмас, Скарлетт, бундай қилма. Уларни Уэйд учун асраб қўй. У улғайганида бу билан фахрланади.

– Ҳукмдор Цезарь тўғрисида мен ҳеч нарса эшитмаганман, – сабр-тоқат билан гапирди Уилл. – Уэйд тўғрисида айтган гапингизга келсак, мисс Мелли, ахир, мен ҳам худди шу хусусда гапирмоқчиман-да. Бунинг орқа томонига кичик бир шеър ёпиштирилган. Биламан, мисс Скарлетт шеърни у қадар хушламайди, лекин менга булар унинг кўнглига ёқадигандай туюлади.

У қоғоз пулни тескари айлантирди. Пулнинг орқа томонига қўлда рангсиз бўёқ билан ёзилган бир парча ўров қоғози ёпиштирилганди. Уилл йўталиб қўйди ва шошилмай, тўхтаб-тўхтаб ўқиди:

– "Конфедерация қоғоз пулининг орқа томонига ёзилган шеър" деб аталади:

Бу нишоннинг энди қиммати йўқ,
Уни асра, дўстим – азизим;
Бу бешафқат қўл хароб этган,
Бир замонлар гўзал бўлган диёрнинг рамзи.

Майли баён қилсин ғамгин қиссасин
Ёдда тутганларга ўтган кунларни,
Қутлуғ бешигимиз – она замину
Шиддатли, оловли бўронни.

–Оҳ, нақадар ажойиб, нақадар юракка ғулу солувчи сўзлар! – хитоб қилди Мелани. – Йўқ, Скарлетт,

[7] В.Шекспир. Ҳамлет, 5-парда, 1-саҳна.

сен Моможонга чордоқдаги тирқишларни пул билан ямаб чиқишига йўл қўймаслигинг керак. Ахир, бу оддий қоғозлар эмас... шеърда нақадар тўғри айтилган ... бу қайтмас бўлиб кетган ҳаёт ҳақида хотира.

– Эҳ, Мелли, бунчалик таъсирчан бўлма. Қоғоз барибир қоғозлигича қолади, бизда эса қоғоз жуда кам, чордоқдаги тирқишлар дастидан Моможоннинг жаврашларини эшитиш жонимга тегиб кетди. Уэйд улғайганида эса, умид қиламанки, менда ҳеч нарсага арзимайдиган қоғозлар ўрнига унинг учун етарлича яшил банкнотлар топилади.

Бу суҳбат чоғида қоғоз пул билан кичкинтой Бони ўзига қаратиб, уни адёл устида эмаклашга мажбур қилаётган Уэйд бошини кўтарди ва қўли билан қуёшдан кўзларини тўсиб, хиёбон йўлига қаради.

– Бизникига яна кимдир келди, – деди у. – Яна битта аскар.

Скарлетт у томонга қаради ва одат бўлиб қолган манзарани кўрди: кулранг ва кўк – икки армиянинг ҳарбий формасидан қолган жандада соч-соқоли ўсиб кетган киши оёқларини зўрға судраб, бошини хомуш эгиб, кедрлар хиёбонидан юриб келарди.

– Аскарлар билан ишимиз битди, деб ўйловдим, – деди Скарлетт. – Буниси у қадар оч бўлмаса керак, деб умид қиламан.

– Ўйлашимча, жудаям оч, – сўз қотди Уилл.

Мелани ўрнидан турди.

– Бориб Дилсига яна бир кишилик идиш қўйишини буюрай, – деди у. – Остонадаёқ бу бечорага ташланмаслиги ва жулдур кийимларини ечиб олмаслиги учун Моможонни ҳам ушлаб туриш керак ва...

У гапининг ярмида бехосдан шундай жим бўлиб қолдики, Скарлетт беихтиёр унга қаради. Гўё уни нимадир бўғаётгандек, қўли билан томоғини ушлаб олган, бўйин териси остидаги кўк томир тез-тез ура-

ётгани кўриниб турарди. Юзи тамом оқариб кетган, қўнғир кўзлари эса ғайритабиий тарзда катталашиб, кенгайиб кетган қорачиғлари таъсирида анчайин қора туюларди.

"У ҳозир ҳушини йўқотади" – ўйлади Скарлетт ва зинадан сакраб туриб уни елкасидан қучоқлади.

Бироқ Мелани унинг қўлларини силтаб ташлади ва кўз очиб юмгунча зинапоядан югуриб тушди. У хиёбон бўйлаб товонлари ерга тегиб-тегмай қулочини ёйганча, қушдек учиб борар, ранги ўчган этаклари ҳилпирарди... Скарлетт эса бирдан ҳаммасини тушунди ва англагани унга зарба бўлиб тушди. Йиқилиб тушмаслик учун у устунга суянди ва аскар оқ-сариқ соқол босган юзини кўтариб, гўё яна бир қадам ташлашга ўзида куч тополмаётгандек туриб қолганида Скарлеттнинг юраги тўхтаб қолди. Кейин эса Мелли тушунарсиз қичқириб, бу жулдурвоқи аскар бағрига ўзини ташлаганида ва аскарнинг боши Меланининг юзига эгилганида юраги қовурғаларига тегиб, шиддат билан уриб кетди. Скарлетт ўзини унутиб, зинадан пастга отилди, аммо Уиллнинг қўли этагидан тутиб, уни тўхтатиб қолди.

– Керакмас, уларга халақит берманг, – деди у астагина.

– Қўлингизни тортинг, тўнка! Қўлингизни тортинг! Ахир, бу Эшли.

Лекин Уилл унинг этагини қўйиб юбормади.

– Ахир, у қандай бўлмасин, унинг эри, тўғрими? – мулойимлик билан деди у, чорасиз ғазаб ва беадоқ бахтдан ақлини йўқотган Скарлетт каловланиб унга қаради ва унинг кўзлари тубида тушуниш ҳамда хайрихоҳликни кўрди.

Адабий-бадиий нашр

ШАМОЛЛАРДА ҚОЛГАН ҲИСЛАРИМ

Биринчи китоб

Роман

Муҳаррир: *Одил Икром*
Бадиий муҳаррир: *Баҳриддин Бозоров*
Саҳифаловчи: *Ҳилола Шарипова*
Мусаҳҳиҳ: *Ойдиннисо*

Нашриёт лицензияси: AI №299, 2017.22.05.
Теришга берилди: 04.11.2019 й.
Босишга рухсат этилди: 24.02.2020 й.
Офсет қоғози. Қоғоз бичими: 84x108 1/32.
«Cambria» гарнитураси. Офсет босма.
Ҳисоб-нашриёт т. : 50,0.Шартли б.т.: 52,5.
Адади: 1000 нусха.
Буюртма № 175.

"PRAVO-PRESS" нашриёти компьютер
марказида саҳифаланди.
Манзил: Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани,
Амир Темур кўчаси, 25-уй.
Тел.: (+99871) 209-38-43, (+99890) 959-58-60

"YOSHLAR MATBUOTI" МЧЖда чоп этилди.
100113. Тошкент шаҳри, Чилонзор-8,
Қатортол кўчаси, 60-уй.

ISBN 9943-63-364-3